86
И 98



ИСЛОМ

ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

ИСЛОМ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

الموسوعة
الإسلامية

ENCYCLOPAEDIA OF
ISLAM

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ
ИСЛАМА

Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИСЛОМ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

1-жилд

А – Абу Комил

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти
Тошкент – 2020

УЎК: 28(031)
КБТ 86.38я2
И 98

БОШ ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Рустам Қосимов (раис), **Абдуғофур Аҳмедов, Усмонхон Алимов, Шоазим Миноваров, Убайдулла Уватов, Шовосил Зиёдов, Абдулазиз Мансур, Бахтиёр Бобожонов, Шуҳрат Ёвқочев, Зоҳиджон Исломов, Зоҳидулла Мунавваров, Нурислом Тўхлиев** (бош муҳаррир), **Аҳаджон Ҳасанов, Озодбек Алимов** (масъул котиб).

ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ:


Қуръон ва ҳадис – Абдурашид Абдуллаев, Абдуллатиф Аллоқулов, Дониёр Муродов; **Ислом ақоиди** – Саидмухтор Оқилов, Шовосил Зиёдов, Ҳабибуллоҳ Сагдиев; **Ислом фиқҳи** – Илҳом Бекмирзаев, Мавжуда Ражабова, Жўрабой Ташқулов; **Ислом тарихи** – Неъматулла Насруллаев, Муҳаммадсиддиқ Усмонов, Одил Қориев, Жамолиддин Каримов; **Ислом ва бадиий адабиёт** – Нурбой Жабборов, Мирзо Кенжабек, Ҳамидулла Болтабоев; **Ислом санъати** – Турсунали Қўзиев, Ҳабибуллоҳ Солиҳ, Ҳасан Холмуродов; **Ислом ва бағрикенглик** – Дурбек Раҳимжонов, Неъматулло Муҳамедов, Умид Кушаев; **Тасаввуф** – Олимжон Давлатов, Султонмурод Олим, Комилжон Раҳимов.

Энциклопедияда Ислом арконлари, шаръий қонун-қоидалар, муқаддас қадамжолар ва масканлар, машҳур масжидлар ва мадрасалар, ушбу диннинг тарқалиши ва равнақига улкан ҳисса қўшган буюк шахслар, жумладан, саҳоба ва тобеъинлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мутасаввиф ва азиз-авлиёлар, Қуръон ва ҳадис ҳофизлари, таниқли уламолар ҳақида алифбо тартибида тизимли мақолалар берилган. Шунингдек, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий фаолияти жамоатчиликка номаълум бўлган алоҳида шахслар тўғрисидаги қимматли маълумотлар илмий муомалага киритилмоқда.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 28(031)
КБТ 86.38я2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 28.02.2020 йилдаги 1466-сонли хулосаси асосида нашр этилди.



ISBN 978-9943-592-67-4

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2020



МУҚАДДИМА

Ислом – 1,7 миллиарддан ортиқ киши эътиқод қиладиган муқаддас дин. Глобаллашув жараёнлари технологик тараққиётда мисли кўрилмаган даражаларга кўтарилиш имкониятини яратиши баробарида, минг йиллар давомида шаклланган ва ҳаётнинг туб мазмунига айланган маънавий-ахлоқий қадриятлар таназзулига ҳам сабаб бўлмоқда. Ана шундай мураккаб ва зиддиятли бир даврда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш орқали Ислом юксак маърифатга асосланган миллатлараро ва динлараро муносабатларни қарор топтиришга хизмат қилаётгани билан ҳам оламшумул аҳамиятга эгадир.

Ислом 7-асрда Арабистон яриморолининг Ҳижоз минтақасида вужудга келиб, кенг ҳудудларга ёйилган ва мунтазам ривожланиб борган маърифатпарвар диний таълимотдир. У нафақат диний илмлар, балки дунёвий фанлар ривожига ҳам кучли туртки берди. Илк ўрта асрлардаги Шарқ уйғониш даврида аниқ ва табиий фанлар, жумладан, математика, астрономия, физика, тиббиёт, геология, минералогия, ботаника, кимё ва бошқа йўналишлар жадал ривожланди. Бу даврда юртимиздан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Ибн Сино каби жаҳонга машҳур кўплаб қомусий алломалар етишиб чиқди. Имом ал-Бухорийнинг «*Ал-Жāмиъ ас-саҳӣҳ*» номли ҳадислар тўплами Қуръони каримдан кейинги иккинчи мўътабар манба сифатида эътироф этилди. У Ислом оламида машҳур «*ас-Сиҳāҳ ас-ситта*» («*Олти ишончли тўплам*»)нинг аввалгиси бўлса, Имом ат-Термизийнинг «*Сунан ат-Термизӣ*» китоби ҳам олтиликнинг бири сифатида эътибор қозонди. Шунингдек, Ислом ҳуқуқшунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган Бурҳонуддин ал-Марғиноний, калом илмида алоҳида мактаб яратган Имом ал-Мотуридий, буюк фақиҳ Абу-л-Лайс ас-Самарқандий, тафсир, адаб ва тилшунослик илмларининг пешқадами Маҳмуд аз-Замахшарий, тасаввуфда юксак мартабаларга эришган Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмуддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам ва Сўфи Оллоҳёр ўзларининг метин эътиқоди, қимматли асарлари ва ибратли маърифий қарашлари билан Ислом таълимоти равнақига улкан ҳисса қўшдилар.

Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган юксак исломий ахлоқни қарор топтириш, Ислом руҳи билан суғорилган барҳаёт анъаналарни 21-аср шароитида муносиб давом эттириш зарурати боис Ўзбекистоннинг бугунги янги тараққиёти босқичида Ислом маънавияти ривожига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Мир Араб олий мадрасаси каби ўқув-тадқиқот ҳамда илмий-маърифий муассасаларнинг таъсис этилиши, ҳадис, калом, фиқҳ ва тасаввуф мактабларига асос солингани бу борадаги ишлар кўламининг нечоғлиқ кенг экани исботидир.

Бугун Ислом тарихи ва маданияти, унинг ақидавий устунлари ва ғоявий манбалари ҳамда у билан боғлиқ замонавий жараёнларни ўрганишга дунё миқёсида улкан аҳамият берилаётгани айни ҳақиқатдир. Бунинг амалий исботларидан бири Исломга бағишланган энциклопедиялар яратиш билан боғлиқ фаолиятда ўзини намоён этмоқда. Европа ва Осиёда бундай анъана бир асрдан зиёд тарихга эга. Бу борадаги илк энциклопедия немис тилида тузилиб, кейинчалик инглиз, француз, араб, урду ва турк тилларига таржима қилингани илмий жамоатчиликка маълум. Ислом энциклопедиясининг тўлдирилган ва қайта ишланган кейинги нашрлари бўйича ишларда дунёнинг етакчи исломшунос ва шарқшунос олимлари иштирок этди.

Аксар халқларнинг ўз Ислом энциклопедиясини яратишга бўлган интилиши тобора кучайиб бораётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Жумладан, Туркия Диёнат вақфи томонидан 1988–2013 йиллар мобайнида 44 жилдли турк тилидаги «Ислом энциклопедияси» нашр этилди. Ўзбекистонда ҳам Ислом маълумотномаси ва бир жилдли «Ислом энциклопедияси» чоп этилган. Айни пайтда ўзбек тилидаги кўп жилдли мукаммал Ислом энциклопедиясини яратиш зарурати етилиб келаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин бундай долзарб ва масъулиятли лойиҳани амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Ўзбек тилидаги ушбу «Ислом энциклопедияси»нинг мазмун-мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги анъаналаридан, мазкур соҳадаги миллий тажрибадан, мавжуд назарий материаллардан ижодий фойдаланишга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга, ушбу нашр ўзининг мазмун-моҳияти ҳамда хусусиятлари билан бундан олдин яратилган энциклопедиялардан тубдан фарқ қилади. У, маълум маънода, умуман Ислом қомусшунослигининг ўзига хос квинтэссенцияси бўлиши назарда тутилмоқда. Зеро, энциклопедиядан

дунёга машҳур исломшунослар, жумладан, Ғарб олимларининг тадқиқотлари, ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олади. Ислом дини тарқалган мамлакатлар, хусусан, аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган ўлкалар, мусулмон анклавлари ҳақидаги мақолаларга ҳам кенг ўрин ажратилади. Уларнинг ёзилишига, маҳаллий олимлар билан бирга, чет эллик етук тадқиқотчилар ҳам жалб этилади.

Энциклопедияга киритилган мақолаларнинг ёзилишида бирламчи манбаларга таяниш, илмийлик ва холислик асосий мезон қилиб олинади. Уларнинг баён услубида Исломдаги барча ҳуқуқий мактаб ва мазҳабларга ҳурмат одобига риоя қилинади.

Энциклопедия неча жилддан иборат бўлишидан қатъи назар, у ягона нашр ҳисобланади. Шунга биноан, унинг ҳар бир жилдига киритилган мақола бошқа жилдлардаги мавзулар билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Ўзаро алоқадор мақолаларда берилган маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши, тегишли мақолаларни қийналмай топишда ўқувчига ёрдам бериш мақсадида ҳавола тизимидан фойдаланилади. Йирик ва мунозарали изланишлар натижаси бўлган мақолаларга библиография илова этилади, муаллифларнинг исми шарифи кўрсатилади.

«Ислом энциклопедияси» қарийб эллик мингта мақола, атама, сўз бирикмалари, безак материаллари, харита ҳамда жадвалларни ўз ичига олади. Материалларни юқори илмий-маънавий савияда нашрга тайёрлаш мақсадида бош таҳририят ва саккизта йўналиш бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилган.

Халқимиз учун зарур бўлган ушбу нашрни тайёрлашдек долзарб ва мураккаб вазифани бажаришда исломшунос, шарқшунос, адабиётшунос, файласуф, тарихчи, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар, умуман, кенг илмий жамоатчилик фаол иштирок этади деган умиддамиз. Фурсатдан фойдаланиб, 1-жилд мақолаларини тайёрлашда қатнашган икки юзга яқин муаллиф, тақризчи ва маслаҳатчиларнинг барчасига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Ва, ниҳоят, ушбу кўп йиллик фундаментал лойиҳани такомиллаштиришга қаратилган барча холисона таклиф ва мулоҳазалар самимият билан қабул қилинади. Улар кейинги жилдларни тайёрлашда эътиборга олинади.

«ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»ДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

«Ислом энциклопедияси» (ИЭ)да мақолаларнинг номларини (сўзлар, сўз бирикмалари, атамалар, шахс исмлари ёки кунялари, мазҳаб, тариқат ва тарихий воқеаларни) имкон қадар қисқа шаклда (кўпинча бир ёки икки сўз, айрим ҳолларда бир неча сўз билан) ифодалашга ҳаракат қилинди. Улар алифбо тартибида жойлаштирилди.

Библиографик мақолаларда шахснинг исми танилган номи билан қисқа тарзда, катта ҳарфлар билан қорайтирилган ҳолда берилди. Мас.: **АБДУРРАЗЗОҚ АС-САМАРҚАНДИЙ**. Мазкур исмнинг араб ёзувидаги шакли ҳам келтирилди. Кейинги сатрда шахснинг исм, куня ва нисбалари тўлиғича келтирилди. Яъни: **Камолуддин Абдурраззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ ас-Самарқандий**. Исми ва тахаллусидан ҳосил қилинган (жуфт) номлар шундайлигича, оммага сингиб кетган кўринишда берилди. Мас.: **АБДУЛЛА АВЛОНИЙ**. Сўнг шахснинг туғилган ва вафот этган саналари (куни, ойи, йили), туғилган ва вафот этган жойи (мамлакат, шаҳар, вилоят, қишлоқ, уларнинг ўша давр маъмурий-ҳудудий бўлинишида қандай номланган бўлса, шундайлигича) берилди; зарур ҳолатларда ҳозирги номи ҳам қайд этилди. Туғилган ва вафот этган жойи, саналардан вергул (,) билан ажратилди. Мас.: **АБДУЛАЗИЗ ҚОРИ ОТА (1902, Андижон – 07.08.2006, Тошкент)**; туғилган ва вафот этган жойи айни бир жойда бўлса, у ҳолда бу маълумот ўртада ҳар икки тарафидан тире (–) билан ажратиб ёзилди. Башарти муайян сана, ёхуд туғилган ёки вафот этган жойи номаълум бўлса, сўроқ белгиси (?) қўйилди. Мас.: **АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛМУТТАЛИБ (?, Макка – 570, Ясриб)**. Дефиницияда шахснинг кимлиги, қайси ном билан машҳур бўлгани, фаолияти асосан қайси соҳага мансублигини аниқловчи сўз ёзилди (яъни, ушбу шахс нима сабабдан энциклопедияда берилаётганига урғу берилди). Мас.: ***муҳаддис, фақиҳ, саҳоба, Қуръон ёки ҳадис ҳофизи*** ва б.

Шунингдек, мақолаларда фактик маълумотларни беришга икки хил ёндашилди: биринчиси, шахснинг таржимаи ҳолидаги асосий фактлар қайд этилиб, сўнг ижодий фаолияти кенг шарҳланди; иккинчиси, маълумотлар тафсилотлари билан хронологик тарзда баён қилинди. Йирик шахслар ҳақидаги мақолалар биринчи йўл билан ёритилди. Мазкур шахс томонидан яратилган асосий илмий ишлар, қолдирилган илмий-маънавий мерос (маълумотлар санаси билан, зарур ҳолатларда тафсилотлари билан) берилди.

Бир-бирига алоқадор мақолаларда берилган маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун, шунингдек, тегишли мақолани китобхон қийналмай топишига ёрдам бериш мақсадида *ҳавола* тизимидан фойдаланилди. Ҳавола этилаётган мақола ётиқ ҳарфлар (*курсив*) билан ёзилди. Мас.: **АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ-БУХОРИЙ *(қ. ал-БУХОРИЙ, Абу Абдуллоҳ)*; АБУ БАКР АР-РОЗИЙ *(қ. ар-РОЗИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё)***.

Шунингдек, библиографик мақолалардан ташқари, энциклопедияга киритилган Қуръони карим суралари, Ислом арконлари, диний атама-иборалар, воқеа ва ҳодисалар, жой номлари, масжид-мадрасалар, қадамжолар ва ҳ.к. мавзулардаги мақолалар

сарлавҳасида, анъанага кўра, мақола номи, мақола номининг араб ёзувидаги шакли, лозим бўлганда, мавзу номига алоқадор аниқловчи маълумот ҳам келтирилди.

Ажратиб кўрсатиш учун асарларнинг номлари, воқеалар, атамалар, тушунчалар, қабила номлари, сулолалар ҳам курсивда берилди. Мас.: *Уҳуд, Бадр жанги, фиқҳ, калом, суннат, фарз, аббосийлар, усмонийлар* ва б.лар.

Ҳар бир мақоладан сўнг библиография берилди. Унда мазкур шахс, унинг ижоди ҳақида ёзилган манбалар рўйхати келтирилди. Бунда имкон қадар юртимизда нашр қилинган адабиётлар ҳам ўз аксини топди. Адабиётлар рўйхатида муаллиф, асар номи, китоб нашр қилинган жой, йил, нашриёт номи, жилд ва бетлари кўрсатилди.

Мақолада ғарбликларга мансуб шахслар исмлари учраганда, қавс ичида уларнинг лотин графикасидаги кўриниши ҳам берилди. Чунки кирилл алифбоси ажнабий номларнинг аниқ талаффузини ҳар доим ҳам бера олмаслиги мумкин.

Китобхонга қулайлик туғдириш мақсадида мақолада бирор воқеа ёки тушунча ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ҳам *ҳавола* тизимидан фойдаланилди. Унда мавзу билан боғлиқ воқеа ёки тафсилотлар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун қавс ичида ўша сўзга мурожаат қилиш кераклигини англатувчи сўз ёзилди. Мас.: ***(қ. МУОҲОД)***.

Барча сонлар араб рақамида берилди. Энциклопедияда жойни тежаш ва қайтариқлардан қочиш мақсадида кўп қўлланадиган сўзлар қисқартириб ишлатилди (бу ҳақда қисқартмалар рўйхатига қаранг).

Матнда учрайдиган асар номлари курсивда, қўштирноқ ичида берилди. Араб тилидаги асар номлари транскрипция қоидаларига амал қилиниб, мад ҳарфларини ифодаловчи *«алиф»* чўзиқ «*ā*», *«йо»* чўзиқ «*ī*», *«вов»* эса чўзиқ «*ū*» шаклида ёзилди. Мас.: ***(«Тафсӣр ал-Қуръӑн ал-ъазӣм», «Ал-Фусӯл фи-л-усӯл»).*** «Ё»йи нисбат қўшилган сўзларда ҳам «*ӣ*» белгисидан фойдаланилди. Бироқ, «ё»йи нисбат «тои марбута» билан келган сўзлар бундан мустасно. Шунингдек, араб тилидаги асар номларидаги *«я»* ва *«ю»* фонемаларини ифодалашда *«йа»* ҳамда *«йу»* ҳарфлар бирикмаси қўлланилди. Мас.: ***(«Сийар», «Муъжам аш-шуйӯх)***.

Форсий ва туркий асарлар номида (*уларнинг номлари араб тилида бўлган ҳолатларда ҳам*) ушбу қоидаларга амал қилинмади. Шу боис, форсий ва туркий тилдаги асарлар номи юқоридаги белгиларсиз ҳамда изофа қоидасига мувофиқ ёзилди. Мас.: ***(«Насойим ул-муҳаббат», «Тазкират ул-авлиё»)***. Шунингдек, асар номлари ҳамда баъзи исм, сўз ва ибораларда *«айн»* ҳарфини ифодалаш учун «ъ» белгисидан фойдаланилди. Бироқ ушбу ҳарф билан ёзилган сўз ёки ибора жумла бошида келса, мазкур белгисиз ёзилди. Мас.: ***(«Китӑб ал-ъилал»***, ***«ал-Илал»)***.

Қироати ашара, ашараи мубашшара ва ҳ.к. шунга ўхшаш иборалар ҳамда форсий-туркий тиллардаги асар номларини ёзишда китобхон чалғимаслиги учун юртимизда чоп қилинган адабиётларда қабул қилинган ҳолатлар эътиборга олинди. Шу боис, мазкур тилдаги асар номларида «ъ» белгиси сўз ўртасидаги *«айн»* ҳарфини ифода қилсагина ёзилди. Мас.: ***(«Сабот ул-ожизийн», «Китоб ул-меърожийя»)***.

Мақолаларнинг остига муаллиф исм-фамилияси қайд этиб борилди. Чет эл энциклопедияларидан олинган мақола ва материаллар берилганда, хорижлик муаллифларнинг исми сақлаб қолинди.

Мақолалар мазмунини тўлиқроқ очиш мақсадида сурат, харита ва бошқа безаклардан ҳам фойдаланилди. Бундай безаклар асосан мақола берилган саҳифада ва имкон қадар матн ичида жойлаштирилган.

Китоб охирида *«Библиография қисқартмалари»* рўйхати келтирилган. Унда мақола остида қисқа шаклда берилган адабиётлар ва муаллифларнинг тўлиқ номи, китобнинг қайси мамлакатда, қачон ва ким томонидан чоп этилгани ҳақидаги маълумот берилган.

«Ислом энциклопедияси»да қабул қилинган асосий қисқартмалар

а.	аср (рақам б-н ёнма-ён келганда)
авг.	август
ад.	адабиёт (библиографияда)
акад.	академик, академиги
апр.	апрель
араб.	арабча
ас.	асарлари
(а.с.)	алайҳиссалом
БАА	Бирлашган Араб Амирликлари
б-н	билан
ва б.	ва бошқа
ва ҳ. к.	ва ҳоказо(лар)
ваф.	вафоти
дек.	декабрь
ин-т	институт
жан.	жанубий (томонни ифода этганда)
й.	йил, йили (рақам б-н ёнма-ён келганда)
к.в.	каррамаллоҳу важҳаҳу
мас.	масалан
мил.	милодий
нояб.	ноябрь
окт.	октябрь
(р.а.)	разияллоҳу анҳу, разияллоҳу анҳо, разияллоҳу анҳум разияллоҳу анҳумо
(с.а.в.)	саллаллоҳу алайҳи васаллам
сент.	сентябрь
тахм.	тахминан, тахминий
ун-т	университет
ФА	Фанлар академияси
фев.	февраль
ш.	шаҳар(и) (шаҳар номидан кейин)
шим.	шимолий (томонни ифода этганда)
янв.	январь
қ.	қаранг
қ.с.	қуддиса сирруҳу
ҳиж.	ҳижрий
ҳ.й.	ҳижрий йил
ҳоз.	ҳозирги

ИСЛОМ


Ислом (араб. الإسلام) – «итоаткорлик», «ўзини [Ягона] Худога топшириш» деган маъноларни англатади. И. сўзи Қуръон матнида саккиз марта учрайди ва *иймон* (араб. الإيمان) ва *дин* (араб. – الدين диний мажбуриятлар йиғиндиси) маъноларида ишлатилган. И., унга эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан, насронийликдан кейинги иккинчи ўринда турадиган монотеистик иброҳимий жаҳон динидир. И. дунёнинг ўттизга яқин мамлакатларида давлат дини деб эълон қилинган ёки расмий дин мақомига эга.

И.га эътиқод қилувчилар – *муслим* (араб. مسلم), – муаннаси *муслима* (араб. مسلمة) – кўплиги *муслимўн* (араб. مسلمون) – *муслимāт* (араб. مسلمات) деган номлар б-н аталади. Ўзбек тилида бу атамалар *мусулмон–мусулмонлар (муслима–муслималар)* деган шаклларда оммалашган.

Мусулмонларнинг умумий сони 1,7 млрд кишидан зиёддир. Уларнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 90 фоизга яқини И.нинг сунний йўналиши вакилларидан иборат, қолган қисми шиаликка мансубдир. Мусулмонлар 125 дан ортиқ мамлакатларда яшайди. Ушбу эътиқодга мансубларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва мазкур қитъа аҳолисининг 20 фоизидан ошиқроғини ташкил этади. Мусулмонларнинг қарийб 30 фоизи Африкада истиқомат қилади ва қитъа аҳолисининг деярли ярмини ташкил қилади.

Аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат мамлакатлар сони қирқтадан ортиқдир. Улар қаторига Шимолий Африка ҳамда Ғарбий Осиёнинг (Кипр, Ливан ва Исроилдан ташқари) барча мамлакатлари киради. Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ҳамда айрим бошқа мамлакатлар аҳолисининг 80 фоизидан ортиғи мусулмонлардан иборат. Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан, Малайзия ва Нигерияда – аҳолининг қарийб ярми, баъзи мамлакатлар, жумладан, Гвинея-Бисау, Камерун, Буркина-Фасо, Сьерра-Леоне ва айрим бошқа давлатларда мусулмон аҳолининг нисбати 50–80 фоиздир. Аҳолиси таркибида мусулмонларнинг сони энг кўп бўлган мамлакатлар қаторига Индонезия, Покистон ва Бангладеш киради. Шунингдек, Ҳиндистон ҳам кўп сонли мусулмон аҳолига эга мамлакат ҳисобланади. Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг мутлақ кўпчилиги ҳам мусулмонлардан иборат.

Мусулмонлар, шунингдек, Хитой, Таиланд, Эфиопия, Танзания ва Кипрда, Европанинг айрим мамлакатлари, жумладан, Сербия, Черногория, Словения, Хорватия, Босния-Герцеговина, Албания, Буюк Британия, Германия, Франция ҳамда Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари – АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Гайана, Суринам, Тринидад ва Тобагода, Австралия ва Фижи оролларида яшайдилар.



И.нинг вужудга келиши б-н боғлиқ оламшумул воқеа арафаси – 5–6-а.лар [1] Арабистон яриморолининг жан. ва шим. қисмларида мавжуд бўлган қадимий давлатлар таназзулга юз тутган даврга тўғри келади. Наботийлар, Палмира, Сабаъ ва қисман Ҳимярнинг қулаши натижасида Ҳижоз орқали ўтган қадимий карвон йўлининг транзит савдони ҳаракатлантирувчи механизм сифатидаги мақоми заифлашган. Айни пайтда мазкур йўлнинг ўртасида жойлашган Макка ш.нинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-мафкуравий аҳамияти кескин ошган.

Бу даврда кузатилган тарихий жараёнлардан яна бири араб бадавий, яъни кўчманчи қабилаларнинг кескин фаоллашгани ҳамда уларнинг ҳарбий қудрати ошгани б-н боғлиқ эди. Натижада бадавий қабилаларнинг ўтроқ минтақаларга қарши босқинлари кучайган, асосан, ўтроқ аҳоли яшайдиган саҳроларга туташ воҳалар бадавий қабилалар томонидан ишғол этила бошланган, деҳқончиликка мослаштирилган ерларнинг чорва боқиладиган яйловларга айлантирилиши жараёнлари кучайган.

Арабистоннинг халқаро мақомида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлган. Унинг шим., шарқий ва жан. ҳудудлари ўша даврнинг қудратли империялари – Византия, Эрон ва Эфиопия томонидан ишғол қилиниб, мазкур давлатлар томонидан бевосита бошқариладиган ҳудудларга айлантирилган. Айни пайтда, зикр этилган салтанатлар ўртасидаги низо ва тўқнашувлар мунтазам кучайиб, ушбу империяларнинг заиф тарафлари тобора яққолроқ намоён бўлиб борган.

Ички ва ташқи дунё б-н боғлиқ ҳолда кечган кескин жараёнлар Арабистондаги ижтимоий ҳаётга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатгани – тарихий ҳақиқат. Бу ҳол кўпгина ёзма ва оғзаки манбаларда, айниқса, И.дан ол-

динги араб шеъриятида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Унинг мазмуни мавжуд воқеликдан қониқмаслик ва тақдирдан норозилик кайфиятлари б-н лиммо-лим бўлгани тадқиқотчилар томонидан бунинг исботларидан бири сифатида талқин этилади. Буларнинг барчаси қадимги арабларнинг руҳияти ва маънавий интилишларида ҳам ўз ифодасини топган. Эски «худолар»нинг қудрати ва адолатига бўлган ишончнинг пасайиши бундай изланишларни келтириб чиқарган маънавий заруратлардан бири бўлган, деган нуқтаи назар И. тадқиқотчилари орасида кенг тарқалган. Бу даврга келиб, кўпхудоликни инкор этувчи ижтимоий гуруҳ – *ҳанифлар* пайдо бўлган. Улар бутпарастликни қоралаб, Худонинг ягоналиги ғоясини ёқлаб чиқдилар. *Иудаизм* ва *насронийлик* ақидаларини яхши билган бўлсалар-да, ўзларини мазкур динларга мансуб деб ҳисобламаганлар.

Айтиш мумкинки, 5–6-а.лардаги Арабистоннинг турли ҳудудларидаги воқеалар ушбу ўлканинг ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлаётгани ҳамда унинг ривожланишида янги босқич бошланаётганидан далолат берар эди. Ушбу босқичнинг моҳияти, *лаҳмийлар, ғассонийлар, киндийлар* ва қисман *ҳимярийлар* подшоҳликлари қулагач, кўчманчи ва ўтроқ қабилалар ўртасидаги келишувга асосланган янги шаклдаги Макка ва Ясриб каби шаҳар-давлатлар (полислар) нинг ташкил топишида ўз ифодасини топди. Бундай давлатларда *бадавийлар* устуворлик қилгани тарихий ҳақиқат бўлиб, уларнинг ҳимояси остида ўзига хос бозор-ярмаркалар тизимига асосланган ички савдо алоқалари жадал ривожланган. Бу каби кўргазмалар тўрт ой давом этиб, бу муқаддас ойлар уруш ҳаракатлари ҳаром қилинган давр деб эълон қилинган. Шунга биноан, ушбу ойларда ҳар қандай низо ва адоват қатъий тақиқланган. Бундай тақиқнинг бузилиши Аллоҳнинг ушбу сўзлари б-н қораланган: «Улар ўзларининг атрофларидаги одамлар қирғинга учраб турган бир пайтда, Биз (Маккани) осойишта ҳарам қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?» *(«Анкабут» сураси, 67-оят)* [2]. Бундай қулай иқтисодий ва сиёсий омил янги шаҳар-давлатларнинг шаклланишини фаоллаштирди. Шубҳасиз, қадимий Макка бундай марказларнинг энг пешқадами бўлган.




Қадимги Макка

Бу даврга хос маънавий моҳиятли жараёнларда ҳам янги чизгилар ўзини намоён этиб борди. Қабилавий белгига кўра тақсимланган ва сиёсий маънода тарқоқ бўлган ички Арабистондаги бундай жараёнларнинг фаоллашуви натижасида «тақиқланган ҳудудлар»нинг (араб. الحرام)


аҳамияти ошди. Улар нафақат савдо-сотиқ, балки диний-маънавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилгани учун ҳам ижтимоий ҳаётни тартибга солиб турувчи ўзига хос механизм вазифасини ўтаган. Маҳаллий ва қабилавий диний эътиқодлар ўртасидаги рақобат айнан шундай *ҳарам*лар доирасида кечар ва бунинг натижасида айрим «диний» қарашлар таназзулга учраб, йўқликка юз тутар, бошқаларининг эса, нуфузи ошиб, умумараб диний ақида мақомини касб этиб борар эди.

Тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан мазкур даврда Арабистоннинг турли ҳудудларида кечган ижтимоий-маънавий жараёнлар, шунингдек, унинг



марказлашган давлатлардан иборат қудратли қўшнилари б-н мулоқотлари ушбу ўлка ижтимоий-маънавий ҳамда ҳарбий-сиёсий бирлашувининг ҳаётий заруратга айланганини яққол кўрсатиб турар эди. И. таълимотининг шаклланиши арафасида Арабистон яриморолидаги Макка ва Ясриб (Мадина) каби ўз даврининг йирик шаҳар-давлатлари туфайли халқаро савдонинг гуркираб ривожлангани сабабли иқтисодий ҳаёт жўшқин тус олган

эди. Шу б-н бирга, тараққиёт кўлами кенгайган сари полис тузуми давр талабларига жавоб беролмай қолаётгани аёнлашиб борди. Халқаро савдони жадал ривожлантириш ҳамда савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжлари етарли ҳарбий қудратга эга марказлашган давлат тузилмасига бўлган заруратни бениҳоя кучайтирди. Иккинчи тарафдан, бу даврда Арабистон яриморолида яшаган қабилаларнинг этник-маданий уйғунлашуви чуқурлашиб, ягона араб тилининг мавқеи мустаҳкамланиб, оғзаки ва ёзма адабиёт ҳамда ижтимоий тафаккур, жумладан, диний эътиқод шаклидаги бирлаштирувчи жараёнлар мунтазам кучайиб борар эди. И. тарихини ил-




мий-мантиқий асосда ўрганувчи тадқиқотчилар нуқтаи назарига мувофиқ, *Аллоҳ*, шунингдек, *ар-Раҳмон* номлари б-н танилган *олий илоҳ* ҳақидаги тушунчанинг тез оммалашгани мазкур заруратнинг мафкуравий моҳиятини ўзида мужассамлаштирган. Унинг тагзаминида эса ўша даврда Арабистон ҳудудида ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий тарқоқлик ва маънавий-мафкуравий зиддиятларга чек қўйиш эҳтиёжи ётган.

И. динининг пайдо бўлиши б-н боғлиқ соф исломий анъанага кўра, И. дини мутлақ илоҳий ҳодиса бўлиб, унинг моҳиятини *Аллоҳ* томонидан одамларни *ҳидоят*га (араб. الهداية), яъни ҳақиқатга йўллашга қаратилган таълимотнинг якуний шаклини охирги пайғамбар – Муҳаммад (с.а.в.) воситасида яна бир карра бутун инсониятга етказиш ташкил этади.



610 й. И. тарихида алоҳида ўрин тутади. Айнан шу йили Муҳаммад (с.а.в.) га илк бор илоҳий *ваҳий* (қ. *ВАҲИЙ*) келган. Ушбу *ваҳий* Қуръондаги *«Алақ» сурасин*инг дастлабки бешта оятини ташкил этган бўлиб, унинг матни қуйидагича: «Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса ка-

рамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди» *(«Алақ» сураси, 1-5-оятлар).* Арабча илдиз (араб. قرأ) ***қра'*** *ифодали ўқиш* ёки *ўқиш* маъноларини англатади. Қуръон атамаси мазкур ўзакдан ясалган бўлиб, кўпчилик томонидан *ўқиш (учун матн ёки битик)* [3] деган маънода талқин этилади.



Қуръонга кўра, барча пайғамбарлар яккаю-ягона Худога эътиқод қилишга асосланган битта дин – *тавҳид*ни тарғиб қилганлар. Бошқача айтганда, пайғамбарлар учун умумий бўлган яккахудолик И.дир. Пайғамбарлар орасидаги Нуҳ (а.с.) ҳамда араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони ҳисобланадиган пайғамбар Иброҳим (а.с.) ҳам инсонларни И.га, ягона Аллоҳ-

TOSHKENT MUHANDISLIK TEXNOLOGIYA INSTITUTI
86323



Ўзбекистон мусулмонлари идораси фондида сақланаётган Усмон Мусҳафи

га ибодат қилишга чақирганлар. Бундан И. таълимоти ҳам, *Аллоҳ* ва *Унинг Китоби* каби, азалий экани ва 7-а.да пайдо бўлган дин Иброҳим (а.с.) ва б. пайғамбарларга юборилган таълимотнинг янгича баёни экани ҳақидаги мантиқий хулоса чиқади. Пайғамбарлар ичида расуллари (қ. *РАСУЛ*) янги шариат б-н юборилган. Муҳаммад (с.а.в.) шариати қиёматгачага бекор бўлмайди. Демак, И. динининг пайдо бўлиши ҳақидаги диний қарашга мувофиқ дастлаб яҳудий ва насронийлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қиладиган худо – *Аллоҳ*га ишонганлар. У одамларга элчилари орқали Ўз *Китоб*ини юборган. Аммо инсонлар пайғамбарлар уларга етказган таълимотни бузганлар. Шунинг учун ҳам *Аллоҳ* Муҳаммад (с.а.в.)ни инсониятга юборилган охирги элчиси этиб танлади ва у орқали Ўзининг Каломи – Қуръонни нозил этди. Муҳаммад (с.а.в.) аввал ўз яқинлари ва ҳамшаҳарлари, сўнг араб қабилаларига мурожаат қилиб, кўпхудоликдан воз кечиш, ягона *Аллоҳ*га *иймон* келтириш, солиҳ амаллар қилиш йўли б-н боқий дунёда *жаннат*га кириш мукофотига эга бўлишга қаратилган даъват б-н чиқди.

И. таълимотининг бош манбаи Қуръон – (араб. القرآن) – бўлиб, И. таълимотига кўра, у *Аллоҳ*нинг сўзидир. Қуръон атамаси унинг эллик саккизта оятида учрайди. Шунингдек, Қуръон матнида унинг *Фурқон [4], Китоб [5], Зикр [6] ва Танзил [7]* каби номланишлари ҳам мавжуд. Зикр этилганлар Қуръоннинг энг кўп эътироф этиладиган номлари бўлиб, айрим мусулмон олимлари И. нинг муқаддас битиги номланиши саноғини тўқсондан оширадилар. Юқорида келтирилганлардан ташқари, уларнинг қаторига *Мубин (Тиниқ), Нур, Ҳуда (Тўғри йўл), Раҳмат (Раҳмдиллик), Шифо, Мавъиза, Муборак, Марфуъ (Юксак мақомли), Олий, Ҳикма (Ҳикмат), Ҳабл (Арқон), Мутаҳҳар (Тоза, Мусаффо), Сирот (Йўл, Кўприк), Мустақийм (Тўғри), Қаййим (Қимматли), Қавл (Сўз), Набаъ (Хабар), Ваҳий, Суҳуф (Ўрамлар), Баён (Тушунтириш), Илм (Билим), Ҳақ (Ҳақиқат), Ҳодий (Йўлбошчи), Урват ал-вусқа (Мустаҳкам тутқич), Сидқ (Ростлик), Адл (Адолат), Амр (Буйруқ, Кўрсатма), Мунодий (Даъват этувчи), Мажид (Шарафли), Башир (Хушхабар келтирувчи), Назир (Огоҳлантирувчи), Азиз (Қатъиятли, Қудратли)* ва б.лар киради *(қ. ҚУРЪОН)*.

Қуръон, *Аллоҳ*нинг *Ўзи* каби, азалдан мавжуд, у [инсон томонидан] яратилмаган, яъни махлуқ эмас. Қуръоннинг азалий битиклиги унинг матнида

келтирилган *Аллоҳ*нинг қуйидаги сўзлари б-н таъкидлангандир: «Айтинг: Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириш учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар» *(«Исро» сураси, 88-оят)*.



Бойсунғур Қуръонининг саҳифаси. 15-а.

Қуръон И.нинг ҳукмлари, эътиқодий талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклов ва таъқиқларини ўзида мужассамлаштирган китобдир. И.нинг ушбу ва б. масалаларга оид ҳукмлари кейинчалик Қуръоннинг *тафсир*ларида, ҳадис тўпламлари ва шариат бўйича қўлланмаларда, шунингдек, 8–12 а.ларда вужудга келган илоҳиётга оид матнларда шарҳланган ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари белгиланган.

Қуръон матни 114 [8] *сура* – қисмдан иборат. Айрим тилшунослар ушбу атамани *ҳамза* б-н айтиладиган суъратун (араб. سورة) сўзининг талаффуз учун енгиллаштирилган шакли сифатида талқин этадилар. Шунингдек, у *тўсиқ* ёки *мустаҳкам девор* маъноларини англатувчи арабча *сур* сўзидан олинган, деган нуқтаи назар ҳам мавжуд. Унга кўра, *сура* тегишли *оят*лар мажмуасини ўз ичига қамраб олган ва уларни яхлит бир бутунликка айлантирадиган *истеҳком* тарзида талқин этилади. *Сура* сўзи араб тилида бошқа маъноларни ҳам англатади. Жумладан, у *юқори мақом*, *юксалиш* каби маъноларда ҳам ишлатилади. Истилоҳий маънода *сура* муайян *оят*лардан иборат, бошланиши ва охирига эга бўлган Қуръоннинг бир бўлагини ташкил этади.

*Сура*ларнинг Қуръонда жойлашиш тартиби ҳақида И. олимлари томонидан иккита нуқтаи назар баён этилган. Биринчиси, бу тартиб *Аллоҳ*нинг иродасига кўра Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ўрнатилган, деган нуқтаи назардир. Лекин баъзилар ушбу тартиб Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин *саҳоба*ларнинг келишувига биноан ўрнатилган, деган фикр тарафдоридирлар.

Қуръон 30 порага бўлинади. *Сура*ларнинг узунлиги – турлича: энг катта *сура* – «*Бақара*», энг кичик *сура* – «*Кавсар*» ва энг узун *оят* «*Бақара*»нинг 282-*оят*идир. *Сура*лар, ўз навбатида, *оят*лардан иборат. *Оят*ларнинг бошланиши ва тугаши ҳақидаги масала Пайғамбар (с.а.в.) томонидан белгилаб қўйилган. *Оят*лар сони 6204, 6214, 6216, 6219, 6225 ва 6236 тани [9] таш-

кил этади, деган нуқтаи назарлар мавжуд. Бундай ихтилофларнинг илдизлари айрим *оят*ларнинг бошланиши ва тугашини аниқлашга бориб тақалади. Бироқ мутлақ кўпчилик олимлар *сура*ларнинг умумий сони 114 экани ҳамда *оят*лар сони – 6236, шунингдек, Қуръон матни ўзида 321250 ҳарфни мужассам этганини якдиллик б-н эътироф этадилар.

Арабча *сура* ва *оят* сўзларининг луғавий маънолари *қатор* ёки *саф* ҳамда *мўъжиза* ёки *белги*дир. Мазкур қуръоний сўзлар И.нинг бош ёзма манбаи таржима қилинган кўпчилик тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам, ўзгаришсиз арабча аслиятдаги шаклларда ўтган ва кенг омма уларнинг маъносини ҳеч бир қийинчиликсиз тўғри тушунади.

Қуръон Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га *фаришта* Жаброил (а.с.) орқали *ваҳий* шаклида *нозил* қилинган, яъни туширилган ёки етказилган: «У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) нозил қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир» *(«Нажм» сураси, 4-оят).*

Илоҳий битик – Қуръон матнининг кўп қатламли маъновий тузилиши ва луғавий мураккаблиги 7-а.нинг охирлари – 8-а.нинг бошларида унинг матнини тушунтиришга ихтисослашган *тафсир* фанининг шаклланишига сабаб бўлган. Биринчи ёзма *тафсир*нинг [10] муаллифи куфалик фақиҳ ва муҳаддис Саъид ибн Жубайр (665–714 й.) саналади. Бироқ унинг *тафсир*и сақланиб қолмаган. Бизгача етиб келган *тафсир*ларнинг энг қадимийлари 9-а.га тегишлидир.

Бугунги Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан алломалар ҳам *тафсир* илми ривожига катта ҳисса қўшиб, мусулмон дунёсида кенг оммалашган *тафсир*ларни яратганлар. Бундай алломалар қаторига Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944 й.) *(«Таъвилāт аҳл ас-сунна»)*, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий (911–985 й.) *(«Тафсīр ас-Самарқандī»)*, Маҳмуд аз-Замахшарий (1075–1144 й.) *(«Тафсīр ал-кашшāф»)*, Абу-л-Баракот ан-Насафий (1232–1310 й.) *(«Мадāрик ат-танзīл ва ҳақāиқ ат-таъвīл»)*, Мавлоно Яъқуб Чархий (1363–1447 й.) *(«Тафсири Чархий»)* ҳамда Ҳусайн Воиз Кошифий (1442–1505 й.) *(«Тафсири Ҳусайний»)* ларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Қуръон ўзбек тилида ҳам *тафсир* қилинди ва Қуръон маъноларининг ўзбек тилига таржимаси ҳам амалга оширилди. Уларнинг энг оммалашганлари икки машҳур шайх – Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳамда Абдулазиз Мансурга тегишли. Алоуддин Мансур ҳамда шайх Усмонхон Алимовнинг Қуръони карим маънолари таржима ва тафсири ҳам юртимизда анчагина кенг тарқалган. Улар охирги ўн йилликлар давомида бир неча марта катта ададларда нашр этилди. Шунингдек, Олтинхонтўра – Маҳмуд Тарозийнинг хорижда бир неча марта араб графикасига асосланган эски ўзбек тилида босилган нусхалари ҳам мавжуд. Ушбу таржима И.Абдуллаев томонидан кирилл алифбосига ўгирилиб, чоп этилган. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида Муталлиб Усмонов томонидан бажарилган академик таржима эса тугалланмай қолган ва унинг 15 параси, яъни ярми нашрдан чиққан.



И.нинг Қуръондан кейинги ўринга қўйиладиган иккинчи ёзма манбаи *ҳадис* ёки мажозий маънода *суннат* деб номланади. Шунинг учун ҳам И. манбалари ҳақида сўз юритилганда, улар ёнма-ён «*Қуръон ва ҳадис*» шаклида зикр этилади. Зеро, ушбу икки манба бир-бири б-н узвий боғланган бўлиб, ҳадислар Қуръон ҳукмларини тафсир қилади, яъни уларнинг моҳиятини тушунтиради, И.нинг бош манбаида фақат умумий тарздагина акс этган масалалар ҳадисларда батафсилроқ ёритилган *(қ. ҲАДИС)*.

Ҳадис атамаси тор маънода Муҳаммад (с.а.в.)нинг Қуръонда ўз аксини топган диний таълимот ҳукмлари, И. талаблари, мусулмон ҳаёт тарзини тушунтиришга оид билдирган фикрлари ва кўрсатмалари ҳамда ибратли амалларини ўзида мужассамлаштирган ривоятлардир. Кенг маънода эса ҳадислар нафақат Муҳаммад (с.а.в.)нинг ибратли ҳикматлари, балки унинг муайян вазиятларда қандай йўл тутгани, айрим *саҳоба*лар, тарафдорлари ва мухолифлари муносабатини, қўшни давлатлар ҳукмдорларига йўлланган мактублари ёки мурожаатлари ҳақидаги ривоятларни ҳам қамраб олади. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.)нинг мусулмонлар учун муҳим бўлган у ёки бу ҳаётий масалалар ечими ҳақидаги кўрсатмалари, ўтмишда содир бўлган воқеаларнинг тафсири ҳамда *саҳоба*ларнинг Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида Ул Зотнинг сукут орқали ифодаланган ва қўллаб-қувватлашларига сазовор бўлган сўзлари ва қилган амаллари ҳам ҳадислар тоифасига киритилади. Зеро, улар ҳам мўъмин киши одобининг намунаси саналади. Одатда *ҳадис*нинг маънодоши сифатида ишлатиладиган *сунна (суннат)* атамаси кўпроқ унинг ана шу кенгайтирилган маънодаги моҳиятини ифода этади, дейиш мумкин.



Айтиш жоизки, *ҳадис* сўзи луғавий нуқтаи назардан *ҳикоя, ривоят* [11] ва *янги* каби маъноларга ҳам эгадир. У Қуръон матнидаги Муҳаммад (с.а.в.)га қаратилган одамларнинг янги таълимотга ишончсизлик б-н қараётганидан умидсизликка тушмаслик ҳақидаги даъват маъносида учрайди *(«Каҳф» сураси, 6-оят)*. Ушбу мазмунда арабча *ҳадис* сўзи Қуръонда

бирон-бир янгиликни етказиш ёки эълон қилиш маъноларида ишлатилади. Шунингдек, у *нубувват* даври араблари ва б. халқларнинг кўпхудолик босқичидан яккахудоликка ўтиши жараёнида уларга етказилган янгиликлар мажмуасидан иборат.

Сунна (суннат) атамаси И.гача даврда шаклланган тушунча бўлиб, арабларнинг кундалик ҳаётини тартибга солиб турган мезон ва қоидалар, яъни уларнинг ҳаёт йўлини ўзида мужассамлаштирган урф-одатлар мажмуасини англатган. И. асрлар давомида шаклланган барча урф-одатларни қоралаб, ёппасига инкор этмаган, айни пайтда, уларни автоматик тарзда «ўзиники» қилиб ҳам олмаган. И.нинг бундай урф-одатларга муносабати уларнинг янги диний таълимотда тарғиб этилган одоб-ахлоқ мезонлари ҳамда маънавий қадриятлар тизимига нечоғлик мувофиқлиги б-н белгиланган. Бошқача айтганда, И. таълимотида бевосита зикр этилмаган бўлса ҳам, унинг талабларига мувофиқ келадиган ва эътиборга молик барча нарсалар мусулмонларнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўз ўрнини эгаллашга ҳақлидир. *Сунна (суннат)* атамаси Қуръонда асосан шу маънода қўлланган [12].

Ҳадисларни И.нинг бирламчи ёзма манбаларидан бири сифатидаги юксак аҳамияти сабабли – уларни жамлаш, таснифлаш ва тўпламларини яратиш, яъни *ҳадисшунослик* И. фанларининг энг муҳимлари қаторига киради. У б-н мусулмон ҳудуди бўйлаб фаолият кўрсатган минглаб олимлар шуғулланган. Улар фаолияти маҳсулининг гултожи И. тарихига *«Ал-Кутуб ас-ситта» – «Олти китоб»* номи б-н кирган. Ушбу ибора орқали Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларининг олтита энг ишончли тўпламлари назарда тутилади. Диққатга сазовор жиҳатларидан бири шундаки, Мовароуннаҳр ҳудуди *ҳадисшуносликнинг* энг нуфузли марказларидан бири бўлиб, зикр этилган олтита ишончли тўпламнинг учтаси ундан етишиб чиққан *муҳаддислар* томонидан жамланган. Бундан-да муҳимроғи, олти китобнинг саноғи умумэътироф этилган қоидага кўра, Имом ал-Бухорийнинг «*Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ*» тўпламидан бошланади ва И. дунёсида шаклланган анъанага мувофиқ у И.нинг Қуръондан кейинги ўринга қўйиладиган иккинчи ёзма манбаи сифатида эъзозланади.

Мовароуннаҳр *ҳадисшунослик* мактабининг нуфузли сегментларини Бухоро, Самарқанд, Насаф, Шош ва Термиз каби илмий марказлар ташкил этган. 9–12 а.ларда Марказий Осиёда кузатилган биринчи илмий-маданий юксалиш даврида юқорида зикр этилган шаҳарлар ва Мовароуннаҳрнинг бошқа илмий-маданий марказларида *ҳадисшунослик* б-н минглаб олимлар шуғулланган. Уларнинг энг машҳурлари қаторига Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (767–832 й.), Абдурраҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий (797–869 й.), Абу Ҳафс ас-Сағир ал-Бухорий (в. 875 й.) ва б.ларни киритиш ўринлидир. Мовароуннаҳр *муҳаддислари*, айниқса, Имом ал-Бухорий (810–870 й.), Имом ат-Термизий (824–892 й.) ва Имом ан-Насоий (829–915 й.)ларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тўққизинчи юз йиллик И. тарихига *ҳадисшуносликнинг* «олтин асри» деган сифат б-н кирган.

Мовароуннаҳрлик *муҳаддис*ларнинг пешқадамларидан яна бири Абу Бакр ал-Калободий (в. 990 ёки 995 й.) бўлиб, ривоятларга кўра, у юз мингта ҳадисни ёддан билган. Афсуски, унинг ҳадисга бағишланган асарлари, жумладан, Имом ал-Бухорийнинг «*Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ*» тўпламига ёзган шарҳи бизгача етиб келмаган. Бироқ унинг сақланиб қолган ва «*Маъāнӣ ал-ахбāр*» («Хабарлар [ҳадислар]нинг маънолари») номи б-н шуҳрат қозонган «*Баҳр ал-фавāид*» («Фойдалар денгизи») асарининг ўзиёқ муаллифнинг *суннат* билимдонларининг олдинги сафларида турганини кўрсатади. Мовароуннаҳрлик *муҳаддис*ларнинг саъй-ҳаракатлари квинтэссенцияси ёки синергияси сифатида Имом ал-Бухорийнинг «*Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ*»и, Имом ат-Термизийнинг «*Сунан ат-Термизӣ*»и ва Имом ан-Насоийнинг «*Сунан ан-Насāӣ*»и каби олти ишончли тўпламлар қаторидан ўрин олган оламшумул аҳамиятга эга битиклар яратилди.

Мовароуннаҳр *муҳаддис*ларининг шуҳрати И. оламининг марказларига ҳам бориб етган. У ердаги илоҳиётчи алломаларда туғилган айрим шубҳалар Мовароуннаҳрдан чиққан *муҳаддис*ларнинг ўзига хос имтиҳонлардан ўтказилишига сабаб бўлгани диққатга сазовордир. Жумладан, И. тарихига *«амīр ал-муъминīн фи-л-ҳадīс» – «ҳадис бўйича мўъминлар пешвоси»* деган шарафли сифат б-н кирган Имом ал-Бухорийнинг Бағдод алломалари томонидан омма иштирокида имтиҳон қилингани ҳақидаги маълумотлар манбаларда сақланиб қолган. Уларга кўра, бағдодлик диний алломалардан ўн киши ўзаро келишиб, 100 та ҳадисни танлаб оладилар. Уларнинг *иснод*лари чалкаштирилиб, навбатма-навбат Имом ал-Бухорийга эълон қилиниб, ундан «бу ҳадис сизга маълумми» деган мазмунда сўралади. Юзта саволнинг барчасига ал-Бухорий томонидан арабча қисқа инкор шаклидаги «Ла!» жавоби берилган. Имтиҳоннинг якунида ал-Бухорий юзта ҳадис матнини уларнинг аслий кетма-кетлигида такрорлаб, ҳар бирининг *иснод* тартибини тўғри тиклайди ва имтиҳон қилувчиларни лол қолдиради. Ушбу воқеадан кейин ал-Бухорий қаерга бормасин, уни кўп сонли мухлислар қарши олиб, албатта, ҳадис айтишини сўрагани ишончли манбаларда қайд этилган.

И.нинг ёзма манбалари орасида муҳим ўрин тутган битиклардан яна бири басралик Ибн Ҳишомнинг (в. 834 й.) «*Китāб сӣрат Расӯлиллаҳ*»и («*Расулуллоҳ ҳаётномаси китоби*») китобидир. У мадиналик Ибн Исҳоқ (704–767/768 й.) нинг «*Китāб ал-мағāзӣ*» асарининг қайта ишланган ва тўлдирилган нусхаси бўлиб, илк И. ҳамда Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти ҳақидаги энг ишончли бирламчи манбалардан саналади.



«*Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ*»нинг ўзбек тилидаги нашри



Масжид ал-Ҳаром

И. таълимотига кўра Аллоҳ Ўзининг охирги элчиси этиб Муҳаммад (с.а.в.)ни танлаган ва унга Ўз Каломи – Қуръонни юборгани юқорида қайд этилди. Муҳаммад (с.а.в.) аввал ҳамшаҳарлари, сўнгра барча араб қабилаларини кўплаб «худолар»га *сажда* қилишдан воз кечиб, ягона худо – Аллоҳга эътиқод қилишга даъват қилиб чиқди. Араблар ичида катта нуфузга эга бўлган *Қурайш* қабиласи *ҳошимий*лар уруғига мансуб бўлган Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) 570 й.да Макка ш.да таваллуд топган ва 632 й. Мадинада вафот этиб, ўша ерда дафн этилган. Кейинчалик ушбу масканни ўз ичига олган *масжид*, Маккадаги *Каъбатуллоҳ* ва Қуддусдаги *Масжид ал-Ақсо* б-н бир қаторда, умумислом аҳамиятига эга учта *ҳарам*дан бирига айланган ва *Масжид ан-Набавий* номи б-н шуҳрат қозонган. Зикр этилган учта ибодатгоҳнинг алоҳида мақоми Пайғамбар (с.а.в.)нинг «Учта масжиддан бошқасига кўч боғлаб борилмайди: *Масжид ал-Ҳаром, Масжид ал-Ақсо* ва менинг ушбу масжидим (*Масжид ан-Набавий*)» деган маънодаги ҳадисида алоҳида таъкидланган [13].

Муҳаммад (с.а.в.) кўпчилик кишилар бошидан кечирадиган такомил босқичларидан ўтганлар. Отадан етим қолганлар, олти ёшда оналаридан айрилганлар. Икки йилча бобоси меҳрини туйган норасида бола амакиси Абу Толиб тарбияси ва ҳомийлигида улғайиб, мустақил ҳаётга тайёр бўлиб борган. Тахм. йигирма ёшларида Муҳаммад (с.а.в.) савдо ва карвонни бошқаришда моҳир бўлдилар, аммо маблағ йўқлигидан йирик савдогарларнинг вакили сифатида ишладилар. Йигирма беш ёшга кирганларида маккалик савдогар Хадича бинт Ҳувайлидга никоҳланганлар. Ундан икки ўғил ва тўрт қиз кўрганлар. Уларнинг тўнғичи – Қосимга нисбатан Пайғамбар (с.а.в.)га Абу-л-



Масжид ан-Набавий

Қосим куняси б-н мурожаат қилинган. Қизларининг исмлари Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва Фотима бўлган. Бироқ, Фотимадан бошқа фарзандларининг барчаси Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳаётлик пайтида вафот этган.

Муҳаммад (с.а.в.) яшаган асрда одамлар келажакка умидсизлик б-н боқар, янгилик ва яхшилик бир-бирини инкор этувчи тушунчалар сифатида қабул қилинарди. Фақат эскилик, деярли унутилган асотирий эскилик яхши ҳисобланарди. Илм-фан ўта содда ҳолатда бўлиб, ундан бирон натижа кутиш бефойда эди. Худо – *Аллоҳ*га ишонувчилар учун бирдан-бир имконият бу – ғайб оламидан билим олиш эди. Фақат шу йўл б-н барча халқлар учун адолатли ва мукаммал жамиятни тузиш мумкин ҳисобланарди. Мавжуд тузум иллатлари-



Масжид ал-Ақсо

га барҳам бериш учун миллатнинг илғор вакиллари адолат ўрнатишга қодир бўлган пайғамбар келишини башорат қила бошлагандилар.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг И.га даъватлари ана шундай шароитда 610 й.дан бошланган. Бу сана Қуръон нозил этила бошлаган вақтга тўғри келиши мантиқийдир. И. таълимоти тарғиботининг дастлабки босқичи ниҳоятда қийин кечган. Аввалбошда Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарлик (араб. النبـوّة) мақомига ишонган ва атрофида жипслашган кишиларнинг сони асосан унинг яқин қариндошлари ҳамда дўсту танишлари б-н чекланган. Маккани мутлақ кўпчилик аҳолиси, жумладан, қудратли *Қурайш қабиласи*нинг нуфузли зодагонлари янги диний таълимотга очиқ қарши чиққанлар.

Қурайш зодагонларининг адоватли муносабати кучайиб, улар мусулмонларни ўз юртида қамал қиладилар. *Қурайш* зодагонларининг зуғуми ҳаддан ошгани сабабли Пайғамбар (с.а.в.)га иймон келтирган илк мусулмонларнинг бир қисми 615 й. Ҳабашистонга кўчишга мажбур бўлганлар. Тазйиқлар чидаб бўлмас даражага етгач, Муҳаммад (с.а.в.) энг яқин сафдошлари б-н 622 й. Маккани тарк этиб, Ясриб воҳасига *ҳижрат* қилганлар. Бунга мазкур ҳудудда истиқомат қилган ва тарихан Макка зодагонлари б-н рақобатлашиб келган *Бани Авс* ва *Бани Хазраж* қабилаларининг илк мусулмонлар жамоасига хайрихоҳлик кўрсатгани ва уни ўз ҳудудига таклиф қилиб, Муҳаммад (с.а.в.)нинг пешволиги ва *нубувват*ини тан олгани асос бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) кўчиб келганларидан бошлаб, Ясриб *Мадинат ан-Набий* (араб. مدينـة النبـي) ёки қисқача *Мадина* номи б-н юритила бошлаган. *Бани Авс* ҳамда *Бани Хазраж* қабилалари томонидан Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамғамбарлик сифатлари тан олингани унинг ижтимоий мақомини мустаҳкамлади *(қ. МУҲАММАД)*.

622 й.да содир бўлган *ҳижрат*, яъни кўчиш воқеаси И. тарихидаги бурилиш нуқтасига айланди. Бунинг исботларидан бири сифатида мазкур сана иккинчи халифа Умар ибн ал-Хаттоб ал-Форуқ (634–644 й.) давридан бошлаб илк мусулмон жамоаси томонидан жорий этилган янги тақвимнинг бошланғич нуқтаси, деб қабул қилинганини кўрсатиш мумкин. У тарихга «мусулмон ҳижрий тақвими» сифатида кирган ва кўпгина мусулмон мамлакатлари, айниқса, араб давлатларида ҳамон амалда бўлиб қолмоқда.

Унча катта бўлмаган бир жамоа Ясрибда жуда улкан, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди. Пайғамбар (с.а.в.) Ясрибда Маккадагидан тубдан фарқ қилган, батамом янги жамият барпо этишга киришдилар.


Пайғамбар (с.а.в.) б-н кўчиб келган илк мусулмонлар тарихга *муҳожир*лар (араб. مهاجـرون) ва И.ни қабул қилган ясрибликлар – *ансор*лар (араб. نصير нинг кўплик шакли – أنصـار) деган сифатлар б-н кирган. Табиийки, илк И. даврида ушбу икки тоифанинг ижтимоий мақоми ниҳоятда юксак бўлган. Булардан ташқари, илк И. давридан бошлаб алоҳида эъзозланадиган яна бир ижтимоий гуруҳ бор. У *саҳоба*лар (араб. صـاحـب нинг кўплик шакли – صحابـة) деб номланади. *Саҳоба*нинг луғавий маъноси «суҳбатдош, дўст» демакдир.

*Саҳоба*лар Муҳаммад (с.а.в.) б-н мулоқотда бўлган илк мусулмонлар бўлиб, уларнинг И.даги юксак мақоми ана шу б-н белгиланади. Улар И. таълимоти-

ни, энг муҳими, Қуръон матни ҳамда *суннат*ни бевосита Пайғамбар (с.а.в.) дан ўрганиб, кейинги авлодларга етказган муҳим бўғин вазифасини бажарганлар. И.да барча *саҳоба*лар адолатли кишилар деб саналади. Улар ўртасида бўлиб ўтган баъзи тушунмовчиликлар муҳокама қилинмайди. Расулуллоҳ (с.а.в.)га иймон келтирса-да, Ул Зотни кўрмаганлар *саҳоба* мақомига ета олмайди. Умуман олганда *саҳоба*лар ҳақида фақат яхши фикр билдириш тавсия этилади. Чунки уларнинг адолати – аниқ. Али ибн Абу Толиб (р.а.) ва Муовия ибн Абу Суфён (р.а.) ўрталаридаги ихтилоф бошқалар томонидан қилинган фитналар натижасида содир бўлган.

И.нинг барқарорлашуви жараёнидаги Макка ва Мадина ўртасидаги кураш саккиз йил давом этган. Ушбу давр мобайнида Мадинада шаклланган илк мусулмон жамоаси ва маккалик *мушрик*лар (кўпхудолик тарафдорлари) ўртасида катта жанглар (*Бадр, Уҳуд* ва *Хандақ* жанглари) бўлиб ўтган. Ва, ниҳоят, 628 й.нинг март ойида *қурайш*ий зодагонлар Муҳаммад (с.а.в.) бошчилигидаги мусулмонлар жамоаси б-н *Ҳудайбия сулҳи*ни тузишга мажбур бўлдилар. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши тадқиқотчилар томонидан И. тарихидаги энг муҳим воқеалардан бири сифатида баҳоланади. Зеро, ушбу воқеа Муҳаммад (с.а.в.) бошчилигидаги мусулмонлар жамоасининг амалда маккалик *қурайш*ий зодагонлар томонидан тенг тараф сифатида тан олинганини англатар эди. Иккинчи томондан, у илк мусулмонлар жамоаси ва маккалик *мушрик*лар ўртасидаги жангу жадалларга чек қўйди, чунки унинг асосий шартларидан бири 10 йил давомида икки тараф ўртасида уруш бўлмаслиги ҳақидаги келишувдан иборат эди. Мазкур сулҳ бир гуруҳ *саҳоба*лар, ҳатто Умар ибн ал-Хаттоб томонидан салбий баҳоланиб, бамисоли мағлубиятдек талқин этилган бўлса-да, аслида, икки тараф ўртасидаги очиқ низоларнинг тўхтагани мусулмонлар нуфузининг ортиши ва улар сонининг кўпайишини таъминлади. Сулҳ тузилгандан кейин ўтган салкам икки йил давомида уларнинг сони бир неча минг кишига ошди. Гарчи *Ҳудайбия сулҳи* бир йилдан сўнг *қурайш*ликлар айби б-н ўз кучини йўқотган бўлса-да, зикр этилган даврдан бошлаб, маҳаллий қабилаларнинг И.га бўлган муносабати жадаллик б-н ўзгаришига сабаб бўлди. Бунинг натижасида мусулмонлар жамоасининг сафлари кенгайиб борди. Жумладан, *Ҳудайбия* воқеасида иштирок этган мусулмонларнинг сони тарихий манбаларда 1400 киши қилиб кўрсатилса, салкам икки йилдан сўнг *Макка фатҳи*да иштирок этган мусулмонларнинг сони 10000 кишига етгани хабар қилинади. *Макка фатҳи*нинг энг муҳим натижаси эса, қадимги даврлардан бошлаб Ҳижоз ўлкасининг юраги бўлиб келган ушбу йирик шаҳар аҳолиси ёппасига И. динини қабул қилганида ўз ифодасини топди. Бунинг оқибатида 630 й.дан бошлаб Макка расман И. дини маркази, *Каъба* – мусулмонларнинг муқаддас маскани ва зиёратгоҳига айланди *(қ. КАЪБА).*

Шу орада Шимолий Арабистоннинг ҳосилдор воҳалари, жумладан, Хайбар ва Фадак мусулмонлар тасарруфига ўтди, араб қабилалари бирин-кетин И.ни қабул қила бошладилар. Айни пайтда, маккаликлар ва мусулмонлар ўртаси-



Каъба

даги пинҳона музокараларнинг давом этиши, Макка ш. аҳолисининг етакчи вакиллари янги диний эътиқодни қабул қилганлари ҳамда Муҳаммад (с.а.в.) нинг *нубувват*ини эътироф этганини маълум қилиши ва, ниҳоят, 630 й. мусулмонлар қўшинининг Макка сарҳадларига етиб келиши бу жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида содир бўлган тарихий воқеа эди. *Ҳудайбия сулҳи*дан кейин ўтган қисқа даврда вазият тубдан ўзгаргани ва И. таълимоти нуфузининг бениҳоя ошгани Маккани мусулмонлар томонидан деярли қуролли тўқнашувларсиз *фатҳ* этилганида ҳам ўз тасдиғини топди. Каъба бут-санамлардан тозаланди ҳамда унинг И. дини бош *Ҳарам*и сифатидаги мақоми узил-кесил қарор топди. Мусулмонларнинг ушбу муваффақияти ҳам маънавий, ҳам мафкуравий нуқтаи назардан ўта муҳим воқеа бўлиб, у Қуръони каримда ўзининг ифодасини топгандир: «(Эй Муҳаммад!) Қачонки, Аллоҳнинг нусрати (мадади) ва ғалаба келганида, одамлар тўп-тўп бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрганингизда, дарҳол Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этгувчи Зотдир» *(«Наср» сураси, 1-3-оятлар).*

Пайғамбар (с.а.в.) ундан кейин ҳам Мадинада муқим яшаб, фақат бир марта – 632 й. *ҳажжат ал-вадо* (араб. حجة الوداع) – (хайрлашув ҳажи) муносабати билангина Маккани зиёрат қилганлар.

Мазкур муқаддас шаҳарнинг мусулмонлар тасарруфига ўтиши И.нинг ёйилишини мисли кўрилмаган даражада тезлаштирди. Муҳаммад (с.а.в.) Арабистон қабилалари шайхлари ва ҳокимлари, шунингдек, Византия ва Эроннинг араблар диёрига туташ минтақаларига *элчи*лар юбориб, уларга И. динини қабул қилишни таклиф қиладилар. Мусулмонларга тегишли ҳарбий кучлар Шимолий Арабистондаги янги воҳаларни *фатҳ* этадилар ҳамда Яманга кириб борадилар. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари бирин-кетин Пайғамбар (с.а.в.) олдига келиб, И.ни қабул қилганларини изҳор қилар эдилар. Умуман олганда, 631–632 й.лар И.нинг ёйилиши жараёнида баракали давр бўлиб, унинг давомида Арабистон яриморолида яшаган турли қабилавий гуруҳлар Аллоҳга иймон келтириб, мусулмонлар сафига қўшилган. Маз-

кур ҳудуд аҳолисининг мутлақ кўпчилиги Муҳаммад (с.а.в.) вафотига қадар (632 й.) И. динини қабул қилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Пайғамбар (с.а.в.) ўз ҳаётининг охирги йилларида И.ни янги ҳудудларга ёйиш ҳақида ўйлаган. Кўп ҳудудларга *сарийя*лар (*қ. САРИЙЯ*) юборилиши натижасида у ерлардаги аҳоли И.ни қабул қилган. Бироқ 632 й.нинг июнь ойида Пайғамбар (с.а.в.) қисқа муддатли бетобликдан кейин вафот этишлари туфайли мусулмонлар ҳаётидаги масалалар ечими *саҳоба*лар, аниқроғи, халифалар зиммасида қолди.

Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин *ваҳий* келиши тўхтади ва И. ривожидаги янги босқич бошланди. Маркази Мадина ш.ида бўлган Пайғамбар (с.а.в.) томонидан асос солинган илк мусулмонлар жамоаси ҳамда илк араб-мусулмон давлатини бошқаришни ташкил этиш масаласи кун тартибининг тўрига чиқди. Муҳаммад (с.а.в.)нинг *нубувват*дан ташқари вазифаларини амалга оширишга муносиб шахсни танлаш осон кечмади. И. анъанасига мувофиқ Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейинги ҳидоят йўлидан борган халифалар (араб. الخلفاء الراشدون) даври (632–661 й.) энг яхши ва адолатли давр бўлгани таъкидланган. Шу билан баробар, бу даврда намоён бўлган салбий ҳодисалар қаторига, одатда, мусулмон давлатида рўй берган биринчи фуқаролик уруши ҳамда И.даги илк бўлиниш киритилади *(қ. ал-ХУЛАФО ар-РОШИДУН).*

656 й.нинг 17 июнида учинчи *халифа* Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг ўлдирилиши илк Ислом давлатидаги биринчи фуқаролик урушининг келиб чиқишига бевосита сабаб бўлди. Ушбу воқеанинг мусулмон жамоаси томонидан турлича талқин этилгани ҳамда унинг содир бўлишида Али ибн Абу Толибдан гумондорлик илк И. жамоасининг турли қутблари ўртасидаги зиддиятларни кучайтирди. Турли фитналар сабабли Али ибн Абу Толиб (р.а.) даврида хорижийлар тоифаси пайдо бўлди. Улар Али ибн Абу Толибга ҳам, Муовия ибн Абу Суфёнга ҳам эргашмаганлиги сабабли хавориж (араб. الخوارج – ажралиб чиққанлар) деб номланган.

Али ибн Абу Толиб ҳукмронлиги даврида илк И. давлатининг пойтахти, яъни унинг маъмурий, сиёсий ва ҳарбий маркази тўртинчи халифанинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этган Ироқ ҳудудида жойлашган Куфа ш.га кўчирилди. Мазкур тарихий воқеалар натижасида илк мусулмон жамоаси иккига бўлиниб кетди. Ироқ ва унга туташ ҳудудларда истиқомат қилган араб қабилалари Али ибн Абу Толибга, Сурия ва Шомнинг бошқа ҳудудлари аҳолиси кўпроқ Муовияга мойиллик билдирдилар. Бунинг натижасида илк И. умматининг бир қисми *шиат Али*, яъни *Али тарафдорлари* деган сифат б-н юритила бошланди. Мусулмонларнинг мутлақ кўпчилигини ўзида мужассамлаштирган ҳамда замонлар ўтиши б-н И.даги энг йирик йўналишга айланган гуруҳ *«аҳл ас-сунна вал-жамоа»* ёки қисқача *«аҳл ас-сунна» (ўзбекчада – аҳли сунна)*, яъни *суннийлар* атамаси б-н юритила бошланди *(қ. СУННИЙЛИК).*

Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадисларидан бирида мусулмон жамоаси келажакда бошқа динлардаги каби, кўп сонли фирқаларга бўлиниб кетиши ва улар-

нинг биттаси – *аҳл ас-сунна вал-жамоа*гина нажот топиши башорат қилинган. Аммо кейинчалик шаклланган *аҳли суннан*инг муайян шартлари бор. Улар – илк тўрт халифа – «ал-хулафои ар-рошидун» ҳақида ёмон фикрга бормаслик, «*Ас-Сиҳāҳ ас-ситта*» – ҳадисларнинг олтита ишончли тўпламини эътироф этиш ҳамда тўртта сунний-шаръий *мазҳаб*дан бирига мансуб бўлишдир.

Суннийлар илк И. давридан бошлаб мусулмонларнинг аксариятини ташкил этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам мусулмон ҳудудларида ҳукмронлик қилган сулолаларнинг мутлақ кўпчилиги *суннийлик* йўналиши вакиллари бўлган. Жумладан, Ўрта асрлар ва янги даврда ҳукмронлик қилган *умавий, аббосий, салжуқий, айюбий* сулолалар, *мамлуклар* ва *усмонли турклар*, шунингдек, *темурий* сулолаларнинг барчаси И.нинг *суннийлик* йўналиши вакиллари бўлган. Бугунги кунда ҳам, айтилганидек, дунё мусулмонларининг 90 фоизини *суннийлар* ташкил этиб, *шиалик* расман эътироф этилган ягона давлат Эрон Ислом Республикасидир. Шунингдек, *шиалик*ка эътиқод қилувчиларнинг йирик гуруҳлари Ироқ, Ливан, Яман, Озарбайжон ва Афғонистонда истиқомат қилади. Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сурия каби мамлакатларда ҳам нисбатан йирик *шиа* жамоалари мавжуд *(қ. ШИА)*.

Зикр этилган икки гуруҳ ҳамда кейинроқ Али ибн Абу Толиб тарафдорлари ичидан ажралиб чиққан *хавориж* ўртасидаги асосий баҳс қонуний нуқтаи назардан халифалик кимга тегишли деган муаммо б-н боғлиқ эди. Ушбу гуруҳлар ўртасидаги тортишувларда ҳар бир тараф Пайғамбар (с.а.в.)нинг ибратли сўзлари ва амаллари ҳақидаги ривоятлар ёки ҳадисларни ўз мақсадига мос тарзда талқин этишга интилар, бунинг натижасида халифаликдаги ички вазият янада чигаллашиб борар эди. Шундай қилиб, халифаликда содир бўлган фуқаролар уруши илк мусулмонлар учун ўзига хос маънавий имтиҳон моҳиятини касб этди ва шунинг учун ҳам И. тарихига бузғунчилик деган маънони ўзида мужассам этган *фитна* атамаси б-н кирган.

661 й.нинг 24 янв.да Али ибн Абу Толибнинг *хорижий*лар томонидан қатл этилиши илк мусулмон жамоаси ичидаги бўлинишни янада чуқурлаштирди. Шунингдек, ушбу воқеа анъанавий И. манбаларида юксак эъзозланадиган ва И. шароитида ижтимоий-маънавий ҳаётни ташкил этишнинг намунаси ҳисобланган *хулафои рошидин* [14] даврига ҳам якун ясади. И.нинг кейинги ривожи, жумладан, Африканинг ғарби ва Европанинг Пиреней яриморолидан бошлаб, Жануби-Шарқий Осиёгача бўлган улкан жуғрофий ҳудудларга ёйилиши халифалик тарихининг навбатдаги босқичларида – *умавий* ва *аббосий* халифалар даврида амалга ошди *(қ. УМАВИЙЛАР, АББОСИЙЛАР)*. Жумладан, И.нинг Марказий Осиёга кириб келиши ва минтақадаги ҳукмрон диний *ақида* мақомини касб этиши ҳам, асосан, 8-а.га тўғри келади.

И. *ақидаси* ҳақидаги тушунча Қуръон матнида саккиз ўринда диний мажбуриятлар йиғиндиси маъносида келган. И.нинг диний *ақида* сифатидаги моҳиятини ташкил этадиган омилларнинг турли талқинлари мавжуд. Лекин соф диний дунёқараш ҳамда мантиқий билимларга асосланган бун-

дай талқинларда кузатиладиган жузъий фарқлардан қатъи назар, *ақида* тушунчасининг энг оммалашган кўриниши қуйидагичадир: И. *ақида*си бешта устунга (араб. *рукн* – кўплиги: *аркон*) суянади. Беш рукн ҳақидаги тасаввурлар илк И. давридаёқ шаклланиб бўлган. Улар И.да *аркон аш-шариъа ал-хамса* («шариатнинг бешта рукни») деган ибора б-н ифодаланади. Мазкур рукнларнинг биринчиси *аш-шаҳода* деб аталади ва И. динининг асосий *ақида*ларидан иккитасини – Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг *нубувват*ига *иймон* келтириш, яъни иқрор бўлишни назарда тутади. Иккинчи рукн *ас-салот* (*намоз*) бўлиб, И. *ақида*сига кўра, мусулмон кишига кундалик беш вақт *намоз* ибодати *фарз* қилинган. Учинчи рукн – *аз-закот* ҳар бир мусулмон моли маълум миқдорга етиб, бир йил давомида сақланиб турса, у эҳтиёжманд диндошлари фойдасига молининг 2,5 фоизини бериш лозим бўлади. Тўртинчи рукнни *ас-савм* (рўза) ибодати ташкил қилиб, мусулмон киши ҳижрий тақвим бўйича *рамазон* ойи давомида тонгдан кун ботгунга қадар овқат ва ичимликлар истеъмол қилиш, ҳар қандай салбий хатти-ҳаракатлардан тийилиши, имкон қадар эзгу амаллар қилиши тақозо этилади. Ва ниҳоят, бешинчи рукн – *ал-ҳаж* моддий жиҳатдан ҳамда жисмонан ва ақлан қодир бўлган ҳар бир мусулмондан ҳаёти давомида бир марта Макка ва Мадина ш.ларига бориб, белгиланган муддатларда *ҳаж* ибодатини амалга ошириш *фарз*идан иборат. Санаб ўтилган рукнларнинг биринчи учтаси барча учун мажбурий саналса, тўртинчи ва бешинчиси – фақатгина уни амалга ошириш учун лозим сифатлар ва имкониятлар эгасигагина *фарз* қилингандир. Санаб ўтилган рукнларнинг биринчиси *иймон*, қолганлари *ибодат* тоифасига мансубдир *(қ. РУКН)*.

Иймон атамаси (араб. آمن) – *ишонмоқ, эътиқод қилмоқ* феълидан ясалган бўлиб, у И. *ақида*сининг узвий қисмидир. *Иймон* атамаси Қуръон матнида қирқ мартадан кўп учрайди. Мусулмон илоҳиётчилари *иймон*нинг учта асосий унсурига эътибор қаратадилар: Аллоҳнинг ягоналиги, унинг Китоблари ва пайғамбарлари ҳақлигини тил б-н эътироф этиш *(иқрор би-л-лисон, қавл)*; Аллоҳнинг барҳақлигига қалбан иқрор бўлиш *(тасдиқ би-л-қалб, эътиқод, ақд)*; хайрли амаллар (*аъмол*), И. буюрган *фарз*ларни адо этиш *(ал-амал би-л-аркон, ат-тоат)* ва диний мажбуриятларни *(фароиз)* бажариш.

И. ичидаги турли илоҳиёт мактаблари томонидан *иймон*нинг талқин этилишида муайян ихтилофлар ҳам кузатилади. Жумладан, И.даги илк илоҳиёт йўналишларидан бўлган *муржиийлик*ка кўра, *иймон*нинг асосий шарти *қавл* б-н чекланиб, инсон амаллари иккинчи аҳамиятли масалалар қаторига киритилган.

Хорижийлар, муътазилийлар ва *ҳанбалийлар* бунга қатъий қарши чиқадилар. Уларнинг биринчиси диний *фарз*ларнинг барчасини *иймон*нинг шартлари қаторига киритади. *Муътазилийлар иймон* ва *дин*ни бир хил тушунча деган ғояни илгари сурадилар ва диний талабларга тоат, яъни инсоннинг *амал*ларига ҳам алоҳида урғу бериб, уларни *иймон*нинг исботлари сифатида талқин этадилар.



Ҳайит намози

Ибн Ҳанбал Аллоҳнинг барҳақлигига тил б-н иқрор бўлиш *(қавл), сунна*т б-н уйғун *(тамассук би-с-сунна)* бўлиши шарт қилинган хайрли амаллар ҳамда эзгу ният *(нийя)*ни *иймон*нинг шубҳасиз шартлари қаторига киритади.

Умуман олганда, *иймон*иинг етти *ақида*дан иборат тўлиқ моҳиятини (*ал-Иймон ал-муфассал*) – *Аллоҳ*га, Унинг *фариштал*арига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, *охират* кунига, *тақдир*га (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси б-н содир бўлишига) ва ўлгандан кейин тирилиш ҳақлигини эътироф этиш ва ишониш ташкил этади.

Мазмун-моҳиятига кўра *ақида* ҳақидаги фан бўлган *калом* И. таълимоти асосларини тушунтиришда алоҳида ўрин тутади. *Сунний* йўналишдаги *калом* иккита йирик мактабдан иборат бўлиб, улар ўз асосчилари номи б-н – *ашъарийлик* ва *мотуридийлик* деб юритилади. Биринчи йўналишнинг асосчиси Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий (873–936 й.) бўлиб, унга эргашувчиларнинг мутлақ кўпчилигини араблар ташкил этади.

Самарқандлик мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944 й.) номи б-н юритиладиган *мотуридийя* мактаби эса, асосан, ажам, яъни ноараб мусулмонлар *ақида*сининг негизини ташкил қилади. Айрим тадқиқотчилар томонидан *Самарқанд суннийлик илоҳиёти* [15] деб номланадиган *мотуридийя калом* мактаби Абу Ҳанифа таълимотининг Марказий Осиёдаги ал-Мотуридий номи билан қўшилиб у *ҳанафийя-мотуридийя ақидаси* деган ном б-н ҳам зикр этилади. Унинг шаклланиши салкам тўрт аср давом этиб, бу давр 9–12-а.ларга тўғри келади. Бу жараён Мовароуннаҳрнинг буюк илоҳиётчи алломаларидан бири Аҳмад ибн Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (767–832 й.) фаолиятидан бошланган. Тарихга «Мовароуннаҳр уламолари устози» деган фахрли сифат б-н кирган ушбу аллома 8-а. охирларида таҳсил олиш учун Бағдодга бориб, Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг (699–767 й.) энг яқин шогирдларидан бири бўлган Имом Муҳаммад Ҳасан аш-Шайбоний (в. 804 й.)дан илм ўрганган. *Калом ва фиқҳ* бўйича қатор машҳур асарлар муаллифи – Абу Ҳафс ал-Кабир кейинчалик *ҳанафий каломи ва фиқҳи* бўйича буюк алломалардан бири бўлиб етишган. Унинг *«Ал-Аҳвā ва-л-ихтилāф»* («Енгил-елпи [мулоҳазалар] ва ихтилофлар»), *«Ар-Радд ъала-л-лафзиййа»* («[Юзаки] гапларга раддия») ва

б. асарлари нафақат Мовароуннаҳр, балки ундан ташқарида ҳам эъзозланган. Манбаларда тез-тез такрорланадиган ривоятга кўра, бир гуруҳ мусулмонлар Муҳаммад аш-Шайбонийга «Сиз ўткинчи дунёни тарк этганингиздан кейин *калом*га оид масалалар бўйича кимга мурожаат қиламиз?» деган мазмундаги савол б-н юзланганида, у «Абу Ҳафс ал-Бухорийга, зеро, ҳеч ким мендан бу фанни у ўрганган даражада ўрганмаган», деб жавоб берган экан. Тарихчи Муҳаммад ан-Наршахийга кўра, Бухоронинг «Қуббат ал-Ислом», яъни «Ислом гумбази» деган фахрли номи айнан мазкур алломанинг илоҳиёт соҳасидаги хизматлари эътирофи сифатида юзага келган.

*Ҳанафийлик мазҳаби*нинг Марказий Осиё бўйлаб тез суръатлар б-н ёйилишида бир қатор илоҳиётшунослик мактаблари алоҳида ўрин тутган. Бухородаги *«Асҳобу Аби Ҳафс»* («Абу Ҳафс издошлари») мактабидан ташқари, уларнинг энг муҳимлари қаторига Самарқандда шаклланган ва самарали фаолият юритган *«Дор ал-Жузжонийя»* ва *«Дор ал-Иёзийя»* илмий мактабларини киритиш мумкин. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг буюк мутакаллим-илоҳиётчи аллома бўлиб шаклланиши уларнинг биринчиси доирасида кечган.

Калом (араб. الكلام – *равон нутқ, жумла, гап, сўз*) – И.да формал-мантиқий далилларга таяниб диний таълимотни асослашга ҳаракат қилувчи назарий илоҳиёт илми. *Калом* турли диний-сиёсий гуруҳлар, жумладан, *хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиийлар* ва б.ларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келган ва тараққий этган. *Муътазилий калом* 9-а.нинг биринчи ярмида равнақ топди. Аммо халифа ал-Мутаваккил (847–861 й.) давридан бошлаб у қувғин қилинди. 10-а.га келиб Имом ал-Ашъарий (873–935 й.) ва Имом ал-Мотуридий (870–944 й.)лар «ҳақ» И. ақидаси асосларини жамлаб, барчага тушунарли тарзда баён қилганлар. Шундан сўнг *суннийлик* йўналишидаги *калом*нинг шаклланиши якунланиб, унинг иккита *ақида*вий мактаби *ашъарийя* ва *мотуридийя* деган атамалар б-н юритила бошлади.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг *калом*га оид бош асари *«Китāб ат-тавҳīд»* («Яккахудолик [ҳақидаги] китоб») деб номланади. Мазкур китоб ёзилган даврда бошқа маҳаллий олимлар томонидан ҳам *калом*га оид яна бир қатор муҳим асарлар яратилган. Уларнинг энг машҳурлари қаторига ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг (в. 953 й.) *«Китāб ас-савāд ал-аъзам ъалā*



Самарқанддаги Имом ал-Мотуридий мақбараси

мазҳаб ал-Имāм ал-Аъзам» («Имом Аъзам мазҳаби бўйича кўпчиликнинг китоби»), шунингдек, Абу Бакр ал-Иёзийнинг (в. 971 й.) *«Ал-Масāил ал-ъашара ал-ийāзиййа»* («Ал-Иёзий бўйича ўн масала»), Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (10 а.) *«Жумал усўл ад-дūн»* («Дин асослари бўйича компендиум»), Абу-л-Ҳасан Али ибн Саъид ар-Рустуғфонийнинг (ваф. 956 ёки 962 й.) *«Ал-Асъила ва-л-ажвиба»* («Саволлар ва жавоблар») ва *«Ал-Фавāид»* («Фойдалар») кабилар кириб, улар зиёлилар ичида машҳур бўлган. Ушбу мулоҳаза, айниқса, ал-Ҳаким ас-Самарқандий асарига тегишли бўлиб, у *сомонийлар* ҳукмдори Исмоил ибн Аҳмад (ҳукм. даври 897–907 й.)нинг топшириғига кўра ёзилган *(қ. КАЛОМ)*.

Лекин айнан ал-Мотуридийнинг *«Китāб ат-тавҳūд»*и *мотуридийя* номи б-н машҳур бўлган юқорида зикр этилган иккита суннийлик *ақида*вий мактабдан бирининг асоси бўлиб хизмат қилган. Ушбу мактабнинг шаклланиши ва ривожланишида мусулмон илоҳиётчиларининг бир неча авлоди иштирок этган. Юқорида зикр этилганлардан ташқари, ушбу жараёнда Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Паздавий (ваф. 999 й.), Абу-л-Йуср ал-Паздавий (1039–1099 й.), Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (1068–1142 й.) лар алоҳида ўрин тутган. Зикр этилган ва б. алломаларнинг саъй-ҳаракатлари б-н 11–12-а.ларда *мотуридийя* таълимоти тўлиқ шаклланиб бўлган.

Мусулмон жамияти ҳаётини тартибга солиш ва ташкиллаштиришда *фиқҳ* (араб. الفقه – *чуқур билмоқ, тушунмоқ* феълидан ясалган) – Ислом ҳуқуқшунослиги алоҳида ўрин тутади. *Сунний* йўналишдаги *фиқҳ* тўртта ҳуқуқий мактабни ўз ичига қамраб олади. Улар ўз асосчилари – ан-Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (699–767 й.), Абу Абдуллоҳ Молик (713–795 й.), Муҳаммад аш-Шофеъий (767–820 й.) ва Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855 й.) номлари б-н *ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик ва ҳанбалийлик* деб номланади.

Мумтоз маънодаги *фиқҳ* – мусулмонларнинг турмуш тарзини белгиловчи қоидалар мажмуаси ҳақидаги доктрина, яъни И. юриспруденцияси ёки ижтимоий меъёрларнинг исломий мажмуаси сифатида кенг маънодаги И. ҳуқуқшунослигини англатади. *Фиқҳ*нинг пайдо бўлиши ва шаклланиши узоқ муддат давом этган жараёндир. Илк И. давридаги ижтимоий меъёрлар И. ҳукмларига эмас, балки кўпроқ, *жоҳилият* [16] даврида шаклланган урф-одатларга асосланган. Араблар томонидан *фатҳ* этилган ҳудудларда ҳам дастлабки пайтларда И.дан олдин мавжуд бўлган ва янги дин талабларига зид бўлмаган меъёрлар ижтимоий ҳаётнинг асосини ташкил этган. *Фиқҳ*нинг шаклланиши ҳақидаги илмий қарашга мувофиқ, 8-а.нинг ўрталаригача бўлган даврда И. Рим (Византия), *сосоний, яҳудий* ва *насроний* ҳуқуқий анъаналар, шунингдек, *фатҳ* этилган ҳудудларда амал қилган маҳаллий *урф-одат*ларга, агар И.га зид бўлмаса, қаршилик билдирмаган.

8–9-а.лар давомида *фиқҳ*нинг ўз тушунчалари, ўзига хос тили ва услубияти шаклланган. Ушбу даврда қарор топган энг муҳим ғоялардан бири Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин, замонавий тил б-н айтганда, қонун ижодкорлиги фаолияти якунлангани ҳақидаги тушунчадир. Шундан

кейин Қуръон ва *суннат* ҳуқуқий ечимларнинг асосий манбаи бўлиб қолган. Ушбу нуқтаи назарга мувофиқ, Қуръон ва *суннат* ҳар қандай масала бўйича имплицит, яъни кўзга яққол ташланиб турмайдиган барча жавобларни ўзида мужассам этган. *Фақиҳ*ларнинг вазифаси мазкур жавобларни тўғри топиш ва уларни тегишли матндан «чиқариб олиш»дан иборат деган хулосага келинган. Шунга мувофиқ, аста-секин И.нинг асосий манбаларидан тегишли масалаларга оид ҳуқуқий ечимларни топишни англатувчи *истинбот* (араб. الإستنباط – *чиқариб олиш*) тамойили шаклланган. Мазкур принцип *ижтиҳод*нинг (араб. – الإجتهاد *интилиш, жидду жаҳд кўрсатиш*) асосини ташкил этади. *Ижтиҳод* мусулмон ҳуқуқшунослигида кенг фойдаланиладиган услуб бўлиб, *фақиҳ*лар унинг воситасида Қуръон ва *суннат*да тўғридан-тўғри зикр этилмаган, шунингдек, *саҳоба*ларнинг якдиллиги б-н маъқулланган хулоса мавжуд бўлмаган масалалар бўйича тегишли ечимларни шакллантирадилар. Шу даврда *фиққ*нинг ичидаги *қиёс* (араб. القياس – *қиёслаш, солиштириш, таққослаш*) тушунчаси пайдо бўлди. Уни *ижтиҳод*нинг асосий кўриниши ҳамда *фиққ*нинг манбаларидан бири сифатида эътироф этилиши мусулмон ҳуқуқшунослигининг янги йўналиши *усул ал-фиққ* (араб. أصول الفقه – *фиққнинг асослари, сарчашмалари, манбалари*)нинг пайдо бўлишига туртки берди. Ушбу илмий йўналиш предметини *фиққ*нинг манбалари, уларни талқин этиш услублари ҳамда муайян ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда улардан фойдаланиш йўллари ташкил этади. Бундан ташқари, мазкур даврда Пайғамбар (с.а.в.)нинг *саҳоба*лари орасидаги консенсус-келишувга асосланган мусулмон жамоасининг ҳамфикрлиги – *ижмо* (араб. الإجماع – *келишув, якдиллик*) *фиққ*нинг манбалари қаторига киритилган. Шундай қилиб, 10-а.да *фиққ* – И. ҳуқуқшунослиги мусулмон теологияси – *Илм ал-калом*дан (араб. علم الكلام – *калом фани*) ажралиб чиқиб, алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиб бўлди *(қ. ФИҚҲ)*.

*Калом фиққ*ий ечимларнинг диний-мафкуравий асоси сифатида хизмат қила бошлади. Кўп ҳолларда *калом* ва *фиққ* бир-бирини тўлдириб борди ва асрлар давомида И.нинг асосини ташкил этувчи *шариат*нинг (араб. الشريعة – *шаръий ёки [И. динида] рухсат этилган йўл*) турли қирраларига оид масалалар ечимини излаш б-н шуғулланиб келмоқда. *Фиққ*нинг *калом*дан фарқи шундаки, у амалиёт б-н боғлиқ масалалар ечимини излаш, яъни динда ҳақиқат деб қараладиган амалларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини белгилаш б-н шуғулланади. Вақт ўтиши б-н *фиққ*да *фуруъ ал-фиққ* (араб. فروع الفقه – *фиққ йўналишлари*) тушунчаси шаклланди. Унинг предметини И.нинг асл манбаларидан чиқариб олинган ҳукмларга асосланган инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиб турадиган қоидаларни шакллантириш ташкил этади. Мазкур масалага оид *фиққ*ий ечимларнинг негизида Қуръон ва *суннат* ҳамда *ижмо* б-н тасдиқланган ёки *ижтиҳод* йўли б-н шакллантирилган далиллар ётади. Шундай қилиб, *фиққ* фанининг предмети икки тоифага мансуб ҳуқуқий мезонларни ўз ичига қамраб олди: биринчиси, мўъминлар ва Аллоҳ ўртасидаги муносабатларни тартибга


солувчи мезонлар – ибодат (араб. العبادة – *ибодат*) қоидалари ва диний мажбуриятларни адо этиш масалалари, иккинчиси, одамлар ўртасидаги, шунингдек, мусулмон давлатининг бошқа конфессиялар вакиллари ва давлатларга муносабати (араб. المعاملات – *муомала [қоидалари]*). Биринчи тоифага мансуб масалаларга оид ҳукмларнинг кўпчилиги И.нинг бош манбалари – Қуръон ва *суннат*да ўзининг деярли тўлиқ ифодасини топгани туфайли, асрлар давомида *фақиҳ*ларнинг диққат марказида, кўпроқ, иккинчи тоифага мансуб муаммолар ечимини излаш турган. Шунинг учун ҳам узоқ муддат давомида шаклланган мазкур масалаларга оид ҳукмларнинг мутлақ кўпчилиги *ижтиҳод*га асосланган дир.

Гарчи *фиқҳ* дастлаб араб оламида пайдо бўлган бўлса-да, Мовароуннаҳр унинг энг нуфузли марказларидан бирига айланди ҳамда мазкур фаннинг мазмун-моҳиятини белгилашда асрлар давомида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келди. Ўрта асрларда ушбу минтақа Макка, Мадина, Бағдод, Басра ва Куфа б-н бир қаторда *фиқҳ* б-н боғлиқ катта ютуқларга эришди. Мовароуннаҳр *фиқҳ* мактабининг таъсир кучи *суннийлик* йўналишидаги иккита ҳуқуқий мактаб – *ҳанафийлик ва шофеъийлик* б-н боғлиқ ҳолда яққол намоён бўлди. Икки буюк *фақиҳ* Бурҳонуддин ал-Марғиноний (1123–1197 й.) ҳамда Абу Бакр ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший (904–975 й.) томонидан эришилган ютуқларнинг оддий саноғининг ўзиёқ ушбу фикрни тасдиқлайди. Ал-Марғинонийнинг *ҳанафий фиқҳи*га оид *«Ал-Ҳидāйа фӣ шарҳ бидāйа ал-мубтадӣ»* асари ҳамда ал-Қаффол аш-Шошийнинг *шофеъийлик фиқҳи*га тегишли *«Китāб усӯл ал-фиқҳ»*и асрлар давомида ўзининг назарий ва амалий аҳамиятини сақлаб келмоқда. Мовароуннаҳрда яратилган ушбу асарлар И. дунёси бўйлаб кенг тарқалган ҳамда асрлар давомида мусулмон ҳуқуқшуносларининг кундалик қўлланмаси вазифасини бажариб келган.



«Ал-*Ҳидāйа*». Қўлёзма. 13-а.
Ўзбекистон халқаро ислом академияси манбалар хазинаси

Мовароуннаҳрдан чиққан *фақиҳ*ларнинг сони ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг энг таниқлилари қаторига 10–12-а.ларда Бухорода яшаган *қузот сабъа* («етти қози») номи б-н шуҳрат қозонган Абу Зайд Убайдуллоҳ Умар ибн Исо ад-Дабусий (ваф. 1038 й.), Мустамлий Бухорий (10-а.нинг иккинчи ярми – 1043



Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида Ҳ-86 инв. рақам остида сақланаётган «*Усўл аш-Шāшӣ*» асари (литография)

й.), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбий (11-а.), Имом Завзон (12-а.), Имом Фахруддин Қозихон (ваф. 1195 й.), Имом Бадиъуддин (13- а.) ва Заҳируддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Бухорий (ваф. 1222 й.) кабиларни киритиш мантиқий. Уларнинг *фиқҳий* қарашлари нафақат Мовароуннаҳр, балки ундан йироқларда ҳам таъсирчан бўлган.

И.да муҳим ўрин тутадиган феноменлардан яна бири *тасаввуф* (араб. التصـوف)дир [17]. *Тасаввуфий тариқат*лар мусулмон халқлар маданияти, маънавияти ва ижтимоий-фалсафий қарашларининг шаклланишига катта таъсир ўтказган. Улар илк И. давридан, яъни 7-а.дан шакллана бошлаган, деган қарашлар мавжуд. Масалан, И. анъанасига кўра, Муҳаммад (с.а.в.)нинг 7-а. иккинчи ярмида вафот этган айрим *саҳоба*лари, жумладан, Абу-д-Дардо, Абу Зарр ва Ҳузайфа (р.а.)лар илк суфийлар саналади. У даврларда *тасаввуф* асосан *зоҳидлик*, яъни таркидунёчилик моҳиятидаги феномен бўлган. Илк И. даври *мутасаввиф*лари диққат марказида, асосан, Қуръон оятлари туб моҳиятини идрок этиш, улар ҳамда *суннат*даги кўрсатмаларга қатъий риоя этиш каби масалалар турган.

9-а.дан *тасаввуф* орифлик моҳиятли назарий асослар ва амалиётни ўзида мужассам эта бошлагани қайд этилади. Шу даврдан бошлаб *тасаввуф*ий мактаблар ва *тариқат*лар юзага кела бошлади. Илк *тасаввуф*ий *тариқат*лар – *муҳосибийя, қассорийя, тайфурийя, жунайдийя, нурийя, саҳлийя, ҳакимийя, харрозийя, сайёрийя, ҳалложийя* ва *ҳулмонийя*лардан иборат бўлиб, улардан бири – *ҳакимийя* ал-Ҳаким ат-Термизий (ваф. 898 й.) номи ва фаолияти б-н боғлиқдир.

Санаб ўтилган ва б. *тариқат*ларнинг ғоялари кейинчалик қодирийя (қ. *ҚОДИРИЙЯ*), чиштийя (қ. *ЧИШТИЙЯ*), суҳравардийя (қ. *СУҲРАВАРДИЙЯ*) ва нақшбандийя (қ. *НАҚШБАНДИЙЯ*) *тариқат*лари таълимотида ўз аксини топган.

Тарихда И.нинг турли *мазҳаб*лари б-н боғлиқ элликдан ортиқ *тасаввуф*ий *тариқат*лар бўлгани маълум. Лекин уларни *тариқат* шахобчалари дейиш мумкин. Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний (1048–1140 й.) шогирдларидан бўлган Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1166 й.) томонидан 12-а.да асос солинган *яссавийя*, 13-а. бошларида Нажмуддин Кубро (1145–1221 й.) томонидан асос солинган *кубравийя* ҳамда 14-а.да Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389 й.) асос солган *нақшбандийя тариқат*лари дастлаб Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва кейинчалик И. оламининг бошқа ўлкаларига ҳам ёйилган. Санаб ўтилганлардан охиргиси мусулмон дунёси бўйлаб, айниқса, кенг тарқалган. Бунга мазкур



Термиздаги ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси

тариқат моҳиятини «Дил ба Ёру, даст ба кор», яъни «Қалбинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин» деган ҳаётий қоида ташкил этгани асосий сабаб бўлган дейиш мумкин *(қ. НАҚШБАНДИЙЯ)*.

13–14-а.лардаги Марказий Осиё *тасаввуф*ини И. дини равнақидаги янги босқич дейиш мумкин. У «мистик-аскетик», «ўз қобиғига ўралиб қолган таълимот» бўлиб қолмасдан, балки давр талабига жавоб сифатида вужудга келган. Мўғуллар истибдоди ҳаддан ошган бу даврда И. *тасаввуф* шаклида Марказий Осиё халқлари мустақиллиги учун курашнинг маънавий-ғоявий кучи вазифасини ўтади. Соҳибқирон Амир Темур айнан мана шундай ғоявий муҳитда дунёга келган эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган энг муҳим ўзгаришлардан бири – диний омил ижтимоий-маданий мақомининг тикланиши бўлди. Бу воқелик аҳолининг мутлақ кўпчилиги эътиқодини ташкил этадиган И. мисолида ўзини тобора яққолроқ намоён этиб бормоқда. Ушбу жараённинг асоси бўлиб хизмат қилаётган омиллардан бири, шубҳасиз, И. сарчашмалари – Қуръон ва ҳадиснинг маданий-маънавий ҳаётдаги ролига аҳамият қаратилгани бўлди. Ўтган даврда Қуръони карим маъноларининг ўзбекча *тафсир*лари катта ададларда чоп этилди. Шунингдек, Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий томонидан яратилган ҳадис тўпламлари ҳам илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, улкан ададларда нашрдан чиқарилди. Бугун И.нинг ушбу икки бош манбасининг ўзбекча нашри мавжуд бўлмаган ўзбек хонадонини топиш мушкул. Шунингдек, пешқадам маҳаллий уламолар томонидан И. тарихи, манбалари, илмлари ва таълимотининг турли қирраларига бағишланган юзлаб асарлар яратилди. Қолаверса, халқаро илмий жамоатчилик эътирофини қозонган кўплаб чет эллик илоҳиётчи олимларнинг китоблари ўзбек тилига ўгирилиб, оммалаштирилмоқда.

И.нинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги табиий ўрнини қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлардан яна бирини унинг мазмун-моҳиятини чуқур биладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш ва мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ташкил этмоқда. Мамлакатимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган бундай инфратузилма иккита устунга суяна-

ди. Улар мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат тизимлардан иборат.



Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси. Бухоро

1999 й. мамлакатимизда давлат таълим муассасаси мақомига эга илк ислом олий ўқув юрти – Тошкент ислом ун-ти таъсис этилган эди. Салкам йигирма йил фаолият кўрсатган ушбу ун-тни битирган исломшунос мутахассислар бугун турли ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Ушбу маънода мазкур таълим муассасаси ўзининг ҳаётий ролини адо этди.

Миллий-маънавий ўзликнинг ўзак ўқларидан бирини ташкил этадиган И. таълимотига асосланган диний тафаккурнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланиб борган сари у б-н боғлиқ фанларнинг билимдонлари ҳамда илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ҳам мунтазам ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси б-н 2018 й. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг таъсис этилгани ана шу ҳаётий заруратнинг амалга оширилишига кенг йўл очиб берган умуммиллий аҳамиятга молик тадбир бўлди. Бундай муассасанинг тузилишидан кўзланган мақсад, диний йўналиш б-н боғлиқ кадрлар тайёрлашнинг сифатини оширишдан ташқари, турли экстремистик оқимларга қарши курашнинг илмий таъминотини кучайтириш, унинг самарадорлигини ошириш, кенг омма, айниқса, ёш авлодни бузғунчи мафкуралар таъсиридан ҳимоялашга ёрдам бериш каби вазифаларни қамраб олади.

Охирги йилларда диний йўналишдаги ўқув-маърифий инфратузилманинг нодавлат сегменти ҳам жадал кенгайиб бормоқда. Яқингача унинг таркибидаги ягона олий ўқув юрти ҳисобланган Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом ин-ти қаторига Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳамда Самарқанддаги Ҳадисшунослик олий мактаби қўшилди. Бундан ташқари, *фиқҳ, калом, тасаввуф*ни ўрганишга ихтисослашган марказларга асос солинди ва ҳ.к.

Санаб ўтилган ва яна бир қатор ўқув юртлари ҳамда илмий тадқиқот муассасалари И. тарихи, манбалари, *ақида*си, Қуръони карим, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти, фаолияти ва ҳадисларини ўрганиш б-н шуғулланмоқда. Улар диний ҳаёт эволюциясини демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамия-



Самарқанд вилоятидаги Ҳадисшунослик олий мактаби

ти талабларига мувофиқлигини илмий таъминлаш каби мураккаб вазифани бажармоқда.

Ўзбекистонда И.нинг ҳаётий мақомини тиклашга қаратилган ишлар халқаро ҳамжамият, жумладан, мусулмон дунёси эътирофига сазовор бўлмоқда. Бунинг исботларидан бири Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти – ISESCO томонидан Тошкент ш.ини 2007 й.даги Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани бўлди. Бундай қарор замирида ётган иккита жиҳат алоҳида эътиборга лойиқдир. Уларнинг бири тарихий ҳақиқатга эга бўлса, иккинчиси нафақат бугунги кун, балки келажакка қаратилган интилишларни ҳам ўзида мужассам этгандир.

Тарихийлик нуқтаи назаридан қаралганда, И. Арабистон яриморолида пайдо бўлди. Бу – тарихий ҳақиқат. Лекин унинг тўлақонли диний таълимот сифатида эътибор топишида юртимизнинг алоҳида ўрни, мовароуннаҳрлик алломаларнинг беназир хизматлари бор. Ушбу маънода Тошкент деганда, Мовароуннаҳр, яъни бугунги Ўзбекистон назарда тутилмоқда. Мовароуннаҳр дегани эса, қадимий ва навқирон Тошкент б-н бир қаторда, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Қарши, Марғилон, Қўқон, Наманган ва Андижон каби Марказий Осиёдаги мусулмон тамаддунининг кўҳна ва нуфузли марказлари жамланмасини англатади. ISESCO томонидан тарихий Мовароуннаҳрнинг яна бир нуфузли шаҳри – Бухорои шарифнинг 2020 й.даги Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани юқоридаги фикрнинг яна бир исботидир.

ISESCO қарорининг замонавийлик ҳамда келажакка йўналтирилган қирралари И. таълимотининг ривожига беназир ҳисса қўшган мовароуннаҳрлик алломалар номи б-н боғлиқ қадамжоларнинг бутун мусулмон дунёси томонидан асрлар оша эъзозланиб келингани б-н боғлиқдир. Мусулмонларнинг

тилган ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанларга оид нодир манбаларни тўплаш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга бешикаст етказиш каби умуммиллий аҳамиятга молик ишларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Бундай манбаларнинг замонавий нашрларини амалга ошириш, уларни ҳам маҳаллий, ҳам халқаро миқёсда оммалаштириш унинг вазифалари қаторига киритилмоқда.

Марказ яқин келажакда мантиқий билимларга асосланган диний-маънавий инфратузилманинг муҳим бўғинларидан бирига айланади. Ушбу маънода у турдош ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎзР ФА Шарқшунослик ин-ти, Тошкент давлат шарқшунослик ун-ти каби ўқув-таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари б-н ҳамкорлик қилади. Бу орқали таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлиги таъминланади.

Айтиш жоизки, мустақилликнинг илк палласида бундай ишларни ҳокимиятни бошқарган сиёсий кучларнинг муваққат «ўйинлари» деб баҳолаганлар ҳам бўлган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи бундай иддаоларнинг пучлиги, давлатнинг диний эътиқодга бўлган муносабати холис эканини кўрсатиб турибди. Ўтган даврда диний омилнинг ҳаётий мақомини тиклаш б-н боғлиқ ишлар асло тўхтаб қолгани йўқ. Муҳтарам ўқувчига ҳавола этилаётган ўзбек тилидаги кўп жилдли «*Ислом энциклопедияси*»нинг биринчи ва кейинги китоблари ушбу фаолиятнинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади.



Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси

«ИСЛОМ» МАҚОЛАСИГА ИЗОҲ ВА ҲАВОЛАЛАР

1. Ислом тарихи инсониятнинг ибтидоси ва илк пайғамбар ҳисобланган Одам (а.с.)дан бошланган. Кейинги барча пайғамбарлар И.нинг суянчиқлари ҳисобланадилар. «(Эй инсонлар!) Сизларнинг ушбу динингиз (аслида) бир дин (яъни Ислом) дир. Мен эса (барчангизнинг) Раббингиздирман... » (*«Анбиё» сураси*, 92-оят). Шу боисдан Қуръон аввалги пайғамбарлар тарғиб қилган барча рисолаларга ижобий муносабат билдиради. И.нинг пайдо бўлиши ва унинг эволюцияси анъанавий баёнига бағишланган ўзбек тилидаги энг батафсил ва замонавий битик таниқли дин арбоби, марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга тегишлидир (қ. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи*. – Т.: «Hilol-nashr», 2018. I–II.). Шунингдек, таниқли ўзбек олими Алихонтўра Соғуний (1885–1976 й.)нинг «*Тарихи Муҳаммадий*» асари ҳам мазкур жанрга оид муҳим китоблар қаторига киради.

2. Бу ва кейинги ўринларда Қуръондан иқтибослар шайх Абдулазиз Мансурнинг «*Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири*» (– Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.) нашрига мувофиқ келтирилган.

3. Қуръон атамаси маъносининг Ислом уламолари томонидан олға сурилган бошқача талқинлари ҳам мавжуд. Масалан, Имом аш-Шофеъийга кўра, Қуръон сўзи муайян бир ўзакдан ясалмаган, балки Илоҳий Каломни англатиш учун жорий этилган, яъни «қара'а» ўзагининг унга алоқаси йўқ. Акс ҳолда, Имом аш-Шофеъийнинг фикрича, ўқилиши мумкин бўлган барча нарсалар Қуръон деб аталган бўлур эди. Ал-Ашъарий Қуръон сўзи *қўшмоқ, жамламоқ, яқинлаштирмоқ* маъноларини англатадиган *қрн* ўзагидан ясалган дейди. Зеро, Қуръонда ҳарфлар, сўзлар ва оятлар бирлашиб, ўзига хос тарзда уйғунлашиб муайян яхлитликни ташкил этади. Айрим мусулмон олимлари Қуръон атамасининг келиб чиқишини *қар – жамламоқ* сўзи б-н боғлашади. Ушбу талқинга кўра, Қуръон ўзидан олдинги илоҳий китоблар мазмунини (ҳам) ўзида мужассам этгани, яъни жамлагани сабабли мазкур атама б-н номланади. Шунингдек, Қуръон атамаси арабча *қарина – туташ, яқин* сўзининг кўплик шакли бўлган *қароин* сўзидан олинган бўлиб, ундаги ҳар бир оят кейингиси б-н туташиб, яхлит уйғунлик касб этиб боради деган талқин ҳам учрайди.

4. Қуръон матнида етти марта ишлатилган, улардан иккитасида ушбу ном остида *Таврот* назарда тутилган.

5. Қуръон матнида 255 марта ишлатилган бўлиб, кўпчилик ҳолларда Қуръони карим назарда тутилган.

6. Қуръон матнининг кўп ўринларида ишлатилган бўлиб, уларнинг айримларида Қуръон назарда тутилган.

7. Қуръон матнида кўп марта такрорланган *танзил* сўзи Қуръоннинг мунтазам, босқичма-босқич тарзда нозил этилганини ифодалайди. Айрим ўринларда у Қуръоннинг номланишини ҳам англатади.

8. Ислом тарихида Қуръон сураларининг сони ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд бўлган. Жумладан, айрим уламолар томонидан уларнинг сони 112, 113, 115, 116 деб ҳам кўрсатилган. Қуръоншунос олимлар бундай тафовутларга Қуръоннинг илк нусхалари ўртасида, яъни Усмон ибн Аффон (р.а.) буйруғига кўра унинг ягона матни шакллантирилгунга қадар, айрим жузъий фарқлар бўлгани, масалан, Убай ибн Каъб (р.а.) нусхасида «*Фил*» ва «*Қурайш*» *сураларини* бир-биридан ажратиб турувчи «басмала»нинг мавжуд бўлмагани кабиларни сабаб қилиб кўрсатадилар.

9. Қуръон оятлари сонини аниқлаш бўйича шаклланган турли қарашлар илк Ислом даврида ривожланган илоҳиёт марказлари Куфа, Мадина, Макка, Басра ва Шом (Дамашқ) б-н боғланади.

10. Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин Қуръоннинг биринчи *муфассир*лари сифатида *саҳоба*лар майдонга чиққан. Бироқ уларнинг муқаддас матн *тафсир*ига оид сўзлари алоҳида китоб шаклида етиб келмаган. *Саҳоба*ларнинг қарашлари кейинроқ яратилган *тафсир* китобларида келтирилган.

11. *Ривоят* атамаси *рвй* (араб. ر و ى) ўзагидан ясалган бўлиб, ҳикоя ва баён маъноларини англатади. Шунга кўра, ҳадис матнларини авлоддан авлодга ўтиб келишида алоҳида ўрин тутган тарихий шахслар ҳам *ровий*лар, яъни *ривоят қилувчи*лар деб номланади.

12. Қ.: Қуръон – 33: 38; 33: 62; 35: 43; 40: 85; 48: 23 ва б.

13. Ҳадиснинг арабча матни:

لا تُشَدُّ الرحال إلا ثلاثة مساجد المسجد الحرام و المسجد الأقصى و مسجدي هذا

14. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда тарихан «чорёрлар даври» деган атама б-н юритилган.

15. Масалан, швейцариялик таниқли тадқиқотчи Ульрих Рудольф олим илмий меросига бағишланган машҳур китобини «Абу Мансур ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» деб номлаган.

16. *Жоҳилият* (араб. الجاهلية – *жоҳиллик, онгсизлик, билимсизлик*) даври – И. дини вужудга келишидан олдинги даврга нисбатан ишлатиладиган тарихий-ономастик моҳиятли атама.

17. *Тасаввуф* атамасининг келиб чиқиши б-н боғлиқ бир неча гипотезалар мавжуд. *Тасаввуф*ий адабиётда унинг этимологияси, кўпинча, *сфв* (араб. ص ف و) ўзак ҳарфлар б-н боғланади ва «мусаффо бўлмоқ», «пок бўлмоқ» маъноларида талқин этилади. Табиийки, бунда маънавий поклик назарда тутилади. Мазкур атаманинг «аҳл ас-суффа» – «суфа (супа) аҳли» деган талқини ҳам бор. У орқали ўта тақводор, авлиёсифат кишилар назарда тутилган. Шунингдек, илмий адабиётда *тасаввуф* этимологиясини *«суф»*, яъни *«жун», «юнг»* маъноларини англатадиган арабча сўз б-н боғлашга интилиш ҳам кузатилади. Бунда ушбу тоифага мансуб кишиларнинг либоси, асосан, жундан тўқилган матодан тикилгани сабаб қилиб кўрсатилади.

18. 22–23 ва 24–25-бетлардаги Пайғамбарлар ҳамда Муҳаммад (с.а.в.)нинг шажаралари шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «*Ислом тарихи*» (– Т.: «Hilol-nashr», 2018.) китобидан олинди.

Зоҳидулла Мунавваров
сиёсий фанлар доктори, профессор

Аҳаджон Ҳасанов
тарих фанлари доктори, профессор

А

ا ع

А

(ا)

Араб алифбосининг биринчи ҳарфи

АБ

أب

Аб, абун – араб. أَبٌ ота, падар (кўплик шакли – أَبُون، آبَاءٌ، أَبُوٌّ، أَبُوَّةٌ. Ўзаги أبـو). «Аб» сўзининг изофага киришган, аниқ ҳолатдаги бош келишик шакли – Абу (أبـو).

1. Араблар, шунингдек, Ислом оламидаги бошқа халқлар кунялари таркибига кирувчи сўз. Мас.: Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний ва б. «Абу» б-н келган исм шахснинг отаси, «ибн» б-н келган исм эса шахснинг ўғли эканини билдиради.

Бир одамнинг бир нечта куняси бўлиши мумкин. Мас: Усмон ибн Аффонда 3 та куня бўлган: Абу Амр (أبـو عمـرو), Абу Абдуллоҳ (أبـو عبـد الله) ва Абу Лайло (أبـو ليلـى).

«Абу» сўзидан кейин қуйидаги исмлар келади: 1) одатда энг катта ўғилнинг исми; 2) баъзан кичик ўғил ёки қизнинг исми; 3) аждодига бўлган ҳурмат юзасидан набира ёки ундан кейинги авлодидан бўлган шахс исми; Мас.: Иброҳим (а.с.) одатда Абу Исҳоқ (Исҳоқнинг отаси) ёки Абу Яъқуб (Яъқубнинг отаси) деб номланган.

Куня бирор исталган сифатга нисбатан мажоз бўлиши мумкин, мас.: Абу-л-Фазл (أبـو الفضـل – «Фазилат отаси») ёки Абу-л-Хайр (أبـو الخيـر – «Яхшилик отаси») ва ҳ.к.

Баъзан «абу» сўзи қўшилган бирикма лақаб сифатида қўлланилади: инсоннинг шахсий хусусиятига боғлиқ ҳолда, мас.: Абу-д-Давоник (أبـو الدوانـق) – «Қийматсизлик (қадрсизлик) отаси» (دوانـق – «майда пул», «чақа»). Бу сифат зиқналиги б-н танилган *аббосийлар* халифаси ал-Мансурга нисбатан берилган. Абу Ҳурайра – мушукча отаси (هريـرة – мушукча), унга мушукларни яхши кўргани учун киноя б-н берилган куня. Камситиш маъносидаги, мас. Абу Жаҳл (أبـو جهـل) – «жоҳиллик отаси», ёки бирор жисмоний хусусиятни кўрсатиш учун, мас. Абу Шома (أبـو شـامة) – «туғма холи бор одам» каби кунялар ҳам учраб туради.

«Абу» сўзининг кунядан ташқари «эга» маъносида қўлланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Мас.: Абу-н-наззора – кўзойнак эгаси (яъни кўзойнак тақиб юрадиган киши).

«Абу» сўзи, шунингдек, турдош от сифатида айрим жониворлар, ўсимликлар ёки уларнинг мевасига нисбатан бирикма шаклида қўлланади, мас., шер – абу форис (أبـو فارس), хўроз – абу-л-яқзон (أبـو اليقظـان), узун тумшуғли ўрмон лойхўраги – абу мисалла (أبـو مسـلة) ёки абу минқор (أبـو منقـار), сакраш одатига кўра, бурга – абу-л-вассоб (أبـو الوثـاب) деб номланган; ўсимликлардан чилибуха аччиқлиқлиги туфайли абу заъқа (أبـو زعقـة), каштан меваси пўсти мўйнага ўхшаш бўлгани учун абу фарва (أبـو فـروة) дейилган ва ҳ.к; жонсиз нар-

салар номини ясайди, мас., абу риёҳ – шамол отаси (яъни қайси томондан шамол эсаётганлигини кўрсатувчи темир паррак – флюгер).

Шунингдек, «абу» ҳақиқий маъносини бутунлай йўқотиб, зу/зат (ذو/ذات ..га эга одам)га синоним бўлади. Мас.: юмор тариқасида (абу лиҳйа/абу лаҳйа – «соқолли одам», ёки эвфемизм (ёмон) абу-л-басир – кўр одам ва ҳ.к.) усулида одам, ҳайвон ёки бирор нарсанинг ўзига хослигини кўрсатиб берадиган ифодали ном ясайди.

Бу сўз воситасида Сфинкс ҳайкали – Абу-л-ҳавл ва Абу Қубайс – тоғ номи каби топонимлар ҳам ясалади.

Кўпгина адабий сўз ва атамалар қатори «Абу» сўзи ҳам ўзбек адабий тилида 9–10-а.лардан бошлаб туркий сўз ва атамалар б-н ёнма-ён, гоҳ уларнинг ўрнида қўлланила бошланган. Мас., Алишер Навоий қуйидаги шеърий байтида «бобо» сўзи ўрнида арабча «жадд» ва «ота» сўзи ўрнида «аб» сўзини қўллаган.

Дегач абжад, бошиға уйрулурлар –
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб.

2. Қадимий туркий тилидаги кўмакчилардан бири. Ёзувда иккинчи ҳарф «б» ёзилса ҳам, талаффузда «п» айтилади; «ап эзгу» («жуда яхши»), «ап ак» («оппоқ»).

Ад.: Ибн Манзур. *Лисан ал-ъараб*; A. J. Wensinck. «Кипуа» *EI*² (Ing.). V, 396-397; Ал-Жаҳиз. *Байан*. 342; Маҳмуд Қошғарий. *Девону луғотит турк*. – Т.: 1960. I, 70; *ЎзМЭ*. – Т.: 2000. I, 13; (https://islom.uz/maqola/4513).

Салима Рустамий

АБАД
أبد

Абад (араб. сўнги йўқ, мангулик) [*тасаввуф*] – чексизлик, давомийлик, ниҳоясизлик, сўнги йўқ замон, бироқ ибтидоси бор вақт ўлчови. А. *азал*нинг давоми. *Азал*нинг ибтидоси йўқ, бироқ интиҳоси бўлиши мумкин. *Азал*-абад эса, ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ чексизликдан иборат. А. истилоҳи диний ва дунёвий талқинда қўлланилади. Дунёвий талқинда вақт ёки замоннинг доимийлиги, чексизлигини англатади.



Алишер Навоийнинг «*Мажолис ун-нафоис*» асари қўлёзмаси

*Тасаввуф*ий маънода А. шундай муддатки, унинг ниҳоясини инсон ақли тасаввур қила олмайди. А. ниҳоясизликка қараб, ягона Яратувчининг мавжуд ва доимо ҳаракатда бўлиши, ниҳоясиз мавжудликдир. Айни тушунтириш Саййид Шариф Журжонийнинг *«Ат-Таърифат»* асарида келади. Эрон *тасаввуф* олими Саййид Жаъфар Сажжодий «*Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати*»да мазкур таърифни кенгроқ тушунтирган. Ибн Сино замоннинг чексиз давомини А. деб англатган бўлса, ал-Киндий асарларида ўзининг давом этиши учун бошқага муҳтож бўлмаган ва борлиғи сабабга боғланмаган доимийлик, деб таърифланган. Ат-Тусийнинг талқинига кўра, А. Аллоҳдан бошқа нарса ва ҳодисаларга ҳам қўлланиши мумкин, бироқ А. ва *азал* деб Аллоҳдан бошқаларга нисбат берилмайди.

А.га *тасаввуф* фалсафасида Яратувчининг сифатлари тарзида ҳам қаралади. Қайсарий *«Кашшāф истилāҳāт ал-фунўн»* («Фан истилоҳларининг кашф этилиши») асарида ушбу фикрни давом эттириб, А.нинг азалийлиги ва *азал*нинг абадийлигини таърифлайди. Унингча, *азал* ва А. Аллоҳнинг икки сифати бўлиб, унинг мавжудлиги зарурияти (вожибул-мавжуд) инсон ақли орқали тушунилиши учун замонга нисбат берилган. Навоий асарларида ҳам А. Аллоҳнинг доимий мавжудлиги ҳамда ниҳоясизлик, сўнгги йўқ замон маъноларида қўлланилган:

Зиҳи ниҳоятинг охир келиб абад аввал,
Вале хабар бера олмай бидоятинға азал.
(Навоий. *Наводир уш-шабоб.* IV, 368-ғазал)

Ҳар кишига умрида бу навъ бир
кун берса даст,
То абад ғам йўқ агар бўлса
яна ё бўлмаса.
(Навоий. *Фавойид ул-кибар.* VI, 24-ғазал)

Ҳаётингиз зулоли абадға дегинча жорий ва давлатингиз қуёши қиёматғача завол касофатидин орий бўлсун, омин.
(Навоий. *Муншаот.* 138-мактуб)

~ *нуқтаси* – гўзалликнинг доимий ва ўзгармас белгиси (айрим ҳолларда ягона бир дона хол):

Эй сафҳаи рухсоринг азал
хуттидин иншо,
Дебочаи ҳуснунгда абад
нуқтаси туғро.
(Навоий. *Ғаройиб ус-сиғар.* III, 23-ғазал)

~ *умри* – туганмас, боқий умр:

Кўйида ўлсам, абад умрича бор
бу умр агар,
Қилмаса хориж танимни,
итларига судратиб.
(Навоий. *Фавойид ул-кибар.* VI, 41-ғазал)

Эй, Навоий, гар насибингдур
абад умри керак
Хотирингда ёрдин ўзга
таманно бўлмаса.
(Навоий. *Фавойид ул-кибар.* VI, 15-ғазал)

~ *ҳаёти* – туганмас, мангу ҳаёт:

Абад ҳаёти каби васлиға
етишкунча,
Фироқ маҳлакаси ичра умр
омон бермас.
(Навоий. *Бадоеъ ул-васат.* V, 245-ғазал)

Ад.: Саййид Жаъфар Сажжодий. *Фарҳанги истилоҳот ва таъбирот ирфоний.* – Теҳрон: 1438; Алишер Навоий. *МАТ.* – Т.: «Фан», 1991. 18–22; *Фалсафа. Қомусий луғат.* – Т.: Шарқ НМАК, 2004. 5–6; *АНАТИЛ.* – Т.: «Фан», 1983. I, 21; *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 13.

Ҳамидулла Болтабоев

АБАДАТ АЛ-АВСОН
عبدة الأوثان
(қ. БУТПАРАСТЛИК)

АБАДАТ АЛ-ИБЛИС
عبدة الإبليس
(қ. ЯЗИДИЙЛИК)

АБАДИЙ
أبدى

Абадий (араб. боқий, интиҳосиз, сўнгги йўқ, мангулик) *тасаввуф*да – мангу, доимий, ҳамишалик, фалсафада борлиқ, оламдаги мунтазамлик ва барқарорлик. Моддий жиҳатдан қаровчилар наздида материя А. мавжуд. Бироқ диний тасаввур бўйича материя Яратувчининг яралмиши, шундай экан, унинг абадийлиги нисбий. Материяга нисбатан унинг Яратувчиси А. ҳисобланади. А.лик Аллоҳга хос доимий сифат бўлиб, ҳамма маъноларда ҳам абадийлик тимсоли ягона Аллоҳдир.

Масти абадий бўлғуси мен
янглиғ азалда,
Ҳар кимки фано дайрида бир
жом симурди.
(Навоий. «Фавойид ул-кибар». VI, 588-ғазал)

А. мавзу – бадиий асар асосига қўйилган воқеа ва ҳодисалар, моҳият ва мазмуннинг мангулик, доимийлик касб этиши. Мас., маърифий адабиётда илоҳий мавзуга ва бадиий адабиётда муҳаббат, севги мавзусига нисбатан қўлланиладиган сифат. А. мавзуга бағишланган Имом ал-Ғаззолийнинг *«Кимёи саодат»*, машҳур хамсанавислар томонидан яратилган *«Хусрав ва Ширин»*, *«Лайли ва Мажнун»* каби асарлар, Ғарб адабиётида муҳаббатни абадий мавзу сифатида талқин этган достонларни тилга олиш мумкин.

А. қиёфат – Яратганнинг доимий мавжудлиги ва унинг инсон қалбида доимо акс этиши. А. қиёфат Шайх Нажмуддин Кубронинг талқинича, Аллоҳга яқинлашиш ва унинг сифатлари б-н ахлоқланишнинг ўн усули (*усули ашара*)да доимий зикр б-н юрувчи *солик*ларгагина хосдир. Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани унутиб, унинг ёди б-н яшамоқ доимий зикрдир.

Ад.: *АНАТИЛ.* – Т.: «Фан», 1983. I, 21; Журжи Зайдон. *Тарйх адаб.* – Қоҳира: «Дор ал-ҳилол», 1898; Шайх Нажмиддин Кубро. *Усули ашара / Ислом тасаввуфи манбалари.* – Т.: «Ўқитувчи», 2005. 142.

Ҳамидулла Болтабоев

АБАДОН
عبدان (آبادان)
Эрон жануби-ғарбида, Хузистон вилоятидаги шаҳар

Шаттул-араб (дарёси)нинг шарқий ёқасида Жазира ал-хизр ёки кейинчалик Аббодон деб номланган ярим-оролнинг шим. қисмида асос солинган. Дастлаб Басра кўрфази қирғоғида бўлган эса-да, Шаттул-араб ташиган аллювийлар сабабли ҳозир денгиздан 50 км гача ичкарида қолган. Дунёнинг энг катта нефть тозалаш корхоналарига ва экспорт имконларига эга портларидан биридир.

8 ёки 9-а.да Аббод ибн Ҳусайн исмли дин олими томонидан бунёд этилган шаҳар асосчисининг номига монанд равишда А. номини олган, бироқ бу ном 1935 й.да Ризошоҳнинг Эрондаги арабча жой номларини форсчалаштириш сиёсати натижасида Ободонга ўзгартирилган. *Аббосийлар*нинг илк даврларида диний марказ бўлган А.да савдо-сотиқнинг ҳам ривож топгани, бундан ташқари Басра ҳудудининг бўйра ва туз талаби шу ердан қондирилгани маълум. Шаттул-араб атрофидаги тузли ботқоқликларда ўсган



Абадон ш.нинг ҳоз. кўриниши

қамишлардан фойдаланган ҳолда А.да тайёрланган бўйралар ободоний номи б-н донг таратган. Мисрда тайёрланган бўйраларга ҳам кейинчалик худди шу ном берилган. 9-а. тарихчиларидан Носир Хусрав А.ни «Ироқнинг жан.идаги яшаш жойи», 14-а.да эса Ибн Баттута «деҳқончилик майдонларидан маҳрум, тузли воҳада бунёд этилган, ичида жуда кўплаб масжид ва работлар бўлган катта қишлоқ», дея таърифлаганлар. Ушбу маълумотлардан шаҳарнинг вақт ўтиши б-н қурилган йилларидаги тароватини йўқотгани англашилади. Кейинчалик атрофидаги ерлар туздан тозаланиб, у ерда хурмо етиштиришга имконият яратилган.

Узоқ муддат *усмонийлар* ҳукмронлиги остида қолган А. 1847 й.даги Эрзурум келишувига асосан Эронга ўтган.

Ироқ-Эрон урушидан кўп зарар кўрган бўлишига қарамай нефть б-н боғлиқ фаолиятлар давом эттирилмоқда. Нефть б-н боғлиқ корхоналарнинг барчаси 1979 й. инқилобидан кейин миллийлаштирилган.

Ад.: Ибн Баттута. *Туҳфа.* – Байрут: 1985. I, 210; Носир Хусрав. *Сафарнома.* 89; L. Lockhart. *«Abbadan». EI² (*Ing.). I, 5; Cevat Rüştü Gürsoy. *«Abadan». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 6; *The Middle East and North Africa 1984-1985.* – London: 1984. I, 111; II, 368, 373; M. Streck. *«Abbâdân». İA.* I, 8; *«Abadan». The New Caxton Encyclopedia.* – London: 1966. I, 3.

Тузувчи Абдулҳамид Зайриев

АБАС
العبث

Дунё ва охиратда кишига моддий ва маънавий фойда келтирмайдиган сўз, иш ва хатти-ҳаракат

Ҳеч кимга фойдаси бўлмаган ёки диний мақсадни ифода қилмаган ҳар қандай сўз ва хатти-ҳаракат абас дейилади. Фойдаси диққатга сазовор бўлмайдиган даражада оз бўлган ёки мусбат натижани ифода этмаган ҳаракатлар ҳам А. деб аталган. Қуръони карим ва адабий манбаларда «бефойда, кераксиз, беҳуда, бекор», деган маъноларда қўлланилган. Қуръони каримда инсонлар бекорга – А. яратилмагани тушунтирилиб, охиратсиз бу дунё ҳам маъносиз – А. экани маълум қилинган. Мас., «*Муъминун*» *сураси*, 115-оятида:

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ

Мазмуни: Наҳотки, Бизнинг сизни яратишимиз беҳуда бўлган ва сиз Бизга қайтарилмассиз, деб ҳисобласангиз?!

Бу оятга кўра, яратилишнинг сабаби бор бўлиб, дунё ҳаётидан сўнг абадий ҳаёт ва ҳисоб куни бўлмаса, дунё ва инсонларнинг яратилиши А. бўлар эди. Қуръони каримдаги ер ва осмонлар бекорга яратилмагани (қ. *«Анбиё» сураси*, 16-оят; *«Саъд» сураси*, 27-оят) ва инсонлар ўз ҳолича ташлаб қўйилмаганини (қ. *«Қиёмат» сураси*, 36-оят) ифода этувчи оятлар ҳар бир нарса ҳикмат ҳамда ғояга боғлиқ бўлиб, тасодифий эмаслигини кўрсатади. Зеро, коинот низомидаги мукаммаллик борлиқда абаса ер йўқлигининг очиқ-ойдин далилидир. Қуръони карим доимо инсонларни борлиқдаги сабаб-оқибат муносабатларини тушунишга, илоҳий ҳикматларни англашга чақиради. Ҳаётнинг мақсад ва маъноси борлигини англатар экан, мавжудликнинг ўз ҳикмати борлигига диққатни тортади. Ислом олимлари одатда дунё ва охиратда моддий ва маънавий фойда келтирмайдиган барча иш, сўз ва ҳаракатларга А. ва ғайри ахлоқий иш, деб қараганлар. Уларнинг фикрича, қилинган ҳар бир иш дунё ва охират жиҳатидан фойда келтириши, маъно англатиши лозим.

Адабий манбаларда, хусусан Алишер Навоий ижодида:

Агар қойил эрмас бу ишга киши,
Бўлур бар абас офариниш иши.

(Алишер Навоий. *Садди Искандарий.* XI, XLVI боб)

Мазмуни: Агар бир ишга киши муносиб бўлмаса, унинг ишидан натижа бефойда, кераксиз бўлади.

А. сўзи Сўфи Оллоҳёрнинг *«Сабот ул-ожизийн»* асарига ёзилган *«Ҳидоят ут-толибийн»* номли шарҳ муаллифи томонидан ҳам юқоридаги маънода истифода этилган: «...дунё ҳаётига мағрур ва охират ёдидин дур, муҳожирлик отини булғаган, амома бошиға бар абас чулғаган...».

Мазмуни: «...дунёга ғурурланган ва охиратни хаёлидан узоқлаштирган, муҳожирлик номига нолойиқ, саллани бошига беҳуда ўраган...».

Шунингдек, А. оғирлик ўлчови ҳамдир. Гавҳар ва шу каби қимматбаҳо тошларни ўлчашда қўлланилган. Бир А. = 0,1458 г.

Ад.: Süleyman Uludağ. *«Abes». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 305; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси.* – Т.: «Sharq», 2011. 349; Ҳ.Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 20; Саййид Ҳабибуллоҳ бин Саййид Яҳёхон ал-Фарғоний ал-Кобулий. *Ҳидоят ут-толибийн – Сабот ул-ожизийн шарҳи* (нашрга тайёрловчи: О.Алимов). – Т.: «Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2009.

Озодбек Алимов

АБАСА СУРАСИ

سورة عبس

Қуръони каримнинг саксонинчи сураси (30-пора)

«Абаса» юздаги ифоданинг ўзгариши, юз бурушиши, хўмрайиш каби маъноларни англатади.

«Нажм» сурасидан кейин, *«Қадр» сурасидан* олдин Маккада нозил бўлган. Оятлар сони 42 та. Сўзлар сони 133, ҳарфлар сони 522 та. Сура номи илк калимасидан олинган.Шунингдек, у السفرة «*ас-Сафара*» ёки الصاخة «*ас-Сохха*» *сураси* деб ҳам аталади.

А.с.нинг нозил бўлиш сабаби қуйидаги воқеа б-н боғлиқ: Пайғамбар (с.а.в.) *Қурайш қабиласи* зодагонларидан Утба ибн Рабиъа, Абу Жаҳл, Умайя ибн Халаф



Қуръони карим. *«Абаса» сураси.* Қўлёзма

ва Аббос ибн Абдулмутталиблар б-н суҳбатлашиб, уларни Ислом динига даъват қилаётган эдилар. Бу орада олдиларига Абдуллоҳ ибн Умму Мактум исмли кўзи ожиз *саҳоба* келиб, Пайғамбар (с.а.в.) дан бир оят ўқиб беришларини сўрайди. У Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бошқалар б-н машғул эканларини билмаган ҳолда «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ сизга билдирганларидан менга ҳам ўргатинг!» – деб, бир неча бор такрорлайди. Шунда даъватлари натижасиз қолишидан ташвиш қилган Пайғамбар (с.а.в.) ундан малолланган ҳолда юзлари ўзгаради ва саволларига жавоб ҳам бермайдилар. Бу муомала Аллоҳга хуш келмайди ва Ўз расулига мазкур оятлар б-н танбеҳ беради. Танбеҳни ҳам «юзингни буриштирдинг» демасдан, «юзини буриштирди», – деб учинчи шахс сийғасида айтади. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари олий хулқ эгаси бўлатуриб, бир кўзи ожиз одамга шундай хунук муомала қилдиларми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, асло! Расулуллоҳ (с.а.в.) юзларини буриштир-

риш б-н кифояландилар. Буни Умму Мактум пайқамаган ҳам. Лекин улуғларнинг озгина саҳву хатоси ҳам бошқаларга нисбатан катта ҳисобланади. Ана шу сабаб Аллоҳ таоло Ўз ҳабибини огоҳлантирди. Чунончи, *тасаввуф*да бир ибора бор: «Муқарраблрнинг «хато»лари оддий одамларнинг ҳасанотлари б-н тенгдир».

Суранинг аввалги ўн олти оятида Пайғамбар (с.а.в.)нинг ушбу *саҳоба*га бўлган муносабатларини танқид қилувчи мазмун акс этган. Пайғамбар (с.а.в.) мазкур воқеадан сўнг қачон Абдуллоҳ ибн Умму Мактум (р.а.) ёнларига келса, унга «Эй, Раббим мени у ҳақида огоҳлантирган киши, марҳабо, хуш келдинг!», деб илтифотлар кўрсатар ва эҳтиёжини сўрардилар.

Пайғамбар (с.а.в.)га танбеҳ бериш б-н бошланган мазкур сурада қалблари панд-насиҳат олишга, ҳақиқатни англашга ёт бўлган кишилар б-н машғул бўлмасликлари таълим берилиб, Ҳақдан юз ўгирганлар ҳеч қандай масъулиятни ўз зиммаларига олмасликлари баён қилинади. Ҳақ ва ҳақиқат очиқ-равшан экани, диққат кўрсатилиши керак бўлганлар ҳидоятга эришишга истаклари бор кимсалар экани таъкидланади. Кейинги оятларда эса инсоннинг яратилиши, яшаши ва вафот этиши, у истеъмол қиладиган ноз-неъматлар, *қиёмат* кунидаги одамларнинг ғам-ташвишлари, ҳамма ўзи б-н овора бўлиб қолиши, яхшиларнинг юзлари ёруғ, ёмонларнинг юзлари эса қора бўлиши, булар ҳақида фикр юритмаган кишиларнинг аянчли оқибати баён этилган.

Суранинг асосий мавзуси – ҳар бир кишининг қадр-қимати унинг мавқеига қараб эмас, балки Аллоҳдан қўрқиш даражаси б-н белгиланишидир.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат*. – Байрут: 1968. IV, 205–212; Ат-Табарий. *Жамиъ ал-байан*. – Қоҳира: 1955–60. III, 61; Ас-Саълабий. *Асбаб ан-нузул*. – Қоҳира: 1968. 297; Ибн ал-Арабий. *Аҳкам ал-Қуръан*. – Қоҳира: 1974. IV, 1905; Ибн ал-Жавзий. *Зад ал-масир*. – Дамашқ: 1964–68. 26–36; Abdullah Aydemir. *«Abese sûresi». TDV IA*. – İstanbul: 1988. I, 305–306; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 8; *ЎзМЭ*. – Т.: 2000. I, 15; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси*. – Т.: «Sharq», 2011. 585; А.А. Али-заде. *Абаса // Исламский энциклопедический словарь*. – М.: «Ансар», 2007; Абдулазиз Мансур. *Қуръони карим маънолари таржимаси*. – Т.: «Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2013. А.Мансур. *«Абаса сураси». Исломшунослик қомусий луғати*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. I, 8; Ҳ. Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси*. – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 20–21; https://ar.wikipedia.org/wiki.

Озодбек Алимов

АББОД ИБН БИШР

عباد بن بشر

Абу-р-Рабиъ (Абу Бишр) Аббод ибн Бишр ибн Вақш ибн Зуғба ибн Заъуро ибн Абдулашҳал ал-Ансорий ал-Ашҳалий (тахм. 587-588 – Мадина – 12/633)

Саҳоба

Аббод ибн Бишр (р.а.) машҳур ансорий *саҳоба*лардан. У *Авс қабиласи*нинг *Бани Ашҳал* уруғидан бўлиб, Мадинада туғилган ва ўша ерда яшаган. Манбаларда у бир қанча кунялар б-н зикр қилинади. Жумладан, ал-Воқидий уни Абу Бишр, Ибн Амора Абу-р-Рабиъ кунялари б-н тилга олган. Исмига «Ибн Абдулашҳал», «ал-Ашҳалий» нисбалари у мансуб бўлган уруғ номига далолат қилади. Манбаларда А.и.Б.нинг *ҳижрат*дан аввал Пайғамбар (с.а.в.) Мадина аҳлига Ҳақни танитиш учун юборган Мусъаб ибн Умайр (р.а.) воситаси б-н Исломни қабул қилгани айтилади. Мусулмон бўлганидан сўнг ҳаётини *зуҳд* б-н ўтказган. Кўп вақтини ибодат қилиш ва Қуръон ўқишга бағишлаган. *Ҳижрат*дан сўнг Пайғамбар (с.а.в.) уни муҳожирлардан Абу Ҳузайфа ибн Утба ибн Рабиъа (р.а.) б-н биродар қилганлар.

Ойша (р.а.) «Ансорлар орасида уч киши борки, ҳеч ким фазлда улардан ўзиб кета олмас» деб, Саъд ибн Муоз, Усайд ибн Ҳузайр (р.а.) ҳамда А.и.Б. номларини зикр қилган. Ойша (р.а.)дан қилинган бир ривоятда: «Расулуллоҳ уйимда таҳажжуд ўқидилар ва (бир пайт) Аббод ибн Бишр-

нинг овозини эшитдилар ва «Эй Ойша! Бу Аббод ибн Бишрнинг овози эмасми?», деб сўрадилар. Мен «Ҳа!», дедим. Шунда улар: «Аллоҳим, Абводни мағфират қил», дедилар», дейилгани маълум.

А.и.Б. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ишончли кишиларидан бўлиб, *Музайна* ва *Бани Сулайм* қабилаларидан *закот*ларини тўплашга масъул қилиб тайинланган.

А.и.Б. *Бадр* ва *Уҳуд* жангларидан тортиб Пайғамбар (с.а.в.) қатнашган барча жангларда иштирок этган. *Табук ғазоти*да Расулуллоҳ (с.а.в.)га қўриқчилик қилган. *Ҳижрат*нинг олтинчи йили *умра сафари* олдидан Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан Маккадаги вазиятни ўрганиш учун жўнатилган йигирма кишилик суворийлар ичида А.и.Б. ҳам бўлган. Шунингдек, у Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳамда мусулмонларга турли азиятлар бериш б-н танилган яҳудий Каъб ибн Ашрафни бартараф қилишда ҳам иштирок этган. Сияр китобларида А.и.Б. қатнашган жангларнинг сўнггиси – Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) халифалиги даврида Мусайламага қарши бўлган *Ямома жанги* бўлиб, ўша вақтда у қирқ беш ёшда бўлгани маълум қилинади. Ушбу жангда у ўз сафдошларига «Қиличларингиз қинини отиб юборинг», деб ҳайқириб, душман сафларига қарши тенгсиз шижоати б-н ўзини урган. Натижада юзидан қилич б-н олган қаттиқ жароҳати туфайли шаҳид бўлган. А.и.Б.дан биттагина ҳадис ривоят қилинган бўлиб, у ҳам Абу Довуд ас-Сижистоний томонидан «*Фазāил ал-ансāр*» («*Ансорлар фазилати*») бобида ривоят қилинган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт.* – Байрут: 1968. III, 440–441; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* – Ҳайдаробод: 1951 53. VI, 77; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 150–151; Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Қоҳира: «Дор ал-ҳадис», 2006. III, 205–206; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1912. II, 263; Raşit Küçük. *«Abbād b. Bişr». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 12; А. А. Али-заде. *Аббад ибн Бишр // Исламский энциклопедический словарь.* – М.: «Ансар», 2007. 400; Ж. Нажмиддинов. *Аббод ибн Бишр. Исломшунослик қомусий луғати.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. I, 9–10; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 8; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 671; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 394; *101 улуғ саҳобий.* – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 72–74; https://islamstory.com/ar/artical/33903; https://ar.wikipedia.org.

Тузувчи Озодбек Алимов

АББОД ИБН СУЛАЙМОН АС-САЙМАРИЙ

عباد بن سليمان الصيمري

Абу Саҳл Аббод
ибн Сулаймон (Салмон) ас-Саймарий
(191/805-806, ? – 250/864, ?)

Муътазилий калом олимларидан

Нисбасидан саймаралик эканини тахмин қилиш мумкин. Саймара – бири Басрадаги Маъқил дарёси атрофларида, иккинчиси Ҳузистон б-н Диёрижабал орасида жойлашган икки шаҳарнинг номи. Ибн ан-Надим уни «ал-Басрий» нисбаси б-н ҳам қайд этганига кўра, Аббод ибн Сулаймоннинг Басра атрофидаги Саймара ш. дан эканини айтиш мумкин. Аммо унинг Ҳузистон яқинидаги Саймара ш.дан эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

А.и.С. аввалда Ҳишом ибн Амр ал-Фувотийга шогирд тушади ва унинг фикрларини ўзлаштириб Абу-л-Ҳузайлдан буён давом этиб келаётган Басра *муътазилий*ларининг асл тамойилларига қарши чиқади. Шу сабабли Абу Али ал-Жуббоий, унинг ўғли Абу Ҳошим ва Қози Абдулжаббор каби *муътазила* олимлари томонидан танқидга учрайди. Абу Ҳошимнинг А.и.С. ни танқид қилиб, мустақил асар ёзгани маълум. А.и.С.нинг Ибн Куллоб ал-Басрий б-н мунозаралар қилгани ва унинг фикрларидан келиб чиқиб, уни насронийликда айблагани ҳам ривоят қилинади.

А.и.С.нинг қарашларига кўра, сезгилар бешта эмас, балки еттитадир. Алам ва лаззатни ҳис қилиш ҳам иккита алоҳида сезгиларга киради. А.и.С. Аллоҳнинг «Қадийм» сифати Унинг Зоти доимо бор бўлганини ифодалашини айтган ва Аллоҳдан аввал бирор-бир борлиқ бўлмаганини рад этиб, бундай қиёслашнинг ўзи жоиз

эмаслигини илгари сурган. Аллоҳнинг бирлиги саноқ, адад маъносида тушунилмайди, фақатгина Зотини мақташ учун Унга нисбатан «Воҳид» яъни «бир» деб айтиш мумкин. Шунга кўра, Аллоҳ Ҳайй, Олим ва Қодирдир; фақат Зотдан бошқа тушунча яъни, сифат бўлган Ҳаёт, Илм ва Қудрат Унга нисбат этилмайди. Бошқа барча илоҳий исмларда ҳам худди шундай. Аллоҳ бор бўлишини билган барча борлиқларни яратишга қодирдир. Аммо Аллоҳ ҳақида «У бор бўлмаслигини билган нарсаларни яратишга қодирдир» дейилмайди. «Аллоҳ бинафсиҳи ёки бизотиҳи Олим, Қодир ва Тирикдир» дегувчиларни рад этган А.и.С., Аллоҳга нисбатан нафс ва зот калималарининг қўлланилишига қатъий қарши чиққан. А.и.С. «Аллоҳнинг юзи, қўллари, кўзлари ва ёни (важҳ, яд, айн, жанб) бордир» дегувчиларни ҳам рад этиб, бу каби ташбеҳни ифодалаган сифатларни ўз ичига олган оятларни фақат Қуръон оятлари ўлароқ *қироат* этиш мумкинлиги, уларнинг *тафсир* ва *таъвил* қилинадиган маъноси йўқлигини илгари суради. Унга кўра, яратувчи ва ризқ берувчи (Холиқ, Розиқ) каби феълий сифатларнинг *қадийм* ёки *ҳодис* бўлгани ҳақида ҳам бирор ҳукм чиқариш нотўғри. А.и.С. иймон, куфр, шаррни ва инсонларнинг наздида ёмон саналган нарсаларда Аллоҳнинг яратиш кучи мавжуд эмаслигини даъво қилган. Шунингдек, у Аллоҳнинг охиратда бандасига берадиган савоб эвазига бу дунёда азоб беришини яхши феъл деб ҳисоблаш мумкин дейди. Унга кўра, нубувват, қилган амаллари учун пайғамбарларга берилган мукофотдир. Ҳиссий мўъжизалар пайғамбарликнинг далили бўлолмайди. Чунки асонинг илонга айланиши, ойнинг иккига бўлиниши *араздир*. *Аразлар* эса бу мавзуда далил бўлолмайди. Гуноҳ иш қилган киши тавба қилса ҳам, қилган гуноҳининг жазосидан қутула олмайди.

Ас.: *«Китāб ал-инкāр ъан йахлуқ аннāс афъāлаҳум»*, *«Китāб тасбīт далāла ал-аърāз»*, *«Китāб исбāт ал-жузъ аллазī лā йатажаззаъ»*, *«Ал-Абвāб»*.

Ад.: Ал-Ашъарий. *Мақāлāт.* – Wiesbaden: 1382/1963. 165–166, 180, 225–226, 246, 268, 467, 496, 640–641; Хайёт. *Ал-Интисāр.* – Байрут: 1957. 69; Ибн ал-Муртазо. *Табақāт ал-муътазила.* – Байрут: 1380/1961. 77; Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист.* – Теҳрон: 1391/1971. 215; Қози Абдулжаббор. *Ал-Муғнӣ.* – Қоҳира: 1962. 127, 179; ўша муал. *Шарҳ ал-усўл ал-хамса.* – Қоҳира: 1384/1965. 489, 625, 754; Ал-Бағдодий. *Ал-Фарқ.* – Қоҳира: «Дор ат-турос», 161–162; Ибн Ҳазм. *Ал-Фасл.* – Ар-Риёз: 1402/1982. V, 63, 71; Ас-Субкий. *Табақāт.* – Қоҳира: 1964–76. I, 299; Ибн Ҳажар. *Лисāн ал-мīзāн.* – Байрут: 1390/1971. III, 229–230; W.Montgomery Watt. *İslam düşüncelerinin teşekkül devri.* – Anqara: 1981. 273, 277, 300, 357; ўша муал. *«Abbad b. Sulayman»*. *EI²* (Ing.). I, 4–5; A.S. Tritton. *Islam Kelami.* – Anqara: 1983. 116–119; Mustafa Öz. *«Abbād b. Süleyman es-Saymerî»*. *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 12–13.

Мустафо Ўз

ал-АББОДИЙ, АБУ МАНСУР

العبادي، أبو منصور

Қутбуддин Амир Абу Мансур ал-Музаффар ибн Абу-л-Ҳусайн Ардашер ал-Аббодий (491/1098, Синжобод – 547/1152, Аскар мукрам)

Мутасаввиф, муҳаддис, воиз ва хатиб

Отаси Амир Аббодий номи б-н машҳур бўлган воиз Абу-л-Ҳусайн Ардашер ибн Мансурдир. Ал-Ғаззолий ҳам унинг ваъзларини тинглаган. Ал-Аббодий Марвда машҳур бўлгани учун «Воизи Марвазий» деб танилган. Ал-А. илк таҳсилини Марвда олган. Машҳур *муҳаддис*лардан ҳадисдан сабоқ олиб, кейинчалик ҳадис ривоят қилган. Манбаларда асосан ишончли ҳадис *ровий*си сифатида зикр қилинган ал-А. ота касби бўлган воизлик б-н кўпроқ шуҳрат топган. Ваъзларида халқни руҳлантиргани сабабли унга «Султони суҳан», «Хожаи маъно», «Аллома рўзгор» каби унвонлар берилган.

Ал-А. Марвда шуҳратга эришганидан кейин Султон Санжарнинг элчиси бўлиб, Бағдодга боради. Халифа Муқтафий-лиамриллаҳнинг ишончини қозонади. Уч йил Бағдодда қолиб, ваъзлар қилади



Қадимги Марв харобалари

ва халқнинг ҳурматига сазовор бўлади. Халифанинг элчиси сифатида Марвга, у ердан яна Бағдодга қайтади. Элчилик вазифаси б-н Ҳузистонга бориб, 547 й. 2 рабиъул-аввал/1152 й.нинг 7 июнида вафот этади. Жасади Бағдодга келтирилиб, Шунизийя мозорига дафн этилган.

Ўша даврда воизликка рағбатнинг кўп бўлгани, унинг ёшлигидан бу маслакка қизиқишига сабаб бўлади. У шунингдек, *сўфий*ликка ҳам қизиқиб, *тасаввуф* асарларини ўқиб улардан фойдаланади. Фикрларидан *тасаввуф* мавзусидаги билимининг теранлиги кўринса-да, асарларида шайх ва *мутасаввиф*лар б-н бўлган мулоқотлари ҳақида маълумотлар берилмаган. *Сўфий* табақот китобларида у ҳақда маълумотлар келтирилмагани, *сўфий*лар наздида *мутасаввиф* олим деб танилмаганини кўрсатади. Шогирди Абу Саъд ас-Самъоний ҳадис ривояти хусусида ал-А.нинг эътиборга лойиқлигини зикр қилган бўлса-да, бироқ динга тўғри келмайдиган айрим ишларни ҳам қилганини айтган. Бу борада Ҳамза ибн Маккий ҳам ал-А.нинг *намоз* хусусида бепарвороқ бўлганини нақл этадики, буларнинг барчаси унинг диний кўрсатмалар қаршисида у қадар ҳассос бўлмаганини кўрсатади. Оддий халқ орасида дин раҳнамоларининг нуфузи юқори бўлган бир даврда яшаган ал-А., нотиқлиги б-н халқнинг ишончини қозонган. Унинг бу санъати давлат арбоблари наздида эътибор қозонишига олиб келган бўлса-да, *ҳанбалий*ларнинг танқидига учраган. Чунки у, Ислом тарихида маълум бир илмда мутахассис бўлмасдан, фақат нотиқлик б-н шуҳрат қозонган шахслардан бири эди.

Ас.: 1. *«Сўфийнома»* (*«Ат-Тасфийа фӣ аҳвӑл ал-мутасаввифа»*). Мазкур асар тўрт бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида *тасаввуф* ва *тариқат* мавзулари зикр қилинади. Иккинчи бўлимда *сулук* аҳли *мубтадийлар, авосит, мунтаҳий*лар номи б-н учга бўлинади ва улардан ҳар бирининг вазифалари тушунтирилади. Учинчи бўлимда *тасаввуф*ий ҳоллар зоҳир ва ботин деб иккига бўлинади ҳамда бирма-бир баён қилинади. Тўртинчи бўлимда *тасаввуф*ий истилоҳлар, *сўфий*ларнинг одоб ва аркони борасида сўз юритилади. Ушбу асар содда тилда ёзилган бўлиб, муаллиф мақсадини равшан баён қилиш учун тез-тез аниқ мисоллар ва ўхшатишлар келтиради. Унга кўра, уммат учун набий, талаба учун муаллим, жамоат учун имом, касал учун табиб қандай бўлса, *мурид* учун шайх ҳам худди шу кабидир. Ал-А. мазкур асарида шариатларнинг бирлиги (ваҳдатуш-шароиъ) масаласи ҳақида тўхталиб, барча набийларнинг вазифалари бир нарсани таълим ва таблиғ этишдан иборат бўлганини айтади. Асар Ғулом Ҳусайн Юсуфий томонидан нашр эттирилган.

2. *«Манӑқиб ас-сўфийа»*. Ушбу асарида муаллиф *сўфий*лар ва *тасаввуф* терминлари ҳақида баён қилади. Асар кириш қисми, биринчи боб ва ҳар бири икки бўлимни ичига олган икки асосий қисмдан ташкил топган. Асар 1983 й. Теҳронда нашр этилган.

3. *«Рисӑла фӣ ибӑҳа шурб ал-хамр»*. Мазкур асарда шароб ичишнинг мубоҳлиги ҳақида зикр қилинади. Рисоланинг

муаллифга тегишли қўлёзма нусхасини кўрганини зикр қилган ас-Самъоний, ундаги фикрлар ал-А.га оид эмаслигини, асардаги бу сўзлар бошқалардан нақл этилганини айтган. Ас-Самъоний асар ҳақида «Аббодий бу каби рисолани ёзганига ишонмайман, агар ёзган бўлса-да, ҳукми ихтилофли бўлган набиздан баҳс юритган бўлиши мумкин», деб Ибн Ҳажарнинг қарашларига қўшилади.

4. «*Марāсим ад-дīн фī мавāсим ал-йақīн*». Мазкур асар Али (р.а.) ва *аҳли байт*нинг фазилатлари ҳақида.

Ғулом Ҳусайн Юсуфий *«Сўфийнома»*нинг сўзбошисида ал-А. қаламига мансуб *«Меърожнома»* ва *«Ал-Васīла илā маърифа ал-фазīла»* асарлари ҳақида ҳам кенг маълумот бериб ўтган. Ал-А. *«Сўфийнома»*сида *«Китāб ал-ъунсўр»* номли асари ҳақида ҳам айтган бўлса-да, бу асар бизгача етиб келмаган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Дамашқ: 1976. VIII, 337–338; Ибн ал-Жавзий. *Ал-Мунтазам.* – Ҳайдаробод: 1938–40. X, 150; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос ал-ъарабий». III, 264; Ас-Субкий. *Табақāт.* – Қоҳира: 1964–76. VII, 299; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа.* – Байрут: 1981. XII, 230; M. Th. Houtsma. *«Abbâdî». İA.* I, 8; Süleyman Uludağ. *«Abbâdî, Ebû Mansûr». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 14–15.

Сулайман Улудағ

ал-АББОДИЙ, АБУ ОСИМ

العبادي، أبو عاصم

Абу Осим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аббод ал-Аббодий ал-Ҳаравий (375/985 – Ҳирот – 458/1066)

Шофеъий фақиҳи, муҳаддис

Уни ал-Аббодий деб, насабида зикр қилинган бобоси Аббодга нисбатан айтганлар. Бўлажак олим Ҳиротда қози Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Аздийдан, Нишопурда қози Абу Умар ал-Бистомий, Устоз Абу Тоҳир аз-Зиёдий ва Устоз Абу Исҳоқ ал-Исфаройинийлардан таҳсил олган.

Ал-А. маънолари яширин, қисқа иборалар ишлатиши, сўзга «қизғанчиқ»лиги, ўткир зеҳн эгаларигина тушуна оладиган қилиб гапириши б-н танилган ва шу жиҳати б-н ўз асрида ягона бўлган.

Ал-А.нинг ўзига хос баъзи *фиқҳий* қарашлари бўлиб, манбаларда улардан бир қанчаси келтирилган. Мас., ўзининг *«Аз-Зийāдāт ъала-л-фатāвā»* («Фатволарга қўшимчалар») асарида айтадики, «Қуръондан намози саҳиҳ бўладиган даражадаги миқдордан кўпроғини ўрганиш нафл намоздан афзал, чунки у [Қуръон]ни ёд олиш умматга вожибдир».

Ал-А. *муҳаддис* сифатида ҳам машҳур. У Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саҳл ал-Қарроб ва б.лардан ҳадис ривоят қилган. Мас., «Бир киши: «Эй, Расулуллоҳ (с.а.в.)! Гўзал муомала қилишимга энг ҳақли киши ким?» деб сўраганида Пайғамбаримиз (с.а.в.) томонларидан икки маротаба «Онанг», учинчисида «Отанг», деб жавоб берилган, Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадиснинг *ровий*лари силсиласида ал-А. номи ҳам зикр қилинади. Манбаларда у ривоят қилган ҳадислардан кўплаб намуналар берилган.

Абу Саъд ал-Ҳаравий ал-А.дан *фиқҳ*ни ўрганган, ҳадис эшитиб, ундан ривоят ҳам қилган. Ундан, шунингдек, ўғли Абу-л-Ҳасан ал-Аббодий, Абу Абдуллоҳ ал-Фуровий, Исмоил ибн Абу Солиҳ ал-Муаззин ва б.лар ҳам ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд устозига мансуб «*Адаб ал-қāзī*» («Қози одоби») га «*Китāб ал-ишрāф фī адаб ал-қāзī ва ғавāмиз ал-ҳукўмāт*» («Қозининг одоби ва маҳкамалар муаммолари ҳақида етакчи китоб») номли шарҳ ёзган. Устози ҳақида у шундай дейди: «Абу Осим ўз асри ўғлонлари ичида фиқҳдаги махфий аломатларни, ундаги яширин ҳукмларни билиш ва англашда энг баланд устун, иснод борасида эса уларнинг энг олийси эди».

Ас.: *«Табақāт ал-Ибāдī»* («Ал-Ибодийга мансуб «Табақот») ёки баъзи манбаларда *«Табақāт ал-фуқаҳā»* («Фақиҳлар даражалари»), *«Аз-Зийāдāт ъала-л-фатāвā»*,

«Зийāдāт аз-зийāдāт ъала-л-фатāвā» («Фатволарга қўшимчаларга қўшимчалар»), *«Адаб ал-қāзӣ»* ёки баъзи манбаларда *«Адаб ал-қазā»* («Адлия одоби»), баъзиларида эса *«Адаб ал-қузāт»* («Қозилар одоби»), *«Китāб ал-мабсӯт»* («Муфассал китоб»), *«Ал-Ҳāдӣ илā мазҳаб ал-ъуламā»* («Олимларнинг йўлига етакловчи»), *«Ар-Радд ъалā ас-Самъāнӣ»* («Ас-Самъонийга раддия»), *«Аҳкāм ал-мийāҳ»* («Сувларнинг ҳукмлари»), *«Китāб ал-атъима»* («Таомлар китоби»).

«Табақāт ал-фуқаҳā» қўлёзмаси Берлин кутубхонасида сақланади, 1964 й. Лейденда, «Брилл»да нашр бўлган.

«Аз-Зийāдāт ъала-л-фатāвā» ва *«Зийāдāт аз-зийāдāт ъала-л-фатāвā»*нинг қўлёзмалари Санъодаги «Ал-Жомиъ ал-кабир» китоблар хазинасида сақланади, 2016 й. Байрутдаги «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя»да нашр бўлган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. IV, 123; Ибн Халликон. *Вафайāт.* – Миср: «Майманийя», 1892. I, 463; Ас-Субкий. *Табақāт.* – Миср: «Ал-Ҳусайнийя», 1960. IV, 104–112; Ал-Иснавий. *Табақāт аш-шāфиъиййа,* – Бағдод: «Ал-Иршод», 1970. II, 190; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* – Дамашқ-Байрут: «Дор Ибн Касир», 1991. V, 251–252; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Дамашқ: «Ат-Тараққий», 1957. IX, 10; Ahlwardt. *VAH.* IX, № 10033.

Абдужаббор Яминов

ал-АББОДИЙ, ИБН ҚОСИМ

العبادي، بن قاسم

Шаҳобуддин Аҳмад ибн Қосим ас-Саббоғ ал-Аббодий аш-Шофеъий ал-Азҳарий ал-Мисрий (? – 994/1586, Мадина)

Наҳв олими, шофеъий фақиҳи

Ўз даврининг энг етук наҳв олими бўлган ал-Аббодий, Ибн Қосим араб грамматикасига доир асарларга ёзган шарҳлари б-н машҳур бўлган. Мисрда Носир Муҳаммад ал-Лақоний, Шаҳобуддин ал-Бурсий ва Қутбуддин Исо ас-Сафавий каби ўз даврининг машҳур наҳв олимларидан таҳсил олган. Муҳаммад ибн Довуд ал-Мақдисий ва б. кўплаб шогирдлар етиштирган. Ал-А.нинг вафотига оид биографик маълумотлар ихтилофли бўлиб, 1586 й.да *ҳаж* зиёратидан қайтаётганда вафот этган дейилса, баъзи манбаларга кўра, 992/1584 й. Маккада дунёдан ўтганлиги айтилади.

Шунингдек, унинг турли илмларга бағишланган асарлар ёзгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бироқ, у ўз даврининг одатларига мувофиқ асар тасниф қилишдан кўра, ўзидан аввал яшаган машҳур олимларнинг асарларига шарҳ ва ҳошиялар ёзиш б-н танилган.

Ас.: 1. *«Ал-Āйāт ал-баййинāт».* Мазкур асар Тожуддин ас-Субкийнинг *усул ал-фиққа* доир *«Жамъ ал-жавāмиъ»* номли асарига Жалолуддин ал-Маҳаллий томонидан ёзилган шарҳга ҳошия. Бу асар *«Ҳāшийа Ибн Қāсим ал-Аббāдӣ ъалā шарҳ жамъ ал-жавāмиъ фӣ усӯл ал-фиққ»* деб ҳам аталади.

2. *«Ҳāшийа ъалā шарҳ ал-Варақāт».* Ушбу асар Абу-л-Муалло ал-Жувайнийнинг *«ал-Варақāт фӣ усӯл ал-фиққ»* номли асарига Жалолуддин ал-Маҳаллий томонидан ёзилган шарҳга ҳошия.

3. *«Ал-Ҳавāшӣ ва-н-нукāт ва-л-фавāид ал-муҳаррарāт ъалā мухтасар ал-Саъд фи-л-маъāнӣ ва-л-байāн».* Саъдуддин ал-Тафтазонийнинг *«ал-Мутаввал»* асарига шарҳ.

4. *«Ҳāшийа ъалā шарҳ ал-муҳтāж».* Мазкур асар ан-Нававийнинг *шофеъий фиққ*ига доир *«Ал-Минҳāж»* номли асарига Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий тарафидан *«Туҳфа ал-муҳтāж»* номи б-н ёзилган шарҳнинг ҳошияси.

5. *«Ҳāшийа ал-ғурар ал-баҳиййа».* Мазкур асар Закариё ал-Ансорий томонидан Ибн ал-Вардийнинг *«Ал-Баҳжа ал-вардиййа»*сига ёзилган шарҳнинг ҳошиясидир.

6. *«Ҳāшийа ал-Аббāдӣ ъалā таҳрӣр ал-қавāъид ал-мантиқиййа».* Асар *«Шарҳ ар-рисāла аш-шамсиййа»* номи б-н ҳам аталади.

Ал-А.нинг юқорида саналган асарларидан ташқари Абу Шужоъ исми б-н танилган Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Исфаҳонийнинг *«Ғāйа ал-ихтисāр»* номли фиққий асарига *«Фатҳ ал-ғаффāр би кашфи мухаббаāт ғāйа ал-ихтисāр»* номли икки жилдлик шарҳи ҳамда *«Кāфийа»*, *«Алфиййа»*, *«Талхīс»*, *«Иззī»*, *«Қатр ан-надā»* каби араб тили грамматикасига оид китобларга битган шарҳ ва ҳошиялари ҳам бор.

Ад.: Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* I, 152, 476, 596; II, 1139, 1373, 2006; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* – Қоҳира: 1934. VIII, 433–434; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Қоҳира: 1954–59. I, 189; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифīн.* – Дамашқ: «Ат-Тараққий», 1957–61. II, 48–49; Ибн ал-Ғаззий. *Дīвāн ал-ислāм.* – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1411/1990. IV, 38–39; Ali Bardakoğlu. *«Abbâdî, Ibn Kāsım». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 15; Brockelmann. *GAL.* II, 417–418; *Suppl.*, I, 677, 679, 681; II, 105, 441; https://ar.wikipedia.org;https://asharit.livejournal.com/tag/ученые.

Тузувчи Аҳмаджон Бобожонов

ал-АББОДИЙЯ
العبادية

Муътазиланинг машҳур илоҳиётшуносларидан Аббод ибн Сулаймон ас-Саймарий ғояларини қабул қилганлар учун ишлатиладиган ном. *(қ. АББОД ИБН СУЛАЙМОН АС-САЙМАРИЙ)*

ал-АББОДИЙЯ
العبادية

Али (р.а.)га нисбат берилган Алавийя тариқатининг бир бўлими. *(қ. АЛАВИЙЯ)*

ал-АББОС
العباس

Абу-л-Фазл ал-Аббос
ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим
ибн Абдуманоф ибн Килоб ибн Мурра
ибн Каъб ал-Қураший ал-Ҳошимий
(568, Макка – 32/654, Мадина)

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакилари

Аббос (р.а.)нинг куняси – Абу-л-Фазл, отаси – Абдулмутталиб, онаси – Нитайла. *Қурайш*нинг *Бани Ҳошим* уруғидан. *Жоҳилият* даврида зиёратчиларни сув б-н таъминлаш ва *Каъба*ни обод қилишга масъул бўлган. Пайғамбар (с.а.в.)дан уч ёш катта, оқ рангли, келбатли, овози баланд зот бўлган.

Мусулмон бўлишидан олдин ҳам Пайғамбар (с.а.в.)га кўп ёрдам берган, *Ақаба байъати*да Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларида бўлиб, у ердаги инсонларни Исломга ташвиқ қилган.

А. *Макка фатҳи*дан қисқа вақт олдин Мадинага *ҳижрат* қилган. Ҳатто йўлда Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н кўришганида Ул Зот: «Мен пайғамбарларнинг охиргисиман, сен эса муҳожирларнинг охиргиси!» – деб илтифот қилганлар.

*Макка фатҳи*дан кейин А. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларидан ўрин олган ва барча ижтимоий воқеаларда фаол қатнашган.

*Макка фатҳи*да қатнашган, *Ҳунайн жанги*да Ислом лашкари пароканда бўлиб кетганида уларни тўплаш ва ғалабага эришишда улкан жасорат кўрсатган. Византия сафарларида қурол-аслаҳа манбаларини А. етказиб берган.

Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим *«Саҳīҳ»*ларида ундан 35 ҳадис ривоят қилинган.

Ат-Табарий маълумотларига кўра, А. 88 ёшида вафот этган. Жаноза *намоз*ини Усмон (р.а.) ўқиган. Мадинадаги *Бақиъ қабристони*га дафн қилинган.

А.нинг турмуш ўртоғи Лубоба ал-кубро – Уммул-Фазл (р.а.). Катта фарзанди Фазл бўлгани учун Фазлнинг онаси деган маънода Уммул-Фазл деб танилган. Лубоба ал-кубро Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг аёллари Маймуна бинт Ҳорис (р.а.)нинг синглиси, Хадича (р.а.)дан кейин *иймон* келтирган иккинчи аёлдир.

А.нинг жами ўн уч нафар – ал-Фазл, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, Қусам, Маъбад, Маъруф, Абдурраҳмон, Умму Ҳабиба бинт Аббос, Ҳорис, Касийр, Таммом, Омина, Софийя исмли фарзандлари бўлган.



Саҳрони кесиб ўтаётган араблар

Имом ал-Бухорийнинг *«Ал-Жāмиъ ас-саҳйҳ»* асари, «Саҳобаларнинг манoқиблари» китоби, «Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)нинг манoқиблари хусусида» сарлавҳали 11-бобда қуйидаги ҳадис келтирилган:

Анас (р.а.) ривоят қилади: «Умар ибн ал-Хаттоб, қурғоқчилик бўлганда (Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг амакилари) Аббос ибн Абдулмуталлибни васила қилиб Аллоҳ таолодан ёмғир сўрар эди. «Аллоҳим! Биз Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни (ҳаёт вақтларида Ул Зотни) васила қилиб Сендан ёмғир сўрар эдик, ёмғир берар эдинг. Энди биз Расулуллоҳнинг амакиларини ўртага қўйиб Сендан ёмғир сўраймиз, ёмғир бергин бизга!» деб илтижо қилар эди. Сўнг, Аллоҳ таоло ёмғир юборар эди».

Ҳокимнинг *«Ал-Мустадрак»* китобида Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) (амакилари) Аббос (р.а.)га фарзандниng отага кўрсатадиган ҳурматини кўрсатар, у кишини иззат қилар, у кишига улуғ эҳтиром кўрсатар ва у кишининг улушини бажо келтирар эдилар».

*«Сунан ат-Термизӣ»*да, «Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакилари Абу-л-Фазл Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)нинг манoқиби» бобида ушбу *ҳасан-саҳиҳ* ҳадис келтирилган:

Абдулмутталиб ибн Рабиъа ибн ал-Ҳорис ибн ал-Мутталиб (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) (Аббосга) айтдилар: «Жоним қудрати қўлида бўлган Зотга қасамки, токи Аллоҳ ва Унинг Расули учун сени севмагунича, ҳеч бир кишининг қалбига иймон кирмайди». Кейин айтдилар: «Эй инсонлар! Ҳар ким менинг амакимга озор берса, менга озор берган бўлади! Кишининг амакиси бамисли унинг отаси демакдир!».

*«Сунан ат-Термизӣ»*да Абу Рофеъ (р.а.)дан ривоят қилинади (482-ҳадис): «Расулуллоҳ (с.а.в.) (амакилари) Аббосга дедилар: «Эй амаким! Сизга бир қариндошлик (ҳаққини адо) этайми, сизга бир яхшилик қилайми? Сизга бир наф етказайми?» (Аббос (р.а.)): «Ҳа (айтинг), ё Расулуллоҳ!» дедилар...». Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишига *тасбиҳ намози*ни ўргатдилар. Мазкур ҳадис Ибн Можанинг *«Саҳйҳ»*ида 1386-рақамда ривоят қилинган.

Ибн Асокирнинг *«Тарйх»* китобида Ойша (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Жаброил (а.с.) сизларга мен билан гаплашганингизда қандай овозингизни пастлатиб гапиришни буюрган бўлса, менга ҳам (амаким) Аббос билан гаплашганда шундай

овозимни пастлатиб гапиришимни буюрган».

Ат-Табароний китобида баён қилинади: «Абу Бакр (р.а.)нинг Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёнларида белгили бир жойи бор эди. Абу Бакр (р.а.) бу жойни Аббос (р.а.)дан бошқа кишига бермас эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Абу Бакр (р.а.)нинг ўз жойини Аббос (р.а.)га бўшатиб берганидан мамнун бўлар эдилар».

Сайф ва Ибн Асокир асарларида Қосим ибн Муҳаммад (р.а.)дан ривоят қилинади: «Усмон (р.а.)нинг ҳеч эътироз қилинмайдиган ишларидан бири бир тортишувда Аббос (р.а.)ни менсимаган бир кишини жазолаганидир. Бир киши Аббос (р.а.) б-н ўзи ўртасида кечган бир тортишувда Аббос (р.а.)га ҳурматсизлик кўрсатади. Бу ҳолни кўрган Усмон (р.а.) унга эътироз билдириб, танбеҳ берди. Сўнг: «Ҳар турли ҳурматга сазовор бўлган Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакилари мазаҳ қилинса, мен бунга қандай чидайман!», деди. Унинг бу ҳаракатлари ҳамма томонидан мақбул кўрилди».

Али (к.в.) ўз амакиси А.га Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг гўзал ахлоқлари мезонида ҳурмат кўрсатган. Унинг бу эҳтиромлари А.нинг ўғлига бўлган муносабатда ҳам яққол кўринади. Айниқса, ўз халифалиги даврида – 39/659 й.да Абдуллоҳ ибн Аббосни Басра ш.га волий қилиб юборган. Убайдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)ни Яман вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган. Қусам ибн Аббос (р.а.)ни аввал Мадина, сўнг Макка ш.ларига волий қилиб тайинлаган, уни *ҳаж* амири ҳам қилган.

Ад.: Ат-Табарий. IV, 307; Аз-Заҳабий. *Ас-Сийра.* V, 12; Наждат Йилмаз, Жўшкун Йилмаз. *Bilge yayin Habarcilik ve Dansmanlik.* – İstanbul: 2013, 71; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқат.* III, 112; Аҳмад Кумушхонавий. *Рамўз ал-аҳадис.* 551; Абу Исо ат-Термизий. *Сунан ат-Термизи.* – Қоҳира: «Дор ал-ҳадис», 1999; Ибн Асокир. *Тарих.* VII, 68; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 9.

Мирзо Кенжабек

ал-АББОС I
العباس I

(қ. САФАВИЙЛАР)

АББОС АЛ-БУХОРИЙ
عباس البخارى

(1889, Қўқон – 1987, Мадина)

Ёқимли қироат соҳиби

Аббос Инъом Хўжа 15 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олади. 16 ёшида Бухорога сафар қилади. У ерда *Мир Араб мадрасаси*да таълим ола бошлайди. Мадрасада *фиқҳ, тафсир*, мантиқ, фалсафа ва б. бир неча фанларни ўзлаштиради. Шу аснода Бухорода бир неча йил яшайди.

Сўнг Самарқандга сафар қилиб, Хартанг қишлоғида яшайди. Атеистик тазйиқ кучайгандан сўнг, Афғонистонга кўчиб кетади. У ерда узоқ турмай, Пешовар ш.га боради.

Кейинроқ А.ал-Б. Ҳиндистонга сафар қилади ва Мерос ш.даги мадрасага ўқишга кириб, илм олишда давом этади. У ерда беш йил яшайди. Девбанддаги ун-тда икки йил таълим олади. Сўнг Аҳмир ш.даги масжидда имомлик қилиб, Қуръони каримдан таълим беришни йўлга қўяди ва уч йил давомида илм улашади.

Сўнгра А.ал-Б. Ҳиндистондан Бағдодга боради. У ерда «Абу Ҳанифа» масжидининг имоми шайх Абдулқодир Хатибдан *қироати сабъа*дан *ижоза* олади.



Бағдод ш.даги «Абу Ҳанифа» масжиди

1941 й.дан Мадинаи Мунавварада яшай бошлайди. Қори шайх Ҳасанга шогирд тушиб, ундан бир неча *қироат* бўйича *ижоза* олади. Шунингдек, ўша йили Мадраса ал-узбакийя идорасида иш олиб боради. У мадрасада Қуръони карим, *қироат* ва б. бир неча илмлардан вафот этгунига қадар таълим беради.

А.ал-Б. шайх Асвад Маҳдум, шайх Ҳусайн Аҳмад ал-Маданий, шайх Иброҳим ал-Милёвий, шайх Иъзоз Али, шайх Абдуссамиъ, шайх Абдулқодир Хатиб ва шайх Ҳасанлардан таълим олган.

А.ал-Б.дан шогирдлари – Ислом Аҳмад Ҳофиз, Абдулҳафиз ал-Покистоний, Маданий ал-Бухорий, Абдурраҳмон ал-Бармовий, Нурул-Ислом ал-Бармовий, Муҳаммад Ҳасан ал-Ямоний, Муҳаммад Солим ал-Ямоний, Устоз Яҳё Абдулҳодий ал-Ямоний, Муҳаммад Сайф ал-Ямоний, Жамил ал-Ямоний, Нозим Абдулмалик ал-Ямоний, Муҳаммад ал-Ямоний, Абдулмажид Аҳмад ал-Балуший, Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Балуший, Билол Абдулазиз ал-Покистоний, Назир Аҳмад ал-Покистоний, Айюб Абдулвоҳид ал-Бангладеший, Маҳмуд Абдулвоҳид ал-Бангладеший, Абдурраҳмон ал-Кувайтий, Абдулҳамид ал-Санадий, Устоз Абдуллоҳ Давлат ал-Бухорий, Аҳмад Муҳаммад мулла Абдулқодир, Абдуррауф Абдуррашид ал-Ҳиндистоний ва б.лар.

А.ал-Б. ҳиж. 1407 й. зул-ҳижжа ойининг 20-куни Мадинаи Мунавварада вафот этади. *Бақиъ қабристони*га дафн қилинган.

Ад.: https://azon.uz/content/views/uzbek-qorilari-tarihi.

Маъмуржон Абидов

ал-АББОС ИБН АЛИ ИБН АБУ ТОЛИБ

العباس بن علي بن أبي طالب

(? – 61/680, Карбало)

Ҳусайн (р.а.)нинг ўгай укаси

Онаси Уммул-Банин бинт Ҳизомдир. Манбаларда ал-Аббос ибн Али ибн Абу Толибнинг Карбалодан олдинги ҳаёти ҳақида маълумотлар йўқ. *Сунний* ва *шиа* манбаларининг деярли бир хил ривоятига кўра, А.и.А.и.А.Т. Ҳусайн (р.а.) б-н Карбалода бирга бўлган ва у ердаги *аҳли байт*ни сув б-н таъминлагани учун *«ас-Сақоъ»* лақабини олган. Ҳусайн (р.а.) ва ҳамроҳларининг ташналиги чидаб бўлмас даражага етганда унга сув топиб келиш вазифаси топширилган ва у бир кеча-кундуз ушбу вазифани адо этган. 61 й. 9 муҳаррам/680 й.нинг 9 окт.ида Ҳусайн (р.а.) номидан куфалик аскарлар б-н учрашган, лекин бирор ижобий натижага эришолмаган. Ҳусайн (р.а.) куфаликлар келаси кун ҳамла қилишларини тахмин қилган ва ёнидагилардан уни ёлғиз қолдиришларини, ўзларининг эса кетишларини сўраган. Бироқ А.и.А.и.А.Т. бунга қаттиқ эътироз билдирган.

*Карбало фожиаси*да Ҳусайн (р.а.)ни ҳимоя қилаётганда укалари Абдуллоҳ, Жаъфар ва Усмондан сўнг шаҳид бўлган. Боши бошқа Карбало шаҳидларининг бошлари б-н бирга Шомга юборилган, жасади эса Ғодирия қишлоғининг аҳолиси бўлган *Бани Асад* уруғи томонидан шаҳид бўлган жойига дафн қилинган. Кейинчалик Карбалода Ҳусайн (р.а.) сағанасининг шим. томонида А.и.А.и.А.Т.нинг бугунги сағанаси қурилган.

Шиа урфларида Карбало иштирокчилари орасида А.и.А.и.А.Т. га алоҳида эҳтиром кўрсатилади; у фазилатли шахс сифатида ҳурмат қилинади ва қадрланади. Ҳар йили муҳаррам ойида ўтказиладиган маросимларда ёшлар унга ўхшашлик учун маросим иштирокчиларига сув улашишда мусобақалашадилар ва «Ё Ҳазрати Аббос!» нидолари ила туйғуларини намоён этадилар. А.и.А.и.А.Т. нинг номи *аббосийлар* ҳукмронлигининг охирги йилларида Эрон, Озарбайжон ва Ҳиндистондаги футувват ва *тариқат* намояндалари орасида ҳам машҳур бўлган.



Карбалодаги Имом Ҳусайн мажмуаси

Ад.: Ад-Динаварий. *Ал-Ахбар ат-тивал.* – Қоҳира: 1960. 254. Ат-Табарий. *Тарих.* 1879-1901. II, 312–313, 317–318, 329, 386; Абу Ҳошим ал-Мусавий. *Муъжам ржал ал-ҳадис.* – Нажаф: 1973. IX, 243; Абдуннабий ал-Козимий. *Такмила ар-ржал.* – Нажаф: II, 13; Муҳсин ал-Амин. *Аъйан аш-шиъа.* – Байрут: 1983. VII, 429–431; Ethem Ruhi Fiğlali. «*Abbas b. Ali b. Ebû Tâlib*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 21.

Адҳам Руҳий Фиғлолий

ал-АББОС ИБН МИРДОС

العباس بن مرداس

Абу-л-Ҳайсам (Абу-л-Фазл) Аббос ибн Мирдос ибн Абу Омир ибн Ҳориса ибн Абд Қайс ибн Рифоъа ибн ал-Ҳорис ибн Баҳса ибн Салим ибн Мансур ас-Суламий (? – тахм. 18/639, ?)

Шоир саҳоба

Аббос ибн Мирдос (р.а.) Сулайм қабиласидан бўлиб, қаҳрамонликлар ҳақидаги шеърлари б-н машҳур бўлган. Онаси ал-Хунасо шоира бўлган. Отаси Мирдоснинг *бутпараст* бўлгани ҳамда жинлар томонидан ўлдирилгани ривоят қилинади. *Макка фатҳи*дан бир муддат аввал, бир ривоятга кўра, 8/629 й. қабиладошларидан бир гуруҳи б-н бирга Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб мусулмон бўлган. Қабиласидан тўпланган етти юз кишилик жангчи бўлинмасига бошлиқ бўлиб, олдин *Макка фатҳи*да, кейин *Ҳунайн жанги* ва *Тоиф қамали*да ҳам қатнашган. Умар (р.а.) даврида Басрага кўчиб бориб, ўша ерда жойлашгани маълум. Айрим манбаларда унинг Шомга ҳам боргани айтилган. А.и.М.нинг *Ҳунайн жанги*да қўлга киритилган ўлжалар тақсимотида *муаллафати қулуб* бўлганларга ундан кўра кўпроқ ҳисса берилганидан норози б-б, бу ҳақида шеър айтади. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) унга ҳам юзта туя берилиб, рози қилинишини амр қиладилар.

А.и.М. Пайғамбар (с.а.в.)дан тўртта ҳадис ривоят қилган. Халифа Умар (р.а.) даврида вафот этган.

Ўзи қатнашган *Ҳунайн* ва б. жанглардаги қаҳрамонликлар ҳақида ёзган шеърларининг айримлари бизгача етиб келган. *«Ал-Ағани»* ҳамда Ибн Ҳишомнинг «*Ас-Сира*»си каби тарихий манбаларда улардан кўпгина намуналар бор. Жамил Бек ал-Азм томонидан жамланиб, А.и.М.нинг айрим шеърларини ўз ичига олган нусха Зоҳирия кутубхонасида сақланади (Умумий р. 4411, 90–112). Яҳё ал-Жаббурий унинг шеърларидан етмиш еттитасини жамлаб, 1968 й. «*Дивон ал-Аббос бин Мирдас*



«Дйвӑн ал-Аббос бин Мирдӑс ас-Суламӣ». Яҳё ал-Жаббурий нашри. Бағдод, 1968 й.

ас-Суламӣ» номи остида Бағдодда нашр эттирган.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1955. II, 427–428, 460–470, 494–495; Ибн Саъд. *Ат-Табақӑт.* – Байрут: 1968. I, 273, 307–308; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғӑба.* – Қоҳира. 1970-73. III, 168–179; Ибн Ҳажар. *Ал-Исӑба.* – Қоҳира: 1912. II, 272; Sezgin. *GAS.* II, 242–243; G. E. von Grunebaum. *«Al-Abbas b. Mirdas». EI²* (Eng.). I, 12; Mustafa Fayda. *«Abbas b. Mirdās». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 27; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 458.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

ал-АББОС ИБН УБОДА
العباس بن عبادة

Ал-Аббос ибн Убода ибн Назла ал-Ансорий ал-Хазражий
(? – 3/624)
Саҳоба

Ансорий *саҳоба*лардан бўлиб, биринчи ва иккинчи *ақаба* байъатида иштирок этган. Иккинчи *ақаба*да *хазраж*ликларга қарата нутқ сўзлаган ва уларга *байъат*нинг моҳияти, *байъат*дан кейин улардан талаб қилинувчи ишлар ҳақида эслатган. Ушбу *байъат*дан кейин Мадинага қайтмай, Маккада Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга қолади. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бир оз олдин Мадинага *ҳижрат* қилади. Шу боис «Мадиналик муҳожир» деган ном б-н аталган. *Ҳижрат*дан сўнг *муҳожир*лардан Усмон ибн Мазъун (р.а.) б-н биродар тутинган.

А.и.У. *Бадр жанги*да иштирок этмаган, бироқ *Уҳуд жанги*да қатнашган. Ушбу жангда мусулмонларнинг пароканда бўлиб, мағлубиятга учраётганини кўргач, уларни руҳлантирувчи сўзларни айтиб жангга кирган ва ҳалок бўлган.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1955. II, 432, 446, 448, 464, 494; Ибн Саъд. *Ат-Табақӑт.* – Байрут: 1968. I, 220, 223, 226; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғӑба.* – Қоҳира. 1970–73. III, 163–164; Ибн Ҳажар. *Ал-Исӑба.* – Қоҳира: 1912. III, 630–631; Nevzat Aşık. *«Abbas b. Ubâde». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 29; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 107; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 235.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

АББОСА БИНТ АЛ-МАҲДИЙ
عباسة بنت المهدى

Аббоса бинт Муҳаммад ал-Маҳдий ал-Аббосий
(? – 182/798, Раққа)
Халифалар хонадонидан

Аббоса *аббосий* халифаларидан Муҳаммад Маҳдийнинг қизи, Ҳодий ва Ҳорун ар-Рашиднинг синглиси. А.б.ал-М. Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Алига, унинг ўлимидан сўнг Иброҳим ибн Солиҳ ибн ал-Мансурга, унинг вафотидан кейин Муҳаммад ибн Али ибн Довудга турмушга чиққан. Учинчи эрининг вафотидан сўнг, Исо ибн Жаъфар А.б.ал-М. га совчи қўйишни хоҳлаган. Абу Нувоснинг халифага ёзган «Бир хоинни ўлдиришни истасанг, уни қилич билан эмас, Аббосага никоҳлаб қўйиш билан ўлдир», деган шеърини эшитиб ўз фикридан қайтган.

Баъзи манбалардаги ривоятга кўра, Ҳорун ар-Рашид ўз мажлисларида уларнинг иккиси ҳам қатнашишлигини таъминлаш учун синглиси А.б.ал-М. ва Жаъфар ибн Яҳё ал-Бармакийни никоҳлаб

қўйган, аммо эр-хотинлик муносабатларини таъқиқлаган. Бироқ улар мазкур буйруққа бўйсунмасдан А.б.ал-М. ҳомиладор бўлган. Ҳорун ар-Рашид Жаъфарни дарҳол қатл қилдирган.

Манбаларда ҳикоя тарзида келган бу воқеа кейинчалик романларга мавзу бўлган. Журжи Зайдоннинг *«Аббāса»* номли романи турк тилига таржима қилиниб, нашр этилган (таржимон Ҳасан Бадриддин, 1923 й.).

А.б.ал-М.га отаси Маҳдий Абадон ш. нинг шарқий томонидан баъзи ҳудудларни ажратиб берганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. «Сувайқа ал-Аббоса» А.б.ал-М.нинг номи б-н аталади.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор Содир», 1957. III, 287–288; Ибн Халликон. *Вафайāт.* – Байрут: «Дор Содир», 1978. I, 332–334; Mustafa Fayda. *«Abbase bint Mehdi». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 30; J. Horovitz. *«Abbasa». EI²* (Ing.). I, 14.

Тузувчи Маъмуржон Абидов

АББОСИЙ

عباسی

Сафавий ҳукмдори Аббос I даврида зарб қилинган танга

1620 й.да Буюк Аббос I молия тизимида муҳим ислоҳот ва янгиликлар б-н янги пул зарб қилдирди. Аббосий номи б-н аталган бу пул бирлиги олтин ва кумуш тангаларга нисбатан қўлланилган. Дастлаб оғирлиги 7,7 гр. бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, 9.22 гр. оғирлигида зарб қилинган А.лар ҳам маълум.

А.лар 144 ва 120 *ҳабба* оғирлигида, соф ва вазнининг мукаммаллиги сабабли қиймати юксак бўлган тангалар ҳисобланган. Кумуш А.ларнинг қиймати = 200 динор = 4 шоҳий = 1/50 туманга тенг, олтинларининг қиймати эса 2000 динор бўлган.

Кейинги давр *сафавий* ҳукмдорлари замонида ҳам шу қийматни ифода қилган тангалар А. деб аталган. 1629 й.дан 1642 й.гача бутун А.лар 120 ҳабба оғирлигида бўлган. 1642–1666 й.лар мо-



Султон Ҳусайн I даврига (1694–1722) оид аббосий кумуш танга

байнида кумуш А.лар 144 ва 120, олтин А.лар эса фақат 120 ҳабба оғирлигида зарб қилинган. *Сафавий* ҳукмдори Шоҳ Сулаймон даврида (1666–1694) бири 200, бошқаси 250 динор қийматида икки хил А. истеъмолда бўлган.

Шунингдек, А. тангалар ҳар хил турда ва вазн меъёрларида ҳам зарб қилинган. 18-а. ўрталарига келиб, унинг вазни 4,6 гр. гача пасайган. А. Форс таркибига кирган ҳудудларда – Грузия, Озарбайжон, Арманистонда, шунингдек, Форсга қарам бўлган Кавказ хонликларида – Ганжа, Шемаха, Нухада ҳам зарб қилинган. 18-а. охирига келиб, А. тангаларни зарб қилиш аста-секин тўхтатилган.

Ад.: H.L. Rabino. *Coins, Medals and Seals of the Shahs of Iran 1500-1941.* – Hertford: 1945. 20–32; ўша муал. *«Coins of Shahs of Persia». Numismatic Chronicle.* 4. seri, 1915. 350; P. Avery – B.G. Fragner – J.B. Simmons. *«ʿAbbasī»* EIr., I, 86; DİA. *«Abbâsî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 30; В.В. Зварич. *Нумизматический словарь. (4-е изд.).* – Львов: «Высшая школа», 1980; Х.Фенглер, Г.Гироу, В.Унгер. *Словарь нумизмата. (2-е изд.). Пер. с нем. М.Г. Арсеньевой.* – М.: «Радио и связь», 1993; https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/abbosiy-uz/; https://ru.wikipedia.org/wiki/Аббаси.

Тузувчи Озодбек Алимов

АББОСИЙЛАР

العباسیون

Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакилари Аббосдан тарқалган ва 750–1258 й.лар мобайнида ҳукмронлик қилган сулола

Номи Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳо-

шимдан олинган ушбу сулола ота-боболарига нисбатан «*Ҳошимийлар*» деб ҳам зикр қилинади (қ. *ал-АББОС*).

Ислом оламида *умавийлар* ўрнига А. бошқарувни қўлга олганларидан кейин идоравий, ҳарбий, сиёсий ва илмий соҳаларда катта ўзгаришлар бўлади. А.нинг 750 й. бошқарувга келишлари Ислом тарихининг энг муҳим даврларидан бирини ташкил қилади. *Умавий* халифаларининг бир аср давом этган бошқарувидаги сиёсий қарашлар ва амалга оширган ишлари кенг қамровли Ислом жамиятида турли хил ноформал унсурларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Оқибатда *умавий* сулоласининг якунига сабаб бўлди.

Пайғамбар (с.а.в.) томонидан асос солинган давлатнинг асл унсурини араблар ташкил қилган. Арабистонда бу даврда жуда оз миқдорда мусулмон бўлмаганлар яшар эди. Миср, Шом, Ироқ ва Эрон *хулафои рошидийн* даврида бўлган *фатҳ*ларда мамлакат ҳудудига қўшилди. *Умавийлар* даврида ҳам давом этган бу *фатҳ*лар натижасида давлат ҳудуди Андалусдан то Мовароуннаҳргача бўлган ерни қамраб олди. Араб фотиҳлари *фатҳ* этган ўлкаларнинг халқларига *жизя* тўлаш шарти б-н ўз динларида қолиш ҳуқуқини берган, Исломни қабул қилганларни эса ўзларига тенглаштирган. Ислом тузилмасидаги бу қоида *хулафои рошидийн* даврида ҳам қўлланилганлигини кўриш мумкин. Бироқ *умавий* халифалар давлат раҳбарлигига араблардан иборат бўлган ҳукмдорликни жорий қилдилар. Шунинг б-н Ислом давлати секин-аста этник унсурга таянган давлат ҳолига келган. *Умавийлар* даврида имтиёзли ижтимоий синфга айланган араблар ер солиғидан озод этилган ва ўрдугоҳ (лагерь) шаҳарларни ташкил қилиш учун фақат улар шуғулланган. Девонга кирган аскарларнинг катта бир қисми араблардан ташкил топган, улар турли имтиёзлар б-н *фатҳ* этилган ҳудудлардан келган ўлжа ва маблағлардан ташқари ойлик ва йиллик маош олардилар.

Фатҳ этилган ерларда Исломни қабул қилган, бироқ араб бўлмаганларга *маволий* дейилган, уларга нисбатан идоравий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан иккинчи табақага мансуб ватандош муомаласи татбиқ этилган. Умуман, шаҳарларда яшаган *маволий*лар, расмий жиҳатдан араблар б-н тенг ҳуқуққа эга эдилар, бироқ амалда бундай эмас эди.

Мусулмон бўлишларига қарамасдан давлат тушумларини орттириш мақсадида улардан ҳар қандай турдаги солиқлар, ҳатто мусулмон бўлмаганлар тўлайдиган солиқ – *жизя* ҳам олинар эди. *Фатҳ*ларда пиёда сифатида қатнашар, устига-устак араб суворийларидан кўра оз маош ва ўлжадан ҳам оз миқдорда улуш олар эдилар. *Умавий* халифаларининг *маволий*га нисбатан олиб борган бу сиёсатлари халифа Умар ибн Абдулазиз томонидан тўхтатилган бўлса-да, унинг вафотидан сўнг яна такрорланган. Бу ҳолат ҳокимиятга қарши кучли мухолифатнинг шаклланишига замин яратган.

Усмон (р.а.)нинг шаҳид этилишидан сўнг юзага келган воқеалар, Ислом оламида асрлар мобайнида давом этган қарама-қаршиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. *Умавийлар* ва бу оиланинг раиси бўлган Шом волийси Муовия ибн Абу Суфён халифа Усмон (р.а.)нинг ўлдирилишини баҳона қилиб, Али (р.а.)нинг халифалигини қабул қилмайди. Оқибатда юзага келган келишмовчиликлар натижасида *Жамал* ва *Сиффийн* воқеаларида мусулмонлар бир-бирларига қарама-қарши келишларига ва қон тўкилишига сабаб бўлади. 661 й.да Али (р.а.)нинг ҳам ўлдирилиши ва ўғли Имом Ҳасан (р.а.)нинг халифаликдан воз кечиши б-н Муовиянинг халифалиги аниқ бўлади. Бироқ Али (р.а.) тарафдорлари Ироқда ҳокимиятга қарши кескин мухолифатчилик кўр-

сатишни бошлайди. Муовиянинг Ироқ волийси Зиёд ибн Абийҳга нисбатан қаттиққўллиги ўртадаги вазиятни янада таранглаштиради. Чунончи, 680 й.да Ҳусайн (р.а.)нинг шаҳид этилиши б-н тугалланган *Карбало фожиаси* ҳокимиятга қарши уюштирилган мужодалаларни янада кескинлаштиради. *Шиа* ташвиқоти қисқа вақтда таъсир кўрсатиб шарқий вилоятларда кўп сонли тарафдорларни тўплайди. Шундай қилиб *маволий*лар б-н *шиа*лар орасида *умавий* ҳокимиятига қарши иттифоқ юзага келади. Бу орада *Сиффийн жанги*дан сўнг ўртага чиққан *хорижийлар* доимий исён кўтариш ҳолатида бўлиб, оз бўлса-да давлат нуфузининг заифлашишига сабаб бўлган эдилар.

Умавий халифалигининг заифлашиши сабабларидан яна бири, араб қабилалари орасидаги узлуксиз содир бўлган мужодалаларнинг олдини олиш учун чора кўрмаслик ва ҳатто бу мужодалалар ичига ўзларининг ҳам аралашиши бўлди. Араб анъанаси, қабилалари шим. ва жан. араблар сифатида икки қисмга бўлинар эди. Қабилалар орасида Исломдан аввал бўлган рақобат ва курашлар исломият б-н ўртадан олиб ташланган эди. Фақат *фатҳ*лардан кейин сиёсий ва иқтисодий манфаатлар эски душманликни янгидан содир этади. Бу қабилалар янги ташкил қилинган ўрдугоҳ шаҳарлардаги айрим ҳудудларга жойлаштирилади.

Исломий даврда шим. ва жан. араблари орасидаги илк келишмовчилик Муовия даврига тўғри келади. Бу мужодалалар кўп қонли можароларга сабаб бўлган эди.

Язиднинг ўлимидан сўнг ўртага чиққан ҳокимият учун бўлган курашда жан. арабларидан *Калб қабиласи умавий* оиласидан Марвон ибн Ҳакамни, шим. арабларидан *Қайс қабиласи* эса Абдуллоҳ ибн Зубайрни қўллаб-қувватлар эди. Бу икки қабиланинг 684 й.да Маржироҳит-



Умавийлар халифалиги



Қадимги Хуросон харобалари

да бўлган қонли тўқнашуви *Калб қабиласи*нинг, яъни *умавийлар*нинг ғалабаси б-н якунланади.

Халифа Валид I замонида (705–715) Ҳажжож қўллаб-қувватлаган *Қайс қабиласи* куч йиғаётган вақтда, бунга қаршилик қилган Валиднинг укаси Сулаймон яманийларни қўллаб-қувватлар эди. Валид II нинг тахтдан туширилишида муҳим роль ўйнаган ва ундан сўнг халифа бўлган Язид III ҳам яманийларни қўллаб-қувватлайди. Халифаларнинг бу йўлни тутишлари, бир империянинг халифаси бўлишдан кўра, маълум бир гуруҳнинг вакили бўлишга олиб келади. Бу эса *умавийлар*нинг инқирозини жадаллаштирди.

Умавий сулоласининг заифлашув сабабларидан яна бири сифатида, Валид II нинг халифаликдан тушишида оила орасида ўртага чиққан ички курашни алоҳида таъкидлаш керак. Шу боис узоқ йиллар мобайнида *умавийлар* тасарруфида бўлган Шом иккига бўлинди. Бу ихтилоф шундай ҳолга келдики, сўнгги халифа Марвон II Дамашқни тарк этиб ўзига халифалик маркази сифатида Ҳарронни танлади. Бу сўнгги *умавий* халифаларининг ўта малакасиз бўлганликларини кўрсатади.

Бу воқеаларда ҳал қилувчи куч А. эди. А. халифаликни қўлга олишлари учун бу шароитларни аста-секин ўз фойдаларига ҳал қилишда усталик б-н ёндашдилар. Ўлкада содир бўлаётган норозиликлардан фойдаланган А. қисқа вақт ичида *умавийлар*га қарши бошланган ҳаракатга бошчилик қилдилар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиси Аббос ва унинг ўғли Абдуллоҳ сиёсий воқеаларга аралашмадилар. Абдуллоҳнинг ўғли Али ҳам отасининг йўлини тутган, бироқ 714 й.да Валид I томонидан босимга учраганидан сўнг Дамашқни тарк этиб, Шомнинг *ҳаж* сафари йўналишида жойлашган Ҳумаймага чекинишга мажбур бўлади. Ана шу ерда, эҳтимол, Исломдаги сиёсий курашнинг энг қадимий ва энг нозик ҳаракати бошланади.

А. ҳали ҳаракатга киришмасларидан аввал Хуросонда қудратли куч бўлган *шиа*лар фаолият олиб борар эди. *Шиа*лар Муҳаммад (с.а.в.)нинг оиласидан бирининг халифа бўлишларини истар эди. Бу даврда *шиа*ларнинг катта бир қисми Алининг ўғли Муҳаммад ибн Ҳанафийянинг ўғли Абу Ҳошимнинг атрофида тўпланган эди. Абу Ҳошим турар жойини Ҳумаймага кўчиради ва А. б-н алоқа қилади. Ҳатто ривоятга кўра, 98 (716–17) й.да вафот этиш олдидан имоматни Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳга васият этган. Шундай қилиб А. аввалдан *шиа*ларни қўллаб-қувватлайди.

А. ташвиқоти ва яширин фаолиятларининг маркази Куфа ш. бўлиб, бу фаолиятларни юритувчи ташкилот 718 й.да ташкил қилинган.

Хуросонда илк муваффақиятли одимлар ташлаган шахс Ҳидош исмли ташвиқотчи бўлган. Ғайри оддий фикрлар соҳиби бўлган Ҳидош, ўз атрофига қисқа вақт ичида катта гуруҳ тўплайди. Марвдаги *шиа*лар ҳам унга қўшилади. Ҳидош аввалда баъзи муваффақиятларга эришса-да, 736-й.да қўлга олиниб қатл этилган. Шу йили Ҳидош исёнидан аввал А. оиласидан Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос вафот этиб, унинг ўрнига ўғли Муҳаммад ибн Али ўтиради. Муҳаммад А. ҳаракатининг қўллаб-қувватланишида отасидан кўра кўпроқ ғайрат қилади.

743 й. 26 авг.да Имом Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ вафот этади ва ўрнига васиятига биноан ўғли Иброҳим келади. Хуросонда юзага келган инқилоб тизгинини қўлга олган Иброҳим 745 й.да Абу Муслимни муқаддас оиланинг вакили сифатида Хуросонга жўнатади (Абу Муслим қайси миллатга мансуб эканлиги маълум эмас, аммо араб бўлмаганлиги аниқ). У аввал Куфада қул ёки хожа сифатида ҳаёт кечирган. Ўспирин ёшдалигида А. ҳаракати раҳбарларининг эътиборига тушади ва Имом Иброҳим ибн Муҳаммадга уни тавсия этишади. Иброҳим Абу Муслимни ўзига яқинлаштириб, таъсирига олади, кейинчалик ўз вакили сифатида Хуросонга юборади.

Абу Муслимнинг Хуросонга бориши ва ҳаракатни назоратга олиши инқилобнинг бурилиш нуқтаси бўлган. Бу вақтда Хуросондаги араб қабилалари орасидаги қарама-қаршилик юксак даражага етган эди. Оз фурсатда инқилоб оқибатида Хуросонгача борган ҳамда *шиа*ларнинг раҳбари бўлган Сулаймон ибн Касир ал-Хузоийнинг ўрнига етакчиликни қўлга киритган Абу Муслим, имом Иброҳим б-н доимий алоқада бўлган. Ниҳоят, 747 й.нинг 15 июнида Сулаймон ибн Касир тарафдорлари томонидан Сифазанжда Имом Иброҳим юборган қора байроқ кўтарилади. Бир муддат Сифазанжда яшаган Абу Муслим бу ердан Олийнга, у ердан эса Моҳиёнга кўчади. Абу Муслим Хуросондаги *умавий* тарафдорларининг тўпланишига фурсат бермасдан бу вилоятнинг бош шаҳри бўлган Марвни ишғол қилади. Хуросон волийси Наср ибн Сайёр Нишопурга чекинишга мажбур бўлади. Марв, Марв ар-руз, Ҳирот, Насо ва Абивард ш.лари забт этилади. Бу вақтда Иброҳимнинг ҳузуридан қайтган ва у томонидан бош қўмондонликка тайинланган Қаҳтаба ибн Шабиб, Тус ш. яқинида Наср ибн Сайёрни мағлуб этади. Натижада Хуросондаги *умавий* кучлари заифлашади. 748 й. июнида Наср ибн Сайёр Нишопурни тарк этади ва Абу Муслим қароргоҳини ўша ерга кўчиради.

Наср ва унинг атрофида тўпланган араб қабилалари Кумис ш.да қолишга ҳаракат қилади. Қаҳтаба ва ўғли Ҳасан Кумис ш.ни забт этганидан сўнг, Ғарбга қараб юриш қилади ҳамда Рай ва Ҳамадонни қўлга олади. 749 й.нинг баҳорида Исфаҳон атрофида бўлиб ўтган жангни қўлдан берган Наср ибн Сайёрнинг бошқа бошпана изловчи маскани қолмайди, Қаҳтабага Ироқ йўли очилади. Ўғли Ҳасанни аввал юбориб, ўзи унинг орқасидан йўл олади. Ҳасан Жалулода қароргоҳ қурган Ибн Ҳубайрадан четлаб, Дажлага ўтади ва Куфага йўл олади. Қаҳтаба эса 749 й. 27 авг.да Ибн Ҳубайранинг қароргоҳига бостириб кириб, уни мағлуб қилади. Ибн Ҳубайра мустаҳкам шаҳар бўлган Воситга чекинади. Бу жангларда А.ларга илк муваффақиятларни келтирган Қаҳтаба ўлдирилади. Қўмондонликни ўғли Ҳасан қўлга олади ва 2 сент.да Куфани забт этишга муваффақ бўлади. Натижада А.нинг Куфадаги яширин бошқаруви юзага чиқади. Пайғамбар (с.а.в.) оиласининг вазири унвонини олган Абу Салама ал-Халлол яширинган жойидан чиқиб бошқарувни қўлига олади. Хуросонда қўзғолон бошланганда халифа Марвон Иброҳимни Ҳарронга келтириб ҳибсга олади. Хабарларга кўра, Иброҳим ўз ўрнига укаси Абу-л-Аббос-



Зоб дарёси. Ироқ

нинг ўтишини васият қилган. А. оиласи Куфанинг ишғол қилинганидан сўнг у ердан кўчади.

Абу Салама Али авлодидан бўлгани учун уларни чалғитишга ҳаракат қилади. Буни англаган хуросонликлар бир сабаб б-н Абу-л-Аббосга *байъат* қиладилар. 749 й.нинг 28 нояб.да Куфа масжидида Абу-л-Аббосга *байъат* қилинади. Абу-л-Аббос халифа сифатида ўқиган илк хутбасида ҳокимият А.га оид эканлигини турли далиллар б-н исботлашга ҳаракат қилади. А. қўзғолон ҳаракатлари бошланган илк онлардан *шиа*лар б-н бирга ҳаракат қилаётган каби кўринсалар-да, ҳақиқий ниятларини ўртага чиқармаётган эдилар. Фақат бошқарувни қўлга олганларидан сўнггина уларга орқа ўгирадилар. Абу-л-Аббос қароргоҳини *шиа*ларнинг аксарияти тўпланган Куфадан Ҳаммом-Аъёнга кўчиради ва Абу Муслимнинг ёрдами б-н Абу Салама ила Сулаймон ибн Касирни ўртадан олиб ташлайди.

Қаҳтаба ва ўғли Ҳасан жан.дан Куфа томонга юриш қилаётганда, иккинчи қўшин Абу-л-Аббоснинг амакиси Абдуллоҳ ибн Али қўмондонлиги остида шимолдан Шом томонга юзланган эдилар. Халифа Марвон II Шом ва ал-Жазира арабларидан ташкил топган қўшин б-н Зоб дарёси соҳилида Абдуллоҳнинг қаршисига чиқади. Жанг 750 й.нинг 16 янв. ида бошланади ва ўн кун давом этади. Марвоннинг иттифоқдошлари орасида чиққан келишмовчилик сабабли Абдуллоҳ жангда ғалаба қозонади. Ҳарронга чекинган Марвон у ерда ҳам қола олмаслигини тушуниб, Дамашққа, у ердан эса Иорданиядаги Абуфутрусга қочади. Абдуллоҳ ибн Али ҳеч қандай қаршиликсиз Дамашққа келади ва қисқа муддатли қамалдан сўнг, яъни 750 й.нинг 26 апр.ида шаҳарни забт этади. Марвонни таъқиб қилган гуруҳ Юқори Мисрда Бусийр номи берилган ерда уни топади ва 750 й.нинг авг.ида бўлиб ўтган курашда Марвон ўлдирилади. Мазкур йилнинг охирларида Воситда истиқомат қилаётган Ибн Ҳубайра ҳам таслим бўлганидан сўнг *умавий* халифалиги тугатилади.

А. халифаликни қўлга олганларидан кейин *умавийлар* асос солган «мулк-давлат» тушунчаси ўрнига, динга таянган давлат шаклидаги ҳақиқий халифаликни намоён этганлар сифатида қарши олинадилар. Халифа жума *намоз*ларида Пайғамбар (с.а.в.)нинг хирқаи шарифларини кийиб чиқар эди. Унинг атрофини ҳимоя остига олган ва давлат ишларида тавсия, фикрлар берувчи *фақиҳ*лар ҳамда дин олимлари ўраб олар эди. А. халифалари *умавий* халифалари каби дунёвий фикрлашга мойил бўлиб, атрофдагиларга диндор ва зоҳид кўринишга аҳамият қилмасдилар.

А. хилофат маркази сифатида Шом ерлари ўрнига Ироқни маъқул кўрадилар. Биринчи халифа Абу-л-Аббос ас-Саффоҳ Фуротнинг шарқий соҳилида жойлашган кичик Ҳошимийя ш.ни марказ қилиб бир оз муддат ўша ерда ўтиради. Қисқа муддатдан сўнг марказ Анборга кўчирилади. Иккинчи А. халифаси ва аксарият жиҳатдан сулоланинг ҳақиқий асосчиларидан ҳисобланган Абу Жаъфар ал-Мансур Дажла қирғоғида *сосонийлар* империясининг қадимий пойтахти Мадоин харобалари яқинида ва А.нинг доимий пойтахти бўлмиш янги шаҳарни қурдиради. Расмий номи Мадина ас-Салом бўлган ушбу шаҳар, айни шу ердаги қади-



Аббосийлар халифалиги

мий Эрон қишлоғининг номи б-н Диёри Бағдод сифатида машҳур бўлган.

А. қўзғолонининг муваффақиятга эришиши б-н араблар ва айниқса, шомликлар учун ҳокимият даври охирига етган. Чунончи, араблар ва *маволий*лар ўртасидаги фарқ кўтарилган, ҳатто *маволий*лар арабларга қараганда устунлик ҳам қилган. Қўзғалоннинг оғир юкини елкасида кўтарган хуросонликлар давлатнинг юксак мақомларини бўлишганлар. Ҳаракат етакчиси Абу Муслим катта нуфуз ва бошқарув соҳиби бўлган. Илк А. халифаси деярли унинг соясида яшаган. Халифа Мансур Абу Муслимнинг бу ҳокимиятига тоқат қила олмай, уни ўлдиртиради. Бироқ бу б-н ҳам давлат ичидаги Эрон нуфузи сақланиб қолаётган эди. Бармақий вазир оиласи Мансур давридан эътиборан узоқ муддат бошқарувни давом эттиради. Бу сафар ҳам бармақийлар давлат ичида халифачалик қудрат эгаси бўладилар. 803 й.да Ҳорун ар-Рашид бир баҳона б-н Бармақий оиласини бартараф этади. Унинг вафотидан сўнг, ўғиллари Амин ва Маъмун орасидаги хилофат кураши айни вақтда араб ва эронликларнинг бошқарув кураши эди. Ота ва она томонидан А. оиласига мансуб бўлган Аминни араблар, онаси эронлик жория бўлган Маъмунни эса эронликлар қўллаб-қувватлар эди. Натижада, Маъмуннинг ғолиб бўлиши арабларни давлат бошқарувидан тамоман узоқлаштиради.

Маъмун халифалигининг илк йилларида Марвда бўлган вақтларида эронликлар таъсири остида қолиб, ўзи учун ҳам баъзи зарарли ишларни амалга оширади. Бироқ воқеалар ривожи тезликда Маъмунни сергак торттиради ва сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилади.



Аббосий суворийлари

Аввал Марвдан Бағдодга кўчиб бошқарувни ўз қўлига олади. Марвда бўлган чоғида юзага келган ҳодисалар араб ва эронликларга бўлган ишончини сусайтиради. Бу ҳолатда ишончли бир кучга ва вакилга эҳтиёж бор эди. Хуросонда бўлган чоғида яқиндан таниган турклар, А. халифалигида араб ва эронликларнинг нуфузига қарши чиқа олувчи ягона куч эди. Сиёсий тажриба ва ҳарбий қобилият жиҳатидан ҳам империя ичида мувозанат бўлиши керак эди. Маъмун халифалигининг сўнгги йилларида туркларни ҳарбий қисмларга олишни бошлагани ва буни давлат сиёсати даражасига кўтаргани маълум. Манбалар Маъмун халифалигининг сўнгги йилларида халифа қўшини ичида туркларнинг сони 8000–10000 атрофида экани ва қўмондонлар сафининг турклардан иборат бўлганини маълум қилади.

Халифа Маъмуннинг ўлимидан сўнг укаси Муътасим туркларнинг қувватлаши соясида халифаликка ўтади. У ҳам акаси каби турк ўлкаларидан иттифоқдошлар тўплашда давом этиб, қисқа вақтда қўшинининг катта қисмини турклардан ташкил этади. 836 й.да Сомарро ш.ни қурдириб, турк иттифоқдошлари б-н бирга халифалик марказини ўша ерга кўчиради. Шундай қилиб 892 й.гача давом этган «Сомарро даври» бошланган эди. Турк қўмондонлари секин-аста бошқарув кадрларга ҳам ҳоким бўлиб, давлат бошқарувида ўз сўзларига эга бўладилар. Халифа Мутаваккил давридан эътиборан улар истаган кишиларини халифа этиб тайинлайдилар, истамаганларини бу мақомдан узоқлаштирадилар. Бошқа жиҳатдан халифалар ҳам туркларнинг босимидан қутулиш учун ҳаракат қиларди ва фурсат топганларида турк қўмондонларини ўлдирардилар. Турклар б-н халифалар орасидаги бу қарама-қаршилик 892 й.да марказнинг такроран Бағдодга кўчирилишигача давом этади. Бироқ халифалик марказининг Бағдодга кўчирилиши халифалик муассасасининг сиёсий нуфузи жиҳатидан катта ўзгаришларга олиб келмайди. Халифа Муътазид даврида қисман ўзгаришлар бўлган эса-да, унинг вафотидан сўнг аҳвол яна эски ҳолига қайтади. Халифа ар-Розий бу ҳолатни тўхтатиш мақсадида Муҳаммад ибн Роиқ ал-Ҳазарийни амир ал-умаро этиб тайинлайди (936 й.). Бироқ бу ҳам кутилган натижа бермайди.

А. халифалиги учун буларнинг барчасидан кўра ёмонроқ ҳодиса 945 й.да *Бувайҳийлар*нинг Бағдодни ишғол этишлари бўлди. Эронлик *шиа*лар хонадонидан бўлган *Бувайҳийлар* 9-а.нинг ўрталарида Форс, Ҳузистон, Кирмон ва Жибол ҳудудларида ҳокимият қургандилар. А. халифаси Мустакфий *Бувайҳийлар*дан Муъизззуд-давла Аҳмадга амир ал-умаролик мансабини беришга мажбур бўлади. Натижада А. халифалиги *шиа* хонадонининг босими остида қолади. *Бувайҳийлар* Бағдодга ҳоким бўлган бир асрдан

ортиқ вақт ичида халифалар уларнинг қўғирчоқлари бўлиб, бутун сиёсий ва ҳарбий нуфузларини йўқотади. *Бувайҳийлар* истаган ишларини қилади. Бу вақтда Бағдод Ислом оламининг маркази деган мавқеини йўқотган эди. 11-а.нинг ўрталарида *Бувайҳийлар* заифлаша бошлайди. Бу вақтда Арслон ал-Басосийрий Бағдодга ҳоким бўлади ва хутбани *фотимий* халифаси номига ўқитишни бошлайди.

А. халифалигининг расман тугатилишига ташаббус бўлган бу вақтда Эронда янги бир куч майдонга чиқади ва бу куч *сунний* эътиқоддаги *салжуқийлар* эди. Арслон ал-Басосийрийнинг хутбани *фотимийлар* номига атаб ўқитиши *салжуқийлар*ни ҳаракатга бошлайди. *Салжуқий* султони Туғрулбек 1055 й.да Бағдодни Арслон ал-Басосийрийдан озод этиб, халифага диний эътиборини қайтаради. Халифалар ярим аср мобайнида *салжуқийлар*нинг сиёсий ҳокимиятлари остида фаолиятларини давом эттирадилар. *Салжуқийлар* фақатгина Бағдодни эмас, бутун Ироқ ва Сурияни ҳам *фотимийлар*дан озод қилади. Айни замонда, Бағдоддан бошлаб барча катта шаҳарларда *мадрасал*ар қуриб, маънавий жиҳатдан ҳам *шиа*ларга қарши ҳаракат қиладилар. Бироқ буюк *салжуқий* империяси тахт низолари сабабидан заифлаша бошлаганида А. халифалари иқтисодий бошқарувни ҳам қўлга олиш мақсадида ҳаракатни бошлайди. Фақат халифа Носирнинг ҳалафлари у томонидан бошланган сиёсатни давом эттирадиган қудратга эга бўлмаганлари боис, А. халифалиги яна эски ҳолатга кела бошлайди. 1194 й.да Ироқ *салжуқий* султони Туғрул хоразмшоҳ Текишга мағлуб бўлганида, унинг ҳокимияти остидаги ўлкалар хоразмшоҳларнинг тасарруфига ўтади. Бу сафар ҳам А. халифалари б-н хоразмшоҳлар зиддиятга келади. Баъзи ривоятларга кўра, халифа Носир янги рақибларини янада таҳликали деб топиб, бу вақтда бутун Осиёни титратаётган Чингизхондан ёрдам истаган. Дарҳақиқат, Алоуддин Текишдан сўнг тахтга чиққан хоразмшоҳ Муҳаммад А. халифалигини тугатишни истарди. Бироқ мўғул таҳликаси бу ниятини амалга оширишга фурсат бермайди.

Умавий сулоласи даврида Ислом империясининг чегаралари Туркистондан Пиреней тоғларигача, Кавказдан Ҳинд океанигача ва Саҳрои Кабиргача етиб борган эди. А. давлати бу чегаралари б-н тарихда энг катта империялар рўйхатининг бошидан ўрин олар эди. Бироқ ўша замон шарт-шароитларини эътиборга олинса, бу даражадаги катта империяни сақлаб туриш осон бўлмаганини пайқаш мумкин. Зеро, А.нинг бошқарувга келган илк йилларидан эътиборан парчаланиш бошланади. А. қатлиомидан қутулишнинг уддасидан чиққан халифа Ҳишомнинг набираси Абдурраҳмон ибн Муовия, Миср ва Шимолий Африка орқали Андалусга кетишга муваффақ бўлади. Абдурраҳмон Андалусия ичидаги зиддиятли ҳолатдан фойдаланиб 756 й.да мустақил ҳукмдор сифатида ҳаракат қилишни бошлайди. Халифа Мансур Абдурраҳмон устига қўшин тортса-да, натижага эриша олмайди ва оқибатда Андалус империя таркибидан расман ажралиб қолади. Андалусия истиқлолга эришганидан сўнг аста-секин бутун Шимолий Африкада мустақил давлатлар ўртага чиқа бошлайди. 758 й.да марказ Сижилмосга кўчирилганда А.га расман боғлиқ бўлган *хорижий мидрорийл*ар, 777 й.да Ғарбий Жазоирда *рустамийлар*, 789 й.да Фосда *идрисийлар* ва 800 й.да Ислом географлари томонидан Ифриқийя номи берилган Тунисда истиқлолларини қозонган *ағлабийлар* шулар жумласидан ҳисобланади.

9-а.нинг ўрталаридан эътиборан А.нинг нуфузи Мисрдан ғарбга ўта олмаётган эди. Ҳатто 868–905 й.ларда турк Тулун ўғиллари, 935–969 й.ларда эса *их-*

*шидий*лар Миср ва Сурияга ҳоким ўлароқ ғарбдаги чегарани торайтирган эдилар. Шарқдаги ҳолат ҳам ғарбдагидан унча фарқ қилмасди. 819 й.дан Хуросон ва Мовароуннаҳрда *сомонийлар*, 821 й.да Хуросонда *тоҳирийлар* қисман халифага боғлиқ бўлсалар-да, ички ва ташқи ишларда тамоман мустақил ҳаракат қилардилар. 867 й.да Сейистон ҳудудида юзага чиққан *саффорийлар* Бағдод халифаси б-н кескин мужодалага киришадилар. Сурия ва ал-Жазирада *ҳамадонийлар* 905 й.дан бошлаб ўз мустақиллигига эришадилар.

А. даврида сиёсий, иқтисодий ва диний сабабларга таянган исёнлар тез-тез учрайди. 752 й.да Сурияда *умавийлар* сулоласининг ҳақларига эга чиқишни истаган исён бўлиб ўтади. Исён тез бостирилади, бироқ *умавий* тарафдорлари *умавийлар*нинг бир кун келиб халифаликка қайтишлари ва адолатни тиклашларига ишонган ҳолда, таҳликага бормасдан Сурияда баъзи-баъзида бош кўтарар эдилар. Бошқа томондан *шиа*лар муваффақиятга эришишларида катта ёрдам кўрсатган қўзғолондан сўнг, А. оиласининг халифа бўлишларини ҳазм қила олмасдилар. Шу боисдан, Алининг ўғли Имом Ҳасан авлодидан бўлган Муҳаммад ан-Нафс аз-Закийя ва укаси Иброҳим халифалик даъвосида ҳаракатни бошлайдилар. Узоқ муддат яширин фаолият олиб борган ва халифанинг таъқибидан қутулиш мақсадида доимий жой алмаштирган бу икки ака-укалар, ниҳоят оилаларига ўтказилган босимга бардош бера олмай ўртага чиқадилар ва Марсунга қарши исён қиладилар. Бироқ, 762 й.да Муҳаммад ва кейинги йил Иброҳим қўлга олиниб, ўлдирилади. *Шиа*ларнинг исёнлари бу б-н битмайди. Фурсат топилганда ўртага чиқадилар, фақат натижага эриша олмайдилар. Булардан кўра янада муҳим воқеа бу – 755 й.да Халифа Мансурнинг Абу Муслимни ўлдиртиргани баҳонасида Эронда бошланган исён бўлади. Бу исёнларнинг негизида маҳаллийчилик бор эди. Абу Муслимнинг ўлими хабари Хуросонга етганида унинг яқин одамларидан бўлган Сунбоз исмли қўмондон Райни қўлга олиб, Ҳамадонга юриш бошлайди. Рай б-н Ҳамадон орасида халифа қўшини б-н бўлиб ўтган жангда енгилган Сунбоз Табаристонга қочади, бироқ ушланиб қатл қилинади. Яна ушбу йилда Абу Муслим тарафдорларидан Исҳоқ ат-Туркий Мовароуннаҳрда исён уюштиради ва икки йил халифа қўшини б-н жанг қилади. 757 й.да Устозсиз исмли шахс Ҳирот, Бодгис ва Сейистон томонларда бош кўтаради. Бир йил давом этган курашлардан сўнг исён бостирилади ва Устозсиз асир олинади. Хуросондаги исёнларнинг энг таҳликалиси *Муқанна* исёни бўлган. Қарашлари коммунизм ғояларига ўхшаган Муқанна исёни фақатгина 789 й.га келиб бостирилади. Халифа Маҳдий замонида эски Эрон динларини иҳё этиш учун кўплаб бош кўтаришлар бўлган. Бу воқеалар сабаб исёнларни бостириш б-н шуғулланувчи «Девон аз-занодиқа» номи берилган ташкилот ҳам ташкил қилинган.

А. даврида ўртага чиққан исёнларнинг энг муҳими, узоқ давом этгани *Бобак ал-Хуррамий* исёнидир. Сиёсий ва ҳарбий соҳада эътиборни тортувчи қобилиятга эга бўлган Бобак тарафдорларининг аксариятини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган. Озарбайжонда исён байроғини кўтарган Бобак узоқ муддат исёнини давом эттиради. Унинг устига юборилган қўшинларни мағлуб қилиб ўз нуфузини оширади. Ниҳоят, 837 й.да халифа Муътасимнинг асли турк қўмондонларидан бўлган Афшин томонидан қўлга олиниб ўлдирилади.

Мўғуллар Чингизхон бошчилигида Хитойга қарши муваффақиятли юришларидан сўнг, 1218 й.дан бошлаб Ғарбга юзланиб Ислом оламини истило қилишни бошлайди. Хоразмшоҳлар давлати ўртадан кўтарилгандан сўнг, Эрон ва

Ироқда мўғулларнинг қаршисида турадиган куч қолмаган эди. Мўғуллар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Балх каби шаҳарларни ер б-н яксон қилиб, Ғарбга юриш бошлайди. Чингизхондан кейин ҳам мўғул истилоси давом этади. Унинг авлодларидан Ҳулогу Эронни тор-мор қилиб, 1258 й.нинг янв.да Бағдод яқинига келади ва шаҳарни қуршаб олади. Бағдод мўғулларга қарши кураша оладиган кучга эга эмас эди. Сулҳ тузиш б-н ҳам ҳеч қандай самарали натижага эриша олмаган А.нинг охирги халифаси Мустаъсим, давлат аркони б-н таслим бўлишга мажбур бўлади. Ҳулогу таслим бўлганларнинг барчасини қатл эттиради. Беш асрдан бери Ислом оламининг пойтахти мақомида бўлган Бағдод ҳароб этилади. Бутун Ислом шаҳарларида бўлгани каби Бағдодда ҳам дунё тарихида мисли кўрилмаган қирғинбаротлар амалга оширилади. Бутун маданий муассасалар барбод этилади. Масжид, мадрасалар бузиб ташланади, кутубхоналар харобага айлантирилади. Китоблар ёқилади ва Дажла дарёсига оқизилади. Мўғулларнинг Бағдодни ишғол этишлари Ислом тарихида катта фалокат сифатида қабул қилинган. Бу фалокат сиёсий соҳадан кўра кўпроқ маданият соҳасида рўй берган. Шундан эътиборан Ислом маданияти ривожланишдан тўхтаган ва орқага кетишни бошлаган.

750–1258 й.лар мобайнида ҳукм сурган А. Ислом тарихида *усмонийлар*дан кейин энг узоқ ҳукм сурган сулоладир. Ислом маданиятининг энг порлоқ даври ушбу сулола замонида бўлиб ўтган. А. узоқ муддат сиёсий соҳада ҳокимиятни қўлларида тутдилар ва баъзи бир воқеалардан ташқари охирги кунларигача Ислом дунёсининг маънавий етакчилигини таъминладилар. А. халифалиги Ислом тарихида бўлгани каби жаҳон тарихида ҳам катта ўрин эгаллайди.

Умавийлар даврида кўплаб *фатҳ*лар қилинган, исломият ҳар тарафга ёйилган, Ислом мамлакатининг чегаралари кенгайган эди. А. даврида *фатҳ*лар оз бўлган бўлса-да, тараққиёт авж олди. Бу кўпроқ маданият соҳасида сезиларли даражада юксак кўрсатгични қайд этди. Давлат бошқарувида, илм-фан ва санъатда тараққиёт бўлмагунича, муваффақиятга эришиб бўлмаслиги ғояси сингдирилди ҳамда ушбу ғоя устида мустаҳкам турилди.



Қадимги Бағдод (ал-Ҳазр)

Бу даврда илму фан энг юқори чўққига кўтарилди, Бағдод ш. илм-фан марказига айланди ва бу ерда ташкил этилган «*Байт ал-ҳикма*» ўз даврининг машҳур олимларини жамлаган илмий марказ мақомини олди. Бу илмий марказга йиғилган араб, форс, турк, юнон, мусулмон, насроний, яҳудий, шунингдек, бошқа халқ ва эътиқодга мансуб олимлар ҳамкорликда ўша давр илмларининг деярли барчаси б-н шуғулланиб, қатор соҳаларда йирик кашфиётлар яратдилар, янги асарлар ёздилар ҳамда ўз ижодлари б-н Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирдилар.

Манбаларда қайд этилишича, давлат бошида турган халифадан то ҳар бир фуқарогача – барча-барча илм ўрганиш б-н машғул бўлган. А. давлатида инсонлар илм ўрганиш ва ўрганганларини бошқаларнинг манфаатлари учун сарф этиш б-н машғул бўлганлар. Испаниянинг кичик бир қишлоғидан чиққан талаба, Яманда тоғ устидаги мадрасада мова-



роуннаҳрлик олимдан илм ўрганар эди. Илм излаган талаба олимни энг изсиз ерда бўлса ҳам топар эди. Бағдод, Басра, Бухоро, Куфа, Шом ва Фустот каби Ислом шаҳарлари илм ва маданият марказлари бўлиб, европаликлар илм ўрганиш мақсадида мазкур шаҳарларга келар эдилар. У ердаги илм, маданият ва ҳашамат уларни ҳайратга соларди. Ислом олимлари бир томондан нақлий илмлар деб аталган *тафсир*, ҳадис, *фиқҳ*, *калом* ва *қироат*дан, ижтимоий илмлар деб аталган адабиёт, *наҳв*, луғат ва баён каби илмларнинг усул ва қоидалари ҳақида қимматли асарлар ёзиб қолдирдилар. Бошқа томондан эса аниқ фанлар дея номланган ҳандаса, астрономия, тиббиёт, кимё ва жўғрофия каби илмларда етакчилик қилдилар.

Бу даврдаги маданий фаолиятларнинг аввалига китоб таснифлари тўғри келади. *Умавийлар* даврида тадвин ва тасниф этилган илмлар, А. даврида китоб ҳолига келтирилди. Айниқса, ҳар бир илм соҳасининг усул ва методологияси яратилди. А. ҳукмронлигининг биринчи асрида буюк Ислом олимлари етишиб чиқиб, *тафсир*, ҳадис, *фиқҳ*, тарих ва *мағозий*, тил ва луғат китоблари битилди. Кўплаб илмларнинг асоси ишлаб чиқилди.

Диний илмларни ўрганиш истагида бўлганлар учун Бағдодда мактаб ва мадрасалар бўлгани каби, масжидларда ҳам ақлий ва нақлий илмлар ўргатиладиган йирик марказга асос солинди. Ҳатто Басра масжиди каби баъзи масжидлар катта мадраса каби фаолият олиб борар эди.

Мусулмон қўшинлари *фатҳ* этган ерларидан турли тилларда ёзилган эски китобларни олиб келдилар. Илм-фан мусулмонларнинг кетмас моли бўлиб, Хитойда бўлса ҳам ўрганилиши кераклиги фикрида бўлган мужоҳидлар, қўлга киритган бу китоблардан тиб, кимё ва астрономияга оид бўлганлари Холид ибн Язид ибн Муовия томонидан Шомда таржима эттирилиб мусулмонлар истифодасига топширилди. Кейинчалик таржимонлик фаолиятлари кенгайиб, лотин, қибт, сурёний, ҳинд (санскрит), паҳлавий (форсий), набатий ва б. тиллардан араб тилига кўплаб асарлар таржима этилди.

«Калила ва Димна» асари Абдуллоҳ ибн Муқаффо (721–757) тарафидан араб тилига ўгирилди. Гиппократ ва Жолинусдан кўплаб тиб илмига оид китоблар таржима қилинди. Арасту, Птолемейларнинг фалсафага оид асарлари таржима ва тадқиқ қилинди. Даврлар ўтиб қилинган таржималарда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлари бартараф этилди. Юнон ва ҳинд маданиятининг нуқсонлари Ислом олимлари томонидан танқид қилиниб тузатилди.

Халифа Муътасим ва Мутаваккил замонларида ҳам давом этган бу ишлар натижасида алжабр, ҳандаса, астрономия, физика, тиб, кимё, мусиқа ва б. соҳаларга оид қимматли асарлар араб тилига таржима қилинди. Ҳунайн ибн Исҳоқ, Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Собит ибн Қурра ва Умар ибн ал-Фаррухон ат-Табарийлар бу таржимонлик фаолиятининг энг машҳурларидан ҳисобланадилар.

Бу таржималар ичида фалсафий асарлар таржимаси алоҳида ўрин тутади. Ислом олимлари қадимий юнон фалсафасини тадқиқ этиб, файласуфлар қарашларини диққат б-н ўргандилар.

Янглиш фикрларни ўртага чиқардилар. Бу янглиш фикрларни исботловчи қимматли асарлар ёздилар. Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад ал-Ғаззолий қаламига мансуб *«Ал-Мунқиз мин аз-залāл»* ва *«Таҳāфут ал-фалāсифа»* китоблари бу асарларнинг энг машҳурларидандир.

Хорижий тиллардан араб тилига таржима қилинган асарларнинг фойдалилари амалга татбиқ этилди. Мас., астрономия б-н алоқадор асарлар таржима этилганидан сўнг, улар устида ишланиб расадхоналар барпо қилинди. Илмий фаолиятлар халифа томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Расадхоналарда ишловчи астрономлар фалакни ўрганиш б-н чекланиб қолмадилар, илмий фаолият, тадқиқот ва таҳлилларида турли методларни қўллаганлар.

Бу даврда ёзилган илк жўғрофий китоблар *фатҳ* этилган ерлар б-н алоқадор бўлган. Улардан ал-Балозурийнинг *«Футўҳ ал-булдāн»* асари машҳурдир. Бу хусусда ёзилган бошқа асарлар қаторига Ёқут ал-Ҳамавийнинг *«Муъжам ал-булдāн»*и ва Носир Хусравнинг *«Сафарнома»*сини киритиш мумкин. Кейинчалик кенгроқ моҳиятни қамраган жўғрофий асарлар ёзилган бўлиб, улардан ал-Масъудийнинг *«Ат-Танбīҳ ва-л-ашрāф»* асари, Абу Зайд ал-Балхийнинг *«Китāб сувар ал-ақāлīм»* номли асарини қайд этиш лозим.

Умавийлар даврида бошланган *тафсир* фаолиятлари А. даврида тасниф ҳолатига кўчиб ўтди. Бу даврда *тафсир* илмига асос солинди, қоидалар ишлаб чиқилди. Ат-Табарий, Абу Бакр Жассос, ал-Мовардий, ас-Саълабий, Фарро, ал-Воҳидийлар А. даврида етишиб чиққан *муфассир*лардан баъзиларидир.

Умавийлар даврида *фатҳ*лар б-н кенгайган Ислом олами, турли маданият ва эътиқод вакиллари б-н юзма-юз келди. Бу маданият, таржима қилинган юнон фалсафаси ҳамда Искандария фалсафа мактабининг мусулмонлар тоза эътиқодига зарар бериш хавфи ўртага чиқа бошлади. Бунинг устига, хоссатан, Имом Аъзамдан бошлаб *аҳли сунна* олимлари томонидан бу оқимларга жавоблар берилди. Тўғри эътиқод, яъни Пайғамбар (с.а.в.) ва асҳоблар йўли бўлган *аҳли сунна* эътиқоди китобларга кўчирилди. Бу мавзуда Имом Аъзам (р.а.) *«Ал-Фиқҳ ал-акбар»* номли асарини ёзган. Бузуқ фалсафа ва эътиқодларга берилган жавоблар илм ҳолига келиб, *илми калом*га асос солинди. Бу илмда *аҳли сунна*нинг икки буюк имоми етишиб чиқди. Улардан бири *ҳанафий мазҳаби* олимларидан Абу Мансур ал-Мотуридий, бошқаси эса *шофеъий мазҳаби*дан етишиб чиққан Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийлардир. Бу икки имомдан сўнг келган барча *калом* олимлари, улар билдирган ва ишлаб чиққан услубларига асосан ўз асарларини ёзганлар.



Аббосийлар дирҳами

Қози Абу Бакр ал-Боқиллоний, Имом ал-Ҳарамайн, Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Музаффар ал-Исфаройиний, Абу Бакр ибн Фурақ, ал-Ҳулаймий, Имом ал-Ғаззолий, аш-Шаҳристоний, Абдулқоҳир ал-Бағдодийлар *калом* олимларидан баъзиларидир.

Ислом дини ҳуқуқини *саҳоба*лардан ўрганган *тобеъин* ва улардан ўрганган *табаъа тобеъинлар* яъни, А. даврида дин илмида юксалиб, мутлақ *мужтаҳид*лик мартабасига етишган буюк имомлар етишиб чиқди. Улар амалда *мазҳаб* соҳиби эдилар ва ҳар бирининг ижтиҳодларидан майдонга келган ҳукмларга, ўша олимнинг *мазҳаби* дейилди. Бу олимлардан аксарияти-



Аббосийлар даври меъморий обидаси. Ироқ, Бағдод

нинг *мазҳаб*и китобларга кўчирилмагани учун унутилган. Фақатгина тўрт буюк имомнинг ижтиҳодлари шогирдлари томонидан китобларга кўчирилиб муҳофаза этилди ва мусулмонлар орасида ёйилди. Бу тўрт имом – Имом Аъзам Абу Ҳанифа, Имом аш-Шофеъий, Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал эди. Бу тўрт имом *мазҳаб*ларидан ташқари бошқа *мазҳаб*лар унутилгани учун уларнинг издошлари қолмаган. Булардан сўнг *мазҳаб* соҳиби бўлган олимлар етишиб чиқмаган.

А. даврида *етти қироат* йўли ўртага чиқди. Бу йўлларнинг ҳар бирида *қироат* олимига суянилган. Ҳар бир *қироат саҳоба*лардан бирига бориб тақалади.

А.дан маданий ҳаётга энг катта таъсир кўрсатганлари *тасаввуф* олимлари эдилар. Улар халқнинг *иршод*и б-н машғул бўлганлар ҳамда эътиқод ва амал қилишни қалбга жойлаштиришга хизмат қилганлар. Кўплаб ғайри мусулмонлар уларнинг гўзал ахлоқи сабабли Исломни қабул қилганлар. Бу *суфий*лардан ҳар бирининг ўз услуб ва усуллари мавжуд эди. Бу усулларга эргашганлар турли йўлларни ўртага чиқардилар. Бу йўллар аслида бир-биридан фарқли эмас эди. Жунайд ал-Бағдодий, Иброҳим Адҳам, Фузайл ибн Иёз, Маъруф ал-Кархий, Боязид Бистомий, Абу-л-Ҳасан ал-Харақоний, Абу-л-Ҳусайн ан-Нурий, Мансур Ҳаллож, Ҳорис ал-Муҳосибий, Юсуф ал-Ҳамадоний, Имом ал-Қушайрий ўша даврда етишиб чиққан *тасаввуф* олимларидан ҳисобланадилар.

Умавий халифаси Умар ибн Абдулазиз даврида ҳадиси шарифлар тадвин ва тасниф этилган. А. даврида мавзулари, *ровий*лари, қувват ва зифликларига кўра китобларга ажратилди. Бунинг учун Ислом оламининг ҳар тарафига саёҳатлар уюштирилган. Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий, Имом Молик, Имом ан-Насоий, Абу Довуд ва Ибн Можа (р.а.)лар каби машҳур ва буюк олимлар етишиб чиққан. Бу олимлар инсон ақли қамраб олмайдиган, фавқулодда ғайрат б-н ҳаракат қилиб, илк ва мўътабар ҳадис китобларини ёзганлар. Бу олимларнинг аввалги иккитаси *«Саҳиҳ»*, бошқалари эса *«Сунан»* ёзганлар. Хусусан, Имом Моликнинг *«Ал-Муватто»* асари, Имом ад-Доримий ва ад-Дорақутнийнинг *«Сунан»*, Баззор, Саъид ибн Мансур, Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг *«Муснад»*лари энг муҳим манбалардир. А. даврида таълиф этилган юзларча ҳадис китоблари мўғул истилоси сабабли йўқотилган.

Ҳадиси шарифлар китобларга битилганидан сўнг, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёти ва *ғазот*лари б-н боғлиқ бўлган қисмлар *«Китоб ал-мағозӣ ва-с-сийар»* сарлавҳали мавзуларда баён қилинган. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳаётлари ҳақидаги сийрат илмига, ҳадис ва тарих илмларидан ажралган илм сифатида қарала бошланди. Муҳаммад ибн Исҳоқ илк сийрат китобини ёзган. Унга Ибн Ҳишом шарҳ ёзган. Кейинчалик ал-Воқидий Пайғамбар (с.а.в.) ва *саҳоба*лар *ғазот*лари ҳақида

«Ал-Мағāзӣ» номли асар ёзган. Ибн Саъд эса *«Табақāт ал-кубрā»* номли асарида унинг ривоятларини келтирган. ал-Балозурий ва Мусъаб аз-Зубайрий ҳам *саҳоба*ларнинг *насаб*ларини аниқлаб ёзиб қолдирганлар. Имом ат-Табарий Одам (а.с.)дан то ўз давригача бўлган жаҳон тарихини ёзиб қолдирган. Кейинчалик келган олимлардан Ибн Жавзий ва набираси Сибт ибн Жавзий, Ибн Асирлар тарих соҳасининг пешқадам олимларидан бўлганлар. Айниқса, Ибн Асокир Шом тарихига оид 80 жилдлик асар ёзган.

А. даврининг илк асрида Куфа ва Басрадаги икки йирик мадрасада *наҳв* илмининг асосини ташкил этган олимлар етишиб чиққан. Улардан Басрада етишганларнинг машҳурлари: Исо ибн Умар ас-Сақафий, Абу Амр ибн ал-Аъло, Халил ибн Аҳмад, Аҳфаш, Сибавайҳ ва б. Куфада етишган олимлардан машҳурлари: Абу Жаъфар ар-Расосий, Фарро ва б. Араб адабиётининг муҳим вакилларидан ҳисобланган шоир ва адабиётшуносларнинг баъзилари ҳам ўша даврларда етишиб чиққан. Ҳалил ибн Аҳмад *аруз* илмининг асосини яратган.

А. даврида адабиёт ҳам ўзининг энг чўққисида эди. Ибн Нувос, Ибн Қутайба, Абу Убода ал-Бухтурийлар А. даврида етишган машҳур шоирлардан эдилар. А. даврида наср ҳам юксак чўққида бўлган. Абдуллоҳ ибн Муқаффа *«Калила ва Димна»* асарини араб тилига таржима қилган ва мазкур асар араб адабиётининг илк наср намуналаридан дея эътироф қилинган.

Намоз вақтларини, *қибла*ни аниқлаш, меросни тақсимлаш каби диний вожиботларни амалга ошириш учун мусулмонлар машғул бўлган илк фанлардан бири математика илмидир. А. даврида соҳа бўйича кўплаб китоблар таржима қилинди. Таржима қилинмаган асарлар аниқланди. Янги усуллар ва мавзулар ал-Хоразмий томонидан алжабр, ал-Баттоний ва Абу-л-Вафо томонидан эса тригонометриянинг асослари яратилди. Саноқ сонлар ва ўнлик касрлар илк маротаба муомалага киритилди. Абу-л-Вафо томонидан синус, Ибн Ҳусайн томонидан кинематик усули, Ибн Юнус томонидан логаритм, ал-Коший томонидан ўнлик касрлар кашф қилинди. Ал-Берунийнинг *«Мақāлīд ъилм ал-ҳайъа»* асари сферик тригонометрияда илк асар сифатида эътироф қилинган. Ал-Беруний диагоналнинг тахминий қийматини илк маротаба ҳисоблаб чиқди. Ал-Хоразмий, Ибн Турк, Ҳажжож ибн Юсуф, ал-Киндий, Аҳмад ас-Сарахсий, ал-Моҳоний, ал-Баттоний, Собит ибн Қурра, Абу-л-Вафо ал-Бузжоий, Ибн ал-Ҳайсам, Абу Саҳл ал-Кўҳий, ал-Беруний, Ибн Синолар А. даврида етишган машҳур математик олимлардандир.

А. даврида ривожланган илмлардан бири тиб илми ҳисобланади. Халифа Мансур Бағдодда кўрлар учун касалхона очган. Шунингдек, Ҳорун ар-Рашид амалий тиббий таълим учун кутубхонага эга касалхона ташкил қилган. Тажрибали табибларни ушбу касалхонага жамлаб, кутубхонани турли асарлар б-н тўлдирган. Руҳий ва асаб касалликларининг давосида машҳур бўлган Ибн Бахтишуга бош табиблик вазифасини берган. Халифа Маъмун ва халифа Муътасимнинг саройларида хос табиблари бўлган.

Халифалар касалхоналар очиб у ерда эркин ишлаш шароитларини таъминлаганлари ва табибларга юқори маош белгиланиши табибларнинг рағбатини янада орттирган. Кўплаб тиббиётга оид китобларнинг таржима қилиниши ва янги асарларнинг ёзилишига йўл очилган.

Али ибн Раббон ат-Табарий 850 й.да ёзган *«Фирдавс ал-ҳикма»* номли тиб илмига оид китобида турли касалликлар ва уларга даволарни баён қилган. Ал-Киндий психофизиологияга асос солди. *«Рисāла фӣ маърифа ал-қувва ал-*



Ибн Сино. «*Ал-Қонун фи-т-тиб*». Озарбайжон ФА Қўлёзмалар ин-ти. Боку

адвийа ал-мураккаба» номли асарида бу илмнинг асосий қонунларини ёзган. Собит ибн Қурра томонидан илк маротаба анестезия қўлланилган. Қизилча ва қизамиқ касалликларига ҳам унинг томонидан таъриф берилган. Али ибн Аббос Аҳвозий капиляр томирлар системасини илк маротаба ўртага ташлади. Ибн Сино юқумли касалликларни изоҳ ва ташхис этди. *«Ал-Қонун фи-т-тиб»* номли асар ёзди. Бу асар Ислом ва Европа ун-тларида асрлар мобайнида асосий манба сифатида ўқитилиб келинмоқда.

Европаликлар чиққан чипқон сабабли оёқни кесиб хастанинг ўлимига сабаб бўлаётган бир вақтда, Аммор ал-Мавсилий томонидан илк катаракта амалиёти ўтказилди. Ибн Исо эса илк кўз касаллигига бағишланган китоб ёзди. *«Тазкира ал-Каххолин»* номи берилган ушбу асарга тенг келадиган китоб саккиз юз йилгача ёзилмади.

А.дан олдинроқ бошланган астрономия илмлари, ушбу даврда чўққига чиқди. Абу Саъид ас-Сижзий дунё шарининг айланишини, ал-Беруний эса ер тортиш қонунини исботладилар. Птолемей замонидан буён дунёнинг теп-текис эканлиги ҳақидаги даъвони йўққа чиқариб, унинг шар шакли каби юмалоқ экани Ибн Хурдозбиҳ, ал-Масъудий, ал-Беруний, Имом ал-Ғаззолий каби олимлар томонидан исбот қилинди.

Халифа ал-Маъмун даврида *«Байт ал-ҳикма»* қошида осмон жисмларини кузатиш учун иккита расадхона ҳам бунёд этилган. Биринчиси, 828 й.да Бағдоднинг аш-Шаммосия минтақасида, иккинчиси, Дамашқ яқинидаги Қасиюн тоғида 831 й.да қад кўтарган. Иккала расадхонанинг ҳам фаолиятини ал-Маъмун ўз саройига тўплаган Мовароуннаҳр ва Хуросондан келган астрономлар, жумладан, Муҳаммад (Мусо) ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид ибн Абдумалик ал-Марварудий, Аҳмад ал-Марвазий, ал-Аббос ал-Жавҳарий ва б. олиб борганлар. Марвлик Яҳё ибн Абу Мансур Бағдоднинг аш-Шаммосия минтақасидаги расадхонанинг асосчиси ва раҳбари бўлган. Расадхона фаолияти ҳақида у *«Байт ал-ҳикма»*нинг мудири Муҳаммад ал-Хоразмийга ҳисобот бериб турган. Яҳё 831 й.да вафот этганидан сўнг, ал-Хоразмий бу расадхонани ҳам бошқаради ва у ердаги кузатишларда фаол қатнашади. Хуросонлик олим Холид ибн Абдумалик ал-Марварудий эса, Дамашқ яқинидаги Қасиюн тоғидаги расадхонанинг ташкилотчиси, раҳбари ва у ерда олиб борилган тажрибаларнинг қатнашчиси бўлган.

8-а.да араб астрономларидан ота ва ўғил ал-Фазарийлар ва Яъқуб ибн Тариқ энг машҳур олимлар бўлишган. Халифа ал-Маъмун даврига келиб астрономлар сони кўпайиб, уларнинг ўзагини Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан олимлар ташкил этган. Хусусан, улар қаторида Муҳаммад ал-Хоразмий ҳам бўлиб, гарчи у математик сифатида танилган бўлса-да, астрономияга оид муҳим мерос қолдирган. Унинг «*Зиж*», яъни фалакиётга оид жадваллари ҳамда «*Устурлоблар б-н бажариладиган амаллар*» китоби астрономияга оид асарлари орасида энг машҳурлари эди.

Аҳмад ал-Фарғоний ҳам Бағдод илмий марказидаги алломаларнинг энг

машҳурларидан бири бўлган. Ҳозирги кунда ал-Фарғонийнинг саккиз асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор. Унинг *«Жавāмиъ ъилм ан-нужўм ва усўл ал-ҳаракāт ас-самāвиййа»* (*«Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум»*) китоби 12-а.да Европада лотин тилига икки марта ва 13-а.да бошқа Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Унинг лотинлаштирилган номи «Алфраганус» шаклида Ғарбда бир неча аср давомида кенг тарқалади.

Шунингдек, 9-10 а.ларга оид жараёнларда Раққа ш.да 40 йилдан зиёд ижод қилган Абу Абдуллоҳ ал-Баттоний, илм-фаннинг турли тармоқларига оид 184 та асар мерос қолдирган машҳур эронлик олим Абу Бакр ар-Розий, моваройуннаҳрлик Аҳмад ал-Марвазий, Яҳё ибн Абу Мансур, Аббос ибн Саъид ал-Жавҳарий каби бошқа машҳур олимлар ҳам фалакиёт илмида ўзига хос из қолдирганлар.

А. физикага ҳам катта аҳамият берганлар. А. даврида етишиб чиққан ал-Киндий нисбийлик назариясига ишора қилган. Яна А. даврида етишган физик олимлардан Ибн ал-Ҳайсамнинг оптик қонунлар мавзуида ёзган *«Китāб ал-манāзир»* асари жуда машҳурдир. Бу асар кўриш ва ёруғлик назариясига бағишланган. Хозиний *«Мīзāн ал-ҳикма»* асарида жисмларнинг оғирлиги, ўлчов ва тортиш назарияларига янгиликлар киритган.

А. даврида кимё илм ҳолига келтирилди. Бу илмнинг асосчиси Жаъфар Содиқнинг шогирди Жобир ибн Ҳайён бўлган. Замонавий кимёда қўлланилаётган кимёвий сонлар методини Антуан Лоран Лавуазьедан 700 й. олдин Абу-л-Қосим ал-Косий қўллаган. Ар-Розий, Зуннун ал-Мисрий, Абу-л-Қосим ал-Ироқий ва Маслама ибн Аҳмад ал-Мажритийлар бу даврда етишиб чиққан кимё олимларининг баъзиларидир. Зичликни ўлчовчи илк асбоб ҳам ал-Беруний томонидан ушбу даврда яратилган.



Қадимги астрономия асбоби (астролябия)

Истилолар ва *фатҳ*лар даврида араблар учун география улкан амалий аҳамият касб этган эди. Айнан шунинг учун улар географияга оид асарлар бўйича ҳам, уларнинг ранг-баранглиги ва маълумотлар сероблиги борасида ўрта асрларнинг қолган барча географларидан ўзиб кетган эдилар. Араб географ ва саёҳатчилари Исломнинг барча мамлакатлари, шунингдек, Европа, экваториал Африка ва Кореяга қадар Осиёнинг жуда кўплаб қисмлари муфассал тасвир ва тавсифномасини мерос қолдирдилар. Мазкур материаллар кўп ҳолларда ўрта асрларда яшаган, Осиё ва Африканинг қатор халқлари ҳақидаги маълумотларнинг манбаи бўлиб қолмоқда. География бўйича илк асар – *«Китāб ал-мамāлик ва-л-масāлик»* («Мамлакатлар ва йўллар ҳақидаги китоб») 9-а.да қўлёзма ҳолида кўчирилган эди. Унинг муаллифи келиб чиқиши форс бўлган Ибн Хурдодбеҳ мусулмон мамлакатлари ва уларнинг қўшнилари тўғрисида маълумотлар бериб



Доира шаҳар, «Мадина ас-Салом»

ўтган. Географлар ва саёҳатчилар томонидан тўпланган маълумотларнинг улкан захираси араб олимларининг кейинги авлодларига (ал-Бакрий, ал-Қазвиний, ад-Дамашқий ва б.) географик луғатлар тузишга имкон берди.

А. даврида тарих фани география б-н чамбарчас боғланган эди. Тарихий характердаги илк қайдномалар 7-а. охирига мансубдир. Одатда уларда араб қабилаларининг генеологик ривоятлари, Ямандаги Исломдан аввалги давлат тўғрисидаги маълумотлар, *ғассонийлар* ва *лаҳмийлар* амирликлари, Исломнинг вужудга келиши ва тарқалиши ҳақидаги маълумотлар жой олган. Муҳаммад ал-Калбий ва унинг ўғли Ҳишом араб қабилалари шажаралари ва оғзаки ривоятларини тўплаб ёзиб олганлар, шулар асосида кейинчалик 9–14-а.ларда барча арабларнинг 10 дан ортиқ шажаралари тузилган. Шажаралар ва қабилавий афсоналарга қизиқишни сиёсий воқеалар (шу жумладан, Муҳаммад (с.а.в.) нинг ҳарбий юришлари)ни қайд этиб бориш б-н уйғунлаштирган илк тарихчи Муҳаммад аз-Зуҳрий бўлди. Ибн Исҳоқ томонидан ёзилган пайғамбарлар тарихи ва Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётига оид асари дастлабки аҳамиятли тарихий асарга айланди. Мазкур асар худди шу мавзуга бағишланган кейинги барча асарлар учун намуна бўлиб хизмат қилди.

8–9-а.ларда истилолар ва халифалик ҳаётидаги воқеалар тавсиф ва тавсири қоғозга туширилди. 9–11-а.ларда араб тарихнавислиги равнақ даврини бошдан кечирди. Бутун тарихий жараён, шу жумладан, Ислом олами сарҳадидан ташқаридаги воқеаларни ёритиб беришга даъвогарлик қилувчи жаҳон тарихига оид асарлар пайдо бўлди. 9-а.да ал-Балозурий, ад-Динаварий ва ат-Табарийларнинг «*Тарйх ар-русул ва-л-мулўк*» («*Пайғамбар ва подшоҳлар тарихи*», мазкур жанрдаги энг йирик асар), Абул-Ҳасан ал-Масъудийнинг «*Мурўж аз-заҳаб ва маъāдин ал-жавҳар*» («*Олтин конлари ва қимматли қуйма маъданлар шодалари*») китоблари ана шундай асарлар сирасидандир. Абу Али ибн Мискавайҳнинг 11-а. бошларида ёзилган, жаҳон тарихи бўйича араб ўрта асрлар тарихнавислигида энг аҳамиятли асар саналган «*Китāб тажāриб ал-умам*» («*Халқлар тажрибалари ҳақида китоб*») асари ҳам муҳимликда ал-Масъудий асаридан қолишмайди. Муқаддам тўпланган илмий захиралари ва уларни баён қилиш усулларидан фойдаланган форслар, шунингдек, араб бўлмаган бошқа халқларнинг бу жараёнда иштирок эти-



Ироқдаги спирал минора (реконструкция)

ши халифаликда тарихнависликнинг шаклланишини жадаллаштирди.

10-а. ўрталаридан дунё яратилишидан бошланувчи тарихий асарлар б-н бир қаторда сулолалар солномаси, ҳукмдорлар, уларнинг вазирлари ва котиблари биографияси, мамлакатлар ва шаҳарлар тарихига оид асарлар вужудга келди. Яман (ал-Ҳамдоний), Миср (Ибн Абу ал-Ҳаким), Бағдод (ал-Ҳошиб ал-Бағдодий), Дамашқ (Ибн Асокир), Ҳалаб тарихи (Ибн ал-Адим) ва б. ана шундай асарлар сирасига киради. Шунинг баробарида, умумий тарихни ёзиш ҳам давом этди. Мосуллик бўлган Иззуддин ибн ал-Асир «*Ал-Кāмил фи-т-тарйх*» («*Мукаммал тарих*»)ни ёзишда ат-Табарий асарларига таянган эди.

Араб-мусулмон маданияти тараққиётига фалсафий ва ижтимоий тафаккур ниҳоятда улкан таъсир кўрсатди. Бағдодда халифа фарзандлари муаллими ва мураббийси бўлиб ишлаган араб фалсафаси асосчиси ал-Киндийдан бошлаб барча араб мутафаккирлари антик замон фалсафасини шарҳлаш б-н шуғулланганлар. Араб файласуфлари фалсафани «фанлар фани» деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам бир вақтнинг ўзида барча фанлар б-н шуғулланиб келган ал-Киндий Платон ва Аристотель таълимотларини ягона тизимга бирлаштиришга интилган. «Шарқ Арастуси», «Иккинчи муаллим» номлари б-н улуғланган Абу Наср ал-Форобий қадимги юнон фани ва маданиятининг инсоният цивилизациясида тутган ўрнини юксак баҳолаб, бутун илмий фаолияти давомида нафақат унга суянган, балки башарият тарихида ўчмас из қолдирган юнон олимларининг (кўпроқ Арастунинг) асарларини ўрганиб, уларни араб тилига таржима қилган, уларга шарҳлар ёзган. Антик дунё олимлари қолдирган меросни тўла ўзлаштирмасдан туриб, фан ва маданиятни ривожлантириш мумкин эмаслигини яхши тушунган Абу Наср ал-Форобий юнон мутафаккирлари таъсирига тушиб қолмай, балки ўз даври шароитида мустақил фикр юритувчи аллома сифатида ўзини намоён қилган.

А. даврида шаҳарсозлик шу қадар тараққий этдики, натижада халифалик ҳудудида янги ва кўркам шаҳарлар бирин-кетин қад ростлади. Дастлаб, халифа ал-Мансур Дажла дарёсининг ўнг соҳилида «Мадина ал-мудаввара» («Доира шаҳар») деб номланувчи шаҳар қурилиши учун буйруқ берган. Чунки бутун шаҳар доира шаклидаги девор б-н ўралиши керак эди. Шаҳар 762 й.да қурилди ва у «Мадина ас-Салом» номи б-н аталди.

Ушбу ном ҳужжатларда, зарб қилинган тангаларда учрайди. Лекин бу шаҳар тарихга Бағдод номи б-н кирди. Шаҳар режага мувофиқ, айлана шаклида бунёд этилди, унинг диаметри 2,5 км ни ташкил этган. Шаҳарни пишиқ ғиштлардан қурилган мудофаа девори ўраб турган. Шаҳар марказида халифанинг саройи – «Кўк гумбаз» бўлган, унинг ёнида катта масжид ва б. бинолар қурилган.

9–10-а.ларда шаҳар Осиёда, қолаверса, бутун Ислом дунёсидаги энг йирик маданий-сиёсий марказга айланди. 8–13-а. лар давомида Бағдод А. пойтахти бўлиб турди. Халифалик қулаганидан сўнг, унинг пойтахт мақоми йўқолган бўлса-да, маданий марказ сифатидаги аҳамиятини йўқотмади.

Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг набираларидан бири ал-Муътасим 836 й.да халифалик пойтахтини қайта қурилган шаҳар Сомаррога кўчирди. Бағдоддан 138 км узоқликда Дажланинг ўнг соҳилида қад кўтарган ушбу шаҳар «худди саҳродаги саробдай жуда мафтункор» деб таърифланарди. Ал-Муътасим бу ҳаракати б-н ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга интиларди, чунки айни пайтда Бағдод аҳолиси унинг ҳаддан ташқари шафқатсиз бошқарувидан норози бўлиб, катта исён бошланиш хавфи мавжуд эди. Саккиз халифа Сомарро фаровонлиги йўлида катта ишларни амалга оширдилар, Сомарро гуллаб-яшнаган даврда унинг аҳолиси 200 минг кишига яқин эди. Биноларнинг ҳашамати ва ҳайбати, шаҳар ҳудудининг кенглиги ҳайратланарли даражада эди. Шаҳар бош кўчасининг кенглиги 100 м бўлиб, кўчанинг икки томонида анҳор қазилиб, кўча атрофи ва анҳор соҳиллари дарахтлар б-н ободонлаштирилган эди.

Немис археологлари Сомарро харобаларидан масжидлар, саройлар, уйлар, ёғоч ва тошга ўйилган нақшларни, девордаги тасвирларни топдилар. Бу шаҳарда 847 й.да халифа ал-Мутаваккил даврида қурилиши бошланган масжид мусулмон оламида энг йирик масжид ҳисобланган. У 38000 м^2 жойни эгаллаган бўлиб, катта ҳовли, *намоз* ўқишга мўлжалланган катта зал ва минорага эга бўлган. Бу масжид Дамашқда *умавий*лар даврида қурилган масжиддан ҳам каттадир. Унинг ёнида тепага қараб спирал шаклида ингичкалашиб борган минора қурилган бўлиб, у ал-Малвия номи б-н машҳурдир. Миноранинг меъморлари қадимги Вавилон зиккуратлари таъсирида ўтмиш б-н ўзига хос алоқа ўрнатганлар. Миноранинг баландлиги 50 м га яқин. Ироқдаги масжид ва миноралар ҳам пишиқ ғиштдан қурилган.

Қоҳиранинг қадимий ёдгорликларидан бири Ибн Тулун (885 й.) масжидининг лойиҳаси ҳам Амра масжиди лойиҳасига ўхшаш бўлса-да, ундан безаклари ва нақшинкорлиги б-н ажралиб турарди. Масжиднинг деразалари нақшли панжаралар б-н тўсилган, ҳовли ўртасида гумбазли сардоба қурилган. Масжид ҳовлисида мингга яқин киши *намоз* ўқиган.

Сомарродаги Жаусак ва Балкувар саройлари ҳам ўз ҳажми ва тузилиши б-н кишида катта таассурот қолдиради. Жаусак деворидаги овчилар, ўйнаётган аёллар, чавандозлар, ҳайвонлар ва б. турли тасвирлар бу давр тасвирий санъати ҳақида катта маълумот беради. Балкувар саройи Мшатта қасрига ўхшаш, лекин ундан 15 марта каттадир. Бу сарой деворлари ҳам турли тасвирлар б-н безатилган. Улар ичида одамлар ва ҳайвонлар расми, геометрик ва ўсимликларнинг нақшлари катта ўрин тутади. Сомарро ш.нинг гуллаб яшнаш даври узоққа бормади, 892 й.да халифаликнинг пойтахти яна Бағдодга кўчирилди. Натижада Сомарро ш. йиллар ўтиши б-н эътибор сусайганлиги туфайли харобага айланди.

А. даврида мусулмонлар томонидан яратилган янгиликлар фақатгина му-



Мўғуллар босқини

сулмонлар чегарасида қолмай, улар б-н муносабат қуриш шарафига ноил бўлган европаликлар ҳам ўрганиб, уйғонишларига сабаб бўлди. Бу даврда яратилган янгиликлар, кашфиётлар ривожига манба бўлди. Мусулмонлар ўзлари соҳиб бўлган илмларни бошқаларга ҳам ўргатишдан қочмадилар. Ислом мамлакатларининг турли шаҳарларида фаолият кўрсатаётган йирик илм даргоҳларига Европа ўлкаларидан талабалар келиб илм ўргандилар. Мусулмонларнинг урф-одатлари, тозалик ва гўзал ахлоқларига ҳайрат б-н қарадилар. Мамлакатларига қайтиб, мусулмонларда кўрган гўзаллик ва бойликлар ҳақида одамларга сўзладилар. Ёмон ниятли кишилар эса, бу бойликларни ўзлаштириш ҳаракатига тушдилар. Салибчилар юришида ғайридинлар ҳар тарафни қонга булғадилар. Минглаб аёллар, болалар, ёшу қарилар ҳалок бўлди. *Салжуқийлар*дан қочган бир қисм салибчилар Қуддусни қўлга олган бўлсалар-да, Салоҳуддин Айюбийнинг жанговар қўшини олдида бу муборак масканнинг яна такрор Ислом ҳудуди бўлишига монелик қила олмадилар. Мамлакатларига хор ва залил аҳволда қайтган салибчилар, мусулмонлардан жуда кўп нарса, маданият, илм-фан, зироатчилик, сувни қандай қўллаш каби ишларни ўргандилар. Мусулмонларнинг билимлари ва натижалари европаликлар томонидан ўрганилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

Ал-Восиқ вафотидан кейин А. қудрати сўна бошлади, лекин ал-Мутаваккил халифалик доирасида ҳали ҳам бир қанча ютуқларни сақлаб келаётган эди. У оламдан ўтгач, халифалар соқчилар гуруҳи қўлида ўйинчоққа айланиб қолганлиги сабабли ҳокимиятни турк соқчилари эгалладилар. Худди шунинг учун ҳам олис вилоятлар назоратдан чиқа бошлади. Уларнинг ҳокимлари ярим мустақил бўлиб, тез орада ўз сулолаларини вужудга келтирдилар. Кейинчалик сулолалараро низолар бошланиб кетди. Бундан халифалик доирасида *салжуқийлар*, турклар ёки *ғазнавийлар* каби ўзларининг йирик империяларини ташкил этган четдаги кишилар ҳам фойдаланмай қолмадилар. Миср ажралиб кетди, унинг ҳокимлари эса мустақил подшоҳлар бўлиб қолишди. Ғайритабиий, кўпинча зарарли ғояларни кўтариб юрувчи кишилар махфий ҳаракатлари б-н Ислом негизларига



Аббосийлар халифалиги инқирози

путур етказдилар. Айни пайтда жаҳон тарихидан ўрин олган бу катта давр мўғулларнинг даҳшатли босқини туфайли юз йиллар мобайнида куч-ғайрат натижасида вужудга келган салтанат, фан ва маданият яксон қилиниб якунланди.

Ад.: Hakki Dursun Yildiz, Şerare Yetkin. *«Abbasîler». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 31–56; B. Lewis. *«'Abbāsids». EI².* (İng.). – Leiden: 1986. I, 15–23; Муҳаммад Хондшоҳ. *Равза ас-сафā.* – Ҳиндистон-Мумбай: 1241, 1722; Муҳаммад ал-Хузарий Бек. *Муҳāзара тарйх ал-умам ал-исламиййа: ад-давла ал-Аббāсиййа.* «Дор ал-қалам», 1986. 581; Е.А. Беляев. *Арабы, ислам и араский халифат.* – М.: 1965. 205-268; В.В. Бартольд. *Сочинения.* Т. 6. – М.: 1966. 15–78; К.Э. Босворт. *Мусульманские династии / Справочник по хронологии и генеологии.* – М.: «Наука», 1971. 32–37; Е.А. Беляев. *Мусульманское секстантство.* – М.: 1957; О.Г. Большаков. *История халифата.* Т. I. *Ислам и Аравия (570-633)* – М.: 1959; Т.2. *Эпоха великих завоеваний (633-656).* – М.: 1993; А.Мец. *Мусульманский Ренессанс.* – М.: «Наука», 1973; *Мусульманский мир (950-1150).* Сбор. ст. (отв. ред. В.В. Наумкин и М.Б. Пиотровский). – М.: 1981. 70; А.Мюллер. *История ислама.* Т. 1–2. – М.: 2004. И.М. Фильштинский, Б.Я. Шидфар. *Очерк арабо-мусульманской культуры (VII –XII вв).* – М.: 1971; И.М. Фильштинский. *История арабской литературы X-XVIII вв.* – М.: 1991; *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 16; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 9–11; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. II, 77–237; А.Фитрат. *Мухтасар ислом тарихи.* – Т.: 1992. 26–28; Ш. Воҳидов, А. Қодиров. *Шарқнинг машҳур сулолалари.* – Т.: «Академнашр». 2013; Б.Абдуҳалимов. *«Байт ал-ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (9–11-асрларда аниқ ва табиий фанлар).* – Т.: «Тошкент ислом университети», 2004; Р. Қурбонов. *Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида араб халифалигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти (750-1258).* – Андижон: 2013; www.ehlisunnetbuyukleri.com/Islam-Tarihi-Ansiklopedisi/Detay/ABBASILER.; hozir.org/mavzu-arab-musulmon-madaniyatining-shak.; https://islom.uz/maqola/1116; islom.uz/maqola/1117; uz.wikipedia.org/wiki/Abbosiylar; http://qadriyat.uz/tarix/372-andalusda-ilm-fan-va-madaniyat.

Ҳаққи Дурсун Йилдиз,
манбалар ва интернетдаги маълумотлар асосида тузувчи:
Озодбек Алимов

АББОСИЙЯ
العباسية

Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)дан бошқа барча мусулмонларнинг энг фазилатлиси ва халифаликка лойиғи эканини иддао этган гуруҳга берилган ном *(қ. ИМОМАТ, ТАФЗИЛ).*

АББОСИЙЯ
العباسية

*Мадянийя тариқати*нинг Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Андалусийга нисбат берилган тармоғи. *(қ. МАДЯНИЙЯ)*

ал-АБВО
الأبواء
Жой номи

Ал-Абво – Мадинага қарашли ал-Фуръ қишлоғи ерларидан ҳисобланган қишлоқ. Мадинага борувчи киши учун у б-н Жуҳфа қишлоғи ораси йигирма уч мил масофани ташкил қилган. Ёқут ал-Ҳамавийга кўра, Орат тоғи ва Мадинадан Маккагача бўлган йўлнинг ўнг томонида жойлашган тоғнинг номи ҳам ал-Абводир. У ерда шу тоққа нисбат берилган шаҳар мавжуд бўлиб, Саъб ибн Жассома ал-Лайсий ривоятидаги ҳадисда у ҳақда зикр қилинган.



Пайғамбар (с.а.в.)нинг оналари Омина бинт Ваҳбнинг ал-Абвода жойлашган қабри

577 й.да Муҳаммад (с.а.в.)нинг оналари Омина бинт Ваҳб ибн Абдуманоф Ул Зотни тоға уруғи б-н таништириш учун Мадинага олиб бориб, қайтаётганда йўлда вафот этган ва ал-А.да дафн қилинган. Ал-А.да унинг қабри мавжуд. Пайғамбар (с.а.в)нинг Мадинадан биринчи бор қилган сафарлари ал-А.га бўлган. Хабарларга кўра, 3/625 й.да маккаликлар Мадинага юриш қилиб келган вақтда баъзилар Омина жасадини қабридан қазиб олишни таклиф қилган. Аммо кўпчилик бу ишга қарши чиққан. Муҳаммад (с.а.в.) *Тоиф қамали*дан қайтаётганларида шу қишлоқдан ўтиб, оналари қабрини зиёрат қилганлар.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор Содир», 1995. I, 79; Watt, W. Montgomery. *«Āmina». EI².* (Ing.). I, 438; ўша муал. *«Al-Abwa». EI².* (Ing.). I, 169; Mustafa Fayda. *«Ebva». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 378–379; А.А. Али-заде. *Амина бинт Вахб // Исламский энциклопедический словарь.* – М.: «Ансар», 2007. 400; Э. Талабов. *Абво // Исломшунослик қомусий луғати.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. I, 12; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 10; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 19; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 200.

Аҳмаджон Бобожонов

АБД
عبد

Абд (араб.: عبد – қул) [диншунослик] – I. *Тасаввуф*ий истилоҳ сифатида Аллоҳнинг қули. Ҳаққа қул бўлгани учун Ундан бошқасига қуллик қилмайдиган Пайғамбар (с.а.в.)нинг энг юксак мақоми. *Калимаи шаҳодат*да «абдуҳу ва расулуҳу», яъни «Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳнинг қули ва расули (элчиси)дир» деб айтилади. Буни *убудийят*, яъни қуллик рисолат (элчилик)дан ва нубувват (пайғамбарлик)дан-да аввал келган, деб *тафсир* қиладилар. *Тасаввуф*да тавба мақомларнинг бошланиши бўлса, қуллик унинг сўнгги, юксак даражасидир. Аллоҳга қул бўлган киши ҳур, эркли кишидир. Зеро, Раббидан бошқа кишига бўйин эгмас.

Даҳи билким малак эрур мавжуд,
Борчаси абду, Тенгридур маъбуд.

(Бобур, Мубаййин: 2006, 280)

Мазмуни: Бутун мавжудот (малаклар – фаришталар ҳам) қулдир, уларнинг маъбуди, яъни сиғинувчиси Аллоҳ таолодир.

II. арабчадан ўтган исломий исмларнинг бошланғич қисми: Абд + Аллоҳ = Абдуллоҳ, Аллоҳнинг қули. Аллоҳнинг қуллари орасида энг даражаси юксаги Абдуллоҳдир. Ислом маданиятига кўра, исми номаълум кишига нисбатан ҳам «Абдуллоҳ» деб мурожаат қилиш қабул қилинган.

Ад.: Бобур. *Мубаййин.* – Т.: 2006; S. Uludağ. *Tasavvuf Terimleri Sözlüğü.* –İstanbul: «Kabalcı Yayınevi», 2005. 19; E. Cebecioğlu. *Tasavvuf Terimlri Sözlüğü.* – İstanbul: «Anka Yayınları», 2005. 10–11; *Ислом тасаввуфи манбалари.* – Т.: 2006. 280; Ф.А. Брокгауз, И.А. Ефрон. *Иллюстрированный энц-кий словарь* / Современная версия. – М.: «ЭКСМО», 2007. 6; *Бобур энциклопедияси.* – Т.: «Шарқ», 2014. 9.

Ҳамидулла Болтабоев

АБД ИБН АЗВАР
عبد بن أزور

(қ. ЗИРОР ибн АЗВАР)

АБД ИБН ҲУМАЙД АЛ-КЕШИЙ

عبد بن حميد الكشى

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср ал-Ҳофиз ал-Кеший (170/786 – Кеш – 249/863)

Муҳаддис ва муфассир

Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший Кеш (ҳоз. Шаҳрисабз)нинг *муҳаддис* ва *муфассир* алломаларидан бўлган. Имом ал-Бухорий сингари тўрт буюк *муҳаддис*ларнинг устозларидан бўлиб, у «Ҳофиз ал-ҳадис», «Соҳиб ал-муснад ал-кабир» ва «Соҳиб ат-тафсир ал-кабир» номлари б-н машҳурдир. А.и.Ҳ.ал-К., шунингдек, *фақиҳ* ва тилшунос бўлиб, «Имом», «Ҳофиз», «Ҳужжат», «Жаввол» каби юксак лақаблар б-н таърифланган. Манбаларда А.и.Ҳ.ал-К. номи «ал-Кашший», «ал-Кесий», «ал-Лайсий» ва «ал-Каъбий» каби нисбалар б-н ҳам келтирилган.

Ҳадис, *тафсир*, араб тили грамматикаси ва *ҳанафий*лик *фиқҳ*ига оид асарлар тасниф этган.

У тўплаган ҳадисларнинг *саҳиҳ*лиги ва *санад*ининг ишончлилиги бўйича Мовароуннаҳрдан чиққан илк *муҳаддис*лардан биридир. А.и.Ҳ.ал-К. бошланғич таълимни Мовароуннаҳрда Бухоро, Самарқанд ва Кеш олимларидан олган. Аз-Заҳабийнинг «*Тарӣх ал-ислӑм*» асарида келтирилишича, А.и.Ҳ.ал-К. илм йўлида икки юздан зиёд шаҳарларга сафар қилган ва борган ерларининг улуғлари б-н суҳбатда бўлиб, уларнинг илмидан баҳраманд бўлган, ҳадисларни *исноди* б-н жамлаган.

А.и.Ҳ.ал-К.нинг устозлари ва у киши ҳадис ривоят қилганлар – Абу Довуд ат-Таёлисий, Назр ибн Шомил ал-Марвазий, Яҳё ибн Одам, Язид ибн Ҳорун, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Абу-л-Волид ат-Тайлосий, Абу Али ал-Ҳанафий, Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ад-Даштакий, Умар ибн Юнус ал-Ямомий ва ал-Воқидий каби *муҳаддис*, *ровий* ва *муфассир*лардир. А.и.Ҳ.ал-К. ўзининг «*Тафсӣр ал-кабӣр*» ва «*Муснад ал-кабӣр*» асарларида улар ҳақида маълумотлар берган ва улардан ривоят қилган ҳадисларни ўз «*Муснад*»ига киритган. А.и.Ҳ.ал-К.нинг устози Абу-л-Волид ат-Тайлосийдан олти машҳур *муҳаддис*ларнинг бири – Имом Абу Довуд ҳам ҳадис ривоят қилган.

А.и.Ҳ.ал-К. кўплаб шогирдлар ҳам чиқарган. Имом ал-Бухорий ўзининг «*Аълӑм ан-нубувва*» асарида унинг улуғ шайхлардан эканини таъкидлаган.

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Имом Муслимлар А.и.Ҳ.ал-К.дан ҳадис ривоят қилиб, у кишига шогирд бўлганлар.

Алломанинг ўғли Муҳаммад ибн Абд ҳам ўз даврининг етук аллома ва *ровий*лари қаторида экани манбаларда ёзилган. А.и.Ҳ.ал-К.нинг Иброҳим ибн Ҳазм ибн Фахр ал-Лаҳмий аш-Шоший, Абу-л-Маъоз ал-Убод ибн Идрис ибн Бухош ал-Кеший, Саҳл ибн Шазовий ал-Бухорий, Бакр ибн Мирзабон, Шурайҳ ибн Абу Абдуллоҳ ан-Насафий аз-Зоҳид, Муҳаммад ибн Абд ибн Омир ас-Самарқандий, Иброҳим ибн Ҳузайм ибн Қамир аш-Шоший, Абу Саййид Ҳотам ибн ал-Ҳасан аш-Шоший, Салмон ибн Исроил ибн Жобир ал-Ҳўжандий, Абу Саъидшоҳ ибн Жаъфар ибн Ҳабиб ан-Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Мансур ал-Кеший, Муҳаммад ибн Мусо ибн Ҳузайл ан-Насафий ва Маҳмуд ибн Анбар ибн Наъим ал-Аздий ан-Насафий каби кўплаб мовароуннаҳрлик шогирдлари бўлган.

*Муҳаддис*нинг «*Муснад Абд*», «*Сулӑсийӑт Абд*» ва «*Тафсӣр Абд*» асарларидан сайланмалари бизгача етиб келган ва Қоҳирада «Мактаба ас-сунна» матбаасида Субҳил Бадрий ас-Сомароний ва Маҳмуд Муҳаммад Халил ас-Саъидийлар томонидан тадқиқ этилиб, 1408/1988 й.да «*Мунтахаб мин муснад Абд ибн Ҳумайд*» («Абд ибн Ҳумайднинг муснадидан сайланмалар») номи б-н нашр этилган. А.и.Ҳ.ал-К.нинг яна бир муҳим

асари *«Тафсӣр Абд ибн Ҳумайд»* Мухлиф ибн Баниҳи Урф томонидан ўрганилиб, 2004 й.да «Дор Ибн Ҳазм» матбаасида *«Қитъа мин тафсӣр ал-имӑм Абд ибн Ҳумайд»* («Имом Абд ибн Ҳумайднинг тафсиридан парча») номи б-н бир жилдда нашр этилган. Дунё қўлёзма фондларида А.и.Ҳ.ал-К.нинг 25 нусха қўлёзма асарлари сақланмоқда.

А.и.Ҳ.ал-К. умрининг охирги вақтларини Кешда *тафсир* ва ҳадис илмидан сабоқ бериш б-н ўтказгани манбаларда қайд этилган.

Ас.: *«Муснад Абд ибн Ҳумайд»*, *«Тафсӣр Абд ибн Ҳумайд»*, *«Сулӑсиййӑт Абд ибн Ҳумайд ал-Кашшӣ»*, *«Китӑб ал-ҳурӯф вал-муъжам»*, *«Китӑб фаъалт ва афъалт»*, *«Ат-Тасарруф»*.

Ад.: Бадруддин Айний. *Мағӑнӣ ал-ахйӑр.* – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя». 2006. III, 403; Аз-Заҳабий. *Сийар.* XII, 235–238; ўша муал. *Тарӣх ал-ислӑм.* IV, 42; Ибн Касир. *Ал-Бидӑйа.* VI, 144; Ал-Хатиб. *Тарӣх Бағдӑд.* III, 147; Ш.С. Камалиддинов. «*Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии.* – Т.: «Фан», 1993. 149.

Шукурилло Умаров

ал-АБДАРИЙ, АБУ АБДУЛЛОҲ
العبدري، أبو عبد الله

(қ. ИБН ал-ҲОЖ ал-АБДАРИЙ)

ал-АБДАРИЙ, АБУ МУҲАММАД АЛ-ҲОҲИЙ
العبدري، أبو محمد الحاحي

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Масъуд Абу Абдуллоҳ (Абу Муҳаммад) ал-Абдарий ал-Ҳоҳий (тах. 643/1246 – Марокаш – 700/1300)

Саёҳатчи, тарихчи, қози ва фақиҳ

Абу Муҳаммаднинг ал-Ҳоҳий нисбаси Мағрибнинг Сувайра шаҳридан 60 км узоқликда жойлашган Ҳоҳо ш.га нисбатан айтилган. Ал-Абдарий нисбаси *Қурайш қабиласи*дан Бани Абдуддор ибн Қусай ибн Килобга бориб тақалади. У Марокашда қозидан таълим олган. Машҳур шоир ва танқидчи адиб бўлиб танилган.

А.А.М.ал-Ҳ. *ҳаж* қилиш мақсадида 688/1289 й. укаси Яҳё б-н саёҳатга чиқади. У сафарини Шимолий Африка орқали Мағрибнинг Тилмисон ш.дан бошлайди. Сўнг, Жазоир, Тунис ва Триполида бўлади. Шунингдек, Искандария ва Қоҳирадан ўтиб, Уқба (Иорданиянинг жан.идаги шаҳар)га ва карвон б-н бирга Ҳижозга кириб боради. У ердан Макка ва Мадинага жўнайди. Сафар ниҳоясида Фаластин орқали ўз юртига қайтади. Қуддусда беш кун бўлиб, Бадруддин ибн Жамоанинг илмий мажлисларида қатнашади. Бир муддат Искандарияда бўлганидан сўнг, Мағрибдаги ўз шаҳрига қайтади.

А.А.М.ал-Ҳ. мазкур сафари даврида бир қатор олимлар б-н учрашиб, илмий мажлисларда иштирок этган. У Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Киноний аш-Шотибийдан Абу Амр ад-Донийнинг *«Ал-Муватто»*, *«Ат-Тайсӣр»* ва *«Ал-Муқаннаъ»* асарларидан, Ҳасан ибн Муҳаммад ат-Тиблийдан (Тунисда) Ибн Асфур аш-Шиблийнинг *«Ал-Муқарраб фи-н-наҳв»* китобидан, Абу Жаъфар ал-Лублийдан (Тунисда) Абу Амр ад-Донийнинг *«Ал-Муватто»*, *«Жӑмиъ ат-Термизӣ»* ва *«Қасӣда аш-Шӑтибӣ фи-л-қирӑат»* китобидан, Абу Абдуллоҳ ибн Ҳурайрадан *«Вафайӑт ал-машӑҳӣр»* китобидан, Абу-л-Аббос ал-Ғаммоздан (Тунисда) *«Жӑмиъ ал-Бухӑрӣ»*, *«Ал-Муватто»*, *«Саҳӣҳ Муслим»*, *«Сунан Абӣ Дӑвуд»* ва *«Жӑмиъ ат-Термизӣ»* асарларидан таълим олган. Абдуссалом ибн Муҳаммад ал-Басрий ас-Самардан Мадинада бир қанча ҳадис эшитиб, омма *ижоза*сига эришган.

А.А.М.ал-Ҳ.нинг *«Ар-Риҳла»* («Сафарнома») асарида текисликлар, тоғлар, дарё ва денгизлар, ёввойи ҳаёт саҳналари, шаҳар ва ёдгорликларнинг тавсифи, Искандария маёғи, Миср эҳромлари ва Қуббатус-саҳро каби жойлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек,

у асарда иқтисодий, ижтимоий ва илмий шароитларни ҳам тасвирлаган. Ўша давр машҳур олимларини тилга олган. Шулар қатори, ўз ҳиссиётларини шеърлари орқали билдирган.

Ғарблик шарқшунослар, жумладан, француз шарқшуноси Шербуно *«Ар-Риҳла»* асари маълумотларга бой манба эканини эътироф этган.

А.А.М.ал-Ҳ.нинг *«Ар-Риҳла»* асарининг қўлёзма нусхаси Мисрнинг «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонасида 2218 рақам остида сақланади. Шунингдек, мазкур асар 1968 й. Марокашдаги Муҳаммад ал-Хомис ун-тида Муҳаммад ал-Фосий томонидан тадқиқ этилиб, нашр этилган.

Ад.: Аз-Зириклий. *Ал-Аълам.* VII, 32; Абдулҳай ал-Каттоний. *Фиҳрис ал-фаҳарис.* – Байрут: «Дор ал-ғарб ал-исломий», 1982. II, 809; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифин.* – Дамашқ: 1957–61. XI, 244; Nihad M. Çetin. *«Abderî, Ebû Muhammed». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 67–68; Muh. Ben Cheneb-W. Hoenerbach. *«al-Abdari». EI²* (Ing.). I, 96.

Маъмуржон Абидов

АБДИБЕРУН МАЖМУАСИ

Самарқанд (Самарқанд, Сузангарон кўч., 96) ш.дан жан. тарафга 1,3 (тахм. 7 км.) масофада жойлашган меъморий мажмуа. Кўҳна қабр ёнига тоқу равоқли хонақоҳ – масжид (15-а.), ўртасига жамоатхона, атроф бурчакларга ҳужра ва зиналар қурилган. Қўш қават сиркор гумбаз, пойгумбаз ва деворлар сиркор ғиштлар ва кошинкор нақшлар б-н безатилган. Жамоатхонанинг уч томонидан эшик очилган. Меҳроб эса оддий, хонақоҳ хушбичим, содда ва файзли зиёратгоҳ, унинг шим. ёнбошида авлиё мозори бор. Катта ҳовли саҳнида супа, ҳовуз ва дарвозахона кўзга ташланади.

Шайх Абдиберуннинг мозори ҳақида бизгача фақат ривоятга оид маълумотлар етиб келган бўлиб, эҳтимол буни сўнгги халқ оғзаки ижоди жанри сифатида тушуниш мумкин. Ушбу ривоятлар



Абдиберун хонақоҳи. Самарқанд

Самарқанд мақбаралари ҳақидаги асарлар муаллифларидан бири Абу Тоҳир Хожа Самарқандий (ваф. 1874 й.)нинг машҳур *«Самария»* асаридаги ҳикоясидан маълум. Унга кўра, мажмуа арабларнинг Абди уруғига мансуб халифа Усмон ибн Аффон (575–676) авлодларидан бирининг қабри атрофида жойлашган. Самарқандликлар уни «Хожа Абди» (خواجه عبدي) деб атаганлар. Ҳикоя қилинишича, у Самарқандда Ислом динини ёйишда мисли кўрилмаган лашкарбоши Қусам ибн Аббоснинг қўшинлари орасида бўлган.

Хожа Абдининг қабри Исломдан аввалги эски Самарқанд девори – «Искандар девори»нинг ташқарисида жойлашгани учун кейинчалик унинг исмига «Берун» тахаллусини қўшиб айтиладиган бўлди. Отаси Абдидарун (Хожа Маъазуддин) Самарқанднинг ичкарисига дафн қилингани учун «Дарун» («ички», яъни Самарқанд қалъасининг ичкарисига дафн этилган) тахаллусини олган.

А. мажмуасида хонақоҳ (масжид), ёзги масжид, дарвозахона, номаълум шахсларнинг бир неча гумбазли мақбаралари ва қабр (мозор) бор. Археологик маълумотларга қараганда, мажмуа 12-а. бошларида катта бўлмаган хонақоҳ ва ҳовузи б-н *сўфий*ларнинг маркази сифатида юзага келган. Ҳозирда ушбу ҳовуз сақланиб қолган ва ривоятга кўра, Самарқандни забт этган (муфаттиҳ) Қу-

тайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704-715) шаҳарни қайта ишғол қилишдан аввал ўз мусулмон қўшини б-н мана шу ҳовуз олдида тўхтаб ўтган.

Мақбара ва хонақоҳ емирила бошлаган ва икки марта таъмирланган. Биринчи бор таъмирлашни *кубравийя тариқати*нинг мухлисларидан Ҳусайн Хоразмий II (ваф. 958/1551) амалга оширган, ҳаёти ҳақида маълумотлар оз. У Хоразмда туғилган. 1517 й. Самарқандга кўчиб борган ва қулаётган Абдиберун хонақоҳи ўрнига ўз хонақоҳини қурдирган. Унинг шогирди *«Мифтāҳ ат-тāлибӣн»* асари муаллифининг маълумотига кўра, 939/1532-33 й. Самарқандда вабо касаллиги ёппасига тарқалганда шайх хонақоҳидагиларга касаллик етмаган. Асарда, шунингдек, 1512 й. Мирзо Бобур Самарқандни тарк этаётганида уни Ҳусайн Хоразмийнинг руҳи қўллагани сабабли Ҳиндистонни забт эта олгани ҳақида афсонавий ҳикоялар келтирилган.

Ҳусайн Хоразмийнинг вафотидан сўнг унинг шогирдлари бу жойларни тарк қилган, қарийб икки юз йил ўтиб, 1640 й. ўша вақт Самарқанд ҳокими бўлган Нодирбий Девонбеги хонақоҳни қайта тиклаган. Кейинчалик, 1644 й. Нодирбий собиқ хон Имомқули (1611–1642) б-н бирга ҳаж сафарига боради ва Макка ш.да қолиб, 1647 й. вафот этади.

Мазкур хонақоҳ *суфий*ларнинг яшаш ва маросимлар ўтказиш жойи эди. Вақт ўтиб бу жойдан яна масжид сифатида фойдалана бошланган.

Ад:. Абу Тахир Ходжа. *Самария. Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда.* Пер. В. Л. Вяткина // *Справочная книжка самаркандской области.* Вып. 6, 1899. 202–203; В.Л. Вяткин. *О вакуфах Самаркандской области // Справочная книга Самаркандской области.* Вып. X. – Самарканд: Изд. Самаркандского Сектора Статистического комитета, 1912. 95–107; Н.В. Богаевский. *Туркестанский альбом. Самаркандские древности. Часть археологическая. Мечеть Ходжа Абду-Бирун.* СПб, 1871—1872 гг., ч. 1, II; В.В. Бартольд. *Отчет о поездке в Туркестан // Сочинения.* – М.: «Наука», 1973. VIII, 147–151; Абу Тоҳирхожа. *Самария. «Мерос» туркуми.* – Т.: «Камалак», 1991. 50; Burton Audrey. *The Bukharans. A dynastic, diplomatic and commercial history 1550–1702.* – Curzon: 1997. 77–78.

Бахтиёр Бобожонов

АБДИДАРУН МАЖМУАСИ

Мажмуа Самарқанд ш.нинг шарқий чекка тумани «Жуйи Мулиён» (ҳозирда Сузангарон кўчаси)да жойлашган. Илгари ушбу мавзе «Фатта Фатиҳ» деб аталган. Абу Тоҳир Хожанинг маълумотига кўра, самарқандликлар Хожа Абдидарун («дарун» тахаллуси шаҳарнинг ичида дафн қилингани учун берилган) деб атаган Абу-л-Маъазуддин шу ерга дафн қилинган. Муаллифнинг сўзига кўра, Абдидарун халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) (654–656)нинг ўғли Муҳаммад Яъқуб ибн Хожа Абдининг ўғлидир.

Бошқа манбалардаги маълумотларга кўра, учинчи халифа Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг бундай исмли ўғли ва набираси бўлмаган.

Манбаларга кўра, Хожа Абдидарун Самарқанднинг энг адолатли қозиси ҳамда «ҳол» ва «қол» илмларида пешқадам бўлган. Абу Тоҳир Хожанинг хабар беришича, Абдидарун ўз қозилик мансабини ўғли Абдиберунга топширган. Абдиберун хоки устидаги мақбара ва қабри ёнидаги хонақоҳни султон Санжар (1118–1153) қурдирган. Агар ушбу хабар ҳақиқатда содир бўлган воқеалар-



Абдидарун мажмуаси. Самарқанд

ни акс эттирса, у ҳолда дастлабки мақбара салжуқий Маликшоҳ ибн Алп-Арслон (1072–1092) Самарқандни босиб олганидан сўнг, яъни 1074 й.дан кейин қурилган бўлиши мумкин. Ваҳоланки, Султон Санжар 1141 й. Самарқандни олиш учун Қатвон даштида бўлган жангда мағлубиятга учраган ва Самарқандга кирмаган.

Мўғуллар давригача бўлган тарих ҳақидаги аниқроқ маълумотларни бу ерда дафн қилинган Самарқанднинг машҳур шайхлари қабртошларида учратиш мумкин. Мас., бир қабртош устидаги ёзув Шамс ул-милла ва-д-дин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ас-Самарқандий (ваф. 23 жумодус-соний 656/26 июн 1258 й.)нинг қабри эканига ишора қилади. Марҳумнинг исми Бухоро ҳанафий мактабининг етакчи вакилларидан Шамс ал-Аимма Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Ҳалвоъий (ал-Ҳалвоний) ал-Бухорий (ваф. 448/1056-57 й.) номидан келган ривоят занжирида тилга олинади.

Абу-л-Башар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад (ваф. ўн тўртинчи шаъбон, 650/20 окт. 1252 й.)нинг қабрига ўрнатилган яна бир эски қабртош устида ёзув матни сақланиб қолган. Унинг эпитетига қараганда у Самарқанднинг обрўли муфтийси бўлган, диний билимлари б-н тиббиётдаги амалиётини уйғунлаштирган, ўз даври сиёсатчиларига таъсир ўтказган. Барча бу хислатлар ва обрў эътибори қабртошининг матнида акс эттирилган:

... فريد العصر شفا الملوك بقراط الوقت ...

«... асрнинг ягонаси, ҳокимият табиби, ўз даври Гиппократи... ».

Шунингдек, бу ерда дафн қилинган бошқа шахсларнинг қабртошларига ёзилган матнда Самарқанднинг машҳур муфассир, муфтий ва қозиларининг исмлари келтирилган. Демак, қабристон ҳақиқатдан Самарқанднинг таниқли мутакаллим, табиб ва қозиларининг дафн этилган жойида юзага келган деб айтишга асос бўла олади.

Мажмуа марказида энг йирик бино – хонақоҳ (масжид) ва ҳовуз кўзга ташланади. Унинг пештоқи, гумбази ва девор безаклари Мирзо Улуғбек (1411–1449) даври меъморлиги маҳсули эканлигидан дарак беради. Зиёратхона – жамоатхона масжид вазифасини ўтаган. Хонақоҳнинг ичида авлиёнинг мақбараси бор. Таъмирлаш натижасида мақбара биносининг дастлабки қиёфаси ўзгариб кетган. Ҳовли ўртасидаги сарҳовуз чашмабулоқ устида бўлгани учун ҳам унинг суви қишин-ёзин бир хилда сақланган, аҳоли орасида шифобахш ҳисобланган. Вақф ҳужжатдаги маълумотга қараганда ёзги масжид ва ҳужраларнинг асосий қисми Амир Ҳайдар (1800–1825) даврида бино қилинган. Масжид безаклари орасида усталар номи сақланган.

Ад.: Абу Тахир Ходжа. *Самария. Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда.* Пер. В.Л. Вяткина // *Справочная книжка самаркандской области.* Вып. 6, 1899. 202–203; В.Л. Вяткин. *О вакуфах Самаркандской области* // *Справочная книга Самаркандской области.* Вып. X. – Самарканд: Изд. Самаркандского Сектора Статистического комитета, 1912. 95–107; Н.В. Богаевский. *Туркестанский альбом. Самаркандские древности. Часть археологическая. Мечеть Ходжа Абду-Бирун.* СПб, 1871—1872 гг., ч. 1, II; В.В. Бартольд. *Отчет о поездке в Туркестан* // *Сочинения.* – М.: «Наука», 1973. VIII, 147–151; Абу Тоҳирхожа. *Самария. «Мерос» туркуми.* – Т.: «Камалак», 1991. 50; Burton Audrey. *The Bukharans. A dynastic, diplomatic and commercial history 1550–1702.* – Curzon: 1997. 77–78.

Бахтиёр Бобожонов

АБДОЛ
أبدال

Абдол (араб.: بدل – сўзининг кўплиги: қаршилик) [*тасаввуф*шунослик] – қаландар, *дарвеш*, *сўфий*. Кўплиги туркийда абдоллар, форсийда абдолон деб қўлланилади. «*Қомуси туркий*»да қаландар сифатида талқин этилади. *Та-*

*саввуф*ий истилоҳ сифатида дунёнинг лаззатларини тарк этувчи кишиларга, яъни қаландар, *зоҳид* сўзининг муқобили сифатида ҳам келиши мумкин. Оз еб-ичиш, камтар кийиниш ва халойиқдан ўзини йироқ тутиш кабилар унинг хусусиятларидан. А.ларга «рижол ул-ғайб», юқори мартабалиларга «қутб», раҳбарига «қутб ул-ақтоб» дейилган. Туркий тилдаги манбаларда илк А.лардан бири сифатида Ибн ал-Арабий номи зикр этилади. *Тасаввуф* тарихида қирқ А. (ўзбекчада «қирқ қаландар») тушунчаси А.ларга нисбатан айтилган. Ибн ал-Арабий «*Футўҳот Маккиййа*» китобида (191-боб, 31-фасл) еттилик бир гуруҳни А., деб атаган. Абдурраҳмон Жомий «*Нафаҳот ул-унс*»да «Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ерни етти иқлим қилиб яратган ва ўзининг бандаларидан етти нафар кишини танлаб, аларга «абдол» деб ном қўйган ва ҳар бир иқлим вужудини ўша етти нафардан бир-таси билан сақлайди» деб ёзган. Айрим А.лар жамиятдан панада яшаганлари ҳақида маълумотлар учрайди. Абдол Муса (14-а.), Пир Султон Абдол каби шоирлар мана шу *тариқат* удумларига амал қилганлар.

А. авлиёлар гуруҳининг номи. А.лар етти нафар бўлиб, еттита иқлимга тарқалганлар ва ҳар бири ўз жойида халқнинг осойишталиги, тинчлиги учун посбонлик қилиб туради, оддий одамлар уларни кўролмайдилар ёки кўрганларида ҳам бошқалардан фарқини билмайдилар. А. етти, тўққиз ва қирқ валийларга нисбатан ҳам қўлланилади. Улар дунёдан хабарсиз қоладиган даражада ўзини охиратга, кунларини Ҳаққа бахшида этган соф қалбли инсонлар. Навоий «*Насойим ул-муҳаббат*»да А.нинг ботиний ва зоҳирий сифатлари хусусида сўз юритган. Салоҳуддин Тошкандийнинг «*Темурнома*» асарида ёзилишича, А.лар ва *чилтон*лар қийин пайтларда Темурбекка ёрдамга келганлар.



Қаландарлар

А. тили (жаргон) – бир даврадаги *дарвеш*лар ўртасида қўлланиладиган тилдир. Бу тилда сўзлашувчилар учун умумий бир маслак, истилоҳлар ва уларнинг ифодаси ўлароқ майдонга келган. Бу тил бошқалар тушунмаслиги учун атайлаб, ўзларининг тил ва ифодаларига сирли бир маъно бермоқчи бўлган гуруҳлар ўртасида қўлланган. *Тасаввуф*га оид маноқиб ва мақомотларда бу тилдаги айрим сўз ва ибораларнинг талқини берилган.

Абдолваш – қаландарсифат, *дарвеш*намо, жунуни бор *сўфий*. Алишер Навоий асарларида шу маънода қўлланилган: Саййид Муслимий... абдолваш йигит эрди. (қ. Алишер Навоий. «*Мажолис ун-нафоис*». *56*).

Абдолони Рум (Рум абдоллари) [*тасаввуф*] – 8-а.да Онадўлида яшаган бир гуруҳ *шиа мазҳаб*ига мансуб кишилар. Хуросондан Рум (Онадўли)га келган валийлар. Улар орасида Абдол Муса, Пир Султон Абдол, Қайғусиз Абдол исмли машҳур шоирлар бор. Рум А.лари ижодидан:

Рум абдоллари келар Али дўст дея,
Хирқа кияр або дея, пўст дея.
(Қайғусиз Абдол)

Абдоллиғин биносини сўрарсан
Аллоҳ бир, Муҳаммад, Али абдолдир.
Ҳақиқат илмининг аслин арарсан
(ахтарсанг),
Жумла улуғлардан улуғ абдолдир.
(Қул Мустафо)

Ад.: *АНАТИЛ.* – Т.: «Фан», 1983. I, 22; *Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözluğu.* – Ankara: «Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i», 2001. I, 14; S. Uludağ. *Tasavvuf Terimleri Sözlüğü.* – İstanbul: «Kabalcı Yayınevi», 2005. 19, 300; E. Cebecioğlu. *Tasavvuf Terimleri Sözlüğü.* – İstanbul: «Anka Yayınları», 2005, 11–12; T. Karataş. *Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözluğu.* – Ankara: 2007, 15–16; С.Ж. Сажжодий. *Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати* // Сино. 2010. № 37-40, 173; Алишер Навоий. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер* / *ТАТ.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашр.», 2011. X, 641.

Ҳамидулла Болтабоев

АБДОЛБОБО МАҚБАРАСИ
ضريح أبدال بابا

Абдолбобо мақбараси – Хивадаги меъморий ёдгорлик (18–19-а.лар). Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси ташқарисида жойлашган. Атрофида минора, масжид, ҳовуздан иборат мажмуа барпо қилинган. Мақбара мурабба тарҳли бир хона (ташқи 5,7×5,4 м, ички томони 3,4×3,4 м)дан иборат, гумбаз томли. Гумбаз ости бағаллари икки қатор муқарнаслар б-н безатилган. Пештоғи мақбара б-н туташиб кетган. Унинг тепасига икки қаторли ғиштин шарафалар ишланган. Масжид (17,2×8 м) чортоқ тарҳли, икки устунли, ўнг ва терс айвонли, шифти тўсинли, минора (ост диаметри 3,45 м, бал. 10 м)нинг тепаси мезанали, танаси яшил кошин белбоғлар б-н безатилган. Чорси ҳовузнинг (14,6×13 м) чети поғонали.



Абдолбобо мақбараси. Хива

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 18.

АБДОН
الأبدان
Меҳнат асосидаги шерикчилик тушунчасини англатувчи Ислом ҳуқуқига оид атама

Шартнома асосида юзага келадиган шериклик турларидан бири бўлган Абдон – икки ёки ундан ортиқ кишининг куч, меҳнат, ҳунар ёки касбларини сармоя қилган ҳолда биргаликда муайян иш(лар)ни бажариш (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш) шаклида ташкил этилган шерикликдир. Бу шерикчиликка жисмоний меҳнат қилингани боис А. (баданлар), муайян ёки бир-бирига яқин бўлган ҳунар эгаларининг шериклиги боис «саноиъ» (ҳунарлар), муайян ишлар бажарилгани боис «аъмол» (ишлар, хизматлар), муайян турдаги буюртмаларни зиммасига олиб, қабул қилгани боис «тақаббул» (зиммасига олиш, қабул қилиш) шериклиги деб ҳам аталган.

А. шерикчилиги *ҳанафий*, *моликий*, *ҳанбалий* ва *зайдий* ҳуқуқ мактабларига кўра жоиз; *шофеъий*, *зоҳирий* ва *жаъфарий* мактабларига, моликийлардан Лайс ибн Саъдга кўра жоиз эмас.

Мазкур шерикчилик турини машруъ деганлар, бундай ишларнинг мубоҳ эканлиги ва тақиқловчи бирор шаръий ҳужжат бўлмагунича унинг ушбу ҳолатда қолиши тамойилига асосланишади. Шу б-н бирга Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) дан қилинган бир ривоятда Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида бундай шерикликка амал қилинган. Ушбу ривоятга кўра, *Бадр урушид*а Ибн Масъуд, Аммор ибн Ёсир ва Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) лар қўлга киритилган ўлжаларини ўзаро бўлишишга келишганлар. Жангдан сўнг Саъд ўзи қўлга олган икки асир б-н, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Амморлар эса, ҳеч нарсасиз келганлар (Ибн Можа. «*Тижа́ра*», 63; Абу Довуд. «*Буйӯъ*», 29; ан-Насоий. «*Буйӯъ*», 105), Пайғамбар (с.а.в.) ҳам ушбу қўлга олинган икки асирга мазкур уч саҳобани шерик қилганлар (Ибн Қудома. V, 5).

Бу шерикчиликни жоиз санамаганлар эса, ширкатда сармоя фақат мол бўлиши лозим деган қарашдан келиб чиқадилар ҳамда агар сармоя иш бўлса ҳар кимнинг ишлаши ва маҳсулдорлигида тафовут бўлишини эътиборга олиб шартномада ноаниқлик ва алдаш юзага келишини, бунинг эса жоиз эмаслигини таъкидлайдилар.

Ҳанафий, *ҳанбалий* ва *зайдий* мактабларига кўра, бу каби шериклик бир хил касб эгалари орасида бўлгани каби, фарқли касб эгалари орасида ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, шерикларнинг иш жойлари айро бўлиши ҳам мумкин. *Моликий*лар, *ҳанбалий фақиҳ*лардан Абу-л-Хаттоб, *ҳанафий фақиҳ*лардан Зуфар шерикларнинг фарқли иш қилишларини жоиз эмас деб билиб, бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи (ип чиқазиш ва тикиш каби) касбга мансуб бўлишларини, иш жойлари ҳам бир ёки бир-бирига боғлиқ (биттаси сув остидан маржон қидирса, иккинчиси уни ип б-н ушлаб туриши каби) бўлишини шарт деб билганлар.

*Ҳанбалий*лар ҳар ким қўлга киритиши б-н мулк эгасига айланиши мумкин бўлган (денгизлардаги балиқлар, эгасиз маъдан, ўтин, мева ва ўсимлик каби) мубоҳ молларни қўлга киритиш мақсадида тузилган шериклик (биргаликда овга чиқиб, ўлжани тенг тақсимлаш кабилар) ни жоиз деб биладилар. *Ҳанафий* ва *зайдий* фақиҳлари эса, мубоҳ молларга биринчи қўлга киритган кишининг эгалик қилишидан ва бунда бошқа киши номидан бундай ишни амалга оширилмаслигидан келиб чиқиб, бундай мақсаддаги шерикликни жоиз эмас, ҳар ким ўзи қўлга киритган нарсага ўзи эгалик қилади деб билганлар.

Агар шерикчиликда ҳамма нарса тенг ва ўртада бўлишга келишилган бўлса (муфоваза) шериклардан бири бошқаси номидан ҳам иш юрита олади, бирининг зиммасига олган мажбурият бошқасига ҳам тегишли бўлади ва зарар ҳам ўртада бўлади. Агар ҳар ким ўз иши доирасидан келиб чиқилишига ва ўз ишига жавобгар бўлишига келишилса (инон) шериклардан бири бошқаси номидан иш қила олмайди, бири зиммасига олган мажбуриятга иккинчиси масъул бўлмайди ва зарар ҳам ҳар кимнинг иши доирасида бўлади.

Даромад шерикларнинг келишувига биноан тақсимланади. Бу шериклик муфоваза шаклида тўғри бўлмаса ҳам, кейинги давр олимлари буни жоиз деб билганлар.

Шериклар умумий молларига ва бир-бирларига нисбатан омонатдор ҳисобланади. Бунинг натижаси ўлароқ шериклардан бирининг ҳаракати натижасида зарар келиб чиқса, унинг қасддан ҳаддан ошгани ёки бепарволик қилгани ёхуд эҳтиёт чораларини кўрмагани исботланмаса, жавобгар бўлмайди.

А. ширкати шериклардан бирининг шартномани бекор қилиши, бузиши, вафот этиши ёки б. ҳолатлар содир бўлганда тугатилади.

Ад.: Абу Довуд. «*Буйўъ*». 29; Ан-Насоий. «*Буйўъ*». 105; Ибн Можа. «*Тижа́ра*». 63; Ал-Косоний. *Бадо́иъ ас-сано́иъ*. – Байрут: 1982. VI, 57, 63–65; Ибн Қудома. *Ал-Муғнӣ*. – Риёз: 1981. V, 5–14; Ибн Рушд. *Бидо́йа ал-мужтаҳид*. – Истанбул: 1985. II, 213; Муҳаққиқ ал-Ҳиллий. *Шара́иъ ал-ислом фӣ маса́ил ал-ҳалол ва-л-ҳаром*. – Байрут: 1403/1983. II, 129–131; Ибн ал-Ҳумом. *Фатҳ ал-қадӣр*. – Қоҳира: 1316. V, 28–30; Мавсилий. *Ал-Ихтийор*. – Байрут: 1975. III, 17; Аз-Зуҳайлий. *Ал-Фиқҳ ал-исломӣ*. IV, 803–804, 813–814, 824–827; Али Абдуррасул. *Ал-Мабодиъ ал-иқтисодиййа фи-л-Ислом*. – Қоҳира: 1968. 34–35; Ибн Муфлиҳ ад-Димашқий. *Ал-Мубдиъ фӣ шарҳ ал-муқниъ*. – Байрут: 1980. V, 39–40; Абдулазиз ал-Хайёт. *Аш-Шарика́т фи-ш-шарӣъа ал-исломиййа*. – Байрут: 1408/1987–88. II, 35–46; Али ал-Ҳафиф. *Аш-Шарика́т фи-л-фиқҳ ал-исломӣ*. 99–102; Orhan Çeker. «*Ebdân*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 71–72; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Кифоя*. – Т.: «HİLOL-NASHR» 2018. III, 281; Р. Абдуллаев. *«Абдон ширкати». Исломшунослик қомусий луғати*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. I, 12.

Азат Сарсенбаев

АБДОН АЛ-АЗДИЙ
عبدان الأزدي

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Жабала ал-Аздий (145/762, ? – 221/836, ?)

Ҳадис ҳофизи

Асосан, Абдон ал-Аздий лақаби б-н танилган. Ёшлигиданоқ ҳадис илмини ўрганган. Отаси Усмон ибн Жабала, Абу Ҳамза, Шуъба, Молик ибн Анас, Абдуллоҳ ибн Муборак, Жарир ибн Абдулҳамид, Язид ибн Зурайъ, Иброҳим ибн Саъд сингари машҳур *муҳаддис*лардан ҳадис ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Муборакнинг барча китобларини ўз хати б-н кўчирган. Имом ал-Бухорий ундан бир юз ўнта ҳадис ривоят қилган. Имом Муслим, Абу Довуд, ат-Термизий ва ан-Насоийлар бошқа *ровий*лар орқали ундан кўпгина ҳадис ривоят қилганлар. Ибн Ҳиббон уни *сиқа* деб эътироф этган. Аҳмад ибн Ҳанбал А.ал-А.ни «Хуросонда ҳадис олиш мақсадида ҳузуригача бориладиган ягона муҳаддис», деб мақтаган. А.ал-А. Жузжон қозилигига сайланган ва қисқа муддатдан сўнг узр сўраб, лавозимидан бўшаган. Ниҳоятда саховатпеша бўлган А.ал-А. ҳаёти мобайнида бир миллион дирҳам садақа қилгани ривоят қилинади.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффо́з*. – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 401; ўша муал. *Сийар*. X, 270–272; Ибн Ҳажар. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб*. V, 313–314; Ибн ал-Имод. *Шазора́т аз-заҳаб*. – Қоҳира: 1934–35. II, 49; Абу Наср ал-Бухорий ал-Калобозий. *Ал-Ҳидо́йа ва-л-иршо́д фӣ маърифа ас-сиқа́т ва-с-садо́д*. – Байрут: 1987. I. 418; Абу Байр ибн Манжувайҳ. *Рижо́л Саҳӣҳ Муслим*. – Байрут: 1987. I. 377.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

АБДОН АЛ-АҲВОЗИЙ
عبدان الأهوازي

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Мусо ал-Аҳвозий ал-Жаволиқий (? – 306/918, Аскар Мукрам)

Ҳадис ҳофизи

Асосан, Абдон лақаби б-н танилган Абдуллоҳ ибн Аҳмад манбаларда ал-Жаволиқий (араб. «қоп тўқувчи» ёки «қоп сотувчи») лақаби ҳамда ал-Қозий унвони б-н зикр этилган. Аҳвоз ҳудуди теварагида ҳарбий қароргоҳ тарзида қурилган, ҳозирда фақат қолдиқларигина қолган Аскар Мукрамда яшагани учун ал-Аҳвозий, баъзида эса, ал-Аскарий деб нисбатланган.

А.ал-А. Ҳижоз, Шом, Миср ва Ироқ илм марказларини кезиб, Абу Шайба, Усмон ибн Абу Шайба, Халифа ибн Хайёт ва Бундор сингари замонасининг машҳур *муҳаддис*ларидан ҳадис ўрганган. Ўз навбатида, олимдан Ибн Қониъ, ат-Табароний, Абу Бакр ал-Исмоилий, Ҳамза ал-Кинонийлар ҳадис ривоят қилганлар. А.ал-А.дан таҳсил олган Абу Али ан-Найсобурий унинг юз мингта ҳадисни ёддан билгани ва устозлари ичида у каби кўп ҳадис ёд олган бошқа *муҳаддис*ни кўрмаганини айтган. *«Олий иснод»*га эришиш учун ҳаракат қилиб Басрага *тобеъин*лардан бўлган Айюб ас-Сахтиёнийнинг ёнига ўн саккиз марта борган.

Абу Хотим ал-Бустий унинг ҳадис ривояти хусусида ҳассос, ўта эҳтиёткор бўлганини айтган.

А.ал-А.нинг ҳадис ривоят қилишда баъзида хато қилгани, чалкашгани зикр қилинади. Бироқ аз-Заҳабий уни *садуқ*, ҳадис ҳофизи, ҳужжат эканини ва жуда кам янглишганини таъкидлаган. Шунингдек, унинг турли асарлари борлиги, шулардан учта жузи ўзига *олий иснод* б-н етиб келганини хабар берган. Ал-Каттоний эса, унинг ҳадисларни жамлаган «*Фавāид*» номли асари борлигини айтган.

А.ал-А. (306/918 й.да) тахминан тўқсон ёшда вафот этган.

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарӣх Бағдāд.* – Қоҳира: 1349/1931. IX, 378–379; Ибн Асокир. *Тарӣх Димашқ.* – Дамашқ: 1402/1982. III, 345–353; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58. II, 688; ўша муал. *Сийар.* XIV, 168–173; Ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз.* – Қоҳира: 1393/1973. 299; Каттоний. *Ар-Рисāла ал-мустатрафа.* – Дамашқ: 1383/1964. 96–97; M. Yaşar Kandemir. *«Abdān el-Ahvāzî». TDV IA.* – İstanbul: 1988. I, 66–67.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

АБДОН АЛ-МАРВАЗИЙ

عبدان المروزي

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Жунужирдий ал-Марвазий (220/835 – Марв, Жунужирд қишлоғи – 293/906)

Муҳаддис, шофеъий фақиҳи

Абдон лақаби б-н танилгани учун кўпгина манбаларда Абдон ибн Муҳаммад деб зикр қилинган. Хуросондаги *муҳаддис*лардан ҳадис сабоқларини олгач, Ироқ ва Ҳижозга боради. У ерда Қутайба ибн Саъид, Али ибн Ҳужр ва Абу Курайб каби алломалардан ҳадис ўрганади. Муҳаддислар наздида *сиқа*. Ҳижоздан Мисрга бориб, Имом аш-Шофеъийнинг шогирдларидан *шофеъий фиққи*дан таҳсил олади ва кейинчалик юртига қайтади. Марв ш. муфтийси бўлган. У Хуросонда *шофеъий мазҳаби* ёйилишига ўз ҳиссасини қўшган *фақиҳ* Аҳмад ибн Сайёрдан кейинги ўринда турувчи алломa ҳисобланади. Ибн Сайёрнинг вафотидан сўнг, *шофеъий*лар турли мавзулардаги масалалар ечимида А.ал-М.гагина мурожаат қилганлар. *Шофеъий мазҳаби* имомларидан бўлган Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий *фиқҳ* илмини А.ал-М. дан таълим олган. Шунингдек, Яҳё ибн Муҳаммад ал-Анбарий, Абу Аҳмад ал-Ассоий ва Абу-л-Қосим ат-Табарий каби замонасининг машҳур олимлари унга шогирд бўлганлар.

А.ал-М. қабри Марвда, Абдуллоҳ ибн Муборак мақбараси қаршисида жойлашган.

Ас.: «*Китāб ал-маърифа*», «*Китāб ал-муватто*».

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарӣх Бағдāд.* – Қоҳира: 1931. XI, 135; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58. II, 687–688; Ас-Субкий. *Табақāт.* – Қоҳира: 1383–96/1964–76. II, 297–298; Ал-Каттоний. *Ар-Рисāла ал-мустатрафа.* – Дамашқ: 1964. 126–127; Ибн Қози Шуҳба. *Табақāт аш-шāфиъийя.* I, 105; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* 1957–63. VI, 232; Ali Yardim. *«Abdān el-Mervezî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 67.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

АБДУДДОР (Бани Абд ад-Дор)

بنو عبد الدار

Қурайш қабиласининг асосий уруғларидан бири

Абдуддор (араб. Дорнинг қули – *жоҳилият* давридаги араблар эътиқодида машҳур бўлган Дор исмли *бут*нинг қули маъносида). *Макка фатҳи*гача *Каъба* хизматлари, ҳожиларга сув тарқатиш, байроқдорлик ҳамда «Дор ан-надва»ни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган уруғ бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг катта боболари Қусайнинг катта ўғли исмидан олинган. Манбаларда Абдуманоф ўғилларининг боболари меросини қайтариб олиш ҳаракатида А.га қарши чиққанлари ҳамда улар ўртасида тузилган шартномага биноан *Каъба* хизматлари, байроқдорлик ва Макка раҳбарлиги А.нинг ваколатида қолгани қайд этилган.

Ал-Абдий, ал-Ибодий, ал-Абдарий каби нисбатлар б-н номланган А. қабиласи

*Каъба*нинг таъмир ишларида қатнашиб, баъзи қабилалар б-н биргаликда Ҳижр қисмидаги деворни қурадилар. *Зам-зам қудуғи* қазилмасидан олдин қабила учун Умму Аҳрад номи берилган қудуқ қазиганлар. Ҳабашистонга қилинган илк *ҳижрат*да А. ўғилларидан беш эркак ва бир аёлнинг қатнашгани, мусулмонларга қарши тузилган ҳужжат матни шу қабила вакили Мансур ибн Икрима томонидан ёзилгани ва Қуръондан таълим бериш учун Мадинага юборилган Мусъаб ибн Умайр ҳам мазкур қабилага мансублиги маълум.

Қурайш байроқдори ҳисобланган А. ўғиллари *Уҳуд жанг*ида Абу Суфён ва унинг рафиқаси Ҳиннинг қистови б-н бирин-кетин уруш майдонига чиқади ва уларнинг кўпчилиги ўлдирилади. *Макка фатҳи*дан кейин Пайғамбар (с.а.в.) *Каъба*нинг калитига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини мазкур уруғдан бўлган Усмон ибн Талҳага топширганлар.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1936. I, 132, 136, 138, 140, 157, 341, 376; Ибн Касир. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1964–66. I, 100, 101, 259; II, 216, 259; Каҳҳола. *Муъжам қабаил ал-ъараб.* – Байрут: 1982. II, 723; Ahmet Lütfi Kazanci. *«Abdüddâr (Benî Abdüddâr)». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 177.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

АБДУЁЛИЙЛ ИБН АМР

عبد ياليل بن عمرو

Абдуёлийл ибн Амр ибн Умайр ас-Сақафий

Памғамбар (с.а.в.) билан келишув учун Сақийф қабиласи юборган ҳайъат бошлиғи

Пайғамбар (с.а.в.) 620 й. Тоифга қилган сафарлари чоғида *Сақийф қабиласи* томонидан юборилган ҳайъат аъзолари ва уларнинг бошлиғи Абдуёлийл ибн Амр б-н учрашадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларни Ислом динига даъват қиладилар, бироқ бошқалар каби А.и.А. ҳам бу таклифни рад этади. *Макка фатҳи*дан сўнг, мазкур қабиладан бўлган Урва ибн Масъуд Мадинага *ҳижрат* қилиб мусулмон бўлган ва ҳамшаҳарларини Исломга даъват қилиш учун Тоифга қайтган. Тоифликлар унинг даъватига қурол б-н қаршилик кўрсатиб уни ўлдирадилар. Бироқ, кейинчалик *Сақийф қабиласи* вакиллари мусулмонларга қаршилик кўрсатишда ёлғиз қолганларини англаб, *ҳижрат*нинг тўққизинчи йили А.и.А. бошчилигидаги ҳайъатни Мадинага юборишга мажбур бўладилар. Ҳайъат Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан қабул қилиниб, *Масжид ан-Набавий*нинг яқинида тикланган чодирларга жойлаштирилади. Шундай қилиб, уларга мусулмонларнинг ҳаётларини яқиндан кузатиш имконияти берилади. Ҳайъат аъзолари Исломни қабул қилмасдан туриб бирор-бир келишувга эришиб бўлмаслигини тушуниб етганларидан сўнг, мусулмон бўлиш учун баъзи шартларни ўртага ташлайдилар. Пайғамбар (с.а.в.) уларнинг жангларда қатнашмаслик, *ушр* бермаслик ва ўзларидан бўлмаган раҳбарлар томонидан бошқарилмаслик шаклидаги истакларини қабул қиладилар, фақат, *намоз*дан озод бўлиш истакларига «Намози бўлмаган диннинг ҳеч қандай қиймати қолмайди» деб, ушбу шартни рад этадилар. Ҳайъат бошлиғи А.и.А. қабиласи аъзолари Ислом дини ман қилган зино, шароб ва *рибо* каби ёмон одатларни тарк эта олмаслигини айтади. Бошқа аъзолар ҳам *Лот* исмли *бут*ларига яна уч йил сиғиниш учун изн берилишини сўрайдилар. Бу шартлар ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан қабул қилинмайди.

Ниҳоят А.и.А. ва ҳайъатнинг бошқа аъзолари Исломни қабул қиладилар. Улар Пайғамбар (с.а.в.)нинг *Сақийф қабиласи*га хитобан ёзган мактублари б-н ортларига қайтадилар. Бироқ мусулмон бўлганлари ва Пайғамбар (с.а.в.)дан олган буйруқларини бир муддат тоифликлардан сир тутадилар. Кейинчалик

Исломни уларга тушунтирадилар ва қабила аъзоларининг мусулмон бўлишларини таъминлайдилар. Фоизни ман қилувчи оятлардан бири (*«Бақара» сураси*, 278-оят) А.и.А. ва унинг тарафдорлари ҳақида нозил бўлгани ривоят қилинади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1955. I, 67, 261; II, 419; IV, 538, 539; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. I, 312–314; V, 506; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 512. Selman Başaran. *«Abdüyâlîl b. Amr». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 304–305.

Тузувчи Нўъмонжон Тўраев

ал-АБДУЙИ, АБУ ҲОЗИМ
العبدويي أبو حازم

(қ. АБУ ҲОЗИМ ал-АБДУЙИ)

АБДУЛАВВАЛ
عبد الأول

Абдулаввал Нишопурий
(?, Нишопур – 15-а., Самарқанд)
Тасаввуф олими

Абдулаввал *«Масмўъāт»* («Эшитилганлар») китоби б-н машҳур. Бу асар *нақшбандий тариқати*нинг намояндаси Хожа Аҳрор Валийнинг *сўфий*лик нуқтаи назари, фалсафий қарашларига бағишланган таржимаи ҳолидир. А. Хожа Аҳрорнинг куёви бўлган. У Хожа Аҳрорнинг ёшлигидан бошлаб 86 ёшгача босиб ўтган *сўфий*лик йўлини ўша даврдаги сиёсий, ижтимоий аҳвол б-н боғлаб кўрсатган. Китобда Мирзо Улуғбек даври воқеалари ҳам ўз ифодасини топган. Бу асарнинг нодир 2 нусхаси бор. Абдурраҳмон Фақиҳ томонидан китобат қилинган нусхаси жуда эски. Ушбу нусха ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади. Иккинчи нусхаси 1598 й.да кўчирилган. А. Самарқандда Хожа Аҳрор қабристонига дафн этилган.

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 19; *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 34–35; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 12.

АБДУЛАЗИЗ АЛ-БУХОРИЙ
عبد العزيز البخاري

Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий
(? – 730/1330, ?)
Ҳанафий фақиҳи

Абдулазиз Аҳмад ал-Бухорий, асосан, *усул ал-фиқҳ* илмига доир ёзган асарлари б-н танилган. Олимнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. *Фиқҳ* таълимини амакиси Фахруддин Муҳаммад ал-Маймурғий ва Ҳофизуддин Муҳаммад ал-Бухорийлардан олган. Шогирдлари орасидан Қавомуддин Муҳаммад ал-Кокий ва Жамолуддин Умар ал-Ҳаббозий каби машҳур *ҳанафий* олимлари етишиб чиққан.

Ас.: *«Кашф ал-асрāр фӣ шарҳ усўл ал-Баздавӣ»*. Мазкур китоб ал-Паздавийнинг *ҳанафий мазҳаби усул ал-фиқҳ*ига оид асарининг шарҳи бўлиб, муаллиф асарни ёзишда Имом ал-Ғаззолийнинг *«Мустасфā»* номли асаридан ҳам фойдаланган. *«Кашф ал-асрāр»* асари кейинги давр олимлари учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Асар Қоҳира (1890 й.) ва Истанбулда (1890–1891 й.лар) тўрт жилдда нашр қилинган. *«Таҳқиқ»* (*«Ғāйа ат-таҳқиқ»* ёки *«Шарҳ ал-Ҳусāмӣ»*). *Усул ал-фиқҳ*га оид мазкур асар Ҳусомуддин ал-Ахсикатийнинг *«Мунтахаб»* номли асарига ёзилган шарҳ ҳисобланади. Асар 1871, 1876 й.лари Лакҳнавда нашр қилинган.

Фиқҳий асарларга ҳам баъзи шарҳлар ёзган, жумладан Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг *«Ал-Ҳидāйа»* асарини шарҳлашни бошлаган, аммо бу шарҳини тугатмасдан, айнан *«Китāб ан-никāҳ»* бобига етганда вафот этган. Шунингдек, унинг *«Рисāла фӣ тахрӣж масāил зави-л-арҳāм фи-л-фарāиз»*, *«Ал-Арбаъўн фи-л-ҳадӣс»*, *«Китāб ал-афнийа»* асарлари ҳам бор.

Ад.: Абдулазиз ал-Бухорий. *Кашф ал-асрāр.* – Истанбул: 1892. I, 3–4; Ал-Қураший. *Ал-Жавāҳир ал-музиййа.* – Қоҳира: 1978–79. II, 428; Ибн Қутлуб-

ғо. *Тāж ат-тарāжим.* – Бағдод: 1962. 35; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунӯн.* I, 112; II, 1395; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Қоҳира: 1954–59. IV, 137; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Дамашқ: 1957–61. V, 242; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, I, 637, 654; II, 268; Seyyid Bey. *Üsül-i Fıkıh.* – İstanbul: 1333. 53–54, 193; Fahrettin Atar. *«Abdülazîz el-Buhârî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 186–187.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛАЗИЗ АД-ДАББОҒ
عبد العزيز الدباغ

Абдулазиз ибн Масъуд ибн Аҳмад ад-Даббоғ ал-Ҳасаний ал-Бакрий (1090/1679 – Фос – 1132/1720)

Ҳизирийя тариқатининг асосчиси сифатида танилган фослик мутасаввиф

Фикр-мулоҳазалари нақл қилинган *«Ал-Ибрӣз»* номли асарда ўз даврининг ғавси сифатида зикр қилинган Абдулазиз ад-Даббоғнинг ҳаёти ҳақида маълумот оз. У б-н 1125/1713 й.да танишган, пирининг ўша даврда 35 ёшда бўлганини айтган *мурид*и ҳамда *«Ал-Ибрӣз»* асарини тўпловчиси бўлган Аҳмад ибн Муборак (ваф. 1156/1743 й.), устозини мисли йўқ тасарруф соҳиби бўлган валий сифатида тилга олади. Шунингдек, унинг Аллоҳ, Қуръон, коинот ва инсон ҳақида сўзлаган ҳар бир сўзини мутлақо қабул этилиши керак бўлган илоҳий сир каби кўрсатишга ҳаракат қилган. Бироқ, булар ҳаёти ҳақида мукаммал маълумот бермайди. Асарда устозининг қирқ бир ёшга тўлмасдан вафот этганини бир неча марта такрорлашига қарамай, ўлим тарихи ва сабаби ҳақида маълумотлар берилмаган. Шунингдек, А.ад-Д. *«Ал-Ибрӣз»*да ўзини Пайғамбар (с.а.в.)нинг рўёдаги амрлари таъсирида бўлган никоҳнинг меваси бўлганлигини ва улуғ валий бўлишини туғилишидан олдин хабар берилганига диққатни тортади. У Имом ал-Ҳасан авлодидан бўлгани, олим ва *тасаввуф*га қизиққан оиланинг иккинчи фарзанди сифатида 1679 й.да дунёга келгани, 1699 й.да онаси вафот этганидан сўнг, отасининг иккинчи марта оила қурганини айтади. Бундан ташқари, наслининг ва *тариқат* силсиласининг Абу Бакр (р.а.)га тақалишини ҳамда сунний ва сиддиқий бўлганини, унинг сирларининг вориси бўлганлигини маълум қилади. Илк устози Хизрдан ташқари ўнта Сиддиқий шайхдан файз олганини, онасини йўқотган йил, у уйланадиган аёл ва ундан туғилажак икки ўғил ва қизи унга аниқ кўрсатилгани, ҳар бири кўрсатилганидек рўёбга чиққанини ифода қилади.

Аҳмад ибн Муборакнинг уни «уммий» бир зот бўлганини тез-тез такрорлаши ҳамда бутун оламларга, тилларга, ўтмишга, ҳозирги замон ва келажакка оид билмаган ва била олмаган ҳеч бир нарсанинг топилмаганини баён этиши, хуллас, уни «комил инсон» сифатида кўрсатишга бўлган истаги дейиш мумкин. Чунки *«Ал-Ибрӣз»*нинг мазмунидан А.ад-Д.нинг ҳадис, *тафсир*, *фиқҳ* ва *калом* илмларини яхши билгани, мукаммал *тасаввуф* маданиятига эга бўлгани, Боязид Бистомий, Ҳаллож, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Ғаззолий, Ибн ал-Арабий, Ибн ал-Фориз кабиларнинг нубувват, валоят, кашф ва борлиқ ҳақидаги қарашларидан хабардорлиги маълум бўлади.

Зоҳирий илмларни ўрганмаган кишига «буюк фатҳ» (кашф)нинг воқеъ бўлмаслигини, зоҳирий ва ботиний илмларни билмаган ҳамда ҳар икки илмда комил бўла олмаганлар *муршид*лик қила олмаслигини маълум қилган А.ад-Д.нинг фикрича, комил илм – бу Аллоҳ томонидан ато қилинган илми ладундир. Ҳиссиётлар б-н эришилган илм, бу илмнинг олдида хаёл, туш кабидир. Ботиний илм қуёшга, зоҳирий илм эса чироққа ўхшар: инсон тунда чироққа муҳтож бўлгани каби, ботиний илм ҳам зоҳирий илмга муҳтождир.

А.ад-Д.нинг фикрича, пайғамбарлар доимий Ҳақни мушоҳада ҳолатида, яъни

Аллоҳнинг зикри б-н машғул бўлганлари туфайли ҳатто уйқуда ҳам уларнинг мушоҳадалари тўхтамагани учун улардан гуноҳ содир бўлмаган. Пайғамбарлар сингари кашфи зоҳир бўлган комил валийлар ҳам ҳар он Аллоҳнинг зикри б-н машғулдирлар, қалблари ва фикрлари Аллоҳдан бошқа ҳар нарсадан мосуво. Пайғамбарлар ёшликдан, валийлар эса кашфдан сўнг маъсумдирлар. Пайғамбарлар каби валийларга ҳам фариштa тушади; амр ва наҳийлар келтиради. Улар ҳеч бир мазҳабга боғлиқ бўлмаслар. Ҳар доим, бир вақтнинг ўзида ва бир хил қувватда руҳлари б-н Аллоҳни, зотлари б-н Расулуллоҳ (с.а.в.)ни зикр қиладилар. Аллоҳ ғайбнинг эшигини Муҳаммад (с.а.в.)га очгани каби, Ул Зотнинг умматларидан бўлган ҳақиқий валийларга ҳам очган. Бироқ, уларни Аллоҳ ва Расули ила муқояса қилмаслик керак.

А.ад-Д. шайх-*мурид* муносабатларини ҳам тилга олади ҳамда шайхнинг зарурлигини таъкидлайди. *Мурид* учун катта гуноҳларнинг энг каттаси бир соат, ҳатто бир лаҳза бўлса-да, пирини хотирламасликдир. Фақат банданинг севгисидан Аллоҳнинг бандасини севиши муҳим бўлгани каби, *мурид*нинг севгисидан кўра, устозининг севгиси муҳимроқдир. *Мурид* Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида бўлганида Ул Зотга қандай итоат қилиши керак бўлса, пирига ҳам худди шундай итоат ва эътимод қилиши лозим.

Ад.: Абдуссалом ибн Таййиб ал-Қодирий. *Ад-Дурр ас-саний фй баъз ман би-Фас мин аҳл ан-насаб ал-Ҳасанй.* – Фос: 1303; Аҳмад ибн Муборак ас-Сижилмосий. *Ал-Ибрйз.* – Қоҳира: 1278. I–II; Муҳаммад ибн Таййиб ал-Қодирий. *Нашр ал-масанй ли-аҳл ал-қарн ал-ҳадй ъашара ва-с-санй.* – Работ: 1407/1986. III, 245–246; Юсуф ан-Набҳоний. *Жамиъ карамат ал-авлийа* – Қоҳира: 1381/1962. II, 173–194; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам* (Зуҳайр Фатҳуллоҳ нашри). IV, 28.

Мақоланинг тўлиқ нашри: «*Abdülazîz ed-Debbâğ*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 188.

Турк Ислом
Энциклопедияси

АБДУЛАЗИЗ АД-ДЕҲЛАВИЙ

عبد العزيز الدهلوي

Абдулазиз ибн Шоҳ Валиййуллоҳ Аҳмад ибн Абдурраҳим ал-Умарий ал-Форуқий ад-Деҳлавий (1159/1746 – Деҳли – 1239/1824)

Муфассир ва муҳаддис

«Сирож ул-ҳинд» унвони б-н танилган. Абдулазиз ад-Деҳлавий ҳиндистонлик машҳур ҳадис ва *калом* олими, *нақшбандийа тариқати* шайхи ҳисобланган отаси Шоҳ Валиййуллоҳ ад-Деҳлавийнинг ҳинд мусулмонлари орасидаги юксак мавқеи боис олий даражада таҳсил кўрган. Ёшлик чоғиданоқ *тажвид* ва *қироат* илмини ўрганган ҳолда, Қуръони каримни ёд олади. Ўн бир ёшида отаси томонидан тайинланган икки устозга шогирд тушади. *«Кутуби ситта»*, *«Муватто»*, *«Мишкат ал-масабиҳ»*, *«Шамаил ат-Термизй»* каби асарларни отасига ўқиб берган ёки отасидан таълим олган вақтларда тинглаган. Сўнг ундан бу китобларни ривоят қилиш изнини олган. Ўн олти ёшида *тафсир*, ҳадис, *фиққ*, *усул ал-фиққ*, *ақоид*, *калом*, мантиқ, ал-жабр, геометрия, астрономия, тарих ва жўғрофия каби илмлар борасидаги билими б-н кўпчиликнинг диққатига тушади. 1762 й.да отасининг вафотидан кейин бобосининг номи б-н аталган «Раҳимийа» мадрасасида отасининг ўрнида устозлик қилишни бошлайди. Бир томондан асар ёзса, бошқа томондан даъват ва иршод вазифаларини юритувчи *мурид*лар ва шогирдлар тайёрлайди. А.ад-Д. йигирма беш ёшга тўлганида кетма-кет кўрлик, мохов ва б. касалликларга чалинади. Шу боис мадрасадаги дарсларидан чекиниб, ҳаётининг сўнгги кунларигача китоб ёзиш ҳамда сешанба, жума кунлари ваъз ўқиб *фатво* бериш б-н машғул бўлади. 1824 й.да аҳволи оғирлашгач, меросини ворислари орасида тақсимлаб беради ва ўзига кийган кийимларини кафанлик қилишларини

васият қилади. Шундан сўнг, кўп ўтмай вафот этади ва отасининг қабри ёнига дафн қилинади.

А.ад-Д. ориқдан келган узун бўйли, буғдой ранг, катта-катта кўзли, серсоқол киши бўлиб, ўқ отиш, улов миниш, ҳуснихат ва мусиқа соҳаларида катта маҳорат соҳиби эди. У ўзининг жасур, эркин ва маъқул фикрлари б-н Ҳиндистон мусулмонларига чуқур таъсир ўтказди ва уларни ўзининг ортидан эргаштирди. Унинг фикрича, Ислом оламида бўлиб ўтган барча ёмонликларнинг асосий сабаби, мусулмонлар диннинг асл манбалари ҳисобланган Қуръон ва *суннат*дан узоқлашганларидир. Мусулмонларнинг Қуръон ва *суннат* кўрсатмаларига қайтишлари ва Исломга ёт *бидъат*ларни бутунлай тарк этишларигина ҳақиқий нажот йўлидир.

А.ад-Д. қаламига мансуб элликка яқин асарлар мавжуд.

Ас.: «*Тафсӣр фатҳ ал-ъазӣз*». «*Фотиҳа*» ва «*Бақара*» суралари ҳамда «*Таборак*» ва «*Амма*» пораларининг форсий *тафсир*и ёритилган мазкур асарнинг катта қисми Ҳиндистон инқилоби даврида йўқолган. Ҳозирги кунда унинг икки жилди мавжуд бўлиб, Калькуттада нашр қилинган (1248–1249 ҳиж. й.).

«*Туҳфаи исно ъашарийя*» (Лакҳнав 1255, 1295 ҳ. й.). Ўн икки имом б-н боғлиқ *шиа мазҳаби* эътиқодига танқидий руҳда ёзилган ва Ҳиндистон *сунний* мусулмонларининг *шиа*ларга қарши энг кучли реакцияси сифатида қаралган мазкур форсий асар, *шиа*лар ва *сунний*лар орасида шиддатли тортишувларга сабаб бўлган. Бунга жавобан, *шиа мазҳаби* олимлари ҳам китоблар битганлар. Ғулом Муҳаммад ибн Муҳйиддин ибн Умар «*Туҳфа*»ни араб тилига таржима қилган, Маҳмуд Шукрий ал-Алусий унга «*Ал-Минҳа ал-илāҳийа талхӣс таржимати-т-Туҳфа ал-иснā ъашарийа*» номли мухтасар асар ёзган. Мазкур асарни Муҳиббуддин ал-Хатиб муқаддима ва иловалар б-н 1953 й. Қоҳирада нашр эттирган.

«*Бўстон ул-муҳаддисийн*» (Деҳли 1876, 1898 й.). Ҳадис китобларининг библиографияси кўринишидаги якунланмаган мазкур форсий асарда муаллифларнинг биографияларига ҳам ўрин берилган. Китоб Али Усмон Кўчкузу томонидан турк тилига таржима қилиниб, нашр этилган (Анқара 1986 й.).

«*Ужолаи нофиъа*» (Деҳли 1312, 1348 ҳиж. й.). Ҳадис усулига оид форс тилидаги асар.

«*Сирр аш-шаҳāдатайн*» (Деҳли 1261 ҳиж. й.). Карбало шаҳидлари ҳақидаги бу асарга муаллифнинг шогирди Саломатуллоҳ форс тилида шарҳ ёзган (Лакҳнав 1882 й.).

«*Азӣз ал-иқтибāс фӣ фазāил ахйāр аннāс*». *Хулафои рошидийн*нинг фазилатларига оид ҳадислар жамланган мазкур асар форс ва урду тилларига таржима қилиниб, нашр этилган (Деҳли 1321 ҳиж. й.).

«*Мӣзāн ал-ақāид*» (Деҳли 1321 ҳиж. й.). *Ақоид* илмига оид араб тилидаги асар.

«*Фатавои Азизий*» (Деҳли 1311–1314; Ҳайдаробод 1313; Деҳли 1341 ҳиж. й.). Икки жилддан иборат ушбу форс тилидаги асарида А.ад-Д. ўзининг *фатво*ларини жамлаган.

Юқоридагилардан ташқари, А.ад-Д.нинг мантиқ, ҳикмат, туш таъбири ва б. мавзуларга оид яна кўплаб асарлари мавжуд.

Ад.: Абдулҳай ал-Каттоний. *Фиҳрис ал-фаҳāрис*. – Байрут: 1982. II, 874–875; Юнус ас-Сомарроий. *Уламā ал-ъараб фӣ шибҳ ал-қāрра ал-Ҳиндийа*. – Бағдод: 1986. 619–620; Sh. Inayatullah. *«Abd al-Aziz Dehlewî»*. EI² (Fr.). I, 60–61; Gulâm Resul Mehr. *«Şâh Abdülaziz Muhaddis ed-Dihlevî». UDMİ.* XI, 634–637; Абдулҳай ал-Ҳасаний. *Нузҳа ал-хавāтир*. VII, 268–276; Муҳаммад Исҳоқ. *İndia's Contribution to the Study of Hadith Literature*. – Dacca: 1976. 179–181; Azduddin Khan. *«Abd al-Aziz Dehlavi». Elr.*, I, 99–101; Talat Koçyiğit. *«Abdülazîz ed-Dihlevî». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 188–189.

Талат Кўчйигит

АБДУЛАЗИЗ ИБН АБДУРРАЗЗОҚ АЛ-МАРҒИНОНИЙ

عبد العزيز بن عبد الرزاق المرغيناني

Шайхул-имом Абу-л-Аимма Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ибн Маткан ал-Марғиноний
(406/1016 – Марғилон – 476/1084)
Муҳаддис

Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғиноний Марғилонда таваллуд топган ва асосан, шу ерда яшаб ижод этган. Манбаларда келтирилишича, илм талабида икки марта Самарқандга сафар қилган. А.и.А.ал-М. таниқли олим Шамсул-ислом Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Ўзгандийнинг отасидир.

А.и.А.ал-М. 68 ёшида вафот этган.

Ад.: О.А. Қориев. *Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний.* – Т.: «Фан», 2009. 60; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 222.

Одил Қориев

АБДУЛАЗИЗ ИБН АБУ РАВВОД

عبد العزيز بن أبي رواد
(? – 159/776, Макка)
Илк давр сўфийларидан

Асли хуросонлик ва эҳтимолга кўра, турк бўлганлиги ривоят қилинган. *Азд қабиласи* раисларидан Муғийра ибн Муҳаллабнинг мавлоси. Абу Раввод куняси б-н танилган отасининг асл исми Майсмун (Айман) ибн Бадр бўлган. У Макка ш.да яшаб, вафот этган.

Манбаларда А.и.А.Р.нинг *муржиа*лардан бўлгани тўғрисида ривоятлар келтирилган. Шунингдек, унинг ҳадис *ровий*си сифатида *жарҳ ва таъдил* борасидаги қарашлари манбалардан жуда кенг ўрин эгаллайди. *Тобеъин*ларнинг улуғлари, аввалги уммат ва даврлар ҳақида нақл қилган хабарлари баъзи *муҳаддис*лар томонидан қаттиқ танқид остига олинишига сабаб бўлган.

Ундан нақл қилинган сўзлар ва диний фаолиятига берилган баҳолар А.и.А.Р.нинг зуҳд даври *тасаввуф*ининг асосчиси бўлганини кўрсатади. Ўтмишини сўраган кимсага гуноҳлар ичида экани, умри тезда ўтиб кетгани, ўлим ва охиратдан ғафлатда қолганини айтиб йиғлагани ривоят қилинади. Энг фазилатли ибодат ҳақида сўралганда «кечаю кундуз доимо маҳзун ҳолатда бўлишлик», деб жавоб қайтарган. Ривоятга кўра, кўзлари кўрмай қолганида йигирма йил буни ҳеч кимга билдирмаган. Ҳолат маълум бўлганида эса, «ризо ва Аллоҳга таслим бўлишлик буни маълум қилишга тўсқинлик қилди», деб жавоб берган. Унинг бу тушунчаси кейинги давр *сўфий*лари томонидан *тасаввуф* таърифларидан бири сифатида қўлланилган: «Тасаввуф – илоҳий лутфларни бирма-бир санаш ва айбларни яширишдир». Шунингдек, у сабр ва ризога тескари бир иш қилиб қўйгани учун қирқ йил мобайнида бошини кўтариб самога қарамагани нақл қилинади.

Ҳадис олими Шуайб ибн Ҳарб А.и.А.Р.нинг беш юз илмий мажлисларида иштирок этиб, унинг бирор марта ҳам гуноҳга сабаб бўладиган ҳолатга тушганини кўрмаганини нақл қилган. Бу хабардан А.и.А.Р. шогирдларга эга бўлгани ва *тасаввуф*ий таълим фаолиятини олиб борганини кўриш мумкин.

А.и.А.Р. *иймон* фақатгина қалбнинг тасдиғи ва тилнинг иқроридан иборат деб ҳисоблагани ва *гуноҳи кабира* қилувчиларни Аллоҳга ҳавола қилгани учун *муржиа*лардан ҳисобланган. Шу сабабдан ҳадис олимлари б-н ораси ажралган. У мазкур фикрга умрининг сўнгги йилларида келган бўлиб, илгари *гуноҳи кабира* қилувчилар масаласида *муҳаддис*лар б-н қарашлари бир бўлган. Унинг *иржо* фикрини танқид қилганлардан бири – ҳадис илмида шогирди, *зуҳд*да дўсти бўлган Суфён ас-Саврийдир.

Баъзи ҳадисшунослар фикрича, А.и.А.Р.нинг ҳофизаси заиф деб топил-

са-да, одатда ишончли *ровий* сифатида қабул қилинган. Аҳмад ибн Ҳанбал, ан-Насоий, ад-Дорақутний ва Ибн Абу Ҳотимлар асарларида унинг ривоятлари келтирилган. У Нофеъ, Ато, Икрима, аз-Заҳҳок ибн Музоҳим, Солим ибн Абдуллоҳ каби улуғ *тобеъин*лардан ҳадис тинглаган, Шуъба, Вакийъ, Абдурраззоқ, Зоида, Суфён ас-Саврий, Ибн ал-Муборак, Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ва б. таниқли олимлар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1968. IV, 166–168; V, 493; Ибн Ҳиббон. *Китāб ал-мажрўҳин*. – Ҳалаб: 1396. II, 136–138; Аз-Заҳабий. *Сийар*. VII, 184–187; Ибн Ҳажар. *Таҳзīб ат-таҳзīб*. VI, 338–339; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа*. – Қоҳира: 1932-39. I, 131; Аш-Шаъроний. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Қоҳира: 1954. I, 61.

Баҳодир Пирмуҳамедов

АБДУЛАЗИЗ ИБН МАРВОН

عبد العزيز بن مروان

Абу-л-Асбағ Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам ал-Умавий (27/647, Мадина – 86/705, Ҳулвон)

Миср волийси

Умавий халифаларидан Марвон ибн Ҳакамнинг ўғли, Умар ибн Абдулазизнинг отаси бўлган Абдулазиз ибн Марвон Мадинада туғилиб, вояга етган. Онаси – Лайло бинт Заббон *Бани Калб қабиласи*дан бўлган. 684 й.нинг окт. ойи ўрталарида Мисрни *фатҳ* қилган Марвон ибн Ҳакам ўғли Абдулазизни у ерга волий этиб тайинлайди. Марвоннинг ўлимидан кейин халифа бўлган Абдулмалик ҳам отасининг қарорини қўллаб-қувватлаб укаси А.и.М.ни вазифасида қолдиради. Натижада А.и.М. вафотига қадар йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида Миср волийси бўлади.

69/688–89 й.да Абдулмаликни зиёрат қилиш учун Дамашққа келганида, унга халифа Абдулмаликка қарши исён уюштирган Амр ибн Саъидни ўлдириш вазифаси юклатилади. У халифанинг бу амрини бажаришдан қочади, ўлдирилган Амр ибн Саъиднинг яқинларини афв этилишларининг ҳам уддасидан чиқади. Кейинги йил шаҳарда вабо тарқалгани сабабли Фустотни тарк этади. У Нил соҳили яқинидаги Ҳулвон ш.ни маскан тутиб, у ерда уйлар, кўшклар ва масжидлар бунёд қилади ҳамда минтақани обод ҳолга келтиради. Амр ибн Ос масжидини кенгайтиради.

Халифа Абдулмалик ўз ўрнига ўғиллари Валид ва Сулаймонни валиаҳд этиб тайинламоқчи бўлганида, отаси томонидан аввалдан иккинчи валиаҳд сифатида тайинланган А.и.М. бунга қарши чиқади ва натижада икки ака-уканинг оралари бузилади. А.и.М. қаттиқ яхши кўрган ўғли Асбоғнинг ўлимидан сўнг касалланиб, ўн олти кундан кейин Ҳулвонда вафот этади. Жасади Фустотга кўчирилиб, ўша ерга дафн этилади.



Нил дарёси соҳили

А.и.М. фақирларга ҳар кун озиқ-овқат тарқатувчи, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзувчи сахий ва узоқни кўра олувчи тадбиркор волий эди. Миср халқи уни яхши кўрарди. Акаси Абдулмалик

каби у ҳам диний илмларни чуқур эгаллаган, шунингдек, ҳадис илми б-н ҳам шуғулланар эди. Ибн Саъд ва ан-Насоий уни *сиқа* ҳисоблаганлар. А.и.М. отаси Марвондан, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Уқба ибн Омир (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса ўғли Умар ибн Абдулазиз, аз-Зуҳрий ва Касир ибн Мурралар ривоят қилганлар. Отаси Марвоннинг Абу Ҳурайрадан тўплаган ҳадислар мажмуаси унга берилган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. V, 133, 236; VII, 488; Ал-Бухорий. *Ат-Тарūх ал-кабūр*. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. VI, 8; IX, 33; Ал-Яъқубий. *Тарūх*. – Байрут: «Дор Содир». II, 257, 272, 277, 279, 306; Ат-Табарий. *Тарūх*. – Байрут: «Дор Сувайдон». I, 419; V, 476, 539, 610; VI, 144–146, 391, 412–416; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. – Байрут: «Дор иҳё ат-турос ал-ъарабий». I, 95; Nabia Abbot. *Studies in Arabic Literary Papyri, II: Qur'anic Commentary and Tradition*. – Chicago: 1967. 20; K. V. Zettersteen. *«Abdülaziz»*. *İA*. I, 63; ўша муал. *«Abd al-Aziz b. Marwān»*. *EI²* (İng.). I, 58; İsmail Yiğit. *«Abdülazîz b. Mervân»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 192.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛАЗИЗ ИБН САЪУД

عبد العزيز بن سعود

Абдулазиз ибн Абдурраҳмон ибн Файсал (?, Ар-Риёз – 9.11.1953, Тоиф)

Саудия Арабистони қироллиги асосчиси



Манбаларда Абдулазиз ибн Саъуднинг таваллуд топган санаси турлича кўрсатилган (15.01.1875, 15.01.1876, 24.11.1880, 26.11.1880, 2.12.1880). Ас-Саъудий хонадонига мансуб бўлгани боис Ибн Саъуд деб ҳам зикр қилинади. Отаси – Нажд амири Абдурраҳмон ибн Файсал. Онаси – Сора бинт Аҳмад ас-Судайрий. Ёшлигидан хос устозлардан диний билимлар ва Қуръони каримдан дарс олган. 1890 й.да Ибн ар-Рашид саъудийларни Баҳрайн, Қатар, ниҳоят Қувайтга сургун қилади. Унинг болалиги ўша ерда ўтади. Ўн йилга яқин у ерда яшаганларидан сўнг, 1901 й.да қўшин тўплаб Риёзни қўлга киритишга ҳаракат қилади. 1902 й. 15-16 янв.да олтмиш кишилик қўшин б-н шаҳарни қўлга олади ва отаси Абдурраҳмоннинг ҳақ-ҳуқуқи ва салоҳиятларидан фойдаланиб, амир бўлади. А.и.С. Ибн ар-Рашидга қарши курашни давом эттиради. Қувайт амирининг қўллаб-қувватлаши б-н мазкур курашда муваффақият қозонади ва араб қабилаларини ўз атрофига бирлаштиради. А.и.С. 1915 й. янв. ойида Ибн ар-Рашид б-н бўлган жангда мағлубиятга учрайди. 1915 й. 26 дек.да инглизлар б-н сулҳ тузади. А.и.С. *усмонийлар*га қарши бош кўтариб, 1918 й.нинг 2 нояб. ида қироллигини эълон қилади. А.и.С. 1920 й.нинг июнида Асир ш.ни ишғол қилади, кейинчалик эса бутун Ўрта Арабистонни ўз идораси остига олади. 1924 й. 17 окт.да Макка ш. қон тўкилмасдан қўлга киритилади. Натижада, Ҳижоз минтақаси А.и.С. қўлига ўтади. Иордания ва Ироқ чегаралари масаласида, *ҳошимийлар* қўлида қолган Мадина (5.12.1925) ва Жидда ш.ларини ҳам (22.12.1925) қўлга киритади. Бу зафарлардан сўнг, 1926 й. 10 янв.да Ҳижоз қироли деб эълон қилинади.

А.и.С.нинг бирин-кетин Жабали Шаммар ҳудуди ҳамда Ҳижоздаги *фатҳ*лари оқибатида унинг амирлиги Басра кўрфазидан Қизил денгизгача чўзилган, Ҳарамайнни ҳам ўз ичига олган йирик давлат ҳолига келди. 1927 й. 20 майда



Саудия Арабистонининг биринчи пойтахти Ад-Диръийя

имзоланган Жидда шартномасига биноан инглизлар ҳам унинг мустақиллигини тан олади. 1932 й.да ўлканинг номи Саудия Арабистони қироллиги деб атала бошлайди. Иккинчи жаҳон урушида Саудия Арабистони бетараф давлат сифатида урушда иштирок этмаса-да, А.и.С. ўзига иттифоқдош давлатларга мойиллик кўрсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Араб бирлиги ташкилотларига аъзо бўлади. А.и.С. ўз ақл-заковати ва куч-қудрати б-н мамлакатини анъанавий тамойилларга мувофиқ бошқарган. А.и.С. нефть заҳираларидан оқилона фойдаланиши оқибатида нефть маҳсулотини қазиб олишни 1 млн. баррелга, йиллик даромадни эса 200 млн. долларга чиқаради, нефть даромадларининг тез ўсишини таъминлайди. Натижада йўл, сув, электростанциялар, авиация, портлар, радио, телефон тармоқлари, мактаблар, касалхоналар ва темир йўлларни барпо этади.

А.и.С. вафот этганида ўттиз бешта ўғли бор эди. Вафотидан кейин, унинг ўрнига қабул қилинган қоидага мувофиқ ўғли шаҳзода Саъуд ўтиради. Бу лавозим 1986 й.дан «Ходим ал-ҳарамайн» деб ўзгартирилган. Саудия Арабистони подшоҳларигача бу ном б-н тарихда Араб халифалари ва усмоний султонлар номланишган.

Ад.: Hulusi Yavuz. *«Abdülazîz b. Suûd». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 194–195; Stephan-Nandy Ronart. *«Abd al-Azız İbn Saud». Concise Encyclopaedia of Arabic Civilization.* – Amsterdam: 1959. 7–9; R.Bayl Winder. *«Abd al-Azız». EI². Suppl.,* (İng.). I, 3–4; https://ru.wikipedia.org.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛАЗИЗ МАЖЗУБ АН-НАМАНГОНИЙ


عبد العزيز مجذوب النمنگاني

Халифа Абдулазиз Ҳасан Кўчак ўғли Мажзуб Намангоний (18-а. иккинчи ярми, Қарши – 1857, Наманган)

Ўзбек шоири, мутасаввиф ва тазкиранавис

Фарғона *тасаввуф* мактабининг намояндаси, Туркистонда кенг ёйилган *мажзубийлар* даврасининг асосчиси. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, шу ерда Халфа Ҳусайн Янгиқўрғонийдан *тасаввуф* таълимини олган. Қарши, Самарқанд, Қўқонда маълум муддат яшаган.

А.М.ан-Н. *тасаввуф*да жаҳрий зикр йўлининг ўзига хос услубини татбиқ этган. Унинг *«Девон»*идаги *«Соқийнома»* суфийларнинг суҳбатларида махсус мақом б-н ўқилган. Бу эса, ўз навбатида, зикрбоши вазифасини ҳам ўтаган. Унинг шогирд ва мухлислари Қўқонда жуда кўп бўлиб, уларни шаҳар аҳли «мажзубийлар» деб атаган. 19-а.да Наманган ва Қўқон



Абдулазиз Мажзуб ан-Намангоний «*Тазкират ул-авлиё*» асари қўлёзма нусхаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақам 1337

ш.ларида «мажзубхонлик» анжуманлари кўп ўтказилган, ҳофизлар янги ашулаларини шу ерда ижро этишиб, халққа танилганлар. Шоирнинг 158 мисралик *«Муножот»*ида *нақшбандийя тариқати* пирлари исми силсила тартибида келтирилган.

А.М.ан-Н.га «Роқими ҳуруфий» (*ҳуруфийлик тариқати*ни рақам қилган, яъни ўзлаштирган) нисбаси берилган. Мажзуб тахаллусли шеърлари асосида ўзбек ва форс тилларида алоҳида *«Девон»* жамланган. Уларнинг асосий қисмини ғазал, мухаммас, қасида ва соқийнома ташкил этади. У, шунингдек, *«Маноқиби аҳли сулук»* («Сулук аҳли манoқиблари»), *«Дар тавзеҳ»* («Изоҳлаш ҳақида») номли рисолалар битган. *«Тазкират ул-авлиё»* («Валийлар тазкираси») асари муаллифи. Форс тилида ёзилган мазкур асарда муаллифга замондош ва унга яқин тарихий даврда яшаган *тариқат* арбоблари, валийлар зикр қилинган. Тазкирада *тасаввуф*нинг умумий қоидалари, *сулук* одоби ва айрим машойихлар манқабалари бир қатор ҳикоялар асосида баён қилинган.

А.М.ан-Н. асарлари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инти қўлёзмалар фондида сақланади.

Ад.: Мажзуб Намангоний. *Тазкират ул-авлиё.* Қўлёзма. ЎзРФА ШИ. Инв. рақам 1337, 2662, 10169; *Тазкираи Қайюмий.* – Т.: 1998; И. Остонақулов. *Фарғоналик валийлар.* – Т.: 2001. 54–63; И. Остонақулов. *Ошиқ манам, мажзуб манам // Авлиёлар султони. Туронлик валийлар.* – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. 223–228; *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 35.

Ҳамидулла Болтабоев,
Икромиддин Остонақулов

АБДУЛАЗИЗ АЛ-МАЙМАНИЙ

عبد العزيز الميمني

Абдулазиз ибн Абдулкарим
ал-Майманий ар-Ражкутий
(1888, Ражкут – 27.10.1978, Карачи)

Арабшунос олим

Ҳиндистоннинг Катхиавар вилоятида таваллуд топган Абдулазиз ал-Майманий бошланғич таълимни тугатгандан сўнг, отасининг ташвиқи б-н илм ўрганишга қарор қилади. Ўқишни давом эттириш учун Деҳли, Рампур, Лакҳнав ва Амроҳа каби илм марказларига бориб, шамсул-уламо Назир Аҳмад ад-Деҳлавий, 1908 й.да ҳадис ривояти учун *ижоза* берган ал-Ҳусайн ибн Муҳсин ал-Ансорий ва Муҳаммад Таййиб ал-Маккий каби даврининг машҳур олимларидан дарс олади. Ўспиринлик давридан араб адабиётининг *«Ал-Муъаллақāт ал-ъашр»*, *«Дīвāн ал-ҳамāса»*, *«Дīвāн ал-мутанаббӣ»*, *«Ал-Жамҳара»*, *«Ал-Муфаззалиййāт»*, *«Ал-Кāмил»*, *«Ал-Байāн ва-т-табйӣн»*, *«Адаб ал-кāтиб»* каби машҳур асарларини ўқийди. Машҳур араб шоирларининг қаламига мансуб 70.000 байтдан ортиқ шеърларни ёд олган. Шу б-н бир қаторда, у форс тилини ҳам ўрганиб, форс адабиётининг *«Ал-Муъжам фи осор мулуки-л-ъажам»* каби мумтоз асарларини ўрганади.

1909 й.да Панжоб ун-тининг араб-форс факультетини тамомлаганидан сўнг 1913 й. Пешовардаги Эдвард коллежи (Edward College)да араб ва форс тилларидан мударрислик қилади. Кейинчалик Лоҳурдаги Шарқшунослик коллежи (Oriental College)да араб тили

ва адабиёти бўлимида фаолият олиб боради (1921). 1924 й.да Алигарх ун-тида араб тили ўқитувчиси вазифасига тайинланади, кейинчалик араб тили ва адабиёти кафедраси мудири бўлади. 1950 й.да мазкур ун-тдан нафақага чиқади, сўнг 1954 й.да Покистонга келади ва аввал Карачи ун-тида (1955–1958), кейин Панжоб ун-тида араб филологияси кафедраси профессори этиб тайинланади. Шу б-н бир қаторда, Покистон ҳукумати томонидан Карачида ташкил этилган Ислом тадқиқотлари марказининг (Central Institute of Islamic Research; ҳозирги номи Islamic Research Institute) илк раҳбари бўлади ва 1960 й.га қадар ушбу вазифада фаолият олиб боради. Марказ кутубхонасида нодир қўлёзмаларни жамлашни йўлга қўяди. Баъзи қўлёзма манбаларни аниқлаб, улардан нусхалар олиш учун Ҳиндистон, Туркия, Сурия, Ироқ ва Миср каби мамлакатларга кўп маротаба сафар қилган. У араб тилидаги қўлёзма манбаларни ўрганишда даврининг энг салоҳиятли мутахассиси, деб эътироф этилган. 1960 й. қўлёзма манбаларни нашр этиш борасидаги фикрларини билиш мақсадида Сурия Маданият вазирлиги томонидан Шомга таклиф этилган. А.ал-М. 1977 й. араб тили ва маданияти б-н боғлиқ тадқиқотлари учун «Сурия юксак шараф ордени» б-н мукофотланган. Араб тили ва адабиёти соҳасида чуқур билимга эга бўлгани ва соҳадаги фаолияти туфайли араб дунёсида «Имом ал-луға» лақаби б-н тилга олинган.

Илк асарларида Абу-л-Баракот ва Абу Умар куняларини қўллаган А.ал-М. кейинчалик ал-Майманий ар-Ражкутий нисбалари б-н танилиб, шуҳрат қозонади. Баъзи асарларида унинг ал-Ҳиндий, ас-Салафий ва ал-Асарий нисбалари ҳам учрайди.

А.ал-М. Дамашқ ва Қоҳирадаги Араб тили академияларига ҳам аъзо бўлган, уларнинг «Мажалла ал-мажмаъ ал-ъилмӣ ал-Ҳиндӣ», «Мажалла ал-маъариф» каби илмий нашрларида кўплаб мақолалари чоп этилган. Олим, шунингдек, турли илмий конференцияларда кўплаб маърузалар қилган.

Ас.: *«Абу-л-Ало ва мā илайҳ»* (Қоҳира 1344 ҳиж. й.). Абу-л-Ало ал-Маъаррийнинг ҳаёти ва шахсияти ҳақида бугунгача олиб борилган ишларнинг энг муҳими ва мукаммали деб эътироф қилинувчи ушбу тадқиқот А.ал-М.нинг энг йирик асарларидан ҳисобланади.

«Иқлīд ал-хизāна» (Лоҳур, 1927). *«Салāс расāил»* (Қоҳира, 1344 ҳ. й.). Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Форис, Али ибн Ҳамза ал-Кисоий ва Муҳйиддин ибн ал-Арабийларнинг рисолалари таҳлилидан ташкил топган асар. *«Ат-Тарāиф ал-адабиййа»* (Қоҳира, 1393 ҳ. й.).

А.ал-М., шунингдек, қатор асарларнинг илмий-танқидий матнини ҳам амалга оширган.

Ад.: Каҳҳола. *Ал-Мустадрак.* – Байрут: 387–388; Абу-л-Ҳасан Али ан-Надвий. *Риҫāла аш-шайх Абу-л-Ҳасан ан-Надвӣ. Мажалла ал-мажмаъ ал-ъилм ал-Ҳиндий.* – Алигарх: 1976. 5; Шокир ал-Фаҳҳом. *Абдулазӣз ал-Майманӣ. Мажалла ал-мажмаъ ал-ъарабӣ би-Димашқ.* – Дамашқ: 1979. 236–279. A. S. Bazmee Ansari. *«Professor Abd al-Azız al-Meymanıa (Memon)».* HI, II/2 (1979). 113–115; Ahmed Han. *«Abdülazîz el-Meymenî». MMLAD.* LV/1 (1980). 210–212; Moh. Ben Cheneb. *«Kalî». İA.* VI, 133–134; R. Sellheim. *«al-Kalı». EI²* (İng.). IV, 501–502; Zülfikar Tüccar. *«Abdülazîz el-Meymenî». TDV IA.* – İstanbul: 1988. I, 192–193.

Зулфиқор Тужжор

АБДУЛАЗИЗ МАНСУР

عبد العزيز منصور

Абдулазиз Дадажон ўғли Мансуров (14.04.1944, Фарғона вилояти)

Дин арбоби, уламо

Шайх Абдулазиз Мансур 1944 й. 14 апр.да Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Миндон қишлоғида Эшон Ҳувайдойи Чимёний – шоир Ҳувайдо сулоласига мансуб деҳқон оиласида таваллуд топган. 1961 й. ўрта мактабни тамомлаган. 1964–1967 й.ларда ҳарбий хизматни



ўтайди. 1975–1979 й.ларда Имом ал-Бухорий номидаги *Тошкент Ислом ин-ти*да таълим олади, *Мир Араб мадрасаси*да мударрис, «Совет шарқи мусулмонлари» журнали таҳририятида масъул котиб вазифаларида ишлайди.

А.М. 1980–1981 й.ларда Судан Араб Республикасидаги «Умму Дурмон» Ислом ун-тида таҳсилни давом эттиради. У 1982–2006 й.ларда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатво ва масжидлар бўлими мудири, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида илмий ходим, «Мовароуннаҳр» нашриёти мудири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, *Тошкент Ислом ун-ти* проректори каби масъул лавозимларда хизмат қилган. 2006 й.дан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, 2018 й.да Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ва Юнусобод туманидаги *Минор жоме масжид*ида имом-хатиб лавозимларида ишлаган. 2019 й.дан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари этиб тайинланди. Шунингдек, у Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги Ислом фиқҳи академияси (2006), Ислом олами уюшмаси ҳузуридаги Халқаро мусулмонлар уламолари ҳайъати аъзоси (2013).

А.М. кўплаб халқаро илмий анжуманларида, жумладан, 2011 й. апр. ойида Мадинада ўтказилган «Араб тили ва унинг замон б-н ҳамоҳанг одимлаши» мавзуидаги I Халқаро илмий-амалий анжуманда маъруза б-н қатнашган.

А.М. кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида *Мир Араб мадрасаси*, *Тошкент Ислом ин-ти* ва *Тошкент Ислом ун-ти* талабаларига *тафсир*, ҳадис, *фиқҳ*, *ақоид*, *балоғат* фанларидан сабоқ бериб келмоқда. Олим 2001 й. амалга оширган «*Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири*» китоби қайта-қайта нашр қилинди. «*Унвāн ал-байāн*», «*Атвāқ аз-заҳаб*» асарларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: *«Ахлоқ-одобга доир ҳадислар»*, *«Мусулмончиликдан илк сабоқлар»*, *«Ақоиди Таҳовия»*, *«Ақоиди Насафия»*, *«Ҳаж ибодати қоидалари»*, *«Фиқҳи акбар»*, *«Минг бир фатво»*, *«Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи»*.

Ад.: *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015. 110–112; http//www.muslim/uz.; http//www.ziyouz/uz.; http//www.bbc.com/uzbek.

Нурислом Тўхлиев

АБДУЛАЗИЗ АС-САМАРҚАНДИЙ

عبد العزيز السمرقندي

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ас-Самарқандий Валиййуддин ал-Ҳанафий

(? – 342/953, ?)

Тариқат аҳлидан

Абдулазиз ас-Самарқандий *«Асмāуллоҳ ал-ҳусно»*га ва *калимаи шаҳодат*га шарҳ ёзган. У мусулмон дунёсининг кўплаб шаҳарларини кезган. Умрининг аксар қисмини Дамашқда ўтказган. Дамашқда Пор шоҳ номи б-н танилган А.ас-С. шаҳарнинг энг кўзга кўринган етук олимларидан бўлган. Аз-Зоҳирийя ва ан-Нурийя мадрасаларида дарс берган. У кўплаб шогирдлар тарбиялаган.

Ад.: Шаҳобуддин Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Асқалоний. *Ад-Дурар ал-кāмина фй аъйāн ал-миа ас-сāмина.* – Ҳиндистон: 1392/1972. III, 242, 335.

Нозим Маматохунов

АБДУЛАЗИЗ АЛ-УСТУҒДОДИЗИЙ

عبد العزيز الأستغداديزي

Ал-Ҳофиз Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Осим ибн Рамазон ибн Али ибн Афлаҳ Абу Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ибн Лбу Бакр ал-Устуғдодизий ан-Насафий ан-Нахшабий ал-Осимий (408/1018, ? – 456/1064, Насаф)

Ҳадис ҳофизи

Ан-Нахшабий номи б-н танилган, ўз замонасининг машҳур ҳофизларидан, имом-пешволаридан саналган Абдулазиз ал-Устуғдодизий, шунингдек, сайёҳ ҳам бўлган.

Олим илм талабида Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Миср каби мамлакатларга сафар қилиб, ҳадислар *исноди*ни ўрганган, уларни кўчириб ёзган. Ҳадисларни тўплашдаги қобилияти туфайли «Ҳофиз ал-ҳадис» деган фахрли ном қозонган. А.ал-У Нахшабда дастлаб ўз отасидан, кейинчалик Хуросон, Ироқ ва Дамашқда замонасининг машҳур олимларидан ҳадис тинглаган ва 433/1041–1042 й.да Исфаҳонга борган.

А.ал-У. Самарқандда Абу Тоҳир Муҳаммад ал-Журжонийдан, Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Варроқдан, Исфаҳонда Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ад-Дуббийдан, Марвда Абу-л-Қосим ал-Ҳасан ибн Исмоил ал-Маҳмудийдан, Дандонқонда Абу Тоҳир Муҳаммад ад-Дандонқонийдан, Балхда Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сижзийдан, Нишопурда Абу Абдурраҳмон Муҳаммад ан-Найлийдан, Сарахсда Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳорисийдан, Маккада Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Али ал-Аздийдан, Басрада Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Талҳадан, Куфада Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳасанийдан, Бағдодда Абу Толиб ибн Ғайлон ал-Баззоздан, Шерозда Абу Бакр Муҳаммад ас-Саффордан, Рамлада Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Ғуззийдан, Байт ал-Мақдисда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Байҳақийдан, Сурда Абдулваҳҳоб ибн ал-Ҳусайн ал-Ғаззолдан, Мисрда Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Саъдийдан, Искандарияда Абу Али ал-Ҳасан ал-Ғассонийдан, Тунисда Абу-л-Ҳусайн Абдулваҳҳоб ас-Сайроний ва б.лардан ҳадис эшитган.

Шунингдек, ҳофиз Дамашққа бориб, у ерда ҳадис айтган ва ўз навбатида, ундан *муҳаддис* Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Каттоний ад-Димашқий, тарихчи, ҳадисшунос Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Ҳофизлар ҳадис ривоят қилганлар. А.ал-У.нинг шогирдлари қаторида насафлик машҳур *муҳаддис* олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, Абу-л-Ҳусайн ал-Муборак ибн Абдулжаббор ат-Тиварий, кўзга кўринган *шофеъий фақиҳи*, ҳадис илми билимдони Абу-л-Қосим Али ибн Муҳаммад ал-Массисий, Саҳл ибн Бишр ал-Исфаройинийларнинг ҳам номлари келтирилган.

Тарихчи олим Ибн ал-Имод ўз асарида А.ал-У.нинг мусаннифлардан бўлганини зикр қилса-да, манбаларда ҳофизнинг қаламига мансуб асарлар ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

«*Ал-Қанд фй зикр ъулама Самарқанд*» асарида А.ал-У.нинг Самарқанд илм толибларига айтиб туриб ёздирган ҳадиси келтирилган.

Абу Саъд ас-Самъоний айтади: «Мен Исмоил ибн Муҳаммад ал-Ҳофиздан Абдулазиз ан-Нахшабий ҳақида сўрадим. У [Исмоил ибн Муҳаммад] уни мақтай кетди ва унинг ишларини кўп шарафлаб деди: «Ўша Нахшабийдир, ўша Нахшабийдир. У буюк ҳофизлардан эди».

Ас-Салафий айтади: «Ал-Муътаман ал-Ҳофиздан Абдулазиз ан-Нахшабий ҳақида сўрадим. У айтди: «У [ан-Нахшабий] ал-Хатиб ва ас-Сурий каби ҳофизлардан бўлган. Унга мақтов айтганлар

ва унинг фаҳм-фаросатидан рози бўлганлар. У Миср ва ундан бошқа ерларда иснодларни ўрганган».

Ал-Ҳофиз Яҳё ибн Мандаҳ дейди: «Абдулазиз ўз замонасида ёдда сақлаш ва балоғатда ягона эди. Бизнинг асримизда ёд олишликда унингдек нафис хатли, тез ёзиб, тез ўқувчи, гўзал хулқли [олим]ни [ҳеч ким] кўрмаган».

Манбаларда олимнинг вафоти ҳақидаги маълумотлар ихтилофли бўлиб, бу хусусда сўз юритар экан, Ёқут ал-Ҳамавий «Устуғдодизаҳ» мақоласида «... у 459/1066–1067, баъзиларнинг айтишича, 457/1064–1065 йили Нахшабда вафот этган» деса, «Нахшаб» мақоласида тарихчи олим Ҳибатуллоҳ ал-Акфанийга таяниб, 456/1063–1064 й., қуйироқда «40 ёшга тўлмай, 452/1060–1061 йили вафот этган», дейди. Бу тўғрида Нажмуддин ан-Насафий 455/1063, ас-Самъоний 456 ва 457 й.лар жумодул-охир/1064 ва 1065 й.лар май-июнь ойларига ишора қилган. Аз-Заҳабий «*Тазкира ал-ҳуффāз*»да ёзади: «У 457/1064–1065 йил Нахшабда вафот этган. Абу-л-Қосим ибн Асокир айтади: у 456/1063–1064 йил Нахшабда, яна баъзиларнинг айтишича, Самарқандда вафот этган». Ибн ал-Имод эса А.ал-У.нинг вафоти ҳақида юқоридаги барча муаллифларнинг асарларида учраган сана – 456/1063–1064 й.ни ихтиёр этган.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: «Ас-Саъода», 1906. VIII, 273; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1980. I, 133–134; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос ал-ъарабий», 1956. III, 1156–1157; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* – Дамашқ-Байрут: «Дор Ибн Касир», 1991. V, 236; Нажмуддин ан-Насафий. *Самарқандия.* – Т: «ЎзМЭ ДИН», 2001. 110; Имом Шамсиддин Заҳабий. Машҳур даҳолар сийрати. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 318; А. Бобожонов. *Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-булдон» асарида моваройуннаҳрлик муҳаддислар // Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси.* – Тошкент-Самарқанд: «Имом ал-Бухорий республика илмий-маърифий маркази», 2007. 236.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛАЗИЗ АЛ-УШНАҲИЙ

عبد العزيز الأشنهي

Абу-л-Фазл Абдулазиз ибн Али ал-Ушнаҳий аш-Шофеъий (? – тахм. 550/1155, ?)

Шофеъий фақиҳи

Али ибн Исҳоқ Иброҳим ибн Али ал-Файрузободийдан *фиқҳ* илмини ўрганган ва унинг ҳузурида *фақиҳ* бўлиб етишган. Абу Жаъфар ибн Муслимадан ҳадис тинглаган.

Ас.: «*Ал-Фарāиз ал-Ушнаҳӣйа*» («Ал-Ушнаҳийнинг фароиз илмига доир асари»).

Ад.: *Ўрта Осиё олимлари қомуси.* – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. 38.

АБДУЛАЗИЗ ҚОРИ ОТА

عبد العزيز قارى

(1902, Андижон – 07.08.2006, Тошкент)

Қуръон ҳофизи



Ҳофизи каломуллоҳ Абдулазиз қори Андижон вилоятининг Хонобод мавзеида туғилган. Отаси мулла Маҳмуд Бухорода таҳсил олган, бобоси Шомирза ҳожи эса *ҳаж*га бориб, Маккада яшаб қолган таниқли олим эди. Болаликдан ўткир зеҳнли, фаросатли, заковатли бўлиб ўсган А.Қ. ота-она даъвати туфайли Қуръонга муҳаббат қўяди, ўн уч ёшида Каломуллоҳни ёд олиб, Қуръон ҳофизи бўлиб етишади. А.Қ. мадраса таълимини Бухорода олади.

А.Қ. ота ҳикоя қилишича, большевиклар Бухорода кўз кўриб, қулоқ эшит-

маган қатлиомни бошлаб юборади. Машҳур уламолар, шайхлар, мударрис ва дин арбоблари йўқ ердаги баҳоналар б-н йўқотилади. Шайхул-ислом ва номдор уламою қорилардан беш юз кишининг рўйхати тузилиб, ёппасига қамоққа олинади. Натижада ўнлаб мураттаб қорилар, ўлканинг булбул ҳофизлари ҳалок бўлишади ёки умрлари қамоқхоналарда хазон бўлади. Шундан кейин у Андижонга қайтади. Устози Рўзи қори домла қўлида икки йилга етиб-етмай Қуръони каримни ҳифз қилишни такомилига етказиб, мураттаб қори бўлиб етишади.

1927 й. А.Қ. устози Рўзи қори ортидан Қашқарга кўчиб бориб, илм таҳсилини давом эттиради ва ўттиз икки йил Қашқарда қолиб кетади.

А.Қ. ота узоқ муддат мусофирликда яшаса-да, бир жойда муқим турмайди. Уйғур ўлкаси туманларини кезиб, қанча-қанча қардошларининг Қуръон саводини чиқаради, ўнлаб мураттаб қорилар тайёрлайди. Айни пайтда *пири муршид*лардан устози, юз ёшдан ўтиб вафот этган Қосим эшон, Бухоронинг сўнгги қозиси Бақохон домла, Абдуллоҳ Хўжандий каби мўътабар кишилар хизматларини қилиб, дуоларини олади. Қирқ йил Маккада, йигирма беш йил Деҳлида яшаган Қосим эшон Ислом оламида машҳур *тасаввуф* шайхларидан эди. Яна бир устози Абдуллоҳ қори Хўжандий етмиш йил Маккада мударрислик қилган, ўша жойда хатми кутубни тугаллаган, Қуръон илмидан ташқари, *тафсир*, ҳадис илмларини ҳам пухта эгаллаган йирик олимлардан эди. Ўша вақтда Қашқарни «Шарқий Туркистон Бухороси» деб улуғлашарди. Қашқар уламолар, машҳур қорилар ватанига айланган эди.

1959 й. А.Қ. устози Рўзи қори вафотидан сўнг, Қашқарда ҳам сиёсий вазият ўзгарганлиги сабаб Тошкентга қайтади. Бу ерда ҳали динга, диндорларга муносабат олдингидан яхши эмас эди. Исломий илм аҳллари, уламолар ҳамон таъқиб остида эдилар. 1975 й.га келибгина илк бор Тошкентдан мураттаб қори чиқади. Бунда А.Қ. отанинг ҳам катта ҳиссаси бор эди.

А.Қ. ота 2006 й. 7 авг. куни бир юз тўрт ёшда вафот этди.

Ад.:http://www.quran.uz/qiroat/qorilar-tarixi/. https://azon.uz/content/views/uzbek-qorilari-tarihi.

Нурислом Тўхлиев

АБДУЛАЗИЗ АЛ-ҲАЛВОНИЙ

عبد العزيز الحلواني

Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамсул-аимма ал-Ҳалвоний ал-Бухорий (? – 448/1056 ёки 456/1064, ?)

Фақиҳ, муфтий

Абдулазиз ал-Ҳалвоийнинг таваллуд санаси номаълум. Дастлаб Бухорода машҳур олим Хизр ан-Насафийдан *фиқҳ* илмидан сабоқ олади. Кейинчалик, узоқ мамлакатларга сафар қилиб, билим ва тажриба тўплаган А.ал-Ҳ. «Шамсул-аимма» («Имомлар қуёши»), деган юксак эътирофга сазовор бўлган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Ас-Сарахсий, Фахрул-ислом ал-Паздавий ва унинг биродари Абу-л-Йуср ал-Паздавий, аз-Заранжарий, ал-Андоқий Абу-л-Музаффар Абдулкарим ибн Абу Ҳанифалар ундан таълим олганлар.

А.ал-Ҳ. Мовароуннаҳр муфтийси бўлган. Унинг фаолияти *қорахонийлар* ўз пойтахтини Ўзганддан Самарқандга кўчирган пайтига тўғри келади. Ўша вақт *ҳанафий мазҳаби* уламолари ҳукмдорларнинг баъзи ишларини танқид қилиб, уларни Ислом дини арконларига риоя қилишга чақирар эдилар. А.ал-Ҳ.нинг жиддий танқидлари ҳокимият вакилларига ёқмай қолади ва у Кеш ш.га сургун қилинади.

А.ал-Ҳ.нинг «ал-Ҳалвоний» ёки «ал-Ҳалвоий» тахаллуси унинг ота касби ҳолвачилик бўлганлигидан далолат беради. Илмий фаолияти кўпроқ Бухорода кечганлиги у-н А.ал-Ҳ. номига ал-Бухорий нисбасини ҳам қўшиб ёзадилар.

Тарихий манбаларда унинг Кешда вафот этганлиги, сўнгра Бухорога келтириб дафн қилинганлиги қайд этилган. Аммо кейинги изланишлар олимнинг мақбараси Қарши туманидаги Қавчин қишлоғида эканлигини кўрсатади.

Ас.: *«Ал-Мабсўт»*, *«Ан-Навадир»*, *«Ал-Фатава»*, *«Шарҳ адаб ал-қазий»* (Абу Юсуфнинг *«Адаб ал-қазий»* асарига ёзилган шарҳ) ва б.

Ад.: Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музийя.* – Қоҳира: «Дор ал-ҳижр», 1993. 54; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам.* – Байрут: 2002. IV, 13; Аз-Заҳабий. *Сийар.* 1985. XVIII, 178, 488; Н. Муҳаммадиев. *Насаф ва Кеш алломалари.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2006. 29; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 525.

АБДУЛАЗИЗХОН
عبد العزيز خان

Абдулазизхон
ибн Убайдуллоҳхон Шайбоний
1533 й.дан Бухоро амири,
1540–1550 й. Мовароуннаҳр хони

Шоҳ ва шоир. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорийнинг *«Мухтасар ал-виқая»* асарининг назмий шарҳи муаллифи. *Таҳорат*, *намоз*, *мерос*, *никоҳ* ва б. *фиқҳий* қоидаларни осон эслаб қолиш учун соддалаштирилган усулда баён қилувчи мазкур шеърий шарҳини *«Туҳфа ал-фуқаҳа»* деб номлаган.

Замондошларининг сўзларига кўра, А. олиму шоирларнинг ҳомийси бўлган, насх хатида моҳирона ёзган ва Азизий тахаллуси б-н шеърлар ижод қилган. А. ўзини *нақшбандийя тариқати* ахлоқини мужассамлаштирган одоб ихлосманди деб ҳисоблайди. Нақшбандий шайхи Жалолуддин ал-Ҳаравий ал-Бухорий (ваф. 1550) унинг маънавий устози бўлиб, хонни давлатни шариат асосида бошқаришга ва мусулмонларнинг фаровонлигини таъминлашга чақирган. Шайх Жалолуддин *муҳаддис* сифатида машҳур бўлиб, А.га ҳадисшунослик асосларидан таълим берган ҳамда хон ҳузуридаги мажлисларда ҳадис шарҳлаган.

Нақшбандийлик ахлоқи ва қоидаларига ҳурмат б-н қараган А., ўз устози ва Баҳоуддин Нақшбанд қабри устига хонақоҳ, ҳовуз ва зиёратчилар учун махсус жойлар қурдиради. Шайх Жалолуддин Мавлоно Жомийнинг (в. 1598 й.) дўсти бўлган Муҳаммад Ружийнинг шогирди бўлган.

Бундан ташқари, А. *кубравийя тариқатининг* шайхи ҳисобланган Насруддин Охунддан ҳам таълим олган. Шунингдек, у Сафиййуддин Муҳаммад Ҳанифийнинг шогирди Мир Абу-л-Бақодан ҳам таълим олган. Хоннинг биографи бўлган Ҳасан Хожа Нисорийнинг сўзларига кўра, А. бир неча хат турларини билган, ўз шеърларини ва ҳадисларни насх хатида кўчирган. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, 8-10 мингдан ортиқ *фиқҳ*, *калом*, ҳадис, ҳандаса, шеърий асарлар, тиббиёт, доришунослик, хаттотлик, миниатюра санъатига оид қўлёзмаларни ўз ичига олган машҳур Бухоро шайбонийлар кутубхонаси А.нинг алоҳида эътибор ва ҳомийлиги остида бўлган. Бу кутубхонанинг асосини темурий султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонаси ташкил этган бўлиб, уни А.нинг отаси Убайдуллоҳхон (1512–1539) Ҳиротни босиб олган вақтида қўлга киритган. Кутубхона Бухорога кўчганидан сўнг, янги китоблар б-н бойитилган. Бу ерда Қуръон, *фиқҳий* китоблар, хаттотлик дарсликларининг нусхалари кўчирилган. Кутубхона раҳбари настаълиқ, райҳоний, насх, сулс ва б. бир неча турдаги ёзувларни билган машҳур хаттот Амир Али Ҳусайн эди. Кутубхона муҳофизи Султон Мирак Мунший бўлган. Бу кутубхона хонликнинг маданий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ҳозирда мазкур кутубхонанинг кўплаб нодир қўлёзма манбалари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти, Франция, Буюк Британия кутубхоналарида сақланмоқда. Кутубхона қошида хаттотлик ва миниатюра мактаби мавжуд бўлиб, ўз даврида у мазкур санъатнинг Марказий Осиёда энг машҳур марказига айланган. Ушбу марказ

хаттотлари (Мир Шайх инилар, Абдуллоҳ Парроний, Абдуллоҳ Бухорий, Султон Мирак Мунший, Мавлоно Мир Али котиб, Насимий ва б.) ўз номларини Бухородаги кўплаб меъморий ёдгорликларда қолдирганлар. Бу ерда жаҳон тамаддунига ўзларининг санъат асарлари б-н салмоқли ҳисса қўшган машҳур миниатюра усталари меҳнат қилганлар. А. даврида Бухоро ш. тубдан янгидан бино қилинган. Бу ерда қатор хонақоҳлар, масжидлар, савдо расталари, ҳаммомлар барпо қилиниб, мадраса, масжидлар, шаҳар деворлари, дарвозалари таъмирланган.

Ад.: Ҳасанхожа Нисорий. *Музаккири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси).* – Т.: «А. Қодирий нашриёти», 1993. 40–47, 154–155, 162–164; *Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар.* Альбом. – Т.: «Фан», 1982; О.Ф. Акимушкин. *Библиотека Шайбанидов в Бухаре XVI в. // ИАН Республики Таджикистан. Серия: востоковедение, история, филология.* – Душанбе: 1992. I, 369–370; *Биобиблиографический словарь среднеазиатской поэзии (XVI – первая треть XVII в.*). Bibliotheca Islamica. – М.: Изд. дом «Марджани», 69–74.

Бахтиёр Бобожонов

АБДУЛАЗИЗХОН
عبد العزيز خان
(1614 – Балх – 1681)
Бухоро хони (1645)

Абдулазизхон – *аштархонийлар* сулоласидан. Надр Муҳаммадхоннинг катта ўғли. 1626 й.дан Хутталон ҳокими, 1630 й.дан Балхнинг ғарбий туманлари ҳокими. 1645 й.дан Бухоро хони. А. марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган, мамлакат ободончилигига бирмунча ҳисса қўшган. Бухорода кўпгина муҳташам бинолар қурдирган (Абдулазизхон мадрасаси ва б.лар).

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 19.

АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИ
مدرسة عبد العزيز خان

Абдулазизхон мадрасаси – Бухородаги меъморий ёдгорлик. Қўш иморат ансамблнинг жан. томонида меъмор Мимхоқон ибн Хожа Муҳаммадамин томонидан 1652 й.да қурилган. Улуғбек мадрасасининг (1419) қаршисида. Мадраса тузилиши оддий ва ҳужралари икки ошёнли. Чорси ҳовлининг ҳар тарафи ўртасида пештоқли айвон бор. Умуман, мадраса безаклари юксак санъат ва маҳорат б-н ишланган. Катта пештоқ нафис ва нодир кошинкори нақшлар б-н зийнатланган. Ислимий нақшлар қаторида афсонавий жониворлар тасвири ҳам берилган. Мадраса ҳужралари, айниқса, жан. айвон пештоқи турли-туман нақшлар б-н безатилган. Гумбаз шипининг ганчли муқарнаслари орасида ислимий нақшлар ва зарҳал безаги бор. Ҳужра деворларида табиат манзаралари ва иморатлар тасвири ҳам учрайди. Нақшлар, асосан, мовий ранг бўёқлар б-н чизилган. Асосий ўлчами: атроф айланаси 50×67 м, ҳовли – 28×35 м. Мадраса 17-а. Бухоро маҳобатли меъморлигининг етук намунасидир. Мадраса, асосан, жузъий таъмирлар (пештоқ муқарнасини Уста Ширин Муродов таъмирлаган) асосида тартибга келтирилган. Ҳовлисида сайёҳлар учун миллий мусиқа ва фольклор томошалари кўрсатилади. Шим.-шарқий бурчагидаги миёнсаройда Бухоро ёғоч ўймакорлиги намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилган.



Абдулазизхон мадрасаси. Бухоро

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 19.

АБДУЛАЗИЗХЎЖА МАДРАСАСИ
مدرسة عبد العزيز خواجه



Абдулазизхўжа мадрасаси. Қарши

Абдулазизхўжа мадрасаси – Қаршидаги меъморий ёдгорлик (1909). Маҳаллий меъморий анъаналарнинг соддалаштирилган шаклида ғишт, ганчдан қурилган; чортоқтарҳли (26×24 м), мурабба ҳовлили (14×14 м). Икки қаватли дарвозахона – пештоқнинг икки ёнида ҳужралар бор. Бинонинг икки ён бурчагида деворга туташтириб икки бурж қурилган. Қанотларнинг биринчи қаватига юза, иккинчи қаватига эни кенг равоқ ишланган. Масжид ва дарсхоналар гумбаз томли. Ҳовли балхи гумбазли ҳужралар б-н ўралган. Мадраса деярли безаксиз.

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 20.

АБДУЛАЛИ ИБН МУҲАММАД АЛ-БИРЖАНДИЙ
عبد العلىّ بن محمد البرجندي

Абдулали ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Биржандий ал-Ҳанафий
(?, Биржанд – 932/1526 ёки 935/1528, Машҳад)

Фақиҳ, астроном ва математик

Абдулали ибн Муҳаммад ал-Биржандий Улуғбек мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан, астроном ва математик олим, шунингдек, *ҳанафий фақиҳ*ларидан бири. Туркистоннинг «Биржанд» деган жойига нисбат берилган. А.и.М.ал-Б.нинг таваллуд санаси ва ҳаёти ҳақида етарли маълумотлар топилмади.

А.и.М.ал-Б. Эроннинг Машҳад ш.даги «Қатлгоҳ» мақбарасига дафн этилган.

Академик Т.Н. Қори-Ниёзийнинг ёзишича, аллома Улуғбек мактаби намояндаларидан Муъинуддиннинг ўғли Мансур ал-Кошийнинг шогирди бўлган. А.и.М.ал-Б.нинг илмий фаолияти унинг бизгача етиб келган илмий асарлари б-н анча ойдинлашган.

Ас.: *«Шарҳ Зижи Кўрагоний»* («Кўрагоний зижига шарҳ»). Асар Улуғбекнинг астрономия жадвалига ёзилган мукаммал шарҳ бўлиб, А.и.М.ал-Б. уни 929/1522 й. ўз қўли б-н форс тилида ёзган. Кўпгина шакллар чизилган бу шарҳнинг дастхат нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда (инв. рақам 704).

Қозизода Румийнинг «*Чағминий астрономик рисоласи*»га ёзган шарҳларини изоҳлаган. Бу асарнинг бир қанча қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган бўлиб,



Абдулали ибн Муҳаммад ал-Биржандийнинг *«Шарҳ Зижи Кўрагоний»* асари қўлёзма нусхаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақам 704



Абдулали ибн Муҳаммад ал-Биржандийнинг *«Шарҳ ат-таҳрир Мажастӣ»* асари қўлёзма нусхаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақам 464

жумладан, бир нусхаси Санкт-Петербург Шарқшунослик ин-тида (инв. рақам 126/2), яна бир нусхаси Саудия Арабистонининг «Марказ ал-малик Файсал лил-буҳус ва-д-диросот ал-исламийя» кутубхонасида сақланмоқда.

А.и.М.ал-Б. *«Шарҳ ат-таҳрир Мажастӣ»* («Мажастий таҳририга шарҳ») асарининг кириш қисмида ёзишича, Птолемейнинг (мил.гача бўлган 2 а.нинг 1-ярми) «Мажастий» номли асарини Насируддин ат-Тусий (ваф. 672/1274 й.) *«Таҳрир ал-Мажастӣ»* номи б-н араб тилида баён қилган. Бу *«Таҳрир»*да ва унга Низомуддин ал-Ҳасан ан-Найсобурий (ан-Нишопурий)нинг ёзган шарҳида кўпгина изоҳ талаб сирли, қоронғи истилоҳ ва иборалар борлиги учун А.и.М.ал-Б. уни қайта шарҳлаган. Араб тилида қилинган А.и.М.ал-Б. шарҳининг бир нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда (инв. рақам 464).

«Шарҳи китоби бист боби устурлоб дар маърифати аъмоли устурлоб» («Устурлоб ишларини билиш ҳақида йигирма бобли устурлоб китобига шарҳ») асарида А.и.М.ал-Б. устурлобни батафсил шарҳлайди ва уни астрономиянинг турли масалаларига қўллаш лозимлиги баён этилган. Бу асар бир неча қўлёзма нусхада бизгача етиб келган бўлиб, улардан бири Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда (инв. рақам 1854).

«Рисола дар маърифати тақвим» («Йил ҳисобини билиш ҳақида рисола»). Бизгача етиб келган бу асар форс тилида ёзилган.

Ад.: Аз-Зириклий. *Ал-Аълам.* – Байрут: 2002. IV, 30; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифин.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос ал-ъарабий», 2009. V, 266; И. Абдуллаев, Ҳ. Ҳикматуллаев. *Самарқандлик олимлар.* – Т.: «Фан», 1969. 63; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 51–52.

АБДУЛАҲАД ДОВУД

عبد الأحد داود

(1866, Эрон – тахм. 1930, Америка)

Роҳибликдан мусулмонликни қабул қилган ва христианликка раддия ёзган теолог

Асл исми – Давид Бенжамин Халдоний. Эроннинг Урмия шаҳридан. Илк сабоғини ўша ердаги Америка коллежида олган. 1886–1889 й.лар мобайнида Урмиядаги Осурий христианларига (Настурий христианларининг католикликни қабул қилмаганлари) хитоб қилган Кантербурий архиепископининг ўқитувчиларидан. 1892 й.да кардинал Ваугхан томонидан Римга юборилган. У ерда Propaganda Fide College католик мактабида фалсафа ва илоҳиёт тадқиқотлари дарсларини тинглаган. Айни вақтда «The Tablet» номли журналда «Асур, Рим ва Кантербурий», шунингдек, «Irich Record» журналида «Тавротнинг сиҳати» номли қатор мақолалар ёзган. «Ave Maria»дан турли тилларга қилган таржималари «Illustrated Catholic Missions» журналида чоп этилган. 1895 й.да роҳиб бўлади. Ўша йили Эронга сафар қилиш чоғида Истанбул ш.га келиб, «The Levant Herald» нашриё-

тида Шарқ черковлари ҳақида инглиз ва француз тилларида катта мақоласини нашр эттиради. 1895 й.да Урмиядаги француз лазаристик миссиясига қўшилади ва ушбу миссия тарихида илк маротаба муомалада бўлган сурёний тилида «Qala-La-Shârâ» («Ҳақиқат овози») номли журналга асос солади.

А.Д. 1898 й.да Эронга қайтиб, Урмия ш.га яқин жойлашган туғилган қишлоғи Дигалада пулсиз мактаб очади. Бир йилдан сўнг Шарқ черкови архиепископи Худобош б-н лазарист руҳонийлари ўртасидаги ихтилофнинг кучайиши сабабли Селмас епархиясининг бошқарувини қўлга олиш учун у ерга жўнатилади. У ердагиларни католик, англикан ва американ миссияларининг жойлардаги сурёний-халдоний жамоатига қарши хавфли муносабати ҳақида огоҳлантиради. 1899 й.да мазкур миссияларга рус миссияси ҳам қўшилади. Америка, Франция, Англия, Германия ва Россия миссияларининг қарийб юз минг атрофидаги сурёний-халдонийларни несторианликдан чиқариб ўз черковларига бириктиришлари Давид Бенжаминнинг христианликка нисбатан фикрини ўзгартиришига ва унинг христиан муқаддас китоблари асл матнларини қайта ўрганишига сабаб бўлади. 1900 й.да Урмия Шарқ черкови архиепископига расмий истеъфо сўраб хат юборади ва роҳиблик вазифасидан бўшайди. Черков ходимларининг А.Д.ни бу қароридан воз кечиши учун қилган барча уринишлари самарасиз кетади. А.Д. Табризда бельгияликлар бошқарувидаги Эрон почта ва божхона идораларида бир неча ой тафтишчилик қилганидан сўнг, ўқитувчи ва таржимон сифатида валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Али Мирзонинг хизматига ишга олинади. У 1903 й.да Англияга сафар қилиб унитарианизм (христиан динидаги таслис (учлик)ни рад этган *мазҳаб*) жамоатига қўшилади. Бир йилдан сўнг «Инглиз ва ажнабий унитарианлар бирлиги» (British and Foreign Unitarian Association) томонидан ўз юртидаги халққа таълим бериш вазифаси б-н Эронга юборилади. Йўлда Истанбулда тўхтайди. У ерда шайхул-ислом Жамолуддин Афанди ҳамда бошқа олимлар б-н олиб борган музокаралар оқибатида мусулмон бўлади ва Абдулаҳад Довуд исмини олади.



Абдулаҳад Довуднинг *«Инжйл ва Салйб»* асари

1905 й. 19 сент.да «Дор аш-шафақ»қа муаллим ва коммендант этиб тайинланади. Бироқ 1906 й.нинг 14 окт.ида бу вазифасидан олинади. Бир муддат маориф тафтиш анжуманида ишлайди. 1914 й. 16 майда *фатво* идораси котиблигига ишга киради. Шу йилнинг 30 авг.ида «Жаридаи ъилмийя» мажмуасининг таҳририятига тайинланади. Истанбулдаги ҳаёти ташвишлар б-н ўтган А.Д. 1914 й.да мазкур вазифаларидан айрилиб, Америкадаги оилалик қизининг ёнига кетишга мажбур бўлади. Эътиқодини ўзгартириб мусулмон бўлгани учун атрофидаги христианлар ва қариндошлари томонидан яхши қабул қилинмаган, ўз қизи томонидан ҳам эътибор кўрмаган А.Д. қариялар уйидан жой олади ва ўша ерда вафот этади. Ўлими тарихи аниқ бўлмаса-да, 1926–1930 й.лар орасида «Islamic Review»да нашр этилган баъзи мақолаларига асосан 30-й.ларда ҳам ҳаёт бўлгани тахмин қилинади.

Инглиз, француз, итальян, лотин ва форс тилларини билган А.Д. мусулмон

бўлганидан сўнг ёзган асарларидан бири – *«Инжил ва Салиб»* (Истанбул, 1929)да христианлик эътиқодидан чиқиши сабабларини баён қилган. Тадқиқотлари натижасида, Исо (а.с.) нинг хочга михланиши, ўликлар орасидан тирилгани ҳақидаги ривоятлар уйдирма экани, тўрт *Инжил* Исо (а.с.) нинг асари эмаслиги, мазкур китоб унинг давридан анча кейин, *ҳаворийлар* вафотидан кўп йиллар ўтиб ёзилгани ҳамда бизгача ўзгартирилган ҳолда етиб келганини маълум қилган. У асарда «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар эканини бутун вужудим ила эътироф этишга мажбур бўлдим» деб, самимий эътирофини келтиради. Бошқа асари *«Асрар Исавийа»*да (Истанбул, 1932) христиан миссионерининг мусулмон бўлганини тушунтирар экан, миссионерларнинг ички дунёсини намоён қилади ва улар эътиқодини таҳлил қилиш орқали фаолият олиб борган ўлкаларидаги салбий таъсирлари ва зарарларини кўрсатиб беради. Бу асар М. Шевкет Айги томонидан баъзи иловалар б-н *«Исломиятнинг зафари»* номи остида нашр эттирилган (1975). Турли даврларда нашр қилинган мақолалари *«Muhammad in the Bible»* номи б-н бир жилдда нашр эттирилган (Доҳа, 1400/1980). Бу китобни Нусрат Чам *«Таврот ва Инжилга кўра Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)»* (Tevrat ve İncil'e Göre Hz. Muhammed (a.s.) номи б-н турк тилига таржима қилган (Измир, 1988).

Ад.: Abdülahad Dâvûd. *İncil ve Salîb.* – İstanbul: 1329; ўша муал. *Esrâr-ı İseviyye.* – İstanbul: 1332; ўша муал. *Muhammad in the Bible.* – Doha: 1980, 7–10; Abdurrahim Zapsu. *Büyük İslâm Tarihi.* – İstanbul: 1955. I, 60, 64; Mehmet Aydın. *Müslümanların Hristiyanlığa Karşı Yazdığı Reddiyeler ve Tartışma Konuları (doçentlik tezi, 1979).* AÜ İlâhiyat Fak., 92; Sadık Albayrak. *Son Devir Osmanlı Ulemâsı.* – İstanbul: 1980. I, 54; Ömer Faruk Harman. *«Abdülahad Dâvûd». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 177–178.

Умар Форуқ Ҳарман

АБДУЛБОСИТ МУҲАММАД АБДУССАМАД

عبد الباسط محمد عبد الصمد

Абдулбосит Муҳаммад ибн Абдуссамад ибн Сулайм (1.01.1927, Миср – 30.11.1988, Қоҳира)

Қуръон ҳофизи, қори



Ўзбекистонда Абдулбосит Абдуссамад номи б-н танилган. Ўн ёшида Қуръонни ёд олган.

Қорилар устози, довудий овоз соҳиби Абдулбосит Муҳаммад Абдуссамад 1927 й. Миср жан.идаги Кино вилоятига қарашли Армант туманидаги Муроаза қишлоғида дунёга келган. Бобоси Абдуссамад ҳам, отаси Муҳаммад Абдуссамад ҳам Қуръон ҳофизи ва тажвид билимдони сифатида танилган эдилар. Онаси мисрлик бўлган. Акалари Маҳмуд б-н Абдулҳамид ҳам ҳофиз бўлганлар. А.М.А. ўн икки ёшида Муҳаммад Салим тавсияси б-н Кино вилоятининг турли жойларида Қуръон ўқиб юрди. Унинг ноёб истеъдоди маҳаллий халқ орасида кенг тарқалади.

Ўн тўрт ёшида Асфун ал-матоинада Муҳаммад Салим Ҳамодадан Қуръон илми ва *қироати сабъа*ни, кейинроқ Қоҳирада ал-Маъҳад ал-Азҳарийя мудири Абдулфаттоҳ ал-Қозийдан *қироати ашара*ни ўрганган.

А.М.А. бу ҳолатни қуйидагича эслайди: «Ўн ёшга етганимда Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб бўлган эдим. Отам транспорт вазирлигида ишлар,

бобом эса олим эди. Улардан Қуръон илмларини ўрганмоқчи бўлдим, аммо улар устоз Муҳаммад Салимдан таълим олиш учун Танта музофотига боришимни айтишди. Ҳузурларига бориб, Қуръони каримни тўлиқ ўқиб бердим. Сўнгра етти хил *қироат*га доир «*Шатибийя*» матнини ёддан айтиб бердим».

1950 й. А.М.А. Мадинага келади. *Сайийда Зайнаб масжид*ида у Абдулазиз Зоҳир, Абдулфаттоҳ аш-Шошоий, Мустафо Исмоил каби машҳур қорилар б-н учрашади. А.М.А.га ҳам Қуръони Каримдан ўнта оят ўқишига изн берилади. Бироқ, унинг *қироат*и бир соатдан ортиқроқ давом этади.

1951 й. Қоҳирага бориб, Саййида Зайнаб, Имом аш-Шофеъий, Имом ал-Ҳусайн, Султон Абу-л-Аъло ва Имом ар-Рифоъий жомеларида қорилик қилади. Ўша йили мамлакат бош вазирининг таклифи б-н Қоҳира радиосида Қуръон ўқишни бошлайди. Ёқимли овози ва ўқиш услуби кўпчиликни ўзига жалб қилиб, омма орасида шуҳрат қозонади ҳамда Қоҳирада яшаб қолади. А.М.А. уюштирилган турли диний, миллий байрам ва маросимлар муносабати б-н давлат раҳбарлари, вазирликлар, махсус ташкилотларнинг таклифига биноан Ўрта Шарқ давлатлари, Африкадан Узоқ Шарққача бўлган исломий мамлакатлар, АҚШ ва Европанинг айрим давлатларига бориб Қуръон ўқиган. Борган баъзи мамлакатларининг давлат раҳбарлари ёки вазирлари томонидан турли мукофотлар б-н тақдирланган. Унинг Париж, Лондон, Қуддусда қилган *қироат*ларини эшитиб лол қолган бир қанча ғайримуслимлар Исломни қабул қилиш истагини билдиришган. Шайх кўпгина давлатлар, хусусан, Сурия, Ливан, Сенегал, Малайзия давлатлари мукофоти б-н ҳам тақдирланган.

1952 й., рамазон ойида А.М.А.га дунёнинг турли мамлакатларидан Қуръонни хатм қилиш истаги билдирилган таклифлар кела бошлайди. Таклифлар орасида ҳеч бўлмаганда бир марта ташриф буюриши сўралади. А.М.А. шу йил отаси б-н бирга ҳаж қилиш учун Саудия Арабистонига боради. Ислом ватанида унинг бу зиёратини Аллоҳнинг марҳамати деб билиб, ундан Қуръон *қироат* қилиб беришини илтимос қилинади. У бу хайрлик ишга розилик билдириб, *Масжид ал-Ҳаром, Масжид ан-Набавий* ҳамда бир қанча масжидларда Қуръон тиловат қилади.

1982 й.дан умрининг охирига қадар Имом ал-Ҳусайн жомеида қори лавозимида ишлаган. 1983 й. парламент томонидан ташкил қилинган Қуръони карим ҳофиз ва қорилари уюшмаси (Ниқобат муҳаффизий ва қурро ал-Қуръан ал-Карим)га раҳбар этиб тайинланади. Ал-Мақориъ ал-Мисрийяда ҳам шайхлик қилади.

А.М.А. Қуръони каримни тиловат қилишда Миср услубининг йирик намояндаларидан ҳисобланади. Дунёнинг турли минтақаларидаги мусулмонлар унинг *қироат*ини завқ ва ҳаяжон б-н тинглашган. Хусусан, баланд овозда узоқ тиловат қилиши б-н танилган. А.М.А. Қуръони каримни Миср, Саудия Арабистони ва Қувайт давлат радиоларига *Осим қироат*нинг Ҳафс ривоятида, Фос радиосига эса, *Нофеъ қироат*нинг Варш ривояти бўйича тартил услубида тўлиқ ўқиган ва *қироат*и магнит тасмаларга ёзилган.

Ад.: Аҳмад аш-Шарқовий, Исмоил Абдурразоқ. *Савт мина-с-сама ал-қари аш-шайх Абдулбасит Абдуссамад.* – Қоҳира: 1966; Ahmet Özel. *«Abdüssamed, Abdülbâsıt Muhammed». TDV İA* – İstanbul: 1988.I, 300; www.quran.uz/qiroat/qorilar-tarixi/73.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛБОҚИЙ БОЙҚАРО

عبد الباقي بايقرى

(қ. БОЙҚАРО, Абдулбоқий)

АБДУЛБОҚИЙ ИБН ҚОНЕЪ
عبد الباقي بن قانع
(қ. ИБН ҚОНЕЪ)

АБДУЛБОҚИЙ, ЛАЪЛИЙЗОДА
عبد الباقي لعلي زاده
(қ. ЛАЪЛИЙЗОДА)

АБДУЛВАДУД АҲМАД
عبد الودود أحمد
Абдулвадуд Аҳмад
ибн Абдулвосеъ аш-Шоший
(14-а.)
Тошкентлик хаттот

1339 й. Хатиб ат-Табризийнинг *«Мишкāт ал-масāбīҳ»* («Чироқлар токчаси») ҳадислар тўпламини насх хати б-н кўчирган. Бу қўлёзма ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланади.



Абдулвадуд Аҳмад ибн Абдулвосеъ аш-Шоший кўчирган Хатиб ат-Табризийнинг *«Мишкāт ал-масāбīҳ»* ҳадислар тўплами қўлёзма нусхаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақам 5852

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 20.

АБДУЛВАҲҲОБ ИБН АЛИ
عبد الوهاب بن علي
(қ. ҚОЗИ АБДУЛВАҲҲОБ)

АБДУЛВАҲҲОБ ИБН АТО АЛ-ХАФФОФ
عبد الوهاب بن عطاء الخفاف
Абу Наср Абдулваҳҳоб
ибн Ато ал-Хаффоф ал-Басрий
(?, Басра – 204/819–20, Бағдод)
Муҳаддис

Куняси – Абу Наср ал-Басрий. Бағдодда яшаган. *Бани Ижл қабиласи*нинг мавлоси бўлгани боис «ал-Ижлий» нисбаси б-н ҳам зикр қилинади. «Косиб» маъносини англатувчи «ал-Хаффоф» нисбаси унинг лақаби бўлиб, мазкур лақабни нима сабабдан олгани номаълум. Машҳур *муҳаддис* Саъид ибн Абу Арубанинг ҳадисларини яхши билгани, унинг дарсларига кўп йиллар давомида қатнагани ва устозининг китобларини ёзиб олиб талабаларга ўргатгани б-н машҳур бўлган. А.и.А.ал-Х. шунингдек, устозидан ҳадис ҳам ривоят қилган. Ҳумайд ат-Тавил, Саъид ал-Жазирий, Сулаймон ат-Таймий, Ибн Авн, Холид ал-Ҳузоий, Савр ибн Язид, Саъид ибн Абу Аруба, Муҳаммад ибн Амр ибн Алқама, Абу Амр ибн ал-Ало, Имрон ибн Ҳудайр, Ибн Журайж, Молик ибн Анас каби *муҳаддис*лардан ҳадис ўрганган.

Муҳаддис, етти қироат имомларидан бўлган Абу Амр ибн Алодан ҳадислар ва *қироат* услубини ривоят қилган. Ундан Аҳмад ибн Ҳанбал, Амр ан-Ноқид, ал-Ҳасан ибн Муҳаммад аз-Заъфароний, Аббос ад-Даврий, Яҳё ибн Жаъфар ал-Барқий, Ҳорис ибн Абу Усома, Яҳё ибн Маъийн, Амр ибн Зирора ан-Найсобурий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ, Абу Савр Иброҳим ибн Холид ал-Калбий, Иброҳим ибн Саъид ал-Жавҳарий, Исҳоқ ибн Мансур, Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Анборий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Аввом

ал-Раёҳий, Яҳё ибн Абу Толиб каби *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар.

Унинг *муҳаддис*лар орасидаги мартабаси турлича баён қилинган. Яҳё ибн Маъийн, ад-Дорақутний, Ҳасан ибн Суфён каби *муҳаддис*лар уни ишончли *ровий* эканини маълум қилганлар. А.и.А.ал-Х.ни яқиндан таниган Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ҳам у ҳақда ижобий фикрларни билдирган. Имом ал-Бухорий ва ан-Насоийлар унинг ривоятларини «қувватли эмас», деганлар. Аҳмад ибн Ҳанбал унинг ривоятларини *заиф* санаган. Абдулмалик ал-Майманий ҳам устози Аҳмад ибн Ҳанбалдан ривоят қилиб, унинг ҳадислари *заиф, музтариб* деб, зикр қилган. Шамсуддин аз-Заҳабий унинг ривоят қилган ҳадисларини *ҳасан* даражасида қабул қилган. Усмон ибн Абу Шайба «Абдулваҳҳоб ибн Ато ёлғончи эмас, бироқ унинг ривоятларига суяниб бўлмайди», деган.

Ад.: Ибн Саъд. *At-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1968. VII, 335; Ал-Бухорий. *At-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. VI, 98; Аз-Заҳабий. *Сийар*. IX, 451–454; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. VI, 450–452; M. Yaşar Kandemir. *«Abdülvehhab b. Atā el-Haffāf»*. *TDV İA*. –İstanbul: I, 285; https://www.islamweb.net/newlibrary; https://ar.wikipedia.org/wiki; http://hadith.islam-db.com/narrators/5281.

Озодбек Алимов

АБДУЛВАҲҲОБ АС-СОБУНИЙ

عبد الوهاب الصابوني

Абдулваҳҳоб ибн Мустафо ибн Иброҳим ас-Собуний ал-Ҳамадоний (? – 954/1547, Мадина)

Мавлавий уламо

Нақшбандийя тариқати шайхининг ўғли. Баъзи манбаларда Абдулваҳҳоб ибн Жалолуддин Муҳаммад ал-Ҳамадоний деб ҳам зикр қилинган. *Сафавий*лардан Шоҳ Таҳмосбнинг Ҳамадонни ишғол этиши ҳамда *суннийл*арга нисбатан босим ўтказиши натижасида аввал Онадўлига, сўнг Дамашққа, у ердан эса Мисрга кўчиб кетган. «*Савоқиб ул-маноқиб*» номли асарини 947/1540 й.да Қоҳирада ёзган. Шоир ва библиограф Ҳасан Чалабий отаси Али Чалабийнинг А.ас-С. б-н Қоҳирада учрашгани ва яқин дўст бўлганлари ҳақида маълумот қолдирган.

Кейинчалик А.ас-С. ҳаж қилиш мақсадида Макка ва Мадинага сафар қилган. Бир манбага кўра А.ас-С. 954/1547-48 й.да Шомда, бошқа манбага кўра эса, айни шу йилда Мадинада вафот этган.

Тарихий манбаларда А.ас-С. қаламига мансуб «*Шарҳи муаммоёт Мир Ҳусайн*», «*Савоқиб ул-маноқиб*», «*Сирот ул-мустақийм*» ҳамда «*Навойи хурус*» номли тўртта форсий асарлари борлиги қайд этилган. Бизгача шоирнинг фақатгина «*Савоқиб ул-маноқиб*» асари етиб келган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, А.ас-С. мазкур асарни Аҳмад Афлокнинг «*Маноқиб ул-орифийн*» асари устида чуқур изланиш олиб бориб, унинг баъзи қисмларни чиқариб ташлаб, баъзи ўринларга янги маълумотлар ва изоҳлар киритган ҳолда ёзган. 1540 й.да ёзиб тугалланган ушбу асар муқаддима, ҳар бирига «Зикр» деб ном берилган тўққиз бўлим ва хотимадан иборат. «Зикр»ларда *мавлавийл*арнинг пешволаридан бўлган Баҳоуддин Валад, Саййид Бурҳонуддин, Мавлоно, Шамс ат-Табризий, Салоҳуддин Заркуб, Чалабий Ҳусомуддин, Султон Баҳоуддин, Чалабий Ориф, Шамсуддин Амир Чалабий ҳақида маълумотлар берилган. Асарнинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли кутубхоналарида, жумладан, Туркиянинг Сулаймония, Тўпқопи саройи музейи кутубхоналарида сақланади. Асар Дарвеш Халил Саноий ва Дарвеш Маҳмуд Деде томонидан турк тилига таржима қилинган.

Ад.: *Mevlâna'dan Hatıralar: Sevâkıb-ı Menâkıb*. – İstanbul: 1973. 2–3; Storey. *Persian Literature*. – London: 1972. I, 938; Ali Alparslan. *«Abdülvehhâb es-Sâbûnî»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 286–287; Abdülbâki Gölpınarlı. *Mevlânâ'dan Sonra Mevlevîlik*. – İstanbul: 1953. 15–16; https://www.worldcat.org/title/manaqib-al-arifin/oclc/145082294.

Азиз Тожиев

АБДУЛВАҲҲОБ ХАЛЛОФ
عبد الوهاب خلاف

(1888, Кафруззайёт – 1956, ?)

Мисрлик олим ва ҳуқуқшунос

Отасининг исми – Абдулвоҳид. 1915 й.да ал-Азҳар ун-тига қарашли «Мадраса ал-қазо аш-шаръийя»ни тамомлаган. Бир муддат мазкур мадрасада *усул ал-фиқҳ* мутахассиси сифатида мударрислик қилганидан сўнг, бир неча йиллар давомида шаръий маҳкамада қози бўлиб ҳам ишлаган. Кейинроқ шаръий маҳкаманинг тафтиш аъзоси этиб тайинланган. 1936 й.да Қоҳира ун-тининг ҳуқуқ факультети профессори этиб тайинланади ва нафақага чиқишига қадар ушбу вазифада хизмат қилади. А.Х. Араб тили академиясининг («Мажмаъ ал-луға ал-ъарабийя») аъзоси ҳам бўлган. Мазкур академиянинг аъзоси сифатида Қуръони карим луғатларини ишлаб чиқишда мутасаддилардан бири бўлган. Шунингдек, тақлид ва бидъатларга қарши чиққан А.Х., ўзи ишлаган таълим даргоҳларидаги дарсларида мазкур тушунчани қувватловчи ҳуқуқшунослар етишиб чиқишига ўз ҳиссасини қўшган. Ҳофизи Қуръон бўлган А.Х. исломий илмларнинг кўпгина соҳаларида салмоқли асарлар таълиф қилган.

Ас.: «*Илм усўл ал-фиқҳ*». Илк марта 1942 й.да Қоҳирада чоп этилган. Мазкур китоб тилининг соддалиги, кўпчилик томонидан ўзлаштирилишига қулайлиги туфайли кўпгина араб давлатларида дарслик сифатида қабул қилинган. Китоб тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда шаръий ҳукмлар олинадиган манбалар ҳақида, иккинчи қисмда шаръий ҳукмлар тўғрисида батафсил маълумот берилган. Учинчи қисм *усул ал-фиққ*нинг луғавий қоидаларига, тўртинчи қисм шаръий ҳукмлар чиқариш қоидаларига бағишланган. Ҳукм чиқаришдан мақсад, ҳукмларда Аллоҳнинг





Абдулваҳҳоб Халлофнинг «*Усулул фиқҳ*» асари. Тошкент нашри

ва мукаллафнинг ҳаққи, нималарда ижтиҳод қилиш мумкин?, ҳукмнинг насх бўлиши, ҳукмлардаги қарама-қаршилик ва уни ечиш каби қоидалар алоҳида боблар сифатида кенг ёритилган. Ушбу асар исломшунос олим Салоҳиддин Муҳиддинов томонидан 1997, 1999 й.ларда ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр эттирилган. «*Хулāса тарūх ат-ташрūъ ал-ислāмū*». 1968 й.да Қувайтда чоп этилган. «*Ас-Сийāса аш-шаръиййа*» (Қоҳира 1397/1977). Мазкур асар ал-Азҳар ун-тида ўқитилган дарслар қайдларидан иборат. Унда мусулмон давлатининг сиёсий, ҳуқуқий ва молиявий тузилиши ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида сўз боради. «*Аҳкāм алвақф*» (Қоҳира 1942). «*Ал-Аҳвāл аш-шахсиййа*». «*Аҳкāм ал-мавāрūс*». «*Масāдир ат-ташрūъ ал-ислāмū фū мā лā насса фūҳ*» (Қоҳира 1955). «*Ал-Ижтиҳāд ва-т-тақлūд*». «*Нўр мин ал-Қуръāн ал-Карūм*» (Қоҳира 1948). «*Нўр ъалā нўр*» (Қоҳира 1952). «*Ал-Ижтиҳāд би-р-раъй*» *(Қоҳира 1950).*

Ад.: Abdülmün'im Hallâf. «*Abdülvehhâb Hallâf*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 286; Абдулваҳҳоб Халлоф. *Усулул фиқҳ* (Ислом қонуншунослиги асослари). I-II қисмлар // Таржимон: С. Муҳиддинов. – Т.: «Адолат», 1997; Абдулваҳҳоб Халлоф. *Усулул фиқҳ* (Ислом қонуншунослиги асослари). III-IV қисмлар // Таржимон: С. Муҳиддинов. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1999; https://islom.uz/maqola/11511.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛВАҲҲОБ АШ-ШАЪРОНИЙ
عبد الوهاب الشعراني

(қ. аш-ШАЪРОНИЙ, Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад)

АБДУЛВОҲИД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ
عبد الواحد الجوزجاني

Абу Убайд Абдулвоҳид
ибн Муҳаммад ал-Жузжоний
Астроном ва математик

Ҳаёти ҳақидаги маълумотлар уни Ибн Синонинг яқин дўсти ва шогирди бўлганидан иборат, холос. Ушбу маълумотга асосан, улар ёшидаги фарқ унча катта бўлмагани ва Абдулвоҳид ал-Жузжоний ҳам 10-а. охирлари, 11-а.нинг биринчи ярмида яшаганини айтиш мумкин.

А.ал-Ж.нинг илм оламига қўшган энг катта хизмати Ибн Синонинг «*Китāб аш-шифā*» асари ва мазкур асар муқаддимасидан ўрин олган аллома автобиографиясини тегишли маълумотлар б-н тўлдирганидир. А.ал-Ж.нинг мазкур асарга ёзган сўзбошисидан Ибн Синонинг ҳаёти ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш мумкин. Ал-Куфрий, Ибн Абу Усайбия, ал-Байҳақий ва аш-Шаҳразурий каби биографлар Ибн Сино ҳақида берган маълумотларини А.ал-Ж.дан олганларини маълум қилганлар. Ал-Байҳақий «*Татимма сивāн ал-ҳикма*» асарида А.ал-Ж. Ибн Синонинг «*Ан-Нажāт*» ва «*Рисāла ал-ъалāиййа*» асарлари охирига математикага оид бўлим қўшгани ҳамда «*Ал-Қāнўн*»нинг баъзи ўринларини шарҳлаганини маълум қилади.

Бугунги кунгача А.ал-Ж.нинг иккита асари етиб келган. Булардан биринчиси «*Китāб кайфиййа ал-афлāк*» бўлиб, сайёраларнинг жойлашиш ўринлари ҳақидаги мазкур асарининг учта нусхаси мавжуд (Oxford, Bodleian Library, Thurston 3, Marsh 720; Leiden, Oriental. nr. 174/2). Асар Қутбуддин аш-Шерозий томонидан ҳам изоҳланган (Теҳрон, Мажлиси шўро, инв. рақам 3944-63). Иккинчиси «*Хилāс таркīб ал-афлāк*» асари (Машҳад, инв. рақам 5593/9) бўлиб, у ал-Фарғонийнинг «*Китāб ал-жавāмиъ*» номли асарига ёзилган шарҳдир. Ибн ал-Ҳайсамнинг замондоши бўлган А.ал-Ж. «*Китāб кайфиййа ал-афлāк*» асарида Ибн ал-Ҳайсамдан мустақил равишда Птолемейнинг системасини тадқиқ этган бўлса-да, у ҳам бу мавзуга ечим топа олмаган. Шу б-н бир қаторда, Ибн ал-Ҳайсамдан фарқли ўлароқ, Птолемейнинг хатоларини такрорламаган ҳолда ўзига оид бир тизим тузишга ҳаракат қилган.

Ўз асарларида А.ал-Ж. ҳақида баҳс қилган Қутбуддин аш-Шерозий унинг ишларини текшириб, қарашларини асоссиз ва «жуда катта хатоларга йўл қўйган», деб баҳолаган бўлса-да, А.ал-Ж. Ислом астрономияси тарихида ўзига хос муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

16-а.нинг иккинчи ярмида яшаган ва Носируддин ат-Тусийнинг «*Рисолаи си фасл*», ал-Чағминийнинг «*Ал-Мулаххас*» асарларига шарҳ ёзган Абдулвоҳид ибн Муҳаммад б-н А.ал-Ж.ни адаштирмаслик зарур.

Ад.: Ал-Байҳақий. *Татимма сивāн ал-ҳикма.* – Лоҳур: 1351. 93–95; H. Suter. *Mathematiker.* – Leipzig: 1900. 172–173; Storey. *Persian Literature.* – London: 1970–72. II/1, 3; G. Sarton. *Introduction.* – New York: 1975. II/2, 1008; III, 1530; Sezgin. *GAS.* VI, 276–277, 280–281; Маҳдий Муҳаққиқ. *Шарҳ ал-илāҳиййāт мин китāб аш-шифā.* – Теҳрон: 1365/1986. 1–4; Sargon Erdem. «*Abdülvâhid el-Cûzcânî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 277–278.

Саргўн Эрдем

АБДУЛВОҲИД ИБН АБДУРРАҲМОН АЛ-ВАРКИЙ
عبد الواحد بن عبد الرحمن الوركي

Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн
Абдурраҳмон ибн Қосим ибн Исмоил
ал-Қураший аз-Зубайрий ал-Бухорий
ал-Варкий
(? – 495/1102, ?)
Шайх, имом ва фақиҳ

Абдулвоҳид ибн Абдурраҳмон ал-Варкий солиҳ, узоқ умр кўрганлардан бири бўлган. Ас-Самъоний: «Ал-Варкий 130 ёшга кирган. Яҳё ибн Соъиднинг шогирдлари Абу Зарр Аммор ибн Муҳаммаднинг

қайд этган маълумотларини ёзиб олганидан 110 й. ўтгач вафот этган. Ундан кўп одамлар ҳадис ривоят қилганлар, қабри Бухородан икки фарсах узоқда жойлашган «Варкий» қишлоғида экани, қабрини зиёрат этган»и ҳақида ёзади.

А.и.А.ал-В. Абу Зарр Аммор ибн Муҳаммад, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Яздод ар-Розий, Исмоил ибн ал-Ҳусайн ал-Бухорий, Исҳоқ ибн Ҳамдон ал-Муҳаллабий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Журийдан ҳадис ривоят қилган.

А.и.А.ал-В.дан Усмон ибн Али Пойкандий, Абу Ато Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Ҳаммомий, Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Усмон ал-Паздавий ва укаси Умар ас-Собуний, Муҳаммад ибн Носир ас-Сарахсий, Маҳмуд ибн Абу-л-Қосим ат-Тусий ва б. *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.А.В.дан ривоят бўлган ҳадис: «Бизга Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ ўқиб хабар бердилар. У кишига Абдурраҳим ибн Абдулкарим ал-Марвазий, у кишига Усмон ибн Али, у кишига имом Абдулвоҳид ибн Абдурраҳмон 494/1101 й.да хабар берганлар. У кишига 383/993 й.да Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Форисий ёздирган ҳолатда, у кишига Али ибн Муҳаммад ибн Зубайр ал-Қураший, у кишига ал-Ҳасан ибн Али ибн Аффон, у кишига Зайд ибн Ҳубоб ровий Муовия ибн Солиҳдан, у киши Абдурраҳмон ибн Жубайрдан, у киши оталаридан, у киши Амр ибн ал-Ҳамиқдан айтиб берганлар: «Пайғамбар (с.а.в.): «Аллоҳ таоло бандасига яхшилик хоҳласа уни ширин қилади», дедилар. Саҳобалар: «Уни ширин қилади – нима дегани, эй Расулуллоҳ?» деб сўрашганида: «Ўлимидан олдин солиҳ амалларини унга осон қилиб қўядики, атрофдаги одамлар ундан рози бўлишади», деб жавоб берганлар».

Ад.: Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 183; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 98.

АБДУЛВОҲИД ИБН ЗАЙД

عبد الواحد بن زيد

(? – 177/793, ?)

Илк давр сўфийларидан

«Шайх ал-уббод» ва «шайх ас-сўфийя» унвонлари б-н ҳам зикр қилинади. *Зуҳд*га алоқадор манoқиблари б-н машҳур. Манбаларда Абдулвоҳид ибн Зайднинг Ҳасан ал-Басрий б-н кўришгани ва унинг шогирди бўлгани ҳақида ривоят мавжуд. Аттор А.и.З.ни Юсуф ибн ал-Ҳусайн ар-Розий б-н замондош бўлганини айтиб, унинг мажлисида тавба қилганини зикр қилган бўлса-да, бу нотўғри маълумотдир.

А.и.З. Басрадаги «йиғлаган зоҳидлар»дандир *(қ. БАККОЙИН).*

Номи *Алавийя* ва *Куммалийя тариқат*лари силсиласида машҳур бўлган А.и.З.нинг сўз ва манoқиблари ал-Ёфиъийнинг *«Равз ар-райаҳин»* асари, бошқа манoқибномалар, *сўфий* табақот китобларидан ўрин олган. Ҳасан ал-Басрий ва Ато ибн Абу Рабоҳ, Абдуллоҳ ибн Рошид, Убода ибн Насийлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан Муҳаммад ибн Саммок, Вакийъ, Зайд ибн Ҳаббоб, Муслим ибн Иброҳим ва Абу Сулаймон Дороний каби олимлар ҳадис ривоят қилганлар. Бироқ ҳадисшунос олимлар уни *матрук ровий*, ривоят этган ҳадисларини эса *мункар* деб қабул қилганлар. Имом Бухорий унинг ҳадисини тарк қилганлар, дейилади. Имом Насоий уни «матрук ал-ҳадис», деган. Ибн Ҳиббоннинг таъкидлашича, у ибодатга ўта берилиб кетганидан ҳадисларда бироз бепарволикка йўл қўйган, натижада унинг ривоятларида мункар ҳадислар кўпайиб кетган.

Ҳасан ал-Ваззон унинг бутун басраликларга етадиган ҳузнга соҳиб бўлганлигини айтган. Унинг доимо севги ва ишқдан баҳс қилгани, муҳаббат борасида юқори мавқеда бўлгани ва унга Робия ал-Адавийяга уйланиш таклифи тушгани ҳақида ривоят қилинади. У «энг юқо-

ри даража муҳаббатдир» деган бўлса-да, ризо ундан ҳам устун эканини эътироф этган.

Ад.: Ал-Ғаззолий. *Иҳйā*. – Қоҳира: 1939. IV, 386; Ибн ал-Жавзий. *Сифа ас-сафва*. – Ҳалаб: 1969-73. III, 321; Аз-Заҳабий. *Сийар*. VII, 178; Аш-Шаъроний. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Қоҳира: 1954. I, 46; Юсуф ан-Набҳоний. *Жāмиъ карāмāт ал-авлийā*. I, 137.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУЛВОҲИД ИБН МУҲАММАД
عبد الواحد بن محمد
(қ. *АБУ-л-ФАРАЖ аш-ШЕРОЗИЙ*)

АБДУЛВОҲИД ЯҲЁ
عبد الواحد يحيى
(15.11.1886, Франция – 7.01.1951, Миср)
Француз мутасаввиф ва мутафаккири



Ислом *тасаввуф*и, ҳинд ва хитой аскетизм мактабларини интеллектуал савияда ўрганган ва модерн дунёни ҳар жиҳатдан танқид қилган қарашлари б-н танилган. Асл исми Рене Генон (Rene Guenon) бўлиб, Франциянинг Блуа ш.да туғилган. Исми-шарифига кўра, француз ва католик оиланинг фарзанди. Илк сабоғини ўқитувчи бўлган холасидан олган. Ўрта таълимни диний мактабда олган. 1902 й.да коллежнинг нотиқлик санъати бўлимида ўқишни бошлаб, 1903 й.да фалсафа бўлимига ўқишга киради ва шу йил фалсафа-адабиёт ихтисослиги дипломини олади. 1904 й. окт.да Париждаги College Rollin ун-ти математика йўналишига қабул қилинади. Соғлиғи тўғри келмагани учун ун-тни ташлаб Парижда қолади. Классик таълимдан қониқмагани боис, интеллектуал билимини кенгайтириш мақсадида ўша даврда талабда бўлган «neo-spiritualiste» доктриналарини ўрганишга киришади. Дўсти ёрдамида «ботиний илмлар» б-н шуғулланган «occultiste» жамиятининг пешволари б-н танишади. Қисқа вақтда ғайрати ва қатъиятлиги б-н жамиятга қабул қилишларига эришади.

1908 й.да ўтказилган Спиритуализм ва Масон конгрессида котиб сифатида фаолият юритади. Конгрессда Ecole Hermâtiqueнинг раиси Папуснинг «инсон руҳининг ўлимдан сўнг бошқа танада такрор дунёга келиб такомил топиши (таносуҳ), шу боис боқийлик (survivance) ка эришиши ва бу (спиритуализм)нинг икки асосий ҳақиқати экани»ни айтгани сабабли А.Я. котибликни тарк этади. Бу орада L'Eglise Gnostiqueнинг таниқли шахслари б-н танишиб, ушбу ташкилотга аъзо бўлади.

1909 й. нояб.да баъзи дўстлари б-н ҳамкорликда чиқаришни бошлаган «La Gnose» номли журналда илк мақоласи нашр этилади. 1910 й.да швециялик рассом Абдулҳодий (John Gustaf Agueli, ваф. 1917) б-н танишади. «La Gnose»да икки йил давомида Ислом *тасаввуф*ига оид мақолалари босилади. Ал-Азҳар ун-ти ва *шозилийя тариқати* шайхи, *моликий мазҳаби* олими Абдурраҳмон Иллиш ал-Кабирнинг халифаси Абдулҳодий воситасида мусулмон бўлади. 1912 й.да *шозилийя тариқати*га ўтади ва Абдулвоҳид Яҳё номини олади. Шу йил июлида француз аёли б-н оила қуради. 1917 й. окт.ида Жазоирнинг Сатиф ш.даги коллежда фалсафа ҳамда француз ва лотин тилларидан дарс беради. Шаҳарда араб тили соҳасидаги билимларини мукаммаллаштиради, баъзи *тасаввуф* аҳллари б-н ҳам танишади. 1918 й. окт.ида Францияга қайтади ва

Блуадаги Augustin-Thierry коллежида фалсафа ўқитувчиси сифатида фаолият олиб боради. Келаси йилдан ўқитувчиликни ташлаб Парижга кетади. 1920 й.да Париж ун-тида кутубхоначи сифатида ишлайди. Мазкур йилларда уйида ҳинду, мусулмон ва насроний зиёратчиларни қабул қилиб, улар б-н суҳбатлар олиб боради. Баъзи дўстларининг уйида мусулмон, ҳинду, яҳудий ва насроний ёшлар тўпланган мажлисларда ҳам қатнашади. Ушбу мажлисларда ўз анъана ва динлари ҳақида баъзи маълумотлардан бошқа ҳеч нарсани билмаган, ҳаддан ташқари ғарблашиб кетган суҳбатдошларига араб, санскрит, лотин, юнон, иброний, инглиз, немис, итальян, испан ҳамда рус тилларини лаҳжалари б-н билган А.Я. ўз тилларида мурожаат қилган.

1925–1927 й.ларда ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлади ва «Le Voile d'Isis» журналида ўз ғояларини эркинлик б-н ифода этиш имкониятига эга бўлади. 1928 й.да турмуш ўртоғи вафот этади. 1929 й.да мисрлик муҳандис Ҳасан Фарид Динанинг тул қолган бой хотини Мария Шиллито (Marie W. Shillito) б-н танишади. У А.Я.нинг асарларига катта қизиқиш кўрсатади. Дина хоним А.Я. нинг куллиёти ва Ислом *тасаввуф*ига оид асарларини нашр қилувчи босмахона қуриш нияти борлигини маълум қилади. Бу ниятни рўёбга чиқариш учун А.Я. б-н Мисрдан *тасаввуфий* асарларни келтириб, уларни таржима қилишга келишади. Бу мақсадни амалга ошириш ниятида 1930 й. А.Я. Дина хоним б-н бирга Мисрга сафар қилади. 1931 й.нинг қишида дўстларига Францияга қайтишдан воз кечганини маълум қилади ва Қоҳирада янги мамлакатнинг барча урф ва одатларини ўзлаштирган Шайх Абдулвоҳид Яҳё сифатида яшашни бошлайди. Бир муддат Саййид Ҳусайн масжидида танишган *шозилий* шайхи Салома ар-Розийнинг суҳбатларига қатнайди. Қоҳирада кечирган илк икки йилда «Symbolisme de la Croix» (Париж, 1931) ва «Les Etats Multiples de l'Etre» (Париж, 1932) номли асарларини ёзади. 1931 й.да «Ал-Маърифа» журналида бешта араб тилидаги мақоласи нашр этилади. 1934 й. июлида Шайх Муҳаммад Иброҳимнинг катта қизи Фотима б-н оила қуради. Кейинги йил дўстларига мактуб ёзиб Париждаги уйини бўшатишларини, китоб ва ҳужжатларини ўзига юборишларини сўрайди. Қоҳирада инглиз мусулмон Шайх Абу Бакр, Ламартин (Lamartine)нинг исломни қабул қилиб, Руҳия Нуруддин номини олган кичик жияни Валентина де Сен-Пуант (Valantine de Saint-Point), америкалик мусулмон Шайх Абдулқодирлар б-н суҳбатларда бўлган. 1944 й.да Шайх Ҳусайн исмли инглиз мусулмон б-н дўст тутинган. Ушбу йилларда А.Я.ни бир неча маротаба зиёрат қилган Нажмуддин Баммот (в. 1985 й.) «Visites â Rene Guenon» сарлавҳали хотираларида у ҳақда тўхталиб ўтади. 1932–1939 й.лар мобайнида А.Я. ўқувчи мухлислари б-н кўп ёзишмалар олиб борган туфайли асар ёзиш имконини топа олмайди. 1947 й.да соғлиғида бошланган заифлашиш 1950 й. охирларида янада оғирлашади, натижада 1951 й. 7 янв.да вафот этади. Эртаси куни ўз васиятига кўра, Саййид Ҳусайн масжидида ўқилган жаноза *намоз*идан сўнг, Муқаттам тепалиги яқинидаги Дарроса қабристонига дафн қилинади.

А.Я.нинг асарлари инглиз, итальян, испан, португал, немис ва б. Ғарб тилларига таржима қилинган. Китобларида Рене Генон (Rene Guenon) исмини қўллаган, фақат араб тилида ёзган мақолалари А.Я. исми б-н чоп этилган. У ўн етти китоб (улардан бештаси араб тилида), 350 та мақола муаллифи. Вафотидан сўнг мақолалари мавзуларга ажратилиб, тўққиз жилд ҳолида нашр этилган.

Ас.:«*L'Introductiorı Generale â L'Etude des Doctrines Hindoues*» (1921). Илк асари ҳисобланган ушбу китобнинг биринчи ярми Ғарб дини ва маданиятига киришга бағишланган. Муаллиф мазкур асарида Шарқ ва замонавий Ғарб менталитети ўртасидаги фарқларни кўрсатади ҳамда «tradition» ва «religion» орасидаги фарқларни таҳлил қилади.

«Orient et Occident» (1924). Муаллиф бу асарида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги яқинлашув мумкинлигига бўлган ишончини баён этади.

«La Crise du Monde Moderne» (1927). *«Orient et Occident»* асаридаги баъзи мавзуларни бу асарда такрор зикр қилиши б-н бирга янги масалаларни ҳам тадқиқ этади. Асарда замонавий дунёнинг башарият тарихидаги ўрни, космик даврлар ҳақидаги ҳинду назариясини қисқача ойдинлаштиради.

«Le Symbolisme de la Croix» (1931). Шайх Абдурраҳмон Иллиш ал-Кабирга бағишланган ушбу асар узоқ йиллар кузатувларининг маҳсулидир. Номидан фақатгина насронийликка алоқадор кўринса-да, асарда барча *тасаввуф* таълимотларига мурожаат қилинган, *ваҳдат ал-вужуд*, маротиби вужуд, жиҳоди акбар ва асғар каби Ислом *тасаввуф*ининг мавзулари янги услуб орқали тадқиқ этилган.

«Les Ĝtats multiples de l'Etre» (1932). Маротиби вужуд ва *ваҳдат ал-вужуд* б-н боғлиқ масалалар зикр қилинган мазкур асар универсал метафизика тушунчалари синтезига бағишланган.

«Aperçus sur l'Initiation» (1946). Мазкур асарда назарий маърифатдан *тасаввуф*ий ҳақиқатга кириш учун керак бўлган восита ва шартлар баён қилинади, барча *тасаввуф*ий доктриналар, уларнинг асослари ва муштарак жиҳатлари кенг баён қилинади.

Шунингдек, *«Le Theosophisme, Histoire d'une Pseudo-religion»* (1921), «*L'Erreur Spirite»* (1923), «*L'Homme et Son Devenir selon le Vedânta*» (1925), «*L'Esoterisme de Dante*» (1925), «*La Metaphysique Orientale*» (1939), «*Le Roi du Monde*» (1927), *«Saint Bernard»* (1929), *«Autorite spirituel et Pouvoir temporel»* (1929), *«Le Regne de la Quantite et les Signes des Temps»* (1945), «*Les Principes du Calculinlinitesimal*» (1946), *«La Grande Triade»* (1946) каби асарлар ҳам А.Я.га мансубдир.

Ад.: Paul Serant. *Rene Guenon.* – Paris: 1953. 7–26; Абдулҳалим Маҳмуд. *Ал-Файласўф ал-муслим Рўнў Жўнў ва Абдулвāҳид Йаҳйā.* – Қоҳира: 1954; ўша муал. *Ал-Мадраса аш-шāзилиййа ва имāмуҳā Абу-л-Ҳасан аш-Шāзилī.* – Қоҳира: 229–341; Paul Chacornac. *La Vie Simple de Rene Guenon. Editions Traditionnelles.* – Paris: 1958; Jean Robin. *Rene Guenon. Temoin de la Tradition.* – Paris: 1978. 9, 10, 18, 37, 70, 73, 138, 182, 188, 231; Michel Valsan. *L'Islam et la Fonction de Renė Guėnon.* – Paris: 1984. 39; *«L'Homme et Son Message, Renė Guėnon».* – Paris: 1970. 7–35; R. Guėnon. *«Tevhid»* (тарж. Mustafa Tahralı). Kubbealtı Akademi Mecmûası. VIII/4. – İstanbul: 1979; ўша муал. *«Seyfu'l-İslâm»* (тарж. Mustafa Tahralı). IX/1 (1980); ўша. муал.*«Nefsini Bil»* (тарж. Mustafa Tahralı). X/3 (1981); ўша муал. *«İslâm Tasavvufu»* (тарж. Mustafa Talıralı). XIV/1 (1985); ўша муал. *«Doğu Metafiziği»* (тарж. Mustafa Tahralı). MÜİFD. № 3 (1985). 103–122; Mustafa Tahralı. *«Fransız Müslüman Abdülvâhid Yahyâ (Renė Guėnon)'nın Eserinde Tasavvuf ve Mistisizm Farkı.* Kubbealtı Akademi Mecmûası. X/4 (1981). 21–36; Mustafa Talırali. «*Abdülvâhid Yahyâ (René Guėnon)*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 279–282.

Мустафо Таҳрали

АБДУЛЖАББОР ИБН АҲМАД

عبد الجبار بن أحمد

(қ. ҚОЗИ АБДУЛЖАББОР)

АБДУЛЖАЛИЛ АЛ-ҚАСРИЙ

عبد الجليل القصري

(қ. ал-ҚАСРИЙ, Абдулжалил ибн Мусо)

АБДУЛКАРИМ АЛ-АНДАҚИЙ

عبد الكريم الأندقي

Абу-л-Музаффар Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа ибн ал-Аббос ал-Андақий (400/1009, Андақ – 481/1088, ?)

Ҳанафий фақиҳи

Абдулкарим ал-Андақий йўлбошчи-имом, фозил, зоҳид, тақводор зот бўлган.

Ўз даврида камтарлиги ва чиройли сийрати б-н ном чиқарган.

А.ал-А. «Шамсул-аимма» («Имомлар қуёши») номи б-н танилган Абу Муҳаммад Абдулазиз ал-Ҳалвонийдан таълим олиб, моҳир *фақиҳ* бўлиб етишган. Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Али ал-Исмоилий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Музаккий, Абу Наср Аҳмад ибн Али ас-Синний, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Исфаҳонийлардан ҳадис илмини ўрганган. Ўз навбатида, олимдан Абу Амр Усмон ибн Али ал-Бикандий ҳадис ривоят қилган.

А.ал-А. *ҳаж* сафарига кетаётиб, Бағдодда тўхтаб ўтган. Манбаларда олимнинг Бағдодда таълим бериши ҳақидаги таклифга рад жавобини бериб, «мен Бухорода дарс бераман», деб айтгани нақл қилинади.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: «Ас-Саъода», 1906. I, 347; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. I, 129, 218; Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музиййа.* – Кароташ: I, 327–328; Й. Исаев, А. Аббосов. *Иштихоний алломалар.* – Самарқанд: «Munis design group», 2016. 73; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 25–26.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛКАРИМ АЛ-БУХОРИЙ

عبد الكريم البخارى

(18-а. иккинчи ярми, Бухоро – 1830, Константинопол)

Бухоролик сайёҳ ва тарихчи

Абдулкарим ал-Бухорий ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. У ўн олти ёшида Кашмирга сафар қилади ва у ердан Ҳирот, Қандаҳор, Қобул, Пешовар, Музаффаробод орқали Бухорога қайтади. Кейинчалик, иккинчи бор қилган сафарида Қашғар, Ёркент, Тибет ва Кашмирда бўлган (1789–1799 й.).

А.ал-Б. Мир Алоуддин ҳузурида хўжалик ишларини бошқарган (1804). 1804 й.да Россияга юборилган Бухоро элчилик вакиллари б-н Петербургга бориб, тўққиз ойдан сўнг Москва, Астрахань орқали ортга қайтган.

Маълумотларга кўра, у 1807–08 й. Мирзо Муҳаммад Юсуф раҳбарлигидаги элчилар ҳайъати қаторида Константинопол (Истанбул)га жўнаб кетган ва умрининг охиригача у ерда яшаб қолган. 1233/1818 й. Марказий Осиё минтақалари (Афғонистон, Бухоро, Хива, Қўқон, Тибет ва Кашмир)нинг географик боғлиқлиги ва тарихий воқеалар акс эттирилган мухтасар асар ёзиб, уни қўшиқчи ҳамда бастакор Ориф Бейга тортиқ қилади. Асардаги маълумотлар тўғридан-тўғри муаллифнинг шахсий кузатувларига асосланган бўлиб, у, айниқса, Бухоро ва унинг атрофидаги ҳодисаларга аҳамият қаратган. Хусусан, асарда Бухоро ҳукмдорларидан Муҳаммад Маъсумхон б-н Ҳайдархон, Хива хонларидан Саййид Абу-л-ғозий Баҳодирхон, Қўқон хонларидан Олимхон даври ва Афғонистон шоҳи Аҳмад шох Дурроний (1160/1747 й.) давр тарихи ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Кейинчалик, ушбу асарнинг Ориф Бей шахсий кутубхонасида сақланган ягона қўлёзма нусхаси Ч. Шефер (Ch.Schefer) томонидан (1290/1873-4 й., Булак) Pelovda эълон қилинган. Асар 1876 й. Францияда француз тилига таржима қилинган.

Ад.: *АН Казахской ССР. Известия. Серия общественных наук.* «Наука», 1986. 48; W. Barthold. *«Abd al-Karim Bukhari». EI²* (Ing.). I, 71. Mehmet Saray. *«Abdülkerim-i Buhârî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 249–250.

Маъмуржон Абидов

АБДУЛКАРИМ АЛ-ЖИЙЛИЙ

عبد الكريم الجيلي

Қутбуддин Абдулкарим ибн Иброҳим ибн Абдулкарим ал-Жийлий

(767/1365-66, Жийл – 832/1428, Бағдод/Забид)

Мутасаввиф олим, сўфий

Ибн ал-Арабий таълимотининг издоши. Абдулқодир ал-Жийлоний асос солган *қодирийя тариқати* вакили. Манбаларда Абдулкарим ал-Жийлий Абдулқо-



Абдулкарим ал-Жийлийнинг *«Ал-Инсон ал-комил»* асари қўлёзмасининг илк саҳифаси. Туркия. Сулаймония кутубхонаси, Лола Мустафо Пошо фонди, инв. рақам 700/III, варақ-75б

дир ал-Жийлоний набирасининг ўғли деган маълумотлар ҳам учрайди.

А.ал-Ж. кўп саёҳат қилган. Ёшлик йилларида форс ўлкасига сафар қилган. У ердан Ҳинд диёрига сафар қилган. Бу ўлкаларда у форс ва ҳинд тилларини ўрганган. 796/1394 й.да Ҳиндистондан араб диёрларидан саналган Яман мамлакатининг Забид ш.ига келади. Бу вақтда у ўттиз ёшда бўлган. У бу ерда устози *қодирийя тариқати*нинг вакили Шайх Шарафуддин Исмоил ибн Иброҳим ал-Жабартий (в. 806/1403) б-н учрашади ва унга *мурид* тушади. 799/1396 й.да Маккага, 803/1400 й.да Қоҳирага боради. У ерда Азҳар шайхлари б-н илмий баҳслар олиб боргани ҳақида маълумотлар учрайди. Қоҳирадан Ғазога бориб, 805/1402 й.да Яманга қайтади. Умрининг охиригача ўша ерда қолади. Вафот тарихи 826/1421 й. деб ҳам кўрсатилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, А.ал-Ж. нинг Ҳиндистонда *қодирийя тариқати*нинг ёйилишида хизмати катта бўлган. Илмий жиҳатдан жуда самарали умр кечирган А.ал-Ж.нинг 34 тага яқин асарлари борлиги зикр қилинган. Асарларининг катта қисмини Ибн ал-Арабий қарашларининг шарҳига бағишлаган.

Ас.: *«Ал-Манозир ал-илоҳиййа»*, *«Ал-Каҳф ва-р-рақим»*, *«Ал-Инсон ал-комил»*, *«Ҳақиқа ал-йақин»*, *«Шарҳ мушкилот ал-футуҳот ал-Маккиййа»*, *«Ал-Қасида ал-ъайниййа»*, *«Ал-Қомус ал-ақдам ва-н-номус ал-аъзам»*, *«Маротиб ал-вужуд»*, *«Ад-Дурра ал-ъайниййа»*, *«Ал-Комолот ал-илоҳиййа фи-с-сифот ал-Муҳаммадиййа»*, *«Кашф ал-ғойот шарҳ китоб ат-тажаллиёт»*.

Ад.: R.A. Nicholson. *The Perfect Man.* – Cambridge: 1921; Serkis. *Mu'cem.* I, 728–729; Brockelmann. *GAL.* II, 264–265; Suppl., II, 283–284; H. Ritter. *«Abd al-Karim al-Djili». EI²* (Ing.). I, 71; M. Nazif Şahinoğlu. *«Abdülkerîm el-Cîlî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 250; https://ar.wikipedia.org/wiki.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛКАРИМ ИБН АБУ-Л-АВЖО

عبد الكريم بن أبي العوجاء

(? – 155/772, ?)

Исломга қарши фаолият олиб борган шахс

Аббосийлар даврида Яманда волийлик қилган Маън ибн Зоиданинг тоғаси бўлган. Абдулкарим ибн Абу-л-Авжо аввал Басрада яшаган. У ерда Ҳасан ал-Басрийга шогирд тушгани айтилади. Басранинг бир гуруҳ *муътазила* каломчиларига қўшилиб, ботил эътиқоди сабабли Куфага сургун қилинган. У ерда дунёнинг абадийлиги, *таносуҳ*нинг ҳақлиги каби Ислом динига зид бўлган фикрларни тарқатади, Аллоҳ таоло ҳақида *аҳли сунна* эътиқодига зид бир қанча ҳадис тўқийди. Унинг *монийлик* тарафдори бўлгани, халифалик борасида *шиа*лар фикрларини маъқуллагани, *рамазон* ва *ҳайит намоз*ини аниқлашда Жаъфари Содиқнинг ойга қараш ўрнига ҳисоблаш

усулини қўллаганини айтиб, ўзи ўйлаб топган ҳисоб тарзини *шиа*ларга қабул қилдиришга уринган ривоят қилинган. Оқибатда Куфа волийси Муҳаммад ибн Сулаймон уни қамоққа олдиради. А.и.А. волийга уч кунга қўйиб юбориши эвазига юз минг дирҳам пора беришни таклиф қилади. Волий ғазабланиб, уни қатл қилишга фармон беради. А.и.А. ўлиши муқаррарлигини тушунгач, Ислом динида ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилувчи тўрт мингта ҳадис тўқиганини айтади. Унинг баъзи тарафдорлари Халифа Мансурга мурожаат қилиб, уни озод қилишга кўндиришади. Бироқ, волийнинг фармони бажариб бўлингани боис уни қутқариб қолишолмайди. А.и.А.нинг қатл қилинганидан ғазабланган халифа волийни ўз вазифасидан бўшатмоқчи бўлади. Аммо ўлдирилган кишининг *зиндиқ* эканини билгач, фикридан қайтади.

Ад.: Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1960–70. VIII, 47–48; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил.* – Лейден: 1851–76. IV, 7; Аз-Заҳабий. *Мизан ал-иътидал.* – Қоҳира: 1963. II, 644.

М. Яшар Кандемир

АБДУЛКАРИМ ИБН АЖРАД

عبد الكريم بن عجرد

(қ. АЖОРИДА)

АБДУЛКАРИМ ИБН ЮСУФ АД-ДИНОРИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ

عبد الكريم بن يوسف الديناري السمرقندي

Абдулкарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аббос Алоуддин Абу Наср ад-Динорий ас-Самарқандий (1123, ? – 1194 ёки 1197, ?)

Фақиҳ, муфтий

Абдулкарим ибн Юсуф ад-Динорийнинг бизгача етиб келган ягона асари *«Аъжўба ал-фатава»* («Энг яхши фатволар») китобининг бир нусхаси ҳошиясига «Алоуддин Абу Бакр ал-Ахсикатий ад-Динорий лақабли» деб ёзиб қўйилган (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти, инв. рақам 4833/1, вар. 1[а]). Худди шу қўлёзманинг 3[а] варағида Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Каффовийнинг (ваф. 990/1582 й.) *«Аълам ал-ахйар мин фуқаҳа мазҳаб ан-Нуъман ал-Мухтар»* («Нўъмон Мухтор *мазҳаб*идаги *фақиҳ*лардан бўлган энг яхши муаллифлар ҳақида хабарлар») китобига ишора қилиб: «Шайхул-имом Алоуддин Абдулкарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аббос ад-Динорий Абу Наср (517/1123–593/1197 й.) Ҳирзонияга дафн этилган...», деб ёзиб қўйган.



Абдулкарим ибн Юсуф ад-Динорий ас-Самарқандийнинг *«Фатава ад-Динарй»* асари қўлёзмаси. ЎзР ФА ШИ, инв. рақам 4833/1, варақ –1[а]

Исмоил Пошо ал-Бағдодийнинг *«Ҳадиййа ал-ъарифйн»* асарида А.и.Ю.ад-Д.ас-С. 517/1123 й. таваллуд топган, 590/1194 й. вафот этган дейилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти, инв. рақам 3183 остидаги қўлёзмада «Умар ибн Усмон ад-Динорий ас-Самарқандий» деб келган. Лекин бу ерда айнан шу олим



Абдулкарим ибн Юсуф ад-Динорий ас-Самарқандийнинг *«Фатава ад-Динарй»* асари қўлёзмаси. ЎзР ФА ШИ, инв. рақам 4833/1, варақ –117[а]

ёки бошқа шахс ҳақида гап кетаяптими, аниқ айтиш қийин.

А.и.Ю.ад-Д.ас-С. асарининг номи *«Аъжўба ал-фатāвā»*даги ҳарфлар қийматини абжад ҳисоби б-н қўйиб чиқсак («ал» артиклисиз), 584/1158 й. санаси келиб чиқади. Шуларга суянган ҳолда А.и.Ю.ад-Д.ас-С. 12-а.да яшаб ижод этган, Самарқандда ёки Астробод яқинидаги Дино қишлоғида туғилган, Самарқандда яшаган, деб айтиш мумкин.

Бизгача фақат мазкур *«Аъжўба ал-фатāвā»* асари етиб келган, холос. Бу китоб кўпроқ *«Фатāвā ад-Динāрӣ»* («Динорий фатволари») номи б-н юритилади.

Ад.: И. Абдуллаев, Ҳ. Ҳикматуллаев. *Самарқандлик олимлар.* – Т.: «Фан», 1969. 37; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 112–113.

АБДУЛКАРИМ САТУҚ БУҒРОХОН
عبد الكريم ستوق بغراخان

(қ. САТУҚ БУҒРОХОН)

АБДУЛКАРИМ АТ-ТАБАРИЙ
عبد الكريم الطبري

(қ. АБУ МАЪШАР ат-ТАБАРИЙ)

АБДУЛКАРИМ АЛ-ХОРАЗМИЙ
عبد الكريم الخوارزمي

(тахм. 15-а., Шероз – ?)

Хаттот ва шоир

Асли эронлик. Настаълиқ хатининг илк устозларидан саналган Абдурраҳмон ал-Хоразмийнинг ўғли, хаттот ва шоир Абдурраҳим ал-Хоразмийнинг укаси. Шерозда туғилгани ва ҳаётининг аксарият қисмини ўша ерда кечиргани зикр қилинади. Хаттотликни отасидан ўрганган ва унинг услубини давом эттирган. Оққуюнли Султон Яъқубнинг Табриздаги саройида хаттотлик қилгани туфайли «ал-Яъқубий» нисбаси б-н ҳам зикр қилинади. Баъзи асарларида ушбу ном б-н имзо чеккан. Акаси Абдурраҳим ҳам айни сабаблар б-н «ал-Яъқубий» нисбасини қўллаган.



Абдулкарим ал-Хоразмий. Хаттотлик намунаси. Истанбул, Тўпқопи саройи музейи кутубхонаси, Хазина, инв. рақам 2153, варақ 65б

Бироқ икки ака-ука Султон Яъқубга тақдим этган бир мураққаъларида Абдулкарим «ал-Хоразмий», Абдурраҳим эса, «ал-Яъқубий» имзоларини қўллаганлари маълум. Зеро, А.ал-Х. кўпроқ «ал-Хоразмий» нисбаси б-н танилган. У дарбадарликда ҳаёт кечирган ва руҳий зўриқиш сабабли асарларига «Подшоҳ», «Ҳудо», «Зурафо» каби имзоларни ҳам қўллаган.

А.ал-Х. ва акаси настаълиқ хатини оталарининг услубида ёзганлари боис, ёзувлар имзосиз бўлганда уларни бир-биридан ажратиш мушкул бўлган. Ушбу услубнинг асосий характерини тик ҳарфларни узун, ётиқ ҳарфларнинг кенгроқ тарзда ёзилиши б-н ифодалаш мумкин.

Мустақимзода Сулаймон Саъдуддин Афанди (ваф. 1202/1788)нинг *«Туҳфаи хаттотийн»* асарида қайд қилинишича, А.ал-Х. бошқа ёзув турларида ҳам моҳир бўлган, кўп ёзишни ёқтирмаган, узоқ вақт танаффусдан сўнг ёзганларига тузатиш киритишга ҳожат сезмас эди.

А.ал-Х.нинг қаламидан чиққан асарларнинг кўпи Истанбул, шунингдек, Теҳрон ва Санкт-Петербург қўлёзма фондларида сақланмоқда. Булар орасида Теҳрон Мажлиси шўройи миллий кутубхонасида сақланаётган *«Ҳолномаи Орифий»* ва *«Рушаноийнома»* асарлари 883/1478 й. санаси б-н қайд қилинган ҳамда улар А.Х. кўчирган асарларнинг энг охиргиларидан, деб эътироф этилмоқда.

А.ал-Х.нинг шеърият б-н ҳам шуғулланган маълум бўлса-да, ҳозиргача унинг *«Девон»*и топилмаган.

Ад.: Мустақимзода. *Туҳфаи хаттотийн* (Ибн ал-Амин Маҳмуд Камол нашри). – Истанбул: 1928. 677; Қози Аҳмад Қуммий. *Гулистони ҳунар*. – Теҳрон: 1352/1934. 58; Ali Alparslan. «*Abdülkerîm-i Hârizmî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 251–252.

Али Алпарслан

АБДУЛКАРИМ АЛ-ҚУШАЙРИЙ
عبد الكريم القشيري

Абу-л-Қосим Абдулкарим ибн Ҳавозин ибн Абдулмалик ал-Қушайрий (376/986, Устуво – 465/1072, Нишопур)

Хуросонлик илоҳиётчи, сўфий

Деҳқон оиласида туғилган. Зайн ал-Ислом номи б-н танилган. *Сўфийлик* бўйича энг машҳур, Шарқ ва Ғарбда кенг ўқиладиган китоблардан бири – *«Ар-Рисāла ал-Қушайрийя»*нинг муаллифи.

Абдулкарим ал-Қушайрий – ота томонидан арабларнинг Эронни истило қилган вақтида Хуросонга келиб ерлашган *Қушайр қабиласи*, она томонидан *Бани Сулайм қабиласи*га мансуб. Ёшлик чоғларида отасидан ажраб, қариндоши Абу-л-Қосим ал-Яманийнинг қарамоғида қолади. Ундан ҳарбий санъат, чавандозлик, араб тили ва адабиётидан таълим олади.

А.ал-Қ. отасидан мерос қолган қишлоғини оғир аҳволдан қутқариш ва ҳисоб илмини ўрганиб молия маъмури бўлиш мақсадида ўсмирлик чоғида Нишопурга сафар қилган. Бу ерда машҳур *сўфий*лардан Абу Али ад-Даққоқнинг суҳбатига қўшилади ва тез орада унинг севимли шогирди, сўнг куёви бўлади. Устозининг маслаҳатига кўра, А.ал-Қ. Абу Бакр ат-Тусийдан *шофеъий мазҳаби фиқҳи*ни, сўнг ўша даврнинг йирик алломалари Ибн Фурак ва Абу Исҳоқ ал-Исфароинийлардан *ашъария каломи*ни ўрганган. Ал-Исфаройиний унга дарсларига давом этмаслигини, китобларини ўқишнинг ўзи етарли эканини айтгани А.ал-Қ.нинг бу



Абдулкарим ал-Қушайрийнинг *«Ар-Рисāла ал-Қушайрийя»* китоби

вақтда *калом илми*да етарли савияга етганини кўрсатади. А.ал-Қ. бу даврда Абу Бакр ал-Боқиллонийнинг асарларини диққат б-н ўқиб, *ашъарийя калом илми*ни ўрганади. Илм б-н машғул бўлган бу йилларда, *муршид*и ад-Даққоқнинг илмий суҳбатларида бўлиб, *тасаввуф*ий билимларга эга бўлади. Кейинчалик, ад-Даққоқ уни қизи Фотимага никоҳлайди ва мадрасасида дарс беришига изн беради. Ҳадис илми б-н ҳам шуғулланган А.ал-Қ. *«Ал-Мустадрак»* муаллифи Ҳоким ан-Найсобурий, Абу-л-Ҳусайн ал-Хаффоф, Абу Нуайм ал-Исфаройиний, Абу Бакр Абдус ал-Музаккий, Абу-л-Ҳасан ал-Аҳвозий каби *муҳаддис*ларнинг дарсларига қатнашади. Хатиб ал-Бағдодий каби кўплаб таниқли *муҳаддис*лар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

*Муршид*и ад-Даққоқнинг вафотидан сўнг (405/1015 й.) Абу Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ас-Суламийга шогирд тушиб, *тасаввуф*ий билими ва тажрибаларини орттирган А.ал-Қ., устозининг мадрасасида *сўфий*лар мажлисига (мажлис

ат-тазкир) раҳбарлик қилган. Али ибн ал-Ҳасан ал-Бохарзий А.ал-Қ.нинг гўзал нуқти ва таъсирли ваъзларидан сўз очиб, агар у тошга хитоб қилса уни ҳам эритиб юборишини, мажлисига шайтон олиб келинса, тавба қилишини айтган.

А.ал-Қ. *салжуқийлар* давлатининг асосчиси Туғрулбек (990–1063 й.)нинг Эронни забт қилиши асносида Хуросон минтақасининг илм ва маданият маркази бўлган Нишопурда бўлиб, минтақада катта обрўга эга бўлган. 437–438/1045–1046 й.ларда *тасаввуф* адабиётининг асосий китоблари орасидан ўрин олган *«Ар-Рисāла»* номли асарини ёзади. 446/1054 й.да *«Шикāйа аҳл ас-сунна»* номли мактуб (асар)ни ёзади. А.ал-Қ. маълум сабабларга кўра Хуросонни тарк этиб, Бағдодга сафар қилади. У ерда халифа Қоим-биамриллаҳ томонидан яхши кутиб олинади. А.ал-Қ. кейинчалик Нишопурга қайтади. Ас-Субкий унинг Бағдоддан ҳажга сафар қилгани, у ерда 400 га яқин *ҳанафий* ва *шофеъий* қозилари б-н кўришиб, улар б-н суҳбатлашганини айтади.

А.ал-Қ. 465 й. 16 рабиъул-охир/1072 й. 30 дек.да Нишопурда вафот этади. *Муршид*и ва қайнотаси Абу Али ад-Даққоқ мадрасасига дафн қилинган.

А.ал-Қ.нинг Фотима исмли хотинидан илмли, зоҳид олти ўғли ва бир қизи бўлган. Қизи «*Ас-Сийāқ ли-тарūх Найсāбўр*» номли асар муаллифи Абдулғофур ал-Форисийнинг онаси Аматурраҳиймдир. Ферузанфар А.ал-Қ.ни яна Аҳмад ибн Муҳаммад Чархий ал-Баладийнинг қизи б-н оила қургани ва икки аёлидан олти ўғил ва беш қиз фарзанд кўрганини айтади.

А.ал-Қ.нинг *тасаввуф*даги силсиласи Абу Али ад-Даққоқ, ан-Насрободий, Абу Бакр аш-Шиблий, Жунайд ал-Бағдодий, Сарий ас-Сақатий, Маъруф ал-Кархий воситасида Довуд ат-Тоийга боғланади. *Тасаввуф* тарихига оид манбаларда унга ал-Қушайрийя номли *тариқат* нисбат берилади.

А.ал-Қ. исломий илмларга доир ўттизга яқин асар, жумладан, иккита *тафсир* ёзгани зикр қилинади. Улар: «*Ар-Рисāла фī ъилм ат-тасаввуф*», «*Ат-Тахбūр фи-т-тазкūр*», «*Тартūб ас-сулўк фī тарūқиллāҳ*», «*Ат-Тафсūр ал-кабūр*», «*Латāиф ал-ишāрāт*», «*Наҳв ал-қулўб*», «*Шикāйа аҳл ас-сунна би-ҳикāйа мā нāлаҳум мин ал-миҳна*», «*Ал-Фусўл фи-л-усўл*», «*Китāб ал-миърāж*» ва б.лар.

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарūх Бағдāд*. XI, 83; Али ибн Ҳасан ал-Бохарзий. *Думйа ал-қаср*. – Қувайт: 1405/1985. II, 246–248; Абдулғофур ал-Форисий. *Ас-Сийāқ ли-тарūх Найсāбўр*. – Лондон: 1965. 49ª–51ª; Ибн Фазлуллоҳ ал-Умарий. *Масāлик*. VIII, 89–92; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб*. X, 156; Аз-Заҳабий. *Ал-Ибар*. – Қувайт: 1960. III, 259; Ас-Субкий. *Ат-Табақāт*. III, 374–423; VII, 153–162; Brockelmann. *GAL*. I, 432–433, 556; *Suppl*., I, 770–772; Иброҳим Басюний. *Ал-Имāм ал-Қушайрī сūратуҳ, āсāруҳ, мазҳабуҳ фи-т-тасаввуф*. – Қоҳира: 1972; Kasım Kufralı. *«Kuşeyrî»*. TDED. I (1946). 18–25; H. Ritter. *«Arabische Handschriften in Anatolien un Istanbul»*. Oriens. III (1950). 36–41, 43–51; T. Ivanyi. *«Towards a Grammar of the Heart: Al-Qušayrī's Naḥw al-qulūb». The Arabist Budapest Studies in Arabic*. XVII. – Budapest: 1996. 41–54; H. Halm. *«al-Kushayrī». EI²* (İng.). V, 526; Süleyman Uludağ. *«Kuşeyrî, Abdülkerîm b. Hevâzin». TDV İA*. – Ankara: 2002. XXVI, 473–475; *А.А. Али-заде. Кушайри Абд аль-Карим. Исламский энциклопедический словарь*. –М.: «Ансар», 2007; *А.Д. Кныш. аль-Кушайри. Ислам: энциклопедический словарь*. Отв. ред. С.М.Прозоров. – М.: «Наука», 1991. 146; https://ru.wikipedia.org/wiki; https://hadis.uz/term/420; https://azon.uz/content/views/imom-abdulkarim-qushayriy.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛКАРИМ АЛ-ҲАЛАБИЙ

عبد الكريم الحلبي

Абу Муҳаммад (Абу Али) Қутбуддин Абдулкарим ибн Абдуннур ибн Мунир ал-Ҳалабий (663–64/1265–66, Ҳалаб – 30.07.735/25.03.1335, Миср)

Ҳадис ва қироат олими

Манбаларда «Ибн ухт аш-шайх Наср ибн Сулаймон» ёки «Ибн Умар ал-Манбижий» деган кунялар б-н халқ орасида танилгани келтирилади. А.ал-Ҳ.нинг қори бўлиб етишишида тоғаси Наср ибн

Сулаймон ал-Манбижийнинг ҳиссаси катта бўлиб, ёшлигида ундан *қироат* илмини ўрганган. Кейинчалик илм талабида Қоҳира, сўнг Дамашқ ва Ҳижозга борган А.ал-Ҳ. у ердаги кўплаб олимлардан таҳсил олган. Абу Тоҳир Исмоил ибн Ҳибатуллоҳ ал-Малижий, Сафиййуддин Ҳалил ибн Абу Бакр ал-Мароғий, ас-Саховий, шайх Ҳасан ибн Абдуллоҳ ар-Рошидий, ал-Камол аз-Зарийр, аш-Шотибий каби устозлардан *қироат* илмини ўрганиш б-н бир қаторда, Миср, Шом, Ҳижоз, Дамашқ ва б. минтақалик мингдан зиёд устозлардан ҳадис эшитган. Жумладан, Мисрнинг *ҳанбалий мазҳаби* қози ал-қузотлари Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Мақдисий, Ибн Дақиқ ал-Ийд, Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Мақдисий, Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Абдулхолиқ, Зайнаб бинт ал-Маккий ал-Ҳарроний, Абу Муҳаммад Абдулазиз ал-Ҳарроний каби олимлардан ҳадис илмини ўрганган. Унинг олий *исно*д б-н ҳадис ривоят қилгани ва устозларининг адади минг ёки бир минг уч юз нафар бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Кўп маротаба *ҳаж* сафарига борган. А.ал-Ҳ. ва Шамсуддин аз-Заҳабий бир-бирларидан ҳадис ривоят қилганлар. Унинг шогирдлари ичидан Ибн ал-Мулаққин, Ибн Рофеъ, Ибн Балабон, Ибн Марзуқ ал-Хатиб ва Абдулқодир ал-Қураший каби олимлар етишиб чиққан. Манбаларда унинг *ҳанафий мазҳаби*га мансуб тавозеъли, гўзал ахлоқли шахс бўлгани зикр қилинган.

Ас.: *«Ал-Иҳтимам би-талхис китаб ал-илмам»*. Ибн Дақиқ ал-Ийднинг *«Ал-Илмам би-аҳадис ал-аҳкам»* номли асарининг мухтасари; *«Шарҳ саҳиҳ ал-Бухорӣ»*; *«Ал-Маврид ал-ъазб ал-ҳанӣ фи-л-калам ъалӑ сира Абд ал-Ғанӣ»*. Абдулғаний ибн Абдулвоҳид ал-Жаммоилийнинг *«Ад-Дурра ал-музийа фи-с-сира ан-набавийа»* номли асарининг шарҳи; *«Тарих Миср»*. Мисрлик бўлган ёки Мисрда яшаган ҳадис *ровий*ларининг биографияларига оид алифбо тартибида битилган асар; *«Муъжам аш-шуйух»*. Муаллиф устозлари биографиясига оид асар; *«Ал-Арбаъун ат-тусаъиййат»*, *«Ал-Арбаъун ал-мутабайинат»*, *«Ал-Арбаъун ал-булданиййа»*.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Муъжам аш-шуйух*. – Тоиф: 1988. I, 412; Ибн Ҳажар. *Ад-Дурар ал-камина*. II, 398–399; Ибн ал-Жазарий. *Ғайа ан-ниҳайа*. I, 402; Ali Toksarı. «*Kutbüddin el-Halebî*». *TDV İA*. – Ankara: 2002. XXVI, 484.

Жамолиддин Каримов

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

عبد الله الأولاني

(12.07.1878. – Тошкент – 24.08.1934.)

Маърифатпарвар, адиб ва драматург




Абдулла Авлоний замонавий ўқитиш усулларини жорий этган муаллим, миллий матбуотимиз асосчиларидан, давлат ва жамоат арбоби. А.А. Ислом маърифатига доир шеърлари, исломий ахлоқни тарбиялашга бағишланган «*Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом*» (1910), «*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*» (1913) дарсликлари муаллифидир.

Тўқувчи оиласида туғилган. Эски мактабда савод чиқаргач, 1890 й.дан Шайхонтоҳурдаги Абдулмаликбой мадрасасида таҳсил олади. Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий шеъриятига меҳр қўяди. 1906 й.дан шеърлари б-н матбуотда қатнаша бошлаган. Араб, форс, рус тилларини ўрганиб, бу тилларда ижод қилган мутафаккирларнинг асарлари б-н танишган.

«*Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом*» дарслигидаги Одам (а.с.)дан Муҳаммад (с.а.в.)гача ўтган пайғамбарлар тарихи ва Ислом динининг майдонга келишига доир энг муҳим маълумотлар мактаб ўқувчиси тафаккури қабул қиладиган даражада содда услубда қисқача ёритилган. Дарслик икки қисмдан иборат: аввалги қисмида Одам, Шис, Идрис, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Юшаъ, Довуд, Сулаймон, Илёс, Ал-Йасаъ, Юнус, Ашъиё, Узайр, Дониёл, Закариё, Яҳё, Исо (а.с.)лар даврида юз берган энг аҳамиятли воқеалар мухтасар баён этилади. «Зуҳури дини мубин Ислом» сарлавҳасидан кейин Ислом тарихига оид маълумотларга ўтилади. Шундан сўнг *Фил воқеаси*, Муҳаммад (с.а.в.)нинг насаб ва туғилишлари, тарбия топишлари, ҳаёт тарзлари, пайғамбарликнинг келиши, *ҳижрат*лари, *Бадр, Уҳуд, Хандақ, Хайбар ғазотлари, Ҳудайбия сулҳи*, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг биринчи *умра*лари, Макка, *Ҳунайн*, Тоиф ва Румнинг *фатҳ* этилиши, *Вадо ҳажи*. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг вафотлари, умматларга намуна бўларли хулқлари, завжалари, авлодлари, *хулафои рошидийн*лар – Абу Бакр (р.а.), Умар (р.а.), Усмон (р.а.), Али (р.а.)лар тарихига оид асосий маълумотлар мантиқий изчилликда баён этилади. Асар ўқувчиларни оз фурсат ичида пайғамбарлар ва Ислом тарихининг энг муҳим жиҳатлари б-н таништиришга мўлжалланган.

«*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*» ўқувчиларда мукаммал исломий хулқни тарбиялаш мақсадига қаратилган дарслик китобидир. А.А. буюк салафи Шайх Саъдий Шерозийнинг қарийб саккиз аср муқаддам яратилиб, мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, форсий тилда ёзилган «*Гулистон*» асаридан таъсирлангани, ўз олдига туркий тилда унга монанд асар ёзиш мақсадини қўйгани учун дарсликни шундай номлаган. А.А. исломий ахлоқ мавзуида «*Гулистон*»га монанд асар ёзар экан, ўша замонда истибдод исканжасида қолган миллатнинг оғир аҳволи, диний қадриятларнинг тобора емирилиб бориши уни изтиробга солган.

Асар тўрт қисмдан иборат: 1) кириш; 2) яхши хулқлар таърифи; 3) ёмон хулқлар таърифи; 4) хулоса. Дарсликнинг кириш қисмида А.А. ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илм эканини таъкидлар экан, фикрига Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроғи йўқдир», мазмунидаги ҳадисларини келтиради. Асарда яхши хулқ ва ёмон хулқ ўзаро қиёсланади. Тарбия – педагогика ҳақидаги назарий қарашлар билдирилиб, тарбия замони келгани: «тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласи» экани таъкидланади. Кейин эса, бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлоқ тарбияси сингари тарбия турларининг моҳияти ёритилади. Асарнинг иккинчи қисмида фатонат, диёнат, исломият, назофат, саъй ва ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, хилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, *хавф ва ражо*, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, адолат, муҳаббат, олиҳимматлик, афв сингари яхши хулқлар таърифланади. Дарсликнинг учинчи қисмида ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат, ҳамоқат, хасосат, раховат, аноният, адоват, намимат, ғийбат, ҳақорат, жибонат, ҳасад, кизб, нифоқ, тамаъ, зулм сингари ёмон хулқлар таърифи келтирилади. Бу хусусиятлар алоҳида шахсларни емириш баробарида, миллатнинг таназзулига сабаб бўлишини таъкидлайди. Ҳар бир фазилат ёки қусурни таърифлар экан, А.А. фикрларини Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар б-н тасдиқлайди, мазмунга монанд мақоллар келтиради. Ҳар бир ёмон ёки яхши хулқ ҳақидаги фикрларини шеърий сатрлар б-н хулосалайди.



Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. I-II жилд

Асарнинг хулоса қисмида А.А. «Туркистон мактабларинда ўз шевамизда ёзилмиш мукаммал «Ахлоқ» китобининг йўқлиғи, афроди миллатнинг шундай бир асарга ташна ва муҳтож эканлиги» сабабидан ушбу дарсликни ёзганини таъкидлайди.

А.А.нинг Ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссаси фақат булар билангина чекланмайди. «*Адабиёт ёхуд миллий шеърлар*» тўпламида Аллоҳ таолога *ҳамд*, муножот, Расулуллоҳ (с.а.в.)га *наът*лар ёзган. Бироқ А.А.нинг *ҳамд* ва *наът*лари мумтоз шеъриятимиздаги шу мавзудаги асарлардан кескин фарқ қилади. Шоирнинг *ҳамд* ва *наът*лари моҳиятан миллат дарду ғами тасвирига келиб боғланади. А.А. Аллоҳни васф этар экан, миллатнинг инқирозидан, уни таназзул чоҳига олиб келган ўзаро нифоқ, адоват ва хурофотдан сўз очади. Расулуллоҳ (с.а.в.)га наът битар экан, «хатога жадал қилиб, савобдан йироқлашган» *умматнинг* бемор ва ғариб ҳолга тушганидан, «шаръи шариф ишламаётгани»дан ачиниш ҳиссини таъсирчан сўзлар орқали ифода этади. Бу фикрлари орқали шоир миллатни тараққий топган халқлар қаторида, Ислом маърифатини юксак даражада кўриш б-н боғлиқ орзуларини ифодалайди. Афсуски, ўша замонда бу орзулари амалга ошмай қолиб кетади.

Мустақиллик даврида А.А. ижодий мероси кенг ва чуқур ўрганилди ва ўрганилмоқда.

Ас.: Абдулла Авлоний. *Танланган асарлар*. Икки жилдлик. I-II жилдлар. – Т.: 1998.

Ад.: Б. Қосимов. *Миллий уйғониш: маърифат, жасорат, фидойилик*. – Т.: 2002; Б. Қосимов., Ш. Юсупов, У. Долимов ва б. *Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти*. – Т.: 2004; У. Долимов. *Миллий уйғониш педагогикаси*. – Т.: 2012.

Нурбой Жабборов

АБДУЛЛА ЖУВОНМАРДИЕВ

(9.02.1892, Қўқон – 18.01.1978, Тошкент)

Шарқшунос, арабшунос олим

Дастлабки таълимни отаси Дўстмуҳаммад домладан олган. Отасининг дўсти, ўз замонининг машҳур тожирларидан Айюбхон тўранинг қизи Адолатхонга уйланиб, ўн ўғил, бир қиз фарзанд кўрган. Абдулла Қодирий ва замонасининг бошқа илғор зиёлилари, ижодкорлари б-н яқин муносабатда бўлган. Ўтган асрнинг 30-й.лари сўнггида маърифатпарвар дўстлари қатори қатағонга учраб, Сибирь ўрмонларига сургун қилинган. Бу орада бошланган Иккинчи жаҳон урушида ўғиллари Ҳабибулла, Саъдулла, Сайфулла, Хайрулла, Лутфулла ва Асадулла кетма-кет ҳалок бўлади. Мусибатга дош бера олмаган Адолатхон 1943 й.да вафот этади. Кенжа ўғиллари: 10 ёшли Турғунбек, 6 ёшли Тўлқинбек, 4 ёшли Туйғунбек етимликда қийналиб ўсади. Ёлғиз қизи Баҳринисо 4 ёшида вафот этади. А.Ж. Сибирдан қайтгач, оиланинг пароканда бўлганидан қаттиқ қайғуради. Уларни бу ғурбатдан қутқариш учун яқинларидан бири ҳали турмушга чиқмаган қизи Ферузани А.Ж.га никоҳлаб беради. Улардан бир ўғил – Анварбек туғилган. У тижоратчи бўлиб етишган ва парфюмерия фирмасини ташкил этган.

А.Ж. араб, форс-тожик, инглиз, немис, турк, озарбайжон, рус, татар, қирғиз, қозоқ тилларини мукаммал билган. Бир умр ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида илмий ходим бўлиб ишлаган. «*Нодир саҳифалар*» ном-

ли асарида қаловини топиб, форс-тожик, урду тилларидаги ҳикматлар мисолида исломий ахлоқ, диний қадриятлар масаласини ёритган. Ин-тдаги қўлёзма манбалар асосида *«Ишқ ва ҳусн»*, *«Рисолаи руҳия»* сингари асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Моддиюнчилик давлат мафкурасига айлантирилган бир замонда руҳ ҳақиқатини баён этувчи «*Рисолаи руҳия*» асари таржима этилиб, ўзбек китобхони мулкига айлантирилиши эътиборга молик ҳодиса бўлган. Ақл, Идрок, Фаҳм ва Нафснинг Руҳга тобе қилиб берилиши, Нафснинг Руҳни оёқдан қолдириш учун пайт пойлаши, аста-секин уни ўзига бўйсундириши рамзлар воситасида ифодаланади. Асар бошдан-охир мажоз тилида ёзилган. Юқорида зикр этилганлардан ташқари, назар, ҳусн, дил, хаёл, завқ, ақл, ҳиммат, иноят, *зуҳд*, мушоҳада, шавқ сингари рамзий образлар орқали одамзоднинг асл ҳақиқатдан чекиниши, нафс етовига тушиши, маънан ва руҳан инқирозга юз тутиши каби масалалар бадиий талқин этилган.

А.Ж. Шарқ муҳрларининг тарихи ҳақида «*Антиқа муҳрлар*» номли рисола ёзган. Рисолада Бобил ҳукмдорларининг узук кўзига муҳр ўрнатиб, қўлларига таққани, муҳрнинг тўрт минг йилдан зиёд тарихга эга экани ҳақида манбалар асосида нодир маълумотлар берилган. Бундан ташқари, олим Мисрда, Хитойда ҳам муҳрли узук қадимдан бўлгани, хитойлар бирор ҳайвон сурати солинган муҳрни белларига, камарларига тақиб юргани, юнонларда эрамиздан икки минг йил аввал ҳам муҳр бўлгани, мол ва бисотларини муҳрлаб қўйганлари ҳақида қизиқарли фактларни аниқлаган.

Ёзма манбаларни ўрганиш асосида А.Ж. Муҳаммад (с.а.в.) араб кўчманчи қабилалари – бадавийларни Ислом динига даъват этиб, нома юбормоқчи бўлганларида уларнинг муҳрсиз мактубни қабул қилмаслигини эшитиб, кумуш узук кўзига «*Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ*» калимасини нақш қилдиргани ҳақида ёзади. Халифа Абу Бакр (р.а.) муҳрида: «Аллоҳдан бошқа комил қудрат эгаси йўқдир» калимаси, Али ибн Абу Толиб (р.а.) муҳрида эса: «Барча нарсанинг эгаси Аллоҳдир, у мулкини истаганча тасарруф қила олади» сўзлари битилгани тўғрисидаги маълумотлар рисоланинг шўролар замонида яратилган бўлишига қарамай, диний-маърифий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади. А.Ж.нинг аниқлашича, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда топилган эски муҳрларда муҳр эгаси ва отасининг исмигина эмас, баъзан Қуръони карим оятларидан намуналар ёки диний мазмундаги байтлар ҳам ёзилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий муҳрдор бўлганда мавлоно Бурҳонуддин бу воқеа таърифида таърих битади. Унда таърих моддаси «Алишер муҳр зад» сўзлари бўлгани, ундаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби 876 ҳиж. га тенг бўлиб, бу мил. ҳисобда 1472 й.га тўғри келади. Муҳр тутиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар муҳрни ўз даражаларига қараб ёздирган ва мартабаларига кўра муҳрни ҳужжатнинг остига ёки устига босганлар. Муҳр матнлари муҳр эгаларининг мавқеини англатган. Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821–1843) ясаттирган икки жағали муҳрда ўзи ва отасининг исмидан ташқари ўзининг «Ғозий» унвони ва отасининг «Амир ал-муслимийн»-лиги ҳам битилган. Баъзи муҳрларда ҳукмдорларнинг шажараси акс этган.



Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муҳрлари нусхаси

А.Ж. бутун умрини қўлёзма манбаларни ўрганиш, исломий-маърифий руҳдаги

асарларни таржима қилиш каби савобли ишга бағишлади. Ўзидан бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган мерос қолдирди.

Ас.: «*Нодир саҳифалар*».

Ад.: М. Жувонмардиева. *Хотирам маржонлари*. – Т.: 2012.

Нурбой Жабборов

АБДУЛЛА НОСИРОВ
عبد الله ناصروف
(1889 – Тошкент – 07.04.1987)
Шарқшунос, библиоғраф, хаттот ва арабшунос олим



Отаси Муҳаммад Носир Алимуҳаммад (1868–1918 й.) тараққийпарвар киши бўлиб, китоб савдоси б-н шуғулланган. Бобоси мадраса мударриси бўлган. Абдулла Носиров 18 ёшгача бобосининг қўлида ўқиган. Кейин *Кўкалдош* ва *Бекларбеги мадрасаларида тафсир*, ҳадис, *ақоид*, *фиқҳ* каби илмлардан таҳсил олган. *Кўкалдош мадрасасинг* мударриси шоир ва хаттот Сирожуддин маҳдум Сидқий Мирзоҳид ўғли Хондайлиқийдан хаттотлик сирларини ўрганган.

А.Н. 1916–1918 й.ларда отаси Муҳаммад Носир томонидан тошбосма усулида нашр қилиниб, ЎзР ФА Шарқшунослик ин-тида 464, 5510 инв. рақамлари б-н сақланаётган *«Маликаи Дилором»*, *«Ҳурилиқо»*, *«Зайн ал-ъараб»* достонларини, Ибн Баттутанинг *«Туҳфа ан-нуззор»* (Ўзбекистонга оид қисми 65 саҳифа), Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг форсийда ёзилган *«Тарихи жадидаи Тошканд»* (инв. рақам 5732) асарларини ва Абдулла Қодирийнинг илтимосига кўра *«Ўтган кунлар»* (инв. рақам 5974) романини настаълиқ хатида мукаммал кўчирган.

А.Н. 1921 й.да Туркистон Давлат нашриётига хаттот бўлиб ишга кирган. 1922 й.дан «Турон» кутубхонасида библиограф лавозимида ишлаган. У кутубхона фондини янги китоблар б-н тўлдириш, карточкалар тузиш, китобларни тавсифлаш б-н шуғулланган. Мазкур кутубхона фондида сақланаётган диний-маърифий, тарихий ва адабий қўлёзма асарларнинг нуқсонли, шароит тақозоси б-н тушиб қолган, йиртилган варақларини қайта кўчириш, матнни тиклаш борасида заҳматли меҳнат қилган. Ислом тарихини, диний-тасаввуфий адабиётни нозик тушунган А.Н.дан «Турон» кутубхонасига келган таниқли рус шарқшунослари В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс ҳамда Ўзбекистоннинг кўзга кўринган ёзувчи ва шоирлари кўпгина масалалар юзасидан маслаҳатлар олиб туришган.

1940–1943 й.ларда А.Н. Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ишлаган. Бу ерда у библиограф олим Е.К. Бетгер б-н ҳамкорликда Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Миср ва б. Шарқ мамлакатларида босилган китобларга каталог ҳамда картотекалар тузади. 1943 й.да ЎзР ФА ташкил этилгандан кейин Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида ишлаган. Ин-тда мавжуд қўлёзма ва тошбосма манбаларни тартибга солиш, уларга картотека тузиш ишларида иштирок этган. «*Абдулла Носиров дафтарлари*» номи б-н машҳур бўлган ўзига хос библиографик мажмуалар силсиласини тузган. Бу ишни у киши ўнлаб йиллар узлуксиз равишда давом эттириб, Ўрта Осиё тарихи, дини, маданияти, санъати, умуман бу минтақа ҳаётининг турли жабҳаларини ёритишда катта аҳамиятга эга муҳим манбани юзага келтиради.



Абдулла Носиров кўчирган қўлёзма

А.Н.нинг ўз эътирофича, ин-т фондидаги мавжуд 70 мингдан ортиқ китоблардан у кўрмаган манба қолмаган.

«Абдулла Носиров дафтарлари» жами 130 жилддан иборат бўлиб, ҳамма жилдларга библиография ва кўрсаткичлар тузилган. Ҳар бир жилди қандай соҳа ва мавзуларга бағишлангани 13469 инв. рақамли дафтарда тасниф этилган.

А.Н. нодир қўлёзма ва тошбосма манбалардан тўплаган бу материаллар ичида Ислом тарихи, диний-маърифий илмларга оид манбалар тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар берилган.

А.Н.нинг 130 жилддан иборат библиографик дафтарлари ижтимоий-гуманитар соҳада илмий изланишлар олиб бораётганлар учун беқиёс аҳамиятга молик бир хазинадир. Бу дафтарлар библиография соҳасида ўзига хос янгилик ҳисобланиб, аҳамияти жиҳатидан ЎзР Марказий архивида сақланаётган 70 жилдлик «*Серебренников тўплами*» ёки Навоий кутубхонасидаги «*Туркестанский сборник*» (420 жилд, унинг бир қисми ёнғинда куйиб кетган) қаторида турувчи нуфузли манбалар сирасига киради.

Туркистоннинг Ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, хорижий Шарқ давлатлари б-н ижтимоий, диний-маърифий алоқалар тарихини ўрганиш, бу мамлакатлардаги ва Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари уйғунлиги масалаларини тадқиқ этишда «*Абдулла Носиров дафтарлари*» қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ас.: «*Абдулла Носиров дафтарлари*». ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. Қўлёзмалар мажмуаси, инв. рақам 13457, 13458, 13459, 13460, 13461, 13462, 13463, 13464, 13465, 13466, 13467, 13468, 13469.

Ад.: Қ. Муниров, О. Жалилов. *Маънавият хазинасининг ноёб билимдони.* «Шарқшунослик» ж., 9-сон. – Т.: «Фан», 1999. 181–184; М. Ҳакимов. *Китобдор.* «Гулистон» ж., 5-сон. 1973. 77.

Нурбой Жабборов

АБДУЛЛА ОРИПОВ
عبد الله عارفوف

(21.03.1941, Қашқадарё вилояти Косон тумани Некўз қишлоғи – 5.11.2016, АҚШ, Техас штати, Хьюстон шаҳри)

Ўзбек шеъриятининг улкан намояндаси, давлат ва жамоат арбоби



Истиқлол Абдулла Орипов ижодида исломий-маърифий мавзу талқини б-н боғлиқ янги асарларнинг туғилишига сабаб бўлди. Шулардан бири – *«Ҳикмат садолари»* туркуми. Алишер Навоий *«Арбаъин»*и йўлида шоир дастлаб муборак қирқ ҳадис мазмунида шеърлар ёзди. Ушбу туркумга кирган шеърлар Қуръони карим сураларига ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларига ҳар жиҳатдан мувофиқ. Уларда яхшиликка чорлов, ёмонликдан қайтариш марказий ўрин тутади. *«Ибодат»*, *«Меърож»*, *«Ваҳий»*, *«Ҳордиқ»*, *«Ибрат»*, *«Билол Ҳабаш»* сингари шеърлар соғлом эътиқодни тарбиялашга хизмат қилади. *«Ҳордиқ»* шеърида тасвирланишича, Араб саҳро-

сидаги карвонда келаётган Расулуллоҳ (с.а.в.) тақир жойда, тўшаксиз ҳордиқ чиқармоқни ихтиёр этадилар. Бундан таъсирланган *саҳобалар* «Ё Расулаллоҳ, ҳеч қурса бўйрада ётинг!» дея илтижо қиладилар.

Расулуллоҳ деди: – Ўйламанг, асло
Фанодан мен роҳат кутаётирман.
Бу дунё дарахтнинг сояси гўё,
Мен ундан от миниб ўтаётирман.

Шеърда дунёга кўнгил берманг, у ўткинчи. Фурсатни ғанимат билинг, фоний дунёнинг қийматини англанг, деган теран моҳият ифодаланган. Зеро Пайғамбаримиз (с.а.в.) дунё ҳашаматига – юксак саройу олтин тахтга ружу қўймаганлар. Ривоят қилинишича, сафарларидан бирида толиққач, бир туп дарахтга суяниб дам олганлар. Сўнг ўша дарахтни кестириб ташлаганлар. А.О. ана шу тарихий воқеани қуйидагича ифода этади:

Расул амр қилди: – кесинг дарахтни,
Ўйламанг, борлиққа йўқдир ҳимматим.
Пайғамбар дарахти бергай деб бахтни,
Сиғиниб юрмасин унга умматим.

Улуғ саҳоба Билол (р.а.)нинг муборак рангини хол қилиш учун жаннат ҳурлари талашиши ҳақида ҳадис бор. Унинг мазмунини шоир қуйидагича ифода этган:

Пайғамбар уммати – қора тан Билол
Расулга ҳамиша камарбастадир.
Сидқ ила вафога бўлди у тимсол,
Қайтмади рост йўлдан, соғ ё хастадир.
Билол айтар эди азонни яккаш,
Сазовор бўлмишди ишончга андоқ.
Расулдан сўрашди: – Бу қора ҳабаш
Жаннат чеҳрасига ярашгай қандоқ?
Жавоб шундай бўлди:
– Сўйлангиз билиб,
Унинг оқ дилида иймон оҳанги.
Жаннат ҳурларига қора хол қилиб,
Бўлиб берилгандир Билолнинг ранги.

*«Ҳикмат садолари»*даги иккинчи гуруҳ шеърлар – яхшиликка чорлов мавзусида. *«Рўза»*, *«Ҳайит»*, *«Ота»*, *«Она»*, *«Савоб»*, *«Хазина»*, *«Паҳлавон»*, *«Эзгулик»*, *«Камолот»*, *«Тенглик»*, *«Муҳаббат»* каби шеърларда диний маърифатга бағишланган. Ана шу мазмундаги ҳадислардан бири гуноҳкор банда учун тавба эшиги ҳар доим очиқлиги ҳақида. Шеърнинг мазмуни шундай: дейлик, бир бечора банда гуноҳ қилди, шайтон макрига учди. Табиийки, унинг на руҳида, на вужудида тинчи қолади, ҳамроҳи надомат бўлади. Энди у бой берилган ҳаловатни қайтариш учун чора излайди, нажот ахтаради. Бироқ бу амри маҳол. Наҳотки, унинг қошида энди: «қопқалар ёпилган, остоналар берк!».

Йўқ, ҳали оламда мавжуддир шафқат,
Йўқ, ҳали тебранар меҳр бешиги.
Тавба қил, тавба қил,
тавба қил фақат,
Сенга очиқ фақат тавба эшиги.

Учинчи гуруҳ – ёмонликдан қайтариш мавзусидаги шеърлар туркумда аксариятни ташкил этади. *«Инсон»*, *«Дўзахийлар»*, *«Дуо»*, *«Марҳумлар шаъни»*, *«Риоя»*, *«Шоҳ ва гадо»*, *«Ҳасад»*, *«Кибр»* ва ҳ.к. *«Инсон»* шеърида Аллоҳ таолонинг Одамни яралмишлар ичида мукаррам қилгани, буни эътироф этмагани учун Иблиснинг Аршдан қувилгани эсланади ва мана бундай поэтик хулосага келинади:



Абдулла Орипов. Танланган асарлар

Кўзингнинг ўнгида ўсгандек экан,
Раббим ҳам огоҳдир ҳар зум ҳар ишдан.
Рўзаю парҳезда муддат бор, лекин
Ҳамиша ҳазар қил ҳаром-ҳаришдан.

Бир-бирига ўлим тилаган кишиларнинг оқибати; марҳумларнинг амал дафтари ёпилгани, улар ортидан тош отиш номақбуллиги; ўзгаларни камситиш айб экани; мусулмон умматининг ҳасад ва риёдан қайтарилгани ҳақидаги ҳадисларга битилган назмий шарҳлар ҳам шоирнинг бу борадаги беназир салоҳиятини кўрсатади.

«Ҳикмат садолари» туркуми 1992 й. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси томонидан эълон қилинган танловда ғолиб деб топилиб, А.О. *ҳаж* сафарига йўлланма б-н тақдирланди. Ўша йили шоир *ҳаж* ибодатини адо этади. Ана шу муборак сафар давомида *«Ҳаж дафтари»* туркуми ёзилган. Уни очиб берувчи *«Каъбатуллоҳ»* шеърида «Инсофу диёнат унутилган, томирлардаги қон айниган, ҳақиқат йўқлиги боис ёлғон яшнаган» кезларни алам б-н қаламга олади. Истиқлол боис «юрт ҳидоятга юз бургани учун шукрона» айтади, «Ҳақ деган она замин бахтини сўраб» илтижолар қилади. Туркумдаги энг дардчил, теран фалсафа б-н суғорилган шеърлар мўътабар сиймо – она васфига бағишланган. Шоир *Каъба* қопқасида турган посбонга хитоб қилиб, уни аввал оналарнинг йўлларини очишга, уларнинг пойига тиз чўкиб, тавоф қилишга, қўлларини ўпиб, кўзга суртишга чақиради.

Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб
Каъбада кўз очган Оби Зам-зам ҳам.
Бир умр талпинмиш онага қараб,
Не-не пайғамбарлар кўзларида нам.

Ҳаж зиёратига миллионлаб одамлар боради, лекин адиблар уларнинг орасида унча ҳам кўп бўлмайди. Улар баъзан оддий одам ҳис этмаган туйғуларни туяди. *«Арафот»* шеъри бу жиҳатдан алоҳида қимматга эга.

Арафот тоғининг этакларида
Кўрдим қиёматнинг аломатларин.
Ҳамма бир хил либос – эҳром сарида,
Қайтадан варақлар умр дафтарин.

Мажруҳ боладан мункиллаган чолгача «Лаббайкаллоҳ!» – дея илтижо қилади. Шу онда кимдир ташналикдан инграётган бўлса, кимнингдир ҳаёти адо бўлаётир. *Намоз* вақти келгач, тумонат муслим кўзда жиққа ёш б-н саждага эгилади – яна қайта бош кўтара оладими, йўқми, ноаён. Шундай оғир синовдан ўтган шоир мана бу тарзда шукрона айтади:

Қиёмат нима деб сўрама энди,
Унинг бир саҳнасин кўрсатди Аллоҳ.
Зўр денгиз тонггача қайнади, тинди,
Синовдан ўтганим рост бўлсин, валлоҳ!

Шоирнинг *ҳаж* сафаридан чиқарган бадиий умумлашмаси ҳар бир ўқувчи қалбида акс садо берадиган даражада таъсирчан:

Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.
Адаша-адаша Маккани топдинг,
Энди адашсанг гар қайга боргайсан?!

«Жаннатга йўл» – А.О.нинг бадиий-эстетик тафаккури кўлами нечоғлик кенг эканини кўрсатган драма. Айрим тадқиқотчилар уни А.О.нинг ўзи ўзбек тилига таржима қилган Данте Алигьеринининг *«Илоҳий комедия»*си таъсирида ёзилганини таъкидлайдилар. Аслида, улар бирида Шарқ – Ислом тафаккури, иккинчисида эса Ғарб – насронийлик дунёқараши етакчилик қилиши жиҳатидан жиддий фарқ қилади. *«Жаннатга йўл»* поэтик услубнинг ўзига хослиги, тасвир замирига сингдирилган ҳаёт фалсафасининг теранлиги ва бадиий талқиннинг кўп қатламли эканига кўра ўзбек шеърий драмачилигида янгилик ҳисобланади.

Шоир ижодида Имом ал-Бухорийнинг ҳадис илмида тутган ўрни, аллома зиёратгоҳининг ўтмиши ва бугуни қиёсан бадиий талқин этилади. Имом ал-Бухорийнинг ҳадис илми ривожида тутган ўрни мана бундай ифодаланган:

«Ҳадис чўнг илм бўлди,
Етиб Ҳақнинг ризоси.
Айтса арзир, Бухорий
Пайғамбарнинг мирзоси».

А.О. 1990 й.дан Ўзбекистон Олий Кенгаши, 1995 й.дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, 2005–2010 й.ларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам диний-миллий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшган. Давлат ва жамоат арбоби сифатида бу борадаги хизматлари учун А.О. Калифорния (АҚШ) Фан, таълим, саноат ва санъат халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси. Сока ун-ти (Япония) фахрий профессори (2003), Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан «WIPO Creativity Award» олтин медали совриндори (2007) бўлган.

Ас: Танланган асарлар [8 ж.ли]. – Т.: 2001–2016.

Ад.: М. Қўшжонов, С. Мели. *Абдулла Орипов.* – Т.: 2000; Н. Жабборов. *Сўз гуҳарининг шарафи. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати,* 2005 й. 6 май; *Гўзал ташбиҳ, сирли руҳ... //Ўзбекистон адабиёти ва санъати,* 2007 й. 26 окт.; *Уфққа ташланган кўприк. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати,* 2015 й. 20 март; А. Кўчимов. *Мен шоирман, истасангиз шу...* – Т.: 2018.

Нурбой Жабборов

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

عبد الله قادري

(4.10.1894 – Тошкент – 10.04.1938)

Ўзбек адиби ва маърифатпарвари

Асосий адабий тахаллуслари: Қодирий, Жулқунбой – 20-а.да исломий ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган адиб, ўзбек романчилиги асосчиси, улуғ маърифатпарвар. Отаси Қодирмуҳаммад (1821–1924) асосан, савдогарчилик б-н, 1870 й.лардан умрининг охиригача Тошкентнинг Самарқанд дарвоза даҳасидаги ярим гектарлик ерида боғдорчилик б-н оила тебратган. Онаси Жосият биби уй бекаси бўлган. Болалигиданоқ ўткир зеҳни, иқтидори б-н тенгдошларидан алоҳида ажралиб турувчи А.Қ. аввал мусулмон мактабида (1904–06), кейин рус-тузем мактабида (1908–12), *Абу-л-Қосим мадрасаси*да (1916–17) таҳсил олади; Москвадаги адабиёт курсида (1925–26) ўқиган.



А.Қ. болалигидан Шарқ-Ислом адабиётининг мумтоз намуналарини мутолаа қилди; араб, форс ва рус тилларини ўрганди. Жаҳон адабиёти б-н танишди. 1912 й.дан савдогар Расулмуҳаммадбой қўлида иш юритувчи, 1917 й.даги Октябрь тўнтаришидан сўнг Эски шаҳар озиқа қўмитасининг саркотиби (1918), «Озиқ ишлари» газетаси муҳаррири (1919), Касабалар шўросининг саркотиби (1920), «Муштум» журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоси (1923–26) сифатидаги фаолияти давомида бадиий ижод б-н мунтазам шуғулланди.

А.Қ.нинг бадиий ижод майдонига кириб келиши «Садои Туркистон», «Самарқанд» газеталари, «Ойна» журнали чиқа бошлаган 1913 й.га тўғри келади. *«Янги масжид ва мактаб»* сарлавҳали илк мақоласи «Садои Туркистон»нинг 1914 й. 1 апр. сонида А.Қ. имзоси б-н босилиб чиққан. *«Аҳволимиз»* шеърида ватандошларини фарзандларига «Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўргатиш»га чорлайди:

Кўр бизинг аҳволимиз, ғафлатда
қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида виждонни
пулга сотамиз.
Ўғлимизга на адаб, на фан, на
яхши сўйламак,
На Худони(нг) буйруғи бўлган
улум ўрготамиз.

«Таваккалту ъалаллоҳ»ни деган эр: на талқону на қалқоннинг ғамин ер» сарлавҳали мақоласида Қуръон оятлари б-н асосланган тоат-ибодатда, ихлос-эътиқодда, *зуҳду* тақвода риёзат чекиб, таваккул қилиш мақомига кўтарилган буюк аждодлардан ибрат олмай, ўзининг дангасалигини «таваккул» ниқобига ўраб кўрсатадиган замондошларини аёвсиз танқид қилади. «Кимнинг оғзига қулоқ солсанг: «Бўлса бўлар – бўлмаса ғовлаб кетар», дея куйинган адиб, билими чала муаллимлар, сўзда полвону меҳнатдан қочадиган ишчилар, авлод тарбияси ўрнида «Қозонда жиз-биз, ўринда сиз-биз» шеърини шиор қилган миллат аёллари, «Миллатга илм керак, маърифат керак» дея бонг уриб, ишга келганда томошабин бўлиб турувчи зиёлилик даъвосида юрганлар аслида Ватан ва миллат таназзулининг бош сабабчилари экани ҳақида изтироб б-н ёзади. «Туркистон» газетасининг 1923 й. 24 дек. сонида босилган «Ҳуқуқ» сарлавҳали мақоласида шўроларнинг инсон, айниқса, аёллар ҳуқуқини нечоғли оёғости қилгани масаласини ўткир киноя руҳида таҳлил қилиб беради. Мақолада: «Шўролар ҳукумати ҳар бир чоти айри, боши юмалоққа, ҳар бир нотиқу ғайри нотиққа, ҳар бир инсу жину деву париға том-том боло-боло бом (мукаммал) ҳуқуқ берди, деб гапуришадирлар. Бу тўғрими, баковул-ясовуллар, қозию қузотлар бу гапка, бу ишларга тушунадирларми?» дея савол қўйган адиб, ушбу даъволарнинг таги пуч, асоссиз эканини аниқ мисоллар таҳлили орқали исботлаб беради.

А.Қ. – ўзбек адабиётидаги биринчи роман *«Ўткан кунлар»*ни 1919–20 й.ларда ёзиб тугатди. Ўзбек исломий тафаккурининг маҳсули бўлган бу асар 1924–26 й.лари ҳар бир бўлими алоҳида-алоҳида китоб ҳолида босилди. Роман Ислом маърифати руҳи б-н суғорилган. Бу хусусият қуйидагиларда кўринади: А.Қ. асарда вақтни исломий ўлчовда беради. Саналар ҳиж.-қамарий йил ҳисобида келтирилади. Жумладан, асар «1264-ҳижрия» (мил. 1845–46) санаси б-н бошланади. Романга муаллиф ёзган изоҳда Нормуҳаммад қушбегининг Тошкентдаги беклик санаси 1270–73 ҳиж. й.лар ораси экани айтилади. Кумушнинг қабрига тошдан ўйиб ёзилган лавҳада таваллуди 1248, вафоти 1269 ҳиж. экани қайд этилади ва ҳ.к. Ой номлари эса фақат бир ўринда ҳиж.-қамарий «жумодул-аввал» ойи зикр этилганини истисно қилганда, асосан, ҳиж.-шамсий йил ҳисоби бўйича ифодаланган. Романда куннинг қайси палласи экани *намоз* вақтига кўра белгиланади: «қуёш ботқан, теваракдан шом *азони* эшитиладир», «субҳ *намоз*ини ўқиб арава қўшилди», «асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскари б-н халқ орасида уруш бошланди», «Хуфтон *намоз*идан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила пойчароғ ёнига ўлтуруб, Фузулий девонини варақлар эди» сингари. Вақт ифодаси учун ҳар бир мусулмон адо этадиган беш вақт *намоз*нинг ўлчов асоси ўлароқ танланиши, аввало, романда муаллиф томонидан белгиланган ижодий концепция тақозоси бўлса, иккинчидан, адабий замоннинг мусулмон эътиқодига мувофиқ поэтик тизим даражасига кўтарилганидан далолат беради. Асар сюжетида романнинг асосий қаҳрамонлари ўқиётган китоблар ҳам уларнинг дунёқараши, эътиқоди исломий эканини кўрсатиб туради. Романнинг охирги учинчи қисми охирида Юсуфбек ҳожи кўп вақтини меҳмонхонада «Қуръон» ва «*Далāил*» ўқиб ўтказгани ҳақида

сўз боради. Бу ҳол Юсуфбек ҳожининг комил мусулмонлигидан дарак беради. 15-а.да мусулмон *ақида* олими Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий (1404–1465) араб тилида ёзган *«Далāил ал-хайрāт»* Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га атаб ўқиладиган салавот ва мадҳиялардан иборат асар. Китоб етти қисмдан таркиб топган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунида ўқишга мўлжалланган. Асарнинг шарҳлари ва туркий тилга таржималари ҳам мавжуд. Китобда кундалик тавсия этиладиган салавот айтиш усуллари кўрсатиб берилгани учун мусулмонлар ундан мунтазам фойдаланган. Ҳатто мазкур китоб ўқиладиган махсус далоилхона деб номланган мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Юсуфбек ҳожининг Қуръони карим ва *«Далāил»* ўқиётган тарзда тасвирланиши замирида комил мусулмон бўлган А.Қ.нинг ижодий мақсади ифодаланган. Исломий руҳ, мусулмон маънавияти роман қаҳрамонларининг наинки ташқи – зоҳирий ҳаракатларида, руҳий дунёсида, ҳар бир сўзида ҳам яққол намоён бўлиб туради. Юсуфбек ҳожи ва Кумуш – қайнота ва келин муносабатларига оид биргина лавҳа: «Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқиниға келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли б-н Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайиға тегизиб олған ўз қўлини ўпди:

– Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрған эканмиз-да, – деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуоға очди».

Бу ўринда эътиборга молик икки нуқта бор. Биринчиси – адиб «Марғилонда ҳам» деганда биргина «ҳам» юкламасини қўллаш орқали Юсуфбек ҳожининг мусулмон ахлоқига мос юксак адолатига ишора қилади. «Ҳам» юкламаси замирида «Тошкентда ҳам» деган маъно яширинганини пайқаш қийин эмас. Бу б-н ҳожи Кумушга иззат кўрсатиш баробарида, Зайнабнинг ҳам ҳурматини жойига қўяди. Бу ҳол она тилимизда наинки сўзлар, оддий юкламаларни ҳам ўз ўрнида қўллаш маъно ифодасига кучли таъсир этишини кўрсатади. Иккинчи нуқта: Юсуфбек ҳожи Кумушнинг пешонасига теккан ўз қўлини ўпиши – бу чинакам миллий ва бир вақтнинг ўзида исломий урф, тобора унутилиб бораётган удум. Мусулмон оталар аввалларі ўз қизларига, келинларига бўлган меҳрларини шу тарзда намоён этган: уларнинг пешонасидан бевосита бўса олмай, ана шу пешонани силаган ўз қўлларини ўпган. Мусулмон ҳаёт тарзининг бундай нозик жиҳатлари А.Қ. томонидан маҳорат б-н тасвирланган.

Романда мавзу «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлған «хон замонларидан белгиланган»и таъкидланса ҳам, аслида А.Қ. ўзи яшаб турган давр воқелигини, мустамлака исканжасида қолган миллатнинг дардини, изтиробини асар матнига маҳорат б-н сингдириб юборади. Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган мана бу сўзлар комил мусулмоннинг юрак изҳори сифатида кўнгилларга титроқ солади: «Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни(нг) не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирған бўлсақ, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлиға тутқин қилиб топширғучи – биз кўр ва ақлсиз оталарға Худонинг лаънати албатта тушар...».

А.Қ. комил мусулмон адиби сифатида асос манба сифатида Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга таянган. Адабиётшунос Узоқ Жўрақулов роман манбаини «илк сюжет» – Қуръони каримдаги Одам (а.с.) тўғрисидаги илоҳий хабарга боғлайди. Бу фикр «илк учрашув мотиви» ва «висол мотиви» б-н боғлаб асосланади. Қуръоний ахборотга кўра, Одам (а.с.) ва Ҳавво онамизнинг жаннатда бирга бўлиши илк учрашув бўлиб, ундан кейин келадиган – башарият ҳаёти учун муҳим учрашувнинг дебочаси эди. Бу ўта ноёб ҳодиса бўлиб, инсоният ўз тарихи давомида илк учрашувнинг бу мақомига қайтиб эриша олган эмас (эришиши мумкин ҳам эмас). Бундан кейин адабий, маърифий, ижтимоий жиҳатдан талқин этилган барча катта ва кичик учрашувлар шу учрашувга тақлид ва ҳавас, холос. Ҳолбуки, улар ушбу ягона (инсоният тарихидаги биринчи ва сўнгги), улуғвор (Аллоҳ ҳузуридаги), фараҳбахш (жаннатдаги) учрашувга на мазмун, на замон ва на макон нуқтаи назаридан тенглаша олади. А.Қ. романидаги «ариқ бўйи» учрашувининг эса тасодифга мутлақо алоқаси йўқ. Роман худди шу илк учрашув мотивиданоқ Қуръони карим мазмунига, демакки, илоҳий ҳақиқатларга тўла мос тушади. Асардаги «висол» мотиви у қадар кўп давом этмайди. Роман сўнггида ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам ҳалок бўлишади. Аммо шу ўтган қисқа вақт янги ҳаётнинг барпо бўлиши (Ёдгорбекнинг туғилиши), ошиқ-маъшуқа авлодларининг давомийлиги (роман ниҳоясидаги «Ёзғучидан» деб номланган изоҳда Ёдгорбекдан «икки ўғул» қолгани айтилади) учун кифоя қилади. Ошиқ-маъшуқанинг чин муҳаббати замин аро изсиз йўқолмайди. Отабек жаҳолатга қарши жангда, Кумуш эса фарзандини дунёга келтириш жараёнида ҳалок бўлишадики, бундай ўлим топган мўъмин банда, албатта, Ҳақ висолига эришиши Ислом манбаларида қайд



Абдулла Қодирий. «*Ўткан кунлар*» романи

этилган. Роман сюжетининг бу тарзда тугаши, биринчидан, унинг Қуръони каримда келган илк сюжет воқелиги б-н ҳамоҳанглигини кўрсатса, иккинчидан, роман сюжетининг том маънода шарқона, айнан шарқоналиги боис жаҳон романчилиги доирасида оригинал бадиий ҳодиса эканини тасдиқлайди.

А.Қ. иккинчи йирик асари «*Меҳробдан чаён*»ни 1928 й. фев.да ёзиб тугатади. 1929 й. Самарқандда босилиб чиққан романда 19-а. ҳодисалари – «хон замонлари» давридаги маънавий инқироз илдизлари бадиий талқин этилган. Асарнинг «*Меҳробдан чаён*» деб номланиши сабаби ўзини зоҳиран мусулмон кўрсатувчи, ботини кир, қалби фитна-фасодга мойил, ўз шахсий манфаатини миллат ва дин манфаатидан устун кўрувчи тубан кимсалар образини тасвирлаш орқали ўша мураккаб замонда Туркистон ўлкасидаги қолоқлик, инқироз сабабларини кўрсатиш бўлган. А.Қ. бу романи орқали миллатга латофатини ҳам, қабоҳатини ҳам очиқ-ойдин кўрсатишни мақсад қилган.

А.Қ. мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб ижод қилди. Муттасил давом этган таъқибу тазйиқларга қарамай, эътиқодида собит қолди, Ватан ва миллат манфаатини ҳар нарсадан устун билди, Ҳақ ва ҳақиқат йўлидан оғмади. Асарларида ўша замонда айтиш хатарли бўлган ҳақиқатларни акс эттирди. Табиийки, бу фазилатлар унинг бошига ададсиз кул-

фатлар ёғилишига сабаб бўлди. 1926 й. «аксилинқилобий ҳаракат қилганлик»да айбланиб қамоққа олинди, суд қилинди. А.Қ. судда ўз шаънини мардона ҳимоя қилди. Шўролар ўтган асрнинг 30-й.ларида миллатнинг ор-номуси тимсоли бўлган зиёлиларни бирин-кетин қатағон гирдобига маҳкум эта бошлади. 1937 й. 31 дек.да А.Қ. иккинчи марта қамоққа олинди. Буюк ёзувчига «халқ душмани», «миллатчи», «аксилинқилобчи» сингари айблар қўйилди. Машъум 1938 й. 4 окт.да А.Қ., Чўлпон ва Фитрат отиб ўлдирилди. Шўролар ҳукумати буюк адибни жисмонан маҳв этиш б-н кифояланмади. Уни авлодлар қалбидан ва хотирасидан ҳам бутунлай сиқиб чиқаришга интилди. Лекин А.Қ. асарларини миллат зиёлилари, ёш авлод қалбидан ўчира олмади. 1957 й. адиб оқланди. Асарлари айрим қисқартиришлар б-н чоп этилди, адабий мероси юзасидан тадқиқотлар қилинди. 1991 й. Ўзбекистон миллий истиқлолга эришгандан сўнг эса унинг ижодий меросини илмий ўрганиш чин маънода янги босқичга кўтарилди. Ёзувчи адабий мероси бўйича ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Адиб асарлари ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларига, дарсликларига киритилди. *«Ўткан кунлар»* ва *«Меҳробдан чаён»* романлари асосида кинофильмлар (1969, 1973, 1996) ва кўп серияли телефильмлар яратилган. Адиб асарларининг беш жилдлиги нашр этилди. Тошкент ш. Самарқанд дарвозаси маҳалласида жойлашган улуғ адиб яшаб ижод қилган уй ва боғ ҳовли ҳудудида боғ-музей ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Бу воқеа А.Қ. номини абадийлаштириш, улуғ ёзувчининг беқиёс адабий меросини келажак авлодларга етказиш йўлида ҳақиқий маънода тарихий адолатнинг тикланишидир.

Ас.: *«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён».*

Ад.: Ойбек. *Асарлар* [19 жилдли], 16-жилд (*Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли*). – Т.: 1979; Ҳ. Қодирий. *Отам ҳақида.* – Т.: 1983; *Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида.* – Т.: 1988; Н. Боқий. *Қатлнома.* – Т.: 1992; М. Қўшжонов. *Ўзбекнинг ўзлиги.* – Т.: 1994; У. Норматов. *Қодирий мўъжизаси.* – Т.: 2010; Б. Қосимов. *Уйғонган миллат маърифати.* (Қуёш борлигидай ойдин ҳақиқат). – Т.: 2011; Б. Каримов. *Қодирий насри – нафосат қасри.* – Т.: 2014; Б. Каримов. *Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур.* – Т.: 2014; У. Жўрақулов. *Назарий поэтика масалалари (Биринчи ўзбек романи – «Ўткан кунлар»).* – Т.: 2015.

Нурбой Жабборов

АБДУЛЛАТИФ АЛ-БАҒДОДИЙ

عبد اللطيف البغدادي

Муваффақуддин Абдуллатиф ибн Юсуф ибн Муҳаммад (557/1162 – Бағдод – 12.1.629/8.11.1231)

Табиб, файласуф, кўп қиррали Ислом олими

Абдуллатиф ал-Бағдодий паст бўйли, заиф кўринишга эга бўлган. Шу сабабдан Ибн Нуқта ва Ибн Лаббод кунялари б-н ҳам зикр қилинади. Асли Мосул (Ироқнинг шим. қисмидаги шаҳар)лик оилага мансуб бўлиб, отаси Юсуф ва амакиси Сулаймон диний ҳамда дунёвий илмларда пешқадам олимлардан бўлганлари маълум. Замондоши бўлган Ибн Абу Усайбия ўзининг «*Уйўн ал-анбаъ*» номли асарида зикр қилишича, А.ал-Б. жуда кичик ёшда – «ўйин завқини тотмасданоқ» таҳсилини бошлаган. Қуръони каримни ёд олганидан сўнг, аввал ҳадис, кейин *фиқҳ*, тил ва адабиёт соҳаларидаги асосий матнларни ўрганиб, *ижоза* олган. Кейинчалик илм талабида даврининг илм ва маданият марказларига сафар қилади. Борган ҳар жойида илм б-н машғул бўлади, илмий мажлисларда қатнашади. Мағрибдан Бағдодга келган Ибн ат-Тотлийдан фалсафий илмларни ўрганганидан кейин, бир муддат Ибн Сино, Баҳманёр ва ал-Ғаззолий асарларини ўқийди. 1189 й.да Мосулга сафар қилади ва замонасининг таниқли олими Камолуддин ибн Юнус б-н танишиб, ундан сабоқ олади. Мосулдалик чоғида Ибн Муҳожир мадрасаси ва Дор ал-ҳадисда мударрислик қилган А.ал-Б.

ас-Суҳравардий асарларини тадқиқ этади ва уни кескин танқид қилади. 1190 й.да Шомга сафар қилиб, Тожуддин ал-Киндий б-н мунозараларда бўлади ва унинг илмий устунлиги қисқа вақт ичида атрофга ёйилади. Бир йилдан сўнг Қуддус ва Мисрга сафар қилади. Мисрда Абу-л-Қосим аш-Шорий, Ёсин ас-Симёий ва машҳур яҳудий файласуфи Ибн Маймун каби даврининг буюк олимлари б-н танишади. А.ал-Б. Абу-л-Қосим аш-Шорийдан ал-Форобий, Искандар Афродисий ва Фемистий (Themistius) каби Аристотель шориҳларининг асарларини ўрганади. Саёҳатлари чоғида ўша даврларда бу ерларга ҳоким бўлган Айюбий хонадонидан ўзига нисбатан катта қизиқишни кўради, хусусан, Салоҳуддиннинг илтифотларига эришади. У Мисрдан яна Қуддусга, у ердан Шомга қайтади. А.ал-Б. 1199–1201 й.лар мобайнида Мисрда бўлади, мазкур йилларда у ерда вужудга келган қийинчилик, Миср халқининг моддий ва маънавий паришонлигига гувоҳ бўлади. У ўзининг *«Ал-Ифада ва-л-иътибар»* номли катта асарида мазкур иқтисодий ва ижтимоий инқирозни батафсил баён қилган. А.ал-Б. 1206 й.да Қуддусдаги *Масжид ал-Ақсо*да, 1207 й.да эса Шомнинг Азизийя мадрасасида мударрислик қилади. Унинг Шомдаги дарслари, асосан, тиббиёт б-н боғлиқ бўлган. Зеро, унинг тиб илми б-н боғлиқ муҳим асарларини шу ерда ёзганлиги ҳақида тахминлар мавжуд.

А.ал-Б.нинг ҳаёти қизғин илмий фаолият б-н кечган. 629/1230 й.да *ҳаж* ибодатини адо қилиш учун сафарга чиқиб, ватани Бағдодга боради ва мазкур йилда вафот этади. Баъзи муаллифлар А.ал-Б. ни Ислом фалсафасининг ҳеч бир мактабини тан олмаган файласуф, деб эътироф қилсалар-да, уни Аристотел анъанасининг Ислом оламидаги давомчиси, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки у Аристотелнинг физика, матефизика, психология ва табиий фанлар соҳасига тааллуқли асарлари устида тадқиқот олиб борган, баъзида уларни изоҳлаган, баъзан эса ҳошиялар ёзиш б-н тушунтиришга ҳаракат қилган. Ал-Форобийнинг мантиқ куллиётига ҳам шарҳ ва ҳошиялар ёзган. У, шунингдек, Ибн Синонинг баъзи назарияларига раддиялар берган. Бизгача етиб келган *«Фӣ мā баъд ат-табӣъа»* номли асарини ҳам Аристотелга нисбат берилган, Ўрта аср насроний ва Ислом дунёсида машҳур бўлган *«Ал-Хайр ал-маҳз»* асари таъсирида ёзган. Буларнинг барчаси А.ал-Б.нинг ал-Форобий-Ибн Сино мактабига боғлиқ *машшоий* файласуф бўлганини кўрсатади. (Машшоийлик ёки машшоий мактаби – табиий



Ҳоз. Бағдод ш.

фалсафанинг таъсиридан сўнг, Ислом фалсафасида бошланган рационалистик фалсафий тенденциянинг тизимлашувидан ҳосил бўлган мактаб. Юнонча перипатетизмнинг арабча атамаси ва аристотелизмнинг Ислом фалсафасига таъсири остида бўлган фалсафий ҳаракат).

Манбаларда А.ал-Б. қаламига мансуб асарларнинг кенг рўйхати мавжуд. Унинг тиббиёт, фалсафа, мантиқ ва б. фанларга оид 160 дан ортиқ асарлари бор. Булардан 53 таси тиббиёт ва фармакология, 4 таси зоология, 4 таси ботаника, 22 таси мантиқ, 18 таси фалсафа, 13 таси *наҳв*, 8 таси ҳадис, 2 таси *тафсир*, 2 таси *фиқҳ*, 2 таси *калом*, 10 таси методология ва тарих, 4 таси *ахлоқ* ва сиёсат мавзуларига бағишланган. Қолганлари эса тил, адабий танқид, математика, саёҳат хотиралари, минерология каби соҳаларга оиддир. Бизгача бу асарлардан бир нечтасигина етиб келган, холос.

Улар ичида А.ал-Б.нинг Ғарб ва Ислом оламида машҳур бўлган «*Ал-Ифāда вал-иътибāр*» асари ҳам бор. Мисрдалик чоғида ёзилган, ҳажм жиҳатидан кичик, бироқ моҳиятан бой бўлган мазкур асар ўша даврдаги Мисрнинг географияси, топографияси, ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи муҳим манбадир. Асар 18-а. бошларидан эътиборан Ғарб дунёсида ҳам машҳур бўлган, лотин, немис ва француз тилларига таржима қилинган. Муаллифнинг беш ҳиссиётни тиббий нуқтаи назардан тадқиқ қилган икки мақоласи *«Мақāлатāн фи-л-ҳавāс»* ва қанд касаллиги ҳақидаги асари *«Рисāла фи-л-мараз ал-мусаммā дийабитис»* номи б-н нашр этилган (Қувайт, 1972). Қанд касаллиги устида хитойлик ҳаким Ли Хсюан 7-а. да илк тадқиқотларни олиб борган бўлса-да, А.ал-Б. бу касалликнинг жигар б-н боғлиқ экани ва унга таъсирини илк маротаба исбот қилган.

Ад.: Абдуллатиф ал-Бағдодий. *Мақāлатāн фи-л-ҳавāс.* – Қувайт: 1972; Ибн ал-Қифтий. *Инбāҳ ар-рувāт.* II, 193–196; Аз-Заҳабий. *Сийар.* XXII, 320–323; Ас-Субкий. *Табақāт аш-шāфиъиййа.* VIII, 313; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* I, 30, 696; II, 1169, 1274, 1315, 1361, 1466, 1937, 1996; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* – Қоҳира: 1934-35. V, 132; S. M. Stern. *«Abd al-Latif al-Baghdadi». EI²* (Ing.). I, 74; Brockelmann. *GAL.* I, 632–633; *Suppl.*, I, 880–881; Sezgin. *GAS.* III, 30–31, 33, 411; IV, 9–10, 289; VI, 100; VII, 143–144; M. Th. Houtsma. «*Abdüllâtîf*». *İA.* I, 92; Mahmut Kaya. «*Abdüllatîf el-Bağdâdî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 254–255.

Маҳмуд Қоя

АБДУЛЛАТИФ ЛУТФИЙ АЛ-ХАРПУТИЙ

عبد اللطيف لطفى الخرپوتى

(1842, Харпут – 1916, Истанбул)

Калом илми олими

Ҳаёти ҳақида маълумотлар оз. Ҳоз. Туркиянинг икки минг йиллик тарихга эга бўлган Харпут ш.да туғилгани учун «ал-Харпутий» нисбаси б-н танилган. Илк сабоғини яқин қариндоши бўлган муфтий Умар Наимийдан олган. Кейинчалик Истанбул ш.га сафар қилиб, у ердаги Фотиҳ мадрасасида таҳсил олади. Мадрасадаги таълимни тамомлаганидан сўнг, Адана ш.га кўчиб ўтади. Бир муддат у ерда мударрислик қилади ва ўша ерда оила қуради. Сўнг оиласи б-н Истанбулга қайтади ва Боязид масжиди имом-хатиби ҳамда «Мажлиси тадқиқоти шаръийя» аъзолигига тайинланади. 1891 й.да милоддан аввалги 315 й.да Македония шоҳи Кассандр томонидан асос солинган Салоники ш.га кетади ва ўн йил ўша ерда қолади. У ерда бўлган вақтида кўплаб маҳаллий мутасаввиф олимлар б-н илмий суҳбат қургани ҳақида маълумотлар мавжуд.

А.Л.ал-Х. 1901 й.да Истанбулга қайтади. Ўша йили Усмонийя дорулфунунига *калом* илми мударриси этиб тайинланади. У дорулфунунда иш бошлаган йили илмий даражага эга бўлиши б-н бирга «Мадраса ал-воъизийн»да ҳам *калом* илмидан дарс беради. А.Л.ал-Х. 1910 й.да *ҳаж* зиёратига боради. У ерда унинг араб тилида айтган ваъзлари олимлар томонидан юксак баҳоланади.

А.Л.ал-Х.нинг вафот тарихи манбаларда турлича кўрсатилган. Улардан бири – Ҳусайн Вассофнинг *«Сафинаи авлиё»* асарида олимнинг қабр тошидаги битикка асосланиб, вафот санасини 1332 ҳ.й. деб қайд этилган. Қабри Истанбулдаги Марказ афанди қабристонида.

Ас.: *«Мажалис ал-анвар ал-аҳадиййа ва мажамиъ ал-асрар ал-Муҳаммадиййа»*. Эътиқодий ва амалий масалаларга оид, оят ва ҳадислар асосида яратилган ушбу асарни муаллиф 1889 й.нинг авг. ойида ёзиб тугатган. 38 бобдан иборат мазкур асар арабий матнлар ва туркий изоҳлардан иборат. *«Танқиҳ ал-калам фи ақаид аҳл ал-ислам»*. Дорулфунун ва Мадраса ал-воъизийнда *калом* илмидан дарс берган йилларида ёзган энг муҳим тадқиқоти. *Калом* илмига оид араб тилидаги ушбу асар бир муқаддима, уч бўлим ва хотимадан иборат. *«Такмила танқиҳ ал-калам»*. Юқорида зикр қилинган асарга илова сифатида ёзилган. Шунингдек, *«Тарих ъилм калам»* номли муқаддима, 4 бўлим ва бир неча фаслдан иборат асар ҳам унга нисбат берилган.

Ад.: Metin Yurdagür. *«Harpûtî, Abdullatîf»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1997. XVI, 235–237; İbrahim Hakkı Aydın. *«Abdullâtîf Harputî»*, *Yeni Türk İslâm Ansiklopedisi*. – İstanbul: 1995. 17–20; http://www.vestiturkey.com/dvukhtysyacheletnij-gorod-kharput-harput.

Маъмура Рашидова

АБДУЛЛАТИФХОН СУЛТОНМАҲМУДОВ
عبد اللطيف خان سلطان محمودوف
(1930 – Наманган – 9.10.2018)

Абдуллатиф Султонмаҳмудов (Абдуллатиф махдум) 1937–1942 й.ларда Наманган ш.идаги 4-ўрта мактабда ўқийди. 5-синфни тамомлагач, уруш даври қийинчиликлари сабаб бўлиб, мактабдаги ўқишни ташлаб, ишлашга мажбур бўлади. У 1952 й. исломий илмларини эгаллаш мақсадида Бухоро ш.идаги *Мир Араб мадрасаси*га ўқишга киради. У ерда беш йил ўқийди, кейин Тошкентдаги *Бароқхон мадрасаси*да ҳам тўрт йил таълим олади. Бу давр мобайнида, айниқса, *тафсир* ва *фиқҳ*ни чуқур ўрганиб, устозлари эътиборини қозонади. Мадрасани тугаллаганлик тўғрисидаги шаҳодатномани қўлга киритгач (1959 й.), *Мир Араб мадрасаси*да араб тилидан ўқитувчи қилиб олиб қолинади. Дарс бериш мобайнида кечки мактабга қатнаб, 10 йиллик ўрта таълим шаҳодатномасини олади. 1960–1962 й.ларда Сурия Давлат ун-тининг шариат факультетида Шайх Муҳаммад Амин ал-Мисрий, Шайх Мустафо Аҳмад аз-Зарқо, Ҳишом ал-Бурҳоний каби Ислом оламининг кўзга кўринган олимларидан таҳсил олади. Қайтгач, диний назорат ҳузуридаги кутубхонага ишга киради. 1963 й.дан 1968 й.гача *Мир Араб мадрасаси*да мударрис ва илмий мудир бўлиб ишлайди. Ҳозиржавоблиги ва билимдонлиги учун мадрасадаги касбдошлари ҳамда шогирдлари уни Абдуллатиф афанди деб чақиришган. У 1968–1972 й.ларда мадраса мудири бўлган. Ўша даврда ўқиган талабалар А.С.ни мудир бўла туриб, фаррошлар вазифасини ҳам ўзи бажарган ўта камтарин инсон сифатида эслашади.



А.С. 1973 й. Наманганга қайтиб, *Шайх Эшон жоме масжиди*да (1977–1980 й.), кейинчалик *Махдум Эшон масжиди*да имом-хатиб бўлиб ишлайди. 1991 й. Наманганда *Мулла Қирғиз ўрта-махсус ислом билим юрти* очилгандан кейин, кўп йиллар ушбу даргоҳда *тафсир* илмидан дарс берган. А.С. 1994 й.дан умри-

нинг охиригача *Мулла Бозор Охунд жоме масжиди*да имом-хатиблик қилган.

А.С.дан таълим олган юзлаб шогирдлари бугунги кунда юртимиз ҳамда хорижий давлатларда муфтий, бош имом, имом-хатиб каби вазифаларда хизмат қилмоқдалар.

Ад.: *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015. 128–129.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
Иродахон Қаюмова

АБДУЛЛОҲ (АБДУЛЛОҲХОН ТЎРА)
عبد الله (عبد الله خان تورہ)
(1890, Қўқон – 1951, ?)
Мутасаввиф, шоир ва хаттот

Абдуллоҳ хожа Эшонхон ўғли номи б-н ҳам танилган. Қўқон мадрасаларида таҳсил олган, шу ерлик таниқли илоҳиётшунос олим ва мавлавий шоир Йўлдош (1861–1922)нинг шогирди бўлган. Татар олими Ризо (Ризоуддин ибн Фахруддин) б-н яқин дўстона муносабатларда бўлган.

А. бутун ҳаёти давомида тасаввуфга оид шеърлар ва тарихларни ёзган ҳамда кўчириб ёзиш б-н шуғулланган. Хаттот сифатида таниқли мутасаввиф олим Мажзуб Намангонийнинг тасаввуфга оид асарини кўчирган. Шарқ шеърияти классиклари ва Қўқон адабиёти вакиллари асарларидан намуналар асосида шеълар (баёз) альманах-тўпламини тузган, мазкур тўпламда диний мавзудаги шеърларга алоҳида ўрин ажратилган. Муаллиф ушбу тўпламга ўз асарларини ҳам киритган: баёзнинг иккинчи бўлимида 20-а. бошларида фаолият олиб борган Фарғона водийси (Қўқон, Андижон, Наманган, Исфара)нинг ўнлаб диний вакиллари ҳақидаги хотираларини ёзган. 20-а.нинг биринчи чорагида муаллифнинг ўзи ҳам Қўқон диний ҳаётида фаол иштирок этган.

Устози Мавлавий Йўлдош қаламига мансуб илмий-диний мақолалар, шеър ва мактублардан ташкил топган *«Ал-Фавоид ал-мавлавиййа ва-л-мавоъид ал-маънавиййа»* номли катта тўплам (мажмуа) тузгани, А.нинг таҳсинга лойиқ хизматлари сирасига киради. Мазкур тўплам олти бўлимдан ташкил топган: 1) илмий-диний мақолалар; 2) адабий асарлар; 3) шеърий хронограмма (тарих)лар; 4) Мавлавий Йўлдошнинг олим ва шоирларга йўллаган мактублари; 5) машҳур замондошлари томонидан Мавлавий Йўлдошга йўлланган мактублар; 6) шоирларнинг Мавлавий Йўлдошга бағишлаб ёзган қасида ва марсиялари. Ушбу тўпламда келтирилган маълумотлар ўзбек, форс ва араб тилларида битилган.

Шунингдек, А.нинг ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари ва диний вакилларга бўлган муносабатлари акс этган ўзига хос кундалиги ҳам сақланиб қолган.

А. умрининг сўнгги йилларини ёлғизликда, дарвешона ўтказади ва Қўқонда вафот этади. Унинг ёзма мероси нашр этилмаган ва Фарғона вилояти адабиёт музейининг фондларида сақланмоқда.

Ад.: *Баёз (тўплам).* Афтограф. Қўлёзма. ФВАМФ. инв. рақам 460; *Ал-Фавоид ал-мавлавиййа ва-л-мавоъид ал-маънавиййа.* Қўлёзма. ФВАМФ. инв. рақам 658.

Мақоланинг тўлиқ нашри: ИТБРИ. – М.: «Восточная литература», 2012. V, 10.

А. Турдиалиев



Норбўтабий мадрасаси. Қўқон

АБДУЛЛОҲ ХОН II
عبد الله خان II
(1534 – 1598)
Абдуллоҳ ибн Искандархон ибн Жонибек Султон ибн Хожағум Султон ибн Абу-л-Хайрхон Ғозий
Бухоро хони, шайбонийлар сулоласи вакили

1557 й. Бухорони забт этган, 1583 й. дан тахтга ўтирган. Шайбоний ўлимидан сўнг Ўзбекхонлар давлатини кенгайтириш мақсадида Тошкент, Сирдарё, Балх, Фарғона, Хоразм ва Бадахшон каби юртларни эгаллаган. 1561 й. Мовароуннаҳр тахтига отаси Искандархонни ўтқазиб, амалда (расман 1583 й.дан) давлатни ўзи идора қилган. А. II даврида Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон, Онадўли (ҳоз. Туркия) ва Россия б-н маданий, тижорий алоқалари ривожланган. Узоқ вақт хонлик қилган, адабиёт ва санъатга ихлоси баланд бўлган. «Хон» тахаллуси б-н асарлар битган. А. II даврида мамлакатда ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Хусусан, Мирзачўлдаги сардоба, Тошкентдаги *Кўкалдош мадрасаси* шу даврда қурилган. 64 ёшида вафот этган, қабри Қасри Орифон қишлоғидаги *Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси*да.

А. II даври ҳақида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «*Абдулланома*» (1584–89), Амин Аҳмад ар-Розийнинг «*Ҳафт иқлим*» (1583) асарларида маълумотлар берилган. Мутрибий Самарқандийнинг «*Тазкират уш-шуаро*» (1593–95) китобининг биринчи қисмида «муаллиф кўрган, мулозимати иззати б-н эъзоз топган подшоҳларнинг ҳумоюн мақтови ва бахтиёр васфлари баёни»да шундай тилга олинган: «Бу хоннинг соғлом табъи ва тўғри зеҳни бор эди, сўзни топиб танлашда тенгсиз ва нозик маъноларни ишлатишда мислсиз даражада ном чиқаргандилар. Жаҳонбонлиқ мартабаси ва юрт бошқармоқлик рутбасига қарамай, сухандонлик ўлкаларини эгаллашга ҳам эътибор қаратардилар. Ва ширин сўзлар, рангин абётлар айтишга ажиб бир майлу истаклари бор эди... гоҳида ёғдули кўнгиллари солим табъи ва мустақим зеҳни мевваларини назм шаклида янада мазмундор қилардилар ва Малики Маннон иноятиси воситасида ул ҳазрат икки тил – форсий ва туркийда шеър айтмоқ иқтидорига эга эдилар». Сўнгра бир форсий ғазалини тўла ҳамда туркий ғазалининг матлаъини келтирган:

Бир аёқ ичтук ўшал Наврўзи
мискин қошдин,
Қўш аёқ ичмай туриб чиқмас
уморлар бошдин.

Ад.: И.В. Бартольд. *Сочинение.* Т. 2 (2). – М.: 1964; Б.Аҳмедов. *Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. Письменные памятники.* – Т.: 1985; Ҳасанхожа Нисорий. *Музаккири аҳбоб.* – Т.: 1993; Мутрибий Самарқандий. *Тазкират уш-шуаро.* – Т.: 2013. 18–26; Ҳофиз Таниш Бухорий. *Абдулланома.* Ж.1. – Т.: 1999; Ж.2. – Т.: «Шарқ», 2000.

Ҳамидулла Болтабоев



Кўкалдош мадрасаси. Тошкент

АБДУЛЛОҲ ХОН МАДРАСАСИ
مدرسة عبد الله خان

Меъморий ёдгорлик. Бухородаги Қўш мадраса ансамблининг шим. қисмида жойлашган. Меъмори номаълум, Абдуллоҳ Хон қурдирган (1588–90). Тузилиши одатдаги мадрасалардан анча фарқ қилади. Ҳовли атрофини икки ошёнли ҳужралар ўраб туради. Ҳар икки томонида баланд пештоқ жойлашган. Пештоқлар орқали ичкари хоналар ва хонақоҳга ўтилади. Мадрасанинг катта пештоқи жан.га қараган. Пештоқ қанотлари ва гулдасталар сиркор безаклар б-н пардозланган. Дарвозадан ўтиб, икки ёқдаги катта хоналар – дарсхона ва масжидга кирилади. Дарвоза хотамкори услубининг ноёб намунаси – гириҳ шаклли майда ёғоч парчаларидан терилган. Абдуллоҳ Хон даври меъморлиги етук намунаси бўлган бу мадраса Бухоро меъморчилигининг 16-а. да эришган барча ижодий ютуқларини намойиш этади.



Абдуллоҳ Хон мадрасаси. Бухоро

Ад.: Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель. *Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана.* – Т.: 1958.

АБДУЛЛОҲ ХОН МАДРАСАСИ
مدرسة عبد الله خان

Хивадаги меъморий ёдгорлик (1855). Ичан қалъадаги Аллоҳқулихон ва Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасалари оралиғида жойлашган. Абдуллоҳ Хон (Хива хони Қутлуғ Мурод Иноқнинг ўғли) хотирасига онаси томонидан қурдирилган. Чортоқ тарҳли (31,5×28,25 м) бўлиб, бурчакларига гулдаста – минора ишланган. Бош тарзидаги кенг равоқли пештоқ орқали 3 гумбазли миёнсаройга, у орқали ҳовлига ўтилади. Ҳовли (18,9×14,0 м) атрофи ҳужралар б-н ўралган. Ҳужралар томи балхи гумбаз б-н ёпилган. Жан. томондаги гумбазли масжид миёнсарой б-н боғланган. Дарсхоналар тарҳи мураббa – 4,25×4,25 м. Ҳовлига ғарбдан энсиз йўлак орқали кирилади.



Абдуллоҳ Хон мадрасаси. Хива

Ад.: Л.Ю. Маньковская, В.А. Булатова. *Памятники зодчества Хорезма.* – Т.: 1978.

АБДУЛЛОҲ АБУ АВОНА АШ-ШОШИЙ
عبد الله أبو عوانة الشاشي
(?, Тошкент – 899, ?)
Имом, муҳаддис

Тарихчи Абу Саъд ас-Самъоний ўзининг «*Ал-Ансāб*» асарида Шошдан кўплаб имомлар етишиб чиққани, Абдуллоҳ Абу Авона аш-Шоший шулар жумласидан эканини қайд этган. А.А.А.аш-Ш. Имом ал-Бухорий, Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Фарёбийларнинг замондоши бўлган. Мазкур *муҳаддис*лар ўзларидан ёш бўлишига қарамай, бир неча ҳадисларни ундан ёзиб олганлар.

Ад.: *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 50.

АБДУЛЛОҲ АЛ-АНСОРИЙ
عبد الله الأنصاري

Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абу-л-Мансур Муҳаммад ал-Ансорий ал-Ҳиравий (396/1006 – Ҳирот – 482/1088)

Тасаввуф олими, фақиҳ ва шоир

«Пири Ҳирот» ва «Шайхул-ислом» нисбалари б-н машҳур. Абу Ҳазрат Абу Айюб ал-Ансорий авлодидан. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида ўқиган. Ҳадис илмини Абу-л-Фазл ал-Жорудий, тазкира ва *тафсир* илмини Хожа Яҳё Аммордан ўрганган. Ўн тўрт ёшида шеър ёза бошлаган. Ёшлигидан ҳадис илмига меҳр қўйган Абдуллоҳ ал-Ансорий *«Насойим ул-муҳаббат»*да таъкидланишича, 300 кишидан ҳадис эшитиб, ёзиб олган. Ўз хотираларида қайд қилишича, А.ал-А. уч юз минг ҳадисни, араб шеъриятидан 70 минг байтни, қадимги форсий шеъриятидан юз минг байтни ёд билган. «Шом ва Бағдодда бўлганимда ҳамиша Қуръон ўқиш билан банд бўлар эдим, кундузи эса мадрасада дарс берар эдим. Ҳар куни олти варақ китоб кўчириб, уларни ёдлаб олардим. Вақтимни аниқ тақсимлаб, бир лаҳза ҳам бекор қолмас эдим», деб ёзади ёдномаларида. Ўн тўрт ёшидан Балх, Нишопур, Тус, Бистом ш.ларида саёҳатда бўлган. Рай ш.да Бобо Кўҳий, Абу-л-Ҳасан ал-Харақоний, Нишопурда Абу Саъид Абу-л-Хайр б-н кўришган. Юсуф ал-Ҳамадонийнинг пири. Алишер Навоий А.ал-А. ҳақида: «Лақаби Шайхул-исломдур ва бу китобда ҳар ердаким Шайхул-ислом воқеъдурур, мутлақ мурод ондиндур ва ул Абу Мансур Маттул Ансорий фарзандларидандур ва Маттул Ансорий Айюб Ансорий фарзандидурки, Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг соҳиби риҳли эрмиш...» деб таъриф берган. Араб ва форс тилларида илмий, *тасаввуф*ий ва бадиий асарлар ёзган. Араб тилида олти минг байтдан ортиқ маснавий ва икки мингдан ортиқ рубоий ёзган. Учта *«Девон»* тузган, бироқ тўла ҳолда сақланмаган. Муножотлари *тасаввуф* адабиётида юксак қадрланади.

Ас.: *«Муножот»*, *«Рисолаи дилу жон»* («Дил ва жон рисоласи»), *«Канз ус-соликийн»* («Соликлар хазинаси»), *«Зод ул-мусофирийн»* («Мусофирларнинг йўл озиғи»), *«Табақот ус-сўфийя»* («Сўфийлик мақомлари»), *«Ҳафт ҳисор»* («Етти қалъа»), *«Сад майдон»* («Юз майдон»), *«Муҳаббатнома»*, *«Ганжнома»*, *«Қаландарнома»*, *«Насойиҳ»* («Насиҳатлар»), *«Мусажжот»* («Сажъулар»), *«Манāзил ассāйирūн»* («Сайр қилувчилар манзиллари»). Қуръоний мавзудаги *«Қиссаи Юсуф»* асосида *«Анис ул-муридийн ва-ш-шамс ул-мажолис»* («Муридлар дўсти ва мажлислар қуёши») номи б-н 14 мажлис доирасида насрий асар битган. Шунингдек, унинг *«Кашф ул-асрор ва ъуддат ул-аброр»* номли форсий тилда битилган *тафсир*и ҳамда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақидаги *«Маноқиб»*и ва б. асарлари ҳам бор.

Ад.: Е.Э. Бертельс. *История персидско-таджикской литературы.* – М.: 1960; Абурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.* – Т.: «Фан», 1969. 341–342, 355; Ҳ. Кароматов. *Абдуллоҳ Ансорий ижтимоий қарашларининг айрим хусусиятлари // Адабий мерос.* 1981. 3-сон; *Энциклопедияи адабиёти ва санъати тожик.* – Душанбе: 1988. I, 161–162; Алишер Навоий. *Мажолис ун-нафоис / МАТ.* – Т.: «Фан», 1997. 231; *Насойим ул-муҳаббат / МАТ.* – Т.: «Фан», 2001. XVII, 171; П. Қайюмов. *Тазкират уш-шуаро.* – Т.: 2006. 27.

Ҳамидулла Болтабоев,
Ҳамиджон Ҳомидий

АБДУЛЛОҲ АЛ-АНСОРИЙ МАҚБАРАСИ
ضريح عبد الله الأنصاري

Ҳирот (Афғонистон)даги меъморий ёдгорлик (1425–29) ва машҳур зиёратгоҳ. Ҳазира – мақбара атрофи 30 ҳужра – хилхона б-н ўралган, олдида баланд пештоқ. Ҳужралар гумбаз томли, уларда асосан, темурийлар авлоди – Ҳирот ҳукмдорларининг қабрлари бўлиб, оқ, қора мармар қабртошлар ўрнатилган. Ал-Ансорий қабри устига кейинчалик Бобур оқ мармардан ёдгорлик (бал. 7,5 м) ўрнаттирган (сақланмаган). Хона

безагида сирланган ғишт, парчин ва мармар, гириҳ нақшлари ишланган, куфий услубда хатлар битилган.



Абдуллоҳ ал-Ансорий мақбараси. Ҳирот ш.

Ад.: *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 13.

АБДУЛЛОҲ АЛ-БАҒАВИЙ

عبد الله البغوي

Абу Муҳаммад ал-Ҳусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад ал-Фарро ал-Бағавий (433/1042, ? – 516/1122, ?)

Фақиҳ, муҳаддис ва муфассир

«Муҳйи ас-сунна», «имом» ва «шайхул-ислом» номлари б-н эътироф этилган. «Фарро» номи мўйна б-н шуғулланувчиларга, «ал-Бағавий» нисбаси эса, Марв ва Ҳирот оралиғида жойлашган Хуросоннинг Бағшур (Бағ) ш.га нисбатан ишлатилган.

Абдуллоҳ ал-Бағавийнинг таваллуд санаси сифатида Ёқут ал-Ҳамавий *«Муъжам ал-булдан»*да 433/1042 й.ни, аз-Зириклий эса 436/1045 й.ни кўрсатганлар.

А.ал-Б. *аҳли сунна вал-жамоа* эътиқодида, *шофеъий мазҳаб*ида бўлган.

Илм талабида Хуросоннинг турли ҳудудларига сафар қилган. Шофеъий *фақиҳ*ларидан бўлиш б-н бирга, у *муҳаддис* ва *муфассир*лар қаторидан ҳам жой олган, «диннинг устуни», «суннатни тирилтирувчи» унвонларига сазовор бўлган.

А.ал-Б. ниҳоятда тақводор, сабрли, камтарона ҳаёт кечирган, *зоҳид* инсон бўлган.

Тожуддин ас-Субкий олимни шундай таърифлайди: «Ал-Бағавий улуғ имом, тақводор, *фақиҳ*, илм билан амални жамлаган обид, *муфассир* ва *муҳаддис* олимдир».

Ҳожи Халифа *«Кашф аз-зунўн»*да А.ал-Б. қаламига мансуб *тафсир* ҳақида: «Беш юз ўн олтинчи йилда вафот этган Имом ал-Ҳусайн ибн Масъуд ал-Бағавийнинг *«Маъалим ат-танзил»* асари ўртача *тафсир*лардан бўлиб, улуғ *саҳоба*лар, *тобеъин*лар ва кейинги давр уламоларидан нақл қилинган. Уни 805 й.да вафот этган аш-Шайх Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Муҳаммад ал-Ҳусайн мухтасар қилган», деб зикр қилган.

Ал-Хозин ўзининг *тафсир*и муқаддимасида шундай ёзади: «Ал-Ҳусайн ибн Масъуд ал-Бағавийнинг *тафсир*и шу илм соҳасидаги шубҳадан ҳоли, рост сўзларни жамлаган, шариат аҳкомлари баён этилган, ажойиб хабарлар ва қиссалар билан ўралган бебаҳо китоблардандир».

Абу Али ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Марвазий, Абу Амр Абдулвоҳид ибн Аҳмад ибн Абу-л-Қосим ал-Ҳиравий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Юсуф ал-Жувайний, Абу Бакр Яъқуб ибн Аҳмад ан-Найсобурий, Абу Али Ҳассон ибн Саъид ал-Мунайъий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуссамад ат-Туробий ал-Марвазий, Хуросон шайхи номи б-н танилган Абу-л-Қосим Абдулкарим ибн Абдулмалик ибн Талҳа ан-Найсобурий ал-Қушайрий, Абу Солиҳ Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Али ан-Найсобурий, Абу Туроб Абдулбоқий ибн Юсуф ибн Али ал-Мароғий аш-Шофеъий, Умар ибн Абдулазиз ал-Фашшоний, Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шурайзий, Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хатиб ал-Ҳумайдий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдуссамад ибн

Аҳмад ибн Мусо ал-Жавзоний, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муаллим ат-Тусий, Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али аз-Заррод, Абу Бакр Аҳмад ибн Абу Наср ал-Кўфоний, Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Музаффарий ас-Сарахсий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Хирақий, Абу-л-Ҳасан Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Музаффар ад-Довудий, Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ал-Қурайнинийлар А.ал-Б. нинг устозлари ҳисобланади. Ўз навбатида, олим бир қатор шогирдлар ҳам етиштирган бўлиб, улар қаторида Абу Мансур Муҳаммад ибн Асъад ибн Муҳаммад (ваф. 571/1175 й.), муҳаддис Абу-л-Футуҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ат-Тоий ал-Ҳамазоний (ваф. 555/1160 й.), Абу-л-Макорим Фазлуллоҳ ибн Муҳаммад ан-Навқонийларни санаш мумкин.

Ас: *«Маъāлим ат-танзīл фи-т-тафсīр»*, *«Шарҳ ас-сунна»*, *«Масāбīҳ»*, *«Жамъ байна саҳīҳайн»*, *«Анвāр фī шамāил ал-мухтāр»*, *«Арбаъūн ҳадīс»*, *«Мажмуъа ал-фатāвā»*, *«Таҳзīб фи-л-фиқҳ»* ва б.лар.

Ад.: https://ar.wikipedia.org/wiki.

Абдуссамад Абдулбосит

АБДУЛЛОҲ АЛ-БОФИЙ

عبد الله البافي

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бофий ал-Хоразмий ал-Бухорий (? – 398/1008, Бағдод)

Шофеъий фақиҳи, адиб ва тилшунос

Хоразм қишлоқларидан саналган «Боф»дан етишиб чиққан Абдуллоҳ ал-Бофий Бағдодда яшаган. Манбаларга кўра, «ал-Бухорий» нисбасига ҳам эга бўлган. А.ал-Б. *шофеъий фиққи*да замонасининг имомларидан саналган. Шу б-н бирга, у наҳв илми ва адабни, бадиий тил ва унинг нозик жиҳатларини яхши билган.

А.ал-Б. *фиқҳ* илмини Абу Али ибн Абу Ҳурайра ва Абу Исҳоқ ал-Марвазийлардан таълим олган. Ўз навбатида, ундан мазкур илмни ал-Қозий Абу-т-Таййиб ва ал-Мовардийлар ўрганганлар.

А.ал-Б. ҳозиржавоб нотиқ бўлиб, балоғат б-н сўзлар эди. Манбаларда олим қаламига мансуб шеърлардан намуналар келтирилган. Уларда олимнинг катта китоблар ёзгани айтилса-да, асарлари номи келтирилмаган.

Ад.: Ёқут. *Муъжам*. – Байрут: «Дор Содир», 1995. I, 326; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб*. – Ҳайдаробод: «Доира ал-маъориф ал-Усмонийя», 1962. II, 48; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. – Дамашқ-Байрут: 1986. XI, 109; Ас-Субкий. *Табақāт аш-шāфиъиййа ал-кубрā*. 1413. III, 317; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома*. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 148.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУЛЛОҲ АД-ДЕҲЛАВИЙ

عبد الله الدهلوي

Абдуллоҳ ибн Абдуллатиф ад-Деҳлавий ан-Нақшбандий (1156-1158/1743-1745, Панжоб – 1240/1824, Деҳли)

Мутасаввиф, нақшбандийя тариқатининг мужаддидийя-деҳлавийя йўналиши асосчиси

Отаси Шоҳ Абдуллатиф солиҳ ва зоҳид бир зот бўлиб, *қодирийя тариқати*га мансуб *солик*лардан бўлган. Ривоятларга кўра, у бир куни тушида Али (р.а)ни кўради. У унга «Эй Абдуллатиф! Аллоҳ сенга бир ўғил фарзанд ато қилади. Сен уни исмимиз ила атагин» дейди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам амакисининг тушида туғиладиган гўдакка Абдуллоҳ деб исм қўйишларини айтадилар. Чақалоқ дунёга келганда отаси унга Али деб, амакиси Абдуллоҳ деб исм қўядилар.

А.ад-Д. олти ёшга тўлганида Али (р.а.) га бўлган ҳурмати сабабли ўзига Али деб мурожаат қилишларини хуш кўрмай, «Ғуламу Али» («Алининг хизматчиси») номини олади ҳамда мана шу исм б-н машҳур бўлади. Бошқа бир қавлга кўра, А.ад-Д. нинг тушида Пайғамбар (с.а.в.) унга «Абдуллоҳ» деб хитоб қилганларидан мазкур исм б-н танилганлиги айтилади.

А.ад-Д. кичик ёшидан диний илмларни ўрганишни бошлаган. Кейинчалик Деҳлига келиб Абдулазиз ад-Деҳлавийдан *«Саҳиҳ ал-Бухорӣ»* бўйича таълим олади. Қисқа вақт ичида *тафсир*, ҳадис ва *фиқҳ* илмларида катта натижаларга эришган. Отаси уни *қодирийя* шайхи Носируддинга *мурид* бўлишини истаган, аммо шайхнинг вафоти мазкур истакнинг ҳақиқатга айланишига имкон бермаган. А.ад-Д. Мазҳари Жони Жонон Шамсуддин (в. 1195/1780) ҳазратларининг ҳузурига келиб, ўзини шогирдликка қабул қилишларини сўраганида, у «Сен ҳузур қиладиган бошқа жойга бор. Бизнинг йўлимизда юриш мисли тузсиз тошни ялашдир», деб жавоб қилади. А.ад-Д. барчасига розилигини айтиб, унга шогирд бўлади. Унинг ҳузурида *нақшбандийя тариқати*нинг сулукини батамом эгаллайди. Кейинчалик *қодирийя*, *чиштийя* ва *суҳравардийя тариқатлари*дан ҳам дарс олади.

А.ад-Д. ўн беш, баъзи қавлларга кўра, йигирма икки йил нақшбандий шайхи Мазҳари Жони Жонон Шамсуддинга хизмат қилганидан сўнг, ундан иршод учун мутлақ *ижоза* олиб, унинг халифаси бўлади. *Муршиди шиа мазҳаб*ига эътиқод қилувчи шахс тарафидан ўлдирилгандан сўнг, унинг ўрнини эгаллайди ва қисқа вақт ичида юксак мавқега эришади. А.ад-Д. *мурид*ларининг *тасаввуф*ий тарбияси б-н машғул бўлиши б-н бирга, *зовия* (такка, дарвешхона)сида уларга ҳадис, *фиқҳ*, *тафсир* ва *тасаввуф* илмларидан дарс беради. Ундан илм олиш учун Онадўли, Сурия, Ироқ, Ҳижоз, Хуросон ва Мовароуннаҳрдан зиёратига келганларнинг сони тобора ортиб боради. Нақшбандийликнинг *холидийя* йўналишининг асосчиси Мавлоно Холид ал-Бағдодий ҳам тушида Пайғамбар (с.а.в.)дан олган амрга биноан Ҳиндистонга бориб, А.ад-Д.га *мурид* бўлган.

Нақшбандийликнинг *мужаддидийя-деҳлавийя* йўналишининг асосчиси сифатида қабул қилинган А.ад-Д. *само*ъга аҳамият бермаслик б-н бирга, чиштийликнинг таъсирида *важд* ва *шавқ* ҳолларига тушган. Ал-Қозоний унинг бир қанча рисолалари бўлганини айтиб, улардан *«Изоҳ ат-тарйқа»* ва *«Мақомот мазҳарийя»* номли икки асарини зикр этади. Муаллиф *«Мақомот мазҳарийя»* асарини пир ва устозининг васфига бағишлаган. Абдулғаний ибн Абу Саъид А.ад-Д.нинг ҳаёти, кароматлари ва халифалари ҳақида *«Хулосаи жавоҳири ъалавийя»* номли рисола ёзган.

А.ад-Д. сафар ойининг ўн иккинчи (мил. 5 окт.) куни, баъзи қавлларга кўра, йигирма иккинчи (мил. 15 окт.) куни ишроқ вақтида, етмиш тўққиз (ҳиж. саксон икки), баъзи ривоятларга кўра эса, саксон бир (ҳиж. саксон тўрт) ёшида Деҳли ш.да вафот этган. *Шоҳжаҳон жоме масжиди* яқинидаги даргоҳга, устози қабрининг ўнг томонига дафн қилинган.



Абдуллоҳ ад-Деҳлавий мақбараси ва қабри. Ҳиндистон, Деҳли

Ад.: Абдулғаний ибн Абу Саъид. *Хулосаи жавоҳири ъалавийя.* – Истанбул: 1986. 147–191; Муҳаммад Мурод ал-Қозоний. *Нафоис ас-салиҳот.* – Қоҳира: 1307. 72; Абдулмажид ал-Хоний. *Ал-Ҳадоиқ ал-вардиййа.* – Қоҳира: 1308. 209; Абдулҳай ал-Ҳасаний. *Нузҳа ал-хавотир.* VII, 306–308; Ҳусайн Вассоф. *Сафина.* II, 28; C. W. Troll. *Sayyid Ahmed Khan.* – New Delhi: 1978. 30; Юнус Иброҳим ас-Сомарроий. *Уламо ал-ъараб фй шибҳ ал-қорра ал-ҳиндиййа.* – Бағдод: 1986. 655; Butrus Abu-Manneh. *«The Naqshbandiyya-Mujaddidiyya in the Ottoman Lands İn the Early 19th Century». WI.* XXII/1–4, 3–8; Süleyman Uludağ. *«Abdullah ed-Dihlevi». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 94–95; *«Силсилаи олия».* – Алматы: «Түркістан мәдениет қоры» қоғамдық қоры, 2014. 101–102; https://islom.uz/maqola/10263; https://www.alhaqqani.com; https://ahlisunnat.com/articles/view/525.

Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ЗУҲДИЙ АФАНДИ
عبد الله زهدى افندى

Абдуллоҳ Зуҳдий (Афанди)
ибн Абдулқодир Афанди Наблусий
(1836, Наблус – 1879, Қоҳира)
Хаттот

Абдуллоҳ Зуҳдий Афанди Фаластиндаги Наблус шаҳрида туғилган. Ёшлигида оиласи б-н Истанбулга кўчиб боришган. Ўз таҳсили ва илмий ижодини айнан шу ерда бошлаган. *Масжид ан-Набавий*нинг ёзувларини ёзган усмоний хаттот. *Саҳоба* Тамим ад-Дорий (р.а.) нинг авлодига мансуб эканини ўз имзоларида ҳам қайд этган. Аввал Айюбий Рашид Афандидан (ваф. 1875) китобатдан таълим олган. Асл устози Қозиаскар (ҳарбий қози) Мустафо Иззат Афанди бўлган. А.З.А. ундан олган таълими натижасида сулс ва насх ёзувларини энг мукаммал китобат қилувчилардан бири бўлиб етишади. У *Нури усмонийя жоме масжиди*даги ёзув машқхонасида ва Муҳандисхонаи Барри Ҳумоюнда китобат ва расм чизиш бўйича устозлик қилади.

А.З.А. кейинчалик Мисрда яшаган ва унга «Миср хаттоти» унвони берилган. У ерда банкнот шакллари ва расмий доиралар учун турли ёзувларни ёзган. А.З.А. умрининг сўнгги кунларини мактаблардаги ёзув дарсларини назорат қилиш б-н ўтказади. 19-а.да китобат санъатининг Мисрда ёйилишида А.З.А.нинг хизматлари катта.

Хаттотлик санъатида моҳир, хусусан, жалий хат намунасини бошқа хаттотлардан кўра яхшироқ билган хаттот Султон Абдулмажид А.З.А.ни Мадинада *Масжид ан-Набавий*нинг ёзувларини ёзишга маъмур этади. У узоқ йиллар Мадинада қолиб, *Масжид ан-Набавий*нинг қуббалари ва деворларига Қуръон оятларини жалий-сулс ёзувида китобат қилади. Ҳозиргача сақланган бу ёзувлар узунлиги бўйича бошқа жалий-сулс ёзувида битилган намуналарни ортда қолдиради. А.З.А. ҳам хаттот, ҳам рассом эканлигидан жалий-сулс ёзувининг мураккаб унсурларига катта аҳамият берган. У ўз услубида санъаткорона шаклларни ҳам кашф этган. Аммо ҳарфларнинг мураккаблиги (яъни, ҳарфларнинг устма-уст миндирилиш қоидалари)га риоя қилмагани учун, у ёзган оятлар қийинчилик б-н ўқилади.

Ад.: İbnülemin. *Son Hattatlar*. – İstanbul: 1970. 15–19; M. Uğur Derman. «*Abdullah Zühdi Efendi*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 147.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-АББОС
عبد الله بن العباس

Абу-л-Аббос Абдуллоҳ
ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталиб
ал-Қураший
(тахм. 620, Макка – 68/687-688, Тоиф)
Саҳоба

Пайғамбар (с.а.в.) амакиларининг ўғли, *тафсир* ва *фиқҳ* илмларида пешқадам, кўп ҳадис ривоят қилган *саҳоба*лардан. Ибн Аббос (р.а.) номи б-н ҳам танилган Абдуллоҳ *ҳижрат*дан тахм. уч йил олдин, Қурайш *мушрик*лари мусулмонларни қамал қилаётган пайтда туғилган. Онаси Уммул-Фазл Лубоба Хадича (р.а.)дан кейиноқ мусулмон бўлган. Туғилганида отаси уни Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига олиб боради ва Ул Зотнинг дуоларига мушарраф бўлади. *Ҳижрат*дан озод қилинган (*мустазъаф*)лардан бўлган онаси б-н Маккада қолади. Бир ривоятга кўра, қисқа муддатдан сўнг Мадинага кўчиб борган, бошқа бир ривоятга кўра эса, отаси Аббос б-н Макка *фатҳ* қилинган йили (630) кўчган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг *суннат*ларини ўрганиш мақсадида ёнларида қолишга ҳаракат қилар, холаси Маймуна (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)нинг завжаларидан бўлгани учун баъзи-баъзида уларнинг уйларида тунаб қолар эди. Пайғамбар (с.а.в.)га бўлган ҳур-

мати, севгиси ва самимий хизматлари боис, Ул Зотнинг эътиборини қозониб, «Аллоҳим, унга Китобни ўргат ва динда фақиҳ қил!» тарзидаги дуоларига ноил бўлган (Имом ал-Бухорий. «*Илм*», 17; «*Вузўъ*», 10).

А.и.ал-А. халифа Усмон (р.а.) давридан бошлаб турли сабабларга кўра, Араб яриморолидан ташқарига чиқади. Шимолий Африка, Журжон, Табаристон ва Истанбулга боради. 656 й. Усмон (р.а.) томонидан *ҳаж* амири этиб тайинланади. Кейинчалик, *Жамал* ва *Сиффийн жангларид*а Али (к.в.) тарафдори сифатида қатнашади. Али (к.в.) га Муовияни Шом волийлигидан бўшатишни маслаҳат берган, лекин сўзини ўтказа олмаган. А.и.ал-А. *Ҳакам воқеаси*да ҳам Абу Мусо ал-Ашъарийнинг Али (к.в.)ни вакил (тамсил) қилишига қарши чиқади. Кейинроқ А.и.ал-А.га Али (к.в.) томонидан *хорижийлар*ни ишонтириш вазифаси топширилади. *Хорижийлар* қаршисида *таҳким*ни оқлайди, бу воқеани баҳона қилиб, Али (к.в)ни куфрда айбламасликлари ва унга қарши чиқмасликлари лозимлигини оятлар асосида исботлашга ҳаракат қилади. *Хорижий-ибозийлар* ва *сунний* манбаларида мазкур учрашув ҳақида фарқли ривоятлар зикр қилинса-да, ҳар иккала манбаларда ҳам мулоқотнинг жуда қалтис боргани, баъзи *хорижийлар* фикридан қайтиб, жамоаларидан ажрагани эътироф этилади. Кейинроқ Али (к.в.) уни Басрага волий қилади (39/659 й.). Ушбу мансабда бўлган вақтида хазинани суиистеъмол қилгани, халифа суриштирув бошлагач, истеъфога чиқиб давлат хазинасидан талайгина маблағни олгани ва яқинлари б-н шаҳардан чиқиб кетгани ҳақидаги (Ал-Яъқубий. *Тарйх*, II, 205; Ат-Табарий. *Тарйх*, V, 141–143; Ибн Касир. *Ал-Бидайа*, VII, 323) асоссиз маълумотлар ғарблик тадқиқотчилар учун мавзу бўлган. А.и.ал-А.нинг Басрага волий бўлганидан кейинги ҳаёти хусусидаги мазкур асоссиз ривоятларга эҳтиёткорона ёндашиш кераклиги бот-бот эслатилишига қарамай, Ғарб тадқиқотчилари бу мавзуга чуқур шўнғишган.

Ҳолбуки, мўътабар *жарҳ* ва *таъдил* манбаларнинг ҳеч бирида қайд қилинишга ва у ҳақда муҳокама юритишга арзимайдиган бу маълумотлар негизида сиёсий мунозаралар ҳамда *шиа-сунний* ихтилофлар борлиги бир қарашдаёқ кўзга ташланади. Зеро, ат-Табарий *санад*и б-н нақл қилинган бу ривоят силсиласидан жой олган Абу Миҳнаф Лут ибн Яҳё соҳа пешволари томонидан «ишончсиз», «заиф», «ҳеч қандай қадри йўқ», «ўта мутаассиб *шиа*лардан» деб тилга олинади. Бу борадаги хабарнинг *ровий*лари исмлари номаълум бўлган айрим кимсалардир. Шунингдек, А.и.ал-А. халифага ноқонунийлик ҳақида хабар бергани гумон қилинган Абу-л-Асвад ад-Дуалийни ҳақорат қилгани, шу сабабдан ўрталарида шахсий хусумат борлиги, Басрадан кетаётганида хазинадан «унга белгиланган шахсий ҳақи» ва «*фай*» (Ислом давлатида ғайри муслимлардан олинган *жизя*)дан тушган улушидан иборат молларини олгани қабилидаги гаплар ҳам асоссиз даъволардандир (*EI*, I, 27). Аввало, Пайғамбар (с.а.в.), Умар (р.а.), Усмон (р.а.), Али (к.в.)ларнинг дуо, мақтов, ишонч ва илтифотларига сазовор бўлган, *саҳоба* ва *тобеъин*лар даврида хоссатан *тафсир*, *фиқҳ* масалаларида имом-пешво сифатида тўлиқ ишонч билдирилган ҳамда тарихнинг ҳеч қайси даврида номига доғ тушмаган А.и.ал-А. шахсияти ҳаққига асоссиз туҳмат қилиш илм шаънига нисбатан адолатсизликдир. Ф. Бухлнинг (F.Buhl) бу қараши шарқшунослар томонидан ҳам қаттиқ танқидга учраган. Мазкур энциклопедиянинг иккинчи нашрида Лаура Веччиа Вальери (L. Veccia Vaglieri) А.и.ал-А. ҳаётини қайтадан ёзиб, мазкур даъво-

лар ўринсиз эканини таъкидлайди (*EI²*, I. 40). «*Мурўж аз-заҳаб*»да келтирилган А.и.ал-А. *хулафои рошидийн*, хусусан, Али (к.в.) тўғрисидаги ижобий фикрларини Муовияга очиқ-ойдин баён қилгани ҳақидаги маълумот унинг Муовия томонига ўтгани ҳақидаги ривоятларни пучга чиқаради.

Манбаларда А.и.ал-А. сиёсий ва ижтимоий жараёнлар қаршисида ўзининг илмий мавқеи ва сиёсий мувозанатини доимо тўғри назорат қилгани қайд этилган. Мас., Муовия вафот этгач, Али (к.в.) тарафдорлари Ҳусайн (р.а.)ни Куфага таклиф қилишганда, А.и.ал-А. куфаликларга ишониб бўлмаслиги, уларнинг даъватларини қабул қилмаслик лозимлиги ва бирор жойга бориш керак бўлса ҳам, у жой Яман эканини, акс ҳолда нохуш ҳодисалар рўй бериши мумкинлигини айтган. Бироқ, ўз фикрларини қабул қилдира олмаган. *Карбало фожиаси* рўй бергач, А.и.ал-А. уни эшитиб қаттиқ қайғурган ва кўзлари кўр бўлар даражада кўп йиғлаган. Абдуллоҳ ибн Зубайр халифалигини эълон қилиб, *Ҳарами шариф*ни ўзига қароргоҳ қилиб олгач, А.и.ал-А. унинг *умавийлар*дан халифаликка лойиқ номзод бўлишига қарамай, *Ҳарами шариф*нинг қароргоҳ қилиб олишига қарши бўлади ва халифага *байъат* қилмай Тоифга чекинади. А.и.ал-А. ҳаёти давомида мусулмонларнинг бирдамлигини таъминлашга ҳаракат қилган, буни амалга ошириш учун баъзида масъул кишиларга танбеҳ берган, танқид қилган ва ўзига халифа бўлишни таклиф қилганларга розилик бермаган. А.и.ал-А. етмиш ёшида вафот этган. Жанозасини Али (к.в.)нинг ўғли Муҳаммад ибн Ҳанафийя ўқиган.

А.и.ал-А. Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида ўн уч ёшда эди. У кўп ҳадис ривоят қилган *саҳоба*лардан (*муксирун*) бўлиб, ривоят қилган 1660 та ҳадисининг бир қисмини шахсан Пайғамбар



Абдуллоҳ ибн ал-Аббос (р.а.) масжиди. Тоиф

(с.а.в.)нинг ўзларидан эшитган. Аксариятини эса Умар (р.а.), Али (к.в.), Муоз (р.а.), отаси Аббос (р.а.), Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.), Абу Суфён (р.а.), Абу Зарр (р.а.), Убай ибн Каъб (р.а.), Зайд ибн Собит (р.а.) ва б. *саҳоба*лардан ўрганган. Мўътабар ҳадис олимлари А.и.ал-А. ривоят қилган ҳадисларга алоҳида эътибор қаратганлар. 75 та ҳадиси Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимларнинг ҳар иккиси, 120 та ҳадиси ал-Бухорийнинг ўзи, 9 та ҳадиси эса Имом Муслим тарафидан *тахриж* қилинган. Шунингдек, ҳадисларининг аксарияти «*Мусна*д»дан (I, 214–374; V, 116–122) ўрин олган. А.и.ал-А.дан 197 киши ҳадис ривоят қилган. Кўп ҳадис ривоят қилиш б-н бирга, ҳадис ўргатишга ҳам алоҳида эътибор берган. У «Дин илмини гувоҳлиги қабул қилинадиган кишилар-

дангина ўрганинглар», деган. Баъзи *тобеъин*лар ҳақида *жарҳ* маъносини ифодаловчи фикрлар билдирган. Ҳадис таълимида *арз* ёки *қироат* усулларини қўллаш мумкинлигини айтган. Кексайганида қарилик ва чарчоқ сабабли ҳадис матнларини бир-бирига чалкаштира бошлагач, ўзидан ҳадис таълим олиш учун келган тоифликларга: «Мен энди чарчадим. Сизлар ўқинглар, мен тинглайман. Сизлар ўқиганларни тинглаб тасдиқлашим гўё мен ўқиганим б-н баробардир» деган. (Ат-Термизий. «*Китоб ал-ъилал*». I, 751–752).

А.и.ал-А.нинг Исломни қабул қилган айрим аҳли китоблардан ҳам ривоятлар қилишига И. Голдциер (Goldziher) ва Ф. Бухл сингари шарқшунослар алоҳида эътибор қаратишган. А.и.ал-А. ва б. *саҳоба*лар бунга ўхшаш хабарларни ривоят қилганлари ҳақиқат. *Исроилиёт*лардан ҳисобланган бундай ривоятларни уч қисмга бўлиш мумкин:

1) ростлиги исломий далиллар б-н собит бўлган ривоятлар;

2) хатолиги аниқ бўлган ривоятлар;

3) улар ҳақида исломий маълумотлар мавжуд бўлмаган ривоятлар. А.и.ал-А. дан қилинган бундай ривоятларга билдирилган айрим эътирозлар аслида сиёсий томондан унга нисбат қилинган ривоятлар сабаблидир. Чунончи, Ф. Бухл ҳам бир томондан уни танқид қилиб, иккинчи томондан «Ибн ал-Аббосга *иснод* қилинган баъзи ҳадислар кейинчалик фирибгарлар томонидан унга нисбат қилингандир» дея, бу ҳақиқатни эътироф этган.

Қуръони каримнинг дақиқ маъноларини фаҳмлаши, тушуниши учун Пайғамбар (с.а.в.)дан хос дуо олган А.и.ал-А. нинг *тафсир* илмида устунлиги Исломнинг илк даврлариданоқ барча мусулмонлар томонидан эътироф қилинган. У оятларни нозил бўлиш сабаблари, *носих* ва *мансухини* яхши билиши б-н бирга араб адабиётидан ҳам мукаммал билимга эга бўлган. Халифа Умар (р.а.) *Бадр* жангчилари иштирок этган илм мажлисларига ёш бўлишига қарамай, уни ҳам олиб борар ва билимига мурожаат қиларди.

А.и.ал-А.га нисбат қилинган *тафсир* ривоятлари жуда кўп бўлиши б-н бирга, ишончлилик жиҳатидан ҳам устун ҳисобланади. Деярли барча оятлар ҳақида ундан бир ёки бир нечта *тафсир* ривоят қилинган. Бу ривоятларнинг кўплиги боис Имом аш-Шофеъий А.и.ал-А.дан *тафсир*га оид 100 тача ҳадисдан бошқа нарса собит бўлмаган, дейишга мажбур бўлади. Танқидчилар А.и.ал-А.дан келган *тафсир тарийқ*ларини унга нисбатлари жиҳатидан бирма-бир текширганлар ва улар кимлар томонидан, қайси асарларда баён қилинганига ҳам ойдинлик киритганлар. Ушбу *тафсир тарийқ*лари қуйидагилардир:

1. *Муовия ибн Солиҳ тарийқи*. Абу Солиҳ Абдуллоҳ ибн Солиҳ – Али ибн Абу Талҳа – Ибн Аббос (ёхуд Мужоҳид ёки Саъид ибн Жубайр орқали ибн Аббос). Энг ишончли *тарийқ*дир. Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ва *«Сунан»*ларда бу *тарийқ*дан ривоят қилинган. Шунингдек, ат-Табарий, Ибн Абу Ҳотим ва Ибн ал-Мунзирлар ҳам шу *тарийқ*ни ихтиёр қилганлар.

2. *Қайс ибн Муслим ал-Куфий тарийқи*. Ато ибн Саъид – Саъид ибн Жубайр – Ибн Аббос. Ал-Бухорий ва Имом Муслимнинг шартларига эга бўлган ишончли *тарийқ* бўлиб, ал-Фарёбий ва *«Ал-Мустадрак»* муаллифи ал-Ҳаким ан-Найсобурий томонидан фойдаланилган.

3. *Ибн Исҳоқ тарийқи*. Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад – Икрима ёки Саъид ибн Жубайр – Ибн Аббос. *Ҳасан* даражасида ишончли бўлиб, кўпроқ ат-Табарий, Ибн Абу Ҳотим ва ат-Табаронийлар томонидан фойдаланилган.

4. *Суддий (ал-Кабир) тарийқи*. Абу Молик ёки Абу Солиҳ орқали Ибн Аббосга боғланган ушбу *тарийқ* ҳам мақбул ҳи-

собланган. Имом Муслим, *Сунани арбаъа* ва ат-Табарийлар ушбу *тарийқ*дан ривоят қилишган.

5. *Ибн Журайж тарийқи.* Орадаги *ровий*ларни ташлаб, тўғридан-тўғри Ибн ал-Аббосдан ривоят қилган Ибн Журайж тўплаган ривоятларининг ишончлилигига унчалик эътибор бермаган. Шу боис у қилган ривоятлар бошқа *тарийқ*лар томонидан қўллаб-қувватланмаган, мақбул ҳисобланмаган. Бироқ Ҳажжож ибн Муҳаммаднинг ушбу *тарийқ* орқали Ибн ал-Аббосдан ривоят қилган *тафсир* жузи иттифоқ ила *саҳиҳ* саналган.

6. *Заҳҳок ибн Музоҳим тарийқи.* Ривоят занжири ичидан ўрин олган Саъид ибн Жубайрни зикр қилмагани учун ишончли ҳисоблаш мумкин эмас. Бу *тарийқ*нинг *заиф* ҳисобланган *ровий*лари орқали ат-Табарий, Ибн Абу Ҳотим, Ибн Мардуя ва Ибн Ҳиббонлар нақллар қилганлар.

7. *Атийя ал-Авфий тарийқи.* Орадаги *ровий*ларни ташлаб кетиб, тўғридан-тўғри Ибн Аббосдан ривоят қилгани учун ишончсиздир. Имом ат-Термизий бу йўл орқали ривоят қилинган айрим ҳадисларни *ҳасан* ҳисоблаган. Ат-Табарий ва Ибн Абу Ҳотимлар ҳам бу йўл орқали бирмунча ривоятлар қилганлар.

8. *Муқотил ибн Сулаймон тарийқи.* Ишончсиздир.

9. *Муҳаммад ибн Соиб ал-Калбий тарийқи.* Абу Солиҳ Бозон орқали Ибн ал-Аббосга боғланган бу *тарийқ* жуда ҳам *заиф*дир. Айниқса, Суддий (ас-Соғир) йўли б-н келган бўлса, асло ишониб бўлмайди. Шу б-н бирга, ас-Саълабий ва ал-Воҳидийлар бу *тарийқ* орқали кўпгина ривоятлар қилишган. Ал-Ферузободий томонидан жамланиб, Ибн ал-Аббосга нисбат қилинган *«Танвйр алмиқбас»* номли *тафсир* шу *тарийқ* орқали ривоят қилинган.

А.и.ал-А. *фиқҳ* илмида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. У тўрт Абдуллоҳ (*абодила*)дан бири бўлиб, Макканинг пешвоси ҳисобланган ва жуда кўп *фатво*лар бергани б-н машҳурдир. Ибн Ҳазм уни энг кўп *фатво* берган *саҳоба* деб ҳисоблайди. Бу *фатво*ларни Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо ибн Яъқуб йигирма тўрт жилдда жамлагани айтилса-да (Ибн Қайюм. *Иълāм ал-муваққиъйн.* I, 12), асар бугунги кунгача етиб келмаган. Хусусан, унинг Ислом мероси ҳуқуқи (*фароиз*)га доир *фатво*лари ушбу соҳадаги асосий манбага айланган. А.и.ал-А.нинг энг кўп тортишувга сабаб бўлган *фиқҳий* фикрларидан бири, Пайғамбар (с.а.в.) томонидан маълум давргача рухсат берилиб, кейинчалик тақиқланган *мутъа* никоҳи хусусидаги фикридир. А.и.ал-А.дан келган ривоятларнинг баъзисида *мутъа* жоиз ҳисобланган, бошқаларида эса, Исломнинг бошида унга рухсат берилиб, кейинчалик тақиқлангани ҳақида айтилган. Ат-Термизийнинг ҳам таъкидига кўра, А.и.ал-А. тақиқланганидан бехабар бўлгани боис олдин *мутъа*нинг жоизлигини айтган, ҳақиқатни билгач эса, бу фикридан қайтиб унинг ҳаромлигини қабул қилган (Ат-Термизий. «*Никāҳ*». 29; Ал-Байҳақий. *Ас-Сунан ал-кубрā.* VII, 205–206).

А.и.ал-А.нинг шогирдлари орасида кўпгина *фақиҳ*лар ҳам бор; Икрима, Мужоҳид, Ато, Саъид ибн Жубайр, Товус, Саъид ибн Мусайяблар шулар жумласидан. А.и.ал-А. Маккадаги *фақиҳ*лардан маълум муддат илм олган Имом аш-Шофеъийга ҳам *фиқҳ*, *тафсир* ва адабиётда билвосита таъсир кўрсатган, дейиш мумкин. У *тафсир*, *фиқҳ* ва ҳадисдан ташқари араб адабиёти ва *насаб*лар илмида ҳам чуқур билимга эга бўлган. Шунингдек, кучли нотиқ ҳам эди: *намоз*лардан кейин таъсирли маърузалар қилар, тингловчилар орасида араб тилини билмаганлар бўлса, айтганларини улар ҳам тушунишлари учун таржимондан фойдаланарди.

А.и.ал-А. бой илмий мерос қолдирган. Ўзидан ривоят қилинган ва турли ҳа-

дис, *тафсир* китобларидан ўрин олган матнлар *«Тафсӣр Ибн ал-Аббӑс»* номли асарида жамланган. Доктор Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ўн бешта ҳадис китобидан («*Кутуб ат-ситта*» б-н «*Ал-Муватто*», Аҳмад ибн Ҳанбал, ат-Таёлисий, аш-Шофеъий, ал-Ҳумайдийларнинг «*Муснад*»лари, Абдурраззоқнинг «*Мусаннаф*»и, Ибн Жоруднинг «*Мунтақӑ*»си, ад-Дорақутний ва ад-Доримийларнинг «*Сунан*»лари) ўрин олган А.и.ал-А.нинг *тафсир* ривоятларини *«Тафсӣр Ибн ал-Аббӑс ва марвиййӑтуҳ»* дея номлаб, икки жилдда жамлаган. Ушбу ривоятларнинг Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимда мавжуд бўлмаганлари *исноди*га ишончлилик жиҳатидан танқидий ёндашган. *«Тафсӣр Ибн ал-Аббӑс»* ал-Ферузободий томонидан йиғилган *тафсир* матнларини ҳам ўз ичига олган.

«Ғарӣб ал-Қуръӑн». Ато ибн Абу Рабоҳ жамлаган бу жуз Сулаймония кутубхонасида (Atıf Efendi. p. 2815/8, Б. 102a-107a) сақланади. Асарда Қуръондаги *«ғариб»* калималар қайси араб қабиласи шевасидан олингани кўрсатилиб, оятларга ойдинлик киритилган.

«Масӑил Нӑфиъ ибн ал-Азрақ». Асар ўз ичига *хорижийлар*нинг бошлиқларидан бўлган Нофеъ ибн Азрақнинг Қуръонда келган 200 тача тушунилиши қийин бўлган калима ҳақидаги саволларига А.и.ал-А. томонидан берилган жавобларни жамлаган. Асарнинг нусхалари Зоҳирийя (Умумий, p. 3849, 108a-119a), Дор ал-кутуб (Мажмуа, p. 166, 132a-143a) ва Берлин (p. 683, 93-101, *«Ғарӣб ал-Қуръӑн»* номи б-н) кутубхоналарида сақланади. Ас-Суютий асарнинг битта бўлимини *«Ал-Итқӑн»*га айнан кўчирган, М. Фуад Абдулбоқий ҳам бу сўзларни алифбо тартибида *«Муъжам ғарӣб ал-Қуръӑн»* б-н бирга нашр қилган (Қоҳира, 1950. 234–292). Ойша Абдурраҳмон ушбу асарга *«Ал-Иъжӑз ал-байӑнӣ ли-л-Қуръӑн ва масӑил Ибн ал-Азрақ»* деб ном бериб, янада кўпроқ қўшимча ва иловалар б-н қайтадан нашр қилган (Қоҳира, 1971. 267–507).

«Ал-Луға фи-л-Қуръӑн». Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ал-Мукрий томонидан ривоят қилинган, битта нусхаси Сулаймония кутубхонасида (Esad efendi, p.91/3, 104a-112б) мавжуд мазкур асар Салоҳуддин ал-Мунажжид томонидан *«Луға ал-Қуръӑн»* номи б-н нашр қилинган (Қоҳира, 1946 й.). И. Жарроҳўғли *«Ғарӣб ал-Қуръӑн»* ва *«Луға ал-Қуръӑн»* асарларини Абу Убайднинг *«Луға қабӑил ал-ъараб»* асари б-н солиштириб, мазкур асарлар манбаси бир эканини таъкидлаган.

«Қасӣда Мадҳ». А.и.ал-А. тўрт халифа ҳамда отаси Аббос (р.а.)нинг маноқиблари ҳақидаги бу қасидасини халифа Муовия ҳузурида ўқиб берган. Мазкур асарлардан ташқари А.и.ал-А. қаламига мансуб *«Муснад»*, *«Хавӑсс баъз ал-адийа»* ва *«Ҳадӣс ал-миърӑж»* сингари айрим рисолалар ҳам бор. Ат-Табарийнинг *«Таҳзӣб ал-ӑсӑр»* асарида А.и.ал-А.дан нақл қилинган ҳадислар Маҳмуд Муҳаммад Шокир томонидан икки жилдда «Жомиъ ал-Имом Муҳаммад ибн Суъуд ал-исломийя» нашриётида нашр қилинган (Ат-Табарий. *Таҳзӣб ал-ӑсӑр: Муснад Абдуллӑҳ ибн ал-Аббӑс*. Қоҳира. 1982).

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақӑт ал-кубрӑ*. – Байрут: 1968. II, 365–372; Ал-Яъқубий. *Тарӣх*. – Байрут: «Дор Содир», II, 205; Ат-Табарий. *Тарӣх*. – Қоҳира: 1960–70. III, 546; IV, 108, 125; V, 141–143; Ал-Масъудий. *Мурӯж аз-заҳаб*. – Байрут: 1964–65. II, 364; III, 60–62; Ал-Байҳақий. *Ас-Сунан ал-кубрӑ*. VII, 205–206; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғӑба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 290–294; Ибн Касир. *Ал-Бидӑйа*. – Байрут: 1981. VII, 323; VIII, 295–307; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффӑз*. – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 40; ўша муал. *Маърифа ал-қуррӑ*. – Қоҳира: 1969. I, 41–42; Ибн Ҳажар. *Ал-Исӑба*. – Қоҳира: 1328. II, 330–334; ўша муал. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб*. V, 276–279; Тошкўпризода. *Мифтӑҳ ас-саъӑда*. – Қоҳира: 1968. II, 64–66; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунӯн*. I, 429; Sezgin. *GAS*. I, 25–28; II, 275; Ö. Nasûhî Bilmen. *Büyük Tefsir Tarihi*. – İstanbul: 1973–74. I, 241–247.

Мақоланинг тўлиқ нашри: «*Abdullah b. Abbas b. Abdülmuttalib*». *TDV İA* – İstanbul: 1988. I, 76–79.

Исмоил Л.Чакан,
Муҳаммад Эрўғли

АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛАСАД

عبد الله بن عبد الأسد

Абу Салама Абдуллоҳ ибн Абдуласад ибн Ҳилол ал-Қураший ал-Махзумий (? – 4/626, Мадина)

Саҳоба

Пайғамбар (с.а.в.)нинг кўкалдоши ва холалари Барра бинт Абдулмуттолибнинг ўғли. Хотини Умму Салама б-н бирга аввал Ҳабашистонга, сўнгра эса *Ақаба байъати*дан бир йил аввал Мадинага *ҳижрат* қилган. Ҳабашистондалиги вақтида ўғли Умар ибн Абу Салама туғилган. *Қурайш қабиласи*дан Мадинага илк *ҳижрат* қилган Абдуллоҳ ибн Абдуласад (р.а.)ни Пайғамбар (с.а.в.) *Ушайра ғазоти*га чиқаётган вақтларида (ҳиж. 2 й. жумадус-соний) Мадинада ўз ўрнларига вакил қилиб қолдирганлар. А.и.А. *Бадр* ва *Уҳуд ғазотлари*да қатнашган ва бу *ғазот*да жароҳатланган. Бир ойга яқин даволанганидан сўнг, *Қатан сафари*да *Бани Асад* устига жўнатилган ўттиз беш кишилик гуруҳга бошчилик қилган. Ҳиж. 4 й. муҳаррам/626 й. ойида Тулайҳа ибн Хувайлид раҳбарлигида мазкур қабила мушриклари Мадинага бостириб боришни режалаштириб турган вақтда, ушбу Абу Салама сарийяси юборилади. Душман қочиб кетиб, мусулмонлар ўлжаларни қўлга киритадилар. Мадинага қайтгач, *Уҳуд*да олган жароҳат оқибатида А.и.А. вафот этади. Очиқ қолган кўзларини Пайғамбар (с.а.в.) ёпганлар. Ўлимидан кейин хотини Умму Салама (р.а.)ни Пайғамбар (с.а.в.) ўз никоҳларига олганлар.

А.и.А.дан ривоят қилинган икки ҳадис Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*идан ўрин олган. А.и.А.нинг Салама, Умар, Зайнаб ва Дурра исмли фарзандлари бўлган.

Ад.: Аҳмад ибн Ҳанбал. *Муснад*. IV, 278; Ал-Воқидий. *Ал-Мағазӣ*. I, 7, 340–346; Ибн Ҳишом. *Ас-Сйра*. II, 468; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрӑ*. III, 239–242; VIII, 87; Ибн Абдулбар. *Ал-Истйъаб*. II, 338–339; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. III, 294–296; VI, 152; Аз-Заҳабий. *Сийар*. I, 150–153; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба*. II, 335; Salahattın Polat. *«Ebû Seleme el-Mahzûmî»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 229; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 650, 670; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи*. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 223, 251, 261.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛЛОҲ

عبد الله بن عبد الله

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ал-Ансорий ал-Хазражий (? – 12/633, Шом/Ямома)

Саҳоба

*Хазраж қабиласи*нинг саййиди, Пайғамбар (с.а.в.) давридаги мунофиқларнинг раҳнамоси, Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг ўғли бўлган. Унинг асл исми Ҳубоб бўлиб, мусулмон бўлгач, отасини ҳам «Абу Ҳубоб» куняси б-н чақиришгани учун Пайғамбар (с.а.в.) «Ҳубоб шайтондир» деб, исмини Абдуллоҳга ўзгартирганлар. У *саҳоба*лар раҳбарларидан биридир. У Пайғамбар (с.а.в.) б-н *Бадр*гача бўлган деярли ҳар бир жангда қатнашган.

Ҳиж. 6 й.и *Бани Мусталиқ жанги*дан қайтаётганда Ибн Салул ичида сақлаб юрган адоватини ошкор қилиб, муҳожирларга қарата «Мадинага борганимизда азиз ва шарафли бўлганлар у ердан кучсиз ва шарафсизларни чиқаради», деб уларни ҳақорат қилади. Бунга жавобан Умар (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)дан Ибн Салулни ўлдириш учун изн сўрайди. Лекин Пайғамбар (с.а.в.) Муҳаммад биродарларини ўлдиртиряпти, деган маломатга қолмаслик учун бунга рози бўлмайдилар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу қарорларидан бехабар бўлган Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ (р.а.) Ул Зотнинг олдиларига бориб, агар отаси ўлдириладиган бўлса, кейинчалик ҳиссиётга берилиб интиқом олиш мақсадида бир мўъминни ўлдириб қўймаслиги учун бу вазифани шахсан ўзи бажаришига рухсат беришларини сўрайди. Пайғамбар (с.а.в.) унга ҳам рухсат бермайдилар ва отаси б-н яхши муносабатда бўлишини тавсия қиладилар.

Отаси вафот этгач, А.и.А. ҳам отасининг васияти, ҳам ухровий манфаатни кўзлаб, Пайғамбар (с.а.в.)дан отасини кафанлаш учун ридоларини сўрайди. Шунингдек, отасининг жанозасини ўқиб беришларини ҳам илтимос қилади. Пайғамбар (с.а.в.) А.и.А. мансуб бўлган *хазражликлар*ни Исломга янада мойил қилиш мақсадида ридоларини берадилар ва маййитга жаноза ўқиб бериш таклифини ҳам қабул қиладилар. Лекин Умар (р.а.) бу ишга қаттиқ эътироз билдиради. Шунда, «*Тавба*» *сура*сининг 84-ояти нозил бўлиб, *мунофиқ*ларнинг жанозасини ўқиш тақиқланади (қ. *АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙ ИБН САЛУЛ*).

А.и.А.дан Ойша (р.а.) ҳадис ривоят қилган. У Мусайлама Каззобга қарши бўлиб ўтган *Ямома жанги*да шаҳид бўлган.

Ад: Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1955. III, 209; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. III, 540–542; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1326. II, 260; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 296–298; Аз-Заҳабий. *Сийар.* I, 321–323; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 95; Ал-Олусий. *Рўҳ ал-маъāний.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос». X, 153–154; W. Montgomery Watt. *«Abd Allah b. Ubayy». EI²* (Ing.). I, 53; Talat Koçyiğit. *«Abdullah b. Abdullah». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 80; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 282–283; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 270.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛМУТТАЛИБ

عبد الله بن عبد المطلب

(?, Макка – 570, Ясриб)

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг оталари

Куняси – Абу Қусам, Абу Муҳаммад ёки Абу Аҳмад. Манбаларга кўра, *сосонийлар* ҳукмдори Нўширавон салтанатининг 24 й.ида туғилган. Худди шу санани нақл қилган ва Пайғамбар (с.а.в.) нинг юқорида зикр қилинган салтанатнинг 42 й.ида туғилганларини айтган ат-Табарий (*Тарйх.* II, 154-155), асарининг бошқа саҳифасида Нўширавоннинг қирқ етти ёки қирқ саккиз йил салтанат бошқарганини маълум қилади. Сўнг, Абдуллоҳ ибн Абдулмутталибнинг ҳам салтанатнинг 42 й.ида туғилганини зикр қилади. Бу ҳолатни у ёки асар котиблари «вафот этди» (توفى) ўрнига «туғилди» (ولد) сўзини янглиш қўллаганлари б-н изоҳлаш мумкин. Онаси – Фотима бинт Амр. Баъзи манбаларда туғилиши ва ёшлиги б-н боғлиқ ҳодисалар зикр қилинган. Мунозараларга мавзу бўлган бу тур ривоятлар, мусулмонларнинг Пайғамбар (с.а.в.) ва Ул Зотнинг авлодларига бўлган муҳаббатларини бир намунаси сифатида қабул қилиниши лозим.

Отаси Абдулмутталиб, *зам-зам қудуғи*ни янгидан қазиб чиқарган вақтида *Қурайш қабиласи*нинг бошқа улуғлари б-н ихтилофга бориб, улардан ранжиб қолади. Ўша вақтда Абдулмутталибнинг Ҳорисдан бошқа ўғиллари бўлмагани учун у ҳимоясиз қолган эди. Шу боис ўн ўғил фарзандли бўлса, улардан бирини қурбонлик қилишни *назр* қилади (қ. *АБДУЛМУТТАЛИБ*). Орзуси рўёбга чиқиб, Абдулмутталиб ўнта ўғил фарзандли бўлади ва тушида қилган *назр*и ҳақида огоҳлантирилади. Қурбон этиладиган фарзандни белгилаш мақсадида ўғиллари орасида қуръа ташлайди. Қуръа бир онадан туғилган ўғилларининг энг кичиги Абдуллоҳга тушади. Абдулмутталиб ўғлини қурбон қилишга киришмоқчи бўлганида, қизлари, бошқа бир ривоятга кўра эса, А.и.А.нинг тоғалари ёки *Қурайш* оқсоқоллари қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Агар у фарзандини қурбонлик қиладиган бўлса, бу салбий иш одат ҳолига кириб қолиши мумкинлигини айтадилар. *Назр*дан қутулиш учун эса ўғлининг ўрнига туя қурбон қилишини тавсия қиладилар. Аксарият манбаларда бу ечим мадиналик бир *аррофа* (воқеалар орасидаги ўхшашлик ва боғлиқликлар асосида келажак ҳақида башорат берувчи киши) томонидан таклиф этилгани зикр қилинган (қ. *АРРОФ*). Абдулмутталиб ўша замон урфига кўра, *дия* сифатида ўнта туя олиб келади ва А.и.А. ҳамда туялар ўртасида қуръа ташлатади. Қуръа А.и.А.га чиқади. Абдулмутталиб

туялар сонини ўнта-ўнтадан орттириб қуръани давом эттиради. Саноқ юзтага етганида қуръа туяларга чиқади. Натижада юзта туяни қурбон қилиб, суюкли ўғли Абдуллоҳни қутқариб қолади. Баъзи тарихчилар А.и.А.нинг қурбон қилиниши б-н боғлиқ ушбу машҳур ривоятнинг ҳақиқат эмаслигини даъво қиладилар. Чунки бу ривоятда Абдуллоҳ отасининг энг кичик ўғли экани айтилган, ҳолбуки, Ҳамза ва Аббос ундан кичик бўлгани маълум. А.и.А. ҳақида маълумот берувчи барча манбаларда қурбонлик воқеаси ҳақида сўз юритилганида араб урфидаги инсон *дия*сининг юзта туяга тенглиги ушбу ҳодиса б-н бошлангани зикр қилинган. Кейинчалик Ислом ҳуқуқи ҳам буни қабул қилган. Шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг араб халқининг отаси бўлган Исмоил (а.с.) ва ўз оталари А.и.А.ни назарда тутган ҳолда, «Мен икки қурбонликнинг ўғлиман» деганлари ривоят этилган. Бошқа ривоятга кўра эса, бир бадавий араб Пайғамбар (с.а.в.)га «Эй, икки қурбонликнинг ўғли!», деб хитоб қилган ва Ул Зот ҳам буни қабул маъносида табассум б-н қарши олганлар. *Муҳаддис*лар ушбу ҳадис *саҳиҳ* эканини айтганлар.

А.и.А. отасининг энг кичик ўғли бўлмаган деган ривоятга келсак, бу унинг қурбон этиладиган вақтдаги фарзандларнинг энг кичиги эканлигига зид эмас. Чунки, баъзи манбалар Абдулмутталибнинг ўн уч ўғли бўлганини зикр қилади. Аслида А.и.А. қурбон қилинадиган вақтда «отасининг энг кичик ўғли эди» тарзида Ибн Исҳоқдан келган ривоятни ас-Суҳайлий «ғайри маъруф» дейди ва аниқроғи «онасининг энг кичик ўғли» тарзида бўлиши мумкинлигини маълум қилади. А.и.А. тенгдошлари ичида ҳайратомуз чиройга эга бола бўлгани ривоят қилинади. Унинг юзида бошқа болаларда бўлмаган гўзаллик ва нур бор эди. Сийрат муаллифлари буни кейинчалик Оминага кўчган «нубувват нури» эканини қабул қилганлар (қ. *ОМИНА*). А.и.А. Варақа ибн Навфалнинг синглиси ва б. аёллардан тушган турмуш қуриш таклифларини рад этади, ниҳоят отасининг ташаббуси б-н Ваҳб қизи Оминани никоҳига олади. Турмушининг илк уч куни Оминанинг уйида ўтган. Никоҳлангандан сўнг кўп яшамагани ва Пайғамбар (с.а.в.)ни етим қолдириб вафот этгани шубҳасиздир. Зотан, А.и.А. б-н Оминанинг Муҳаммад (с.а.в.)дан бошқа фарзандлари бўлмагани ҳам маълумдир. Аниқроқ ривоятга кўра, А.и.А. тижорат мақсадида Шомга қилган сафаридан қайтишида хасталанган ва Мадинада (Ясриб), Адий ибн Нажжор қабиласидан бўлган отасининг тоғалари ёнида бир ой муддат касал бўлиб ётганидан сўнг вафот этган. Ўша ерда Нобиға (аз-Зурқоний ва баъзи тарихчиларнинг фикрича Тобиъа) исмли бир кимсанинг ҳовлисига дафн қилинган. *Масжид ан-Набавий*нинг Абу Бакр (р.а.) эшиги тарафида, масжиддан 500 м узоқликда жойлашган ва А.и.А.га оидлиги маълум қилинган қабр, 1976 й.да масжиднинг кенгайтирилиши оқибатида бузилиб кетган.

Абдулмутталиб ўғлининг хасталиги ҳақида хабар олганидан сўнг, катта ўғли Ҳорисни Ясрибга жўнатади. Ҳорис шаҳарга етиб келмасидан А.и.А. вафот этади. Манбаларда унинг вафот санаси ва ёши ҳақида турли маълумотлар келтирилган. Баъзиларида Пайғамбар (с.а.в.) дунёга келишларидан етти ой олдин, баъзиларида эса, Пайғамбар (с.а.в.) йигирма саккиз ойлик бўлганларида вафот этган, дейилган. Бироқ илк манбалар А.и.А.нинг вафоти Пайғамбар (с.а.в.) дунёга келишларидан олдин бўлганини қувватлайди. Шунга кўра, А.и.А. вафот этганида ўн саккиз ёшлар атрофида бўлгани маълум бўлади. Чунончи, Ҳофиз ал-Алоий, Ибн Ҳажар ва ас-Суютийлар ҳам шу фикрдалар. Бу ривоят ат-Табарий томонидан А.и.А. ва Пайғамбар (с.а.в.) туғилган йиллари ҳақидаги Нўширавоннинг салтанат йиллари эътибори б-н берилган санага ҳам тўғри келади. Ф. Бухл (F. Buhl) А.и.А.

нинг Пайғамбар (с.а.в.) туғилишларидан олдин вафот этгани ҳақидаги ривоят тўғрисида «тарихийликдан кўра кўпроқ шахсий фикрга асосланган бўлиши мумкин», деб баҳо беради. Мазкур фикрига далил сифатида ат-Табарийдан нақл қилинган Буҳайронинг қуйидаги сўзларини келтиради: «...отасининг ҳалигача ҳаёт бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди». Ҳолбуки, ат-Табарийда зикр қилинган воқеа Ф. Бухл томонидан илгари сурилган эҳтимолнинг тамоман аксини исбот қилмоқда. Чунки ат-Табарийнинг қайд қилишича, роҳиб Буҳайро Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиси Абу Толибдан пайғамбар б-н яқинлиги ҳақида сўраган ва «У ўғлимдир» тарзида жавоб олганидан кейин шундай деган: «У сенинг ўғлинг бўла олмайди, зеро бу бола отасининг ҳалигача ҳаёт бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди». Шундан сўнг Абу Толиб: «Укамнинг ўғлидир», деган ва роҳибнинг: «Отасига нима бўлган?» деган саволига: «У онаси Муҳаммад (с.а.в.)га ҳомиладорлигида вафот этган», деб жавоб берган. Ислом олимларининг кўпчилиги ўғлининг нубувватига етишмаган А.и.А.нинг охиратда азоб кўрмасдан нажотга эришишини таъкидлайдилар (қ. *ФИТРАТ*).

Ад.: Ибн Исҳоқ. *Ас-Сийра.* – Работ: 1967. 10–21; Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1955. I, 108–109, 151–158; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. I, 64, 88–89, 92–100; Ал-Балозурий. *Ансаб ал-ашрāф.* – Қоҳира: 1959. I, 91; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1960–70. II, 103, 154–155, 165, 239–246, 277–278; Ал-Масъудий. *Мурўж аз-заҳаб.* – Байрут: 1964–65. II, 280–281; Ҳоким. *Ал-Мустадрак.* II, 559; Ас-Суҳайлий. *Ар-Равз ал-унуф.* – Қоҳира: 1967–70. II, 131–143; Ибн ал-Жавзий. *Сифа ас-сафва.* – Байрут: 1399/1979. I, 47–48; Диёрбакрий. *Тарйх ал-хамйс.* – Қоҳира: 1283. I, 182–187; Аз-Зурқоний. *Шарҳ ал-мавāҳиб.* – Байрут: 1393/1973. I, 91–110; Ал-Ажлуний. *Кашф ал-хафā.* – Ҳалаб: I, 230–231; M. Âsım Köksal. *İslâm Târihi, Mekke Devri.* – İstanbul: 1987. I, 142–143; Kâmil Miras. *«Abdullah b. Abdulmuttalib». İTA.* II, 240–243; F. Buhl. *«Abdullah». İA.* I, 29; W. Montgomery Watt. *«Abd Allāh b. Abd al-Muṭṭalib». EI²* (Fr.). I, 43–44; *«ʿAbdullāh b. ʿAbdülmuṭṭalib». UDMİ.* XII, 796–798; Bekir Topaloğlu. *«Abdullah». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 75-76.

Бекир Тўпалўғли

АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛҲАКАМ

عبد الله بن عبد الحكم

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам ибн Аъён ибн Лайс ал-Моликий (150/767, Искандария – 214/829, Миср)


Имом Молик (р.а.)нинг пешқадам шогирдларидан

Оиласи асли Қизил денгиз соҳилидаги Айла (Ақаба)дан 16 мил масофа узоқликда жойлашган Ҳақл қишлоғидан. Шу боис у ал-Ҳақлий нисбаси б-н ҳам зикр қилинади. Бобоси Аъён Мисрга келиб, Искандарияга жойлашади ва катта бойликка эга бўлади. Абдуллоҳнинг отаси Абдулҳакам шу ерда туғилади, *фақиҳ* бўлиб етишади ва шу ерда вафот этади. Баъзи манбаларда Абдуллоҳ ибн Абдулҳакамнинг таваллуд санаси сифатида 154/771 ва 156/773 й.лар ҳам кўрсатилган. Отаси ва минтақанинг пешқадам олимларидан дарс олган А.и.А. кейинчалик илмини ошириш мақсадида Ҳижоз, Сурия, Ироқ ва Яман мамлакатларига сафар қилади. Имом Молик ва у кишининг пешқадам шогирдларидан бўлган Ашҳаб ал-Қайсий, Ибн Ваҳб, Ибн ал-Қосим каби олимлардан ҳадис ҳамда *фиқҳ*дан таҳсил олади. Имом Моликдан *«Ал-Муватто»*ни тинглайди. У, шунингдек, Асад ибн Фурот, Исмоил ибн Айёш, Имом аш-Шофеъий, Абдурразоқ ас-Санъоний, Абдуллоҳ ибн Маслама ал-Қаънабий, Суфён ибн Уяйна, Ибн Улайя, Абдуллоҳ ибн Лаҳиъа, Лайс ибн Саъд каби кўплаб олимлардан ҳадисдан дарс олган. Ҳадис мунаққидлари фикрича *сиқа* ва содиқ сифатида баҳоланган А.и.А.дан ўғиллари Муҳаммад, Абдурраҳмон, Абдулҳакам ва Саъдлар б-н бир қаторда, Абу Язид ал-Қаротисий, Ибн Ҳабиб, Ибн Нумайр, Ибн ал-Маввоз, Рабиъ ибн Сулаймон ал-Жийзий, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий, Саҳнун ибн Саъид, Ҳорун ибн Исҳоқ ал-Ҳамадоний каби олимлар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.А. Мисрда илмий мавқеидан ташқари сиёсат соҳасида ҳам машҳур бўлган. Чунончи, унинг тавсияси б-н Валий Абдуллоҳ ибн Тоҳир томонидан Исо ибн ал-Мункадир Мисрга қози этиб тайинланган (211/826 й.). 214/829 й. халифа Маъмун укаси Муътасимни Мисрга волий этиб тайинлайди. Бундан норози бўлганларнинг истагига кўра, Қози Ибн ал-Мункадир халифага мактуб ёзади. Мактубдаги нохушликдан хабар топган Муътасим қозини ишдан бўшатади ва унинг яқин дўсти А.и.А.ни ҳам мактуб ёзилишида қўли бор, дея ҳибсга олади. Ҳолбуки, А.и.А. қозига мазкур мактубни халифага юбормасликни тавсия этган эди.

Қамоқда азобланган А.и.А. аксар манбаларга кўра, 214 й. 21 рамазон/829 й. 22 нояб.да, Ибн Ҳиббоннинг таъкидлашига кўра эса, 213/829 й.да вафот этади ва Имом аш-Шофеъийнинг қабри ёнига дафн этилади. Вафотидан сўнг фатво бериш мақомига ўғли Муҳаммад ўтади. Абу-л-Араб ат-Тамимий А.и.А.нинг *Миҳна ҳодисаси* вақтида ёқилиб ўлдирилганига доир ривоятни нақл қилса-да (*Китāб ал-миҳан*, 258), *Миҳна ҳодисаси* унинг вафотидан кейин содир бўлгани мазкур ривоятни инкор этади. Бироқ А.и.А.нинг ўғиллари бу ҳодиса вақтида сўроққа тортилган, катта ўғли Абдулҳакам исканжа остида вафот этган.

А.и.А. ўз даврида Имом Молик *мазҳаби фиққи* ва услубияти билимдонларидан бири сифатида эътироф этилган. Устозларининг ҳукм чиқаришда қўллаган усулларини яхши билгани ва янги масалаларни ечишда улардан фойдалангани б-н ўзгалар эътиборини тортган. Имом Молик *фиққини* келгуси авлодга етиб келишида Ашҳаб ал-Қайсийдан кейин Мисрда *моликий мазҳаби*нинг *фатво* берувчиси бўлган А.и.А., чиқарган *фатво*лари ва асарлари б-н Имом Молик *фиққини* ўзидан кейинги авлодларга қолдирган ҳамда *моликий*



Абдуллоҳ ибн Абдулҳакамнинг *«Ал-Мухтасар ал-кабīр фи-л-фиққ»* асари. Қоҳира, 2011 й.

*мазҳаби*нинг ёйилишида хизмат қилган. А.и.А.нинг *«Ал-Мухтасар ал-кабīр»* номли асари бағдодлик моликийлар томонидан мадрасаларда асосий манба сифатида ўқитилган. Қози Иёзнинг маълум қилишича, *моликий мазҳаби*га оид китоблар қаторида *«Ал-Муватто»* ва *«Ал-Мудаввана»*дан сўнг, А.и.А.нинг *«Мухтасар»*идек ҳурмат қозонган бошқа асар битилмаган. Бироқ унинг Имом Моликдан қилган ривоятлари *мазҳаб* ичида Ибн ал-Қосим, Ашҳаб ал-Қайсий ва б.ларнинг ривоятларидек ишончли деб топилмаган. А.и.А.нинг дўсти бўлган Имом аш-Шофеъий 199/815 й. Бағдоддан Мисрга сафар қилганида унинг уйида меҳмон бўлган. Имом аш-Шофеъий у ерда бўлганида А.и.А.дан илтифот кўрган ва унинг ёнида вафот этган. А.и.А. Имом аш-Шофеъийнинг китобларини ёзган ва ўғли Муҳаммадни унинг дарсларига қатнашини таъминлаган.

Ас.: *«Сīра (Манāқиб) Умар бин Абдулъазīз ъалā мā равāҳ ал-Имāм Мāлик бин*

Анас ва асҳābуҳ». Умавий халифаси Умар ибн Абдулазиз ҳақида ёзилган илк биографик асар бўлиб, муаллифнинг Умар ибн Абдулазиз яшаган даврга яқин даврда яшагани сабабли бу мавзуда ёзилган энг ишончли манбалардан бири сифатида қабул қилинган. *«Ал-Мухтасар ал-кабīр фи-л-фиққ».* Имом Моликдан Ибн Ваҳб, Ашҳаб ал-Қайсий, Ибн ал-Қосим ҳамда А.и.А.лар ривоят қилган 18000 масалани ўз ичига олган асар. Асарнинг баъзи бўлимлари Фос Қаравайн кутубхонасида (инв. рақам 810) сақланмоқда. *«Ал-Мухтасар ал-авсат».* Ушбу асар ўз ичига 4000 *фиққий* масалани қамраб олган. *«Ал-Мухтасар ас-сағīр».* Мазкур асар *«Ал-Мухтасар ал-авсат»* асарида келтирилган масалалардан 1200 тасини ўз ичига олган хулоса бўлиб, *«Ал-Муватто»*даги маълумотлар б-н чегараланган. Шунингдек, *«Ал-Масāил ва ажвибатуҳā», «Ал-Аҳвāл», «Ал-Манāсик», «Ал-Қазā фи-л-бунйāн»* каби асарлар ҳам унга нисбат берилган.

Ад.: Абу-л-Араб ат-Тамимий. *Китāб ал-миҳан.* – Байрут: 1988. 258; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдīл.* V, 105–106; Ал-Байҳақий. *Манāқиб аш-Шāфиъий.* – Қоҳира: 1970. II, 263, 331; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқāт.* VIII, 347; Ал-Хаттобий. *Маъāлим ас-сунан.* – Байрут: 1991. I, 4; Қози Иёз. *Тартīб ал-мадāрик.* – Рабат: 1982. I, 21; III, 363–368; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* IV, 179; Ёқут. *Муъжам.* II, 278; Аз-Заҳабий. *Сийар.* X, 220–223; Ибн Халликон. *Вафайāт.* III, 34-35; Brockelmann, *GAL.* I, 186; Sezgin. *GAS.* I, 464, 467–468, 477; F. Rosenthal. *«Ibn Abd al-Hakam». EI²* (Ing.). III, 674–675; Nûrullah Kisâyî. *«İbn ʿAbdilḥakem». DMBİ.* IV, 183–184; Jonathan E. Brockopp. *«Early Islamic Jurisprudence in Egypt: Two Scholars and Their Mukhtasars».* IJMES. XXX/2 (1998), 167–182; Saffet Köse. *«İbn Abdülhakem, Abdullah». TDV İA.* – İstanbul: 1999. XIX, 276–277.

Саффет Кўса

АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУНУҲМ ЗУЛБИЖОДАЙН

عبد الله بن عبد نهم ذو البجادين

Абдуллоҳ ибн Абдунуҳм ибн Афийф ибн Усайҳим ибн Рабиъа ибн Адий ибн Саълаба ибн Зуайб ибн Саъд ал-Музаний (?, Макка – 9/630, ?)

Саҳоба

Асл исми Абдулуззо. *Музайна қабиласи*га мансуб бўлган. Отаси – Абдунуҳм. Онаси – Жаҳма бинт ал-Ҳорис бин ал-Яқзон ал-Ҳамдоний. Абдуллоҳ ибн Абдунуҳм Зулбижодайн (р.а.) акаси Хузоадан олдин мусулмон бўлган. Исломни қабул қилганидан сўнг, Пайғамбар (с.а.в.) исмини Абдуллоҳ деб ўзгартирганлар. Улуғ *саҳоба* Абдуллоҳ ибн Муғаффал (р.а.)нинг амакиси. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга «Зулбижодайн» (икки бўлак мато эгаси) дея хитоб қилганлари сабабли, шу лақаб б-н танилган. Ёшлигида вафот этган отасидан ҳеч бир мерос қолмаган. А.и.А.З. ўзига тўқ амакиси ҳимоясида катта бўлади, унинг ёрдами б-н бойликка эга бўлади. А.и.А.З.



Қадимги Макка. (Реконструкция)

Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккадан Мадинага *ҳижрат* қилган вақтларида Ислом динига қизиқа бошлайди ва мусулмон бўлишни жуда истайди. Лекин амакисига айтишга ботинолмай юради. Шу тарзда йиллар ўтади. Бир куни у: «Эй амаки, Исломни қабул этишингизни узоқ кутдим. Лекин сиз буни истамас экансиз. Мусулмон бўлиш учун менга рухсат беринг», дейди. Амакиси: «Агар Муҳаммадга эргашадиган бўлсанг, берган ҳамма нарсамни тортиб оламан, ҳатто кийимингни ҳам», дейди. Бунга жавобан А.и.А.З: «Аллоҳга қасам, мен мусулмон бўлдим, бут ва тошларга ибодат қилишни ташладим» деб, барча нарсадан воз кечиши ва Муҳаммад (с.а.в.)га эргашишини айтиб, амакиси берган барча мулкини қайтариб беради. Расули Акрам (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориш учун кийими ҳам қолмаганидан онаси унга «бижод» деб аталувчи қалин матони иккига бўлиб, кийим тикиб беради. А.и.А.З. Мадинага келиб, кечани *Масжид ан-Набавий*да ўтказади. Ўшанда Расулуллоҳ (с.а.в.) Вариқон тоғи этагидаги масжидда эдилар. А.и.А.З. бу ерга саҳар вақтида етиб келади. Пайғамбар (с.а.в.) бомдод *намоз*ини ўқиб бўлганларидан сўнг одатларича, одамларга юзланадилар. У ўзининг қиёфаси б-н Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг диққатларини тортади. Ундан кимлигини сўраганларида: «Мен Абдулуззоман», деб жавоб беради. Пайғамбар (с.а.в.): «Йўқ, сен Абдуллоҳ Зулбижодайнсан» дейдилар ва «Мен билан юр» деб, уни меҳмон қилганлар ва унга Қуръондан таълим берганлар.

А.и.А.З. баъзи *ғазот*ларда Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н бирга бўлган. *Табук ғазоти*да Ул Зотнинг туяларини гўзал нағмалар б-н юргизгани ривоят қилинган. А.и.А.З. Қуръон ўқиганида, Аллоҳни зикр қилиб дуо қилганида овозини баланд кўтарар эди. *Саҳоба* Ибн Адраъ (р.а.) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (с.а.в.)ни қўриқлаб юрардим. Бир кеча ташқарига чиққанларида мени кўриб қолиб, қўлимдан тутдилар ва биз бирга кетдик. Йўлда *намоз* ўқиётган кишининг ёнидан ўтдик. Унинг баланд овозда *қироат* қилаётганини кўриб: «Менимча, у риёкор», дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Йўқ, аксинча, у кўп тавба қилувчидир», дедилар. Мен ўша кишига қарадим, у Абдуллоҳ Зулбижодайн экан» (*Муснад*. IV, 337). Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишни истаган А.и.А.З., *Табук ғазоти* вақтида иситма касалига учраб, кечаси вафот этади. Манбаларда Расулуллоҳ (с.а.в.) беш кишини ўз қўллари б-н қабрга қўйганлари, улардан бири А.и.А.З. бўлган зикр қилинади. А.и.А.З.нинг жаноза *намози* Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан ўша кечада ўқилиб, машъала ёруғлигида дафн этилади. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг қабрига ўзлари тушиб, Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.)лар ёрдамида жасадни қўйганлар. Дафн тугаганидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) *қибла*га қараб қўлларини кўтариб: «Аллоҳим! Мен ундан розиман, Сен ҳам рози бўл!», деб дуо қиладилар ҳамда уни Аллоҳни ва Расулини севган, ичи ёнган, кўзи ёшли, кўп Қуръон ўқиган шахс бўлганини айтадилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) бу воқеани қўйидагича зикр қилади: «*Табук ғазоти*га Расулуллоҳ (с.а.в) б-н бирга чиққан эдим. Кечаси туннинг ярмида уйғониб кетдим, биз жойлашган майдоннинг бир четида оловдан бўлган шуъла ёниб турганига кўзим тушди. Ўша томонга қараб юрдим. У ерда Расулуллоҳ (с.а.в.), Абу Бакр ва Умар (р.а.) вафот этган *саҳоба*лардан Абдуллоҳ Зулбижодайн ал-Музанийни дафн этишга ҳозирлик кўришаётган экан. Улар қабр қазишиб унинг ичида Расулуллоҳ (с.а.в.), тепасида эса Абу Бакр ва Умар (р.а.)лар туришган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қабр ичидан туриб уларга: «Қани, биродарингизни менга узатинглар», дедилар. Улар маййитни узатдилар. Маййитни лаҳадга қўйгач, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Парвардигорим, мен ундан розиман, Сен ҳам рози бўл!», деб дуо қилдилар. Бу ҳолат-

ни кўриб: «Мен ундан ўн беш йил аввал мусулмон бўлдим. Кошки қабр эгаси мен бўлсам эди» деб, унинг ўрнида бўлишни жуда истагани ривоят қилинади.

Ад.: Аз-Замахшарий. *Ал-Фоиқ.* I, 79–80; Ал-Воқидий. *Ал-Мағозий.* III, 1013; Ибн Қутайба. *Ал-Маъориф.* 141; Ибн ал-Жавзий. *Сифа ас-сафва.* I, 677–679; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба.* – Байрут: 1418/1973. II, 147; Ибн Ҳажар. *Ал-Исоба.* I, 484; II, 338–339; Zekeriya Güler. *«Zülbicâdeyn». TDV İA.* – İstanbul: 2013. XLIV, 551; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 473–474; http://qadriyat.uz/tarix; http://siyrat.uz/maqola/1027; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/18882; https://library.islamweb.net/ar/fatwa/43789;

Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ АВФО
عبد الله بن أبي أوفي

Абу Муовия Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ал-Асламий (? – 86/705, Куфа)

Саҳоба

Манбаларда куняси Абу Муовия, Абу Иброҳим, Абу Муҳаммад деб келтирилади. Отаси Абу Авфонинг асл исми Алқама ибн Холид бўлган. Шу боис ушбу саҳоба Абдуллоҳ ибн Алқама номи б-н ҳам зикр қилинади. А.и.А.А. Куфада вафот этган *саҳоба*ларнинг энг сўнггиси ҳисобланади. У *Ҳудайбия* куни *Ризвон байъати*да қатнашган ва байъат қилган. Шунингдек, *Хайбар фатҳи* ва *Ҳунайн* каби, жами ўттита *ғазот*да иштирок этган. *Ҳунайн ғазоти*да қўлидан жароҳатланган. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларига қадар Мадинада яшаган. *Хулафои рошидийн* давридаги *фатҳ*лар сабабли бошқа кўпгина *саҳоба*лар каби Мадинадан Куфага кўчган.

*Саҳоба*ларнинг узоқ умр кўрганларидан бўлган А.и.А.А. Абу Ҳанифа кўрган тўрт *саҳоба*дан биридир. Ундан Исмоил ибн Абу Холид, аш-Шаъбий, Абдулмалик ибн Умайр, Абу Исҳоқ аш-Шайбоний, Салма ибн Куҳайл каби машҳур кишилар ҳадис ривоят қилганлар. Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадисларининг тўқсонга яқини бизгача етиб келган.

А.и.А.А. доимо соч ва соқолини хинага бўяб юрган. Унинг кўзлари умрининг охирида ожиз бўлиб қолган, юз ёшида вафот этган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир.* – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 24; Ибн Ҳиббон. *Машоҳир ъулама ал-амсор.* – Қоҳира: 1959. 49; Ҳоким. *Ал-Мустадрак.* III, 570–571; Аз-Заҳабий. *Сийар.* III, 428–430; ўша муал. *Таҳзиб ат-таҳзиб.* V, 151; Ali Yardim. *«Abdullah b. Ebû Evfâ». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 96; *101 улуғ саҳобий.* – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 36.

Тузувчи Нилуфар Тўйчиева

АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ БАКР АС-СИДДИҚ
عبد الله ابن ابي بكر الصديق

Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳофа Усмон ибн Омир ал-Қураший ат-Таймий (?, Макка – 11/632, Мадина)

Саҳоба

Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.)нинг ўғли. Онасининг исми Қутайла бинт Абдулуззо. Асмо бинт Абу Бакрнинг укаси, Оиша (р.а.)нинг ўгай акаси. Муҳаммад (с.а.в.) нинг қайин инилари. Саҳоба Саъид ибн Зайднинг куёви. *Ҳижрат* чоғи Муҳаммад (с.а.в.) биродарлари Абу Бакр (р.а.) б-н уч кун *Савр ғори*да қолиб кетганларида А.и.А.Б.ас-С. уларга егулик келтириб, ҳам *мушрик*ларнинг ишларидан хабардор қилиб турган. *Бадр жанги* куни Исломни қабул қилган. Кейин у ҳам Маккадан кетиб, муҳожир бўлган. *Макка фатҳи, Ҳунайн жанги* ва *Тоиф қамали*да иштирок этган. Тоифдаги жангда ўқ тегиб ярланган ва бир муддатдан сўнг вафот этган. Жанозасини отаси ўқиган. Ал-Бағавий ундан ривоят қилинган ягона ҳадисни ўз асарида зикр қилган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* I, 55; Ибн Касир. *Ал-Бидоя.* VIII, 338; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба.* – Қоҳира: 1285–87. III, 299; Mehmet Ali Sönmez. «*Abdullah b. Ebû Bekir es-Siddîk*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 95–96; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 453; *101 улуғ саҳобий.* – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 42.

Тузувчи Маъмуржон Абидов

АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ БАКР ИБН МУҲАММАД

عبد الله بن أبي بكر بن محمد

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм ал-Маданий ал-Ансорий (тахм. 65/684-85 – Мадина – 130/747-48)

Сийрат, мағозий ва ҳадис олими

*Хазраж қабиласи*нинг машҳур Бани Нажжор оиласига мансуб. Катта бобоси Амр ибн Ҳазм Пайғамбар (с.а.в.)нинг хизматларида бўлган. Бошқарувчи ва Исломдан таълим берувчи мураббий сифатида Нажронга юборилган. Бобоси Муҳаммад ибн Амр *умавийлар*нинг Мадинага босқини вақтидаги *Ҳарра уруши*да вафот этган. Отаси Абу Бакр эса Мадинада қозилик ва волийлик қилга. Унга шунингдек, Умар ибн Абдулазиз томонидан ҳадис тўплаш вазифаси топширилган. Абдуллоҳ ибн Абу Бакрнинг укаси Муҳаммад бир муддат Мадина қозилигида фаолият олиб борган. Унинг ўзи ҳеч бир расмий вазифани қабул қилмаган.

А.и.А.Б.и.М. ўзи мансуб бўлган Ибн Ҳазм оиласининг *Масжид ан-Набавий*даги илм ҳалқасида отасидан ҳадис, *фиқҳ*, *сияр* ва *мағозий* илмларини ўрганган. У, шунингдек, Анас ибн Молик, Аббод ибн Тамим, Урва ибн Зубайр каби нуфузли шахслардан ҳадис ўрганади. Аз-Зуҳрий, Молик ибн Анас, Ибн Журайж, Суфён ибн Уяйна ва Ҳишом ибн Урвалар А.и.А.Б.и.М. ва унинг шогирдларидан ҳадис ривоят қилганлар.

Сияр ва *мағозий* соҳасида энг машҳур шогирди Ибн Исҳоқдир. Ибн Исҳоқ, ал-Воқидий, Ибн Ҳишом, Ибн Саъд, ал-Балозурий, ат-Табарий ва Ибн Касир каби муаллифларнинг асарларида А.и.А.Б.и.М.дан ривоят қилинган хабарларни кузатган Й. Горовиц (J. Horovitz), унинг *мағозий* б-н шуғулланган буюк олим бўлганини айтган. Унинг фикрича, олимнинг жияни Абдулмалик ибн Муҳаммад ал-Қозий қаламига мансуб *«Китāб ал-мағāзӣ»* асарининг асл муаллифи ҳам А.и.А.Б.и.М. ўзи бўлиши мумкин. Зеро, аз-Заҳабий ҳам *«Сийар аълāм ан-нубалā»* асарида А.и.А.Б. *«Мағāзӣ»* китобини ёзганини таъкидлаган.

А.и.А.Б.и.М. томонидан ривоят қилинган хабарлар таҳлил этилганда, аслида у Пайғамбар (с.а.в.)нинг *ғазот*лари б-н чегараланиб қолмаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларда *жоҳилият* даврининг баъзи муҳим воқеалари, Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётларининг илк йиллари, уларнинг ҳузурларига келган қабила бошлиқлари, Ул Зот юборган элчилар, маъмурлар ва қўшни ҳукмдорларга ёзган мактублари, Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейинги келишувлар, *Ридда уруши*, Умар (р.а.) даврининг баъзи муҳим воқеалари ва унинг шаҳид этилиши ҳақидаги маълумотлар хронологик тарзда келтирилганини кўриш мумкин. А.и.А.Б.и.М.нинг Ислом давлати дипломатик ҳужжатларини кейинги даврларга етказишда кўрсатган хизматлари беқиёсдир.

А.и.А.Б.и.М. *сиқа* деб эътироф этилишига қарамай, хабарларни нақл қилишда кўпинча ривоят силсиласини зикр этмайди. Нақлларининг бир қисмини отасининг холаси Амра бинт Абдурраҳмондан ривоят қилган. Пайғамбар (с.а.в.) нинг баъзи мактубларини ҳам ривоят қилган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг Ҳимярий подшоҳларига ёзган мактублари ва катта бобоси Амр ибн Ҳазм Нажронга сафар қилаётганида Ул Зот томонларидан берилган мактуб шулар жумласидандир.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1955; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Мадина: 1983. 283; Халифа ибн Хайёт. *Ат-Табақāт.* – Дамашқ: 1966–67. II, 661; Ал-Бухорий. *Ат-Тарӣх ал-кабӣр.* – Ҳайдаробод: 1941–60. III, 54; Аз-Заҳабий. *Сийар.* V, 314–315; Mustafa Fayda. *«Abdullah b. Ebū Bekir b. Muhammed». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 95.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ ДОВУД

عبد الله بن أبي داود

(қ. ИБН АБУ ДОВУД)

си мадиналик аёллар орасида диндорлиги, ақллилиги ва жасурлиги б-н машҳур бўлган Умму Сулайм бинт Милҳон (р.а.) дир. Умму Сулайм (р.а.) *Ҳунайн ғазоти*да Пайғамбар (с.а.в.)ни яқинларида туриб ҳимоя қилган. Мадинага қайтгандан кейин эса, Абдуллоҳни дунёга келтирган. Янги туғилган чақалоқни биринчи эри Моликдан кўрган ўғли Анас орқали Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига юборган. Ул Зотдан чақалоққа биринчи луқмани беришлари *(таҳник)* ва унга исм қўйишларини илтимос қилган. Пайғамбар (с.а.в.) ўзлари чайнаган луқмани чақалоқ танглайига суртиб, юзини силаганлар ва унга Абдуллоҳ, деб исм қўйганлар.

А.и.А.Т. ўн нафар ўғил фарзанд кўрган, уларнинг ҳаммаси Қуръонни тўлиқ ёд олганлар. А.и.А.Т. отаси ва ўгай акаси Анас ибн Моликдан ҳадис ривоят қилган. Ундан ўғиллари Исҳоқ ва Абдуллоҳ, набираси Яҳё ибн Исҳоқлар ҳадис ривоят қилганлар. А.и.А.Тнинг ўғиллари ичида энг илмлиси ва машҳури Исҳоқ бўлган. У *моликий мазҳаби* асосчиси Имом Моликнинг шайхи бўлган.

А.и.А.Т. *Сиффийн жанги*да Али (р.а.) томонидан жой олган. Манбаларда Эрон *фатҳ*лари асносида шаҳид бўлгани ёки Мадинада вафот этгани ҳақида икки хил ривоят бор.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ.* – Байрут: «Олам ал-кутуб». III, 902; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1955. IV, 88–89; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. V, 74–76; Ал-Бухорий. *Ат-Тарӣх ал-кабӣр.* – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 94; Ат-Табарий. *Тарӣх.* – Байрут: «Дор Сувайдон». III, 76.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ УМАЙЯ

عبد الله بن أبي أمية

Абдуллоҳ ибн Убу Умайя
ибн ал-Муғийра ал-Махзумий
(?, Макка – 8/629-30, Тоиф)
Саҳоба

Пайғамбар (с.а.в.)нинг аммалари Отиканинг ўғли, аёллари Умму Салама (р.а.) нинг ота бир укаси бўлган. Абдуллоҳ ибн Абу Умайя (р.а.) Исломнинг илк даврида мусулмонларнинг ашаддий душманларидан бири эди. Исломнинг аввалида Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакилари Абу Толибдан жиянига Исломга даъват қилишини тўхтатиши, акс ҳолда уни ҳимоя қилмаслигини айтишини талаб қилиб борган ҳайъат аъзолари орасида А.и.А.У. ҳам бўлган. У Пайғамбар (с.а.в.)ни Ислом даъватидан воз кечириш мақсадида ташкил қилинган мажлисда, *«Исро» сураси*нинг 93-оятида ишораси келган, яъни Пайғамбар (с.а.в.) осмонга чиқиб, у ердан китоб олиб тушмагунича унга *иймон* келтирмасликларини айтганлар орасида ҳам бўлган. Айрим ривоятларда А.и.А.У мусулмон муҳожирларни ортга қайтариш учун Ҳабашистонга борган элчилар орасида ҳам бўлгани айтилади. Пайғамбар (с.а.в.) ўлим тўшагида ётган Абу Толибга *иймон* келтиришини таклиф қилганларида, А.и.А.У ул Зотга қарши чиққан ва Абу Толибга динидан қайтмаслиги учун босим ўтказган. *Уҳуд жанги* асносида Мадинада бўлган, у ердан тўғри Тоифга бориб, маккаликларга уруш ҳақида маълумот берган.

А.и.А.У.нинг Исломга душманлиги *Макка фатҳи*га қадар давом этган. *Фатҳ*дан олдин Абу Суфён б-н бирга Мадинага боришга қарор қилган. Умму Саламанинг илтимосига биноан, Пайғамбар (с.а.в.) уларни қабул қилганлар ва улар мусулмон бўлганлар. А.и.А.У. *Макка фатҳи* ва *Ҳунайн жанги*да қатнашган. Бу жангда Исломнинг ашаддий душмани ва *Сақийф қабиласи*нинг раиси бўлган Усмон ибн Абдуллоҳни ўлдирган. *Тоиф қамали* пайтида шаҳид бўлган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. I, 122; II, 158; Ат-Табарий. *Тарӣх.* – Қоҳира: 1960–70. III, 50–51; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 177–178; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 277; Muhammed Hamidullah. *Islam Peygamberi.* – İstanbul: 1990. II, 521–522.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ ҲАДРАД

عبد الله بن أبى حدرد

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ
ибн Абу Ҳадрад
ибн Умайр ал-Асламий
(? – 71/690-91)
Саҳоба

Отаси Абу Ҳадраднинг асл исми Салома бўлгани учун баъзи манбаларда Абдуллоҳ ибн Салома деб ҳам зикр қилинган. Манбаларда А.и.А.Ҳ.ни *саҳоба*лиги борасида турли ихтилофлар мавжуд. Бироқ, аксарият олимлар уни *саҳоба* бўлганини қайд этишган. *Ҳудайбия сулҳи*дан бошлаб Пайғамбар (с.а.в.) амрлари остида сафарларда қатнашган ва унга турли сарийяларда вазифалар ҳам юклатилган. Шулардан бири *Ғоба сарийяси*дир. *Бани Жушам қабиласи*дан бўлган Рифоъа ибн Қайснинг мусулмонлар ва *Бани Қайс* орасини бузмоқчи бўлганини эшитган Расулуллоҳ (с.а.в.), Абдуллоҳ ибн Абу Ҳадрад (р.а.)нинг ёнига яна икки кишини қўшиб, уларга Рифоъа ҳақида маълумот тўплаб келишни буюрадилар. А.и.А.Ҳ. Мадина яқинидаги Ғоба яйловида Рифоъани тузоққа тушириб ўлдиради, унинг оз сонли одамларини қувиб, ортда қолган туяларини ўлжа сифатида Мадинага ҳайдаб келади. Камбағал ҳаёт кечирган А.и.А.Ҳ. уйланганида ўзига ўлжадан тушган ўн уч туяни хотинига маҳр сифатида беради. Бу воқеадан икки ой ўтиб, *Ҳунайн жанги* аввалида Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан яна душман ичига кириб маълумот тўплаш учун юборилади. Вазифани муваффақият б-н якунлаб, тўплаган маълумотларини Пайғамбар (с.а.в.)га тақдим қилади. Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот бўлмаган А.и.А.Ҳ. тахминан саксон ёшида вафот этган.

А.и.А.Ҳ. Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.) дан ҳадис ривоят қилган, ундан эса ўғли Қаъқоъ ва б.лар ривоят қилганлар. Ривоят қилган ҳадисларининг иккитаси Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «*Муснад*»ида келтирилган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағазӣ.* – Лондон: 1965–66. II, 634–635, 777, 779–780, 797; III, 877, 893, 939, 1008; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1955. III, 439–440; IV, 626, 629–631; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрӑ.* – Байрут: 1968. II, 150; IV, 309–310; Ат-Табарий. *Тарӣх.* – Қоҳира: 1960–70. III, 34, 158; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 210–211; Ибн Ҳажар. *Ал-Исӑба.* – Қоҳира: 1970–72. IV, 54–57.

Тузувчи Акмалхон Акмалхонов

АБДУЛЛОҲ ИБН АВН

عبد الله بن عون

Абу Авн Абдуллоҳ ибн Авн
ибн Эртабон ал-Музаний ал-Басрий
(66/685 – Басра – 151/768)
Муҳаддис

Бобоси *Музайна қабиласи*нинг улуғларидан бўлгани учун ал-Музаний ва Басрада туғилгани учун ал-Басрий нисбаси б-н зикр қилинади. Анас ибн Моликни кўрган, Саъид ибн Жубайр, Иброҳим ан-Нахаий, аш-Шаъбий, Ато ибн Абу Рабоҳ, Ҳасан ал-Басрий ва Ибн Сирийн каби кўплаб улуғ шахслардан ҳадис тинглаган.

Ундан Аъмаш, Шуъба ибн Ҳажжож, Суфён ас-Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Азҳар ибн Саъд, Ҳушайм ибн Башир, Вакийъ ибн Жарроҳ, Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон каби олимлар ривоят қилганлар. Ҳадис мунаққидлари уни *сиқа*, деб қабул қилганлар, Яҳё ибн Маъийн ҳам ҳар жиҳатдан ишончли эканини айтган, *муҳаддис*лар томонидан *сиқа* деб эътироф этилган. Шуъба ибн Ҳажжож «тенги йўқ инсон», дея таъриф қилган. У, шунингдек, А.и.А.дан ҳар куни ҳадис ўрганишни истагани, унинг ёлғон сўз (*тадлис*)дан сақланган икки кишидан бири экани, шубҳали сўзи бошқанинг ишончли сўзига нисбатан устун туришини (таржиҳ) айтиб, олимнинг илмига бўлган ишончини ифода қилган.

Ироқ табиати манзараси



Суфён ас-Саврий, Ҳишом ибн Ҳассон, Усмон ал-Баттий, Муоз ибн Муоз, Абдуллоҳ ибн Мубораклар ҳам А.и.А. каби олимни кўрмаганларини, Абдурраҳмон ибн Маҳдий эса, Ироқда *суннат*ни ундан кўра яхши биладиган киши йўқлигини айтганлар. «*Кутуби ситта*» муаллифларининг барчаси А.и.А.дан ривоят қилганлар.

А.и.А. етмиш йилга яқин муддат Басрада яшаган. Ҳадисшунослик соҳасининг етукларидан Айюб ас-Сахтиёний ва Юнус ибн Убайдга бўлган ҳурмати сабабли уларнинг вафотларига қадар ҳадис ривоят қилмаган. У ҳадис ривоятида ўта қатъий бўлиши б-н бирга *қироат* ва *фиқҳ* соҳасидаги илми б-н ҳам танилган. Манбаларда олимнинг вафот санаси хусусида юқоридагидан ташқари 150/767 ва 152/769 й.лар ҳам зикр қилинган. Жаноза *намози*ни Басра волийси Жамил ибн Маҳфуз ал-Аздий адо қилган.

Ибодат ва *зуҳд*и б-н бир қаторда бойлиги ила ҳам танилган А.и.А. камгап, гўзал кийинувчи бўлса-да, кибрланишдан сақланар эди. Атрофидагиларга Қуръон ўқишни, *суннат*га амал қилишни ва инсонларга зарар бермасликни тавсия қиларди. Шогирди Хорижа ибн Мусъаб унинг фазилатлари ҳақида гапириб, устози ёнида йигирма тўрт йил қолгани, аммо унинг хатоларига кўзи тушмаганини айтиб ўтган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* VII, 261–268; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 163; ўша муал. *Ат-Тарйх ас-сағйр.* II, 111; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* I, 145–146; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқāт.* VII, 3–4; Ибн Асокир. *Тарйх Димашқ.* XXXI, 326–374; Аз-Заҳабий. *Сийар.* VI, 364–375; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* I, 156–157; Ahmet Yücel. *«İbn Avn, Abdullah». TDV İA.* – İstanbul: 1999. XIX, 340–341.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЙЁШ

عبد الله بن عياش

Абу-л-Ҳорис Абдуллоҳ ибн Айёш ибн Абу Рабиъа ал-Қураший ал-Махзумий (? – 64/683-84, Мадина)

Қори саҳоба

Отаси Айёш (р.а.) илк мусулмон бўлганлардан эди. Ҳабашистонга *ҳижрат* қилган. Абдуллоҳ ибн Айёш (р.а.) ўша ерда туғилган. Онасининг исми Асмо бинт Мухарриба бўлган. Уни аёли Ҳинд бинт Мутаррифдан кўрган Ҳорис ва Аматуллоҳ исмли фарзандлари бўлган. А.и.А.нинг *саҳоба* ёки *саҳоба* эмаслиги ҳақида турли фикрлар айтилган. Айрим ривоятларга асосланиб, Ибн Ҳа-

жар ал-Асқалоний ва Ибн Абдулбарлар *саҳоба*лардан эканини зикр қилганлар. Ибн Ҳиббон А.и.А.ни саккиз йил Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган деб келтирган. Пайғамбар (с.а.в.), Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, отаси Айёш ва б. *саҳоба* (р.а.) лардан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида, А.и.А.дан ўғли Ҳорис, Ибн Умар, озод қилган қули Нофеъ, Сулаймон ибн Ясорлар ҳадис ривоят қилганлар. *Қироат*ни *арз* йўли б-н Убай ибн Каъб (р.а.)дан ўрганган. Ундан *қироат*ни озод қилган қули Абу Жаъфар Язид ибн Қаъқоъ, Шайба ибн Нассоҳ, Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз, Муслим ибн Жундаб ва Язид ибн Румонлар ўрганганлар. А.и.А, шунингдек, *етти қироат* имомларидан бўлган Нофеънинг ҳам устозидир. У Мадинада *қироат* соҳаси пешволаридан ҳисобланган. Шамсуддин аз-Заҳабий ҳам унинг 70/689–90 й.лардан кейин вафот этгани ҳақида ривоятлар борлигини айтган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. V, 28; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 149–150; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* – Ҳайдаробод: 1952–53. V, 125; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. 111, 360–361; Аз-Заҳабий. *Маърифа ал-қуррā.* I, 58; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* II, 357.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУЛЛОҲ ИБН АМР ИБН АЛ-ОС

عبد الله بن عمرو بن العاص

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос ал-Қураший (?, Макка – 65/684-85, Миср)

Саҳоба

Ораларида фақатгина ўн бир ёки ўн икки ёш фарқ бўлгани айтилган отаси Амр ибн Ос (р.а.)дан олдин Исломни қабул қилган ва *ҳижрат*нинг 7 й.дан кейин у б-н бирга Мадинага кўчган. Сурёний тилини мукаммал билган, Тавротни ўқий олган Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (р.а.) нинг хати ҳам гўзал эди. Шу сабабли Пайғамбар (с.а.в.)дан эшитиб, ёдда сақлашни истаган ҳадисларни унутмаслик учун ёзиб оларди. Баъзи *саҳоба*лар эшитилган барча сўзларнинг қайд этилиши тўғри эмаслигини айтганларида Расули Акрам (с.а.в.)га мурожаат этиб, бу ҳақда сўраган ва Ул Зотдан эшитган ҳар бир сўз ҳамда ишни ёзиб олишга изн олган (*Муснад,* II, 192, 207). А.и.А.и.ал-О. *«Ас-Саҳйфа ас-сāдиқа»* номи остида тўплаган бу ҳадисларни бир сандиқда эҳтиётқорлик б-н сақлар ва ўзини ҳаётга боғлаб турган нарсаларнинг аввалида *«Ас-Саҳйфа»* туришини айтар эди. Ҳатто ундан сўралган баъзи саволларга ҳам *мазкур «Ас-Саҳйфа»*дан жа-



Қоҳирадаги Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос масжиди

воб қилар эди. Ҳадисларни ривоят қилиш жиҳатидан олдинги ўринда турувчи Абу Ҳурайра (р.а.) ҳам А.и.А.и.ал-О.ни ўзидан кўп ҳадис билган *саҳоба* эканини баён қилган. Бунга сабаб қилиб унинг Пайғамбар (с.а.в.)дан эшитган ҳадисларини қайд қилиб борганини кўрсатган. Абу Ҳурайранинг бу гувоҳлиги А.и.А.и.ал-О. энг кўп ҳадис билган *саҳоба* бўлганлигининг очиқ далилидир (қ. *МУКСИРУН*). Бизгача мустақил асар сифатида етиб келмаган «*Ас-Саҳӣфа ас-сӑдиқа*»даги ҳадислар адади қанча экани аниқ бўлмаса-да, тахминан 1000 та атрофида бўлгани ҳақида маълумот бор. Бу асар кейинчалик А.и.А.и.ал-О.нинг тўнғич набираси Амр ибн Шуайбга нисбат берилган ва у томонидан ривоят қилинган. Асарнинг катта бир қисми Амр ибн Шуайбнинг ривояти б-н Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*идан (II, 158–226) жой олган.

А.и.А.и.ал-О. ҳадис ва *фиқҳ* илмларини чуқур эгаллагани туфайли *абодила* орасидан ўрин эгаллаган. Ибодат б-н кўп машғул бўлгани, давомли *рўза* тутгани, ҳофиз бўлгани сабабидан ҳар куни Қуръонни хатм қилгани (*Муснад,* II, 163, 199) учун оилавий ҳаётга эътибор бермаган, ҳатто шу сабабдан отаси томонидан Пайғамбар (с.а.в.)га шикоят қилинган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳам камроқ *рўза* тутиши ва камроқ Қуръон ўқишини айтганлар. А.и.А.и.ал-О. қуввати ва ёшлигини ибодатга бағишлаш истагида эканини таъкидлаганида, Расули Акрам (с.а.в.) етти кундан (баъзи ривоятларда уч кундан) қисқа вақтда Қуръонни хатм қилмаслиги, Довуд (а.с.) каби бир кун *рўза* тутиб, бир кун тутмаслиги, ибодатдан бўш вақтини оила аъзолари б-н ўтказиши кераклиги ва дам олишини тавсия қилганлар. А.и.А.и.ал-О. улуғ ёшга етганида Пайғамбар (с.а.в.)нинг унга берган имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаганидан пушаймонда эканини маълум қилган. Отаси б-н бирга *Шом фатҳи* ва *Ярмук жанги*да қатнашган. Бу жангда отасига байроқдорлик қилган. *Сиффийн жанги*да отасининг қатъий туриб олиши сабабли у б-н бирга, Муовия жангчилари сафига қўшилган, аммо мусулмонларга қарши қурол кўтармаган. Муовиянинг ҳузурида Аммор ибн Ёсирни ўлдирганини иддао этиб тортишган икки кишининг сўзларига аралашиб, бу мақтанишга арзигулик иш эмаслиги, Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсан ўзларидан Аммор боғий бир жамоат (*ал-фиат ал-боғия*) томонидан ўлдирилишини эшитганини айтган. Бунга жавобан Муовиянинг: «Ундай бўлса сен бизнинг орамизда нима қиляпсан?» деган саволига, у отасининг бир вақтлар Пайғамбар (с.а.в.)га шикоят қилгани, Расули Акрам (с.а.в.)нинг «Токи ҳаёт экансан, отангга итоат қил, зинҳор унга қарши иш қилма» деганлари, шу сабабли унга қўшилгани, лекин жанг қилмаганини айтади (*Муснад,* II, 164). Бошқа бир ривоятга кўра, ҳаётининг охирида *Сиффийн жанги*да қатнашганидан ҳосил бўлган чуқур қайғуни «Кошки йигирма йил аввал ўлган бўлсам эди!», деб ифодалайди ва мусулмонлар ўртасидаги жангда қатнашгани боис отасини танқид қилади.

А.и.А.и.ал-О. Муовия томонидан Куфага волий қилиб тайинланган, бироқ бир муддатдан сўнг бу вазифадан олиниб, ўрнига Муғийра ибн Шуъба тайинланган. Отасининг вафотидан кейин Мисрга волий этиб тайинланади, бироқ бу вазифада ҳам узоқ вақт қолмайди. Умрининг сўнгги йилларида кўзлари ожиз бўлиб қолади. Етмиш икки ёшида Мисрда вафот этади ва Фустотда отаси томонидан қурдирилган Амр ибн Ос масжидининг ёнидаги уйига дафн қилинади. *Аббосийлар* даврида масжид кенгайтирилиши натижасида (133/750 й.), уй масжид ҳудудининг ичига кириб қолганидан қабр масжид ҳудуди ичида қолган. Кейинчалик, усмоний султонларидан Амир Муродхон масжидни таъмир қилдирган вақтида (1211/1796–97 й.) қабрнинг устига қубба қурдиради ва атрофини *мақсура* б-н ўратади. Мақбара ҳозирги кунда Амр ибн Ос масжиди *қибла*

томонининг чап бурчагида жойлашган ва унга шаҳарда мавжуд улуғ саҳобалар қабри орасидаги эътиборли бир зиёратгоҳ сифатида қаралади. А.и.А.и.ал-О.нинг вафот санаси сифатида ҳиж. 63, 65 ва 69 й.ларни нақл қилганлар бўлгани каби унинг Тоиф, Макка ёки Шомда вафот этганини илгари сурганлар ҳам бор.

Энг кўп ҳадис билган *саҳоба* бўлса-да, ундан нақл қилинган ҳадислар сони етти юз атрофидаги ададни ташкил қилади. Бунинг сабаблари сифатида унинг ҳадис ўрганиш маркази бўлган Мадинадан узоқда жойлашган Мисрда яшагани, ўзини ҳадис ривоят қилишдан кўра кўпроқ ибодатга бағишлагани ва эҳтимол, қадимги маданиятга ошнолиги туфайли ривоятларига *исроилиёт*нинг аралашиши мумкинлигидан қўрқиб, ундан ҳадис олишда эҳтиёткорлик қилингани каби ҳолатлар зикр этилади. Ундан юзларча ҳадис ўрганганлар орасида *тобеъин*ларнинг улуғларидан бўлган набираси Шуайб ибн Муҳаммад, Саъид ибн Мусайяб, Урва ибн Зубайр, Товус, аш-Шаъбий, Икрима, Ато, Мужоҳид, Ҳасан ал-Басрий каби шахслар ўрин олган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. IV, 261–268; Аҳмад ибн Ҳанбал. *Муснад.* II, 158, 163, 164, 192, 199, 207, 226; Ал-Бухорий. *«Илм».* 39; Аз-Заҳабий. *Сийар.* III, 79–94; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 41–42; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 351–352; ўша муал. *Таҳзūб ат-таҳзūб.* V, 337; ас-Соъотий. *Ал-Фатҳ ар-раббāнй.* XXII, 301–307; Муҳаммад Ҳамидуллоҳ. *Мухтасар ҳадис тарихи ва саҳифаи Ҳаммом ибн Мунаббиҳ.* – Истанбул: 1967. 35–37; Суъод Моҳир Муҳаммад. *Масāжид Миср ва авлийāуҳā ас-сāлиҳўн.* – Қоҳира: 1971. I, 69–71, 75–76; Sezgin. *GAS.* I, 84; Мустафо ал-Аъзамий. *Дирāсāт фи-л-ҳадйс ан-набавй.* – Риёз: 1981. I, 121–125; Eşref Edip. *«Abdullah b. Amr b. Âs». İTA.* I, 220–222; M. Yaşar Kandemir. *«Abdullah b. Amr b. Âs». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 85–86.

М. Яшар Кандемир

АБДУЛЛОҲ ИБН АМР ИБН ҲАРОМ

عبد الله بن عمرو بن حرام

Абу Жобир Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром ал-Ансорий ас-Саламий (? – 3/624, Мадина)

Саҳоба

Ансорийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром (р.а.) иккинчи *Ақаба байъати*да Барро ибн Маърур б-н бирга ўз қабиласи *Бани Салама* номидан вакил бўлган. *Бадр жанги*да қатнашган. *Уҳуд жанги*да Суфён ибн Абдушамс томонидан шаҳид этилган. Мазкур жангдан олдин ўғли Жобир ибн Абдуллоҳни олдига чақириб, ушбу жангда биринчилардан бўлиб шаҳид бўлишни орзу қилаётганини айтади ҳамда унга ортида қолаётган олти қизига ғамхўрлик қилиши ва қарзларини узишини васият қилади. *Уҳуд тоғи*га етиб бормасларидан мунофиқлар



Уҳуд тоғ тизмаси. Саудия Арабистони

бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул Ислом қўшинининг учдан бирини ташкил этган одамларини олиб, ортга қайтиб кетаётганларида А.и.А.и.Ҳ. уларни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади. Аммо унга қулоқ солишмайди. А.и.А.и.Ҳ уларни дуойи бад қилиб, мусулмонлар олдига қайтади. Жанг бошлангач, ҳеч қанча вақт ўтмай шаҳид бўлади. Манбаларда унинг ушбу жангда илк шаҳид бўлгани келтирилади. Маккалик мушриклар унинг бурни, қулоғи ва б. аъзоларини кесиб оладилар. Кафанлик ва қабрлар етишмагани боис жасади поччаси Амр ибн Жамуҳ (р.а.) жасади б-н бирга битта қабрга қўйилган. Орадан қирқ олти йил ўтгач, сел йўлига яқин бўлган қабрларни бошқа ерга кўчириш мақсадида мазкур қабр очилганида, икки *саҳоба*нинг жасади қабрга қўйилгандаги ҳолатда турганига гувоҳ бўлингани ривоят қилинади (*Ал-Муватто, «Жиҳод»*, 21, 49-ҳадис).

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1955. III, 64, 98; M. Yaşar Kandemir. «*Abdullah b. Amr b. Harâm*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 86; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 674, 676.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛАВИЙ

عبد الله بن علوي

(қ. ал-ҲАДДОД, Абдуллоҳ ибн Алавий)

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛИ АЛ-КИССИЙ

عبد الله بن علي الكسي

Абдуллоҳ ибн Али ибн Аҳмад ибн Амийрак ал-Киссий (? – 512/1119, Самарқанд)

Ровий

Абдуллоҳ ибн Али ал-Киссий имом Абдулмажид ибн Юнус ибн Юсуфдан ҳадислар ривоят қилган. А.и.А.ал-К. асосан, Самарқандда истиқомат қилган ва шу ерда вафот этган. Аллома сахийлик борасида танилган ва бу борада қуйидаги ҳадисни ривоят қилган: «Анас (р.а.): «Расулуллоҳ (с.а.в.) «Кимки оч кишига таом берса ёки бир кишини кийим б-н таъминласа ёхуд мусофир кишига бошпана берса, Аллоҳ таоло уни *қиёмат* кунининг даҳшатларидан халос этади» – деди».

Ад.: Нажмуддин ан-Насафий. *Самарқандия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2001. 84; Ш. Умаров. *Ўрта асрларда яшаган кешлик алломалар.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2014. 76; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 191.

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛИ АЛ-МАРҒИНОНИЙ

عبد الله بن علي المرغيناني

Абдуллоҳ ибн Али ибн Соин ибн Абдулжалил ибн Халил ибн Абу Бакр ал-Фарғоний Абу Бакр ибн Абу-л-Ҳасан ибн Абу Бакр ал-Марғиноний (551/1156, ? – 616/1220, Бухоро)

Фақиҳ ва ровий

Абдуллоҳ ибн Али ал-Марғиноний марғилонлик йирик фақиҳ, Самарқандда истиқомат қилиб, имом-хатиблик вазифасида бўлган. Бағдодга 600/1204 й.да ҳаж сафаридан қайтиб кириб келган. У ерда Абу Аҳмад Амин, Абу Муҳаммад ибн Ахзар, Абу-л-Қосим ибн Ҳасин ва Абу Ғолиб ибн Банно, Абу Бакр ал-Ансорий ва б.лардан ҳадис эшитиб, ўз қўли б-н ёзиб бориш б-н бир қаторда, мовароуннаҳрлик уламолардан олиб келган қирққа яқин ҳадисларни ривоят қилган.

А.и.А.ал-М. ўз *мазҳаб*ининг йирик имоми, *жадал, хилоф* ва ҳадис илмлари, тилшунослик, наср ва назм бобида тенги йўқ билимдон олим бўлган. Манбалар А.и.А.ал-М.ни хушсуратли, гўзал ахлоқли, тақводор ва тавозели инсон бўлганлиги ҳақида хабар беради. Ислом илмлари қаторида назм ва насрда ҳам сермаҳсул ижодкор бўлган. Шунга қарамай, илмий мероси ҳали аниқланиб тадқиқ қилинмаган. Бухорода тутқунда шаҳид бўлган.

Ад.: О.А. Қориев. *Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний.* – Т.: «Фан», 2009. 61; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 222.

Одил Қориев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛҚАМА
عبد الله بن علقمة

(қ. АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ АВФО)

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-АРҚАМ
عبد الله بن الأرقم

Абдуллоҳ ибн ал-Арқам ибн Абдуяғус ибн Ваҳб ибн Абдуманоф ибн Зуҳра ал-Қураший (? – тахм. 644–656, Мадина)

Саҳоба

Пайғамбар (с.а.в.)га она томондан қариндош бўлган Абдуллоҳ ибн ал-Арқам (р.а.) *Макка фатҳи* асносида Исломни қабул қилган ва ваҳий котиблари орасидан ўрин олган. Хусусан, ҳукмдорлардан келган мактубларни ўқиш, сақлаш, жавоб ёзишда Пайғамбар (с.а.в.)га ёрдамчи бўлган ва Ул Зотнинг ишончларини қозонган. Шу боис А.и.ал-А. ёзган жавоб хатларини Пайғамбар (с.а.в.) қайта ўқитмасдан муҳр босганлари ривоят қилинади. Чунончи, бу самимият ва садоқатининг мукофоти тариқасида Пайғамбар (с.а.в.) унга *Хайбар* ўлжаларидан эллик *васқ* (ўлчов бирлиги) берганлар. А.и.ал-А. Абу Бакр (р.а.) халифалиги даврида ҳам дипломатик алоқаларни юритиш лавозимида ишлаган. Умар (р.а.) халифалигида *Байтулмол*га раҳбар этиб тайинланган. Халифа Умар (р.а.) А.и.ал-А. нинг қобилияти ва ростгўйлигига тан бергани, ҳатто унингдек Аллоҳдан қўрқадиган бошқа кишини кўрмаганини айтган. Усмон (р.а.) даврида ҳам қисқа муддат мазкур лавозимда ишлаган. Кейинроқ ўз ихтиёри б-н ушбу лавозимдан бўшаган. Қилган хизматлари эвазига халифа Усмон (р.а.) 30000 дирҳам пул таклиф қилганида у бу ишни Аллоҳ розилиги учун қилганини айтиб, пулларни олмаган. Ҳаётининг сўнгги йилларида кўзларидан айрилган А.и.ал-А., Усмон (р.а.) халифалиги даврида вафот этган.

А.и.ал-А. Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса, Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд, Язид ибн Қатода ва Урвалар ҳадис ривоят қилганлар. Унинг битта ҳадиси Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*ида (III, 483, IV, 35) келтирилган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. II, 721; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 172–174; Аз-Заҳабий. *Сийар*. II, 482–483; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. II, 273; M. Asım Köksal. *İslam Tarihi*. – İstanbul: 1981. I, 184–185; Мустафо ал-Аъзамий. *Куттāб ан-набӣ*. – Риёз: 1981. 76–78; İsmail L. Çakan. «*Abdullah b. Erkam*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 102.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН АСЪАД
عبد الله بن أسعد

(қ. ал-ЁФИЪИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН АТИЙЯ
عبد الله بن عطية

(қ. ИБН АТИЙЯ ад-ДИМАШҚИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН АТИЙҚ
عبد الله بن عتيق

Абдуллоҳ ибн Атийқ ибн Қайс ал-Хазражий ал-Ансорий (? – 12/633, Шом)

Саҳоба

Абдуллоҳ ибн Атийқ (р.а.) Мадинанинг *Хазраж қабиласи*дан бўлгани учун унга ал-Ансорий деб нисбат берилган. Манбаларда А.и.А.нинг таваллуд санаси ва қаерда туғилгани ҳақида маълумотлар учрамайди. *Уҳуд жанги*дан бошлаб барча жангларда иштирок этган. *Бадр*да иштирок этгани ҳақида, шунингдек, вафот этган жанги хусусида ҳам ихтилофлар бор. Тарихчи ал-Бағавий уни Абу Бакр (р.а.) халифалиги даврида, Мусайлама Каззобга қарши бўлиб ўтган *Ямома жанги*да шаҳид бўлганини зикр қилган.

Манбаларда «Абдуллоҳ ибн Атийқ сарийяси» деб номланган ва турли тарзда ривоят қилинган ҳаракатнинг бошлиғи сифатида танилган. Бу сарийя *мушрик*ларнинг Пайғамбар (с.а.в.)га қарши ҳар

қандай ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи яҳудий зодагонларидан Абу Рофеъ ибн Абу-л-Ҳуқайқни ўлдиришни мақсад қилган. *Хайбар* теварагида ўзига қарашли мустаҳкам бинода яшаган бу бой яҳудий Исломга қарши ҳаракатларни уюштиришда бардавом бўлгани учун Пайғамбар (с.а.в.) томонидан *ҳижрат*нинг олтинчи йили рамазон ойида А.и.А. бошчилигидаги ансорлардан ташкил топган тўрт кишилик гуруҳга уни маҳв этиш вазифаси топширилган. А.и.А. шериклари б-н Абу Рофеънинг уйига кириб, уни ўша ерда бартараф қилганлар. Ҳадисларда қайд этилишича, қайтишда А.и.А.нинг оёғига шикаст етади. Шериклари уни Пайғамбар (с.а.в.)нинг олдиларига олиб келишганда Ул Зот минбарда хутба қилаётган эдилар. Расулуллуҳ (с.а.в.) А.и.А. ва шерикларини кўриб, «Булар ютуққа эришдилар», деб марҳамат қилганлар.

А.и.А.дан фақат биттагина ҳадис ривоят қилинган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ.* – Лондон: 1965-66. I, 391–393; III, 988; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. II, 91–92, 164; İsmail L. Çakan. «*Abdullah b. Atîk*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 86; *101 улуғ саҳобий.* – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 81–83; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/23040.

Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН АҲМАД ИБН ҲАНБАЛ

عبد الله بن أحمد بن حنبل

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал аш-Шайбоний (213/828 – Бағдод – 290/903)

Муҳаддис, фақиҳ

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг кичик ўғли Абдуллоҳ ёшлигидан ҳадис ўрганишга бўлган қизиқиши сабабли аввал отаси, сўнг бошқа кўпгина *муҳаддис*лардан дарс олган. Унинг устозлари орасида отасининг яқин дўстлари ҳамда ўз даврининг етук *муҳаддис*ларидан бўлган Яҳё ибн Маъйин, ака-ука Абу Бакр ва Усмон ибн Шайбалар, Абу Хайсама Зуҳайр ибн Ҳарб, Суфён ибн Вакийъ ибн Жарроҳлар бор эди. Аҳмад ибн Ҳанбал машҳур *«Муснад»* асарини аввал ўғли Абдуллоҳ учун махсус ўқиб берган. А.и.А.и.Ҳ. *«Муснад»*да «отам айтади» деб нақл қилган ҳар бир ҳадисни отасидан камида икки-уч марта эшитганини келтиради. Бундан ташқари, у бошқалардан сўрай олмаган баъзи масалаларни отасидан сўраб ўрганган ва унда *«Зуҳд»* номли асарини, *«Ан-Нāсих ва-л-мансӯх»*, *«Ат-Тарӣх»*, *«Ҳадӣс Шуъба»*, *«Жавāбāт ал-Қуръāн»* ва *«Ал-Манāсик»* каби китобларни ўқиган. А.и.А.и.Ҳ.дан Абу-л-Қосим ал-Бағавий, ал-Маҳомилий, Абу Али ас-Саввоф ва Абу Бакр ал-Қатиъий каби *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Ан-Насоий ва ад-Дорақутний каби ўта диққатли икки ҳадис мунаққиди А.и.А.и.Ҳ.нинг *сиқа* эканига гувоҳлик берганлар.

Отасининг баъзи *фиқҳий* қарашларини ҳам ривоят қилиш б-н бирга А.и.А.и.Ҳ., асосан, ҳадис б-н машғул бўлган ва унинг ҳадис танқиди ҳамда *илал*га оид илмдаги устунлигини барча эътироф этган. Ўттиз мингта ҳадисни ўз ичига олган *«Муснад»* асари Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳаётлик даврида ўзи томонидан тартиб ва тасниф қилинмагани учун бу муҳим вазифани А.и.А.и.Ҳ. ўз зиммасига олади ва тарқоқ ҳолдаги *«Муснад»* ҳадисларини тартиблайди. Аммо баъзи тартибдаги хатоликлар сабаб мадиналикларнинг ривоятлари шомликларникига, шомликларники мадиналикларникига аралашиб кетган бўлса-да, асардаги бу каби хатоликлар кейинги давр ҳадис ҳофизлари томонидан тузатилган. *«Муснад»*ни тартиблаш вақтида А.и.А.и.Ҳ. асарга баъзи ривоятларни қўшган. *«Завāид Абдуллāҳ»* деб номланган бу иловалар унинг отасидан бошқа устозларидан эшитган ҳадислар б-н отасидан эшитмаган ҳолда унга ўқиб берган ҳадисларидан иборат бўлган. *«Муснад»*да «ҳаддасана Абдуллоҳ, ҳаддасани Аби» ибораси б-н ривоят

қилинган ҳадислар Аҳмад ибн Ҳанбал йиққан ҳадислардир. «Аби» калимаси ишлатилмасдан «ҳаддасана Абдуллоҳ» шаклидаги ривоятлар эса, А.и.А.и.Ҳ.нинг *завоид*ларидан ҳисобланади.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *фиқҳ, ақоид* ва ахлоққа доир қарашларини талабалари орасидан энг яхши жамлаган ҳам А.и.А.и.Ҳ.дир. *«Муснад»*дан танлаб олиб ёзган *«Сулāсиййāт»*, отасидан ривоят қилган *«Фазāил Усмāн ибн Аффāн»*, *«Китāб ас-сунна»* ва *«Муснад ал-ансāр»* асарлари бугунгача етиб келган.

А.и.А.и.Ҳ. етмиш етти ёшида вафот этган ва ўзининг васиятига кўра, *Боб ат-тийн қабристони*га дафн қилинган.

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарйх Бағдāд*. – Қоҳира: 1931. IX, 375–376: Ибн Абу Яъло. *Табақāт ал-ҳанāбила*. – Қоҳира: 1952. I, 180–188; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1955–58. II, 665–666; ўша муал. *Сийар*. XIII, 516–526; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. V, 142–143; Абдулазиз ад-Деҳлавий. *Бўстон ул-муҳаддисийн*. – Анқара:. 1986. 69; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, I, 310; Sezgin. *GAS*. I, 506–508; Muhammad Zubayr Sıddîqî. *Hadith Literature*. – Calcutta: 1961. 82–85; ас-Соъотий. *Ал-Фатҳ ар-раббāнй*. – Байрут: 6–24; M. Ebû Zehre. *«el-Müsned». TİA*. I, 191; H. A. Juynboll. *«Ahmad Muhammad Shakir and his edition of İbn Hanbal's Musnad». Isl.*, XLIX, 221–247; Salahattin Polat. «*Abdullah b. Ahmed b. Hanbel*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 81.

Салоҳиддин Пўлат

АБДУЛЛОҲ ИБН БАРРИЙ

عبد الله بن بري

(қ. ИБН БАРРИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН БУДАЙЛ

عبد الله بن بديل

Абдуллоҳ ибн Будайл ибн Варқоъ ал-Хузоий (? – 37/658, Шом)

Саҳоба

*Хузоа қабиласи*нинг охирги раиси. Тўлиқ исми – Абдуллоҳ ибн Будайл ибн Варқоъ ибн Амр ибн Рабиъа ибн Абдулуззо ибн Рабиъа ибн Омир ибн Мозин ал-Хузоий. Отаси – Будайл ибн Варқоъ *саҳоба* бўлган.

Манбаларда унинг *Макка фатҳи*дан олдин ёки *фатҳ* асносида отаси б-н бирга мусулмон бўлгани, баъзи ривоятларда қардоши Абдурраҳмон б-н бирга Исломни қабул қилгани ҳақидаги маълумотлар учрайди. *Ҳунайн*, *Тоиф* ва *Табук ғазотлари*да қатнашган. *Сиффийн жанги*да Али (к.в.) томонида туриб, у ва қардоши Абдурраҳмон Али (к.в.) нинг энг яқин аъёнларидан бўлган. Мазкур жангда ўнг қанот пиёдаларига қўмондонлик қилган ва таъсирчан нутқ б-н аскарлар руҳиятини кўтаргани манбаларда зикр қилинади. А.и.Б. (р.а.) Муовиянинг чодирига киришга ҳаракат қилганида ўлдирилган. Урушдан кейин шомликлардан ҳеч ким уни танимагач, унинг жасади олдига Муовия ва Абдуллоҳ ибн Омир келадилар. Абдуллоҳ ибн Омир ўзининг салласини унинг юзига ташлаб, унга ҳурмат ва раҳм кўрсатади. Муовия: «Юзини очинг!» дейди. Юзини очишганда Муовия: «Бу қавмининг қўчқори» деб, уни А.и.Б. эканини аниқлайди ва «Хузоаликларнинг эркаклари у ёқда турсин, имконият топса аёллари ҳам биз б-н уришишдан тап тортишмайди» деб, жасурлиги ва довюраклигига тан беради.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. IV, 294; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 57; Ат-Табарий. *Тарйх*. – Қоҳира: 1960–70. V, 11, 15–16, 18, 21, 23, 24; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 296–298, 302; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. XI, 280–281; İsmail L.Çakan. *«Abdullah b. Büdeyl». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 89; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/20996; https://ru.wikipedia.org/wiki/сиффинская битва.

Тузувчи Маъмуржон Абидов

АБДУЛЛОҲ АЛ-БУСНАВИЙ

عبد الله البسنوي

(992/1584, Босния – 1054/1644, Конья)

Таниқли олим ва мутасаввиф

Таниқли олим Абдуллоҳ ал-Буснавий таълимни ўзи туғилиб ўсган юртида бошлаб, кейинчалик *тафсир*, ҳадис,

фиқҳ ва *калом* илмлари бўйича Истанбулда таҳсил олган. Сўнг ўз даврининг илм ва маданият марказларидан бўлган Бурсага бориб, у ерда Байрамийя маломатийларининг етук шайхларидан Ҳасан Кабадузга шогирд тушган. Унинг иршоди ила буюк маънавий даражага етишди. Бу даврда А.ал-Б. Шайх Абдулмажид Халватийдан ҳам таълим олган. Сўнгра 1046/1636 йилда Мисрга, ундан ўтиб *ҳаж*га борган. Илми ва *тасаввуф*ий билимлари юксак эканлиги сабабли бир томондан *тасаввуф*ий тушунчаларнинг, бошқа томондан эса маломатийликнинг араб диёрларида ёйилишига сезиларли таъсир кўрсатган.

*Ҳаж*дан қайтишида бир оз вақт Шомда тўхтаб, Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг қабри ёнида фақирона ҳаёт кечиради. Кейин Коньяга бориб у ерда яшайди ва ўша ерда вафот этади. У Садруддин Кунявий ёнига дафн этилган. А.ал-Б.нинг *тасаввуфий* дунёқараши *«Фусўс ал-ҳикам»* асари ғоялари таъсирида шаклланган. А.ал-Б. мазкур асарни таржима қилган ва унга батафсил шарҳ ёзган. Унинг бу асари 1252/1836 й.да ҳамда 1290/1873 й.да Истанбулда икки жилдда нашр этилган. Котиб Чалабий етакчилигидаги бир нечта олимлар бу асар шарҳига юқори баҳо берганлар. *«Тажаллийат ъарāис ан-нусўс фи манассāт ҳикам ал-фусўс»* номи б-н машҳур бўлган бу асар *«ваҳдат ал-вужуд»* тушунчасининг туб маъноларини тушунтиради. Асар ўн икки бобдан иборат бўлиб, мавзуларининг асосийлари қуйидагилар: хатми валоят, ғайби мутлақ, аъёни собита, ҳазароти хамс, нубувват, валоят, илми зоҳир, илми ботин, муҳаббат, ҳақиқати Муҳаммадийя, *муршиди* комил. Асар Ислом ўлкаларида *«Шарҳ ал-фусўс»* номи б-н ҳам шуҳрат қозонган.

А.ал-Б. Ислом илмлари б-н бир қаторда шеърият б-н ҳам шуғулланган.

Ас: *«Мавāқиб ал-фуқаҳā»*, *«Ҳақīқа ал-йақīн»*, *«Рисāла ҳазīра ал-ғайб»*, *«Рисāла фī тафсīр «Нўн ва-л-қалам»* ва б.

Ад.: Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* II, 1263; Abdülbâki Gölpınarlı. *Melâmîlik ve Melâmîler.* – İstanbul: 1931. 79; S. Nüzhet Ergun. *Türk Şairleri.* – İstanbul: 1936. II, 864–867; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, II. 793; Аз-Зириклий. *Ал-Аълām.* – Қоҳира: 1954–59. IV, 236. Mustafa Kara. «*Abdullah Bosnevî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 87.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУЛЛОҲ АЛ-БУХОРИЙ

عبد الله البخاري

Абдуллоҳ ибн Масъуд
ибн Маҳмуд ал-Бухорий
ал-Маҳбубий ал-Ҳанафий
(747/1346 й.да ҳаёт бўлган)
Фақиҳ

«Садр аш-шариъа ал-асғар», яъни «Кенжа Садр аш-шариъа» номи б-н танилган Абдуллоҳ ал-Бухорий *ҳанафий фақиҳи* ва *усул*шунос олим бўлган.

Ас.: *«Танқīҳ ал-усўл»* («Усулларни иллатлардан тозалаш»), *«Таъдīл ал-ъулўм фī аҳкāм ъулўм ал-фиққийа»* (фиққий илмларга оид «Илмларга тузатишлар киритиш»).

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* II, 296; *Ўрта Осиё олимлари қомуси.* – Т.: «Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази», 2007. 55.

АБДУЛЛОҲ ИБН ВАҲБ АЛ-МИСРИЙ

عبد الله بن وهب المصري

(қ. ИБН ВАҲБ)

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-ЖАДД

عبد الله بن الجد

Абдуллоҳ ибн ал-Жадд
ибн Қайс ал-Ансорий
Саҳоба

Манбаларда Абдуллоҳ ибн ал-Жадд (р.а.) ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. *Бадр* ва *Уҳуд* жангларига қатнашганлиги зикр қилинган, аммо ўлими тарихи ҳақида маълумот берилмаган. *Хазраж қабиласи*нинг *Бани Салима* уру-

ғига мансуб бўлган А.и.ал-Жадд (р.а.) Муоз ибн Жабалнинг она бир укаси. Онасининг исми – Ҳинд бинт Саҳл. Отаси – Жадд ибн Қайс *жоҳилият* даврида *Бани Салима қабиласи*нинг раиси бўлган. А.и.ал-Жадднинг отаси Пайғамбар (с.а.в.) б-н кўплаб *ғазот*ларда қатнашган бўлса-да, мунофиқлардан деб саналган. *Ҳудайбия сулҳи*да бўлиб, *Ризвон* байъатида иштирок этмаган. *Табук ғазоти*да иштирок этишни истамаган. Отасининг бу ҳолатидан хафа бўлган А.и.ал-Ж. унинг зарарига Қуръон оятлари нозил бўлиши мумкинлигини айтган. Ҳақиқатда, кейинчалик *ғазот*да қатнашмаган *мунофиқ*лар ҳақида оят нозил бўлган (қ. *«Тавба» сураси.* 49-оят). Усмон (р.а.) давригача яшаган Жадд ибн Қайснинг кейинчалик тавба қилиб ҳақиқий мусулмон бўлганига доир ривоятлар ҳам бор.

Ад.: *Қуръони карим. «Тавба» сураси.* 49-оят; Ал-Воқидий. *Ал-Мағозий.* – Лондон: 1965–66. I, 169; Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1955. II, 697; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубро.* – Байрут: 1968. III, 571, 583; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Leiden: 1879–1901. I, 1544, 1545, 1693–1694; ўша муал. *Жамиъ ал-байан.* «Булақ», 1323–29. X, 104, 129; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1970–73. I, 327; Mustafa Fayda. *«Abdullah b. Ced». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 90; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 674.

Тузувчи Маъмуржон Абидов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЖАЪФАР ИБН АБУ ТОЛИБ

عبد الله بن جعفر بن أبي طالب

Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб
(?, Ҳабашистон – 80/699-700, Мадина)
Саҳоба

Куняси Абу Жаъфар ва Абу Муҳаммаддир. Ҳабашистон ерида Исломда таваллуд топган илк чақалоқ ҳисобланади. Али (к.в.)нинг жияни бўлган. Отаси Жаъфар (р.а.) Ҳабашистонга *ҳижрат* қилган *саҳоба*лардан. Онаси кейинчалик Абу Бакр (р.а.)га, ундан кейин Али (к.в.)га турмушга чиққан Асмо бинт Умайс ал-Хасъамия. Оиласи б-н бирга Ҳабашистондан Мадинага қайтган. Етти ёшлигида Пайғамбар (с.а.в.)га *байъат* қилади. Отаси *Муъта жанги*да шаҳид бўлгач, унга Пайғамбар (с.а.в.) алоҳида ғамхўрлик қиладилар. А.и.Ж.и.А.Т. *ҳошимий*лардан Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган ва суҳбатлашганларнинг сўнггисидир. Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида ўн яшар ўспирин *саҳоба* бўлган А.и.Ж.и.А.Т. сахийлиги б-н машҳур бўлган. Шу боис «баҳр ал-жуд» (сахийлик денгизи) ва «қутб ас-сахо» (саховат қутби) номлари б-н ёдга олинади.

А.и.Ж.и.А.Т. номи, хусусан, Али (к.в.) нинг халифалиги ва ундан кейинги даврларда ҳам тез-тез тилга олинган бўлса-да, у сиёсий соҳада муҳим роль ўйнамаган. Миср волийси Қайс ибн Саъдни лавозимидан бўшатиб, ўрнига она бир укаси Муҳаммад ибн Абу Бакрни қўйишни амакиси Али (к.в.)га тавсия қилган. *Жамал воқеаси*да иштирок этган. *Сиффийн*да *Қурайш*, *Асад* ва *Кинона қабилалари*га бошчилик қилади. Али (к.в.)ни шаҳид қилган Ибн Мулжам хусусидаги қасос ҳукмини А.и.Ж.и.А.Т.нинг шахсан ўзи амалга оширади. *Карбало ҳодисаси*дан олдин Ҳусайн (р.а.)га куфаликларнинг таклифларини қабул қилмасликни тавсия этган бўлса-да, фойдаси бўлмайди. Ҳусайн (р.а.) ва унинг икки ўғли ҳам Карбалода шаҳид бўладилар.

А.и.Ж.и.А.Т тўғридан-тўғри Расулуллоҳ (с.а.в.)дан, шунингдек, онаси Асмо ва амакиси Али (к.в.), Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.), Усмон ибн Аффон (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Бу ҳадисларнинг йигирма учтаси Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*идан жой олган. А.и.Ж.и.А.Т. нинг ўзидан эса, ўғиллари Исмоил, Исҳоқ ва *тобеъин*ларнинг пешволаридан Қосим ибн Муҳаммад, Урва ибн Зубайр ва аш-Шаъбийлар ҳадис ривоят қилганлар.

Манбаларда А.и.Ж.и.А.Т.нинг вафот санаси бир неча – ҳиж. 84, 85, 86 ва 90 й.лар кўрсатилган бўлиб, рожиҳ ривоят-

га кўра, у 80/699–700 й. вафот этган ва *Бақиъ қабристони*га дафн этилган.

Ад.: Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1969–70. IV, 553–555; V, 215–216, 387–388, 419–466; VII, 563; VIII, 110, 160; Ал-Масъудий. *Мурўж аз-заҳаб.* – Қоҳира: 1964–65. II, 370, 426; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил.* – Лейден: 1851–76. III, 271–272, 521; IV, 13, 40, 89, 456; ўша муал. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 198–200; Аз-Заҳабий. *Сийар.* III, 456–462; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба.* – Қоҳира: 1970–72. IV, 40–43; Ethem Ruhi Fiğlali. «*Abdullah b. Ca'fer b. Ebû Tâlib*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 89. Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. *Ас-Сийра ан-набавиййа.* – Т.: «Шарқ», 2011. II (4), 230, 237; *101 улуғ саҳобий* (муаллифлар гуруҳи). – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 201.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЖАҲШ

عبد الله بن جحش

Абдуллоҳ ибн Жаҳш ибн Риоб
ибн Яъмар ибн Сабра
ибн Мурра ибн Кабир ибн Ғанм
(тахм. 585, ? – 3/624, Мадина /
Уҳуд жанги)
Саҳоба

Пайғамбар (с.а.в.) аммаларининг ўғли ва уммаҳот ул-муъминийнлардан Зайнаб бинт Жаҳш (р.а.)нинг акаси.

Ислом тарихидаги биринчи сарийя қўмондони бўлган Абдуллоҳ ибн Жаҳш (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) *Дор ал-Арқам*да беркинишларидан олдин икки укаси б-н бирга мусулмон бўлган. Ҳабашистонга икки марта *ҳижрат* қилган, қайтишда Маккада бир оз қолиб, кейин оиласи б-н Мадинага *ҳижрат* қилади. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Осим ибн Собит б-н биродар қилганлар.

*Ҳижрат*нинг ўн еттинчи ойида Пайғамбар (с.а.в.) Нахлага сарийя юборадилар ва унга бошлиқ этиб А.и.Ж.ни тайинлайдилар. Сафардан олдин унга икки кундан сўнг ўқишини айтиб мактуб берадилар. Мазкур хатда Нахлага борганларидан кейин *қурайш*ликларни кузатиш ва улар ҳақида маълумот тўплаб, Мадинага юборишлари тайинланган эди. Сарийя Нахлага бориб маккаликлар карвонига дуч келади. Мусулмонлар карвонни қўлга киритишни аҳд қилишиб, ораларидан бири, яъни Воқид ибн Абдуллоҳ ат-Таймий карвонбоши Амр ибн Ҳазрамийни ўлдиради. Шунингдек, Усмон ибн Абдуллоҳ ва Ҳакам ибн Кайсон исмли икки кишини асир, карвонни эса ўлжа сифатида қўлга киритиб, Мадинага қайтадилар. Бироқ Расулуллоҳ (с.а.в.) бу ишдан ранжийдилар ва узоқ вақт сарийя иштирокчиларини ўзларидан четлатиб юрадилар. Чунки уларга уришиш буюрилмаган. Мазкур ҳолат ҳаром ойлардан саналган ражаб ойида юз бергани учун *мушрик*лар Муҳаммад ҳаром ойда жанг қилишни ҳалол ҳисоблади ва ўлжа олди, деб атрофга овоза қилишади. Расулуллоҳ (с.а.в.) А.и.Ж.га бундай буйруқ бермаганлари сабабли улардан ўзларига ажратилган ўлжа ҳиссасини ҳам олмайдилар. Бироқ инсонларни Аллоҳ йўлидан қайтариш, ўжарлик қилиб куфрда қатъий туриб олиш, *Масжид ал-Ҳаром*нинг зиёратига тўсқинлик қилиш ва мусулмонларни у ердан чиқариш ҳаром қилинган ойда жанг қилишдан кўра улканроқ гуноҳ эканини билдирувчи оят (қ. *Бақара сураси*, 217-оят) нозил бўлгач, А.и.Ж. бошчилигидаги сарийя аъзоларининг ҳақлиги маълум бўлади.

Ўлжалар тақсимотига оид мазкур оят нозил бўлишидан аввал А.и.Ж. ўлжанинг бешдан бир қисмини Пайғамбар (с.а.в.) га ажратиб, қолганини шериклари ўртасида тақсим қилади. Кейинчалик нозил бўлган оят (қ. *Анфол сураси*, 41-оят) ҳам шундай ҳукм чиқарган. Бу воқеани Ибн Исҳоқ: «Аллоҳ таоло ўлжани ҳалол қилиб, бешга тақсимлади ва 4/5 қисми уни қўлга киритганларга, 1/5 қисми Аллоҳ ва Расулига берилди. Бу тақсимот А.и.Ж. тақсимлаганига мос тушди» деб хабар қилади. Ислом тарихида Пайғамбар (с.а.в.)га ўлжанинг 1/5 қисми берилиши ҳамда илк бор душман қони тўкилган, асир ва ўлжалар олинган бу сарийя *Батни Нахла сафари* деб ҳам аталади.



Араб жангчилари. 7-а.

А.и.Ж. Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н *Бадр* ва *Уҳуд жангларида* иштирок этган. Хабарларда келтирилишича, *Уҳуд жанги* пайтида А.и.Ж.нинг қиличи синиб қолади. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) унга хурмо шохини тутқазадилар. Мазкур жангда мардларча жанг қилиб, шаввол ойининг еттинчи санаси шанба куни қирқ ёшида Абу-л-Ҳакам ибн Ахнас ибн Шариқ Сақафий исмли *мушрик* қўлида шаҳид бўлади. Душман аскарлари томонидан бурун ва қулоқлари кесилган жасади тоғаси ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг амакилари Ҳамзанинг жасади б-н битта қабрга қўйилади. Ҳозирда унинг қабри Уҳуддаги «Жабал ар-румот» («Камончилар тоғи») тепалиги ёнида жойлашган. А.и.Ж.дан ривоят қилинган иккита ҳадисни Аҳмад ибн Ҳанбал «*Муснад*»ида келтирган.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сйра.* – Қоҳира: 1955. I, 257, 324; II, 470, 601–605, 679; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. III, 89–91; Ибн Абдулбар. *Ал-Истйъāб.* – Қоҳира: 1328. II, 272–275; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 194; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 286–287; İsmail L. Çakan. *«Abdullah b. Cahş». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 89-90; W. Montgomery Watt. *«ʿAbd Allāh b. Djahsh». EI²* (İng.). I, 44; Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. *Ас-Сийра ан-Набавиййа.* – Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти», 2011. I (2), 479–484; II (3), 67; *101 улуғ саҳобий.* – Т.: «Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2018. 83–86.

Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЖУБАЙР

عبد الله بن جبير

Абдуллоҳ ибн Жубайр ибн Нўъмон ибн Умайя ибн Имруъ ал-Қайс ибн Саълаба ал-Авсий ал-Ансорий (? – 3/624, Мадина/Уҳуд)

Саҳоба

Куняси – Абу Мунзир. *Авс қабиласи*дан бўлиб, Хаввот ибн Жубайрнинг туғишган биродари. Бутларни ёмон кўрар, кечалари Саҳл ибн Ҳунайф б-н бирга *мушрик*ларнинг ёғочдан ясалган бутларини синдириб, ёқиш учун *саҳоба*ларга келтирар эди. Абдуллоҳ ибн Жубайр (р.а.) довюрак ва жуда моҳир мерган бўлган. Биринчи *Ақаба байъати*дан кейин мусулмон бўлган. Иккинчи *Ақаба байъати* учун Маккага келган. *Байъат*дан олдин Пайғамбар (с.а.в.) б-н учрашиш учун бир нечта ҳамроҳлари б-н Ул Зот истиқомат қилаётган амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)нинг уйига боради. Аббос Пайғамбар (с.а.в.)нинг мадиналиклар б-н бўладиган учрашувини *қурайш*ликлардан сир сақлаш учун уларга Ақабада кўришишларини айтади. А.и.Ж. бошқа ансорлар қатори Ақабада Пайғамбар (с.а.в.)га *байъат* беради.

А.и.Ж. *Бадр* ва *Уҳуд ғазотлари*да қатнашган. *Уҳуд ғазоти*да Пайғамбар (с.а.в.) Ислом қўшинларига орқадан ҳужум қилинишининг олдини олиш учун чап томондаги Айнайн тепалигига А.и.Ж.ни қўмондон этиб, элликта камончиларни жойлаштирадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) А.и.Ж.га: «Сизлар бизнинг орқа томонимизни муҳофаза этасизлар. Душман ғалаба қозондими, мағлуб бўлдими, мендан хабар келмагунча жойларингиздан жилманглар. Енгилаётганимизни кўрсаларингиз ҳам, ёрдам берамиз деб ўринларингизни ташлаб кетманглар. Фақат душман отларига қарата ўқ отинглар!», деб турган жойларидан қўзғалмасликни буюрадилар. Жангда мусулмонларнинг ғолиб келаётганини кўрган камончиларнинг

аксарияти *мушрик*лар батамом енгилиб бўлишди деб ҳамда ўлжадан маҳрум қолмаслик учун жойларини ташлаб кетадилар ва *Уҳуд* томонни очиқ қолдирадилар. А.и.Ж. уларга Пайғамбар (с.а.в.)нинг буйруқларини эслатса ҳам қаршилик кўрсата олмайди. Ёнида бирга қолган ўнта камончилар б-н орқадан ҳужум қилган Холид ибн Валид бошчилигидаги отлиқларга қаршилик қилади. А.и.Ж. камон ўқлари тугагач найза б-н, найза ҳам сингач қиличи б-н жанг қилади. Натижада, Икрима ибн Абу Жаҳл ва шериклари томонидан шаҳид этилади. *Мушрик*лар А.и.Ж.ни ўлдириш б-н кифояланиб қолмай, тана аъзоларини бўлакларга бўлиб ташлаганлари ҳақида маълумотлар бор.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1375/1955. I, 465, 689; II, 65, 113, 123; Ибн Саъд. *Ат-Табақӑт ал-кубрӑ.* – Байрут: 1388/1968. II, 39–40, 41, 42, 47; III, 53, 475–476; IV, 7; VIII, 31; Ал-Балозурий. *Ансӑб ал-ашрӑф.* – Қоҳира: 1959. 241, 265, 317, 319, 330; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Cübeyr*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 93; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ҳадис ва ҳаёт. Оламларга раҳмат пайғамбар. Нубувват ва рисолат.* – Т.: «Шарқ», 2006. XIX, 278–281.

Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЖУДЪОН

عبد الله بن جدعان

Абу Зубайр Абдуллоҳ ибн Жудъон ибн Амр ал-Қураший (? – 600, ?)

Жоҳилият даврида мазлумларни ҳимоя қилган, бойлиги ва сахийлиги б-н танилган *қурайш*лик. *Тайм ибн Мурра қабиласи*га мансуб бўлиб, Абу Бакр (р.а.) отасининг амакиваччаси. Отаси – Жудъон ибн Амр, онаси – Зайнаб бинт ал-Валид ибн Мусъаб. Абдуллоҳ ибн Жудъон ёшлигида жуда бебош бўлган. Кўп жиноятлар қилганлиги боис отаси ва қабиласини доимо *дия* тўлаш мажбуриятида қолдирган. Охир-оқибат қабиласи б-н отаси биргаликда А.и.Ж.дан воз кечиб, ортиқ уни ҳимоя қилмасликлари, *дия* қарзларини ҳам тўламасликларини эълон қилишган. Кейинчалик А.и.Ж. карвонлар б-н тижорат қилишни бошлаган. Асир ва қуллар тижорати б-н ҳам шуғулланиб, катта бойликка эга бўлган. *Фижор уруши*да ўз ҳисобидан юз аскарни қуроллантириш б-н бирга *Қурайш қабиласи*га қўмондонлик қилган. Ёши улуғлашган сари сахийлиги ортиб, кўплаб қул ва жорияларни озод қилган ҳамда уларга ёрдам берган. Машҳур *саҳоба* Суҳайб ар-Румий ҳам унинг қулларидан бўлган.

А.и.Ж.ни *жоҳилият* даврида буюк шуҳратга етиштирган воқеа «*Ҳилф ал-фузӯл*» («Ёрдам берувчилар шартномаси») шартномасидир. Пайғамбар (с.а.в.) ҳам иштирок этган, А.и.Ж. ва Зубайр ибн Абдулмутталиблар имзолаган бу шартнома аъзолари зулмга учраганларнинг ҳақлари золимлардан олинмагунича улар б-н курашишга қасам ичганлар. «*Ҳилф ал-фузӯл*» ёрдамида катта эътибор қозонган А.и.Ж. фақат маккаликларни эмас, балки Арабистон яриморолига *ҳаж*, *умра* ёки тижорат мақсади б-н келган мусофирларни ҳам ҳимоясига олар, уларнинг қурол ва ашёларини муҳофаза қилар эди. Яна унинг меҳмондўстлиги, ўзгаларга бўлган иззат-икроми ҳамда ҳадя тарқатиш каби юксак хислатлари Умайя ибн Абу-с-Салт бошчилигидаги шоирларнинг қасидаларига мавзу бўлган. Мазкур ҳолат А.и.Ж.нинг маккаликлар орасида ҳам эътибор қозонишига сабаб бўлган. Ойша (р.а.) унинг ушбу хислатлари туфайли охиратда фойда кўриши ёки кўрмаслиги ҳақида сўраганида, Пайғамбар (с.а.в.): «Йўқ, чунки у бирор марта ҳам «Раббим, *қиёмат* куни гуноҳларимни мағфират қил!» демаган», деб жавоб берганлар.

А.и.Ж.нинг нубувватдан 10 йил аввал вафот этгани тахмин қилинади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* – Қоҳира: 1955. I, 134; Ибн Саъд. *Ат-Табақӑт ал-кубрӑ.* – Байрут: 1968. I, 127, 219; III, 226; Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш.* – Қоҳира: 1961. 291–293; Ибн Қутайба. *Ал-Маъӑриф.* – Қоҳира: 1960. 175, 475, 576, 583, 604; Ал-Балозурий. *Футӯҳ ал-булдӑн.* – Қоҳира: 1956–60. I, 58; ўша муал. *Ансӑб ал-ашрӑф.* – Қоҳира: 1959. I, 102;

Ал-Масъудий. *Мурўж аз-заҳаб.* – Байрут: 1964–65. II, 286–287; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: 1968. II, 77; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа.* – Қоҳира: 1932–39. II, 217–218; Жавод Али. *Ал-Муфассал фӣ тарӣх ал-ъараб қабла-л-ислāм.* – Байрут: 1968–72. IV, 94–103; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Cüd'ān*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 93–94.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЗАЙД АЛ-ЖАРМИЙ

عبد الله بن زيد الجرمى

(қ. АБУ ҚИЛОБА ал-ЖАРМИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН ЗАЙД ИБН ОСИМ

عبد الله بن زيد بن عاصم

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ
ибн Зайд ибн Осим ал-Ансорий
(? – 63/683, Мадина)

Саҳоба

Машҳур аёл *саҳоба* Умму Умора (р.а.) нинг икки ўғлидан бири бўлгани учун ҳам Ибн Умму Умора номи б-н машҳур бўлган. *Уҳуд жанги*да Пайғамбар (с.а.в.) ни яқинларида туриб ҳимоя қилгани сабабли Ул Зотнинг ҳурматларига сазовор бўлган. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим (р.а.) ва оиласи *Уҳуд жанги*да кўрсатган қаҳрамонликлари учун Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳдан уларни жаннатда ўзларига қўшни қилишини сўраб дуо қилганлар.

Пайғамбар (с.а.в.) А.и.З.и.О.нинг уйига меҳмон бўлиб келганларида, таҳорат олиб *намоз* ўқиганлар. А.и.З.и.О. Пайғамбар (с.а.в.)нинг қандай таҳорат олаётганларини яқиндан кузатиб, буни ривоят қилгани б-н ҳам машҳурдир. Пайғамбар (с.а.в.)нинг таҳорат қилаётганларида қулоқларини *масҳ* қилганлари мазкур ривоятдан олинган. *Саҳиҳайн*да А.и.З.и.О. дан қирқ саккизта ҳадис ривоят қилинган. Ундан укасининг ўғли Аббод ибн Тамим, Саъид ибн Мусайяб ва Яҳё ибн Умора каби *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.З.и.О.нинг укаси Ҳабиб ибн Зайдни пайғамбарликни даъво қилган Мусайлама пайғамбарлигига ишонмагани учун ўлдирган. А.и.З.и.О. укасининг қасосини олишга онт ичиб, *Ямома жанги*да Ваҳший б-н биргаликда уни ўлдирадилар. Язид ибн Муовиянинг адолатсиз бошқарувидан безган мадиналиклар Абдуллоҳ ибн Ҳанзаланинг ёнида тўпланиб, Язидга қарши *байъат* қилганларида А.и.З.и.О. ҳам ўғиллари б-н бу курашда қатнашади, *Ҳарра жанги* (63 й., зул-ҳижжа/683 й., авг.)да ўғиллари Али ва Халлодлар б-н бирга шаҳид бўлади.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ.* – Лондон: 1965–66. I, 270–273, 341; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб.* – Қоҳира: 1328. II, 312; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 250–251; Аз-Заҳабий. *Сийар.* II, 377–378; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 312; İsmail L. Çakan. «*Abdullah b. Zeyd b. Āsim*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 143.

Тузувчи Улуғбек Сулаймонов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЗАЙД ИБН САЪЛАБА

عبد الله بن زيد بن ثعلبة

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Зайд
ибн Саълаба ал-Ансорий
(? – 32/653, Мадина)

Саҳоба

Ансорларнинг *Хазраж қабиласи*га мансуб. Бобосининг исми Саълаба эмас, балки Абдураббин ҳам бўлгани нақл қилинади. Ақабада Пайғамбар (с.а.в.)га *байъат* қилган. *Бадр, Уҳуд, Хандақ* ва б. *ғазот*ларда қатнашган. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Саълаба (р.а.) Ислом келишидан олдин, араб ёзуви кам қўлланилган вақтда, арабча ёзар эди. *Ҳижрат*нинг биринчи йилида *Масжид ан-Набавий* қурилиши тугатилганидан кейин, мусулмонларни ибодатга қандай чақириш тўғрисида музокаралар бўлади. А.и.З.и.С. *азон*ни қандай чақириш ҳақида туш кўради ва тонгда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб, тушини сўзлаб беради. Пайғамбар (с.а.в.): «Бу содиқ тушдир», деганларидан сўнг, унга *азон* сўзларини Билол (р.а.)га ўргатиш буюрилади (*Муснад.* IV, 42–43). Шу сабабли у «*Соҳибул-азон*» деган ном олган машҳур *саҳоба* ҳисобланади. Манбаларда А.и.З.и.С.дан бошқа бирорта ҳадис ривоят қилинма-

ган дейилса-да, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний унинг олти ёки еттита ҳадисини алоҳида ҳолда тўплаган. Бу ҳадисларни унинг ўғли Муҳаммад, набираси Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, Саъид ибн Мусайяб ва Абдурраҳмон ибн Абу Лайлолар ривоят қилганлар. Ривоятлари «*Кутуби ситта*»нинг тўрт «*Сунан*»идан жой олган. А.и.З.и.С. Усмон (р.а.) даврида олтмиш тўрт ёшида вафот этган. Жаноза *намози*ни Усмон (р.а.) ўқиган.



Муаззин

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағазӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 166; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрâ*. – Байрут: 1968. III, 536–537; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъаб*. – Қоҳира: 1328. II, 311–312; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 247–249; Аз-Заҳабий. *Сийар*. II, 375–377; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба*. – Қоҳира: 1328. II, 312; İsmail L. Çakan. «*Abdullah b. Zeyd b. Sa'lebe*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 144.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУЛЛОҲ ИБН ЗАКВОН

عبد الله بن ذكوان

(қ. АБУ-З-ЗИНОД)

АБДУЛЛОҲ ИБН АЗ-ЗИБАЪРО

عبد الله بن الزبعرى

Абу Саъд Абдуллоҳ ибн аз-Зибаъро ибн Қайс ибн Адий ал-Қураший ас-Саҳмий

Саҳоба

*Қурайш қабиласи*нинг машҳур шоири, Макка *фатҳ* этилгандан кейин Исломни қабул қилган. *Қурайш қабиласи*нинг Саҳм уруғига мансуб. Отаси Зибаъро, онаси Отика бинт Абдуллоҳ ибн Амр. Манбаларда Абдуллоҳ ибн аз-Зибаъро (р.а.)нинг таваллуд ва вафот саналари кўрсатилмаган. *Жоҳилият* даврида *Қурайш қабиласи*нинг энг машҳур шоирларидан бўлган. *Фил воқеаси* ҳақида ёзган шеъри машҳур. Аввал бошда Пайғамбар (с.а.в.) ва мусулмонларга қарши душманлик кайфиятида бўлган. Ўзи сиғинган бутлар борасида шахсан Пайғамбар (с.а.в.) б-н баҳслашган.

*Уҳуд жанги*дан аввал *Қурайш* қўшинига ёрдам беришларини сўраб турли қабилаларга жўнатилган тўрт кишилик ҳайъат аъзолари орасида А.и.аз-З. ҳам бор эди. *Уҳуд жанги*да Абдуллоҳ ибн Саламани шаҳид қилади. Жангдан кейин *қурайш*дан ўлганларга *марсия*лар айтган. Ҳассон ибн Собитга берган жавобларидан А.и.аз-З. мусулмон бўлишидан олдин ёзган шеърлари Ислом дини ва Пайғамбар (с.а.в.)ға қарши бўлгани маълум бўлади. Бу жиҳатдан *ровий*лар унинг шеърларига жиддий қизиқмаганлар, шу сабабли уларнинг кўпчилиги бугунги кунгача етиб келмаган. Макка *фатҳ* этилгач, А.и.аз-З. ўлдирилишидан қўрқиб Ҳубайра ибн Абу Ваҳб б-н бирга Нажронга қочади. У ерда яшаган Ҳорис ибн Каъб қабиласидагиларга Пайғамбар (с.а.в.)нинг Маккани *фатҳ* этгани, Нажронга ҳам бостириб келиши ва бу катта таҳликага сабаб бўлиши мумкинлигини айтади. Натижада нажронликлар қалъаларини таъмирлаб, ичига яширинадилар. Бу пайтда Ҳассон ибн Собит Пайғамбар (с.а.в.)нинг марҳамат соҳиби эканлари ва уларни афв этишлари ҳақида шеър ёзади. Буни эшитган А.и.аз-З. Маккага Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига кетади. Асҳоблари б-н суҳбатлашиб ўтирган Пайғамбар (с.а.в.) уни кўришлари б-н «Мана Ибн аз-Зибаъро! Унинг юзида Исломнинг нури порламоқда», дейдилар. А.и.аз-З. *калимаи шаҳодат*ни айтиб

мусулмон бўлади ва Аллоҳга ҳамду сано ўқийди. Пайғамбар (с.а.в.) ва мусулмонларга қарши қилган ҳаракатларидан пушаймон эканини айтиб, афв этишларини сўрайди.

Пайғамбар (с.а.в.) ҳам уни ҳидоят этгани учун Аллоҳга ҳамду сано айтадилар ва «мусулмон бўлиш олдин қилинган гуноҳларни ювади», деб уни кечирадилар.

А.и.аз-З. Исломни қабул қилганидан кейин Пайғамбар (с.а.в.)ни мақтаб, илгари қилганларидан пушаймон эканини ифодалаб, шеърлар ёзган. Аммо, уларнинг жуда камчилиги бизгача етиб келган. Етиб келганларининг ҳам бир қисми унга тегишли эканига шубҳа бор.

Ибн Ҳишом *«Ас-Сӣра»* асарида А.и.аз-З. га нисбат берилган шеърларнинг аксариятини: «Олимлар бу шеърларнинг Ибн аз-Зибаърога тегишли эканини рад этадилар», деб ёзади. А.и.аз-З.га тегишли деб ҳисобланган шеърлар, асосан, тарих китобларида бўлиб, улар адабиёт нуқтаи назаридан эмас, балки кўпроқ тарихий ва ижтимоий воқеа-ҳодисаларни тушунтириш нуқтаи назаридан эътиборга моликдир.

Шу б-н бирга, А.и.аз-З. Исломдан олдин ҳам, мусулмон бўлгач ҳам шеър ёзгани сабабли *муҳазрамун*лардан ҳисобланган.

Италиялик шарқшунос П. Минганти (P. Minganti) А.и.аз-З.нинг тарих ва адабиёт китобларида тарқоқ ҳолдаги шеърларини тўплаб, шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола ёзган, уларни бир тўпламда нашр эттирган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 201, 302; II, 847–848; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. – Қоҳира: 1955. I, 57, 359; II, 137, 141–143, 418–420; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. I, 76; II, 141; III, 468; Ал-Балозурий. *Футӯҳ ал-булдāн*. – Қоҳира: 1956–60. 48; ўша муал. *Ансāб ал-ашрāф*. – Қоҳира: 1959. 58, 308, 362; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб*. – Қоҳира: 1328. III, 901–904; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 159–160; Sezgin. *GAS*. II, 275–276; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Ziba'rā*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 144.

Мустафо Файда

АБДУЛЛОҲ ИБН ЗУБАЙР ИБН АВВОМ

عبد الله بن الزبير بن العوام

Абу Бакр Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ибн ал-Аввом ал-Қураший (2/624, Мадина – 73/692, ?)

Саҳоба

*Қурайш қабиласи*нинг Асад ибн Абдулуззо наслига мансуб. Отаси *ашараи мубашшара*дан бўлган – Зубайр ибн Аввом (р.а.), онаси – Абу Бакр (р.а.)нинг қизи Асмодир. *Ҳижрат*нинг иккинчи йили зул-қаъда ойида (624 й., май) туғилган. Муҳожирларнинг Мадинада туғилган илк фарзанди бўлгани учун унинг туғилиши жуда катта хурсандчилик сифатида қарши олинган ҳамда исми Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан қўйилган. Ёшлигиданоқ отаси б-н бирга *Шом фатҳи*да қатнашган ва *Ярмук жанги*да иштирок этган. Амр ибн Ос *Миср фатҳи*га юборилганидан кейин, унинг ортидан жўнатилган Зубайр ибн Аввомнинг қўмондонлиги остидаги 5000 кишилик ёрдамчи қўшин орасида Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) ҳам бор эди. Мисрни *фатҳ* этишдаги бутун ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. Усмон (р.а.) даврида Миср волийси Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарҳнинг маркази Субайтила бўлган Ифриқийя минтақасига уюштирган сафарида ҳам қатнашган (647 й.). Византияга қарши исён қилиб ўз истиқлолини қозонган Ифриқийя ҳокими Григориуснинг (Gregorius) мусулмонларга нисбатан шиддатли ҳаракатига қарши чиқади ва ҳар икки тарафнинг оғир йўқотишларига сабаб бўлган жангда А.и.З.и.А.нинг Григориусни ўлдириши мусулмонларга ғалаба келтиради. Унинг бу қаҳрамонлиги Мадинада катта шов-шув бўлган. Айниқса, Куфа волийси Саъид ибн Оснинг 650 й.да Табаристон ва Журжонга қилган сафарига ҳам қўшилиб катта фойдалар келтиради. Усмон (р.а.) Абу Бакр (р.а.) томонидан *мусҳаф* ҳолига келтирилган Қуръони карим нусхаларини кўпайти-

риш учун ташкил этган тўрт кишилик ҳайъатга уни ҳам аъзо қилган. А.и.З.и.А. Усмон (р.а.)нинг уйи мисрликлар томонидан қуршаб олинганида бошқа *саҳоба*ларнинг ўғиллари б-н халифани ҳимоя қилса-да, унинг шаҳид этилишининг олдини ола олмайди. Бу фожиадан кейин содир бўлган воқеаларда унинг фаол роль ўйнагани тарихдан маълум. Али (к.в.)га қарши мухолифатнинг энг фаол аъзоларидан бири бўлади. Ойша (р.а.)нинг ёнида тўпланган Маккадаги мухолиф гуруҳ Басрага юзланиб, унинг волийсини ҳибсга олади ва шаҳарни эгаллайди. Имомат хусусида Талҳа б-н А.и.З.и.А. орасида чиқиши мумкин бўлган ихтилоф, А.и.З.и.А.нинг Ойша (р.а.) томонидан имом қилиб тайинланиши б-н ҳал этилган. *Жамал воқеаси*да пиёда аскарларга қўмондонлик қилади ва холаси Ойша (р.а.)нинг туяси олдида қаҳрамонларча жанг қилади. Али (к.в.)нинг ғолиб келиши асносида Ойша (р.а.) б-н биргаликда Мадинага қайтишга мажбур бўлади. Амр ибн Ос ва Абу Мусо ал-Ашъарийнинг Азруҳдаги йиғилишларида қатнашган бўлса-да (658 й., фев.), ҳакамларнинг фаолиятларига аралашмайди.

Муовия даврида Мадинада ўтирган А.и.З.и.А., халифа ўз ўғли Язидни валиаҳд деб тайин этишни истаганида, Ҳусайн (р.а.), Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдурраҳмон ибн Абу Бакрлар б-н бирга унга қаттиқ қаршилик қилади. Муовия улар б-н учрашиш учун Мадинага келганидан хабар топганларида, у б-н кўришмаслик учун Маккага сафар қиладилар. Муовия орқаларидан йўлга чиқиб улар б-н кўришишга муваффақ бўлса-да, келиша олмайди. Язид ибн Муовия халифаликка тайинланганида Мадина волийси Валид ибн Утбага мактуб ёзиб, Ҳусайн (р.а.), Абдуллоҳ ибн Умар ва А.и.З.и.А.дан мажбуран *байъат* олишини хоҳлайди. Бироқ, волийнинг суст ҳаракат этиши оқибатида улар Макка сафарига чиқиб кетадилар. Ҳусайн (р.а.) Куфага чақирилганида, бу даъватни қабул этиш тарафдорларидан бири ҳам А.и.З.и.А. бўлган. *Карбало фожиаси*дан сўнг Язидга қарши мухолифатнинг раҳбарига айланган А.и.З.и.А., Язиднинг халифалигини қабул қилмаслик б-н бирга унга қарши ҳаракат ҳам қилмай, ўзига қулай вазият бўлишини кутади. Язид унинг бу тадбирига жаҳл қилган ҳолда, Мадина волийси Амр ибн Саъидга А.и.З.и.А. устига қўшин тортишини буюради. У ҳам бўлса, А.и.З.и.А.га душман бўлган укаси Амр ибн Зубайр қўмондонлиги остидаги қўшинни юборади. Амр ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кирган бўлса-да, қўққисдан берилган зарба оқибатида асир олиниб, қамаб қўйилади. Бир йилдан сўнг Язид Маккага Муслим ибн Уқба қўмондонлигида янги куч юборади. Муслимнинг йўлда вафот этиши оқибатида унинг ўрнига тайинланган Ҳусайн ибн Нумайр ас-Сакуний Макка яқинига келиб шаҳарни ўраб олади (683 й., 24 сент.).

Шомлик аскарлардан ташкил топган Язид қўшини ёғли латталарни улоқтириб *Каъба*да ёнғин чиқарадилар. Бу қуршов Язиднинг ўлими хабари Маккага етишига қадар (683 й., 27 нояб.) 64 кун давом этади. Язиднинг вафот этгани хабарини топган А.и.З.и.А., «Амир ал-муъминийн» унвони б-н ўз халифалигини эълон қилади (64/683). Ҳусайн ибн Нумайр А.и.З.и.А. б-н музокара қилиб, агар у Дамашққа келса, уни халифа деб тан олишини айтган. Бироқ у бу таклифни қабул этмайди. Шомликлар Язид вафот этганидан кейин аввал унинг ўғли Муовия II га, икки ойдан сўнг унинг ҳам ўлимидан кейин эса Марвон ибн Ҳакамга *байъат* берадилар. Икки халифанинг кетма-кет ўлими оқибатида содир бўлган бўшлиқ ва анархия даврида Фаластин, Химс ўрдугоҳлари А.и.З.и.А.га *байъат* этишга тайёрланадилар. Бироқ Марвон ибн Ҳакам тезда вазиятни назоратга олади. Бу вақтда А.и.З.и.А. Фаластинни олиш учун укаси Мусъаб бошчилигида юборган қў-

шин муваффақиятсизликка учрайди. Бу курашлар давом этаётган вақтда Марвон вафот этади (685 й., 7 май). Ўрнига ўғли Абдулмалик халифа этиб тайинланади. Ҳижоз б-н шарқий вилоятларга А.и.З.и.А., Шом, Фаластин ва Мисрда Абдулмалик ибн Марвон ҳокимлик қилади. Бироқ ҳар иккаласининг ҳудудларида тартибсизликлар давом этаётган эди. Макка исканжаси чоғида А.и.З.и.А.га ёрдам берган *хорижийлар* таҳликанинг ўртадан кўтарилишидан сўнг у б-н келишмовчиликка борадилар. Улардан Нажда ибн Омир бошчилигидаги гуруҳ Нажд ва Ўмон ҳудудларини қўлга киритади. Нофеъ ибн Азраққа боғлиқ ва унга нисбат берилган *азориқа* деб номланган гуруҳ эса, ўта қатъий тамойилларга эга ҳамда қувват эътиборидан уларнинг энг хавфлиси эди.

Нофеъ ибн Азрақ атрофида тўпланган куч б-н Басрага юриш бошлайди. Басра волийси уларга бирор жиддий қаршилик кўрсата олмайди. Бу курашлар давомида Нофеъ ибн Азрақ ўлдирилади, унинг ўрнига Убайдуллоҳ ибн Моҳуз чиқади. Убайдуллоҳ янги кучлар б-н Басрага яқинлашганида шаҳар халқи хавотирланиб, Муҳаллаб ибн Абу Суфрадан қўмондонликни қўлга олишини сўрайдилар. А.и.З.и.А. ҳам ушбу таклифни расман сўрагач, Муҳаллаб қўшин бошига ўтади. Унинг илк муваффақияти *хорижийлар*га катта талафот етказиш б-н бирга, улар устидан ғалабага эришиши бўлган (686 й., май). Убайдуллоҳ ибн Моҳуз жангда ўлдирилади ва *хорижийлар* Аҳвазнинг тоғлик ҳудудларига чекиниб, йўлтўсарлик қила бошлайдилар. Бу вақтда Абдулмалик ибн Марвон ҳам ички муаммоларни ҳал қилиш б-н банд бўлиб, жиддий ҳаракат бошлай олмайди. Бир тарафдан А.и.З.и.А., иккинчи томондан Абдулмалик б-н курашаётган Мухтор ас-Сақафий 685 й. окт.ида Абдулмаликка қарши исён кўтариб, у томонидан юборилган кучларни мағлубиятга учратади. Кейинчалик Куфа марказ бўлганида А.и.З.и.А.га тегишли бўлган Басра ташқарисидаги шарқий ҳудудларни эгаллайди ва амалда тасарруфида бўлган вилоятларнинг волийлигини даъво қилади. Бироқ А.и.З.и.А. бу таклифни қабул қилмайди ва Абдулмаликка бўлганидек, Мухторга ҳам қарши чиқади. Аввал хавфлироқ ҳисобланган Мухторни бартараф этишга қарор қилган А.и.З.и.А., 686 й.нинг бошларида укаси Мусъабни Басра волийлигига чақириб, Мухтор б-н курашишга масъул қилади. Басрада нажоткор сифатида кутиб олинган Мусъаб қисқа вақт ичида катта қўшин йиғади ва Куфада бўлган Мухтор устига юриш уюштиради. Асосий кучларини ал-Жазирага юборган Мухтор, улар қайтиб келгунича Мусъабни чалғитиш мақсадида саройига яширинади ҳамда тўрт ой давомида қуршов остида қолади. 687 й. нинг апр.ида қамалдан чиқиш ҳаракати чоғида ўлдирилганидан сўнг, А.и.З.и.А. яна бутун шарқий ҳудудларга ҳокимлик қилади. Бошқа томондан халифа Абдулмалик 689 ва 690 й.ларда Мусъабга қарши ҳарбий ҳаракатлардан натижа ололмагандан кейин, 691 й.нинг охирларида яна янгидан ҳаракатга киришади. Мусъабнинг энг тажрибали қўмондони Иброҳим ибн Молик ал-Аштарнинг жанг бошланишиданоқ ўлдирилиши ва айрим тўдаларнинг жангга кирмасдан қочишлари сабабли Мусъаб кам сонли қўшин б-н жанг қилишга мажбур бўлади ҳамда жангни бой беради, ўзи ҳам вафот этади. Натижада, Ҳижоз б-н бирга барча вилоятлар Абдулмалик қўл остига ўтади. Абдулмалик вақтни бой бермасдан Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақафийни 2000 кишилик қўшин б-н Маккага юборади (692 й., янв.).

Уч ойдан кейин Ҳажжож Маккага 5000 кишилик ҳарбий қўшинни жойлаштиради. Ўзи истаган ёрдамга эришган Ҳажжож, Макка атрофига келиб шаҳарни қуршаб олади. *Ҳаж* вақтида ўзи ва



Манжанақ – тош улоқтирадиган қурол

аскарларининг *ҳаж* қилишларига рухсат берилмаганидан кейин Маккани манжанақлар б-н тўпга тутади. Бу вақтда Маккада бўлган Абдуллоҳ ибн Умарнинг илтимосига кўра, *ҳаж* маросимларининг тугагунига қадар шаҳарга ҳужум қилишни тўхтатиб туради. Ҳожиларнинг катта қисми А.и.З.и.А. қўшинида бўлиш учун Маккада қоладилар. Қамал узоқ давом этганидан шаҳар қийин аҳволда қолади. Манбаларда қайд қилинишича, қийинчиликда қолган мусулмонлар миниб юрган уловларини, ҳатто ҳақорат мақсадида манжанақлардан улоқтирилган итларни ейишгача бориб етадилар. Бироқ, қамалнинг олтинчи ойида озуқаларининг батамом тугаши натижасида А.и.З.и.А. тарафдорлари уни тарк қилишни бошлайди. Ўғлининг атрофида жуда ҳам кам куч қолганини кўрган Асмо бинт Абу Бакр унга танлаган йўли тўғри эканига ишонаётган бўлса, охиригача курашишини тавсия қилади. Онасининг сўзларидан сўнг А.и.З.и.А. таслим бўлиш ўрнига ўлимни афзал кўради. Қамалдан чиқишга ҳаракат бошлайди, аммо жангда мардларча ҳалок бўлади (73 й., 14 жумодул-аввал/692 й., 1 окт.). Ҳажжож унинг бошини кесиб Шомга жўнатади. Бир муддат дорда осилиб турган жасади онасининг илтимосидан кейин дафн қилинишига русхат берилади.

Ислом оламининг ярмига яқин қисмида ўн йилча халифа сифатида ҳукмронлик қилган А.и.З.и.А. ёш *саҳоба*ларнинг пешқадамларидан бири эди. Жасур аскар, яхши қўмондон, тажрибали сиёсатчи бўлган. Маккaнинг нуфузли оилаларидан бирига мансуб бўлиб, яхши таълим-тарбия кўрган эди. Пайғамбар (с.а.в.), отаси, онаси, бобоси Абу Бакр (р.а.) ва холаси Ойша (р.а.), Умар ва Усмон (р.а.)лар каби улуғ *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Ривоят қилган ҳадисларининг сони ўттиз учтани ташкил қилади. Булардан олтитаси *«Саҳиҳ ал-Бухорӣ»*дан, иккитаси *«Саҳиҳ Муслим»*дан, биттаси ҳар иккала *«Саҳиҳ»*дан ўрин олган. Унинг ўзидан ҳадис ривоят қилган машҳур *тобеъин*лар орасида икки ўғли Аббод ва Омир, укаси Урва, жиянлари Ҳишом ва Муҳаммад ибн Урва, Товус, Ато, Ибн Абу Мулайка каби шахслар бор. А.и.З.и.А. *тафсир*да ҳам сўз соҳиби бўлган *саҳоба*лардан ҳисобланади. Ибодатга бўлган юқори майли сабабли «ҳамома ал-масжид» («масжид кабутари») номи б-н тилга олинар эди. *Намоз*ни чуқур *важд* б-н адо қилар эди. Макка қамали вақтида манжанақлардан отилган тошлар унинг ёнига келиб тушса-да, бу ҳолат унинг *намоз*ини буза олмаган. Узоқ вақт *қиём*да, *рукуъ* ва *саждa*да қолар эди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг *ифтор* қилмасдан *рўза* тутишни ман қилганларини эшитмагандек, етти кун давомида *рўза* тутар ва бундан бирор бир роҳатсизликни ҳис қилмас эди. Жасорат, ибодат ва хитобат соҳасида унга тенг келадиган киши бўлмаганлиги манбаларда қайд қилинган.

Ад.: Халифа ибн Хайёт. *Тарйх.* – Нажаф: 1386/1967. I, 24, 134, 140, 199–204, 222–224, 246–270; Ал-Балозурий. *Футўҳ ал-булдон.* – Анқара: 1987. 67, 68, 305, 325, 545, 578; ўша муал. *Ансоб ал-ашроф.* – Қоҳира: 1959. I, 244, 272; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1960–70. IV, 39, 143, 269–270, 452–454, 520, 525; V, 57, 343–346, 496–498, 530–536, 563–566, 572–575; VI, 34–39, 44, 117–119, 174–178, 187, 192, 195, 211; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 242–245; ўша муал. *Ал-Комил.* – Байрут: 1979. II, 42, 414, III, 112,159, 174, 240, 250–251, 330–331; IV, 14–20, 98–102, 127–132,

142–148, 266–268, 273–279, 294–296, 303–306, 345–361, 365, 381; Аз-Заҳабий. *Сийар*. III, 363–380; F. Wüstenfeld. *Geschichtsbüchern der Stadt Mekke*. – Beyrut: 1964. I, 138, 307; II, 19, 167; III, 52, 80; IV, 129–145; L. Caetani. *Chronoqraphia Islamica*. – Roma: 1912. 862, 866–868; J. Wellhausen. *Arap Devleti ve Sukutu*. – Ankara: 1963. 67–74, 77–87, 92–96; M. A. Shaban. *Islamic History I*. – Cambridge: 1976. 92–99; Hakkı Dursun Yıldız. *Doğuştan Günümüze Büyük İslâm Tarihi*. – İstanbul: 1986. II, 343-347; Rudolf Sellheim. *«Fitnetü 'Abdillah b. ez-Zübeyr». MMLAD*. XLIX (1974). 829–870; M. Seligsohn. *«Abdullah»*. *İA*. I, 44–46; H. A. R. Gibb. *«'Abd Allah b. al-Zubayr»*. *EI²* (İng.). I, 54–55; Hakki Dursun Yildiz. *«Abdullah b. Zübeyr b. Avvâm»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 145–146.

Ҳаққи Дурсун Йилдиз

АБДУЛЛОҲ ИБН ИБОД

عبد الله بن عباد

(қ. АБДУЛЛОҲ ИБН ИБОЗ)

АБДУЛЛОҲ ИБН ИБОЗ

عبد الله بن إباض

Абдуллоҳ ибн Ибоз ал-Мақоисий ал-Муррий ат-Тамимий (7-а.)

Ибозийя таълимотининг асосчиси

Абдуллоҳ ибн Ибоз бугунги кунгача сақланиб қолган *ибозийя (ибодийя) фирқаси*нинг асосчиси ҳисобланган. У *Бани Тамим қабиласи*нинг Бани Мурра оиласидан ҳисобланади. Унинг исми шарифи борасида манбаларда турли ихтилофлар мавжуд. Мас., Абу-л-Ҳусайн ал-Малтий номли олим ўзининг «*Ат-Танбйҳ ва-р-радд*» номли асарида унинг номини Ибоз ибн Амр деб келтирган. «*Ибāна ал-манāҳиж*» асари муаллифи эса, уни Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ибозий деб кўрсатган. Лекин тадқиқотчилар бундай номланиш А.и.И.нинг Абдуллоҳ ибн Яҳё ал-Ибозий деган яқин дўсти б-н боғлиқ бўлганини ва янглиш ҳолда у ўз дўсти номи б-н аталганини таъкидлаганлар. Лекин аксарият манбаларда унинг номи А.и.И. деб келтирилган.

А.и.И. *хорижийлар*дан ажралиб чиққан *ибозийя фирқаси*нинг асосчиси ҳисобланган. *Ибозийлар* – *хорижийлар*га мансуб 4 асосий фирқанинг энг «мўътадил» ҳисобланган қисми бўлиб, А.и.И.нинг издошлари ҳисобланадилар. 684 й. Басрадаги *хорижийлар* орасида бўлиниш содир бўлган: *азрақийлар умавийлар*га қарши чиқишган. А.и.И. бўлса, Басрада қолиб, қуролли курашдан воз кечган ва *хорижийлар*нинг «мўътадил» қанотига раҳбарлик қила бошлаган. *Ибозий фирқаси*нинг ҳақиқий асосчиси ва раҳнамоси Жобир ибн Зайд (Ўмонда туғилган, ваф. 717 й.) эди. 9-а. охиригача Ўмон *ибозийлари* мустақил бўлишган, сўнгра мамлакат яна *аббосийлар* тасарруфига ўтган, лекин 11-а. бошидан эътиборан *ибозийлар* Ўмонда яна ҳокимият тепасига келганлар. Ҳозирги кунда бу мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиғини *ибозийлар* ташкил этади.

Ибозийлар диний-сиёсий дастури асосини имомат ҳақидаги таълимот ташкил қилади. Улар имоматнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, бир вақтнинг ўзида Ислом дунёсининг турли қисмларида бир неча имомлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаганлар. Имом шайхларнинг махфий кенгаши томонидан



Ўмон пойтахти Масқатдаги Султон Қобус масжиди

сайланиб, бу қарор халққа эълон қилинган. Кўпинча сайловлар битта қабила ёки уруғ доираси б-н чекланиб қолган. *Ибозийлар* имоми – ҳоким (лашкарбоши, қози, *фақиҳ*) ҳам бўлган. *Ибозийлар* ақидасида *суннийлар* ва *муътазилийлар ақидаси*даги тамойиллар акс этган. *Ибозийлар* одамларнинг қилмишини вужудга келтирувчи Аллоҳдир, деб биладилар. Сиёсий ва диний сабабларга кўра, кишини ўлдиришни рад этганлар. *Ибозийлар* таълимоти тарафдорлари гарчи кўп мамлакатларга тарқалган бўлсалар-да, улар диний соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам якдил бўлмаганлар. Ҳозирги шим. Африкада, Ўмон, Занзибар оролида *ибозийлар* жамоалари мавжуд. Уларнинг диний эътиқод ва маросимлари *суннийлик* ҳамда *шиаликдаги* оқим, фирқалардаги эътиқод ва маросимлардан ўзининг айрим хусусиятлари б-н фарқ қилади.

Шаҳристонийнинг таъкидлашича, А.и.И. ўз давридаги халифа Марвон ибн Муҳаммадга қарши бош кўтарган ва ҳоз. Саудия Арабистони ҳудудидаги тарихий шаҳар – Ҳижозда *Табал жанги*да Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Атий б-н курашда вафот этган. Бугунги кунда араб ўлкаларидан Ўмон Султонлигида А.и.И. ниҳоятда катта эҳтиром б-н тилга олинади. Бу давлатда *ибозийя фирқаси* (*Ибозийлар*) расмий диний таълимот сифатида эътироф этилади.

Ад.: Абу-л-Фатҳ аш-Шаҳристоний. *Ал-Милал ва-н-ниҳал*: II ж. – Дамашқ: 2000; Али Яҳё Муаммар. *Ал-Ибāзийя байна-л-фирақ ал-ислāмиййа*; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. I, 204; Мубаррад. *Ал-Камил*. – Қоҳира: 1355–56/1936–37. 1030, 1039, 1040; Ибн ал-Асир. *Ал-Лубāб*. – Қоҳира: 1357–69. I, 17; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58. I, 72–73; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. II, 38–39; Ал-Барродий. *Ал-Жавāҳир*. – Қоҳира: 1302. 155–167, 175; Сулаймон ал-Боруний. *Мухтасар тарйх ал-ибāзиййа*. – Тунис: 1357/1938. 13–28; Али Яҳё Муъаммар. *Ал-Ибāзиййа фй мавкиб ат-тарйх*. – Қоҳира: 1964; Ethem Ruhi Fiğlali. *«Abdullah b. İbâz»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 109.

Саидмухтор Оқилов

АБДУЛЛОҲ ИБН ИДРИС

عبد الله بن إدريس

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Идрис ибн Язид ал-Авдий ал-Куфий (110/120, ? – 192/807-808, Куфа)

Куфалик машҳур муҳаддис ва қироат олими

Абдуллоҳ ибн Идрис ривоят қилган ҳадисларини отасидан, Аъмаш, Суфён ас-Саврий, Ҳишом ибн Урва, Шуъба, Молик ибн Анас ва б. кўплаб *муҳаддис*лардан эшитган. *Қироат*ни ҳам Нофеъ ва Аъмашдан ўрганиб, 2-а.нинг саноқли *қироат* олимларидан бири бўлади. Ундан ҳадис ривоят қилганлар орасида эса устози Молик ибн Анас, Абдуллоҳ ибн Муборак, Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъйин ва Исҳоқ ибн Роҳуя (Роҳавайҳ) каби имомлар бор. Имом Молик унинг дўсти ҳам эди. У «*Ал-Муватто*» асарида А.и.И.нинг номини зикр қилмаган бўлса-да, «Алидан (Али ибн Абу Толиб) менга етиб келган хабарга кўра...», деб «таълиқан» ривоят қилган ҳадисларни А.и.И. дан олган. Эҳтимол, ораларидаги бу яқинлик сабабли А.и.И. Куфада истиқомат қилишига қарамай, *фатво*ларининг кўпида Мадина аҳлининг қарашларига майл кўрсатиб, куфаликларга мухолиф бўлган.

А.и.И.нинг кенг қамровли билими, юксак ахлоқи, ҳадис ривоятидаги талабчанлиги ва ишончлилиги сабабидан, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абу Ҳотим каби ҳадис имомлари уни мақтаганлар. А.и.И. раҳбарлик мансабларига қизиқмаган ва давлат хизматини қабул қилмаган. Ҳорун ар-Рашид тарафидан унга таклиф қилинган Куфа қозилигини «Мен қозиликка лойиқ эмасман», деб рад қилган. Бунга жавобан халифа унга: «Кошки мен ҳам сени кўрмаган бўлсам эди», деб жавоб берган. У биродари Ҳафс ибн Ғиёснинг ҳам қозилик вазифасини қабул қилишини ҳамда Бағдоддан кетишлари учун йўл харажатлари сифатида юбо-

рилган маблағни олишни хушламаган. Шу мақсадда унга берилган беш минг дирҳамни рад этган. Халифанинг ҳеч бўлмаса ўғли Маъмунга ҳадисдан таълим бериши ҳақидаги илтимосига ҳам А.и.И. «Ўғлинг ҳузуримизга бошқа талабалар билан бирга келса, унга ҳам ҳадис ривоят қиламиз», деб жавоб берган ва ҳеч қачон бир кишига махсус муомала қила олмаслигини билдирган. А.и.И. ривоят қилган ҳадислар «*Кутуби ситта*»нинг барчасидан жой олган.

А.и.И. 192 й.нинг зул-ҳижжа ойида вафот этган. Ўлим тўшагида ётганда қизининг йиғлаганини кўриб: «Қизим йиғлама, бу уйда 4000 марта Қуръонни хатм қилдим», деб айтган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. VI, 389; Ал-Хатиб. *Тарйх Бағдāд.* – Қоҳира: 1931. IX, 415–421; Аз-Заҳабий. *Сийар.* IX, 42–48; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 282–284; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа.* – Қоҳира: 1932–33. I, 409–410; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб.* V, 144–146; Talat Koçyiğit. «*Abdullah b. İdrîs*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 110.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН КУЛЛОБ

عبد الله بن كلاب

(қ ИБН КУЛЛОБ)

АБДУЛЛОҲ ИБН ЛАҲИЪА

عبد الله بن لهيعة

(қ. ИБН ЛАҲИЪА)

АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД

عبد الله بن مسعود

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Ғофил ибн Ҳабиб ал-Ҳузалий
(? – 32/652-53, Мадина)
Куфа тафсир ва фиқҳ мактабларининг асосчиси

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) илк мусулмонлардан ва *ашараи мубашшара*дан биридир.

Манбаларда А.и.М.нинг оиласи ва Исломдан аввалги ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. Отаси Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Зуҳранинг тутинган биродари (*ҳалиф*и) эди. Шу сабабли А.и.М. ҳам *Бани Зуҳра*нинг *ҳалиф*и бўлиб танилган. Фақир оилада туғилган А.и.М. Исломни қабул қилишидан олдин, болалигида Уқба ибн Абу Муъайтнинг подаларига чўпонлик қилган. Хадича (р.а.) ва Али (к.в.)лардан кейин Исломни қабул қилган учинчи шахс эканлиги айтилса-да, ўзи Исломни қабул қилган олтинчи мусулмон бўлганидан фахрланишини билдирган. Унинг янги динга кириши қўйлар подасини ўтлатаётган вақтида Пайғамбар (с.а.в.) б-н ўрталарида бўлиб ўтган ажойиб воқеа б-н боғлиқ. А.и.М. Пайғамбар (с.а.в.) Арқамнинг уйида жойлашишлари ёки Умар (р.а.)дан аввал мусулмон бўлганига доир ривоятлар ҳам бор. А.и.М.нинг онаси Умму Абд бинт Абдувад ва укаси Уқба ҳам илк мусулмонлардандир. Отаси ҳақида кўп маълумот бўлмагани учун унга «*саҳоба* ибн *саҳоба*», онасига нисбат берилиб эса, Ибн Умму Абд ҳам дейилган. Мусулмон бўлганидан кейин Ислом душманларидан саналган Уқба ибн Абу Муъайт хизматидан кетиб, ўзини динга ва Пайғамбар (с.а.в.) хизматларига бағишлайди.

Маккада бошқа мусулмонлар қатори *мушрик*ларнинг азият ва исканжасида қолган А.и.М. қутулиш мақсадида Ҳабашистонга *ҳижрат* қилади. У *мушрик*лар ва уларнинг босимидан ҳайиқмасдан Пайғамбар (с.а.в.)дан сўнг *Каъба*да ошкора Қуръон ўқиган илк *саҳоба* бўлган ва Мадинага илк *ҳижрат* қилган муҳожирлар орасидан ҳам ўрин олган. Мадинада Расулуллоҳ (с.а.в.) у б-н Зубайр ибн Аввом ва Муоз ибн Жабал ораларида *муоҳад* тузадилар. Манбаларда унинг Пайғамбар (с.а.в.) давридаги барча жангларда қатнашгани ҳақида маълумотлар келтирилган. *Бадр жанги*дан аввалги кечада душман тарафдан хабар олиб келиш вазифасини олган ва жангда Абу Жаҳлни ўлдирган. Пайғамбар (с.а.в.) «ум-

матнинг фиръавни» деб сифатлаганлари Абу Жаҳлнинг ўлдирилишидан Аллоҳга *ҳамд* айтиб, А.и.М.ни мақтаганлар ва Абу Жаҳлнинг қиличини унга берганлар.

А.и.М.га онаси б-н яшашлари учун Мадинада *Масжид ан-Набавий*нинг орқа томонидан уй ажратилган. Унинг ўзига Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг уйларига бемалол кириб-чиқиши учун рухсат берилган. Ҳатто, бундай яқин муносабат сабабли бегоналар уларни Пайғамбар (с.а.в.) оиласидан деб ҳисобларди. Ўзини Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хизматларига бағишлаган А.и.М., Пайғамбар (с.а.в.) нинг оёқ кийимларини тўғрилар, йўлда олдиларида юрар, ювинаётганларида парда тутар ва уйқудаликларида ибодат учун уйғотар, ўтирганларида оёқ кийимларини ечиб қўяр эди. Овози ёқимли бўлиб, Қуръонни жуда гўзал ўқир эди. А.и.М. *саҳобалар* орасида ахлоқ ва яшаш тарзида Расулуллоҳ (с.а.в.)га энг кўп ўхшаган киши сифатида эътироф этилади. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёт тарзлари, қиёфалари, ахлоқ ва муносабатларини ўрнак қилишда ғайрат кўрсатган. Бир томондан Пайғамбар (с.а.в.)нинг хизматларида бўлса, бошқа томондан янги мусулмон бўлганларга Исломни ўргатар эди. А.и.М. *Уҳуд жанги*да Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларидан айрилмаган бир қанча кишидан бири бўлган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан кейинги *Ридда воқеалари*да Мадина ш.нинг ҳимояси ва мудофааси учун халифа Абу Бакр (р.а.) тарафидан тайинланганлар орасидан А.и.М. ҳам жой олган.

А.и.М. Умар (р.а.) тарафидан Куфа қозилиги ва *байтулмол* идораси б-н шуғулланишга тайинланади. Кейинчалик Шурайҳнинг қози этиб тайинланиши, унинг фақат *байтулмол* идорасидаги вазифасида қолдиради. Умар (р.а.) вафотидан сўнг Мадинага қайтади ва бир муддат у ерда қолади. Усмон (р.а.) халифа бўлгач, у томонидан Куфадаги вазифасига қайта тайинланади. Шундан келиб чиқиб, А. Ян Венсинк (A.J. Wensinck)нинг А.и.М. идоравий ишларни тушунмаган деган иддаоси (*İA.* V, 772) ҳеч қандай асосга эга эмаслигини айтиш мумкин. А.и.М.нинг қобилияти ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айтган сўзлари етарли далил бўла олади: «Агар уларга маслаҳатлашмасдан бир амир (йўлбошчи) тайин этганимда эди, Ибн Умму Абдни тайинлар эдим» (Имом ат-Термизий. *«Манāқиб»,* 38). Умар (р.а.) шомликларга кўплаб ҳадя бериш б-н уларни ўзларидан устун кўраётганини айтган куфаликларга А.и.М.ни Куфага раҳбар этиб тайинлаши (Ибн Қайюм. *Иълāм ал-муваққиъин.* I, 17) ҳам халифа наздида, унинг раҳбар сифатидаги мавқеини кўрсатади. Умар (р.а.)нинг Куфадаги волийси бўлган Аммор ибн Ёсир ва Усмон (р.а.) даврида ўша ерда волийлик қилган Саъд ибн Абу Ваққос каби буюк *саҳоба*лар б-н А.и.М.нинг баъзи мавзуларда қарашлари бошқа-бошқалиги, номлари зикр қилинган волийлар вазифадан олинганидан сўнг А.и.М. узоқ муддат мазкур лавозимда қолиши, Венсинкнинг иддаоси асоссиз эканига яна бошқа бир далилдир. Куфада расмий вазифаси б-н бирга илмий фаолияти ва етиштирган талабалари воситасида Куфа *тафсир* ва *фиқҳ* мактабларининг асосчиси деб топилган А.и.М., кейинчалик Усмон (р.а.) томонидан Мадинага чақирилади. Халифанинг Абу Зарр (р.а.)ни Рабазада яшаш учун мажбурлаб жўнатгани ва расмий *Мусҳаф*га зид келиши мумкинлиги ташвишида баъзи шахсларнинг қўлида сақланаётган *мусҳаф*ларни ёқиш ҳақидаги буйруғи кабилар А.и.М.нинг Усмон (р.а.)дан ранжишига сабаб бўлади. Куфаликлар уни ҳимоя қилишларини ваъда берадилар. А.и.М. улардан айрилишни истамаса-да, фитналар туғилишига сабабчи бўлиб қолишни хоҳламаслигини айтиб, Усмон (р.а.) амрига бўйсунади ва Мадинага қайтади. А.и.М. Мадинада бир қанча вақт қолганидан сўнг хасталаниб,

олтмиш ёшида вафот этади. Жаноза *намози* Усмон (р.а.) ёки Аммор томонидан ўқилади ва жасади *Бақиъ қабристони*га дафн этилади.

Манбаларда келтирилишича, А.и.М. паст бўйли, заиф, буғдойранг ва ниҳоятда камтар киши бўлган. Сочларини ўстириб, тоза ва чиройли кийинишни хуш кўрарди. Суртган хушбўй атирлари кечанинг қоронғисида ҳам уни танитар эди. Райта ва Зайнаб исмли икки хотини, Абдурраҳмон, Утба ва Абу Убайда исмли уч ўғли бўлган. Ҳали фарзанд кўрмасданоқ Расулуллоҳ (с.а.в.) унга Абу Абдурраҳмон кунясини берган эдилар. Шу боис ўғил фарзанд кўрганида исмини Абдурраҳмон деб қўяди. А.и.М.нинг хизматлари ва улуғлиги унинг сиёсий ва раҳбарлик фаолиятидан кўра, исломий илмларнинг шаклланишидаги пешқадамлигида кўпроқ намоён бўлган.

А.и.М. илк даврларданоқ Исломни қабул қилгани, Пайғамбар (с.а.в.) б-н яқин муносабатлари сабабли Ул Зотдан жуда кўп ҳадис эшитган ва ривоят қилган. Бундан ташқари, Умар, Усмон, Али (р.а.) ва б. *саҳоба*лар орқали ривоят қилган ҳадислари ҳам бор. Ундан Абу Мусо ал-Ашъарий, Ибн Аббос, Имрон ибн ал-Ҳусойн, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик каби кўплаб *саҳоба*лар, Алқама ибн Қайс, Масруқ, Асвад ибн Язид, Абийда ас-Салмоний, Амр ибн Шураҳбил, Ҳорис ибн Қайс ва б. улуғ *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар. У томондан ривоят қилинган 848 та ҳадиснинг аксариятини шахсан Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган. Мазкур ҳадисларнинг аксарияти Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»* ва Имом ат-Термизийнинг *«Сунан»*ларидан жой олган. Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим А.и.М.нинг олтмиш тўртта ҳадисини билиттифоқ *«Саҳиҳ»*ларига киритганлар. Бундан ташқари, Имом ал-Бухорий 21 та, Имом Муслим эса 35 та ҳадисни мустақил равишда ўз асарларига киритганлар. Шунга мувофиқ, Имом ал-Бухорий А.и.М.дан ривоят қилинган ҳадисларнинг 85 тасини, Имом Муслим 99 тасини ўз *«Саҳиҳ»*ларида зикр қилганлари маълум бўлади. Илк даврларда ҳадисларнинг ёзилишига қарши бўлган А.и.М. ҳадис ривоятига ўта диққат б-н ёндашганлиги маълум.

А.и.М. Ироқ *тафсир* мактабининг асосини ташкил этиб, Қуръон илмларининг шаклланишида ҳам муҳим хизматлар кўрсатган. Ироқ мактаби *фиқҳ*да бўлгани каби *тафсир*да ҳам *рай*га аҳамият берган ва бу илмларни кейинги авлодларга етказишга хизмат қилган кўплаб нуфузли олимларни етиштирган. А.и.М.нинг илми тўғридан-тўғри Пайғамбар (с.а.в.)га асосланади. Расулуллоҳ (с.а.в.) ёқимли овоз соҳиби бўлган А.и.М.нинг Қуръон тиловатини завқ б-н тинглардилар. У *саҳоба*лар орасидаги Қуръон ҳофизларининг пешқадамларидан бири бўлган. Ўзидан ривоят қилинган хабарга кўра, етмишдан ортиқ сурани Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсан ўзларидан таълим олган (Ал-Бухорий. *Фазаил ал-Қуръан*. 8). А.и.М.нинг ўзи тўплаган ва унга нисбат берилган *Мусҳаф* нусхаси мавжуд. Мазкур нусханинг халифа Абу Бакр (р.а.) томонидан тартиб берилиб, Усмон (р.а.) томонидан кўпайтирилган расмий *Мусҳаф*дан фарқи – сураларнинг тартиби, баъзи калималарнинг имлоси ва баъзи ўринларда *тафсир* қабилидаги иловаларнинг учраши каби хусусиятлардир. А.и.М.га оид нусхада учрайдиган изоҳ сифатида келтирилган иловалар ва фарқли *қироат* шакллари унинг кейинги ҳаётий ғоясига таъсир ўтказганидан ташқари, Қуръон ҳукмларини ўрганиш ва ўргатишда фойдали бўлди. А.и.М. *муташобиҳ* оятларни таъвил этишда манба сифатида Қуръони карим ва Пайғамбар (с.а.в.) *суннат*ларига суянган. Бундан ташқари, баъзи мавзуларда ўзининг шахсий қарашларига мувофиқ *ижтиҳод* қилган.

А.и.М. ва баъзи бошқа *саҳоба*лар Пайғамбар (с.а.в.)дан эшитган *тафсир* шак-

лидаги изоҳларни ўзларининг саҳифаларига қайд этганларини баён қилганлар. Бу тур иловаларнинг Пайғамбар (с.а.в.) дан эшитилган *тафсир* илмига доир маълумотлар экани ва уларнинг оятлар маъносини тушунишни осонлаштиришдан бошқа мақсади бўлмагани маълум.

Шарқшунослар томонидан А.и.М.нинг *Мусҳаф* нусхаларини кўпайтириш мақсадида тузилган котиблар ҳайъатига Усмон (р.а.) ва Зайд ибн Собитга қарши эътироз билдиргани тўғрисидаги баъзи ривоятлар айтилган (*Blachere.* 63–64). Ҳолбуки, А.и.М.нинг бундай муносабати *саҳоба*ларнинг улуғлари томонидан маъқулланмаган ва кейинчалик унинг ўзи ҳам пушаймон бўлганлиги маълум. Аслида Абу Бакр (р.а.) Зайд ибн Собитга Қуръонни жамлаш вазифасини топширганида ҳам, Усмон (р.а.) *Мусҳаф*ни кўпайтириш учун ҳайъат тузганида ҳам А.и.М. эътироз билдирмаган. Бироқ Абу Бакр (р.а.) шахсий нусхаларга аралашмаган бўлса-да, Усмон (р.а.)нинг зарурат юзасидан бу нусхаларни йўқ қилишга буйруқ бериши А.и.М.нинг эътирозига, бундай масъулиятли вазифага Зайд ибн Собит тайинланиб, А.и.М.нинг жалб қилинмагани унинг ранжишига сабаб бўлган.

Абу Бакр ал-Анбарий А.и.М.нинг мусулмонликни аввалроқ қабул қилганига қарамай, ҳар икки халифа томонидан Зайд ибн Собитнинг бу вазифага муносиб кўрилишини унинг Қуръонни кўпроқ ҳифз этган шахс бўлгани б-н боғлайди. Шунингдек, Зайднинг ёзуви ҳам чиройли бўлган. А.и.М.га бу вазифа топширилмаганининг бошқа бир сабаби, унинг Куфадаги хизмати ва илмий фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш эди. А.и.М.нинг Зайдга нисбатан муносабати самимий хизмат тушунчасига асосланганлиги б-н ҳам тушунилади. Бинобарин, Умар (р.а.)дан Пайғамбар (с.а.в.)нинг шундай деганлари нақл қилинади: «Қуръонни шу тўрт кишидан ўрганингиз: Ибн Умму Абд, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб ва Солим» (Ал-Бухорий. *«Фазаил ал-Қуръан»,* 8). Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг у ҳақидаги миннатдорлик сўзларини ҳам унутмаслик керак: «Қуръонни нозил бўлган куни ҳаяжонини ҳис қилиб ўқишни истаган кимса, уни Ибн Умму Абднинг *қироати* билан ўқисин» (*Муснад. I,* 26). Бинобарин, А.и.М. каби пешвонинг бундай муҳим бир вазифада иштирок этмагани, унинг устига қўлёзма нусхаларнинг йўқ қилиниши ўз-ўзидан унинг муносабатига сабаб бўлганини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

J.C.Vadetнинг А.и.М. *тафсир*ларида *шиа мазҳаби*нинг қарашлари борлигини айтиб уни *шиа мазҳаби* тарафдори сифатида кўрсатиши илмий ва объектив далилларга асосланмагандир. А.и.М.нинг *Аҳли байт*га бўлган ҳурмати ва юқорида келтирилган баъзи сабаблар туфайли Усмон (р.а.) б-н ораларида туғилган зиддиятни баҳона қилиб, унинг *шиа* бўлганлигини даъво қилиши тарихий фактларга мос эмас. Бундан ташқари, А.и.М. ўлим тўшагида ётганида зиёратига Усмон (р.а.)нинг келиши, унга васияти ва орзуларини айтгани ва вафотидан сўнг жаноза *намоз*ини Усмон (р.а.) ўқигани ҳақидаги ривоятлар улар орасидаги зиддият у қадар жиддий бўлмаганини англатади. Бу мавзуда Усмон (р.а.)га қарши муносабатда бўлган *шиа*ларнинг у томонидан кўпайтирилган *Мусҳаф* нусхасидан бошқа бир нусхага бўлган хоҳиши, А.и.М.га оид нусхага қизиқишларига ва бу б-н унга *шиа*ликнинг нисбат берилишига йўл очган. Шу боис, бир гуруҳ *шиа*лар 398/1007–1008 й. Бағдодда А.и.М.га нисбат берилган бир нусхани муомалага киритадилар (*Голдциер.* 295). Бироқ баъзи ортиқча маълумот ва нуқсонларга эга бу нусха, замонанинг етук шофеъий олими Қози Абу Ҳамид ал-Исфароийний *фатво*сига кўра ёқиб юборилган. Ҳолбуки, Усмон (р.а.) тарафидан кўпайтирилган расмий нусха *саҳоба*ларнинг ижмоси б-н қабул қилинган. Бир гуруҳ *шиа*лар

Усмон (р.а.)ни Али (к.в.)га оид баъзи масалаларга нисбатан бепарволикда айблаб, унинг *Мусҳаф*ни алмаштирганини даъво қилсалар-да, ҳатто мазкур мавзуда асар ва тафсир ёзган *шиа* олимлари ҳам бу ёлғон даъвони қабул қилмаганлар. Асосийси шуки, Али (к.в.)нинг Усмон (р.а.) даврида ҳам, ўз халифалиги даврида ҳам расмий *Мусҳаф* масаласида у б-н қарама-қарши фикрлари бўлмаган.

А.и.М.нинг *тафсир* ва *қироат* илмида етиштирган энг машҳур шогирдлари Ҳасан ал-Басрий, Қатода, Абу Абдурраҳмон ас-Суламий ва Абу Амр аш-Шайбонийлардир.

А.и.М. ҳадис ва Қуръон илмларида бўлгани каби *фиқҳ* илмида ҳам муҳим мавқега эга шахсдир. Унинг қуйидаги сўзлари Қуръони карим ва ундан чиқариладиган ҳукмлар мавзусидаги билимини ифода қилиш жиҳатидан диққатга сазовор: «Қасам ичаманки, Аллоҳнинг китобида қаерда нозил бўлганини мен билмайдиган бир сура ва ким ҳақида нозил бўлганини билмайдиган битта ҳам оят йўқ. Шу билан бирга, Аллоҳнинг китобини мендан кўра яхши билувчи киши борлигини билсам, дарров ҳузурига бориб ундан фойдаланар эдим» (Ал-Бухорий. *Фазāил ал-Қуръāн*. 8). Умар (р.а.) халифа бўлганидан сўнг турли маданият, ҳаёт ва қадриятларга эга инсонлар яшайдиган Куфа ш.да суд, таълим ва тарбия ишларини юритиш учун у ерга А.и.М.ни волий этиб тайинлайди. Шу тариқа у Куфада узоқ муддат қолиб, илмий фаолият б-н машғул бўлади. А.и.М. *тафсир* ва *қироат* соҳасида бўлгани каби, *фиқҳ*да ҳам Куфа мактабининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Манбалардаги маълумотларга кўра, А.и.М.дан бошқа фикр ва *фатво*лари шогирдлари томонидан қайд қилинган бирор-бир *саҳоба* йўқ. Ўзини тамоман илмий фаолиятга бағишлагани туфайли етиштирган шогирдлари сонининг кўплиги ва сифатининг яхшилиги б-н А.и.М. бошқалардан устун туради. Бунинг натижаси ўлароқ, Ироқ вилоятида Умар (р.а.) ва Али (к.в.) бошчилигидаги баъзи *саҳоба*ларнинг қарашлари баробарида, энг кўп А.и.М.нинг қарашлари ёйилди. Шу боис кейинчалик Абу Ҳанифа томонидан тизимлаштирилган бу мактабнинг асл асосчиси А.и.М. бўлгани маълум қилинди. Ироқ *фиқҳ* мактабининг энг асосий икки васфини ташкил қилган «*насс* топилмаган жойда *рай* ва *қиёс*га эътибор қилиш» ва «*саҳиҳ* эканлиги қатъий билинмаган ҳадислар ўрнига ижтиҳодни афзал кўриш» тамойилларида асосан, А.и.М.нинг фикрларига таянилган. У бу ҳақда: «Сизлардан бирингиз ҳукм чиқармоқчи бўлса, аввал Аллоҳнинг Китобига, излаган нарсасини топмаса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳукмларига қарасин. Бу иккала манбадан топмаса, *солиҳ*ларнинг жавобларига қараб ҳукм чиқарсин. Агар буларнинг ҳеч биридан топа олмаса, ўзи ижтиҳод қилсин. Буни ҳам қила олмаса, ҳукм беришдан воз кечсин» деган. (Ибн Қайюм. I, 63). Унинг ҳужжат топилмаган мавзуда ўз фикрини билдириш ҳақида «Агар тўғри бўлса Аллоҳдан, янглиш бўлса мен ва шайтондандир. Аллоҳ ҳам, Расули ҳам бундан узоқ», дегани ҳам маълум ва машҳурдир.

Бевосита А.и.М.дан таҳсил олган ва Куфа *фиқҳ* мактабининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган илк авлодга мансуб шахслар Алқама ибн Қайс, Асвад ибн Язид, Обида ас-Салмоний, Масруқ ибн Аждаъ, Амр ибн Шураҳбил ва Ҳорис ибн Қайслардир. Булардан Алқама ибн Қайс Абу Ҳанифа устозлари занжирининг биринчи ҳалқасидан ўрин эгаллаган. Унинг энг пешқадам шогирдлари Иброҳим ан-Нахаий ва аш-Шаъбийлардир. Буларнинг энг танилган шогирди бўлган Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Абу Ҳанифанинг ёнида йигирма йил давомида уни ўзига устоз тутиб илм ўргангани ҳақида хабарлар мавжуд.



Муҳаммад Раввос Қалъажий томонидан тузилган *«Мавсўъа фиқҳ Абдуллоҳ бин Масъўд»* асари. Байрут

А.и.М. илмининг ворислари сифатида Абу Ҳанифадан ташқари Суфён ас-Саврий, Ибн Абу Лайло ва Ибн Шубрума каби бошқа йирик шахсларни ҳам зикр қилиш мумкин.

А.и.М.нинг манбаларда тарқоқ ҳолда учрайдиган *фиқҳий* қарашлари Муҳаммад Раввос Қалъажий томонидан тузилган асарда жамланган. Асар *«Мавсўъа фиқҳ Абдуллоҳ бин Масъўд»* (Қоҳира, 1404/1984 й.) номи б-н Макка ш.да *Умм ал-Қуро ун-ти* нашриёти томонидан чоп этилган. Асарга атамалар ва мавзуларга кўра энциклопедия тарзида тартиб берилган.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра.* – Қоҳира: 1955. I, 254–315; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубро.* – Байрут: 1968. III, 342–344; VIII, 290; Ал-Бухорий. *Фазаил ал-Қуръон.* 8; Ибн Қутайба. *Ал-Маъориф.* – Қоҳира: 1960. 249; ўша муал. *Таъвил мушкил ал-Қуръон.* – Қоҳира: 1954. 53; Ал-Балозурий. *Ансаб ал-ашроф.* – Қоҳира: 1959. I, 104; Ал-Яъқубий. *Тарих.* – Leiden: 1883. II, 138, 151, 179; Ат-Табарий. *Тарих.* – Қоҳира: 1939. III, 353; Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист.* – Қоҳира: 1348. 39–40; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъоб.* – Қоҳира: 1939. II, 308–316; Ибн ал-Арабий. *Ал-Авосим мин ал-қавосим.* – Қоҳира: 1375. 71; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 384–390; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффоз.* – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 13–16; ўша муал. *Маърифа ал-қуррō.* – Қоҳира: 1969. I, 33–35б; Ибн Ҳажар. *Ал-Исоба.* – Қоҳира: 1328. II, 368–370; IV, 235; A. Jeffery. *Materials for the History of the text of the Quran.* – Leiden: 1937. 20–113; Ҳусайн аз-Заҳабий. *Ат-Тафсир ва-л-муфассирун.* – Қоҳира: 1961–62. I, 83–88; R. Blachere. *Introduction au Coran.* – Paris: 1977. 63–64; Şehât Seyyid Zağlûl. *«Abdullah b. Mes'ûd eş-şahşiyye ve's-sîre».* – Қоҳира: 1986; İsmail Cerrahoğlu. *«Abdullah b. Mes'ûd». TDV İA.* – İstanbul: 1988, I, 114–117.

Исмоил Жарроҳ ўғли

АБДУЛЛОҲ ИБН МАХРАМА
عبد الله بن مخرمة

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Махрама ибн Абдулуззо ибн Абу-л-Қайс ал-Қураший ал-Омирий (? – 12/633, Шом/Ямома)

Саҳоба

Абдуллоҳ ибн Махрама (р.а.) *Қурайш қабиласи*нинг Бани Омир ибн Луай уруғига мансуб бўлган. *Саҳоба*лар тарихи ҳақидаги манбаларда онасининг исми турлича келтирилган. Жумладан, Ибн Абдулбарнинг *«Истиъоб»*ида Умму Нуҳайк бинт Сафвон, Ибн Ҳажарнинг *«ал-Исоба»* асарида Баҳнона бинт Сафвон бин Умайя бин Муҳарраб деб зикр қилинган.

А.и.М. Исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган *саҳоба,* Ҳабашистонга *ҳижрат* қилган муҳожирлардан. Тарихчилар унинг Ҳабашистонга *ҳижрат*и ҳақида ихтилоф қилганлар. Ал-Воқидий уни Ҳабашистонга икки бор *ҳижрат* қилган деса, Ибн Исҳоқ нубувватнинг олтинчи йили Жаъфар ибн Абу Толиб (р.а.) б-н *ҳижрат* қилган дейди. Мусо ибн Уқба ва Абу Маъшар ал-Балхийлар уни ҳар икки *ҳижрат*да муҳожирлар орасида зикр қилмаганлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг *«Ислом тарихи»* китобида Ҳабашистонга биринчи *ҳижрат* қилган ўн олти нафар муҳожирлар орасида ҳам А.и.М.нинг исми зикр қилинмаган. Бироқ унинг Ясрибга *ҳижрат* қилгани ва у ерда Кул-

сум ибн ал-Ҳидмнинг уйига тушгани аниқ. Бу вақтда у ўттиз ёшда бўлган.

Пайғамбар (с.а.в.) Ясрибда у ва Фарва ибн Амр ал-Ансорий ал-Баёзий ўртасида биродарлик алоқасини ўрнатадилар. А.и.М. Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Бадр жанги*дан бошлаб барча *ғазот*ларда қатнашган. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин бўлиб ўтган *ридда уруши*да ҳам иштирок этган. Обидлиги б-н танилган А.и.М. Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишни орзу қилган. Унинг бу орзуси қирқ бир ёшида *Ямома жанги*да ушалади.

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) уни жанг майдонида жон бераётган вақтида кўрганида *ифтор* вақти бўлганини сўраб, *рўза*сини очиши учун қалқонида озгина сув келтиришини сўрайди. Аммо, у сувни келтиргунича А.и.М. *рўза*сини очишга улгурмай жон таслим қилади.

Ад.: Ибн Исҳоқ. *Ас-Сийра*. – Работ: 1967. 207; Ал-Воқидий. *Ал-Мағазӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 156, 341; II, 496; Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра*. – Қоҳира: 1955. I, 352; II, 7, 341; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрӑ*. – Байрут: 1968. III, 404; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғӑба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 379; Kemal Sandikçi. *«Abdullah b. Mahreme». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 114; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 670; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. – Т.: «HİLOL-NASHR» 2017. I, 222–223; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/9246; https://ar.wikipedia.org/wiki.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАК

عبد الله بن مبارك

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ
ибн Муборак ал-Ханзалий ал-Марвазий
(736/1337, Марв – 797/1395, Ҳийт)
Муҳаддис, фақиҳ, табаъа тобеъин

Абдуллоҳ ибн Муборак машҳур *муҳаддис*, етук *фақиҳ*, *наҳв* илми билимдони, *зуҳд* ва тақвоси юқори, иймон-эътиқоди, ахлоқ-одоби, ҳожатбарорлиги б-н ном қозонган беназир аллома эди. У ёшлигида ўз она шаҳрида таҳсил олганидан кейин илмини ошириш мақсадида Шарқнинг кўзга кўринган илмий марказларидан Бағдод, Басра, Макка, Мадина, Балх, Бухоро, Самарқанд, Қарши каби ш.ларга сафар қилиб, у ерларда тўрт мингга яқин олимлардан сабоқ олган, ҳадислар тўплаган ва мингга яқин *тобеъин* ва *табаъа тобеъин*лардан ҳадислар ривоят қилган. У ниҳоятда кучли қувваи ҳофизага эга бўлиб, ҳадисларни ишончли ва ишончсизини аниқлаш, *ровий*ларнинг адолатли ҳамда адолатсизини билиш иқтидори б-н замонасининг машҳурларидан саналган.

Алишер Навоий ўзининг *«Насойим ул-муҳаббат»* асарида А.и.М. ҳақида чуқур эҳтиром б-н сўз юритиб, «Они уламонинг шаҳаншоҳи дер эмишлар», деган фикрни айтади. Сўфи Оллоҳёр эса, *«Сабот ул-ожизийн»* асарида унга алоҳида боб бағишлаган. А.и.М. ўз асарларидан бирида «Мен илмни йигирма йил, одоб-ахлоқни эса ўттиз йил ўргандим», дея одоб кишининг зийнати эканига ишора қилган.

А.и.М. кўплаб устозлардан таҳсил олган. Улардан Рабиъ ибн Анас ал-Хуросоний, Маъмар ибн Рашид, Суфён ас-Саврий, Шуъба ибн Ҳажжож, Абдурраҳмон ал-Авзоъий, Суфён ибн Уяйна, Ҳаммод ибн Саламаларни зикр қилиш мумкин.

А.и.М.нинг шогирдлари шу даражада кўпки, уларнинг ҳисобига етиб бўлмайди, чунки ундан жуда кўп кишилар ҳадис ривоят қилганлар. Сувайд ибн Наср ал-Марвазий, Имом ал-Бухорий, Ибн Ҳиббон, Муҳаммад ибн Аъло ал-Марвазий, Абу Бакр ибн Абу Шайбалар шулар жумласидандир.

А.и.М. нафақат буюк *муҳаддис*, балки етук *фақиҳ* ҳам бўлган ва бу борада кўплаб устозлардан таҳсил олган. Улардан Молик ибн Анас ва Абу Ҳанифаларни алоҳида санаб ўтиш жоиз. У Абу Ҳанифанинг илму фазилатини юксак қадрлаб, уни турли айбловлардан ҳимоя қилган.

А.и.М. жуда кўп асарлар таълиф қилган. Жумладан, *«Китӑб ал-арбаъийн ҳадӣсан»*, *«Китӑб ал-истиъзӑн»*, *«Китӑб ал-бирр ва-с-сила»*, *«Китӑб ат-тарӣх»*,



Қарши шаҳри яқинидаги Хўжа Муборак қишлоғидаги Абдуллоҳ ибн Муборакнинг рамзий мақбараси

«Китāб тафсīр ал-Қуръāн», *«Китāб ал-жиҳāд»*, *«Китāб ад-дақāиқ фи-р-рақāиқ»*, *«Китāб риқāъ ал-фатāвā»*, *«Китāб аз-зуҳд ва-р-рақāйқ»*, *«Китāб ал-муснад»*, *«Китāб ас-сунан фи-л-фиққ»* кабиларни санаб ўтиш мумкин. Лекин уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келмаган. Тарих саҳифаларида уларнинг фақатгина номлари қолган, холос. Мавжудларининг қўлёзма нусхалари жаҳондаги йирик фондларда сақланмоқда.

А.и.М.нинг қабри Ироқнинг Ҳийт ш. часида жойлашган бўлса-да, Амир Темур унинг хокини келтириб, Қарши ш. яқинидаги Хўжа Муборак қишлоғида рамзий мақбара барпо этган. Мустақиллик йилларида мазкур мақбара қайта таъмирланиб, обод зиёратгоҳга айлантирилган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Лондон: 1912; Ибн Халликон. *Вафайāт.* – Қоҳира: 1367; Ибн Ҳажар. *Таҳзīб ат-таҳзīб.* – Байрут: «Муассаса ар-рисола»; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Байрут: «Дор ал-ъилм». 1979; Аз-Заҳабий. *Мīзāн ал-иътидāл.* – Байрут: «Дор ал-маърифа». 1965; ўша муал. *Сийар.* – Байрут: «Муассаса ар-рисола»; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* – Истанбул: 1941; Муҳаммад Усмон Жамол. *Буюк донишманд.* – Самарқанд: «Имом ал-Бухорий халқаро маркази», 2009.

Убайдулла Уватов

АБДУЛЛОҲ ИБН МУНИР

عبد الله بن منير

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Мунир ал-Марвазий (? – 241/856, Фирабр)

Ҳадис ҳофизи

Манбаларда замонасининг имом-пешвоси, ҳадисга бой, сўз ва ривоятлари ишончли ҳофиз Абдуллоҳ ибн Мунирнинг таваллуд санаси ҳақида маълумот мавжуд эмас. Фирабрда яшаган ва шу ерда вафот этган. Олимнинг вафот санаси сифатида юқоридагидан ташқари 243 й. рабиъул-охир/857 й. июль-авг. ойлари ҳам кўрсатилган.

А.и.М. илм талабида юрт кезиб, ҳадис эшитган. Назр ибн Шумайл, Абдурразоқ, Язид ибн Ҳорун, Саъид ибн Омир, Абдуллоҳ ибн Бакр ас-Саҳмий, Ваҳб ибн Жарир, Абу Назр, Ашҳал ибн Ҳотим, Али ибн ал-Ҳасан ибн Шафиқ, Язид ибн Абу Ҳаким ва уларнинг сафдошларидан ҳадис ривоят қилган.

Ўз навбатида, А.и.М.дан Имом ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, ан-Насоий, Исроил ибн Самайдаъ, Абдон ибн Муҳаммад ал-Марвазий, Ҳубайра ибн ал-Ҳасан

ал-Бағавий, Яҳё ибн Бадр ал-Қураший ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Имом ан-Насоий А.и.М.ни *сиқа* (сўз ва ривоятлари ишончли) деган.

Ал-Фирабрий айтади: «Дўстларимиздан бири Имом ал-Бухорийнинг: «Абдуллоҳ ибн Мунирдек шахсни кўрмадим», деганини эшитган экан».

Ибн Ҳиббон А.и.М.ни ўзининг *«Ас-Сиқāт»* асарида номлари зикр қилинган ҳадис ҳофизлари қаторида санаган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* 1985. XII, 611; Ибн Ҳажар. *Таҳзīб ат-таҳзīб.* «Доира ал-маъориф ан-низомийя», 1910. VI, 43; Ал-Бухорий. *Ат-Тарūх ал-кабūр.* – Ҳайдаробод: «Доира ал-маъориф ал-усмонийя». V, 212; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 45.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛЛОҲ ИБН МУОВИЯ

عبد الله بن معاوية

Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб (? – 129/746-47, ?)

Жаноҳийя ҳаракати етакчиси

Жаъфари Тайёр ўғлининг набираси бўлиб, *жаноҳийя* ҳаракатининг етакчиси, *алавийлар* раиси. Таваллуди ва ҳаётининг илк йиллари ҳақида манбаларда етарли маълумот берилмаган. Аммо шеър ёзиш б-н шуғулланган, ўз даврининг машҳур шоирларидан саналгани маълум. 744 й.нинг кузига яқин Куфага борган, волий Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдулазизнинг эътиборига тушиб, у томонидан моддий жиҳатдан таъминланган. Бу даврда *умавийлар* тахтида ўзгариш бўлади, ўлган халифа Язид III нинг ўрнига Иброҳим ибн Валид ўтиради. Аммо Марвон ибн Муҳаммад уни тан олмай исён бошлайди. Мазкур мураккаб вазиятда ўз бошига кулфат тушишидан хавотирланган волий, Абдуллоҳ ибн Муовияни ҳибсга олади. Лекин Марвондан ҳам қувват олиш ниятида унинг моддий таъминотини камайтирмайди. Куфа *шиа*лари халифаликка *умавийлар*га нисбатан *ҳошимийлар* муносиброқ эканини айтиб, уни исён қилишга тарғиб қилишади. А.и.М. 744 й. окт.ида исён бошлайди. У атрофида дастлаб Муғийра ибн Саъид бошчилигидаги кичик гуруҳга ва *зайдийлар*дан ташкил топган кўпчилик тарафдорларга эга бўлади. Бу исённинг асл сабабини Али (к.в.)нинг набираси Абу Ҳошимнинг ўлимидан кейин юзага чиққан воқеаларга боғлаганлар ҳам бор. Зеро, Абу Ҳошимнинг ўлимидан кейин унга алоқадор бўлганларнинг бир қисми имомлик даъвосида бўлган эдилар. Улардан айримлари Абу Ҳошимнинг, имомликни Абдуллоҳ ибн Аббоснинг набираси Муҳаммадга, бошқалари акасининг ўғли Ҳасан ибн Алига, яна бошқалари эса, Абдуллоҳ ибн Амр ал-Киндийга васият этганини даъво қилганлар.

Ҳатто, бу охирги имомга ишонганлар Абу Ҳошимдаги илоҳий руҳнинг унга ўтганини айтишади. Бироқ Абдуллоҳ ибн Амр ўзига тарафдор бўлганлардан *байъат* олмаган эди. Маълум вақтдан сўнг, унга тобе бўлиб кўринганларнинг катта қисми уни хиёнатда айблаб, ундан узоқлашадилар. Улар ўзларига бошқа имом қидира бошлайдилар. А.и.М.нинг сиёсий ҳаёти мана шу гуруҳ б-н келишиб, ўзини имом деб эълон қилиши б-н бошланган. Воқеаларнинг ривожланиши б-н волий исёнчиларга қарши юриш бошлаганда А.и.М. ва унинг тарафдорлари жанг майдонини тарк этиб, Куфадаги ички қалъага яширинадилар.

Кейинчалик шаҳарни тарк этиш шарти б-н уларга омонлик берилади. А.и.М. яқинлари б-н бирга Эронга юриш қилиб, аввал Исфаҳонни, кейин эса Истахр, Жибол, Кирмон, Хузистон ва Кумисни қўлга киритади. Унинг тарафдорлари орасида араб бўлмаганлар б-н бирга, Шайбон ибн Абдулазиз бошчилигидаги *хорижийлар,* Абу-л-Аббос ас-Саффоҳ, Абу Жаъфар ал-Мансур ва Исо ибн Али каби *аббосийлар*, Умар ибн Суҳайл ибн Абдуллоҳ ва Сулаймон ибн Ҳишом сингари *умавий* етакчилари бор эди.

Улар умумий душманлари ҳисобланган Марвонга қарши бирлашган эдилар. А.и.М. бу кучлар ёрдами б-н ҳудудда ўз ҳокимиятини кучайтиради, ўз номидан пул зарб қилдиради. Марвон халифалик мақомини олгач, ҳокимиятни қўлга олиши б-н қўмондонлардан Омир ибн Зуборани унга қарши жўнатади. Жангда мағлуб бўлган А.и.М. Хуросонга қочади (129/746-47 й.). А.и.М. бу ерда *аббосийлар* номидан фаолият олиб бораётган Абу Муслимдан ёрдам олишига ишонган эди. Аммо кутилгандек бўлиб чиқмайди. Абу Муслим уни ҳибсга олади, бир оз вақт ўтиб А.и.М. ўлдирилади. *Мўъта жанги*даги фидокорлиги сабабли Пайғамбар (с.а.в.) томонидан *Зулжанаҳайн* лақаби берилган Жаъфари Тайёрнинг лақабига нисбат берилиб, А.и.М.нинг атрофига йиғилган ва уни имом деб тан олганларга *жаноҳийя* дейилган. Бу гуруҳнинг эътиқодига кўра, илоҳий руҳ *Одам* (а.с.)дан бошлаб жами пайғамбарларга ўтиб келган, Пайғамбар (с.а.в.) дан Али (к.в.)га, ундан эса уч ўғли (Ҳасан, Ҳусайн, Муҳаммад (р.а.)га ўтган. Ниҳоясида А.и.М.га етиб келган. Шундай қилиб, илоҳийлик ва пайғамбарлик кучи А.и.М.да мужассамлашган. Бу гуруҳ А.и.М.ни ўз тарафдорларига *ғайб*ни билишини айтганини ва «Илм менинг қалбимда қўзиқоринлаб, ям-яшил ўтлардек ўсмоқда», деганини даъво қилишади. *Жаноҳийя*га мансубларнинг *таносух*га ишонганлари, *қиёмат, жаннат* ва *жаҳаннам*ни инкор қилганлари, ҳаром нарсаларни ҳалол деб қабул қилганлари, ибодатларни эса Али (к.в.) оиласидан айримларга боғлаганлари айтилади. Аммо А.и.М.га тобе бўлган гуруҳнинг у ҳаётлигида бу каби Исломдан ташқари бўлган тушунчалар ва хатти-ҳаракатларни амалга оширганларини, унинг ўзи ҳам буларни маъқуллаганини исботловчи аниқ далиллар мавжуд эмас.

А.и.М. тарафдорлари унинг вафотидан кейин ҳам ҳаётда қолгани ёки ўлса-да, руҳи *ҳорисийя*нинг раиси Исҳоқ ибн Зайд ибн Ҳорис ал-Ансорийга ўтганини даъво қилганлар.

Ад.: Ибн Қутайба. *Ал-Маъариф.* – Қоҳира: 1960. 207; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Лейден: 1879–1901. II, 1879–1887, 1902, 1947–1948, 1976–1981; Абу-л-Фараж. *Ал-Ағани.* – Қоҳира: 1868. XII, 225–231; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил.* –Лейден: 1851–76. V, 324–327, 370–373; K. V. Zetterstéen. *«Abdullah». İA.* I, 35–36; D. M. Dunlop. *«Abdallah b. Moavıa». EIr.*, I. 183–184; Ethem Ruhi Fiğlali. «*Abdullah b. Muâviye*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 118–119.

Адҳам Руҳий Фиғлолий

АБДУЛЛОҲ ИБН МУСЪАБ

عبد الله بن مصعب

Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Мусъаб ибн Собит ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр (тахм.114/732, ? – 184/800, Раққа)

Волий, шоир ва муҳаддис

*Ашараи мубашшара*лардан бўлган Зубайр ибн Аввом (р.а.)нинг набираларидан бири. Отаси Мусъаб зоҳидлиги ва тақводорлиги б-н машҳур бўлган *муҳаддис*дир. Абдуллоҳ ибн Мусъаб «Оид ал-калб» лақаби б-н ҳам танилган. «Кучук зиёратчиси» маъносини англатувчи бу лақаб б-н чақирилишига, беморлигида зиёратига келмаган дўстига «Кучугинг ҳам касал бўлганида йўқлашни канда қилмадим», деб ёзган шеъри сабаб бўлган. Мусо ибн Уқба, Ҳишом ибн Урва ва Абу Ҳозим Салама ибн Динорлардан ҳадис ривоят қилган. Ривоят қилган ҳадисларини ёзмай, ёдлаш б-н чеклангани учун Яҳё ибн Маъйин унга унчалик эътимод қилмаган. Аммо Имом ал-Бухорий ва Ибн Абу Ҳотимлар уни танқид қилмаганлар. Ҳасан (р.а.) нинг набираси, «Ан-Нафс аз-закийя» номи б-н танилган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (ваф. 145/762 й.) олдин *умавийлар*га, кейинроқ *аббосийлар*га қарши курашга киришганида А.и.М. ҳам шеърлари б-н ушбу курашда қатнашади. Отаси ва яқинлари, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ б-н бирга ҳалок бўладилар. У халифа Мансур вазиятни тўлиқ назорат

остига олиб, зиддиятларни бартараф қилгунига қадар яшириниб олгани сабабли ўлимдан қутулиб қолади.

Шоирлиги б-н бирга кучли нотиқ бўлгани учун *аббосий* халифаларидан Маҳдийнинг эътиборига тушади ва хос маслаҳатчиларидан бирига айланади. Шу боис унга Ямома волийлиги берилади (784 й.). Бироқ волийликдан кўра, у халифа суҳбатларида иштирок этишни афзал кўради ва қисқа муддат ўтгач яна саройга қайтади. Кейинчалик Ҳодий ва Ҳорун ар-Рашидларга ҳам *надим* бўлади. Ҳорун ар-Рашид Мадинага волий бўлишига ундайвергач, А.и.М. ўзига буюриладиган амрлардан хоҳлаганини бажариш шарти б-н рози бўлади. Кетидан Яман волийлиги ҳам зиммасига юклатилади. Ибн Касир ҳам таъкидлаганидек, ушбу вазифани адолат б-н юритишига қарамай, зиммасига оғир масъулиятлар олишни ёқтирмаган, табиатан бебош ва эркин бўлишни хушлаган киши бўлгани учун А.и.М. такрор Ҳорун ар-Рашид ёнига қайтади. Халифа ҳузурида турли одамлар, хусусан, Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг курашини давом эттиргани учун қамоққа олинган укаси Яҳё ибн Абдуллоҳ б-н баҳслашади. Халифаларнинг унга ҳурмат кўрсатишлари ва уларга яқинлиги сабабли ғурурланиб, баъзи-баъзида *умавийлар* ҳамда Умар (р.а.) ва Али (к.в.) авлодларини ранжитадиган шеърлар айтгани, шу боис улар ҳам унинг насабига тил теккизишгани, натижада ўзи ноқулай вазиятда қолгани ҳақида ривоятлар бор. Шунингдек, Али (к.в.)нинг ҳурматини жойига қўйгани ва *қурайш*ликлар б-н яхши муносабатда бўлгани ҳақида ҳам ривоятлар мавжуд. Айрим манбаларда келтирилган Бағдоддаги халифа саройида мадиналикларнинг тарафини олгани учун Имом Молик ибн Анас А.и.М.ни «муборак», деб мақтагани, Имом аш-Шофеъийнинг яқин дўсти бўлгани ҳақидаги ривоятлар унинг ижобий томонларини намоён этади.

А.и.М. Ҳорун ар-Рашид б-н сафардалик вақтида, 184 й.нинг рабиъул-аввал ойида, тахминан, етмиш ёшида вафот этган. Ўғилларидан бири *«Китāб насаб Қурайш»* асари муаллифи Мусъаб, иккинчиси эса, Мадинада икки йил волийлик қилган Баккордир.

А.и.М.нинг турли асарларда тарқоқ ҳолда учрайдиган шеърларини жамлаган бир девони борлиги ҳақида сўз юритилса-да, бу девон бугунги кунимизга қадар етиб келмаган. Шу боис аслида А.и.М.нинг қаламига мансуб бўлиб, бошқа шоирларга нисбат қилинган шеърлар, деган гапларга ойдинлик киритишнинг имкони йўқ.

Ад.: Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш*. – Қоҳира: 1982. 242; Абу-л-Фараж. *Мақāтил ат-тāлибиййин*. – Байрут: «Дор ал-маърифа». 285, 286, 306, 307, 472–479; Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист*. – Теҳрон: 1971. 184; Хатиб ал-Бағдодий. *Тарйх Бағдад*. – Қоҳира: 1931. X, 173–176; Аз-Заҳабий. *Сийар*. VIII, 517; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа*. – Қоҳира: 1932–39. X, 185; Ибн Ҳажар. *Лисāн ал-мйзāн* – Байрут: 1971. III, 361–362; Sezgin. *GAS*. II, 647–648; M. Yaşar Kandemir. «*Abdullah b. Mus'ab*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 121–122.

М. Яшар Кандемир

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-МУТЕЪ

عبد الله بن المطيع

Абдуллоҳ ибн ал-Мутеъ ибн ал-Асвад ибн Ҳориса ибн Назла ибн Авф ибн Убайд ибн Адий ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ал-Маданий ал-Қураший ал-Адавий (?, Мадина – 74/693, Макка)

Тобеъин

Илк сиёсий фаолиятини Муовия даврида бошлаган Абдуллоҳ ибн ал-Мутеъ (р.а.) халифанинг Зиёдни Мадинага волий этиб тайинлашига қарши чиққан. Унинг бу ишидан *умавийлар* тарафдорлари норози бўлганлар. Шу боис оғир айблов ва ҳақоратларга учраган. Язид ибн Муовияга *байъат* қилдириш масаласи муҳокама қилинаётганда А.и.ал-М. халқни ғалаёнга бошлашидан

хавотирланиб, Мадинада қамоққа олинади, аммо Абдуллоҳ ибн Умар бошчилигидаги *Адий қабиласи* аъзоларининг жиддий эътирози туфайли қўйиб юборилади.

А.и.ал-М. Ҳусайн (р.а.)ни Куфага боришдан воз кечиришга уринган бўлса-да, ижобий натижага эриша олмаган. Язиднинг халифалигидан норози бўлиб, Мадинани тарк этишга қарор қилади. Бироқ, Ибн Умар бирорта халифага *байъат* қилмай ўлганлар жаҳолатда дунёни тарк этган ҳисобланишини таъкидланган ҳадисни эслатгани сабабли, Мадинада қолади ва Язидга қарши иш олиб боришда давом этади. Халқнинг бир қисмини Маккада халифалигини эълон қилган Абдуллоҳ ибн Зубайрга *байъат* қилишларини таъминлаган. *Ҳарра воқеаси*да *умавийлар*га қарши жанг қилган (683 й.). А.и.ал-М.нинг Мадинани мудофаа қилиш пайтида халқни шижоатлантириш учун айтган хутбаси машҳурдир. *Умавийлар* Мадинани қўлга киритгач, А.и.ал-М. Ибн Зубайрнинг ёнига бориб, Маккани қуршаб олган қўшинга қарши курашади. 65/684-85 й. Ибн Зубайр томонидан Куфага волий этиб тайинланади. Куфа халқини Ибн Зубайрга қайраб, Муҳаммад ибн Ҳанафийяга *байъат* қилишга чорлаган Мухтор ас-Сақафийнинг фаолияти ва ўзи тайинлаган амири-шуртанинг хиёнатидан хавотирлангач, Маккага қайтади (66/685-86 й.). А.и.ал-М. Ҳажжож ибн Юсуф Маккани қуршовга олган вақтда яраланиб, Ибн Зубайрдан бир оз олдинроқ вафот этган. Отаси орқали ривоят қилган ягона ҳадиси Имом Муслимнинг *«Саҳиҳ»*и, Имом ад-Доримийнинг *«Сунан»*и ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Мусна̄д»*ида зикр қилинган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақа̄т ал-кубра̄*. – Байрут: 1968. V, 144–149; Халифа ибн Хайёт. *Ат-Табақа̄т*. – Дамашқ: 1966–67. II, 589; ўша муал. *Тарӣх*. – Дамашқ: 1967–68. 289–290, 342; Ибн Қутайба. *Ал-Маъа̄риф*. – Қоҳира: 1960. 395; Ал-Балозурий. *Ансаб ал-ашра̄ф*. – Байрут: 1979. I, 16, 276, 301–302, 307, 310, 319, 321, 324, 328, 333, 350, 352, 353, 441; Ат-Табарий. *Тарӣх*. – Лейден: 1879–1901. II, 232–233, 289–290, 404–405, 413, 529, 598, 601–606, 609, 614, 617–621, 624, 634; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. – Қоҳира: 1285–87. III, 262; Ибн Ҳажар. *Ал-Иса̄ба*. – Қоҳира: 1970–72. V, 25–27; K. V. Zettersteen. «*Abdullah*». *İA*. I, 38; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Mutî'*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 122.

Мустафо Файда

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-МУЪТАЗЗ

عبد الله بن المعتز

Абу-л-Аббос Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз (247/861, Сомарро – 296/908, Бағдод)

Олим ва жамоат арбоби

Аббосийлар сулоласининг бўғини сифатида тилга олинса ҳам, халифа Муътамид даврида саройга яқинлашган ва атиги бир кун (908 й., дек.) халифалик қилгани учун ҳатто сулолада номи кўрсатилмайди. Бироқ «соҳиби девон» шоир сифатида кўплаб тазкира ва баёзларда ҳурмат б-н тилга олинган, эпик шеъриятда тарихий достон жанрининг асосчиси сифатида кўрсатилган. Абдуллоҳ ибн ал-Муътаззнинг *«Китаб ал-а̄да̄б»*, *«Табашир ас-сурӯр»* («Шодлик тонги»), *«Ашъа̄р ал-мулӯк»* («Подшоҳларнинг шеърлари»), *«Китаб ал-бадӣъ»* («Бадиият китоби»), *«Ал-Жа̄миъ фи-л-ғина̄»* («Оҳанглар тўплами»), *«Китаб ал-жава̄риҳ ва-с-сайд»* («Йиртқич қушлар ва ов китоби»), *«Ҳалл ал-ахба̄р»* («Хабарлар зийнати»), *«Китаб аз-заҳра ва-р-рийа̄з»* («Гуллар ва боғлар китоби»), *«Китаб ас-суруқа̄т»* («Адабий ўғриликлар китоби»), *«Табақа̄т аш-шуъара̄»* («Шоирларнинг табақалари»), *«Мука̄табат ал-ихва̄н би-ш-шиър»* («Дўстларнинг шеърий ёзишмалари») каби асарлари маълум ва машҳур. Араб олимларидан Шарафуддин Муборак ибн Аҳмад ал-Муставфий, Абу Закариё ат-Табризий, Абдулқодир ал-Бағдодий, Халил Асокир, Абу Ҳайён ат-Тавҳидий, Ибн Рошиқ, Абу-л-Фараж ал-Исфаҳоний, Жалолуддин ас-Сую-



Абдуллоҳ ибн ал-Муътаззнинг *«Китоб ал-бадиъ»* асари нашри

тий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн Халликон, Ҳожи Халифа ўз асарларида А.и.ал-М.ни «устози аввал» деб зикр қилганлар.

«Китоб ал-бадиъ» («Бадиият китоби») бадиий санъатларнинг дастлабки 12 тури ҳақида илк муфассал маълумот берувчи асар, беш бобда мутлақ янги маҳосин (гўзал санъат турлари) баён қилинган. А.и.ал-М.нинг ушбу асари 887–888 й.ларда ёзилган, биринчи котиби муаллифнинг дўсти олим Али Мунажжимдир. Китоб 1935 й. Лондонда факсимиле, таржима ва тадқиқот ҳолида И.Ю.Крачковский муаллифлигида илк бор нашр этилган.

Ад.: Ибн Муътазз. *Китобул-бадеъ.* / Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ. Болтабоев талқинида. – Т.: 2008. 234– 244; И.Ю. Крачковский. *Ибн ал-Муътазз. Китаб ал-бади'* / Избранные сочинения. T.VI. – М.-Л.: 1960. 97–178, 179–257; В. Каскель. *Китаб ал-бади' и ее место в арабской поэтике и риторике / Арабская средневековая культура и лит-ра.* – М.: «Наука», 1978; А.Б. Куделин. *Средневековая арабская поэтика.* – М.: «Наука», 1983.

Ҳамидулла Болтабоев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-МУҚАФФАЪ
عبد الله بن المقفع

(қ. ИБН ал-МУҚАФФАЪ)

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҚРИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ
عبد الله بن مقري السمرقندي

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муқрий Муҳаққиқ Аҳмад ибн Умар ибн Абу Ашъас ибн ас-Самарқандий (444/1052, Дамашқ – 1122, Бағдод)

Шайх, имом, муҳаддис ва ҳофиз

Абдуллоҳ ибн Муқрий ас-Самарқандий Дамашқда туғилиб, ўша ерда вояга етган. Муҳаддис Исмоил ибн ас-Самарқандийнинг акаси бўлиб, у луғат олимларидан эди. Дамашқда Абу Бакр ал-Хатиб, Абдулазиз ал-Каттоний, Абу Наср ибн Туллоб, Нишопурда Фазл ибн Муҳибдан, Исфаҳонда Абу Мансур ибн Шукрвайҳдан таълим олиб, улардан ҳадис ривоят қилган. Ҳадис илми б-н қизиққан ва ўзи учун қомус тайёрлаб олган.

А.и.М.ас-С. шунингдек, Дамашқда Абдуддоим ал-Ҳилолийдан, Бағдодда Абул-Ҳусайн ибн Наққур, ас-Сарифийний ва б. *муҳаддис*лардан, Бушанжда Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Афийфдан, Марвда Али ибн Муса ал-Мусавийдан, Журжонда Комил ибн Иброҳим ал-Хандақийдан, Нишопурда ал-Фазл ибн Муҳиб ва б. бир неча *муҳаддис*лардан ҳадис эшитган.

А.и.М.ас-С. ҳадис илми б-н танилиб, кўп асар ёзган. Ҳадисларни ишонч, қизиқиш б-н ривоят қилган. Диндор ва адабиёт билимдонларидан бўлган. Низомул-мулкка ўз санадлари б-н ҳадис ўқиб берган.

А.и.М.ас-С.дан ас-Силафий ҳадис ривоят қилган ва: «Аллома фозил, олим, ишончли бўлиб, араб тилида сўзга уста эди. Уни қойилмақом қилиб ўқир ва ҳаммани ҳайратда қолдирар эди», деган.

Отаси *қироат* илмида Абу Али ал-Аҳвозийнинг етук шогирдларидан бўлган. Ибн Нажжор айтган: «Абу Муҳаммад чиройли ва бехато ёзар, қувваи ҳофиза ва ишончлиликда васф қилинган эди. У кишидан акаси, қизи Уммул-Ҳа-

сан Камол(а) бинт Абдуллоҳ ибн Аҳмад ас-Самарқандий, Ибн Носир, Ҳибатуллоҳ ибн Мукаррам ва шайхларимиз Зокир ибн Комил ҳамда Яҳё ибн Бавшлар ҳадис ривоят қилганлар».

Абдулғофирнинг *«Ас-Сийāқ»* китобида: «Абу Муҳаммад ас-Самарқандий фозил, ҳофиз, ўткир хотирали, руҳи енгил йигит эди». Китобнинг бошқа бир ўрнида: «Замонасининг ҳофизи эди», дейилган.

Ас.: *«Муъжам»*.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. XIX, 465; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 2009. VI, 29; Ибн Касир. *Ал-Бидайа.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 1988. 236; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* IV, 41. *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 310–311.

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҒАФФАЛ

عبد الله بن مغفل

Абу Саъид Абдуллоҳ
ибн Муғаффал ал-Музаний
(? – 59/679, Басра)
Саҳоба

Баъзи манбаларда куняси Абу Абдурраҳмон, Абу Зайёд деб ҳам келтирилади. Ҳиж. саккизинчи сана *Ҳудайбия* куни *Ризвон байъати*да қатнашган *саҳоба*лардан бири. Мадинада яшаган, сўнг Басрага кўчиб ўтиб, ўша ерда истиқомат қилган. Абдуллоҳ ибн Муғаффал (р.а.) Умар ибн Хаттоб (р.а.) томонидан Ислом динини ўргатиш учун Басрага юборилган ўн кишидан бири бўлган.

*Табук жанги*дан олдин фақир бўлганлигидан минадиган улов топа олмагани учун Пайғамбар (с.а.в.)га мурожаат қилганида, Ул Зот (с.а.в.) ҳам уни бирор улов б-н таъминлай олмаганлар. Шу сабабли қўшинга қўшила олмаслигидан хафа бўлиб, кўз ёши тўкиб, нола қилган. Бундай самимияти сабаб у эътибор қозонган. «*Тавба*» *сураси*нинг 92-ояти нозил бўлишига сабаб бўлган *саҳоба*лардан бири.

А.и.М. *Ризвон байъати*да тагида *байъат* этилаётган дарахт шохини кўтариб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг сояланишларини таъминлаган. А.и.М.дан қирқ учта ҳадис ривоят қилинган. Улардан олтитаси *саҳиҳ* ҳадислар қаторидан жой олган. Ундан Ҳасан ал-Басрий, Муовия ибн Курра, Собит ал-Буноний ва Абу-л-Олия каби машҳур олимлар ҳадис ривоят қилганлар. Тустарни *фатҳ* этишда шаҳарга илк кирган А.и.М. Басрага муаллим қилиб тайинланган ва шу ерда яшаб, вафот этган. Васиятига биноан жаноза *намоз*ини Абу Барза ал-Асламий ўқиган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ.* – Лондон: 1965–66. I, 994, 1036; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. VII, 13–14; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 398–399; Аз-Заҳабий. *Сийар.* II, 483–485; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 372.

Тузувчи Жамолиддин Каримов

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД ИБН МУНОЗИЛ

عبد الله بن محمد بن منازل

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ
ибн Мунозил ан-Найсобурий
(? – 330/941-42, Нишопур)
Маломийлар намояндаси

Ҳиж. 4-асрда яшаган *аҳли сунна вал-жамоа* уламоларидан ҳамда *тасаввуф* намояндаларидан бири. Илк диний билимларини ўспиринлик даврида олган. Хусусан, ҳадис илмини ўрганган. Кейинроқ *тасаввуф*га ўтган. Манбалар унинг *маломатийлар*нинг пири Ҳамдун ал-Қассорнинг энг машҳур *мурид*и бўлганини тасдиқлайди. Шаъроний ва Муновийлар ўз шайхларидан кейин Хуросон-Нишопур минтақасининг энг нуфузли *сўфий*си бўлган Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Мунозилни *маломатий* шайхи сифатида эътироф этганлар. Нишопурда вафот этган. Қабри Анбордаги «*Биродарлик қабристони*»да.

А.и.М.и.М. *тасаввуфий* тушунчасининг энг асосий хусусияти маломийлик-машраб эканидир. Ҳамдун ал-Қассор бошлаб берган бу тушунча унинг ғоялари, қарашлари ва қарорлари б-н янада равнақ топган. Ал-Қушайрий *«Ар-Рисāла»* асарида *маломатийя* атамасига жой ажратмаган бўлса-да, исмлари зикр қилинган бу икки шахснинг *маломатий* бўлганини маълум қилади.

А.и.М.и.М. «Касб ва ғайрат б-н бирга Аллоҳга таваккул, касбсиз хилватдан афзалдир», деб ички дунёси ва дарвешлигини махфий тутиш учун тирикчилик ишларига шўнғиб кетувчи ҳамда жамият б-н аралашиб юрувчи *маломийлар*нинг бу борадаги асосий қарашларига эътиборини қаратади. Унинг фикрича, ўзини кучсиз ҳисоблаб, *тасаввуф* йўлига кирган шахс қувватланади, ўзини кучли ҳисоблаган эса, заифлашади. А.и.М.и.М. нафснинг истакларини жиловлаш учун ҳатто тиланчилик қилишни ҳам тавсия қилиб, ҳар бир воқеага илоҳий қонун нуқтаи назаридан ёндашади ва ориф кишининг ҳеч бир иши ғариб саналмаслиги кераклигини айтган. Дуо қилмагани ва ҳеч кимдан ўзининг ҳаққига дуо қилишини сўрамаганини айтиб, бу иши б-н розилик ва таслимият намунасини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Ад.: Ал-Қушайрий. *Ар-Рисāла.* – Қоҳира: 1972–74. 163; Аттор. *Тазкират ул-авлиё.* – Лейден: 1905–1907. II, 107; Аш-Шаъроний. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Қоҳира: 1954. I, 107; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос». II, 330. Mustafa Kara. «*Abdullah b. Muhammed b. Münāzil*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 120–121.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД ИБН АЛ-ҲАНАФИЙЯ

عبد الله بن محمد بن الحنفية

(қ. АБУ ҲОШИМ, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад)

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД ИБН ҲУМАЙД

عبد الله بن محمد بن حميد

(қ. ИБН АБУ-л-АСВАД)

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АЛ-КАЛОБОЗИЙ

عبد الله بن محمد الكلاباذي

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ибн ал-Халил ал-Бухорий ас-Субазмуний ал-Калобозий (258/02.872, ? – 340/9.03.952, Бухоро)

Ҳанафий фақиҳи, муҳаддис, тарихчи

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Калобозий ўз даврида *ҳанафий мазҳаби фиққ*ида кўзга кўринган *фақиҳ*, ҳадисшунослик, тилшунослик ва тарих илмлари билимдони, сайёҳ бўлган. Абдуллоҳ ал-Устоз номи б-н танилган. Олим *сомонийлар*дан Исмоил ибн Аҳмад саройида *фақиҳлик* қилиб, турли *фиққий* масалаларни ҳал қилгани боис мазкур унвонга эришган. А.и.М.ал-К.ни ас-Субазмуний деб туғилган, ал-Калобозий деб эса, яшаган жойига нисбат берганлар.

А.и.М.ал-К. 258 й. рабиъул-охир ойининг боши/872 й. фев. ойи охирлари, чоршанба кечаси таваллуд топган бўлиб, 340 й. 5 шаввол/952 й. 9 март, жума кечаси Бухорода, 82 ёшида вафот этган.

А.и.М.ал-К. ўзининг машҳур «*Кашф ал-асāр*» асарида жуда кўп *ровий*лардан ривоят қилган бўлиб, улар сони уч юздан ошади. Илм талабида Ироқ, Хуросон ва Ҳижоз диёрларига сафар қилиб, Абу Касир Сайф ибн Ҳафс ас-Самарқандий, Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ас-Сикижкасий, Абу Солиҳ Халаф ибн Омир ал-Бухорий, Абу-л-Мавжа Муҳаммад ибн ал-Мавжа ал-Марвазий, Яҳё ал-Марвазий, Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бажалий, ал-Фазл ибн Муҳаммад аш-Шаъроний, ал-Ҳусайн ибн ал-Фазл ал-Бажалий, Муҳаммад ибн Язид ал-Калобозий, Убайдуллоҳ ибн Восил, Саҳл ибн Мутаваккил, Ҳамдувайҳ ибн ал-Хаттоб, Али ибн ал-Ҳусайн ар-Ро-

зий, Мусо ибн Ҳорун ал-Ҳофиз, Муҳаммад ибн Али ибн Зайд ва б.лардан ҳадис ривоят қилган. Абу Ҳафс Нажмуддин ан-Насафий «*Ал-Қанд фӣ зикр ъулама Самарқанд*» номли асарида олимнинг Саҳл ибн ал-Мутаваккилдан ривоят қилган ҳадисини келтирган.

Ўз навбатида, А.и.М.ал-К.дан Абу Наср Аҳмад ал-Калобозий, Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суррий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Жиъобий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Коғазий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Ҳофиз ал-Исфаҳоний ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Бакр ал-Хатиб ал-Ҳофизнинг айтишича, олим ўз асарларида *«ажиб»*, *«мункар»* ва *«ғариб»* ҳадисларни тўплаган, *«мавзуъ»* ҳадисларни эса ҳужжат сифатида тан олмаган.

Тарихчилардан Абу Саъд ас-Самъоний ва Ибн Имодлар Абу Зуръа ар-Розийдан ас-Субазмуний ҳадишунослиқда ривоятлари *заиф* (кучсиз) олим бўлганини, ал-Ҳоким Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиздан эса бунинг акси – у ишончли *ровий*лардан бўлганини нақл қилганлар.

Шамсуддин аз-Заҳабий олим Имом Абу Ҳанифанинг *«Муснад»* асарини тўпловчиси бўлганини зикр қилади. Ҳожи Халифа бу асарни ўн беш нафар уламолар жамлаганини айта туриб, уларнинг аввалида ал-Устоз ал-Бухорий, деб А.и.М.ал-К.



Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Калобозийнинг «*Кашф ал-асар*» асари қўлёзмаси нусхаси. ЎзР ФА ШИ, инв. рақам 3105

номини келтиради. А.и.М.ал-К.нинг мазкур асари бизгача етиб келган ва дунёнинг китоб хазиналарида сақланади. Шунингдек, унинг «*Кашф ал-асар аш-шарифа*» асарининг қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида 3105 рақами остида сақланади.

Ас.: «*Кашф ал-асар аш-шарифа*», «*Муснад*».

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: 1906. VII, 269; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. I, 129; III, 213; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффаз.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 1956. III, 854; Ибн ал-Имод. *Шазарат аз-заҳаб.* – Дамашқ–Байрут: «Дор Ибн Касир», 1991. IV, 219; Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музийя.* – Кароташ: «Мактаба Мир Муҳаммад». I, 290; II, 360; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун.* – Миср: «Дор Саъода», 1893–1894. II, 432; F. Sezgin. *GAS.* – Leiden: «Brill», 1967. I, 415; Нажмуддин ан-Насафий. *Самарқандия.* – Т: «ЎзМЭ ДИН», 2007. 72–73; Д. Муродов. *Абдуллоҳ ас-Субазмуний // Буюк юрт алломалари.* – Т.: «Ўзбекистон», 2016. 203.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АН-НУФАЙЛИЙ

عبد الله بن محمد النفيلي

(қ. АБУ ЖАЪФАР ан-НУФАЙЛИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АС-САМАРҚАНДИЙ

عبد الله بن محمد السمرقندي

Рукнуддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Ҳанафий (? – 701/1302, ?)

Ҳанафий фақиҳи

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг ҳаёт ва фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. У ҳақда ягона маълумот Умар Ризо Каҳҳоланинг *«Муъжам ал-муаллифин»* асарида келтирилган.

А.и.М.ас-С.нинг қаламига мансуб *фиқҳ*га оид *«Жамиъ ал-усул фи-л-фиқҳ»* асарининг ягона қўлёзма нусхаси Қувайтдаги «Қўлёзмалар» кутубхонасида 1135 рақами остида сақланмоқда.

Ад.: Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифин.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос ал-ъарабий». 2009. VI, 121.

АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АЛ-ҒУБДИНИЙ

عبد الله بن محمد الغوبدينى

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Хотим ал-Ғубдиний ал-Котиб (?, Ғубдин – 420/1029, Бухоро)

Муҳаддис

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний Уструшананинг «Ғубдин» қишлоғида таваллуд топиб, ота-онаси б-н ёшлик чоғида Бухорога кўчиб боради ва шу ерда муқим яшаб қолади. А.и.М.ал-Ғ. хат-саводини Бухорода чиқариб, етук муҳаддис даражасига кўтарилади.

А.и.М.ал-Ғ. ҳадисларни Ибн Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил Хайём, Абу Саъид Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собирлардан ривоят қилган. А.и.М.ал-Ғ.дан ҳадисларни ўз даврида йигирма минг ҳадис ёдлаган ҳофиз Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ал-Ҳарифий ривоят қилган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. IV, 317; М. Атаев. *Жиззах алломалари.* – Т.: «Adib», 2014. 89.

АБДУЛЛОҲ ИБН НАВФАЛ

عبد الله ين نوفل

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ибн Ҳишом (? – 63/682, Мадина)

Саҳоба

У ва отаси *саҳоба*лардан. Пайғамбар (с.а.в.)нинг энг катта амакилари Ҳорис Абдуллоҳ ибн Навфал (р.а.)нинг бобоси эди. У Пайғамбар (с.а.в.)га кўпроқ ўхшаган *саҳоба*лардан бўлган. Мадина волийси Марвон ибн Ҳакам уни 622 й. Мадинага қози қилиб тайинлаган. 669 й. Муовия (р.а.) Марвон ибн Ҳакамни лавозимидан бўшатиб, волийликка Саъид ибн Осни тайинлайди. Янги волий А.и.Н.ни вазифасидан бўшатиб, ўрнига Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авфни қўяди. Абу Ҳурайранинг А.и.Н. ҳақида «У Исломда мен кўрган биринчи қозидир», дегани ривоят қилинган. Имом Молик ҳам шу фикрни билдирган. Ҳолбуки, Пайғамбар (с.а.в.) даврларида ҳам, *хулафои рошидийн*лар томонидан ҳам кўпгина шаҳарларга қозилар тайинлангани маълум. Шунингдек, Абу Бакр (р.а.) даврида Умар (р.а.) нинг, Умар (р.а.) даврида Абу Дардо (р.а.) нинг, Усмон (р.а.) даврида эса, Муғийра ибн Навфал ибн Ҳорис (р.а.)нинг қозилик ишларини юритганлари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар мавжуд.

А.и.Н.нинг саккиз йил давом этган Мадина қозилигидан сўнг, бошқа лавозимда фаолият олиб боргани хусусида манбаларда маълумотлар йўқ. А.и.Н.нинг ҳадис ривоят қилгани ҳақида ҳам ҳеч қайси манбада маълумотлар йўқ. Унинг вафот санаси ҳақида ҳам ҳар хил ривоятлар мавжуд. Муовия халифалик даврининг охирги (661–680 й.лар) йилларида ёки 63/682 й. *Ҳарра воқеаси*да вафот этгани айтилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим муаллифлар 84/703 й. вафот этган жияни Абдуллоҳ ибн Ҳорис ал-Ҳошимийни А.и.Н. б-н адаштирганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубро.* – Байрут: 1968. IV, 45; V, 21–22; Ибн Қутайба. *Ал-Маъариф.* – Қоҳира: 1981. 127, 588; Ат-Табарий. *Тарих.* – Қоҳира: 1960–70. V, 172, 232; XI, 628–629; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 407–408; ўша муал. *Ал-Камил.* – Leiden: 1851–76. III, 420, 460; IV, 121; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба.* – Қоҳира: 1328. II, 377; III, 453–454; Ahmet Özel. «*Abdullah b. Nevfel*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 126.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН НОФЕЪ

عبد الله بن نافع

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Нофеъ ас-Соиғ ал-Махзумий (тахм. 120/739-130/748, ? – 206/822, Мадина)

Муҳаддис, фақиҳ

Имом Молик, Лайс, Усома ибн Зайд ал-Лайсий, Ибн Абу Зиъб, Сулаймон ибн Язид ал-Каъбий, Довуд ибн Қайс ал-Фар-

ро, Ибн Абу-з-Зинод сингари мўътабар зотлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса, Қутайба, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр, Салама ибн Шабиб, Зубайр ибн Баккор, Иброҳим ибн Мунзир, Яҳё ибн Яҳё ал-Минкарий ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар. Қирқ йилга яқин мунтазам равишда Имом Моликнинг илм мажлисларида қатнашган. Устозининг фикрлари қайд қилиниши ва кейинги авлодларга етиб боришида А.и.Н.нинг хизматлари катта. Имом Моликнинг вафотидан сўнг Мадинада *фатво* бўйича А.и.Н.га мурожаат қилинадиган бўлган ва у устозининг фикр ва қарашларига асосланиб *фатво* бера бошлаган.

А.и.Н.нинг *фиқҳда*, айниқса, Имом Моликнинг фикр ва далилларини яхши билишда ягоналиги ва ишончли *ровий*лиги хусусида деярли барча манба муаллифлари якдилдир. Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абу Довудлар ҳам А.и.Н.ни Имом Моликнинг фикрлари ва ҳадисларини энг яхши билувчи киши сифатида эътироф этишган. *Фиқҳда* юксак мавқега эга бўлишига қарамай, ал-Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абу Ҳотим сингари ҳадис пешволари унинг ёддан нақл қилган ҳадисларига эҳтиёткор муносабатда бўлганлар. Ёзма ривоятларини эса, *саҳиҳ*роқ деб ҳисоблаганлар. А.и.Н.нинг ривоятлари *«Саҳиҳ ал-Бухорӣ»*дан ташқари «*Кутуби ситта*»нинг барчасида келтирилган. А.и.Н. *«Ал-Муватто»*га шарҳ ёзган ва бу шарҳни ундан Яҳё ибн Яҳё ал-Минкарий ривоят қилган. Кўпгина *фақиҳ*лар отаси заргар бўлган Абдуллоҳ ибн Нофеъ ас-Соиғ б-н Зубайр ибн Аввом зурриётидан бўлган Абдуллоҳ ибн Нофеъ аз-Зубайрий (ваф. 216/831 й.)ни бир шахс деб ўйлаб, уларнинг ривоятларини чалкаштирадилар. Ушбу хатонинг натижаси ўлароқ бу икки кишидан қилинган ривоятлар бир-бирига зид келганда, манбаларда «Ибн Нофеъ бу борада Имом Моликдан икки хил фикр ривоят қилган» тарзида учрайдиган таъвиллар алоҳида эътиборни тортади.

А.и.Н. 206/822 й. рамазон ойида вафот этган бўлиб, айрим манбаларда унинг вафот санаси сифатида 186/802 й. ҳам кўрсатилган бўлса-да, аз-Заҳабий буни инкор қилган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1968. V, 438; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 213; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл*. – Ҳайдаробод: 1952–53. V, 183–184; Қози Иёз. *Тартйб ал-мадарик*. – Байрут: 1967. I, 47–48, 356–358; Аз-Заҳабий. *Сийар*. X, 371–374; Ali Bardakoğlu. «*Abdullah b. Nāfi'*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 124.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН ОМИР

عبد الله بن عامر

Абдуллоҳ ибн Омир ибн Язид ибн Тамим ибн Рабиъа ибн Омир ибн Абдуллоҳ ибн Имрон ал-Яҳсубий ад-Димашқий (21/642, Дамашқ – 118/736, ?)

Қироат соҳиби

Абдуллоҳ Ибн Омир арабларнинг *Ҳимяр қабиласи*га мансуб. Унинг куняси ҳақида икки-уч хил ривоят келтирилган, тўғрироғи, Абу Имрондир. У Дамашқ туманларидан бири – Балқода таваллуд топган. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларида икки ёшда бўлган.

А.и.О. буюк *тобеъин*, машҳур етти қориларнинг бири ва уларнинг *қироат*даги *санад*и олийларидан ҳисобланиб, у *қироат*ни Абу Ҳошим Муғийра ибн Абу Шиҳоб ва Абу Дардо (р.а.)дан олган. Муғийра Қуръонни Усмон (р.а.)га ўқиб берган. Усмон (р.а.) ва Абу Дардо (р.а.) бу *қироат*ни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ўрганганлар. А.и.О. *қироат*ни бир томондан иккита восита, иккинчи томондан битта восита орқали Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нақл қилган.

Имом ал-Жазарий Шом диёрларида 56/676 й.ларда ҳам, асосан, А.и.О.нинг *қироат*и машҳур бўлгани, халқ оммаси Қуръонни шу *қироат*да ўқиганини айтган.

А.и.О. Қуръон, ҳадис илми, араб тили қоидалари ва *балоғат*да етук билимдон-

лардан бўлган. Абу Дардо (р.а.)дан кейин Шом аҳлининг *қироат* илмидаги катта устози сифатида пешво бўлган. Халифа Валид ибн Абдулмалик даврида қози этиб тайинланган. У Дамашқдаги марказий масжид «*Жоме ал-умавий*»да кўп йил имомлик қилган. Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳам келиб, унинг орқасида *намоз* ўқир эди.

Шогирди Яҳё аз-Зиморий айтади: «Ибн Омир мамлакатнинг қозиси эди, Дамашқ масжидининг биносида ўтирарди. У масжиднинг раиси бўлиб, у ерда бирор бидъат кўрса, албатта уни ўзгартирар эди».

Абу Али ал-Аҳвозий айтади: «Ибн Омир имом, олим, келтирган маълумотида ишончли, ривоят қилганларини эсда яхши сақлаган, ёд олганларини пухта эгаллаган, айтган гапини яхши билиб, тўғри фаҳмлай олган, нақл қилганларида содиқ киши эди. Мусулмонларнинг афзалларидан, *тобеъин*ларнинг энг яхшиларидан, *ровий*ларниинг улуғларидан бўлган. У дин-диёнати ҳақида ёмон гумон қилинмаган, иймонида шак этилмаган, омонатида шубҳа қилинмаган, ривоятида гап-сўз бўлмаган олимдир».

А.и.О. Муовия ибн Абу Суфён, Нўъмон ибн Баширлардан ҳадис тинглаган ва ривоят қилган.

Имом ан-Насоий ва б. *муҳаддис*лар уни ўта ишончли кишилардан деб айтишган. У ривоят қилган ҳадисларни Имом Муслим, Ибн Ҳиббон ва Имом Аҳмадлар ўз ҳадис тўпламларида келтирганлар.

А.и.О.дан укаси Абдурраҳмон ибн Омир, Яҳё ибн Ҳорис аз-Зиморий, Рабиъа ибн Язид, Жаъфар ибн Робиъа, Исмоил ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Муҳожир, Саъид ибн Абдулазиз, Булқо қозиси Халлод ибн Язид ибн Субайҳ ал-Муррий, Язид ибн Абу Молик ва б. *қироат*дан таълим олганлар ва унинг *қироат*ини ривоят қилганлар. У кишидан Абдурраҳмон ибн Язид ибн Жобир, Абдуллоҳ ибн Ало, аз-Зубайдий, Яҳё аз-Зиморий ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар. Имом А.и.О.нинг *қироат*ини ривоят қилганлар ичида энг мўътабарлари Ҳишом ва Ибн Заквонлардир.

Ад.: Ибн ал-Жазарий. *Ғайа ан-ниҳайа.* I, 424; Ибн Ҳажар. *Таҳзиб ат-таҳзиб.* V, 24; Аз-Заҳабий. *Сийар.* 2001. III, 19–21; V, 292–293; ўша муал. *Маърифа ал-қуррā.* I, 85.

Маъмуржон Абидов

АБДУЛЛОҲ ИБН РАБИЪА
عبد الله بن ربيعة
(қ. УММУЛ-ҲАКАМ)

АБДУЛЛОҲ ИБН РАВОҲА
عبد الله بن رواحة

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Равоҳа
(? – 8/629, Муъта (Иордания)
Саҳоба

*Хазраж қабиласи*нинг *Бани Ҳорис* уруғидан бўлган Равоҳа ибн Саълабанинг ўғли. *Муҳазрамун* шоирлардан бўлиб, санъатини Пайғамбар (с.а.в.) ва Ислом динини ҳимоя қилиш, *мушрик*ларни ҳажвия қилиш учун ишлатган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг унга нисбатан «Шеърлари *мушрик*ларга найзалардан кўра оғирроқ ботади», деган сўзлари унинг шоирлик маҳорати, «Шубҳасиз биродарингиз ботил ва беҳуда сўз сўйламайди», деган сўзлари эса, унинг фозиллиги ҳақидаги фикрларини кўрсатади. «*Шуъаро*» *сураси*нинг охирги ояти Абдуллоҳ ибн Равоҳа (р.а.) ҳақида нозил бўлгани ривоят қилинган. Ибн Саъдга кўра, «*Шуъаро*» *сураси*нинг «Ва шоирларга гумроҳлар эргашур. Уларнинг ҳар водийда дайдишини. Ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишини кўрмадингми» маъносидаги 224–226-оятлари нозил бўлгач, А.и.Р. «Аллоҳ мени шоирлигимни билади, демак мен ҳам шу тоифадан эканман», деб хафа бўлади, бунга истисно тарзида «Магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганлар...» деб бошланган 227-оят нозил бўлган. А.и.Р.нинг шоирлиги б-н бирга кучли нотиқлиги ҳам маълумдир.

*Муъта сафари*га чиққан 3000 кишилик Ислом қўшини йўлда кетаётганида, яқинроқларида Византиянинг кўп сонли қўшини борлиги ҳақида хабар келади. Қўшин ортга чекиниб, ёрдамчи куч чақиришни кўзлаб турган вақтда А.и.Р. уларга шаҳидлик мартабасига эришиш учун йўлга чиққанлари ва жанг қилиш кучини аскарларнинг сони-ю, қуроллардан эмас, балки Аллоҳ таоло томонидан лутф қилиб юборилган Ислом динидан олганларини эслатади. А.и.Р.нинг ушбу жўшқин сўзлари таъсирида фикрларидан қайтиб, уришишга қарор қилинади.

А.и.Р. ўқиш-ёзишни билган, ҳассос шоир, нотиқ ва айни дамда моҳир жангчи бўлган. Шижоати, жасурлиги, хусусан, ўта зоҳид ва тақводорлиги боис Пайғамбар (с.а.в.)нинг ишонч ҳамда эътиборларини қозониб, *саҳобал*ар орасида ажралиб турган, муҳим вазифалар олган. *Иккинчи ақаба байъати*да мадиналик мусулмонлар томонидан ўн икки раис (нақиб)нинг бири этиб сайланиб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёрдамчиси сифатида бундай шарафли вазифага муносиб кўрилиши, унинг *жоҳилият* давридаги обрў-эътиборининг Исломдан кейин ҳам ортганини тасдиқлайди. Пайғамбар (с.а.в.) уни нақиб қилиш б-н бирга махсус котиблари орасига ҳам олишлари яна бир карра обрўйининг ошгани белгисидир. А.и.Р. *Бадр, Уҳуд, Хандақ, Хайбар* жанглари б-н бирга *Ҳудайбия, Умратул-Қазо* сафарларида қатнашган. *Умратул-Қазо* сафарида *умра* зиёрати давомида Пайғамбар (с.а.в.)нинг туялари жиловини ушлаб юрган. *Бадр жанги*да А.и.Р.га Зайд ибн Ҳориса б-н зафар хушхабарини Мадинага етказиш вазифаси топширилгани ва иккинчи *Бадр сафари* (Бадр ал-мавъид) асносида Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан Мадинада вакил қилиб қолдирилгани ҳам унинг муҳим вазифалар олганини англатади. Пайғамбар (с.а.в.) *Хайбар сафари*дан аввал А.и.Р.ни тўрт кишилик сарийяга бошлиқ қилиб Хайбарга юборишлари ва унга «Хайбарни кузат, халқининг ичига кир, нима ҳақида гаплашаётганлари ва нима қилмоқчи эканларини ўрган» деб, вазифа топширишлари у иброний тилини ҳам билган бўлиши мумкин, деган фикрни уйғотади. Чунки ўша даврда Мадина ва атрофда яшаётган яҳудийларнинг иброний ирқидан эканлари ва ўша тилда гаплашганлари маълум. А.и.Р. ушбу вазифани адо этиб қайтгач, ўттиз кишилик ҳайъатнинг бошлиғи сифатида Хайбарга элчи қилиб юборилиши, *фатҳ*дан кейин ҳам Хайбар ҳосилини яҳудий шериклар орасида тақсимлашда масъул этиб тайинланиши, шунингдек, бу воқеалардан олдинроқ, *Хандақ жанги* асносида *Бани Қурайза* қабиласига юборилган тўрт кишилик элчи ҳайъати орасидан жой олиши ҳам бу фикрни қувватлайди.

*Ҳижрат*нинг саккизинчи йили (629 й.) Ислом қўшини *Муъта ғазоти*га отланади. Пайғамбар (с.а.в.) қўшин қўмондони Зайд ибн Ҳориса ҳалокатга учраса, ўрнига Жаъфар ибн Абу Толиб, у ҳам ҳалок бўлса, ўрнига А.и.Р. байроқдорликни эгаллаши ҳақида кўрсатма берадилар. Мазкур *ғазот*да Зайд ибн Ҳориса, кетидан Жаъфар ибн Абу Толиб шаҳид бўлгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) кўрсатмаларига биноан, А.и.Р. байроқдорликни эгаллайди ва у ҳам жангда мардларча шаҳид бўлади.



Абдуллоҳ ибн Равоҳа (р.а.) қабри. Иордания, Муъта

Айрим асарларда А.и.Р.нинг зурриётлари Андалусияда ҳурмат-эҳтиром остида яшаганлари айтилса-да, (*İA.* V/1, 416; EI2. IV, 1187) манбаларда у Абу Муҳаммад, Абу Равоҳа ва Абу Амр кунялари олган бўлишига қарамай, шаҳид бўлганида ортидан бирор-бир фарзанди қолмагани нақл қилинган. Юқоридаги адабиётларда зикр этилган «зурриёт»дан мурод эса, А.и.Р.нинг шахсан ўзи эмас, балки қариндошларининг авлоди назарда тутилган бўлиши мумкин. Чунончи, синглисининг фарзандлари бўлган бу қариндошлари орасида машҳур шоирлар ва катта боболари Равоҳа ибн Саълабага нисбатан куняси Абу Равоҳа бўлганлар ҳам бордир. Андалусияда *Бани Абдуссалом* номи б-н танилган бу сулола А.и.Р.нинг Башир ибн Саъдга турмушга чиққан синглиси Амра бинт Равоҳанинг ўғли Нўъмон ибн Баширга бориб тақалади. Нўъмон ибн Башир *умавийлар*га қарши чиққани учун халифа Марвоннинг буйруғига биноан ўлдирилгач, айрим фарзандлари Андалусияга қочиб кетгани айтилган.

Манбаларда А.и.Р.нинг бир *«Дӣвӑн»*и ҳақида сўз боради. Оз сондаги шеърлари, элликка яқин байтлари Ибн Ҳишомнинг *«Ас-Сӣра»*сида, турли сияр, тарих, мағозий ва табақот китобларида тарқоқ тарзда келган. Валид Қассоб турли манбалардан тўпланган 217 байтдан иборат энг қисқаси бир, энг узуни 26 байтни ўз ичига олган 37 парчадан ташкил топган шеърини *«Дӣвӑн Абдуллӑҳ бин Равӑҳа ва дирӑса фӣ сӣратиҳ ва шиъриҳ»* номи б-н нашр қилдирган (Риёз, 1402 й.). Бу шеърлардан олтитаси жоҳилият даврига оид бўлиб, душман қабила Авсга мансуб шоирлардан Қайс ибн Хатиймнинг Хазражга қаратилган ҳажвларига жавоб тарзида ёзилган. Ислом давридаги шеърлари эса, *Қурайш мушрик*ларининг Ислом дини ва Пайғамбар (с.а.в.) зарарларига ёзилган шеърларидан иборат оғзаки ҳужумларига жавоб тарзида бадиҳа б-н айтилган ражазлар шаклидадир. Бу ражазлар адабий санъатларга ва кўп муомала қилинмаслик оқибатида эшитилмаган сўзларга ўрин ажратмай, халқ томонидан осон тушунилувчи содда тил б-н айтилган. А.и.Р. шеърларида *Қурайш мушрик*ларини бошқа Ислом шоирлари, яъни Каъб ибн Молик ва Ҳассон ибн Собит каби қабилавий ва шахсий қусурлар б-н эмас, балки иймонсизликлари ва қатъий шаккокликлари сабаб айблаган.

Пайғамбар (с.а.в.) *Аҳзоб* (*Хандақ*) *ғазоти* чоғида хандақнинг тупроқларини чангга беланган ҳолда *саҳоба*ларга ёрдам бериш учун улар б-н бирга ташиганларида, А.и.Р.нинг қуйидаги шеърини ўқиганлари ривоят қилинади:

تَاللهِ لَولَا اللهُ ما اهتَدَينَا
ولا تَصَدَّقنا و لا صَلَينا
الكافرونَ قَد بَغَوا عَلَينا
إذَا أرادُوا فِتنَةً عَلَينا
إنَّا إذَا صِيحَ بِنا أتَينا
و بِالصِّياحِ عَوَّلُوا عَلَينا
فَاغفِر فِدَاءً لَكَ ما اقتَفَينا
و ثَبِّتِ الأقدَامَ إن لاقَينَا
و أنزِلَن سَكِينَةً عَلَينا
و نَحنُ عَن فَضلِكَ ما استَغنَينا

Маъноси:

«Валлоҳи, Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаганида биз ҳидоятга эриша олмасдик,
На закот берар, на намоз ўқирдик.
Кофирлар бизга қарши бўлдилар,
Улар фитна чиқармоқ истаганларида, биз бундан чекиндик.
Биздан ёрдам сўралганда биз келдик,
Ёрдам сўрасангиз бизларга ишонинг.
(Ё Расулаллоҳ (с.а.в.)), сизга жонимиз фидо бўлсин, айбларимизни кечиринг,
(Ё Раббий), душман билан қаршилашганимизда оёқларимизни собит тут.
Ва бизларга сабру саботни ато қил,
Биз сенинг фазлу карамингдан беҳожат эмасмиз».



Валид Қассоб. «*Дӣвӑн Абдуллӑҳ бин Равӑҳа ва дирӑса фӣ сӣратиҳ ва шиъриҳ*» девони. Риёз, Дор ал-ъулум, 1402/1982 й.

(Валид Қассоб. *Дӣвӑн Абдуллӑҳ б. Равӑҳа ва дирӑса фӣ сӣратиҳ ва шиъриҳ*. 139–140).

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағӑзӣ*. – Лондон: 1965–66. II, 566; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. – Қоҳира: 1955. IV, 15–21; Ибн Саъд. *Ат-Табақӑт ал-кубрӑ*. – Байрут: 1968. II, 92; III, 526–530, 612–613; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғӑба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 234–238; ўша муал. *Ал-Кӑмил*. – Лейден: 1851–76. II, 234–237; Аз-Заҳабий. *Сийар*. I, 230–240; Ибн Ҳажар. *Ал-Исӑба*. – Қоҳира: 1970–72. IV, 82–86; F. Wüstenfeld. *Geneologische Tabellen der Arabischen Stamme und Familien*. – Göttingen: 1852. 22; Аз-Зириклий. *Ал-Аълӑм*. – Қоҳира: 1954–59. IV, 217; Sezgin. *GAS*. II, 292–293; Умар Фаррух. *Тарӣх ал-адаб ал-ъарабӣ*. I, 263; Валид Қассоб. *Дӣвӑн Абдуллӑҳ бин Равӑҳа ва дирӑса фӣ сӣратиҳ ва шиъриҳ*. – Риёз: 1982, 139–140; Sargon Erdem, Hulusi Kiliç. «*Abdullah b. Revâha*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 129–130.

Саргӯн Эрдем,
Ҳулуси Қилич

АБДУЛЛОҲ ИБН АР-РАШИД
عبد الله بن الرشيد

(қ. ИБН ар-РАШИД, Абдуллоҳ ибн Али)

АБДУЛЛОҲ ИБН РУЪБА
عبد الله بن رؤبة

(қ. ал-АЖЖОЖ)

АБДУЛЛОҲ ИБН САБАА
عبد الله بن سبأ

(7-а.)

Сабаийлар оқимининг асосчиси

Бу шахс *сабаийлар* тоифасидан бўлиб, улар ғулувга кетган *рофизийлар*дан ҳисобланган ва Али (р.а.)ни илоҳлаштирган.

Ушбу фирқанинг асосчиси Абдуллоҳ ибн Сабаа асли яманлик яҳудий бўлган. Онаси қора аёл бўлгани учун уни Ибн ас-савдо (қора аёл боласи) ҳам дейишган. Ўзини мусулмон қилиб кўрсатиб, мусулмон юртларини кезиб чиққан. Унинг мақсади мусулмонларни имомлар итоатидан буриб, уларнинг орасига фитна солиш бўлган. Усмон ибн Аффон (р.а.) халифалик даврида Дамашққа кириб келган.

Язид ал-Фақъасий деган араб олимининг айтишича, у санъолик яҳудий бўлиб, Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг замонида исломни қабул қилган ва мусулмонларни адаштириш учун уларнинг юртларида кўчиб юрган. У ўзининг ушбу ишини Ҳижозда бошлаб, кейин Басра, Куфа, ва Шомда давом эттирган. Шомда у ўз мақсадини бирор кимсага нисбатан ўтказа олмаган. Шом аҳли уни чиқариб юборган ва у Мисрга бориб, ерлик халқ орасига кириб келган. Унинг Миср аҳлига айтган сўзларидан бири бу эди: «Исони қайтади деб даъво қилиб, Муҳаммаднинг қайтишини инкор қиладиган кишига ҳайрон қоламан. Ҳолбуки, Аллоҳ Азза ва Жалла бундай деганку: «(Эй Муҳаммад!) Албатта, Сизга (ушбу) Қуръонни фарз қилган Зот, шак-шубҳасиз, Сизни қайтиш жойига (Маккага) қайтарувчидир» («*Қасос*» *сураси*, 85-оят). Шундай экан, Муҳаммад қайтишга Исодан кўра ҳақлироқдир».

Унинг бу гапи аксар мусулмонлар томонидан қабул қилинган. Сўнгра у яна шундай деган: «Мингта пайғам-

бар бўлиб, ҳар бир пайғамбарнинг васийси бўлган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг васийси Али (р.а.) бўлган. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарларнинг охири бўлса, Али эса васийларнинг охиридир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг васиятини амалга оширмай, Ул Зотнинг васийсига ҳамла қилиб, умматнинг ишини қўлга олган кишидан кўра золимроқ кимса борми?». У яна шундай дер эди: «Усмон (р.а.) кўп мол-дунё тўплаган. Бу ишда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг васийси Али (р.а.)га ёрдам беринглар, қўзғалинглар! Бу ишни ўз амирларингизни айблаш билан бошланглар. Ўзингизни худди амри маъруф ва наҳйи мункар қилаётгандек кўрсатинглар, шунда одамларни ўзингизга оғдириб оласизлар. Уларни бу ишга ундanglar».

У ўзининг тарғиботчиларини турли томонларга юборар ва турли жойлардаги фитначи ҳамтовоқлари б-н мактублар орқали хабарлашиб турар эди. Фитначилар ҳам А.и.С.га мактублар ёзиб туришади ва ўзларининг бу фикрларига махфий равишда даъват қилишарди. Улар ўзларини худди амри маъруф қилаётгандек кўрсатишади. Турли томонларга ўз волийларини айблаб мактублар ёзишар эди. Шунингдек, у томонлардаги фитначилардан ҳам худди шу мазмунда мактублар олишар эди. Ҳар бир жой аҳли худди шу тарзда ўзаро ёзишмалар қилиб, етиб келган мактубларни униси ўзлари яшаб турган жой аҳлига, буниси ҳам ўзлари яшаб турган жой аҳлига ўқиб беришар эди. Ҳатто уларнинг ушбу ишлари Мадинани ҳам қамраб олди. Уларнинг мақсади ўзлари амри маъруф деб даъво қилаётган ишларининг тескарисини қилиш эди. А.и.С. тарихда *Сиффийн* ва *Жамал воқеалари* номи б-н қора доғ бўлиб қолган қонли фитналарнинг бошида турган.

Ад.: Ибн Асокир. *Тарйх мадйна Димашқ*. Нашр йили ва жойи номаълум.

Саидмухтор Оқилов

АБДУЛЛОҲ ИБН САДИД
عبد الله بن سديد
(қ. ИБН ас-САДИД)

АБДУЛЛОҲ ИБН САЙЁД
عبد الله بن صياد
(қ. ИБН САЙЁД)

АБДУЛЛОҲ ИБН САЪИД
عبد الله بن سعيد
(қ. ИБН КУЛЛОБ)

АБДУЛЛОҲ ИБН САЪИД АЛ-АШАЖЖ
عبد الله بن سعيد الأشج
(қ. ал-АШАЖЖ ал-КИНДИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН САЛОМ
عبد الله بن سلام
Абу Юсуф Абдуллоҳ ибн Салом ибн ал-Ҳорис (? – 43/663-64, Мадина)
Саҳоба

Мадина атрофига келиб жойлашган учта яҳудий қабилалардан бири *Бани Қурайза*га мансуб Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) пайғамбар Юсуф (а.с.) авлодидан бўлгани ривоят қилинади. Асли исми Ҳусайн бўлиб, Исломни қабул қилгач, Пайғамбар (с.а.в.) унинг исмини Абдуллоҳ деб ўзгартирганлар. Отаси сингари у ҳам яҳудий олимларидан бўлган. А.и.С. Исломни қабул қилиши ҳақида уч хил ривоят бор. Пайғамбар (с.а.в.) Маккадалик вақтларида, бошқа ривоятга кўра, пайғамбарликнинг охирги йилларида (8/629-30 й.) мусулмон бўлгани айтилади. Кўпчилик муаллифлар томонидан таъкидланган ривоятга кўра эса, Пайғамбар (с.а.в.) *ҳижрат* сафарига чиқиб, Қубога етиб келганларида ёнларига бориб бир нечта саволига тўғри жавоб олгач, бу жавобларни фақат пайғамбаргина билиши мумкинлигини айтиб, мусулмон бўлган. Йозеф Горовиц (J. Horovitz) *Бадр* ва ундан кейинги жанг-

ларда қатнашган *саҳоба*лар рўйхатида А.и.С. номи келтирилмаганига таяниб, у пайғамбарликнинг охирги даврларидагина мусулмон бўлган, деган фикрни илгари суради (*İA*. I, 41–42). А.и.С.нинг Пайғамбар (с.а.в.)га берган учта саволи ҳақидаги ривоятни эса, Исломни қабул қилган яҳудийлар тўқиган ривоят дейди ва унинг олдинроқ мусулмон бўлганини билдирувчи айрим манбаларни асли йўқ, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, *сияр* ва *мағозий* китобларида *Бадр*да қатнашган *саҳоба*лар рўйхати ўта синчковлик б-н тузилган бўлиб, ундан бошқа жангларда қатнашганлар рўйхати тузилмаган, балки фақат жангда шаҳид бўлганлар исми зикр қилинган, холос. Ҳадис илмида *саҳоба*лар мартабасини белгилаш жараёнида уларнинг бошқа жанглардаги иштирокидан фарқли ўлароқ *Бадр жанги*да қатнашганлиги эътиборга олинган ва бунга даража белгиланган маълум. Горовиц Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, қолаверса, бошқа *муҳаддис* ва муаллифлар келтирган уч савол воқеаси ҳақидаги ривоятни рад қилиб, бунга ҳеч қандай асос кўрсатмайди. Шунингдек, Пайғамбаримиз (с.а.в.) А.и.С.ни *жаннат* б-н башорат қилганлари ҳақидаги ривоятга (Ал-Бухорий. «*Манāқиб ал-ансāр*». 19; Имом Муслим. «*Фазāил ас-саҳāба*». 147–150) ҳам кейинчалик тўқилган уйдирма деб, баҳо беради.

А.и.С. аммаси б-н бирга барча оила аъзоларининг мусулмон бўлишларига сабабчи бўлган. *Уҳуд жанги*, *Бани Назр қабиласи* қамалида қатнашган, *Бани Қурайза*дан асир тушган аёл ва ёш болалар қўриқланиши ва эҳтиёт қилиниши ҳам унга топширилган. Шунингдек, Умар (р.а.) даврида *Қуддус фатҳи* ва Жобиядаги мажлисда қатнашган, 642 й. *сосонийлар*га қарши *Наҳованд уруши*да ҳам иштирок этган. У халифа Усмон (р.а.)нинг уйини қуршаб олганларга қаршилик кўрсатган. Али (р.а.) га *байъат* қилмаган бўлса-да, у кишини Ироққа бормасликка ва Ойша (р.а.) б-н жангга кирмасликка ундаган. А.и.С. Муовиянинг халифалиги даврида вафот этган.



Талмуд

А.и.С. отасидан Таврот ва Талмудни ўрганган. Мадинадаги яҳудийларнинг машҳур олимларидан бўлган. А.и.С. «*Шуъаро*» *сураси*нинг 197-оятида ишора қилинган «Бани Исроил уламолари»дан бўлгани, «*Раъд*» *сураси*нинг 43-оятида «Китоб илми бор кимсалар» дея назарда тутилган шахсдан мурод ҳам у экани маълум. Пайғамбар (с.а.в.) тилидан *жаннат*ийлиги башорат қилинган А.и.С.га аллома сифатида *саҳоба*лар томонидан ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани табиийдир. Чунончи, Муоз ибн Жабал ўлими арафасида шогирди Язид ибн Саксакийга ўзидан кейин мурожаат қилиши мумкин бўлган тўртта шахс орасида А.и.С.ни ҳам айтиб ўтган.

А.и.С.дан Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Ато ибн Ясор, Басра қозиси Зурора ибн Авфо, ўғиллари Муҳаммад б-н Юсуф ва б.лар ҳадис тинглаганлар. Имом ал-Бухорий ва б. машҳур *муҳаддис*лар ундан иккиланмасдан ҳадис ривоят қилганлар. Шунингдек, Ислом уламола-

ри томонидан А.и.С.га нисбат берилган пайғамбарлар тарихи, коинот ва инсоннинг яратилиши, *фитан*, *малоҳим* ва *қиёмат* аломатларига доир маълумотлар ривоят қилинган. *Исроилиёт*лар аралашган бундай ривоятлар унинг *сиқа* ва *адл* каби сифатларини инкор қилинишига сабаб бўлолмайди. Чунончи, *жарҳ* ва *таъдил* китобларида унга нисбатан ҳеч қандай танқид билдирилмаган. Шу б-н бирга, А.и.С. Пайғамбар (с.а.в.)га нисбат бермасдан қилган ривоятлари ва келтирган маълумотларида мусулмон бўлишидан аввалги билимига асосланганини эътиборга олиш, унга нисбат берилган ривоятларнинг тўғрилигини аниқлаш, шунингдек, баъзи тўқима ривоятларда унинг исми суиистеъмол қилинаётган бўлиши мумкинлигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим.

А.и.С.га нисбат берилган айрим рисолалар бугунги кунимизгача етиб келган. Пайғамбар (с.а.в.) б-н А.и.С. оралари да бўлиб ўтган савол-жавобларни ўз ичига олган ва кўплаб қўлёзма нусхалари мавжуд бўлган *«Ал-Масāил»* номли асари Қоҳирада нашр қилинган (1867 й.). Унинг сеҳрга доир уч варақдан иборат рисоласи б-н Пайғамбар (с.а.в.)нинг қавлий, феълий суннатларига оид бошқа рисоласи эса, қўлёзма шаклдадир.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 329, 372, 381; II, 509; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. – Қоҳира: 1955. I, 515–517, 557, 571; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. I, 236, 360–361; II, 48, 75, 352, 353; III, 71, 81, 369; IV, 93; V, 173; VI, 147; Ал-Балозурий. *Ансāб ал-ашрāф*. – Қоҳира: 1959. 266; Ат-Табарий. *Жāмиъ ал-байāн*. – Байрут: 1978. IV, 146; XIX, 69; ўша муал. *Тарӣх*. – Лейден: 1879–1901. I, 21, 40, 44, 51, 53, 115; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб*. – Қоҳира: 1328. III, 921–923; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1285–87. III, 176–177; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа*. – Байрут: 1981. II, 326; III, 210–212; IV, 60–61; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. IV, 118–120; Sezgin. *GAS*. I, 201, 304; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Selām*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 134–135.

Мустафо Файда

АБДУЛЛОҲ ИБН САЛОМА
عبد الله بن سلامة

(қ. АБДУЛЛОҲ ИБН АБУ ҲАДРАД)

АБДУЛЛОҲ ИБН САФВОН
عبد الله بن صفوان

Абу Сафвон Абдуллоҳ ибн Савфон ибн Умайя ибн Халаф ал-Жумаҳий ал-Қураший (? – 73/692, Макка)

Тобеъин

Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида туғилган бўлса-да, ёши кичик бўлгани учун *саҳоба*лик мартабасига етиша олмаган. Фақат маккалик *тобеъин*ларнинг биринчи табақасидан ўрин эгаллаган. Отаси ва бобоси каби у ҳам *қурайшийлар*нинг мартабали шахсларидан ҳисобланиб, Маккани нинг бой ва нуфузли оиласига мансуб бўлган. Сахийлиги ва юксак заковати б-н танилган А.и.С. (р.а.) хилофат даъвосида Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг содиқ тарафдорларидан эди. Ибн Зубайр ва б.лар *Каъба*да қамал қилинганларида, Ҳажжож томонидан унга берилган омонликни қабул қилмайди. Охир-оқибат, Ибн Зубайр ва бир қанча тарафдорлари б-н бирга А.и.С.нинг ҳам боши кесилиб, шаҳид қилинган. Бошлари аввал Мадинага, у ердан Шомга Абдулмалик ибн Марвонга жўнатилади.

Отаси Сафвон ибн Умайя, Умар, Ҳафса, Умму Салама ва Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Ҳадис китобларида А.и.С.дан ривоят қилинган «Каъбага қарши уруш эълон қилган ҳарбий жамоанинг чўлда ҳалок бўлиши» ҳақидаги ягона матн борлиги айтилади (Имом Муслим. *«Фитан»*. 4, 6, 7).

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарӣх ал-кабӣр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 118–120; ўша муал. *Ат-Тарӣх ас-сағӣр*. – Қоҳира: 1976–77. I, 142–143, 153, 162, 163; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб*. – Қоҳира: 1328. II, 333–334; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1285–87. III, 185; Аз-Заҳабий. *Сийар*. IV, 150–151; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. III, 60; Ali Yardim. «*Abdullah b. Safvān*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 131.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН САЪД ИБН АБУ ЖАМРА
عبد الله بن سعد بن أبي جمرة
(қ. ИБН АБУ ЖАМРА, Абдуллоҳ ибн Саъд)

АБДУЛЛОҲ ИБН САЪД ИБН АБУ САРҲ
عبد الله بن سعد بن أبي سرح
Абу Яҳё Абдуллоҳ ибн Саъд
ибн Абу Сарҳ ал-Қураший ал-Омирий
(? – 36/656-57, Асқалон)
Саҳоба

Миср волийси ва Ифриқийя (Тунис) фотиҳи Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Жамра (р.а.)нинг қачон мусулмон бўлгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Мадинага *ҳижрат* қилган ва *ваҳий* котиблари қаторидан жой олган. Бир муддатдан сўнг *муртад* бўлиб, Макка *мушрик*ларининг ёнига қайтади. Котиблиги асносида ваҳийга ўзгартириш (таҳриф) киритганини айтиб, *мушрик*ларнинг Исломга қарши ишларини қўллаб-қувватлайди. *Макка фатҳи*да «учраган жойида ўлдирилишига изн берилган»лар қаторига қўшилган бўлса-да, эмикдоши Усмон (р.а.)дан ҳимоя сўраб, пушаймонлигини билдирган. Пайғамбар (с.а.в.) Усмон (р.а.) нинг илтимосига кўра, А.и.С.и.А.С.ни афв этиб, *байъат*ини қабул қилганлар.

А.и.С.и.А.С. Умар (р.а.) даврида Амр ибн Ос б-н бирга *Миср фатҳи*да қатнашади ва Саъид ҳудудида (Юқори Миср) волийлик қилади. Халифа Усмон (р.а.) Мисрнинг молиявий ишларига А.и.С.и.А.С.ни, бошқарув ишларига эса Амр ибн Осни тайинламоқчи бўлганида Амрнинг норозилиги сабабли уни озод қилиб, ўрнига А.и.С.и.А.С.ни волий этиб тайинлайди ва унга Ифриқийяни *фатҳ* этишни буюради (645 ёки 647 й.). А.и.С.и.А.С. Субайтилада Григориос устидан зафар қозониб, Картажа ҳудудини *фатҳ* этади. У Қайравон ш.гача бориб жуда кўп ўлжаларни қўлга киритади. Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) лар ҳам катта жасорат кўрсатган бу жанг «*Абдуллоҳлар уруши*» («Ҳарб ал-Абодила») номи б-н машҳур бўлди. А.и.С.и.А.С. кейинчалик Муовиянинг Қибрис устига жўнатган ҳарбий бўлинмасига ёрдамчилик қилган. У 652 й.да Нубага юриш қилади ва шиддатли жангдан сўнг насроний динида бўлган Нуба ҳокими б-н сулҳ тузади. «Бақт» деб номланган бу сулҳга биноан, шаҳар халқи маълум сондаги қулларни мусулмонларга, мусулмонлар эса уларга Мисрда етиштирилган буғдой ва ясмиқ каби озуқалар, баъзи кийимкечакларни беришлари лозим бўлган. А.и.С.и.А.С.нинг Византия флоти ва Финикия ерларида қозонган денгиз жанглари ҳам машҳурдир. Византия императори Констанс II Шимолий Африкадаги Ислом ҳокимиятини тугатиш мақсадида катта ҳарбий флот ҳозирлайди. *«Зот ас-саворий»* номи б-н аталган мазкур урушда А.и.С.и.А.С. қўмондонлигидаги Ислом армияси Византия флотини тамоман маҳв этади, император Констанс II яралор ҳолатда қутулиб қолади (31/652 й.).



Қадимий Миср ёдгорликлари



Қадимги Византия

Мисрликлар Амр ибн Осдан кейин А.и.С.и.А.С.нинг ҳоким бўлишини маъқулламайдилар. Улар А.и.С.и.А.С.нинг Ифриқийяни *фатҳ* этгани ва Византия императорлиги б-н бўлган денгиз жангларида ғалаба қозонгани каби ишларига қарши бир вақтлар *муртад* бўлгани ва Мисрда қурдирган «Дор ал-ҳонийя» номли катта саройини баҳона қилиб, унинг обрўсини тўкишга ҳаракат қиладилар. Халифа Усмон (р.а.)дан уни вазифасидан озод қилишини сўрайдилар. Бу орада А.и.С.и.А.С. шикоятчилардан бирини уриб ўлдиради ва шу воқеалар сабабли Ойша (р.а.) ҳам халифадан ундан қутулишни сўрайди. А.и.С.и.А.С. Мадинада уйида қамалда қолган Усмон (р.а.)га ёрдам юборади, кейинроқ эса ўрнига Соиб ибн Ҳишомни қолдириб, ўзи Мисрдан Мадинага кетади. А.и.С.и.А.С. Мадинага етиб бормасидан Усмон (р.а.)нинг шаҳид бўлгани хабарини олади. Бу орада инқилобчилар раҳбари Муҳаммад ибн Абу Ҳузайфа Мисрда ҳокимликни қўлга олади. А.и.С.и.А.С. Мадинага боришдан воз кечиб Мисрга қайтмоқчи бўлади, лекин қалтис вазият туфайли қайта олмайди.

Тарқоқ ривоятларга кўра, А.и.С.и.А.С. Мисрга кира олмагач, Муовиянинг ёнига боришни ҳам тўғри санамай, Асқалон ёки Рамлага кетади ва ўша ерда вафот этади.

А.и.С.и.А.С. Пайғамбар (с.а.в.)дан фақат биттагина ҳадис ривоят қилган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. III, 825, 855–857, 865; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. – Қоҳира: 1955. II, 409; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. II, 141; III, 72, 250, 407; VII, 496–497; Халифа ибн Хайёт. *Ат-Табақāт*. – Дамашқ: 1966–67. II, 746, 747–748; Ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф*. – Қоҳира: 1960. 300–301, 507; Ал-Балозурий. *Ансāб ал-ашрāф*. – Қоҳира: 1959. I, 160, 357, 358, 531–532; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб*. – Қоҳира: 1328. III, 918–920; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1285–87. III, 173–174; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. IV, 109–111; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Sa'd b. Ebû Serḥ*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 130–131.

Мустафо Файда

АБДУЛЛОҲ ИБН АС-СОИБ

عبد الله بن السائب

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн ас-Соиб ибн Абу-с-Соиб ас-Сайфий ал-Махзумий ал-Маккий (? – 70/689-90, Макка)

Саҳоба

Абдуллоҳ ибн ас-Соиб (р.а.) ёшлигида Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган *саҳоба*лардан. Отаси Соиб *жоҳилият* даврида тижорат б-н шуғулланган, бу ишда рисолатдан олдин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳамкорларидан бўлган. А.и.ас-С. *қироат*ни *арз йўли* б-н Убай ибн Каъб ва Умар (р.а.)дан ўрганган. Убай ибн Каъб (р.а.) дан ҳадис ривоят қилган. Ундан Мужоҳид ва *қироат* имомларидан Ибн Касир таҳсил олган. А.и.ас-С.дан Ибн Абу Мулайка, Ато, Муҳаммад ибн Абдурраҳ-

мон ал-Махзумий, ўғли Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, қизининг ўғли Муҳаммад ибн Ибод ибн Жаъфарлар ҳадис ривоят этганлар. *Қироат* илмида билимдон бўлгани боис нисбасига «ал-Қорий» қўшиб айтилган. Маккаликлар «биздан чиққан қори», деб у б-н фахрланганлар. А.и.ас-С. ривоят этган ҳадислар «*Кутуби ситта*» ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «*Муснад*»идан ўрин олган. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) нинг халифалик даврида вафот этган. Жанозасини Ибн Аббос (р.а.) ўқигани ва қабри устида туриб унинг ҳаққига дуо қилгани хабарларда келтирилган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1968. V, 445; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 254–255; Аз-Заҳабий. *Маърифа ал-қуррā*. – Байрут: 1984. I, 47–48; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа*. – Қоҳира: 1932–33. I, 419–420; Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. II, 314; ўша муал. *Таҳзīб ат-таҳзīб*. V, 229; Ас-Суютий. *Ал-Итқāн*. – Қоҳира: 1967. II, 204; İsmail Karaçam. *«Abdullah b. Sāib». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 131; https://library.islamweb.net/ar/library; http://quran.uz/qiroat/imomlar-va-roviylar/564-qorilar; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/2863; http://muslim.uz/index.php/rukn/quran/item/4231.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛЛОҲ ИБН СОЛИҲ

عبد الله بن صالح

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Абдуллоҳ ибн Заҳҳок ал-Бағдодий (? – 5.Ражаб.305/21.12.917)

Ҳадис ровийи

Ал-Бухорий номи б-н машҳур бўлган Абдуллоҳ ибн Солиҳ ўз даврида сўз ва ривоятлари ишончли ҳадис *ровий*ларидан саналган. Олим Кархоё дарёсининг жан. томонида жойлашган «Ал-Воситийлар» масжидида вафот этиб, ражаб ойининг олтинчиси/22 дек., душанба куни дафн қилинган.

А.и.С. Муҳаммад ибн Сулаймон Лувайно, Абу Мусъаб аз-Зуҳрий, Ҳорун ибн Абдуллоҳ ал-Ҳаммол, Усмон ибн Абу Шайба, Исҳоқ ибн Абу Исроил, ал-Ҳасан ибн ал-Ҳалвоний, Яъқуб ибн Ҳамид ибн Косиб, Абу Ҳумом ал-Валид ибн Шужоъ, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Абу Умар, ал-Ҳасан ибн ас-Субоҳ ал-Баззор ва уларнинг сафдошлари суҳбатидан баҳраманд бўлиб, улардан ҳадис эшитган.

Ўз навбатида, А.и.С.дан Абдуллоҳ ибн Иброҳим аз-Забибий, Муҳаммад ибн Али ибн Ҳубайш ан-Ноқид, Муҳаммад ибн Музаффар, Абу Ҳафс ибн Зайёт, Абу Али ан-Найсобурий ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар. *Муҳаддис*лар уни *сиқа* деганлар. Ал-Барқоний айтади: «Абу Бакр ал-Исмоилий бизга хабар бериб, деган: «Ал-Бухорийнинг суҳбатида бўлган Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Абдуллоҳ сўз ва ривоятлари ишончли, шубҳадан холи *ровий*дир».

Хатиб ал-Бағдодий «*Тарīх Бағдāд*» («*Бағдод тарихи*») асарида Абу Али ал-Ҳофизнинг: «Бизга *сиқа*, ривоят ва нақллари ишончга лойиқ Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Заҳҳок ал-Бухорий Бағдодда хабар берган», деб ҳадис айтганини зикр қилади.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар*. «Муассаса ар-рисола», 1985. XIV, 243; Хатиб ал-Бағдодий. *Тарīх Бағдāд*. – Байрут: «Дор ал-ғарб ал-исломий», 2002. XI, 159; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати*. – T.: «Hilol-nashr», 2017. 46.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛЛОҲ ИБН СОЛИҲ АЛ-МИСРИЙ

عبد الله بن صالح المصري

Абу Солиҳ Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Жуҳаний ал-Мисрий (139/756, Миср – 223/838, ?)

Муҳаддис

Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Мисрий Котиб ал-Лайс номи б-н ҳам танилган. У мисрлик устозлари Муовия ибн Солиҳ, Ҳармала ибн Имрон, Мусо ибн Улай, Абдуллоҳ ибн Ваҳблардан ҳадисни, Ҳамза ибн Зайёфдан эса, Қуръонни ўрганган. Машҳур *муҳаддис* Лайс ибн Саъдга йигирма йил шогирд бўлиб, ундаги ҳадисга оид ёзма манбаларни кўчириб ёзишга бел боғлагани учун «Котиб ал-

Лайс» («Лайснинг котиби») лақабини олган. Машҳур *муҳаддис*лар Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом, Яҳё ибн Маъйин, Имом ад-Доримий, Имом ал-Бухорий, Абу Зуръа ад-Димашқийларга ҳадисдан таълим берган. Абу Довуд, Имом ат-Термизий ва Ибн Можа каби *муҳаддис*лар унинг ривоятларини шогирди Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Халлол орқали олишган.

Баъзи ҳадисшунослар А.и.С.ал-М.ни ҳадис ривоят қилишда *забт* жиҳатидан танқид қилган бўлсалар-да, бошқа *муҳаддис*лар унга ўта ишончли, яъни *сиқа ровий*, деб баҳо берганлар. Аввалда ўта кучли хотирага эга ҳассос киши бўлган А.и.С.ал-М. умрининг охирида хотирасининг пасайиши туфайли танқидга учрагани ҳам айтилган. Шу сабабли унинг тарийқи орқали келган ривоятлар, асосан, *ҳасан* ҳисобланган. Чунончи, Имом ал-Бухорий унинг бундай ҳадисларини *«Ал-Жāмиъ ас-саҳӣҳ»*ига киритмаган, бироқ *«Ал-Адаб ал-муфрад»* номли китобида улардан қирқ олтитасини келтирган.

А.и.С.ал-М.нинг асарлари ҳақида маълумот йўқ. Фуат Сезгин (Fuat Sezgin) унинг Абдуллоҳ ибн Ваҳб тарийқи б-н ривоят қилган ўн олти бетдан иборат ҳадис мажмуаси бугунги кунимизгача етиб келгани ва Қоҳирада сақланаётганини қайд этган.

Ад.: Халифа ибн Хайёт. *Ат-Табақāт*. – Дамашқ: 1966–67. II, 765; Ал-Бухорий. *Ат-Тарӣх ал-кабӣр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 121; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдӣл*. – Ҳайдаробод: 1952–53. V, 86–87; Хатиб ал-Бағдодий. *Тарӣх Бағдāд*. – Қоҳира: 1931. IX, 478–481; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1375. I, 388; ўша муал. *Мӣзāн ал-иътидāл*. – Қоҳира: 1963. II, 440–445; Ибн Ҳажар. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб*. V, 256–261; F.Sezgin. *GAS*. I, 104; Ali Yardim. «*Abdullah b. Sâlih el-Misrî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 131–132.

Али Ярдим

АБДУЛЛОҲ ИБН СУВАБ

عبد الله بن سوب

(қ. АБУ МУСЛИМ ал-ХАВЛОНИЙ)

АБДУЛЛОҲ ИБН СУЛАЙМОН

عبد الله بن سليمان

(қ. ИБН АБУ ДОВУД)

АБДУЛЛОҲ ИБН СУҲАЙЛ

عبد الله بن سهيل

Абу Суҳайл Абдуллоҳ ибн Суҳайл ибн Амр ал-Омирий (тахм. 595, ? – 12/633, Шом)

Саҳоба

Маккада Исломни қабул қилган. Ибн Исҳоқ ва ал-Воқидийнинг қавлларига кўра, ҳиж. 2-а.да Ҳабашистонга *ҳижрат* қилгунга қадар отасидан яширган. Абдуллоҳ ибн Суҳайл (р.а.) Ҳабашистондан қайтгач, отаси яна қайтадан эски динига киришга уни мажбурлаган. Шунда у ўзини Исломдан қайтгандек тутади. А.и.С. *Бадр жангид*а *мушрик*лар сафида жангга чиқади. Отаси ўз ўғли эски динига қайтган, деб қаттиқ ишонар эди. Бироқ мусулмонлар б-н тўқнаш келган вақтда А.и.С. мусулмонлар тарафига ўтади ва мушрикларга қарши жанг қилади. Манбаларда ўша вақтда унинг ёши йигирма еттида бўлгани айтилади. Бундан ташқари у *Уҳуд, Хандақ, Хайбар ғазотлари*да ҳам қатнашган.

Макка фатҳи куни Суҳайл ибн Амр асир олиниб, ўлимга ҳукм қилинади. Шунда А.и.С. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан отасини афв этишини сўрайди. Ул Зот *мушрик* отани кечирадилар. Кейинчалик, Суҳайл ибн Амр ўғлининг даъвати б-н мусулмон бўлади ва *саҳоба*лар қаторига қўшилади.

А.и.С. Абу Бакр (р.а.)нинг халифалик даврини кўрган. Улуғ *саҳоба* ўттиз саккиз ёшида *Ямома жангид*а жасорат кўрсатиб, шаҳид бўлган.

Ад.: Ибн Исҳоқ. *Ас-Сӣра*. – Работ: 1967. 207; Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 106–107, 341; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 271; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. II, 322–323; İsmail L. Çakan. *«Abdullah b. Süheyl»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 136; *101 улуғ саҳобий*. – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 102.

Жамолиддин Каримов

АБДУЛЛОҲ ИБН ТОРИҚ
عبد الله بن طارق

Абдуллоҳ ибн Торик ибн Амр ибн Молик ал-Балавий аз-Зафарий (? – 3/625, Марр аз-заҳрон)

Саҳоба

Абдуллоҳ ибн Торик аз-Зафарий (р.а.) *Бадр* ва *Уҳуд жанг*ларида қатнашган. *Ҳижрат*нинг учинчи йили *Бани Лиҳён* қўшнилари *Адал* ва *Қора* қабилалари б-н мусулмонларга зарар етказиш режасини тузадилар. Ушбу режага мувофиқ, *Адал* ва *Қора* қабилаларидан етти киши Мадинага бориб, қабила аъзоларининг мусулмон бўлганини айтишади ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)дан уларга Ислом дини ва Қуръони каримни ўргатадиган муаллим тайинлашларини сўрашади. Пайғамбар (с.а.в.) Марсад ибн Абу Марсад бошчилигида олти-етти кишилик ҳайъатни муаллим сифатида уларга қўшиб юборадилар. Бу муаллимлар жамоаси Макка б-н Тоиф орасида жойлашган *Ражиъ* номли қудуқ ёнига етганларида қўққисдан ҳужумга учрайдилар. Жамоа аъзоларидан Марсад, Холид ибн Букайр ва Осим ибн Собит (р.а.) лар шаҳид бўладилар. Ҳубайб ибн Адий, А.и.Т. ва Зайд ибн ад-Дасина (р.а.)лар эса, асир олинадилар. Марр аз-заҳронга етганда А.и.Т. боғланган арқонидан бўшалиб қиличини олади ва *Бани Лиҳён*га қарши курашга киради. Атрофга тарқалиб олган *мушрик*лар уни тошбўрон қилиб шаҳид қиладилар. А.и.Т.нинг қабри Марр аз-заҳронда жойлашган.



Ражиъ қудуғи

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 158, 355, 357; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. II, 55–56; III, 454–455; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. – Қоҳира: 1955. III, 169–171; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб*. – Қоҳира: 1328. II, 313–314; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 284; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1970–72. IV, 136.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН ТОҲИР
عبد الله بن طاهر

Абу-л-Аббос Абдуллоҳ ибн Тоҳир ибн ал-Ҳусайн (182/798, Хуросон – 230/844, ?)

Давлат арбоби ва қўмондон

Аббосийлар давлат арбоби ва қўмондони бўлган Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Хуросонда ўтган. У отасининг назорати остида яхши тарбия кўрган. Отаси Тоҳир Ҳорун ар-Рашиднинг ўғиллари Амин ва Маъмун ўртасидаги халифалик талашувида Маъмун тарафдори бўлган ва бунда асосий роль ўйнаган. А.и.Т. ҳам отасининг қўли остида мазкур курашда иштирок этади. У ал-Жазирада юзага келган исёнларни бостириш мақсадида 815 й. минтақага волий этиб сайланган отасининг ёнида илк ҳарбий ва бошқарув амалиётини ўтайди. Отаси бу ердан кетгач, (819 й., 11 авг.) унинг вакили сифатида курашни давом эттиради. Отаси Хуросонга волий бўлгач, А.и.Т. Бағдод соҳибуш-шуртали-гига тайинланади. Ал-Жазира исёнлари жиддий тус ола бошлагач, халифа Маъмун уни Жазира, Шом ва Мисрга волий қилиб, исённи бостириш вазифасини топширади (821 й.). А.и.Т. йигирма минг кишилик қўшин б-н Раққага келгач, аввал исёнчиларга нисбатан юмшоқроқ муомала қилиб, уларнинг ўзига қарши бирлашишларининг олдини олишга уринади. Бироқ Шим. Шом ва ал-Жазира ҳудудидаги *Музор қабиласи* аъзоларининг исёнга қўшилиши оқибатида исён авж олиб, салкам тўрт йил давом этади. Бунга қарши А.и.Т. исёнчилар-



Қадимги Хуросон. 9-а.

нинг ҳарбий базасига айланган қалъаларни забт этишга киришади. Оғир кечган жанглардан кейин аввал Балис қалъасини забт этади. Сўнг исёнчилар раҳнамоси Наср ибн Шабас турган Қайсум қалъасига ҳужум қилиб, қалъани қуршаб олади. Қамал натижасида Наср омонлик сўрашга мажбур бўлади. Бироқ А.и.Т. минтақадан қайтиши б-н яна қайтадан исён кўтаради. А.и.Т. ортига қайтиб, қалъани иккинчи бор қамал остига олади ва Насрни қўлга тушириб, Бағдодга юборади.

Исён бостирилгач, навбат Мисрдаги муаммоларни ҳал қилишга келади. Амин ва Маъмун орасидаги ҳокимият кураши Мисрдаги қабилаларо давом этиб келаётган рақобатни кучайтирган ва бу жараён қуролли тус олишгача борган эди. Ака-ука орасидаги курашга барҳам бериш б-н бу жараённи тугатишга ҳаракат қилинаётган бир пайтда, Андалус *умавий* ҳукмдори Ҳакам I. томонидан 15000 оиланинг Мисрга сургун қилиниши вазиятни кескинлаштиради. Айни дамда Миср волийси Убайдуллоҳ ибн Сорий халифалик маркази б-н алоқани узиб, солиғини тўламагач, халифа А.и.Т. га Мисрни қайтадан марказга бўйсундириш вазифасини топширади. 825 й. Мисрга юриш қилган А.и.Т. андалусликлардан Искандарияни қайтариб олади. У исёнчиларни мағлуб этгач, Убайдуллоҳ омонлик сўрашга мажбур бўлади. Ал-Жазира ва Мисрдаги исёнларни бостиришда эришган муваффақиятлари туфайли А.и.Т. зиммасига Озарбайжонда исён кўтарган Бобак ал-Хуррамий хавфини бартараф қилиш вазифаси юклатилади. Бунинг учун аввал Озарбайжон ва Арманистонга волий этиб тайинланади. А.и.Т. Динаварда Бобак устига ҳужум қилиш тараддудида турганида укаси Талҳа ибн Тоҳирнинг ўлими сабабли ўрнига Хуросон волийлигига тайинланади (214/829-30 й.).

821 й.дан эътиборан аввал отасининг, кейин эса, укасининг бошқарувида бўлган Хуросонга келган А.и.Т., Райдан тортиб Ҳиндистонгача чўзилган ҳудудни эркин ҳукмдордек бошқара бошлайди. 834 й. Толақонда исён кўтарган Али (к.в.)нинг авлодларидан Муҳаммад ибн Қосимни осонгина енгади ва уни қўлга олиб, Бағдодга жўнатади. Бир неча йилдан кейин бошқаруви Хуросондан туриб юритилган Табаристонда янада жиддий исён чиқади. Бунинг айбдори қайсидир маънода А.и.Т. бўлган, чунки у Табаристонда *қорийлар* уруғидан Мозёр ибн Қорин устидан халифага шикоят қилгач, Мозёр тўлаб турган солиғини тўхтатган эди. Мозёрни исён қилишга ундаган сабаблардан бири ҳудуддаги *тоҳирийлар* ҳукмронлигига ҳасад қилган турк қўмондонларидан Афшин экани айрим манбаларда айтиб ўтилади. Ниҳоят халифа Муъта-



Бағдод. Меъморий обида

сим ҳам унга қарши бўлгач, Мозёр 839 й. исён кўтарган. Бироқ у, А.и.Т. ва халифа қўшини қаршисида мағлуб бўлади, ўзи қўлга олиниб Сомаррода қатл қилинади (840 й. авг.).

А.и.Т. Маъмун даврида катта обрўга эга бўлган. Аммо Муътасим уни унчалик хушламаган. Ҳатто халифа уни заҳарлаш учун жория қиз орқали заҳарли рўмолча юборгани, лекин жория А.и.Т.га ошиқлиги боис режа барбод бўлгани айтилади. А.и.Т. Хуросонни салкам ўн тўрт йил отаси ўрнатган қоидалар асосида бошқаради. Мамлакатда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун, айниқса, қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор беради. Суғоришда ишлатиладиган сувни тартибли сарфлаш, мазкур муаммо сабабли аҳоли орасида юзага келадиган жанжалларнинг олдини олиш мақсадида Хуросон ва Ироқ *фақиҳ*ларини бир жойга тўплаб, қонун-қоидалар ишлаб чиқаради. Бу ҳайъат томонидан тайёрланган «*Китāб ал-қунӣ*» икки аср давомида суғориш ишларида андаза вазифасини бажарган.

Манбаларда А.и.Т.нинг қишлоқликлар манфаатини ҳимоя қилиш учун маъмурларга кўрсатмалар бергани, халқнинг таълим олиш имкониятига эга бўлишини хоҳлагани, унинг волийлиги даврида, айниқса, камбағал болалар ўқиш учун шаҳарларга қатнагани айтилади. А.и.Т. адабиёт ва фалсафага жиддий эътибор бериб, илм ва санъат эгаларини ҳимоя қилган, айрим илмий баҳсларда шахсан ўзи ҳам иштирок этган. «*Ал-Ҳамāса*»ни жамлаган шоир Абу Таммомга ҳомийлик қилган. Ўзи ҳам шоирлиги қаторида мусиқанавис ҳам бўлган. А.и.Т. дабдаба ва ҳашаматни ёқтирган. Бағдод ва Нишопурда маҳобатли сарой қурдирган. Унинг халифага 38–44 миллион дирҳам орасида солиқ тўлагани бошқаруви остидаги мамлакатнинг турмуш даражаси анча яхши бўлганини кўрсатади. Вафот этганида *тоҳирийлар* оиласи ҳар томонлама қудратга эга бўлган.

Ад.: Ал-Яъқубий. *Тарӣх*. – Лейден: 1883. II, 456, 459, 461, 463, 472, 477, 480; Ибн Халликон. *Вафайāт*. – Байрут: 1968–72. III, 83–89; Fikret Işıltan. *Urfa Bölgesi Tarihi*. – İstanbul: 1960. 132–141; W. Barthold. *Türkistan*. – İstanbul: 1981. 267, 271–273, 274–281, 308; C. E. Bosworth. «*The Tahirids and Arabic Culture*». *JSS*. XIV (1969). 45–79; Hakki Dursun Yildiz. «*Abdullah b. Tāhir*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 137–138.

Ҳаққи Дурсун Йилдиз

АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙ

عبد الله بن أبي

Абдуллоҳ ибн Убай ал-Хоразмий
(тахм. 200/, ? – тахм. 290/903, ?)
Ҳадис ҳофизи, муҳаддис

Манбаларда Абдуллоҳ ибн Убай ал-Хоразмийнинг туғилган санаси ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, олим 90 ёшдан ошиқроқ умр кўргани ва 290/903 й. бошларида ҳаёт бўлгани ҳақида айтилган. Мазкур маълумотдан келиб чиқиб, А.и.У. ҳиж. 200 й.лар атрофида таваллуд топганини тахмин қилиш мумкин.

А.и.У. Хоразм қозиси лавозимида фаолият олиб борган. Илм талабида дунё кезиб, Аҳмад ибн Юнус ал-Ярбувъий, Сулаймон ибн Абдурраҳмон ад-Димашқий, Саъид ибн Мансур, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳанзалий, Исҳоқ ибн Хотам ал-Аллоф, ал-Ҳасан ибн Қузъа, Халлод ибн Аслам, Абдулаъло ибн Ҳаммод ан-Нарсий, Али ибн ал-Ҳусайн ибн Ашкоб, Али ибн Салама ал-Лабақий, Амр ибн Зарора, Абу Комил ал-Жаҳдарий, Муҳаммад ибн Абу Ражо, Муҳаммад ибн Яъла ал-Ҳиравий, Ҳарям ибн Абд ал-Асдий, Яҳё ибн Айюб ал-Мақобирийдан ҳадис эшитган.

Ўз навбатида, А.и.Удан Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Али ас-Соний ал-Ҳассоний ал-Хоразмий, Абу-л-Аббос ибн Ҳамдон ал-Ҳирийлар ҳадис ривоят қилганлар.

Имом ал-Бухорий Хоразмга борганида А.и.Унинг уйида меҳмон бўлган, унинг китоблари б-н танишган ва ундан баъзи нарсаларни ёзиб олган. Ўзининг *«Аз-Зуъафā ал-кабīр»* китобида ҳадисларни *санад* б-н ҳам, *таълиқ* ҳолатда ҳам А.и.У. дан ривоят қилган. Имом ал-Бухорий шунингдек, *«Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ»* асарида: «Бизга Абдуллоҳ, унга Сулаймон ибн Абдурраҳмон... ҳадис айтди», деб ҳадисни зикр қилган. Зикр қилинган Абдуллоҳдан мурод А.и.У.дир.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола». 1985. XIII, 503; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Байрут: «Дор кутуб ал-ъилмийя», 1998. II, 168; Ибн Ҳажар. *Таҳзīб ат-таҳзīб.* «Доира ал-маъориф ан-низомийя», 1910. V, 139; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 47.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙ ИБН САЛУЛ

عبد الله بن أبي بن سلول

Абу-л-Ҳубоб Абдуллоҳ
ибн Убай ибн Молик ибн ал-Ҳорис
(? – 9/631, Мадина)
Мадиналик мунофиқ

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ота томонидан бобосига ҳам нисбат қилиниб, ибн Салул деб номланган. Ясриблик бўлган Абдуллоҳ ибн Убай *Хазраж қабиласи*нинг раиси бўлган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг Мадинага *ҳижрат* қилиб келишларидан аввал бошқарувни қўлга олувчи даъвогарлардан бири бўлган. Бироқ, *Бадр жанги*дан кейинроқ Ислом динини қабул қилишига қарамай, Мадина бошқарувини қўлга киритишга муваффақ бўлмагани учун ичида Ислом дини ва Пайғамбар (с.а.в.) га бўлган адоватини сақлаб юришда давом этган.

А.и.У.и.С.нинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. Мавжуд маълумотлар ҳам у сабабчи бўлган ёки бажарган ишлардан иборат, холос. Ҳадисларда исломга киришдан олдин Пайғамбар (с.а.в.)га рўбарў бўлган куни одобга зид гаплар айтгани ва ноўрин хатти-ҳаракатлар қилгани келтирилган. Бу воқеага гувоҳ бўлган Усома ибн Зайднинг ривоятига кўра, Пайғамбар (с.а.в.) касал ётган Саъд ибн Убодани зиёрат қилгани кетаётганларида, ораларида А.и.У.и.С. ҳам бўлган мусулмон, *мушрик* ва яҳудийлардан иборат гуруҳга йўлиқадилар. Уларга яқинлашганларида А.и.У.и.С. этаги б-н бурнини беркитиб, «чангитма» дейди. Шунга қарамай, Пайғамбар (с.а.в.) уловларидан тушиб, уларга салом бера-

дилар, Қуръон оятларидан ўқиб мусулмон бўлмаганларни Ислом динига даъват қиладилар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу ишлари А.и.У.и.С.га ёқмай, тўғри ва яхши нарсаларни айтаётганлари, бироқ даъватларини ўзлари зиёратига келаётган касалга қилишларини таъкидлайди. Унинг бу иши бошқа мусулмонларни ғазаблантиради, бироқ Пайғамбар (с.а.в.) уларни тинчлантирадилар ва Саъд ибн Убоданинг уйига бориб, бўлиб ўтган воқеани унга гапириб берадилар (Ал-Бухорий. «*Марзā*», 15, «*Адаб*», 115; Имом Муслим. «*Жиҳād*», 116; *Муснад*. V, 203).

А.и.У.и.С.нинг Пайғамбар (с.а.в.)га бўлган адоватини маккалик *мушрик*лар жунбушга келтирганини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Абу Довуд ривоят қилган ҳадисга кўра, *ҳижрат*дан бир неча кун ўтгач *Қурайш* улуғлари А.и.У.и.С.га мактуб жўнатиб, ҳимоялари остига олган Пайғамбар (с.а.в.)ни ўлдиришлари ёки Мадинадан чиқариб ташлашларини сўрайдилар. Акс ҳолда бор кучлари б-н уларнинг устига бостириб келишларини айтадилар. Мазкур таклифни А.и.У.и.С. тарафдорлари б-н муҳокама қилаётгани тўғрисидаги хабар Пайғамбаримиз (с.а.в.)га етиб келгач, Ул Зот бориб уларнинг *Қурайш* талабларини бажармаслик, акс ҳолда ўзлари зарар кўришлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирадилар. Ўша пайтда Мадина халқининг аксарияти мусулмон бўлгани учун А.и.У.и.С. Пайғамбар (с.а.в.)га қарши чиқишга журъат қилолмайди.

А.и.У.и.С.нинг мусулмон бўлиш сабабини *Бадр жанги*нинг мусулмонлар фойдасига ҳал бўлишидан излаш лозим. *Бадр жанги*да *мушрик*ларнинг ғалаба қозонишига тўлиқ ишонган А.и.У.и.С.нинг раис бўлиш умиди қайтадан уйғонади. Бироқ мусулмонларнинг ғалаба қозонгани унинг умидларини пучга чиқариш б-н бирга, Мадинада *мушрик* ҳолда яшаш имкониятидан маҳрум қилади. Шу сабаб у хоҳламаса ҳам ўзини мусулмон қилиб кўрсатишга мажбур бўлади.

Мадинадаги яҳудийлар А.и.У.и.С.нинг иттифоқдошларидан эди. *Хазраж қабиласи* аввалдан *Бани Назр* яҳудийларининг иттифоқдоши бўлгани учун А.и.У.и.С.нинг Исломга қарши олиб бораётган ишларига қўшилган эди. Мусулмонларнинг *Бадр*даги ғалабасига ҳасад қилган ва буни ўзларининг аянчли оқибатга учрашлари белгиси сифатида



Қадимги Мадина ш. қолдиқлари

кўрган *Бани Қайнуқаъ* яҳудийлари бир қанча зўравонликларни амалга оширадилар. Ўн беш кун давом этган қамал натижасида яҳудийлар Пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳукмларига рози бўлиб, таслим бўлишганда, А.и.У.и.С. уларнинг ёрдамига ишониб, Пайғамбар (с.а.в.)га *Хазраж қабиласи*нинг яҳудийлар б-н аҳдлашганини айтади. Ушбу воқеадан сўнг мусулмонларга яҳудий ва насронийлар б-н дўстлашишни тақиқловчи оят нозил бўлади («*Моида*» *сураси*, 51-оят). Кейинги оятда эса, А.и.У.и.С. ва унинг тарафдорларини назарда тутиб, «Қалбларида касаллик борларнинг «замон айланиб бизга мусибат етишидан қўрқамиз» деб, улар томон шошилганини кўрасан», дея марҳамат қилинади. *Уҳуд жанги*да Пайғамбар (с.а.в.) душманни Мадинада қарши олишни режалаштираётганда, айрим ёш *саҳоба*ларнинг қистовига кўра, 700 кишилик қўшин б-н *Уҳуд* сари йўлга чиқадилар. А.и.У.и.С. ҳам Мадинадан ташқарига чиқишга қарши бўлишига қарамай, Пайғамбар (с.а.в.)нинг чиққанларини кўриб, 300 кишилик одамлари б-н уларга эргашади. Аммо ярим йўлга етганда Мадинадан ташқарига чиқмаслик тўғрисидаги фикри эътиборга олинмаганини баҳона қилиб, «Сизларнинг жанг қилишингизни билмабман», дея жангга қўшилишдан воз кечиб ўзига қарашли одамлари б-н Мадинага қайтиб кетади.



*«Тавба» сураси*нинг аввали

Пайғамбар (с.а.в.) *Бани Назр* яҳудийларидан Мадинани тарк этишларини талаб қилганларида А.и.У.и.С. уларни ерларини тарк этмасликка ва Пайғамбар (с.а.в.) га қарши чиқишга ундайди. Яҳудийлар унга ишониб, қалъаларига беркиниб олиб, қаршилик кўрсатадилар. Лекин ваъда қилинган ёрдам келмагач, улар мусулмонларнинг шартларига кўнишга мажбур бўладилар. Қуръони карим бу ҳодисага ишора қилиб, *мунофиқ*ларнинг кирдикорини яна бир бор фош қилган («*Ҳашр*» *сураси*, 11-оят).

А.и.У.и.С. *Бани Мусталиқ жанги*дан қайтишда муҳожирларга нисбатан қўпол гаплар айтади. У ҳақоратлари туфайли ўлдирилиши ҳам мумкин эди. Бироқ шахсан Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари бу вазиятга аралашиб, муҳожирларни тинчлантирадилар. Шунингдек, мазкур сафардан қайтишда рўй берган Ойша (р.а.) ҳақидаги бўҳтон воқеаси (қ. *ОЙША, ИФК*)нинг ташкилотчи ва тарқатувчиси ҳам А.и.У.и.С.нинг ўзи эди. Қуръони каримда А.и.У.и.С. назарда тутилиб, «... Улардан (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимсага буюк азоб бордир» («*Нур*» *сураси*, 11-оят) дейилган. Пайғамбар (с.а.в.)ни қаттиқ қайғуга солган бу ҳодисадан кейин ҳам Ул Зот А.и.У.и.С. ни жазоламай, унга юмшоқ муносабатда бўлишни давом эттирганлар.

А.и.У.и.С. *ҳижрат*нинг тўққизинчи йили шаввол ойининг охирларида (631 й. фев. ойи ўрталари) касал бўлади ва йигирма кун давом этган касаллик охири ўлим б-н тугайди. Унинг ўғли отасини

кафанлаш учун Пайғамбар (с.а.в.)дан кўйлакларини сўрайди ва жаноза *намози*ни ўқиб беришларини илтимос қилади. Пайғамбар (с.а.в.) унга кўйлакларини берадилар. Бироқ жаноза *намози*ни ўқишга тараддуд кўрмоқчи бўлганларида Умар (р.а.) жиддий эътироз билдиради. Умар (р.а.) «*Тавба*» *сурасин*инг саксонинчи оятига асосланиб, мунофиқларнинг афви учун дуо қилиш мумкин эмас, деб ҳисобларди. Чунончи, ўша суранинг саксон тўртинчи ояти Умар (р.а.)ни қўллаб, мунофиқларни дуо қилиш ва қабрларини зиёрат қилишни тақиқлади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сйра*. – Қоҳира: 1955. III, 51–53, 67–68, 302, 305, 309; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1968. II, 38, 48, 165; IV, 349–350; Ат-Табарий. *Тарйх*. – Қоҳира: 1960–70. II, 480, 502–504, 553–554, 586, 605–608, 614; III, 103, 120; Ибн ал-Асир. *Ал-Кāмил*. – Лейден: 1851–76. I, 676; II, 150, 173, 192–193, 197; Montgomery Watt. *«Muhammad». The Cambridge History of İslam*. – Cambridge: 1970. 43–44, 46–47. Talât Koçyiğit. *«Abdullah b. Übey b. Selûl». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 139–140.

Тузувчи Насриддин Мирзаев

АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙДУЛЛОҲ ИБН АБУ МУЛАЙКА

عبد الله بن عبيد الله بن أبي مليكة

(қ. ИБН АБУ МУЛАЙКА)

АБДУЛЛОҲ ИБН УМАР ИБН АЛ-ХАТТОБ

عبد الله بن عمر بن الخطاب

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттоб ал-Қураший (тахм. 609, ? – 73/693, Макка)

Саҳоба, мужтаҳид олим

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ёшлигидан Расулуллоҳ (с.а.в.)дан илм ўргангани учун *саҳоба*ларнинг энг улуғ олими ва мужтаҳидларидан ҳисобланади. Куняси Абу Абдурраҳмон, отаси халифа Умар ибн Хаттоб ал-Қураший (р.а.), онаси Зайнаб бинт Мазъун ибн Ҳабибдир. Отаси иймонга келгач, у ҳам болалик даврида Исломни қабул қилган.

А.и.У.и.ал-Х. ёшлик вақтларидан тақводор, иффатли, дунё муҳаббатидан узоқ, ҳар ишда жуда диққатли эди. Уни *Қурайш* ёшлари ичида нафсига молик кишилардан, деб танишарди. Кишилар орасида сахийлиги ва ростгўйлиги б-н ҳам машҳур бўлган. У тижорат б-н шуғулланар, ўзига тўқ *саҳоба*лардан эди. Доим етим ва мискинлар б-н бирга таомланган. Дунёга мойил бўлмас ва унга ортиқча ҳаракат ҳам қилмас, балки ундан баданларини тўсгудек кийимни, эгилган беллари тўғри бўлгудек таомни умид қилар эди, холос.

А.и.У.и.ал-Х. ўн ёшлар атрофида отаонаси б-н Мадинага *ҳижрат* қилган. У *Хандақ*, *Муъта*, *Ярмук ғазотлари*, шунингдек, *Миср фатҳи*да иштирок этган. *Макка фатҳи*да қатнашган. Ўша вақтда у йигирма беш ёшларда бўлган.

Халифа Усмон (р.а.) вафотидан сўнг унга халифалик таклиф этилганида бош тортган.

А.и.У.и.ал-Х. кўпроқ илм оламида шуҳрат қозонган. Болалигидан Пайғамбар (с.а.в.) б-н кўп вақт бирга бўлган. У ҳақда Ойша (р.а.): «Ибн Умар юриш-туриш ва ҳаракатларида Расулуллоҳ (с.а.в.)га жуда ўхшарди», деган. *Тафсир*, *фиқҳ*, ҳадис ва б. илмларда пешқадам эди. *Фатво* борасида жуда ҳассос бўлиб, Имом Моликнинг хабар беришича, Пайғамбар (с.а.в.)дан сўнг *ҳаж* мавсуми ва б. пайтларда халқга олтмиш йил *фатво* берган.

У Пайғамбар (с.а.в.)дан 2630 та ҳадис ривоят қилган бўлиб, бу борада фақат Абу Ҳурайра (р.а.)дан кейинги ўринда туради. Шундан 170 тасини Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим иккиси муштарак келтирган бўлсалар, 81 тасини ёлғиз Имом ал-Бухорий, 31 тасини эса Имом Муслим келтирган. 2348 таси бошқа китобларда зикр этилган.

Умри охирида А.и.У.и.ал-Х.нинг кўзи ожиз бўлиб қолган. Ҳиж. 73 й. саксон тўрт ёшда Маккада *ҳаж* пайтида вафот этган ва Муҳассаб деган жойда дафн этилган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола». 1996. III, 203; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя». 1994. III, 33; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 15; *Исломшунослик қомусий луғати.* I. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. 24–25.

Маъмуржон Абидов

АБДУЛЛОҲ ИБН УММУ МАКТУМ

عبد الله بن أم مكتوم

(қ. ИБН УММУ МАКТУМ)

АБДУЛЛОҲ ИБН УНАЙС АЛ-ЖУҲАНИЙ

عبد الله بن أنيس الجهني

Абу Яҳё Абдуллоҳ ибн Унайс ал-Жуҳаний (? – 54/674, Шом)

Саҳоба

Абдуллоҳ ибн Унайс (р.а.)нинг тавалуд топган йили ва ўспиринлик даври ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Ислом рақиби бўлган бой яҳудий – Абу Рофеъни йўқ қилишга киришган тўрт-беш кишилик гуруҳдан жой олган. Усайр ибн Зорам устига юборилган ўттиз кишилик ҳарбий гуруҳга ҳам қўшилган. Мадинага ҳужум қилиш учун одам йиғаётган яҳудийлар бошлиғи Холид ибн Суфён ибн Нубайҳни йўқ қилиш вазифаси ёлғиз А.и.У.ал-Ж.нинг ўзига топширилади. Унга Холидни Нахла ёки Уранадан топа олиши мумкинлигини айтиб, унинг ишончига кириш учун зарур бўлса мадиналикларни ёмонлашига ҳам рухсат берилади. А.и.У.ал-Ж. Холид ибн Суфённи Урана водийсида учратади. Уни кўрганида ичига қўрқув оралаб, эти уюшганини ҳис қилади. Холид томон бораётганида аср *намози* вақти киргани боис *намозни* имо-ишора б-н ўқийди. А.и.У.ал-Ж. ўзини Холид қўли остида мусулмонларга қарши курашиш учун келган *хузоа*лик араб сифатида таништиради. У диндошлари ҳақида шундай нохуш гаплар гапирадики, Холид рақибини у каби ёмонлаган, уларга қарши курашишга интиқ одамни энди учратаётганини эътироф этишга мажбур бўлади. У А.и.У.ал-Ж.ни ёнидан жилдирмай, кечаси ўз чодирида олиб қолади. Холиднинг одамлари тарқалгач, А.и.У.ал-Ж. қулай фурсатни топиб уни ўлдиради ва ўша заҳоти у ердан узоқлашиб, бир ғорга яширинади. Кейинроқ Мадинага қайтиб келади ва бўлиб ўтган воқеаларни гапириб беради. Манбаларда келтирилишича, Пайғамбар (с.а.в.) А.и.У.ал-Ж.га бир ҳасса берадилар ва «Бу *қиёмат* куни орамизда белги бўлади, сен жаннатда ҳам шу ҳассага таянасан» (*Мусна*д, II, 496), дейдилар. А.и.У.ал-Ж. бу эсдаликни ўлгунича қиличи б-н бирга олиб юради. Вафот этгач, васиятига мувофиқ ҳасса кафанининг ичига қўйилади.

*Ҳижрат*нинг тўртинчи ёки олтинчи йил муҳаррам ойининг бешинчи кунидан йигирма учинчи кунига қадар давом этган бу воқеа «Абдуллоҳ ибн Унайс сарийяси» деб номланган. Мазкур воқеа яширинча душман ичига кирган мусулмонларнинг бошқа мусулмонлар ҳақида салбий фикр билдириши, имо-ишора б-н *намоз* ўқиш мумкинлигига далил қилиб кўрсатилган. А.и.У.ал-Ж. иситма касали туфайли *Бадр жанги*да иштирок этолмаган. Лекин *Уҳуд*дан бошлаб кейинги барча *ғазот*ларда қатнашган. *Миср фатҳи*, Африка жангларида ҳам иштирок этган. А.и.У.ал-Ж. уйи *Масжид ан-Набавий*га узоқ бўлгани сабабли Пайғамбар (с.а.в.)дан *Қадр кечаси*ни ўтказиш учун масжидга қачон келиши мумкинлиги ҳақида сўраганида, Ул Зот рамазоннинг йигирма учинчи кечасини тавсия қилганлар (*Ал-Муватто. «Иътикоф»*, 12; Абу Довуд. *«Шаҳр рамазон»*, 3). Шунга кўра, ҳар *рамазон* ойининг йигирма учинчи кечасида у Мадинага келиб, *Суффа* ёки *Масжид ан-Набавий*да ётиб қолган ва *асҳоби суффа*дан ҳисобланган. Баъзи манбаларда А.и.У.ал-Ж. 80/699 й. Шомда вафот этгани ривоят қилинган. Аксар тарихчилар эса, уни Муовиянинг халифалик даврида, 54/674 й. вафот этганига ишора қилганлар.

А.и.У.ал-Ж.нинг Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадислари айрим «*Су-*

нан» китоблари ва «*Муснад*»да зикр қилинган. Унинг ўзидан эса, Жобир ибн Абдуллоҳ ва фарзандлари Атийя, Амр, Абдуллоҳ ва Замралар ҳадис ривоят қилганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ А.и.У.ал-Ж.нинг ўзигина билган бир ҳадисни ундан ўрганиш учун ораси бир ойлик масофа бўлишига қарамай Шомгача боргани нақл қилинган (Ал-Бухорий. *«Илм»*, 19).

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. – Лондон: 1965–66. I, 3, 4, 117, 170, 391–395; II, 531–533, 566, 567–568, 686, 687; III, 908, 997; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. – Қоҳира: 1955. IV, 619; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. II, 50–51; Ат-Табарий. *Тарӣх*. – Қоҳира: 1960–70. III, 156–157; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 179–180; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. II, 278–279; M. Asım Köksal. *İslâm Tarihi*. – İstanbul: 1981. IV, 9–12; İsmail L. Çakan. «*Abdullah b. Üneys el-Cüheni*». *TDV İA* – İstanbul: 1988. I, 140–141.

Исмоил Л. Чакан

АБДУЛЛОҲ ИБН УСМОН ИБН АФФОН

عبد الله بن عثمان بن عفان

(? – 6/627, ?)

Пайғамбар (с.а.в.)нинг набиралари

Пайғамбар (с.а.в.)нинг қизлари Руқия (р.а.) ва Усмон (р.а.)нинг ўғли бўлган Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Аффон (р.а.), *балоғат* ёшига етмасидан Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган мусулмонларнинг фарзандлари ҳам *саҳоба* ҳисобланади, дейдиганлар сўзига кўра, *саҳоба*лардандир.

Отаси Усмон (р.а.) б-н онаси Руқия (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)нинг тавсияларига кўра, пайғамбарликнинг бешинчи йили, ражаб ойида Ҳабашистонга *ҳижрат* қилишган. А.и.У.и.А.нинг мана шу сафар чоғида дунёга келгани ривоят қилинса-да, аниқ эмас. *Ҳижрат*нинг тўртинчи йили (625-626 й.) олти ёшда вафот этгани ҳақидаги маълумотга таяниладиган бўлса, у *ҳижрат*дан икки йил олдин туғилган бўлиши керак. Исмини шахсан Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари қўйганлари ривоят қилинади. Отаси Усмон (р.а.) унга нисбат қилиниб, Абу Абдуллоҳ кунясини олган. А.и.У.и.А. юзини хўроз чўқигани сабабли юзи ҳамда кўзи шишиб касал бўлади ва шу касаллик туфайли оламдан ўтади. Жанозасини Пайғамбар (с.а.в.) ўқиганлар, қабрга отаси Усмон (р.а.) қўйган. Баъзи манбаларда эса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари уни қабрга қўйганлари ривоят қилинади. Шунингдек, қабр тошини ҳам Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари ўрнатганлари ва набиралари ўлимига кўзёш тўкканлари манбаларда айтилади.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. II, 54; VII, 36; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 335; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1970–72. V, 20; M. Asım Köksal. *İslâm Tarihi*. – İstanbul: 1981. IV, 133; Mücteba Uğur. *«Abdullah b. Osman b. Affān»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 126.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов



Ҳабашистон водийси

АБДУЛЛОҲ ИБН УТБА
عبد الله بن عتبة

Абу Убайдуллоҳ Абдуллоҳ
ибн Утба ибн Масъуд ал-Ҳузалий
ал-Маданий ал-Куфий
(? – 74/693, Куфа)
Саҳоба, фақиҳ, муҳаддис

Машҳур *саҳоба* Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг жияни Абдуллоҳ ибн Утба (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотлари вақтида жуда кичик ёшда бўлгани манбаларда зикр қилинган.

Баъзи олимлар томонидан *тобеъин* деб ҳисобланган А.и.У. Куфанинг пешво олимларидан бўлган. Ундан кўплаб ҳадис ва *фатво*лар нақл қилинган. Ҳадис ривоятида *сиқа* бўлгани хусусида маълумотлар бор. Расулуллоҳ (с.а.в.) дан тўғридан-тўғри ривояти бўлмаган А.и.У., кўпроқ амакиси Ибн Масъуд, Умар, Аммор ва Абу Ҳурайра (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Мадинанинг машҳур етти *фақиҳидан (фуқаҳои сабъа)* бири бўлган ўғли Убайдуллоҳ, Омир аш-Шаъбий, Абу Исҳоқ ас-Сабиий ва Муҳаммад ибн Сирийнлар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.У. Умар (р.а.)нинг халифалиги даврида Мадинада бозор назоратчиси этиб тайинланган. У 66/685 й.да Куфада исён чиқариб шаҳарни қўлга киритган Мухтор ас-Сақафий томонидан Шурайҳнинг ўрнига қози этиб тайинланган. Бироқ қисқа вақтдан сўнг хасталиги сабабли вазифадан озод қилинган. Мусъаб ибн Зубайрнинг ҳокимлиги даврида ҳам икки йил (686–687 й.) Куфада қозилик қилган А.и.У. ўша ерда вафот этган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1968. V, 58–59; Ат-Табарий. *Тарūх.* – Қоҳира: 1960–70. VI, 35, 118, 139; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 305–306; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 340; ўша муал. *Таҳзūб ат-таҳзūб.* V, 311; Vecdi Akyüz. *«Abdullah b. Utbe». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 139.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН ФАЙСАЛ
عبد الله بن فيصل

(қ. САЪУДИЙЛАР)

АБДУЛЛОҲ ИБН ФАРРУХ
عبد الله بن فروخ

(қ. ИБН ФАРРУХ)

АБДУЛЛОҲ ИБН ХОЗИМ
عبد الله بن خازم

Абу Солиҳ Абдуллоҳ ибн Хозим
ибн Асмоъ ас-Суламий
(? – 72/691)
Хуросон волийси

Ҳирот ва Сарахсни *фатҳ* қилган. Онаси Ажло каби қора танли бўлган Абдуллоҳ ибн Хозимнинг Пайғамбар (с.а.в.) дан ҳадис ривоят қилгани ҳамда *саҳоба* бўлганини эътироф этувчилар ҳам бор. А.и.Х. Усмон (р.а.) халифалиги даврида Басра волийси бўлган Абдуллоҳ ибн Омир буйруғи б-н Эрон ва Хуросон *фатҳ*ларида қўмондонлик қилган, кўп ерларнинг *фатҳ* этилишида катта хизмат кўрсатган. 651–652 й.ларда Ҳирот ва Сарахсни *фатҳ* этиш, бир йил кейин эса исён қилган Қорунни енгишнинг уддасидан чиққан. Бунинг оқибатида Басра волийси Абдуллоҳ ибн Омир тарафидан Хуросонга волий этиб тайинланади. Ибн Омир иккинчи марта Басра волийлигига сайлангач, у Балх ва Сижистонни *фатҳ* этишга юборилади. А.и.Х. 665 й.га қадар Хуросонда қатор ҳарбий ҳаракатларда қатнашган. 684 й.дан эътиборан Маккада халифалигини эълон қилган Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)га *байъат* қилади ва ўлдирилишига қадар унинг волийси сифатида Хуросонда қолади.

А.и.Х. *Рабиъа қабиласи*га мансуб синфлар б-н жанг қилиш асносида *тамимийлар*дан ёрдам кўради. Бу жанглардан кейин Хуросонга ҳоким бўлади ва ўғли Муҳаммадни Ҳиротга волий қилиб тайинлайди. Букайр ибн Вишоҳни ҳам хавфсизлик ташкилотининг раҳбари қи-



Қадимги Балх

либ тайинлайди. *Тамим қабиласи*дан Шаммос ибн Дисор ал-Уторидий А.и.Х.га қўшилган ҳолда, у Муҳаммад ва Букайр исмли қабила аъзоларини Ҳиротга киритмасликка қарор қиладилар. Шу сабаб 685 й. Ҳиротда юз берган урушда ўғли Муҳаммаднинг ўлдирилиши А.и.Х.ни ҳам жангга киришга мажбур қилади. Унинг бу каби Араб яриморолининг турли ерларидан келиб Хуросонга жойлашган қабилалар б-н олиб борган ички урушлари Абдулмалик ибн Марвон ҳокимиятни қўлга киритишига қадар давом этган.

Абдулмалик ибн Марвон Абдуллоҳ ибн Зубайр томонидан Ироқ волийси этиб тайинланган Мусъаб ибн Зубайрни қаршисидан олиб ташлаган вақтда А.и.Х. Абдулмалик номидан Хуросонда ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилган Боҳир ибн Варқо б-н жанг қилаётган эди. Хуросонга юборилган Мусъабнинг боши Абдулмалик тарафдорлари томонидан кўчаларда олиб юрилганида, А.и.Х. шаҳарни ўз қўлига олади. У Мусъабнинг бошини ҳурмат б-н ювади ва жаноза *намоз*ини ўқиб дафн этади. А.и.Х. юзага келган урушлар натижасида Марвни бошқаришни Букайрга топширади ва Нишопурга юриш қилади. 691 й.да Баҳийр б-н жанг қиларкан, Абдулмаликдан уни халифа сифатида тан олиб *байъат* этса, етти йил муддатда Хуросон волийлигида қолиши мумкинлиги ҳақида мактуб олади. Бу таклифдан ғазабланган А.и.Х. мактубни келтирган элчига: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобасининг ўғли (Абдуллоҳ ибн Зубайр)га берган *байъат*имни бузиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) қувган кимсанинг ўғли (Абдулмалик ибн Марвон)га *байъат* қилиб Аллоҳнинг ҳузурига боришни истамайман» дейди. Унинг бундай кескин рад жавобидан сўнг, Абдулмалик Хуросон волийлигига Букайр ибн Вишоҳни тайинлайди. А.и.Х. оиласи б-н Термиздаги ўғли Мусонинг ёнига бориш учун йўлга чиққанида Букайр томонидан таъқиб этилади ва Марвга яқин бўлган жойда қўлга олиниб ўлдирилади.

А.и.Х.нинг волийлиги даврида ўз номидан олтин танга зарб қилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ад.: Ибн Қутайба. *Ал-Маъариф*. – Қоҳира: 1960. 418; Ал-Балозурий. *Футуҳ ал-булдан*. – Қоҳира: 1956–60. 488, 499, 500–501, 505, 508, 511–513; Ат-Табарий. *Тарих*. – Лейден: 1879–1901. I, 2831–2832, 2886–2887, 2904–2906; II, 25–26, 65–66, 170, 488–496, 537, 593–598, 695–700, 753, 783, 831–835, 859; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. – Қоҳира: 1285–87. III, 148–149; ўша муал. *Ал-Камил*. – Байрут: 1979. III, 102, 125, 135, 360, 363, 417, 423, 437, 438; IV, 96, 156, 157, 207–210, 254–255, 260, 280, 296, 305, 332, 345–347, 368, 505, 508, 521; V, 183; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба*. – Қоҳира: 1328. II, 301; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Hâzim*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 106–107.

Мустафо Файда

АБДУЛЛОҲ ИБН ШАДДОД

عبد الله بن شداد

Абу-л-Валид Абдуллоҳ ибн Шаддод ибн Усома ибн Амр ал-Ҳодий (? – 82/701)

Муҳаддис, тобеъин

Эски давр арабларида одат бўлганидек, мусофир ва йўловчилар ёруғликни кўриб келишлари ва уларни меҳмон қилиш мақсадида кечалари олов ёққани учун ал-Ҳодий исмини олган. Катта бобоси Амрга нисбат қилиниб, Ибн ал-Ҳодий деган ном б-н ҳам машҳур бўлган. Онаси Сулмо бинт Умайс Ҳамза (р.а.)нинг хотини бўлиб, Ҳамза *Уҳуд*да шаҳид бўлганидан кейин Шаддодга турмушга чиққан. А.и.Ш. отаси Шаддод, Умар, Али, Муоз ибн

Жабал, Ибн Масъуд, Асмо бинт Умайс, Ойша, Умму Салама (р.а.) ва б. *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса, Абу Исҳоқ аш-Шайбоний, Абдуллоҳ ибн Шубрума ва Ҳакам ибн Утайба сингари алломалар ривоят қилганлар. А.и.Ш. ишончли *муҳаддис*лардан бўлиб, ривоятлари *«Кутуби ситта»*да келтирилган.

А.и.Ш. Али (к.в.) учун жонини ҳам беришга тайёр тарафдорларидан бўлгани ривоят қилинган. У Ҳажжожга қарши жангда Ибн ал-Ашъас томонида курашган, жангда Дужайл дарёсига тушиб чўкиб ўлган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. V, 61; VI, 126; Ат-Табарий. *Тарйх*. – Қоҳира: 1960–70. IV, 382–383; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 275–276; Аз-Заҳабий. *Сийар*. III, 488–489; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. V, 1314; Nevzat Aşık. «*Abdullah b. Şeddād*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 136.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН ШУБРУМА

عبد الله بن شبرمة

(қ. ИБН ШУБРУМА)

АБДУЛЛОҲ ИБН ЯЗИД АЛ-АДАВИЙ

عبد الله بن يزيد العدوي

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Язид ал-Адавий ал-Муқрий (120/739, ? – 213/828, Макка)

Муҳаддис ва қори

Манбаларда туғилган йили ҳиж. 113 й. деб ҳам кўрсатилган. Ал-Муқрий лақаби б-н машҳур бўлган. Узоқ умр кўрган, умрининг кўп қисмини Қуръон ва ҳадисни ўрганиш ҳамда ўргатишга бағишлаган. Чунончи, умрининг ўттиз олти йилини Басрада, ўттиз беш йилини Маккада Қуръонни ўқитиш б-н ўтказган. Маккада узоқ йиллар давомида истиқомат қилгани учун *Шайх ал-Ҳарамайн* номи б-н ҳам танилган.

А.и.Я.ал-А. *қироат* илмини машҳур *қироат* имоми *Нофеъ*дан таҳсил олган. Шу б-н бирга, Абу Ҳанифа, Каҳмас ибн ал-Ҳасан, Шуъба ибн Ҳажжож, Саъид ибн Абу Айюблар ва Басранинг машҳур *муҳаддиси* Ибн Авндан ҳадис ўрганган. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Абу Бакр ибн Абу Шайба ва б.ларга ҳадисдан таълим берган. Ишончли *ровий*лардан бўлган А.и.Я.ал-А.нинг ривоятлари, аввало *«Кутуби ситта»*, қолаверса, бошқа кўпгина ҳадис китобларида зикр қилинган. Имом ал-Бухорий унинг ривоятларидан ўн иккитасини *«Ал-Жāмиъ ас-саҳйҳ»*, ўн бештасини *«Ал-Адаб ал-муфрад»* асарларига киритган. А.и.Я.ал-А.нинг *олий иснод* ривоятлари Абу Бакр Аҳмад ибн Жаъфар ал-Қатиъийнинг беш жузлик «*Қатиъиййāт*» номли асарида келтирилган. Асарнинг А.и.Я.ал-А. ривоят қилган ҳадислардан ташкил топган *«Аҳāдйс Абй Абдирраҳмāн Абдуллāҳ бин Йазйд ал-Муқрй миммā вāфақа-л-Имāм Аҳмад»* номли ўн беш бетлик бир жузи бугунги кунимизгача етиб келган (Аз-Зоҳирийя, *Мажмуа*, инв. рақам 87/16).

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳам уни шарафлаган. А.и.Я.ал-А. умрининг тўқсонинчи йилларида вафот этган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 228; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 367; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа*. – Қоҳира: 1932–33. I, 463–464; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. VI, 83–84; Sezgin. *GAS*. I, 99–100; Ali Yardım. «*Abdullah b. Yezîd el-Adevî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 143.

Тузувчи Муҳаммаджон Абдуҳамидов

АБДУЛЛОҲ ИБН ЯЗИД АЛ-ХАТМИЙ

عبد الله بن يزيد الخطمي

Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Язид ибн Ҳасин ал-Ансорий ал-Хатмий (? – 69/688-89, Куфа)

Саҳоба

Ўспиринлигида *Байъат ар-ризвон*да иштирок этган. Отаси ҳам *саҳоба*лардан бўлган Абдуллоҳ ибн Язид (р.а.) *Байъат ар-ризвон, Уҳуд* ва ундан кейинги барча жангларда қатнашган. *Макка фатҳи*дан олдин вафот этган. Онаси Лайло бинт

Марвон ибн Қайс. А.и.Я.ал-Х. *Жамал*, *Сиффийн* ва *Наҳравон* жангларида Али (к.в.) тарафдорларидан бўлган. Абдуллоҳ ибн Зубайр уни бир муддат Макка амири этиб, кейинчалик Куфага волий қилиб тайинлаган. Волийлиги даврида машҳур *муҳаддис* аш-Шаъбий унга котиблик қилган.

А.и.Я.ал-Х. *Байъат ар-ризвон*да қатнашганида ўн етти ёшда бўлган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўргани аниқ, аммо Пайғамбар (с.а.в.)нинг суҳбатларида бўлгани хусусида ихтилофлар бор. Шундай бўлса-да, Пайғамбар (с.а.в.)дан тўғридан-тўғри ҳадис ривоят қилган (*Муснад,* IV, 307). У шунингдек, Барро ибн Озиб, Абу Айюб, Ҳузайфа, Қайс ибн Саъд, Зайд ибн Собит (р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳам ҳадис ривоят қилган. Ривоятлари *«Кутуби ситта»*да келтирилган. А.и.Я.ал-Х.дан аш-Шаъбий, Абу Исҳоқ, Ибн Сирийн, ўғли Мусо ва қизи томонидан набираси Адий ибн Собитлар ҳадис ривоят қилганлар.

*Ҳижрат*ининг ўн учинчи йилида юз берган *Жиср жанги*да, Эрон қўшинидаги филлардан бири мусулмонлар қўмондони Абу Убайд ас-Сақафийга ҳужум қилиб, уни ўлдиради. Қўмондонидан айрилган Ислом лашкарлари орқаларидаги кўприк томон қоча бошлайдилар. Шунда А.и.Я.ал-Х. кўприкни буздириб, аскарларни қўмондонлари учун интиқом олишга ташвиқ қилади. Кейинроқ эса, зудлик б-н Мадинага бориб, Умар (р.а.)га мусулмонларнинг мағлубиятга учраганини билдиради.

Обидлиги б-н ҳам машҳур бўлган А.и.Я.ал-Х. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) халифалиги даврида тахм. саксон ёшда вафот этган.

Ад.: Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1960–70. III, 455; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* – Ҳайдаробод: 1952–53. V, 197; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1970–73. III, 416–417; Аз-Заҳабий. *Сийар.* III, 197–198; İsmail L. Çakan. «*Abdullah b. Yezîd el-Hatmî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 143.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУЛЛОҲ ИБН ҲАМДОН

عبد الله بن حمدان

Абдуллоҳ ибн Ҳамдон ибн Ҳамдун ибн Абу-л-Ҳайжо (? – 320/932, Бағдод)

Ҳамдонийлар сулоласининг асосчиси

*Тағлиб қабиласи*га мансуб бўлган ва сулолага ўз исмини берган Ҳамдон ибн Ҳамдун 259/873 й.дан эътиборан Мосул ва атрофида содир бўлаётган сиёсий воқеаларда кўрсатган фаолияти б-н аббосий халифалиги наздида эътибор қозонган. Бунинг натижасида унинг ўғиллари ҳам давлатнинг юксак вазифаларига тайинланган. Ҳамдоннинг иккинчи ўғли Абдуллоҳ 901 й.да халифанинг хизматига киради. Уч йилдан кейин *қарматийлар* б-н бўлган урушда оғабеги Ҳусайннинг махсус кузатувчилари ҳузурида ҳарбий қобилиятини намойиш қилади, натижада 293/905-906 й.да Мосул волийлигига тайинланади. Бу вақтда Муҳаммад ибн Билолнинг қўмондонлигида исён қилган *ҳазбонийлар*га қарши юборилиб, кескин курашлар натижасида уларни итоати остига олади. А.и.Ҳ. Оғабеги Ҳусайннинг халифага қарши исёни вақтида халифа қўшини орасида бўлади ва оғабегини асир олиб, эътибор қозонади. 301/913-14 й.да маълум бўлмаган сабабга кўра, Мосул волийлигидан озод этилади. Сўнг, исён қилиб Мосулни куч б-н қўлга олишга ҳаракат қилади, аммо бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди ва халифадан омонлик тилашга мажбур бўлади. Халифа Муқтадир уни афв этиб, *хилъат* қийдиради ва кейинги йил яна Мосул волийси этиб тайинлайди. 303/915-16 й.да Ҳусайн яна такрор исён қилади ва шу сабаб Ҳамдоний оиласига мансуб шахслар ҳисбга олинади. Бир оз вақтдан сўнг А.и.Ҳ. озод қилинади. А.и.Ҳ. 919 й. Ардабил яқинида *Бани Сожд*ан бўлган Юсуф ибн Абу-с-Сожни қўлга олганидан кейин *ҳамдонийлар* такрор эски мавқеларини тиклайдилар.

А.и.Ҳ. аввал Динавар волийлигига тайин этилиб, унга Хуросон йўли тинчлигини сақлаш вазифаси топширилади. 925 й.да учинчи марта Мосул волийлигига тайинланади. Шундай қилиб Мосулда Ҳамдоний ҳокимияти ўрнатилади. Волий ва хилофат қўшинининг қўмондони сифатида нуфузли мавқега эга бўлган А.и.Ҳ., Мосул ва унинг атрофида доимий қаршиликлар кўрсатаётган бадавийларни итоати остига олади ва минтақада тинчликни таъминлайди.

*Қарматийлар*га қарши курашда муҳим роль ўйнаган А.и.Ҳ.га халифа томонидан *ҳаж* йўлларини назорат қилиш топширилади. У *қарматийлар* босқини сабаб жуда кўп йўқотишларга учрайди. Ўзи ва юзларча аскарлари б-н асир олинади. Басра ва Хузистонга эга чиқиш истагида бўлган *қарматийлар* раиси Абу Тоҳир А.и.Ҳ.ни яхши қарши олади ва келишувларда ўртага тушиши учун асирлар б-н бирга уни ҳам озод қилади. Халифа б-н *қарматийлар* орасида келишув таъминланмаганидан кейин Абу Тоҳир 927 й.нинг нояб.ида яна босқин уюштириб Куфани қўлга олади. Бир ойдан кейин Куфа яқинида бўлиб ўтган жангда *қарматийлар*нинг ғалаба қозониши Бағдодда катта нотинчликка сабаб бўлади. Халифа Мунис ал-Ходим қўмондонлиги остидаги 40.000 кишилик қўшинни *қарматийлар*га қарши юборади. А.и.Ҳ. ҳам қатнашган бу қўшин Бағдод яқинида *қарматийлар* б-н жангга киришади, бироқ ҳар икки томон ҳам катта йўқотишларга учрагани сабабли чекинишга мажбур бўлади.

А.и.Ҳ. ҳаётининг охирги йилларида ҳам марказдаги сиёсий курашларда қатнашади. У Муқтадирнинг тахтдан туширилиб, Қоҳир-биллаҳнинг халифа бўлишида муҳим роль ўйнаган. А.и.Ҳ. Бағдодда бирин-кетин содир бўлган ғалаёнлар вақтида вафот этади. *Ҳамдонийлар* асосчиси бўлган А.и.Ҳ., маҳоратли қўмондон ва бошқарувчи эди. Ҳаётининг катта қисми жанг майдонларида ўтгани сабабли Абу-л-Ҳайжо (муҳорабалар отаси) лақаби б-н машҳур бўлган.

Ад.: Ариб ибн Саъд. *Сила ат-тарйх ат-Табарй.* – Қоҳира: 1960–70; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил.* – Лейден: 1851–76; – Байрут: 1399/1979. VII, 538–539; Hakki Dursun Yildiz. «*Abdullah b. Hamdân*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 103.

Ҳаққи Дурсун Йилдиз

АБДУЛЛОҲ ИБН ҲАММОД

عبد الله ابن حماد

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Ҳаммод ибн Айюб ибн Мусо ибн Туфайл ал-Омулий (? – 273/886, ?)

Ҳадис ҳофизи

Имом-пешво, сўз ва ривоятлари ишончли ҳофизлардан саналган Абдуллоҳ ибн



Мосул ш.даги обидалардан бири. Ироқ

Ҳаммод Марвга қарашли Омул шаҳарчасидан. У ерни, шунингдек, Амав деб ҳам аташган. Шунинг учун олимга ал-Амавий деган нисбат ҳам берилади. А.и.Ҳ. нинг таваллуд санаси номаълум, унинг вафот йили сифатида эса икки хил сана – 269/882 ҳамда 273/886 й.лар кўрсатилган.

А.и.Ҳ. ҳадис илмида билимдонлардан бўлган. Абдуллоҳ ибн Маслама ал-Қаънабий, Абу-л-Ямон, Сулаймон ибн Ҳарб, Саъид ибн Абу Марям, Яҳё ал-Вуҳозий, Яҳё ибн Маъийн, Саъид ибн Мансур, Сулаймон ибн Абдурраҳмон, Абу Солиҳ Котиб ал-Лайсий, Муҳаммад ибн Имрон ибн Абу Лайло, Наъим ибн Ҳаммод ал-Марвазий, Абу-л-Жумоҳир ал-Кафрасусийларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган, улардан ҳадис эшитган. Бағдодга бориб, Абдулғаффор ибн Довуд ал-Ҳарроний ва Абу-л-Жамоҳир Муҳаммад ибн Усмон ад-Димашқийлардан ҳадис тинглаган.

Ўз навбатида, А.и.Ҳ.дан Аҳмад ибн Наср ибн Мансур ал-Марвазий, Абу Наср Муҳаммад ибн Ҳамдавайҳ, Муҳаммад ибн ал-Мунзир Шаккар, Умар ибн Бужайр, Иброҳим ибн Ҳузайм аш-Шоший, Ҳайсам ибн Кулайб, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Ҳорисий ва қози Абу Абдуллоҳ ал-Маҳомилийлар ҳадис ривоят қилганлар.

Ибн Ҳиббон А.и.Ҳ. ҳақида ўзининг *«Ас-Сиқāт»* асарида зикр қилган.

Хатиб ал-Бағдодий «*Тарīх Бағдāд*» (*«Бағдод тарихи»)* асарининг *ровий*лар занжирида А.и.Ҳ. ҳам иштирок этган ҳадисни келтирган.

Имом ал-Бухорийнинг ривоятида «Бизга Абдуллоҳ, унга Яҳё ибн Маъийн... ҳадис айтди», деб бошланган ҳамда «Бизга Абдуллоҳ, унга Сулаймон ибн Абдурраҳмон, унга Мусо ибн Ҳорун ал-Бардий... ҳадис айтди», деб зикр қилинган ҳадислардаги Абдуллоҳдан мурод Абдуллоҳ ибн Убай ал-Хоразмий ёки мазкур А.и.Ҳ. экани хусусида уламолар орасида ихтилоф мавжуд. Ал-Ҳоким, Абу Исҳоқ ал-Ҳаббол ва Абу Наср ал-Калобозийлар бу *ровий* А.и.Ҳ эканига ишонч ҳосил қилганлар.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. XII, 611; Ибн Ҳажар. *Таҳзīб ат-таҳзīб.* «Доира ал-маъориф ан-низомийя», 1910. V, 191. Ал-Хатиб. *Тарīх Бағдāд.* – Байрут: «Дор ал-ғарб ал-исломий», 2002. I, 108; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 47.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛЛОҲ ИБН ҲАНЗАЛА

عبد الله بن حنظلة

Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Ҳанзала ал-Ғасил ибн Абу Омир ал-Авсий (4/625 – Мадина – 63/683)

Саҳоба

Баъзи манбаларда бобосига нисбат берилиб, Абдуллоҳ ибн Роҳиб ҳам дейилган. Отаси Ҳанзала (р.а.) *Уҳуд жанги*да шаҳид бўлганида Пайғамбар (с.а.в.) унинг жасадини фаришталар ювганини башорат қилганлар. Шу сабаб у «ал-Ғасил» ёки «Ғасил ал-малоика» деб ёдга олинади. Онаси Жамила Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг қизи. Абдуллоҳ ибн Ҳанзала (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида етти ёшда бўлганига қарамай *саҳоба*лардан ҳисобланади.

Манбаларда А.и.Ҳ. ҳақида асосан *Ҳарра воқеаси* б-н боғлиқ маълумотлар келтирилган бўлса-да, унинг Мадинада каттагина обрўга эга бўлгани ҳам айтилган. Шунинг учун халифа Муовия томонидан ўғли Язид ибн Муовия номзодини ўзидан кейинги халифаликка тайёрлаш мақсадида Мадина волийси Усмон ибн Муҳаммад бошчилигида Дамашққа юборилган ҳайъат орасига А.и.Ҳ. ҳам қўшилган. Ҳайъат аъзолари Мадинага қайтгач, Язиднинг шароб ичгани, *намоз* ўқимасдан кунини айшу ишратда ўтказгани ва шу сабаб унинг халифалик мақомига лойиқ эмаслигини айтадилар. Шу боис Мадина аҳолисининг аксар қисми Язиднинг халифалигини тан олмай, А.и.Ҳ.га

байъат қилади. Мадинада бошланган бу воқеалар ўша пайтда Маккада бўлган, кейинчалик Ҳижоз халқи *байъат* қилган Абдуллоҳ ибн Зубайрга алоқадор деган фикрлар ҳам бор.

А.и.Ҳ. 63/683 й.да *умавийлар* ва Абдуллоҳ ибн Зубайрни қўллаб-қувватлаган Мадина аҳолиси ўртасида юз берган *Ҳарра жанги*да ҳалок бўлади.

А.и.Ҳ. кўп *рўза* тутувчи, тунларни ибодатда бедор ўтказувчи, Қуръон тиловатидан таъсирланувчи, обид, зоҳид, *ансорийлар* ичида катта ҳурмат қозонган *саҳоба* бўлган. Ривоят қилган ҳадислари Абу Довуд, Имом ат-Термизий ва Имом ад-Доримийларнинг «*Сунан*»лари ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*ида келтирилган. Шунингдек, у Умар, Абдуллоҳ ибн Салом ва Каъб ал-Ахбор (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан Абдуллоҳ ибн Язид ал-Хатмий, Ибн Абу Мулайка, Асмо бинт Зайд ибн ал-Хаттоблар ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Исҳоқ. *Ас-Сийра.* – Работ: 1967. 312; Ал-Масъудий. *Мурўж аз-заҳаб.* – Париж: 1861–77. V, 160; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъаб.* – Қоҳира: 1328. II, 286; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1285–87. III, 148; Аз-Заҳабий. *Сийар.* III, 321–325; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба.* – Қоҳира: 1328. II, 299–300; Ahmet Onkal. «*Abdullah b. Hanzale*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 104–105.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-ҲАСАН ИБН АЛ-ҲАСАН

عبد الله بن الحسن بن الحسن

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб (68/687, Мадина – 143/762, Ҳошимийя)

Тобеъин

«Ал-Комил» номи б-н лақабланган. *Масжид ан-Набавий*да Абу-з-Зиноддан дарс олган. Отаси ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан, онаси Фотима бинт ал-Ҳусайн ибн Али. У Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб, Аъраж, Икрима, Абу Бакр ибн Ҳазм ва б.лардан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида, ундан икки ўғли Мусо ва Яҳё ҳамда Имом Молик, Имом Суфён ас-Саврийлар ривоят қилганлар.

Умавий халифалар А.и.ал-Ҳ.и.ал-Ҳ. га яхши муомалада бўлган. У Умар ибн Абдулазиз наздида катта ҳурматга эга бўлган. *Умавийлар* халифаси Ҳишом ибн Абдулмаликка содиқлигини билдириш учун Дамашққа борган. Ҳокимият тепасига *аббосийлар* келгач, А.и.ал-Ҳ.и.ал-Ҳ. Анборга бориб, халифа Абу-л-Аббос ас-Саффоҳни зиёрат қилади ва ундан ҳурмат-эҳтиром кўради. Абу Жаъфар ал-Мансур 754 й. *ҳаж* қилиш учун Маккага борганида барча *ҳошимийлар* сулоласи аъзолари уни зиёрат қиладилар. А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ.нинг икки ўғли Муҳаммад ва Иброҳим зиёратга бормайдилар ва бу халифа эътиборини тортиб, улардан шубҳалана бошлайди. Мансур халифа бўлгач, Муҳаммад ва Иброҳимнинг ниятини ўрганишга ҳаракат қилади ва айрим *ҳошимийлар*дан улар ҳақида маълумот йиғади. Али (к.в.)нинг эвараларидан бўлган Ҳасан ибн Зайд, айниқса, Муҳаммад келажакда *аббосийлар*га жиддий хавф туғдириши мумкинлиги ҳақида халифани огоҳлантиради. Шу сабаб Мансур Уқба ибн Салмга А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. б-н учрашиб, ўғилларининг асл мақсадларини ўрганишни буюради. А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. Уқбанинг ҳийласига алданиб, ўғиллари инқилобга тайёргарлик кўришаётганини эътироф қилади. Уқба ўша заҳоти бу хабарни халифага етказади. Халифа 758 й. *ҳаж* қилиш мақсадида яна Маккага борганида А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ.ни ўз ҳузурига чақириб, ўзига бўлган садоқатини синайди. Ўша пайт А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. халифа ҳузурида Уқбани кўриб, чув тушганини англайди ва халифадан афв сўрайди. Бироқ халифа уни бир неча яқин қариндошлари б-н қамоққа олдиради, кейинроқ 762 й. эса, Ҳошимийяга жўнатади. А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. етмиш беш ёшида қамоқда вафот этади ҳамда Дивонийя (Ирок)да дафн этилади.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. V, 319; VIII, 473; Халифа ибн Хайёт. *Ат-Та-*

бақāт. – Дамашқ: 1966–67. II, 646; ўша муал. *Тарūх*. – Дамашқ: 1967–68. 648; Ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф*. – Қоҳира: 1960. 212–213, 233; Ат-Табарий. *Тарūх*. – Лейден: 1879–1901. II, 1338; III, 143, 188–189; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. – Ҳайдаробод: 1952–53. II, 33–34; Mustafa Fayda. «*Abdullah b. Hasan b. Hasan*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 106.

Тузувчи Музаффар Жониев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-ҲОРИС АЛ-ҲОШИМИЙ

عبد الله بن الحارث الهاشمي

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ибн Навфал ал-Қураший ал-Ҳошимий (9/630, Мадина – 84/703, Ўмон)

Муҳаддис тобеъин

Бобоси Навфал Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиси Ҳориснинг ўғли. Бобоси ҳам, отаси ҳам *саҳоба* бўлганлар. Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ал-Ҳошимий Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан икки йил олдин туғилган. Онаси Ҳинд – Абу Суфённинг қизи ва Пайғамбар (с.а.в.)нинг қайин сингилларидир. Янги туғилган вақтларида холаси Умму Ҳабиба (р.а.)нинг уйига олиб борилганда Пайғамбар (с.а.в.) А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ.ни кўриб қоладилар ва оғзига илк луқмани солиб (*таҳник*), дуойи хайр қиладилар. Кичкиналигида онаси уни «беббе» (дўмбоқча) деб, эркалатгани учун кейинчалик шу лақаб б-н машҳур бўлган.

А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. Шом диёри *фатҳ*ида иштирок этган. Кейинчалик отаси б-н бирга Басрага кўчиб ўтади ва ўша ерда истиқомат қилиб қолади. Басраликлар А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ.ни яхши билганлари сабабли Язид ибн Муовия вафот этгач, уни волий этиб сайлайдилар ҳамда унинг номидан Абдуллоҳ ибн Зубайрга *байъат* қиладилар (684 й.). Лекин Ибн Зубайр кейинчалик уни бу лавозимдан озод қилади. Ҳажжож ибн Юсуф Ироққа волий бўлгач, Абдурраҳмон ибн Ашъас унга қарши кураш олиб боради. Ибн Ашъаснинг атрофида Ироқнинг кўплаб уламолари, шу жумладан, А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. ҳам жамланади. Бироқ, мазкур ҳаракат мағлуб бўлгач, А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. Басрадан қочиб Ўмонга жойлашади ва тахминан саксон ёшида вафот этади. Ибн Ҳиббон уни сом ели (гармсел ургани) оқибатида 698 й. вафот этиб, Абвога кўмилганини айтса-да, бу тарзда ўлган киши у эмас, ўғли Абдуллоҳдир.

А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ.нинг ривоятлари «*Кутуби ситта*»да ҳам келган ва Яҳё ибн Маъйин, Али ибн ал-Мадиний, Имом ан-Насоийлар томонидан *сиқа* деб тан олинган. А.и.ал-Ҳ.ал-Ҳ. Умар, Усмон, Али, Аббос ибн Абдулмутталиб, Убай ибн Каъб (р.а.) каби *саҳоба*лардан кўпгина ҳадис ривоят қилган. Тўғридан-тўғри Пайғамбар (с.а.в.)дан қилган ривоятлари эса, *мурсал*дир. Ўзидан эса, ўғиллари Исҳоқ, Абдуллоҳ ва Убайдуллоҳлар, аллломалардан Ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий, Абу Исҳоқ ас-Сабиий ва Умар ибн Абдулазизлар ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. V, 24–26; VII, 100; Халифа ибн Хайёт. *Ат-Табақāт*. – Дамашқ: 1966–67. I, 451, 481; II, 581, 599; Ал-Бухорий. *Ат-Тарūх ал-кабūр*. – Ҳайдаробод: 1941–60. V, 63–64; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. – Ҳайдаробод: 1952–53. V, 30–31; Ал-Хатиб. *Тарūх Бағдāд*. – Қоҳира: 1931. I, 211–212; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1970–73. III, 207–208; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. III, 58. M. Yaşar Kandemir. «*Abdullah b. Hâris el-Hâşimî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 105.

Тузувчи Музаффар Жониев

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-ҲОРИС АЛ-ХУЗОИЙ

عبد الله بن الحارث الخزاعي

(қ. ал-ҲОРИС ибн АБУ ЗИРОР)

АБДУЛЛОҲ ИБН ҲУБАЙҚ

عبد الله بن حبيق

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ҳубайқ ибн Собиқ ал-Мавсилий ал-Антокий (?, Куфа – ?)

Ҳадис ривоят қилган илк давр суфийларидан

Куфада туғилган. Таваллуд ва вафот йиллари маълум эмас. Замонасининг

муҳим маданий марказларидан бўлган Антакияга кўчиб, ўша ерда яшайди. Дўсти, устози ва айни вақтда ҳадисдаги шайхлардан бўлган Юсуф ибн Асбот (в. 196/811-12 й.) ёнида камолга етишади. *Фиқҳ* ва *тасаввуф*да *мурид*лари б-н дўстлик риштасини қурган Суфён ас-Саврийнинг йўлини тутган. Фузайл ибн Иёз ва Бишр ал-Ҳофийлардан нақл келтирганига кўра, бу икки *сўфий* б-н ҳам суҳбатда бўлганини тахмин қилиш мумкин. А.и.Ҳ. *сўфий* тазкираларда *олий санад* б-н ҳадис ривоят қилган *ровий* сифатида зикр қилинади. Ҳадис илмидаги устозлари ва шогирдларини зикр қилиш б-н чекланган ҳадис мунаққидлари, унинг ривоятларининг қиймати ҳақида фикр билдирмаганлар. Ибн Абу Ҳотим *«Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл»* номли асарида А.и.Ҳ. б-н кўришгани, бироқ ундан ҳадис ёзиб олмаганини нақл қилади. Ҳужвирий «уммат ичида Ҳазрат Яҳё зуҳдининг соҳиби», дея таърифлаган А.и.Ҳ.нинг *тасаввуф*га оид асарларда нақл қилинган сўзларидан, унинг *зуҳд* даври *тасаввуф*ининг асосий тушунчаларини изоҳлагани тушунилади. Хавф ва ражо, ҳаромдан сақланиш, нафс тарбияси, қалб софлиги, амал, ихлос, ибодат завқи кабилар мазкур тушунчаларнинг бош мавзусидир. У *тасаввуф*даги хавф ва ражо тушунчасини қуйидагича зикр қилади: инсон фақатгина охиратда зарарини кўрадиган ишдан сақланиши ва охиратда ўзига фойда келтирадиган амал б-н банд бўлмоғи керак. Бу жиҳатдан энг фойдали қўрқув (*хавф*) – бу гуноҳлардан ман қилган, қўлдан кетган нарсага хафа бўлишдан асраган ва қолган умр ҳақида фикрлашга йўналтирувчи қўрқувдир. Энг фойдали умид (*ражо*) эса – кишига асосни топиши учун амални осонлаштирган, ҳаракатлантирувчи туйғудир. Шунга биноан, уч турли ражо мавжуд: бажарилган солиҳ амалнинг қабул бўлишидан умид қилиш, ёмон амалдан сўнг тавба қилиб афв қилинишдан умид қилиш ҳамда гуноҳ қилишда давом этиб, кечирилишдан умид қилиш. Бу охиргиси ёлғончи одамнинг сохта ражосидир. Ҳолбуки, нафс ёмонлигини таниган кимсанинг қўрқув ҳолати, умид ҳолатидан ғолиб бўлиши лозим. Бошқа илк давр *сўфий*лари каби А.и.Ҳ. ҳам амал ва ибодатга катта аҳамият берган, фақат амалдаги ихлос ва ибодатлардаги роҳат устида кўпроқ тўхталган. Унга кўра, ихлос амалдан қийинроқ ва бу хусусиятдаги амалдан инсонларнинг кўпи ожиздирлар. Бунинг устига амал илоҳий азобга қарши таъминот ҳам эмас. Шу боис у, ибодатларнинг охиратдаги фойдасини тушунишдан кўра бу дунёда эришиладиган тоат лаззатига эътибор берган, қалбнинг ибодатдан завқ олмаслигини у ибодатнинг нуқсонлиги ва кишининг бир мунча хатолар ичида эканига ишора, деб санаган.

Ад.: Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. V , 46; Абу Нуайм. *Хилйа ал-авлийа.* – Байрут: 1387/1967. X, 169; Ал-Ҳужвирий. *Кашф ал-маҳжўб.* – Истанбул: 1982. 229; Аш-Шаъроний. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Қоҳира: 1373/1954. I, 83; Ал-Муновий. *Ал-Кавакиб ад-дурриййа.* – Қоҳира: 1357/1938. I, 254; Арусий. *Натāиж ал-афкāр.* – Дамашқ: I, 131–133; Mustafa Bilgin. *«Abdullah b. Hubeyk». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 107.

Тузувчи Музаффар Жониев

АБДУЛЛОҲ ИБН ҲУЗОФА АС-САҲМИЙ

عبد الله بن حذافة السهمي

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ибн Қайс ибн Адий ибн Саъд ас-Саҳмий ал-Қураший
(? – 33/654, Миср)
Саҳоба

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ас-Саҳмий (р.а.) Эрон подшоҳи ва Рум императори б-н учрашган *саҳоба*. Куняси Абу Ҳузофа, онаси Тамима бинт Харсон *Бани ал-Ҳорис қабиласи*дан.

Манбаларда келишича, А.и.Ҳ.ас-С. Маккада мусулмонларга *мушрик*ларнинг тазйиқи кучайгандан кейин Ҳабашистонга *ҳижрат* қилган.

Ҳижратнинг олтинчи йили *Ҳудайбия сулҳи*дан кейин Пайғамбар (с.а.в.) Форс диёрининг подшоҳи Кисрога Ислом динига кириш таклифи битилган мактубни олиб боришни А.и.Ҳ.ас-С.га топширадилар.

Ҳижратнинг ўн тўққизинчи йили халифа Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) Румга юборган қўшин таркибида А.и.Ҳ.ас-С. ҳам бўлган. У асир тушиб қолади ва Рум императори Ҳирақлнинг пешонасидан бир ўпиш эвазига барча қолган асирларни озод этилишига сабаб бўлади. Шунингдек, у Мисрнинг *фатҳ* этилишида ҳам қатнашган.

А.и.Ҳ.ас-С. учта ҳадис ривоят қилган. Усмон ибн Аффон (р.а.) халифалик даврида вафот этади.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Қоҳира: «Дор ал-ҳадис», 2006. II, 71; III, 345; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1285–87. III, 142–144; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 16; *Исломшунослик қомусий луғати.* – Т.: «Моваройуннаҳр», 2013. 26–27.

Маъмуржон Абидов

АБДУЛЛОҲ ИЛОҲИЙ

عبد الله إلهي

(?, Туркия – 896/1491, Вардар Яница)

Мутасаввиф ва шоир

Мулла Илоҳий ёки Абдуллоҳ Симовий номи б-н ҳам машҳур бўлган. Илк таҳсилини туғилган шаҳрида олган. Кейинчалик ўша давр илм маркази бўлган Истанбулга бориб, Зайрак мадрасасида таҳсилини давом эттирган. Шогирди Мавлоно Али ат-Тусий б-н бирга Хуросонга сафар қилган. Кирмонда бир муддат илм ўргангач, *тасаввуф*га қизиқиб *сўфий*лар б-н бирга бўлишни бошлаган. *Тасаввуф*га бўлган муҳаббати ўз китобларини сотиб, пулларини фақирларга тарқатиш даражасида ҳаётига таъсир кўрсатади. Самарқандга сафар қилиб даврининг машҳур *мутасаввиф*ларидан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга *мурид* бўлади. Сайру *сулук*ини тамомлаб *ижоза* олганидан сўнг, Бухорога кўчади. Бир йил, яъни тўққиз *арбаъин* чиқаргунига қадар Баҳоуддин Нақшбанднинг қабри ёнида ибодат ва тафаккур б-н ҳаёт кечирди. Бу маънавий алоқа унинг увайсий-машраб *сўфий* сифатида танилишига сабаб бўлган. Такрор Самарқандга қайтган А.И.га *муршид*и вазифа бериб Онадўлига жўнатади. Симавга қайтиш асносида кириб ўтган илм марказларида замонасининг олим ва *сўфий*лари б-н суҳбатда бўлади. Буларнинг энг машҳурларидан бири Ҳиротда учрашган Мулло Абдурраҳмон Жомий эди. Кейинги йилларда халифаси Аҳмад Бухорийнинг *мурид*и Ломиий Чалабий, Абдурраҳмон Жомийнинг машҳур *«Нафаҳот ул-унс»* асарини форс тилидан туркийга таржима қилади. А.И. Симавга қайтганида нақшбандийликни ёйишни бошлаши натижасида атрофида тўпланганларнинг сони жуда тез ортади ва қисқа вақт ичида шуҳрати Истанбулгача ёйилади. Ломиий Чалабийнинг ибораси б-н айтганда, «тариқи хожагон овозаси вилояти Румга мунташир бўлди». Бир оз вақтдан



Шоҳи Зинда мажмуаси. Самарқанд



Абдуллоҳ Илоҳийнинг *«Маслак ут-толибийн ва-л-обидийн»* асари қўлёзмаси. Тўпқопи, Хазина, инв. рақам 305

сўнг Истанбулга келишига таклиф бўлади. Бироқ у, бу даъватни эҳтиёткорлик б-н қарши олади. Фотиҳ Султон Меҳмет таклифида қатъий туриб олганида, Самарқанддан Онадўлига бирга келган *мурид*и Амир Аҳмад Бухорийни Истанбулга жўнатади. Амир Бухорий у ердаги аҳволни устозига форсий бир байт б-н маълум қилганида, у Истанбулга сафар қилишни яна бир оз муддатга кечиктиради. Ниҳоят, Фотиҳнинг вафотидан сўнг манисалик қози Чалабий Муҳйиддиннинг қатъий таклифига биноан Истанбулга келишга розилик билдиради. Чалабийнинг у ҳамда дарвешлари учун тайёрлатган ҳужраларида ўтиришни рад этади ва Зайрак мадрасасида истиқомат қила бошлайди. Қисқа вақт ичида атрофида катта жамоат йиғилгани боис, янада сокин бир маскан қидира бошлайди. Авраносзода Аҳмад Бейнинг таклифига рози бўлиб, Салоникдан 40 км узоқликда жойлашган Вардар Яница (Юнонистондаги тарихий жой)га сафар қилади. Авраносзода ташкил қилган хонақоҳга жойлашади ва вафотига қадар шу ерда қолади. Яницада халқни *иршод* этишда давом этгани маълум бўлса-да, Румелияда ўзидан ўринбосар қолдиргани ҳақида маълумот йўқ. Бу ерда бўлган вақтида *мурид* етиштиришдан кўра, асар ёзиш б-н машғул бўлгани эҳтимоли кўпроқ. Авлиё Чалабий А.И.нинг минтақадаги таъсири ва Вардар Яницасидаги зиёратгоҳи ҳақида кўплаб маълумот қолдирган.

А.И.нинг энг машҳур *мурид*лари Амир Аҳмад Бухорий, Муслиҳуддин Тавийл ва Обид Чалабийлар ҳисобланади. Амир Аҳмад Бухорийнинг Истанбулда барпо қилган *зовия*си халифалари Ломиий Чалабий, Маҳмуд Чалабий, Пир Халифаи Ҳомидий ва Ҳаким Чалабий б-н давом этган. Бу даврлардаги манбаларда нақшбандий силсиласи қуйидагича берилган: Убайдуллоҳ Аҳрор, Мулла Илоҳий, Аҳмад Бухорий, Ҳаким Чалабий, Нақшбандзода Мустафо, Илоҳийзода Яъқуб, Аҳмад Тиравий, Умар Боқий, Шайх Насруллоҳ. Бу силсила, *мужаддидий*нинг Онадўлида ёйилиши б-н ўзгаришга учраган.

Ас.: *«Кашф ал-вāридāт ли-тāлиб ал-камāлāт ва ғāйати-д-даражāт»*. Бадруддин Симовийнинг машҳур *«Вāридāт»* номли асарининг араб тилидаги шарҳи. Шарҳни ёзишда Аттор, Мавлоно ва айниқса, Ибн ал-Арабийнинг асарларидан фойдаланган. Котиб Чалабийнинг қайд этишича, асар *«Вāридāт»* асарига ёзилган илк шарҳ ҳисобланади.

«Маслак ут-толибийн ва-л-обидийн». *Тасаввуф*ий ҳаётнинг одоб ва арконига доир ушбу асар 888/1483 й.да ёзилган.

«Зод ул-муштоқийн». Туркий тилдаги асар бўлиб, юздан ортиқ *тасаввуфий* истилоҳларнинг изоҳларини ўз ичига олган.

«Асрорнома». *Тасаввуфий* ахлоққа оид бўлган туркий тилдаги асар.

«Рисāла ал-вужўд». *Ваҳдат ал-вужуд* мавзусида ёзилган араб тилидаги асар.

«Рисолаи Аҳадийя». Форс тилидаги мазкур асарда *ҳазароти хамс, олами жабарут, олами лоҳут, олами ҳақоиқ, жамъ ал-жамъ, ғайб ал-мажҳул, аҳадийёт* каби атамалар изоҳланган.

«Манозил ул-қулуб». Рўзбихони Бақлийнинг *«Рисолаи қудс»* номли асарига форс тилида ёзилган шарҳ.

Қуйидаги асарлар ҳам А.И.га нисбат берилган: *«Канз ул-асрор», «Нажот ул-арвоҳ», «Рисолаи Мулла Илоҳий», «Меърожийя»*.

Ад.: Ломеъий. *Нафаҳот таржимаси*. – Истанбул: 1289. 453–454, 460, 465; Авлиё Чалабий. *Саёҳатнома*. – Истанбул: VIII. 175–176; Ҳусайн Вассоф. *Сафина*. I, 29–30; Zeki Velidî Togan. *Umumi Türk Tarihine Giriş*. – İstanbul: 1981. 377–378; Mustafa Kara, Hamid Algar. *«Abdullah-ı İlâhî»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 110–112.

Тузувчи Музаффар Жониев

АБДУЛЛОҲ АР-РОЗИЙ

عبد الله الرازی

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий аш-Шаъроний

(? – 353/964, ?)

Сўфий

Манбаларда ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Асли Райлик бўлиб, Нишопурда туғилиб ўсган. Жунайд ал-Бағдодий ва Абу Абдуллоҳ ал-Бушанжий каби машҳур *сўфий*ларнинг суҳбатида бўлган. Абу Усмон ал-Ҳирийнинг машҳур *мурид*ларидан бири бўлган. А.ар-Р.нинг бошидан кечган бир воқеадан кейин камтарликни ўзига дастур қилганлиги манбаларда зикр этилган. Суҳбатларида бўлган шайхлардан кўп фойдаланган, буларни ахлоқий ва маънавий ҳаётида татбиқ қилган. Айниқса, руҳан покланиш ҳамда янада юксак маънавий мартабаларга эришиш учун мураккаб риёзатни қўллаган. Буларнинг барчаси *мушоҳада* соҳиби *сўфий* бўлишини таъминлаган. *Сўфий*лар ҳам уни Нишопурда етишган улуғ шайхлар қаторига қўшганлар.

Шамсуддин аз-Заҳабий А.ар-Р.ни Ҳаким ат-Термизийнинг мажлисларига қатнашгани ҳамда ундан Ҳоким ва ас-Суламий каби *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганини айтган. Нисба, куня ва исмларидаги ўхшашлик сабабидан уни Абдуллоҳ ал-Харроз (ваф. 310/922 й.) б-н адаштирадилар.

Ад.: Ас-Суламий. *Табақāт ас-сўфиййа*. – Қоҳира: 1389/1969. 170, 451–453; Ал-Қушайрий. *Ар-Рисāла*. – Қоҳира: 1972–74. 439, 495, 636; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XVI. 65–66; Ломеъий. *Нафаҳот таржимаси*. – Истанбул: 1289. 272; Аш-Шаъроний. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Қоҳира: 1954. I, 119–120; Ал-Муновий. *Ал-Кавāкиб ад-дуррийа*. – Қоҳира: 1938. II, 38; Арусий. *Натāиж ал-афкāр*. – Дамашқ: II, 4; Mustafa Bilgin. «*Abdullah er-Rāzî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 128–129.

Мустафа Билгин

АБДУЛЛОҲ ШУТТОРИЙ

عبد الله شطاری

(? – 832/1428-29, Манд)

Шутторийя тариқатининг асосчиси, ҳиндистонлик мутасаввиф

«Ашғоли шутторийя» номли асарида ўзининг олий силсиласи, мақоми ва ҳоли ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, у ҳақдаги маълумотлар кўпроқ Ғулом Сарвари Лоҳурийнинг *«Хазīна ал-асфийā»* асарида мавжуд. *Ҳамадонийя тариқати*ни Али ал-Ҳамадонийдан, *қодирийя тариқати*ни Шайх Абдулваҳҳобдан олган. *«Хазīна ал-асфийā»*га кўра, А.Ш.нинг насаби Шаҳобуддин ас-Суҳравардийга етиб боради. А.Ш. *тайфурийя тариқати* шайхларидан Муҳаммад Орифга қўл берган. Шайх унга аш-Шутторий (ёки Шаттор) лақабини берган. «Шуттор» сўзи истилоҳда «тез йиғлагувчи» деган маънони англатади. Лекин *сўфий*лар «фано филлаҳ» ва «бақо филлаҳ» мақомига ет-



Тож Маҳал мажмуаси (чап ва ўнгда масжид). Ҳиндистон

ган шахсга «шуттор» сўзини ишлатганлар. А.Ш. риёзат ва мужоҳада б-н камолот даражасига чиққанлиги учун Шайх Муҳаммад биринчилардан бўлиб, А.Ш.га нисбатан «шуттор» деб мурожаат қилган. Хирқа кийдириб *тариқат*ни ёйиши учун Ҳиндистонга юборган. А.Ш. аввал Ҳиндистоннинг Банкипур ш.га, сўнгра Канпур ш.га боради ва у ерда юксак обрўга эга бўлади. Кейинчалик Жолуҳга келади. Жолуҳ ҳукмдори пойтахт Манд ш.да унга тайёрлатган масканда жойлашиб, *тариқат*ини ёйишни бошлаган. Мандда вафот этган. Турли тарзда қайд қилинган *тариқат* силсилаларининг барчаси Боязид Бистомийга боғланади. А.Ш.нинг йўналиши *тасаввуф*нинг учта умумий тамойилини ифодаловчи *тарийқи аброр*, *тарийқи ахёр*, *тарийқи шуттор*нинг сўнггисидир. Бу йўл ишқ, *важд* ва *жазба*ни асос қилиб олган. Унга нисбатан «пири тариқат», «соҳиби тариқат» дейилса-да, *шутторийя тариқати* аввалдан мавжуд эди. Зеро, баъзи манбаларда устози Муҳаммад Орифга Шутторий лақаби берилганлиги айтилган. Илгари умумий *тасаввуф*ни ифода этган *шуттория*, А.Ш. томонидан махсус бир *тариқат*, йўналиш сифатида шаклланган.

Ад.: Ҳаририйзода. *Тибйан.* I, 184; Ғулом Сарвар Лоҳурий. *Хазина ал-асфийа*, – Лакҳнав: 1914. II, 185; Абдулҳай ал-Ҳасаний. *Нузҳа ал-хавотир.* III, 100–101; Юнус Иброҳим ас-Сомарроий. *Улама ал-ъараб фи шибҳ ал-қорра ал-ҳиндиййа.* – Бағдод: 1986. 154; T. Yazıcı. *«Şattâriye». İA.* XI, 355–356; Süleyman Uludağ. *«Abdullah-ı Şüttârî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 137.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУЛЛОҲ АЛ-ХАРРОЗ
عبد الله الخراز

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ
ибн Муҳаммад ал-Харроз ар-Розий
(?, Рай – 310/922, ?)
Илк давр сўфийларидан

Аҳли сунна вал-жамоа олимларидан. Таҳсил олиш учун Бағдодга кўчиб борган. Жунайд ал-Бағдодийнинг ўзи, Боязид Бистомийнинг эса *мурид*лари б-н учрашган. Қисқа муддат Маккада яшаган. Музаффар ал-Кирмисиний, Абу-л-Аббос ад-Дийнаварий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Муқрийларнинг шайхи бўлган А.ал-Х., футувват фикрига асосланган илк *сўфий*лардан саналади. Исмининг

охиридаги «ал-Харроз» (пойабзал устаси, косиб) лақаби қўл меҳнати б-н тирикчилик қилганидан далолат қилади. Нисбаси ва исмларидаги ўхшашлик туфайли кўпинча Абдуллоҳ ар-Розий б-н адаштирилади.

А.ал-Х. узлат фикрига баданий узлатдан кўра фарқлироқ ёндашган ва дунёга нисбатан жисмонан бўлганидек, ақлан ва қалбан ҳам узлатда яшаш кераклиги тушунчасини илгари сурган. Воқеликда ҳақиқий диндорлик дунёвий ва ухровий ҳеч қандай манфаат кўзламасдан, бутун борлиғини Аллоҳга бағишлашдан иборатлигига ишонган. Шу боис жаннатнинг неъматларини умид қилиб тоат-ибодат қилганлар б-н Аллоҳни севгани учунгина ибодат қилишга берилган бандаларни тенг билмаган. Оддий инсоний ҳолатлар ҳам ибодат шуури ичида бўлиши кераклигини таъкидлаган. А.ал-Х.нинг фикрича инсон, Аллоҳни таниш, унга яқинлашиш ва унга ёлвориш қобилиятига эга бўлиш б-н бирга, банда сифатида гарданидаги шукроналик қарзини тўла-тўкис адо этишдан ожиздир. Чунки Аллоҳ абадий бўлгани боис, унга абадий шукр қилишни тақозо этади.

Ҳадис манбаларига кўра, А.ал-Х. ишончли *ровий* ҳисобланади. Ҳадисларини Молик ибн Анас ва унинг даражасидаги олимлардан ривоят қилган. Абу Зуръа, Аҳмад ибн Ҳанбал, ал-Бағавий ва Муслимлар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* – Ҳайдаробод: 1952–53. V, 131; Ас-Суламий. *Табақат ас-суфиййа.* – Қоҳира: 1969. 288–290; Ал-Қушайрий. *Ар-Рисала.* – Қоҳира: 1972–74. I, 171; Аз-Заҳабий. *Сийар.* XVI, 427–428; Аш-Шаъроний. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Қоҳира: 1373/1954. I, 98; Ал-Муновий. *Ал-Кавакиб ад-дуррийа.* – Қоҳира: 1357/1938. I, 255; Mustafa Bilgin. *«Abdullah el-Harrāz». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 105–106.

Тузувчи Музаффар Жониев

АБДУЛЛОҲ АЛ-ҲИМОР

عبد الله الحمار

(қ. ан-НУЪАЙМОН ибн АМР)

АБДУЛЛОҲ ИСМЛИ БОШҚА САҲОБАЛАР

*Саҳоба*лар ичида энг кўп учрайдиган исмлардан бири – «Абдуллоҳ» бўлиб, қуйида юқорида номлари тилга олинмаган мазкур исмли *саҳоба*ларни келтирамиз:

1. **Абдуллоҳ ибн Буср Абу Сафвон ас-Суламий ал-Мозиний**, Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н бирга икки қиблага қараб *намоз* ўқиган, Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг бошига муборак қўлларини қўйиб, унга барака сўраб дуо қилганлар. У, ота-онаси, туғишган биродари Атийя ва синглиси Саммоъ Ул Зот (с.а.в.)ни кўрган ва суҳбатларида бўлган. У 96/715 й.да, баъзи манбаларда айтилишича, 88/707 й.да Сулаймон халифалиги даврида юз ёшида вафот этган. Абдуллоҳ ибн Буср Шомда вафот этган охирги *саҳоба* ҳисобланади.

2. **Абдуллоҳ ибн Аъвар ал-Мозиний.**

3. **Абдуллоҳ ибн Ақрам Абу Маъбуд ал-Хузоий**.

4. **Абдуллоҳ ибн Авс ибн Вақш ибн Хазраж**, *Бадр*да иштирок этган.

5. **Абдуллоҳ ибн Асъад ибн Зурора ал-Ансорий**. У ва ўғли *саҳоба*лардандир.

6. **Абдуллоҳ ибн Исҳоқ ал-Аъраж.** Баъзилар таъкидлашича, у Ҳожиб ибн Абон Аъражнинг бобосидир.

7. **Абдуллоҳ ибн Асвад ас-Садусий.** У *Бани Садус қабиласи*дан келган элчилардан бўлган.

8. **Абдуллоҳ ибн Анас.**

9. **Абдуллоҳ ибн Асқоъ ал-Лайсий.** Унинг ҳадисини Ибн Шиҳоб Муғийра ибн Зиёддан, у эса Макҳулдан *мурсал* тарзда ривоят қилган.

10. **Абдуллоҳ ибн Умму Ҳаром бинт Милҳон Абу Убай ибн Убода ибн Сомит**, Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н икки қиблага қараб *намоз* ўқиган. Ундан Иброҳим ибн Абу Абла ривоят қилган.

11. **Абдуллоҳ ибн Абу Ҳабиба ал-Ашҳалий ал-Ансорий.** Абу Ҳабиба-

нинг исми Азроъ ибн Азъар ибн Зайд ибн Аттоф ибн Зубайъадир. У *Ризвон байъати*да иштирок этган. Абу Ҳабиба эса *Бадр*да қатнашган.

12. **Абдуллоҳ ибн Абу Аҳмад ибн Жаҳш**, туғилганида Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига олиб келинган ва Ул Зот унга «Абдуллоҳ» деб исм қўйганлар. Ибн Абу Аҳмад ва ўғли Муовия Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган.

13. **Абдуллоҳ ибн Бадр Абу Баъжа ал-Жуҳаний** мадиналиклардан саналади.

14. **Абдуллоҳ ибн Бадр**, насаби маълум эмас. Сулаймон ибн Аҳмад *«Муъжам»*да ва ал-Ҳазрамий *«Мафорид»*да уни зикр қилганлар.

15. **Абдуллоҳ ибн Бурайр ибн Рабиъа**, ундан Абу Абдурраҳмон ал-Жабалий ҳадис ривоят қилган, у мисрликлардан саналади.

16. **Абдуллоҳ ибн Собит Абу Рабиъ аз-Зафарий ал-Ансорий**.

17. **Абдуллоҳ ибн Собит ал-Ансорий**, куфаликлардан саналади.

18. **Абдуллоҳ ибн Собит Абу Усайд ал-Ансорий**.

19. **Абдуллоҳ ибн Саълаба ибн Хазма ал-Ансорий**, *Хазраж қабиласи*дан, *Бадр*да қатнашган.

20. **Абдуллоҳ ибн Саълаба ибн Суъайр** (ёки Ибн Абу Суъайр) ибн Умар ибн Зайд ибн Синон ибн Муҳтажир ибн Саломон ибн Адий ибн Соғир ибн Хаззоз ибн Коҳил ибн Адий ибн Шоир Абу Муҳаммад, 89/708 й.да вафот этган. Ундан ўғли, Муҳаммад ибн Муслим аз-Зуҳрий ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ибн Саълаба Макка *фатҳ* қилинган йилда Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган. Ул Зот унинг юзини силаб, ҳаққига дуо қилганлар.

21. **Абдуллоҳ ибн Жобир ал-Абдий**, *Абдулқайс гуруҳи* вакилларидан бири. У отаси б-н бирга Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келган.

22. **Абдуллоҳ ибн Жобир ал-Баёзий**, ансорлардан. У юқорида зикр қилинган ал-Абдий эмас. Аҳмад ибн Ҳанбал уни *саҳоба*лар қаторида зикр қилган.

23. **Абдуллоҳ ибн Жуҳайм Абу Жаҳм ал-Ансорий**.

24. **Абдуллоҳ ибн Жарод ал-Хафожий**, Тоиф аҳлидан.

25. **Абдуллоҳ ибн Жузъ ибн Анас ибн Омир ибн Али ас-Суламий,** басраликлардан саналади. Уни кейинги давр олимлардан баъзилари зикр қилганлар ва уларнинг айтишича, у Ноил ибн Мутаррифнинг бобосидир.

26. **Абдуллоҳ ибн Абу Жадъо,** басралик саналади.

27. **Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жузъ ибн Маъдийкариб ибн Амр ибн Аср ибн Амр ибн Увайж ибн Амр ибн Зубайд Абу Ҳорис аз-Зубайдий.** Зубайд Мазҳиждандир, Мазҳиж эса Каҳлондандир. Кейинги давр уламолардан баъзилари таъкидича, у *Бадр*да иштирок этган. Абдуллоҳ ибн Ҳорис аз-Зубайдий Мисрда яшаган ва 86/705 й.да, ўша ерда вафот этган.

28. **Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Қайс ибн Адий ас-Саҳмий**, Соибнинг туғишган биродари, Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан, Тоиф куни шаҳид бўлган.

29. **Абдуллоҳ ибн Ҳорис Абу Рифоъа ал-Адавий**.

30. **Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Уваймир ал-Ансорий**. Муҳаммад ибн Нофеъ ибн Ужайр ундан ривоят қилган.

31. **Абдуллоҳ ибн Ҳавола Абу Ҳавола ал-Аздий**, Иорданияда яшаган.

32. **Абдуллоҳ ибн Ҳубший ал-Хасъамий.** Ундан Саъид ибн Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим, Убайд ибн Умайрлар ривоят қилганлар.

33. **Абдуллоҳ ибн Ҳориса ибн Нўъмон,** мадиналик *саҳоба*лардан.

34. **Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамсоъ,** басралик саналади. Ундан Шақиқ ибн Салама Абу Абдуллоҳ ҳадис ривоят қилган.

35. **Абдуллоҳ ибн Ҳармала ал-Мудлижий**, ундан Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом ҳадис ривоят қилган.

36. **Абдуллоҳ ибн Ҳузоба.**

37. **Абдуллоҳ ибн Ҳакл**, баъзилар у ва номи юқорида келтирилган Абдуллоҳ ибн Ҳузоба иккисини бир *саҳоба* сифатида зикр қилганлар. Улар Шом аҳлидан бўлиб, Холид ибн Маъдон у иккисидан ривоят қилган.

39. **Абдуллоҳ ибн Хубайб ал-Жуҳаний ал-Ансорий,** мадиналик ҳисобланади.

40. **Абдуллоҳ ибн Хумайр**, Бани Убайд ибн Адий ибн Ғанм ибн Каъб ибн Салама, Хорижа ибн Хумайрнинг туғишган биродари, *Бадр*да қатнашган.

41. **Абдуллоҳ ибн Хаббоб ибн Аротт.** Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида яшаган, *саҳоба* эканида ихтилоф бор. У Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган, отаси эса *саҳоба* саналади. Уни хаворижлар ўлдирган. У отаси Хаббоб ибн Аротт ва Убай ибн Каъбдан ривоят қилган.

42. **Абдуллоҳ ибн Рабиъа ас-Суламий**, Мансур ибн Муътамирнинг амакиларидан бири бўлган. Айтилишича, у Амр ибн Утба ибн Фарқоднинг тоғасидир. Ибн Абу Лайло ундан ривоят қилган.

43. **Абдуллоҳ ибн Рабиъа ибн Масруҳ ибн Муовия**.

44. **Абдуллоҳ ибн Рабиъа Абу Язид ан-Нумайрий**. Ал-Ҳазрамий уни «*Ал-Вуҳдӣн*»да зикр қилган.

45. **Абдуллоҳ ибн Рабиъа ибн Ҳорис ибн Мутталиб ал-Қураший**, Урва ибн Зубайр ва Фазл ибн ал-Ҳасан аз-Замрийлар ундан ривоят қилганлар.

46. **Абдуллоҳ ибн Рифоъа ибн Рофеъ аз-Зурақий**, ал-Ҳасан ибн Суфён уни *«Ал-Вуҳдӣн»*да зикр қилган.

47. **Абдуллоҳ ибн Рабиъ ибн Қайс ибн Бани Абжар ибн Авф**, *Бадр*да қатнашганлардан.

48. **Абдуллоҳ ибн Замъа ибн Асвад ибн Мутталиб ибн Асад ибн Абдулуззо ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб**, онасининг исми Қурайба бинт Абу Умайя ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар.

49. **Абдуллоҳ ибн Зайд** (Ибн Абу Талҳа) ибн Саҳл ибн Асвад ибн Ҳаром Абу Яҳё ал-Ансорий ан-Нажжорий. Форс ўлкасида шаҳид бўлган. Айтилишича, у Валид ибн Абдулмалик даврида Мадинада вафот этган. Унинг онаси Анас ибн Моликнинг онаси бўлмиш Умму Сулаймдир. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга «Абдуллоҳ» деб исм қўйганлар ва танглайини хурмо б-н кўтарганлар.

50. **Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Амр ибн Мозин**.

51. **Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Жуҳаний.**

52. **Абдуллоҳ ибн Зимл ал-Жуҳаний.**

53. **Абдуллоҳ ибн Саҳл ибн Зайд ал-Ансорий**.

54. **Абдуллоҳ ибн Саҳл ибн Ҳунайф ибн Воҳиб ибн Ҳаким**. Баъзи уламоларнинг зикр қилишича, у Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида туғилган, унинг онаси Умайма Ҳассон ибн Даҳдоҳнинг қўл остида бўлган.

55. **Абдуллоҳ ибн Саҳл ибн Рофеъ ал-Ансорий**, *Авс қабиласи*дан, *Бадр*да иштирок этган.

56. **Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Хайсама**, у ва отаси Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган, отаси б-н *Бадр*да иштирок этган. Отаси Саъд *Бадр*да, Хайсама эса, *Уҳуд*да ҳалок бўлган.

57. **Абдуллоҳ ибн Саъд ал-Ансорий**, Ҳаром ибн Муовиянинг амакиси.

58. **Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Умавий,** унинг аввалги исми «Ҳакам» эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни «Абдуллоҳ»га ўзгартирганлар.

59. **Абдуллоҳ ибн Саъдий ал-Қураший.** Унинг тўлиқ насаби қуйидагича: Абдуллоҳ ибн Абд ибн Вақдон ибн Абдушамс ибн Абдувадд ибн Наср ибн Молик ибн Ҳисл ибн Омир ибн Луай ибн Ғолиб, у «Ибн Саъдий» деб чақириларди.

60. **Абдуллоҳ ибн Суроқа ибн Муътамир ибн Анас ибн Адотт ибн Разоҳ ибн Адий ибн Каъб ибн Луай**, у ва биродари Амр *Бадр*да қатнашган.

61. **Абдуллоҳ ибн Салама ибн Молик ибн Ҳорис ибн Адий ибн Ажлон**, *Бадр*да қатнашган, *Уҳуд*да шаҳид бўлган, онасининг исми Унайса бинт Адийдир.

62. **Абдуллоҳ ибн Саржис ал-Музаний.**

63. **Абдуллоҳ ибн Суфён ал-Аздий**, ундан Усома ибн Қайс ривоят қилган.

64. **Абдуллоҳ ибн Суфён ибн Абдул-асад ибн Ҳилол ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум**. Муҳаммад ибн Исҳоқдан ривоят қилинишича, у Ҳаббор ибн Суфённинг туғишган биродари бўлган.

65. **Абдуллоҳ ибн Сабра ал-Жуҳаний.**

66. **Абдуллоҳ ибн Сабра ал-Ҳамдоний.**

67. **Абдуллоҳ ибн Сийлон**, куфаликлардан саналади.

68. **Абдуллоҳ ибн Сулайм ибн Укайма ал-Лайсий ал-Ҳижозий**.

69. **Абдуллоҳ ибн Сувайд ал-Ҳорисий.** Ансорийлардан, Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган.

70. **Абдуллоҳ ибн Соъида ал-Ансорий**, ундан Муслим ибн Жундуб ривоят қилган.

71. **Абдуллоҳ ибн Сандар ал-Жузомий**, у ва отаси Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган. Ундан ўғли, Абу-л-Хайр, Рабиъа ибн Лақийт ривоят қилган, отаси Сандар Зинбоъ ибн Саломанинг мавлоси саналади.

72. **Абдуллоҳ ибн Шиххийр ибн Авф ибн Каъб ибн Вақдон ибн Ҳарийш ибн Муовия ибн Каъб ибн Рабиъа ибн Омир ибн Саъсаъа ал-Омирий**, Басрада яшаган.

73. **Абдуллоҳ ибн Шайёб**, Ҳимс аҳлидан.

74. **Абдуллоҳ ибн Шибл ал-Ансорий.** Ибн Абу Осим уни *«Ал-Āҳāд»*да зикр қилган. Айтилишича, у Абдурраҳмон ибн Шиблнинг туғишган биродаридир.

75. **Абдуллоҳ ибн Сафвон ибн Қудома**, Абдурраҳмоннинг туғишган биродари. У, биродари ва отаси Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган.

76. **Абдуллоҳ Замра ибн Молик ибн Салама ибн Абдулуззо ал-Бажалий**, басралик саналади.

77. **Абдуллоҳ ибн Таҳфа ал-Ғифорий.**

78. **Абдуллоҳ ибн Абду Ҳилол**. Қубо аҳлидан бўлган ансорийлардан.

79. **Абдуллоҳ ибн Абд Абу-л-Ҳажжож ас-Сумолий**, шомликлардан саналади.

80. **Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ваҳб ибн Саълаба ибн Вақш ибн Саълаба ибн Тарийф**. Саъд ибн Убода гуруҳидан бўлиб, *Уҳуд*да шаҳид бўлган.

81. **Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳилол Абу Алқама ал-Музаний**, Бакр ва Алқамаларнинг отаси.

82. **Абдуллоҳ ибн Амр ибн Умму Ҳаром ал-Ансорий**.

83. **Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳазм.** У Умора ибн Ҳазмнинг туғишган биродаридир.

84. **Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳалҳала.**

85. **Абдуллоҳ ибн Омир ибн Рабиъа ал-Адавий ал-Аназий**. Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган, Ул Зот вафот этганларида у тўрт-беш ёшли бола бўлган. Ҳайсам ибн Адийнинг айтишича, Абдуллоҳ ибн Омир Валид ибн Абдулмалик замонида вафот этган.

86. **Абдуллоҳ ибн Омир ибн Кариз ибн Ҳабиб ибн Абдушамс ал-Қураший**, уч ёшли пайтида Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг танглайини кўтарганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларида у ўн уч ёш бўлган. Ибн Омир ал-Қураший Нишопурни *фатҳ* қилган. У 60/680 й.да вафот этган.

87. **Абдуллоҳ ибн Омир ибн Унайс ибн Мунтафиқ ибн Омир**, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига элчи бўлиб келган. Ундан Абдуллоҳ ибн Жаррод ва Муғийра ибн Абдуллоҳ ал-Яшкурийлар ривоят қилганлар.

88. **Абдуллоҳ ибн Адий ибн Хиёр ибн Адий ибн Навфал ибн Абдуманоф ал-Ансорий**.

89. **Абдуллоҳ ибн Адий ибн Ҳамро Абу Амр Зуҳрий**, ҳижозликлардан саналади.

90. **Абдуллоҳ ибн Умайр ал-Ансорий,** *Бадр*да қатнашган.

91. **Абдуллоҳ ибн Умайр ас-Садусий.**

92. **Абдуллоҳ ибн Умайр ал-Хатмий**, Бани Хатма масжиди имоми, кўзи ожиз бўлишига қарамай Ислом ривожи учун кўп ишларни амалга оширган.

93. **Абдуллоҳ ибн Умайр ал-Ашжаъий.**

94. **Абдуллоҳ ибн Арфажа ал-Ансорий ас-Солимий,** *Авс қабиласи*дан. *Бадр*да қатнашган.

95. **Абдуллоҳ ибн Абс ал-Ансорий ал-Хазражий,** *Бадр*да қатнашган.

96. **Абдуллоҳ ибн Урфута ал-Ансорий ал-Худрий,** *Бадр*да қатнашган.

97. **Абдуллоҳ ибн Абдуманоф ибн Нўъмон ибн Синон ал-Ансорий**, *Бадр*да қатнашган.

98. **Абдуллоҳ ибн Авф.**

99. **Абдуллоҳ ибн Араба ал-Жуҳаний.**

100. **Абдуллоҳ ибн Акбара.**

101. **Абдуллоҳ ибн Инаба Абу Инаба ал-Хавлоний,** шомликлардан саналади.

102. **Абдуллоҳ ибн Удайс ал-Балавий**, Абдурраҳмоннинг туғишган биродари, Мисрни *фатҳ* қилишда қатнашган.

103. **Абдуллоҳ ибн Увайм ибн Соъида ибн Салъажа ибн Амр ибн Ҳориса ибн Авс ибн Молик**, *Бадр* ва *Ақаба*да иштирок этган.

104. **Абдуллоҳ ибн Ғанном ал-Бадрий**, Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н суҳбатлашган.

107. **Абдуллоҳ ибн Ғасийл.**

108. **Абдуллоҳ ал-Ғифорий.**

109. **Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Хузоий.**

110. **Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ансорий.**

111. **Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Асламий.**

112. **Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Махрама ибн Мутталиб**.

113. **Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Сахр ибн Ҳаром ибн Рабиъа ибн Адий ибн Ғанм ибн Каъб ибн Салама ал-Ансорий,** *Бадр*да қатнашган.

114. **Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Утақий,** Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган. *Миср* ва *Ироқ фатҳи*да қатнашган.

115. **Абдуллоҳ ибн Қурт ал-Аздий ас-Сумолий.** Унинг аввалги исми «Шайтон» эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни «Абдуллоҳ»га ўзгартирганлар. У ва биродари Абдурраҳмон Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган. Абдуллоҳ ибн Қурт Муовия томонидан Ҳимсга амир этиб тайинланган. У 56/676 й.да Румда *ғазот* вақтида шаҳид бўлган.

116. **Абдуллоҳ ибн Қораб ас-Сақафий.**

117. **Абдуллоҳ ибн Қумома**, Ваққос ибн Қумоманинг биродари, иккиси ҳам ас-Суламийдир.

118. **Абдуллоҳ ибн Курз ал-Лайсий**. Ойша (р.а.) томонидан қилинган ривоятда унинг зикри келган. Ойша (р.а.) Ибн Курзнинг шеъри ҳақида хабар қилган.

119. **Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Амр ибн Авф ибн Мабзул ибн Амр ибн Ғанм ибн Мозир ибн Нажжор**, *Бадр*да қатнашган.

120. **Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Зайд ибн Осим Абу-л-Ҳорис ал-Ансорий,** *Бадр*да қатнашган. *Бадр*да Расулуллоҳ (с.а.в.) уни ўлжаларни ҳимоя қилишга тайинлаганлар.

121. **Абдуллоҳ ибн Латбия**, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни омил (закот йиғувчи) этиб тайинлаганлар.

122. **Абдуллоҳ ибн Молик ибн Саъд ибн ал-Қишб ал-Аздий**, ундан Абдурраҳмон ал-Аъраж, Ато ибн Ясор, Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Савбон, унинг ўғли Али ибн Абдуллоҳ ибн Молик ва Ҳафс ибн Осимлар ривоят қилганлар.

123. **Абдуллоҳ ибн Молик ал-Авсий,** ҳижозлик *саҳоба*.

124. **Абдуллоҳ ибн Молик Абу Мусо ал-Ғофиқий**, мисрлик *саҳоба*. Ундан Саълаба ибн Абу Кануд ривоят қилган.

125. **Абдуллоҳ ибн Молик Абу Коҳил ал-Аҳмасий**.

126. **Абдуллоҳ ибн Молик ибн Абу-л-Қайн Абу Каъб ибн Молик ал-Хазражий.**

127. **Абдуллоҳ ибн Молик,** *бани муътамирлик саҳоба. Қодисийя фатҳи*да қатнашган.

128. **Абдуллоҳ ибн Матар Абу Райҳона.** Унинг исми турлича келтирилган. Баъзилар унинг исмини «Шамъун», деб зикр қиладилар. Каромат соҳиби бўлган.

129. **Абдуллоҳ ибн Муқаррин ал-Музаний**, ундан Ибн Сирийн, Абдулмалик ибн Умайр ривоят қилган.

130. **Абдуллоҳ ибн Мазъун ал-Жумаҳий.** Усмон ибн Мазъуннинг биродари, *Бадр*да қатнашган.

131. **Абдуллоҳ ибн Муовия ал-Ғозирий**, ҳимслик *саҳоба*.

132. **Абдуллоҳ ибн Мунийб ал-Аздий.**

133. **Абдуллоҳ ибн Муайя ас-Сувоий,** ҳижозлик саналади.

134. **Абдуллоҳ ибн Моъиз ат-Тамимий**, басралик *саҳоба*.

135. **Абдуллоҳ ибн Мирбаъ ал-Ансорий,** ҳижозлик саналади. Умар (р.а.) халифалиги даврида шаҳид бўлган.

136. **Абдуллоҳ ибн Муставрид,** мисрлик саналади.

137. **Абдуллоҳ ибн Мунтафиқ Абу Мунтафиқ**, ундан Абу Муғийра Абдуллоҳ ал-Яшкурий ривоят қилган.

138. **Абдуллоҳ ибн Муъриз ал-Боҳилий,** *Ямома*га яқин жойда истиқомат қилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига элчи бўлиб келган. Уни ал-Маниъий ва Ибн Абу Довудлар *саҳоба*, деб ҳисоблаганлар.

139. **Абдуллоҳ ибн Мураққаъ,** баъзи манбаларда унинг исми «Абдурраҳмон» деб келтирилган.

140. **Абдуллоҳ ибн Абу Мутарриф,** Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган.

141. **Абдуллоҳ ибн Абу Мусқия ал-Боҳилий.**

142. **Абдуллоҳ ибн Муътим,** Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатларида бўлган.

143. **Абдуллоҳ ибн Назла,** Ҳабашистонга *ҳижрат* қилганлардан.

144. **Абдуллоҳ ибн Назла ал-Киноний.**

145. **Абдуллоҳ ибн Нуайм ибн Наҳҳом**, ундан Ибн Умарнинг мавлоси ва Абу Зубайрлар ривоят қилганлар.

146. **Абдуллоҳ ибн Носиҳ ал-Ҳазрамий**, ал-Ҳасан ибн Суфён «*Ал-Вуҳдон*»да уни *саҳоба*лар қаторида санаган.

147. **Абдуллоҳ ибн Нўъмон ибн Булдума (Булзума) ал-Ансорий**, *Бадр*да қатнашган.

148. **Абдуллоҳ ибн Нуайм ал-Ашжаъий**, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Хайбарга далил қилиб юборганлар.

149. **Абдуллоҳ ибн Ваҳб Абу Ҳорис ад-Давсий**. Давсдан Мадинага – Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келган, кўп боғлари бўлган. Унинг ўғли Ҳорис Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этгунларига қадар Мадинада яшаган.

150. **Абдуллоҳ ибн Ваззоҳ.**

151. **Абдуллоҳ ибн Вадийъа ибн Жизом ал-Ансорий**.

152. **Абдуллоҳ ибн Валид ал-Махзумий.**

153. **Абдуллоҳ ибн Ҳилол ас-Сақафий.**

154. **Абдуллоҳ ибн Ҳилол ал-Музаний.**

155. **Абдуллоҳ ибн Ҳишом ибн Зуҳра ибн Усмон ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Тамим ибн Мурра ат-Таймий**, онасининг исми Зайнаб бинт Ҳумайд ибн Зуҳайр ибн Ҳорис ибн Асад ибн Абдулуззо ибн Қусай бўлган.

156. **Абдуллоҳ ибн Ҳубайб ибн Уҳайб ибн Суҳайм ибн Ғайрат ибн Саъд ибн Лайс**, *Хайбар*да шаҳид бўлган.

157. **Абдуллоҳ ибн Ҳонеъ**, Шурайҳ ибн Ҳонеънинг биродари, Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида яшаган ва Ул Зот Абдуллоҳ ибн Ҳонеъ ҳаққига дуо қилганлар.

158. **Абдуллоҳ ибн Ҳаддож ал-Ҳанафий.**

159. **Абдуллоҳ ибн Ҳинд Абу Ҳинд ал-Баёзий ал-Ансорий**.

160. **Абдуллоҳ ибн Ҳод,** ал-Ҳасан ибн Суфён *«Ал-Вуҳдон»*да ундан ҳадис ривоят қилган.

161. **Абдуллоҳ ибн Язид ал-Қорий**, Ойша (р.а.)нинг ҳадисида зикри келган *саҳоба*.

162. **Абдуллоҳ ал-Ярбуъий.**

163. **Абдуллоҳ Абу Язид ал-Маданий.**

164. **Абдуллоҳ Абу Қобус,** насаби маълум эмас. Унинг исми борасида ихтилоф бор. Баъзилар унинг исмини «Мухориқ», деб келтирадилар.

165. **Абдуллоҳ ал-Бакрий,** ҳоли номаълум *саҳоба*, у Расулуллоҳ (с.а.в.)га энг афзал амаллар ҳақида савол берган.

166. **Абдуллоҳ ибн Суфён ас-Сақафий**.

167. **Абдуллоҳ ад-Дорий,** Абу Ҳиднинг биродари, исми «Таййиб» бўлган.

168. **Абдуллоҳ ал-Хавлоний,** Абу Идрис ал-Хавлонийнинг отаси.

169. **Абдуллоҳ Абу Холид,** шомликлардан саналади.

170. **Абдуллоҳ Абу Муҳаммад,** у Расулуллоҳ (с.а.в.)дан муккадан хамр ичувчи ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган.

171. **Абдуллоҳ Абу Молик ал-Хасъамий**, Ҳабиб ибн Маслама ривоятида унинг зикри келган.

Ад.: http://siyrat.uz/maqola/995.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛМАЖИД АЛ-ХОНИЙ

عبد المجيد الخاني

(қ. ал-ХОНИЙ, Абдулмажид ибн Муҳаммад)

АБДУЛМАЛИК ИБН АБДУЛАЗИЗ

عبد الملك بن عبد العزيز

(қ. ИБН ЖУРАЙЖ)

АБДУЛМАЛИК ИБН АБУ СУЛАЙМОН

عبد الملك بن أبي سليمان

Абу Абдуллоҳ Абдулмалик
ибн Абу Сулаймон ал-Куфий
(? – 145/762-63, ?)
Ҳадис ровийси, аллома

Абу Абдуллоҳ, Абу Муҳаммад, Абу Сулаймон кунялари б-н ҳам танилган. *Табаъа тобеъин*лардан ҳисобланади. Устозлари Саъид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Рабоҳ, Анас ибн Сирийнлардир. Ундан эса, Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон, Шуъба ибн Ҳажжож, Суфён ас-Саврий, Абдуллоҳ ибн Мубораклар ҳадис ривоят қилганлар. *Жарҳ ва таъдил* имомларининг деярли ҳаммаси уни пешво *муҳаддис*лардан ҳисоблаганлар, шу б-н бирга, *фақиҳ* ҳам бўлган. Шогирдларидан бўлган Жарир ибн Абдулҳамиднинг сўзларига кўра, замонасининг *муҳаддис*лари орасида ҳадисга тааллуқли бирор ихтилоф чиқса, уни ҳакам қилишган. Аҳмад ибн Ҳанбал уни *сиқа* ҳисоблаган бўлса-да, баъзи-баъзида хато қилгани ҳам айтилган. Шунга қарамай, куфаликларнинг энг кучли ҳадис ҳофизларидан ҳисобланган. Шогирдларидан Суфён ас-Саврий ва Ибн Мубораклар уни «мезон» деб атаганлар.

Ад.: Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* – Ҳайдаробод: 1952–53. II, 366; Ал-Хатиб. *Тарих Бағдад.* – Қоҳира: 1931. X, 393; Аз-Заҳабий. *Сийар.* VI, 107–109; Mücteba Uğur. *«Abdülmelik b. Ebü Süleyman». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 265.

Тузувчи Музаффар Жониев

АБДУЛМАЛИК ИБН МАРВОН

عبد الملك بن مروان

Абу-л-Валид Абдулмалик
ибн Марвон ибн ал-Ҳакам
(26/646-47, ? – 86/705, Дамашқ)
Умавий халифалардан (685–705)

Отаси – Марвон ибн Ҳакам, онаси – Ойша бинт Муовия ибн Муғийра. Ўн олти ёшида халифа Муовия томонидан Мадина девони раҳбарлигига тайинланган. Византияга қарши ҳарбий юришда (42/662-63 й.) Мадина аскарлари қўмондони сифатида қатнашган. Шу йилдан эътиборан отасининг ёнида бўлган ва ҳарбий ҳаракатларда деярли иштирок этмаган.

65 й. рамазон ойида (мил. 685 й.) Марвон ибн Ҳакам вафот этгач, унинг валиаҳди бўлган А.и.М. Дамашқда халифа деб эълон қилинган. Бироқ унинг ҳокимияти дастлаб Шом ва Миср вилоятларидагина тан олинган. Ўша вақтда Ҳижоз ва Ироқ А.и.М.нинг рақиби Абдуллоҳ ибн



Халифа Абдулмалик ибн Марвон олтин динори. 7–8-а.лар

Зубайрнинг (р.а.) ҳукми остида бўлган. Шимолий Африканинг Мисргача бўлган ҳудуди Ислом давлатидан узилиб қолган бўлиб, бундай вазиятдан фойдаланган Византия Шомга ҳарбий юриш бошлаган эди.

Бу пайтда Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) ҳам қийин вазиятда қолган эди. Дастлаб унинг тарафида бўлган *хорижийлар* кейинчалик унга қарши чиққан, Нажд ва Басра ҳудудларида хавфли исёнлар авж олган эди. Жумладан, Нофеъ ибн Азрақ бошчилигидаги *азрақий хорижийлар* Басрага таҳдид солаётганди. Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг *хорижийлар* муаммоси б-н бандлигидан фойдаланиб, А.и.М. унга қарши амалий ҳаракатга ўтиши кутилаётганди. Айни шу пайтда Куфада ҳар икки халифа учун ҳам хавфли бўлган Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафийнинг Абдуллоҳ ибн Зубайрга қарши исёни бошланади.

Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Мухтор ўртасидаги тўқнашув аслида А.и.М. манфаатларига мос келарди. Бу тўқнашувда Мухтор ўлдирилганидан кейин А.и.М. Арабистон яриморолининг айрим ҳудудларида ҳукмронлик қилаётган Иброҳим ибн Молик ал-Аштарни ўзига оғдиришга уриниб кўради. Бироқ Иброҳим бу пайтда Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг укаси Мусъаб томонга ўтиб бўлган эди. А.и.М. Ироқ томон юришга шайланган пайтда Византия Ислом давлатидаги ички низолардан фойдаланиб, унга ҳужум қилади. А.и.М. аввал бу хавфни бартараф этиш б-н машғул бўлиб қолади ва унинг Ироққа юриши кечиктирилади. Бу пайтда Мусъабнинг вазияти ҳам яхши эмасди. Бир томондан, *хорижийлар*нинг исёнлари, иккинчи томондан, Хуросондаги араб қабилалари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар уни танг аҳволга солиб қўйган эди.

А.и.М.нинг Мусъабга қарши илк юриши 689 й.нинг ёз ойида бошланди. Бироқ Дамашқдан чиққанидан кўп ўтмай ортга қайтишга мажбур бўлади. Чунки Амр ибн Саъид ал-Ашдақ халифанинг шаҳардан чиққанидан фойдаланиб, пойтахтда исён кўтарган эди. А.и.М. Дамашққа қайтиб, исённи бостиради ва Амр ибн Саъид ал-Ашдақни қатл этади.

А.и.М. нинг Ироққа қилинган кейинги юриши ҳам қиш фасли туфайли тўхтаб қолади. 691 й. бошларида у ал-Жазира минтақасини бўйсундиришга киришади. Бир неча йиллардан бери қаршилик кўрсатиб келаётган Зуфар ибн Ҳорисни енггач, Мусъабга зарба беришга қарор қилади. А.и.М. Бутнон Ҳабибда, Мусъаб эса, Тикрит яқинида қароргоҳ ўрнатади. Муҳаллаб ибн Абу Суфра ва Абдуллоҳ ибн Ҳозим сингари нуфузли қўмондонлар *хорижийлар*га қарши жанг қилаётгани боис Мусъабга ёрдам бера олмасдилар. Иккинчидан, Мусъаб қўшинидаги ироқлик аскарларнинг жанг қилишга хоҳиши йўқ эди. Шуларга кўра, тўқнашув бошланмасиданоқ устунлик А.и.М. тарафида бўлиб қолган эди. Ниҳоят, икки қўшин тўқнашади. Иброҳим ибн Малик ал-Аштарнинг жангнинг бошидаёқ ҳалок бўлиши Мусъаб учун катта йўқотиш бўлади. Унинг ўзи ҳам оз сонли қўшини б-н жанг майдонида ҳалок бўлади (691 й.). Ушбу ғалабадан сўнг А.и.М. Куфага киради, шаҳар аҳолиси унга *байъат* қилади. Ортидан Басра аҳолиси ҳам унинг халифалигини қабул қилади. Шундай қилиб, 691 й.нинг охирларида Ҳижоздан ташқари барча

Абдулмалик ибн Марвон саройда



ҳудудлар А.и.М.нинг халифалигини тан олади. Навбат Маккадаги Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)га келган эди.

А.и.М. Ироққа қарши урушда ўзини кўрсатган Ҳажжож ибн Юсуфни 2000 нафар шомлик аскарларга қўмондон қилиб, Маккага юборади. Ҳажжож Тоифда қароргоҳ ўрнатиб, кам сонли аскарлар б-н Маккага ҳужумлар уюштириб туради. Халифадан қатъий буйруқ келгач эса, олти ой давомида шаҳарни қамал қилади. Бундай босимга чидай олмаган Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) Маккани тарк этишга уриниб, ҳалок бўлади (692 й., 1 окт.). Шу тариқа А.и.М. Ислом давлатидаги ички низоларга барҳам бериб, бирдамликни тиклашга муваффақ бўлади.

Абдуллоҳ ибн Зубайрдан (р.а.) сўнг А.и.М.га бошқа жиддий рақиб қолмаган, лекин Эрон, Ироқ ва ал-Жазира ҳудудларидаги *хорижийлар*, барибир, анчагина жиддий ташвишлар келтириб чиқараётган эди. Куфа ва Басрадаги қўшинлар Наждийя *хорижийлар*ини *Ямома*нинг Мушаҳҳар мавзесида 73/692-93 й. мағлубиятга учратади. Ҳижоз волийси Ҳажжожнинг қаттиққўл сиёсати сабабли минтақада осойишталик ўрнатилади. Ҳажжож, шунингдек, Макка қамали пайтида шикаст етказилган *Каъба*ни таъмирлатади (694 й.). Шу йили Ироқдаги тартибсизликларга барҳам бериш учун А.и.М. Ҳажжож ибн Юсуфни ушбу мамлакатга волий этиб тайинлайди. Волий томонидан кўрилган қатъий чоралар натижасида Куфа ва Басрада осойишталик ўрнатади. У Форс минтақасидаги Қазарун яқинида *азрақийлар* б-н жангда ғалабага эришади (20 рамазон 75/695 й., 12 янв.). Мағлубиятга учраган *хорижийлар* шарққа чекинади. 77/696-97 й. *азрақийлар* бошлиғи Қатарий ибн Фужоа ал-Мозиний ҳалок бўлади, унинг тарафдорлари тарқалиб кетади. *Азрақийлар* б-н жанг пайтида *хорижийлар*нинг бошқа йўналиши бўлган *суфрийлар* ал-Жазира минтақасида исён чиқарадилар. Уларнинг бошлиғи Шабиб икки марта бостириб Куфага киришга муваффақ бўлгач, Ҳажжож унга қарши Шомдан мадад кучларини чақиришга мажбур бўлади. Шомнинг энг нуфузли қўмондонларидан бўлган Суфён ибн Абрад ал-Калбийнинг Ироқдаги урушга қўшилиши Шабибни қийин аҳволга солади. Навбатдаги тўқнашувларнинг бирида мағлубиятга учраган Шабиб қочишга мажбур бўлади. Аҳвоз минтақасида Дужайл ирмоғини кечиб ўтаётганида сувда ғарқ бўлади (697 й.). Шу тариқа *азрақий-*



Суқ ас-сарой мажмуаси. Бағдод

*лар*дан кейин *суфрийлар* қаршилигига ҳам барҳам берилади.

А.и.М. мамлакатда ички осойишталик ва барқарорликни тиклагач, янги *фатҳ*ларга киришади. *Хорижий*лар исёнини бостиришда катта муваффақиятга эришган Муҳаллаб ибн Абу Суфра 697 й. Хуросон волийлигига тайинланади. Бу пайтга келиб анчагина қариб қолган Муҳаллаб Мовароуннаҳрни *фатҳ* қилиш ва шу тариқа ҳаёт йўлини зафарли якунлаш орзуси б-н яшар эди. Бироқ унинг волийлиги даврида Мовароуннаҳрга бир қанча юришлар қилинган бўлса-да, кутилган натижага эришилмайди. 699 й. Муҳаллаб Кешга юриш қилади ва шу ерда қароргоҳ ўрнатади. Ўғилларига атрофдаги ҳудудларни *фатҳ* қилишга буюрган бўлса-да, улар тўлиқ муваффақиятга эриша олмайди. 702 й. Муҳаллаб вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Язид тайинланади. Аммо икки йилдан сўнг Ҳажжож уни лавозимидан озод қилиб, ўрнига келажакда Мовароуннаҳрни *фатҳ* қилган Қутайба ибн Муслимни волий этиб тайинлайди (704 й.).

Ироқнинг бош волийси Ҳажжож Муҳаллабни Хуросонга жўнатган пайтида Убайдуллоҳ ибн Абу Бакрни Афғонистонга туркий элатлар ҳукмдори Рутбил (Зунбил)га қарши урушга юборган эди. Убайдуллоҳ туркийлар қаршилигини енгиб, Кобулгача боради. Бироқ тоғли ҳудудларга киришни хавфли санаб, Рутбилга келишув таклиф қилади. Рутбил рози бўлади, аммо унинг қўмондонларидан бири тўсатдан ҳужумга ўтиб, мусулмонларни мағлубиятга учратади. Убайдуллоҳнинг ўзи ҳам ушбу жангда ҳалок бўлади.

Интиқом олиш учун Ҳажжож халифанинг розилиги б-н Куфа ва Басра қароргоҳларида 20000 аскардан иборат қўшин тузади. Мазкур ҳарбий бирлашма Ислом тарихида «Товус қўшини» деб ном олган. Унинг қўмондонлигига Куфанинг энг нуфузли саркардаларидан бўлган Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Ашъас тайинланади. Унинг бошчилигидаги ҳарбий юриш 699 й.да бошланади. Олдинги ҳарбий ҳамлалардан фарқли равишда, у қадамба-қадам ва тартибли ҳаракатланади. Рутбилнинг *хирож* тўлаш таклифини рад этади. Забт этилган шаҳар ва қалъаларга доимий равишда Ироқ б-н алоқада бўлиш мақсадида кичик қўшинлар ва почта ходимларини жойлаштириб боради. Қиш яқинлашгани боис илгарилашни тўхтатиб, вазият ҳақида Ҳажжожга хабар беради. У қўмондонга олға ҳаракатланишни буюради, акс ҳолда лавозимини укаси Исҳоққа топширишни айтади. Ушбу амр ҳарбий саркардалар томонидан муҳокама этилади. Ироқликлар Ҳажжождан нафратланишар, шунингдек, олис ўлкаларда узоқ муддатли жанг қилиш уларнинг жонига теккани туфайли ғалабага эришиш анчагина мушкул бўлган бундай вазиятда қўшин Ироқ волийсига қарши исён кўтаради.

Абдурраҳмон Ироққа қайтишдан олдин Рутбил б-н битим тузади. Сейистоннинг муҳим шаҳарлари бўлган Буст ва Заранжга ўзига қарашли одамларни волий этиб тайинлайди. Осийлар Абдулмаликнинг Ҳажжождан воз кечмаслигини билиб, Абдурраҳмонни халифа этиб сайлашади ва унга *байъат* қилишади. *Умавий*лар халифалигига қарши бўлган *шиа*, *хорижий* ва б. бошқарувдан норози гуруҳлар Абдурраҳмон атрофида жипс-


Қутайба қўшинлари Мовароуннаҳрда



лаша бошлайдилар. Ушбу исённи бостиришда Ҳажжож ироқликларга ишонмас эди. Унинг тасарруфида эса, халифа жўнатган оз сонли шомлик аскарлар бор эди, холос. Аскарларининг озлигига қарамай, Ҳажжож Хузистон минтақасида Абдурраҳмон аскарларини тўхтатишга уринади, лекин муваффақиятга эришолмайди. Басра исёнчилар қўлига ўтади. Ҳажжож ортга чекинишдан кўра, мағлуб бўлишни афзал билиб, Басра яқинидаги *Зовия* мавзесида қароргоҳ қуради (701 й., 6 февр.). Ҳажжожнинг Суфён ибн Абрад ал-Калбий қўмондонлигидаги қўшини Абдурраҳмонга бир ойча бас келади. Ҳатто 701 й. 14 мартда бўлиб ўтган жангда уни мағлубиятга ҳам учратади. Шундан сўнг Абдурраҳмон Куфага юриш қилиб, шаҳарни қўлга олади ва Ҳажжожнинг Шом б-н алоқасини узади. Ҳажжож бундай таҳликали вазиятда саросимага тушмайди; Фурот дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб ҳаракатланиб, Сурия б-н алоқа ўрнатиш мумкин бўлган Куфа яқинида жойлашган *Дайриқуррода* қароргоҳ қуради. Ироқликлар ҳам шаҳар ташқарисига чиқиб, шомликларнинг қаршисидаги *Дайрулжаможимда* қароргоҳ ўрнатишади (701 й., апр.). Икки қўшин орасидаги майда тўқнашувлар ойлаб давом этади.

Бу пайтда Шомда А.и.М. оғир вазиятда қолган эди. Абдурраҳмонга ҳар куни юзлаб одамларнинг келиб қўшилиши ва унинг тобора кучайиб бориши А.и.М. ни қаттиқ хавотирга солар эди. У бир томондан, Ҳажжожга ёрдамчи кучлар жўнатаётган бўлса, иккинчи томондан, ироқликларга ақл бовар қилмас даражада ён беришга мажбур бўларди. Бундай ён беришлардан фойда чиқмай, масала Ҳажжожнинг маҳв этилишигача етиб боргач, муаммонинг ечими яна қиличларга қолади. 702 й.нинг июнь ойи охирларида бўлиб ўтган ва тарихда *Дайрулжаможим* номини олган ушбу жанг тақдирини яна Суфён ибн Абрад суворийларининг ҳужумлари ҳал қилади. Абдурраҳмоннинг қўшини сон жиҳатидан устун бўлишига қарамай, шомликларнинг шиддатли босимига дош беролмай, жанг майдонини тарк этади. Ҳажжож ғолиб сифатида Куфага кириб, у ерда қуролини топширганларнинг барчасидан *байъат* олади.

Бўлиб ўтган воқеалардан кейин ироқликлар аста-секин тўпланиб, Абдурраҳмон бошчилигида Басрани эгаллаб турган Убайдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Абшамийнинг олдига борадилар. Аммо у ерда узоқ бўлмай, Дужайл соҳилида жойлашган Маскинга ўтиб, атроф-



Шимолий Африка. Қадимги Тунис

лардан келиб қўшилган аскарлар б-н яна Ҳажжожга қарши исён кўтарадилар. Шиддатли жанг бир неча кун давом этади. Шомлик бўлинманинг ҳудудни яхши биладиган аскари бошчилигида ботқоқликлардан ўтилиб, ироқликларга ортдан ҳужум қилиниши Абдурраҳмон қўшинининг мағлубиятига сабаб бўлади. Абдурраҳмон Кирмон орқали Сейистонга қочади. Бироқ Буст ҳокими Ҳажжожга топшириш мақсадида уни қўлга олади. Мана шу пайтда Абдурраҳмон б-н битим тузган Рутбил уни қутқариб қолади ва Кобулга олиб кетади. Тарқоқ ҳолдаги ироқлик аскарлар Убайдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Абшамий ва Абдурраҳмон ибн Аббос ал-*Ҳошимийлар*нинг амрига бўйсуниб, Ибн ал-Ашъасни Сейистонга чақирадилар. У Сейистонга қайтади, бироқ Умора ибн Тамим ал-Лаҳмий қўмондонлигидаги шомлик кичик қўшиннинг келаётганидан хабар топиб, яна Рутбилдан бошпана сўрайди. Умора Сейистонни тўлалигича ўз назоратига олади (702 й.). Ҳажжож Рутбилга турли ваъда ва таҳдидлар қилиб, Абдурраҳмонни унга топширишга кўндиради. Абдурраҳмон Ҳажжожнинг қўлига тушиб қийноқлар остида ўлишдан кўра ўз жонига қасд қилишни афзал билиб, йўлда жарликка сакраб ҳалок бўлади. Шу тариқа бир неча йил давом этган ва *умавий*лар халифалигига жиддий хавф солаётган охирги катта исён ҳам бартараф этилади (704 й.).

Уқба ибн Нофеънинг шаҳид бўлиши (682 й.) ва марказда чиққан исён урушлар сабабли Шимолий Африкага бўлган эътибор анча сусайган эди. Натижада Исломнинг ўлкадаги мавқеи заифлашиб, мусулмонлар ҳатто Мисргача чекинишга мажбур бўлганди. Тунис соҳилларидаги ҳудудларни Византия эгаллаб олган, унинг ярим мустақил ҳолдаги марказий қисмлари Қусайла исмли *барбарийлар* шайхи тасарруфида эди. Айни шу вақтларда мусулмонларга қарши Византия-*барбарийлар* иттифоқи тузилиб, Қайравон Қусайла томонидан забт этилади. Халифа А.и.М. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) қаршилигини бартараф этишга шошилмай, Миср волийси бўлган укаси Абдулазизга мадад кучларини жўнатиб, олдин бу хавфни бартараф этишни лозим топади. Пойтахтдан Зуҳайр ибн Қайс қўмондонлигида юборилган қўшин Барқо орқали Тунис сари ҳаракатлана бошлагач, *барбарийлар* ортга чекинишади. Қайравон Зуҳайр томонидан қайтариб олинади. Бунга



Кўк мадраса. 13-а. Сивас ш., Туркия

жавобан *барбарийлар* Қайравоннинг ғарбидаги Зуҳайрга ҳужум қиладилар. Лекин бу жангда *барбарийлар* мағлубиятга учрайди, Қусайла ҳалок бўлади (69/688–89 й.).

Ана шундай вазиятда Византия императори Юстиниан II Шимолий Африкадаги ҳукмронлигини тиклаш учун у ерга Истанбул ҳарбий-денгиз флотини жўнатади. Сицилиядан ҳам қўшимча ёрдамчи кучлар етиб келгач, Византия флоти Картажага аскар жўнатади. Ғарб томон ҳаракатланаётган Зуҳайр ортга қайтиб, Византия қўшини б-н тўқнашади. Жангда мусулмонлар мағлубиятга учрайди. Зуҳайр ибн Қайснинг ўзи ҳам шаҳид бўлади. 76/695–96 й.да бўлиб ўтган ушбу жангдаги мусулмонларнинг мағлубиятидан фойдаланган *барбарийлар* яна исён кўтаради. Бироқ ораларида бирдамлик бўлмагани боис, Қайравондаги мусулмон аскарларига зиён етказа олмайдилар. Миср волийси Абдулазиз ибн Марвон халифадан янги мадад кучларини сўраб олгач, Ҳассон ибн ал-Ғассоний қўмондонлигида катта қўшин Шимолий Африкага сафарбар қилинади. Картажа забт этилиб, шаҳар аҳолисининг аксари Сицилияга қочади. Византия Императори Леонтий янги ҳарбий флот ҳозирлаб, 697 й.да Картажага қарши жангга юборади.

Ҳассон бу пайтда Аврос ҳудудида Коҳина исмли аёл бошчилигидаги *барбарийлар*га қарши курашаётган эди. Ҳассон Коҳинадан мағлуб бўлиб, Барқога чекинишга мажбур бўлади. Шу боис Ҳассон византияликларнинг Картажага юборган аскарларига қаршилик кўрсата олмайди. Лекин бир оз муддат ўтгач қўшимча кучлар етиб келади, Картажа ва византияликлар қўлига ўтган бошқа шаҳарлар ҳам қайтариб олинади. Навбат ҳудудда анчагина мустаҳкам ҳокимият ўрнатган Коҳинага келади. Ҳассон 702 й. Аврос минтақасида *барбарийлар*га қарши кечган урушда ғалаба қозонади. Коҳинанинг жанг майдонида ҳалок бўлиши оқибатида *барбарийлар* тарқалиб кетадилар. Ҳассоннинг бағрикенг сиёсати сабабли *барбарийлар* бирин-кетин Исломни қабул қилади. Шу тариқа Шимолий Африкада Ислом ҳокимияти мустаҳкамланади.

А.и.М. халифалик тахтига ўтирганида ички тартибсизликлар туфайли Византия императори б-н сулҳ тузишга мажбур бўлган эди. Чукурова минтақасида Масисгача кириб келган Византияни катта миқдорда товон тўлаш ҳисобига

тўхтатиб қолган эди. Ушбу келишувдан бир неча йил ўтиб Византия б-н *мардаийлар* масаласида яна бир битим тузишга мажбур бўлади (70/689–90 й.). Бу пайтда Муовия (р.а.) давридан бери Ислом давлатининг ҳукмронлигини тан олиш б-н бирга қароқчилик ҳам қилиб турган *мардаийлар* А.и.М.нинг қийин вазиятда қолганидан фойдаланиб, Шомга қарши юриш қилишга тайёргарлик кўраётган эдилар. Византия б-н тузилган иккинчи битим мана шу юришни тўхтатиш учун керак эди.

Шу тариқа ички тартибсизликларга барҳам берилиб, барқарорлик ўрнатилгач, А.и.М.нинг укаси Муҳаммад ибн Марвон қўмондонлигидаги қўшин яна Онадўлига юриш бошлайди. 73/692–93 й. Византия қўшини Сивас яқинида мағлубиятга учратилади. Шунингдек, Усмон ибн Валид қўмондонлигидаги иккинчи қўшин ҳам Византия қўшинларини эгаллаб олган ҳудудлардан чекинишга мажбур қилади. Минтақа яна мусулмонлар назоратига олинади.

Айни шу пайтларда Симбад исмли бир ғайримусулмон Ислом давлатига қарши бош кўтаради. Византия императори Юстиниан II кейинчалик ўзини тахтдан туширган Леонтий қўмондонлигида Симбадга ёрдамчи кучларни жўнатади. Аввалбошда мусулмонлар муваффақиятга эриша олмайдилар ва А.и.М. товон тўлаш шартини қабул қилиб, Византия б-н яна битим имзолайди. Лекин бу келишув узоқ давом этмайди. Кўп ўтмай, мусулмонлар Мараш ҳудудини ўз назоратига олади (695 й.). Шу санадан бошлаб «Византия ғазотлари» бошланади.

79/698–99 й. Шомда вабо касаллиги тарқалиб, одамларнинг саросимага тушганидан фойдаланиб Византия қўшини денгиз орқали Антакияга юриш қилади. Кейинги йили эса, Валид ибн Абдулмалик Онадўлига юриш қилиб, зафар қозонади. 81 (700–701) й. А.и.М.нинг ўғли Абдуллоҳ Арзирумни *фатҳ* этади. Навбатдаги йил эса, византияликлар ал-Жазира волийси Муҳаммад ибн Марвоннинг Ироқда Ибн ал-Ашъас исёнини бостириш б-н бандлигидан фойдаланиб, Самсатгача бостириб келишади. Исёнга барҳам берилгандан кейин Абдуллоҳ ибн Абдулмалик 83 (702) й. Дорандани қамал қилади ва узоқ давом этган қамалдан сўнг уни *фатҳ* этади. Келаси йили Масис яна мусулмонлар қўлига ўтади.

А.и.М. йигирма йил халифалик қилиб, олтмиш ёшида Дамашқда вафот этган ва шу ерда дафн қилинган (14 шаввол 86/705 й., 8 окт.). Ўзидан кейин тўртта ўғли халифалик қилгани учун у «Абу-л-мулук» («Ҳукмдорлар отаси») деган сифатни олган.

Ўғиллари орасида Абдуллоҳ кўпроқ муваффақиятга эришади. Амакиси Абдулазиз ибн Марвон вафот этгач, у Мисрга волий этиб тайинланади. Волийлик даврида қўлга киритган энг катта ютуғи араб тилига расмий тил мақомини беришидир. Унинг аббосий халифа Абу-л-Аббос ас-Саффоҳнинг амри б-н Ҳирада қатл қилингани ҳақида ривоят қилинади.

Халифа А.и.М. даврида амалга оширилган диққатга сазовор ишлардан бири илк исломий чақаларнинг (танга пул) зарб қилиниши бўлган. Ўша йилга қадар Ислом ўлкаларида Византия ва *сосонийлар*нинг пуллари муомалада эди. Бу сиёсий ва иқтисодий соҳаларда айрим муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Уларни ҳал қилиш мақсадида А.и.М. олтин (динор) ва кумуш (дирҳам) тангалар зарб қилдиради. Шу тариқа Эрон ва Византия пуллари муомаладан чиқарилади.

А.и.М.нинг халифалигига қадар девонлардаги дафтарлар (ҳужжат ва қайдлар) Шомда румий, Эронда форсий тилда юритилар эди. Шундан келиб чиқиб, маъмурларнинг аксари Рум ёки эронликлардан иборат бўлган. Девонда арабчани қўллашга илк бор Ҳажжож



Шимолий Африка қирғоғи

ташаббус кўрсатган. Унинг эронлик котиби Зоданфаррух ибн Пирийнинг ёрдамчиси Солиҳ ибн Абдурраҳмон ҳисоботларни араб тилида тузиб боришни таклиф қилади ва бу ишни бажаришни ўз зиммасига олади. Тез орада А.и.М. Дамашқда ҳам расмий ишларни араб тилида юритишни буюради. Сулаймон ибн Саъид исмли шахс бир йил мобайнида бу ишларни тартибга солади ва эвазига халифадан катта мукофот олади.

А.и.М. ёшлигидан Қуръон, ҳадис ва *фиқҳ* илмларини ўрганишга астойдил киришган. Халифа бўлмасидан олдин *умавийлар* саройида Шаъбий ва аз-Зуҳрий сингари буюк алломалардан *мағозий* ва ҳадис ўрганади. *Фиқҳ* ва ҳадис соҳаларида чуқур илмларни эгаллаб, Мадина уламоларидан Саъид ибн Мусайяб ва Урва ибн Зубайр каби алломалар даражасига етади. Усмон (р.а.), Абу Ҳурайра (р.а.), Абу Саъид ал-Худрий (р.а.), Умму Салама (р.а.), Муовия (р.а.), Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ва б. *саҳоба*лардан ҳадис ўрганади. Урва ибн Зубайр, Ражо ибн Ҳайва ва аз-Зуҳрий каби *муҳаддис*лар ундан ҳадис ривоят қилганлар. Ривоят қилган ҳадислари оз бўлгани боис исми *муҳаддис*лар орасида кам тилга олинган. А.и.М. ҳадис таҳсилини халифалик даврида ҳам давом эттиради. Шарқий минтақаларда номаълум ва машҳур бўлмаган ҳадисларнинг пайдо бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, 75 (695) й.нинг *ҳаж* мавсумида қилган хутбасида халқни ушбу ҳадислардан огоҳ бўлишга, Қуръони карим ва диннинг қатъий ҳукмларига риоя қилишга чақиради.

А.и.М. ижтиҳод қила оладиган даражада Ислом ҳуқуқидан бохабар *фақиҳ* бўлган. Шунингдек, шеъриятга ҳам қизиққани ва адабий мавзуларда баҳслашгани ҳам айтилади. Ҳасан ал-Басрий ва Абдуллоҳ ибн Ибоз каби замонасининг буюк олимлари б-н ижтимоий масалаларда баҳс-мунозаралар олиб борган. Илмга бўлган ҳурмати боис, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.), Ҳасан ал-Басрий ва Анас ибн Молик (р.а.)ларни ўша даврдаги машҳур волий Ҳажжождан ҳимоя қилади ва ўлимдан сақлаб қолади. Абдуллоҳ ибн Зубайрга қарши курашаётган пайтида уни зиёрат қилиш учун Дамашққа келган аз-Зуҳрийнинг барча қарзларини тўлайди.

А.и.М. даврида ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Каттагина империя даражасига етган Ислом давлатининг турли минтақаларида йўллар, кўприклар ва иншоотлар қурилган. Ислом оламидаги илк улкан жомелардан

саналган «Қубба ас-сахра» шу даврда бунёд этилган. Шунингдек, Ҳажжож томонидан Ироқнинг учинчи йирик шаҳри бўлган Восит барпо этилган. У волийлик қилган минтақада зироатга алоҳида эътибор қаратилган. Экинларни суғориш учун каналлар қурилиб, аҳолининг турмуш даражаси юксалган.

Ислом давлати Муовия (р.а.) даврида барқарорлашгани маълум. Бироқ кейинги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар Ислом давлатчилигининг янги шароитлар тақозо этган тарзда такомиллаштиришни талаб қиларди. Ушбу ҳаётий зарурат халифа А.и.М. томонидан чуқур идрок этилгани шубҳасиздир. Бунинг натижаларидан бири сифатида почта хизматлари ва ахборот-хабарлашув вазифаларини бажарувчи *барид* ташкилоти тубдан такомиллаштирилган. Ҳудудлари анчагина кенгайган Ислом давлатининг деярли барча ўлкаларида содир бўлиб турган исёнлардан шу ташкилот воситасида хабардор бўлиниб, уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилган.

А.и.М. *умавий* халифаларининг энг буюкларидан бири бўлгани шубҳасиз. У халифалик курсисини эгаллаган пайтда ички тартибсизликлар боис мамлакат пароканда вазиятда эди. Дастлабки пайтларда нуфузи фақат Шом ва Миср б-н чекланган А.и.М., кейинчалик ички низоларга барҳам бериб, Ислом давлатининг яхлитлигини таъминлашга эришган. Шимолий Африкадаги Ислом ҳукмронлигини тиклаган. Византияни ўзи б-н ҳисоблашишга мажбур этган. Вафотидан кейин ўғли Валидга Атлантика океанидан Жайҳун дарёсигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган, ҳарбий-сиёсий нуқтаи назардан анчагина қудратли бўлган давлатни мерос қилиб қолдирган.

А.и.М. араб сиёсий элитасининг олий мақом зодагонлар сифатидаги мавқеига чек қўйиб, ўзини оддий ҳукмдорлардек тутган илк *умавий* халифадир. У халифаликнинг сиёсий яхлитлиги ҳамда ички барқарорлигини таъминлаш масалаларида қаттиққўл ҳукмдор бўлган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. V, 223–235; Ал-Балозурий. *Футӯҳ ал-булдāн*. – Лейден: 1863–66; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1955–58. I, 109–110; ўша муал. *Сийар*. IV, 246–249; Çevriye Artuk. *İstanbul Arkeoloji Müzeleri Teşhirdeki İslâmî Sikkeler Katalogu*. – İstanbul: 1970. I, 10–14; Hakkı Dursun Yıldız. *«Abdülmelik b. Mervân»*. *TDV İA*. - İstanbul: 1988. I, 266–270.

Зоҳидулла Мунавваров

АБДУЛМАЛИК ИБН УМАЙР

عبد الملك بن عمير

Абу Амр Абдулмалик ибн Умайр ибн Сувайд ибн Ҳориса ал-Қураший ал-Куфий (тахм. 33/653 – 136/755, ?)

Ҳадис ҳофизи

Ал-Қибтий лақаби б-н танилган ҳадис ҳофизи, Куфа аҳлининг ҳадисларни *санади* б-н биладиган *ровий*ларидан бири Абдулмалик ибн Умайрнинг таваллуд санаси ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. А.и.У.нинг Усмон ибн Аффон (р.а.) халифалиги тугашидан уч йил аввал туғилгани, узоқ умр кўриб 103 ёшга киргани ва 136/755 й. вафот этгани ҳақидаги манбаларда келтирилган маълумотлар асосида у 33/653 й.лар атрофида таваллуд топган, дейиш мумкин.

А.и.У. Али (к.в.) ва Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.)ларни кўрган. Куфада қозилик лавозимида фаолият олиб борган. Ҳадис илмида *солиҳ* ва *сиқа* бўлган.

А.и.У. Жундуб ал-Бажалий, Жобир ибн Самура, Жабр ибн Атик, Амр ибн Ҳурайс, Атийя ал-Қуразий, Нўъмон ибн Башир, Умму Атийя, Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий, ал-Ҳусайн ибн Қобиса, Ийёд ибн Лақид, Ашъас ибн Қайс, ал-Ҳусайн ибн Абу-л-Ҳурр, Зайд ибн Уқба, Рибъий ибн Ҳирош, Ибн Абу Лайло, Қазаъа ибн Яҳё, Амр ибн Маймун ал-Авдий, Мусо ибн Талҳа, Абу Бурда ибн Абу Мусо, Абу-л-Аҳвас ал-Жушамий

ва кўплаб *саҳоба* ҳамда *тобеъин*лардан ҳадис ривоят қилган.

Ўз навбатида, А.и.Удан ҳам кўпчилик *ровий*лар ҳадис ривоят қилганлар. Шаҳр ибн Ҳавшаб олимдан илк ҳадис ривоят қилганлардан бўлиб, *«Саҳиҳ Муслим»* асарида унинг ҳадисларидан намуналар келтирилган. Ҳофиздан, шунингдек, Суфён ас-Саврий, Мисъар, Ҳушайм, Абу Авона, Исроил, Зоида, Ҳаммод ибн Салама, Убайдуллоҳ ибн Амр ар-Раққий, Жарир ибн Абдулҳамид, Суфён ибн Уяйна, Убайда ибн Ҳамид ва кўпчилик уламолар ривоят қилганлар.

Хабарларда келишича, А.и.Удан ривоят қилинган икки юзга яқин ҳадислар мавжуд. Ан-Насоий айтади: «У кишининг ривоятлари нуқсондан холи». Имом ал-Бухорий: «Абдулмалик ибн Умайр фасоҳатли инсонлардан эди», деган.

Абу Бакр ибн Айёшдан Муҳаммад ибн Суфён ал-Куфий ривоят қилади: «Абу Исҳоқнинг: «Илмни Абдулмалик ибн Умайрдан ўрганинглар», – деганини эшитдим». Шу б-н бирга, Абу Ҳотим А.и.У.нинг ҳадис борасида *солиҳ* экани, лекин ҳофиз даражасида эмаслигини, вафотидан олдинроқ хотираси пасайганини нақл қилган. Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Абдулмалик ибн Умайрнинг ҳадислари *музтариб*. Ўз навбатида, ривоятлари кам. Унинг беш юзта ҳадиси билан танишдим, анчагина хатолари бор экан». Исҳоқ ал-Кавсаж Имом Аҳмаднинг «У киши заиф», деганини зикр қилган.

Олимлар, шунингдек, А.и.У.нинг: «Аллоҳга қасамки, мен қайси ҳадисни ривоят қилсам, унинг бир ҳарфини ҳам тушириб қолдирмайман», деганини ривоят қилганлар. Шамсуддин аз-Заҳабий *«Сийар аълām ан-нубалā»* асарида *саҳиҳ* ҳадисни келтириб, бу ҳадисни таниқли *ровий*лар А.и.Удан ривоят қилганлари ва ҳадис имомлари уни ўз асарларига киритганларини зикр қилган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Мīзāн ал-иътидāл.* – Байрут: «Дор ал-маърифа», 1963. II, 660; Ибн Ҳажар. *Таҳзīб ат-таҳзīб.* «Доира ал-маъориф ан-низомийя», 1910. VI, 411; Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. V, 438; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 48.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛМАЛИК ИБН УКАЙДИР
عبد الملك بن أكيدر

(қ. УКАЙДИР ибн АБДУЛМАЛИК)

АБДУЛМАЛИК ИБН ҚАТАН
عبد الملك بن قطن

Абдулмалик ибн Қатан
ибн Нуфайл ал-Фиҳрий
(33/653, ? – 123/741, Раъс ал-Қантара)
Ҳишом ибн Абдулмаликнинг Андалусдаги волийси

*Ҳарра жанги*да Муслим ибн Уқба қўмондонлигидаги *умавий* қўшинига қарши мадиналиклар томонида туриб жанг қилади. Мадиналикларнинг мағлубияти б-н тугаган ушбу жангдан кейин Ифриқийя (Тунис)га қочади. Қисқа муддат шу ерда қолади, сўнг Андалусга ўтиб Қуртубага жойлашади. Карл Мартелл (Charles Martel) бошчилигидаги французлар б-н жанг қилаётганда шаҳид бўлган Абдурраҳмон ал-Ғофиқийнинг ўрнига Андалусга волий этиб тайинланади (114/732 й.). Бир йилдан сўнг васконларга қарши юриш қилиб, уларни енгади ва кўпгина ғанимат (ўлжа)ларни қўлга киритади. А.и.Қ.нинг волийлик даврида-ги энг катта хавф *барбарийлар*нинг исёнлари бўлган. А.и.Қ. бу исёнларни бостира олмагач, халифа Ҳишомнинг Тунисдаги янги волийси Убайдуллоҳ ибн Ҳабҳоб уни лавозимидан четлатади. Ўрнига эса, Уқба ибн Ҳажжож ас-Салулийни қўяди (734 й.). Уқба А.и.Қ.ни ҳибсга олдириб, яқин одамларини Тунисга сургун қилади. Тунисда араблар б-н *барбарийлар* ўртасида бўлиб ўтган жангда кўп сонли арабларнинг ҳалок бўлиши Андалусда катта тўполон чиқишига сабаб бўлади. Уқба ибн Ҳажжожга қарши бош кўтар-



Андалусия. Малага ш.даги ал-Қасаба қалъаси. 9–10-а.лар

ган араблар уни волийлик курсисидан тушириб, ўрнига яна қайтадан А.и.Қ.ни чиқарадилар (739 й.).

Халифа Ҳишом бу воқеалардан хабардор бўлгач, Убайдуллоҳнинг ўрнига Кулсум ибн Иёзни волий этиб тайинлайди ва уни катта қўшинга қўмондон қилиб Тунисга жўнатади. Кулсум *барбарийлар*га қарши кечган урушда енгилиб ҳалок бўлгач, жияни Балж ибн Бишр қолган аскарлар б-н Сеута (Испания)га чекинади. Бу ерда *барбарийлар* уни қуршаб олгач, А.и.Қ.дан ёрдам сўрайди. А.и.Қ. ўзининг яқин одамлари б-н маслаҳат қилиб, Балж ибн Бишр кейинчалик Андалусни босиб олиши мумкинлигидан хавфсираган учун унга ёрдам бермасликка қарор қилади. Ҳатто ўзидан бесўроқ Балжга ёрдам тариқасида озиқ-овқат юборган Зиёд ибн Амр ал-Лаҳмийни қатл қилдиради. Лекин кўп ўтмай, *барбарийлар*нинг тобора кучайиб бораётганини кўриб, Тунисда араблар бошига тушган фожиа келажакда ўзларининг ҳам бошига тушишидан хавотирланиб, Балж ибн Бишр ва аскарларига бир нечта шарт б-н Андалусга келишларига рози бўлади. Шартга кўра, Балж ўн нафар одамини А.и.Қ.нинг олдида гаров сифатида қолдириши ва бир йилдан сўнг Андалусдан чиқиб кетиши лозим эди. Балж унинг шартларига рози бўлгач, А.и.Қ. бир қанча кема орқали Андалусга унинг кўп сонли аскарларини олиб келади ва бу аскарлар ёрдамида Салит водийсида *барбарийлар*ни тор-мор қилади. *Барбарийлар* масаласини ҳал қилгач, келишувга биноан уларни Андалусни тарк этишларини истайди. Аммо бу аскарларга ёқмай, қўзғолон кўтаришади ва уни саройдан четлаштириб, ўрнига Балжни волий этиб сайлашади (741 й.).

Бошқарув Балжга ўтгач, Жазират ул-хазродаги гаровда турган одамларини Қуртубага олиб келади. Улар ўзларига нисбатан жуда ёмон муомала қилингани, оч-наҳор қолдирилганлари, ҳатто *ғассонийлар*га мансуб бўлган бир сафдошлари очликдан ўлганини айтишади.

Балжнинг қўшинидаги шомлик аскарлар А.и.Қ. *Ҳарра жанги*даги мағлубият интиқомини олиш мақсадида уларни Сеутада шундай аҳволга солганини айтиб, унинг ўлдирилишини талаб қилишади. Балж уларни тинчлантиришга уринган бўлса-да, фойдаси бўлмайди ва исён чиқаришларидан хавфсираб А.и.Қ. ни қатл қилишга изн беради. А.и.Қ.нинг икки ўғли Марида ва Сарагосада аскар тўплаб, уларга қўшилган Абдурраҳмон

ибн Ҳабиб ва Абдурраҳмон ибн Алқамалар б-н Балж ибн Бишрга қарши юриш қилишади. Бироқ ўзлари мағлубиятга учрайдилар. А.и.Қ. Қуртуба ш.нинг ташқарисида жойлашган Раъс ул-Қантарада тахминан тўқсон ёшларида қатл қилинади. Бу ер кейинчалик, Маслаб ибн Қатан номи б-н танилган. Юсуф ибн Абдурраҳмон ал-Фиҳрийнинг Андалус волийлиги даврида Абдулмаликнинг ўғли Умайя бу ерда отаси хотирасига масжид қурдиради ва юқорида номи зикр қилинган ушбу жой ўша санадан бошлаб «Масжиди Умайя» деб атала бошлайди.

А.и.Қ.нинг ўғилларига қарши кечган жангда ярадор бўлган Балж, Абдулмалик қатл қилингандан бир неча кун ўтгач, ўзи ҳам вафот этади.

Ад.: Ибн ал-Асир. *Ал-Камил.* – Байрут; 1399/1979. V, 174, 175, 181, 185, 192, 250–252, 490, 491; Ибн Халдун. *Ал-Ибар.* – Байрут: 1399/1979. IV, 119; R. Dozy. *Spanish Islam.* – London: 1972. 138, 140–143; Anwar G. Chejne. *Muslim Spain, Its History and Culture.* – Minnesota: 1974. 12; Холид ас-Суфий. *Тарих ал-ъараб фи-л-Андалус.* – Бинғози: 1980. 239–269; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам.* – Байрут: 1984. IV, 162; M. Th. Houtsma. *«Abdülmelik». İA.* I, 94–95; M. Schmitz. *«Belc». İA.* II, 468; E. Lévi-Provençal. *«Abd al-Malik b. Katan». EI² (İng.).* I, 76; Abdülkerim Özaydin. *«Abdülmelik b. Katan». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 265.

Абдулкарим Ўзайдин

АБДУЛМАЛИК ИБН ҲАБИБ

عبد الملك بن حبيب

(қ. ИБН ҲАБИБ ас-СУЛАМИЙ)

АБДУЛМАЛИК ИБН ҲИШОМ АЛ-МАЪОФИРИЙ

عبد الملك بن هشام المعافري

(қ. ИБН ҲИШОМ)

АБДУЛМАЛИК ИСКОФ

عبد الملك إسكاف

Тасаввуф шайхи

Мансур Ҳалложнинг шогирди. Шариф Ҳамза Уқайлий, Абу-л-Ҳасан ат-Табарий, Пири Форс, Абу Мансур Муҳаммад ибн Али ал-Ансорий (Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг отаси), Абу-л-Қосим Ҳаннона б-н суҳбатдош бўлган. Балхда яшаган. Бир юз йигирма йил умр кўрган. Мансур Ҳалложнинг вафоти тафсилоти ҳамда унинг *валийлигига* далил бўлувчи карометларни айтган. Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларида А.И. ҳақида маълумот берилган.

Ад.: Ал-Ансорий. *Хўжа Абдуллоҳ. Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1392; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: 2011. X, 178.

АБДУЛМАЛИК АШ-ШЕРОЗИЙ

عبد الملك الشيرازى

Абу-л-Ҳусайн Абдулмалик ибн Муҳаммад аш-Шерозий (550/1155, Шероз – тахм. 600/1204)

Ўрта аср математиги ва астроном олими

Манбаларда ҳаётига доир маълумотлар кам учрайди. Абдулмалик аш-Шерозий антик давр юнон математиклари асарларини ўрганиб таҳлил қилган ва уларга араб тилида изоҳлар ёзган. Ҳозирга қадар етиб келган ягона асари *«Тасаффуҳ ал-махрўтат»* ҳисобланади. Ушбу асар милоддан аввал 3-а.нинг иккинчи ярмида яшаган, эллипс ва гипербола калималарини илк маротаба илмий муомалага киритган, машҳур геометрия олими Аполлониюс Пергаюс (Apollonius Pergaeus) қаламига мансуб *«Коника»* («Конуслар») номли асарнинг мухтасар шаклидир. А.аш-Ш. *«Тасаффуҳ ал-махрўтат»* асарини ёзишда ўзидан аввал *«Коника»* устида кенг кўламда тадқиқот олиб борган Ҳилол ибн Абу Ҳилол ал-Ҳимсий ва Собит ибн Қурранинг *«Илм ашкал қутуъ ал-махрўтат»* номли асарларидан фойдаланган. А.аш-Ш.нинг мазкур асари лотин тилига ҳам таржима қилиниб, 1669 й.да Киль (нем. Kiel) ш.да босилган. Шу б-н бирга, А.аш-Ш. Клавдий Птолемей (Klaudyos Batlamyus)нинг машҳур *«Алмагист»* асарига ҳам араб тилида изоҳ ва шарҳ ёзган. Лекин, ушбу асар бизгача



Абдулмалик аш-Шерозийнинг «*Тасаффуҳ ал-махрўтāт*» асари. Истанбул, Тўпқопи саройи музейи кутубхонаси, Аҳмад III фонди, инв. рақам 3463

етиб келмаган. Мазкур асар Қутбуддин аш-Шерозий (ваф. 710/1311) томонидан форс тилига таржима қилинган ва *«Дурра ат-тāж ли ғурра ад-дībāж»* номли асарнинг бир бўлимини ташкил этган *«Алмагист»* таржимаси орқали маълум. Ҳозирда *«Тасаффуҳ ал-махрўтāт»*нинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг Тўпқопи саройи музейи, Сулаймония кутубхонаси ҳамда Англиянинг Бодлеан кутубхоналарида сақланмоқда.

Ад.: Brockelmann. *GAL. Suppl.* I, 858; Sezgin. *GAS.* III, 134; Абу-л-Қосим Қурбоний. *Зиндагийномаи Риёзийдонони даврai Исломий.* – Теҳрон: 1365. 304–305; Sargon Erdem. *«Abdülmelik eş-Şirāzi». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 272.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУЛМАЛИК ҚОРИ
عبد الملك قارى
(5.05.1937 – Андижон – 9.03.1975)
Булбул қори

Хушсурат, тинглаган кишини ўзига ром этадиган ёқимли хушовоз ва ажойиб истеъдод соҳиби Абдулмалик қори Андижон (ҳоз. Наманган) вилоятининг Ҳаққулобод ш.да таваллуд топган. Ўша вақтда отаси Абдурраҳим НКВД (Ички ишлар халқ комиссарияти)да ишларди ва Ҳаққулободга хизмат сафари б-н жўнатилган эди. Абдурраҳим (1895–1988) асли Андижон вилоятининг Ойим қишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси Абдурраззоқ уста илм аҳлидан бўлиш б-н бирга, машҳур дурадгор эди. Абдурраззоқ ўғли Абдурраҳим оиланинг саводли, ишбилармон, уддабурон фарзандларидан бўлгани учун уни қишлоқда Мулла Абдурраҳим деб аташган.

А.Қ.нинг онаси Шукринисо, Мулла Абдурраҳимнинг биринчи турмуш ўртоғи Ойимхон отиннинг вафотидан сўнг уйланган иккинчи турмуши бўлган. Қори туғма кўр бўлганлиги сабаб, кўпроқ унга ўгай опаси Миносхон қараб, парвариш қилар эди. А.Қ. истеъдодли, зийрак, эшитган нарсасини ёдлаб олиш қобилияти бўлгани учун отаси уни Ҳофизи Қуръон қилиш мақсадида Абдулаҳад қори (1880-81 й.ларда Андижон шаҳрида таваллуд топган. Етти ёшда ҳофизи Қуръон бўлган)га Қуръон таълими учун беради. Устози ҳам ёшлигидан кўзи ожиз эди.

А.Қ. устози Абдулаҳад қори б-н Жалолободда яшаб, тўққиз ёки ўн ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олади.

Шундан сўнг, А.Қ. ҳар йили рамазон ойининг аввалги уч кунида ўз уйида, кейин эса қадрдонларининг хонадонида Қуръонни тўлиқ хатм қилиб берган.

1953 ёки 1954 й. Абдурраҳим ўғли А.Қ. б-н Тошкентга келади. Улар жума *намоз*ини ўқиш учун *Ҳастимом*даги *Тилла шайх масжид*ига киришади. *Намоз*дан сўнг, одатдагидек, бир қори тиловат қилади. Абдурраҳим ўрнидан туриб, имомга юзланиб: «Бизнинг бир қори ўғлимиз бор, рухсат берсангиз, у ҳам тиловат қилиб берса, ҳаққига дуо қиларсизлар», дейди. Ижозатдан сўнг А.Қ. *«ар-Раҳмон» сурасид*ан ўқиб берди. А.Қ.нинг қироати муфтий Эшон Бобохон

ва ўғиллари Зиёуддин қорига манзур бўлади ва муфтийнинг таклифига биноан рамазон ойида устоз қорилар б-н хатмда қатнашади. *Намоз*дан сўнг Эшон Бобохон А.Қ.нинг ўқишини булбулнинг сайрашига қиёслаб, унга «Булбул қори» деган унвон беради.

Шундан сўнг муфтий Зиёуддин қори А.Қ.нинг Тошкентда араб, форс-тожик ва рус тилларини ўрганишини таъминлаб беради.

Қори Тошкентдан ташқари Сурхондарё, Душанбе ва Фрунзе (Бишкек) ш.ларида, шунингдек, Самарқанддаги *Имом ал-Бухорий масжид*ида ҳам рамазон ойида хатм ўтказиб берган.

1968 й. Тошкентга ал-Азҳар ун-ти раҳбари бошчилигида меҳмонлар ташриф буюришади. Улар ичида дунёга машҳур Миср қориларининг шайхи Маҳмуд Халил ал-Ҳусарий ҳам келган. Шу муносабат б-н Зиёуддин қори А.Қ.ни пойтахтга чақиртиради. У киши меҳмонлар б-н бир неча кун бирга бўлиб, *Камолон масжид*даги йиғилишда Қуръон ўқиб беради. Халил ал-Ҳусарий А.Қ.нинг *қироат*идан таъсирланиб, тиловат тугагач: «Аҳсанта» («Яхши, зўр ўқидинг»), деган.

1970 й. янв. ойида А.Қ. Қуръони каримни тўлиқ ўқиб, магнит тасмасига ёздиради. Бу ўша пайтда тасмага ёзилган илк намуна бўлган.

1974 й.нинг 20–26 авг. кунлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг таваллудига 1200 й. тўлиши муносабати б-н Самарқандда «Имом ал-Бухорий ва ҳозирги замон» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилади. Унда юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, қорилари б-н бир қаторда, дунёнинг йигирма етти давлатидан ташриф буюрган энг машҳур олимлар ва диний арбоблар ҳам иштирок этадилар. Анжуманда А.Қ. ҳам қатнашади ва тиловат қилиб беради.

А.Қ. бир қанча шогирдлар тарбиялаган. У кишининг Андижон, Тошкентдан



Эшон Бобохон ҳазратлари уламолар б-н

ташқари Қирғизистон, Тожикистонда ҳам шогирдлари бор. А.Қ. Қуръон ўқитишда, айниқса, тажвид қоидаларига амал қилишда ниҳоятда талабчан бўлган. Айрим шогирдларнинг айтишларича, у «Басмала»нинг ўзини ўрганиш учун ўн беш кун устоз ҳузурига қатнаган эканлар.

А.Қ. 39 ёшида вафот этади.

Ад.: https://azon.uz/content/views/uzbek-qorilari-tarihi.

Маъмуржон Абидов

АБДУЛМУТТАЛИБ

عبد المطلب،

Абу-л-Ҳорис Абдулмутталиб
ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай
(тахм. 497, Ясриб – 577-78, Макка)
Пайғамбар (с.а.в.)нинг боболари

Отасининг исми – Ҳошим ибн Абдуманоф, онасининг исми эса – Салмо бўлиб, мадиналик *Бани Нажжор қабиласи*га мансуб бўлган. Абдулмутталибнинг асл исми Шайба эди. Бу исмни унга онаси қўйган. Отаси Ғазза (Ғазо)да вафот этганидан сўнг, саккиз ёшигача онаси б-н Мадинада яшайди. Кейинчалик амакиси ал-Мутталиб б-н Маккага келади. Шаҳарга кираётган вақтда ал-Мутталибнинг орқасидаги болани кўрган маккаликлар уни қули дея гумон қилиб, унга «Абд ал-Мутталиб» деб ном берганлар. Ўша кундан бошлаб унинг Шайба исми Абдулмутталибга алмашган. Бошқа бир ривоятда ал-Мутталибдан боланинг ким



Бир ўркачли Арабистон туялари

экани ҳақида сўраганларида, у уст-боши унча яхши бўлмаган жиянини ўзининг қули сифатида таништиргани айтилади.

А. амакиси қўлида улғаяди. Ўлими яқинлашганини ҳис қилган амакиси унга «Отангнинг ўрнига сен лойиқсан», деб қабила раислигини унга топширади. А. раислик даврида *Каъба* ёнидаги ал-Ҳижр деб аталган жойда ухлаб, тушида *Журҳум қабиласи* Маккани тарк этиб кетаётган вақтида кўмиб кетган *Зам-зам қудуғи* жойлашган ерни кўради. У *Каъба* атрофидаги мазкур қудуқни *Қурайш қабиласи*нинг қаршилигига қарамай шахсий мулк сифатида ўзига ўтказиб олади ва натижада ҳожиларга сув тарқатиш (*сиқоя*)ни йўлга қўяди. Бу орада Ҳорисдан бошқа фарзанди бўлмагани учун тазйиқлар остида қолган А. «Агар ўнта ўғил фарзандим бўлган тақдирда уларнинг бирини қурбон қиламан» деб қасам ичади. Манбаларда А.нинг ўнта ўғли ва олтита қизи бўлгани зикр қилинган. Бешта хотинидан ўнта ўғил кўрган А.нинг тушида ичган қасамини бажариши лозим экани аён қилинади. Ваъдани бажариш мақсадида ўғиллари орасида қуръа ташлайди. Қуръа Пайғамбар (с.а.в.)нинг оталари Абдуллоҳга чиқади. Фарзандининг ўрнига ўнта туя қурбон қилиш мақсадида яна қуръа ташлайди. Бу ҳолат ўн бора такрорланади. Туялар миқдори юзга етганида қуръа туяларга чиқади (қ. *АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЛМУТТАЛИБ*).

А. олижаноб, ишончли, самимий инсон, одил раис эди. Умрининг охирги йилларида *бут*га сиғинишни, ичкилик ичишни ҳамда *Каъба*ни яланғоч ҳолда тавоф этишни ман қилган. Қуръони каримда хабари берилган *«Фил воқеаси»*да («*Фил» сураси*, 1-5 оятлар) *Каъба*ни бузишга келган Абраҳа б-н бўлган тарихий музокараси жуда машҳур. А. ўз қавми орасида энг чиройли, кўркам ва ҳайбатли бўлган. Абраҳа уни кўргач, тахтидан тушиб ердаги гилам устига А. б-н бирга ўтиради. Ундан нимага келганини сўраганида А. унга: «Ҳожатим шуки, тортиб олган икки юзта туямни қайтариб бер» дейди. Абраҳа: «Мен сени биринчи бор кўрганимда, улуғ киши экан. деб ўйлаган эдим. Сўзларинг кўнглимни сендан совутиб юборди. Менга туяларинг ҳақида гапирасанми? Сен ва ота-боболаринг динида муқаддас бўлган, мен бузиш учун келган *Каъба* ҳақида қайғурмайсанми?» дейди. Шунда А.: «Мен туяларим эгасиман. *Каъба*нинг эгаси бор. Уни Яратганнинг ўзи асрайди», деб жавоб қилади.

А. набираси Муҳаммад (с.а.в.)га жуда ҳам меҳрибон бўлган. Ул Зот туғилганларида А.нинг ҳаммадан ортиқ суюнгани манбаларда зикр қилинган. Ёшлигида ўлиб кетган фарзандим Абдуллоҳдан қолган ёлғиз ёдгорим деб, ёш Муҳаммад (с.а.в.)ни суяр эди. Уни ўзи б-н олиб юрар, *Каъба*нинг соясида ўзи учун тўшалган гиламга уни ўтқизар эди. А.нинг йўқлиги-

да бу гиламга ҳеч ким ўтиришга журъат қила олмас эди. Бироқ А. ёш Муҳаммад (с.а.в.)нинг бу гиламга ўтиришига изн берарди. А. ўзидан сўнг Муҳаммад (с.а.в.)ни ўғли Абу Толибга васият қилиб топшириб кетган. Тарқоқ ривоятларга кўра, саксон икки ёшида Маккада вафот этган ва Жаннат ал-муаллодаги «Ҳожун қабристони»га, катта бобоси Қусайнинг қабри ёнига дафн этилган. Унинг ўлими муносабати б-н Макка аҳли мотам тутган, дўконлар узоқ вақтга ёпилган, унга бағишлаб *марсия*лар айтилган. Ислом олимлари фитратда яшаган А.ни *тавҳид* эътиқодига соҳиб бўлгани ва охиратда нажотга эришишига умид борлигини айтадилар.

Ҳошимнинг насли ёлғиз А. орқали давом этгани учун унинг вафотидан сўнг *Бани Ҳошим*нинг нуфуз ва қудрати заифлашади. *Бани Умайя* қисқа вақт бўлса-да, *Бани Ҳошим*дан устунлик қиладилар. Натижада Ҳарб ибн Умайя А.нинг ўрнига ўтган ва *Каъба*га оид ваколатлардан фақатгина *сиқоя* А.нинг ўғилларидан *Аббос*да қолган.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Сйра.* – Қоҳира: 1955. I, 50, 51, 56, 112, 117, 145, 150, 160–163, 177, 178, 179, 183, 189; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā.* – Байрут: 1968. I, 25, 81, 117–119; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Қоҳира: 1960–70. II, 246–251; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* Қоҳира: 1970–72. V, 250–251; M. Ҳамидуллоҳ. *İslâm Peygamberi.* – Истанбул: 1966. 33, 36, 42; *А.А. Али-заде.* Абд аль-Мутталиб // Исламский энциклопедический словарь. – М.: «Ансар», 2007. 400; Жавод Али. *Ал-Муфассал фй тарйх ал-ъараб қабла-л-ислāм.* – Байрут: 1968–72. IV, 73–81; H. Ahmet Sezikli. *«Abdülmuttalib». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 272–273; W. Montgomery Watt. *«ʿAbd al-Muttalib b. Hashim». EI²* (İng.). I, 80; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Тошкент: «Hilol-nashr», 2017. I, 157–158, 200–201; Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. *Ас-Сийра ан-Набавиййа.* – Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти», 2011. I (1), 58–61, 108, 110–114, 116–118; Август Мюллер. *История ислама.* – М.: «ОЛМА Медия Групп», 2014. 54; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017. 14–19; Ж.Нажмиддинов. *«Аббос ибн Абдулмутталиб». Исломшунослик қомусий луғати.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. I, 11; https://ru.wikipedia.org.

Озодбек Алимов

АБДУЛМУТТАЛИБ ИБН РАБИЪА

عبد المطلب بن ربيعة

Абдулмутталиб ибн Рабиъа ибн ал-Ҳорис ал-Ҳошимий (? – 61/680-81, Дамашқ)

Саҳоба

Отаси Рабиъа ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмутталиб бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) нинг амакилари Ҳориснинг набираси. Баъзи манбаларда исми Мутталиб деб қайд қилинган. Бироқ Ибн Асирнинг айтишича, Пайғамбар (с.а.в.) унинг «Мутталибнинг қули» мазмунидаги исмини ўзгартирмаган. Онаси – Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакилари Зубайрнинг қизи Уммул-Ҳакам бўлган. А.и.Р. Мадинада истиқомат қилган, сўнгра Умар (р.а.) нинг халифалик даврларида Шомнинг Дамашқ шаҳрига кўчиб ўтган ва ўша ерда 61/680-81 й.да вафот этган. Баъзи манбаларда вафот санаси 62/681-82 й. ҳам кўрсатилган. *«Саҳйҳ Муслим»*да келтирилишича, отасининг қистовида Фазл ибн Аббос б-н Пайғамбар (с.а.в.)нинг олдиларига келиб, уйланиш вақти келгани ҳамда *закот* ишларига масъулликдан тушадиган пулдан уйланиш нияти борлигини айтади. Ул Зот (с.а.в.) пайғамбар оиласига мансуб кишиларга бу йўл б-н пул топиш тўғри келмаслигини айтиб, амакиларининг ўғли Навфал ибн Ҳорис ва Маҳмия ибн Жазни чақиртирадилар. Сўнг Навфалга қизини жиянлари Абдулмутталиб ибн Рабиъа (р.а.)га, Маҳмияга эса қизини Фазлга беришларини тавсия қиладилар. Ёшлар ана шундай тарзда оила қурдилар. А.и.Р.га Навфал эмас, балки Абу Суфён қизини бергани ҳақидаги ривоят ҳам мавжуд.

А.и.Р. Пайғамбар (с.а.в.) ва Али (р.а.) дан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса ўғли Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Навфал ва унинг ўғли Муҳаммадлар ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубра.* – Байрут: 1388/1968. IV, 57–59; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* –

Қоҳира: 1970–73. III, 508–509; Аз-Заҳабий. *Сийар.* III, 112–113; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. II, 430–431; ўша муал. *Таҳзйб ат-таҳзйб.* IV, 383–384.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУЛМУЪМИН АД-ДИМЁТИЙ
عبد المؤمن الدمياطي
(қ. ад-ДИМЁТИЙ, Абдулмуъмин ибн Халаф)

АБДУЛМУЪМИН ИБН ХАЛАФ
عبد المؤمن بن خلف

Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ибн Туфайл ибн Зайд ибн Туфайл ат-Тамимий ан-Насафий (259/872, ? – 346/959, ?)

Ҳадис ҳофизи

Имом-пешво, ҳадис ҳофизларидан саналган Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий бадавлат, *суннат* ва ҳадисга эргашувчи, художўй ва ниҳоятда илмли шахс бўлган. Бағдодда Муҳаммад ибн Довуд аз-Зоҳирийнинг *фиққий мазҳаб*ида фаолият олиб борган, қиёс аҳлидан йироқ бўлган.

Бобоси Туфайл ибн Зайддан ҳадис эшитган. Шунингдек, Абу Ҳотим ар-Розий, Абу Яҳё ибн Абу Масарра ал-Маккий, Исҳоқ ибн Иброҳим ад-Дабарий, Абу Зинбоъ Равҳ ибн Фараж ал-Мисрий, Юсуф ибн Язид ал-Қаротисий, Али ибн Абдулазиз ал-Бағавий ва уларнинг сафдошларинин суҳбатида бўлиб, улардан ҳадис тинглаган.

Ўз навбатида, А.и.Х.дан Абдулмалик ибн Марвон ал-Майдоний, Аҳмад ибн Аммор ибн Асама, Яъқуб ибн Исҳоқ ан-Насафий, Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ аз-Зуҳлий, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Калобозий ҳамда Насаф аҳлларидан бўлган бошқа олимлар ҳадис ривоят қилганлар.

Шамсуддин аз-Заҳабий *«Сийар аълāм ан-нубалā»* ва *«Тазкира ал-ҳуффāз»* асарларида *ровий*лар занжирида А.и.Х. ҳам иштирок этган ҳадислардан намуналар келтирган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. XV, 480; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1998. III, 56; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 50.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛУЗЗО (Бани Абдулуззо)
بنو عبد العزى
Қурайш қабиласининг бир тармоғи

Номини Пайғамбар (с.а.в.)нинг ота-боболаридан Қусай ибн Килобнинг тўрт ўғлидан бири бўлган Абдулуззодан олган қабила. Бу қабилага мансуб баъзи шахслар *жоҳилият* ҳамда Ислом даврининг эътиборли сиймолари орасидан ўрин эгаллаганлар. Булар: Ҳувайлид ибн Асад, Хадича, унинг амакисини ўғли Варақа ибн Навфал, Зубайр ибн Аввом, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Усмон ибн Ҳувайрис, Урва ибн Зубайрлардир. Пайғамбар (с.а.в.) қабила номини *Бани Абдуллоҳ* деб ўзгартирганлар.

А. қабиласи 11-а.га қадар Ҳижоз ярим-оролида истиқомат қилганлар.

Ад.: Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш.* – Қоҳира: 1982. 205–250; Ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф.* – Байрут: 1970. 32–33; Ибн Ҳазм. *Жамҳара.* – Қоҳира: 1982. 117–125; Ибн Халдун. *Ал-Ибар.* – Байрут: 1971. II, 327–328; Каҳҳола. *Муъжам қабāил ал-ъараб.* – Байрут: 1982. II, 725; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Байрут: 1984. IV, 11–12; Ahmet Önkal. «*Abdülluzzâ (Benî Abdülluzzâ)*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 276.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ
عبد الخالق غجدواني

Хожа Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний (1103 – Ғиждувон – 1179)

Хожагон тасаввуф тариқатининг асосчиси

Абдулхолиқ Ғиждувоний «Хожаи Жаҳон» лақаби б-н ном қозонган. Ҳозиргача ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида Ғиждувонни ана шу улуғ шайх ҳурматидан *Хожаи Жаҳон* деб аташ бор.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти хазинасида но-



Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси

маълум муаллифнинг А.Ғ. таржимаи ҳолига бағишлаб ёзилган *«Зикри воқеъоти Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний»* асарининг 1717 й. кўчирилган нусхаси сақланади. Мазкур асарда маълумот берилишича, А.Ғ. 9 ёшида Қуръони каримни ёдлаган. 10 ёшидан бошлаб дарвешлар ўтказадиган зикр маросимларида фаол иштирок этган. Бухоролик устози Имом Садруддиндан *тафсир илми*ни ўрганади.

А.Ғ. 22 ёшида Эроннинг Ҳамадон ш.дан Бухорога келиб, *тасаввуф* тарғиботи б-н шуғуллана бошлаган Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний б-н учрашиб, унга *мурид* тушади. Умрини *тасаввуф* йўлида хизмат қилишга бағишлайди. У *тасаввуф* назарияси ва амалиётига бағишланган 5 та асар ёзган. *Мурид*лар тарбияси б-н шуғулланган. Ўз руҳини камолга етказишда юксак даражага етишган.

А.Ғ. *«Мақомоти Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний»* («Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний мақомлари») асарида *мурши*дининг таржимаи ҳолини баён этиб, унинг таълимоти моҳиятини ёритади. Бу асар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган.

А.Ғ. Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний таълимотини ҳар тарафлама бойитиб, *тасаввуф* амалиётига *хуфия зикр*ини олиб кирган. Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний жорий этган зикр маҳали амал қилинадиган 4 та қоида, яъни *рашҳа* (*«Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман»*)га яна 4 та *рашҳа* (*«Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт»*)ни қўшиб, 8 тага етказади. Шу тариқа у амалий жиҳатдан янги *хожагон тариқати*ни бошлаб, уни назарий жиҳатдан асослаб беради.

У бу *тариқат*га раҳнамолик қилишни ўзининг *мурид*и Хожа Ориф Ревгарий – Моҳитобонга топширади. Шу тариқа А.Ғ.нинг қабри Бухоро вилоятида жойлашган етти пир рўйхатининг сарҳалқаси бўлиб қолди.

А.Ғ. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд учун ҳам ўзи дохил бўлган ва янада такомиллаштирган *хожагон тариқати*нинг сарҳалқаси, ҳам уни бевосита руҳан тарбиялаган увайсий пир ҳисобланади.

А.Ғ. кейинги давр *сўфий*лари томонидан ҳам ўрганилиб, кенг шарҳ қилинган. Жумладан, 16-а.да *«Махдуми Аъзам»* лақаби б-н ном қозонган Аҳмад ибн Мавлоно Жалолуддин Хожагий Косоний Даҳбедий *«Рисолаи чаҳор калима»* («Тўрт сўз ҳақида рисола») асарини унинг 4 васиятини шарҳлашга бағишлаган. Шу-

нингдек, унинг таълимоти моҳияти Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг *нақшбандийя тариқати*даги пири Саъдуддин Кошғарий қаламига мансуб *«Рисола»* асарида кенг талқин этиб берилган.

А.Ғ.нинг қабри – Ғиждувонда. Мирзо Улуғбек бу улуғ зот ҳаққи-ҳурматига унинг қабри қибласида мадраса қурдирган.

Гарчи Муҳаммад (с.а.в.)дан бошланган олтин силсилада А.Ғ. номаълум ҳалқа ҳисобланса-да, *хожагон-нақшбандийя тариқати*нинг асосчиси, яъни биринчи пир янглиғ ҳурмат-эҳтиромга эга бўлган.

2002 й. 4 дек.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «*Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида*»ги қарори қабул қилинди. А.Ғ. *хожагон* (бу кейинчалик *нақшбандийя* деб атала бошлаган) *тариқати*нинг асосчиси ҳисобланади. Ана шу қарор асосида 2003 й. 27 нояб. ида Бухорода *тасаввуф* илмининг йирик намояндаси Хожа А.Ғ. таваллудининг 900 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилди. Ғиждувондаги унинг мақбараси устида мажмуа бунёд этилди. Бу мажмуа таркибида янги масжид ҳам бор. Мақбара ёнидаги *Мирзо Улуғбек мадрасаси* таъмирланди.

Шу юбилей муносабати б-н *хожагон-нақшбандийя тариқати*нинг асосчиларидан бўлмиш Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси мажмуасига янги иморатлар – миллий нақшинкор айвонлар солинди. Лойиҳа бўйича иш бошланганда ер остидан бузилиб кетган тарихий айвоннинг худди шу тарзда бўлган асоси топилди. Боби Ислом, яъни Ислом дарвозаси ўрнида эса янги Боби Ислом бунёд этилди. Зиёратчилар мажмуага айнан шу дарвоза орқали кириб келадиган бўлди.

А.Ғ. таваллудининг 900 йиллигига бағишланган маросим айнан *Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси*да бўлиб ўтди. Бухоро ш.да шу санага бағишланган халқаро илмий-назарий конференция ҳам ўтказилди.

Етти пир ҳақида энг бой ва ишончли манба – Алишер Навоийнинг пири ва устози Абдурраҳмон Жомийнинг авлиёлар ҳақидаги *«Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс»* тазкирасидан таржима қилиб ва қўшимчалар қўшиб яратган *«Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ил-футувват»* тазкираси ҳисобланади.

Шу тазкирада А.Ғ. ҳақида жуда ажиб каромату ҳолатлар баён этилади.

А.Ғ. Юсуф ал-Ҳамадоний б-н учрашгунича ҳам *хуфия зикр*, яъни бошқаларга билдирмасдан Аллоҳнинг номларини тилга олиб *зикр* қилган.

Ёзилишича, ҳазрат бир жамоага маърифатдан маъруза қилиб ўтирган эдилар. Шу маҳал бир киши зоҳидлар кийимида, яъни эгнида хирқа кийган, елкасига жойнамоз ташланган ҳолда келиб, бир чеккага ўтирди. Ҳазрат негадир унга қизиқиш б-н қарадилар. Шунда ҳалиги йигит шайхдан: «Мўъминнинг фаросатидан қўрқинг, чунки у улуғ ва қудратли Аллоҳ нури билан боқади», деган ҳадиснинг сири нимада?» деб сўради. У замонларда мусулмон динида бўлмаган кишилар билдириши учун белига ип боғлаб юрар эди. Бу ип зуннор дейилар эди. Ҳалиги нотаниш йигит мусулмоннинг фаросатидан савол сўраган эди, авлиё фаросат б-н унга шундай деб жавоб қайтаради: «Бу ҳадиснинг сири будурки, хирқанг остидаги зуннорингни кесиб, *иймон* келтургайсен». Йигит бу кароматдан ҳайратга тушиб, дарҳол зуннорини кесади, *иймон* келтириб, мусулмончиликни қабул қилади. Шунда шайх даврадагиларга мурожаат қилади: «Эй ёронлар, келингки, андоққи зоҳир зуннорин кесиб, бу навоҳд (динга киришни аҳд қилган янги) йигит *иймон* келтурди, биз ҳам ботин зуннорини, иборати ужбдиндур, қатъ қилиб (кесиб), *иймон* келтурали, то андоққи, у омурзида бўлди, биз доғи (ҳам) омурзида бўлали». Навоий бу ҳолатнинг баёнида



Юсуф ал-Ҳамадоний мажмуаси. Туркманистон

ҳаяжонини яшириб ўтирмайди: «Ажаб ҳолате асҳобға (суҳбатдошларда) зоҳир бўлди. Хожанинг оёғиға тушарлар эрди ва тавбаларини тоза қилурлар эрди».

А.Ғ. Юсуф ал-Ҳамадоний, Имом Садруддин, Ниёз ал-Хоразмийлардан таълим олган. Отаси Имом Абдулжамил асли румлик (яъни, туркиялик) бўлиб, Имом Молик авлодидан, онаси эса подшоҳ қизи бўлган.

Алишер Навоий А.Ғ. ҳақида: «Аларнинг равиши *тариқат*да ҳужжатдур. Барча форуқ (ҳақни ботилдан ажратувчилар)нинг мақбулидурлар», деган.

*Нақшбандийя тариқати «Хожагон» тасаввуф*ий-фалсафий таълимоти номи б-н ҳам машҳур бўлиб, бу ном А.Ғ. таълимоти б-н чамбарчас боғлиқ. А.Ғ. *мурид*лар ва *дарвеш*лар учун ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларини ишлаб чиқади. Бу қоидалар Фахруддин Али Сафийнинг *«Рашаҳот айн ул-ҳаёт»* рисоласида келтирилган. У ўғлига шундай дейди: «Эй ўғлим, сенга насиҳат қилиб айтаманким, илм-маърифат, ахлоқ-одоб, тақво учун ҳамиша саъй-ҳаракат қил, вақтида *намоз*ингни ўқи, лекин имомлик ва *муаззинлик* қилма, ўзингдан кейин қимматбаҳо асар ва таълифот ёзиб қолдир, *аҳли сунна вал-жамоа* мулозамати учун интил, *фиқҳ* ва ҳадис илмларини тўхтовсиз ўрган, ҳаргиз шуҳратталаб бўлма, чунки шуҳратталаблиқдан доимо офат келади, мансабга муқайяд бўлиб қолма, (мансабпараст бўлма), доимо камтар бўлишга ҳаракат қил, хонақоҳ қурма ва хонақоҳларда яшама, кам гапир, кам е, оз ухла, ўз хилватингда бўлиб, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, ҳадеб хандон ташлаб кулаверма, қаҳ-қаҳ отиб кулиш дилни вайрон этади, ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзи билан боқ, ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб, уни таҳқир этма, зоҳиринг (ташқи кўринишинг) оройишига кўп аҳамият берма, чунки бундай аъмолдан ботининг (ички кўринишинг) расво бўлади, халойиқ ила мужодала (тортишув, баҳс-мунозара)га борма, бировдан асло бирор нарса тама қилма, бировни хизматга буюрма (хизматкор тутма), машойихларга молу жонинг билан сидқидилдан хизмат қил, мол-дунёга мағрур бўлма, ўшанда дилинг ором олади».

А.Ғ.нинг юқоридаги ахлоқ-одобга оид панд-насиҳатлари, ибратли сўзлари, қонун-қоидалари кейинчалик *нақшбандийя сулук*ига аъзо бўлган *дарвеш* ва *мурид*лар учун ҳам асосий ахлоқий мезон, қоида бўлиб қолди. Ал-Ҳамадоний, А.Ғ. ва Нақшбандийлар *хожагон-нақшбандийя тариқати*нинг қуйидаги ўн бир қоидаси ёки одобини ишлаб чиққанлар, улардан тўрттаси Юсуф ал-Ҳамадонийга, тўрттаси А.Ғ.га, учтаси Нақшбандий-

га мансуб бўлиб, *рашҳа* (қатра) деб аталади: 1) «Ҳуш дар дам». *Зикр* вақтида ҳар бир чиқаётган нафас ҳушёрлик б-н чиқмоғи, ғафлатга тушмаслик лозим, ҳар нафас олиб, чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш даркор; 2) «Назар бар қадам». Солик (*тариқат* йўлига кирган) ёки *дарвеш* шаҳарда юрадими, қишлоқ ёки саҳродами ҳар бир қадамига назар солиши, огоҳ бўлиб юрмоғи, фикри бўлинмаслиги лозим; 3) «Сафар дар ватан». *Тариқат* аъзосининг ёмон одатдан яхши хулққа, башарий сифатлардан малакий сифатларга йўналишини билдиради. Булардан ташқари, *мурид* ўз *муршид*ини топгандан сўнг саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқ кўрилади; 4) «Хилват дар анжуман». Зоҳиран халқ б-н, ботинан Ҳақ б-н бўлиш демакдир. Солик халқ орасида юрса-да, қалбан бир лаҳза бўлса ҳам Аллоҳни эсдан чиқармаслиги лозим; 5) «Ёдкард». Эслаш – Аллоҳни ёд этиш, яъни тинмай *калимаи тавҳид*ни *зикр* қилиш; 6) «Бозгашт». *Зикр*дан кейин *солик* «Илаҳий, анта мақсудий ва ризока матлубий», яъни Аллоҳим, мақсадим сенсан, талаб-истагим сенинг ризолигингдир, дейди; 7) «Нигоҳдошт». Қалбдаги фикр ва хотираларни муроқаба қилиш; 8) «Ёддошт». Ҳар лаҳза Ҳақдан хабардор бўлишни билдиради; 9) «Вуқуфи замоний». Дарвеш доимо ўз ҳолидан хабардор бўлиши, вақтидан унумли фойдаланиши, шукр ва тавба қилиши даркор; 10) «Вуқуфи ададий». Солик шайх берган *зикр* вазифаси саноғига риоя қилиши, зоҳирда ҳам инсон ўзини муайян саноқ ва вақт б-н назорат қилиши муҳимдир. Зеро, бу ҳол соликнинг тартиб-интизомга риоя қилишида муҳим аҳамиятга эга; 11) «Вуқуфи қалбий». Қалбнинг Ҳақдан хабардор бўлиши. Яъни, инсон кўнгли Аллоҳдан бошқа нарсани ўйламаслиги лозим. Бу *зикр*нинг юқори поғонасини билдиради. Бу ахлоқ-одоб қоидаларига *нақшбандийя тариқати*ни танлаган ҳар бир *мурид* сўзсиз амал қилиши талаб қилинган. Чунки улар ушбу таълимотнинг моҳияти ва мазмунини ташкил қилади.

А.Ғ. кўплаб шогирдларни тарбиялаган бўлиб, улардан машҳурлари: Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон Карманий, Хожа Ориф Ревгарийлардир.

А.Ғ. ҳикматларидан:

Эй сўфии соф, ки куни майли самоъ,
Ҳосил зи самоъ, чун нифоқ асту низоъ.
Ё тарки самоъ кун, ки софий гарди,
Ё он, ҳаёти дили худ соз видоъ.

Мазмуни: Эй, покиза *сўфий*, сен *самоъ*га майл кўрсатсанг, ундан фақат нифоқ ва низо ҳосилини олажаксан. Ё *самоъ*ни тарк қилиб, тўғри йўлни танла, ёхуд кўнгил ҳаёти б-н видоъ эт, яъни ҳаётинг хавф остида қолади, шундан эҳтиёт бўл.

Дари хилват банду, бари
суҳбатро кушой,
Дари шайхийро банду, дари
ёритро кушой.

(Хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини оч, шайхлик эшигини ёпиб, ёрлиқ, дўстлик эшигини оч) байти ҳам А.Ғ. томонидан айтилган.

*Хожагон – Нақшбандийя тариқати муршид*ларининг ҳикматлари

Ҳазрат Саййид Амир Кулол ҳикматларидан:

Нишони он, ки ман фарзанди покам,
Падар ҳам пок, модар ҳам афифа
Дилам пок асту, доман пок дорам,
Тарийқи рост роҳ бўи ақиқа.

Мазмуни: Отам ва онамнинг покликлари бу менинг поклигимнинг белгисидир. Менинг юрагиму этагим ҳам пок, шунинг учун *тариқат*им-йўлим пок бўлиб, ундан ҳақиқатнинг ҳиди келмокда.

Изоҳ: Назмий парча кўрсатадики, Ҳазрат Саййид Амир Кулол дунёга келишлари б-н поклик ва ҳақиқат у кишига ҳамроҳ бўлган. Яъни, ҳақиқатга етишишнинг асосий воситаси бу поклик эканлигини кўрсатади.

Хазор хеш, ки бегона аз худо бошад
Фидои як тани бегона, ки ошно бошад.

Мазмуни: Аллоҳдан йироқ бўлган мингта қариндошдан кўра, Аллоҳга яқин бўлган битта бегонага фидо бўлсанг арзийди.

Гар қуёшинг малак, соянг Илоҳ,
Ҳеч бир кишига ҳақорат кўзила қилма нигоҳ,
Субхи дам шаббодасидин дилинг этгил сафо
Қалб ойнадир равшан бўлур тортсанг гар оҳ.

Маёзор мўру, маёзор кас,
Раҳи роскори ҳамин асту бас.

Мазмуни: Мўр (чумоли)га ҳам, кишига ҳам озор бермагин, тўғри йўл аслида мана шудир.

Агар фарзанди султонию хоний,
Чудониш нест бадтар аз сагоний.

Мазмуни: Султон ва хоннинг фарзанди бўлсанг-да, лекин билиминг бўлмаса сен итдан ҳам тубансан.

Илме, ки муаллимаш дар сина бувад,
Дарси на бувад ҳар он чи дар сина бувад,
Сад хона китоб хони суде накунад,
Онро, ки китобхона дар сина бувад.

Мазмуни: Қалбда Аллоҳ томонидан жойлаштирилган илмни дарс олиш б-н ўрганиб бўлмайди. Юзта уйда жойлашган китобларни ўқисанг ҳам, олган билимларинг қалбда кутубхонаси бўлган билимлар б-н тенглаша олмайди.

Дар бодияи илм дави дан, чи хуш аст,
Ва аз олами маъни сухан шунидан, чи хуш аст.
Сад бор ба иттифоқ бо дил гуфтам,
Аз суҳбати ноақл буридан, чи хуш аст.

Мазмуни: Илм орқасидан югуриш қандай гўзал иш. Маънолар оламидан сўз эшитиш қандай ажойиб! Ақлсиз б-н суҳбатни узиб ташлаш кераклигини юз бор юрагимдан айтдим.

Бо бад маншину, бош бегонаи ў,
Бар дам афти гар хўри донаи ў,
Тир аз паи рости камонро каждид,
Диди, ки чи гуна жаст аз хонаи ў.

Мазмуни: Ёмон б-н ўтирмагин, ундан узоқроқ юргин, чунки унинг таъсирига тушиб қолишинг мумкин. Тийр камоннинг эгрилигини кўрганидан кейин ундан қандай қочиб кетганини кўрдингми, сен ҳам ана шундай ёмондан қочгин.

Ҳар киро илму ақл пироя аст,
Ҳар киро ин ду нест бе моя аст.
Илм бояд бо амал *ганже бувад,*
Аз он, ки бе дониш амал *ранже бувад.*

Мазмуни: Кимга илму ақл йўл кўрсатувчи бўлса, у бахтлидир, чунки буларсиз ҳаёт асоссиз бўлиб қолади. Илм амал б-н бўлганидагина хазинага айланади. Билимсиз амалиёт кўп ранж келтиради.

Шодамки, ки зи ман бар дили кас боре нест,
Касро зи ману, кори ман озоре нест,
Гар нек шуморанду, гар бад гўянд,
Бо неку бади ҳеч кас коре нест.

Мазмуни: Мен жуда хурсандманки, менинг туфайли бирор кишининг қалбида оғирлик йўқ. Мен ва менинг ишларимдан ҳеч ким озор чекмаган, мени ёмон ёки яхши десалар-да, мен уларнинг яхши ва ёмонлари б-н ҳеч ишим йўқ.

Ин дида бипўш, то дилат дида шавад,
Зон дида жаҳони дигаре дида шавад.
Гар равзани дил ба зикри Ҳақ бикшойи,
Дар жоми фалак ҳар чи бувад дида шавад.

Мазмуни: Кўзларингни юм, то кўнгил кўзлари очилсин, зеро кўнгил кўзи ила ўзга жаҳонни кўриб бўлади. Агар кўнгил равзани (даричаси) Ҳақ зикри ила очилса, фалак комида не иш бўлса, ҳаммасини кўрса бўлади.

Ас.: *«Рисолаи саҳобийя», «Мақсад ус-соликийн», «Маслак ул-орифийн», «Мақомоти Юсуф ал-Ҳамадоний», «Тариқат одоби».*

Ад.: Алишер Навоий. *МАТ.* 20 жилдлик. (*«Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ил-футувват»*) – Т.: «Фан», 2001. XVII, 253; Фахруддин Али Сафий. *Рашаҳоту айн ил-ҳаёт.* – Т.: «Абу Али ибн Сино», 2004; *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 41; Ориф Усмон. *Бухоройи шариф-нинг етти пири* – Т.: 2003; ўша муал. *Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний.* – Т.: 2003; С. Олим. *Хожа Баҳоуддин ҳақиқати.* – Наманган: 1994; ўша муал. *Нақшбанд ва Навоий.* – Т.: «Ўқитувчи», 1996.

Султонмурод Олим

АБДУЛҚАЙС
(Бани Абдулқайс)
بنو عبد القيس
Пайғамбар (с.а.в.) даврида Исломни қабул қилган қабила

Қабила отаси Абдулқайснинг насаби Аднонда Пайғамбар (с.а.в.)нинг насаблари б-н бирлашади. Ушбу қабила *Абдий, Қайсий, Абдулқайсий* ва *Абқасий* деб ҳам аталади. А. қабиласи аввал Тиҳомада яшаган. Кейинчалик Баҳрайн ва Ўмон минтақаларининг соҳил ва марказий ҳудудларига тарқалиб, баъзилари кўчманчи, баъзилари доимий равишда *Бакр ибн Воил, Тамим* ва *Кинда* қабилалари орасида яшай бошлаганлар. Ўша даврларда жанубий Эронга кўп бор босқинчилик қилишган. Шопур II ҳукмдор бўлгач, уларни жазолашга киришади. У қўшин тортиб Арабистон ва Шомнинг анчагина ҳудудини вайрон қилади, А. қабиласига мансуб кўпгина одамни қатл эттиради. Улар Исломнинг илк даврида минтақадаги бошқа араб қабилалари, эронлик мажусийлар, оз сонли насроний ва яҳудийлар б-н бирга *сосонийлар* ҳокимияти остида яшаганлар. Қабиланинг баъзи вакиллари Мушаққарда Зул-лабо номли бутга сиғинар, баъзилари эса, насронийлик динига эътиқод қиларди. Баҳрайн аҳолисининг кўпчилиги мазкур қабилага мансуб эди.

А.нинг Пайғамбар (с.а.в.) б-н учрашувлари ва мусулмон бўлишлари ҳақидаги маълумотлар анчагина чалкашдир. Баҳрайн қатори Фурот соҳилларидан Арабистоннинг марказига қадар кириб борган ушбу қабила вакиллари ишончли ривоятга кўра, *Уҳуд жанги* асносида бир карвонга қўшилиб Мадина ш.га борадилар ва Пайғамбар (с.а.в.) б-н илк бор учрашадилар. Кейинроқ айрим А.ликлар *Бани Мусталиқ ғазоти* вақтида Пайғамбар (с.а.в.) б-н учрашиб Исломни қабул қиладилар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг таклифларига биноан 629 й. ушбу қабиланинг йигирмата вакили Мадинага келади. Пешонасида чуқур жароҳат изи боис ал-Ашажж номи б-н машҳур бўлган Абдуллоҳ ибн Авф раҳбарлигидаги мазкур ҳайъат Рамла бинт Ҳорисниng уйида ўн кун меҳмон бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.)ни яқиндан таниш имкониятига эга бўладилар. Улар Қуръони карим ва Ислом дини асосларини ўрганадилар. Нубувватдан олдин Мушаққар ва Дабо савдо-сотиқ ишларида иштирок этган ҳамда минтақани ва у ердаги одамларни яхши таниган Пайғамбар (с.а.в.) ҳайъат аъзолари б-н қизиқдилар. Юзи хунук бўлган Ашажжга: «Сенда Аллоҳ таоло яхши кўрган икки хислат – ҳилм ва ҳаё бор», деб илтифот кўрсатадилар (Имом Муслим. *«Иймон»*,



Араб қабиласи сафарда

25, 26). Пайғамбар (с.а.в.) шунингдек, *саҳоба*ларни ҳайъат аъзоларига ҳадялар улашишга ташвиқ қиладилар. Қабилага *намоз* ўқиш, *закот* бериш, рамазон ойида *рўза* тутиш ва тушган ўлжалардан бешдан бир қисмини *байтулмол*га ажратишни буюрадилар, *жоҳилият* даврида шароб учун ишлатилган тупроқ ва дарахтдан ясалган идишларни бошқа ичимликлар учун ишлатишни ман қиладилар. Имом ал-Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра, *Масжид ан-Набавий*дан кейин жума *намози* ўқилиши учун рухсат берилган иккинчи масжид абдулқайсликлар яшаган Жувосо ш.даги масжиддир (Ал-Бухорий. *«Мағозӣ»,* 69). Солиқлар ва б. мавзуларга доир Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан ушбу қабилага юборилган айрим мактублар бугунги кунимизга қадар етиб келган.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин рўй берган *иртидод* (диндан қайтиш) ҳодисалари вақтида А. Исломда собит қолиб, муртадларга қарши курашган. Ўмоннинг Дабо ш.даги диндан қайтган Лақит ибн Молик ва унинг тарафдорларини мағлубиятга учратганлар. Хусусан, Маҳра ва Ямандаги исёнларни бостиришда фаол иштирок этганлар. Умар (р.а.) халифалиги даврида *фатҳ* юришларида қатнашадилар. Уларнинг, айниқса, *сосонийлар* устидан эришилган ғалабаларда ҳиссалари беқиёсдир. *Фатҳ*лардан кейин кўпчиликлари Тавваж, Басра, Куфа, Мосул, Исфаҳон ва Марвга кўчиб борадилар. Абдулқайсликлар *Жамал* ва *Сиффийн воқеалари*да асосан Али (к.в.)га тарафдорлик қиладилар. Ушбу қабиладан бўлган Саъсаа ибн Суҳоннинг Муовияга мухолифати, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Жоруднинг куфалик ҳамда басраликларга бош бўлиб Ҳажжожга исён қилиши ва Ҳажжож томонидан қатл қилиниши ҳақидаги ривоятлар манбаларда кенг ва батафсил зикр қилинган.

Абдулқайсликлар чиройли нутқ сўзлашлари ва жасурликлари б-н машҳур бўлганлар. Ибн ан-Надимнинг қайд қилишича, Абу Убайда Маъмар ибн Мусаннонинг «*Китоб хабар Абди-л-Қайс*» асари ушбу қабила ҳақида ёзилган мустақил асар бўлиш б-н бирга муҳим манба ҳам саналади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сира.* – Қоҳира: 1955. II, 575–576; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубро.* – Байрут: 1968. I, 283, 314–315; IV, 360–362; V, 557–566; VII. 85–88, 131–134; Ибн Қутайба. *Ал-Маъориф.* – Қоҳира: 1960. 338–339; Ал-Балозурий. *Футуҳ ал-булдон.* – Қоҳира: 1956–60. I, 95, 104; ўша муал. *Ансоб ал-ашроф.* – Байрут: 1979. IV/1, 102–103; Ат-Табарий. *Тарих.* – Лейден: 1879–1901. I, 1736–1737, 1958–1961, 1979–1980, 1995–1996; Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист.* – Теҳрон: 1971. 59; Ас-Самъоний. *Ал-Ансоб.* – Дамашқ: 1976. VIII, 355–364; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: 1966. I, 346–349; II, 174–175; Каҳҳола. *Муъжам қабоил ал-ъараб.* – Байрут: 1982. II, 726–727; Муҳаммад Ҳамидуллоҳ. *Ал-Васоиқ ас-сийосийя.* – Байрут: «Дор ан-нафоис», 1969. 126–127; ўша муал. «*İslâm Peygamberi*». – İstanbul: 1980. I, 63, 409, 410–411, 433–440; W. Caskel, «*Abd al-Kays*». EI² (Fr.). I, 74–76; Mustafa Fayda. «*Abdülkays (Benî Abdülkays)*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 248–249.

Мустафо Файда

АБДУЛҚАЙЮМ ИБРОҲИМОВ

عبد القيوم إبراهيموف

(1887, ? – 1971, Наманган)



Абдулқайюм домла номи б-н танилган. Саводини эски мактабда чиқарган, кейин машҳур уламо Собитхонтўра Абдумаонийдан сабоқ олган. А.И. ундан сарф, *наҳв, тафсир, фиқҳ,* мерос илмини пухта ўрганади. Айниқса, Сирожуддин

Сажовандий ал-Ҳанафийнинг мерос илмига оид *«Сирāжиййа»* китобини мукаммал ўрганиб, Ўзбекистон ва қўшни республикаларда бу соҳанинг билимдони бўлиб танилади. Бу борада ундан Аҳмадхон қори Содиқов (1890–1986), ундан Ҳорунхон Айюбхонов таҳсил олиб, устоз-шогирдлик анъанасини давом эттиришган. Аҳмадхон қори А.И.нинг «Аллоҳ менга диний илмлардан ўн тўрттасини мукаммал берган эди. Алҳамдулиллаҳ, бугун сизга мерос илмини тўла ўргатдим ва еттита шогирд чиқардим. Оҳ, қолгани тупроққа кўмиладиган бўлди», – деганини кўп ёдга оларди. Аҳмадхон қорининг вафотидан сўнг вилоятда Ҳорунхон Айюбхонов унинг давомчиси бўлди. А.И. қаламига мансуб диний йўл-йўриқлар акс эттирилган *«Туҳфат ул-авлод»* асари бор. Қўлёзма ҳолидаги бу китоб Аҳмадхон Содиқовнинг ўғли Мусохон Аҳмаджонов қўлида сақланмоқда.

А.И. 1945–1950 й.ларда Махдум Эшон жоме масжидида имом, 1950 й.дан бошлаб эса, *Мир Араб мадрасаси*да мударрис бўлиб ишлайди. 1961 й.га тегишли архив ҳужжатларида ҳам унинг номи мударрислар рўйхатида қайд этилган. 1954 й.да диний назоратда ишлагани ҳақида маълумотлар бор.

А.И. эл орасида тароқ ясаш б-н шуғулланган учун «машшот», суҳбат асносида латифаларни кўп ишлатгани учун «Афанди ҳожи» номлари б-н ҳам танилган. Йигит кишига қирқ ҳунар оз, деб билган бу инсон асалари боқишнинг ҳам устаси бўлиб, колхоз асаларисини боққан.

А.И. узоқ давом этган хасталикдан сўнг вафот этган. Жаноза *намоз*ини муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ўқиган. Намангандаги Отбозори (ҳоз. Мангулик) қабристонига дафн этилган.

Ад.: *ЎзР МДА* – 500, в–48; *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015. 152–153.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
Иродахон Қаюмова

АБДУЛҚОДИР АНДИЖОНИЙ
عبد القادر الأنديجانى
(1912, Андижон – 1995, Мадина)
Қуръон ҳофизи

Гўзал *қироат*и б-н танилган Муҳаммад Қодир Холмирза Андижоний бошланғич таълимни Андижонда олган. Ёшлигида Афғонистонга кўчиб ўтиб, ўша ерда истиқомат қилиб қолади.

Кейинчалик *умра* сафари б-н Маккада бўлиб, сўнг Мадинага боради. У ерда *қироат* илми б-н бирга *фиқҳ*, *усул ал-фиқҳ* ва турли диний илмларни ҳам ўзлаштиради. Устози Шайх Зиёуддиндан Қуръони каримни Ҳафс ривоятига асосланган Осим *қироат*и асосида ёд олади. Сўнг *«Шāтибиййа»* асари матнини мукаммал ёд олиб, *Шотибий йўналиши* бўйича *етти хил қироат*дан *ижоза* олади. У, шунингдек, устози Шайх Ҳасандан *«Шāтибиййа»* ва *«Дурра»* йўллари орқали *ўн қироат*ни ўзлаштиради. Ҳар йили ёз фаслида Тоиф шаҳрига бориб Шайх Бинямин Соъотий Андижонийдан ҳадис илми бўйича *«Саҳīҳ ал-Бухāрī»*ни тўлиқ ўқиб ўрганади.

А.А. саксон олти ёшда вафот этади. *Бақиъ қабристони*га дафн қилинган.

Ас.: *«Рисāла фи-т-тавҳīд»*, *«Итҳāф ал-фузалā мухтасар манāр ал-ҳудā фī байāн ал-вақф ва-л-ибтидā»*.

Ад.: https://azon.uz/content/views/uzbek-qorilari-tarihi. http://www.quran.uz/qiroat/qorilar-tarixi/; https://muslimun.uz/abdul-odir-andizhonij/.

Маъмуржон Абидов

АБДУЛҚОДИР АЛ-БАҒДОДИЙ
عبد القادر البغدادى
(қ. ал-БАҒДОДИЙ, Абдулқодир)

АБДУЛҚОДИР АЛ-БАДОУНИЙ
عبد القادر البداونى
(қ. ал-БАДОУНИЙ, Абдулқодир)

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ
عبد القادر بيدل
(қ. БЕДИЛ, Мирзо Абдулқодир)

АБДУЛҚОДИР АД-ДЕҲЛАВИЙ
عبد القادر الدهلوى

(қ. ад-ДЕҲЛАВИЙ, Абдулқодир ибн Аҳмад)

АБДУЛҚОДИР ЖИЙЛОНИЙ
عبد القادر جيلاني

(қ. ЖИЙЛОНИЙ, Абдулқодир)

АБДУЛҚОДИР ИБН МУҲАММАД АЛ-ФАЙЮМИЙ
عبد القادر بن محمد الفيّومى

Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Файюмий (?, Миср – 1022/1613, Қоҳира)

Шофеъий фақиҳи, математик ва астроном

Ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар учрамайди. Мисрнинг Файюм ш.да таваллуд топган. Даставвал, қоҳиралик олим Шамсуддин ар-Рамлийдан *шофеъий мазҳаби фиққ*идан таълим олган. Кейинчалик Шаҳобуддин Аҳмад ибн Аҳмад ас-Сунбатий, Абу-н-Нажо Салим ас-Санҳурий ва Солиҳ ибн Аҳмад ал-Булқиний каби уламолардан дарс олади. Саййид Шариф ат-Таҳҳондан математика фанини ўрганади. У ҳадис, *фиққ*, *фароиз* ҳамда математика, астрономия, илми мийқот каби илмларда олимлик даражасига етган. Шунингдек, мусиқа б-н ҳам шуғулланган. Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Файюмийнинг *тасаввуф*га ҳам алоқаси бўлган. Солиҳ ибн Аҳмад ал-Булқинийдан *қутб* ким экани сўралганда, у «*қутб*ни кўришни истаган Абдулқодирга боқсин» деб айтган. А.и.М.ал-Ф.нинг ўғли Абдулбар ўз даврининг буюк адибларидан бири ҳисобланади.

А.и.М.ал-Ф. ўз *фатво*лари б-н халқни тўғриликка бошлаган, шу б-н бир қаторда *фиққ*, *тасаввуф*, араб адабиёти, астрономия, математикага оид турли соҳаларда кўп сонли асарлар ёзиб қолдирган ҳамда кўплаб шогирдлар етиштирган.

Ас.: *«Жадāвил махлӯл матāлиъ ал-фалакиййа»*, *«Жадāвил ихтилāф манзар ал-қамар»*, *«Назм ал-жавāҳир ва-л-йавāқӯт»*, *«Шарҳ муршида ат-тāлиб»*, *«Ал-Мақāмāт ал-бадиъиййа фӣ васф жамāл ал-маъāлим ал-Маккиййа»*, *«Рафъ ал-хилāф»*, *«Шарҳ нузҳа ан-нуззāр»*. Манбаларда шунингдек, А.и.М.ал-Ф.нинг *«Шарҳ ал-минҳāж»*, *«Ар-Равз ал-муҳаззаб»*, *«Шарҳ ал-манзӯма ар-раҳабиййа»* номли асарлари, Ибн ал-Ҳоимнинг алгебрага оид *«Ал-Муқниъ»* номли китобига ёзган шарҳи борлиги зикр қилинган.

Ад.: Ал-Муҳиббий. *Хулāса ал-асар.* II, 291–298, 456–457; Suter. *Die Mathematiker.* 171, 193–194; *Ҳадиййа ал-ъāрифӣн.* I, 600; *Йзāҳ ал-макнӯн.* I, 590; II, 181, 185, 547, 638, 643; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, II, 486; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Байрут: «Дор ал-ъилм ли-л-малойин», 1979; IV, 168; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* V, 298; D. A. King. *Фиҳрис ал-махтӯтāт ал-ъилмиййа ал-маҳфӯзāт би-дāр ал-кутуб ал-Мисриййа.* – Қоҳира: 1986. II, 911; Salim Öğüt. «*Feyyûmî, Abdülkādir b. Muhammed*». *TDV İA.* – İstanbul: 1995. XII, 515–516.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУЛҚОДИР МУРОДИЙ
عبد القادر مرادي

(1893 – Тошкент – ?)

Арабшунос, хаттот, Қуръон ва ҳадис илмларини чуқур билган илоҳиётшунос

Бошланғич мактабни тугатгач, ўз амакиси машҳур хаттот Шомурод котибдан ҳуснихат, форс тили ва адабиётидан сабоқ олган. 1907 й.дан 1917 й.гача *Абу-л-Қосим мадрасаси*да илм таҳсил қилган. *Тафсир*, ҳадис, *фиққ* имларини ўрганган. Кейин суриялик адиб ва олим Муҳаммад ибн Саъид ал-Асалийдан араб адабиёти, фасоҳат ва *балоғат* бўйича билимларини такомиллаштирган. Хаттот сифатида ўнга яқин арабий хат турларини мукаммал билган.

1917 й.дан кейин А.М. ўқитувчилар тайёрлов курсини тугатиб, ўқитувчилик қилган. 1926 й.дан Ўзбекистон Давлат нашриётида хаттотлик (каллиграфия) ишлари б-н шуғулланган. 1930 й.дан

1940 й.ларгача кутубхона мудири бўлиб, 1940 й.дан 1942 й.нинг апр.гача Навоий комитетида илмий ходим бўлиб ишлаган. 1942 й. 15 майда Иккинчи жаҳон урушига жўнаган. 1944 й. урушдан қайтиб, ЎзР ФА Шарқшунослик ин-тида илмий ходим бўлиб ишлаган. А.М. бу даргоҳда замонлар ўтиши б-н баъзи ерлари йиртилган, бошидан ёки охиридан варақлари тушиб қолган, нуқсонли бўлиб қолган илоҳиёт, адабиёт, тарих илмларига доир нодир қўлёзмаларни бошқа нусхаларига таққослаб тузатиш ишлари б-н шуғулланган. Асосий фонддаги Ислом тарихи, адабиёти, *ақоид* ва *фиқҳ* илмларига доир қўлёзма китоблардан 2 минг жилд (ҳар жилдда бир нечтадан китоб бор) қўлёзмага муаллифлар каталоги тузган.

Бундан ташқари, А.М. таржимонлик фаолияти б-н ҳам муттасил шуғулланган. Ибн Синонинг «*Тиб қонунлари*» асарининг 1,2,3-жилдлари таржимасида иштирок этган. Машҳур олим ва сайёҳ Ёқут ал-Ҳамавий қаламига мансуб *«Муъжам ал-булдан»* асаридан Ўрта Осиёнинг Ислом цивилизацияси тарихида тутган ўрни, ўзига хос географияси, бу заминдан етишган *муфассир*лар, *муҳаддис*лар, *фақиҳ*лар ҳақида қимматли маълумотларни берувчи қисмларини ўзбек тилига таржима қилган.

А.М. хаттот сифатида ҳам ўлмас мерос қолдирди. 15-а.да Султон Ҳусайн Бойқаро саройида Абдулжамил котиб ва Султон Али Машҳадий каби машҳур хаттотлар буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларини, жумладан, миллий адабиётимизнинг шоҳ асари «*Хамса*»-ни кўчирганлар. Настаълиқ хатида кўчирилган ана шу нодир манбанинг бир қанча тушиб қолган варақларини А.М. бошқа қўлёзмалар б-н таққослаб, қайта тиклаган. Унинг хати ўша машҳур хаттотлар ёзувидан ҳеч бир жиҳатдан қолишмайди ва ўша саҳифаларни кўрган одам матннинг қайта тикланган жойларини қадимги нусхадан деярли фарқлай олмайди. Шу боис илм аҳли уни «замонамизнинг Мир Али котиби, Султон Али Машҳадийси», дея эътироф этган.

А.М. Самарқанддаги нодир ёдгорликлар – *Гўри Амир*нинг ички ва *Улуғбек мадрасаси*нинг ташқи пештоқига ёзилган битикларни аслиятга монанд тарзда тиклаган. Жумладан, *Гўри Амир мақбараси* гумбазининг ички пештоқига битилган Қуръони карим оятлари ва ҳадислар матнини ўқиб, қирқ метр чамаси матнни ислоҳ қилиб, қайта тиклаган.

А.М. кўп йиллик изланишлари натижасида «*Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан*» монографиясини ёзган.



Куфий хатида ёзилган битиклар.

Бухоро: Ўзбекистон обидаларидаги битиклар, Тошкент, «UZBEKISTAN TODAY», 2016. 1-қисм. Б. 145

Биргина шу монографияни яратиш учун олим Ислом хаттотлик санъатига доир 350 дан ортиқ қўлёзма манбалардаги маълумотларни ўрганиб чиқиб, ўзаро қиёслаган, таҳлил ва тадқиқ қилган. Улар орасида Султон Али Машҳадийнинг *«Рисола дар баёни ҳуснихат»*, Ҳабибнинг *«Хат ва хаттотон»*, Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг *«Тазкират ул-хаттотон»*, Дарвеш Муҳаммад Бухорийнинг *«Фавойид ул-хутут»*, Исҳоқхон Ибратнинг *«Жомеъ ул-хутут»*, Муҳаммад Хафиднинг *«Дурр ал-мунтахабāт»*, Муҳаммад ибн Ҳасан ат-Тибийнинг *«Жомеъ маҳāсин китāбат ал-куттāб»*, Дарвеш Муҳаммад ибн Дўст Муҳаммад Бухорийнинг *«Фавойид ул-хутут»*, Шарифжон Махдумнинг *«Рисолаи хаттотон»*, Файзуллоҳнинг *«Ҳолоти хаттотон»*, Идрис Махдум Рожийнинг *«Рисолаи хушнависон»* асарлари борлиги бу ҳақда муайян тасаввур беради.

«Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» асари минтақамиз хаттотлиги тарихига оид беназир манбадир. Муаллифнинг ёзишича, 15-а.ларда Самарқанд, Бухоро ш.лари ўша замоннинг қоғоз саноатида йирик марказлари бўлган. Бу шаҳарларда икки хил қоғоз ишлаб чиқарилган: биринчиси, фақат ипак лослардан (ҳеч қандай пахта толаси қўшилмай) тайёрланган бўлиб, пишиқ, жуда чиройли, яхши оҳор берилган, тоза ва силлиқликда тенгсиз қоғоз. Уни киши қўлга олганда Европанинг янги кредит билетларини ушлагандек туюлган. Буни «қоғози абрешимий» деб аталган. Иккинчиси, ярим ипакли бўлиб, ипак ва каноп толасининг тахминан эллик фоиз аралашмасидан тайёрланган. Бу қоғоз пишиқ, салмоқли ҳамда яхши оҳорли бўлиб, «қоғози нимкатоний» дейилган. Китоб ясалганида қоғоз устаси (*қоғозрез*) иши битгач, *хаттот* матнни кўчиришга киришган. Хаттот қўлёзмани батамом кўчириб бўлгач, қўлёзма *лаввоҳ* қўлига ўтган. Санъаткор *лаввоҳ* матнни рангдор чизиқли жадвал ичига, ҳошияни эса, одатда, қизил ёки ҳаворанг чизиқ ичига олган. Баъзан оддий найдан ясалган махсус асбоб воситасида қўлёзмаларнинг сатрлари орасига зарҳал, сурх ёки ложуварддан афшон берилган. *Лаввоҳ*нинг иши битгач, қўлёзма расмлар б-н безалиши учун миниатюрачи қўлига ўтган. Кейин эса, *саҳҳоф* (муқовасоз) чармдан бўрттирма нақшлар б-н зийнатланган жилд ишлаган.

А.М. араб хатининг маъқалий, куфий, муҳаққақ, сулс, тавқиъ, риқоъ, райҳоний, насх, таълиқ сингари турлари нима учун шундай номлангани масаласини далиллар б-н ёритган. Жумладан, куфий хати Куфа ш.ида ижод этилгани учун шундай номланган. Бу хат тури яратилгач, Хияра, Шом, Макка ва Мадинанинг улуғ кишилари Куфада йиғилган. Илм-фанда юқори босқичга қадам қўйганлари каби исломий хат ва китобатда ҳам тараққийга эришган. Асарда берилган 9–10-а.ларда илк хаттотлардан Иброҳим Сикизий, Юсуф ас-Сижистоний, Ибн Баввоб томонидан ихтиро қилинган 36 хат санъатлари ҳақидаги маълумот ҳам аҳамиятлидир. Асарда меъморлик, тасвирий санъат ва бадиий ижодда ҳуснихатнинг ўрни ҳақида эътиборга молик қарашлар ўз ифодасини топган. Ўрта Осиё ҳудудида Ҳирот, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент хаттотлик мактабларининг юзага келиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ислом ёзув маданияти ривожида тутган ўрни, мазкур хаттотлик мактабларида фаолият кўрсатган 300 дан ортиқ хаттотлар ҳақида ноёб маълумотлар берилган.

А.М.нинг ёзишича, Ўрта Осиёда хаттотлик, айниқса, темурийлар даврида ривожланган. Ҳатто темурий ҳукмдорларнинг ҳам айримлари хаттотлик бобида устод даражасига кўтарилган. Жумладан, Амир Темурнинг набираси Бойсунқур Мирзо сулс хатини ёзишда тенгсиз бўлган. Унинг кутубхонасида қирқ нафар машҳур

хаттотлар туну кун китобат б-н шуғулланган. Хаттотлик, зарафшонлик, олтин ҳаллаш, нақш, лавҳа, расм, миниатюра ва б. бадиий санъатлар ишлаш Бойсунқур Мирзо даврида ривож топган. Султон буйруғи б-н кўчирилган китоблардан *«Ал-Фараж баъд аш-шидда»*нинг таржимаси ва *«Нузҳа ал-арвāҳ»* асари хатининг мукаммаллиги баробарида, Ислом маърифатининг нодир намунаси экани жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир.

«Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» монографияси Ўрта Осиё мисолида Ислом хаттотлик санъати тарихи ҳақида ҳар томонлама илмий маълумотларни жамлаган нодир асарлардандир. Мазкур монография 1971 й. «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган.

А.М. хаттот сифатида Ҳофиз, Муқимий, Камол Хўжандий каби мумтоз шоирлар «Девон»ларини, Абдурраҳмон Жомийнинг мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган *«Ал-Фавāид аз-зийāиййа»* (1915 й., инв. рақам 7513), Навоийнинг *«Мезон ул-авзон»* (1947 й.), *«Муҳокамат ул-луғатайн»* (1948 й.), *«Мажолис ун-нафоис»* (1961 й.), Умар Хайёмнинг *«Рубоиёт»* (1958), Фитратнинг *«Чин севиш»* (1919 й. инв. рақам 12834), *«Битим йўллари»* (1919 й. инв. рақам 15404), *«Шарқ сиёсати»* (1919 й. инв. рақам 15136) асарларини, Ғафур Ғуломнинг шеърлар тўпламини, булардан ташқари, 20 га яқин нодир қўлёзма асарларни настаълиқ хатида мукаммал кўчириб чиққан. Фурқатнинг Шарқшунослик ин-тидаги турли баёзларда сақланаётган шеърларини яхлит тўпламга жамлаб (инв. рақам 11517), чиройли хатда китобат қилган.

Ад.: Қ. Мунировв. *Моҳир хаттот.*//Шарқшунослик. 1995. 6-сон, 153–156; А. Ирисов. *Тошкентда арабшунослик.* – Т.: 1964.

Нурбой Жабборов

АБДУЛҚОДИР АЛ-ҚУРАШИЙ
عبد القادر القرشي

(қ. ал-ҚУРАШИЙ)

АБДУЛҚОҲИР АЛ-БАҒДОДИЙ
عبد القاهر البغدادى

Абу Мансур Абдулқоҳир ибн Тоҳир ибн Муҳаммад ат-Тамимий ал-Бағдодий (?, Бағдод – 429/1037, Исфаройин)

Шофеъий фақиҳи, математик

Таваллуд санаси маълум эмас. Аммо 365/975 й.да вафот этган Абу Бакр ибн Адийдан таълим олгани ҳақидаги маълумотларга кўра, 350/961 й.ларда туғилганини тахмин қилса бўлади. Абдулқоҳир ал-Бағдодий илк сабоқларини Бағдод *фақиҳ*ларидан бири бўлган отасидан олган. Таҳсилининг катта қисмини Бағдодда Амр ибн Саъид, Муҳаммад ибн Жаъфар, Абу Бакр ал-Исмоилий ва Абу Бакр ибн Адий каби олимлардан олади. Кейинчалик отаси б-н Нишопурга кўчиб, илмини ўша ерда давом эттириш б-н бирга мударрислик ҳам қилган. У ерда А.ал-Б. б-н шахсан учрашганини қайд этган Ибн Фурак б-н кўришади. Кўп ўтмай, отаси вафот этади (383/993 й.). Туркман исёнининг чиқиши ва *салжуқийлар*нинг Нишопурни ишғол қилиши натижасида бу ерни тарк этиб, Исфаройинга кўчиб ўтади ва Абу Исҳоқ ал-Исфароийнийнинг дарсларига қатнайди. Устозининг вафотидан кейин унинг ўрнига ўтиб, Масжиди Уқайлдаги илм дарсларини давом эттиради.

А.ал-Б.нинг ўн етти илмдан дарс бергани нақл қилинган. Хусусан, *калом*, *мазҳаб*лар тарихи, *фиқҳ* ва *усул ал-фиқҳ*, адабиёт ва математикада устоз сифатида қабул қилинган. Ҳатто Фахруддин ар-Розий ҳам уни математикада устун эканлигини эътироф қилган. Абу-л-Қосим ал-Қураший ва Абу Бакр ал-Байҳақий сингари Хуросон олимларининг кўпларига устозлик қилган. Ислом илмлари тарихидаги шуҳратига кўпроқ *«Ал-Фарқ байна-л-фирақ»* ва *«Усўл ад-дўн»* номли китоблари орқали эришган. Асарларида ашъарий калом олимларининг *аҳли сунна* ақидасини очиқ услубда ва ўзига хос

тасниф этиши, айниқса, мухолифларига қарши *аҳли суннан*и изчил ҳимоя қилиши диққатга сазовордир.

Ад.: Ал-Бағдодий. *Ал-Фарқ.* – Қоҳира: 230, 277, 334, 364; Ал-Хатиб. *Тарйх Бағдад.* – Қоҳира: 1931. IX, 358; Ибн Асокир. *Табйин казиб ал-муфтарй.* – Дамашқ: 1347. 253–254; Аз-Заҳабий. *Сийар.* XVII, 572; Ибн Халликон. *Вафайат.* – Қоҳира: 1367. II, 372–373; Ас-Субкий. *Табақат аш-шафиъийа.* – Қоҳира: 1324. III, 238–242; Тошкўпризода. *Мифтах ас-саъада.* – Қоҳира: 1968. II, 325; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* I, 254, 335, 360, 398, 441, 462, 471; II, 1039, 1046, 1245, 1252, 1274, 1384, 1392, 1400, 1418, 1432, 1769, 1820, 1839, 1921, 1970; Brockelmann. *GAL.* I, 385; *Suppl.* I, 666–667; Sezgin. *GAS.* I, 589; V, 357; G. Sarton. *Introduction.* – New York: 1975. I, 706–707; A. S. Tritton. *«al-Baghdadi».* EI² (İng.). I, 909;Ethem Runi Fığlalı. *«Abdülkâhir el-Bağdâdî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 245–247.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУЛҚОҲИР АЛ-ЖУРЖОНИЙ

عبد القاهر الجرجاني

Абу Бакр Абдулқоҳир ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Журжоний (400/1009 – Журжон – 471/1078)

У Журжон (ҳоз. Эрон Ислом Республикасидаги Табаристон ва Хуросон ш.лари орасидаги водийда жойлашган) ш.ида дунёга келган ва шу ерда вафот этган. Абдулқоҳир ал-Журжоний грамматика, риторика, стилистика, *балоғат* илми, *фиқҳ*, адабиёт ва б. илмларни яхши билган. Миллати форс бўлишига қарамасдан, у араб ва туркий тилларни ўз она тилидек мукаммал эгаллаган. Журжон ш.идаги машҳур олимларнинг қўлида таҳсил олган. Рай ш.ининг бош қозиси Али ибн Абдулазиз ал-Журжонийдан адабиёт сирларини ўрганган. Абу Али ал-Форисийнинг жияни ва шогирди бўлган Абул-Ҳусайн ал-Форисий ибн ухт Абу Али ал-Форисийдан *наҳв* илмини ўрганган.

А.ал-Ж. Журжон ш.идан бошқа шаҳарга сафар қилмаган. Абдурраҳмон ас-Суютий «*Китаб буғйа ал-вуъат*» китобида шундай ёзган: «Абдулқоҳир ибн Абдурраҳмон ал-Журжоний – «машҳур *наҳв*чи Имом Абу Бакр» исми б-н танилиб, *наҳв* илмини Ибн ал-Форсийдан ўрганган ва ундан бошқа ҳеч кимдан таҳсил олмаган, чунки у ўз юртидан бошқа жойга чиқмаган».

А.ал-Ж. *фиқҳда шофеъий мазҳаби*да, *каломда* эса *ашъарий мазҳаби*да бўлган. Ас-Силафий шундай ривоят қилади: «У художўй, иймон-эътиқодли эди. Бир куни у *намоз* ўқиётганида уни олдига ўғри кириб бор-йўғини ўғирлаб кетди, лекин буни кўрган Абдулқоҳир *намоз*ни бузмади».

А.ал-Ж.нинг бир қанча машҳур шогирдлари бўлган. Али ибн Зайд ал-Фасиҳий А.ал-Ж.нинг *наҳв* илмида энг қобилиятли шогирди бўлиб, «Ал-Фасиҳий» тахаллусини фасоҳат илмининг билимдони бўлгани учун олган. Абу Закариё ат-Табризий (ҳиж. 421–502 йй.), Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шажарий, ал-Имом Абу Амир ал-Фазл ибн Исмоил ат-Тамимий ал-Журжоний кабилар ҳам А.ал-Ж.нинг шогирдларидан ҳисобланган.

Ас.: *«Ал-Авамил ал-миа»*, *«Ал-Жумал»*, *«Китаб ат-татимма фи-л-жумла»*, *«Ал-Умда фи-т-тасрйф»*, *«Асрар ал-балаға фи-л-маъани ва-л-байан»*, *«Далаил ал-иъжаз ва асрар ал-балаға»*, *«Ал-Мифтах»* – ушбу асарида *шофеъий мазҳаби* бўйича *фиқҳий* масалаларни мукаммал ишлаб чиққан. *«Китаб шарҳ ал-Фатиҳа»*, *«Китаб иъжаз ал-Қуръан ас-сағйр»*, *«Китаб иъжаз ал-Қуръан ал-кабйр»*, *«Китаб ар-рисала аш-шафиъийа»*, *«Дарж ад-дурар»*.

А.ал-Ж.нинг бешта асари устози Абу Али ал-Форисийнинг *«Ал-Йзаҳ»* асари асосида ёзилган. *«Ал-Муғнй»* асари *«Ал-Йзаҳ»*га ёзилган шарҳ бўлиб, 30 жилддан иборатдир. *«Ал-Муқтасид»*. Мазкур асар ҳам *«Ал-Йзаҳ»*нинг мухтасар шаклда ёзилган шарҳидир. *«Ал-Йжаз»* – *«Ал-Йзаҳ»* асарининг қисқартирилган кўринишидир. Асарнинг қўлёзма нусхаси Британия музейида сақланмоқда. *«Ат-Такаллума»* асарида *«Ал-Йзаҳ»* асари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ёзилган. *«Ат-Талхйс»* асари *«Ал-Йзаҳ»* асари

асосида ёзилган. У *«Ал-Жумал»* асарига ёзилган шарҳдир. *«Ал-Китоб фи-л-ъарўз»*. *«Ал-Мухтор»*. *«Ат-Тазкира»*. *«Ал-Масоил ал-мушкила»*.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. 13, 4, 687; Ад-Доктор ал-Бадравий Заҳрон. *Ал-Авомил ал-миа ан-наҳвиййа фй усўл ъилм ал-ъарабиййа.* – Қоҳира: «Дор ал-маъориф», 1983. 50; Ас-Суютий. *Китоб буғйа ал-вуъот фй табақот ал-луғавиййа ва-ниҳо.* – Қоҳира: 1908. 20, 22–29, 463; К. Броккелман. *Тарйх ал-адаб ал-ъарабй.* – Миср: «Дор ал-маъориф», 1975. V, 209.

Малика Носирова

АБДУЛҒАНИ АБДУЛЛАЕВ

عبد الغنى عبد الله

(28.04.1928, Фарғона вилояти – 19.02.1999, Тошкент)

Дин арбоби, уламо



Абдулғани Абдуллаев (Шайх Абдулғаний Абдуллоҳ) Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани Олтиариқ қишлоғида таваллуд топган. 1945–1950 й.ларда *Мир Араб мадрасаси*да таҳсил олган. А.А. 1954–1957 й.ларда *Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати*да турли вазифаларда ишлай бошлайди. 1957–1961 й.ларда диний идора раҳбариятининг тавсияси б-н Мисрнинг ал-Азҳар ун-тида таълим олиб қайтади. Тинимсиз меҳнати ва ўткир заковати туфайли араб, форс, инглиз, турк тилларини ўрганади ва барча жаҳон динларининг етук билимдони бўлиб етишади.

А.А. 1961–1965 й.ларда *Мир Араб мадрасаси*да талабаларга *тафсир, ақоид, фиқҳ* фанларидан дарс беради. 1965 й. А.А. *Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати*га масъул котиб этиб тайинланади.

1948 й.да тўхтаб қолган идора журнали «Совет Шарқи мусулмонлари» номи б-н 1967 й. қайтадан нашр этила бошлади. А.А. ушбу журналнинг бош муҳаррири этиб тайинланади. У бош муҳаррир вазифасида 1975 й.га қадар ишлайди. 1975–1989 й.ларда диний назорат раиси ўринбосари, 1989–1992 й.ларда Тошкент вилояти бош имом-хатиби вазифасида фаолият олиб боради.

1992 й.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилгач, А.А. унинг биринчи раислигига тайинланади ва бу лавозимда 1995 й.га қадар меҳнат қилади. Бу йилларда Ўзбекистондаги турли дин вакиллари ўртасида биродарлик ришталарининг мустаҳкамланиши, уларнинг умуминсоний манфаатлар йўлида бирдамликда ҳаракат қилишларида хизматлари катта бўлди. 1995 й.да *Ўзбекистон мусулмонлари идораси* ҳузурида Халқаро ислом тадқиқот маркази очилди ва ушбу марказнинг биринчи директори бўлиб А.А. тайинланди. 1997–1999 й.ларда эса *Ўзбекистон мусулмонлари идораси* раиси ўринбосари бўлиб ишлади.

А.А. ўз ижодий фаолияти давомида Имом ал-Бухорийнинг *«Ал-Жомиъ ас-саҳйҳ»* асарининг биринчи жилдини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Кўплаб йирик халқаро анжуманларда ўзининг илмий маърузалари б-н қатнашган, мақолалари деярли барча мусулмон давлатларида чоп этилган. У диний илмлар тараққиёти йўлидаги хизматлари учун ал-Азҳар ун-тининг «Буюк хизматлари учун» мукофоти б-н тақдирланган. У ўзининг чуқур билими б-н олимлар орасида «тирик қомус» номини олган.

Ад.: *Замонамиз уламолари.* – Т.: 2001. 72; *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015. 108-109; *ЎзР МДА* – 500, в–59.

Нурислом Тўхлиев

АБДУЛҒАНИЙ АЛ-АЗДИЙ
عبد الغني الأزدي
(332/943 – Қоҳира – 409/1018)
Абу Муҳаммад Абдулғаний
ибн Саъид ал-Аздий ал-Мисрий
Муҳаддис

Тўлиқ исми Абдулғаний ибн Саъид ибн Али ал-Аздий бўлиб, Абу Муҳаммад куняси б-н машҳур бўлган. Катта устози Усмон ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳисобланади. Шуниндек, Абу Бакр ал-Маёнажий ва Имом ад-Дорақутний каби алломалардан ҳам ҳадис ўрганган. Ҳадис илмини мукаммал эгаллаш мақсадида турли ўлкаларга сафар қилади. Узоқ давом этган сафарларидан сўнг Мисрга қайтади ва замонасининг пешво ҳадис ҳофизлари қаторидан жой олади.

Барча уламолар А.ал-А.нинг *сиқалигини* қабул қилишган. Шу б-н бирга, у насабшунос олим ҳам бўлган. Ундан Абу Абдуллоҳ ал-Қузоий, Абдурраҳим Аҳмад ибн ал-Бухорий ва Абу Али ал-Аҳвозий сингари алломалар ҳадис ривоят қилганлар. Ибн Абдулбар ҳам ундан *ижозат* усулида ҳадис ўрганган.

Ас: *«Ал-Муъталиф ва-л-мухталиф фӣ асмā ар-ижāл»*. Исм, лақаб ва нисбатларининг ёзилиши бир хил, ўқилиши ҳар хил бўлган *ровий*лар ҳақида ёзилган ушбу асарнинг бошқача шакллари ҳам бор.

«Муштабиҳ ан-нисба». *«Иштибāҳ ан-нисба»* ва *«Ал-Муштабиҳ фи-н-нисба»* деб ҳам номланган, ёзилиши бир хил, ўқилиши ва нисбатининг маънолари турлича бўлган *ровий*лар ҳақидаги ушбу асарнинг бир қанча қўлёзма нусхалари мавжуд. Асар *«Ал-Муъталиф ва-л-мухталиф»* асари б-н бир жилдда нашр қилинган.

«Китāб ал-ғавāмиз ва-л-мубҳамāт». Мазкур асарда ҳадис *санад*и ва матнларида «ражулун, ибну фулон ёки бинту фулон», деб исмлари мавҳум тарзда келган *ровий*лар суриштирилиб, уларнинг кимлигини аниқлашга ҳаракат қилинган.

«Йзāҳ ал-ишкāл фи-р-рувāт». Юқорида номлари зикр қилинган асарлар сингари бу асар ҳам ҳадис *ровий*ларининг исмлари ҳақида. Асарнинг икки нусхаси мавжуд бўлиб, бири Ҳайдаробод Ософийя кутубхонасида, иккинчиси Ҳайдаробод Саъидийя кутубхонасида сақланади.

«Кашф ал-авҳāм». А.ал-А. мазкур асарида ал-Ҳаким ан-Найсобурийнинг *«Ал-Мадхал»* номли китобида йўл қўйган баъзи хатоларини тузатган. У асарни тамомлагач, ал-Ҳакимга юборади. У эса, хатоларини тузатгани учун А.ал-А.га миннатдорчилик билдиради. Асарнинг қўлёзмалари Тўпқопи саройи музейи (Аҳмад III. инв. рақам 624/14) ва Бағдод авқоф (инв. рақам 2886/6) кутубхоналарида сақланади.

«Китāб ал-мутавāрӣн». Ҳажжож ибн Юсуфнинг зулмидан омон қолиш учун яшириниб олган уламолар ҳақида ёзилган асар. Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Зоҳирийя кутубхонасида сақланади (Мажмуа, инв. рақам 71/2). Ушбу рисола



Абдулғаний ал-Аздийнинг «*Ал-Муъталиф ва-л-мухталиф фӣ асмā ар-ижāл*» асари илк саҳифаси. Туркия, Кўпрулу кутубхонаси, инв. рақам 1578/1

Муҳаммад Ол Ёсин томонидан нашр қилинган.

«Ар-Рубāъиййāт фи-л-ҳадис». Қўлёзмалари Боязид давлат (Файзуллоҳ Афанди, инв. рақам 261/3) ва Бағдод авқоф (инв. рақам 2886/3) кутубхонасида сақланади.

«Ал-Фавāид ал-мунтақāт ъан аш-шуйўх ас-сиқāт». Асар қўлёзмалари ал-Азҳар (I, 576, Мажмуа, инв. рақам 305) ва Бағдод авқоф (инв. рақам 2286/4) кутубхонасида сақланади.

Ад.: Ибн Халликон. *Вафайāт*. – Байрут: 1968–72. III, 223– 224; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1955–57. III, 1047–1049; Ас-Суютий. *Ҳусн ал-муҳāзара*. – Қоҳира: 1967. I, 353; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. III, 188–189; Sezgin. *GAS*. I, 223–225; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифийн*. – Дамашқ: 1957–61. V, 273–274; Talât Koçyiğit. *«Abdülgani el-Ezdi». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 205.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУЛҒАНИЙ АН-НОБЛУСИЙ
عبد الغني النابلسي

(қ. ан-НОБЛУСИЙ, Абдулғаний ибн Исмоил)

АБДУЛҒОФИР ИБН ИСМОИЛ АН-НАЙСОБУРИЙ
عبد الغافر بن إسماعيل النيسابوري

Абу-л-Ҳасан Абдулғофир ибн Исмоил ибн Абдулғофир ибн Муҳаммад ибн Абдулғофир ибн ал-Ҳофиз Абу Абдуллоҳ ибн Шайх ал-Кабир Абу-л-Ҳусайн ал-Форисий ан-Найсобурий (451/1059 – Нишопур – 529/1135)

Шофеъий фақиҳи, муҳаддис

Ўз замонасининг имом-пешволаридан саналган Абдулғофир ибн Исмоил ан-Найсобурий фасоҳат, *балоғат*, *қироат* ва ҳадис олими, шунингдек, *фақиҳ* ва таниқли адиб ҳам бўлган.

*Муҳаддис*лар оиласига мансуб бўлиб, илк ҳадис устозлари – отаси Исмоил, ал-Қушайрийнинг қизи бўлган онаси Умматурраҳим, она тарафидан бобоси Имом ал-Қушайрий ва бувиси Фотима бинт Абу Али аз-Заҳҳоклардир. *Тафсир* ва *усул ал-фиқҳ* дарсларини тоғалари Абу Саъд Абдуллоҳ ва Абу Саъид Абдулвоҳиддан таҳсил олган. Ота томонидан бобоси Абдулғофур ибн Муҳаммад ҳам ўз даврининг пешво *муҳаддис*ларидан бўлган.

А.и.И.ан-Н. илм талабида дунё кезиб, Ғазна, Ҳиндистон, Хоразм юртларига сафар қилган. Бағдодда Абу Муҳаммад ал-Жавҳарий ва б.лардан, Нишопурда Абу Саъд ал-Канжарузий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Али ат-Табарийлардан таълим олиб, ҳадис ривоят қилиш учун *ижоза*га эришган. Бобоси Абу-л-Қосим ал-Қушайрий, Аҳмад ибн Мансур ал-Мағрибий, Аҳмад ибн Абдурраҳим ал-Исмоилий, Аҳмад ибн ал-Ҳасан ал-Азҳарий, Фазл ибн Муҳиб, Абу Наср Абдурраҳмон ибн Али ат-Тожир, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сарром, Абдулҳамид ибн Абдурраҳмон ал-Буҳайрий ва б.лардан ҳадис тинглаган.

А.и.И.ан-Н. Имом ал-Ҳарамайн Абу-л-Маъолий Абдулмалик ал-Жувайнийдан тўрт йил *фиқҳ* ва *хилоф* илмини ўрганиб, *мазҳаб* илмида пешқадамлардан бўлиб етишган. Нишопур хатиблигини бошқарган. Кўп йиллар давомида Масжиди Ақилда душанба кунлари аср *намози*дан сўнг талабаларга ҳадис ёздирган. А.и.И.ан-Н.дан Абу-л-Қосим ибн Асокир, Абу Саъд ас-Самъоний ва Абу-л-Ало ал-Ҳамадонийлар ривоят қилган бўлиб, ундан ҳадис ривоят қилган охирги шахс – Абу Саъд Абдуллоҳ ибн Умар ас-Саффордир.

Ас.: *«Китāб ал-арбаъийн»* Қирқ ҳадисни ўз ичига олган мазкур рисола Берлин кутубхонасида (инв. рақам 1463) сақланади.

«Мажмаъ ал-ғарāиб ва манбаъ аррағāиб». 527/1133 й.да ёзиб тугатилган асар, ҳадислардаги *ғариб* калималар изоҳига бағишланган. Сулаймония (Аё София, инв. рақам 4758, 304 варақ) ва Мурод Мулла (Дамадзода, инв. рақам 574) кутубхоналарида сақланади.

«Ас-Сийāқ ли-тарйх Найсāбўр». Асарда Ҳоким ан-Найсобурийнинг *«Тарйх Найсāбўр»* номли асарида берилган Нишо-



Абдулғофир ибн Исмоил ан-Найсобурийнинг *«Мажмаъ ал-ғаройиб ва манбаъ ар-рағоиб»* асари қўлёзмасидан саҳифа. Истанбул ун-ти кутубхонаси, инв. рақам 1805

пур тарихига оид маълумотлар 510/1116 й.гача кенгайтирилган. Асарга Иброҳим ибн Муҳаммад ас-Сарифиний (ваф. 641/1243 й.) томонидан *«Ал-Мунтахаб мин китоб ас-сийоқ ли-тарих Найсобур»* номи остида ёзилган хулосанинг ягона нусхаси Кўпрулу кутубхонасида (инв. рақам 1152, 145 варақ) сақланади. Ушбу нусха Ричард Нельсон Фрай (Richard N. Frye) (1965) ва Муҳаммад Козим ал-Маҳмудий томонидан нашр этилган.

«Муфҳил ли-шарҳ Саҳиҳ ал-Муслим». *«Саҳиҳ Муслим»*даги нодир калималар изоҳланган ушбу асар нусхалари топилмаган.

*«Ҳадийя ал-ъорифин»*да А.и.И.ан-Н.нинг *«Танқиҳ ал-манозир ли-ули-л-абсор ва-л-басоир»* ва *«Равза ал-фоиқин»* номли яна икки асари мавжудлиги айтилади.

Ибн Касир олим номини 551 й.да вафот этганлар орасида зикр этиб, хатога йўл қўйган.

Ад.: Ибн Халликон. *Вафайот*. – Байрут: 1968–72. III, 225; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффоз*. – Байрут-Лубнан: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1998. IV, 49; Ас-Субкий. *Табақот аш-шофиъийя ал-кубро*. 1994. VII, 172; Ибн ал-Имод. *Шазарот аз-заҳаб*. – Дамашқ-Байрут: «Дор Ибн Касир», 1986. VI, 152; Ал-Аснавий. *Табақот аш-шофиъийя*. – Риёз: 1981. II, 275–276; Ибн Касир. *Ал-Бидоя*. – Байрут: 1981. XII, 235; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифин*. – Байрут: «Дор иҳё ат-турос». V, 267; M.Yaşar Kandemir. *«Abdülgâfir el-Fârisî». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 203–204; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати*. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 52.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУЛҒАФУР ЛОРИЙ

عبد الغفور لارى

Разиййуддин Абдулғафур Лорий
(?, Лор – 912/1507, Ҳирот)
Олим ва мутасаввиф

Туғилган йили ва ҳаёти ҳақида етарли маълумот учрамайди. Манбаларда Абдурраҳмон Жомийнинг пешқадам *мурид*ларидан бўлганлиги қайд этилган. Али ибн Ҳусайн ал-Кошифий А.Л.нинг замондоши ва *мурид*ларидан бири бўлишига қарамасдан, *«Рашаҳот айн ул-ҳаёт»* асарида у ҳақида тўлиқ маълумот келтирмаган. Асарда А.Л.нинг маънавий йўли ва кароматлари ҳақида зикр қилинган. Али ибн Ҳусайн ал-Кошифий А.Л. *саҳоба* Саъд ибн Убайд авлоди экани, ўз даврида ақлий ва нақлий илмларда пешво бўлгани, Абдурраҳмон Жомийнинг аксарият асарларини ўқиб ўргангани ва Жомий *«Шарҳ фусуси-л-ҳикам»* номли китоби *муқобала*сини у б-н бирга 896/1491 й.да тамомлаганини алоҳида таъкидлаган. А.Л.нинг *«Нафаҳот ул-унс»*га алоҳида *такмила* ёзганини қайд этган ал-Кошифий, унинг буюк шахс экани ва *ваҳдат ал-вужуд* назариясидаги қарашлари устози Абдурраҳмон Жомий фикрлари б-н бир бўлганини айтиб ўтади. А.Л. вафотидан сўнг устози Абдурраҳмон Жомийнинг қабри ёнига дафн этилган.

Ас.: *«Такмилаи Нафаҳот ул-унс» («Ал-ихтисор ва-з-зайл ъало Нафаҳот ал-унс»)*; *«Мирқот ал-адвор фи-т-тарих»*, *«Таржима ал-усул ал-ъашара ва шарҳуҳ»*,

«Хавошийи Ғафурийя» каби асарларини форс тилида; *«Ҳāшийа ъалā шарҳ ал-Жāмӣ ли-л-кāфийа»* номли асарини араб тилида ёзган.

Ад.: Али ибн Ҳусайн ал-Кошифий. *Рашаҳот айн ул-ҳаёт.* – Т.: 20; Маъсум Али шоҳ. *Таройиқ ул-ҳақойиқ.* – Теҳрон: 1898–1901. III,. 48; *Ҳадийа ал-ъāрифӣн.* I, 588; Забиҳуллоҳ Сафо. *Тарихи адабиёт дар Эрон.* – Теҳрон: 1977. IV, 354, 356; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Дамашқ: 1957–61. V, 269; DIA. *«Abdülgafûr-i Lârî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 204.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУЛҒАФУР РАЗЗОҚ АЛ-БУХОРИЙ

عبد الغفور رزاق البخاري

(1950, Бухоро)

Исломшунос, тасаввуфшунос олим, хаттот



Ҳожи Абдулғофур Раззоқ ал-Бухорий дастлаб Бухоро *Мир Араб мадрасаси*ни, сўнг Тошкентдаги *Имом ал-Бухорий номидаги Ислом ин-ти*ни (1975 й.) тугатган. *Мир Араб мадрасаси*да ҳадис, *фиқҳ, тасаввуф* фанларидан сабоқ бериб келади. Шунингдек, у таниқли хаттот, халқ табобати ва мумтоз Шарқ адабиёти билимдонларидандир. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Термиз ва Қарши шаҳарларидаги кўплаб тарихий, исломий-меъморий обидалар, қабртошларни таъмирлаш ва араб (*куфий хати*) ёзувларни тиклашда қатнашган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Абдулкарим ас-Самъонийнинг *«Ал-Ансāб»* («Насабнома») асарини ҳаммуаллифликда ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Бухоро: Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. – Т.: «UZBEKISTAN TODAY», 2016. 1-қисм.

АБДУЛҲАЙ ИБН АҲМАД

عبد الحي بن أحمد

(қ. ИБН ал-ИМОД)

АБДУЛҲАЙ АЛ-ЛАКҲНАВИЙ

عبد الحي اللكهنوي

(қ. ал-ЛАКҲНАВИЙ)

АБДУЛҲАКИМ АРВОСИЙ

عبد الحكيم أرواسى

(1865, Бошқалъа – 27.11.1943, Истанбул)

Нақшбандийя-холидийя шайхи

Ҳоз. Туркиядаги Ван вилояти (Ван кўли) атрофида жойлашган Бошқалъа ш.часида туғилган. Отаси – Саййид Мустафо Афанди. Она томонидан насли Абдулқодир Жийлонийга бориб тақалади. Мўғул хонларидан Ҳулогу Бағдодни истило этганида (1258 й.) аждодлари Мосулга *ҳижрат* қилганлар, кейинроқ Урфа ва Битлисга, у ердан Мисрга кўчганлар. Бир муддат ўтиб оиланинг катта ўғли Мулла Муҳаммад Ванга қайтиб, шаҳарнинг шарқий томонида, тоғ ёнбағрида маскан барпо қилган. Мазкур жойда катта даргоҳ ва икки қаватли масжид бунёд этиб, у ерга Арвос деб ном берган. *Қодирийя тариқати*га мансуб, «Арвос саййидлари» номи б-н танилган мазкур оила сулоласи олти юз эллик йилдан буён мавжуд бўлиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда.

А.А. бошланғич ва ўрта таълимни Бошқалъада олган, кейинчалик Ироқнинг машҳур олимларидан илм ўрганади. Улардан *ижоза*га эришиб, Бошқалъага қайтади (1882 й.). Ўзига мерос қолган бойликдан бир мадраса қурдиради ва у ерда бой кутубхона барпо қилади. У мазкур мадрасада йигирма йилга яқин таълим берган. 1880 й.да *холидийя тариқати* шайхларидан Саййид Фаҳмга қўл бериб *мурид* бўлади. *Муршид*идан *нақшбандийя, кубравийя, суҳравардийя, қоди-*

рийя ва *чиштийя тариқатлари*да хилофат қилиш ҳуқуқини олади (1889 й.). А.А. нинг *тариқат* силсиласи Саййид Фаҳм, Саййид Тоҳа орқали *нақшбандийя*нинг *холидийя* тармоғининг асосчиси Мавлоно Холид ал-Бағдодийга бориб тақалади.

Биринчи жаҳон уруши бошларида руслар Бошқалъани истило этаётган ва арманлар томонидан мусулмонлар талон-торож қилинаётган даврда А.А. ҳукуматдан юз эллик кишилик оила аъзолари б-н тинч жойга кўчиш буйруғини олади. Кўчиш ниятида Бағдодга йўлга чиққан оила Ревандиз-Арбил орқали Мосулгача боради. Улар икки йилча ўша ерда қоладилар. Инглизлар Бағдодни ишғол этгач, у ерга бориш ниятидан қайтиб, олтмиш олти кишидан иборат оила Аданага кўчиб келади. Адана ҳам душман қўлига ўтиш эҳтимоли юзага келгач, Эскишаҳарга ва ниҳоят, 1919 й.да Истанбулга келади. А.А. бир муддат Вақф назоратига қарашли Айюбдаги мадрасада мусофир ҳолида яшаб, кейин Қашғарий Даргоҳи мударрислигига тайинланади (1919 й., окт.). Мадраса ал-мутахассисийнда *тасаввуф* тарихидан дарс беради. Мадраса мударрислиги б-н бирга Қашғарий масжидининг имом-хатиблиги вазифаси ҳам унга топширилади. 1930 й. дек.да Менемен воқеасига алоқадорлиги гумон қилиниб қўлга олинади, бироқ унинг бу воқеага алоқаси бўлмагани тасдиқланади. Фамилия жорий қилиш ҳақидаги қонун қабул қилингандан сўнг, Учишик фамилиясини олган. У Бейўғли Оға ва Боязид масжидларида дарс берган. А.А.нинг қабри Анқарадаги Бағлум қабристонида.

Ас.: 1. *«Робитаи Шарифа»* (Истанбул 1341 ҳиж. й.); Асарнинг иккинчи нашри 1342 й.да *«Мубтадийлар учун нақшбандийя тариқати одобини баён қилувчи мактуб»* номли илова б-н Истанбулда босилган. *Робита*нинг моҳияти ва уни амалга ошириш ҳақида маълумот берувчи ушбу асар, учинчи бор Нажиб Фозил Кисакурак томонидан соддалаштирилиб нашр қилинган (Истанбул 1981 й.). 2. *«Ар-Рийāз ат-тасаввуфиййа»* (Истанбул 1341 й.). *Тасаввуф*, унинг тарихи ва истилоҳлари ҳақида баён қилувчи мазкур асарини А.А. Мадраса ал-мутахассисийнда мударрислик қилган вақтлари ёзган. Асар Нажиб Фозил Кисакурак томонидан соддалаштирилиб *«Тасаввуф боғчалари»* (Истанбул 1983 й.) номи б-н нашр этилган. А.А.нинг мазкур икки асаридан ташқари *тасаввуфий* ва диний мавзулардаги саволларга жавоб сифатида ёзган мактублари *«Tam İlmihal – Seâdet-i Ebediyye»* номли китобдан ўрин олган.

Ад.: Ҳусайн Вассоф. *Сафина.* II, 59–60; Hüseyin Hilmi Işık. *Tam İlmihal-Seâdet-i Ebediyye.* – Истанбул: 1968. 905–910; Necip Fazıl Kısakürek. *Başbuğ Velilerden 33 – Altun Silsile.* – Истанбул: 1974. 336–351; *Menkıbelerle İslam Meşhurları Ansiklopedisi.* – Истанбул: 1983. 34–73; Nihat Azamat. «*Abdülhakim Arvâsî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 211–212.

Нихат Азамат

АБДУЛҲАКИМ АС-СИЁЛКУТИЙ

عبد الحكيم السيالكوتي

(қ. ас-СИЁЛКУТИЙ)

АБДУЛҲАЛИМ МАҲМУД

عبد الحليم محمود

(12.05.1910 – Миср – 17.10.1978)

Азҳар шайхи, мутасаввиф



Миср Республикаси Шарқийя вилоятининг Билбис ш.часига қарашли Абу Аҳмад қишлоғида туғилган. Ал-Азҳар

ун-тини битирган отаси Муҳаммад Абдуҳнинг талабаси бўлган. Илк таҳсили ва ҳофизликни қишлоғидаги маҳалла мактабида олган. 1923 й.да Қоҳирага бориб ал-Азҳар ун-тининг лицейига ўқишга киради. 1928 й.да лицейни, 1932 й.да ал-Азҳар ун-тини тамомлаган. Устози Мустафо Абдуррозиқнинг таъсирида фалсафа ва *тасаввуф*га қизиқиб қолади. Талабалик йилларида «Мусулмон ёшлар жамияти»да («Жамъийят аш-шубббон ал-муслимийн») Аҳмад Муҳаммад ал-Ғамровийнинг анжуманларига қатнашади. Ал-Азҳардаги устозлари орасида энг кўп таъсир кўрсатганлардан яна бири Муҳаммад Фарид Важдийдир.

А.М. 1932 й.да Францияга бориб фалсафа бўйича таҳсил олади. У ерда *«Ҳорис ибн Асад ал-Муҳосибий»* мавзуидаги илмий ишини ҳимоя қилиб, доктор унвонини олади (1940 й.). Франциядан қайтганидан сўнг, Қоҳирада истиқомат қилаётган Абдулвоҳид Яҳё б-н танишади. Ал-Азҳар ун-тининг араб тили ва адабиёти факультетида психология фанидан дарс берган. 1951 й.да мазкур ун-тнинг Илоҳиёт (*Усул ад-дин*) факультетида фалсафа устози, 1964 й.да декан лавозимига тайинланади. Кейинчалик ал-Азҳар ун-ти таркибидаги «Исломий тадқиқотлар академияси»га («Мажмаъ ал-буҳус ал-исламийя») аъзоси, сўнг бош котиб этиб тайинланган. «Исломий тадқиқотлар академияси» 1961 й. «ал-Азҳар университетини ривожлантириш хусусида»ги 103-рақамли қонунга асосан ташкил этилган бўлиб, ушбу академия исломий тадқиқотлар учун олий ҳайъат ҳисобланади. Унга ал-Азҳар ун-ти шайхи (ректори) раислик қилади. Академия Миср ва Ислом оламидаги 45 нафар мутахассис олимни ўз ичига олади. Уларнинг барчаларига янги вужудга келган ишларда ва янги нарсаларда ижмо б-н фатво чиқаришдаги тадқиқот ва тафтиш ишлари масъулияти топширилган.

А.М. 1970 й.да ал-Азҳар ун-ти ректорининг ёрдамчиси, бир муддат Вақф ишлари вазири вазифасини бажарган. 1973 й.нинг мартида ал-Азҳар ун-тининг 40-шайхи (ректори) бўлиб тайинланган. Юқорида зикр қилинган қонунда қайд қилинганидек, «Исломий тадқиқотлар академияси»нинг раиси ҳам ал-Азҳар ун-ти шайхи ҳисобланади. Доктор А.М.



Ал-Азҳар университети. Қоҳира

бу мансабда Доктор Маҳмуд Ҳасабуллоҳдан кейин фаолият олиб борган иккинчи шахс ҳисобланади ҳамда вафотига қадар ушбу лавозимларда фаолият олиб боради.

А.М. Илоҳиёт факультети декани лавозимида ишлаётган вақтида Қуръони каримни ёд олишни мисрлик талабаларга мажбурият сифатида жорий қилган. «Исломий тадқиқотлар академияси»даги фаолияти давомида у ерда бой кутубхонага асос солган ва исломий илмларга оид бирламчи манбалар нашрига эътибор қаратган. Вақф ишлари вазирлигидаги фаолиятида ҳофизи Қуръонлар етиштириш мақсадида мамлакат бўйлаб мингдан ортиқ махсус муассасалар ташкил этган. Шу б-н бирга, Африканинг энг қадимий масжиди ҳисобланган *Фустот масжиди*ни таъмирлатган ва Мисрда 1500 тага яқин янги масжидлар қурдирган. Ал-Азҳар ун-тининг ректори вазифасидаги фаолиятида ун-тга боғлиқ радио станциясини барпо қилиб, унда доимий равишда Қуръони карим тиловати бериб борилишини таъминлаган. Ислом оила ҳуқуқининг амалиётдаги ижросини тўхтатилишига бўлган ҳаракатларга қарши чиққан ва Ғарб маданияти қонунининг жорий қилинишини олдини олган. Ал-Азҳар ун-ти мавқеини орттириш ва ун-т ректорини бош вазир лавозимига тенглаштириш борасидаги ҳаракатларда иштирок этган. Бу унинг ўлимидан кейин қонунга киритилган ва ижроси таъминланган. Олтмишта асар ёзган А.М. *шозилийя тариқати*га мансуб бўлган. Шу боис асарларининг аксарияти *тасаввуф*га бағишланган.

Ас.: «*Al-Mohasibi, un mystique musulman religieux et moraliste*» (докторлик диссертацияси, Париж 1940 й.). Бу тадқиқот «*Устāз аш-шāъирūн ал-Ҳāрис бин Асад ал-Муҳāсибū*» номи б-н 1973 й. Қоҳирада араб тилида нашр бўлган; «*Ат-Тасаввуф ал-ислāмū*» (Қоҳира 1968 й.); «*Ат-Тавҳūд ал-хāлис ав ал-ислāм ва-л-ъақл*» (Қоҳира



Абдулҳалим Маҳмуднинг «*Далāил ан-нубувва ва муъжизāт ар-расўл*» асари. Қоҳира, 1973 й.

1974 й.); «*Фалсафа Ибн Туфайл*» (Қоҳира 1965 й.); «*Ат-Тафкūр ал-фалсафū фил-ислāм*» (Қоҳира 1968 й.); «*Аврўба вал-Ислāм*» (Қоҳира 1972 й.); «*Ар-Расўл*» (Қоҳира 1965, 1966 й.); «*Ас-Сунна фū тарūхиҳā ва фū макāнатиҳā*» (Қоҳира 1967 й.); «*Далāил ан-нубувва ва муъжизāт ар-расўл*» (Қоҳира 1973 й.); «*Абў Зарр ва-ш-шуйўъиййа*» (Қоҳира 1975 й.); «*Ал-Ислāм ва-ш-шуйўъиййа*» (Қоҳира 1975 й.).

Унинг француз тилидан ахлоқ ва фалсафа мавзуларига оид баъзи таржималари ҳамда Суфён ас-Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Зуннун ал-Мисрий, Боязид Бистомий, Бишр ал-Ҳофий, Абу Бакр аш-Шиблий ва Иброҳим ибн Адҳам каби қатор олимларнинг таржимаи ҳоллари ёритилган йигирмага яқин асарларининг барчаси нашр этилган.

Ўзининг юксак мақомига, эгаллаб турган лавозимига мағрурланмаган ҳолда Ислом ва мусулмонларга хизмат қилишни ҳаётидаги масъулият деб билган ҳолда кечирган А.М., ҳижрий 1397 й., зул-қаъда ойининг ўн бешинчиси, сешанба куни вафот этган.

Ад.: Али Абдулазим. *Машйха ал-азҳар мунзу иншаиҳа ҳаттā ал-ан.* –Қоҳира: 1979. II, 287–461; Абдулҳалим Маҳмуд. *Ҳāзиҳи ҳайāтī.* – Қоҳира: 1985; *Ал-Азҳар аш-шарйф фй ъйдиҳ ал-алфй.* – Қоҳира: 1983. 262; Hasan Kâmil Yilmaz. «*Abdülhalîm Mahmûd*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 213; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мисрдаги исломий тадқиқотлар академияси. http://fiqh.uz/fiqh-uz/fiqh-akademiya/529; http://siyrat.uz/maqola/9232; https://ar.wikipedia.org.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУЛҲАМИД ИБН УМАР АЛ-ҚАТАВОНИЙ

عبد الحميد بن عمر القطواني

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Умар ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Амр ал-Қатавоний

(?, Қатавон – 523/1129, Самарқанд)

Ровий

Абдулҳамид ибн Умар ал-Қатавоний Уструшананинг Қатавон қишлоғида таваллуд топган. Шу ерда дастлабки илмларни олади. Ал-Асқалоний *«Табсйр ал-мунтабиҳ би-таҳрйр ал-муштабиҳ»* асарида Қатавон қишлоғининг Самарқандга қарашли эканини ёзган.

А.и.У.ал-Қ. кейинчалик илм-маърифат талабида Самарқандга келади ва шу ерда муқим яшаб қолади. А.и.У.ал-Қ. ўз замонасида «Нусайр ад-дин» деган шарафли номга сазовор бўлган. А.и.У.ал-Қ. она томонидан бобоси муфтий Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қатавоний, Али ибн Аҳмад ал-Хазоий воситасида Ҳайсам ибн Кулайб ва Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Муътаз ас-Самарқандийлардан ҳадис ривоят қилган. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий А.и.У.ал-Қ.дан ҳадис илмидан таълим олган. А.и.У.ал-Қ. Самарқанддаги *Чокардиза қабристони*га дафн этилган. Ал-Асқалоний А.и.У.ал-Қ.нинг вафот санасини 513/1119 й. деб кўрсатган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. IV, 526; Ибн Ҳажар. *Табсйр ал-мунтабиҳ би-таҳрйр ал-муштабиҳ.* III, 1172; М. Атаев. *Жиззах алломалари.* – Т.: «Adib», 2014. 89.

Тузувчи Аъзамхон Абдураҳмонов

АБДУЛҲАМИД МАХДУМ ЧУСТИЙ

عبد الحميد مخدوم چستي

(1877, Чуст – 1953, Олмалиқ)



Абдулҳамид Махдум Чустий Наманган вилоятининг Чуст тумани Тепақўрғон қишлоғида таваллуд топган. Дастлаб ўз қишлоғидаги бошланғич мактабда, сўнгра Дўзанда маҳалласидаги *Қозикалон масжиди*да, ўн икки ёшдан бошлаб Қўқондаги мадрасалардан бирида таълим олган. Кейинроқ, Бухородаги *Мир Араб мадрасаси*да ўн йилга яқин таълим олиб, тегишли дарсларни ўқиб тамомлайди ва Чустда қози бўлиб иш фаолиятини бошлайди.

А.М.Ч. тўқмоқлик Олимхонтўра, тошкентлик Мулла Исохон аълам, Муҳаммад Ализода, авлиёоталик Мулла Мубашширхон Тарозий кабилар б-н ҳамнафас, маслакдош бўлган, Ватан, дин ва жамият қайғусида умр ўтказган уламолардандир. У 1914 ва 1916 й.ларда Туркистон уламолари ташаббуслари б-н нашр этилган «Ал-Ислоҳ» журналида мақолалар б-н мунтазам қатнашиб турган. Кейинчалик уламолар учраган қатағонлардан қочиб, Тожикистоннинг Душанбе ш.га боради ва ўша ерда бир неча йил яшаб қолади. Диндорликда айбланиб, 1930 ва 1937 й.ларда қамоққа олинади. Қамоқдан чиққач, Тошкентнинг Октябрь (ҳоз. Олмазор) тумани Жарариқ маҳалласига кўчиб келиб, истиқомат қилади. Диний назорат ташкил этилгач,

дўстларининг таклифи б-н шу ерга ишга киради. 1946 й. Кўкча даҳасидаги *Шайх Зайниддин масжиди*га имом-хатиб этиб тайинланади.

1947 й.да *Мир Араб мадрасаси* мудири Ҳожи Акбар Муҳиддинхонов вафот этгач, унинг ўрнига тайинланади. Мадрасанинг ўқув ишлари бўйича мудири Ғуломжон Изомий б-н биргаликда ўқув дастурлари, дарс жадваллари, ўқув режаси каби услубий ишларни йўлга қўйишда бош бўлади. 1950 й. ўз хоҳишига кўра, эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

А.М.Ч. Қуръон, ҳадис ва б. диний билимларни яхши эгаллаган эди. Сўзлари Жомий, Фузулий, Навоийдан келтирилган шеърий иқтибослар б-н музайян, баъзида ўзи тамбурни қўлга олиб, ғазалхонлик ҳам қилиб кетаверадиган очиқ кўнгил, хушсуҳбат киши бўлган. «Девона» тахаллуси б-н ғазаллар ёзган.

*Мир Араб мадрасаси*нинг 1951 й. битирувчилари орасида энг пешқадами бўлган Исҳоқ махдум Соттиев ўзининг *«Мажмуъот ул-ахлоқ»* китобида мадрасага ўқишга боргани ва у ерда устозлар А.М.Ч. ва Муҳаммадхон Махдум Ўшийдан дарс олганини ёзади. «1978 йили меҳнат таътилига чиқиб, аввал Тошкентга, кейин Душанбега самолётда бориб, Хожа Яъқуб Чархий масжидларига тушдик, – деб хотирлайди у. – Масжидда бир кеча ётиб, пайшанба куни Мавлоно Яъқуб Чархий зиёратларига чиқиб, пешин *намози*ни ўша масжидда ўқидик... Ундан кейин Хожа Яъқуб масжидларида ётиб, эртаси Абдулҳамид Маҳдум Чустий домламизнинг ўғиллари Абдулжабборхоннинг уйларида нонушта қилдик». Демак, А.М.Ч.нинг фарзандларидан баъзилари Душанбе ш.да муқим яшаб қолган. Чустдаги хонадонида ҳозирда А.М.Ч.нинг набираси истиқомат қилади. *Мир Араб мадрасаси*да таҳсил олган яна бир ўғли Темурхон Чустда тикувчилик қилиб умр кечирган.

А.М.Ч. 1952 й. номаълум сабаб б-н қамоққа олинган ва бир йил ўтиб, 1953 й.да Тошкент вилоятининг Олмалиқ туманидаги қамоқхонада оламдан ўтган.

Ад.: Орифий. *Мозийдан садолар.* 6,18; *ЎзР МДА*-500, в. 45; *ЎзР МДА*-500, в. 45; *ЎзР МДА*-500, в. 45–46; Исҳоқ Махдум Соттиев. *Хотиралар. Мажмъуот ул-ахлоқ.* (қўлёзма) 3, 96; *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015, 115–116.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
Иродахон Қаюмова

АБДУЛҲАҚ АД-ДЕҲЛАВИЙ
عبد الحق الدهلوي

(қ. ал-ДЕҲЛАВИЙ, Абдулҳақ ибн Сайфуддин)

АБДУЛҲАҚ ИБН АБДУРРАҲМОН
عبد الحق بن عبد الرحمن

(қ. ИБН ал-ХАРРОТ)

АБДУЛҲОДИЙ
عبد الهادى

(24.05.1869, Стокгольм – 1.10.1917, Барселона)

Швециялик рассом, шозилийя тариқати халифаси



Асл исми – Иоган Густав Иван Агуэли (John Gustaf (İvan) Agueli). 1917 й.дан эътиборан Европада Ислом *тасаввуф*и ва Ибн ал-Арабий таълимоти мутахассиси сифатида танилган. Мутасаввиф-мутафаккир Rene Guenon унинг ёрдамида мусулмон бўлган. Рассомчиликка қизиққани боис 1890 й.да Париж ш.га бориб, рассом Эмил Бернард (Emile

Bernard)нинг устахонасида ишлайди. Ўша пайтда у «Societe Theosophique» (Теософ жамияти)га аъзо бўлган. А. 1892 й. Marie Hout исмли шоира, файласуф ва жамиятшунос аёл б-н танишади. У орқали анархизмга мансуб бўлганлар б-н яқин мулоқотда бўлади. Полиция қидирувидаги анархизм оқимига мансуб шахсни уйида яширгани учун қамоққа олинади. Қамоқхонада араб, иброний ва малайзия тилларини ўрганади.

Озод бўлгач, 1894 й. Мисрга сафар қилиб, у ерда пейзаж жанрида ижод қила бошлайди. 1895 й.да Парижга қайтиб, Шарқ тиллари ва маданиятини тадқиқ этишга киришади. «Ecole des Lanques Orientales»да араб ва ҳинд тилларини, «Ecole Pratique des Hautes Etudes'te»да санскрит тилини ўрганади. Ибн ал-Форизнинг *тасаввуф*ий қасидаларини шарҳлаган устози Деренбург воситасида Ислом дини ва *тасаввуф*ини ўрганади. 1897 й.да Ислом динини қабул қилади. 1898 й.да Буддизм б-н қизиқа бошлайди. Ҳиндистонга сафар қилиб, у ерда тўққиз ой бўлади. 1902 й.да *«Revue Blanche»* номли журналда мақолалар чоп эттиради. *«L'Initiation»* журналида *«Ислом ҳақида қайдлар»* сарлавҳали мақолани бошлайди, бироқ тугаллай олмайди. У *тасаввуф* ва Ибн ал-Арабий мактабининг Ғарбда зиёлилар томонидан тан олинишида муҳим роль ўйнаган.

1901 й.да Enrico İnsabato исмли ёш итальян доктори б-н танишади. У б-н бирга 1902 й.да Мисрга сафар қилади. У ерда Шарқ ва Ғарбни фикран бир-бирига яқинлаштиришни ирода қилган дўстлар *«İl Commercio İtaliano»* ва *«İl Convito»* номли араб-итальян тилларида икки газета чиқарадилар. Мазкур газеталарда Ислом *тасаввуф*и б-н боғлиқ мақола ва таржималар нашр қилинади. 1907 й.да Мисрдаги ал-Азҳар ун-ти олимларидан бўлган *моликий мазҳаби фақиҳи* ва *шозилий* шайхи Абдурраҳмон Уллайш ал-Кабирга (в.1349/1930) ихлосмандлик қилиб «Абдулҳодий» исмини олади. А. Шайх Аҳмад Шариф ибн Муҳаммад ас-Санусий каби эътиборли шахслар б-н танишади. Ас-Санусий унга итальянлар б-н муносабатини тўхтатишни тавсия этади. 1909 й.да Парижга қайтади. 1910 й. охирларида танишган Rene Guenon (Абдулвоҳид Яҳё) бошқарган *«La Gnose»* журналида 1910–1912 й.лар орасида унинг Ислом *тасаввуф*и б-н боғлиқ таржима ва мақолалари чоп этилади. 1913–1914 й.ларда яна Мисрга сафар қилади. Инглизлар томонидан маълум бўлмаган сабаблар б-н Мисрдан чиқарилганидан сўнг (1915 й.) Испанияга кетади. У ерда сурат чизиш б-н машғул бўлади. А. Барселона яқинида поезд остида қолиб вафот этган.

Ад.: Paul Chacornac. *La Vie Simple de Rene Guenon.* – Париж: 1958. 43–49; Jean Robin. *Rene Guenon, Temoin de la Tradition.* – Париж: 1978. 66–68, 207–208, 211, 238; Michel Chodkiewicz. *Epitre sur l'Unicite Absolue (Awhad al-Din Balyanı).* – Paris: 1982. 17; Mustafa Tahrali. «*Abdülhâdî (John Gustaf Agueli)*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 205–206.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУМАНОФ ИБН ҚУСАЙ

عبد مناف بن قصی

Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб (тахм. 430, Макка – ?)

Пайғамбар (с.а.в.)нинг ота томонларидан учинчи боболари

Абдуманофнинг отаси – Қусай ибн Килоб, онаси – Ҳубба бинт Ҳулайлдир. Қусайнинг тўрт ўғлидан бири саналган Абдуманофнинг асл исми Муғийра бўлган. Хушсурат ва чиройли бўлганлигидан уни Қамар деб ҳам аташган. Онаси Ҳубба ўғлини Маккадаги катта бутлардан бўлган Манофга атагани учун Абдуманоф исмини олган. Жўмард бўлгани учун *қурайшийлар* унга «Файёз» лақабини берганлар. У ҳали отаси тирик вақтидаёқ катта даражаларга эришиб улгурган.

Қусай Маккaнинг идораси (Дор ан-надва бошқаруви)га аъзо бўлиш б-н бирга, *Каъба*ни муҳофаза қилиш (*сидона* ва *ҳижоба*), ҳожиларни сув ва озиқ-овқат б-н таъминлаш (*сиқоя ва рифода*), байроқдорлик (*ливо*) ва бош қўмондон (*қиёда*) вазифаларини катта ўғли Абдуддорга топширган. Унинг ўлимидан бир муддат ўтиб, аввалдан А.и.Қ.нинг бош бўлишини истаган бошқа ўғиллари юқорида айтилган вазифаларни Абдуддордан олиб, А.и.Қ.га берилишини қарор қиладилар. Бу қарор *қурайшийлар* орасида норозилик пайдо бўлишига сабаб бўлади. *Қурайш*нинг баъзи уруғи Абдуддорни, баъзилари эса А.и.Қ.ни қўллаб-қувватлайдилар. А.и.Қ.нинг «Ал-Мутаййибийн» (гўзал ифор таратувчилар) ва Абдуддорнинг «ал-Ахлоф» (қасамёд қилувчилар) деб номланган тарафдорлари ўртасида зиддият келиб чиқади. Орага тушган кишилар, *сидона* ва *ливо* вазифалари ва Дор ан-надва бошқаруви Абдуддорда қолиши, *сиқоя, рифода* ва *қиёда* вазифалари эса А.и.Қ.га берилишини таъминлаган ҳолда икки томонни яраштирадилар. Бу вазифалар А.и.Қ. зиммасида то вафот этгунига қадар қолади.

А.и.Қ. икки хотинидан олти ўғил, олти қиз фарзанд кўрган. Ўғиллари *Қурайш қабиласи*нинг қўшни давлатлар б-н тижорати борасида шартномалар тузганлар. Натижада тижорат орқасидан Маккaнинг, умуман *Қурайш қабиласи*нинг нуфуз ва иқтидори ортган.

А.и.Қ.дан кейин *қурайш*нинг бошқаруви унинг ўғилларига ўтади. *Сиқоя* ва *рифода* вазифалари ўғли Ҳошимга, *қиёда* эса Абдушамсга топширилади. Кейинчалик *сиқоя* ва *рифода* Ҳошимнинг укаси Мутталибга, ундан кейин жияни ва Пайғамбар (сав)нинг боболари Абдулмутталибга ўтган. *Каъба*нинг Ҳижр қисмидаги ёзувда А.и.Қ.нинг *Қурайш қабиласи*га Аллоҳдан қўрқишни ва қариндошлар орасида яхши муомалани давом эттиришни тавсия қилган сўзлари акс этган. Пайғамбар (с.а.в.) *қурайш*ликларни Исломга даъват этган вақтда бошқа боболари қаторида унинг исмини ҳам тилга олиб, «Эй Абдуманоф ўғиллари! Аллоҳга *иймон* келтириб, ўзларингизни қутқаринглар», деганлар (Ал-Бухорий. *Манāқиб*, 13).

Ад.: Ибн Исҳоқ. *Ас-Сūра*. – Работ: 1967. 47; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт*. – Байрут: 1968. I, 70, 74–78, 146; III, 19; Ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф*. – Қоҳира: 1960. 70–73, 112, 117, 604; Ал-Балозурий. *Ансāб ал-ашрāф*. – Қоҳира: 1959. 52–63; Ат-Табарий. *Тарūх*. – Лейден: 1879–1901. I, 1091–1092, 1098–1100; Mustafa Fayda. «*Abdümenāf b. Kusay*». *DV İA*. – İstanbul: 1988. I, 287–288.

Тузувчи Музаффар Жабборов

АБДУРАСУЛБОЙ МАДРАСАСИ

مدرسة عبد رسول باى

Хивадаги меъморий ёдгорлик

(1906)

Мадраса (30×65 м) икки ҳовлили. Ғарбий ҳовли (6,9×3,6 м)нинг икки бурчагида иккитадан чорси хона, жанубда



Абдурасулбой мадрасаси. Хива

гумбаз томли масжид, шимолда балхи гумбазли, икки эшикли хона бор. Бу ҳовлига икки томони дарчали даҳлиз орқали кирилади. Шарқий ҳовли (7,1×5,5 м) ҳам ҳужралар б-н ўралган. Даҳлиз тепасидаги кичик хоналар, талабалар яшайдиган ва б. ҳужралар балхи гумбазлар б-н ёпилган. Деворлари силлиқланган ғиштдан. Пештоқи ва данданасига яшил кошиндан безаклар ишланган.

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 37.

АБДУРРАЗЗОҚ БАХШИ
عبد الرزاق بخشي
Хаттот

Асли самарқандлик бўлган Абдурраззоқ бахши Истанбул хаттотлик мактабининг етакчиси, устоз хаттотлардан.

15-а.нинг иккинчи ярмига келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон б-н Рум ўртасида адабий ва маданий алоқалар кучаяди. Турк султонлари темурийларга эргашиб, ўз саройларида, адабий доираларда қадимги туркий-уйғур хатини оммалаштиришга катта эътибор қаратадилар. Буни юзага чиқариш ҳаракатида темурийлар мамлакатидан ўта билимли, уйғур хатини яхши билган етук бахшилар (уйғур хатида битувчи котиблар) чақиртирилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, «шоҳ мактубларини турк хати (яъни, уйғур хати) б-н ёзувчи котиб»ни илимға деганлар.

Юсуф Хос Ҳожиб «котиб» маъносида битигчи атамасини ишлатган. Ушбу атама «*Қутадғу билиг*»да илимға сўзи б-н бирга жуфт ҳолда битигчи илимға деб ҳам қўлланган. Бунда у «хат ёзувчи котиб» деган маънони англатади.

Ўтмишда «котиб» маъносида бахши сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўз ёзма манбаларда бақши-бахши вариантларида келади. Ушбу атама қадимги турк буддавий ва моний диний жамоаларида «устоз, мураббий, муаллим» маъноларида ишлатилган.

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу атама кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Мас., 14–15 а.ларда Олтин Ўрда, Чиғатой хонлари замонида туркий-уйғур хатида битувчи котибларни бахши дейилган. Бу сўз котибнинг отига ҳам қўшиб айтилган. Туркий ёзма манбаларда ўша даврда яшаб ижод этган бахшиларнинг отлари ҳам қайд этилади. Замонасининг ана шундай етук ўқимишли хаттотларидан бири Абдурраззоқ бахши эди.

А.Б. кейинчалик турк султонининг чорловига кўра Истанбулга борган ва ўша ерда уйғур ёзувли матнларни кўчириш б-н машғул бўлган. Шунингдек, у шеърият б-н ҳам шуғулланган. Бахшининг исми-шарифи уйғур ёзувли манбаларда Шайхзода Абдулраззоқ бахши, Абду(р)раззоқ Шайхзода бахши деб берилган. Шеърларида эса отини Абдурраззоқ деб атайди.

Уйғур ёзувли нодир китоблар А.Б.нинг сўровига кўра Самарқанд, Ҳирот, Язд сингари маданий марказлардан Истанбулга олиб борилган. Мас., «*Қутадғу билиг*»нинг 1439 й. Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган нусхаси, «*Ҳибат ул-ҳақойиқ*»нинг 1444 й. Самарқандда Зайнул-обидин бахши кўчирган нусхаси Истанбулга олиб кетилгани манбалардан аён. Ҳатто «*Қутадғу билиг*» Ҳирот қўлёзмасининг охирги бетига уйғур ёзуви б-н ушбу китобнинг Ҳиротдан Тўқатга, у ердан эса А.Б. учун 879/1474 й. Истанбулга келтирилгани ёзиб қўйилган:

«*Таърихқа секиз йуз етмиш тўқузда йилан йил бу Қутадғу билиг китапни Абду(р)раззоқ Шайхзода бахши учун Истамбулда Тўқаттин Фанари ўғли Қози Али битиг йибарип келтурдилар. Муборак бўлсун, давлат келсун, меҳнат кетсун (Тарих (ҳижрий) саккиз юз етмиш тўққизда, илон йили, бу «Қутадғу билиг» китобини Абдурраззоқ Шайхзода бахши учун Фанари*

ўғли Қози Али Истанбулдан хат юбориб, Тўқатдан келтирдилар. Муборак бўлсин, давлат келсин, заҳмат кетсин».

Бахши «*Қутадғу билиг*»нинг ушбу қўлёзмасидан яна бошқа нусха кўчирганми-йўқми, маълум эмас.

А.Б. Истанбулда 1480 й. уйғур ва араб ёзувлари б-н кўчирган ўта нодир мажмуаси маълум. Қўлёзма Истанбулдаги Аё София кутубхонасида 4757-рақами б-н сақланмоқда. Мажмуага адиб Аҳмад Югнакийнинг «*Ҳибат ул-ҳақойиқ*» асари, Мавлоно Лутфий ва Саккокий шеърлари ва б. бир қанча асарлар киритилган. Ундаги «*Ҳибат ул-ҳақойиқ*» асари, Мавлоно Лутфий ва Саккокий шеърлари икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, ўқилиши тагма-таг араб ҳарфларида берилган. Муҳими, бахши ушбу мажмуани тузганда ундаги «*Ҳибат ул-ҳақойиқ*» матнини асарнинг уйғур ёзувли Самарқанд қўлёзмасидан олиб кўчирган. Англашиладики, А.Б. кўчирган асарлар, асосан, уларнинг уйғур ёзувли қўлёзмаларидан олинган. Ёзув анъанасини сақламоқ учун, шунинг б-н бирга, асарни кўпчилик ўқий олишини кўзда тутган ҳолда, ўша замон туркий матнчилигида русум бўлган усулни қўллаб, матнларини икки хил ёзувда битган.

Бахшининг сўровига кўра, Истанбулга Лутфий ва Саккокийнинг уйғур хатида битилган девонлари ёки уйғур ёзувли мажмуалари ҳам келтирилган бўлса керак. А.Б. тузган мажмуадаги шеърлар ҳозирги кунимизгача сақланмаган ўша қўлёзмалардан (девон нусхалари ё мажмуалардан) олинган, деб тахмин қилса бўлади.

Ад.: В.В. Радлов. *Кудатку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи.* – СПб: 1890. 189–190. Yusuf Has Hacib. *Kutadgu Bilig.* A. Viyana Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara: 2015. 95; O.F. Sertkaya. *İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış.* – Bochum: 1977. 21–22; Қ. Содиқов. *Уйғур ёзуви тарихи* (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Т.: 1997. 56–59; Қ. Содиқов. *Қутадғу билигнинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси.* – Т.: 2010. 5–6.

Қосимжон Содиқов

АБДУРРАЗЗОҚ АЛ-КОШОНИЙ
عبد الرزاق الكاشاني
(қ. ал-КОШОНИЙ, Абдурраззоқ)

АБДУРРАЗЗОҚ АС-САМАРҚАНДИЙ
عبد الرزاق السمرقندي

Камолуддин Абдурраззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ ас-Самарқандий (7.11.1413 – Ҳирот – 1482)

Шоир, тарихчи, сайёҳ, элчи

Ҳаётининг асосий қисми Самарқандда ўтган. Шоҳрух Мирзо саройида дипломатик ёзишмалар мудири (мунший) бўлган ва элчилар бошлиғи сифатида Ҳиндистонга (1441–44 й.) ва Гийлонга (1446–47 й.) борган. Абу-л-Қосим Бобур саройида хизмат қилган, Ҳиротда шайхлик мақомига (1463 й.) эришган. Араб тилига оид *«Рисāла Азудиййа»* китобига шарҳлар ёзган. Асосий тарихий асари *«Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн»* бўлиб, асар форс тилида ёзилган. Асарда мўғуллар салтанати тарихи, Амир Темур, Шоҳрух, Мирзо Улуғбек ва темурийлар сулоласига оид 1304–1471 й.лар воқеалари акс этган. Шунингдек, асарда Самарқанд ва Ҳирот ш.даги маданий иншоотлар, Шоҳрух Мирзо ва Улуғ-



Абдурраззоқ ас-Самарқандийнинг «*Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн*» асари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақам 17. 1б-2а варақ

бек Мирзонинг илмий-адабий фаолиятига доир маълумотлар бор.

Ад.: Абдурраззоқ Самарқандий. *Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.* – Т.: «Фан», 1969; А. Ўринбоев. *Абдурраззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси».* – Т.: 1960; Ҳ. Ҳасанов. *Сайёҳ олимлар.* – Т.: «Ўзбекистон», 1981. 161–68; Алишер Навоий. *Мажолис ун-нафоис* / МАТ. – Т.: «Фан», 1997. 37, 232.

Ҳамидулла Болтабоев

АБДУРРАЗЗОҚ АС-САНЪОНИЙ
عبد الرزاق الصنعاني

Абу Бакр Абдурраззоқ ибн Ҳаммом ибн Нофеъ ас-Санъоний ал-Ҳимярий (126/743-44, Санъо – 211/826–27, ?)

Муҳаддис

Илк таҳсилини оиласида олган. Ўн саккиз ёшларида Яманга келган Ибн Журайж б-н кўришиб, ундан ҳадис ривоят қилган. Йигирма ёшида илм талабида сафарга чиқади. Ҳижоз, Шом ва Ироқ каби илм марказларига қилган саёҳатларида Маъмар ибн Рошид, Суфён ас-Саврий, Суфён ибн Уяйна, Молик ибн Анас ва б. буюк олимлардан ҳадисдан таълим олади. Булар орасида илмидан энг кўп фойдаланган устози Маъмар ибн Рошиднинг ёнида саккиз йилга яқин бўлиб, ундан ўн битта ҳадис ёзган. *Фиқҳ* илмини эса ал-Авзоъий, Суфён ас-Саврий ва Абу Ҳанифадан ўрганган. Ундан ҳадис ривоят қилган *муҳаддис*лар орасида Яҳё ибн Маъийн, Али ибн ал-Мадиний, Исҳоқ ибн Роҳуя, Зуҳайр ибн Ҳарб, Аҳмад ибн Ҳанбал каби нуфузли шахслар ўрин олган. Устозлари Суфён ибн Уяйна ва Муътамир ибн Сулаймонлар ундан биттадан ҳадис ривоят қилганлар. А.ас-С.дан Имом ал-Бухорий 110 та, Имом Муслим эса 409 та ҳадисни ўз «*Саҳиҳ*»ларига киритганлар.

Манбаларда «Ал-Ҳофиз ал-кабир», «Аллома», «Шайхул-ислом» ва «*Муҳаддисул*-вақт» каби унвонлар б-н тилга олинган А.ас-С., барча ҳадисларни *арз* ва *самоъ* йўли б-н олгани ва ўн етти минг ҳадисни ёддан билгани таъкидланади. У ҳадисларини ёзма манбалардан ривоят қилишга аҳамият берган. Устозларидан Маъмар ибн Рошид унинг ҳадис илмидаги ўрнини мақтаган. Аббос ибн Абдулазим ал-Анбарий А.ас-С.ни ёлғончиликда айблаган бўлса-да, Шамсуддин аз-Заҳабийнинг маълум қилишича, унинг бу фикри *муҳаддис*лар томонидан қабул қилинмаган. Али (р.а.)га муҳаббат кўрсатгани ва *аҳли байт*нинг фазилатига доир ҳадислар ривоят қилгани сабабли уни *шиа*ликда айблаганлар ҳам бор. Бунинг сабабларидан бири, бир кун А.ас-С.нинг ёнида Муовия ҳақида сўз очилганда, «Абу Суфённинг ўғлидан баҳс этиб мажлисимизнинг ҳавосини булғаманг», деганига доир ривоятдир (Аз-Заҳабий. *Мизан ал-иътидал*. II, 610). Аҳмад ибн Ҳанбал устози А.ас-С.нинг ёнида бир йил қолиб, ундан кўплаб ҳадислар олганида *шиа*лигига асос бўладиган бирор важҳ-ҳолат кўрмаганини айтган. Яҳё ибн Маъийн эса А.ас-С.нинг ҳадисларини тарк этиш ёки этмаслик ҳақидаги саволга, агар у *шиа* бўлгани рост бўлса ҳам ҳадислари тарк этилмаслигини айтиб, унинг ҳадис илмидаги юқори мавқеига ишора қилган. Унинг ушбу сўзларидан равшан бўладики, А.ас-С. Али (р.а.)га қарши бўлишни ўзига айб ва қусур ҳисоблаш б-н бирга, Абу Бакр ва Умар (р.а.)ларни фазилат жиҳатидан устун кўрган. Али (р.а.) ҳам бу устунликни эътироф этган (Аз-Заҳабий. *Сийар*. IX, 574). Аз-Заҳабий унинг *шиа*ликка мойил бўлгани тўғри эмаслигини, фақатгина Али (р.а.)га муҳаббати сабабли у б-н курашганларга нисбатан жаҳли чиққанини айтиб, А.ас-С.нинг ҳадислари тарк қилинмаслигини зикр қилган.

А.ас-С. умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг хабар беришича, авваллари китобида бўлмаган баъзи ҳадислар кейинчалик унинг ўзидан ривоят этилган. Бу ҳолатга эътибор қаратган Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом ан-Насоий ва Ибн Салоҳ каби олимлар, кўз нурини йўқотганидан сўнг А.ас-С.

дан эшитилган ривоятларда эҳтиёткор бўлишликка ишора қилганлар.

А.ас-С.нинг кўплаб асарлар ёзгани зикр қилинган бўлса-да, улардан бизгача етиб келганлари қуйидагилардир:

«Ал-Мусаннаф фи-л-ҳадис». *Фиқҳ* бобларига кўра тартиб берилган мўътабар ҳадис куллиёти ҳисобланган ушбу асар, Маъмар ибн Рошидга нисбат берилган *«Китоб ал-жомиъ»* б-н тугаган. *Марфуъ* ҳадисларни, яъни *мавқуф* ва *мақтуъ* хабарларни ўз ичига олган асарда 21033 та ҳадис ўрин олган бўлиб, уларнинг бир қисми қаттиқ танқидларга учраган.

«Ат-Тафсир». «Китоб ас-салот». «Ал-Амолӣ фӣ осор ас-саҳоба».

«Ас-Саҳӣфа». Ушбу асар Маъмар ибн Рошид, аз-Зуҳрий, Саъид ибн Мусайяб, Абу Ҳурайра *тарийқи* б-н ривоят этган ҳадисларни ўз ичига олган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақот.* – Байрут: 1388/1968. V, 548; Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир.* – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53; Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист.* – Байрут: 1398/1978. 318; Ибн Халликон. *Вафайот.* – Байрут: 1968–72. III, 216–217; Ибн Ҳажар. *Таҳзиб ат-таҳзиб.* VI, 310–315; Аз-Заҳабий. *Сийар.* IX, 563–580; ўша муал. *Мизон ал-иътидол.* – Қоҳира: 1382/1963, – Байрут: «Дор ал-фикр». II, 609–614; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффоз.* – Ҳайдаробод: 1375–76/1955–58, – Байрут: «Дор иҳё ат-турос». I, 364; Ибн ал-Имод. *Шазарот аз-заҳаб.* – Қоҳира: 1350–51. II, 27; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун.* I, 576; II, 1712; Sezgin. *GAS.* I, 89–90, 99; Ebû Abdurrahman b. Akîl. *«Abdürrezzâk b. Hemmâm es-San'ânî». Faysal.,* XXXVIII. – Riyad: 1980. 30–34; İsmail Cerrahoğlu. *«Abdurrazzâk İbn Hemmâm ve Tefsiri». AÜİFD.* XV (1967). 99–111; Ali Akyüz. *«Abdürrezzâk es-San'ânî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 298–299.

Али Оқюз

АБДУРРАЗЗОҚ ЮНУСОВ

عبد الرزاق يونسوف

(03.01.1948 – Тошкент – 04.10.2018)

Таниқли уламо

Шайх Абдурраззоқ Миржалол ўғли Юнусов Тошкент ш.нинг зиёлилар оиласида туғилган. Илк саводини Тошкент ш.даги 45-сонли ўрта мактабда олган. Бобоси Мулла Юнус томонидан хонадонида уюштириладиган илмий мажлисларда атоқли уламолардан шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон, Фозилхўжа Содиқхўжаев, Шорасул Қорабоев (Нофеъ домла), Шоикром Шоисломов ва б.ларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган. Ушбу суҳбатлар ёш А.Ю.да Ислом динига хизмат қилиш муҳаббатини уйғотади. Мактабдан сўнг 1964–1969 й.лар мобайнида Тошкент Давлат ун-тининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олади. Ун-тни тамомлагач, меҳнат фаолиятини Ўзбекистон телевидениесида жамоатчи мухбирликдан бошлайди. Бироқ дин хизматига бўлган муҳаббат ва катта қизиқиш уни *Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати*га етаклайди. А.Ю. дастлаб 1970–1975 й.лар мобайнида диний назорат томонидан нашр этиладиган «Совет Шарқи мусулмонлари» журналида адабий муҳаррир, 1975–1994 й.лари *Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати*да халқаро алоқалар бўлими референти, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатади. Диний идорада ишлаган кезлари муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон, муфтий ноиби Исмоил махдум Соттиев, идоранинг масъул ходимлари Юсуфхонтўра Шокиров, Абдулғани Абдуллаев, Абутуроб Юнусов, Салоҳиддин Муҳиддинов каби устозлардан таълим олади.



Диний идорада ишлаш баробарида А.Ю. 1985–1989 й.лари *Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом ин-ти*да таълим олади. 1994 й.дан бошлаб уч йил мобай-

нида «Ислом нури» газетасининг бош муҳаррири вазифасида фаолият олиб боради. А.Ю. 1997 й. *Ўзбекистон мусулмонлари идораси* раиси ўринбосари вазифасига тайинланади ва бу вазифада нафақага чиққунча, яъни салкам йигирма йил самарали фаолият олиб боради.

А.Ю. Ислом дини таълимоти ва унга алоқадор қатор мавзуларда республиканинг турли нашрлари, интернет сайтлари, радио-телевидениеси орқали 350 дан ортиқ мақола ва суҳбатлари орқали фаол қатнашиш б-н бирга «*Фарзандлар тарбияси, ахлоқи ва оила муносабатлари*», «*Мўминлик кўзгуси*», «*Эҳтиром*» каби рисолаларни ҳам ёзиб, нашр эттирган.

А.Ю. диний идорадаги фаолияти чоғида жаҳоннинг Саудия Арабистони, АҚШ, Австрия, Россия, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон каби мамлакатларида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманларда маърузалар б-н иштирок этган. Мунтазам равишда мамлакатимиздан *ҳаж* ва *умра* зиёратига борувчи мусулмонларга хизмат қилиб, уларнинг ибодатлари тўкис ва кўнгилдагидек ўтиши йўлида сидқидилдан хизмат қилган. А.Ю. дин ва унга боғлиқ бўлган ҳар қандай воқеага бефарқ бўлмаган. Ҳатто унинг фаолияти Катта Лангар Қуръони тарихи б-н ҳам боғлиқ бўлган.

Бутун ҳаётини дин ишига бағишлаган А.Ю. диний идора раисининг ўринбосари сифатида фидокорона хизмат қилди, турли анжуманларда мусулмонларнинг манфаатларини қатъийлик б-н ҳимоя этди, идоранинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш ишида алоҳида фидойилик кўрсатди.

Шайх А.Ю. 2018 й. 5 окт. куни Тошкент ш.нинг Камолон даҳасидаги *Хўжа Алам-бардор қабристони*га дафн қилинган.

Ад.: Х. Йўлдошхўжаев, И. Қаюмова. *Ўзбекистон уламолари*. – Т.: «Movarounnahr», 2015. 113–114; *Ўзбекистон мусулмонлари идораси*. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2014. 45–46; http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/12986.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУРРАУФ ФИТРАТ
عبد الرؤوف فطرت
(1886, Бухоро – 4.10.1938, Тошкент)



Абдуррауф Абдурраҳим ўғли – шоир, ёзувчи, тилшунос, адабиётшунос, тарихчи, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби. Марказий Осиё жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаси, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири. Биринчи ўзбек профессори (1926). Дастлаб эски мактабда, кейин *Мир Араб мадрасаси*да таҳсил олган. 1902–1903 й.ларда муборак *ҳаж* ибодатини адо этган.

А.Ф. дунёқарашича, Бухоро ва бутун Туркистон инқироз гирдобида. Сабаби, *«Ҳинд сайёҳи баёноти»*да аниқ мисоллар орқали далилланганидек, ўша кездаги мударрислари – чаласавод, табиби – жоҳил, ҳунармандлари – калтабин, тожирлари – худбин, қозилари – муттаҳам, эл молини туя қилишдан тап тортмайди. Деҳқончилик асбоблари ва экин-тикин ашёлари ҳали ҳам ҳазрат Одам Ато деҳқончилигидан фарқ қилмайди. Юртнинг, ор-номуснинг ҳимоячиси бўлиши кутилган сарбозлик энг хор ва ҳақир касбга айланган. Муаллифнинг фикрича, барча иллатларнинг дояси – илмсизлик, барча кулфатларнинг мояси – жаҳолат. А.Ф. илмнинг кушандаси – уни бойлик ва мартаба воситасига айлантириш, деб ҳисоблайди. *«Мунозара»*да она юртининг ҳар соҳада инқирозга юз тутиши сабаби


шунда эканига диққат қаратади. Мадрасалардаги таълим жараёнини издан чиқарган омилларни бирма-бир таҳлил қилади. А.Ф. фикрича, ҳар қандай миллат фожиаси ҳаёт тарзида адолатсизлик, ҳақсизлик кучайишининг оқибатидир. Адиб қарашича, Ислом маданиятининг таназзули, мусулмонлар иззат ва шарафининг ғасб қилиниши, давлат ва шавкатининг яксон этилиши, Андалус заминидан фотимий султонларининг номи, ҳинд тупроқларидан тождор подшоҳлар изининг йўқ қилиниши, усмонли ва Эрон подшоҳларининг ночор аҳволга тушиши, Темур набиралари гарданига ўриснинг итоат арқони боғланиши – барча-барчаси уларнинг адолат ва маърифатни бой берганлари сабабли.

*«Мунозара»*да ҳам, *«Ҳинд сайёҳи баёноти»*да ҳам Туркистондаги жаҳолат ва қолоқликнинг асосий сабаби аҳолининг, ҳатто уламоларнинг ҳам Қуръони карим ва Пайғамбар (с.а.в) суннатидан йироқлашганида экани айтилади. *«Ҳинд сайёҳи баёноти»*да буюк зиёли аждодларимиз илмга қанчалик катта эътибор қаратгани, мударрис ва шогирдларнинг кундалик харжларини ҳисобга олиб, йилига тўрт миллион тангадан ортиқ вақф пули ажратгани, келажак наслларнинг илмда камол топмоғи учун ўн битта кутубхона барпо этиб, уларда ўз давридаги энг нодир китобларни жамлагани, илму ирфоннинг муттасил тараққиётини таъминлаш мақсадида ҳар йили китоблар ва турли мажмуалар чоп этиш учун қирқ минг танга вақф тайинлагани, мадрасалар б-н кифояланмай, бир қанча *қироат*хоналар қуриб, уларнинг харажатини ҳам вақф ҳисобидан таъминлаб қўйгани ҳақида сўз юритади. Унингча, авлодлар бу фидойиликка муносиб бўла олмаган, улар илмда аждодлари орзу қилган даражага кўтарила билмаган.

А.Ф. Исломнинг шонли ўтмиши, Чиндан Ҳиндгача, Мисрдан Андалусиягача бўлган ҳудудларни қамраган буюк цивилизация, Бағдод ва Андалусия мадрасаларида нафақат мусулмон мамлакатлари аҳолиси, балки Европа давлатларидан насронийлар ҳам келиб таҳсил олгани ҳақида ёзади. Туркистоннинг бир пайтлар «маданият қуёшининг мабдаи, маърифат дарёсининг манбаи» мавқеига юксалгани, ал-Форобий, Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Улуғбек сингари алломалар диёримизни жаҳон саҳнасига чиқарганини таъкидлайди. Унингча, Туркистонда саноат шу даражада ривожланган эдики, шунча азамати ва шавкатига қарамай, халифалар ҳам либос, кийим-кечакларни бизнинг мамлакатимиздан олиб кетган. А.Ф. тараққиётнинг ана шу чўққисидан тушиб қолишимиз сабабларини излайди. Бунинг икки сабабини кўрсатади: биринчиси, аъмолимизнинг носозлиги, яъни миллат ягона раҳбари – Қуръони карим *аҳком*ларидан йироқлашгани, вақтни исрофгарчилик ва ақлсизлик оқибатида зое этгани, иккинчиси, иттифоқнинг йўқлиги, Ҳақ талабини бажариш йўлида бирга қадам босмаслик.

А.Ф. *«Нажот йўли»* асарида ҳаёт ва ҳаёт ғояси ҳақида фикр юритади. Унингча, дин инсон ҳаётини тартибга солади. Дин инсонни икки дунё саодатига етаклайдиган ахлоқий ҳукмлардан иборат. Диёримизнинг тараққиётдан ортда қолишига икки гуруҳ кишилар сабабчи: биринчиси, ҳаётдан мақсад еб-ичиш деб билади, фақат дунё осойишини ўйлаб, бошқа нарсаларни унутган; иккинчиси, ҳаёт ғоясини фақат охират саодати деб билади, бу дунё саодатига эришиш учун ҳеч ҳаракат қилмайди, инсонийлик вазифасини, башарият яратилишининг ҳикматини идрок қилмайди. А.Ф. фикрича, икки дунё саодатини талаб қилган, бу йўлда муттасил саъй-ҳаракат қилган инсонгина комил мусулмондир. Адиб ҳар бир фикрига Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан далиллар келтиради. Миллат ҳаётини ислоҳ этмоқ, уни дунёдаги тараққий этган халқлар даражасига юксалтирмоқ

йўлини кўрсатади. Асарда ахлоқ вазифалари уч қисмга бўлиб таҳлил этилади: 1) вазойифи нафсийя; 2) вазойифи оила; 3) вазойифи инсонийя. А.Ф. қарашича, бу уч вазифа бир-бирига шу қадар боғлиқки, бирига халал етса, бошқасида ҳам қусур намоён бўлади. Вазойифи нафсийя – инсоннинг ўз нафсини камол топтирмоғи, солиҳ амалларни қилиб, қабиҳ ишлардан йироқлашуви, шу орқали одамларга наф келтириши. Адиб нафс фазилатини тўртга бўлиб таҳлил этади: 1. Ҳикмат. 2. Иффат. 3. Шижоат. 4. Адолат. Шу асосда инсоннинг комил ақл соҳиби бўлиши, *тафсир*, ҳадис, *фиқҳ* ва *усул ал-фиқҳ*, *калом*, лисоний илмлар, тарих, жуғрофия, табобат, кимё, табиат, наботот, маъданлар, риёзиёт, фалсафа каби илмлардан хабардор бўлиши зарурлигига эътибор қаратади. Бу каби илмларни эгаллашдаги нуқсонлар ҳақида фикр юритар экан, биздаги таҳсил усули эскирганини, уни янгилаш заруратини таъкидлайди. Адиб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳам ҳукмдор, ҳам лашкарбоши, ҳам хатиб, ҳам табиб, ҳам имом, ҳам муаллим бўлганини айтиб, олимлар Пайғамбар (с.а.в.)нинг ворислари экан, Ул Зотдан ибрат олишлари кераклигини таъкидлайди. Улар миллатнинг барча мушкулотларига чора топиб бериши, тожирга тижорат қоидаларини, деҳқонга зироат йўлларини, ахлоқсизга ахлоқни, ҳукмдорга сиёсат йўриқларини, беморга муолажа сирларини ўргатиши, гумроҳга ҳидоят йўлини кўрсатиши зарурлигини уқтиради. А.Ф. инсоний камолотга тўсиқ бўлувчи балоҳат (нодонлик ва тақлид), ҳаб (олимона макр), исрофгарчилик, бахиллик, инхизол (журъатсизлик), манманлик, тазабзуб (иккиланиш), инод (жаҳл, ғазаб), вақоҳат (уятсизлик), нифоқ (икки юзламачилик), малақ (хушомад), ҳирс, иҳмол (вақтни беҳуда ўтказиш), риё сингари иллатлар моҳиятини чуқур ёритади. Ҳикмат, шижоат, карам, наждат (шижоат ва жасорат), сабот, ҳалимлик, иффат, ҳаё, сидқ, қаноат, ҳусни ҳайъат (поклик),



вараъ (парҳезкорлик) каби фазилатларни шахс камоли ва миллат тараққиётининг асосий шартлари сифатида талқин этади.

А.Ф. «вазойифи оила» деганда оила ҳаётини Ватан ва миллат равнақига мос тарзда ташкил этишни назарда тутади. Оиланинг таваллуд ва насл давомийлигини таъминлаши, эр-хотин муносабатлари, муошарат одоби масалаларини исломий мезонлар асосида таҳлил қилади, ўша давр ва ҳатто бугунги кунимиз учун ҳам муҳим бўлган хулосаларни билдиради. Шунингдек, оиланинг мустаҳкамлиги, келажак насллар камоли учун зарур бўлган авлод тарбияси, бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси каби масалалар ҳаётий мисоллар таҳлили орқали ёритилади. Асарнинг «Турли вазифалар» бобида башариятнинг дунёвий саодати учун зарур ҳисобланган умумий биродарлик ҳақида фикр юритилади. Халқлар ўртасида умумий биродарликни барпо этиш, ўзаро ихтилофларнинг олдини олишга доир Ислом динининг кўрсатмалари Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга таянилиб, таъсирчан услубда баён этилади. Асарнинг *«Нажот йўли»* деб аталиши бежиз бўлмаган. А.Ф. бу асарида миллатнинг

инқироз ҳолатидан чиқиш ва тараққиётга эришиш йўлини кўрсата олган.

А.Ф. янги авлодни тарбия қилмай туриб, Ватан ва миллат равнақига эришиш имконсиз эканини чуқур англайди. «Усули жадид» мактаблари учун *«Мухтасар ислом тарихи»* (Самарқанд, 1915), *«Ўқу»* (Боку, 1917) сингари дарсликлар ёзиши сабаби шунда эди. *«Мухтасар ислом тарихи»* дарслигида муаллиф тарихни икки қисмга бўлади: умумий тарих ва хусусий тарих. Хусусий тарих, адиб фикрича, муайян бир миллат ва бир жамият тарихидир. У Ислом тарихини ҳам хусусий тарихга киритади. Асар уч қисмдан таркиб топган: 1. Саодат асри (Расулуллоҳ [с.а.в.] даври воқеалари). 2. Биринчи тўрт асл халифалар. 3. *Умавийлар* ва *аббосийлар*. Асарнинг биринчи қисмида Рум ва Эроннинг Ислом келишидан аввалги аҳволи, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дунёга келишлари, тарбиялари, Хадичаи кубро (р.а.)га уйланишлари, пайғамбарликнинг келиши, Хадичаи кубро (р.а.), Абу Бакр (р.а.) ва Али (р.а.)нинг биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилиши, Ҳамза ва Умар (р.а.)нинг мусулмон бўлиши, *саҳоба*ларнинг Ҳабашистонга бориши, Хадичаи кубро (р.а.) ва Абу Толиб вафоти, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг *ҳижрат*лари, Қубо, Қиблатайн масжидларининг қурилиши, қибланинг *Каъба*га ўзгариши, *Бадр*, *Уҳуд*, *Хандақ ғазотлари*, *Ҳудайбия сулҳи*, *Хайбар ғазоти*, атрофдаги ҳукмдорларга элчилар юборилиши, *Макка фатҳи*, *Ҳунайн*, *Табук ғазотлари*, видолашув *ҳажи*, Расули акрам (с.а.в.)нинг вафоти, Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг сифатлари, хотинлари ва авлодлари ҳақида мухтасар маълумот берилган. Иккинчи қисмида Абу Бакр (р.а.) халифалиги, фазилатлари, Қуръоннинг жам қилина бошлаши, Ироқ ва Шом *фатҳи*, Умар (р.а.) халифалиги, Эрон, Шом, Қуддус, Миср ва Ғарбий Траблус *фатҳи*, ҳижрий тарихнинг тайин қилиниши, Умар (р.а.)нинг шаҳодати, фазилатлари, Усмон (р.а.)нинг халифалиги, *фатҳ*лари, денгиз жанги, Усмон (р.а.) нинг шаҳодати, Али (р.а.)нинг халифалиги, *Жамал*, *Сиффийн* жанглари, Али (р.а.) нинг шаҳодати, Имом Ҳасан (р.а.) тарихи қисқача ёритилган. Асарнинг учинчи қисмида *умавийлар* халифалиги, Муовия ибн Абу Суфён, Язид ва *Карбало* ҳодисаси, Валид ибн Абдулмалик ҳукмронлиги, Андалус *фатҳи*, Марвон ибн Муҳаммад, *умавийлар* давлатининг заволи, *аббосийлар* халифалиги, Ҳорун ар-Рашид, Маъмун ва Муътасим-биллаҳ халифалиги, *аббосийлар* давлатининг заволи, Андалусдаги *умавийлар* давлати, Андалус мусулмонларининг оқибат-аҳволи сингари воқеалар мухтасар баён этилган. Асар гарчи ҳажман катта бўлмаса ҳам, Ислом тарихининг энг асосий жиҳатлари қамраб олингани б-н алоҳида аҳамиятга эга.

1930 й.дан А.Ф.га сиёсий айблар қўйила бошланди. Унинг тадқиқотларидан аксилшўровийлик қидирилди. Қуръони каримни нашр қилиш пролетариат ишига қанчалик хиёнат бўлса, А.Ф.нинг *«Ўзбек адабиёти намуналари»* асари чоп этилиши ҳам шунчалик жиноятдир, деган хулоса чиқарилди. Файзулла Хўжаев ҳаракати б-н А.Ф. сақлаб қолинди ва у Тошкентда яшай бошлади. Фан қўмитасида, Тил ва адабиёт ин-тида ишлади. 1937 й. 24 апр.ида А.Ф. ҳибсга олинди. Қарийб бир ярим йиллик қийноқлардан сўнг А.Ф. «миллатчи», «аксилинқилобчи», «аксилшўровий», «халқ душмани», «ватан хоини», «немис, инглиз разведкаси айғоқчиси» сингари айблар қўйилиб, 1938 й.нинг 4 окт.ида отиб ўлдирилди. 1957 й. 1 авг.да А.Ф. ҳақидаги 1938 й. 5 окт.да чиқарилган ҳукм бекор қилинди. Лекин шундан кейин ҳам А.Ф.ни тўла маънода оқлаш осон кечмади. Фақат истиқлолга эришилгандан сўнг адиб асарларини холис илмий ўрганиш имконияти туғилди. 1991 й. 25 сент.да А.Ф.га Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти берилди. Бухоро ш.ида А.Ф. боғи ва уй-музейи

ташкил этилди. Бухорода А.Ф. ҳайкали ўрнатилди. Республикадаги бир неча мактаб, кўчалар унинг номи б-н аталди. А.Ф. адабий, илмий мероси бўйича ўнлаб докторлик, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Асарлари таълим тизимининг барча – ўрта, ўрта махсус ва олий таълим босқичлари дастурларига, дарсликларига олиб кирилди. Бугунги кунда А.Ф. адабий-илмий мероси чин маънода авлодлар мулкига айланди.

Ас: *Чин севиш.* – Т.: 1999; *Нажот йўли.* – Т.: 2001; Танланган асарлар, 1–5-жилдлар. – Т.: 2000–2010.

Ад.: А. Алиев. *Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат.* – Т.: 1984; *Фидойилар.* – Т.: 1990; Б. Қосимов. *Маслакдошлар.* – Т.: 1994; И. Ғаниев. *Фитрат, эътиқод, ижод.* – Т.: 1994; И. Ғаниев. *Фитратшунослик.* – Бухоро: 1994; Ҳ. Болтабоев. *Абдурауф Фитрат.* – Т.: 1996; Ҳ. Болтабоев. *Фитратнинг илмий мероси.* – Т.: 1996; М. Қурбонова. *Фитрат – тилшунос.* – Т.: 1996; У. Жўрақулов. *Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати.* – Т.: 2000; Б. Қосимов. *Миллий уйғониш.* – Т.: 2002; Б. Қосимов. ва б. *Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти.* – Т.: 2004; И. Ғаниев. *Фитрат драмалари поэтикаси.* – Т.: 2005; Н. Каримов. *XX аср адабиёти манзаралари.* – Т.: 2008; Ҳ. Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 67–69.

Нурбой Жабборов

АБДУРРАШИД АД-ДАЙЛАМИЙ
عبد الرشيد الديلمى
(?, Қазвин – 1081/1670, Агра)
Хаттот ва шоир

Абдуррашид ад-Дайламий Эронда Абдуррашид ва Рашида, Ҳиндистонда эса, Оға Рашид номи б-н танилган, шуҳрати Эрондан кўра Ҳиндистонда кўпроқ ёйилган. Ҳинд императорлари Шоҳ Жаҳон ва Аврангзебнинг ҳимояларида Ҳиндистонда яшаган. Ҳасаний саййидлар оиласига мансуб. Хаттотликни тоғаси машҳур настаълиқ хаттоти Имоддан ўрганган. Шу боис ёшлиги Исфаҳонда кечган. Тоғасининг ўлдирилишидан кейин оиласининг бир қисми Онадўлига, бир қисми эса Ҳиндистонга кўчиб кетади. А.ад-Д. ҳам Ҳиндистонга қочиб, Шоҳ Жаҳон давлатидан паноҳ топади. Аввал саройда хусусий котиблик вазифасида, кейинчалик сарой кутубхонасида ҳофизи кутуб (китобларни сақловчи) бўлиб ишлайди ҳамда ҳукмдорнинг шахсий хаттоти вазифасини бажаради. А.ад-Д. Шоҳ Жаҳоннинг ўғли Доро Шукуҳга ва Аврангзебнинг қизи Зебунисога китобатдан дарс берган. Шоҳ Жаҳон саройида йигирма уч йил хизмат қилган (1623–1646 йй.). Шогирди ҳисобланган Зебунисо унга бағишлаб *марсия* ёзган ва унда устозининг вафоти тарихини кўрсатиб ўтган.



Абдуррашид ад-Дайламий хати билан кўчирилган Ҳофиз Шерозий «*Девон*»и. АҚШ. Вашингтон, Конгресс кутубхонаси

А.ад-Д. хаттотлик борасида тоғаси Имоднинг услубини чуқур ўзлаштирган. Ғулом Муҳаммад ўз тазкирасида Ҳиндистонда унинг услуби тарқалгани ва ўн бешта шогирди бўлганини ёзиб қолдирган. Булар орасида Шоҳ Жаҳоннинг ўғли ва Аврангзебнинг қизидан ташқари, Ҳиндистонда танилганлардан Муҳаммад Ашраф Хожасаро, Саидаи Ашраф, Абдурраҳмони Фармоннавис ва Мир Хожалар бор.

Сипеҳр ўз тазкирасида А.ад-Д. бошқа ёзув турларини ҳам билганини айтиб ўтган бўлса-да, бу хусусда кенгроқ тадқиқот олиб борган Маҳдий Баёний унинг настаълиқдан бошқа ёзув тури б-н шуғулланмаганини зикр қилган. Имзоларини Абдуррашид, Абдуррашид Дайламий, Рашида, Абдуррашид аш-Шариф ал-Ҳасаний тарзида битган. У томонидан кўчирилган китобларнинг энг гўзаллари

Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг *«Мақолот»*и (Теҳрон, Кутубхонаи Салтанатий) ва Мавлоно Румийнинг *«Маснавий»*сидир (Теҳрон, Оғойи доктор Маҳдавий кутубхонаси). А.ад-Д.нинг китобат намуналари Теҳрон, Деҳли, Санкт-Петербург, Кобул, Вашингтон, Оксфорд, Истанбул ун-ти кутубхоналари ҳамда Турк ва Ислом асарлари музейида сақланмоқда.

Ад.: Habîb. *Hatt u Hattâtân*. – İstanbul: 1305. 196; Ҳабибуллоҳ Фазоилий. *Атласи хат*. – Исфаҳон: 1391. 533; Ali Alparslan. «*Abdürreşîd-i Deylemî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 294.

Тузувчи Каримулло Мирзааҳмедов

АБДУРРАШИД ИБРОҲИМБЕК

عبد الرشيد ابراهيم بيك

(23.04.1857, Тобольск – 31.08.1944, Япония)

Татар адиби ва олими



Абдуррашид Иброҳимбек Сибирь туркларидан бири «Рашид қози», «Абдуррашид ўзбек» лақаблари б-н танилган.

У Сибирга бориб қолган бухоролик ўзбек Умар афанди б-н бошқирд қизи Афифа хонимнинг фарзанди бўлган. А.И.нинг «Миръот» жур.да (1903 й. 17-сони) эълон қилинган *«Сибирия мусулмонлари»* мақоласида айтилишича, 17-18-а.ларда Ўрта Осиёдан бир қанча оилалар Сибирга кўчиб борган ва ўзларини ўзбек ёки тожик эмас, балки бухороликлар деб аташган. А.И. *«Ислом олами ва Японияда Ислом дининг тарқалиши»* асарида ўзининг Аҳмад Мунир исмли бир ўғил, Қадрия ва Фавзия исмли икки қизи борлигини айтиб ўтган.

А.И. Тобольск губерниясининг Тара уездида таваллуд топган. Бошланғич маълумотини уезд яқинидаги рус овулида олгач, ота-онаси уни Қозон яқинидаги Арча тумани мадрасасига олиб борган. А.И. йигирма ёшига қадар шу мадрасада ўқиган. Сўнгра дўст-ёрлари б-н Ўрта Осиёга келиб, қозоқ овулларида болаларни ўқув-ёзувга ўргатиб, диний билим ва тарбия берган.

1879 й. Истанбулга боради, у ердан Мадинага йўл олади. Бу ерда тўрт йил яшаб Ислом дини асосларини чуқур ўрганади, маҳаллий олимлар ва зиёратга келган ҳожилар б-н танишиб, дунёқарашини кенгайтиради. 1881 й. Истанбулга қайтади. Турк жамиятининг пешқадам вакиллари б-н, шунингдек, мадрасалар ва улардаги ўқув жараёни б-н танишади.

1892 й. Оренбургдаги диний бошқармада қози бўлиб ишлайди. Муфтий Султонов *ҳаж* сафарига кетганда, у муфтий вазифасини бажарган. Аммо қозилигидан кўнгли тўлмаган А.И. 1894 й. яна Истанбулга бориб, диний ишларни ўрганади, чор ҳокимияти шароитида яшаётган ватандошлари б-н турк халқининг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётини таққослайди.

А.И. гарчанд 1896 й. Тара уездига қайтган бўлса-да, бу ерда узоқ яшамайди. 1897 й. саёҳат истагида Истанбулга келади. Ундан Миср, Фаластин ва Ҳижозга ўтади. Франция, Италия, Австрия, Сербия, Болгарияга боради. Сўнгра Россиянинг жанубий чегаралари орқали Кавказда бўлади. Каспий денгизи орқали Бухорога келиб, Туркистон ва Еттисувда бўлади-да, Сибирь карвон йўли б-н яна туғилган шаҳрига қайтиб боради.

У 1899 й. Петербургга келиб, ижтимоий-сиёсий фаолият б-н шуғулланади, татар тилида биринчи газетани чиқариш ҳаракатига тушади. Рухсат ололмагач 1900–1903 й.лари «Миръот» («Кўзгу») деб номланган альманахни нашр эттиради.

А.И. яна Истанбулга йўл олади. Бироқ 1904 й.да чор ҳукуматининг топшириғи

б-н Истанбулда ҳибсга олиниб, Одессадаги қамоқхонага келтирилади. Унинг қамоққа олингани ҳақидаги хабар Ички Россияга тарқалгач, жамоатчиликнинг аралашуви б-н озодликка чиқиб, сиёсий фаолият б-н шуғулланади: Бутунроссия мусулмонларининг қурултойларини ўтказиш ва Бутунроссия мусулмонлари иттифоқи фирқасини тузиш ташаббускорларидан бири бўлади. Биринчи рус инқилобидан кейин (1905–1907 й.), А.И. Петербургда татар тилида «Улфат» газ., араб тилида «Ат-Тилмиз» жур.ни чиқаришга эришади. Чор ҳокимияти дастлаб газета, сўнгра журнал нашрини тўхтатиб қўйгандан кейин, А.И. «Улфат» ўрнига «Нажот» номи б-н мажмуа чоп эттиради.

А.И. шу йилларда Россия ҳудудларида яшаган мусулмон халқларнинг миллий манфаатларига доир сиёсий-ижтимоий қарашлари ифодаланган *«Демократия»* номли китобини нашр эттиради.

Россияда тазйиқ ва таҳдиднинг кучайиши уни 1907 й. яна саёҳат қилишга мажбур этади. У Шарқий Туркистон, Бухоро, Самарқанд, Еттисувда бўлади. 1908 й.да оиласини Қозонда қолдириб, сафарини давом эттиради. У йўлда кўрган-кечирганлари асосида *«Исломият дунёси»* ва *«Давр-олам»* саёҳатномаларини ёзади. Бу асарлар айни вақтда «Баёнул-ҳақ» (Қозон) ва «Сироти мустақийм» (Истанбул) газ.ларида босилиб, турк дунёси бўйлаб тарқалади.

У шу йилларда Японияга бориб, мамлакатда олти-етти ой яшайди. Шаҳзода Ито, нуфузли япон амалдорлари ва жамоат арбоблари б-н мулоқотда бўлиб, Ислом дини тўғрисида маърузалар ўқийди. 1909 й. Токиода «Азия гекай» деган Ислом тижорат жамиятини ташкил қилади. Ислом динига ўтиб, Абу Бакр исмини олган япон дипломати Охара, жамиятга раис этиб тайинланади. А.И. мазкур жамият фаоллари ёрдамида японлар ўртасида Ислом динининг кенг тарқалишига эришади.

1910 й.ларнинг бошларида Туркистон ўлкасига қилган сафари вақтида Абу Бакр (Охара)ни ҳам олиб келган. 1908 й. Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида Тошкентда нашр этилган «Осиё» газетасининг илк сонида А.И.нинг қутлов мақоласи босилган эди.

А.И. 1917 й. фев. инқилобидан кейин Россия ҳудудларида яшовчи мусулмон халқлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бермагач, 1922 й.да Петроградни тарк этиб, Шарқий Туркистон, кейинчалик Истанбулда яшайди. Сўнг 1930-1931 й.лари яна бир бор Маккаи Мукаррамага боради. У ерда Ҳиндистон исломий жамияти вакиллари ва Япониядан келган мусулмонлар б-н учрашади. 1933 й.да Японияга жўнаб кетади. Сўнгра, Ислом тижорат жамияти фаолиятини жонлантириш мақсадида Ҳиндистон, Малайзия ва Индонезия мамлакатларида бўлиб қайтади. 1937 й.да эса, Токио жоме масжиди қуриб битказилгач, вафот этгунига қадар шу масжидда имом-хатиб бўлиб хизмат қилади. Унинг саъй-ҳаракати б-н Ислом дини 1939 й. Японияда расмий равишда эътироф этилган.

Ас.: *«Ислом олами ва Японияда Ислом динининг тарқалиши»*. (Туркистон, Сибирь, Мўғулистон ва Маньчжурия, Япония, Корея, Хитой, Сингапур, Ҳинд ороллари, Ҳиндистон, Арабистон жазираси). Асарнинг 1-жилди 620 бетни ташкил этиб, 1328/1910 й. Истанбулдаги «Аҳмад



Жоме масжид. Токио

Соқийбек» нашриётида, 2-жилди эса, 1329/1911–1331/1913 й.лар мобайнида «Қадр» нашриётида чоп этилган ва 245 бетдан иборат.

«Аёл». 1909-й. Қозондаги «Чижова» нашриёти.

«Менинг таржимаи ҳолим ёхуд менинг тақдирим». 1300/1883 й. Петербургдаги «Электрик» нашриёти.

«Виждон муҳокамаси ёки инсоф тарозуси». 1328/1910 й. Истанбулдаги «Келажак юлдузи» нашриёти.

«Фитрат дини». 1340/1922 й. Истанбулдаги «Келажак юлдузи» нашриёти.

«Чўлпон юлдузи». 1325/1907 й. Петербург.

«Исломият дунёси» ва *«Давр-олам»* саёҳатномалари. Қозон ва Истанбул.

«Осиё кулфат ичра». 1328/1910 й. Истанбулдаги «Аҳмад Эҳсон» нашриёти.

Ад.: *Abdürreşid İbrahim. 20-asrın başlarında İslâm dünyası ve Japonya'da İslâmiyet.* (Меҳмет Паксу нашри). I, 3–8, 11–14, 134; ўша муал. *Ислом олами ва Японияда Ислом динининг тарқалиши.* (Туркистон, Сибирь, Мўғулистон ва Маньчжурия, Япония, Корея, Хитой, Сингапур, Ҳинд ороллари, Ҳиндистон, Арабистон жазираси). – Истанбул: 1328/1910. I, 6, 7; Mehmet Akif. *Safahat.* –İstanbul: 1990. 122, 162, 164–165.

Нажмиддин Мирмаҳмудов

АБДУРРАШИД МУСОБЕК ЎҒЛИ

عبد الرشيد موسي بيك اوغلي

(1878, Қўқон – 1979, Душанбе)



Абдуррашид Мусобек ўғли (Қози Абдуррашид Фарғоний) 1878 й.да Қўқон музофотига қарашли Олтиариқ туманининг Бозорбоши маҳалласида тавалуд топган. У ёшлигидан отасидан етим қолган. Бошланғич таълимни оилада олади, кейин тўққиз ёшдан ўн саккиз ёшигача Қўқондаги *Камол Қози мадрасаси*да ўқийди. У кўп вақтини ибодат б-н ўтказгани туфайли «Намозхон талаба» (ёки «Намозхон») лақаби б-н танилади. Айтишларича, у тўққиз йиллик таълими мобайнида бирон марта ҳам жамоат *намоз*ини тарк этмаган экан.

Қўқон уламолари А.М.Ўга Бухорога бориб, у ердаги *Мир Араб, Кўкалдош* каби мадрасаларда илм таҳсилини давом эттиришни тавсия қиладилар. У Бухорога келиб, йигирма йил қолиб кетади: ўн йил илм ўрганиш, ўн йил таълим бериш б-н шуғулланади. Бу ерда охунд (устоз, муаллим, дин пешвоси) мақомига сазовор бўлади. Маълумотларга кўра, илм соҳасида юқори марраларни забт этган А.М.Ў. Бухоро амири Олимхоннинг алоҳида илтифотига сазовор бўлган. Бухородан Фарғонага қайтганида уни одамлар темир йўл вокзалидан Олтиариққача поёндоз тўшаб, улуғ эҳтиром б-н кутиб олишган. Бу пайтда А.М.Ў ўттиз саккиз ёшда бўлган (1916 й.).

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати ташкил топганида А.М.Ў. фатво ҳайъати аъзоси этиб сайланади. Унинг «Абдуррашид қози домла» битикли ўз муҳри бўлиб, фатво берса ёки бирор муҳим ҳужжатни ёзса, остига шу муҳрни босиб берган. У, шунингдек, мўътабар сўзларни арабий, туркий, форсийда чиройли тарзда ёза оладиган моҳир хаттот бўлган.

1947 й.да А.М.Ў. диний назоратнинг Тожикистондаги вакили сифатида Душанбега юборилади ва умрининг охиригача ўша ерда қолади.

А.М.Ў. ғоят шижоатли инсон бўлган. Бора-бора кўзлари хиралашиб, кўзойнак кор қилмайдиган бўлиб қолганида ҳам лупа ёрдамида шогирдларига дарс беришдан тўхтамаган. Эл суйган, эъзоз-

лаган уламолар шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон, шайх Абдулғани Абдуллаев (куёви), Мубин қори Аминов, шайх Аҳмаджон махдум Ҳанафий-Нақшбандий, шайх Дўстмуҳаммад Турсунов, Садриддин қори Абдураззоқов, шайх Абдулазиз Мансурлар А.М.Ўнинг шогирдларидир.

А.М.Ў. қабри Тожикистоннинг Душанбе ш.даги Кўктош қабристонида.

Ад.: Х. Йўлдошхўжаев, И. Қаюмова. *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015, 146–147.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
Иродахон Қаюмова

АБДУРРАШИД ҚОРИ

عبد الرشيد بهراموف

Абдуррашид Баҳромов
(8.01.1953, Андижон – 26.10.2011, Тошкент)

Муфтий



Абдуррашид қори Баҳромов дастлабки диний сабоқни отаси Абдулмуъмин қори Мулла Баҳром ўғлидан олган. 1959-1969 й.ларда Андижон ш.идаги 29-ўрта мактабда таълим олган. Мактабдан сўнг боғбон бўлиб ишлаган. 1971–1973 й.ларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 й. *Мир Араб мадрасаси*га ўқишга киради.

А.қ. 1979 й.да *Тошкент Ислом ин-ти*ни битириб, шу ерда дарс бера бошлайди. 1981 й.дан Тошкент шаҳридаги *Тилла Шайх масжиди*да имом-хатиб, 1997 й. май ойидан 2006 й. авг.гача *Ўзбекистон мусулмонлари идораси* раиси, муфтий вазифасида ишлаган.

А.қ. Ислом конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар Уламолар кенгашининг аъзоси этиб сайланган. У Саудия Арабистони, Миср, Қувайт, Марокаш, Индонезия, Туркия, АҚШ каби қатор давлатларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда қатнашган. Шунингдек, Марокаш, Миср, Саудия Арабистони мамлакатларида ўтказилган Қуръони карим ҳофизларининг мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган.

Ад.: Х. Йўлдошхўжаев, И. Қаюмова. *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015, 87-89.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
Иродахон Қаюмова

АБДУРРАҲИМ БОБ

عبد الرحيم باب

(10–11-а.)

Мутасаввиф, фақиҳ

Хожа Қорахон сулоласи асосчиси. Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафий (ваф. 700 й.)нинг тўртинчи авлоди. Туркистондаги Қора Усмон қишлоғида яшаган (ҳоз. Жанубий Қозоғистоннинг Арис тумани). «*Насабнома*»да қорахонлилар давлати (992–1211 й.лар) асосчиси Сатуқ Буғрохонга тенглаштирилган. Туркистонда Ислом жорий қилинишида қатнашган. Ўзган, Фарғона, Шош, Исфижоб, Қора Усмон, Тароз ва Шарқий Туркистонни эгаллаган. Қора Усмон ва Сайрамдаги *суфий*лар Мансур Хамир ота, Тектурмас ота, Машҳад ота, Тўқмоқ ота ва б.лар А.нинг авлодлари. Халқ қиссаларида бу сулола «Машриқий чилтонлари» деб юритилган. «*Рисолаи қаландарий*»да «Машриқ томонда Абдураҳим пир» деб кўрсатилган.

Ад.: А. Фитрат. *Аҳмад Яссавий / Танл. асарлар.* – Т.: 2000. II, 17; А.К. Муминов. *Абд ар-Рахим-баб / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь.* Вып.3. – М.: «Восточная литература», 2001. 5; Б.Д. Кочнев. *О Насаб-нама Караханидов // Йасави тағылымы.* Вып.2. Туркестан, 2002: *Ислом тасаввуфи манбалари.* – Т.: «Ўқитувчи», 2005. 318.

Ҳамидулла Болтабоев

АБДУРРАҲИМ ИБН АҲМАД АЛ-БУХОРИЙ

عبد الرحيم بن أحمد البخاري

Абу Закариё Абдурраҳим ибн Аҳмад ибн Наср ибн Исҳоқ ибн Амр ибн Музоҳим ибн Ғиёс ат-Тамимий ал-Бухорий ал-Ҳофиз (382/992, Бухоро – 461/1068-1069, Миср)

Муҳаддис, ҳадис ҳофизи

Абдурраҳим ибн Аҳмад ал-Бухорий сўз ва ривоятлари ишончли ҳофиз, *муҳаддис*, имом-пешволардан бўлиб, ҳиж. йилнинг рабиъул-аввал/мил. йилнинг май-июнь ойларида туғилган ва Миср вилоятларидан ҳисобланган Ҳавроъда вафот этган.

А.и.А.ал-Б. сайёҳ ҳам бўлиб, ҳадис илми талабида Хуросон, Ироқ, Шом, Яман, Миср, Африка, Андалусия (Испания) диёрларига сафар қилган ва у ернинг шайх ва олимларидан таълим олган. У Бухорода Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Бухорий, Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Байкандий ва Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ал-Ҳалимийларни, Хуросонда Абу Йаъло ал-Муҳаллабийни тинглаган, сўнг Мисрда яшаб қолиб, Абдулғаний ибн Саъид ал-Аздий ал-Ҳофиздан, Дамашқда Таммом ибн Муҳаммад ар-Розийдан, Бағдодда Абу Умар ибн Маҳдий ва б.лардан ҳадис ривоят қилган. Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «*Тазкира ал-ҳуффāз*» асарида А.и.А.ал-Б.нинг таржимаи ҳолида *ровий*лар занжирида ҳофиз ҳам иштирок этган ҳадислардан учтаси келтирилган бўлиб, биринчи (иснодида ноаниқлик мавжуд, саҳиҳ бўлмаган ҳадис) ва иккинчиси (Имом Муслимнинг ҳадис тўпламида келган ҳадис)нинг *санад*и Ибн Аллон ҳамда ал-Ҳасан ибн Алилардан Али ибн Абу Толиб (р.а.)га, учинчиси (*саҳиҳ*, *ғариб* ҳадис)ники Абдуллоҳ ибн Ҳофиздан ан-Нўъмон ибн Баширга етиб борганига гувоҳ бўлиш мумкин. Манбаларда олим, шунингдек, ал-Ҳофиз Абдулғаний ибн Саъиднинг «*Муштабаҳ ан-нисба*» асарини ҳам ривоят қилгани зикр қилинади.

Ўз навбатида, ҳофиздан устози Абдулваҳҳоб ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳаббоб, *шофеъий фақиҳи* Абу-л-Фатҳ Наср ибн Иброҳим ал-Мақдисий, Мушарраф ибн Али ат-Таммор, Жамил ибн ал-Ҳасан ал-Модроий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ар-Розий ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Ёқут ал-Ҳамавий «*Муъжам ал-булдāн*»да олимнинг «Бухорода менинг ўн тўрт минг жуз[ли асарлар]им бор. Уни [у ердан] олиб кетиб, бу ерга [Мисрга] келтиришни хоҳлайман», – деб айтган сўзларини нақл қилади.

Ас.: «*Рисāла ар-риҳла ва асбāбуҳā ва қавлу лā илāҳа иллаллāҳ ва савāбуҳā*».

Ад.: Ёқут. *Муъжам*. –Миср: «Ас-Саъода», 1906. II, 58; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 1906. III, 1157; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. – Дамашқ-Байрут: «Дор Ибн Касир», 1991. V, 258; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн*. – Дамашқ: «Ат-Турос», 1957. V, 202; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати*. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 52–54.

Аҳмаджон Бобожонов

АБДУРРАҲИМ ИБН УСМОН АЛ-БУЛҒОРИЙ

عبد الرحيم بن عثمان البلغاري

Абдурраҳим ибн Усмон ал-Булғорий Ўттиз Эманий (1754, Поволжье – 1835, Татаристон, Тимаш қишлоғи)

Таниқли татар олими

Унинг нисбаси ҳоз. Татаристондаги қишлоқ – «Утиз Иман» (Ўттиз эман)дан олинган. А.и.У.ал-Б. Вали Муҳаммад Эшон (ваф. 1217/1803 й.), Муҳаммад ибн Али ад-Доғистоний (ваф. 1210/1795-96 й.) ва шайх Файзхон ибн Хизрхон ал-Кобулий (ваф. 1217/1802-1803 й.)лардан ўша давр учун хос бўлган (*тафсир* асослари, ҳадис, *фиқҳ* ва б.) илмларга қўшиб *илми ҳол*ни ҳам ўрганган.

Таълимини тугатганидан сўнг, у Россия империясининг Исломга қарши сиё-

сатини танқид қилгани сабабли ҳокимият томонидан таъқиб қилинади ва тахм. 1875 й.да у ердан Бухорога қочиб ўтади. Бухорода А.и.У.ал-Б. машҳур шайхлар – Ота Ниёз ибн Мискин ал-Хоразмий, Абдулқайюм ибн Абдулкарим ибн Аллоҳхайрлардан *тасаввуф* илмларида таълим олишни давом эттиради. Шу б-н бир вақтда у Бухородаги машҳур Мағоки Аттори масжидида имомлик қилади.

А.и.У.ал-Б. ўзининг илк асарларини айнан Бухорода ёзади. Улар қаторига Сўфи Оллоҳёр (ваф. 1723 й.)нинг туркийда битилган машҳур асари – *«Сабот ул-ожизийн»*га ёзилган араб тилидаги шарҳини киритиш мумкин. Сўфи Оллоҳёрнинг форс тилидаги *«Мурод ул-орифийн»* асарига битилган татар тилидаги шарҳи ҳам ўша даврда ёзилган. У *нақшбандийя-мужаддидийя тариқати* асосчиси Аҳмад Сирҳиндий (ваф.1614 й.)нинг *«Мактубот»* асари б-н илк бор Бухорода танишади ва мазкур асарга кенг шарҳ битади. Шу каби уч жилдлик катта шарҳни у ал-Ғаззолий (ваф.1197 й.)нинг *«Иҳйā ъулум ад-дīн»* асарига ҳам ёзган.

Шу б-н бир вақтда, А.и.У.ал-Б. Бухоронинг қатор мадрасалари кутубхоналарида ишлаб, мовароуннаҳрлик муаллифларнинг *ҳанафий фиққи*га оид баъзи асарларига бир неча шарҳ ва луғатлар тузади. Мас., бухоролик фақиҳ Шамсуддин ал-Куҳистоний (ваф. 1534 й.) асарига атаб ёзилган атамалар луғати. У татар тилидаги шеърларини ёзишни ҳам шу ерда бошлаган.

Шеърларининг асосий мавзуси – Бухоронинг сарой аъёнлари, *сўфий* ва мударрисларининг «бузилган ахлоқлари»га қаратилган танқид эди. Унинг *«Туҳфа ал-ғурабā ва-л-латāиф ал-ғузā»* номли шеърий тўплами машҳур бўлиб, А.и.У.ал-Б. мазкур тўпламда «Аллоҳни унутиб ўз манфаатини кўзловчи» сохта эшон ва шайхлар, қаллоб савдогар ва эҳтиётсиз муллаларни танқид қилади. А.и.У.ал-Б. Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва б. ш.ларида ўша даврдаги консерватив ҳамда таъсирсиз диний таълим ҳақида сўз юритар экан, уларни янада кўпроқ танқид қилади ва аксар маҳаллий олимларнинг адолатсизлиги сабаб Бухоро ва бутун минтақа Ислом илмлари маркази сифатидаги мавқеини йўқотганини надомат б-н тилга олади.

Шу б-н бирга А.и.У.ал-Б. Бухоро ва Самарқанд кутубхоналарига юқори баҳо беради. У минтақанинг Самарқанд, Қарши, Термиз, Балх, Кобул каби кўплаб шаҳарларига сафар қилади. Тахм. 1802 й.да у Поволжьега қайтади, аммо Россия империяси ҳокимияти б-н ўртасидаги зиддият сабабли Мирас қишлоғига кетади. Лекин ҳокимият вакиллари унинг бу ерда ҳам тинч яшашига йўл қўймайди, натижада у тез-тез кўчиб юришига тўғри келади. Шундай бўлса-да, у ижодини тўхтатмайди ва ёзишда давом этади. Унинг Мовароуннаҳрда таҳсил олган, Поволжьенинг машҳур мутакаллимларидан саналган – ал-Ҳусайн ал-Орувий (ваф. 1259/1843 й.), Абдунносир ал-Курсавий (ваф. 1812 й.) ва б.лар б-н олиб борган мубоҳасалари ҳақидаги рисолалари ҳам маълумдир. Мазкур асарлардаги баҳс мавзуси – хитой чойини ичишлик (*мубоҳ* ҳукми берилган), *сўфий*лар этикаси (адаб) ва маросимлари, жаҳрий *зикр*нинг таъқиқи, урфлар, сайл турлари, Қуръон қориларини моддий рағбатлантириш масалалари, қариндошлар қабрини зиёрат қилиш қоидалари, тунга қадар қуёш ботмайдиган шимолий кенгликда ибодат вақтларини белгилаш ва б.лар ҳақида бўлган.

А.и.У.ал-Б. диндаги «янгилик» (бидъат) борасида қатъий таҳлил тарафдори бўлиб, бу масалаларда ўта эҳтиёткорликка ҳамда диний мантиқни сақлаб қолишга чақирар эди.

Ислом дунёси, айниқса, тўғридан-тўғри колонизация шаклига (Ҳиндистон, Поволжье, Кавказ, Марказий Осиёда),

ҳамда ҳимоячиларига (Бухоро, Хоразмда) эга христиан дунёси б-н тўқнаш келган бир даврда уламолар орасида ушбу барча масалалар баҳсларга сабаб бўлгани оддий ҳол эди. Ислом уммати қаршисида диний ва миллий қарашлар ҳамда маданиятни сақлаб қолиш масалалари турарди. Бундан ташқари, қатор уламолар заифлашган ва мустамлакачилик сиёсати қурбони бўлган мусулмон давлатларининг очиқ-ойдин инқирозига гувоҳ бўлгандилар. Шу сабабли баъзи олимлар каби А.и.У.ал-Б. ҳам фаолияти давомида ҳамжиҳатлик ва сабрга чақириб турса-да, суннийликни сақлаб қолиш илинжида, «иймонсизлар» маданиятига эргашиш масаласига ўта салбий муносабатда бўлган.

Ўзининг ёзишича, А.и.У.ал-Б. ўша даврда Самарқанд яқинидаги Кафшир қишлоғида, Хожа Аҳрор Валий мозори қошида сақланган (ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари Диний идораси музейидаги) машҳур «Усмон Қуръони»ни таъмирлаган.

А.и.У.ал-Б. ҳоз. Татаристоннинг Тимаш қишлоғида вафот этиб, ўша ерга дафн қилинган.

Ад.: Абдураҳим ибн Усмон Ўттиз Эманий. *Китāб муҳимма аз-замāн.* 12, 14–17 ва б.лар; Шиҳобуддин ал-Маржоний. *Мустафāд ал-ахбāр фӣ аҳвāл Қазāн ва Булғāр.* II, 239–24; Р. Фәхретдин. *Әсәр.* 303–304, 401; У. Беляева. *История древней татарской литературы.* – Казань: 1964, 532–77; Ә. Шәрипов. *Габдерәхим Утыз Имәни әл-Болгари.* – Казан: 1986. 5–7, 17–18, 278–88; Михаэль Кемпер. *Суфии и ученые в Татарстане и Башкортостане (1789-1889). Исламский дискурс под русским господством.* – Казань: 2008. 250–298.

Бахтиёр Бобожонов

АБДУРРАҲИМ АЛ-ИСТАХРИЙ
عبد الرحيم الإصطخري
Тасаввуф шайхи

Куняси – Абу Амр. Рувайм, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Жаъфар Ҳаззо б-н суҳбатдош бўлган. *Маломатийя тариқати*нинг намояндаларидан. Шотирлардек кийиниб, ўзини итбоқарлик ва каптарбозлик б-н машғулдек кўрсатиб, Луғом тоғида ёлғиз қолганда сурункали ибодат б-н шуғулланган. Отасидан қолган катта меросни кечаси қўни-қўшниларнинг уйларига тарқатиб чиққан. Саҳл Исфаҳоний б-н учрашганда саховат жавонмардликда намуна бўлган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. 233.

АБДУРРАҲИМ АЛ-МАРҒИНОНИЙ
عبد الرحيم المرغيناني

Абу-л-Фатҳ Зайнуддин Абдурраҳим ибн Абу Бакр ибн Имодуддин ибн Абу Бакр ибн Али ибн Абдулжалил ал-Марғиноний ал-Фарғоний ас-Самарқандий ал-Ҳанафий (тахм. 651/1253 й.да ҳаёт бўлган)

Фақиҳ ва мутафаккир

Абдурраҳим ал-Марғинонийнинг қуйидаги асари мавжуд: *«Фусўл ал-аҳкām ли-усўл ал-аҳкām»* («Ҳукмларнинг усуллари учун ҳукмларнинг фасллари»), ушбу асар *«Фусўл ал-Имādӣ»* («Имодий фусули») номи б-н танилган. Асарнинг бир қўлёзма нусхаси Саудия Арабистонидаги «Жомиъа ал-Малик Саъуд» ун-тида فم / 216.6 рақами остида сақланмоқда.



Абдурраҳим ал-Марғинонийнинг *«Фусўл ал-аҳкām ли-усўл ал-аҳкām»* асари. ЎзР ФА ШИ. Инв. рақам 11779

Риёз ш.даги «Марказ ал-Малик Файсал ли-л-буҳус ва-д-диросот ал-исламийя» кутубхонасида 02329, 04845, 08031, 0841-ب, يف 11757–11765 яна бир қанча инв. рақамларда, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод ш.даги «Осифия» кутубхонасида 2/1098/18/19/140 рақамда, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида 11779 рақамида ва дунёнинг кўплаб кутубхоналарида юзга яқин қўлёзма нусхалари сақланмоқда.

Ад.: Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифйн.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 2009. V, 203; II, 1270; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 2005. I, 81; О. А. Қориев. *Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний.* – Т.: «Фан», 2009. 59; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд. «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 223.

Одил Қориев

АБДУРРАҲИМ АЛ-ХОРАЗМИЙ
عبد الرحيم خوارزمي
(?, Шероз – ?)
15-а.да Эронда яшаган шоир ва хаттот

Таваллуд топган санаси маълум эмас. Настаълиқ хатининг асосчиси сифатида қабул қилинган Абдурраҳмон ал-Хоразмийнинг ўғли, хаттот ва шоир Абдулкаримнинг акаси бўлган. Хат санъатини отасидан ўрганган. Оққуюнли ҳукмдори Узун Ҳасаннинг ўғли Халил волий бўлганида барпо қилган Шероз нақшхонасида фаолият олиб борган. Кўчирган асарларига «Султоний» тахаллусини қўллаган. Халилнинг вафотидан сўнг укаси б-н бирга Султон Яъқубнинг Табриз саройида очган нақшхонасига боради. Санъатдаги маҳорати сабабли қисқа замонда султоннинг назарига тушади ва унинг дўсти ва хаттоти сифатида танилади. Яъқуб томонидан унга «жон дўстим» маъносини ифодаловчи «Анисий» тахаллуси берилган. Шеърларида ушбу тахаллусни, асарларида эса «Яъқубий» нисбасини қўллайди. Яъқубнинг вафотидан сўнг ўғли Рустамнинг ҳам илтифотларини



Абдурраҳим ал-Хоразмийнинг Яъқубий нисбаси б-н ёзган хати намунаси. Истанбул, Тўпқопи саройи музейи кутубхонаси. Хазина фонди инв. рақам 2160, 65 б варақ

қабул қилган Абдурраҳим ал-Хоразмий, бу даврда ёзган асарларида «Рустамий» имзосини қўллайди. Оққуюнлилардан уч подшоҳнинг ёнида фаолият олиб борган учун «Оққуюнли хаттоти» сифатида танилган.

Хатда отасининг услубини давом эттириб, бу ишни Ғарбий Эронда ёяди. Ушбу услубдаги ҳарфлар Шарқий Эрон настаълиқ ҳарфларига кўра янада йирикроқдир. Ёзувлари имзосиз ажратила олмайдиган даражада укасининг хатига ўхшаш кўринса-да, А.ал-Х.нинг хати янада мақбул, нафис ва тақлидсиз, деб қабул қилинган. Хоразмийларнинг хатдаги услублари, замондошлари Султон Али Машҳадийдан устун кўрилган. Алишер Навоий уни укасидан кейин ёзувда тенгсиз устоз сифатида қабул этган. Шогирдлари орасида Мир Азиз ал-Бухорий, Мулла Али Султон, Асадуллоҳ ал-Кирмоний, Муҳаммад ал-Кирмоний каби машҳур хаттотлар зикр қилинади.

Ахлоқли, фазилатли, билимли бўлган А.ал-Х. яхши шоир ҳам эди. Форсий тилдаги шеърлари «Девон» ҳолида тўпланган. 899 /1493-94 тарихи б-н қайд қилинган хатида ёзилган бир нусхани Оққуюнли амирларидан Амир Муҳаммадга бағишлаган. У кўчирган асарларнинг катта бир қисми Истанбул кутубхоналарида сақланмоқда. Улардан 879/1474-75 й. «Султоний» имзоси б-н ёзилган «Мун-

тахаботи ғазалиёт» асари (Сулаймония кутубхонаси, Аё София, инв. рақам 3946), ҳар хил сана ва жойларда ёзилган, турли ном б-н имзоланган олтмиш тўққизта қитъа, мураққаълари (Турк ва Ислом асарлари музейи), ичига ўзининг шеърларидан ҳам парчалар киритилган, 884/1479-80 й. санаси б-н қайд қилинган «Мунтахаботи ашъори форисий» (Истанбул ун-ти кутубхонаси), 880/1475-76 ва 886/1481-82 й.ларда кўчирилган ва Султоний, Рустамий имзоси б-н қайд қилинган «Хамсаи Низомий» асарлари (Тўпқопи саройи музейи кутубхонаси, Хазина фонди, инв. рақам 762) энг эътиборли манбалар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, унинг баъзи асарлари Эрон, Туркия, Миср, Вена (Австрия) кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.

Ад.: Олий. *Маноқиби Хунарварон.* – Истанбул: 1926, 56–57; Қози Аҳмад Қуммий. *Гулшани ҳунар.* – Теҳрон: 1352. 57–58; Маҳдий Баёний. *Аҳволу осори хушнависон.* – Теҳрон. 1363. II, 384–388; Ҳабилуллоҳ Фазоилий. *Атласи хат.* – Исфаҳон. 1391. 460; Karatay. Topkapı-Farsça Yazmalar. Инв. рақам 412; P. P. Soucek. *«Abd-al-Rahım Karazmi». Elr.*, I, 143; Ali Alparslan. *«Abdürrahîm-i Hârizmî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 290–291.

Тузувчи Каримулло Мирзааҳмедов

АБДУРРАҲМОН I
عبد الرحمن I

Абу-л-Мутарриф Абдурраҳмон ад-Дохил ибн Муовия ибн Ҳишом (113/731 – 172/788)

Андалусиядаги умавийлар давлати асосчиси (756–788)

Абдурраҳмон I (Абдурраҳмон ибн Муовия) Дамашқ яқинидаги Дайриҳаннода туғилган. Онаси Роҳ *барбарийлар*нинг *Нафзо қабиласи*га мансуб жория бўлган. Отаси ёшлик чоғида вафот этгани боис бобоси Халифа Ҳишомнинг қўлида улғайган. *Аббосийлар* қатлиоми бошланганда Фурот дарёси атрофларида яшириниб, жон сақлаган. Аббосий аскарлар таъқибидан қочиб, ўзи озод қилган Бадр исмли қули б-н Шом, Фаластин ва Миср орқали Тунисга кетади. Тунис волийси Абдурраҳмон ибн Ҳабиб ал-Фиҳрий А.I нинг, гарчи *аббосийлар*га нисбатан хусуматда бўлса-да, Қайравонда қолишига изн бермайди. Чунки унинг ўзи мустақил давлат тузишни режалаштираётган эди. Шу боис А.I Барқода қисқа муддат бўлиб, кейин Тоҳартга, у ердан эса Фосдаги Оқ денгиз соҳилларидаги *Нафзо қабиласи* яшаётган минтақага боради.

А.I умидвор бўлган ёрдамини Шимолий Африкада ололмагач, Андалусга кетишга қарор қилади. Садоқатли қули Бадрни вазиятни ўрганиш учун у ерга юборади. 754 й.нинг июнида Бадр Испанияга боради. *Умавийлар*га содиқ саркардалардан Убайдуллоҳ ибн Усмон ва Абдуллоҳ ибн Холид б-н учрашиб, А.I нинг номасини етказади. Икки қўмондон Амир Яҳё ибн Буҳтни ҳам ёнларига олиб, Андалуснинг нуфузли сиёсий арбобларидан Саракуста (Сарагоса) волийси Сумайлдан ёрдам сўрашга келишадилар. Сумайл илк учрашувда А.I нинг Андалусга келишини маъқуллаган бўлса-да, кейинчалик фикридан қайтади. Натижада, А.I келиб чиқиши яманлик бўлган қабилалардан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Улар А.I ни Андалусга чорлаб, уни қўллаб-қувватлашга ваъда берадилар.

Андалусда мадад кафолатлангач, 138 й. 1 рабиъул-аввалда (14 авг., 755 й.) А.I кемада Ғарнота (Гранада) соҳилларидан Мунаққабага йўл олади. Бу ерда уни Убайдуллоҳ ибн Усмон б-н Абдуллоҳ ибн Холидлар кутиб оладилар. А.I ни Андалусга ўтганидан хабар топган Юсуф ал-Фиҳрий унга ваъдалар бериб, сиёсий интилишларидан қайтариш учун махсус ҳайъат жўнатади. Бироқ, ижобий натижага эришолмайди. А.I мақсадга тезроқ эришиш учун амалий ҳаракат бошлайди. Шазуна (Сидония) ва Ишбилия (Севилия) орқали Қуртубага жўнайди. Йўл-йўлакай тарафдорларининг сони

ортиб боради. 756 й. 11 майда Водилкабир (Guadalquivir) дарёси соҳилида қароргоҳ қуради. Юсуф ал-Фиҳрий ҳам дарёнинг қарама-қарши соҳилидаги Мусора мавзесига келиб тушади. Сулҳ тузиш учун иккала томондан элчилар сафарбар этилган бўлса-да, бироқ А.I нинг қарори қатъий эди. У тун қоронғусидан фойдаланиб, ўз аскарларини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказишга муваффақ бўлади ва 15 май куни саҳарда Юсуф ал-Фиҳрийга ҳужум қилади. Ушбу тўқнашув А.I нинг ғалабаси б-н якунланади. Ушбу ғалаба унга Қуртуба дарвозаларини очади. Андалус *умавий* давлатига ана шу тариқа асос солинади.

Мусора жангида мағлубиятга учраган Юсуф ал-Фиҳрий ва Сумайл қайтадан жанг қилишга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Етарли миқдорда куч тўплагач, Қуртуба сари юриш қилишади. Ўз навбатида, А.I Юсуф ал-Фиҳрийнинг тарафдорлари келгусида унга хавф туғдиришини назарда тутиб, фурсатни бой бермай, Ғирнотага бостириб боради. Лекин Юсуф ва Сумайлнинг Қуртубада қолишларига изн берилиши ва мол-мулклари дахлсизлигининг таъминланиши хусусидаги таклифини қабул қилиб, жанг қилишдан воз кечади. Бироқ узоқ йиллар волий бўлган Юсуф ал-Фиҳрийга мансабидан мосуво этилгани оғир ботаётган эди. Бунинг устига А.I нинг Яман қабилалари кўмагида Андалусга ҳукмрон бўлишидан норози бўлган айрим бошқа қабилалар Юсуф ал-Фиҳрийни исён кўтаришга ундаётган эдилар. Бундай қистовлар таъсирида Юсуф Қуртубани тарк этиб, Маридага боради. У ерда қўзғолон кўтариб, атрофига тўпланган катта сонли гуруҳ б-н Ишбилияга ҳужум қилади. Бироқ, Ишбилия волийси Абдулмалик ибн Умар ал-Марвоний уни енгади (758 й.). Юсуф Тулейтулага (Toledo) қочади, аммо йўлда ушланиб, қатл қилинади. Унинг ортидан Сумайл ҳам ҳибсга олиниб, бўғиб ўлдирилади. Юсуфнинг ўғиллари Муҳаммад ва Қосимларнинг исён кўтаришга қаратилган ҳаракатлари бартараф этилади.

Ана шундай вазиятда Ало ибн Муғис ал-Яҳсубий *аббосийлар* халифаси Мансур кўмаги б-н Мағрибдан Андалусга ўтиб, Бажо минтақасида қўзғолон кўтаради. А.I ни ёқтирмаган айрим ижтимоий гуруҳлар ҳам унга қўшиладилар. Бажо ва унинг атрофларини қўлга киритган Ало Қуртуба сари ҳаракатлана бошлайди. А.I аскарларининг озлиги туфайли Алони шаҳардан узоқроқда кутиб олиш ниятида Кармунадаги қалъага беркиниб, уни

Қуртуба (Кордова) ш.



кута бошлайди. Ало қисқа вақт ичида Кармунага етиб келади ва уни қуршаб олади. Икки ойдан кўпроқ давом этган қамалнинг ҳаддан ортиқ чўзилиб кетиши натижасида Алонинг тарафдорлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқади. А.I фурсатни ғанимат билиб, қалъани тарк этади ва исёнчиларга тўсатдан ҳужум қилади. Ало ушбу ҳужумга дош беролмайди ва анчагина аскарлари б-н ҳалок бўлади (763 й.).

Халифа Мансур Андалусга қилган илк ҳарбий юришида муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, ўз ниятидан воз кечмайди. Шимолий Африкадан Испанияга ўтган Абдурраҳмон ибн Ҳабиб ас-Сиқлабий 779 й. Тадмор ҳудудида исён чиқариб, халқни *аббосийлар*га *байъат* қилишга чақиради. Айни ўша пайтда қўзғолон кўтарган Барселона волийси Сулаймон ибн Яқзон б-н ҳамкорлик қилади. Бунга жавобан А.I Тадморга бостириб киради. Абдурраҳмон ибн Ҳабиб Валенсияга қочади. Ўша ерда ўз тарафдорлари *барбарийлар* томонидан ўлдирилади (779 й.).

Аммо бу б-н исёнлар тугамади. Барселона волийси Сулаймон ибн Яқзон б-н Ҳусайн ибн Яҳё 778 й. Сарагосада бош кўтарадилар. Сулаймон Қуртуба амирига қарши курашда Франция қироли Буюк Карл б-н ҳамкорлик қилади. Улар ўртасидаги келишувга биноан Буюк Карл Сарагосага юриш қилади. Бироқ тез орада мағлубиятга учраб, ортга чекинади. Бундан фойдаланган А.I кўп сонли қўшин б-н Сарагосани қуршаб олади. Ҳусайн ибн Яҳё бу вақтда Сулаймон ибн Яқзонни ўлдириб, якка ҳоким бўлиб олган эди. У А.I нинг ҳукмини қабул қилгач, қамал якунланади. Бироқ Қуртуба амири бу ерни тарк этиши б-н яна исён кўтаради. А.I исённи бостиришга Ибн Алқамани жўнатади. У Сарагосага келиб Ҳусайнни ҳибсга олади. А.I ҳузурига юборилган Ҳусайн Қуртубада қатл қилинади (783 й.).



Абдурраҳмон I даврига оид танга

Зикр этилган исёнларнинг келиб чиқиши сиёсий сабабларга бориб тақалар эди. Фақатгина Шакё ибн Абдулвоҳиднинг диний-ғоявий мазмун б-н асосланган исёни бундан мустасно бўлган дейиш мумкин. Андалуснинг шарқий ҳудудларида яшаган *барбарийлар*нинг *Миқноса қабиласи*га мансуб бўлган Шакё тўртинчи халифа Ҳусайн (р.а.) авлодидан эканини даъво қилаётганди. У *умавий*ларнинг Андалусдаги ҳукмронлигига узил-кесил барҳам бериб, *шиа*ликка асосланган давлат тузишга ҳаракат қилар ва бу режани амалга оширишда уламолардан кўмак сўрар эди (769 й.). Андалусдаги *барбарийлар*нинг кўпчилиги унинг атрофида жипслашади. Тарафдорларининг сони кўпайгач, Шакё Санта-Марияни қамал қилади. Унда фаолият кўрсатган волийни ўлдириб, ушбу ҳудудни мустақил давлат деб эълон қилгач, А.I унга қарши катта қўшин юборади. Ушбу қўшинга бас келолмаслигига кўзи етган Шакё тоғли ҳудудларга яшириниб, қароқчилик қила бошлайди. Бундай ҳаракат олдида ожиз қолган *умавийлар* қўшини Қуртубага қайтгач, Шакё Санта-Марияни қайтадан эгаллаб олади. А.I томонидан юборилган иккинчи қўшинни Санта-Мария яқинида мағлуб этиб, Курия, Мадаллин ва Маридани ишғол қилади. Унга қарши курашга сафарбар



Пиреней яриморолиси

этилган А.I нинг озод бўлган қули Бадр бошчилигидаги қўшин ҳам ғалабага эриша олмайди. Пайдо бўлган навбатдаги хавфнинг тобора жиддийлашиб бораётганидан чўчиган А.I, унга қарши шахсан ўзи жанг қилишга қарор қилади. Лекин Шакё А.I га қарши юзма-юз жангга чиқмайди. А.I нинг Санта-Марияга қилинган 722 й.даги юриши ҳам самара бермайди. Ана шундай вазиятда у Шакё босиб олган ҳудудларга *барбарийлар* томонидан ардоқланган Ҳилол ал-Мадюнийни волий этиб тайинлайди. Унга исённи бостириш топширилади. Бу тадбир ўзининг самарасини беради: *барбарийлар* Шакёдан юз ўгириб, ҳилол атрофида жипслаша бошлайдилар. Вазиятнинг бу тарзда ўзгариши Шакёни Санта-Марияни тарк этиш ва Хуфга чекинишга мажбур қилади. Лекин охир-оқибат Санта-Мария яқинидаги қишлоқлардан бирида иккита қўмондони томонидан ўлдирилади.

А.I ҳукмронлиги исёнлар даври бўлган. Зикр этилган исёнлардан ташқари, Шазуна, Тулейтула, Ишбилия, Лебла, Қуртуба ва б. кичик шаҳарларда яна кўплаб қўзғолонлар содир бўлган. А.I бор имкониятларини исёнларни бостиришга сафарбар қилгани учун насронийларга қарши жиддий юриш қилолмаган.

Лекин, барибир, насронийлар б-н мусулмонлар ўртасида тўқнашувлар содир бўлиб турган. А.I Андалусда ҳокимиятни қўлга олганига бир йил тўлгач, Австрия қироли Алфонсо I вафот этади. Унинг ўғли Фруэла I эса, ўлимига қадар (ваф. 768 й.) мусулмон ҳудудларига юришлар қилади ва А.I нинг исёнлар б-н бандлигидан фойдаланиб, муайян натижаларга ҳам эришади. Шунингдек, мусулмонлар ҳам насронийларга қарши юришлар уюштириб турган. 767 й. А.I нинг собиқ қули Бадр бошчилигида Алавага қилинган юриш зафар қучгани маълум. Ғолиб ва мағлуб ўртасида имзоланган битимга кўра ҳудуд аҳолиси Исломнинг ҳукмрон мавқеи ва *хирож* тўлаш мажбуриятини қабул қилган.

А.I даврида содир бўлган энг муҳим жанг Буюк Карлнинг Сарагосага юришидир. Ҳусайн ибн Яҳё ва Сулаймон ибн Яқзон Сарагосада қўзғолон кўтарган пайтда Карл Сулаймоннинг ундови б-н 778 й.нинг баҳорида Пиреней яриморолига юриш қилади. У ердаги Ронсевал дарёсидан кечиб, Памплона ва Уэскадан Сарагосага келиб, шаҳарни қамал қилади. Бироқ бир томондан, қамалнинг чўзилиб кетгани сабабли, иккинчи томондан, Саксонияда қўзғолон кўтарилгани ҳақидаги хабарни олгач, қамални тўхтатишга мажбур бўлади. Қайтишда Ронсевал дарёсида франкларнинг ортдаги ҳарбий қўшинига мусулмонлар ҳужум қилиб, уларни қиличдан ўтказадилар. Ушбу ҳужум пайтида Бретан герцоги Роланд, сарой графи Анселмо ва б. аслзодалар ҳалок бўладилар. «Chanson de Roland» дея номланган француз миллий достони мана шу воқеалар ҳақидадир.

А.I нинг 32 й. давом этган ҳукмронлиги мана шундай мураккаб шароитларда кечган. У Қуртубада ҳукмронликни қўлга киритгач, бир томондан, узлуксиз давом этган исён ва қўзғолонларни бостириш б-н машғул бўлади. Иккинчи томондан эса, барпо этилган янги давлат бошқарув тизимини шакллантиради ва катта бунёдкорлик ишларини амалга оширади.



Қуртуба жоме масжиди ички кўриниши

Умавийлар халифалигининг вилояти бўлган Андалус энди мустақил давлатга айланган эди. Вилоят давлат мақомига эришиши учун бошқарув тизимида ислоҳотлар қилиниши тақозо қилинарди. А.I расман мустақил бўлгани ва *аббосий* халифалар томонидан тан олинмаганига қарамай, *«халифа»* ёки *«амир ал-муъминийн»* унвонларидан фойдаланмай, фақатгина *«амир»* унвони б-н чекланган. Хутбаларда фақатгина исми тилга олинган. Тангаларга исмигина зарб қилинган. Марказий идорада вазирлик мақоми ташкил этилмай, фақатгина *қози* ва *ҳожиблар* лавозимлари жорий қилинган. У кучли қўшин тузишга интилган. Унинг асосий қисмини Шимолий Африкадан келтирилган ёлланма *барбарий* аскарлар б-н Жанубий Европа ўлкаларидан келтирилган *мамлуклар* ташкил этган. *Мамлукларнинг* аксари ғайримусулмонлардан иборат бўлиб, уларнинг сони анчагинани ташкил этган.

А.I мамлакатни вилоятларга бўлиб, уларни *қуро* деб номлаган. Бундай *қуро*ларни бошқариш учун *волий* ёки *амир*лар тайинланган.

А.I Қуртубани пойтахт қилиш учун кўп ҳаракат қилади, бироқ ҳарбий тўқнашувлар сабабли бу ва б. йирик шаҳарларда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширолмайди. А.I қурдирган илк меъморий иншоот амирлик саройи бўлган. Қуртубага келгач, волийлар яшайдиган Дор ал-иморада (ҳукумат биноси) истиқомат қилган ва ундан бошқарув идораси сифатида фойдаланган. Кейинчалик 784 й. Водилкабир соҳилида катта сарой қурдирган. Шом биноларидан андоза олиб, соҳил бўйлаб барпо қилинган ва катта боғларни ўз ичига олган бу саройга *Русофа* деб ном беради. А.I қурдирган иккинчи машҳур меъморий бино сарой яқинидаги катта жоме бўлган (786 й.). У кейинчалик кенгайтирилган. Андалус меъморий ёдгорликларининг энг гўзал намунаси бўлган ушбу жоме сақланиб қолган. Манбаларда А.I нинг яна кўплаб кичикроқ масжидлар қурдиргани зикр қилинган.

Аббосийлар қатлиомидан омон қолиб, хавф-хатарларга тўла сафарлардан кейин нотаниш, бошбошдоқлик авжига чиққан Андалусда бошқарувни қўлга олгани, ўлканинг турли минтақаларида содир бўлаётган исёнларни бостириб, барқарорликни таъминлагани А.I нинг юксак иқтидорли давлат арбоби ва сар-

карда бўлганидан далолат беради. Уч асрга яқин фаолият кўрсатган Андалусдаги *умавийлар* давлатига асос солгани уни Ислом тарихидаги буюк сиймолар қаторига киритади. Манбаларда ушбу шахснинг «ўта мулойим, илмли, зийрак, қатъиятли, кучли, ҳаракатчан, зулм ва ҳақсизликлардан нафратланувчи, зиммасидаги масъулиятни, албатта, адо этадиган, давлат ишларини кенгашиб юритувчи, жасур, вазмин, ўзига ишонган, сахий, шоир ва адиб» ҳукмдор бўлгани таъкидланади. *Аббосий* халифа Мансурнинг ундан ҳайиққани ва «Аллоҳга шукрки, мен б-н ўша иблис орасида денгиз бор» дегани ривоят қилинади. А.І тарихга «Қурайш лочини» деган сифат б-н ҳам кирган.

Ад.: Ибн Қутийя. *Тарйх ифтитāҳ ал-Андалус.* – Байрут: 1402/1982. 31–32, 39, 44–63; Ибн Изорий. *Ал-Байāн ал-муғрйб.* – Байрут: 1403/1983. II, 40–60; Муҳаммад Абдуллоҳ Инон. *Тарāжим Ислāмиййа.* – Қоҳира: 1390/1970. 139–152; Холид ас-Сўфий. *Тарйх ал-ъараб фи-л-Андалус (ал-фатҳ ва ъаср ал-вулāт)* – Bingazi: 1980. II, 43–108; Philip K. Hitti. *Siyâsî ve Kültürel İslâm Tarihi İstanbul.* 1980. III, 795–803; Ҳусайн Мунис. *Риҳла ал-Андалус.* – Жидда: 1405/1985. 70–72, 81–82; Hakkı Dursun Yıldız. *«Abdurrahman I». TDV İA* – İstanbul: 1988. I, 147–150.

Зоҳидулла Мунавваров

АБДУРРАҲМОН ВАЛИЙ МАҚБАРАСИ

ضريح عبد الرحمن ولي

Бухородаги меъморий ёдгорлик (14-а.)

Мақбара (18,5×10,8 м) уч гумбазли, тарҳи тўғри бурчакли. Икки сағана бор. Зиёратхонанинг тўрт томони равоқли. Шим. равоқда эшик ўрни бор. Бош тарзидаги пештоқининг икки бурчагида томга чиқиладиган зина, ғарбий деворида меҳроб жойлашган. Гўрхона икки мурабба (томонлари тенг тўғри тўртбурчак) тарҳли хона (4,85×4,7 м) дан иборат бўлиб, биридан иккинчисига равоқ орқали ўтилган. Гўрхонанинг бирида икки қатор ганч сувоқли катта-кичик сағаналар, иккинчисида хом ғиштдан қурилган йирик сағана жойлашган. Бу хоналарнинг томи дастлаб гумбазли бўлган. Таъмир вақтида текис том ва синчли деворлар ишланган. 1950–1986 й.ларда ўрганилган ва таъмир қилинган.

Ад.: *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 39; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2015. 17.

АБДУРРАҲМОН ЖОМИЙ

عبد الرحمن جامي

(817/7.11. 1414, Жом – 8.11.1492, Ҳирот)

Форс-тожик шоири, олим ва мутасаввиф

Тахаллуси Жомий, асл исми Нуруддин Абдурраҳмон ибн Низомуддин Аҳмад – *нақшбандийя тариқати*нинг атоқли намояндаси. Абдурраҳмон Жомийнинг ота-боболари асли арабларнинг *Шайбон қабиласи*дан бўлиб, Хуросонга 8-а.ларда кўчиб келган. Бобоси Шамсул-миллат вад-дин Муҳаммад, отаси шайхул-ислом Низомуддин Аҳмад замонасининг илмли, фозил кишиларидан бўлиб, қози, муфтий лавозимларида хизмат қилган. Илму ирфонга қизиқиши ёшлик чоғлариданоқ ғайриоддий тарзда намоён бўлган. А.Ж. болалик чоғида уйларига Мавлоно Фахруддин Луристоний келади. Бу улуғ алломанинг тиззасига ўтирган А.Ж. у кўрсаткич бармоғи б-н ҳавога ёзган улуғ *саҳоба*лар Умар, Усмон, Али (р.а.) исмларини адашмай ўқиб, таҳсинга сазовор бўлади. А.Ж. беш ёшга етганида отаси уни *тасаввуф*га доир «*Фасл ул-хитоб*» асари муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо зиёратига олиб боради. Шайх болани эркалаб, унга ширинликлар беради. Аксар тазкираларда А.Ж.нинг ширинтиллилиги сабаби мазкур карамatли шайхнинг обакидандони (ширинликлари) б-н боғлиқ экани айтилади. 1425 й. А.Ж. оиласи Жомдан Ҳиротга кўчиб келади. Мадраса ёшидан анча эрта Ҳиротдаги Дилкаш (Навоий



Абдурраҳмон Жомий
(рассом Пантюхин, 1968 й., ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи)



Абдурраҳмон Жомийнинг «*Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс*» асари. Навал Кишвар ш., Мунший матбаасида чоп этилган. Ҳиндистон, 1910 й.

маълумотига кўра, «Низомия») мадрасасида замонасининг машҳур олими Жунайд Усулий ҳузурида Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазонийнинг «*Илм ал-бадӣъ*» рисолалари шарҳида битилган «*Мухтасар ал-маъӑнӣ*» китобидан таҳсил олади: Кейин эса таълим олишни мазкур олимнинг риторика илми шарҳига оид «*Ал-Мутаввал*» асари асосида давом эттиради. Сўнг Ҳиротнинг олий даражали мударрисларидан Мавлоно Хожа Алоуддин Али Самарқандийдан дарс олади. Бу улуғ аллома А.Ж.дек истеъдодли талабани умрида кўрмаганини эътироф этади. Кейин Тафтазонийнинг шогирди Мавлоно Шиҳобуддин Жожармий қўлида таҳсил олади. Аллоҳ таолодан ато этилган нодир қобилият эгаси А.Ж.га Ҳирот уламоси таълим беришга ожизлик қилиб қолгач, 1437 й. у илм талабида Самарқандга келади. Мирзо Улуғбекнинг яқин ҳамкори Қозизода Румийдан таҳсил олади. 1443 й. Шоҳрух Мирзо даврида А.Ж. Ҳиротга қайтади. Ҳиротга келиши б-н уни алгебра ва геометрия бўйича имтиҳон қилган машҳур Али Қушчи ҳали саволларини тугатмасиданоқ аниқ ва мукаммал жавоблар олади. А.Ж. араб тили грамматикаси, нотиқлик санъати, математика, астрономия, фалсафа, *калом*, *фиқҳ*, Қуръон, *тафсир*, ҳадис ва б. илмларнинг барчасида моҳир бўлган. Шу боис илмий мунозараларда баҳс иштирокчиларини осонгина мағлуб этган, баъзи мураккаб масалаларни ҳал этишда ҳатто устозларидан ҳам устун келган. А.Ж. *тасаввуф* таълимотини катта қизиқиш б-н ўрганган. Унинг *тариқат*даги илк *мурши*ди Баҳоуддин Нақшбанднинг издоши Саъдуддин Муҳаммад Кошғарий бўлди. Пирининг вафотидан кейин унинг мақбараси ёнидаги хонақоҳга кўчиб ўтиб, илму адаб ва *тариқат* аҳлига устозлик қилади. 1467 й. Саъдуддин Муҳаммад Кошғарийнинг ўғли Хожаи Калоннинг қизи б-н оила қуради. Зиёуддин Юсуфдан ташқари, уч ўғли гўдаклик кезларидаёқ вафот этади. Бу мусибатдан қаттиқ изтироб чеккан А.Ж. уларга бағишлаб *марсия*лар ёзади. 1490 й. А.Ж. *нақшбандийя* шайхи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳузурига келиб, ундан *иршод* олади. *Тариқат қутби* даражасига етган бу улуғ инсон б-н тўрт мартагина учрашган бўлса-да, бир умр у б-н ёзишмалар олиб борган. А.Ж. «*Туҳфат ул-аҳрор*» асарини Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийга бағишлаган. «*Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс*» («Муқаддас даргоҳдан эсган насим») асарига замондошлари орасидан фақат шу улуғ авлиё зикрини киритган ва унга бўлган чуқур эҳтиромини изҳор этган. А.Ж. Моваройуннаҳрда *нақшбан-*



Абдурраҳмон Жомий ва Алишер Навоий.
(рассом М.Набиев, 1968 й., ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи)

*дийя тариқати*ни қабул қилади ва бу *тариқат*нинг *пири муршид*и даражасига кўтарилади.

А.Ж. 1472–1473 й.лари *ҳаж* ибодатини адо этади. *Ҳаж* сафари давомида тўртинчи халифа Али (р.а.) қабри жойлашган Нажафни, Бағдоди шарифни зиёрат қилган. Мисрда *фотимийлар* б-н илмий мунозарада *аҳли сунна вал-жамоа* ақидасини ҳимоя қилиб, ғолиб чиққан. Нишопур, Сабзавор, Бастом, Домғон, Қазвин, Ҳамадон, Карбало, Бағдод, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Дамашқ, Ҳалаб, Табриз каби бир қанча шаҳарларда бўлган. Мактубларидан маълум бўлишича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таклифи б-н Тошкент, Андижон, Марв ш.ларида бўлиб, ҳукмдорлар ва олимлар б-н мулоқот қилган. А.Ж. Деҳли, Истанбул ва Табриз саройларига таклиф этилади. Лекин у Ҳиротда қолишни афзал билади. А.Ж.га темурий ҳукмдорлар, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида юксак эҳтиром кўрсатилади. Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг авлодлари А.Ж.ни ўзларининг *пир*и ҳисоблаган.

1492 й. нояб.ида 78 ёшга кирган А.Ж. хасталаниб қолади. Навоий устози аҳволидан ҳар куни мунтазам хабар олади. 898 ҳиж. йил муҳаррам ойининг ўн етисида, мил. 1492 й. 8 нояб.да А.Ж. вафот этади. Дафн маросимига муқарраби султоний Алишер Навоий бош бўлади. Бутун Ҳирот мотам тутади. Жанозада шахсан Султон Ҳусайн Бойқаро иштирок этади. Алишер Навоийнинг устозига бағишлаб ёзган таркиббанд жанридаги *марсия*сини Ҳусайн Воиз Кошифий минбардан ўқиб эшиттиради. Навоий ва бутун Ҳирот аҳли бир йил мотам тутади. А.Ж. вафотига бир йил тўлгач, Навоий халққа эҳсон уюштиради.

А.Ж. йирик мулкдор бўлган. Ўз бойликлари ҳисобидан эл-юрт манфаати учун зарур бўлган масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, работлар, кўприклар бунёд эттирган. Ўзига энг зарур эҳтиёжлари учун озгина маблағ олиб қолиб, бутун бойлигини Хиёбон мавзесида қурдирган икки мадраса, хонақоҳ ва масжид учун вақф қилиб беради.

А.Ж. Алишер Навоий б-н биринчи марта Абу Саъид Мирзо ҳукмронлиги даврида Хиёбон мавзесида кўришган. А.Ж. унга рисолаларидан бирини туҳфа этган. 1476–77 й.ларда Навоий ва А.Ж. ўртасида *пир-мурид*лик риштаси боғланади. Бу икки буюк мутафаккирнинг Ҳақ таоло йўлидаги дўстона муносабатлари Навоийнинг «*Хамсат ул-мутаҳаййирийн*» асарида муфассал баён этилган. Бундан ташқари, Алишер Навоий «*Хамса*»нинг ҳар беш достонида А.Ж. васфига алоҳида боб ажратади. Жумладан, «*Ҳайрат ул-аброр*»да буюк устозини «қутби *тариқат*», «кошифи асрори ҳақиқат» деб таърифлайди. Сафҳа (асар) ёзишдан муроди пинҳон ҳолатини оддий одамлардан яшириш бўлганини, назми «ақолими жаҳонни» (дунё мамлакатларини), насри «кишвари жонни тутган»ини (одамларга жон қадар севимли бўлганини) таъкидлайди. «*Сабъаи сайёр*»да А.Ж.нинг табиий ва илоҳий илмларда камолга эришгани, риёзиёт (математика)да тенгсиз экани, араб тили грамматикасига доир «*Кафийа*», «*Алфиййа*» асарлари муаллифи машҳур Ибн Ҳожиб ҳам, «Жоруллоҳ»

– Маҳмуд Замахшарий ҳам унга камтарин шогирд бўла олиши, тили ҳар доим каломи Раббоний *зикр*ига машғуллиги, уни ҳарфма-ҳарф қалбига жо этгани, ҳадис илмида Ибн Ҳажардан ҳам ўтиши, сўзи *фиқҳ* элига зеб бўлиши хусусида ёзади.

А.Ж. асарларини форсий тилда ёзган, араб ва туркий тилларни ҳам яхши билган. 1492 й.да хоразмлик тилшунос Ибн ал-Ҳожибнинг араб тили грамматикасига доир «*Кафийа*» дарслигига мукаммал шарҳ ёзган. Ўғли Зиёуддин Юсуфга бағишлаб ёзилгани учун бу асарга «*Ал-Фавоид аз-Зийоийя*» («Зиёуддинга фойдалар») деб ном берган. Ўғли Зиёуддин Юсуфга А.Ж.нинг меҳри алоҳида бўлган. Зиёуддин ёшлигида касалга чалинади. Бундан куйинган А.Ж. тунлари б-н ухламай, ибодатида дуолар қилади, Аллоҳ таолога муножот-ғазал битади. Ўғли балоғат ёшига етиб, илм таҳсилига киришганда, араб тилини ўрганиши осон бўлсин, деб «*Ал-Фавоид аз-Зийоийя*»ни ёзади. Эл орасида «*Шарҳи Мулло Жомий*» номи б-н шуҳрат қозонган бу китоб Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида сўнгги вақтларгача мадрасаларда араб тилини чуқур ўрганишда асосий қўлланма вазифасини ўтаб келди. Илм аҳли ҳозирги кунда ҳам бу асардан кенг фойдаланмоқда.

А.Ж.дан катта кўламдаги, кенг қамровли адабий ҳамда илмий мерос қолди. Айрим мутахассислар А.Ж. асарларининг адади 100 га яқин бўлганини айтадилар. Навоий «*Хамсат ул-мутаҳайийирийн*»да мутафаккирнинг 38 асарини номма-ном келтиради. А.Ж. *ақоид*, *фиқҳ*, ҳадисга доир, *тасаввуф*, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг турли жанрларига оид асарлар ёзган.

А.Ж. диний ва *тасаввуф*ий-фалсафий асарлари орқали ҳам Ислом маърифати юксалишига муносиб ҳисса қўшди. Бу мавзудаги асарларида мутафаккир Ис-



«*Нафаҳот ул-унс*» асаридан саҳифа. Қўлёзма 16-а.

лом дини ва шарқ *тасаввуф* фалсафасининг муҳим масалаларини ёритди. Ушбу асарларида А.Ж. *тасаввуф* ҳаётини амалда яшаган буюк мутафаккир сифатида намоён бўлади ва унинг қарашлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. А.Ж.нинг «*Нақши фусус*» («Маънолар нақши»), «*Нақд ун-нусус*» («Сараланган далиллар») асарлари машҳур *мутасаввиф* Ибн ал-Арабийнинг «*Фусўс ал-ҳикам*» («Фалсафанинг безакбоп дурлари») асарига шарҳ сифатида ёзилган. «*Лавомиъ фи шарҳ ил-Хамрийа*» («Ал-Хамрийа» шарҳида фикрларнинг чақнаши») асари Ибн ал-Фарид номи б-н машҳур араб *тасаввуф* шеъриятининг атоқли вакили Шарафуддин Умар ибн Али ал-Мисрий ас-Саъдийнинг машҳур илоҳий ишқ мавзуидаги қасидасига, «*Шарҳи қасидаи Тоия*» («Радифда «то» ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи») мазкур араб шоирининг «*Назм ус-сулук*» қасидасига шарҳдир. «*Ашиъъат ул-ламаъот*» («Нурларнинг жилоланиши», 1476) диний-*тасаввуф*

фий қасидаси Фахруддин Иброҳим ал-Ироқий ал-Ҳамадонийнинг «Ламаъот» асарига шарҳ сифатида ёзилган. «*Таҳқиқ ал-мазаҳиб*» («*Мазҳаб*лар ҳақиқатини аниқлаш») асари араб тилида ёзилган бўлиб, унда *мутасаввиф*лар, *мутакаллим*лар ва ўтмиш файласуфлар қарашлари қиёсий таҳлил этилади. А.Ж. бу асарида *тасаввуф*, *калом* ва фалсафага доир энг асосий истилоҳларни изоҳлайди, илмий таҳлил қилади, муҳим хулосалар чиқаради. «Шарҳи рубоиёт» асарида ўз ижодига мансуб рубоийларнинг *тасаввуф*ий маъноларини шарҳлайди. Бундан ташқари, А.Ж.нинг «*Шавоҳид ун-нубувва*» («Пайғамбарлик далиллари»), «*Нақшбандийя таълимоти ҳақида рисола*», «*Воҳид*» *истилоҳи ҳақида рисола*», «*Зикр*» *шартлари ҳақида рисола*», «*Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола*» каби асарларида Ислом маърифати ва *тасаввуф* ахлоқи масалаларига доир илмий қарашлари ифодаланган.

А.Ж.нинг «*Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс*» асари *тасаввуф* таълимоти ва намояндаларига доир нодир маълумотларни жамлагани б-н қимматлидир. Асарда 616 *мутасаввиф* (улардан 34 нафари аёллардан етишган валийлар) *зикр*и жамланган.

«*Ҳафт авранг*» етти достондан таркиб топган: «*Силсилат уз-заҳаб*» («Олтин тизмалар», 876/1472) достонида *тасаввуф* фалсафаси ва амалиётининг ўзак масалалари ёритилган. «*Саломон ва Абсол*» (885/1480–81) – рамзий-мажозий достон. Хотимада А.Ж. достондаги образларнинг моҳиятини очиб беради: Подшоҳ – фаол ақл, Саломон – руҳ, Абсол – жисм рамзи. Жисм жонни севади. Сабаби, жонсиз у фақат ўлик тана, ҳеч нарсага қодир бўла олмайди. Ўз навбатида, жон ҳам жисмсиз ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Денгиз – ҳирс, унинг тўлқинланиши Саломоннинг Абсолдан совиши аломати. Гулхан – тубан ҳислардан тозаланиш, Зуҳра – маънавий камолот тимсоли. Кейинги икки достон – «*Туҳфат ул-аҳрор*» («Ҳимматлилар туҳфаси», 886/1481–82) ва «*Сибҳат ул-аброр*» («Тақводорлар тасбеҳи», 887/1482–83) асарларида иймон, инсоф, адолат, маърифат сингари комил инсонга хос фазилатлар васф этилган. «*Юсуф ва Зулайхо*» (888/1483) Қуръони каримда «*аҳсанул-қасас*» дея таърифланган Юсуф (а.с.) қиссасининг жомиёна бадиий талқини бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Алишер Навоий мазкур асарга юқори баҳо бериб:

«Чун қилдинг «Аҳсанул-қасас» фан,
Ул қисса улусқа бўлди аҳсан»,

дея таърифлаган.

Ад.: *Абдурраҳмон Жомий (Илмий мақолалар тўплами).* – Т.: 1989; Алишер Навоий. *Хамсат ул-мутаҳаййирин.* Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 15 ж. – Т.: 1999; Алишер Навоий. *Хамсат ул-мутаҳаййирийн.* Танқидий матн. (тузувчи О. Алимов). –Т.: «Мумтоз сўз», 2015; *Алишер Навоий. Қомусий луғат* 1-2 ж. – Т.: 2016; Е.Э. Бертельс. *Наваи и Джами.* – М.: 1965; *Жомий ва ўзбек адабиёти (Илмий мақолалар тўплами).* – Т.: 2005; Н. Шодмонов. *Мақом назариясига доир муҳим манба.* – Қарши: 2018; Ш.М. Шомуҳамедов. Форс-*тожик адабиёти классиклари.* – Т.: 1963; А. Ҳайитметов. *Абдурраҳмон Жомий.* – Т.: 1989.

Нурбой Жабборов

АБДУРРАҲМОН ИБН АБЗО

عبد الرحمن بن أبزى

Абдурраҳмон ибн Абзо ал-Хузоий
(?, Макка – 70/689, ?)
Саҳоба

Манбаларда Абу Саъид ва Абу Абдуллоҳ кунялари б-н машҳур бўлган. *Саҳоба* ҳисобланган отаси ҳам у каби *Бани Хузоа*нинг озод қилган қули бўлган. Қуръони каримни чуқур билгани сабабли хўжайини ва Макка волийси Нофеъ ибн Абдулҳорис халифа Умар (р.а.) б-н учрашишга кетаётган вақтлари уни ўз ўрнига қолдирар эди. Бунинг сабабини сўраган Умар (р.а.)га Нофеъ: «У Макка халқи ичида Қуръонни энг яхши ўқийдиган ва илоҳий буйруқларни энг яхши билади

ган кишидир» деб, жавоб берган. Абдурраҳмон ибн Абзо (р.а.) *Сиффийн*да Али (р.а.)га *байъат* қилган *саҳоба*лардан. Кейинчалик, Али (р.а.) уни Хуросонга волий этиб тайинлаган (658 й.). Бироқ, қанча муддат волий бўлгани ҳақида маълумотлар келмаган.

Ибн Ҳиббон А.и.А.ни *тобеъин*лардан эканини айтган бўлса, Имом ал-Бухорий ва Абу Ҳотим каби *муҳаддис*лар уни *саҳоба*лардан бўлганини маълум қилганлар. Ҳатто Абу Ҳотим А.и.А. Пайғамбар (с.а.в.) нинг орқаларида *намоз* ўқиганини қайд этган. Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан тарқатилган ўлжалардан улуш олгани ҳақидаги ўзининг ривояти ҳам буни тасдиқлайди.

Тўғридан-тўғри Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадисларидан ташқари, Абу Бакр, Умар, Али, Аммор, Убай ибн Каъб (р.а.) каби буюк *саҳоба*лардан нақл қилган ривоятлари ҳам «*Кутуби ситта*»дан ўрин олган. Унинг ўзидан эса, ўғиллари Саъид ва Абдуллоҳ, хоссатан Шаъбий, Абу Исҳоқ ас-Сабиий ва б. *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1968. V, 462; *Муснад*. III, 406–407; V, 122–125; Ал-Бухорий. *Ат-Тарūх ал-кабūр*. – Ҳайдаробод.: 1360–80/1941–60, - Диёрбакр: V, 245; Муслим. «*Салāт ал-мусофирūн*». 269; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53, – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя». V, 209; Аз-Заҳабий. *Сийар*. III, 201–202; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. IV, 149.

Тузувчи Нилуфар Тўйчиева

АБДУРРАҲМОН ИБН АБУ БАКР АС-СИДДИҚ

عبد الرحمن بن أبي بكر الصديق

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ас-Сиддиқ (? – 53/673, Ҳубший)

Саҳоба, муҳаддис

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) Абу Бакр (р.а.)нинг ўғли ва Ойша (р.а.)нинг туғишган инисидир. А.и.А.Б.ас-С. Абу Абдуллоҳ куняси б-н ҳам аталган. Исломнинг илк даврларида *мушрик*лар сафида *Бадр* ва *Уҳуд ғазот*ларида мусулмонларга қарши жанг қилган. *Ҳудайбия сулҳи* асносида ёки янада машҳур ривоятга кўра, *Макка фатҳи*дан аввалроқ мусулмон бўлган. Аввалги исми Абдулкаъба бўлиб, бу исмни Пайғамбар (с.а.в.) Абдурраҳмон деб ўзгартирганлар. *Хайбар* ва ундан кейинги *ғазот*ларда ҳам иштирок этган. *Вадо ҳажи*да Пайғамбар (с.а.в.) тарафларидан Ойша (р.а.) б-н *умра* ибодатини бажаришга буюрилган. Пайғамбар (с.а.в.) хасталанганларида ҳам ёнларидан ҳеч айрилмасдан хизматларида бўлган.

Ўқ отиш бўйича маҳоратли бўлган А.и.А.Б.ас-С. отасининг халифалиги давридаги диндан қайтиш воқеаларида Холид ибн Валид қўшини сафида жанг қилган. Айниқса, *Бани Ҳанифа қабиласи*га қарши жангларда катта маҳорат кўрсатган. Умар (р.а.) даврида эса *Шом фатҳи*да қатнашган. *Жамал воқеаси*да Ойша (р.а.)нинг ёнида турган А.и.А.Б.ас-С. Али (р.а.)ни қўллаб-қувватлаган, шунингдек, Миср волийси бўлган укаси Муҳаммадга қарши юриш қилган. Укасининг Муовия ибн Худайж томонидан ўлдирилишига қаршилик қилмаган. Муовия ибн Абу Суфён ўғли Язидни валиаҳд этиб тайинлашига Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдуллоҳ ибн Умарлар б-н бирга қарши чиққан ва унга *байъат* қилмаган. Кейинроқ *байъат* қилиши учун Муовия томонидан юборилган 100.000 дирҳамни ҳам рад этиб, Маккага қайтган.

*Қурайш*нинг энг моҳир камончиларидан бири бўлган А.и.А.Б.ас-С. Маккадан 6 мил узоқликда бўлган Ҳубший деган жойда вафот этган. Жасади Маккага келтирилиб, шу ерда дафн этилган. А.и.А.Б.ас-С.дан саккизта ҳадис ривоят қилинган бўлиб, буларнинг учтаси «*Саҳūҳ ал-Бухāрū*» ва «*Саҳūҳ Муслим*»да, қолганлари эса, «*Кутуби ситта*»нинг бошқаларида келтирилган. Унинг ривоятларини Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «*Муснад*» асарида ҳам кўриш мумкин.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағази.* – Лондон: 1965–66. I, 257; II, 695; Ибн Ҳишом. *Ас-Сира.* – Қоҳира: 1375/1955. I, 638; II, 352, 602; Ибн Қутайба. *Ал-Маъруф.* – Қоҳира: 1960. 174; Ал-Балозурий. *Ансаб ал-ашраф.* – Байрут. 1979. I, 144–146; Ат-Табарий. *Тарих.* – Лейден: 1879–1901. I, 1751, 1940, 1943, 1947, 1950, 3405; II, 84, 176–177, 196–197; Ибн Абдулбар. *Истиъаб.* – Қоҳира: 1969. II, 824–826; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1285–87. III, 304–306; Аз-Заҳабий. *Сийар.* II, 471–473; Mustafa Fayda. *«Abdurrahman b. Ebū Bekir es-Sıddîk». TDV İA.* – İstanbul 1988. I, 159.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУРРАҲМОН ИБН АБУ-З-ЗИНОД

عبد الرحمن بن أبي الزناد

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон
ибн Абу-з-Зинод ал-Маданий
(100/718, ? – 174/790, Бағдод)
Муҳаддис олим

Туғилган жойи маълум эмас. Отаси – машҳур *фақиҳ*, Абдуллоҳ ибн Заквоннинг Абу-з-Зинод кунясига мувофиқ Ибн Абу-з-Зинод номи б-н ҳам машҳур бўлган. Отаси Абу-з-Зинод *тобеъин*, Абдурраҳмон ибн Абу-з-Зинод эса *табаъа-тобеъин*лардан бўлган. Шамсуддин аз-Заҳабий уни олтинчи табақа олимларидан, деб зикр қилган. Ривоятларининг аксарияти отасидан бўлгани боис, илк таҳсилини ҳам ундан олгани маълум бўлади. Машҳур *қироат* олимларидан бўлган Абу Жаъфар ва Нофеълардан таълим олган. Нофеъ *қироат*ига доир асар ёзгани маълум. Суҳайл ибн Абу Солиҳ, Ҳишом ибн Урва, Мусо ибн Уқба каби машҳур олимлардан ривоятлари бор. Унинг ўзидан Саъид ибн Мансур, Ибн Журайж, Абу Довуд ат-Таёлисий ва б. баъзи ҳадис олимлари ривоят қилганлар.

А.и.А.З. кўпроқ ҳадис илми б-н машғул бўлиш б-н бирга, *фиққий* масалаларда ҳам *фатво*лар берган. Ҳадисда *сиқа* деб қабул қилинса-да, баъзи мавзуларда танқидга учраган. Ҳишом ибн Урвадан ривоят этган ҳадисларида ишончли *ровий* (ҳужжат) деб қабул қилинган, бошқа ривоятларида том маънода *сиқа* деб саналмаган. *Жарҳ* ва *таъдил* имомларидан Яҳё ибн Маъйинга кўра эса, ривоят мавзусида заиф ҳисобланган. Баъзи олимлар А.и.А.З.ни Бағдодга кўчиб, у ерда жойлашганидан сўнг отасидан *ғариб ҳадис*лар ривоят этгани сабабли танқид этадилар. Унинг Мадинада бўлган вақтида ривоят қилган ҳадисларининг *саҳиҳ* экани, аммо Бағдодда ривоят этганлари бағдодликлар томонидан ўзгартирилгани ҳақида ҳам сўз юритилади. Бу эса унинг Ироққа кетганидан сўнг танқид қилинганини кўрсатувчи омиллардандир. Шунга қарамай, А.и.А.З. ҳадис илмида ўрни инкор қилиб бўлмас олимлардан ҳисобланади.

А.и.А.З. етмиш тўрт ёшида вафот этган.

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарих Бағдад.* – Қоҳира: 1349/1931. X, 228; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубра.* – Байрут: 1388/1968. V, 415; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффаз.* – Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58. I, 247; Mücteba Uğur. *«Abdurrahman b. Ebū'z-Zinād». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 159.

Тузувчи Каримулло Мирзааҳмедов

АБДУРРАҲМОН ИБН АБУ ЛАЙЛО

عبد الرحمن بن أبي ليلى

Абу Исо Абдурраҳмон
ибн Абу Лайло ибн Билол ал-Ансорий
(тахм. 17-18/638-639,
Мадина – 83/702, Басра)
Ҳадис, фиқҳ ва қироат олими, тобеъин

Абу Бакр (р.а.) халифалиги даврида туғилган, деган ривоят заиф ҳисобланади. Пайғамбар (с.а.в.) б-н бир қанча *ғазот*ларда қатнашган отаси Абу Лайло *Авс қабиласи*га мансуб бўлиб, *Сиффийн жанги*да вафот этганлиги зикр қилинган. Ривоятлари ҳадис китобларидан ўрин олган. Машҳур *фақиҳ* ва қози бўлган ўғли Муҳаммад ҳам Ибн Абу Лайло деб зикр қилингани учун кейинги манбаларда унинг номи Ибн Абу Лайло ал-Акбар шаклида қайд қилинади.

Абдурраҳмон ибн Абу Лайло кейинчалик отаси б-н бирга Мадинадан Куфага кўчади. Ансорлардан бир юз йигирмата *саҳоба* б-н учрашиб, уларнинг аксариятидан ҳадис таълимини олади. Устозлари орасида Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Саҳл ибн Ҳунайф, Анас ибн Молик, Барро ибн Озиб, Абу Саъид ал-Худрий, Саъд ибн Абу Ваққос, Билол ал-Ҳабаший, Абу Зарр ал-Ғифорий, Ибн Аббос, Ибн Умар, Абу Айюб ал-Ансорий ва Абу Дардо (р.а.) каби *саҳоба*лар бўлган. Унинг ўзидан ўғли Исо ва набираси Абдуллоҳ ибн Исо, Алқама ибн Марсад, Ато ибн Соиб, Мужоҳид ибн Жабр, Аъмаш, Шаъбий, Муҳаммад ибн Сирийн, Собит ал-Бунонийй каби олимлар ҳадис ривоят қилганлар. А.и.А.Л.нинг Умар, Усмон, Муоз ибн Жабал, Миқдод ибн Амр (р.а.)дан ҳадис ўргангани ҳақидаги хабарлар баҳслидир. Яҳё ибн Маъйин ва ал-Ижлий каби баъзи мунаққидлар уни *сиқа* деган бўлсалар, баъзилар зикр этилган мазкур тўрт *саҳоба*дан ҳадис эшитган ёки эшитмагани ҳақидаги тортишувлар оқибатида уни «لا بأس به» таъбири б-н *таъдил* ёки «ليّن الحديث» таъбири б-н *жарҳ* деганлар. А.и.А.Л.ни ўғли Муҳаммад б-н янглиштириб, Муҳаммаднинг ривоятларига оид баъзи танқидларни унга нисбат берганлар ҳам бўлган. Шу боис ривоятлари «*Кутуби ситта*»дан ўрин олган А.и.А.Л.нинг ҳадисларини зикр этишда жиддий аҳамият бериш кераклиги маълум бўлади.

Қироат илмида ҳам муҳим ўрин эгаллаган А.и.А.Л. бу илмни *арз йўли* б-н Али (р.а.)дан олган. *Сиқа ровий* ҳисобланган ўғли Исо айни усул б-н отасидан олган *қироат*ни укаси Муҳаммадга ўргатган. Муҳаммад ҳам *арз йўли* б-н *етти қироат* имомларидан бири Ҳамза ибн Ҳабибга *қироат ижоза*сини берган.

Али (р.а.) б-н бирга икки марта Мадоин (Сосонийлар давлатининг пойтахти) га сафар қилган А.и.А.Л. *Жамал*, *Сиффийн* ва *Наҳравон* жангларида Али (р.а.) нинг ёнида бўлган. *Жамал урушид*а Али (р.а.)га байроқдорлик қилган. Усмон (р.а.) тарафдорлари б-н ҳам яхши муносабатларни ўрнатган. Муовияга элчи сифатида жўнатилган. Ҳажжож ибн Юсуф замонида қисқа вақт Куфа қозиси лавозимига тайинланган.

Абдурраҳмон ибн ал-Ашъас 82/701 й. Ҳажжожга қарши уруш эълон қилганида кўплаб қори ва олимлар қаторида А.и.А.Л. ҳам Ибн ал-Ашъаснинг ёнида бўлган. Дайр ал-Жаможимда бўлиб ўтган жангдан олдин аскарларни руҳлантириш учун бир неча бор нутқ сўзлаган. Аксарият тарихчиларнинг фикрига кўра, А.и.А.Л. мазкур жангда ёки кейинчалик, Ибн ал-Ашъас ва Ҳажжож орасида бўлиб ўтган бошқа жангда ўлдирилган. 80–81/699–700 й.ларда Басрада ёки Дужайлда, бошқа бир ривоятга кўра, отидан йиқилиб, Фурот дарёсига тушиб ўлгани зикр қилинади.

*Тобеъин*ларнинг пешқадамларидан бўлган А.и.А.Л.нинг уйидан бир неча *Мусҳаф* нусхаси топилган. Ундан *саҳоба*лар ҳадис тинглаган. У нуфузли шахс, *фиқҳ* соҳасида ҳам етук олим бўлган.

Ад.: Ибн Саъд. *At-Табақāт*. VI, 109–113; *Муснад*. IV, 347–348; Яҳё ибн Маъйин. *At-Тарūх*. II, 356–357; III, 97, 144, 276; Ал-Бухорий. *At-Тарūх ал-кабūр*. V, 369; Ал-Ижлий. *Ас-Сиқāт*. 298; Абу Зуръа ад-Димашқий. *Тарūх*. – Дамашқ: 1980. I, 292, 541, 549; Вакийъ. *Ахбāр ал-қузāт*. II, 406–408; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. V, 301; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқāт*. V, 100–101; Ал-Хатиб. *Тарūх Бағдāд*. X, 199–202; Ибн Халликон. *Вафайāт*. II, 309; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. I, 58; ўша муал. *Тарūх ал-ислāм:* 81–100. 127–129; ўша муал. *Сийар*. IV, 262–267; Абдуссаттор аш-Шайх. *Аълāм ал-ҳуффāз ва-л-муҳаддисūн*. – Дамашқ: 1417/1997. III, 494–517; J. Schacht. *«Ibn Abī Laylā». EI² (İng.)*. III, 687; Hasan Yûsufî Eşkûrî. *«İbn Ebî Leylā». DMBİ*. II, 696, 697; Abdülvehhâb İbrâhim. *«İbn Ebî Leylâ». Mevsû'atü'l-hadâreti'l-İslâmiyye*. – Amman: 1993. 126–127; Tayyar Altıkulaç. *«Hamza b. Habîb». DİA*. XV, 511; Abdullah Aydinli. *«İbn Ebû Leylâ, Abdurrahman». TDV İA*. – İstanbul: 1999. XIX, 435–436.

Абдуллоҳ Айдинли

АБДУРРАҲМОН ИБН АВФ
عبد الرحمن بن عوف

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Авф ибн Абдулҳорис ибн Зуҳра ал-Қураший (тахм. 581, Макка – 32/652, Мадина)

Саҳоба



*Фил воқеаси*дан (571 й.) ўн йил кейин Маккада туғилган. *Жоҳилият* даврида исми Абду Амр, б. манбаларда Абдулкаъба бўлгани келтирилади. Исломни қабул қилганидан сўнг Пайғамбар (с.а.в.) томонидан исми Абдурраҳмон деб ўзгартирилган. А.и.А. узун бўйли, юзлари чўзинчоқ, яноқларига қизил югурган, хушрўй киши бўлиб, сочлари қулоқлари устида тушиб турган.

Ёшлик давриданоқ тижорат б-н машғул бўлган. *Жоҳилият* даврида ҳам шароб ичмаган ва гўзал ахлоқ соҳиби бўлиб танилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) ва оз сонли мусулмонлар Арқам ибн Абдуларқамнинг ҳовлисида йиғилмасларидан олдин, Абу Бакр (р.а.)нинг даъватлари б-н Исломни қабул қилган. У Исломга биринчи бўлиб кирган саккиз мусулмоннинг бири, шунингдек, ҳам Ҳабашистон, ҳам Мадинага *ҳижрат* қилган *саҳоба*лардан бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) у б-н *ансорий* Саъд ибн Рабиъ орасида биродарлик риштасини боғлаганлар.

У Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Бадр, Уҳуд, Хандақ* ва б. *ғазот*ларда иштирок этган. *Уҳуд ғазоти*да мусулмон аскарлари чекинишни бошлаган вақтда ҳам, А.и.А. матонат кўрсатиб, жанг майдонидан чиқиб кетмаган. Мазкур жангда кўп жароҳат олган. Ҳатто оёғидан олган жароҳати оқибатида оқсоқ бўлиб қолган. *Ҳижрат*нинг олтинчи й.ида (628 й.) Думат ал-жандалга қилинган сафарда Пайғамбар (с.а.в.) уни қўмондон қилиб тайинлаганлар.

Ғазотларда кўрсатган мардонаворликлари б-н бир қаторда, Аллоҳ йўлида мол-давлатини ҳам аямас эди. Бир куни Пайғамбар (с.а.в.) *саҳоба*ларга: «Қўшинни сафарга жўнатмоқчиман. Аскарларнинг қурол-яроғ ва озуқаси учун ёрдам қилинглар», дедилар. Бу чақириққа биринчи бўлиб А.и.А. жавоб берди. У ўз вақтида беш юз туяга юк ортилган катта бир карвонни бирдан эҳсон қилган, сахийлигидан бир кунда ўттизта қулни озод қила олган эди. Талҳа ибн Абдуллоҳ айтади: «Мадина аҳли Абдурраҳмон олдида қарздордир. Зеро, Абдурраҳмон уларнинг учдан бирига қарз берган, яна учдан бирининг қарзини тўлаб берган ва учдан бирига шундай хайр-эҳсон қилган».

Табук сафарида у имомлик қилган бир *намоз*да Пайғамбар (с.а.в.) ҳам унга иқтидо қилганлар. Бу б-н у ҳам Абу Бакр (р.а.) каби Расулуллоҳ (с.а.в.)га имомлик қилиш мартабасига эришган. Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида Ул Зотни қабрга қўйишда иштирок этган тўрт *саҳоба*дан бири А.и.А. бўлган.

Абу Бакр (р.а.)нинг халифалик даврида унга маслаҳатчи бўлган. Шу боис Абу Бакр (р.а.) ўлими олдидан ўз ўрнига Умар (р.а.)ни халифа қилиб тайинлаш ҳақидаги фикрини аввал унга айтган. А.и.А. Умар (р.а.)нинг халифалик даврида ҳам мазкур вазифасини давом эттиради. *Саҳоба*лар халифага айта олмаган масалаларни унинг воситасида етказар

эдилар. Умар (р.а.)га яқинлиги сабабидан вақти-вақти б-н кечалари Мадина кўчаларида биргаликда осойишталикни кузатар эдилар. Ўша даврларда А.и.А. *ҳаж* амирлиги ва *байтулмол* муҳофазаси вазифасини ҳам бажарган. Халифа Умар (р.а.) мажусий бир қул томонидан жароҳатланганидан сўнг, А.и.А.ни имомликка ўтказади ва ўзидан кейин келадиган халифани тайинлайдиган олти кишилик гуруҳга А.и.А.ни ҳам қўшади. Халифаликка Усмон ва Али (р.а.)дан ташқари унинг ҳам номзоди қўйилган бўлса-да, номзодликдан воз кечади ва халифа тайинлаш ваколатини сақлаб қолади. Гуруҳ аъзолари б-н алоҳида-алоҳида суҳбатлашгани каби, уч кеча-кундуз давомида қўшин қўмондонлари, қабила улуғлари, эркагу аёл, Мадина халқи ва ташқаридан келганлар б-н ҳам жамоавий, ҳам алоҳида, очиқ ва яширин ҳолда кўришиб, уларнинг фикрини ўрганганидан сўнг, Усмон ибн Аффон (р.а.)ни халифа деб эълон қилади. Усмон (р.а.) халифалиги даврида ҳам маслаҳатчи ва *ҳаж* амирлиги вазифаларида қолган А.и.А., халифага вақти-вақти б-н керакли кўрсатмалар бериб турган.

Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)лар даврларида *фатво* бериш ҳуқуқига эга бўлган ва «ўрта даражада фатво берган *саҳоба*лар»дан (*мутавасситун*) ҳисобланган.

А.и.А. етмиш беш ёшида Мадинада вафот этган. Ўзининг васиятига кўра жаноза *намоз*ини Усмон (р.а.) ўқиган ва *Бақиъ қабристон*ига дафн қилинган.

Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилишда ўта эҳтиёткор бўлганлиги сабабли, кўп ҳадис ривоят қилмаган. Манбалардаги маълумотларга кўра, ундан олтмиш бешта ҳадис ривоят қилинган.

Ад.: Ибн Ҳазм. *Жавамиъ ас-сийра.* – Қоҳира: 1956. 162, 279; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъаб.* – Қоҳира: 1328. II, 393–398; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1285–87. III, 313; Муҳиб ат-Табарий. *Ар-Риййаз ан-надира фи манақиб ал-ъашара.* – Байрут: 1405/1984. IV, 303–319; Ahmet Onkal. *«Abdurrahman b. Avf». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 157–158. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ҳадис ва ҳаёт.* – Т.: «Шарқ», 2011. XXIII, 139–179; *101 улуғ саҳобий.* – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 115.

Жамолиддин Каримов

АБДУРРАҲМОН ИБН АЛ-АСВАД

عبد الرحمن بن الأسود

Абу Ҳафс Абдурраҳмон ибн ал-Асвад ибн Язид ибн Қайс ан-Нахаий ал-Куфий (? – 99/717, ?)

Фақиҳ, тобеъин

Аҳли сунна вал-жамоа олимларидан. Халифа Умар (р.а.) б-н кўришган. Ойша, Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) каби *саҳоба*лардан, амакиси Алқама ибн Қайс (р.а.), шунингдек, отаси Асвад ибн Язид ва б. баъзи *тобеъин*лардан ҳадис ўрганган ва ривоят қилган. Ривоятлари *«Кутуби ситта»*нинг барчасига киритилган. Шу жиҳатдан ривоятлари *«Кутуби ситта»*нинг баъзиларидан ўрин олган бошқа икки Абдурраҳмон ибн ал-Асваддан ажралиб туради. А.и.ал-А.дан Абу Исҳоқ Амр ибн Абдуллоҳ ас-Сабиий, Абу Исҳоқ аш-Шайбоний ва Сулаймон ибн Миҳрон ал-Аъмаш, Исмоил ибн Абу Холид, Зубайд ал-Ёмий, Абдурраҳмон ал-Масъудий ва б. ҳадис ривоят қилганлар. Аҳмад ибн Маниъ, Яҳё ибн Маъийн, ан-Насоий, Ибн Ҳиббон каби буюк ҳадис мунаққидлари томонидан *сиқа* деб эътироф қилинган.

Ад.: Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53; Аз-Заҳабий. *Сийар.* V, 11–12; İsmail L. Çakan. *«Abdurrahman b. Esved». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 161; https://ar.wikipedia.org/wiki.

Тузувчи Маъмуржон Абидов

АБДУРРАҲМОН ИБН БИШР

عبد الرحمن بن بشر

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Бишр ибн ал-Ҳакам ал-Абдий ан-Найсобурий (тахм. 180/796, ? – 260/873-74, ?)

Ҳадис ҳофизи

Абдурраҳмон ибн Бишр атоқли *муҳаддис*лардан ҳисобланиб, ундан отасининг

шогирдлари бўлган Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Хузайма каби машҳур *муҳаддис*лар ҳамда Абу Бакр ибн Абу Довуд, Ибн Саъид, Абу Авона ал-Исфаройиний, Абу Ҳомид ибн Билол, Маккий ибн Аднон, Абу Муҳаммад ал-Жоруд ва б.лар ривоят қилганлар. А.и.Б. гўзал овоз соҳиби бўлгани, Қуръони каримни чиройли *қироат* қилиши б-н ҳам танилгани манбаларда зикр қилинган. Маккий ибн Аднондан ривоят қилинишича, Нишопур амири Абдуллоҳ ибн Тоҳир унинг *қироат*ини тингламоқ учун оқшомлари қиёфасини ўзгартириб, у имомлик қилган масжидга келарди.

А.и.Б. ривоятлари «*Саҳиҳ ал-Бухорӣ*», «*Саҳиҳ Муслим*» ҳамда Абу Довуд, ан-Насоий ва Ибн Можаларнинг «*Сунан*»ларидан ўрин олган. Унга Ибн Ҳиббон, Ибн Абу Ҳотим каби ҳадис олимлари томонидан *сиқа ровий* сифатида таъриф берилган. Узоқ умр кўрган А.и.Б.нинг ҳузурига ривоят қилган ҳадисларини тингламоқ учун кўплаб ҳадис олимлари келганлар.

А.и.Б.нинг отаси Бишр ибн Ҳакам (ваф. 238/852-53 й.) ҳам *зоҳид, фақиҳ, сиқа* сифатлари б-н танилган кишилардан эди. У Молик ибн Анас ва Фузайл ибн Иёзнинг шогирди бўлган. Бишр ибн Ҳакамнинг қувваи ҳофизаси ўғлиникидан кучли бўлган ва ривоят этган ҳадислари ҳам кўпроқдир. Ҳадис ўрганиш ва таълими учун борган ўлкаларга ҳали балоғатга етмаган ўғли Абдурраҳмон ибн Бишрни ҳам олиб борган ва унинг буюк олимлардан ҳадис ўрганишини таъминлаган. Яманда балоғат ёшига етган А.и.Б. отасининг ва бобосининг устози бўлган Суфён ибн Уяйнадан, шунингдек, Исмоил ибн Улайя, Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон, Вакийъ ибн ал-Жарроҳ, Баҳз ибн Асад, Абдурраззоқ ибн Ҳаммом, Яъло, Абдуллоҳ ибн ал-Валид ал-Аданий, ал-Ҳусайн ибн ал-Валид ан-Найсобурий, Али ибн ал-Ҳусайн ибн Воқид, Ҳафс ибн Абдуллоҳ, Ҳафс ибн Абдурраҳмонлардан таълим олган ва ҳадис ривоят қилган. Яҳё ал-Қаттон ўз ўғлидек кўрган А.и.Б.ни бир дарсида шогирдларига ибрат қилиб кўрсатиб, унинг ўта закий эканини айтади ва ундан ривоят қилинган ҳар бир хабарни иккиланмай қабул қилишларини тавсия қилади.

Ад.: Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдӣл*. – Ҳайдаробод. 1371–73/1952–53, – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя». V, 215; Ал-Хатиб. *Тарӣх Бағдад*. – Қоҳира. 1349/1931, – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя». X, 271–272; Миззий. *Таҳзӣб ал-камӑл*.– Байрут. 1405/1985. IV, 114–117; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XII, 340–344; Ибн Ҳажар. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб*. VI, 144–145; M. Yaşar Kandemir. *«Abdurrahman b. Bişr»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 158.

Тузувчи Каримулло Мирзаахмедов

АБДУРРАҲМОН ИБН ЗАЙД

عبد الرحمن بن زيد

Абдурраҳмон ибн Зайд
ибн ал-Хаттоб ал-Қураший
(5/626 – Макка – 71/690)

Саҳоба

Ёш *саҳоба*лардан бўлган Абдурраҳмон ибн Зайд (р.а.) Умар (р.а.)нинг укаси Зайднинг ўғлидир. Она томонидан бобоси Абу Лубоба уни Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳузурларига олиб борган. Пайғамбар (с.а.в.) А.и.З.нинг танглайини кўтарганлар ва унинг ҳаққига барака тилаб дуо қилганлар. Узун бўйли ва хушсурат йигит бўлиб етишган А.и.З.ни Умар (р.а.) укаси Зайд-



га ўхшаш бўлгани учун жуда ҳам яхши кўрарди. Шу боис уни қизи Фотима б-н никоҳлаб, ўзига куёв қилган. Умар (р.а.) халифалик даврида фарзандли бўлган, унга Муҳаммад деб исм қўйган. Умар (р.а.) бир киши А.и.З.нинг ўғли Муҳаммадни ҳақорат қилаётганини эшитиб, «Мен тириклигимда ҳеч ким сени Муҳаммад деб чақирмайди», деб исмини Абдулҳамид деб ўзгартирган. А.и.З. Язид ибн Муовия томонидан Макка ҳокимлигига тайинланган ва узоқ муддат бу вазифада фаолият олиб борган. Бироқ Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг тарафдори экани маълум бўлгач, вазифасидан озод этилган.

Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида А.и.З. олти ёшда бўлган. Шунинг учун у Пайғамбар (с.а.в.)дан тўғридан-тўғри ҳадис ривоят қилмаган. Ҳадисларни кўпроқ отаси, амакиси Умар, Ибн Масъуд (р.а.) ва б. *саҳоба*лардан ривоят қилган. Унинг ўзидан ўғли Абдулҳамид, ал-Ҳусайн ибн Ҳорис ал-Жадалий ва Солим ибн Абдуллоҳлар ривоят қилганлар.

А.и.З. Абдуллоҳ ибн Зубайр даврида Маккада вафот этган.

Ад.: Ибн Саъд. *At-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1388/1968. V, 49–51; Имом ан-Насоий. *Сийāм.* 8; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб.* – Қоҳира: 1328. II, 425; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1285–87. III, 450; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. III, 69.

Тузувчи Жамолиддин Каримов

АБДУРРАҲМОН ИБН ИБРОҲИМ

عبد الرحمن بن إبراهيم

(қ. ДУҲАЙМ)

АБДУРРАҲМОН ИБН КАЪБ АЛ-АНСОРИЙ

عبد الرحمن بن كعب الأنصارى

Абу Лайло Абдурраҳмон ибн Каъб ибн Амр ибн Авф ибн Мабзул ибн Амр ал-Ансорий ал-Мозиний

(? – 24/644–45, ?)

Саҳоба

Абдуллоҳ ибн Каъбнинг укаси. Онаси ар-Рабоб бинт Абдуллоҳ ибн Ҳабиб. Ас-ламлик Бурайдадан Салама исмли фарзанд кўрган. Фақирлиги сабабидан *Табук ғазоти*га қатнаша олмай изтиробга тушган. *«Тавба» сурасид*аги 92-оят йўқсиллиги сабабли *Табук*да иштирок эта олмаган етти киши ҳақида нозил бўлган. Ибн Ҳиббон томонидан ал-Ҳарроний нисбаси б-н зикр этилган бўлса-да, барча манбаларда *Бани Мозин қабиласи*га нисбат берилиб, ал-Мозиний деб тилга олинади. *Бадр*, *Уҳуд*, *Хандақ ғазотлари* ва б. барча жангларда қатнашган. *Ҳижрат*нинг учинчи йили рабиъул-аввал ойида бўлиб ўтган *Бани Назир ғазоти*да Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан Абдуллоҳ ибн Салом б-н бирга *Бани Назир* яҳудийларига тегишли хурмоларни кесишга тайинланган.

Умар (р.а.) халифалик даврининг охирларида вафот этган. Вафот этган жойи маълум эмас.

Ад.: Ибн Саъд. *At-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1388/1968. II, 165; Ибн Ҳиббон. *Китāб ас-сиқāт.* – Ҳайдаробод: 1393–99/1973–79. I, 243; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб.* – Қоҳира: 1328. II, 398–399; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 490; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1390–92/1970–72. IV, 350; Mücteba Uğur. «*Abdurrahman b. Kā'b el-Ensārî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 167.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУРРАҲМОН ИБН МАҲДИЙ

عبد الرحمن بن مهدى

Абу Саъид Абдурраҳмон ибн Маҳдий ибн Ҳассон ал-Анбарий ал-Басрий ал-Луълуий

(135/752, ? – 198/813–14, Басра)

Табаъа тобеъин, ҳадис ҳофизи ва фиқҳ олими

Марварид тижорати б-н шуғулланган учун ал-Луълуий нисбаси б-н ҳам зикр қилинади. Таҳсилини Қуръони каримни ёд олиш б-н бошлаган. *Қироат* илмини ўрганганидан сўнг, ўз даврининг машҳур олимлари мажлисларига қатнайди. Абу Омир Абдулмалик ал-Ақадийнинг тавсиясига кўра, ўн беш ёшидан ҳадис илмини ўрганишни бошлайди.

Шуъба, Молик ибн Анас, Суфён ибн Уяйна, Суфён ас-Саврий, Ҳаммод ибн Зайд, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Можишун каби ҳадис ва *фиқҳ* олимларидан таълим олади. Ундан Аҳмад ибн Иброҳим Даврақий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Абдурраҳмон ибн Умар, Абу Убайдулқосим, Яҳё ибн Маъйин, Али ибн Мадиний, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Муҳаммад ибн Яҳё Зуҳалий каби машҳур олимлар ҳадис ривоят этганлар.

А.и.М. 796 й.да Бағдодда яшайди. У ерда илм таълими ва ҳадис ривояти б-н машғул бўлади. Унинг қувватли ҳифз соҳиби, эҳтиёткор ва ишончли *муҳаддис* бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ёзишдан кўра кўпроқ ёдлашга аҳамият берган. 20000 ҳадисни ёддан ёздиргани тўғрисидаги ривоят муболағали бўлса-да, унинг хотирасини қандай бўлганини билишда аҳамиятлидир. Ҳадиснинг маънолари эмас, балки уни сўзма-сўз, лафзма-лафз ривоят этилиши тарафдори бўлган. Аҳмад ибн Ҳанбал у ҳақда «номаълум бир ровийдан келтирилган ривояти бўлса, у ҳам ҳужжатдир» деган. Имом аш-Шофеъий ва Али ибн ал-Мадинийлар ҳадис илмида у каби олимни кўрмаганларини эътироф қилганлар. У ҳадис илми ва уни ривоят қилиш йўлларини билимдони бўлган Басра *муҳаддис*ларининг ҳолларини энг яхши билган ҳадис ҳофизи сифатида танилган. Оқибатда шуҳрати ҳар томонга ёйилиб, унинг Бағдодда ўтказган илм мажлисларига рағбат кучайган.

А.и.М. фиқҳда *Моликий мазҳаби*да бўлган. Имом Моликдан *фиқҳ*, ҳадис ва рижол илмини ўрганган. Зеро, ўз даврида қозилик унвонига ундан кўра лойиқ кимса топилмагани *фиқҳ*да ҳам пешво эканига етарли далил бўла олади.

А.и.М. *муътазила* ва *жаҳмийя* фирқаларининг Аллоҳ сифатлари борасидаги тортишувларига қаттиқ қаршилик кўрсатган. У мусулмонлар орасида фитнага сабаб бўладиган фикр-мунозараларнинг олдини олишда Қуръон ва *саҳиҳ* ҳадисларга асосланган. А.и.М. ҳар кеча Қуръони каримнинг ярмини тиловат қилиб, ҳар икки кунда бир маротаба уни тўлиқ хатм қилган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. VII, 297; Ал-Бухорий. *Ат-Тарūх ал-кабūр*. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. V, 354; ўша муал. *Ат-Тарūх ас-сағūр*. – Қоҳира: 1396–97/1976–77. II, 285; Ибн Абу Хотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. V, 288; Ал-Хатиб. *Тарūх Бағдāд*. – Қоҳира: 1349/1931. X, 240; Ибн ал-Жавзий. *Сифā ас-сафва*. – Ҳалаб: 1969–73. IV, 5–7; Ибн ал-Асир. *Ал-Лубāб*. – Қоҳира: 1357–69. III, 135; Аз-Заҳабий. *Сийар*. IX, 192–208; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58. I, 329; Ибн Ҳажар. *Тақрūб ат-таҳзūб*. – Қоҳира: 1380. I, 499; ўша муал. *Таҳзūб ат-таҳзūб*. VI, 279; Ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз*. – Қоҳира: 1393/1973. 139; Ал-Хазражий. *Хулāса таҳзūб*. – Байрут: 1399/1979. 235; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. – Қоҳира: 1350–51. I, 355 Mûcteba Uğur. *«Abdurrahman b. Mehdî». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 167–168.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУРРАҲМОН ИБН МИЛ

عبد الرحمن بن مل

(қ. АБУ УСМОН ан-НАҲДИЙ)

АБДУРРАҲМОН ИБН МУОВИЯ

عبد الرحمن بن معاوية

Абу Муовия Абдурраҳмон ибн Муовия ибн Худайж ал-Киндий ат-Тужийбий (? – 95/714, ?)

Умавийлар даврида Мисрда қозилик қилган тобеъин

Мисрнинг пешқадам олимларидан бўлган. 86 й. рабиъул-аввал/705 й. нинг март ойида Авс ибн Абдуллоҳ ибн Атийядан кейин Миср қозиси бўлган. Бир вақтнинг ўзида шурта (миршаблик) ташкилотининг бошқаруви ҳам унга топширилган. Кейинчалик ҳам қозилик б-н шурта ташкилотини бир ўзи бошқарган. А.и.М. етимларнинг моллари б-н шахсан шуғулланган илк қози ҳисобланади. Ҳар бир қабиладаги етимларнинг молларини идора қилиш

вазифасини ўша қабила раисига топширган ва бунинг учун алоҳида қайд дафтари тутишни йўлга қўйган. Бу иш ўша даврдан эътиборан узоқ муддат давом этган. Бир муддатдан сўнг қозилик вазифасини топширади. Бироқ 91/709-10 й.да Искандарияда яна шурта ташкилотининг раҳбари этиб тайинланади. Ҳадис ривоятида *сиқа* деб қабул қилинган А.и.М., Абу Суфённинг отаси, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ва Абу Басра ал-Ғифорий (р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Унинг ўзидан Воҳиб ибн Абдуллоҳ, Уқба ибн Муслим, Язид ибн Абу Ҳабиб, ал-Ҳасан ибн Савбон, Саъид ибн Рошид ва Сувайд ибн Қайс кабилар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.М.нинг онаси Салтийс мисрлик қибтий бўлган. Фарзанди Абдулвоҳид ҳам қозилик ва шурта ташкилотига раҳбарлик қилган. Ундан ташқари Абдуллоҳ, Муҳаммад, Қутайра Абу Баҳрия каби фарзандлари бўлган.

Ад.: Абу Умар ал-Киндий. *Китāб ал-вулāт ва китāб ал-қузāт.* – Лейден: 1912. 53, 58, 324–326; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Қоҳира: 1373–78/1954–59. IV, 113; Fahreddin Atar. *İslâm Adliye Teşkilâtı.* – Ankara: 1979. 106, 108; Mustafa Baktır. *«Abdurrahman b. Muâviye». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 168.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБДУРРАҲМОН ИБН МУҲАММАД ИБН АЛ-АШЪАС

عبد الرحمن بن محمد بن الأشعث

(қ. ИБН ал-АШЪАС, Абдурраҳмон ибн Муҳаммад)

АБДУРРАҲМОН ИБН МУҲАММАД ИБН ХАЛДУН

عبد الرحمن بن محمد بن خلدون

(қ. ИБН ХАЛДУН)

АБДУРРАҲМОН ИБН МУҲАММАД АЛ-ҲОШИМИЙ

عبد الرحمن بن محمد الهاشمي

(қ. ИБН АБДУССАМИЪ)

АБДУРРАҲМОН ИБН ОИЗ

عبد الرحمن بن عائذ

Абу Абдуллоҳ Абдурраҳмон ибн Оиз ал-Аздий ас-Сумолий (? – 83/702 й.дан сўнг, ?)

Муҳаддис, тобеъин

Манбаларда ал-Киндий, ал-Ҳимсий, ал-Яҳсубий, ас-Сумолий (ас-Сумоний) нисбалари б-н танилган Абдурраҳмон ибн Оиз (р.а.), баъзи биографларнинг фикрича *саҳоба* ҳисобланса-да, аслида *тобеъин*лардан бўлган буюк олимдир. Ишончли *ровий* деб тан олинган. Умар, Али, Муоз ибн Жабал, Абу Зарр, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Ирбоз ибн Сория (р.а.)лар каби кўплаб *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Шомликларнинг одатига кўра, Пайғамбар (с.а.в.) ва баъзи *саҳоба*лардан шахсан ривоят қилган *мурсал* ривоятлари ҳам бор. Маҳфуз ибн Алқама, Симок ибн Ҳарб, Сафвон ибн Амр, Яҳё ибн Жобир ва б.лар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.О. Ҳажжожга қарши курашган Ибн ал-Ашъас қўмондонлигидаги қўшин таркибида бўлган (702 й.) ва *Жаможим* можаросида асир олинган. Ҳажжож ҳузурига олиб келинганида, Ҳажжож ундан кечани қандай ўтказганини сўрайди. У: «Аллоҳ ҳам, шайтон ҳам, ўзим ҳам истамаган ҳолатда ўтказдим», дейди. Ҳажжожнинг «бу нима деганинг?» – деган саволига у: «Аллоҳ кечани ибодат б-н ўтказишимни истарди, мен бажара олмадим. Шайтон фосиқ ва динсиз ҳолда ўтказилган кечани орзу қиларди, мен уни ҳам қилмадим. Мен эса озодликда, оила аъзоларим б-н бирга бўлишни истардим, у ҳам бўлмади», деб жавоб қилади. Шундан сўнг, Ҳажжож уни озод қилади. Ан-Насоий томонидан ишончли деб қабул қилинган А.и.О.нинг ривоятлари тўрт машҳур «*Сунан*»дан жой олган. А.и.О.нинг қаерда ва қачон вафот этгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ундан кўп китоблар қолган. Ҳимсликлар унинг китобларида *аҳком*га доир ҳадис топсалар,

унга бўлган ҳурмат ва ишончларидан ҳадисни масжид эшигига осишга ҳаракат қилардилар.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. V, 324–325; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. Байрут: V, 270; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 464; Аз-Заҳабий. *Сийар.* IV, 487–489; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба.* Қоҳира: 1328. II, 405; III, 151; ўша муал. *Таҳзйб ат-таҳзйб.* VI, 203–204.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУРРАҲМОН ИБН РАБИЪА

عبد الرحمن بن ربيعة

(қ. ал-БОҲИЛИЙ, Абдурраҳмон ибн Рабиъа)

АБДУРРАҲМОН ИБН РУСТАМ

عبد الرحمن بن رستم

(? – 167/784 ёки 170/787, ?)

Мағрибда ибодийя таълимотининг имоми

Шимолий Африкадаги *ибодийя*нинг беш имомларидан бири. Шимолий Жазоирда 160/777 й. *рустамийлар* деб номланган теократик давлатга асос солган. *Ибодийя* таълимотининг Абдуллоҳ ибн Ибоддан кейинги энг таниқли имоми сифатида эътироф этилади.

Абдурраҳмон ибн Рустамнинг насл-насаби ҳақида манбаларда маълумотлар оз. Уларда қайд этилишича, у асли форс миллатига мансуб бўлиб, ўша даврда Мағрибнинг муқаддас шаҳри ҳисобланган Қайравонда ўсиб вояга етган. Унинг Мағрибдаги *ибодийлар* имомлиги лавозимини ўғли Абдулваҳҳоб ибн Абдурраҳмон давом эттирган. А.и.Р.нинг Урва исмли қизи бўлган ва қизини *мидрорийлар* давлатининг бўлажак ҳукмдори ал-Мунтасир ал-Мидрорга никоҳлаб берган. Бу никоҳдан ўз отасини тахтдан ағдариб вақтинчалик *мидрорийлар* давлатига ҳукмдорлик қилган Абдурраҳмон Маймун туғилган.

132/750 й. Африкада *хорижийлар*нинг қўзғолони бостирилгандан кейин Ироқдаги *ибодийлар*нинг марказий кенгаши ўзларининг Мағрибдаги элчисига мағриблик кўзга кўринган *ибодий* имомларидан бештасини танлаб олиб, уларни келажакда *ибодий* жамоаларига раҳбарлик қила олишлари учун яхшилаб ўқитиш ва малакаларини ошириш мақсадида Басрага жўнатишларини буюрадилар. Натижада келажакда «ибодийя таълимотини тарқатувчи бешлик» деган мақомга сазовор бўлган бешта *ибодий*лар Басрага юборилади. Улар орасида А.и.Р. б-н Абу-л-Хаттоб ҳам бор эди. Улар Басрада беш йилча таълим олиб Басрадаги *ибодийя* имоми Абу Убайд Муслимнинг хонадонида махфий яшайдилар ва 137/755 й. Триполитанияга (ҳоз. Ливиянинг ўрнида жойлашган қадимий давлат. У Лептис, Магна, Сабрата ва Эя (Эа, Триполи) ш.ларидан иборат бўлган ва финикийлар томонидан асос солинган) қайтиб келадилар. Триполитанияга қайтиш чоғида Абу-л-Хаттоб 138/756 й. *ибодий*ларнинг бутун Мағрибдаги биринчи (асосий) имоми этиб тайинланади ва бир оз вақтдан кейин Триполи ш.ни қўлга киритади. Шундан сўнг, 140/758 й. июнда Абу-л-Хаттоб *ибодий*лар қўшини б-н Қайравон ш.ни қўлга олади. У Қайравондан то Тунисгача бўлган ҳудудларга А.и.Р.ни ўзининг ўринбосари этиб тайинлайди. Лекин орадан кўп ўтмай, 143/761 й. авг. да *аббосийлар*нинг Мисрдаги волийси Муҳаммад ибн Ашъас Қайравон ш.ни халифаликка қайтариб олади. Бу жангда Абу-л-Хаттоб ҳалок бўлади. А.и.Р. эса Қайравондан қочишга муваффақ бўлади ва қадимий Римга қарашли бўлган Тиарет ш. яқинида Тохарт деган шаҳарни қуради. Бу шаҳар кейинчалик *ибодийлар*нинг сиёсий ва диний марказига айланади. Бунда А.и.Р.га ўз даврида *аббосийлар*га қарши кураш олиб бораётган *Барбар қабиласи* ёрдам беради. Ибн Халдуннинг таъкидлашича, А.и.Р.га асли *ламай*, *луват*, *нафзав* қабилаларидан бўлган барбарлар қўшилиб *аббосийлар*га қарши жанг қилган. 147/765 й. А.и.Р. кўп сонли

барбарлардан ташкил топган жангчилар б-н Қайравондаги *аббосийлар*га қарши юриш қилади, лекин бу юришда у мағлубиятга учрайди. 154/771 й. А.и.Р. ўн беш минг барбар аскарлари б-н Тобн ш.га юриш қилади, бироқ мағлуб бўлиб, Тохарт ш.га қайтишга мажбур бўлади. Шундан сўнг, А.и.Р. тарафдорлари уни Қайравон ш.ни *ибодий*лар маркази қилиш фикридан қайтариб, Тохарт ш.ни *ибодий*ларнинг маданий ва маънавий марказига айлантиришга кўндирадилар.

155/772 й. Африкада халифанинг янги вакили Язид ибн Ҳотим *ибодий*лардан «ҳимоячи-имом» унвонини олган *хорижий* Абу Ҳотим бошчилигидаги барбарлар қўшинини яксон қилади ва *ибодий*ларни ҳозирги Тунис давлати ҳудудидан қувиб чиқаради. Натижада Қайравон ш.дан *ибодий*лар буткул умидларини узадилар.

Лекин бундай талафотлар А.и.Р.нинг фаолиятига унчалик таъсир ўтказмайди. Уни 161/778 й. *ибодий*лар Мағрибда ўзларининг бош имомлари этиб тайинлайдилар. Бу ҳозирги Жазоирнинг шим. қисмида *рустамийлар* деб номланган теократик давлат пайдо бўлишига асос бўлган. Имомликка розилик берган А.и.Р. ўз атрофидаги барча яқин кишиларни унинг буйруқ ва амрларига сўзсиз итоат қилишлари учун Аллоҳнинг номи б-н қасам ичишларини талаб қилади. *Ибодий*ларнинг айнан А.и.Р.ни имом этиб сайлаганларига сабаб шуки, А.и.Р. маҳаллий аҳоли вакили бўлмаган ва четдан келган. Шу сабабли, маҳаллий қабилалар ўртасида қандайдир зиддият келиб чиққан ҳолда у ўз қабиласига ён боса олмай, адолат б-н иш тутишини хоҳлаганлар. Ибн ас-Сағирнинг таъкидлашича, А.и.Р. қабилалар раҳбарлари б-н ўзаро қарама-қарши сулҳ тузган. Унга кўра, А.и.Р. имоматни адолат б-н бошқарган тақдирда улар унга итоат қилишлари лозим эди.

Ибодийя таълимотидаги диний кўрсатмаларга мувофиқ, А.и.Р. жуда камтарона ҳаёт кечирган. Тохартдаги *ибодий*лар жамоаси дастлаб жуда қашшоқ ҳаёт кечира бошлайдилар. Натижада Ироқ *ибодий*лари Тохарт аҳолисига моддий ёрдам юборишга қарор қиладилар. Манбаларда сақланиб қолган маълумотларга кўра, ироқлик элчиларнинг Тохартда А.и.Р. ҳузурига кириб келганларида у лойдевордан қурилган уйининг айвонини таъмирлаётган эди ва ишини тугатмагунича уларга муомала қилмай ўз ишида давом этади. Ишни тугатгач, А.и.Р. нарвондан тушиб элчиларни кулча нон ва иссиқ думбали таом б-н сийлайди. Элчиларнинг таъкидлашича, унинг ҳужрасида оддий теридан тўшалган ўрин ва ёстиқ бор эди, холос. Бошқа ҳужрада эса, унинг минадиган оти бор эди. Элчилар олиб келган егуликларни А.и.Р. кенгаш тузиб, кенгашнинг тавсияси б-н аҳолига тақсимлаб беради. Шундан сўнг, бир қанча вақтдан кейин Ироқдан яна бир гуруҳ элчилар егулик ва совға-саломлар б-н келганларида, унинг аҳолиси қашшоқ даражада эмаслигини таъкидлаб совға-саломларни қайтариб юборади.

А.и.Р. Тохарт ш.нинг иқтисодини ривожлантириш б-н бир қаторда унинг хавфсизлигини ҳимоя қилишда ҳам катта хизмат кўрсатган. У 170/787 й. *аббосийлар* б-н тинчлик сулҳини тузишга муваффақ бўлган.

Ад.: Абу-л-Фатҳ Шаҳристоний. *Ал-Милал ва-н-ниҳал.* – Дамашқ: «Ал-Мактаба ал-асрийя», 2000. II; Али-заде, Айдын Ариф оглы. *Хроника Мусульманских государств I-VII веков хиджры.* 2-е, испр. и доп.. – М.: «Умма», 2007; Босворт, Клиффорд Эдмунд. *Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии* / Пер. с англ. П.А. Грязневича, отв. редактор И.П. Петрушевский. – М.: «Наука», 1971; Жюльен, Шарль-Андре. *История Северной Африки. Тунис. Алжир. Марокко. От арабского завоевания до 1830 года* / Пер. с французского А.Е. Аничковой. – М.: «Издательство иностранной литературы», 1961; Фильштинский И. М. *История арабов и Халифата* (750-1517). 3-е, испр. и доп.. – М.: АСТ: «Восток-Запад», 2008; М.В. Чураков. *Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма.* – М.: «Наука», 1990.

Саидмухтор Оқилов

АБДУРРАҲМОН ИБН САЙҲОН
عبد الرحمن بن سيحان
(қ. АБУ АҚИЙЛ АЛ-АНСОРИЙ)

АБДУРРАҲМОН ИБН САМУРА
عبد الرحمن بن سمرة

Абу Саъид Абдурраҳмон ибн Самура ибн Ҳабиб ибн Абдушамс ал-Қураший ал-Абшамий
(? – 50/670, Басра)
Саҳоба

*Макка фатҳи*да мусулмон бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) афв этган *қурайш*ликлардан бири. Исломдан аввал исми Абду Кулол (ёки Абдулкаъба) бўлган. Манбаларда онасининг исми – Арво бинт Абу-л-Фаръа деб келтирилган. Абу Нуайм унинг Убайдуллоҳ исмли ўғли бўлганини қайд этган. Исломни қабул қилгач, Пайғамбар (с.а.в.) унга Абдурраҳмон деб исм берганлар (*ал-Исāба*). Аз-Зубайр ибн Бакор ва Мусайяб аз-Зубайрийлар унинг нисбасига «Рабиъа» исмини қўшганлар. *Муъта сафари* ва *Табук ғазоти*да қатнашган.

*Ироқ фатҳи*да, шунингдек, Хуросон ерларини *фатҳ* этишда иштирок этган. Басра волийси Абдуллоҳ ибн Омир томонидан Рабиъ ибн Зиёднинг ўрнига Сижистон волийлигига тайинланган (33/653-54 й.). А.и.С. қўшини б-н Сижистонга келган бир гуруҳ дин олимлари маҳаллий халққа Ислом асосларини ўргатганлар.

Муовия (р.а.) халифа бўлганидан сўнг Абдуллоҳ ибн Омирни яна Басрага волий қилади. А.и.С.ни эса катта қўшин б-н Сижистонга сафарга юборади (42/662 й.). У ҳижрий 43/663 й.да Раххаж ва Зобалистонни *фатҳ* қилади. Бир ой давом этган исканжадан сўнг, Кобул ш.ни ҳам қўлга киритади. Муваффақиятлари туфайли Муовия томонидан Сижистон волийлигига тайинланади. Муовия (р.а.) 45/665 й. Ибн Омирни, 46/666 й.да А.и.С.ни волийлик вазифасидан озод қилади. Ундан кейин Рабиъ ибн Зиёд волий бўлган. Вазифасидан олингандан сўнг Басрага қайтган А.и.С. беш йил ўтиб, ўша ерда вафот этади (*Усд ал-ғāба*). Марвда вафот этганини ҳамда вафот тарихи 51 ҳиж. йил эканлигини хабар қилувчи маълумотлар ҳам учрайди. Жаноза *намоз*ини Зиёд ибн Абу Суфён, баъзи хабарларда Зиёд ибн Абийҳ (р.а.)лар адо қилган.

«Усд ал-ғāба» муаллифи Ибн ал-Асир: «Ёмғирли кунда устида қалин қалпоқли ридосини кийиб, қўлига супурги олиб йўлни тозаларди» деб, А.и.С.ни ўта камтар ва тавозеъли шахс бўлганини зикр қилган.

А.и.С. тўғридан-тўғри Пайғамбар (с.а.в.) ва Муоз ибн Жабал (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Жумладан: «Эй Абдурраҳмон ибн Самура! Ҳеч қачон раёсатни истама. Агар у сенга истагингсиз берилса, Аллоҳ сенга мададкор бўлади. Агар истагинг туфайли сенга раёсат берилса, истаган нарсанг б-н ёлғиз қолдириласан. Аллоҳнинг мададига эриша олмайсан. Шунингдек, бир ишни хайрли деб кўрсанг, ўша хайрли бўлган ишни қил!» мазмундаги ҳадиснинг мухотаби ҳамда *ровий*си сифатида шуҳрат қозонган. А.и.С. ривоят қилган ўн тўртта ҳадиснинг учтаси *«Саҳīҳ ал-Бухāрī»* ва *«Саҳīҳ Муслим»*ларда, иккитаси эса, фақат *«Саҳīҳ Муслим»*дан, биттаси Термизийнинг *«Сунан»*идан ўрин олган. А.и.С.дан Абдуллоҳ ибн Аббос, Ҳассон ибн Коҳил, Ҳайён ибн Умар, Ҳумайд ибн Ҳилол, Саъид ибн Мусайяб, Муҳаммад ибн Сирийн, Абдурраҳмон ибн Абу Лайло ва Ҳасан ал-Басрий, Абу Лубайд каби *саҳоба* ва *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. VII, 15, 366; *Муснад*. V, 61–63; Ат-Термизий. *Сунан*. 3702; Ал-Балозурий. *Футӯҳ ал-булдāн*. – Қоҳира: 1932. – Байрут: 1403/1983. 354, 386, 388, 397; Ат-Табарий. *Тарӣх*. – Қоҳира: 1960–70. – Байрут: «Дор Сувайдон». IV, 266; V, 159; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб*. – Қоҳира: 1328. II, 402; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 454–456; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328.

II, 400–401; Аз-Заҳабий. *Сийар*. II, 571–572; Ал-Омирий. *Ар-Рийаз ал-мустатаба*. – Байрут: 1979. 206; Тажрид таржимаси. XII, 232; H. A. R. Gibb.*«Abd al-Rahman b. Samura». EI² (İng.)*. I, 86; M. G. Morony. *«Abd-al-Rahman b. Samora». EIr.*, I, 144–145; Ahmet Önkal. *«Abdurrahman b. Semüre». TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 171–172; https://hadis.uz/hadith/369; https://hadis.uz/hadith/506; https://library.islamweb.net/ar/library; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/21563.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБДУРРАҲМОН ИБН УДАЙС
عبد الرحمن بن عديس

Абдурраҳмон ибн Удайс ибн Амр ибн Убайд ибн Килоб ибн Дуҳмон ибн Ғанм ибн Ҳамим ибн Заҳл ибн Ҳаний ибн ал-Балавий (? – 36/656-57, Фаластин)

Саҳоба

*Байъат ар-ризвон*да иштирок этган ва Усмон (р.а.)нинг шаҳид этилишида қатнашган. *Миср фатҳи*да иштирок этган ва у ерда макон топган. Мисрдан Мадинага йўлга чиққан тўрт ҳарбий қисмдан бирининг қўмондони бўлган. Бу ҳолатдан хабар топган халифа Усмон (р.а.), таркибида Али (р.а.) ва Муҳаммад ибн Масламалар бўлган ўттиз (ёки эллик) кишидан иборат ҳайъатни исёнчиларни бостириш учун Мисрга жўнатади. Ҳайъат исёнчиларга маъқул бўлмаган баъзи масалаларнинг тузатилишини халифа номидан ваъда бериб, уларни орқага қайтаради. Бироқ улар Бувайбга етиб келганларида, халифанинг қулини Миср волийсига ёзилган хат б-н қўлга оладилар. Хатда А.и.У. ва унинг дўстлари Мисрга қайтганларида уларни юз даррадан уриш, соч-соқолларини олиб ташлаш ва янги буйруқ келгунигача ҳибсда ушлаш ёзилган эди. Шундан кейин қўшин орқага қайтиб, Мадинага келади ва Усмон (р.а.) б-н музокара ўтказадилар. Халифа ушбу хатдан хабари йўқлигини айтса-да, А.и.У. ва унинг тарафдорлари унинг сўзларига ишонмайдилар. Бошқа исёнчилар б-н биргаликда халифани қирқ тўққиз кун қамалда ушлаб туриб, сўнгра шаҳид қиладилар.

Усмон (р.а.) шаҳид қилинганидан сўнг, А.и.У. Мисрга қайтаётган чоғида, бошқа исёнчилар б-н бирга Муовиянинг одамлари томонидан ушланиб, Фаластинда ҳибсга олинади. Исёнчилар бир неча бор қамоқхонадан қочишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, Фаластин волийсидан қочиб қутула олмайдилар. А.и.У. ўзини қўлга олган кишига, «Ҳолингизга вой бўлсин! Аллоҳдан қўрқ ва қонимни тўкма. Мен дарахт тагида Пайғамбар (с.а.в.) га байъат қилган саҳобаман!» деса-да, унинг сўзлари унга таъсир қилмайди. У: «Халил тоғида кўп дарахт бор» – дея, А.и.У.ни ўлдиради.

Мисрлик *тобеъин*лардан Абу-л-Ҳусайн ал-Ҳажрий, Абдурраҳмон ибн Симоса ва Абу Савр ал-Фаҳмий каби *муҳаддис*лар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. III, 65, 71; VII, 509; Ат-Табарий. *Тарūх*. – Қоҳира: 1960–70. – Байрут: IV, 348, 357, 368, 378, 381; Ибн Абу Хотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. V, 248; Ибн Абдулбар. *Ал-Истūъāб*. – Қоҳира: 1328. II, 411; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 474; ўша муал. *Ал-Кāмил*. – Leiden: 1851–76. – Байрут: 1399/1979. III, 158, 162, 169; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. II, 411; Selman Başaran. «*Abdurrahman b. Udeys*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 176.

Тузувчи Абдушукур Муродов

АБДУРРАҲМОН ИБН УММУЛ-ҲАКАМ
عبد الرحمن بن أم الحكم

Абу Мутарриф Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Усмон ас-Сақафий (? – 66/685-86, ?)

Умавий волийларидан, тобеъин

Абу Суфённинг қизи бўлган онаси Уммул-Ҳакамга нисбат берилиб, Ибн Уммул-Ҳакам деб ҳам номланади. *Ҳижрат*нинг 53 й.ида Византияга бўлган юришда қатнашган. Тоғаси Муовия ибн Абу Суфён томонидан Куфа волийлигига тайинланган (58/677–78 й.). Бу ерда ҳоким бўлган вақтда жума хут-

басини ўтирган ҳолда ўқигани учун *саҳоба* Каъб ибн Ужра (р.а.) томонидан қаттиқ танқид қилинган. Кейинчалик уқуви бўлмагани учун куфаликлар томонидан раҳбарликдан ҳайдалган. Сўнг, Мисрга ҳоким этиб тайинланган. Йўлда уни қарши олган *саҳоба* Муовия ибн Худайж (р.а.) Куфада бўлгани каби Мисрда ҳам раҳбар бўла олмаслигини айтиб, уни Шомга кетишга кўндиради. Шомда волий бўлганидан кейин яна Муовия томонидан ал-Жазирага ҳоким этиб тайинланган А.и.У.Ҳ., тоғасининг вафотига қадар мазкур лавозимда қолади. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)нинг Шомдаги волийси Заҳҳок ибн Қайс, Марвон б-н жанг қилиш учун шаҳардан чиққан вақтда А.и.У.Ҳ. дарҳол у ерда ҳозир бўлади ва халқни Марвон ибн Ҳакамга *байъат* этишга чақиради.

Баъзи манбаларда *саҳоба* эканлиги ривоят қилинган А.и.У.Ҳ., Ҳазрат Усмон (р.а.)нинг қотилларидан Амр ибн ал-Ҳамиқни ўлдирганлиги б-н ҳам шуҳрат қозонган. А.и.У.Ҳ. Абдулмалик ибн Марвон халифалик вақтида вафот этган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. V, 519; VI, 25; Ат-Табарий. *Тарйх*. – Қоҳира: 1960–70. V, 273, 288, 310–312; VI, 140; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 437–439; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1328. III, 70–71; Selman Başaran. «*Abdurrahman b. Ümmü'l-Hakem*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 176.

Тузувчи Абдушукур Муродов

АБДУРРАҲМОН ИБН ХОЛИД ИБН АЛ-ВАЛИД

عبد الرحمن بن خالد بن الوليد

Абдурраҳмон ибн Холид
ибн ал-Валид ибн ал-Муғийра
ал-Махзумий ал-Қураший
(? – 46/666, ?)

Саҳоба

Абу Муҳаммад куняси б-н танилган. Отаси «Сайфуллоҳ» («Аллоҳнинг қиличи») лақабини олган машҳур *саҳоба* Холид ибн ал-Валид (р.а.)дир. Онасининг исми Асмо бинт Асад ибн Мудрик Хасъамий. Болалик чоғида Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган *саҳоба*лардан. Ўн саккиз ёшида *Ярмук жанги*да қатнашган ва 30-40 кишилик суворий бўлинмага бошлиқ бўлиб, катта муваффақият қозонган. Халифа Умар ва Усмон (р.а.) даврларида Шом волийси Муовия томонидан Византияга қарши олиб борилган жангда Ислом қўшинига қўмондонлик қилган. Ушбу жанглардаги муваффақияти боис, Шомда каттагина обрўга эга бўлиб шуҳрат қозонади ва Муовияга тобе ҳолда Ҳимс волийлигини юритади. *Сиффийн жанги*да Муовия томонида туради. 664 ва 665 й.лари унга Византияга қарши Онадўлига қишки юришларни ташкиллаштириш вазифаси топширилган.

А.и.Х.и.ал-В. ҳадисларни *мурсал* тарзда ривоят қилган. Ундан Холид ибн Салама, аз-Зуҳрий, Амр ибн Қайс аш-Шомий, Яҳё ибн Абу Амр ас-Сайбоний ва Абу Хозинлар ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Халифа ибн Хайёт. *Тарйх*. – Дамашқ: 1967–68. 198, 222, 240, 241; ўша муал. *Ат-Табақāт*. – Дамашқ: 1966–67. 11, 612, 798; Фасавий. *Китāб ал-маърифа ва-т-тарйх*. – Бағдод: 1974–76. III, 319; Ал-Балозурий. *Ансāб ал-ашрāф*. – Байрут: 1979. IV/I, 104, 109, 283, 532; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1285–87. III, 289; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. – Қоҳира: 1390–92/1970–72. V, 33–35; Mustafa Fayda. «*Abdurrahman b. Hâlid b. Velîd*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 162–163.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУРРАҲМОН ИБН ЯЗИД

عبد الرحمن بن يزيد

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон
ибн Язид ибн Жория ал-Ансорий
(? – 98/716-17, ?)

Мадиналик тобеъин

Амр ибн Авф уруғидан. Онаси – Жамила бинт Собит ибн Абу-л-Ақлаҳ Умар (р.а.)нинг никоҳида бўлган, кейинчалик ундан ажрашган аёл *саҳоба*лардан. Отаси эса, *Вадо ҳажи*нинг бир бўлимини ривоят қилгани б-н танилган Язид ибн Жориядир.

Ишончли *ровий* ҳисобланган Абдурраҳмон ибн Язид кўпроқ Умар (р.а.), Абу Айюб ал-Ансорий, Абу Лубоба ибн Абдулмунзир ва амакиси Мужаммиъ ибн Жория (р.а.)лардан ҳадис ривоят этган. Ундан Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ва Ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий каби *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар.

А.и.Я. Умар ибн Абдулазиз (р.а.) Ҳижозда ҳокимлик қилган даврда, бир муддат Мадина қозилиги вазифасини адо этган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубрā*. – Байрут: 1388/1968. V, 84; Халифа ибн Хайёт. *Табақāт*. – Риёз: 1402/1982. 237; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. III/I, 363; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл*. – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. II/II, 299; Инб ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 500–501; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. VI, 298–299; Mücteba Uğur. «*Abdurrahman b. Yezîd*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 177.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБДУРРАҲМОН ИБН АЛ-ҚОСИМ
عبد الرحمن بن القاسم

(қ. ИБН ал-ҚОСИМ)

АБДУРРАҲМОН ИБН ҒАНМ
عبد الرحمن بن غنم

Абдурраҳмон ибн Ғанм
ибн Курайз ибн Ҳоний ал-Ашъарий
(?, Яман – 78/697, ?)
Тобеъин, фақиҳ

Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик пайтларида туғилган. Асли яманлик. Отаси *саҳоба*лардан бўлганлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Муоз ибн Жабал (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан Яманга юборилганида (10/631 й.) унга ҳамроҳлик қилган ва Муознинг вафотига қадар ундан айрилмасдан *фиқҳ* илмини ўрганган. Шу боис «Соҳиби Муоз» (Муознинг дўсти) деб аталган. Умар, Усмон, Али, Абу Зарр, Абу Ҳурайра, Абу Дардо, Муовия (р.а.) ва б. кўплаб *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Ҳадис ривоятида *сиқа* деб қабул қилинган А.и.Ғ.дан ўғли Муҳаммад, Абу Идрис ал-Хавлоний, Макҳул ва Атийя ибн Қайс каби кўплаб *тобеъин*лар ривоят қилганлар. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам «*Муснад*»да ундан *мурсал* ҳадислар ривоят қилган. Абдурраҳмон ибн Ғанм (р.а.) *фиқҳ*ни ўргатиш учун Умар (р.а.), айрим манбаларда Усмон (р.а.) томонидан Шомга юборилган. Бир муддат Фаластинда бўлиб, Марвон б-н бирга 684 й.да Мисрга сафар қилган. Унинг номи Фаластин, айниқса, Шом атрофларида машҳур бўлган. Манбаларда шомлик *тобеъин* олимларининг барчаси ундан *фиқҳ* илмини ўрганганлари зикр қилинган.

Ад.: Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 487; Аз-Заҳабий. *Сийар*. IV, 45–46; Ас-Суютий. *Ҳусн ал-муҳāзара*. – Қоҳира: 1387/1967. I, 217; Orhan Çeker. «*Abdurrahman b. Ganm*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 162.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУРРАҲМОН ИБН АЛ-ҲОРИС
عبد الرحمن بن الحارث

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон
ибн ал-Ҳорис ибн Ҳишом
ибн ал-Муғийра ибн Абдуллоҳ
ибн Умар ал-Қураший ал-Махзумий
(1/622, ? – 43/663-64, Мадина)
Тобеъин

Отасининг вафотидан кейин онаси Фотима бинт ал-Валид Умар (р.а.) б-н турмуш қургач, Абдурраҳмон ибн ал-Ҳорис Умар (р.а.)нинг ҳимоясида бўлади. Олдин исми Иброҳим бўлган, бироқ халифалиги даврида пайғамбарлар номи б-н аталганларнинг исмини ўзгартиришни ўйлаган Умар (р.а.), унинг исмини Абдурраҳмонга алмаштирган.

А.и.ал-Ҳ. олимлиги ва сахийлиги б-н машҳур бўлган. Халифа Усмон (р.а.)нинг қизига уйланган. *Жамал воқеаси*да Ойша (р.а.) томонида туриб жанг қилган. Ойша (р.а.) уни мақтаб «Абдурраҳмон ибн ал-Ҳорисга ўхшаган ўнта фарзандим бўлганида, уйимда ўтириб уларни тар-

биялашни ҳамма нарсадан устун тутган бўлардим», деган.

Усмон (р.а.) *Мусҳаф* нусхаларини кўпайтириб, турли минтақаларга тарқатишга қарор қилгач, бу ишни амалга оширишни Зайд ибн Собит, Саъид ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва куёви А.и.ал-Ҳ.га топширган. Усмон (р.а.) шаҳид қилинганида А.и.ал-Ҳ. ўша ерда бўлгани сабабли яраланган.

Умар, Усмон, Абу Ҳурайра, Ойша, Умму Саламалар (р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса *фуқаҳои сабъа*дан бири бўлган ўғли Абу Бакр, шунингдек, Абу Қилоба, Шаъбий сингари *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Ривоят қилган ҳадислари «*Саҳиҳ ал-Бухорӣ*» ва тўртта буюк «*Сунан*» китобларида зикр қилинган. А.и.ал-Ҳ. Муовиянинг халифалиги даврида вафот этган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақот ал-кубро*. – Байрут: 1388/1968. V, 5-6; Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир*. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. V, 272; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъоб*. – Қоҳира: 1328. II, 426; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 431–432; Аз-Заҳабий. *Сийар*. III, 484–485; Ибн Ҳажар. *Ал-Исоба*. – Қоҳира: 1328. II, 394; III, 66.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУРРАҲМОН ИБН ҲУЖАЙРА

عبد الرحمن بن حجيرة

Абу Абдуллоҳ Абдурраҳмон
ибн Ҳужайра ал-Хавлоний ал-Мисрий
(? – 83/702, ?)

**Тобеъин даври олимларидан,
Миср қозиси**

Ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. Ан-Насоий, ад-Дорақутний ва Ибн Ҳиббон каби мунаққидлар томонидан *сиқа* деб қабул қилинган Абдурраҳмон ибн Ҳужайра *фиқҳ* илмини ҳам чуқур билган. Бунга далил сифатида Ибн Аббос ўзидан *фатво* сўраган бир кишига, «Орангизда Ибн Ҳужайра бор бўла туриб мендан сўрайсанми?» – деб жавоб қилгани нақл қилинади. А.и.Ҳ. *саҳоба*лардан Абу Зарр, Ибн Масъуд, Абу Ҳурайра, Уқба ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса ўғли Абдуллоҳ, Ҳорис ибн Язид ал-Ҳазрамий, Абдуллоҳ ибн Саълаба ал-Ҳазрамий ва б.лар ривоят қилганлар.

Умавийлар даврида Миср волийси Абдулазиз ибн Марвон томонидан қози этиб тайинланган. Хазина ишларини бошқарган, шунингдек, ваъз ва иршод ишлари б-н ҳам машғул бўлган А.и.Ҳ. нинг йилига 1000 динор маош олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳиж. 80 ёки 83 й.ларда вафот этгани ҳақида иккита ривоят мавжуд.

Ад.: Абу Умар ал-Киндий. *Китоб ал-вулот ва китоб ал-қузот*. – Leiden: 1912. 314–320; Ибн Касир. *Ал-Бидоя*. – Қоҳира: 1351–58/1932–39. IX, 51; Ибн Ҳажар. *Таҳзиб ат-таҳзиб*. VI, 160; Ас-Суютий. *Ҳусн ал-муҳозара*. – Қоҳира: 1387/1967. I, 295; II, 137; Fahreddin Atar. *İslâm Adliye Teşkilatı*. – Анқара: 1979. 107, 115, 126, 224.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУРРАҲМОН ИБН ҲУРМУЗ АЛ-АЪРАЖ

عبد الرحمن بن هرمز الأعرج

Абу Довуд Абдурраҳмон
ибн Ҳурмуз ал-Аъраж ал-Маданий
(? – 117/735, Искандария)

Муҳаддис, тобеъин, қироат олими

Рабиъа ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ёки ўғли Муҳаммаднинг мавлоси Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ал-Аъраж ўз даврида араб тили ва *ансоб* соҳасида саноқли олимлардан бири бўлган. Араб тили б-н боғлиқ қоидаларни илк маротаба муомалага киритган ҳам А.и.Ҳ.ал-А. бўлгани зикр қилинади.

Мусҳаф ёзиш б-н ҳам машғул бўлган А.и.Ҳ.ал-А. Абу Ҳурайра, Ибн Аббос ва Абдуллоҳ ибн Айёшлардан *арз* йўли (ўқиб эшиттириш) б-н *қироат* ўрганган. *Қироати сабъа* имомларидан саналган Мадинанинг машҳур *қироат* олими Нофеъ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Нуайм ҳам мазкур йўл б-н ундан *қироат* илмини ўрганган.

Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Муҳаммад ибн Маслама, Абу Саъид ал-Худрий ва Абдуллоҳ ибн Буҳайна каби кўплаб *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилгани маълум. Ундан эса Абу-з-Зинод, аз-Зуҳрий, Солиҳ ибн Кайсон ва Абдуллоҳ ибн Лаҳиъа каби *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Кўп ҳадис ривоят қилгани б-н танилган ва ривоятлари *«Кутуби ситта»*дан ўрин олган ишончли *муҳаддис* А.и.Ҳ.ал-А. умрининг охирида Мисрга сафар қилади. Искандария ш.да муробит *(қ. РИБОТ)* сифатида яшаб, саксон ёшларида вафот этган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт.* V, 283–284; Аз-Заҳабий. *Сийар.* V, 69–70; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* I, 97; ўша муал. *Маърифа ал-қуррā.* I, 77–78; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа.* I, 381; Ибн Ҳажар. *Таҳзийб ат-таҳзийб.* VI, 290–291. Abdullah Aydınlı. *«A'rec, Abdurrahman b. Hürmüz». TDV İA.* – İstanbul: 1991. III, 350–351; http://quran.uz/qiroat/imomlar-va-roviylar/563-qorilar.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУРРАҲМОН АЛ-ИДРИСИЙ

عبد الرحمن الإدريسي

Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Идрисий ал-Астрободий (тахм. 325/937 – Самарқанд – 405/21.06.1015)

Ҳадис ҳофизи, тарихчи

Отаси Абу Нуайм Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Ҳаммуя астрободлик бўлган. Манбаларда Абдурраҳмон ал-Идрисий Самарқандда туғилгани айтилади. Катта бобоси – Идрис ибн ал-Ҳасанга нисбатан ал-Идрисий нисбаси б-н танилган. Дастлаб ўз отасидан, сўнгра Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн ас-Сиррий, Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Саввоф ва Абу Бакр аш-Шофеъий каби олимлардан дарс олган ҳамда *муҳаддис* бўлиб етишган. Астрободда Абу Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Ҳаммуя каби *муҳаддис*лардан истифода қилган А.ал-И. ҳадис таҳсили учун Хуросон ва Ироқ ерларига сафар қилган. Нишопурда Абу-л-Аббос Асом, Журжонда Ибн Адий ва ал-Исмоилий, Бағдодда ад-Дорақутний каби олимлардан кўплаб ҳадис ёзиб олган. Ҳижозга сафар қилиб, бу ҳудуднинг олимларидан ҳам ҳадис ривоят қилган. Ўз даврида Самарқаднинг энг машҳур ҳадис ҳофизи бўлган ва Бағдодда ҳадис ривоят қилган А.ал-И. дан Абу Али аш-Шоший, ал-Молийний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Хаббозий, Абу Масъуд Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бажалий, Абу-л-Қосим Али ибн Муҳассин ат-Танухий каби олимлар ривоят қилганлар. Хатиб ал-Бағдодий ва Ибн Касир унинг *сиқа муҳаддис* бўлганини маълум қилганлар. Шаҳар тарихларини ёзиш анъанасини давом эттирган А.ал-И., бу мавзудаги тадқиқотлари б-н бир қаторда ҳадисларнинг мавзуларига кўра жам қилган асарлар ҳам ёзган. А.ал-И.нинг исми, куняси ва вафот тарихи ҳақида манбаларда баъзи нотўғри маълумотлар учрайди. Ибн ал-Асир уни 405/1015 й.да вафот этганлар орасида зикр қилиб, исмини янглиш – Абу Саъид Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Астаробий тарзида қайд қилган. Аз-Зириклий ва Каҳҳолаларнинг ҳам берган маълумотлари бир хил бўлишига қарамай, уни бошқа-бошқа шахс сифатида зикр қилганлар. У 405 й. 30 зул-ҳижжа/1015 й. 21 июнда вафот этган ва *Чокардиза қабристони*га дафн қилинган.

Ас.: *«Тарīх Самарқанд» («Ал-Камāл фī маърифа ар-ржāл би-Самарқанд»).* Самарқандда етишиб чиққан шахслар, хоссатан, самарқандлик *муҳаддис*лар зикр қилинган асар. А.ал-И. бу тадқиқотини ад-Дорақутнийга тақдим этиб, унинг мақтовига сазовор бўлгани зикр қилинади. Самарқанд тарихини ёзган ал-Мустағфирий ва Нажмуддин ан-Насафий *«Ал-Қанд фī зикр ъуламā Самарқанд»* асарида бу тадқиқотдан кўп фойдаланганлар. Хатиб ал-Бағдодий ўзининг *«Тарīх Бағдāд»* асарида саксон ўринда нақл қилган, Абу Саъд ас-Самъоний, Ёқут ал-Ҳамавий ва Ибн Ҳажар ал-Асқалоний

каби олимлар ўз асарларида иқтибослар олган мазкур асарнинг бизгача етиб келгани номаълум.

«Тарйх Астрабад». Астроободдан етишиб чиққан олимлар ва машҳур шахсларга доир бу тадқиқот ўз соҳасида илк манба ҳисобланади. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний мазкур асардан фойдаланган. Ас-Саҳмий (ваф. 427/1036 й.) эса ушбу асарга *«Такмила»* ёзган.

Ад.: Ас-Саҳмий. *Тарйх Журжан*. – Байрут: 1407/1987. 260, 450; Ал-Хатиб. *Тарйх Бағдад*. X, 302–303; Нажмуддин ан-Насафий. *Ал-Қанд фй зикр ъулама Самарқанд*. – Риёз. 1412/1991. 12–14, 240; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб*. I, 160, 214, 265; Ёқут. *Муъжам*. I, 289; II, 415; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил*. IX, 252; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XVII, 226–227; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффаз*. III, 1062–1064; Ибн Касир. *Ал-Бидая*. XI, 354; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. II, 68, 136; XII, 411; ўша муал. *Лисан ал-мйзан*. I, 346; Ас-Саховий. *Ал-Иълан би-т-тавбйх*. 247, 265; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун*. I, 281, 296; Ибн ал-Имод. *Шазарат аз-заҳаб*. III, 175; Brockelmann. *GAL. Suppl*., I, 210; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифйн*. V, 188; VI, 140; Sezgin. *GAS*. I, 352; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам*. III, 225; IV, 121; Ali Yardım. *«İdrîsî, Abdurrahman b. Muhammed». TDV İA*. – İstanbul: 2000. XXI, 491–492.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУРРАҲМОН РАҲМАТУЛЛАЕВ
عبد الرحمن رحمة الله
(1928, Наманган – 29.09.1999, Тошкент)



Абдурраҳмон Раҳматуллаев Наманган вилоятининг Поп туманига қарашли Чоркесар қишлоғида, деҳқон оиласида таваллуд топган. Отаси деҳқончилик қилиш учун Қозоғистоннинг Чимкент вилоятининг Абай туманига фарзандлари А.Р. ва Файзираҳмон б-н бирга кўчиб ўтадилар.



Яккасарой жоме масжидининг ҳоз. кўриниши. Тошкент

А.Р. ёшлигидан Қуръони каримни ёд олади. Кейинчалик Абдурраҳмон қори номи б-н танилади. Бир куни Шайх Зиёуддин ибн Эшон Бобохон Раҳматуллоҳ буваникида меҳмон бўлади. Суҳбат асносида унинг икки ўғлига диний соҳада ўқишни давом эттиришни тавсия қилиб, ўзи б-н Тошкентга олиб келади. Шу зайлда А.Р. 1958 й. *Мир Араб мадрасаси*га ўқишга киради.

Мадрасани тамомлагач (1965 й.), Тошкент ш.даги *Хўжа Аламбардор масжиди*га имом-хатиб этиб тайинланади.

1969 й. *Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати* раҳбариятининг тавсиясига кўра, А.Р. Марокашдаги Қаравайн ислом ун-тининг шариат факультетига ўқишга юборилади ва 1972 й. уни муваффақиятли тамомлаб қайтади.

Марокашдан қайтгач, бир муддат *Мир Араб мадрасаси*да мударрис ва кейинроқ мудир бўлиб ишлайди. 1975 й.дан бошлаб Сирдарё ш. жоме масжидида, 1978–1990 й.ларда Тошкент ш. Юнусобод туманидаги *Мирза Юсуф масжиди*да, 1990–1997 й.ларда Яккасарой туманидаги *Яккасарой масжиди*да имом-хатиб бўлиб ишлайди. У жума намозларида ёки турли маросимларда содда ва равон маърузалар қилиб танилган уламолардан эди.

А.Р. 1997–98 й.ларда *Ўзбекистон мусулмонлари идорасин*инг муҳтасиблик бўлими мудири, масжидлар бўлими мудири вазифаларида ишлайди. Умрининг охирида саломатлиги ёмонлашиб, ишдан бўшайди. Вафот этганида жанозасини Раҳматуллоҳ қори Обидов ўқиган. Тошкентдаги *Шайх Зайниддин қабристон*ига дафн этилган.

Ад.: *Ўзбекистон уламолари.* – Т.: «Movarounnahr», 2015. 126–127.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
Иродахон Қаюмова

АБДУРРАҲМОН АС-СУДАЙС
عبد الرحمن السديس
(қ. ас-СУДАЙС, Абдурраҳмон)

АБДУРРАҲМОН ТОЖ
عبد الرحمن تاج
(1896 – Миср – 1975)
Ал-Азҳар шайхи, ҳуқуқшунос ва давлат арбоби



Миср Араб Республикасининг Асют вилоятида туғилган. Ҳофизлик ҳамда бошланғич таълимни ватани Асютда олган. Оиласининг Искандарияга кўчиб келиши сабабли Искандария дин ин-тига (Маъҳад ал-Искандарийя ад-диний) ўқишга киради (1910 й.). 1926 й.да ал-Азҳар ун-ти шариат факультетини тугатган. Бир муддат Асют ва Қоҳира дин ун-тларида талабаларга дарс беради. 1933 й.да шариат факультети ўқитувчиси, икки йилдан сўнг ушбу фаолияти б-н бирга *фатво* қўмитасининг *ҳанафий мазҳаби* ҳайъати аъзолигига тайинланади.

1936 й.да ал-Азҳар ун-ти томонидан Париждаги Сорбон ун-тига юборилади. У ерда «Бобийлик ва Ислом» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаб, фалсафа ва динлар тарихи фанлари доктори илмий даражасини олади. У ердан қайтиб яна ал-Азҳар ун-ти профессори ва *фатво* қўмитаси аъзоси сифатида вазифаларини давом эттиради. Шу б-н бирга А.Т. илмий тадқиқотлардан четланмаган ҳолда, «*Ас-Сийāса аш-шаръиййа*» мавзуидаги илмий иши юзасидан «Жамоат кибор ал-уламо» жамияти аъзолигига сайланади (1951 й.). Бир муддат Айн аш-Шамс ун-тининг ҳуқуқ факультети ва асосий қонун (Конституция) комиссияси аъзоси сифатида фаолият олиб боради. 1954 й.да ал-Азҳар ун-ти шайхи этиб тайинланади. Ун-тга таълим ва бошқарув бўйича янги қоидалар олиб киради. Хориждан келган талабалар учун ётоқхоналар қурдиради. 1958 й.да Миср ва Сурия мамлакатларининг ҳамкорлигида Бирлашган Араб жумҳурияти ташкил этилганидан сўнг, вазир этиб тайинланади. 1963 й.да Араб тили академияси (Мажмаъ ал-луға ал-ъарабийя), кейинчалик эса, ал-Азҳар исломий тадқиқотлар академияси (Мажмаъ ал-буҳус ал-исламийя)га аъзо бўлади.

Ас.: «*Ал-Аҳвāл аш-шахсиййа фи-л-фиқҳ ал-ислāмӣ*» (Қоҳира 1955 й.), «*Ас-Сийāса аш-шаръиййа*», «*Ҳукм ар-рибā фи-ш-шарӣъа ал-ислāмиййа*», «*Шарикāт аттаъмӣн мин вижҳа назар аш-шарӣъа ал-ислāмиййа*».

Ад.: Али Абдулазим. *Машйха ал-Азҳар.* – Қоҳира: 1399/1979. II, 165, 177; Муҳаммад Абдулалим Ҳусайн. *Ал-Азҳар аш-шарӣф фӣ ъӣдиҳ ал-алфӣ* – Қоҳира: 1403/1983. 259-260; *Шуйӯх ал-Азҳар.* – Қоҳира: 43–44; Муҳаммад Маҳдий Аллом. *Ал-Мажмаъиййӯн фӣ хамсӣна ъāман.* – Қоҳира: 1406/1986. 155–157; Rahmi Yaran. «*Abdurrahman Tāc*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 175.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУРРАҲМОН ИБН ҲАССОН ИБН СОБИТ

عبد الرحمن بن حسان بن ثابت

Абу Саъид Абдурраҳмон ибн Ҳассон ибн Собит ал-Хазражий ал-Ансорий (7/627-28, Мадина – 104/722-23, ?)

Тобеъин, шоир

Пайғамбар (с.а.в.)нинг шоирлари Ҳассон ибн Собит (р.а.)нинг ўғли, онаси Пайғамбар (с.а.в.)нинг завжалари Мориянинг синглиси Сирийн бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) даврида туғилгани учун *саҳоба* бўлгани айтилса-да, кўпчилик уламолар уни *тобеъин* ҳисоблаганлар. Умрининг кўп қисмини туғилган жойи Мадинада ўтказган. Қисқа муддат Дамашқда ҳам яшаган.

Айрим шоирлар б-н шеър мусобақаларида қатнашиб, баъзи-баъзида отасидан ёрдам олган. Муовия даврида ёзган ҳажвий шеърлари б-н *умавийлар* танқидига учраган. Муовиянинг қизи Рамла ҳақида айтган шеърлари туфайли уни ҳажв қилган Язидни ўз раддияси б-н енгган. Бунга чидай олмаган Язид, отасининг вазминлик б-н иш тутишни маслаҳат бериши-га қарамай, насроний шоир Ахталдан ёрдам сўраган. У эса ҳимоя қилинишига кафолат олгач, Абдурраҳмон ибн Ҳассон ибн Собит шахсияти остида *ансор*ларни ҳажв қилган. Ахталнинг бу ҳажви мусулмонларни қаттиқ ранжитган.



Абдурраҳмон ибн Ҳассон ибн Собитнинг «*Шиър Абдурраҳмāн бин Ҳассāн ал-Ансāрӣ*» асари. Бағдод, 1971 й.

Шеърлари Сомий Маккий ал-Оний томонидан «*Шиър Абдурраҳмāн бин Ҳассāн ал-Ансāрӣ*» номи б-н нашр қилинган (Бағдод 1971 й.).

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1388/1968. V, 266; VIII, 212, 215; Жумаҳий. *Табақāт фуҳўл аш-шуъарā.* – Қоҳира: 1394/1974. I, 150, 461–466; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 434–436; Аз-Заҳабий. *Сийар.* V, 64–65; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба.* – Қоҳира: 1328. III, 67; ўша муал. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб.* VI, 162–163; Умар Фаррух. *Тарӣх ал-адаб ал-ъарабӣ.* I, 313, 384, 414–417, 518, 555–556; Ёсин ал-Айюбий. *Муъжам аш-шуъарā.* – Байрут: 1982. 258; Salahattin Polat. «*Abdurrahman b. Hassân b. Sâbit*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 164.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУС

عبدوس

Абу Муҳаммад Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Молик ан-Найсобурий (? – 282/895, Самарқанд)

Ҳадис ҳофизи

Буюк ҳадис ҳофизларидан бири бўлган Абдус таваллуд топган сана номаълум бўлиб, олимнинг вафот санаси борасида манбаларда икки хил ривоят, 282/895 ва 283/896 й.лар келтирилган. Самарқандда яшаган ва шу ерда вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Ғунжар «*Бухоро тарихи*» асарида зикр қилишича, А. Яҳё ибн Яҳё, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абу аш-Шавориб, Амр ибн Зурора, Абу Ҳафс ал-Фаллос ва уларнинг сафдошлари суҳбатидан баҳраманд бўлиб, ҳадис эшитган.

Ўз навбатида, А.дан Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр, Саҳл ибн Созавайҳ ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1998. II, 179; Ибн ал-

Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* – Дамашқ-Байрут: «Дор Ибн Касир», 1986. III, 346; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 54.

АБДУССАЛОМ АФАНДИ АЛ-МАРДИНИЙ
عبد السلام أفندي المردني
(1786–89, Мардин – 1843, ?)
Ҳанафий олими

Мардин ш.да туғилгани учун ал-Мардиний кунясини олган. Отаси – Саййид Умар Афанди. Таҳсилини Мардин, Диёрбакр, Ҳалаб, Шом, Миср ва Истанбул ш.ларида олган. Кейинчалик Мардинга қайтиб, у ерда муфтийлик қилган. Ҳаёти ҳақида маълумот оз. Қабри Такка маҳалласидаги Иброҳим Бей қабристонида.

Ас.: «*Умм ал-ъибар фӣ зикр ман мазā ва мар*». Бу асар Иброҳим Муҳаммадий аш-Шарбонийнинг араб тилидаги «*Умм ал-ъибар*» асарининг таржимаси. А.А.ал-М. бу асарда пайғамбарлар тарихи, халифалар даври тарихи, *умавийлар, аббосийлар, салжуқийлар, усмонийлар*, мўғуллар, темурийлар тарихи ҳақида хроноголик маълумотларни келтириш б-н бирга, асар сўнггида Мардин тарихига ўрин ажратган. Асарнинг асл нусхаси Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонасида (инв. рақам 813), унинг бир нусхаси Истанбул ун-ти кутубхонасида (AY, инв. рақам 44) сақланмоқда.

Олимнинг *тафсир* илмига оид «*Тафсӣр ал-Фāтиҳа*», *фароиз* илмига оид «*ал-Қирāтиййа*», ҳадис ровийларининг таржимаи ҳоллари баён қилинган «*Асмā ржāл ал-ҳадӣс*» асарлари ҳамда адабиёт ва мантиқ илмларига доир ишлари ҳам маълум.

Ад.: Исмоил Пошо ал-Бағдодий. *Ҳадиййа ал-ъāрифӣн.* I, 572; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, II, 780; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Дамашқ: 1376–80/1957–61. V, 229; Mücteba Uğur. «*Abdüsselâm Efendi, Mardînî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 300–301; https://mehmetayaz.blogspot.com.

Тузувчи Маъмура Рашидова

АБДУССАЛОМ АЗ-ЗАВОВИЙ
عبد السلام الزواوي
(қ. аз-ЗАВОВИЙ)

АБДУССАЛОМ ИБН АБДУРРАҲИМ
عبد السلام بن عبد الرحيم
(1825 – 1840, Уфа)
Волга (Идил) бўйи ва Урал мусулмонлари муфтиятининг иккинчи муфтийси

Волга (Идил) бўйи ва Урал мусулмонлари муфтияти рус императрицаси Екатерина II буйруғи б-н 1789 й.да ташкил топган ва Бош идораси Уфа ш.да жойлашган. Абдуссалом ибн Абдурраҳим аввал Бугулмада таҳсил олади, сўнг ўз навбатида бухоролик уламоларнинг шогирдлари бўлган икки шайх – Иброҳим ибн Ҳожаш (ваф. 1820) ва Абдурраҳмон Муҳаммад Шарифхон Кирмоний (ваф. 1242/1826-27)лардан таълим олади. А.и.А. муфтий лавозимига тайинланишига қадар қозоқ ва туркман халқлари орасида Ислом дининг мустаҳкамланиши масаласига жиддий ёндашган. Унинг Россия империясининг расмий ҳокимиятига мурожаатлари асосида қозоқларнинг Ўрта ўрда чўллари ҳамда Мангқишлоқ туркманларининг кўчманчи лагерларида масжидлар қурилган.

А.и.А. муфтий бўлганидан сўнг, ўзининг асосий вазифаси сифатида Поволжье мусулмонлари орасида уларнинг диний ўрни ва соф ақидасини сақлаб қолиш масаласини кўради. У Поволжье ва бутун Марказий Осиё мусулмонлари томонидан тушган хайрия маблағ эвазига Уфа ш.да жоме масжид қурдиради. Масжид қурилишида Бухоро усталари ҳам иштирок этганлар. Муфтий шахсан ўзи Оренбург губернатори б-н бирга Бухоро ва Урганчдан келган карвонларни кутиб олган. Мазкур карвонларда ушбу шаҳарлар олимларининг китоблари совға тариқасида юборилган.



Жоме масжид. Уфа

А.и.А. Поволжье вилоятининг биринчи муфтийси сифатида Россия империяси мусулмонлари орасида нафақат диний, балки дунёвий илмлар бўйича ҳам таълимни жорий қилиш ҳақида қайғуради ва буни мусулмон жамияти ривожи учун жуда муҳим иш, деб ҳисоблайди. Унинг ўзи табобатга жуда қизиққан ва мадраса таълим тизимига фармокология ва анъанавий шифокорлик курслари ҳам киритилишини талаб қилган. У табобатга Ислом ҳуқуқшунослиги (*фиқҳ*) нуқтаи назаридан баҳо бериб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг «илм ат-тибб»га бўлган алоҳида қизиқишларига ҳадислардан далил сифатида намуналар келтирган. А.и.А. «илм ат-тибб»ни «фарзи кифоя» (бир қисм мусулмонлар бажарса, қолганлар зиммасидан соқит бўладиган ишлар) сирасига киритган. Унинг Ибн Сино *«Қонун»*ига ёзилган бир қатор шарҳларни татар тилига таржима қилгани ҳам маълумдир.

А.и.А. асосан замондоши Ризоуддин ибн Фахруддиннинг қайдларида зикр қилинган бир неча асарлар муаллифидир. А.и.А. илк мусулмон мутакаллимларидан бири сифатида мусулмонлар Европа услубидаги таълим муассасалари (ун-т, техника билим юртлари)да ўқишлари мумкин ва зарур эканини исботлаган. Бундан ташқари, у ўз асарларида мусулмоннинг касб ва ҳаракатда бўлиши уни қашшоқликдан сақлаши ҳамда келажакдаги ишлари учун сармоя тўплашида ёрдам беришини исботлаган ҳолда, мусулмонлар учун касб эгаллаш муҳимлигини асослаб берган. Умуман олганда, фаол тадбиркорликка интилиш мусулмонларни гуноҳ ишларга бўлган рағбатдан сақлайди. А.и.А. фақирлик қайғуриш учун сабаб бўлолмаслиги, (оғир аҳволдан қутулиш учун) ўз-ўзини ҳалок қилиш эса Исломда энг катта гуноҳ эканини айтган.

Шунингдек, унинг Акмалуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Барбатий (ваф. 786/1384)нинг *«Ал-Инайа»* асари ҳошиясида ёзилган шарҳи ҳам машҳур бўлиб, ўз навбатида, мазкур ҳошия Бурҳонуддин ал-Марғиноний (ваф. 593/1197)нинг *«Ал-Ҳидайа»* асарига шарҳ ҳисобланади.

А.и.А. Уфа ш.да вафот этган, қабри Оренбургда.

Ад.: Шиҳобуддин ал-Маржоний. *Мустафод ал-ахбор фи аҳвол Қозон ва Булғор*. II, 302; Фәхретдин Р. *Әсәр*. II, 56–57; VII, 340–44, 360, 368–71, 375–403; Danil Azamatov. *The muftis of the Orenburg Spiritual Assembly in the 18th and 19th Centuries: The Straggle for Power in Russia's Muslim Institution*. – In: *Muslim Culture in Russia and Central Asia*. II, 355–384; Михаэль Кемпер. *Суфии и ученые в Татарстане и Башкортостане (1789–1889). Исламский дискурс под русским господством*. – Казань: 2008. 88–89, 110–130.

Бахтиёр Бобожонов

АБДУССАЛОМ АЛ-МУБОРАКФУРИЙ

عبد السلام المباركفوري

(1289/1870 – Ҳиндистон – 1924)

Ҳиндистоннинг қишлоқларидан бири Муборакфурда зиёли ва маърифатли хонадонда таваллуд топган ва шу сабаб кейинчалик ўзига ал-Муборакфурий нисбасини олган. У диний ва дунёвий илмлар бўйича дастлабки билимини она қишлоғида олиб, мукаммал маълумотга эга бўлади ҳамда узоқ йиллар давомида

мадрасаларда сабоқ беради. Умрининг сўнгги йилларида Деҳлидаги Дор ал-ҳадис ар-Раҳмонийя номли машҳур мадрасада мударрислик қилади, унинг раҳнамолиги остида ушбу мадрасадан талай етук олимлар етишиб чиқади. Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий мадрасаларда сабоқ бериш б-н бирга Ислом динининг турли масалалари бўйича чуқур тадқиқотлар олиб бориб, қатор қимматли асарлар яратади.

Алломанинг «*Сийра ал-Имам ал-Бухорий*» асари шулардан биридир. Алломанинг ҳаёт йўли ва унинг ҳадис илми ривожига қўшган улкан ҳиссаси ушбу асарда ўз ифодасини тўла-тўкис топгани муаллифнинг ўз ишига нақадар катта масъулият б-н ёндашганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам илмий доираларда А.ал-М.нинг бу асари Имом ал-Бухорий ва унинг «*Саҳиҳ*»и ҳақидаги энг қимматли тадқиқотлардан бири сифатида юксак баҳоланиб келмоқда. Асарнинг қайта-қайта нашр этилиши эса бунга ёрқин далилдир.

Маълумки, Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишлаб хорижда, айниқса, араб ва турк тилларида юзлаб китоб ва рисолалар битилган ва битилмоқда. Лекин шу каби асарлар ичида А.ал-М.нинг ушбу таснифи алоҳида аҳамиятга молик қимматли манбадир. Ўрта асрларга мансуб бир юз олтмишдан ортиқ ёзма манбалар асосида ёзилган бу қимматли асар *муҳаддис* ҳақида ўзига хос мукаммал қомусий манба ҳисобланади. Чунки муаллиф ушбу ёзма манбаларда Имом ал-Бухорий ҳақида келтирилган хилма-хил ва нодир маълумотларни ғоятда синчковлик б-н йиғиб, ҳар томонлама қиёслаб чуқур ўрганган ва ўз фикрини ифода қилган.

«*Сийра ал-Имам ал-Бухорий*»нинг дастлабки нашри 1329/ 1908 й. ҳали муаллиф ҳаётлик даврида нашр этилган. Шундан кейин 1946–1985 й.лар мобайнида асарнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи нашрлари амалга оширилиб, бу нашрларнинг



Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «*Сийра ал-Имам ал-Бухорий*» асари. Макка

барчаси урду тилида чоп қилинган. Кейинчалик асар араб ва инглиз тилларига ҳам ўгирилган.

Умрининг охирги йилларида Ҳиндистон пойтахти Деҳлида яшаган шайх А.ал-М. ўша ерда вафот этган.

Ад.: Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий. *Сийра ал-Имам ал-Бухорий*. – «Доира ал-буҳус ал-исломийя», 1987; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб*. – Лондон: 1912; Ибн Халликон. *Вафайат*. – Қоҳира: 1367; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам*. – Байрут: «Дора ул-ъилм ли-л-малойин», 1979; Аз-Заҳабий. *Мизан ал-иътидал*. – Байрут: «Дор ал-маърифа», 1965; ўша муал. *Сийар*. – Байрут: «Муассаса ар-рисола»; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун*. – Истанбул: 1941; Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий. *Ҳазрат имом ал-Бухорий*. Араб тилидан (У. Уватов таржимаси). – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.

Убайдулла Уватов

АБДУССАМАД АЛ-БАРЗАНЖИЙ

عبدالصمد البرزنجي

Абдуссамад ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Бобо Расул ал-Барзанжий ал-Ҳусайний аш-Шаҳрўзий аш-Шофеъий (? – 1220/1805, ?)

Мутасаввиф, олим ва адиб

Илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган. Унинг асарларидан:

«Манзӯма туҳфа ас-салāт» (*«Туҳфа ас-салāт» манзумаси»*), *«Ҳāшийа ъалā шарҳ ал-алфиййа ли-с-Суйӯтӣ»* (Суютийнинг *«Шарҳ ал-алфиййа»* асарига ҳошия-изоҳ»), *«Шарҳ далāил ал-хайрāт»* («Далоил ал-хайрот»га шарҳ»), *«Манзӯма фӣ мусаллясāт қутрӯб»* («Ёвуз руҳнинг учликлари ҳақидаги манзума»).

Ад.: Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* II, 153; *Ўрта Осиё олимлари қомуси.* – Т.: «Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази», 2007. 75.

АБДУССАМАД ИБН МАҲМУД АЛ-ҒАЗНАВИЙ

عبد الصمد بن محمود الغزنوي

Абу-л-Фатҳ Абдуссамад ибн Маҳмуд ибн Юнус ал-Ғазнавий ал-Ҳанафий (? – тахм. 487/1094 й.дан сўнг, ?)

Муфассир, ҳанафий фақиҳи

Ҳаёти ҳақида ўзи томонидан берилган хабардан бошқа маълумот йўқ. 436/1044-45 й.да Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шабибдан *тафсир* илмини ўрганган ва *ижоза* олган. *Тафсир*дан таълим олган устозлари орасида Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Талҳа ан-Ношибоний ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Маккий ибн ал-Ҳусайн ал-Ҳайюнийларнинг исмини алоҳида зикр этади. Баъзи *тафсир* манбаларини эса амакиси қози ал-қузот Абу Сулаймон Довуд ибн Юнус ибн Муҳаммаддан ва отаси қози ал-қузот Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Юнусдан ўрганганини айтган. *Ғазнавийлар* даври тарихчиси Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Байҳақий қози ал-қузот Абу Сулаймон Довуд ибн Юнусни иниси Маҳмуд б-н бирга Ғазнада Султон Маҳмуд қурдирган мадрасадан етишиб чиққани ҳамда даврининг таниқли олимларидан бири бўлганини қайд этган. Отаси ва амакиси каби Абдуссамад ибн Муҳаммад ҳам Ғазнада яшагани боис, ал-Ғазнавий нисбасини олган. «Қози ал-қузот» унвонига эга отаси ва амакисидан *тафсир*дан таълим олгани, шунингдек, «қози» унвони б-н зикр этилган ўғли Яҳё ибн Абдуссамад отасининг *тафсир*и ҳақида нақл қилиши А.и.М.ал-Ғ.нинг илм аҳлидан бўлган оилага мансуб эканини кўрсатади. Шунингдек, *тафсир*ида исмининг аввалида «Шайхул-имом, Рукнул-ислом, Шамсул-аимма, Сирожул-аном» ва хоссатан «Қози ал-қузот» каби унвонларнинг зикр қилиниши уни ўз даврининг пешқадам олимлари орасида ўзига хос мавқега эга бўлганига ишора қилади.

А.и.М.ал-Ғ.нинг бизгача етиб келган ягона асари *«Тафсӣр ал-фуқаҳā ва такзӣб ас-суфаҳā» тафсир*идир. Туркияда тўртта нусхаси мавжуд бўлган мазкур асарнинг (Меҳришоҳ фонди нусхасининг биринчи ва иккинчи жилдларида) охирида котиб томонидан ёзилган қайдда асарнинг номи *«Тафсӣр ал-Қуръāн ал-ъазӣм»* экани қайд қилинган. А.и.М.ал-Ғ. мазкур *тафсир*ини 487/1094 й.да тамомлаган (*Тафсӣр ал-Қуръāн ал-ъазӣм*. Сулаймония кутубхонаси, Меҳришоҳ Султон фонди, инв. рақам 26).

А.и.М.ал-Ғ. ўртача ҳажмдаги мазкур *тафсир*ида Қуръони каримни бошидан охиригача оятма-оят *тафсир* қилган. Асарда Қуръонни Қуръон б-н *тафсир* қилишга, шунингдек, Қуръонни суннат б-н *тафсир* қилинишига ҳам аҳамият берилган. Оятларни *тафсир* қилиш асносида ҳадислар санадидаги илк *ровий*ни зикр қилиш билангина кифояланган. Баъзи *оҳод ҳадис*лар ривоят жиҳатидан *саҳиҳ* деб топилмаган, баъзилари эса мазмун жиҳатидан истифода қилинган бўлса-да, матнга танқид назари б-н ёндашилган. *Қироат*даги фарқларга аҳамият қилган муаллиф маънодаги фарқларга ҳам ишора қилиб, *шоз қироат*ларни изоҳлаган, баъзан ўз қараш ва изоҳларига ҳам ўрин ажратган. Луғат ва *балоғат*га доир изоҳларнинг ҳам назарда тутилгани *тафсир*нинг энг кўп диққатни тортувчи хусусиятларидан биридир. Эътиқодда Мотуридий, *фиқҳ*да *ҳанафий мазҳаб*ида бўлган А.и.М.ал-Ғ., *тафсир*ида *фиқҳий*



Абдуссамад ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий «*Тафсӣр ал-фуқаҳӑ ва таксӣб ас-суфаҳӑ*» тафсирининг аввалги (Сулаймония кутубхонаси, Меҳришоҳ Султон фонди, инв. рақам 24) ва охирги саҳифалари (Боязид Давлат кутубхонаси, инв. рақам 552), Туркия

ҳукмлар б-н боғлиқ изоҳларга кенг ўрин ажратган. Ихтилофли масалаларда, аввало, Абу Ҳанифа ва шогирдларининг, баъзан эса бошқа *мазҳаб* имомларининг қарашларини келтирган. Асар *ҳанафий мазҳаби фиққи* нуқтаи назаридан ёзилган бўлса-да, унда бошқа *мазҳаб*ларнинг мухолиф фикрлари ҳам келтирилган. А.и.М.ал-Ғ. *тафсир*ининг охирида фойдаланган манбаларни ҳам келтиради. Зажжожнинг *«Маъӑнӣ ал-Қуръӑн»*, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхийнинг *«Жӑмиъ ал-ъулӯм»*, ат-Таҳовий ва Жассоснинг *«Аҳкӑм ал-Қуръӑн»* ҳамда Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг *тафсир*лари асосий манба бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, асарда ат-Табарий, Ҳаким ат-Термизий ва Абу Мансур ал-Мотуридий каби *муфассир*ларнинг *тафсир*ларидан ташқари, Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг *«Ал-Ӑсӑр»* ва *«Ас-Сийар ал-кабӣр»*, Ибн Исҳоқнинг *«Китӑб ал-мағӑзӣ»* асарларига қилинган ҳаволалар учрайди. А.и.М.ал-Ғ.нинг *тафсир*и кейинги давр *фақиҳ* ва *муфассир*ларга ўз таъсирини кўрсатган. Қутбуддин Шерозий, Абу Бакр ал-Ҳаддод, Абу Абдуллоҳ Ибн ал-Вазир ва Олусий *тафсир*ларида унинг қарашлари баён қилинган.

Ад.: Абдуссамад ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий. *Тафсӣр ал-Қуръӑн ал-ъазӣм*. Сулаймония кутубхонаси, Меҳришоҳ Султон. Инв. рақам 24, 26; Ал-Байҳақий. *Тарӣх*. – Байрут: 1982. 213; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунӯн*. – Истанбул: 1941 –43. I, 453, 462; Нувайҳиз. *Муъжам ал-муфассирӣн*. I, 285; *Ал-Фиҳрис аш-шӑмил: Улӯм ал-Қуръӑн, махтутӑт ат-тафсӣр ва ъулӯмиҳ*. – Омон: 1989. I, 215; Ал-Қураший. *Ал-Жавӑҳир ал-музӣйа*. III, 430; *Ҳадиййа ал-ъӑрифӯн*. I, 574; Ferihan Özmen. *Abdüssamed el-Gaznevî ve Tefsîru'l-Kur'âni'l-Azîm'i* (doktora tezi, 2010). UÜ Sosyal Bilimler Enstitüsü. tür.yer.; ўша муал. *«Abdüssamed el-Gaznevî ve Tefsiri». Sakarya Üniversitesi İlâhiyat Fakültesi Dergisi*. – Adapazarı: 2012. XIV/25, 139–161; Ferihan Özmen. «*Gaznevî, Abdüssamed b. Mahmûd*». *TDV İA*. – İstanbul: 2016. EK-1, 467–468.

Ферихан Ўзмен

АБДУССАМАД ИБН МУҲАММАД АЛ-БУХОРИЙ

عبد الصمد بن محمد البخاري

Абу Муҳаммад Абдуссамад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳайювайҳ ал-Бухорий (? – 368/978, Динавар)

Ҳадис ҳофизи

Ўз замонасининг имом-пешволаридан саналган Абдуссамад ибн Муҳаммад

ал-Бухорий, шунингдек, ҳадис ҳофизи, *наҳв* илмида тенгсиз билимдон, адиб бўлган. Бир ривоятда олимнинг куняси Абу-л-Қосим тарзида зикр қилинган.

А.и.М.ал-Б. илм талабида дунё кезиб, Ироқ, Миср ва Шом юртларига сафар қилган. Нишопурга бориб, бир неча йил Абу Абдуллоҳ ал-Ҳокимнинг ҳузурида истиқомат қилган. Дамашқ ва б. ш.ларда Саҳл ибн ал-Ҳасан ал-Бухорий, Макҳул ал-Байрутий, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳотим ас-Сижистоний ва уларнинг сафдошларидан ҳадис ривоят қилган.

Ўз навбатида, олимдан ал-Ҳоким, Таммом ар-Розий, Абдулғаний ал-Аздий, Ғунжар ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Умар ибн Букайр ал-Муқрий ва Али ибн Яъқуб ибн Абу ал-Ақаблар ривоят қилганлар.

Абу Абдуллоҳ ал-Ҳоким айтади: «Ҳофиз, адиб Абдуссамад ибн Муҳаммад ибн Ҳайювайҳ «*Саҳиҳ ал-Бухорӣ*»даги ҳадисларни бошқа *санад*лар б-н ҳам ривоят қилиб, унинг даражасини янада мустаҳкамлади. У б-н Бухоро ва Бағдодда учрашганмиз».

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. XVI, 290; Имом Шамсиддин Заҳабий. Машҳур даҳолар сийрати. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 54-55.

АБДУССАМАД АЛ-ПАЛИМБОНИЙ
عبد الصمد الپلمبانی
(?, Палимбанг – ?)
Олим ва мутасаввиф

Ҳаётининг асосий қисми Арабистон яриморолининг Макка ва Тоиф ш.ларида кечган. *Саммонийя тариқати*нинг асосчиси Муҳаммад ас-Саммонни *муршид* тутади. Ал-Ғаззолийнинг *«Иҳйā ъулӯм ад-дӣн»* асарини *«Сайр ас-сāликӣн»* (Макка 1306 й.; Булақ 1309 й.), *«Бидāйа ал-ҳидāйа»* асарини *«Ҳидāйа ас-сāликӣн»* (Макка 1287 й., Бомбей 1311 й.) номлари б-н малай тилига таржима қилган. 1779 й.да бошлаб, 1788 й.да ниҳоясига етказилган *«Сайр ас-сāликӣн»* асарида *«Иҳйā ъулӯм ад-дӣн»*нинг баъзи ўринларини қисқартириб, баъзи бўлимларига иловалар киритган.

А.ал-П.нинг *«Урва ал-вусқā ва силсила ули-л-иттиқā»* номли аврод мажмуаси, *«Ар-Ратӣб»* ва *«Насӣҳа ал-муслимӣн»* номли араб тилидаги икки рисоласи ҳам мавжуд. Шунингдек, *ақоид* ва мантиқ илмига бағишланган *«Зуҳра ал-мурӣд фӣ байāн калима ат-тавҳӣд»* номли малай тилидаги асари мавжуд бўлиб, уни Маккада Аҳмад ад-Даманҳурийдан таълим олган дарслари асосида тузган.

Ад.: Ҳаририйзода. *Тибйāн.* II, 140[6]–142[6]; Serkîs. *Муъжам.* II, 1284; John Bousfield. *«Islamic Philosophy in South-East Asia». Islam in South-East Asia* (ed. M. B. Hooker). – Leiden: 1983. 95, 126; P. Voorhoeve. *«Abd al-Samad al-Palimbanı». EI² (İng.).* I, 92; Nihat Azamat. *«Abdüssamed el-Pelimbânî». TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 300.

Тузувчи Бегзод Мухторов

АБДУШАМС ИБН АБДУМАНОФ
عبد شمس بن عبد مناف
Қурайш қабиласининг йирик уруғларидан Абдушамс фарзандлари шажарасининг (Бани Абдушамс) асосчиси

Отаси – Абдуманоф ибн Қусай, онаси – Отика бинт Мурра бўлиб, таваллуд ва вафот этган санаси номаълум. Ибн Ҳишомнинг келтиришича, А.и.А. б-н Ҳошим эгизак бўлиб, терисининг бир қисми бир-бирига ёпишган ҳолатда туғилган ва Абдуманоф қиличи б-н икковини орасини ажратган. А.и.А.нинг эгизи Ҳошимдан ҳошимийлар, ўғли Умайядан эса умавийлар уруғлари тарқаган. А.и.А. отаси Абдуманоф ва эгизи Ҳошим вафотидан кейин ўз уруғига етакчилик қилган ҳамда Абдуддор уруғидан *Каъба* ва *ҳожи*ларга кўрсатиладиган хизматларнинг бир қисмини эгаллашга эришиб, *Қурайш қабиласи*га катта таъсир ўтказа бошлаган. Карвонбошилик ва қўмондонлик вазифаси ҳисобланган *қиёда* ҳам шу тарзда Абдушамс авлоди қўлига жамланган. Бу вазифа Абдушамсдан кейин ўғли Умайяга, кейинчалик набираси Абу Суфён ибн Ҳарбга ўтган.

А.и.А. ака-укалари Мутталиб ва Навфал б-н биргаликда Ҳошим бошчилигида тузилган мавсумий савдо карвонларини уюштирувчи «ийлоф» уюшмасида қатнашиб, тижорат б-н жиддий шуғулланган ва умрининг асосий қисмини сафарларда ўтказган. Ҳошим ва Мутталибнинг вафотидан сўнг «ийлоф»га ҳам бошчилик қилишни бошлаган А.и.А. савдо битимларини тузиш мақсадида Яман орқали Ҳабашистонга сафар қилиб, Макка ва Ҳабашистон ўртасида савдо алоқалари йўлга қўйилишига эришди. А.и.А. ушбу сафардан қайтгач, кўп ўтмай вафот этди ва Сафо тоғи ёнбағридаги Ажёд номли тепаликка дафн этилган. А.и.А. Маккада Туво, Жаъфар, Рум ва Ҳум номли қудуқларни қаздиргани ривоят қилинган.

А.и.А.нинг ўн иккита фарзанди бўлган. Шомда истиқомат қилган Умайя ва Навфал исмли икки ўғлидан ташқари барча фарзандлари Маккада яшаган ва *Бани Абдушамс ибн Абдуманоф* номи б-н *Қурайш қабиласи*нинг муҳим ва обрўли уруғини ташкил қилганлар.

Ад.: Ибн ал-Калбий. *Жамҳара ан-насаб.* – Кувайт: 1403/1983. I, 94, 148; Ибн Ҳишом. *Сйра.* – Қоҳира: 1375/1955. I, 106, 131, 135, 137, 139; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* – Байрут: 1388/1968. I, 75, 77, 79, 85; Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш.* – Қоҳира: 1953. 14, 97; Ибн Ҳабиб. *Ал-Мухаббар.* – Ҳайдаробод: 1361/1942. 163, 169, 399, 456; Ат-Табарий. *Тарйх.* – Leiden: 1879–1901, I, 1089, 1092; Ибн Дурайд. *Ал-Истиқāқ.* – Қоҳира: 1378/1958. 17, 73, 155, 165–167; M. Hamidullah, *İslâm Peygamberi* (trc. Salih Tuğ). – İstanbul: 1980. I, 318, 477; Каҳҳола. *Муъжам қабāил ал-ъараб.* – Байрут: 1402/1982. II, 724; Mustafa Fayda. «*Abdüşems b. Abdümenāf*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 304.

Зафар Фахриддинов

АБДУҲ (АБДО)
عبده

Абдуҳ Муҳаммад
(1849, ? – 11.07.1905, Искандария)
Диншунос олим, публицист, мисрлик Ислом ислоҳотчиларидан

Машҳур файласуф ва илоҳиётчи Жамолуддин Афғонийнинг истеъдодли шогирдларидан бири. Мисрдаги ал-Азҳар ун-тини тугатган (1877 й.). 1881 й. Мисрнинг чет эл томонидан эзилишига йўл қўйган Араб Пошога қарши исён кўтаргани учун 1883-88 й.ларда чет элга сургун қилинган. Устози Афғоний б-н бирга Парижда «Урва ал-вусқо» («Мустаҳкам бирлик», 1884 й.) жамиятини тузган. Байрут ва Парижда яшагандан сўнг ўз юртига қайтиб расмий суд-қози вазифасида, 1889 й.дан ал-Азҳар ун-тида, 1899–1905 й.ларда Мисрнинг бош муфтийси бўлиб ишлаган. Искандарияда вафот этган, қабри Қоҳира ш.да.

Замонавий араб публицистикаси ва журналистикасининг асосчиларидан бири, янги араб адабий тили шаклланишида ўзининг адиблик ва публицистлик фаолияти б-н фаол иштирок этган. «Ал-Манар» журн. (1898 й.)га асос солган. «Ал-Вақоеъ ал-Мисрийя» («Миср воқеалари») газетаси муҳаррири бўлган. А. публицистикасининг янги араб адабий тилининг шаклланишида муайян ҳиссаси бор. У «*Тафсйр ал-Қуръāн*» (1898–1905 йй.), «*Рисāла ат-тавҳйд*» (1897 й.) асарлари муаллифи, фаннинг турли соҳаларига оид 30 дан зиёд китоб ёзган.

Ад.: Рашид Ризо. *Тарйх ал-устāз ал-имāм аш-шайх Муҳаммад Абдуҳ.* – Қоҳира: 1908–31. I–IV; Мустафо. *Муҳаммад Абдуҳ.* – Қоҳира: 1946; *Краткая лит-ная энц-я.* – М.: СЭ, 1962. I, 29; *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 18; Z. Bünyadov. *Dinlər, təriqətlər, məzhəblər.* – Bakı: «Şərq-Qərb», 2007. 7–8.

Ҳамидулла Болтабоев

АБЁТ
أبيات

Абёт – араб. уй (байт) сўзининг кўплиги. 1. Уй. 2. Шеърий байт – байтлар, шеърлар. Мумтоз шеъриятда ғазал, қасида ва маснавийнинг ҳар банди икки мисра (қатор)дан иборат. Байт фикр ва ритмик жиҳатдан тугалланган бўлади, ғазалнинг А., яъни байтлари одатда 16 байтгача, қасиданики эса ундан ортиқ

бўлади. Маснавий эпик мазмун ифодалагани учун ундаги байтлар миқдори жуда кўп бўлиши мумкин. Алишер Навоий байт хусусида ёзади:

Абётиға назми оташолуд
Назми чиқариб димоғиға дуд

Мазмуни: Назмининг алангали байтларидан назм (шеърият) димоғига дуд (тутун) чиқади.

(Алишер Навоий. *Лайли ва Мажнун.* 37)

Ад.: *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 80.

Ҳамидулла Болтабоев

АБЖАД
اَبْجَد

Араб алифбоси таркибидаги ҳарфлардан тузилган ва ҳар қайси ҳарфнинг сон қийматини ёдда сақлаш мақсадида ясалган 8 та сўзнинг биринчи ва шартли умумий номи. Бу сўзлар: абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, саххаз, зазағ. Аслида, араб ҳарфларининг мазкур тартиби финикий ва оромий ҳарфларидан келиб чиққан бўлиб, улар муайян сонларни ифодалайди.

Арабий 28 ҳарф ифодалаган рақамлар қуйидагилардир:

– абжад: ا алиф – 1, ب бе – 2, ج жим – 3, د дол – 4;

– ҳавваз: ه ҳо – 5, و вов – 6, ز зе – 7,

– ҳуттий: ح ҳе – 8, ط то (итқи) – 9, ى йо – 10;

– каламан: ك коф – 20, ل лом – 30, م мим – 40, ن нун – 50;

– саъфас: س син – 60, ع айн – 70, ف фе – 80, ص сод – 90;

– қарашат: ق қоф – 100, ر ре – 200, ش шин – 300, ت те – 400;

– саххаз: ث се – 500, خ хо – 600, ذ зол – 700;

– заззағ: ض зод – 800, ظ зо (изғи) – 900, غ ғайн – 1000.

Бу сўзлар ҳеч нарсани англатмайди, деган фикр тўғри эмас. Булар алифбо асосидаги жадвални ёдлаш, ҳарфлар билдирадиган математик рақамларни эсда сақлаб қолиш, сонларни кўпайтириш, ундан таърих чиқариш учун муҳим омилдир. Ҳарфларни рақамлаш қадимда финикия-оромий алифбосида ҳам мавжудлиги айтилган (қ. «*Ўзбекистон миллий энциклопедияси*»). Шунингдек, бу сўзлар муайян маъноларни англатади. Ўзбек адабиётида махфий мактублар ёзишда А. ва жумал ҳисобидан фойдаланилган. Шарафуддин Али Яздий «*Зафарнома*» асарида Соҳибқирон Амир Темурнинг 71 йил умр кўргани «*Алиф, лом, мим*» ҳарфларида ифодаланганини баён қилиб: «ким, Бу Қуръоннинг аъзам (улуғ) сураларидан турур», дейди.

«*Бобурнома*» асаридан таърих санъатига мисол қилиб буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг шаҳид бўлиш воқеаси баён қилинган ушбу форсий қитъани келтириш мумкин:

Улуғбек баҳри улуму хирад,
Ки дунёву динро аз ў буд пушт,
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,
Шудаш ҳарфи таърих Аббос кушт.

Таржимаси: «Илм ва ақл денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббос қўлидан шаҳидлик болини тотди, «Аббос кушт» («Аббос ўлдирди») ҳарфлари ўлим тарихи бўлди».

– «Аббос кушт» иборасини абжад ҳисобидаги ҳарфлар б-н ҳисоблаб чиқамиз: айн – 70; бе – 2; алиф – 1; син – 60; коф – 20; шин – 300; те – 400. Жами – 853.

Шунга асосан, ҳарфлар А. ҳисобига кўра, рақамга айлантирилса, ҳиж. 853 й. келиб чиқади. Бу сана мил. ҳисобга кўра 1449–1450 й.ларга тўғри келади. Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек 1449 й.да қатл қилинган.

Улуғ аллома Ғиёсуддин Рампурий Мустафоободийнинг «*Ғиёс ул-луғот*» қомусида келтирилишича, мазкур сўзлар қуйидаги маъноларни англатади:

1. *Абжад:* (Абӣ вужида фи-л-маъсийа) – Менинг отам (ҳазрати Одам а.с.) хато ичида топилди, яъни у зотдан хато вужудга келди.

Ҳавваз: (Атбаъа ҳавāҳу) – (Ул Зот) ҳавои нафсига эргашди.

Ҳуттий: (Ҳутта занбуҳу би-т-тавба ва-ал-истиғфāр) – Тавба ва истиғфор б-н гуноҳи камайтирилди.

Каламан: (Такаллама би калиматин фа тāба ъалайҳи би-л-қабули ва-р-раҳмати) – (У киши Аллоҳдан олган) сўз б-н сўзлади, бас, (Аллоҳнинг) раҳмати б-н тавбаси қабул бўлди.

Саъфас: (Зāқа ъалайҳи-д-дунйа фа уфиза ъалайҳи) – Ул Зотга дунё тор бўлди, бас, у кишига (Аллоҳнинг фазли ва раҳмати) тушди-тўкилди.

Қарашат: (Ақарра бизанбиҳи фа шаруфа би-л-карāмати) – (Ул Зот) гуноҳига иқрор бўлди, бас, каромат б-н шараф топди.

Саххаз: (Ахаза миналлāҳи қувватан) – (У киши) Аллоҳ таолодан қувват олди.

Заззағ: (Садда ъанҳу назғ аш-шайтāни би-л-ъазймати) – Азимат б-н, яъни Аллоҳнинг сўзи ва *тавҳид* б-н у кишидан шайтоннинг васвасаси тўсилди.

«*Ғиёс ул-луғот*»да айтилади: «Баъзи олимларнинг ёзишича, Абожод дегани бир подшоҳнинг номи бўлган ва енгиллатиб, қисқартирилиб Абжад», деб аталган, қолган етти сўз эса, унинг етти фарзандини номидир («*Суроҳ*» ва б. китобларда унинг сифатлари ёзилган).

2. *Абжад* – бошланғич, илк маъносига ҳам эга; масалан, мумтоз шеъриятда «абжади ишқ» ибораси илоҳий ишқнинг илк босқичларини ифодалайди. Масалан, Алишер Навоий ёзадилар:

Ақлким, барча хирад аҳлига
эрди устод,
Бўлди ишқ абжади таълимида
тифли мактаб.

Яъни: «Барча зеҳн ва донолик аҳлига устоз бўлган ақл ишқ абжади таълимига келганда худди ёш боладек бўлиб қолди».

3. *Абжад* – мусиқада, Яқин ва Ўрта Шарқ мусиқа илмида товуш (парда, нағма)лар ёзилиши ва уларнинг нисбатлари аниқланишида абжад тизимидан фойдаланилган.

Ад.: Муҳаммад Сиддиқхон. *Абжад ал-ъулўм.* «Дор Ибн Ҳазм», 2002; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. *Бобурнома.* – Т.: «Ўқитувчи», 2008, 58; Ҳ. Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 81; https://ru.wikipedia.org/wiki/Абджадия.

Мирзо Кенжабек

АБЖАД АЛ-ЪУЛЎМ
أبجد العلوم

«Абжад ал-ъулўм» энциклопедик асар. Унда илм ва фанлар, хусусан, Исломга оид илмлар таснифи, шунингдек, тарих ва турли соҳа олимларининг таржимаи ҳоллари ҳақида маълумотлар берилган.

Асар Муҳаммад Сиддиқхон ал-Қаннужий қаламига мансуб. Муаллиф асарни ёзишда ал-Форобийнинг «*Иҳсā ал-ъулўм*», ал-Хоразмийнинг «*Мафāтиҳ ал-ъулўм*», Тошкўпризоданинг «*Мифтāҳ ас-саъāда*» ва Ҳожи Халифанинг «*Кашф аз-зунўн*» асарларидан фойдаланган.

Асар уч жилддан иборат бўлиб, ҳар бир жилд бир неча боб ва фаслларга бўлинган ҳамда қуйидагича номланган:


أبجد العلوم
الجزء الأول
الوشي المرقوم في بيان أحوال العلوم
ألفه
صديق بن حسن القنوجي
ت : ١٣٠٧ هـ ، ١٨٨٩ م
عبد الجبار زكار
منشورات وزارة الثقافة والإرشاد القومي
دمشق – ١٩٧٨

Муҳаммад Сиддиқхон ал-Қаннужийнинг *«Абжад ал-ъулўм»* асари. Дамашқ. 1978 й.

Биринчи жилд – *«Ал-Вашй ал-марқӯм»*.

Иккинчи жилд – *«Ас-Сиҳāб ал-маркӯм ал-мумтир би-анвāъ ал-фунӯн ва аснāф ал-ъулӯм»*.

Учинчи жилд – *«Ар-Раҳйқ ал-махтӯм мин тарāжим аимма ал-ъулӯм»*.

Асар 1978 й. Дамашқда нашр этилган.

Муаллифнинг тўлиқ исми Муҳаммад Сиддиқхон ибн Ҳасан ибн Али ибн Лутфуллоҳ ал-Ҳасаний ал-Бухорий ал-Қаннужий бўлиб, у таниқли ҳадисшунос олим ва *муфассир* бўлган. 1248/1832 й. Ҳиндистоннинг Банус Барилий қишлоғида таваллуд топган.

Муҳаммад Сиддиқхон олти ёшга етганида отаси вафот этиб, етим қолади. Онаси ва акаси б-н ота-боболари юрти Қануж ш.часига жўнаб кетадилар. Деҳлида таълим олади. Кейинчалик, Бҳопал ш.га (Ҳиндистон) сафар қилиб, ўша ерда яшаб қолади. У ерда вазир даражасигача кўтарилади. Бҳопал амири Искандар Бегимнинг қизи малика Шоҳжаҳон Бегимга уйланади.

Муҳаммад Сиддиқхон олтмишдан зиёд араб, форс ва ҳинд тилларида асарлар ёзган. У 1307/1890 й. вафот этган.

Ад.: Муҳаммад Сиддиқхон. *Абжад ал-ъулӯм*. «Дор Ибн Ҳазм», 2002; Аҳмад Атиятуллоҳ. *Ал-Қāмӯс ал-ислāмӣ*. «Мактаба ан-наҳда ал-мисрийя», 1963. I, 7–8; Фотима Маҳжуб. *Ал-Мавсӯъа аз-заҳабиййа*. II, 88.

Маъмуржон Абидов

АЛ-АБИВАРДИЙ, АБУ-Л-МУЗАФФАР
الأبيوردي، أبو المظفر

Абу-л-Музаффар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Умавий ал-Муовий ал-Абивардий (тахм. 457/1065, Хуросон – 507/1113, Исфаҳон)

Шоир, адиб, ахбор ва ансоб олими

Насаби Абдуманофга уланган ва *умавийлар*дан Анбаса ибн Абу Суфён наслидан бўлган ал-Абивардий Хуросонга қарашли Абивард яқинидаги Куфан ш.ида дунёга келган. У Исмоил ибн Масъадат ал-Журжоний, Абдулваҳҳоб ибн Муҳаммад ибн Шаҳид, Абу Бакр ибн Халаф аш-Шерозий, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий ва Абдулқоҳир ал-Журжонийлардан таълим олгани ҳамда ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштиргани манбаларда зикр қилинган.

Ёшлик йилларида Бағдодга сафар қилган. У ерда халифалар, султонлар ва даврининг машҳур шахсларининг ҳимоясида бўлган. Улар орасида халифа Муқтадий-биамриллаҳ, ўғли ва халафи Мустазҳир-биллаҳ, Султон Маликшоҳ ва ўғли Султон Муҳаммад Тапар, Вазир Низомул-мулк б-н ўғли Муаййидул-мулкларни зикр қилиш мумкин. Муаййидул-мулкнинг хизматида бўлган пайт халифанинг вазири Амидуд-давлани ҳажв қилганида вазир унинг *Аббосий* халифасини камситиб, *Фотимий* халифасини мақтаганини айтиб, уни халифа Муқтадийга шикоят қилади. Шу боис ал-А. Ҳамадонга қочади. Араб тили ва адабиётидаги билими устунлиги сабабли Низомул-мулкнинг ўғли Зиёул-мулкнинг хизматига келтирилади. Зиёул-мулкнинг ўлими сабабли Исфаҳонга сафар қилиб, у ерда Бурсукнинг ўғилларига устозлик қилади. Кейинчалик Султон Муҳаммад Тапар томонидан мушрифул-мамолик этиб тайинланмасидан олдин бир муддат Бағдоддаги Низомия мадрасаси кутубхонасида мудир вазифасида ишлайди. 507 й. 20 рабиъул-аввал ойи / 1113 й. 4 сент.да вафот этган. Ибн Халликоннинг *«Вафайāт ал-аъйāн»* асарида ал-А.нинг ўлими ҳақида берилган 557/1162 й. котибнинг хатоси бўлиши мумкин. Имодуддин ал-Исфаҳоний ал-А.нинг Муҳаммад Тапар томонидан мушрифул-мамолик этиб тайинланиб, хизмат чоғида султоннинг ҳузурида йиқилиб ўлганини, бу ҳолат ўша даврнинг нуфузли шахсларидан бўлган Хатир томонидан заҳарланиш оқибатида юз берганини нақл қилган.

Манбаларда ал-А.нинг ўта кучли ҳофизага эга бўлгани, адабиёт, насаб илми, грамматика, луғат ва ахборда чуқур илм-

га, *балоғат* ва иншода ўта моҳир, кучли шоир, айни вақтда иффатли, одил, диндор, нафосат соҳиби бўлганини, ҳаётида баъзан бўлиб ўтган молиявий қийинчиликларга қарамай ҳеч кимсадан бирор нарса тама қилмагани зикр қилинади.

Ал-А.нинг насаб, тарих, шеър, шеър танқиди ва ҳадис соҳаларидаги ўн бештага яқин асарлари бўлиб, улардан иккитасигина бизгача етиб келган. Улар: *«Дивон ал-Абивардий»*. Бу девон *«Ироқийот»*, *«Наждийот»* ва *«Важдийот»* номи б-н уч қисмга бўлинган. (Қоҳира: 1317; Байрут: 1327; Дамашқ: 1374–1375/1974–1975; Байрут: 1407/1987). Булардан *«Наждийот»* қисми турли олимлар томонидан шарҳланган.

«Ал-Мухталиф ва-л-муъталиф фи муштабиҳ асмо ар-рижол». Мазкур рисола ҳадис илмига оиддир.

Ал-А.нинг манбаларда зикр этилган, бироқ бизгача етиб келмаган асарлари қуйидагилардир: *«Тарих Абивард ва Насо»*, *«Қабса ал-ажлон фи насаб Аби Суфйон»*, *«Нузҳа ал-ҳофиз»*, *«Ал-Мужтаба мин ал-мужтано фи-р-рижол»*, *«Китоб Аби Абдирраҳман ан-Насоий фи-с-сунан ал-маъсура ва шарҳ ғарибиҳ»*, *«Мо ихталафа ва иъталафа фи ансоб ал-ъараб»*, *«Табақот ал-ъилм фи кулли фанн»*, *«Китоб кабир фи-л-ансоб»*, *«Кавкаб ал-мутааммил»*, *«Ад-Дурра ас-самина»*, *«Саҳла ал-қариҳ»*.

Ад.: Ибн ал-Жавзий. *Ал-Мунтазам*. IX, 176–177; Имодуддин ал-Исфаҳоний. *Харида ал-қаср: ал-қисм ал-Ироқийа*. – Бағдод: 1375/1955. I, 106–107; Ёқут. *Муъжам*. XVII, 234–264; Ибн ал-Асир. *Ал-Комил*. X, 284–285; ўша муал. *Ал-Лубоб*. III, 154–155; Ибн ал-Қифтий. *Инбоҳ ар-рувот*. III, 49–52; Ибн Халликон. *Вафайот*. IV, 444–449; Ас-Субкий. *Табақот*. VI, 81–84; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XIX, 283–292; Ал-Астрободий. *Базму разм*. – Анқара: 1990. 20; F. Wüstenfeld. *Die Geschichtsschreiber der Araber und ihre Werke*. – Göttingen: 1882. 223; Serkîs. *Муъжам*. I, 362; Brockelmann. *GAL*. I, 293–294; Suppl., I, 447; ўша муал. *«Ebîverdî»*. *İA*. IV, 6; ўша муал. – Ch. Pellat. *«al-Abîwardî»*. *EI² (İng.)*. I, 100; L. A. Giffen. *«Abîvardî»*. *EIr*. I, 219–221; Cevat İzgi. *«Ebîverdî»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 76–77.

Жеват Изги

АБИЙДА АС-САЛМОНИЙ

عبيدة السلماني

(? – 72/691, ?)

Фақиҳ, тобеъин

Асли яманлик бўлиб, *Мурод қабиласи*нинг Салмон уруғига нисбатан ас-Салмоний дейилган. Исломга киришидан олдин ҳам қабиласи орасида юқори мавқега эга бўлиб, қабиласининг орифи саналган. *Макка фатҳи* асносида мусулмон бўлган, бироқ Пайғамбар (с.а.в.) б-н учраша олмаган. Умар (р.а.) даврида Мадинага келган, кейинчалик у ердан Куфага кўчиб ўтган. Кўпгина *ғазот*ларда иштирок этган. Али (р.а.) ва *хорижийлар* ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳам қатнашган. *Саҳоба*ларнинг кўпи б-н кўришган. Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Муҳаммад ибн Сирийн, Шаъбий, Иброҳим ан-Нахаий ва Абу Исҳоқ ас-Сабиий сингари ўша даврнинг машҳур олимлари ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳадис мунаққидлари томонидан ишончли ва ривоятлари энг *саҳиҳ исно*длардан, деб эътироф этилган. А.ас-С.нинг *фиқҳ* ва *қироат*даги устози Абдуллоҳ ибн Масъуддир. Ўзи эса, баъзи олимлар фикрича Куфанинг тўртта машҳур *фақиҳ*лари (Абийда, Ҳорис, Алқама ва Шурайҳ)нинг энг устуни ҳисобланган. Манбаларда Шурайҳ ўзи еча олмаган айрим масалаларда А.ас-С. б-н маслаҳатлашиб, кейин *фатво* бергани ҳақида маълумотлар келади.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақот ал-кубро*. – Байрут: 1388/1968. VI, 93–95; Али ибн ал-Мадиний. *Илал ал-ҳадис*. – Ҳалаб: 1400/1980. 44; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба*. – Қоҳира: 1390–93/1970–73. III, 552; ўша муал. *Ал-Лубоб*. – Қоҳира: 1357–69. – Байрут: II, 127; Ан-Нававий. *Таҳзиб ал-асмо*. – Байрут: I, 317; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффоз*. – Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58. – Байрут: I, 50; ўша муал. *Сийар*. IV, 40–45; Ибн Ҳажар. *Таҳзиб ат-таҳзиб*. VII, 84–85; Mustafa Uzunpostalcı. *«Abîde es-Selmânî»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1988. I, 309–310.

Мустафа Узунпўсталжи

АБКĀР АЛ-АФКĀР
أبكار الأفكار
Ашъарийя олимларидан Сайфуддин ал-Омидийнинг (ваф. 631/1233 й.) калом илмига доир асари

Асар қисқа муқаддима ва саккиз бўлимдан ташкил топган. «Муқаддима»да асосий мавзулардан бири сифатида Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳақида баҳс қилувчи, диний илмларнинг асосини ташкил қилган *калом илми* – энг шарафли илм экани, уни ўрганиш катта аҳамият касб этиши, шунингдек, мутақаддим ва мутааххир олимларнинг ўз даврига оид қарашлари изоҳланган ҳолда ифодаланган. «Қоида» номи б-н аталган бўлимларда «фасл, боб, қисм, навъ, масала, асл ва фаръ» номи берилган ички тузилмалар қўлланилган.

Фан муаммосига тегишли биринчи бўлимда турли таърифлар берилиб, фан соҳалари б-н боғлиқ таҳлиллар келтирилган (2^b–18^a).

Ақлий далиллар (назария) келтирилган иккинчи бўлимда назариянинг таърифи, шартлари, манбаси, назарий билим манбаи сифатида қабул қилинмаган фикрлар танқиди, Аллоҳнинг борлигини англаш учун соф тафаккур ҳар бир мукаллафга фарз экани каби мавзуларга ўрин ажратилган (18^a–35^b).

Назарий ҳукмларга олиб борувчи услублар тилга олинган учинчи бўлимда ҳад, қисмлари, турлари ва уларнинг далиллари устида тўхталинади (35^b–46^a).

«Маълум» мавзусига оид тўртинчи бўлим асарнинг энг кенг қисмини ташкил қилади. «Маълум» – мавжуд ёки маъдум бўлади; мавжуд бўлган «маълум» вожиб ва мумкин шаклда иккига бўлинади. Шунингдек, вожиб борлиқ мавзуси кенг баён қилинган ушбу бўлимда *вожиб ал-вужуд*нинг исботи, сифатлари, сифатларининг бир-бири б-н боғлиқлиги, Аллоҳ ҳақида жоиз бўлган ва бўлмаган хусусиятлар, *руъятуллоҳ*, Аллоҳни махлуқларига ўхшатишликдан поклаш, насронийларнинг улуҳийятга алоқадор қарашлари танқиди, илоҳий феъллар, *таъдил ва тажвир*, қудрат ва ирода мавзулари устида сўз боради. Мумкин борлиқ қисмида эса жавҳар (субстанция), араз (аксиденция) ва буларга алоқадор ҳукмлар б-н оламнинг ҳодис бўлиши мавзуси тилга олинади. Мазкур бўлимнинг маъдум бўлган «маълум» қисмида *аҳвол* назарияси танқид қилинади (46^b–505^a).

Нубувватга доир бешинчи бўлимда нубувват, набий ва мўъжиза тушунчалари шарҳидан кейин, пайғамбарларнинг васфлари ҳамда устунликлари ҳақидаги мавзулар ўрин олган (505^a–586^a).

Охират ҳолатлари ва самъийёт (охират ҳаётига оид мавзуларнинг умумий номи)га оид олтинчи бўлимда охират ҳаёти, қабр азоби, жаннат ва жаҳаннамнинг мавжудлиги, ҳисоб, мезон, сирот каби мавзулар баён қилинади (586^a–635^b).

«Ал-Асмā ва-л-аҳкām» номли еттинчи бўлимда иймон ва куфр тушунчаси, аҳли *қибла*нинг куфрда айбланмаслиги, такфир масаласи ва кофирларга боғлиқ айрим ҳукмлар ҳақида сўз боради (635^b–669^a).

Имоматга доир бўлган саккизинчи бўлим – халифаларнинг сайланиши ва бунга алоқадор шартлар, илк тўрт халифанинг қонунчилиги, *саҳоба*лар орасида содир бўлган ички зиддиятлар, *саҳоба*ларнинг фазилатдаги даражалари, амри маъруф, наҳйи мункар ва буни ижро этувчи кишининг вазифалари каби мавзуларни ўз ичига олади (669^a–729^b).

*Ашъарийя*нинг энг нуфузли манбаларидан бири бўлган А.ал-А, *калом* ва фалсафа илмлари жамланган илк асарлардан ҳисобланади. Шунингдек, исломий фирқалардан – *хорижийлар*, *шиа*, *муътазила*, *нажжорийя*, *ҳашвийя*, *мушаббиҳа*;



Сайфуддин ал-Омидийнинг *«Абкāр ал-афкāр»* асари. Байрут нашри

Исломдан ташқари динлардан – яҳудийлик, насронийлик, мажусийлик ва собиийлик асарда танқид остига олинган асосий мавзулардандир. А.ал-А.да улуҳийят мавзусига кенг жой ажратилгани ва мазкур мавзуда муаллифнинг баъзи оригинал қарашларини мавжудлиги диққатга сазовордир.

А.ал-А. асари муаллифнинг ўзи томонидан *«Румӯз ал-кунӯз»* номи б-н мухтасар қилинган. Азидуддин ал-Ийжий, ат-Тафтазоний ва Саййид Шариф ал-Журжоний каби мутааххир *калом* олимлари ҳам мазкур асардан асосий манба сифатида фойдаланганлар. А.ал-А. асари Аҳмад Маҳдий томонидан ал-Азҳар ун-тининг «Усул ад-дин» факультетида докторлик иши сифатида ҳимоя қилинган.

А.ал-А. Сулаймония кутубхонасининг Иброҳим Пошо фондида 807–инв. рақам остида сақланмоқда. Кўпрулу ва Тўпқопи саройи музейи кутубхоналарида ҳам турли нусхалари мавжуд.

Ад.: Омидий. *Абкāр ал-афкāр.* Сулаймония кутубхонаси, Damad İbrâhim Paşa, инв. рақам 807; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунӯн.* – Истанбул: 1941–43. I, 4; Brockelmann. *GAL. Suppl.,* I, 678; Muhammed Aruçi. *Nûreddin es-Sâbûnî ve ârâ'ühü'l-kelâmiyye min kitâbihi'l-Kifâye fi'l-hidâye* (yüksek lisans tezi, 1406/1986. Câmiatü'l-Kahire, Külliyyetü Dâri'l-Ulûm). «İSAM Ktp., nr. 13.834». 980; Emrullah Yüksel. «*Ebkârü'l-efkâr*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 77–78.

Амруллоҳ Юксал

АБКĀР АЛ-МИНАН
أبكار المنن

Асар муаллифи ҳиндистонлик муҳаддис Абу-л-Ало Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Муборакфурий (ваф. 1353 ҳиж. й.) бўлиб, у Имом Абу Исо ат-Термизийнинг «*Ал-Жāмиъ ас-саҳӣҳ*» асарига «*Туҳфа ал-аҳвазӣ шарҳ жāмиъ ат-Термизӣ*» номли шарҳи б-н машҳур.

Муҳаммад Абдурраҳмон ал-Муборакфурий Шайх Абдуллоҳ ал-Миавий, Назир Ҳусайн ал-Баҳорий ад-Деҳлавий, Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ансорий ал-Хазражий, Ҳисомуддин ал-Миавий ва б. кўплаб устозлардан таълим олиб, дарс, фатво берган ва илмий китоблар ёзган. Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг устози бўлган.

Асарнинг тўлиқ номи «*Абкāр ал-минан фӣ танқӣд āсāр ас-сунан*»дир. Асар «*Āсāр ас-сунан*» асарини танқидий ўрганишга бағишланган. «*Āсāр ас-сунан*» асари Муҳаммад ибн Али ан-Наймавийга мансуб бўлиб, у «*Саҳӣҳ*» ва «*Сунан*» тўпламлардан танланган ҳадисларни ўзида жамлаган. Шунингдек, асар *таҳорат* ва *намоз* бўйича *ҳанафий мазҳаби* далилларини ўз ичига олади.

А.ал-М. асари «*Китāб ат-таҳāра*» ва «*Китāб ас-салāт*» номли икки китобдан ташкил топган бўлиб, уларда *таҳорат* ва *намоз*га оид мавзулар баён қилинган. «*Китāб ат-таҳāра*» 29 бобдан, «*Китāб ас-салāт*» эса 67 бобдан иборат бўлиб, уларга қатор «танбеҳ» ва «фойда»лар илова қилинган. Асарнинг Банорас нашрида 17 саҳифадан иборат тузатишлар илова қилинган. Бу тузатишлар тўрт устунда берилган бўлиб, уларда саҳифа рақами, сатр рақами, хато ҳолати ва тузатилиб ўқилиши талаб қилинган шакллар баён этилган.

Муаллиф А.ал-М.да ҳар бир ҳадис ва ундан олинган ҳукм борасидаги тўрт *фиқҳий мазҳаб* (ҳанафий, моликий,

шофеъий ва ҳанбалий) далилларини қиёсий баён қилган. Шунингдек, *фиққий мазҳаб*лардаги ҳукмлар, бир *мазҳаб* ўртасидаги турли фикрларни ҳам келтирган. Барча қарашлар баён қилингач, уларнинг далиллари, манбалари, Қуръон ояти бўлса, у ҳақида машҳур *тафсир*лар, ҳадисларнинг эса *тахрижи* (қайси тўпламларда ривоят қилингани)ни баён қилиш б-н бирга, ақлий далиллар ҳам ўз ўрнида келтирилган.

А.ал-М. асарининг 1388 ҳ.й.да кўчирилган қўлёзма нусхаси Қувайтдаги Вақф ишлари вазирлиги кутубхонасида (инв. рақам 9873) сақланмоқда. Абу-л-Қосим ибн Абдулазим томонидан тайёрланган нашрлари эса, 1990 й. Банорасдаги «Ал-Мактаба ас-салафийя», 2013 й. «Дор ал-қабас» матбааларида чоп этилган.

Ад.: Абдурраҳмон ал-Муборакфурий. *Абкар ал-минан фи танқид асар ас-сунан.* (Абу-л-Қосим ибн Абдулазим нашри). – Банорас: «Ал-Мактаба ас-салафийя», 1990; https://ar.wikipedia.org/wiki.

Аъзамхон Абдураҳмонов

АБО
آباء
Қуръони каримда қўлланилган атама

Ушбу атама Қуръони каримда кўплаб *мушрик*ларнинг оталари динига боғлиқлигини танқид қилиш учун қўлланилган. Араб тилида «аб» (ота) сўзининг кўплик шакли бўлган «або», «аввалгилар, ота-боболар» маъносини ифодалайди. Ушбу сўз араб тилида кўчма маънога ҳам эга бўлиб, сайёралар ва юлдузларни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Қуръони каримда олтмиш уч маротаба келган А. сўзи б-н ифодаланган «ота-боболар, аждодлар» билвосита уларнинг жоҳилият давридаги динига ишора сифатида қўлланилган. Чунки Ислом дини арабларга янги эътиқод, тушунча ва ҳаёт тарзини олиб келган. Бунга қарши бўлган Макка *мушрик*ларининг илгари сурган даъволари ота-боболарининг бутпарастлик эътиқодларини сақлаб қолиш эди. Буни улар ота-боболари эътиқодига содиқлик сифатида талқин қилар эдилар, аммо асл сабаб жоҳилият даврида шаклланган адолатсиз ва ғайриинсоний тартибларни ўзгартирмаслик, қуллар, аёллар ва шаҳарга ташқаридан келганларни ҳуқуқсиз мавқеини ушлаб туриш бўлган. Ислом дини аслида ота-онага, умуман, катта авлодга ҳурмат ва эҳтиромни буюрган. Буни Аллоҳнинг ваҳдониятидан кейинги энг муҳим вазифа деб қабул қилган (*«Нисо» сураси,* 36–оят; *«Исро» сураси,* 23–24 оятлар). Бироқ, жоҳилият жамиятида юзага келган адолатсизликларга буткул барҳам бериш ва мазлум тоифаларни қўллаб-қувватлашни шиор қилиб олган илк Ислом уммати мавжуд иллатларни ота-боболар анъанасига содиқлик дея хаспўшлашга қарши мавқени тутгани кўзга ташланади. Чунки Макка *мушрик*лари аждодларга боғлиқлик даъвоси б-н мусулмонларга, тавҳид ғоясига, Пайғамбар (с.а.в.)нинг чақириғи ва охират ҳақлигини инкор этиш б-н бир қаторда, энг аввало, Ислом дини келтирган ахлоқ қоидаларига ва ижтимоий адолат тамойилларига қарши чиққанлар. *Мушрик*ларнинг катталари аждодлар анъаналарига қатъий амал қилиш ва ўрнатилган тартибларни ўзгартирмасликка чақириб, ўз мавқеларини сақлаб қолишга интилар эдилар (*«Намл» сураси.* 14-оят; *«Қасос» сураси.* 57-оят). Қуръони карим оятларида бу каби даъволар асоссиз экани баён этилиб, бундай чақириқларнинг асл мақсади бошқа экани, илгари ўтган умматлар ҳам бу каби иллатларга қарши турганлари ҳақида таъкидлаб ўтилган (*«Бақара» сураси*, 170-оят; *«Наҳл» сураси*, 35-оят).

Ад.: Қуръони карим. *Нисо.* 36-оят; *Исро.* 23–24-оятлар; *Намл.* 14-оят; *Қасос.* 571-оят; *Бақара.* 170-оят; *Наҳл.* 35-оят; Ат-Таҳонавий. *Кашшоф.* I, 90, 99; М. Фуод Абдулбоқий. *Муъжам. Абā*; Günay Tümer. «*Abā*». *TDV İA.* – İstanbul: 1988. I, 5.

Зафар Фахриддинов

АБО
العباء

Эркаклар устки кийими

Або – мусулмон қавмларнинг кўпчилиги томонидан кийилган устки кийим. «Абоа» ёки «абоя» сўзининг кўплик шакли бўлган ва одатда бирлик маъносида қўлланган А. ҳадисларда «йўқсиллар кийган дағал кийим» сифатида таърифланади. Пайғамбар (с.а.в.)ни зиёрат қилиш учун келган *Музор қабиласи*дан бир гуруҳнинг эгнида А.дан бошқа нарсалари бўлмагани, Мадинадан ташқарида яшовчилар жума *намоз*ини ўқиш учун шаҳарга келганларида устларидаги нохуш ҳид жамоатни беҳузур қилгани боис, Пайғамбар (с.а.в.) уларга ғусл қилиб келишларини тавсия этганлари ҳадислардан маълум. Чунончи, Ҳузайфа (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) устида *намоз* ўқиган бир А.ни унга тортиқ қилганларини айтади.

А. кийиш илк зоҳидлар ва *сўфий*лар замонида кенг тус олгани, бу кийимнинг *зуҳд* ва фақирлик аломати саналганини кўрсатувчи ривоятлар ҳам бор. Мисол учун, Асаммга кўра, А. – *зуҳд* аломатларидандир. Шу боисдан «Қалбида беш ақчалик А. кийиш орзуси бўлган бир кимсанинг уч ярим ақчалик А. кийиши тўғри бўлмайди. Бундай кимсанинг А. ўрнига янги кийим кийиб *зуҳд*ини сақлаши ўзи учун яхшироқ бўлади». Ҳотим ал-Асаммга нисбат берилган юқоридаги сўзни Абу Сулаймон ад-Доронийга боғлаган Қушайрийнинг «або» ўрнига «суф» сўзини ишлатилиши А. б-н суф ораси ажратилмаганини кўрсатади. Бу сабабли А. кейинчалик «хирқаи сўфийя» ва «жуббаи пашмийна» шаклида таърифланади.



Або. Эркаклар кийими

Эҳтимол *сўфий*лар А.га маънавий қадр бериб, уни *зуҳд* ва фақирлик тимсолига айлантирганлар.

Дарвешлар кийган дағал ва қадрсиз кийимга А., қимматли уст кийимга эса қабо (кафтан, чакмон) дейилади. Абу Ҳафс ал-Ҳаддод эгнида қабо бўлган Шоҳ Шужоъ ал-Кирмонийни кўрганида унга катта иззат кўрсатган ва «Абода ахтарганимни қабода топдим» деган. Бу гапи б-н у яхши *сўфий* бўлиш учун, албатта, эски-туски А. кийиш шарт эмаслиги, Аллоҳнинг *валий* бандалари қимматли ва нархи баланд кийимлар ҳам кия олишларини маълум қилмоқчи бўлган. Али (р.а.) ҳам қимматли кийим кийишдан воз кечиб А. кия бошлаган Осим ибн Зиёдга «Аллоҳ сенга дунё неъматларини ҳалол қила туриб улардан фойдаланишингга розилик бермайди, деб ўйлайсанми? Берган неъматларини бошдан-оёқ санагандан кўра, улардан фойдаланишга боқ!», деган.

Охирги даврларгача А. кийишда давом этганлар А.ни *зуҳд* ва фақирлик тимсоли сифатида *тасаввуф*ий анъанага садоқатларини кўрсатиш орқали валийларнинг ва Ҳаққа етишганларнинг бундай оддий, кўримсиз кийимлар ичида ўзларини халқ нигоҳидан узоқ тутганликларига ишонилган. Мавлоно Жалолуддин Румий А. кийганларни «дағал юнг мато ичидаги султонлар», деб васфлайди. Бу масалага жиддий ёндашган Ибн Таймия,

валий бўлган кимса ташқи кўриниши б-н ўзини халқдан ажратмоқчи бўлмайди, балки қилиниши мубоҳ бўлган бир мавзуда халқдан фарқли йўл тутишнинг маъноси ҳам йўқ. Чунки А., хирқа ва тож (дарвешлар жамоаси шайхи бош кийими) каби нарсалар *тасаввуф*нинг моҳияти б-н алоқаси бўлмаган шаклчиликдан бошқа нарса эмас.

Турли мусулмон юртларида кийилувчи А.лар бир-биридан фарқ қилади. Сурия ва Арабистонда кийилувчи А. нимчасимон бўлиб тиззагача, Мисрда кийилган А. эса тўпиққача тушади: бироқ нимча шаклида эмас, жуббага ўхшайди. Шимолий Африкада кийиладиган А. қисқа енгли, қалин устки либос ва жаллобага ўхшайди. Ғарбий Жазоирда одатда пахталик, камдан-кам ҳолларда эса юнгли ёки ипакли оқ кўйлакка А. дейилади. Ички кўйлак устидан ва жаллобанинг остидан кийилади. *Усмонийлар* даврида қуйи табақадаги илм аҳли ва мадраса талабаси ҳам А. кияр эди. Бироқ, бу А.ларнинг *зуҳд* ва фақр аломати бўлган А.лардан фарқли бўлгани аниқ. Зиёли синфи ва мадраса талабаси кийган палтосимон А. туя юнги рангида, баъзан эса қўрғошинранг бўлар эди. Турли мусулмон юртларида фарқли жиҳатлар кузатилса-да, А. деб аталган газлама деярли барча жойда қалин юнгдан тўқилган. Асл А. бутун танани ёпадиган даражада кенг, ёқасиз ва енгсиз, оёқларгача тушадиган, олди очиқ, устдан кийиладиган либосдир. Тўқилган юнгдан тайёрланган, юпқасига А., саваланган юнгдан бўлганига эса чопон (чакмон) дейилади. Буни чўпонлар кийганлар.

Ад.: Ат-Табарий. *Жāмиъ ал-байāн*. – Булақ: 1323–29. – Байрут: 1398/1978. XXII, 6; Ас-Сулаймий. *Табақāт ас-сўфиййа*. – Қоҳира: 1389/1969. 97; Ал-Қушайрий. *Ар-Рисāла*. – Қоҳира: 1966. 294; Ал-Ҳужвирий. *Кашф ал-маҳжўб, Hakikat Bilgisi*. – Истанбул: 1982. 235; Ал-Ғаззолий. *Иҳйā*. – Қоҳира: 1939. III, 217; Аттор. *Тазкират ул-авлиё*. – Теҳрон: 1345. 337; Мавлоно. *Маснавий*. – Истанбул: 1942. I, 8; Ибн Таймия. *Ал-Фурқāн*. – Қоҳира: 1387. 25; Ибн ал-Жавзий. *Талбӣс Иблӣс*. – Қоҳира: 1368. 161; Камил Мустафо аш-Шайбий. *Ас-Сила байна-т-тасаввуф ва-т-ташаййуъ*. – Бағдод: 1964. I, 115; Pakalın. I, 1; W. Marçais. «*Aba*». *İA*. I, 1-2; Y. K. Stillman-T. Majda. «*Libās*». EI² (İng.). V, 740, 752; H. Algar. «*Abā*». Elr., I, 50–51; Süleyman Uludağ. «*Abā*». *TDV İA*. – İstanbul: I, 4-5; Ҳ.Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси*. – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 86–87.

Тузувчи Абдулҳамид Зайриев

АБОБИЛ
الأبابيل

Абобил – араб. тоғ қуши [*тасаввуф*] – қўлга ўрганиши қийин ёввойи қуш. *Тасаввуф*ий талқинда жон қуши, кўнгил қуши. Ислом манбаларида *Фил йили*да (мил. 570 й.) ҳабашлар қўшини *Каъба*ни вайрон қилиш учун келганида А. қушлари оғизларидаги тошларни ташлаб, босқинчиларни қириб ташлагани ҳақида маълумотлар келади. Алишер Навоий бу воқеани бир ҳикоятда шундай талқин қилади:

Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатил,
Тайри абобил ила асҳоби фил.

(Алишер Навоий. «Ҳайрат ул-аброр», XX мақолат)

Мазмуни: Кўрдингки, А. ўқи бир лаҳзада фил лашкарларини қатл қилди.

Ад.: Саъид Жаъфар Сажжодий. *Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний*. (*Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати*). – Теҳрон: 1438. (форс т.да). // *Сино*. 2010. № 37–40; Ҳ. Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси*. – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 87.

Ҳамидулла Болтабоев

АБОДИЛА
العبادلة

Ҳадис ва тасаввуфда турли маъноларда қўлланувчи атама

Ҳадисда: Билимлари ва айниқса, берган *фатво*лари б-н ном таратган Абдуллоҳ исмли тўрт *саҳоба*га ишлатилади. Абодила «қул» (араб. абд) маъносини берувчи «абдал» сўзининг эмас, «Абдуллоҳ» (араб. Аллоҳнинг қули) сўзининг кўплигидир. Ибн Фатҳунга оид *«Ал-Истӣъāб»* асари изоҳидаги рўйхатга кўра,

Пайғамбар (с.а.в.) *саҳоба*лари орасида Абдуллоҳ исмли 300 га яқин *саҳоба* бор эди. Бироқ улар ичида кенг *фиқҳий* билими ва *фатво*лари б-н шуҳрат қозонган тўртта *саҳоба* А. унвони б-н танилган. А. кимлар экани Аҳмад ибн Ҳанбалдан сўралганида Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.)нинг номларини санаб ўтган, бироқ Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг А.дан эмаслигини маълум қилган. Ал-Байҳақий ҳам *фиқҳ* илмида муҳим ўрин тутган Абдуллоҳ ибн Масъуднинг А.дан эмаслигини, унинг жуда эрта вафот этгани (32/652 й.), А.дан саналган бошқа Абдуллоҳлар эса узоқроқ яшаб, илмларидан кенг миқёсда фойдаланилгани б-н изоҳлаган. Зотан, А. атамаси Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг вафотидан кейин пайдо бўлган. Аз-Замахшарий б-н ар-Рофеъий Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)ни А.дан санаган бўлсалар-да, *усул* олимлари буни тўғри деб билмаганлар. Ал-Жавҳарий Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) ни ҳам А.дан ҳисобламай, улар Ибн Аббос, Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амрдан иборат эканини айтган. Ал-Марғиноний ҳам «*Ал-Ҳидāйа*» асарида *ҳаж* ойларининг тасбит этилиши мавзусида сўз юрита туриб, «Бу уч Абодила (ал-Абāдила ас-салāса) ва Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)дан ривоят қилинган», дейди. Шориҳ Ибн ал-Ҳумом «*Фатҳ ал-қадīр*»да бу жумлани изоҳлар экан *ҳанафий*ларга кўра, А.нинг Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан иборат экани, бошқаларнинг фикрига кўра, юқорида Аҳмад ибн Ҳанбалдан нақл қилинган тўрт кишига А. дейилганини айтади.

Барчаси ҳам *Қурайш қабиласи*га мансуб бўлган ва етмиш йилдан кўп яшаган А.нинг энг охирги вафот этгани 73/692-93 й.да 85 ёки 87 ёшда оламдан ўтган Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дир. А.нинг турли қараш, тушунча ва *фатво*лари *тафсир*, ҳадис ва *фиқҳ* китобларида келтирилган. Уларда якдил бўлган қарашга «қавлул-Абодила», амалий якдилликларига эса «феълул-Абодила» ёки «мазҳабул-Абодила» деб ном берилган.

Тасаввуфда: Умуман олганда, *асмои ҳусно*дан биттасининг тажаллисига сазовор бўлган кишиларни баён этиш учун қўлланилади.

Баъзи мутааххир *сўфий*лар илоҳий исмлардан, айниқса, биттасининг тажаллисига сазовор бўлган ва ўша исмнинг моҳиятини ташкил этувчи сифат б-н васфланганларни ўша исмга нисбат берганлар. Бу нисбатни эса «абд» сўзини ўша исмга қўшиш орқали ҳосил қилинган бирикма ном б-н пайдо қилганлар. Жўмардлик хусусиятига эга бўлганга Абдулваҳҳоб, нафсоний орзулари ва ҳар қандай ёмонликларни енгадиган кучга эга бўлганига Абдулқаҳҳор дейилиши каби. Ал-Кошоний «*Истилāҳāт ас-сўфиййа*»сида *асмои ҳусно*нинг ҳар бири б-н пайдо қилган бирикма исмларга шу жиҳатдан маъно беришга ҳаракат қилган. Бу тарздаги изоҳ ҳадисда келган «абд ад-динор вад-дирҳам» (олтину кумушга банда бўлган кимса) (Ал-Бухорий. *Жиҳād*, 70; *Риқāқ*, 10; Ибн Можа. *Зуҳд*, 8) атамасига ўхшайди. А. аслида «Абдуллоҳлар» дегани, бироқ Ибн ал-Арабий ва ал-Кошонийдек соҳиби таълифлар Аллоҳ сўзидан бошқа исмлар бошига «абд» сўзини қўшиб пайдо қилган бирикма отларга ҳам А. деганлар.

*Мутасаввиф*лар баъзи *валий*ларнинг бошқа *валий*ларга қараганда *асмои ҳусно*дан бирининг тажаллисидан кўпроқ насиба олганини, шу боис ҳар бир *валий*нинг ўзига хос бир жиҳати борлигини илгари сурадилар. Шунингдек, *хулафои рошидийн*лардан ҳар бири бошқаларидан алоҳида хусусиятга эга. Ростлик Абу Бакр (р.а.)нинг, адолат Умар (р.а.)нинг, ҳаё Усмон (р.а.)нинг, карам эса Али (р.а.)нинг ажратувчи хусусиятларидир. Шу ҳолат пайғамбарларда ҳам мавжуд. Одам (а.с.) «Сафиййуллоҳ», Нуҳ (а.с.) «Нажиййуллоҳ», Иброҳим (а.с.) «Ха-

лилуллоҳ», Мусо (а.с.) «Калимуллоҳ», Исо (а.с.) «Руҳуллоҳ» ва Муҳаммад (с.а.в.) «Ҳабибуллоҳ»дир.

*«Фусӯс ал-ҳикам»*да пайғамбарларни шу жиҳатлари б-н ўрганган Ибн ал-Арабийнинг шу мавзуда «*Калӣм ал-Абӣдила*» номли асари ҳам бор. Ибн ал-Арабий сўзларини нақл этган баъзи *мухаййал* шахсларнинг ҳар бирига Абдуллоҳ деб ном беради. Уларнинг оталари сифатида бир пайғамбар исмини, боболари сифатида эса «абд»га боғланувчи *асмои ҳусно*дан бир исмни қайд этади (Абдуллоҳ ибн Идрис ибн Абдулхолиқ, Абдуллоҳ ибн Исмоил ибн Абдуннофеъ каби). Келтирилган биринчи мисолда бобо (Абдулхолиқ) Аллоҳнинг исмларидан бирига эга бўлган бир бандани, ота эса (Идрис) шу исмнинг эгаси бўлган бир пайғамбарни, Абдуллоҳ эса яна шу исм (Холиқ) тажалли этган *валий*ни намоён этади. Ибн ал-Арабий бу Абдуллоҳларга улар эга бўлган *асмои ҳусно*га мос хусусиятларни беради ва бу хусусиятларни уларнинг тили орқали баён этади. Шу тарзда у исм олган барча нарсага эга бўлган хусусиятларни *асмои ҳусно* орқали Аллоҳдан олганини даъво қилган ҳамда барча таъсир ва муносабатларни Аллоҳга боғламоқчи бўлган.

*Мутасаввиф*лар Ибн ал-Арабийдан бошлаб *қутб*, *имомон*, *автод*, *абдол* ва ҳ.к. гуруҳларга «абд» б-н бошланувчи исмлар беришган. Мисол учун, «қутб»нинг исми Абдуллоҳ, ўнгдаги имомнинг исми Абдурраб, чапдаги имомнинг исми Абдулмаликдир. Сонлари тўртта бўлган *автод*нинг исмларига ҳам (Абдулалим, Абдулмурид, Абдулқодир, Абдулҳай) «абд» б-н бошлангани учун А. дейилган.

Ад.: Ал-Хатиб. *Ал-Асмӣ ал-мубҳама*. – Қоҳира: 1405/1984. 609; Ибн ас-Салоҳ. *Улӯм ал-ҳадӣс*. – Мадина: 1972. 266; Ал-Ироқий. *Фатҳ ал-муғӣс*. – Қоҳира: 1355/1937. IV, 37–38; Ибн ал-Ҳумом. *Фатҳ ал-қадӣр*. – Қоҳира: 1389/1970. III, 17–18; Ас-Суютий. *Тадрӣб ар-рӣвӣ*. – Қоҳира: 1385/1966. II, 219–220; Ат-Таҳонавий. *Кашшӣф*. II, 948; Аҳмад Муҳаммад Шокир. *Ал-Бӣис ал-ҳасӣс*. – Қоҳира: 1370/1951. 188–189, 239; *Tecrid Tercemesi*. I, 27–28; M. Tayyib Okiç. *Bazı Hadis Meseleleri Üzerinde Tetkikler*. – İstanbul: 1959. 36; Ибн ал-Арабий. *Ал-Футӯҳӣт ал-Маккиййа*. – Қоҳира: 1293. IV, 250–410; ўша муал. *Калӣм ал-Абӣдила*. – Қоҳира: 1389/1969; ўша муал. *Фусӯс ал-ҳикам*. – Истанбул: 1287; Ал-Кошоний. *Истилоҳӣт ас-сӯфиййа*. – Қоҳира: 1981. 107–130; Кумушхонавий. *Жӣмиъ ал-усӯл*. – Қоҳира: 1319. 19; Annemarie Schimmel. *Tasavvufun Boyutları*. – İstanbul: 1981. 236; Raşit Küçük, Süleyman Uludağ. «*Abâdile*». *TDV İA*. - İstanbul: 1988. I, 7–8.

Рашид Кучук,
Сулайман Улудағ

АБОЗИЙЯ

أباذية

(қ. ИБОЗИЙЯ)

АБОН ИБН САЪИД

أبان بن سعيد

Абу-л-Валид Абон ибн Саъид ибн Ос ибн Умайя ал-Қураший (?, Макка – 13/634, Ажнадайн)

Саҳоба

Насаб жиҳатидан Пайғамбар (с.а.в.) аждодлари Абдуманофга бориб тақалади. Отаси нуфузли Макка *мушрик*ларидан бири бўлиб, Абу Уҳайҳа куняси б-н танилган. Дастлаб Абон ибн Саъид (р.а.) холаваччаси Абу Жаҳл қаторида мусулмонларга қарши курашган. Укаларидан бири Амр б-н Холид Исломни қабул қилган бўлиб, Ҳабашистонга *ҳижрат* қилган мусулмонлар орасида бўлган. А.и.С. бошқа укалари Ос ва Убайда б-н бирга *Бадр*да мусулмонларга қарши жангларда қатнашган ва улар мазкур жангларда ҳалок бўлган. А.и.С. *Уҳуд жанги*да ҳам мусулмонларга қарши чиқади. А.и.С. *Ҳудайбия сулҳи*дан олдинроқ савдо мақсадида Шомга сафар қилган вақтида бир роҳиб ундан Пайғамбар (с.а.в.) ҳақларида сўриштириб, сўнгра унга Пайғамбар (с.а.в.) ҳукми аввал Арабистонга, кейинчалик бутун ер юзига ўтишини айтади. А.и.С. сафардан қайтгач, мусулмонларга яхши муносабатда бўлишни бошлайди. Пайғамбар (с.а.в.) *Ҳудайбия сулҳи*дан авва

Қурайш зодагонлари б-н музокара олиб бориш учун Усмон (р.а.) Маккага жўнатилганида ҳали мусулмон бўлмаган А.и.С. уни ҳимоясига олади ва сулҳ битими тузилган заҳоти Исломни қабул қилади. Сўнгра, укаси Амр б-н Холид Ҳабашистондан қайтганларидан кейин, улар б-н бирга Мадинага *ҳижрат* қилади.

*Ҳижрат*нинг еттинчи йилида Пайғамбар (с.а.в.) Наждга қўшин юбориб, А.и.С.ни қўмондон қилиб тайинлайдилар. Наждан қайтаётганида сафдошлари б-н бирга *Хайбар фатҳи*да қатнашиш истагида у ерга боради. Бироқ бу вақтда уруш тугаган бўлиб чиқади. А.и.С. ва унинг сафдошлари *Хайбар* ўлжаларидан улуш талаб қилганларида, Абу Ҳурайра (р.а.) ва б. айрим *саҳоба*лар уларнинг урушда қатнашмаганларини сабаб қилиб кўрсатиб, уларнинг талабларига қарши бўлганлари боис, уларга ўлжадан улуш ажратилмайди.

*Ҳижрат*нинг тўққизинчи йили Пайғамбар (с.а.в.) Ало ибн Ҳазрамийни Баҳрайн волийлигидан озод қилгач, бу вазифага А.и.С.ни тайинлайдилар. У Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларигача бу вазифада хизмат қилади. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг вафот этганлари хабарини эшитгач, Мадинага қайтади ва кўпчилик қатори Абу Бакр (р.а.)га *байъат* қилади. Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) томонидан тайинланган волийларнинг бирортасини вазифасидан бўшатмагач, уни ҳам Баҳрайн волийси сифатида қолдиришни истайди. Бироқ А.и.С. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан кейин ҳеч кимнинг вакили бўлишни истамаслигини айтиб, вазифасига қайтмайди. Аммо, кейинчалик бу қароридан воз кечиб, Абу Бакр (р.а.) томонидан Яманга волий этиб тайинланади.

Айрим манбаларда А.и.С.нинг *Ярмук жанги*да шаҳид этилгани ривоят қилинса-да, у укалари Амр ва Холид б-н бирга Абу Бакр (р.а.) халифалиги даврида *Ажнадайн жанги*да шаҳид бўлгани ҳақиқатга яқинроқ. А.и.С. Усмон (р.а.) даврида ҳам тирик бўлиб, унинг буйруғи б-н Зайд ибн Собит (р.а.)га *Мусҳаф*ни кўчиртиргани ҳақидаги ривоятлар асоссиз бўлиб, бу ишни А.и.С.нинг жияни Саъид ибн Ос бажарган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* I, 450; Ибн Саъд. *Ат-Табақат.* I, 461; IV, 360; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* II, 295; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* I, 46–47; Аз-Заҳабий. *Сийар.* I, 261; Ali Toksarı. «*Ebân b. Saîd*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 67.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБОН ИБН УСМОН

أبان بن عثمان

Абу Саъид Абон ибн Усмон ибн Аффон ал-Умавий ал-Маданий (? – 105/724, ?)

Фақиҳ, муҳаддис, тобеъин

Халифа Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг ўғли Абон ибн Усмон Мадина ш. волийси, ўз даврининг имоми, сўз ва ривоятлари ишончли ҳадис *ровийи*, *фақиҳ* бўлган.

А.и.У. отасидан, Зайд ибн Собитдан ҳадис эшитган. Кам ҳадис ривоят қилган. Олимдан Амр ибн Динор, аз-Зуҳрий, Абуз-Зинод ва б.лар ривоят қилганлар.

Етти йил Мадина ш.да волийлик қилган. Элчи сифатида халифа Абдулмалик ибн Марвон ҳузурига борган.

Ибн Саъд ўз «*Табақат*»ида айтади: «Абон *сиқа* (сўз ва ривоятлари ишончли) дир, отасидан ривоят қилган ҳадислари мавжуд».

Яҳё ал-Қаттон Мадина ш. *фақиҳ*лари ўн нафар эканини таъкидлаб, уларнинг аввалида А.и.У. номини зикр қилган.

Амр ибн Шуайб А.и.У.га баҳо берарканки, «Ҳадис ва *фиқҳ* илмида Абон ибн Усмондан олимроғини кўрмадим», деган.

Моликнинг айтишича, Абдуллоҳ ибн Абу Бакрнинг отаси Абу Бакр ибн Ҳазм қозиликни Абондан таълим олган.

Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг «*Сийар аълам ан-нубалā*» асарида А.и.У. отасидан ривоят қилган ҳадисни келтирган.

Ушбу *саҳиҳ* ҳадисни А.и.У.дан Мунзир ибн Абдуллоҳ ал-Ҳизомий ва Муҳаммад ибн Каъб ал-Қуразийлар ривоят қилганлар. Имом ат-Термизий ҳадис олинган манбаларни ўрганиб, уни *ҳасан саҳиҳ* ҳадис, деган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. IV, 351; Ибн Саъд. *Ат-Табақат ал-кубро.* – Байрут: «Дор Содир», 1968. V, 152; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 55–56; Salahattin Polat. «*Eban b. Osman b. Affan*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 66–67.

Аҳмаджон Бобожонов

АБОН ИБН ЯЗИД
أبان بن يزيد

Абу Язид Абон ибн Язид
ибн Аҳмад ал-Аттор ал-Басрий
(? – тахм. 163/779-80, ?)
Ҳадис ҳофизи

Абон ибн Язид Ҳасан ал-Басрий, Маъмар ибн Рошид, Яҳё ибн Абу Касир, Ҳишом ибн Урва, Яҳё ибн Саъид ал-Ансорий каби *тобеъин*лардан ҳадис ўрганган. Осим ибн Баҳдаланинг *қироат*ини унинг ўзидан таълим олган. Айрим *қироат*лардаги фарқли ўринларни эса, Қатода ибн Диъомадан ўрганган. А.и.Я. шогирдлари қаторида Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон, Абдуллоҳ ибн Муборак, Аффон ибн Муслим ва Абу Довуд ат-Таёлисий каби *муҳаддис*лар бўлганлар. Шунингдек, айрим *ровий*лар ундан *қироат*ларнинг фарқлари борасида ривоятлар келтирганлар. А.и.Я.дан келган ривоятлар Ибн Можанинг *«Сунан»*идан ташқари, *«Кутуби ситта»* ва б. ҳадис тўпламларидан ўрин олган. Ибн Адий ва Абу-л-Фараж ибн ал-Жавзий А.и.Я.ни заиф *ровий* деб топган бўлса-да, Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъйин, Ибн ал-Мадиний, ан-Насоий, Абу Ҳотим ар-Розий ва Ибн Ҳиббон каби нуфузли *муҳаддис*лар уни *сиқа ровий*лар қаторида зикр қилганлар. Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимлар ўз *«Саҳиҳ»*ларида А.и.Я.дан ривоятлар келтиргани унинг ишончли *ровий* эканига далолат қилади. Аввалига А.и.Я.ни заиф *ровий* деб билиб, унинг ҳадисларини ривоят қилмаган Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ҳам кейинчалик бу фикридан қайтиб, унинг ривоятларини олган.

Вафот этган санаси аниқ эмас, бироқ 163/779-80 й.да вафот этган укаси Ҳаммом ибн Яҳёнинг вафотига яқин санада дунёни тарк этгани тахмин қилинади.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат.* VIII, 283; Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир.* I, 454; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* II, 229; Аз-Заҳабий. *Мизан ал-иътидал.* I, 16; ўша муал. *Сийар.* VII, 431–433; Akif Köten. «*Eban b. Yezid*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 67–68.

Тузувчи Зафар Фахриддинов

АБРАШАҲР
أبرشهر

(қ. НИШОПУР)

АБРАҲА
أبرهة

Абраҳа ибн Саббоҳ ал-Ашрам
ал-Ҳабаший
(? – 571, Яман)
«Фил воқеаси»да мағлуб бўлган Яман волийси

525 й.да Арёт қўмондонлиги остида Яманга қўшин тортади. Қўшин аскарлари орасида Абраҳа ҳам бўлган. У калта бўйли, семиз киши бўлган. Яманни қўлга киритган Арёт б-н А. орасида низо чиқади. Оқибатда ҳабашлар иккига бўлинадилар. Бу бўлиниш уруш чиқишига сабаб бўлади. Шунда А. Арётга яккама-якка куч синашишни, ким енгса ўша ҳоким бўлишини таклиф қилади. Курашишда Арёт найзаси б-н А.ни бош қисмига уради. Қоши, бурни ва лаби йиртилгани учун «Ашрам» (тиртиқ) лақаби б-н танилган. Зарбадан йиқилган А.нинг ортидан келган Атавда исмли қули Арётга ҳамла қилиб, уни ўлдиради. Натижада А. Яманда ўз бошқарувни эгаллайди. Бу ҳолатнинг хатари Нажошийга етиб келади. У А.дан дарғазаб бўлади. А. Ҳабаш Нажошийси-

га мактуб жўнатиб, унга итоат қилиши хабарини беради. Нажоший ҳам ички уруш келиб чиқмаслиги учун «Яман ерида то сенга буйруғим етиб бормагунича амирлик қилиб тур» деб, унинг Яманга ҳоким бўлиши ва волийлигини маъқуллайди. А. насроний эди. У насронийликни ёйиш учун Санъода катта калиса-черков қурдиради. Ўша пайтда бундай бино ер юзининг бирор ерида қад ростламаган эди. Безак учун Византиядан мармар ва мозайка усталарини чақиради. Калиса битгач, у Нажойишга мазкур ишнинг хабарини мактуб орқали етказади. Мактубда калиса Нажойиш учун қурилгани, бу иш арабларнинг *ҳаж* зиёратини ушбу калисага буриш учун амалга оширилгани ҳақидаги сўзлар хабари берилган эди. Шунингдек, маккаликларнинг тижорат б-н боғлиқ фаолиятларига қаршилик қилиш ҳамда Санъони дин ва тижорат марказига айлантириш эди. У турли ўлкаларга вакил юбориб, халқни *ҳаж* қилиш учун Санъога чақиради. Бундан жаҳли чиққан *Кинона қабиласи*га мансуб бир араб, А.нинг калисасига бориб у ерни нажосат б-н бўлғаб кетади. Бундан хабар топган А., *Кинона қабиласи*га мансуб кишилар Санъога келиб калисани тавоф қилишларини буюради. Бироқ улар буни рад қилиб, элчини ўлдирадилар. Бундан хабар топган А. ғазабга миниб, *Каъба*ни бузишга қасам ичади ва бир неча филлар б-н Маккага юриш қилади. А.нинг *Каъба*ни бузиш фикридан ғазабланган яманлик Зу Нафр исмли шахс куч тўплаб унга қарши чиқади. Бироқ енгилиб асир тушади. А. Тоифга етиб келганида шаҳар халқи томонидан илиқ кутиб олинади. Халқ номидан Масъуд ибн Муаттаб сўзга чиқиб, унга итоат қилишларини айтади ва *Лот* номли бутларига тегмаслигини сўрайди. Ал-Маъофирий А.га «ал-Лот» номли ибодат қилинадиган уйларини назарда тутганларини айтади. А. бу илтимосни қабул қилади. Тоифликлар унга йўлбошчи сифатида Абу Риғол исмли шахсни берадилар. А. Макка яқинидаги Муғаммас деган жойда тўхтайди ва Асвад ибн Мақсуд исмли бир ҳабашни Маккага жўнатиб, шаҳар яқинидаги туяларни олиб келишини буюради. Ўлжага олинган туялар орасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг боболари Абдулмутталибнинг туялари ҳам бор эди. Абдулмутталиб туяларини сўраб унинг олдига боради. А. унга: «Сен *Каъба* учун ташвиш чекмай, туяларинг учун ҳузуримга келдингми?», дейди. Абдулмутталиб: «Мен туяларнинг эгасиман, *Каъба*нинг ўз эгаси бор. *Каъба*ни унинг ўзи ҳимоя қилиб олади», деб жавоб беради. А. *Каъба*ни вайрон қилишдан воз кечиши учун берилган таклифни рад қилиб, қўшинига эртаси кун ҳужум бошлашни буюради. Бироқ қўшин бошида турган фил ўз жойидан қимирламайди, натижада улар Қуръони каримда баён қилингани каби *абобил қушлари* томонидан маҳв этилади (*қ. «Фил» сураси*, 1-5 оятлар). А. аранг қочиб қолади ва яраланган ҳолда Яманга қайтади, кўп ўтмай вафот этади. Бу воқеа тарихда *«Ом ал-фил»* («*Фил воқеаси йили*») номи б-н машҳур бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) ушбу веқеадан қирқ-эллик кун ўтиб туғилганлар.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Сира*. I, 48; Ал-Азрақий. *Ахбар Макка*. 134–154; Ат-Табарий. *Жамиъ ал-байан*. XXX. 191; Ҳамидуллоҳ. *Ислом пайғамбари* (*Islam Peygamberi*). I, 312–317; Ahmet Lütfi Kazancı. «*Ebrehe*». *TDV İA*. – İstanbul: 1988. X, 79–80; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи*. – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 157–160. Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. *Ас-Сийра ан-набавиййа*. – Т.: «Шарқ», 2011. I, 52-59, 61-62; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 19; *101 улуғ саҳобий* (муаллифлар гуруҳи). – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 406.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБРОР
أبرار

Аброр – араб. «яхши хулқ соҳиблари», «покиза инсонлар», «софдил кишилар». Ирфон фалсафасининг ахлоқий атама-

ларидан бири. Ирфон аҳлининг фикрига кўра, А. – Аллоҳнинг хос бандалари бўлиб, сайри илаллоҳнинг муайян босқичларини босиб ўтган ва камолотнинг юксак даражаларини эгаллаган зотлардир. А.лар йўли *тариқат*нинг учта асосий таркибининг ўртанчаси бўлиб, бу нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликдан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланади. Хоҳ Ҳақ б-н, хоҳ халқ б-н бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ва тўғриликдан чекинмаслик – ушбу йўлнинг бош мақсади. А.лар руҳий камолот йўлида муқаррабларидан кейин турадилар.

Ад.: Сирож Тусий. *Ал-Ламъ фи-т-тасаввуф.* – Лейден: 1912; Ан-Насафий. *Ал-Ансаб ал-камил.* – Теҳрон: 1942; Насируддин ат-Тусий. *Ахлоқи Носирий.* – Теҳрон: 1356 ҳ.й.; Фаридуддин Аттор. *Тазкират ул-авлиё.* – Т.: 2012; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* 2016. I, 1.

Олимжон Давлатов

АБРУ
أبرو
Ислом китобат санъатида қоғоз сатҳини безатиш учун қўлланиладиган техника тури

Абру (абри, абри-баҳор, абри-боғ, эбру) атамасининг келиб чиқиши масаласида бир неча қарашлар бор. Биринчисига кўра, А. атамасининг асосида форсча *абр*, яъни булут сўзи ётади. Дарҳақиқат, қоғоз юзасига сочилган бўёқлардан олинган акслар булут шаклини эслатади. Бошқа бир гуруҳ мутахассисларнинг фикрича, А. форсча об ва рў – сув юзаси, деган маънони англатувчи сўзлардан олинган. Бошқа мамлакат ва ҳудудларга миграция қилиш жараёнида эбру (Усмонли туркчаси), кағаз-и абри, абри-бод (Эрон) каби шакллари вужудга келган. Европада эса абри Мармар қоғози (Marbling paper) номи б-н оммалашган.

Бу турдаги декоратив қоғоз б-н китоб варақларининг сатҳи, ҳошиялари миниатюра суратларининг фонлари, муқоваларнинг юзи ва ички томонлари безатилган. Шу сабабли А. хаттотлик, мусаввирлик, саҳҳофлик каби санъат турлари б-н чамбарчас боғланган. А. санъати кенг тарқалган Туркияда турк султонларининг фармонлари, тарихий ҳужжатлар ва ёзишмалар шу турдаги безак б-н зийнатланган. А.нинг келиб чиқиш манзили ва А. атамасининг этимологияси ҳақида турфа хил қарашлар мавжуд. Айнан бизнинг тушунчамиздаги А. санъатини эслатувчи безак тури ҳақида хитойлик олим ва тадқиқотчи Су Ицзянь (957–995 й.) асарларининг бирида *Liu Sha Jian* (Кўчиб юрувчи қум юзали қоғоз) ҳақида хабар беради. Гарчи бу безакли қоғоз турини олиш услуби бирмунча фарқ қилса-да, якуний натижа А. қоғозига жуда ўхшаш. Шу турдаги техникага асосланган яна бир анъанавий санъат тури Японияда мавжуд бўлиб, у



Япон Суминагашиси (безакли қоғоз тури). Осака



Европа абруси





Абру қоғозидан намуналар

Суминагаши (*Suminagashi*-сузиб юрувчи сиёҳ маъносини англатади), деб аталади. Баъзи манбаларда, жумладан, Шигехару томонидан мил. 825–880 й.ларда ёзилган шеърий асарда Суминагаши ҳақида маълумотлар берилган, деб айтилса-да, бу санъат турининг сақланиб қолган энг қадимий намунаси 12-а.га тааллуқли. Бу Осака шаҳридаги Шитенно-Жи (Shitennō-ji) ибодатхонасида сақланаётган елпиғичсимон альбомдаги тасвирлардир.

Ислом дунёсида А.нинг пайдо бўлишини аксарият мутахассислар Марказий Осиё ва Эрон б-н боғлайдилар. А. 15-а. охирларида ўша пайтларда Темурийлар салтанатининг пойтахти бўлган Ҳирот, Самарқанд ёки Бухорода пайдо бўлиб, ундан Эрон, Туркия, Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларга тарқаганлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Ҳозирда ҳам шу мамлакатларда анъанавий А. санъати мактаблари шаклланган ва кўплаб А. усталари фаолият олиб бормоқдалар. А.нинг энг қадимий нусхаси Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейининг Кронос коллекциясида сақланаётган намунаси ҳисобланади. А. б-н безатилган икки варақнинг орқа томонида у Малва (замонавий Ҳиндистон ҳудудидаги давлат) султони Ғиёс Шоҳга эронликлар томонидан 901 й.нинг зул-ҳижжа ойида туҳфа қилингани кўрсатиб ўтилган. Бу мил. тақвим бўйича 1496 й.нинг авг. ойига тўғри келади.

А. санъати кенг тарқалган Туркияда А. тарихи 16-а.га бориб тақалиши ҳақида *«Тартиби рисолаи абри»* асарида кўрсатиб ўтилган. Меҳмет бин Ғазанфар томонидан 1540 й.да безатилган шоир Орифийнинг қўлёзма асари энг қадимий А. намунаси ҳисобланади. Замонавий турк абручилигининг шаклланишига бухоролик *нақшбандийя тариқати* намояндаларидан бири Содиқ Афанди (ваф. 1846 й.) катта таъсир кўрсатган. Унинг фаолияти асосан *ҳаж* зиёратини амалга ошириш учун кетаётган туркистонликлар тўхтаб ўтадиган Истанбул ш.нинг Ускудар мавзесида жойлашган Ўзбеклар Таккасида кечган. Содиқ Афанди А. санъатини Бухорода эгаллагани ҳақида маълумотлар бор. Унинг ўғиллари Адҳам ва Солиҳлар ҳам А. усталари бўлиб етишганлар. 1904 й. вафот этган Адҳам Афанди «Ҳазорфан» – минг санъат эгаси лақаби б-н машҳур бўлган. Айнан унинг ҳаракатлари эвазига абручилик Туркияда жуда оммалашиб кетган. Туркияда тан олинган А. усталари Нажмиддин Ўкяй

(1885–1976) ва Мустафо Дузғунмонлар (1920–1990) шу силсила давомчилари ҳисобланадилар.

Европага бу санъат тури 17-а.да кириб келган. Ўша асрнинг ўзида А. қоғози ва уни тайёрлаш техникаси тўғрисида голланд, немис, лотин тилларида мақола ва маълумотлар эълон қилинди. Дастлаб тайёр А. қоғози Яқин Шарқ мамлакатларидан келтириб турилган бўлса, кейинроқ уни Европада тайёрлаш йўлга қўйилди.

Техникаси ва иш қуроллари. Бу техниканинг асосида ашёларнинг хусусиятидан фойдаланган ҳолда сув юзасида турли бўёқлар воситасида мураккаб шакллар яратиш ва уни қоғозга кўчириш ётади. Бунинг учун сувда қитра (Трагакант – Астрагал (Astragalus) турига кирувчи ўсимликларнинг танасидан ажраб чиқувчи мумсимон шира) деб аталувчи елимдан маълум бир миқдор эритилиб, махсус ёпишқоқ суюқлик массаси ҳосил қилинади. Махсус ўлчамдаги қоғоз форматига мўлжалланган идишга солинган бу суюқлик А. қоғози олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Табиий минераллардан олинган турли ранг қуруқ бўёқлар янчилиб кукун ҳолига келтирилгач, алоҳида идишчаларда сув ёрдамида эритилади. Тайёр бўлган бўёқларга молнинг ўти (сафро) қўшилади. Айнан ўт бўёқнинг сувли масса юзида чўкмай туриб қолиши ва рангларнинг бир-бирига аралашиб кетмаслигини таъминлайди. А. усталари бўёқни тўқ рангдан бошлаб, очга қараб тартиб б-н сув сатҳига махсус от ёлидан ишланган турли ўлчамлардаги чўткалар воситасида сочиб, бигиз ёки тароқсимон асбоб ёрдамида шакл берадилар ва турфа хил нақш ва композициялар яратадилар. Тайёр бўлган композиция оҳорланмаган, бўёқни яхши сингдириб олиш хусусиятига эга юпқа қоғоз сатҳига кўчириб олинади. Қоғоз ўлчамлари идиш ўлчамига мос бўлиши ва кўчириб олиш жараёнида суюқлик юзаси ва қоғоз орасида ҳаво қолиб кетмаслиги талаб этилади. Сув юзидаги шаклни бошқариш ва айнан уста мўлжаллаган шаклга келтириб, унинг аксини қоғозга кўчириш жуда катта маҳорат ва тажриба талаб қилади. Айнан иккита бир хил суратни олишнинг деярли иложи йўқ. А.нинг баттол, сочма, кел-кет, тароқ, булбул уяси каби турлари мавжуд. Баъзи А. санъати усталари эса жуда мураккаб шакллар ва ҳатто кўп фигурали композициялар ярата оладилар.



Абру тайёрлаш жараёни

Ҳозирда Ўзбекистонда А. санъатининг тарғиботи, ёки унинг тарихини тадқиқ қилиш б-н шуғулланаётганлар қаторида Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Маъруф Салимов, Орхан Копадзе ва Насиба Сотиболдиева каби мутахассисларни айтиб ўтиш мумкин.

Ад: Муҳаммаджон Ҳакимов. *«Шарқ манбашунослиги луғати»*. –Т.: «Давр пресс» НМУ, 2013; Isik Yazan. *Antika., «The Turkish Journal Of Collectable Art»*. May, 1986. Issue: 14; А.Ю. Казиев. *«Художественное оформление азербайджанской рукописной книги XIII-XVII веков»*/АН АзССР, Ин-т архитектуры и искусства. – М.: «Книга», 1977. 359; Chambers, Ann (1991). «*Suminagashi: The Japanese Art of Marbling. Thames & Hudson*» ISBN 0-486-24651-5; Wolfe, Richard J. (1990). «*Marbled Paper: Its History, Techniques, and Patterns: With Special Reference to the Relationship of Marbling to Bookbinding in Europe and the Western World.*» University of Pennsylvania Press. ISBN 0-8122-8188-8.

Шуҳратилла Пўлатов

АБУ
أبو
(қ. АБ, КУНЯ)

АБУ-Л-АББОС АҲМАД АЛ-БУЖАЙРИЙ
أبو العباس أحمد البجيري

Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим ас-Суғдий ал-Хушуфағний
(? – 372/982, ?)
Муҳаддис ва ровий

Аҳмад ал-Бужайрий ва Аҳмад ал-Хушуфағний номлари б-н ҳам машҳур бўлган. Дастлабки илмини туғилиб ўсган қишлоғи Хушуфағнда, бобоси Абу Ҳафс ал-Бужайрийдан олган. Манбаларда келтиришича, А.А.ал-Б. бобосининг *«Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ»* («Ишончли тўплам») ва *«Китāб ас-сафīна»* («Кема китоби») асарларидан таҳсил олган ва уларни тўлиқ ўзлаштирган. Кейинроқ А.А.ал-Б. ўз даврининг етук *муҳаддис*ларидан ҳадис эшитган ва ёзиб олган. Ўз навбатида, ундан ҳам бир қанча *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. А.А.ал-Б. 372 й. рабиъул-аввал / 982 й. авг.-сен. ойларида вафот этган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. II, 370; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 168–169.

Тузувчи Зафар Фахриддинов

АБУ-Л-АББОС ИБН АТО
أبو العباس بن عطاء

Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саҳл ибн Ато ал-Одамий
(? – 921, ?)
Мутасаввиф

*Тасаввуф тариқат*ининг йирик намояндаси. Қуръони каримни *тасаввуф*ий-ирфоний йўсинда *тафсир* қилган. Тери сотиш б-н шуғулланганлиги учун «ал-Одамий» номини олган. *Тасаввуф* илмларини Иброҳим ал-Мористоний ва Хайр Нассождан ўрганган. Жунайд ал-Бағдодий, Абу Солиҳ Музаййин, Абу-л-Аббос ад-Динаварий, Абу Жаъфар ас-Сайдалоний, Абу Жаъфар Мажзум, Абу-л-Ҳасан Сўфий ал-Фушанжий, Абу Абдуллоҳ ал-Муқрий, Абу-л-Қосим ал-Муқрий, Абу Муҳаммад ар-Росибий, Али ибн Бундор Сўфий ас-Сайрафий, Абу-л-Қосим ар-Розий суҳбатларидан баҳраманд бўлган. Ибн Жалло уни тўртта беназир шайхнинг бири, деб таърифлаган. Мансур Ҳалложнинг қатл этилишига қарши чиққани учун Халифа ал-Муқтадир-биллаҳ томонидан ўлдирилган. Адабнинг мезони сифатида ҳар қандай ҳолатда Ҳақ таоло ҳузурида тургандек Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни киритган.

Ад.: Абу Нуайм ал-Исфаҳоний. *Ҳилйа ал-авлийā ва табақāт ал-асфийā.* «Дор ас-саъода», 1974. I, 321; Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 168.

Олимжон Давлатов

АБУ-Л-АББОС ИБН МАСРУҚ
أبو العباس بن مسروق

Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Масруқ ат-Тусий
(?, Эрон – 911, ?)
Тасаввуф шайхи

*«Насойим ул-муҳаббат»*да тилга олинган *тасаввуф* шайхи. Эроннинг Тус ш.да туғилиб, Бағдодда яшаган. Муҳаммад ибн Мансур ат-Тусий, Ҳорис ал-Муҳосибий, Сарий ас-Сақатий, Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Буржалонийдан *тасаввуф* илмларини ўрганган. Абу Абдуллоҳ ар-Рўдборийнинг устози. Жунайд ал-Бағдодийнинг яқин сафдоши. А.и.М. ҳадис нақл қилувчилардан бўлиб, у Али ибн ал-Жаъд, Халаф ибн Ҳишом, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Али ибн ал-Мадинийлардан ривоят қилган. Шу б-н бирга ундан Абу Бакр аш-Шофеъий, Жаъфар ал-Холдий, Мухаллад ал-Боқарҳий, Ибн Убайд ал-Аскарий ва Абу Бакр ал-Исмоилийлар ҳадис ривоят қилганлар. Жунайд ал-Бағдодийдан ривоят қилинган нақлларга кўра, у валийларнинг *абдол*лар тоифасидан ҳисобланган.

А.и.М. 84 ёшида вафот этган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 91.

Олимжон Давлатов

АБУ-Л-АББОС АЛ-МУРСИЙ
أبو العباس المرسي
(қ. ал-МУРСИЙ)

АБУ-Л-АББОС АЛ-МУСТАҒФИРИЙ
أبو العباس المستغفري

Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Муътазз ибн Муҳаммад ибн ал-Мустағфир ибн ал-Фатҳ ибн Идрис ал-Мустағфирий ан-Насафий ас-Самарқандий (961/350 – Насаф – 1041/432)

Фақиҳ, муҳаддис ва тарихчи

Абу-л-Аббос ал-Мустағфирий дастлабки таълимни ўз она шаҳри Насафда олиб, сўнг Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқанд ш.ларида яшаб, *ҳанафий мазҳаби фақиҳи* бўлиб етишган. Кўплаб ҳадисларни тўплаган ва уларни ёддан билган. У Зоҳид ибн Аҳмад ас-Сарахсий, Иброҳим ибн Луқмон, Абу Саъид Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ар-Розий, Али ибн Муҳаммад ибн Саъид ас-Сарахсий ва Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Бухорийлардан ҳадис ривоят қилган. Олимдан, шунингдек, ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий, Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ал-Косоний, ҳофиз ал-Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий ва воиз Исмоил ибн Муҳаммад ан-Навҳийлар ҳадис ривоят қилганлар.

987 й.дан Насаф жоме масжидида маърузалар ўқиган. Умрининг охирларида Насафнинг қозиси лавозимида ишлаган.

Қатор муаррихлар А.А.ал-М. яшаган даврда Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган олим бўлмаган, деб алломанинг илмий салоҳиятини юқори баҳолаганлар. У ҳақда маълумот берган тарихнависларнинг аксарияти А.А.ал-М.ни «Соҳиб ат-тасаниф ал-касира» (Кўпдан-кўп асарларнинг муаллифи), деб таърифлаганлар.

Ас.: *«Тарйх Насаф ва-л-Кашш»* (Насаф ва Кеш тарихи). Ушбу асар икки йирик жилддан иборат бўлиб, ўрта асрларда Насаф, Кеш ва Мовароуннаҳрда яшаб фаолият кўрсатган кўплаб олим ва донишмандларга бағишланган. Муаллиф ушбу асарида олим ва арбобларни саксон тоифага бўлиб таърифлаган. Афсуски, ҳоз. маълумотларга кўра, А.А.ал-М. нинг мазкур тарихий асари бизгача етиб келмаган. Лекин, А.А.ал-М.дан кейин яшаган бир қанча олимлар унинг бу асаридаги маълумотлардан ўз асарларида фойдаланганлар. Жумладан, асар Нажмуддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг (1068–1142 й.) *«Китāб ал-қанд фй зикр ъуламā Самарқанд»* (Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб) асари учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Абу Саъд ас-Самъоний (1113–1167 йй.) *«Ал-Ансāб»* асарида келтирилган элликка яқин мовароуннаҳрлик олимларнинг таржимаи ҳолларини бевосита мазкур асардан олган.

«Тарйх Самарқанд» (Самарқанд тарихи) асари ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган.

«Китāб фазāил ал-Қуръāн» (Қуръоннинг фазилатлари ҳақида китоб).

«Далāил ан-нубувва» (Пайғамбарлик аломатлари).

«Китāб ал-хутаб ан-набавийя» (Пайғамбарнинг хутбалари ҳақида китоб).

«Китāб ад-даъавāт» (Даъватлар китоби).

«Китāб аш-шамāил» (Пайғамбарнинг шакл-шамоиллари ҳақида китоб).

Булардан ташқари, манбаларда аллома қаламига мансуб асарлардан *«Китāб ал-манāмāт»* (Тушлар ҳақида китоб), *«Китāб маърифа ас-саҳāба»* (Саҳобаларни билиш ҳақидаги китоб) ва *«Китāб аш-шиър ва-ш-шуъарā»* (Шеър ва шоирлар ҳақида китоб) каби асарлари ҳам

зикр қилинади. Бу асарлардан айримлари бизнинг давримизгача етиб келган бўлса-да, кўплари ҳақида йўқолиб кетган, деган фикрлар мавжуд.

А.А.ал-М. тахминан 80 ёшларида вафот этган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* 2001. XVII, 565; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* X, 89; Убайдулла Уватов. *«Абу-л-Аббос ал-Мустағфирий» // Буюк юрт алломалари.* – Т.: «O'zbekiston», 2016. 120–121; Убайдулла Уватов. *«Абу-л-Аббос ал-Мустағфирий». // Юртимиз алломалари.* – Т.: «NIHOL», 2014. 95–97.

Убайдулла Уватов

АБУ-Л-АББОС МУҲАММАД АС-САРАХСИЙ

أبو العباس محمد السرخسي

Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ад-Доғулий ас-Сарахсий (?, Сарахс – 975 ёки 999, ?)

Муҳаддис ва фақиҳ

Абу-л-Аббос Муҳаммад ас-Сарахсий машҳур *муҳаддис*, имом ва *фақиҳ* бўлиб, Бухоро ва Нишопурда ҳадисдан таълим олган, Сарахсда ваъзлар ўқиган. Абу Саъд ас-Самъонийнинг маълумотига кўра, биринчи бўлиб *шофеъий*ликни Сарахсда тарғиб этган. Ироқда бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда унинг саккиз шогирди, Ироқ ва Марвда учта устози борлиги қайд этилган. *«Ал-Муъжам»* номли ҳадислар тўплами муаллифи.

Ад.: *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 208.

АБУ-Л-АББОС АС-САФФОҲ

أبو العباس السفاح

Абу-л-Аббос Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталиб (тахм. 100–108/718–726, Ҳумайма – 136/754, Анбор)

Илк аббосий халифа (750–754)

*Умавий*ларга қарши *аббосий* қўзғолонини бошлаган Имом Муҳаммад ибн Алининг ўғли бўлган Абу-л-Аббос ас-Саффоҳ болалик ва ўсмирлик чоғларини Ҳумаймада оиласи б-н бирга ўтказган. Оғабеги Имом Иброҳим, *умавий* халифаси Марвон II томонидан қўлга олиниб Ҳарронга олиб кетилаётганда ўз оиласига укаси А.А.ас-С.ни валиаҳд этиб тайинлаганини айтади ва унга байъат этишларини сўрайди.

А.А.ас-С. инқилобчиларнинг Куфага кирганларидан бир ой кейин 132 й. сафар/749 й.нинг окт. ойида оиласи б-н бирга Куфага келади. Бироқ улар шаҳарда яхши кутиб олинмайдилар. Куфада вазиятга ҳоким бўлиб турган ва Али (р.а.)нинг авлодини қувватлаганини ҳануз очиқ ошкор этмаган Абу Салама ал-Халлол, Али (р.а.) авлоди истиқомат қилаётган ерни хуросонликлардан ҳимоя қилиб, келишувларни кута бошлади. Ҳануз Ироқнинг маркази Восит ва *умавий* хонадонининг маркази бўлган Шом итоат остига олинмаганидан, устига-устак қўзғолоннинг натижаси аниқ бўлмаганидан Абу Салама янги халифанинг тан олинишини кечиктиришга ҳаракат қилаётган эди. Абу Муслим Хуросонийнинг ишончли одамларидан Абу-л-Жаҳм ибн Атийя ал-Боҳилий, Абу Саламанинг чалғитувчи тактикасини англаб, Ҳаммом-Аъёндаги Хуросон қўшинига вазиятни хабар қилади. Натижада 12 киши дарҳол Куфага йўл олиб А.А.ас-С.га байъат қилади. Қўзғолоннинг тайёрланишида ва муваффақият қозонишида ҳеч қандай роли бўлмаган А.А.ас-С. 132 й.нинг 12 рабиъул-охирида (749 й., нояб.) жума куни Куфа масжидида илк *аббосий* халифа сифатида байъат олади. Минбарда хутба ўқиб, ҳокимият *аббосийлар*нинг ҳаққи эканини айтади. Хутбасида *аббосийлар* ва ироқликлар орасидаги манфаат бирлиги ҳақида гапиради.

А.А.ас-С. халифа сифатида байъат олишига қарамай, *умавий* халифалиги ҳали тугалланмаган ва ўлканинг катта бир қисми *умавийлар*нинг назорати остида

эди. Ироқда вазият ҳануз номаълум эди. Ироқнинг маркази Воситда *умавий* волийси Ибн Ҳубайра (Абу Холид Язид ибн Умар) таслим бўлмасдан қурашаётган эди. *Аббосийлар*га қарши Али (р.а.) авлодини қувватлашини очиқчасига айтган Абу Салама Абу Муслимнинг дастаги б-н бартараф этилади (132/750 й.).

Шомга юриш қилган А.А.ас-С.нинг амакиси Абдуллоҳ ибн Али ибн Абдуллоҳ қўмондонлигидаги *аббосий* қўшинини *умавий* халифаси Марвон II Дажла қирғоқларидан саналган Буюк Зоб дарёси соҳилида қарши олади (132 й. 2 жумодул-охир ойи/750 й. 16 янв.). Ўн кун давом этган урушда Марвон II енгилади. Шундай қилиб, *аббосийлар*га Шомнинг эшиклари очилади. 132 й. рамазон ойининг 14 кунида (750 й. 26 апр.) *умавийлар*нинг маркази – Дамашқ ш. *аббосийлар* қўлига ўтади. Марвон Мисрга қочаётганда Юқори Мисрдаги Бусийр деган жойда қўлга олиниб ўлдирилади (750 й. авг.). Шундай қилиб, *умавийлар* тарих саҳнасидан ўчирилади ва *аббосийлар* ҳокимият устига чиқадилар. Бироқ ҳануз Ислом дунёсида том маънода ҳокимият барпо қилинмаган эди. Таслим бўлмасдан курашаётган Восит волийси Ибн Ҳубайра Ҳасан ибн Қаҳтаба томонидан қуршаб олинди. Ҳасаннинг натижага эриша олмаганидан хабардор бўлган халифа А.А.ас-С. укаси Абу Жаъфарни ёрдамга юборади. Шундай бўлса-да, қуршов ўн бир ой давом этади. Ниҳоят, Марвон ўлимининг хабари келгач, 750 й.нинг охирларида Ибн Ҳубайра келишувга рози бўлади ва таслим битими имзоланади. Бироқ шаҳар таслим бўлганидан сўнг, келишув шартларига амал қилмасдан Ибн Ҳубайрага қўшиб бир неча кишилар қатл қилинади.

Умавийлар хонадонига мансубларнинг золимона шаклда маҳв қилиниши Шом ва ал-Жазира ш.ларида баъзи исёнларнинг чиқишига сабаб бўлди. *Қайс Айлон қабиласи*дан Зуфар ибн Ҳориснинг набираси Абу-л-Вард ибн Кавсарнинг бошқарувида Қиннасрийнда исён кўтарилди. Тадмур ва Ҳимс ш.лари ҳам бу исёнда иштирок этдилар. Улар ўзларига раҳбар этиб Муовиянинг наслидан бўлган Абу Муҳаммад ас-Суфёнийни тайинладилар. Исёнчилар Қиннасрийн яқинида 751 й. июлида Абдуллоҳ ибн Али томонидан мағлуб этилдилар. Абу-л-Вард ва исённинг қўрбошилари жанг майдонида вафот этадилар. Абу Муҳаммад аввал Тадмурга, у ердан Ҳижозга қочади, бироқ, қўлга тушиб қатл қилинади. Мазкур йилда Исҳоқ ибн Муслим ал-Уқайлий қўмондонлигидаги ал-Жазира араблари Ҳарронни ўраб оладилар. Исённи бостириш вазифасини олган Абу Жаъфар Ҳаррон яқинига келади. Ҳаррон волийси Мусо унга қўшилиш учун шаҳардан чиққанида шаҳар исёнчиларининг қўлига ўтади. Бир оз вақтдан сўнг, исёнчилар Самсатга (Сумайсот) чекинадилар. Халифанинг укаси Абу Жаъфар б-н амакиси Абдуллоҳ ибн Али Самсатни ўраб олган бўлсалар-да, шаҳарни қўлга кирита олмайдилар. Етти ой давом этган қамал, исёнчи Исҳоқ ибн Муслим Марвон II ни ўлганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг охирига етди. Бу воқеадан сўнг Абу Жаъфар ал-Жазира ва Озарбайжон волийлигига тайинланди.

*Аббосийлар*нинг бошқарувга келиши на арабларни, на эронликларни мамнун этди. Ўлканинг шарқий вилоятларида ҳам исёнлар юзага келди. 133 (750-51) й.да Бухорода Шарик ибн Шайх ал-Маҳрий бошчилигида Али (р.а.) авлоди фойдасига бошланган жуда таҳликали исён, Абу Муслим юборган Зиёд ибн Солиҳ томонидан бостирилади. Шаҳар уч кун талон-тарож қилинади. Асирлар шаҳар эшикларига осиб қўйилиб, халққа намойиш қилинади.

Али (р.а.) авлодини қўллаб-қувватлаган Абу Салама бартараф этилган эди. Бироқ, қўзғолоннинг ҳақиқий бошлиғи

бўлган Хуросон волийси Абу Муслимнинг борлиги Абу Жаъфар бошчилигидаги *аббосийлар*ни безовта қилаётган эди. Абу Жаъфарнинг фитна қўзғаши натижасида халифа А.А.ас-С., Абу Муслимнинг волийлари Сибоъ ибн Нўъмон ал-Аздий ва Зиёд ибн Солиҳ ал-Хузоийларни Абу Муслимга қарши яширин исёнга ташвиқ этади. 135 (752-53) й.да бошланган исёнда исёнчилар кўп қаршилик кўрсата олмайдилар. Сибоъ Омулда қўлга олиниб, қатл қилинади. Зиёд эса ўз қўшини томонидан тарк этилганидан сўнг, ҳузурида яширинган Боркас деҳқони томонидан ўлдирилиб, боши Абу Муслимга юборилади. *Аббосий* халифалигига қарши Басрада *хорижийлар*, Форсда Бассом ибн Иброҳим ва Синдда Мансур ибн Жумҳурнинг бошлаган исёнлари ҳам осонгина бартараф қилинди.

Халифа А.А.ас-С. даврининг тарихий жиҳатдан энг муҳим воқеаси – Чин қўшини б-н юз берган ва хитойликларнинг мағбулияти б-н ниҳоясига етган *Талас жанги* ҳисобланади (751 й. июль). Бу жанг б-н Хитойнинг Ғарбий Туркистон устидаги сиёсий бошқаруви батамом охирига етади (қ. *ТАЛАС ЖАНГИ*).

А.А.ас-С. ички зиддиятларга барҳам бериш б-н мусулмонларнинг сиёсий бирлигини таъминлаган, Андалус ва Шимолий Африканинг ғарбий қисмларидан ташқари бутун Ислом оламида халифа сифатида тан олинди. Куфада ўқиган илк хутбасида ўзини «Саффоҳ» (қон тўкувчи) унвони б-н танитган А.А.ас-С. нинг *умавийлар* ва тарафдорларига қарши қўллаган қаттиқ сиёсати мазкур унвонининг шахсиятига уйғун эканини кўрсатади. Унинг даври ҳақида сўз борганда илм-фан ва бунёдкорлик фаолиятлари борасида баҳс юритиш мумкин эмас. Манбаларда А.А.ас-С. мард, виқорли шахс сифатида зикр қилинади. Халифалик марказини Куфадан Ҳошимияга, у ердан эса Анборга кўчирган А.А.ас-С., беш йил халифа бўлганидан сўнг, чечак касали оқибатида 136 й. зул-ҳижжа ойининг 13 куни (754 й., 9 июнь) Анборда вафот этади. Ундан сўнг укаси Абу Жаъфар ал-Мансур халифа бўлади.

Ад.: Халифа ибн Хайёт. *Тарйх.* 324, 327, 328, 330-341; Яъқубий. *Тарйх.* II, 332, 345, 346, 349–363, 365; Ат-Табарий. *Тарйх.* III, 23–88; Масъудий. *Мурўж аз-заҳаб.* III, 233–237, 247, 248, 251–280; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил.* V, 406–416, 421, 425–427, 450–454, 458–468; Аз-Заҳабий. *Сийар.* VI, 77–80; M. A. Shaban. *Islamic History.* – Cambridge: 1976. I, 185–189; II, 1–5; Hakkı Dursun Yıldız. *İslâmiyet ve Türkler.* – İstanbul: 1976. 32–38; Бартольд. *Туркистан.* 210–213; Ahmet Çelebi. *Abbasîler Devri. Doğuştan Günümüze Büyük İslâm Tarihi.* – İstanbul: 1986. III, 25–62; Аҳмад Закий Сафват. *Жамҳара ар-расаил ал-ъараб.* – Байрут: «Ал-Мактаба ал-ъилмийя». 9–10; H. F. Amedroz. *«On the Meaning of the Laqab al-Saffāh». JRAS* (1907). 660–663; S. Moscati. *«Le Massacre des Umayyades». Ar.O.* XVIII (1950). 88–115; ўша муал. *«Abu'l-'Abbās al-Saffāh». EI² (Fr.).* I, 106; K. V. Zettersteen. *«Ebu'l-Abbâs». İA.* IV, 66–67; Hakki Dursun Yildiz. *«Ebü'l-Abbas es-Seffâh». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 283–284.

Ҳаққи Дурсун Йилдиз

АБУ-Л-АББОС АС-САЙЁРИЙ

أبو العباس السياري

(қ. ас-САЙЁРИЙ)

АБУ-Л-АББОС АТ-ТУСИЙ

أبو العباس الطوسي

Абу-л-Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон ат-Тусий (8-а.)

Халифаликнинг Хуросон ва Сейистондаги ноиби (782–786 йй.), амир Абу Муслим сафдоши. Мовароуннаҳр ҳам унинг назоратида бўлган. А.А.ат-Т. кўчманчи қабилалар ҳужумидан сақланиш учун Бухоро б-н Суғд оралиғида девор қурдирган. Ҳар бир фарсахга (1 фарсах – 6–7 км га тенг) биттадан дарвоза, ҳар ярим мил масофада биттадан мустаҳкам минора барпо этган. Баъзи манбаларда (ал-Масъудий) А.А.ат-Т. Бухоронинг вайрон бўлган деворларини тиклаган, деб ёзилади. А.А.ат-Т. мамлакат ободончилиги йўлида кўп ишларни амалга оширган.

Ад.: *ЎзМЭ.* –Т.: 2000. I, 55.

АБУ-Л-АББОС ҲАМЗА ИБН МУҲАММАД
أبو العباس حمزة بن محمد
(? – 855, ?)
Тасаввуф шайхи

*Тасаввуф тариқат*нинг йирик намояндаси. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг издошларидан. Ҳиротда *ҳанбалий мазҳаб*ини ёйишда ҳисса қўшган. Иброҳим Ситанбаҳ б-н суҳбатда бўлган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*-дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 182.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ АБДУЛВОҲИД АЛ-АҒЗУНИЙ
أبو عبد الله عبد الواحد الأغذوني
Абу Абдуллоҳ Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Айман ибн Абдуллоҳ ибн Мурра ибн Аҳнаф ибн Қайс ат-Тамимий ал-Ағзуний
(? – тахм. 200/816, ?)
Ҳадис ровийси

*Табаъа тобеъин*лардан бири бўлиб, ўз даврининг пешқадам *ровий*ларидан бири сифатида танилган. А.А.А.ал-А. Ҳошид ибн Абдуллоҳ ал-Ағзуний ал-Бухорийнинг бобосидир.

А.А.А.ал-А. Суфён ибн Уяйна, Шарик ибн Абдуллоҳ ан-Нахаий, Язид ибн Ато, Муҳаммад ибн Муслим ат-Тоифий, Ҳаммод ибн Салама, Иброҳим ибн Саъд аз-Зуҳрий, Қайс ибн Робиъ ва б.ларнинг суҳбатида иштирок этиб, улардан ҳадис эшитган ва ўз навбатида, етук *муҳаддис* шогирдлар ҳам етиштириб чиқарган. Ундан Муҳаммад ибн Салом ал-Бойкандий, Каъб ибн Саъид ал-Қозий ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ансаб.* – Ҳайдаробод: «Доира ал-маъориф ал-Усмонийя», 1962. I, 79; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор Содир», 1995. I, 54, 285; Ибн ал-Асир. *Ал-Лубаб фй таҳзйб ал-ансаб.* – Байрут: «Дор Содир». I, 20; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 9.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-АНТОКИЙ
أبو عبد الله الأنطاكي
Тасаввуф шайхи

Шариат ва *тариқат* илмининг етук билимдони. Бишр ал-Ҳофий, Сарий ас-Сақатийга яқин маслакдош. Ҳорис ал-Муҳосибийнинг шогирди. Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларида унинг асл исми Аҳмад бин Осим ал-Антокий тарзида зикр қилинган. Аммо ушбу тазкиралардан шу номдаги бошқа бир шайхнинг таржимаи ҳоли ҳам ўрин олган. Бу икки шайх аслида бир киши эканлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 142; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-БАСРИЙ
أبو عبد الله البصري
Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Али ибн Иброҳим ал-Басрий
(289/902 – 369/979-80, Бағдод)
Муътазила мазҳабининг пешқадам калом олими, ҳанафий фақиҳи

Манбаларда Абу Абдуллоҳ ал-Басрийнинг таваллуд санаси сифатида 293/905, 308/920 й.лар ҳам кўрсатилган. Катта эҳтимол б-н 311/923 й.да давомли таҳлика ташкил қилган *қарматийлар* зулмидан қутулиш мақсадида ёшлигида Басрадан сафар қилишга мажбур бўлган. Ўша даврда Аскар мукрамда бўлган, Басра *муътазила* мактаби асосчиларидан саналган Абу Ҳошим ал-Жуббоий ва шогирди Абу Али ибн Халлод ал-Басрийлардан таҳсил олган. Ғайрати ва тиришқоқлиги б-н илмда улардан илгарилаб кетади. А.А.ал-Б. ҳаётининг асосий қисмини Бағдодда кечиради. Узоқ муддат машҳур *ҳана-*

фий фақиҳи Абу-л-Ҳасан ал-Кархийнинг дарсларига қатнашиб, ундан *ҳанафий фиққҳи*ни ўрганади. *Зуҳд* ва ибодат б-н бир қаторда таълим фаолиятига эътибор қаратади. У кундузлари аср *намо*зигача истироҳат қилиб, кечаси дарс ўқитар ҳамда китоб таълиф қилиш б-н машғул бўлар эди.

10-а.нинг бошларидан эътиборан *муътазила* оқими ўз нуфузини йўқотиши б-н бирга, *мазҳаб*нинг Бағдоддаги вакили Ибн ал-Ихшид ва шогирларининг Абу Ҳошим ал-Жуббоий фикрларига кескин қарши чиқишлари сабабли, А.А.ал-Б. бу даврдаги фаолиятида катта кўнгилсизликлар б-н қарама-қарши келганини кўриш мумкин. Ҳамдоний амири Сайфуд-давла ал-Кархийдан «ҳар бир мужтаҳид ҳақ» тарзидаги иборанинг изоҳини сўраганида, ал-Кархий бу мавзуни А.А.ал-Б.га ҳавола қилган. У ҳам мазкур мавзуга *«Ал-Усўл»* ва *«Нақд ал-футйā»* номли асарлари б-н жавоб берган. Натижада амир б-н орасидаги муносабатлар яхшиланган А.А.ал-Б., ҳаётининг охирида фалаж бўлиб қолган ал-Кархийни Сайфуд-давла томонидан молиявий таъминотга эришишига ҳам сабабчи бўлган. Шунингдек, А.А.ал-Б.га оид, кейинчалик машҳур бўлган мўътадил *шиа* тамойиллари ҳам бу яқинликдан вужудга келгани тушунилади. У мазкур тамойилларини *бувайҳийлар* ва *зайдийлар*нинг эътиборини тортиш учун ҳам қўллаган. Муъиззуд-давланинг Бағдодни қўлга киритганидан сўнг, (334/945 й.) унинг вазири Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Муҳаллабийнинг дастагига эришган А.А.ал-Б., 347/958 й.да Бағдодга келган Соҳиб ибн Аббод б-н ҳам дўстлик алоқаларини ўрнатган. Абу Ҳайён ат-Тавҳидий мазкур Соҳиб ибн Аббод ва унга яқин кимсаларни ёқтирмаслиги сабабли, А.А.ал-Б. ҳақида сўз кетганида унга хаёлпараст, *балоғат* мавзусида заиф, мунозарада қўпол, обрўсиз, тарафкаш ва сиёсий нуфузидан усталик б-н фойдаланувчи шахс дея тавсиф берган.

А.А.ал-Б. Бағдодда вафот этган. Унинг жаноза *намози муътазила наҳв* олими Абу Али ал-Форисий томонидан адо қилинган ва устози Абу-л-Ҳасан ал-Кархий қабри ёнига дафн қилинган.

А.А.ал-Б.нинг фикрлари, шогирди ал-Қозий Абдулжаббор ал-Ҳамадонийнинг турли асарларида, иқтибослар ҳолатида учрайди. Ал-Қозий Абдулжаббор устозига нисбатан қарзини шу йўл орқали адо қилиш б-н бирга, унинг қарашларига зид фикрларни ҳам айтади.

А.А.ал-Б.нинг ўзига хос қарашлари ҳақида фикр билдириш мушкул вазифадир. У *муътазила мутакаллими* бўлиши б-н бирга Абу Али ал-Жуббоийни танқид қилади, устози Абу Ҳошим б-н ҳам фикрлари айро келади. *«Китāб ат-тафзīл»* асарида кўпроқ *зайдий шиа* тамойилларини қувватловчи тортишувларга ўрин ажратиб, *шиа* ривоятларига таянган ҳолда уларнинг тўғрилигини исбот қилишга ҳаракат қилган. Али (р.а.) ва Абу Бакр (р.а.)ларнинг фазилатлари, қилган ишларини баҳолаб қиёслаган, бу мавзуда Али (р.а.)нинг устунлигини эълон қилган Абу Жаъфар ал-Искофийнинг фикрларига қўшилган. Шунингдек, Умар (р.а.)ни Исломнинг илк йилларида мусулмон бўлгани ва Али (р.а.)нинг қизи Умму Кулсум б-н никоҳланганини Муъиззуд-давланинг ҳузурида очиқ баён қилиб, *рофизийлар*га таслим бўлмаган.

Фиққий масалаларда устози бўлишига қарамай, ал-Кархийдан ажралиб, кўплаб мавзуларда ундан устун бўлганини кўриш мумкин. Устозининг баъзи қарашларини фақатгина «Абу-л-Ҳасандан» қайди б-н нақл қилади. Баъзи таърифларга берган тушунчалар б-н кейинги авлодга таъсир ўтказган А.А.ал-Б., *хос*, *ом*, *ижмо*, *қиёс*, *иллат* ва *насх* мавзуларидаги қарашларини маълум қилиб, айниқса, *насх* ва ҳадислар қабули хусусида замондошларининг кўпи б-н ихтилофга борган.

*Фуруъ ал-фиққ*га доир қарашларини эса, ал-Кархийнинг *«Мухтасар»*ига ёзган шарҳида баён қилган. Набиз ичиш ва *намозда* ўқиладиган сураларга оид масалаларда *ҳанафий фиққ*ига уйғун ўлароқ, жоиз кўриши б-н бирга, имомийянинг *мутъа* никоҳини *машруъ* санаган қарашини рад қилади ва бу хусусда *зайдийя фиққ*ига мойил бўлгани мазкур мавзуларда ёзган монографияларидан тушунилади.

Калом мавзусида баъзи шахсий фикрлари бўлиши б-н бирга кўпинча Басра *муътазила* мактабига эргашган А.А.ал-Б., оламнинг абадийлиги қарашига кескин қарши чиққан, бу мавзу б-н боғлиқ икки асарларини Ибн ар-Рованди й ва Абу Бакр ар-Розийларга раддия сифатида ёзган.

Манбаларда А.А.ал-Б. йигирмата асар муаллифи экани зикр қилинади. Улардан бизгача етиб келганлари қуйидагилар:

«Нақз калām ар-Рāвандӣ». Ибн ар-Рованди йнинг модданинг азалийлигига доир қарашига раддия сифатида ёзилган асар. *«Нақз китāб ар-Рāзӣ»*. Абу Бакр ар-Розийга раддия тарзида ёзилган асар. *«Ал-Калām фӣ анналлāҳа таъāла лам йазал мавжӯдан ва лā шайъа сивāҳу илā ан халақ ал-халқ»*, *«Нақз ал-муъжиза»*. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг *«Ал-Муъжиза»* номли асарига раддия. *«Ал-Жавāб ъан масъалатай аш-шайх Абӣ Муҳаммад ар-Рāмҳурмузӣ»*, *«Китāб ал-Ймāн»*, *«Китāб ал-иқрāр»*, *«Китāб ал-маърифа»*, *«Шарҳ мухтасар Аби-л-Ҳасан ал-Кархӣ»*, *«Китāб ал-ашриба ва таҳлӣл набӣз аттамр»*, *«Китāб таҳрӣм ал-мутъа»* ва б.

Ад.: Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист*. 222, 248, 261, 294; Абу Ҳайён ат-Тавҳидий. *Ахлāқ ал-вазӣрайн*. – Дамашқ. 1385/1965. 200; ўша муал. *Ал-Имтāъ ва-л-муъāнаса*. – Қоҳира. 1953. I, 40; ўша муал. *Муқābасāт*. – Бағдод: 1970. 159; Қози Абдулжаббор. *Ал-Муғнӣ*. – Қоҳира: 1962–65. XVII. XX/1, 131, 216; XX/2, 216, 257; ўша муал. *Ал-Муҳӣт*. – Қоҳира: Аш-Шарикат ал-Мисрийя. 239, 332, 344; ўша муал. *Шарҳ ал-усӯл ал-хамса*. – Қоҳира: 1965. 548; ўша муал. *Табақāт ал-муътазила*. – Тунис. 1393/1974. 325–328; Абу-л-Ҳусайн ал-Басрий. *Ал-Муътамад*. I-II; Ал-Хатиб. *Тарӣх Бағдāд*. VIII, 73; X, 355; Шерозий. *Табақāт ал-фуқаҳā*. 143; Ҳоким ал-Жушамий. *Шарҳ ал-ъуйӯн*. – Тунис: 1974. 366, 371; Ибн ал-Жавзий. *Ал-Мунтазам*. VII, 101; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XVI, 224; ўша муал. *Ал-Ибар*. II, 351; Сафадий. *Ал-Вāфӣ*. – Байрут: 1984. 13. 17; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. III, 68; J. van Ess. *«Abū ʿAbd Allāh al-Baṣrī»*. *EI² Suppl. (İng.)*. 12–14.

Мақоланинг тўлиқ нашри: «*Ebû Abdullah el-Basrî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 84–85.

Шарафиддин Гўлжук

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-БУХОРИЙ

أبو عبد الله البخاري

Мутасаввиф, фақиҳ, тилшунос

Абу Абдуллоҳ ал-Барақийнинг отаси Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ал-Бухорий *тасаввуф* олими, *фақиҳ*, шоир, *наҳв* ва *сарф* илмининг билимдони эди. У «Шараф ур-руасо» («Раисларнинг улуғи») лақаби б-н машҳур бўлиб, Ибн Мокуло Абу Исо ат-Термизийнинг *«Ал-Жāмиъ ас-саҳӣҳ»* ҳадис тўпламини шу кишидан ўрганганини айтади.

Ад.: Салоҳ Раввойи. *Ан-Наҳв ал-ъарабӣ. Нашъатуҳ, татаввуруҳ, мадāрисуҳ, ижāлуҳ*. – Қоҳира: 2003; Муҳаммад Тантовий. *Нашъа ан-наҳв ва тарӣх ашҳур ан-нуҳāт*. – Миср: 2005; Мозин Муборак. *Ан-Наҳв ал-ъарабӣ. Ал-Илла ан-наҳвийа: нашъатуҳā ва татаввуруҳā*. – Миср.: «Дор ал-фикр», 1971.

Малика Носирова

АБУ АБДУЛЛОҲ ЖАВПОРАИ СЎФИЙ

أبو عبد الله جوباري صوفي

(?, Жавпора – ?)

Тасаввуф тариқатининг йирик намояндаси

Ҳоз. Туркиянинг Жавпора деган кентида таваллуд топган. Абу Али ад-Даққоқ суҳбатидан баҳраманд бўлган. Шубҳали луқмадан буткул парҳез қилган. Ал-Ансорий ўз тазкирасида ўша давр ҳокимлари б-н бўлган муносабатини таърифлаб, унга ҳақиқат йўлининг толмас курашчиси сифатида баҳо берган. Алишер Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«На-*

*фаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақāт ас-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 157; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ИЙЛОҚИЙ
أبو عبد الله الإيلاقي

Шарафиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ийлоқий
(?, Ийлоқ – 398/1008, ?)
Файласуф, тарихчи ва ҳаким

А.А.ал-И. Ибн Синонинг шогирдларидан бири бўлиб, дастлабки таълимни Шош (Тошкент) мадрасаларидан бирида олган, сўнг ўз билимини такомиллаштириш мақсадида Бухоро, ундан кейин Урганчга бориб таҳсил олган. Бу ерда у Ибн Сино б-н учрашган. А.А.ал-И. тиббиётдан ташқари, фалсафа ва тарих б-н ҳам шуғулланган.

Ас.: *«Куллиййāт тибб ал-Йлāқӣ»* («Ийлоқийнинг тўлиқ тиббий асарлари тўплами») асарида тиббиёт тарихига оид маълумотлар берилган. Шунингдек, *«Шарҳ куллиййāт Қāнӯн»* (Ибн Синонинг «Тиб Қонунлари»га тўлиқ шарҳ). *«Ал-Асбāб ва-л-алāмāт»*, мазкур асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари Патна, Ҳайдаробод, Париж, Дублин, Мюнхен, Қоҳира, Қувайт кутубхоналарида сақланмоқда.

Ад.: Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* VII, 148; *ЎзМЭ.* – Т.: 2000. I, 50.

Тузувчи Зафар Фахриддинов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ИЙЛОҚИЙ
أبو عبد الله الإيلاقي

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд ал-Ийлоқий
(? – 539/1145, Марв)
Фақиҳ

Абу Абдуллоҳ ал-Ийлоқий Хуросонда Ҳасан ибн Масъуддан, Марвда ар-Равздан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яҳёдан *фиқҳ* илмидан сабоқ олган. Чиройли сийратли олим кўп хайрли иш қилар, кишиларнинг ҳожатларини чиқаришга доимо мойил бўлган. Ас-Самъоний ўзининг «*ал-Ансāб*» асарида А.А.ал-И.ни ўзи б-н Марвга келиб, «ал-Амидийя» мадрасасида вафот этгунича яшаганларини ҳамда А.А.ал-И.дан ҳадис илмидан таълим олганини айтиб ўтган.

А.А.ал-И. рабиъул-аввал ойида вафот этган ва Синжзонда Юсуф ал-Ҳамадоний *ҳазира*сига дафн қилинган.

Ад.: Ас-Самъоний. «Ал-Мунтахаб мин муъжам шуйӯх». – Риёз: 1417/1996. III, 1453-1454; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 245; https://books.google.co.uz/books.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ АБДУЛЛОҲ МАВЛО
أبو عبد الله مولي

(11-а., Ҳирот)
Тасаввуф тариқати шайхи

Ҳиротда яшаган. *Пир* Абу Саъид Дунийга замондош. *Тавҳид* ва ҳадис илмида етук олимлардан бўлган. *Таваккул* б-н яшашни ҳаётининг асоси деб билган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақāт ас-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 246; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-МАҒРИБИЙ
أبو عبد الله المغربي

(179/796, ? – 299/912, ?)
Сўфий

Муҳаммад ибн Исмоил *аҳли сунна вал-жамоа* олимларидан бўлиб, *тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Асли термизлик бўлган Абу-л-Ҳусайн Али ибн Разин ал-Ҳиравийнинг шогирди. Иброҳим Хаввос, Иброҳим ибн Шайбон Кирмоншоҳий ва Абу Бакр ал-Пайкандийнинг устози. Заҳрун ал-Мағрибийнинг замондоши ва дўсти. Тур тоғи-

даги муқаддас саналган харнуб дарахти остига устози Али ибн Разин қабри ёнига дафн қилинган. Ас-Суламий уни «*Табақāт ас-сўфиййа*» асарида иккинчи табақа зикрида келтирган. Алишер Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 141; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ МОНАК
أبو عبد الله مانك
Сўфий

Аҳмад ибн Иброҳим Монак *тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Бундор ал-Арғонийнинг шогирди. Абу Бакр аш-Шиблий ва Жунайд ал-Бағдодий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Юз йилдан ортиқ умр кўрган. *Тасаввуф*нинг назарий масалалари бўйича кўп фикрлар юритган, аммо *тасаввуф* намояндалари ҳақида мутлақо фикр билдирмаган. Бунга сабаб қилиб, *тасаввуф* аҳли Ҳақ ҳузурида ўзларидан ғойиб бўлган инсонлар, ғойиб киши ҳақида сўзлаш ғийбатга киради, деб айтган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 246; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. II.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ МУХТОР
أبو عبد الله مختار
Абу Абдуллоҳ Мухтор
ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳиравий
(? – 1392, Ҳирот)
Сўфий

Абу Абдуллоҳ Мухтор *тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. «Саййид ал-имом» номи б-н машҳур бўлган. *Шариат* ҳамда *тариқат* илмларини чуқур эгаллаган. Абу Али ибн Мухтор ал-Алавий каби *мурид*ларни тарбия қилган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 232; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ-АХСИКАТИЙ
أبو عبد الله محمد الأخسيكتي
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад
ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий
(? – 644/1247.31.03, ?)
Ҳанафий фақиҳи

Мовароуннаҳр *ҳанафий фақиҳ*лари орасида муҳим ўринга эга. Имом-пешво, *ҳанафий мазҳаби фақиҳи* Ҳусомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий таваллуд топган сана маълум эмас. Олим 644 й. йигирма учинчи зул-қаъда душанба куни вафот этган, Етти қози қабристонида Қозихон Устоз Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Абдий қабри яқинига дафн қилинган.

А.А.М.ал-А. *усул ал-фиқҳ* илми билимдонларидан бўлиб, *ҳанафий мазҳаби усул ал-фиққҳ*ига оид *«Ал-Мунтахаб фӣ усӯл ал-мазҳаб»* номли асар ёзган. Олимнинг шоҳ асари ҳисобланган мазкур китобга Ҳусомуддин Ҳусайн ибн Али ас-Сиғноқий *«Ал-Вāфӣ фӣ усӯл ал-фиқҳ»*, Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий *«Ат-Таҳқӣқ»*, *ҳанафий фақиҳи* Қавомуддин Амир Котиб ибн Амир Умар ал-Итқоний *«Ат-Табйӣн»* номли ҳамда Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий махсус шарҳ битганлар. Амир Котиб шарҳи Собир Носир Мустафо Усмон, Насафийнинг шарҳи эса Салим Ўғут томонидан докторлик иши сифатида тадқиқ этилган ҳамда асар илмий-танқидий матн ҳолида нашр қилинган. *«Ал-Мунтахаб»*

асари 1877 й. Лакҳнавда, 1907 й. Деҳлида нашр этилган.

Ҳозирда А.А.М.ал-А.нинг *усули фиққа* оид асарларидан Шарқ мамлакатларида асосий дарслик, қўлланма сифатида фойдаланилади.

Қуйида номлари зикр қилинган асарлар ҳам А.А.М.ал-А.га нисбат берилган: «*Мифтāҳ ал-усўл*», «*Ғāйа ат-таққīқ*», «*Дақāиқ ал-усўл ва-т-табйūн*».

Ад.: *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 30–31; Mustafa Uzunpostalci. «*Ahsîkesî*». *TDV İA.* – Istanbul: 1989. II, 181.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ-БУХОРИЙ

أبو عبد الله محمد البخاري

(қ. ал-БУХОРИЙ, Муҳаммад ибн Исмоил)

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ-ФИРАБРИЙ

أبو عبد الله محمد الفربري

(қ. ал-ФИРАБРИЙ, Абу Абдуллоҳ)

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ

أبو عبد الله محمد الخوارزمي

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Иброҳим ал-Хиросий ал-Хоразмий
(? – 425/1034,?)
Сўфий, тилшунос

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий *сўфий*, адиб, нозим, носир, наҳвшунос ва тилшунос олим бўлган.

Ас.: «*Китāб фи-т-тасрīф*» («Морфология ҳақида китоб»), «*Ал-Балāға ва-л-барāъа*» («*Балоғат* ва маҳорат»), «*Шарҳ дūвāн ал-Мутанаббū*».

Ад.: Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* – Истанбул: 1941; Муҳаммад Тантовий. *Нашъат ан-наҳв ва тарūх ашҳур ан-нуҳāт.* – Миср: 2005; Мозин Муборак. *Ан-Наҳв ал-ъарабū. Ал-Илла ан-наҳвийя: нашъатуҳā ва татаввуруҳā.* – Миср.: «Дор ал-фикр», 1971.

Малика Носирова

АБУ АБДУЛЛОҲ АН-НАВКАДАКИЙ

أبو عبد الله النوكدكي

Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихоний ан-Навкадакий
(10-а. охири – 11-а. бош.)
Муфассир, муҳаддис ва ровий

Абу Абдуллоҳ ан-Навкадакий Навкадак қишлоғида таваллуд топган бўлса-да, бу қишлоқ Иштихонга қарашли бўлгани боис, аксар манбаларда аллома Абу Абдуллох ал-Иштихоний деб ҳам келтирилган. А.А.ан-Н. дастлабки илмини Иштихон ш.га келиб, у ердаги алломалардан олган. Кейинчалик илм талабида Хуросон ва Ироққа сафар қилиб, ўз замонасининг машҳур алломалари Қубайса ибн Уқба, Бадл ибн Мухбар, Валид ибн Муҳаммад ас-Саламий, Абдуллоҳ ибн Усмон ад-Дабусий, Абдуллоҳ ибн Холид ал-Марвазий, қози Абу Ҳафс Умар ибн Абу Муқотил ал-Фаззорий ас-Самарқандий ва Абу Аҳмад ал-Ҳасан ибн Али ас-Соғаржий кабилардан таълим олган ва ҳадислар ривоят қилган. Ўз ўрнида А.А.ан-Н. дан Довуд ибн Амр ал-Иштихоний, Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Саъо Бакрий ас-Самарқандий, Абу Аҳмад ал-Ҳасан ибн Али ас-Соғаржий ва Абу-л-Фазл Аббос ибн Таййиб ас-Соғаржий каби алломалар у кишидан таълим олганлар ва ҳадис ривоят қилганлар.

Ас-Самъонийнинг *«Ал-Ансāб»* асарида А.А.ан-Н. *«Тафсūр»* ва шу каби бир қанча китоблар тасниф этганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилган, аммо мазкур асар бизгача етиб келмаган.

Ад.: Абу-л-Ҳасан аш-Шайбоний. *Ал-Лубāб фū таҳзūб ал-ансāб.* III, 333; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. XII, 164; Суюндиқ Мустафо. *Хатирчилик сиймолар.* 34; Й. Исаев, А. Аббасов. *Иштихоний алломалар.* – Самарқанд: «Munis design group», 2016. 74.

Йўлдошхон Исаев

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ФУРОВИЙ

أبو عبد الله الفراوي

(қ. ал-ФУРОВИЙ, Абу Абдуллоҳ)

АБУ АБДУЛЛОҲ ХАФИФ ШЕРОЗИЙ
أبو عبد الله خفيف شيرازي

Муҳаммад ибн Хафиф
ибн Исфикшоз Заббий Шерозий
(266/879 – Шероз – 331/942)
Муҳаддис ва фақиҳ

Куняси – Абу-л-Ҳасан. Асли нишопурлик. Шайх Абу Толиб Хазраж ал-Бағдодий ва Абу Муҳаммад Атойидийнинг *мурид*и. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий кўп мамлакатларда сафарда бўлиб, Рувайм, Абу Бакр ал-Каттоний, Юсуф ибн ал-Ҳусайн ар-Розий, Абу Яъқуб аз-Зизий, Абу-л-Аббос Сурайж, Абу Бакр ал-Ушноний, Абу-л-Хайр ал-Моликий, Абу Бакр аш-Шаъроний, Абу Муҳаммад Атойидий, Муъаммил Жассос, Жаъфар Ҳаззо, Ҳишом ибн Абдон, Абу Муҳриз Шерозий, Али ибн Шуллуя, Абу Бакр Искоф, Абу Заҳҳок, Абдуллоҳ Қассор, Абу Али Ворижий, Жаъфар Жаъдий, Абу-л-Қосим ал-Қасрий, Абдулазиз Баҳроний, Али ибн Абу Али ибн Муҳаммад Аккор, Мусо Имрон, Абу Зуръа ал-Ардабилий, Шайх Абдуллоҳ Боку, Яҳё ибн Аммор Шайбонийларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абу-л-Ҳусайн Бишр Сижзий ва Бундор ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаллаб Шерозийларнинг устози. Мансур Ҳалложнинг ўлимига қарши чиққан. *Ғайбат* ва *ҳузур* тушунчаларига илк марта назарий тавсиф берган. «*Рисолаи васият*», «*Шараф ул-фуқаро*» («Дарвешлар шарафи»), «*Авсоф ул-қулуб*» («Кўнгиллар васфи»), «*Одоб ул-муридийн*» каби йигирма саккизта асар муаллифи. *Хафифийя тариқати*нинг асосчиси. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Х, 230; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ХОРАЗМИЙ
أبو عبد الله الخوارزمي

(қ. ал-ХОРАЗМИЙ, Муҳаммад ибн Аҳмад)

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ҚАЛОНИСИЙ
أبو عبد الله القلانسي
Сўфий

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Аксар *тасаввуфий* манбаларда А.А.ал-Қ.нинг сафардошлари филнинг боласини еб ҳалокатга учрагани, лекин она фил эса уни кўтариб, манзилига етказиб қўйгани ҳақида ҳикоят келтирилган. Жумладан, Румийнинг «*Маснавий маънавий*»сида ҳам бу ҳикоя батафсил ёритилган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*да *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Х, 153; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.; Жалолиддин Румий. *Маснавийи маънавий.* – Т.: «MERIYUS», 2011.

Олимжон Давлатов

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ҲАЛИМИЙ
أبو عبد الله الحليمي

(қ. ал-ҲАЛИМИЙ, Абу Абдуллоҳ)

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ҲОКИМ АН-НАЙСОБУРИЙ
أبو عبد الله الحاكم النيسابوري

(қ. ал-ҲОКИМ ан-НАЙСОБУРИЙ)

АБУ АБДУРРАҲМОН АС-СУЛАМИЙ
أبو عبد الرحمن السلمي

(қ. ас-СУЛАМИЙ, Абу Абдурраҳмон)

АБУ АБДУРРАҲМОН АС-СУЛАМИЙ
أبو عبد الرحمن السلمي

Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад
ибн Мусо ибн Холид ибн Салим ибн
Ровия ибн Саъид Абу Абдурраҳмон
Аздий ас-Суламий ан-Найсобурий
(936 – 1021)
Сўфий

Тасаввуф адабиётининг намояндаси, *мутасаввиф*ларни илк бор табақаларга (даврий тартибда) ажратган аллома. Ас-Суламий нисбасини она томонидан

араб қабиласига тегишли бўлгани учун олган. Бағдод, Рай, Ҳамадон, Марв ва Ҳижозда бўлган ва кўплаб *тасаввуф* алломалари ҳақида маълумот тўплаган. Шамсуддин аз-Заҳабий Абу Абдурраҳмон ас-Суламийни *тасаввуф* илмининг шайхи, *сўфий*лар тарихи табақотининг тавсифчиси сифатида танитган. Асарларининг сони юздан ортиқ, деб таърифлайди.

Ас.: «*Ҳақойиқ ат-тафсир*», «*Табақот ас-сўфиййа*», «*Муқаддима ас-сўфиййа*», «*Тарйқа ал-ъорифйн*» ва б.

А.А.ас-С.нинг *«Табақот ас-сўфиййа»* асари беш табақага бўлинган бўлиб, биринчи табақада Шайх ибн Йёз, Зуннун ал-Мисрий, Шайх Бишр ал-Ҳофий, Абу-л-Ҳасан Сарий, Ҳорис Муҳосибий, Шақиқ ал-Балхий, Боязид ал-Бистомий, Абу Сулаймон ад-Дароний, Маъруф ал-Кархий, Ҳотим ал-Асам, Аҳмад ал-Ҳаворий, Аҳмад ибн Ҳазравайх, Яҳё ибн Муоз ар-Розий, Абу Ҳафс Ҳаддод ан-Найсобурий, Ҳамдун ал-Қассор, Мансур ибн Аммор, Аҳмад ал-Антокий, Абдуллоҳ ибн Ҳубайқ ал-Антокий, Абу Туроб ан-Нахшабийлар ҳақида; иккинчи табақада эса Абу-л-Қосим Жунайд, Абу-л-Ҳусайн Нурий, Абу Усмон Ҳирий ан-Найсобурий, Абу Абдуллоҳ ибн ал-Жалло, Рувайм ибн Аҳмад ал-Бағдодий, Юсуф ар-Розий, Шоҳ ибн Шужоъ Кирмоний, Самнун ибн Умар Муҳиб, Усмон ал-Маккий, Абдуллоҳ ат-Тустарий, Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхий, Муҳаммад ибн Али ат-Термизий, Абу Бакр ал-Варроқ, Абу Саъид ал-Харроз, Абу-л-Аббос ат-Тусий, Абу Абдуллоҳ ал-Мағрибий, Абу Али ал-Жузжоний ва б.лар ҳақида маълумотлар, уларнинг ҳикматларидан намуналар берилган.



Абу Абдурраҳмон ас-Суламийнинг *«Табақот ас-сўфиййа»* асари. Байрут нашри

Ад.: Имом Абдурраҳмон ас-Суламий. *Табақоти сўфийя*. – Т.: «Фан», 2004.

Ҳамидулла Болтабоев

АБУ АБС
أبو عبس

Абу Абс Абдурраҳмон ибн Жабр ибн Амр ал-Ансорий (тахм. 584 – 34/654, Мадина)

Саҳоба

*Авс қабиласи*нинг *Бани Ҳориса* уруғидан. Исломдан аввалги Абдулуззо исми Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан Абдурраҳмон, деб ўзгартирилган. *Саҳоба* Муҳаммад ибн Масламанинг поччаси бўлган Абу Абс (р.а) *ҳижрат*дан аввал Ислом динини қабул қилади. Онаси Лайло бинт Рофеъ ва хотини Умму Исо Расулуллоҳ (с.а.в.)га илк *байъат* қилган аёл *саҳоба*лардан бўлганлар. Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Бадр, Уҳуд, Хандақ* ва б. барча *ғазот*ларда иштирок этган.

Исломнинг илк даврида саводлилар озчиликни ташкил қилган. Шу боис улардан бири бўлган А.А.нинг Ислом маданияти тараққиётига улуши катта бўлган. *Ҳижрат*нинг илк кунларида маккалик *муҳожир*ларга ёрдам қўлини узатган. Пайғамбар (с.а.в.) Умар (р.а.) нинг қизи Ҳафса (р.а.)ни аввалги турмуш ўртоғи, шунингдек, *Уҳуд*да шаҳид бўлган Хунайс ибн Хузофа б-н А.А.нинг орасида

биродарлик риштасини боғлаганлар. У мусулмон бўлганидан сўнг яқин дўсти Абу Бурда ибн Ниёр б-н бирга ўзлари мансуб бўлган *Бани Ҳориса* қабиласининг бутларини яширин тарзда синдиришга киришадилар. *Бадр* мағлубиятини кўтара олмай, шеърлари, таъсирли сўзлари ва бойлиги б-н араб халқини, айниқса, маккаликларни Пайғамбар (с.а.в.) га қарши қайраган яҳудий шоири Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилишига маъмур этилган ҳайъат ичида А.А. ҳам бўлган.

А.А. Умар ва Усмон (р.а.)лар даврида солиқ йиғувчи вазифасида бўлган ва Усмон (р.а.) халифалигининг сўнгги йилларида касалликка чалиниб, етмиш ёшларида вафот этган. *Бадр*да иштирок этганларга юқори даражада ҳурмат б-н ёндашган халифа, А.А.нинг касаллик чоғида зиёратида бўлган, вафотидан сўнг жаноза *намоз*ини халифанинг ўзи адо қилган. А.А. «*Жаннат ал-бақиъ*» *қабристон*ига дафн этилган. А.А. Пайғамбар (с.а.в.)дан фақатгина битта ҳадис ривоят қилган. Муҳаммад, Маҳмуд, Убайдуллоҳ, Зайд ва Ҳумайд исмли фарзандлари унинг муборак йўли ва наслини Мадина ва Бағдодда давом эттирганлари ҳақида манбаларда маълум қилинади.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат*. III, 450–451; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъаб*. IV, 122–123; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. III, 431; Аз-Заҳабий. *Сийар*. I, 188–189; М. Мустафо ал-Аъзамий. *Куттаб ан-набий*. – Риёз: 1981. 40–41; Ali Yardım. *«Ebu Abs». TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 87.

Тузувчи Зафар Фахриддинов

АБУ АВОНА АЛ-ВОСИТИЙ

أبو عوانة الواسطى

Абу Авона Ваддоҳ ибн Абдуллоҳ ал-Воситий

(92/710-11, ? – 176/792, Басра)

Ҳадис ҳофизи, табаъа тобеъин

Асли журжонлик бўлиб, оиласи Журжоннинг *фатҳ*ида (22/642-43 й.) асирга олинган. Абу Авона ал-Воситий қул бўлиб дунёга келган. Хўжайини Язид ибн Ато ал-Яшкурий мато савдоси б-н шуғулланган учун унинг дўконида сотувчилик қилган. *Муҳаддис* Ибн Адийнинг айтишича, хўжайини унинг ёшлигида озодликни ёки ҳадис ёзишни танлашини сўраганида, Абу Авона ҳадис ёзишни танлаган. Ҳасан ал-Басрий ва Ибн Сирийнларни учратган бўлса-да, улардан ҳадис ривоят қилгани манбаларда келмаган.

Ҳакам ибн Утайба, Асвад ибн Қайс, Саъид ибн Масруқ Саврий, Қатода ибн Диъома, Амр ибн Динор, Мансур ибн Муътамир, Осим ал-Аҳвал, Аъмаш ва б. кўплаб *муҳаддис*лардан ҳадис ривоят этиб, замонанинг пешқадам *муҳаддис*ига айланган.

Ундан Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Довуд ат-Таёлисий, Абдурраҳмон ибн ал-Маҳдий, Аффон ибн Муслим ва Саъид ибн Мансур каби кўплаб таниқли *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар.

У илгари Восит (Ироқдаги ш.ча)да истиқомат қилган, ҳурриятга эришганидан сўнг, Басрага кўчиб ўтган.

Яҳё ибн Маъийн А.А.ал-В.нинг ўқишни билса-да ёза олмаганини, ривоят қилган ҳадисларини бошқаларга ёздириб ёдлаганини маълум қилган. Шуъба ибн Ҳажжож, Аффон ибн Муслим ва Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг маълумотларига кўра, А.А.ал-В.нинг қўли остидаги китоблардан қилган ривоятлари юқори даражада ишончли бўлиб, ёддан ривоят қилганида адашар эди. Шунингдек, манбаларда Аффон ибн Муслим, бизнинг наздимизда Абу Авонанинг ҳадислари Шуъбанинг ривоятидан кўра саҳиҳроқ дегани, бошқа ўринда Шуъбанинг, агар сизларга Абу Авона Абу Ҳурайрадан ҳадис айтса, уни тасдиқланглар, дегани келтирилади.

Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон унинг ёзма ривоятлари Шуъба ибн Ҳажжожнинг ёддан айтган ривоятларидан кўра соғлом эканини маълум қилади. У ҳақида айтилган сўзлар унинг ишончли *муҳаддис* бўлганини кўрсатади.

Ривоятлари «*Кутуби ситта*»дан ўрин олган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт*. VII, 287–288; Ал-Бухорий. *Ат-Тарūх ал-кабūр*. VIII, 181; ўша муал. *Ат-Тарūх ас-сағūр*. II, 210, 212; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл*. IX, 40–41; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқāт*. VII, 562–563; Аз-Заҳабий. *Сийар*. VIII, 217 – 222; ўша муал. *Мūзāн ал-иътидāл*. IV, 434–435; M. Yaşar Kandemir. *«Ebū Avāne el-Vāsitî»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 100–101.

Тузувчи Дониёр Муродов

АБУ АВОНА АЛ-ИСФАРОЙИНИЙ

أبو عوانة الإسفراييني

Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Язид Абу Авона ан-Найсабурий ал-Исфаройиний (230/845 – 316/928, Исфаройин)

Муҳаддис, ҳофиз, жаввол

Куняси б-н машҳур бўлган. Олимнинг Исфаройинда туғилгани айтилган бўлса-да, туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Бироқ, Имом аз-Заҳабий уни 230/845 й.дан кейин туғилган, деган фикрни айтган.

Олимнинг ёшлик йиллари ҳақида батафсил маълумот йўқ. Отаси Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини ёдлаш ва тарқатишни ўзи учун асосий вазифа қилиб олган. Манбаларда ҳадис ва *фиқҳ* талабида Шом, Миср, Яман, Ироқ, Хуросонга сафар қилгани айтилади.

А.А.ал-И. *шофеъий мазҳаб*ини Исфаройинга олиб кирган. Унинг ўзи Журжонга 250/864 й.да борганини айтиб ўтган. Бундан ташқари *муҳаддис* илмий марказлар ҳисобланган Рай, Ҳирот, Балх, Марв, Нишопур, Бухоро, Самарқандга сафар қилган. Мосул, Сомарро, Дамашқ, Қайсария, Рамла, Асқалон, Санъо, Макка, Мадина, Сағур, ал-Жазира, Форс, Исфаҳонда ҳадис тинглаган.

Муҳаддис Исфаройинда Масрур ибн Нуҳ Зуҳалий, Муҳаммад ибн Яҳё Ҳайювайҳдан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яҳё Зуҳлий, Аҳмад ибн Азҳар ибн Мунийъ, Али ибн Ҳасан Даробажирдийдан, Журжонда Абу Абдуллоҳ Исҳоқ ибн Иброҳим Сухтиёнийдан, Марвда Саъид ибн Масъуд ал-Марвазий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Қаҳзаддан, Термизда Исҳоқ ибн Божувайҳ ат-Термизий, Райда Абу Зуръа Убайдуллоҳ ибн Абдулкарим, Абу Хотам Муҳаммад ибн Идрис, Фазл ибн Аббос, Муҳаммад ибн Муслим ибн Варот Розийин, Сулаймон Қаззоз, Ҳамадонда Иброҳим ибн Масъуд ибн Абдулҳамид ал-Қураший ал-Махзумий-



Абу Авона ал-Исфаройинийнинг *«Мустахраж Абū Авāна»* асари. Туркия, Миллат кутубхонаси. Файзуллоҳ фонди, инв. рақам 508

дан, Исфаҳонда Юнус ибн Ҳабибдан, Басрада Аҳмад ибн Муҳаммад Айлий, Муҳаммад ибн Ҳиён ал-Мозиний, Умар ибн Шаббат ан-Нумайрий, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мақдисийдан, Воситда Бишр ибн Матар, Аҳмад ибн Синон ал-Қаттондан ҳадис эшитган. Бундан ташқари Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Саббоҳ Заъфароний, Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий, Исмоил ибн Яҳё Музний, Юнус ибн Абдулаъло Садафий, Али ибн Ҳарб Тоий, Аббос ибн Муҳаммад Даврий ал-Бағдодий, Ҳилол ибн Аъло ибн Ҳилол ал-Боҳилий каби устозлардан таълим олган. 42 нафар устозининг номи «*Ал-Муснад ас-саҳӣҳ ал-махраж ъалā Саҳӣҳ Муслим*» асарининг кириш қисмида келтириб ўтилган.

*Муҳаддис*нинг Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Юсуф, Абу Ҳасан Муҳаммад ибн Муҳаммад, Абу Валид Ҳисон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад, Яҳё ибн Мансур, Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий, Аҳмад ибн Али ар-Розий, Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад Ғитрифий каби шогирдлари бўлган. Шунингдек, А.А.ал-И.дан шогирдлари ҳофиз Абу Али ан-Найсобурий, Абу Бакр Исмоилий, ўғли Абу Мусъаб Муҳаммад ибн Абу Авона, Абу Нуайм Абдулмалик ибн Ҳасан ал-Азҳарийлар ривоят келтиришган.

Имом аз-Заҳабий: «Имом, ҳофиз, жаввол, кўп сафарларда бўлган. Ҳадис илмида шуҳрат қозонган. Яқинларидан бу илм соҳасида олдинга чиққан», деган. Шунингдек, «Ҳофиз, *сиқа* даражасидаги олим», деб айтган. «*Тазкира ал-ҳуффāз*» асарида ҳофизларнинг ўн биринчи табақасида келтирган.

Муҳаддис Абу Абдуллоҳ Ҳоким у ҳақда ушбу фикрни билдиради: «Абу Авона ҳадис олимларидан бири, уларнинг ишончлиси. Ҳадис талабида турли жойларга сафар қилган».

Имом ас-Самъоний: «Машҳур муҳаддислардан бири. Дунё ҳофизи, ҳадис талабида сафарларда бўлган. Ҳадисни тўплаш ва ёзиш билан шуғулланган. Зоҳид, тақводор киши».

Тарихчи Ибн Халликон: «Абу Авона ҳофиз, жаввол, кўп ҳадис ривоят қилган кишилардандир».

Имом ас-Субкий у ҳақда «Катта ҳофиз, буюк инсон», деб айтган.

Муҳаддис асарларининг номлари борасида деярли маълумот йўқ. «*Муснад Абӣ Авāна*» ёки «*Мустахраж Абӣ Авāна*», «*Ал-Муснад ас-саҳӣҳ ал-махраж ъалā Саҳӣҳ Муслим*» асарлари маълум. А.А.ал-И. ўзи ривоят қилган ҳадисларнинг ривоят қилиниши учун ижозат берган, шунингдек, ривоятга эътибор қаратган дейилади.

Ад.: Абу Авона. *Муснад Абӣ Авāна*. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1998. 584; Ас-Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад. *Ал-Ансāб*. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998. I, 95; Аз-Заҳабий. *Сийар*. – Байрут: Дор ал-фикр. 1997. XIV, 417; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. – Ҳайдаробод: Доира ал-маъориф ал-Усмонийя, 1958. III, 5; Жалолуддин ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз*. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-ъилмийя, 1983. 150; Аз-Заҳабий. *Ал-Муъӣн фӣ табақāт ал-муҳаддисӣн*. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-ъилмийя, 1998. 162.

Дониёр Муродов

АБУ-Л-АДЁН
أبو الأديان
Абу-л-Ҳасан Али Абу-л-Адён
Тасаввуф шайхи

*«Насойим ул-муҳаббат»*да тилга олинган *тасаввуф* шайхи. Куняси – Абу-л-Ҳасан. Турли дин намояндалари б-н мунозарага киришиб, уларни баҳсда мағлуб этгани учун «Абу-л-Адён» (динларнинг отаси (билимдони)) номи б-н машҳур бўлган. Жунайд ал-Бағдодий, Абу Саъид Харроз б-н ҳам мулоқот қилган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.. Насойим ул-муҳаббат*. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 281.

Олимжон Давлатов


АБУ АЗБА
أبو عذبة
(? – 1172/1759, ?)
Мотуридийя ва ашъарийя орасидаги фарқларга доир «Ар-Равза ал-баҳиййа» асари муаллифи

Абу Азба ал-Ҳасан ибн Абдулмуҳсиннинг *калом* олимлари қаторида бўлганидан бошқа маълумот йўқ. Бағдодлик Исмоил Пошо, А.А. исми ўрнига Ибн Азба кунясини қўллаган. А.А. ўз асарининг муқаддимасида 1125 й.нинг рамазон ойи/1713 й. окт.да Маккада бўлганини қайд қилади. Мазкур асарда *мазҳаб*и б-н боғлиқ ҳеч қандай маълумот бўлмаса-да, лекин у *аҳли сунна* тарафдори бўлгани «асҳабуна» ифодаси б-н тасдиқ қилинади. *«Ар-Равза ал-баҳиййа»*нинг хотимасида Абу Ҳанифа (р.а.) б-н ал-Ашъарийни қиёслар экан, шундай дейди: «Абу Ҳанифа б-н шайхимиз ал-Ашъарий бир-бирини қўллаб-қувватлаган шахслардир. Чунки иккиси ҳам *аҳли сунна*дан бўлиб, фирқаи ножия асосларини ҳужжатлаштирганлар». Бу ердаги «шайхимиз» сўзига таяниб, унинг *ашъарий мазҳаб*ига мансуб бўлганини айтиш мумкин. У ҳар икки *мазҳаб* қарашларини қиёслар экан, улардан бирини *таржиҳ* этганини очиқ ифода б-н баён қилишдан чекланган. Манбаларда унинг икки асари – *«Нузҳа аҳли сунна шарҳ ақӣда Ибн аш-Шиҳна»* ва *«Ал-Матӑлиъ ас-саъӣда фӣ шарҳ ал-қасӣда ли-с-Санӯсӣ»* ҳақида маълумотлар учрайди.

Муқаддимада номи *«Ар-Равза ал-баҳиййа фӣ мӑ байна-л-ашӑъира ва-л-мӑтурӣдиййа»* шаклида қайд қилинган асарнинг ёзилиши 1125/1713 й. Маккада бошланган. Бағдодлик Исмоил Пошо ва эҳтимол ундан нақл қилган аз-Зириклий ҳам рисоланинг 1172/1759 й.да ёзиб тугатилганини айтган бўлсалар-да, унинг манбаси топилмаган. Асар муқаддима, икки бўлим ва хотимадан иборат. Муқаддимада Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур ал-Мотуридий *аҳли сунна*нинг икки имоми бўлгани, уларга эргашганлар ҳидоятда экани қайд этилиб, уларнинг асарлари ва *мазҳаб*лари ёйилган жойлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Бу икки имомнинг *аҳли сунна ақидаси*нинг асосий масалаларида иттифоқ қилганлари, баъзи масалаларда ихтилофга борган бўлсалар-да, бир-бирларини бидъатчилик ва фасод чиқаришда айбламаганлари маълум қилинади.

Китобнинг биринчи бўлимида етти масала борасида икки *мазҳаб* орасидаги лафзий ихтилофлар, иккинчи бўлимда олти масала ҳолатида маъно б-н боғлиқ ихтилофлар муҳокама қилинади. Илк бўлимда тилга олинган мавзулар қуйидагилардир: Иймонда истисно («инша Аллоҳ, мўъминман» дейиш) жоизми ёки йўқ, *Лавҳ ул-маҳфуз*да мўъмин деб қайд қилинган кимсанинг кофир, кофир деб қайд қилинган кимсанинг мўъмин бўлишига имкони (саъид-шақий масаласи), Аллоҳ томонидан кофирга ҳақиқий маънода неъмат берилиб-берилмагани, пайғамбарларнинг рисолати вафотларидан кейин давом этиб-этмагани, муқаллид иймонининг жоизлиги ва касб масаласи.

Иккинчи бўлимда баён қилинган маъно ихтилофлари қуйидагилардир: Аллоҳнинг итоаткор қулини азоблаши ақлан мумкин бўлиб-бўлмаслиги, Аллоҳни танишнинг диний далил б-н ёки ақ-



«Ар-Равза ал-баҳиййа фӣ мӑ байна-л-ашӑъира ва-л-мӑтурӣдиййа» асарининг Ҳайдаробод нашри. 1323 ҳ.й.

лий далил б-н вожиб экани, феълий сифатларининг қадийм ёки ҳодислиги, банданинг тоқати етмайдиган ишдан сўралиши мумкин бўлиб-бўлмаслиги, пайғамбарларнинг гуноҳлардан сақланган бўлишларининг чегараси.

Асарнинг давомида *ашъарийя мазҳаби*га боғлиқ бўлиш б-н бир қаторда имомга мухолифат қилган олимларнинг кимлар бўлгани, «мутаносирон» ифодаси б-н Абу Ҳанифа ва ашъарийлар қасд қилингани, «*ал-Хизлон*» атамасининг маъноси, иймоннинг махлуқ бўлиб-бўлмагани каби бошқа мавзуларни ўз ичига олган хотима қисми баён қилинган. Хотимада Фахруддин ар-Розийнинг биографиясига ҳам ўрин ажратилган.

А.А. асарда вақти-вақти б-н бир *мазҳаб*нинг ички ихтилофлари, мас., иймоннинг махлуқ бўлиб-бўлмаслиги мавзусида Самарқанд *ҳанафий*лари б-н Бухоро *ҳанафий*лари орасидаги фикрлар, *мотуридийя* б-н *ашъарийя* орасидаги фарқларни изоҳлар экан, аввал мавжуд бўлган ихтилофларни тушунтиради. Баъзида *қодирийя*, *муътазила* ва *ҳошимийя* каби *мазҳаб*лардан ҳам сўз очиб, *ҳанафийя* калимасини «эътиқодий фирқа» маъносида қўллайди. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ва Имом ал-Мотуридий номларини фақат бир неча ўринлардагина зикр қилади (34, 37, 39, 44, 45, 59-б.). Ал-Ашъарий б-н кўпроқ Абу Ҳанифа номини келтиради. Асарда *мазҳаб*га мутаассиблик кузатилмайди, хоссатан *аҳли сунна калом* олимларининг классик даврида муҳокама қилинган масалалар бўйича маълумотларни ўз ичига олади.

Ушбу асар Ҳайдаробод ва Байрутда нашр қилинган. Кейинчалик унга кўплаб шарҳлар ёзилган.

Ад.: Абу Азба. *Ар-Равза ал-баҳиййа*. – Ҳайдаробод: 1322; Serkîs. *Муъжам*. I, 324; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, I, 346; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам*. – Байрут: 2002. II, 198; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифин*. III, 243; Ирфон Абдулҳамид. *Дирасат фи-л-фирақ вал-ъақаид ал-ислāмиййа*. – Байрут: 1404/1984. 150; Şükrü Özen. «*İbnü'ş-Şıhne, Ebü'l-Fazl*». *DİA*. XXI, 222; İlyas Çelebi. «*er-Ravzatü'l-Behiyye*». *TDV İA*. – İstanbul: 2007. XXXIV, 476.

Илёс Чалабий

АБУ АЙЮБ АЛ-АНСОРИЙ

أبو أيوب الأنصاري

Абу Айюб Холид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Ансорий (576, Мадина – 49/669, Истанбул)

Саҳоба

*Хазраж қабиласи*нинг *Бани Нажжор* уруғидан. Отаси – Зайд ибн Кулайб ибн Саълаба ибн Абду Авф ибн Ғанм ибн Молик ибн Нажжор. Онаси – Ҳинд бинт Саъид ибн Амр ибн Имрул Қайс ибн Молик ибн Саълаба ибн Каъб ибн Хазраж ибн Ҳорис ибн Хазраждир. *Ҳижрат*дан икки йил аввал хотини Умму Айюб б-н бирга мусулмон бўлган ва *ансорий*лардан Ислом динини илк қабул қилганлар орасидан ўрин олган. Нубувватнинг 13 й.ида бўлган иккинчи *Ақаба байъати*да иштирок этган (622 й.). *Ҳижрат*дан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) у б-н *саҳоба* Мусъаб ибн Умайр (р.а.) орасида қардошлик боғини боғлаганлар. Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Бадр*, *Уҳуд*, *Хандақ*, *Макка фатҳи*, *Ҳунайн* ва б. *ғазот*ларда иштирок этган. Бу жангларда у Пайғамбар (с.а.в.)га зарар тегмаслиги учун ёнларидан айрилмас, ҳатто баъзи кечаларда чодирлари атрофида соқчилик қиларди. Ваҳий котибларидан бўлгани боис, Пайғамбар (с.а.в.) замонларида Қуръони карим оятлари тўпланишига хизмат қилган. *Саҳоба*лар орасида илми б-н ҳам машҳур бўлгани учун диний мавзуларда *фатво* берган.

Абу Айюб ал-Ансорий (р.а.) Абу Бакр (р.а.) давридаги жанглар ҳамда Умар (р.а.) даврида бўлиб ўтган Шом, Фаластин ва Миср сафарларида иштирок қилган. Қибрис (Кипр) сафарида ҳам қатнашган (28/648-49 й.). Мадина мухолифатнинг қўлига ўтиб, Усмон (р.а.)нинг *намоз*га имом бўлиши ман этилганида (35/656 й.), кўпчилик томондан тайинлангани учун Али (р.а.)нинг тавсияси б-н

бир муддат имомлик қилади. Али (р.а.) халифалиги даврида *Сиффийн* ва *Жамал* воқеаларида иштирок этган. Кейинчалик, халифа Ироққа сафар қилганида А.А.ал-А.ни Мадинада ўрнига вакил қилиб қолдирган. *Хорижийлар ва* Муовия б-н бўлиб ўтган жангларда Али (р.а.) тарафида турган. Бу вақтда Басра волийси бўлган Абдуллоҳ ибн ал-Аббос Басрага келган А.А.ал-А.га: «Сен ўз вақтида Пайғамбар (с.а.в.)га қилган хизматинг каби, бугун мен сенга хизмат қилишни истайман» деб, ўз уйини унга берган. Кетаётганида унга 40000 дирҳам, 20 та қул ва қимматбаҳо ҳадялар бериб, икром б-н жўнатган.

А.А.ал-А. иштирокидаги охирги юриш Константинополь қуршови бўлган. У қуршов давом этаётган даврда хасталаниб вафот этган. Жаноза *намози*ни Язид ибн Муовия ўқиган. Васиятига кўра, ҳарбий қўшин томонидан қалъага яқин бир ерга олиб борилиб дафн қилинган. Вазиятдан хабар топган Византия империяси қуршов тўхтаганидан сўнг уни қабридан чиқариб олиб, вахший ҳайвонларга едиришини айтгани, аммо Ислом қўшини қўмондони томонидан юборилган жавобда, агар бундай қилинса Ислом ўлкасида яшаган насронийлар ва калисаларнинг зарар кўриши айтилганидан сўнг, қабрга тегмасликлари ҳақида кафолат бергани нақл қилинган.

Усмоний Султон Фотиҳ Меҳмет Истанбулни *фатҳ* этган вақтда А.А.ал-А.нинг қабри атрофида монастир, калиса, муқаддас саналган мозорлар жойлашгани туфайли унинг қаердалиги аниқ эмасди. Бошқа эҳтимол б-н лотинларнинг 1204 й.да Истанбулни истило қилишлари натижасида шаҳар уч кун мобайнида талон-тарож қилинганида А.А.ал-А.нинг қабри ҳам харобага айланган.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага *ҳижрат* қилганларида мадиналик мусулмонларнинг ҳар бири Ул Зотни ўз уйида меҳмон қилишни хоҳлайди. Бироқ Расулуллоҳ (с.а.в.) уларни хафа қилмаслик учун туялари чўккан ерга энг яқин уйда тўхташларини айтадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўтариб юрган туя чўккanида, Ул Зот боболари Абдулмутталибнинг онаси томонидан яқинлари А.А.ал-А.нинг уйига жойлашганлар ва у ерда етти ой яшаганлар. Бу уй Ислом динини ўргатувчи мактаб мавқеида бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) фақир *муҳожир*ларга бу ерда таом берар, ўзларига келтирилган ҳадяларни фақирларга тарқатар эдилар. Уй эгаларини дуо қилар, уларни кенглик, ҳузур ва офият ичида бўлишларини тилардилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)га алоҳида уй бино қилинганидан сўнг ҳам, А.А.ал-А.нинг уйига меҳмон сифатида борар эдилар.

А.А.ал-А. ҳақсизликни ҳазм қила олмас, тўғри деб билганини айтишдан чекинмас эди. Мадина давридан эътиборан Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳеч айрилмаган А.А.ал-А.дан фақатгина 150 та ҳадис ривоят этилганининг икки муҳим сабаби бор. Улардан бири – ҳадис ривоятида ўта эҳтиёткор бўлгани, бошқаси эса – умрининг аксари жангларда кечганидир. Ўзи бехабар бўлган бир ҳадисни Уқба ибн Омирдан ривоят қилиши учун Мадинадан Мисрга борганини эҳтиёткорликнинг тенгсиз намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Ундан ҳадис ривоят қилганлар орасида Ибн Аббос, Ибн Умар, Барро ибн Озиб, Анас ибн Молик, Жобир ибн Самура (р.а.) каби *саҳоба*лар ва Саъид ибн Мусайяб, Урва ибн Зубайр, Солим ибн Абдуллоҳ, Ато ибн Ясор каби *тобеъин*лар бор.

Ад.: Wensinck. *Ал-Муъжам.* VIII, 70; *Муснад.* IV, 147; V, 416, 417, 422; Ал-Бухорий. *Манāқиб ал-ансāр.* 89, *Қадар.* 8; Ат-Табароний. *Ал-Муъжам ал-кабīр.* – Бағдод: 1979. IV, 187, 189, 218; Ал-Ҳоким. *Мустадрак.* I, 90; III, 462; IV, 515; Ибн Ҳишом. *Сīра.* I, 144, 177; II, 100, 140, 141, 144, 145, 152, 167, 175, 359; III, 315, 316, 354, 355; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт.* I, 110, 116; III, 484, 485; Ал-Балозурий. *Футӯҳ.* 19, 20, 159; Ибн Абдураббиҳ. *Ал-Иқд ал-фарīд.* – Қоҳира: 1965. IV, 367–368; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъāб.* I, 403–404; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* II, 94–96; ўша муал. *Ал-Кā-*

мил. III, 459; Аз-Заҳабий. *Сийар.* II, 402–413; Ибн Касир. *Ал-Бидайа.* III, 198, 214; Ahmed Nedvî – Saîd Sâhib Ensârî. *Asr-ı Saâdet: Peygamberimizin Ashâbı.* – İstanbul: 1384/1964. IV, 268–285; Ali İhsan Yurt. *Fâtih'in Hocası Akşemseddin.* – İstanbul: 1972. 62–67; М. Мустафо ал-Аъзамий. *Куттаб ан-набӣ.* – Риёз: 1981. 32; Hüseyin Algül. *İslâm Tarihi.* – İstanbul: 1986. I, 117, 268, 307, 311, 435–437; II, 431; III, 31; İsmail L. *Çakan, Eyüb Sultan Hazretlerinden Kırk Hadis.* – İstanbul: 1990; Marius Canard. *«Tarih ve Efsaneye Göre Arapların İstanbul Seferleri». İstanbul Enstitüsü Dergisi.* II. – İstanbul: 1956. 217–222; [Cl. Huart]. *«Ebû Eyyûb». İA.* IV, 16–17; ўша муал. – E. Lévi-Provençal – J. H. Mordtmann. *«Abū Ayyūb al-Anṣārī». EI² (Fr.).* I, 111–112; Hüseyin Algül. *«Ebû Eyyûb el-Ensârî». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 123–125.

Ҳусайн Алгул

АБУ АЛИ АЛ-АНДОҚИЙ
أبو علي الأنداقي

Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Сибоъ ибн ан-Назр ибн Мусъада ибн Буҳайр ал-Бакрий ас-Самарқандий ал-Андоқий

Ровий ва сўфий шайх

Ибн Абу-л-Ҳасан ал-Андоқий ва ас-Сибоъий номлари б-н танилган Абу Али ал-Андоқийнинг таваллуд ва вафот саналари борасида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Тахминан 12-13-а.ларда яшаб, илмий фаолият олиб борган.

Манбаларда олим *тасаввуф* таълимотини мукаммал билган зот сифатида зикр қилинади. Асосан Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотини илгари сурган.

А.А.ал-А. Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихоний, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий ва б.лардан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида, олимдан Наср ибн ал-Фатҳ ас-Самарқандий ва Иброҳим ибн Ҳамдувайҳ ас-Самарқандийлар ривоят қилганлар.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Ҳайдаробод: «Доира ал-маъориф ал-Усмонийя», 1962. I, 359; V, 43; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор Содир», 1995. I, 260; Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. *Ўрта Осиё олимлари қомуси.* – Т.: «Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази», 2007. 56; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 26; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 166.

Тузувчи Аҳмаджон Бобожонов

АБУ АЛИ АД-ДАҚҚОҚ
أبو علي الدقاق

(қ. ад-ДАҚҚОҚ, Абу Али)

АБУ АЛИ ЗАРГАР
أبو علي زرگر

Сўфий

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Абу-лАббос Қассоб Омулийнинг *мурид*и. Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг пирларидан бири. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 286; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

АБУ АЛИ ИБН СИНО
أبو علي بن سينا

(қ. ИБН СИНО)

АБУ АЛИ АЛ-КАЙЁЛ
أبو علي الكيال

Сўфий

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Сейистонда яшаган. *Маломатийя тариқати*нинг йирик намояндаси. Шайх Аҳмад Наср, Шайх Абу-л-Ҳусайн ал-Молиний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абдуллоҳ ал-Ансорий ўспиринлигида А.А.ал-К. ни зиёрат этганини қайд қилган. Ўз давридаги *сўфий*ларнинг пешқадам вакили сифатида танилган. Манбаларда ундан зоҳир бўлган кўп кароматлар қайд қилинади. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 286; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ АЛИ АЛ-ЛОМИШИЙ АЛ-ФАРҒОНИЙ
أبو علي اللامشي الفرغاني

(қ. ал-ЛОМИШИЙ, Ҳусайн ибн Али)

АБУ АЛИ АЛ-МАРВАРРУЗИЙ
أبو علي المروَرّوزي
(қ. ал-МАРВАРРУЗИЙ, Абу Али)

АБУ АЛИ АН-НАЙСОБУРИЙ
أبو علي النيسابوري
Абу Али ал-Ҳусайн ибн Али ибн Язид ан-Найсобурий (277/890 – Нишопур – 349/960)
Ҳадис ҳофизи

Олим ёшлигида ҳунармандчилик б-н шуғулланган. Унинг заковатига шоҳид бўлган олимлар унга илм ўрганишини тавсия берадилар. Шундан сўнг ўн етти ёшда ҳадис илми таҳсилига киришади.

Илк устози Нишопурнинг машҳур *муҳаддиси* Иброҳим ибн Абу Толиб бўлган. Шунингдек, Али ибн Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Ширавайҳ, Жаъфар ибн Аҳмад, Ҳусайн ибн Идрис, Ҳасан ибн Суфён, Абу Яъло ал-Мавсилий каби олимлар ва уларнинг табақасидаги Хуросон, Ҳижоз, Шом, Ироқ, Миср, ал-Жазира ва б. диёр олимларидан илм ўрганган.

Абу Али ан-Найсобурий ўз юртидаги муҳаддислардан илм олиб бўлганидан кейин илм марказларига сафар қилишни бошлайди. Ҳирот, Исфаҳон, Басра, Куфа, Восит, Аҳвоз, Ғазо, Журжон, Қоҳира, Мосул, Бағдод, Дамашқ, Макка ва Мадинада бўлиб, Ибн Хузайма, Закариё ас-Сожий, Абдон ал-Аҳвозий ва ан-Насоий каби *муҳаддис*лардан илм ўрганади. Абу Абдуллоҳ ибн Манда, Ҳоким ан-Найсобурий, Абу Абдурраҳмон ас-Суламий каби олимлар унга шогирд бўлганлар.

Шогирди Ҳоким ан-Найсобурий А.А.ан-Н.нинг ҳадис ривоятида ишончли, нодир хотирага эга шахс экани, ҳадис ривоят қилаётганида юксак маданиятни намоён қилиши ва устози каби шахсни кўрмаганини зикр қилган. Куфалик машҳур ҳадис ҳофизи Ибн Уқба ҳам А.А.ан-Н.ни аввалларида унча ёқтирмаган, кейинчалик, унинг ҳадисдаги ўрнини кўрганидан сўнг, «Сиз ҳақиқатдан ҳам ҳофизсиз ва мени кечиринг», деб унга ўз эҳтиромини кўрсатган. *Саҳоба*лар ҳақида ёзган асарлари б-н танилган шогирди Абу Абдуллоҳ ибн Манда «*ихтилāф ал-ҳадīс*» (зоҳиран бир-бирига зид кўрилган ҳадисларни ўрганадиган фан) илмида жиддийлик жиҳатидан устозининг тенги бўлмаганини айтган. Ад-Дорақутний фикрича ҳам, А.А.ан-Н. буюк ҳадис олимидир. Олимларнинг айтишича у ўз асридаги ҳадис ҳофизларининг энг тақводори, ҳадисда энг яхши музокара (баҳс) қилувчиси бўлган.

«*Саҳīҳ Муслим*»дан баҳс қилинган ҳар бир асарда А.А.ан-Н. бу асарни «*Саҳīҳ ал-Бухāрī*»га нисбатан афзал кўргани ва ер юзида бундан саҳиҳроқ китоб кўрмаганини сўзлагани нақл қилинади. Бироқ унинг бу қараши Ибн ас-Салоҳ аш-Шаҳразурий ва б. олимлар томонидан айнан қабул қилинмаган.

Манбаларда А.А.ан-Н.нинг ҳадис соҳасида асарлар ёзгани қайд қилинган бўлса-да, бу китоблар бизгача етиб келмаган.

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарīх Бағдāд*. VIII, 71–72; Ибн ал-Жавзий. *Ал-Мунтазам*. VI, 396; Ёқут. *Муъжам*. V, 332–333; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. III, 902–905; ўша муал. *Сийар*. XVI, 51 – 59; Ас-Субкий. *Табақāт аш-шāфиъиййа*. III, 276 – 280; Ибн Касир *Ал-Бидāйа*. XI, 236; Ибн ал-Имод *Шазарāт аз-заҳаб*. II, 380; Selahaddin Polat. «*Ebû Ali en-Nîsabûrî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X. 92–93.

Дониёр Муродов

АБУ АЛИ АС-САДАФИЙ
أبو علي الصدفي
Абу Али ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Фирруҳ ибн Ҳайюн ибн Суккара ас-Садафий (454/1062, Сарагоса – 514/1120, Кутанда)
Андалуслик ҳадис, фиқҳ ва қироат олими

Ибн Суккара лақаби б-н танилган. Асли Сарагосадан тўрт мил узоқликда жойлашган Манзилу Маҳмуд номли қишлоқда туғилган. Туғилган йили сифатида 450/1058 ва 452/1060 й.лар ҳам

кўрсатилади. Ас-Садафий нисбаси нима сабабдан берилгани маълум эмас.

Абу Али ас-Садафий таҳсилини Қуръон ўрганиш б-н бошлаган. Аввал Сарагосада Абу-л-Валид ал-Божий, Валенсияда Ибн Дилҳос Аҳмад ибн Умар ал-Узрий, Марияда (Алмерия) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъдун ал-Қаравий сингари Андалуснинг машҳур олимларидан ҳадис ўрганган. Ризқуллоҳ ат-Тамимий ибн Хайрун, Абу Амр ад-Донийнинг шогирди ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Мубашшир каби қорилардан турли ривоятлар б-н *қироат* илмларини олган. Ҳадис илмига қизиқиши сабабли соҳада чуқур билимга эга бўлиш мақсадида 481 й. муҳаррам ойининг биринчи куни/1088 й., 27 мартда Андалусдан Африкага сафар қилади ва Қайравон яқинидаги Маҳдия ш.нинг пешқадам олимлари б-н танишади. Кейинчалик, Маккага сафар қилиб *ҳаж* қилади. У ерда Имом ал-ҳарамайн лақаби б-н танилган ал-Ҳусайн ибн Али ат-Табарий ва Ибн Абу Рандақа деб танилган Абу Бакр ат-Туртуший каби нуфузли олимлардан илм ўрганади. Шунингдек, Ислом оламидан Маккага *ҳаж* қилишга келган кўплаб олимлар б-н танишиш имкониятига эга бўлади. Маккадан Басрага сафар қилиб, Абу-л-Қосим Абдулмалик ибн аш-Шағаба, Абу Яъло ал-Моликий ва Абу-л-Аббос ал-Журжонийлар б-н учрашади. Кейинчалик Восит орқали Бағдодга сафар қилади (482 й., 16 жумодул-охир/1089 й., 26 авг.). Бу илм марказида беш йил қолиб, Абу-л-Ҳусайн ат-Туюрий ва Бағдоднинг пешқадам *муҳаддиси* Ибн Хайрундан илм ўрганади. Шунингдек, беш йил давомида *шофеъий фақиҳи* Абу Бакр Қаффол аш-Шошийнинг *фиқҳ* дарсларига қатнайди. Устозларидан ўрганган илмлари натижасида *шофеъий мазҳаби фиқҳи*га доир «*Ат-Таълиқат ал-кубрā фӣ масāил ал-хилāф*» номли асарини ёзган. 487 й. жумодул-охир ойи/1094 й., июлда Бағдоддан Шомга сафар қилган А.А.ас-С. у ерда Абу-л-Фатҳ Наср ибн Иброҳим ал-Мақдисий ва Абу-л-Фараж Саҳл ибн Бишр ал-Исфаройиний каби олимлардан ҳадис ўрганади. Устози Абу-л-Фатҳ ҳам ундан учта ҳадис ёзиб олган. Сўнг, А.А.ас-С. Шомдан Мисрга сафар қилиб, *муҳаддис* Абу Исҳоқ ал-Ҳабболдан ҳадис илмини ўрганиб, *ижоза* олади. Илмий сафарларининг сўнггида Искандарияда бўлиб, Абу-л-Қосим Маҳдий ибн Юнус ал-Варроқ ва Абу-л-Қосим Шуайб ибн Саъдларни ўзига устоз қилган.

Шогирдларидан Қози Иёз «*Саҳīҳ ал-Бухāрӣ*» ва «*Саҳīҳ Муслим*»дан бошлаб кўплаб асарларни А.А.ас-С.дан тинглаганини айтиб, улардан 26 тасининг рўйхатини келтиради.

Ҳадис илмига бўлган вуқуфи, *жарҳ* ва *таъдил* мавзусидаги чуқур билими, хаттотлиги ва юксак ахлоқи б-н танилган А.А.ас-С., ал-Бухорий, Муслим ва ат-Термизийларнинг «*Саҳīҳ*» тўпламларини ўқитиш б-н машҳур бўлган.

А.А.ас-С. 505/1111 й.да Мурсия қозилигига тайинланади. Аммо бир оздан сўнг бу вазифадан олинади. Мурсиядан Алмерияга сафар қилади. Бир муддат ўша ерда бўлиб, қозилик лавозимини қабул қилишга мажбур бўлади. Бу вазифада 507/1113 й.нинг охирларида истеъфоси қабул қилингунга қадар қолади. 508/1114 й.да Ишбилия қозилигига таклиф қилинади, бироқ у бу вазифани рад қилади ҳамда уйидан ташқарига чиқмайди.

Ҳаётининг сўнгги йилларини дарс бериш ва илм б-н ўтказади. Тирикчилик мақсадида баъзи дўстлари б-н бирга тижорат қилади. Бу орада турли асарларга ҳам таълиф беради.

А.А.ас-С. Амир Иброҳим ибн Юсуф ибн Тошфийн б-н бирга Сарагосага қарашли Кутанда ш.да мусулмонлар ва французлар орасида юзага келган қарама-қаршиликда қатнашиб, 514 й. 25 рабиъул-аввал/1120 й, 24 июнда шаҳид бўлади. Бу тарих баъзи манбаларда 514

й. 17 рабиъул-аввал/1120 й., 16 июль сифатида ҳам кўрсатилган.

Ад.: Қози Иёз. *Ал-Ғунйа.* – Байрут: 1982. 129–138; Ибн Бешкувол. *Ас-Сила.* – Қоҳира: 1966. I, 144–146; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: 1399/1979. IV, 310; Ибн аз-Зубайр. *Сила ас-сила.* – Работ: 1937. VII, 208; Аз-Заҳабий. *Сийар.* XIX, 376–378; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз.* IV, 1253–1255; Маккарий. *Азҳар ар-рийāз.* – Работ: 1978–80. I, 21–22; III, 151–154; Ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз.* 455; Абдулҳодий ат-Тозий. *Махтўта вāҳид фи-л-ъāлам: Саҳīҳ ал-имāм ал-Бухāрī би-хатт ал-Ҳāфиз ас-Садафī.* MMMA. – Қоҳира: 1973. I, 21–52; Moh. Ben Cheneb. «*İbnül'abbâr*». *İA.* V/2, 842; Tayyar Altikulaç. «*Ebû Ali es-Sadefî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 93.

Таййар Алтикулач

АБУ АЛИ АС-СИНДИЙ
أبو علي السندي
Сўфий

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Боязид Бистомийнинг устози. Рўзбеҳони Бақлийнинг *«Шарҳи шатҳийёт»*ида келтирилган. *Фано* ва *тавҳид* илмининг юксак билимдони. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. 2011. X, 123; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. II.

АБУ АЛИ АС-СИНЖИЙ
أبو علي السنجي
(қ. ас-СИНЖИЙ, Абу Али)

АБУ АЛИ АЛ-ФОРМАДИЙ
أبو علي الفارمدي
Абу Али Фазл
ибн Муҳаммад ал-Формадий
(401/1010-11 – Тус – 477/1084)
Нақшбандийя силсиласининг нуфузли сўфийларидан

Ҳиж. 4-а.нинг улуғ шайхларидан бўлиб, Тус яқинидаги Формад қишлоғида туғилгани сабабли унга ушбу нисба берилган. *Сўфий*лар орасида «Рукнул-ислом», «Ал-Муршид», «Қутбуз-замон» ва «Шайхул-машойих» каби унвонларга эга бўлган. Илк таълимини туғилган қишлоғида олади. Сўнг Нишопурга сафар қилиб, машҳур *сўфий* Абдулкарим ал-Қушайрийнинг мадрасасида илм олади.

А.А.ал-Ф. Нишопурда Абу Саъид Абу-л-Хайр б-н танишади ва унинг суҳбати ва *самоъ* мажлисларига қатнай бошлайди. Абу Саъид Нишопурдан кетганидан сўнг, устози ал-Қушайрийнинг ҳузурига бориб, ўзида содир бўлган руҳий ўзгаришларни тушунтиради. Ал-Қушайрий унга илм олишни давом эттиришини тавсия қилади. Икки-уч йилдан сўнг *тасаввуф*га майли тобора ортиши оқибатида устозининг изни б-н мадрасадан кетади. Бир даргоҳда *мужоҳада* ва риёзат б-н машғул бўлади. Бир куни ўзида кўринган маънавий ҳолатларни ал-Қушайрийга сўзлаб беради. Устози у етишган мартабасида унга ёрдамчи бўла олмаслигини, ўзининг мартабаси уникидан юксак эмаслигини айтади. Янги бир *мурид*га эҳтиёж сезган А.А.ал-Ф. Абу-л-Қосим ал-Журжоний б-н кўришиш учун Тусга сафар қилади. Ал-Журжонийнинг ёнида *мужоҳада* ва риёзат даврини тамомлаганидан сўнг, ваъз қилиш учун *ижоза* олади. *Нақшбандийя* силсиласининг нуфузли сиймоларидан Абу-л-Ҳасан ал-Харақонийдан ҳам таълим олади.

А.А.ал-Ф. бир муддат Марвга сафар қилиб, *салжуқийлар* вазири Низомул-мулк б-н учрашади. Унинг ҳузурида замонасининг буюк олим ва *мутасаввиф*лари б-н танишади. Шунингдек, у ал-Ғаззолий (1058-1111 й.), Ибн Боқуя (ваф. 442/1050 й.) ва Абдулқоҳир ал-Бағдодий (ваф. 429/1037-38 й.) каби кўплаб олим ва *мутасаввиф*ларга таъсир кўрсатган. Абдурраҳмон Жомий *«Нафаҳот ул-унс»* асарида А.А.ал-Ф.ни ал-Ғаззолийнинг шайхи бўлганини зикр қилади. Манбаларда ал-Ғаззолий А.А.ал-Ф.дан эшитган кўплаб сўзларни нақл қилгани айтилган. Қосим Куфрали Абдурраҳмон Жо-

мийга таянган ҳолда, ал-Ғаззолийнинг А.А.ал-Ф.га ихлосмандлигини айтса-да, А.А.ал-Ф. вафот этганида йигирма етти ёшда бўлган ва ҳали *тасаввуф*га йўналмаган ал-Ғаззолийни унинг *мурид*и ва халифаси дейиш тўғри эмас, дейди. Шунингдек, ал-Ғаззолийнинг асарларида А.А.ал-Ф. ҳақида кам сўз юритилгани ҳам буни тасдиқлайди.

А.А.ал-Ф. *нақшбандийя*нинг Алавий силсиласида Абу-л-Қосим ал-Журжонийнинг, Бакрий силсиласида Абу-л-Ҳасан ал-Харақонийнинг халифаси сифатида кўрсатилади. *Нақшбандийя*нинг ҳар икки силсиласи А.А.ал-Ф.да бирлашади ва халифаси Юсуф ал-Ҳамадоний воситаси б-н давом этади. Ушбу жиҳатдан А.А.ал-Ф. *нақшбандийя тариқати* тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Ал-Қушайрийнинг қизига никоҳланган А.А.ал-Ф. Тусда вафот этади. Баъзи манбаларда вафот санаси 472/1080 й. деб кўрсатилган. Абу Саъд ас-Самъоний *«Ал-Ансāб»* асарида А.А.ал-Ф.нинг Абу-л-Маҳосин Али, Абу-л-Фазл Муҳаммад ва Абу Бакр Абдулвоҳид исмли уч ўғли б-н танишиш имконига эга бўлгани, шайхнинг қабрини кўп маротаба зиёрат қилганини қайд қилган.

Ад.: Абдулғафур ал-Форисий. *Тарйх Найсабўр: ал-Мунтахаб мин ас-сийақ.* – Қум. 1362/1403. 628–629; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* XI, 218; Ас-Субкий. *Табақāт.* V, 304; Аз-Заҳабий. *Сийар.* XVIII, 565; ўша муал. *Ал-Ибар.* II, 337; Ал-Муновий. *Ал-Кавāкиб.* II, 68; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* III, 355; Абдулмажид ал-Хоний. *Ал-Ҳадāиқ ал-вардийя.* – Қоҳира. 1308. 71–72; Муҳаммад ибн ал-Мунаввир. *Асрāр ат-тавҳйд фй мақāмāт аш-шайх Абй Саъйд.* – Теҳрон. 1332. 128–131, 196–197, 199; Маъсум Али Шоҳ. *Тарāиқ.* II, 308, 350, 352, 355, 554–555; *Номаи Донишварон.* – Теҳрон. 1959. VIII, 306; Kasım Kufralı. *«Gazzâlî». İA.* IV, 755; M. Achena. *«Abū ʿAlī». EI² Suppl. (İng.).* 14–15; Tahsin Yazici. *«Ebû Ali el-Fârmedî». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 90.

Ҳабибуллоҳ Сагдиев

АБУ АЛИ АШ-ШОШИЙ
أبو علي الشاشي
(қ. аш-ШОШИЙ, Абу Али)

АБУ АЛИ АЛ-ҒАССОНИЙ
أبو علي الغساني
(қ. ал-ҒАССОНИЙ, Абу Али)

АБУ АЛИ АЛ-ҲОФИЗ АШ-ШОШИЙ
أبو علي الحافظ الشاشي

Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳумайд ал-Ҳофиз аш-Шоший (? – Шош – 314/926)

Ҳофиз ва муҳаддис

Шошда туғилиб, вояга етган. Абу Али ал-Ҳофиз аш-Шоший имом, ҳофиз, кўп юртларни кезган сайёҳ б-б, илм талабида Хуросон, Ироқ, Шом, Ҳарамайн (Макка ва Мадина), Яман, Мисрдаги турли табақа соҳиблари бўлган *муҳаддис*лардан ҳадислар эшитган. Ал-Ҳалимийнинг айтишича, А.А.ал-Ҳ.аш-Ш. катта ҳофиз б-б, Хуросон шайхларидан ҳадислар ёзиб олган. *«Тарйх Бағдāд»* китобида А.А.ал-Ҳ. аш-Ш.нинг Хуросон ш.лари ва тоғлари, Ироқ, Ҳижоз, Шом ҳақида турли маълумотлар ёзганлиги қайд этилган. 311/923 й.да Бағдодга келиб, Али ибн Хашрам, Исҳоқ ибн Мансур, Абу Зуръа ар-Розий, Амир ибн Абдуллоҳ ал-Удий, Муҳаммад ибн Авф ал-Ҳимсий, Абдо ибн Сулаймон ал-Басрий, Исо ибн Ғийлон, Ҳубайра ибн ал-Ҳасан Зоҳид, Муҳаммад ибн Абдулазиз ад-Дайнурий ва б.лардан ҳадис ривоят қилган.

А.А.ал-Ҳ.аш-Ш. ҳақида *«Иршāд»* асари муаллифи қуйидагича баён қилган: «У Хуросон шайхларининг китобларида зикр этилган катта ҳофиз эди». А.А.ал-Ҳ. аш-Ш. нафақат ҳадислар, балки юқорида айтилганидек, ўзи сафар қилган мамлакатлар, шунингдек, катта олимлар, шайхлар тўғрисида тарихий маълумотлар қолдирган. Жумладан, Имом Шофеъийдан Қуръон ҳақида қуйидагиларни эшитган: «Уф, уф, Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Кимки, уни махлуқ деса, кофир бўлади (исноди саҳиҳ)». Ўша даврда *муьтазилий*лар томонидан «Қуръон махлуқми ёки йўқми?», деган масалада

ихтилофлар чиққан. Имом Шофеъийдан бу ҳақда сўралганида, у «уф» тортиб, кейин жавоб берган.

Маълумки, А.А.ал-Ҳ.аш-Ш. ал-Жазирага ҳам сафар қилиб, у ерда шайх, *фақиҳ*, аллома Абу-л-Қосим Умар ибн Муҳаммад ибн Икрима ибн Базрий ал-Жазарийга шогирд тушган. Ўз навбатида, А.А.ал-Ҳ. аш-Ш.дан Абу Али ан-Найсобурий, Абу Бакр Муҳаммад ибн аж-Жуабий, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Варроқ, Абу Бакр Қаффол аш-Шоший, Абу Али Ҳофиз, Муҳаммад ибн Музаффар ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Буюк аллома Абу Бакр Қаффол аш-Шоший А.А.ал-Ҳ.аш-Ш.дан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган: «Шеърни ўрганинглар, чунки унда ҳикмат ва масаллар бордир».

«*Тарйх Бағдад*», «*Табақат ал-ҳуффаз*», «*Тазкира ал-ҳуффаз*», «*Ал-Ансаб*», «*Сийар аълам ан-нубала*», «*Иршад*» каби қатор араб манбаларида А.А.ал-Ҳ.аш-Ш. номи «ал-Ҳофиз», деб ҳурмат б-н тилга олиниб, ишончли *муҳаддис* сифатида эътироф этилган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассаса ар-рисола», 1985. XIII, 205, 325; XIV, 431; Ал-Хатиб. *Тарйх Бағдад.* – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1996. VII, 33; Н. Муҳамедов. *Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси.* – Т.: «Тошкент ислом университети», 2007. 69.

Неъматулло Муҳамедов

АБУ-Л-АЛО АЛ-МАЪАРРИЙ

أبو العلاء المعرّى

Абу-л-Ало Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Маъаррий (363/974 – Маъаррат ан-Нўъмон – 449/1057)

Машҳур араб файласуфи, шоир

Рабиъул-аввал ойининг 26 кунида Ҳалаб б-н Ҳимс орасидаги Маъаррат ан-Нўъмон қишлоғида туғилган. Ота томонидан *Танух қабиласи*га мансуб. Бобоси, отаси ва амакиси бу минтақада қозилик қилганлар. Она томонидан эса, ҳалаблик *Бани Сабиқа*га мансуб. Тўрт ёшида чечак касаллиги б-н касалланиб, кўзи ожиз бўлиб қолган. Илк саводини отасидан олган. Бир вақтда Ҳалабга кетиб Ибн Холавайннинг шогирди Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Саъддан тил ва адабиёт, Яҳё ибн Мисъар ат-Танухийдан ҳадис бўйича дарс олган. Унинг бизгача етиб келган асарларидан луғат, адабиёт, грамматика, *фиқҳ* ва тарих бўйича тадқиқотлар б-н шуғулланганини англаш мумкин. Бироқ бу илмларни қачон, қаерда ва кимлардан ўргангани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Ўзининг маълум қилишича, йигирма ёшида Ироқ ва Шом минтақасида илм ўрганишга лойиқ кимса топа олмагач, 398/1007 й. охирларида Бағдодга сафар қилган. Абу-л-Ало ал-Маъаррий Бағдодда тил, адабиёт, *фиқҳ* ва *калом* илмида танилган олимлар б-н танишади. Бир муддат Дор ал-илмга қатнайди. Мафкуравий ҳаётида бўронларни бартараф этадиган фалсафий асарлар б-н айнан шу ерда танишади. Бир ярим йилдан сўнг онасининг вафоти сабабли мамлакатига қайтади ва узлатга чекинади. Бундан кейин фақат ёлғиз ўзи, парҳезда яшайди. Кўрлигидан ташқари, тарки дунё қилиб яшагани сабабли «*раҳийн ал-маҳбисайн*» (икки томонлама маҳбус) номи б-н аталган. Аммо узоқ минтақалардан келган шогирдлари уни ёлғизлигини билдирмайдилар. Улардан *«Ал-Ҳамаса»* шориҳи сифатида танилган Хатиб ат-Табризий шулар жумласидандир. А.А.ал-М.нинг чуқур хулосалари б-н ёзилган рисолалари ўша даврнинг олим ва адиблари у б-н яқиндан мулоқотда бўлганини кўрсатади.

А.А.ал-М. хочлилар қўлида бўлган Антокия ва Триполига сафар қилиб, баъзи олимлардан дарс олгани ҳақидаги хабарлар асоссиздир. Унинг Бағдодни зиёрат қилиш асносида Шариф ал-Муртазо томонидан ҳақорат қилингани ҳақидаги даъво ҳам тўғри эмас. Зеро, Шариф ал-Муртазо каби одоб ва назокати б-н

танилган шахснинг аъмо (кўр) зиёратчига бундай муносабатда бўлгани ақлга сиғмайди. Аксинча, А.А.ал-М. томонидан Шариф ал-Муртазонинг отаси ҳаққига айтган *марсия*си девонидаги энг қадрли шеърларидан бири сифатида қабул этилади. Моддий ва маънавий қийинчиликда яшаган А.А.ал-М. Маъаррат ан-Нўъмонда вафот этади. Манбаларда қабри устида етмишдан ортиқ шоир *марсия* ўқигани ривоят қилинади.

А.А.ал-М. паст бўйи, заифлиги ва ҳунуклиги сабабли ҳаёти давомида камситилишдан қутулмаган. Кишиларга нисбатан бефарқлик, ҳаётга нисбатан умидсизлик ва барча асарларида ҳаддан ташқари камтарлиги бунинг зоҳирий кўринишидир. Гарчи, кишилар унинг кўр эканини билсалар-да, бошқалар унинг бу ҳолини кўришини истамас эди. Мағрур, таъсирчан ва тез хафа бўлувчи шахс бўлгани б-н бирга, уятчан, нозик ва ёлғизликни севувчи кимса эди. Ўзининг таъкидлашича, бу хусусиятлар уни шеъриятда ўз ўрнига эга бўлишига тўсқинлик қилган. У вақфдан берилган йиллик 30 динор б-н кун кечиришга мажбур эди. У дунёга қизиқиши бўлмагани сабабли, ҳеч нарсага арзимайдиган кийим кияр, асосан ясмиқ, анжир ва арпа нонини истеъмол қилар эди. А.А.ал-М. жамиятдаги *фақиҳ*, *сўфий* ва раҳбарларни қаттиқ танқид қилар, уларнинг жаҳолатини юзага чиқаришдан завқ олар эди. Бу ёндашуви унинг бошига кўплаб нохушликлар келтириши б-н бирга, унинг Ислом дунёсида танилишини ва шогирдларининг ортишига сабаб бўлди.

А.А.ал-М. ҳеч бир фалсафий оқимга мансуб бўлмаган, эркин файласуф ҳисобланган. Йигирма ёшидан эътиборан ўзини тафаккур қилиш ва санъатга бағишлаган. Хатиб ат-Табризийга «Иқтидор истасанг мендан ол, ривоят истасанг бошқага бор», дегани бунга далилдир. Билимнинг манбаи ва қиймати масаласида кучли рационалист бўлган А.А.ал-М., ҳиссий билим инсонга шубҳадан бошқа ҳеч нарса келтирмаслигини таъкидларди.

А.А.ал-М. фалсафий қарашларини шеърлари орқали намоён қилган, кўпинча уларни рамзлар ва метафоралар б-н ифодалаган. Шу боис баъзи янги тадқиқотчилар уни файласуф саналмаслиги кераклигини таъкидлайдилар. Ҳолбуки, бир асарнинг фалсафий асар, деб ҳисобланиши учун унинг насрий бўлиши керак, деган шарт йўқ. Чунончи, Парменид (Parmenides) ўз фалсафасини шеър б-н ифода қилгани каби Анаксимандр (Anaximandros) ўртага чиққунга қадар Юнон фалсафий маданияти ҳам назмий шаклда бўлган. Қадимги муаллифлар А.А.ал-М.ни диний-сиёсий нуқтаи назардан кўпроқ қизиқтирар экан, замонавий тадқиқотчилар уни ҳар томонлама янгича усуллар б-н танқид қиладилар. Натижада, янги муаммолар ўртага чиқади. Абу-л-Фараж ибн ал-Жавзий А.А.ал-М.нинг баъзи шеърлари ту-




Абу-л-Ало ал-Маъаррийнинг *«Рисала ал-ғуфран»* номли асари. Қоҳира нашри

файли уни қаттиқ танқид қилиб, куфрда айблайди. У *«Рисāла ал-ғуфрāн»* асарида Исломни енгил ифодалар б-н изоҳлагани ва мазкур асар ўз ичига маздаизм ғояларига оид фикрларни жамлаганини айтганлар ҳам бор.

А.А.ал-М.нинг фикрича, жамият вакили бўлган раҳбарлар, халққа зулм қилганлар ва уларни алдаб молларига хиёнат этганлар. Ўз даврида Мисрда бошқарувни эгаллаб турган *фотимийлар,* раҳбарлар ҳукмлари шариат манбаи эканини даъво қилганлари ҳақида эслатилганда, А.А.ал-М. улар ёлғон гапирганлари, ақлдан ташқари бошқа йўлбошловчи йўқлиги, бу қарашлар раҳбарларнинг тамалари учун уйдирилганини айтади. Унга кўра, *фотимийлар* ёвузликнинг ёйилишини истаган, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ишларини бартараф этадиган имомнинг келишини кутган инсонлардир. Бу тушунчалар сабабли А.А.ал-М.нинг мухолифлари ортган, унга қаратилган туҳматлар ва асарларига киритилган ўзгартиришлар кўпайган. Ибн ал-Вардий А.А.ал-М.нинг «Мен туҳмат қилганлардан бириман», деганини нақл қилган. А.А.ал-М. баъзи кишиларнинг *«Ал-Лузўмиййāт»*даги шеърларини ўзгартирганини кўрганидан сўнг, уларга раддия сифатида *«Зажр ан-нāбиҳ»* ва *«Нажр аз-Зажр»* номли иккита асар ёзган ҳамда уларда асарига киритилган ўзгартиришларни очиқ асослаб берган. Ибн ал-Адиймнинг маълум қилишича, Ҳалаб амири Муъиззуд-давла Сумол ибн Солиҳга ёзиб юборган *«Рисāла аз-забъайн»* асарида уни куфр ва динсизликда айблаган икки киши устидан шикоят қилган.


А.А.ал-М. 70 дан ортиқ катта-кичик асарлар муаллифи. Асарларини кўчирган Али ибн Абдуллоҳ ибн Абу Ҳошим ал-Исфаҳонийга китобларининг рўйхатини туздирган. Унда ҳар бир асарнинг ҳажми, моҳияти ва мазмуни ҳақида маълумот берилган. А.А.ал-М. асарлари ва шеърларининг оз қисмигина бизгача етиб келган.



Абу-л-Ало ал-Маъаррийнинг *«Сақт аз-занд»* номли девони. Байрут нашри

А.А.ал-М.нинг илк ёзилган шеърлари тўпланган *«Сақт аз-занд»* номли девони, *қасида, марсия* ва кундалик ҳаётга оид 3000 дан зиёд байтларни ўз ичига олган 113 та шеърдан иборат. Девондаги энг кучли шеърлари *марсия*лардир. Тоҳа Ҳусайн бу асарда *ҳанафий фақиҳи* Абу Ҳамзага аталган *марсия*ни араб адабиётининг энг кучли *марсия*ларидан бири эканини айтиб ўтган. Шунингдек, 11000 байтдан иборат *«Лузўм мā лā йалзам»* (*Ал-Лузўмиййāт*) девони А.А.ал-М.нинг илм, ахлоқ, Аллоҳ, руҳ, сиёсат ва ижтимоий ҳаёт б-н боғлиқ қарашларини ўз ичига олган.

А.А.ал-М. *«Ал-Фусўл ва-л-ғāйāт фī тамжīдиллāҳ ва-л-мавāъиз»* номли насрий асар ҳам ёзган. Асар Муҳаммад Ҳасан Занотий томонидан нашр қилинган (Қоҳира 1356/1938 й.). Яна *«Мулк ас-сабīл фи-л-ваъз ва-з-зуҳд»*, *«Зажр ан-нāбиҳ»* асарлари ҳам унга нисбат берилган. *«Зажр ан-нāбиҳ»* уни динсизликда айблаганларга раддия сифатида ёзилган.



Абу-л-Ало ал-Маъаррийнинг
«Лузўм мā лā йалзам» (*Ал-Лузўмиййāт*) девони.
Дамашқ нашри

А.А.ал-М.нинг рисолалари унинг турли шахсларга ёзган мактубларидан иборат. Узун ва қисқа бу мактублар А.А.ал-М.нинг ўзи томонидан мустақил рисола сифатида қабул қилинган. *«Рисāла ал-ғуфрāн»* асари замондоши ҳалаблик Абу Мансур Али ибн Кориҳга ёзган узун мактубидир. *«Рисāла ас-сāҳил ва-ш-шāҳиж»* от ва хачирнинг сўзлашуви шаклида ёзилган рисола бўлиб, *«Калила ва Димна»* типидаги асардир. *«Рисāла ал-малāика»* ва б. рисолалари ҳам бор.

Ад.: Абу-л-Ало ал-Маъаррий. *Сақт аз-занд.* – Байрут: 1410/1990. 18, 196–204; ўша муал. *Ал-Лузўмиййат.* – Байрут: 1406/1986. I, 51; II, 76, 448; ўша муал. *Рисāла ал-ғуфрāн. Tl.* II, 421–435; Ал-Хатиб. *Тарйх Бағдāд.* IV, 240–241; *Ибн ал-Қифтий. Инбāҳ ар-рувāт.* I, 81–118; Ибн ал-Жавзий. *Ал-Мунтазам.* XVI, 22–27; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа.* XII, 72–76; Ёқут. *Муъжам ал-удабā.* III, 107–218; Ибн Халликон. *Ал-Вафайāт.* I, 113–116; Ибн Ҳажар. *Лисāн ал-мйзāн.* I, 203–208; Henri Laoust. *«La Vie et la philosophie d'Abu'l-'Alā' al-Ma'arrī». BEO.* X (1943-44). 119–157; S. M. Stern. *«Some Note Worthy Manuscripts of the Poems of Abu'l-'Alā' al-Ma'arrī». Oriens.* VII. – Leiden: 1954. 322–347; Moustapha Saleh. *«Abū'l-'Alā' Al-Ma'arrī (363-449/973-1057), Bibliographie critique». BEO.* XXII (1969). 133–204; XXIII (1970). 197–272; Yâsin Ceylân. *«Abû'l-Alâ el-Maarrî Üzerine Bazı Düşünceler». İslâmî Araştırmalar.* III. – Ankara: 1989. 42–54; Ahmed Ateş. *«Ebûl'Alâ Ma'arrî». İA.* IV, 6774; P. Smoor. *«al-Ma'arrī, Abu'l-'Alā'». EI² (Fr.).* V, 932–939; Ahmed İbrâhim eş-Şerîf. *«Saktü'z-zend li-Ebi'l-'Alâ' el-Ma'arrî». Tİ.* II, 57–74; Mansour J. Ajami. *«Ma'arrī Abū'l-'Alā'». Dictionary of the Middle Ages (ed. J. R. Strayer).* – New York: 1986. VII, 700–702.

Мақоланинг тўлиқ нашри: *«Ebü'l-Alâ el-Maarrî». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 287–291.

Саҳбон Халифот

АБУ-Л-АЛО АЛ-ҲАМАДОНИЙ
أبو العلاء الهمداني

Абу-л-Ало Ҳасан ибн Аҳмад
ибн Ҳасан ал-Аттор ал-Ҳамадоний
(488/1095 – Ҳамадон – 569/1173)
Қироат ва ҳадис олими

Ҳадис илмида имом, ҳофиз ҳамда шайхул-ислом бўлган Абу-л-Ало ал-Ҳамадоний «ал-Аттор» исми б-н ҳам аталган бўлиб, бу нисбат унга унинг отаси тижорат б-н шуғулланган сабабли берилган бўлиши мумкин.

А.А.ал-Ҳ. етти ёшида Қуръонни тўлиқ ёд олади. Ҳамадонда Абдурраҳмон ибн Ҳамд ад-Дунийдан, Бағдодда эса, Абу-л-Қосим ибн Баён, Абу Али ибн Набҳон ва Абу Али ибн Маҳдийдан, шунингдек, Исфаҳонда Абу Али ал-Ҳаддод ва Маҳмуд ал-Ашқар каби олимлардан ҳадис илми бўйича, Хуросонда Муҳаммад ибн Фазл ал-Фуровий ҳузурида *«Саҳйҳ Муслим»* дан таълим олади. Кейинчалик, илм олиш учун Нишопур ва Восит каби илм марказларида ҳам бўлади. *Ҳаж* қилиш мақсадида Маккага сафар қилади.

У, шунингдек, *қироат* илми бўйича Исфаҳонда Абу Али ал-Ҳаддоддан, Бағдодда Абу Абдуллоҳ ал-Борий ва Абу Бакр ал-Мизрафийдан, Воситда Абу-л-Изз ал-Қалонисий каби машҳур *қироат* олимларидан таълим олади. Унинг ҳадис илмидаги ўрнини эътироф этган аз-Заҳабий, *қироат* илмидаги мавқеи янада устун эканини зикр қилган.

А.А.ал-Ҳ., шунингдек, араб тили, *ансоб* ва тарих каби мавзуларда ҳам чуқур илмга эга бўлган. У Зубайр ибн Баккор-

нинг *«Китāб ан-насаб»*, Ибн Дурайднинг *«Ал-Жамҳара»*, Ибн Фориснинг *«Мужмал ал-луға»* ва Абу Убайд ал-Ҳиравийнинг *«Китāб ал-ғарибайн»* асарларини чуқур ўзлаштиргани ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган.

А.А.ал-Ҳ. тижоратчилар фарзанди бўлган, унга мерос қолган барча нарсани сотиб, илм талабида инфоқ қилиб юборади. Илм олиш йўлида кўп машаққат чекади. Абу-л-Фазл ибн Бунаймон айтади: «Абу-л-Ало ал-Ҳамадонийни Бағдод масжидларидан бирида, чироқ тепароқда бўлгани учун тик турган ҳолда ёзаётганини кўрдим».

540/1145 й.дан сўнг Бағдодга оиласи б-н қилган сўнгги сафарида фарзандларини у ердаги олимлардан *қироат* ва ҳадис илмидан дарс олишларига шароит яратиш б-н бирга ўзи ҳам шу ерда мазкур илмлардан дарс беради. Ҳамадонга қайтганидан сўнг, у ерда кутубхона қурдириб, ўзининг барча китобларини у ерга вақф қилади. Шунингдек, ҳаётининг охирига қадар *қироат* ва ҳадисдан таълим беради.

Унга шогирд бўлганлар қаторида Ибн Сукайна ва Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қол, Абу-л-Мавоҳиб ибн Сасро, Абдулқодир ар-Руҳовий, Юсуф ибн Аҳмад аш-Шерозий ҳамда фарзандлари Аҳмад, Абдулбар, Фотима ва б.ларни кўрсатиш мумкин.

Манбаларда унинг *аҳли сунна* ақидасидаги, *ҳанбалий мазҳаб*ида бўлгани айтилса-да, баъзи *шиа мазҳаб*ига доир манбаларда унинг *шиа мазҳаб*ининг *имомия* фирқасидан экани ҳақида турли маълумотлар келтирилган. Бироқ бу фикрлар исбот этилмаган.

А.А.ал-Ҳ. жумодул-аввал ойининг ўн тўққизинчи куни вафот этган ва ўз масжидининг ҳовлисига дафн этилган.

Ас.: *«Ғāйа ал-ихтисāр фи-л-қирāāт ал-ъашр ли-аимма ал-амсāр»*. Асар машҳур ўн имомнинг *қироат*ига доир бўлиб, кириш қисмида *қироат* имомлари, уларнинг санадлари, ривоят ва *тарийқ*лари ҳақида муҳим маълумотлар жой олган.



Абу-л-Ало ал-Ҳамадонийнинг автографи. *«Китāб ат-тамҳīд фī маърифа ат-тажвīд»* номли асарининг авантитули. Кастамону вилоят халқ кутубхонаси, инв. рақам 1525

«Китāб ат-тамҳīд фī маърифа ат-тажвīд».

«Ал-Ҳāдī илā маърифа ал-мақāтиъ ва-л-мабāдиъ».

«Шарҳ мā ихталафа фīҳи асҳāб Абī Муҳаммад Йаъқўб ибн Исҳāқ ал-Ҳазрамī».

«Китāб ал-ихтисāр фī маърифа қуррā ал-мудун ва-л-амсāр (Табақāт ал-қуррā)».

Ад.: Ёқут. *Муъжам ал-удабā*. VIII, 5–52; Аҳмад ад-Димётий. *Ал-Мустадрак мин зайл тарйх Бағдāд*. XIX, 96–97; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XXI, 40–47; ўша муал. *Маърифа ал-қуррā*. II, 542; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа*. XII, 286; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа*. I, 204–206; Ад-Довудий. *Табақāт ал-муфассирūн*. I, 128–131; Нувайҳиз. *Муъжам ал-муфассирūн*. I, 135. Tayyar Altıkulaç. *«Ebü'l-Alâ el-Hemedânî». TDV. İA.* – İstanbul: 1994. X, 286–287.

Тузувчи Жаҳонгир Тоҳиров

АБУ АМР АЛ-АРҒИЁНИЙ
أبو عمرو الأرغياني
Абу Амр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Аҳмад ибн Сайёр ал-Муаззин ал-Арғиёний (? – 369/980, Самарқанд)
Ҳадис ҳофизи

Асли Нишопурдаги бир неча қишлоқни ўз ичига олган ноҳия – Арғиёнга мансуб Абу Амр ал-Арғиёний Самарқанд ш.да яшаган. Олим фозил, ҳадис борасида сўз ва ривоятлари ишончли, ҳадис эшитиш қобилияти кучли *ҳофиз* бўлган.

А.А.ал-А. Самарқандда Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож, Али ибн ал-Фазл ибн Тоҳир ал-Балхий ва б.лардан ҳадис илмидан таълим олган.

Ўз навбатида, *ҳофиз*дан Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ҳадис ривоят қилган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Ҳайдаробод: «Доира ал-маъориф ал-Усмонийя», 1962. I, 168; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 161.

Комилжон Раҳимов

АБУ АМР АД-ДИМАШҚИЙ
أبو عمرو الدمشقي
(? – 932, ?)
Сўфий

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Абу Абдуллоҳ ал-Жалло, Зуннун Мисрий, Али ибн Бундор Сўфий ас-Сайрафий, Абу-л-Ҳусайн Даррож, Абу-л-Ҳасан Сўфий ал-Фушанжий, Абу Абдуллоҳ Хафиф аш-Шерозийлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Валийлар ўз кароматларини пинҳон тутишлари фарз, деган ақидани илгари сурган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. 180; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

АБУ АМР АД-ДОНИЙ
أبو عمرو الداني
(қ. ад-ДОНИЙ)

АБУ АМР АЗ-ЗАЖЖОЖИЙ
أبو عمرو الزجّاجي
(қ. аз-ЗАЖЖОЖИЙ, Абу Амр)

АБУ АМР ИБН АЛ-АЛО
أبو عمرو بن العلاء
Абу Амр Заббон ибн ал-Ало ибн Аммор ал-Мозиний ал-Басрий (70/689, Макка – 154/771, Куфа)
Етти қироат имомларидан бири, араб тили ва адабиёти олими

Манбаларда туғилган йили сифатида 55/675, 65/685 ва 68/688 й.лар ҳам кўрсатилган. Туғилган жойи Басра ва Козарун деб ҳам зикр қилинган.

Манбаларда исми борасида ҳам ихтилофлар бўлиб, ўн тўққизта ном б-н тилга олинган. Аз-Заҳабий исмларининг барчасини зикр қилганидан сўнг, Заббон уларнинг энг афзали эканини айтган. Абу Амр ибн Алодан исми ҳақида сўралганида, Заббон эканини айтгани ҳақидаги ривоят ва унга нисбат берилган байтда унга Заббон деб мурожаат қилинганига кўра, аз-Заҳабийнинг маълумоти тўғри эканини айтиш мумкин.

*Тамим қабиласи*нинг Мозин уруғига мансуб бўлгани учун ал-Мозиний, умрининг аксар қисмини Басрада кечиргани учун ал-Басрий нисбалари б-н ҳам зикр қилинади. А.А.и.ал-А.нинг қабр тошида «Бани Ҳанифанинг мавлоси Абу Амрнинг қабри» деб ёзилган иборага суянган ҳолда уни *Бани Ҳаниф*га нисбат берилган. Шунингдек, мазкур нисбат унга онаси Ойша бинт Абдурраҳмоннинг *Бани Ҳаниф*га мансублиги ёки ўзи *Бани Ҳаниф*нинг вакили бўлгани сабабли қўлланилган бўлиши мумкин.

А.А.и.ал-А.нинг болалик ва ўсмирлик чоғлари б-н боғлиқ маълумотлар оз ва тарқоқдир. Жуда кичик ёшдалигиданоқ

қироат дарсидан таҳсил олишни бошлаган. Маккада туғилиб, Басрада улғайгани каби ушбу маълумотнинг акси ҳам зикр қилинади. Илк таҳсил йилларини Ҳижозда ўтказгани айтилади. Ибн Мужоҳид у *қироат* илмини Ҳижоз қориларидан ўргангани ва бунда уларнинг усулини ўзлаштирганини зикр қилади. Ўзининг маълум қилишича, йигирма ёшида Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақафийнинг қўлига тушмаслик учун Ироқдан отаси б-н қочиб, Яманга кетади. Яман чўлларида Ҳажжожнинг вафотидан хабар топгач, Басрага қайтадилар. Ибн Халликоннинг бу маълумотларини тўғри деб қабул қилинса, А.А.и.ал-А. болалигини Маккада ўтказгани, Макка ва Мадина олимларидан маълум даражада таҳсил олганидан сўнг, Басрага кўчиб ўтганини англаш мумкин.

А.А.и.ал-А. 154/771 й. Куфада вафот этган. Бу сана баъзи манбаларда 147/764, 148/765, 155/772, 156/773, 157/774 ва 159/776 й.лар, деб ҳам қайд этилган. Вафотидан олдин Дамашқ волийси Абдулваҳҳоб ибн Иброҳимдан ёрдам сўраб мазкур шаҳарга боргани ва Куфага қайтишда йўлда ёки Куфага етгач *аббосий* сулоласининг вакили Муҳаммад ибн Сулаймон ёнида вафот этгани ҳам ривоят қилинади.

А.А.и.ал-А. Маккада Мужоҳид ибн Жабр, Саъид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Рабоҳ, Икрима ибн Холид, *қуррои сабъа*дан Абу Маъбад Ибн Касир, Мадинада Язид ибн Румон, Шайба ибн Нисоҳ ва *қуррои ашара*дан Абу Жаъфар ал-Қорий, Куфада *қуррои сабъа*дан Осим ибн Баҳдала, Басрада Яҳё ибн Яъмар, Наср ибн Осим ва Ҳасан ал-Басрий каби таниқли олимлардан *қироат* илмини ўрганади. Ибн Мужоҳиднинг «*Китāб ас-сабъа*» асарида А.А.и.ал-А. *қироат* илмини Басрада Наср ибн Осим ва унинг шогирдларидан эмас, балки ҳижозлик олимлардан ўргангани айтилган бўлса-да, бу ва б. манбалардаги устозлари б-н боғлиқ маълумотлар, унинг *қироат* таҳсилини фақатгина Ҳижоз ҳудуди б-н чегаралаш ноўрин эканини кўрсатади. Мужоҳид ибн Жабр ва Саъид ибн Жубайрлар унинг устозлари орасида муҳим ўрин эгаллайдилар. Мужоҳид ва Саъид ибн Жубайрдан тортиб *қироат* устозларининг кўпи бу илмни Абдуллоҳ ибн ал-Аббосдан ўрганганига кўра, А.А.и.ал-А.нинг *қироат* илмидаги асос санадини – «Абу Амр ибн Ало, Мужоҳид ва Саъид ибн Жубайр, Абдуллоҳ ибн ал-Аббос, Убай ибн Каъб, Пайғамбар (с.а.в.)», деб кўрсатиш мумкин. Отасидан ва Анас ибн Молик, Яҳё ибн Яъмар, Мужоҳид ибн Жабр, Абу Ражо ал-Уторидий, Ато ибн Абу Рабоҳ каби нуфузли шахслардан ҳадис ривоят этган. Наҳвда Наср ибн Осимдан истифода этган.

А.А.и.ал-А.нинг *қироат*ини ёқтирган устози Саъид ибн Жубайр унга ушбу *қироат*ини сақлашини айтган. Аҳмад ибн Ҳанбал *қироат* ҳақида сўралган саволга А.А.и.ал-А.нинг *қироат*ини тавсия этгани нақл қилинади. Ибн Мужоҳид басраликларнинг аксари А.А.и.ал-А. *қироат*ини ўзлаштирганини қайд этган. Андаробий (ваф. 470/1077 й.) А.А.и.ал-А. ҳақда «*Тобеъин*лардан кейин бугунга қадар Басрада халқ *қироат*и унга суянгандир», деган. 15-а.гача кенг географик ҳудудда ўқилган ушбу *қироат* ўрнига, Ҳафс ривоятига асосланган Осим ибн Баҳдаланинг *қироат*ини кенг ёйила бошланишининг турли сабаблари бўлган.

А.А.и.ал-А. *қироат* илмида ҳужжат дея қабул қилинган ва Ибн Мужоҳиднинг *«Китāб ас-сабъа»* асарида бу илмда машҳур олти *қироат* имоми б-н тилга олинган. Яҳё ибн Маъйин ҳадис борасида уни *сиқа* деган бўлса, Абу Ҳотим ар-Розий у ҳақда «ла баъса биҳи» (зарари йўқ, ҳадиси олиниши мумкин) дея кифояланган. Аз-Заҳабий эса, унинг ривоят этган ҳадислари кўп эмаслиги ва *«Кутуби ситта»*дан ўрин олмаганини айтади. Ибн Ҳиббон унинг ривоятлари сони 50 та эканини айтиб ўтган.

Ибн Қутайба А.А.и.ал-А.ни *қироат*да устоз бўлиши б-н бирга назмда ҳам қалам тебратишини нақл қилган. Фараздақ ҳам А.А.и.ал-А.ни мақтаб, бир байтида А.А.и.ал-А.ни топгунча «кўп эшик тақиллатдим», деб ёзган.

Ад.: Ибн Мужоҳид. *Китāб ас-сабъа.* – Қоҳира: 1972. 80–85, 99–101; Абу-т-Таййиб. *Марāтиб ан-наҳвиййин.* – Қоҳира: 1954. 13–41; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқāт.* VI, 345–347; Ас-Сирафий. *Ахбāр ан-наҳвиййин ал-Басриййин.* – Қоҳира: 1985. 46–48; Абу Бакр аз-Зубайдий. *Табақāт ан-наҳвиййин ва-л-луғавиййин.* – Қоҳира: 1984. 35–40; Ибн Халликон. *Вафайāт.* III, 138; Андаробий. *Қирāа ал-қуррā ал-маърўфин.* – Байрут: 1405/1985. 83–94; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа.* I, 288–292, 425; Brockelmann. *GAL.* I, 97; *Suppl.,* I, 70, 158; II, 142; Sezgin. *GAS.* I, 17; R. Blachère. *«Ebu ʻAmr». EI² (İng.).* I, 105–106; Tayyar Altikulaç. *«Ebū Amr b. Alā». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 94–96.

Таййар Алтикулач

АБУ АМР НУЖАЙД
أبو عمرو نجيد

Исмоил ибн Нужайд
ибн Аҳмад ас-Суламий ан-Найсобурий
(272/886, Нишопур – 366/976-77, ?)
Сўфий шайх

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Абу Абдурраҳмон ас-Суламийнинг бобоси. Ҳадис ҳофизи Ҳамдон ас-Суламийнинг набирасидир. Абу Усмон Ҳирийнинг шогирди. Абу-л-Ҳасан Бишр ас-Сижзий, Абу Салама ал-Бовардий, Абу Наср ал-Қаббоний, Абу Амр аз-Зужожий, Абу Бакр ал-Каттоний, Абу-л-Ҳусайн Музаййинлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. *Тасаввуф*да кўпроқ *маломатийя тариқати*га рағбат билдирган. У «*Ал-Жузъ фи-л-ҳадīс*» («Ҳадис илмида китоб») номли асар ёзган. Навоий «*Насойим ул-муҳаббат*»га «*Нафаҳот ул-унс*»дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 224; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I; Erhan Yetik. «*İbn Nüceyd*». *TDV İA* – İstanbul: 1999. XX, 234–235.

Олимжон Давлатов

АБУ АМР АС-САМАРҚАНДИЙ
أبو عمرو السمرقندي

Абу Амр Усмон ибн Муҳаммад
ибн Аҳмад ибн Муҳаммад
ибн Ҳорун ибн Вардон
ас-Самарқандий ал-Мисрий
(250/864 – Миср (Тиннис) –345/956)
Муҳаддис

9-а.да яшаб ижод этган асли самарқандлик *муҳаддис* аллома. Баъзилар бобосига нисбат бериб Усмон ибн Аҳмад, деб ҳам аташади. Абу Амр ас-Самарқандий Мисрнинг ҳоз. Порт Саъид ш.нинг жан.-ғарбида жойлашган Тиннис ш.часида таваллуд топган. Оила аҳлининг барчаси Тиннисда яшаганлар. У зиёли оилада вояга етади. Отаси саҳиҳ ҳадислар жамлашга эътибор қаратиб, ўғли А.А.ас-С.га ҳадис айтиб беришга жуда қизиқарди.

Амакиси Абдулжаббор ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳам *муҳаддис*лардан бўлиб, Тиннисда фаолият кўрсатган. Ҳадисларни Исҳоқ ибн Исмоил ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган.

Акаси Абдурраҳмон ибн Аҳмад ас-Самарқандий (ваф. 344/955 й.) ҳам *муҳаддис*лардан ва Тиннисда қозилар бошлиғи бўлган. Шунингдек, набираси Муҳаммад ибн Заквон ат-Тиннисий ҳам илмли кишилардан саналган.

А.А.ас-С. Мисрда ибн Шайбон ар-Рамлий, Муҳаммад ибн Ҳаммод ат-Теҳроний, Муҳаммад ибн Абдулҳакам ал-Қитрий ва б. *муҳаддис*лардан ҳадис эшитиб, ривоят қилган.

Ундан Абу Абдуллоҳ ибн Манда, ибн Жумайъ, Ҳофиз Абдулғаний ал-Аздий, Абдурраҳмон ибн Умар ибн Наҳҳос, Ҳусайб ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳож ал-Ишбилий, набираси Муҳаммад ибн Заквон ат-Тиннисий ва бир қанча *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилган.

А.А.ас-С. ҳақида уламолар қуйидаги фикрларни айтганлар:

Ибн Юнус «Абу Амр ас-Самарқандий отаси ёзган ҳадисларини бевосита тинглаган», дейди. Абу Саъд ас-Самъоний: «Ҳадис борасида ишончли ва ёши улуғ бўлган». Шамсуддин аз-Заҳабий «Ишончли муҳаддис, Мисрда иснодниг юқорисига етган», деб зикр қилган.

Манбаларда А.А.ас-С.нинг асарлари ҳақида маълумотлар йўқ, фақат *муҳаддис*нинг *«Жуз фийҳи мин ал-фавāид ал-мунтаҳāт ал-ҳисāн ал-авāлӣ мин ҳадӣс Абӣ Амр Усмāн бин Аҳмад бин Муҳаммад бин Ҳāрӯн ас-Самарқандӣ мин шуйӯхиҳ»* («Абу Амр Усмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ас-Самарқандийнинг устозларидан ривоят қилган аҳамияти гўзал, саралланган, фойдали ҳадислардан ташкил топган қисм») ва *«Жуз фийҳи мин ҳадӣс Абӣ Амр Усмāн бин Аҳмад бин Муҳаммад ас-Самарқандӣ»* («Абу Амр Усмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг ҳадисларидан ташкил топган қисм») асарлари маълум қисми сақланиб қолган. Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасининг 1/40 рақами остида асарнинг 304-312 варақлари сақланади. Мазкур қўлёзмаларда А.А.ас-С.нинг устозлари Муҳаммад ибн Абдулҳакам ал-Қитрий, Одам ибн Абу Иёс ва Шуъба ибн Ҳажжожлардан ривоят қилган ҳадислар келтирилган.

А.А.ас-С. 95 ёшда Тиннисда вафот этган.

Аллома Самарқандда яшамаган бўлса-да, ас-Самарқандий тахаллуси б-н машҳур бўлган. Унинг боболари самарқандлик бўлиб, илм аҳлидан саналганлар.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Байрут: «Муассаса ар-рисола», 1985. XXIX, 419; Ибн Жамиъ. *Муъжам аш-шуйӯх.* – Триполи: «Муассаса ар-рисола», 1985. 432–433; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. 487; Абу Амр ас-Самарқандий. *Фавāид ал-мунтақā.* – Макка: «Жомиъа уммул-қуро». 1999. 10, 12; *Самарқанд алломалари.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2017. 67–70.

Шовосил Зиёдов,
Қодирхон Маҳмудов

АБУ АМР АЛ-ХАФФОФ
أبو عمرو الخفاف

Абу Амр Аҳмад ибн Наср ибн Иброҳим ал-Хаффоф ан-Найсобурий (219/834, Нишопур – 299/912, ?)

Муҳаддис

«Пойабзалчи» маъносини англатувчи «ал-Хаффоф» лақабини нима сабабдан олгани маълум эмас. Абу Амр ал-Хаффоф аввал *тасаввуф*га қизиққан. Кейинчалик, ҳадис илмини ўрганишни Нишопурда бошлаган. Сўнгра Бағдод, Куфа, Мадина, Макка ва б. илм марказларига сафар қилиб, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Амр ибн Зурора, Ҳусайн ибн Заҳҳок, Абу Ҳаммом ас-Сакуний, Муҳаммад ибн Рофеъ, Муҳаммад ибн Али ибн Шақиқ ва б. олимлардан илм ўрганади.

Унинг ўзидан Ибн аш-Шарқий, Абу Абдуллоҳ ибн ал-Ахрам, Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Зуҳлий, Абу Саъид ал-Ҳирий каби *муҳаддис*лар ҳадисдан таълим олганлар. Тенгдоши буюк *муҳаддис* Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож А.А.ал-Х. каби қувваи ҳофизаси кучли кишини кўрмаганини маълум қилган. Ибн Хузайма ҳам унинг ҳофизаси ҳақида «Хуросонда унга ўхшаши йўқ», деб зикр қилган. Шогирди Абу Бакр ас-Сибқий эса устозининг юз минг ҳадисни зикр қилишга қуввати етиши хабарини берган. А.А.ал-Х. ўз даврида катта обрўга эга бўлиб, «зайнул-ашроф» номи б-н танилган. Машҳур ҳадис тўпламларидан «*Ал-Мустадрак*» асари муаллифи Имом ал-Ҳокимнинг кўплаб устозлари А.А.ал-Х.дан ҳадис эшитган.

А.А.ал-Х. ибодатда мустаҳкам бўлиб, ўттиз йилдан ортиқ вақт узлуксиз *рўза* тутгани ва меросхўри бўлмагани боис, бойлигини Аллоҳ розилиги йўлида инфоқ-эҳсон қилгани нақл қилинади.

Ад.: Ибн ал-Жавзий. *Ал-Мунтазам.* VI, 110; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* II, 654–656; ўша муал. *Сийар.* XIII, 560–563; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* II, 231–232; Ali Osman Ateş. *«Ebû Amr el-Haffaf». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 97.

Тузувчи Аъзамхон Абдураҳмонов

АБУ-Л-АРАБ
أبو العرب

Абу-л-Араб Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тамим ат-Тамимий (250-260/864-874 – Қайравон – 333/945)

Моликий фақиҳи, муҳаддис ва тарихчи

Абу-л-Араб ал-Қайравоний ҳамда ал-Мағрибий нисбалари б-н ҳам зикр қилинади. Обрўли оилага мансуб бўлган А.А.нинг катта бобоси Таммом халифа Ҳорун ар-Рашид (786–809 й.) даврида Шимолий Африкада бошқарув ва ҳарбий вазифаларда фаолият олиб борган, баъзи воқеаларда бевосита иштирок этган ва маълум муддат Бағдодда ҳибсда ҳам бўлган. Отаси эса кўпроқ илм б-н машғул бўлган. А.А. ёшлик йилларидан илмга рағбат қилган. Шимолий Африканинг пешқадам олимларидан Саҳнуннинг шогирди бўлган. Шунингдек, Яҳё ибн Умар ал-Андалусий, Исо ибн Мискин, Ҳимос ибн Марвон ва Ибн ал-Ҳаддод ал-Мағрибий каби *фақиҳ*лардан таълим олган. Абу-л-Аббос Таммом ва Абу Жаъфар Тамим номли икки ўғли б-н бирга Ибн Абу Зайд, Абу-л-Ҳасан ибн Зиёд, Ҳасан ибн Саъид ал-Ҳаррот, Ҳасан ибн Масъуд, Муҳаммад ибн Ҳорис ал-Хушанийлар А.А.дан таълим олганлар.

А.А. *фотимийлар*нинг Тунисга келиши ва *ағлабийлар*нинг улар б-н курашишига гувоҳ бўлади.

Мураббийлик, котиблик б-н шуғулланган ва манбаларда 3500 дан ортиқ китобни кўчиргани зикр қилинган.

Ас.: *«Табақāт ъуламā Ифрīқиййа». Моликий мазҳаби фақиҳи* ва ҳадис олимларининг таржимаи ҳолига оид мазкур асари вафотидан сўнг шогирди Муҳаммад ибн Ҳорис ал-Хушаний томонидан тамомланган.

«Китāб ал-миҳан». Саҳоба, тобеъин ва Ислом олимларининг ҳаёти ҳақидаги асар.



Абу-л-Арабнинг *«Китāб ал-миҳан»* асари. Яҳё Ваҳийб ал-Жаббурий нашри. Байрут, 2006 й.

«Уббāд Ифрīқиййа илā китāб аз-зуъафā».

«Санад ҳадīси Мāлик».

«Манāқиб Тамīм».

«Фазāил Мāлик».

«Китāб ат-таҳāра ва-л-вузуъ».

«Китāб ал-жанāиз ва зикр ал-мавт ва ъазāб ал-қабр».

«Китāб фи-с-салāт».

«Табақāт аҳл ал-Қайравāн».

Ад.: Абу Бакр ал-Моликий. *Рийāз ан-нуфўз.* – Байрут: 1401–1403/1981–83. I, 14; Қози Иёз. *Тартīб ал-мадāрик.* II, 334–336; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* III, 889–890; ўша муал. *Сийар.* XV, 394–395; Ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз.* 364; Ali Öngül. «*Ebü'l-Arab*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 293.

Тузувчи Аҳмадхон Алимов

АБУ АРУБА
أبو عروبة

Абу Аруба ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Мавдуд ал-Ҳарроний (222/837, Ҳаррон – 318/931, ?)

Муҳаддис, адиб, муаррих

Ас-Суламий ва ал-Жазарий нисбалари б-н ҳам зикр қилинади. 236/850-51 й.да ҳадис илмидан таҳсил ола бошла-

ган. Ал-Жазира, Дамашқ ва Ироқ каби мамлакатларга сафар қилиб, Муҳаммад ибн Ҳорис ар-Рофиқий, Исмоил ал-Фазорий, Абдулжаббор ибн Ало, Муҳаммад ибн Саъид ал-Ансорий, Абу Юсуф ас-Сайдалоний, Муҳаммад ибн Занбур ал-Маккий, Амр ибн Усмон ал-Ҳимсий, Абу Нуайм ал-Ҳалабий ва б. *муҳаддис*лардан илм ўрганган. А.А.дан Ибн Ҳиббон, Ибн Адий, Ибн ас-Сунний, Абу-ш-Шайх, Ҳоким ал-Кабир, Абу Муслим Абдурраҳмон ал-Бағдодий каби таниқли *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Ибн Адий А.А. ҳадис ва *муҳаддис*ларни яхши билгани ва у ҳарронликларнинг *муфтийси* бўлганини айтади. Ал-Ҳоким ал-Кабир эса, уни ўзи кўрган *муҳаддис*лар ичида энг ишончлиси, ҳофизаси энг яхшиларидан бири, ҳадисдан ташқари *фиқҳ* ва *калом* илмини ҳам яхши билган олим сифатида зикр қилади. Ибн Асокир уни *шиа* эканини таъкидлаб, *умавийлар*га қарши бўлганини айтган. Аз-Заҳабий бу даъвонинг асоссиз эканини таъкидлайди.

А.А. тўқсон олти ёшда оламдан ўтган.

Ас.: *«Ат-Табақāт»*. Мазкур асар *«Ат-Тарūх»* номи б-н ҳам зикр қилинади.

«Ал-Амсāл ас-сāира ъан Расўлиллаҳ».

«Аҳāдūс Абў Арўба ал-Ҳаррāнū».

«Ҳадūс».

«Ал-Жазūра» ёки *«Тарūх»* ва *«Тарūх Ҳаррāн»* номлари б-н ҳам зикр қилинган.

«Ал-Авāил».

«Ҳадūс ал-жазарийūн».

«Китāб ал-аҳкāм».

«Китāб шавāҳид аш-шиър» ва б.

Ад.: Ибн Адий. *Ал-Кāмил*. I, 147; Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист*. 286; Ёқут Ҳамавий. *Муъжам*. II, 236; Аз-Заҳабий. *Сийар*. XIV, 510–512; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффāз*. II, 774–775; Ёфиъий. *Миръāт ал-жинāн*. II, 277; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн*. I, 163, 280; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба, III, 1235;* Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб*. II, 279; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифūн*. IV, 60; Sezgin. *GAS*. I, 176; F. Rosenthal. *«Abū ʿArūba»*. *EI² (Fr.)*. I, 109; M. Yaşar Kandemir. *«Ebû Arûbe»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 99.

Тузувчи Саиджамол Масайитов

АБУ-Л-АСБАҒ АБДУЛАЗИЗ АЛ-АНДАЛУСИЙ

أبو الأصبغ عبد العزيز الأندلسي

Абу-л-Асбағ Абдулазиз ибн Абдулмалик ибн Наср ал-Андалусий ал-Ҳофиз ал-Умавий (?, Қуртуба – 365/976, Бухоро)

Ҳадис ҳофизи

Андалусиянинг Қуртуба (Кордова) ш. дан етишиб чиққан Абу-л-Асбағ Абдулазиз ал-Андалусий 328/941 й.да Андалус олимларининг суҳбатида бўлиб, улардан ҳадис эшитади. Сўнг, ҳадис илми талабида машриқ ва мағриб юртларига сафарга чиқиб, Мисрда Юнус ибн Абдулаъло, Аҳмад ибн Абдурраҳмон ибн Ваҳб ва уларнинг сафдошларидан, Шомда Ҳишом ибн Аммор, Муҳаммад ибн Азиз ал-Айлий, уларнинг сафдошлари ва б. кўплаб олимлардан таълим олади. 341/954 й.да Куфа, кейин Исфаҳонда бўлиб, 342 й., рамазон/954 й., янв. ойида Исфаҳондан Нишопурга келади ва у ерда 345/958 й.га қадар яшайди. Кейин Марвга, ундан Бухорога келиб, у ерда Ибн Ханабдан, сўнг Кушонияда Али ибн Муҳтож ва Абу Яъло ан-Насафийлардан таҳсил олади. Шошга, у ердан Исфижобга бориб, олимлардан кўплаб ҳадис ёзиб олади. Сафари якунида олим Бухорони ватан тутиб, ҳаётининг сўнгги йилларини ўша ерда ўтказади.

А.А.А.ал-А. Макка ш.да Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Зиёд ал-Аъробий, Бағдодда Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ас-Саффор, Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қаттон, Исфаҳонда Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз, Дамашқда Абу-л-Ҳасан Хайсама ибн Сулаймон ат-Тарабулусий, Марвда Абу Али ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ас-Сағоний ва б.лардан ҳадис эшитган. Ўз навбатида, олимнинг илмидан Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Маккий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ва Бухоро аҳллари баҳраманд бўлганлар.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Ҳайдаробод: «Доира ал-маъориф ал-Усмонийя», 1962. I, 365; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 14.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ-Л-АСВАД АЛ-АНСИЙ
أبو الأسود العنسى
(қ. ал-АСВАД ал-АНСИЙ)

АБУ-Л-АСВАД АД-ДУАЛИЙ
أبو الأسود الدؤلي
(қ. ад-ДУАЛИЙ, Абу-л-Асвад)

АБУ-Л-АСВАД РОЪИЙ
أبو الأسود راعي
Тасаввуф шайхи

Тасаввуф шайхларидан. Олдин чўпонлик қилган мажзуб *солик*лардан. Ал-Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларида обдастасидан *таҳорат* пайти сув, оч қолганида сут оққани ҳақида бир хил маълумот берилган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 18.

Олимжон Давлатов

АБУ АҚИЙЛ АЛ-АНСОРИЙ
أبو عقيل الأنصاري
Абу Ақийл Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Саълаба ал-Балавий
(? – 12/633, Ямома)
Саҳоба

*Қузоа қабиласи*нинг *Балий* уруғига мансуб. Пайғамбар (с.а.в.) исломдан аввалги Абдулуззо исмини Абдурраҳмон деб ўзгартирганлар. «Адувв ал-авсон» (бутлар душмани) номи б-н ҳам зикр қилинади. Абу Ақийл ал-Ансорий (р.а.) *Бадр, Уҳуд* ва б. барча *ғазот*ларда Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга бўлган. Саводли бўлгани учун котиблик қилгани ҳам ривоят қилинади. А.А.ал-А. сохта пайғамбар Мусайламага қарши *Ямома жанги*да шаҳид бўлган.

А.А.ал-А. куня ва нисбаси б-н машҳур яна бошқа бир *саҳоба* бўлган. Исми Ҳабҳоб ёки Ҳасҳос ё Ҳубоб экани айтилган ушбу шахс «Соҳиб ас-соъ» лақаби б-н танилган. Бунга сабаб Пайғамбар (с.а.в.) мусулмонларни Аллоҳ йўлида моллларини сарфлашга чақирганларида, ўзи фақир яшаган Ҳабҳоб туни б-н ишлаб икки ўлчов (соъ) хурмо топиб келади. Улардан бирини ўз оиласига қолдириб, бошқасини Пайғамбар (с.а.в.)га олиб борган ва Ул Зотнинг дуоларини олади. Бироқ *мунофиқ*лар у бажарган хизматга Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқлигини айтиб, хизматини камситадилар. Мазкур воқеага жавобан кучлари етганича садақа берган мўъминларни айблаб, масхара қилганлар азобга учраши ҳақида оят нозил бўлган (*«Тавба» сураси*, 79-оят). Пайғамбар (с.а.в.) б-н А.А.ал-А. бирга йўлга чиққанида илон чақиб олади ва унга Амр ибн Ҳазм руқия (дам солиш) қилган.

Баъзи манбаларда исми ўхшаш Абу Ақийл ал-Балавийнинг биографиясида ҳам мазкур воқеа келтирилган ва у ҳам «Соҳиб ас-соъ» номи б-н аталгани айтилган. Шунингдек, юқорида келтирилган ва б. шу каби оятлар *тафсир*ида ҳам Пайғамбар (с.а.в.)нинг мазкур даъватларига турли хил ўлчовда эҳсон қилиш б-н жавоб берган *саҳоба*лар ҳақида сўз боради.

Унинг исмлари борасида турли тахминлар айтилган. Улардан Абдурраҳмон ибн Байҳон, Абдурраҳмон ибн Сайҳон, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Саълаба, Рифоъа ибн Саҳл ва б.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағозӣ.* I, 161; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* II, 690; Ат-Табарий. *Жомиъ ал-байён.* X, 123–124; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* I, 438; III, 458–459; IV, 219; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба.* II, 402, 407; IV, 136; Mûcteba Uğur. *«Ebû Akil el-Ensârî». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 88.

Тузувчи Саиджамол Масайитов

АБУ АҲМАД ИБН ЖАҲШ
أبو أحمد بن جحش

Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Жаҳш ибн Риёб ал-Асадий
(? – тахм. 20/641, Мадина)
Саҳоба

Исми Абдуллоҳ ёки Абд, Убайдуллоҳ унинг укасидир. Абу Аҳмад куняси б-н машҳур бўлган. Онаси – Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг холалари Умайма бинт Абдулмутталиб. *Азвожи мутаҳҳара*лардан Зайнаб бинт Жаҳш (р.а.)нинг укаси. Абу Аҳмад ибн Жаҳш (р.а.) укалари Абдуллоҳ ва Убайдуллоҳ б-н бирга Пайғамбар (с.а.в.) Дор ал-Арқамда яширинишларидан аввал мусулмон бўлган ва улар Ҳабашистонга *ҳижрат* қилганлар. Баъзи манбаларда унинг Ҳабашистон *ҳижрат*ида қатнашмагани зикр қилинган. Укаси Убайдуллоҳ у ерда насронийликни қабул қилганидан сўнг, Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг хотини Умму Ҳабиба бинт Абу Суфён (р.а.)га уйланиб, уни ўз ҳимояларига оладилар.

Мадинага тўп бўлиб *ҳижрат* қилган Жаҳш ўғилларининг Маккадаги уйлари тамоман ёпилади. А.А.и.Ж. ўз уйи Абу Суфён томонидан сотиб олинганидан қаттиқ хафа бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) *Макка фатҳи* куни *Каъба*даги мурожаатларини тамомлагач, А.А.и.Ж. *Каъба* рўпарасида, туя устида туриб уйи ва б. масалаларда Макка *мушрик*лари томонидан қилинган ҳақсизликлар ҳисобини сўрайди. Пайғамбар (с.а.в.) Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг қулоғига баъзи нарсаларни айтадилар, у А.А.и.Ж.нинг ёнига келиб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг гапларини етказади. А.А.и.Ж. дарҳол туясидан тушиб, бошқа мусулмонлар ёнига ўтиради. У вафотига қадар бу мавзуда бошқа бирор кишига гапирмаган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг мазкур овозсиз тарбияларида унинг уйи ўрнига унга жаннатдан бир уй берилиши айтилгани ривоят қилинади.

А.А.и.Ж. Фориа бинт Абу Суфён б-н никоҳланади. Кейинчалик кўр бўлиб қолган А.А.и.Ж., Макканинг ҳар бир қаричини яхши билгани боис, шаҳарда ёлғиз кезиб юра олган. Халқ орасида севимли бўлганидан, атрофида шоирлар тўпланиб, суҳбат қурар эдилар.

А.А.и.Ж.нинг ўлим санаси аниқ эмас. Баъзи ривоятларда у опаси Зайнаб бинт Жаҳш (р.а.)дан аввал вафот этгани айтилган. Ривоятларга кўра, укаларидан бири вафот этганида Зайнаб (р.а.) атир келтиришларини талаб қилади ҳамда Аллоҳ ва охират кунига ишонган аёлга эридан бошқа киши учун уч кундан ортиқ аза тутиш ҳалол эмаслиги сабабли шундай қилганини айтади (Имом Муслим. «*Талāқ*», 58). Зайнаб бинт Жаҳш (р.а.)нинг икки укаси бўлиб, улардан Абдуллоҳ *Уҳуд жанги*да шаҳид бўлгани, Убайдуллоҳ Ҳабашистонда насроний бўлиб вафот этгани ҳамда укаси А.А.и.Ж. 20/641 й.да Зайнаб (р.а.)дан аввал вафот этгани тахмин қилинади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. II, 111-112; Ат-Табарий. *Жāмиъ ал-байāн*. IX, 92; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. VII, 61; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. VIII, 407; Ибн Исҳоқ. *Ас-Сӣра*. 124; Ал-Воқидий. *Ал-Мағāзӣ*. II, 839–841; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт*. IV, 102–103; Омирий. *Баҳжа ал-маҳāфил*. – Мадина: 1330. I, 162; Raşit Küçük. *«Ebû Ahmed b. Cahş». TDV İA.*– İstanbul: 1994. X, 88.

Тузувчи Саиджамол Масайитов

АБУ АҲМАД ЗОҲИД АЛ-ХОВАСИЙ
أبو أحمد زاهد الخاوصي

(? – 562/1167 й.дан кейин, Ховас)
Фақиҳ

Абу Аҳмад Зоҳид ал-Ховасий ҳақида ас-Самъоний шундай ҳикоя қилади: «Самарқандда бўлган вақтимда бир *фақиҳ* бўлиб, уни Зоҳид ал-Ховасий деб атар эдилар. У амри маъруф, наҳйи мункар қилар ва одамларга ўрнак солиҳ амалларни бажарар эди. У Самарқанддан етти фарсах масофада жойлашган Уструшананинг Қатавон қишлоғида работ қурдирган».

Баъзи манбаларда «Мусо Зоҳид ас-Самарқандий ал-Ховасий», деб ҳам ёзилган. Аллома ҳақида Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ас-Самарқандий шундай ҳикоя қилади: «Уни асли бухоролик дейишар эди. У урушдан қайтаётганда Уструшана минтақасининг Ховас ш.часида вафот этган». Абу Саъд ал-Идрисий унинг қабрини Бурнамаз қишлоғида, деб таъкидлаган.

Манбаларда алломанинг таваллуд топган ва вафот этган санаси ҳақида бирор маълумот келтирилмаган. «*Ал-Ансаб*» муаллифи ас-Самъоний (506/1113-562/1167 й.) А.А.З.ал-Х.ни Самарқандга борган вақт кўргани ҳисобга олинса, у 562/1167 й.дан кейин вафот этган, деб хулоса қилиш мумкин.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. II, 315; Ал-Жазарий. *«Ал-Лубаб фи таҳзиб ал-ансаб.* 416: М. Атаев. *Жиззах алломалари.* – Т.: «Adib», 2014. 8; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд. «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 432–433.

АБУ АҲМАД АЛ-ИЁЗИЙ

أبو أحمد العياضي

(9/10-а.)

Ҳанафий фақиҳи

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг устози Абу Наср ал-Иёзийнинг ўғли. Ал-Мотуридийнинг шогирди бўлган. «Дор ал-Жузжонийя»дан етишиб чиққан. Ал-Мотуридийдан таҳсил олган ва машҳур *фақиҳ* даражасига кўтарилган. Абу-л-Муъин ан-Насафий *«Табсира ал-адилла»* асарида Абу Аҳмад ал-Иёзийни катта мақтовлар б-н тилга олади. Ан-Насафийнинг таъкидлашича, Мовароуннаҳр ва Хуросонда «Садр ал-фуқаҳо» унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс ал-Ажалий ал-Бухорий шундай деган: «Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабга Абу Аҳмад ал-Иёзий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад ал-Иёзий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас эди».

Лекин баъзи олимлар А.А.ал-И. ҳақида салбий фикрлар ҳам билдирган. Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳасирий (ваф. 500/1107 й.) *«Ал-Ҳавӣ фи-л-фатава»* номли асарида қуйидаги ривоятни келтиради: «Ўша даврдаги Самарқанд қозиси ал-Ҳаким ас-Самарқандий бир куни Абу Аҳмад ал-Иёзийни ўз уйига зиёфатга чақиради. Абу Аҳмад ал-Иёзий таклифни қабул қилиб, меҳмонга боради. Меҳмондорчилик олдидан мезбон унга қуйидаги *фиқҳий* саволни беради: «Битта сув б-н икки марта *таҳорат* олиш жоизми ёки жоиз эмасми?». Абу Аҳмад ал-Иёзий: «Жоиз эмас», деб жавоб беради. Шунда ал-Ҳаким ас-Самарқандий унга қаттиқ танбеҳ бериб айтади: «Илм ҳам шундайдир. Ундан дунё учун фойдаланилса, охиратда фойдадан бебаҳра қолинади. Сен эса, илмдан бойлик ва риёкорлик учун фойдаландинг, охиратдаги ажрдан бенасиб қолдинг». А.А.ал-И. бундай сўзни ал-Ҳаким ас-Самарқандийдан кутмаган эди. Бу қадар қаттиқ танбеҳни эшитгач, у ўтирмай, ал-Ҳаким ас-Самарқандий хонадонини тарк қилади».

Ал-Ҳасирий А.А.ал-И. ҳақида яна бир ривоят келтирган: «Абу Аҳмад ал-Иёзий зиёфатда бўлса, аввал таом унга, кейин бошқаларга тарқатилган. Чунки Абу Аҳмад ал-Иёзий *намоз*ни жуда тез ва енгил ўқир эди. Бир куни *намоз* вақти киргач, у таомдан туриб дарҳол *намоз*ини ўқиб олади. Ёнидагилар ундан, нима учун *намоз*ингизни тез ва енгил ўқидингиз, деб сўраганида, у: «*намоз*ни бундай ўқиш ҳукман жоиздир», деб жавоб беради».

Лекин, ўша қози ал-Ҳаким ас-Самарқандий А.А.ал-И.нинг отаси Абу Наср ал-Иёзийни қаттиқ ҳурмат қилган ва уни кўкка кўтариб мақтаган. Хусусан, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг *«Табсира ал-адилла»* асарида ал-Ҳаким ас-Самарқандий Абу Наср ал-Иёзийни қуйидагича мақтов б-н тилга олганини

келтириш мумкин: «Аш-Шайх Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг ривоят қилишича, Абу Наср ал-Иёзийнинг олдига турли адашган фирқаларнинг вакиллари ўзларининг нотўғри *ақидаларини* исботлаш учун келганида, албатта, улар Иёзийнинг кучли далил ва исботларидан мағлуб бўлиб қайтар эдилар».

Ибн Закариё ҳам, ал-Ҳаким ас-Самарқандийдан фарқли ўлароқ, Абу-л-Муъин ан-Насафий каби А.А.ал-И. ҳақида илиқ фикрларни билдирган ва уни ибодат масаласида *мужтаҳид* олим сифатида эътироф этган.

Фикримизча, ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг ривояти *саҳиҳ* бўлса, А.А.ал-И. дастлаб олимлар орасида мақталиб келинган ва кейинроқ танқидга учраган бўлиши мумкин. Чунки у, ўз отаси каби жуда ёшлигиданоқ илмда машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам шуҳрат ва мансабга ружу қўйган бўлиши мумкин. Чунки, А.А.ал-И.нинг отаси Абу Насрни мақтаб тилга олган ал-Ҳаким ас-Самарқандий А.А.ал-И.ни асоссиз танқид қилиши мантиқдан йироқдир.

А.А.ал-И. «Дор ал-Жузжонийя» мактабига мухолиф равишда «Дор ал-Иёзийя» номли мактаб ташкил этади. А.А.ал-И. бундай йўл тутишига сабаб у «Дор ал-Жузжонийя»нинг асосий вакили ҳисобланган устози Абу Мансур ал-Мотуридийдан тазйиққа учраган.

Ад.: С. Оқилов. *Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти.* – Т.: «Муҳаррир», 2009; С. Оқилов. *Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017; Ибн Закариё Яҳё ибн Исҳоқ. *Шарҳ жумал усўл ад-дин ли-Абй Салама ас-Самарқандй.* – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Раис ал-куттоб. Инв. рақам 690; Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий. *Табсира ал-адилла фй усўл ад-дин.* – Дамашқ: 1990–1993; Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳасирий. *Ал-Ҳавй фи-л-фатавй.* – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Ҳаким ўғли Али Пошо. Инв. рақам 402.

Саидмухтор Оқилов

АБУ АҲМАД АЛ-КИССИЙ

أبو أحمد الكسي

Абу Аҳмад Исо ибн Жунайд ан-Наҳвий ал-Киссий (9 а.да яшаган)

Муҳаддис, фақиҳ ва адиб

Абу Аҳмад ал-Киссий улуғ *муҳаддис*, *фақиҳ*, араб тили олими ва адиб бўлган. Ўз даврининг энг машҳур *муҳаддисларидан* саналган Язид ибн Ҳорун, Абу Убайд ибн Муаммар ибн ал-Мусанний, Ҳишом ибн ал-Калбий ва б.лардан ҳадис ривоят қилган. А.А.ал-К.нинг *«Китаб ат-тасрйф»* («Феълларнинг тусланиши») номли араб тили грамматикасига оид асари бўлган. Саҳл ибн Шозуя у ҳақда шундай сўзларни айтган: «Мен Абу Аҳмад Исо ибн Жунайд ан-Наҳвий адиб ал-Киссийдан ақллироқ бирорта хуросонликни ва араб тилини ундан кўпроқ билгувчи бирорта кишини учратмадим».

Ундан буюк *муҳаддислар* Имом ал-Бухорий, Абдулҳамид ал-Кеший ва б.лар ҳадис ривоят қилиб, унинг шогирдларидан саналган. А.А.ал-К.нинг исмига «Адиб» ва «ан-Наҳвий»нинг қўшиб айтилиши, адиб ва араб тили билимдони бўлганига ишорат қилган.

Ад.: Ш. Умаров. *Ўрта асрларда яшаган кешлик алломалар.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2014. 64; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 191.

Шукурилло Умаров

АБУ АҲМАД АС-СОҒАРЖИЙ

أبو أحمد الساغرجي

Абу Аҳмад Ҳасан ибн Али ибн Жаброил ас-Соғаржий (? – тахм. 360/970, ?)

Муҳаддис, ровий ва миришкор деҳқон

Абу Аҳмад ас-Соғаржий кўп фазилат соҳиби ва *фиқҳ* илми билимдони бўлиб, бўш вақтларида деҳқончилик б-н шуғулланган. Манбаларда қайд этилишича, А.А.ас-С. *ҳанафий мазҳаби* асосчиси Абу

Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (80/699–1150/767 й.)нинг маслакдошларидан ҳисобланган.

А.А.ас-С. устози Абу Умайя Аббос ибн Таййиб ас-Соғаржий ва Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихонийлардан ҳадис илмини пухта ўзлаштирган ва улардан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида, А.А.ас-С. дан кўплаб алломалар ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 360/970 й.дан кейин олтмиш ёшдан ошиб вафот этган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансоб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. VII, 462; Й. Исаев, А. Аббосов. *Иштихоний алломалар.* – Самарқанд: «Munis design group», 2016. 45; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 357.

Йўлдошхон Исаев

АБУ БАКР
أبو بكر
(11 – 12 а.)
Бинокор уста

1077–86 ёки 1096–1106 й.ларда Данданақон (ҳоз. Туркманистон)даги масжидни қурган. Археологик қазишмалар натижасида топилган масжид харобаларидаги безаклар орасида устанинг исми ва бино қурилган йиллар ёзилган.

АБУ БАКР АЛ-АНБОРИЙ
أبو بكر الأنباري
(қ. ИБН ал-АНБОРИЙ, Абу Бакр)

АБУ БАКР АЛ-АСАММ
أبو بكر الأصم
(қ. ал-АСАММ, Абу Бакр)

АБУ БАКР АҲМАД АЛ-АРБИНЖИЙ
أبو بكر أحمد الأربنجي
Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Ражо ал-Арбинжий
(? – 369/979-980, ?)
Ҳанафий фақиҳи

Абу Бакр ал-Арбинжий *асҳоб ар-рай фақиҳ*ларидан бўлиб, Арбинжан қозилигида фаолият олиб борган. Унда ва унинг ривоятларида камчилик бўлмаган.

А.Б.А.ал-А. отаси ва Ҳорун ибн Соҳиб ал-Арбинжанийлардан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида, ундан ўғли Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад, Абу-л-Аббос Ато ибн Аҳмад ал-Арбинжаний ва Абу Саъд ал-Идрисийлар ривоят қилганлар.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: «Ас-Саъода», 1906. I, 176; Ас-Самъоний. *Ал-Ансоб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. I, 89; Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музийя.* – Кароташ: «Мактаба Мир Муҳаммад». I, 122; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 160.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ БАКР АҲМАД АЛ-АФРАХШИЙ
أبو بكر أحمد الأفرخشي
Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Исроил ал-Афрахший ал-Бухорий
(301/914, ? – 384/995, ?)
Фақиҳ

Абу Бакр Аҳмад ал-Афрахший Бухоро аҳлларининг йўлбошчи-имомларидан бўлиб, ўз даврида ал-Исмоилий нисбаси б-н шуҳрат қозонган.

А.Б.А.ал-А. Абу Нуайм Абдулмалик ал-Астрободий, Муҳаммад ибн Юсуф ибн Осим, Муҳаммад ибн Собир ибн Котиб ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрий, Аҳмад ибн Холид ибн Халил, Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Ҳарис, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Мункадирий, Саъид ибн Иброҳим ибн Маъқал ҳамда Хуросон ва Ироқнинг бошқа олимларидан таълим олган. Ўз навбатида, олимдан Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис тинглаган.

А.Б.А.ал-А. 84 ёшида вафот этган.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: «Ас-Саъода», 1906. I, 299; Ас-Самъоний. *Ал-Ансоб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. I, 196; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 11–12.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ БАКР АҲМАД АЛ-ХОРАЗМИЙ
أبو بكر أحمد الخوارزمى
(? – 376/986, ?)

Ал-Барақийнинг ўғли бўлган. У шоир, *наҳв, сарф* ва *тасаввуф* илмининг пешқадам олимларидан эди. Абу Бакр Аҳмаднинг катта шеърий тўплами ҳам мавжуд. А.Б.А.ал-Х. муҳаррам ойида вафот этган.

Ад.: Муҳаммад Тантовий. *Нашъа ан-наҳв ва тарйх ашҳур ан-нуҳат.* – Миср: 2005; Салоҳ Раввойи. *Ан-Наҳв ал-ъарабй. Нашъатуҳ, татаввуруҳ, мадарисуҳ, ржалуҳ.* – Қоҳира: 2003; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун.* – Истанбул: 1941; Ёқут. *Муъжам.* – Миср: 1906.

Малика Носирова

АБУ БАКР АҲМАД АЛ-ОДАМИЙ АШ-ШОШИЙ
أبو بكر أحمد الآدمي الشاشي
Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Одам ибн Абдуллоҳ ал-Одамий аш-Шоший
Муҳаддис

Ас-Самъоний *«Ал-Ансаб»* асарида *муҳаддис* бобосининг исми Одам бўлгани, шу боис унга «ал-Одамий» нисбати берилганини зикр қилади.

Абу Бакр Аҳмад ал-Одамий аш-Шоший дастлаб ҳадис илмини ўз юртида Ҳабиб Муғийра аш-Шоший, Ҳомид ибн Довуд аш-Шошийлардан ўрганган. А.Б.А.ал-О.аш-Ш. илм-маърифат талабида Ироқ ва Ҳижоз ўлкаларига сафар қилган. Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Идрис ар-Розий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Язид Муқриъ ва б.лардан таълим олган. Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шоший, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Саъдон ибн ал-Ғаззолий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Иштихонийлар А.Б.А.ал-О.аш-Ш.дан ҳадис ривоят қилганлар.

Ас-Самъонийнинг хабар беришича, А.Б.А.ал-О.аш-Ш. Шош ва унинг атрофида ҳадис илмини тарғиб қилган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. I, 61; Аз-Заҳабий. *Сийар.* «Муассасат ар-рисола», 1985. XVI, 521: Н. Муҳамедов. *Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси.* – Т.: «Тошкент ислом университети», 2007. 71; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 479.

Неъматулло Муҳамедов

АБУ БАКР АЛ-БАЙҲАҚИЙ АЛ-ХУСРАВЖИРДИЙ
أبو بكر البيهقي الخسروجردي
(қ. ал-ХУСРАВЖИРДИЙ)

АБУ БАКР АЛ-БАЛХИЙ
أبو بكر البلخي
Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Али ибн Абдулазиз ал-Балхий
(? – 553/1158, ?)
Фақиҳ, муҳаддис ва шоир

Абу Бакр ал-Балхий «Аз-Заҳир» номи б-н танилган. Ҳалаб, Дамашқ каби шаҳарларда бўлиб, фатво ва дарс берган. Алломa *«Шарҳ ал-жамиъ ас-сағйр»* асарини ёзган, шунингдек, шеърлар ҳам битган.

Ад.: Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифйн.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 2009. III, 57; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 35.

Тузувчи Аъзамхон Абдураҳмонов

АБУ БАКР АЛ-БОҚИЛЛОНИЙ
أبو بكر الباقلاني
(қ. ал-БОҚИЛЛОНИЙ, Абу Бакр Муҳаммад)

АБУ БАКР АЛ-ВАРРОҚ АТ-ТЕРМИЗИЙ
أبو بكر الوراق الترمذي
Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаким ал-Варроқ ат-Термизий
(тахм. 240/855, Термиз – 294/907, Сиёҳжирд)
Муҳаддис, мутасаввиф

Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий Термиз ва вақти-вақти б-н Балх ш.нинг Аёз қишлоғида яшагани сабабли ат-Термизий ва ал-Балхий нисбасига ҳам эга бўлган.

Шайх Фаридуддин Аттор «*Тазкират ул-авлиё*» китобида у кишини: «Илм ва

ҳикмат хазинаси, ҳилм ва поклик ягонаси, хўб соҳибкамол, муомала ва адаб бобида беназир», – дея таърифлаган.

Баъзи манбаларда *муҳаддис* Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий А.Б.ал-В.ат-Т. нинг тоғаси деган маълумот учрайди. Ҳолбуки, Абдурраҳмон Жомий *«Нафаҳот ул-унс»* китобида А.Б.ал-В.ат-Т.ни: «Холу Абу Исо ат-Термизий» (Абу Исо ат-Термизийнинг тоғасидир), – деган. Навоий ҳам Жомийдан иқтибос олиб «*Насойим ул-муҳаббат*»да: «Абу Исо ат-Термизий тағойисидур... Кўп тасонифи (таснифлари, асарлари) бордур. Таврот, Инжил ва Забурни, Кутуби осмонийни ўқубдур ва шеър девони ҳам бордур», – деб улуғлайди.

«*Тазкират ул-авлиё*»да: «Ул зотни шайхлар «Муаддиб ул-авлиё» («Авлиёлар адиби, мураббийси») – деб аташарди. Нафси ўлган, нафаси муборак бўлган зот эди. У Муҳаммад Ҳаким (ат-Термизий) б-н суҳбат тутган, ўзи Аҳмад Ҳазравайҳ ёронларидандир», – дейилади.

У «ал-Ҳаким» унвонига сазовор бўлган. Одатда, Ҳаким ат-Термизий деганда Муҳаммад ибн Али ат-Термизий тушунилади. Лекин А.Б.ал-В.ат-Т. ҳам бу шарафли унвон б-н ал-Ҳаким ат-Термизий деб аталган.

А.Б.ал-В.ат-Т. Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий ва буюк шайх, аллома Аҳмад ибн Ҳазравайҳ б-н яқин дўст бўлган. Муҳаммад ибн Саъид ибн Иброҳим аз-Зоҳид, Муҳаммад ибн Умар ибн Хашном ал-Балхий каби таниқли олимларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган.

У киши ҳадисларнинг *санад*ларини келтириб, асарлар тасниф этгани маълумотларда келтирилган.

А.Б.ал-В.ат-Т.нинг кўплаб шогирдлари бўлган. Улар Ҳомид ат-Термизий, Абу Бакр ас-Суғдий, Солиҳ ибн Мактум, Ҳошим ас-Суғдий, Хожа Муҳаммад Ҳамид ва Абу-л-Музаффар ат-Термизий, Муҳаммад Ҳомид Дошагард каби олимлар бўлгани манбаларда қайд этилган. *Мотуридийя мазҳаби*га оид «*Ас-Савад ал-аъзам*» асарининг муаллифи Ҳаким ас-Самарқандий ҳам у кишининг машҳур шогирдларидан бири бўлган.

Ҳошим ас-Суғдий нақл қилади: «Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий: «Кўп сўз айтмоқ кўнгилни қаттиқ қилур», – деган. Шайхул-ислом – Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий дейдики, бундан олдин: «Кўп уйқу ва кўп емак кўнгилни қаттиқ қилур», – деб айтган эди. Ва Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий айтадики: «Ул кўп деганлари хайр ва шаррда – яхшилик ва ёмонликдадир...».

Солиҳ ибн Мактум (қ.с.) А.Б.ал-В.ат-Т. нинг *мурид*ларидан бўлиб, Балх ш.дан эди. А.Б.ал-В.ат-Т. сўзларидан кўп ёд билар эди.

Тариқат соҳибларидан бир киши нақл қилади: «Абу Бакр ал-Варроқ билан бирга йўлда кетаётган эдик. У киши ридосининг бир томонида «хо» ҳарфи ва иккинчи томонида «мим» ҳарфи ёзилганини кўрдим. «Бу нимадир?», – деб сўрадим. Айтдики: «Буни шунинг учун ёздимки, ҳар қачон «хо»ни кўрсам, ихлосим ёдимга келсин ва ҳар қачон «мим»ни кўрсам, мурувватим ёдимга келсин...» .

А.Б.ал-В.ат-Т. одамларни уч гуруҳга ажратиб, уларнинг ахлоқий ва инсоний тамойиллари бузилса, жамиятга қандай зарар етишини қуйидагича баён этади: «Одамлар уч тоифадир: биринчиси – умаро (амирлар); иккинчиси – уламо (олимлар) ва учинчиси – фуқаро. Агар амирлар – бошлиқлар бузилса, халқнинг ҳаёт тарзи бузилади; агар олимлар бузилса, халқнинг дину диёнати нуқсонга учрайди; агар фуқаро бузилса, халқ ўртасида *зуҳд* – ҳалоллик ва ҳиммат бузилади. Бошлиқларнинг бузилиши жабр ва зулм қилишдир; олимларнинг бузилиши дунёга берилиш ва ҳою ҳавасга эргашишдир; фуқаронинг бузилиши тоатни тарк этиш ва ризога мухолафат қилишдир» («*Тазкират ул-авлиё*»дан).

А.Б.ал-В.ат-Т. *тасаввуф* аҳли орасида кенг тарқалган *зуҳд* сўзини уни ташкил этган ҳарфларга таяниб, бундай *тафсир* қилган: «*Зуҳд* уч ҳарфдир: зо, ҳо, дол (з-ҳ-д). З – зийнатни тарк қилиш; ҳ – ҳавои нафсни тарк қилиш, д – дунёни тарк қилишдир».

Унинг ҳикматли сўзларидан:

«Оқилларга иқтидо – эргашув билан, зоҳидларга ҳусну мадоро – гўзал муомалот билан, жоҳилларга эса сабри жамил – чиройли сабр б-н суҳбатдош бўл».

«Таваккул вақтни қўлга олмоқ ва интизорлик кудуратидан соф бўлмоқдир. Чунончи, ўтган нарсага афсус-надомат чекилмас ва келажак нарсага кўз тикилмас. Яъни, вақтнинг нақди қўлдан берилмас!..».

«Худди ҳаромдан ҳазар қилгандек, ёмон хулқдан ҳазар қилингиз».

Маҳмуд ибн Валийнинг ёзишича, А.Б.ал-В.ат-Т. Балх б-н Термиз орасидаги Сиёҳжирд қишлоғида вафот этган ва Термиздаги Машоҳид деган жойда дафн этилган.

Ас.: «*Ал-ъалим ва-л-мутаъаллим*» («Устоз ва шогирд»), «*Китаб ал-ихлас*» («Ихлос ҳақида китоб»), «*Китаб ал-ҳурўф*» («Ҳарфлар ҳақида китоб»), «*Китаб ал-ъитқ ва-л-фикак*» («Озод бўлиш ҳақида китоб»), «*Китаб ад-даражат*» («Даражалар ҳақида китоб»), «*Китаб ал-аҳд*» («Аҳд ҳақида китоб»), «*Китаб ас-сафа*» («Танлов китоби»), «*Китаб ал-ъужб*» («Ужб (манманлик, худбинлик касофати) ҳақида китоб»), «*Китаб хидма ал-батин*» ва «*Китаб ал-фавайид*» («Фойдалар ҳақида китоб»), шунингдек, алломанинг «*Математика*» («Машқлар») ва «*Муъамалат*» («Муносабат») ҳақидаги асарлари ҳамда шеърий девонлари бўлган.

Ад.: Абу Нуайм ал-Исфаҳоний. *Ҳилйа ал-авлийа.* X, 235–236; Абу Абдурраҳмон ас-Суламий. *Табақат ас-суфиййа.* 2003. 178–183; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* IX, 164; Мирзо Кенжабек. *Буюк Термизийлар.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 183–203.

Мирзо Кенжабек

АБУ БАКР АЛ-ЖУЗЖОНИЙ

أبو بكر الجوزجاني

Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний ал-Бағдодий (? – 268/881)

Ҳанафий фақиҳи ва мутакаллим

Ҳаёти ҳақида кўп маълумот бўлмаса-да, нисбасига кўра Жузжонда туғилганини тахмин қилиш мумкин. Абу Ҳанифанинг етук шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасандан таълим олган Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан Бағдодда таҳсил олгани сабабли, ал-Бағдодий нисбаси б-н ҳам аталгани ҳақида маълумотлар бор.



Қадимги Термиз. Қирқ қиз харобалари

Сомонийлар ҳукмдори Наср ибн Аҳмад даврида (864–892 й.) Туркистонда бўлиб ўтган жангда вафот этган. Абу Наср ал-Иёзий ва Абу Мансур ал-Мотуридийлар А.Б.ал-Ж.нинг энг машҳур шогирдларидан ҳисобланади. Исломий илмларда юксак мавқега эришгани эътироф этилган А.Б.ал-Ж.нинг *фиқҳ* ва *калом* илмларида вуқуф соҳиби бўлгани нақл қилинади.

Манбаларда А.Б.ал-Ж.нинг кўплаб асарлар ёзгани айтилса-да, улардан учтасининг номи зикр қилинган, холос: *«Ал-Фарқ ва-т-тамйиз»*, *«Китоб ат-тавҳид»*, *«Китоб ат-тавба»*.

Ад.: Ан-Насафий. *Табсира ал-адилла.* – Дамашқ: 1990. I, 356–357; Ат-Тамимий. *Ат-Табақат ас-санийя.* I, 277–278; Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музийя.* I, 144; Ал-Лакҳнавий. *Ал-Фавоид ал-баҳийя.* 14, 23; Metin Yurdagür. *«Cüzcânî, Ebû Bekir». TDV İA.* – İstanbul: 1993. VIII, 97.

Тузувчи Саиджамол Масайитов

АБУ БАКР ИБН АБДУРРАҲМОН

أبو بكر بن عبد الرحمن

Абу Абдурраҳмон Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом ал-Махзумий (? – 94/713, ?)

Мадиналик тобеъин, фақиҳ ва муҳаддис

Мадинанинг машҳур етти фақиҳларидан бири бўлган Абу Бакр ибн Абдурраҳмон, Умар (р.а.)нинг халифалик даврида (634–644 йй.) туғилган. Исми борасида турлича қарашлар мавжуд. Аз-Заҳабий ва ал-Воқидийлар куняси унинг исми ҳамдир дейишган. Айримлар томонидан айтилган Муҳаммад ва Муғийра эса укаларининг исмлари бўлган. Абу Бакр ибн Абдурраҳмоннинг бобоси – Ҳорис ибн Ҳишом *Қурайш* уруғларидан *Бани Махзум*га мансуб таниқли *саҳоба* бўлиб, Абу Жаҳлнинг укаси эди. Отаси Абдурраҳмон Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида туғилган ва Усмон (р.а.) замонида *мусҳаф* нусхаларини кўпайтириш масаласида тузилган ҳайъатдан ўрин олган *тобеъин* бўлган. Онаси эса, *Бани Луай қабиласи*дан бўлган Фохита бинт Инаба. *Жамал воқеаси*да Али (р.а.)га қарши жанг қилган қўшинга қўшилмоқчи бўлган А.Б.и.А., ёши кичиклиги боис қўшинга қабул қилинмаган.

А.Б.и.А. *фиқҳ* соҳасида кучли илмга эга бўлиш б-н бирга ҳадис соҳасида ҳам ишончли *ровий*лардан ҳисобланган учун, ривоятлари «*Кутуби ситта*»га киритилган. Ойша (р.а.), Умму Салама, Умму Маъқил, Асмо бинт Умайс, Аммор ибн Ёсир, Абу Масъуд ал-Бадрий, Абу Ҳурайра, Марвон ибн Ҳакам, Абу Рофеъ (р.а.) ва отаси каби кўплаб таниқли *саҳоба* ва *тобеъин*лардан ҳадис тинглаган. Унинг ўзидан эса, ўғиллари Абдуллоҳ, Абдулмалик, Умар ва Саламалар б-н бир қаторда Амр ибн Динор, Мужоҳид ибн Жабр, Умар ибн Абдулазиз, Шаъбий, аз-Зуҳрий каби кўплаб олимлар ҳадис ривоят қилганлар.

Деярли ҳар куни *рўза* тутгани ва кўп *намоз* ўқигани учун унга «Қурайшнинг зоҳиди» лақаби берилган. Шунингдек, ўта омонатдор бўлгани эътироф қилинган.

Ҳаётининг охирида кўр бўлиб қолган. А.Б.и.А. кўп *фақиҳ*лар вафот этган «санатул-фуқаҳо» деб номланган йилда вафот этган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат.* V, 207–209, 444; Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музийя.* II, 421; Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш.* 303; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* IX; Абу Зарр ад-Димашқий. *Тарйх.* – Дамашқ: 1980. I, 314, 406, 591; Аз-Заҳабий. *Тарих ал-ислам.* II, 1193; Аш-Шерозий. *Табақат ал-фуқаҳо.* 42; Ибн Халликон. *Вафайат.* I, 282–283; Аз-Заҳабий. *Сийар.* IV, 416–419; Ибн Касир. *Ал-Бидоя.* IX, 115–116; M. Özgü Aras. «*Ebû Bekir b. Abdurrahman*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 109.

Тузувчи Саиджамол Масайитов

АБУ БАКР ИБН АБУ ОСИМ

أبو بكر بن أبي عاصم

(қ. ИБН АБУ ОСИМ)

АБУ БАКР ИБН АБУ САЪДОН
أبو بكر بن أبي سعدان

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Саъдон
Сўфий шайх

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Жунайд ал-Бағдодийнинг *мурид*ларидан. Абу Али Рудборий, Абу-л-Қосим ал-Муқрий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Х/Х; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ БАКР ИБН АБУ ШАЙБА
أبو بكر بن أبي شيبة

(қ. ИБН АБУ ШАЙБА, Абу Бакр)

АБУ БАКР ИБН АЙЁШ
أبو بكر بن عياش

Абу Бакр Шуъба ибн Айёш ибн Солим ал-Асадий ал-Куфий
(95/713, ? – 193/809, Куфа)
Қироат ровийси, муҳаддис ва фақиҳ

*Бани Асад қабиласи*дан Восил ал-Аҳдабнинг мавлоси бўлгани учун ал-Асадий нисбасини олган. Исми борасида турли қарашлар мавжуд бўлиб, манбаларда Муҳаммад, Шуъба, Равба, Муслим ва б. келтирилган. Улар орасида Шуъба энг машҳури ҳисобланади. Абу Бакр ибн Айёш буғдой тижорати б-н шуғулланган боис унга «Ҳаннот» лақаби берилган.

А.Б.и.А. машҳур етти *қироат*нинг *ровий*ларидан бири. У *қироат* илмини Осимдан ўрганиб, Қуръонни устозига уч марта хатм қилиб берган. Ундан бошқа ҳеч кимдан Қуръон ва *қироат* дарсларини ўрганмаган. Ушбу мақсадда қарийб уч йил (бошқа ривоятда етти йил) устозининг ёнига қатнагани баён қилинади. Осим эса, Абу Абдурраҳмон ас-Суламийдан ўрганган *қироат*ни Ҳафс ибн Сулаймонга, Зирр ибн Ҳубайшдан ўрганган *қироат*ни эса А.Б.и.А.га ўқитганига кўра, А.Б.и.А.нинг *қироат* ривоятидаги *санади* Осим – Зир ибн Ҳубайш – Абдуллоҳ ибн Масъуд – Пайғамбар (с.а.в.)га бориб тутташади.

А.Б.и.А. устози Осим, Абу Исҳоқ ас-Сабиий, Ҳумайд ат-Тавийл, Аъмаш, Ҳабиб ибн Абу Собит, Ҳишом ибн Урва каби олимлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абдуллоҳ ибн Муборак, Вакийъ, Абу Довуд ат-Таёлисий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Бакр ибн Абу Шайба ва б. машҳур *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Имом аз-Заҳабий *қироат*да моҳир бўлса-да, ҳадис борасида баъзан *ғариб* ва *мункар* ҳадислар ривоят қилганини таъкидлайди.

Яҳё ал-Улаймий, Абу Юсуф ал-Аъшо, Абдулҳамид ибн Солиҳ ал-Буржумий ва *қироати сабъа* имомларидан Кисоий ва б. кўплаб олимлар ундан *қироат* илмини ўрганганлар. А.Б.и.А. ўлимига яқин йигирма йилча *қироат* ўқитишни тўхтатиб, бу илмга доир ихтилофларни ривоят этиш б-н машғул бўлган. Яҳё ибн Одам уларни ёзиб борган ҳамда бу Осим *қироат*инининг ёзма шаклидан бирига айланган.

А.Б.и.А. *қироат*ни фақат Осимдан ўрганган боис, унинг кўплаб шогирдлари орасида ўз ўрнини топган ва куфаликларнинг Осим *қироат*и бўйича энг ишончли кишиларидан саналган. У Осимнинг ўгай ўғли Ҳафс б-н бирга бу *қироат*нинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Ибн Мужоҳиднинг *«Китоб ас-сабъа»*сидан сўнг *етти қироат* имомларининг *ровий*лари сонини иккита б-н чегаралаб таълиф қилинган манбаларда Осимнинг икки *ровий*сидан бири сифатида А.Б.и.А.нинг ривояти асос қилиб олинган. Илк даврларда А.Б.и.А. Қуръони каримни 520 ўринда Ҳафсга нисбатан фарқли ўқи-

ган. Унинг *қироат*даги ривоятига Осимнинг Ҳафс ва б. шогирдларига қараганда кўпроқ ишонилгани айтилган бўлса-да, вақт ўтиб у қилган ривоятнинг ёйилиши тўхтаган. Унинг ривоятлари кўплаб қори ва *ровий*ларнинг *қироат* ҳамда ривоятларида бўлгани каби *қироат* илмига оид китоблар орасида сақланган.

Манбаларда А.Б.и.А. қирқ йил давомида ҳар кун Қуръони каримни хатм қилган (баъзи хабарларга кўра, умри давомида 18000 марта), бекорчи сўздан тийилган, риёни хушламаган, *суннат*га боғланган ва ҳалол-ҳаром тушунчасида қатъийлиги б-н танилган.

А.Б.и.А. халқул-Қуръон (Қуръоннинг махлуқлик масаласи) мавзусидаги тортишувларга ҳам аралашиб, Қуръонни махлуқ деган киши кофир, *зиндиқ* ва Аллоҳнинг душмани бўлишини айтиб, бу борада *аҳли сунна*нинг йўлини тутган.

Ас.: «*Ажзāу салāсūн*». Ушбу асар Қуръони каримнинг 30 жузга бўлиниши ҳақида.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. IX, 14; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм*. III, 165; Ибн Мужоҳид. *Китāб ас-сабъа фи-л-қирāа*. – Қоҳира: 1972. 70–71, 94–95; Аз-Заҳабий. *Сийар*. VIII, 495–508; ўша муал. *Маърифа ал-қуррā*. I, 92, 134–138; ўша муал. *Мūзāн ал-иътидāл*. II, 112; Ибн ал-Жазарий. *Ғāйа ан-ниҳāйа*. I, 254, 325–327, 460; Tayyar Altikulaç. *«Ebû Bekir b. Ayyâş». TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 109–110.

Тузувчи Саиджамол Масайитов

АБУ БАКР ИБН АЛ-АРАБИЙ
أبو بكر بن العربي

(қ. ИБН ал-АРАБИЙ, Абу Бакр)

АБУ БАКР ИБН ҲАЗМ
أبو بكر بن حزم

Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм ал-Ансорий (? – тахм. 120/738)

Муҳаддис, тобеъин

Тарихий манбаларда 84 ёшида вафот этгани ҳақидаги маълумот эътиборга олинса, тахминан 36/656 й.да туғилган дейиш мумкин. Исми ва куняси бир бўлгани зикр қилинади. Баъзи манбаларда эса, куняси Абу Муҳаммад бўлгани айтилган. Ансорийларнинг *Хазраж* уруғига мансуб бўлгани учун, ал-Хазражий нисбаси берилган. Ёши кичик *тобеъин*лардан бўлган Абу Бакр ибн Ҳазм Усмон (р.а.)нинг ўғли Абондан *фиқҳ* илмини ўрганган. Холаси Амра бинт Абдурраҳмон, Умар ибн Абдулазиз, Абдурраҳмон ибн Авфнинг ўғли Абу Салама, Соиб ибн Язид каби буюк шахслардан ҳадис ривоят қилган. Бобоси *саҳоба* Амр ибн Ҳазмдан отаси орқали ривоят этган ҳадислари диққатга сазовор. А.Б.и.Ҳ.дан ўғиллари Абдуллоҳ ва Муҳаммад, амакисининг ўғли Муҳаммад ибн Аммора, Абдурраҳмон ал-Авзоъий, Амр ибн Динор, Ибн Шиноб аз-Зуҳрий, Яҳё ибн Саъид ал-Ансорий каби *муҳаддис*лар ривоят қилганлар. А.Б.и.Ҳ. *саҳоба* Аммора ибн Ҳазмнинг қизи Фотима б-н оила қурган. Бу никоҳдан «*Сийар*» ва «*Мағāзū*» асарларининг муаллифи Абдуллоҳ дунёга келган.

А.Б.и.Ҳ. *умавийлар* даврида турли лавозимларда фаолият олиб борган. Сулаймон ибн Абдулмалик 96/715 й.да уни Мадинага волий ва қози этиб тайинлаган. Кейинчалик бир оз муддат фақат Мадина волийси сифатида фаолият олиб борган ривоят қилинган.

Умар ибн Абдулазиз (р.а.) ҳадисларни тўплаш ҳақида А.Б.и.Ҳ.га юборган фармонида олимлар вафоти б-н илмнинг йўқолиб кетишидан андиша қилаётгани, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари, суннатлари ҳамда холаси Амра бинт Абдурраҳмон ва Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ас-Сиддиқнинг ривоятларини ўрганиб ёзишини айтиб, тайинлаган. А.Б.и.Ҳ. халифа қайд этган шахсларнинг ривоятларини тўплаган. Ибн Саъд унинг Пайғамбар (с.а.в.)га хизмат қилган барча *саҳоба*лар исмларини ва *ҳужрайи саодат*га оид маълумотларини тўплаб халифага юборганини ёзиб қолдирган. Шунингдек, Умар ибн Абдулазиз унга *ҳаж* амири вазифасини ҳам топширган.

А.Б.и.Ҳ. ишончли *муҳаддис*, шу б-н бир қаторда, Мадинада ўз даврининг энг яхши қозиси бўлган. Имом Молик А.Б.и.Ҳ. нинг Мадинада волийлик қилган *ансор*лардан ёлғиз шахс бўлганини таъкидларкан, у каби комил инсон, одил волий ва қозини кўрмаганини айтган. Манбаларда А.Б.и.Ҳ.нинг вафот санаси сифатида 100/718, 110/728, 117/735, 120/738 й.лар кўрсатилган. Бироқ 118/736 й.гача қозилик вазифасида фаолият олиб боргани ҳақидаги хабарлар ҳисобга олинса, мазкур саналардан охиргиси ҳақиқатга яқинроқ эканини англаш мумкин.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт*. I, 497–498, 500–501; V, 346, 348, 364, 368, 391, 400; Аз-Заҳабий. *Сийар*. V, 313–314; Ибн Ҳажар. *Фатҳ ал-Бāрӣ*. – Булақ: 1300. I, 174; Selman Başaran. «*Ebû Bekir b. Hazm*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 112.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБУ БАКР АЛ-ИЁЗИЙ

أبو بكر العياضي

(? – 361/971, ?)

Ҳанафийя-мотуридийя мазҳабининг йирик вакили

А.Б.ал-И. *иёзийлар* сулоласидан ҳисобланиб, Абу Аҳмад ал-Иёзийнинг укасидир. Ибн Закариё *иёзийлар* шажарасини тузиб чиққан, шажара *саҳоба* Саъд ибн Убода ал-Ансорийга бориб тақалган. Шажара қуйидагича: Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Наср Аҳмад ибн Аббос ибн Ҳусайн ибн Жабала ибн Ғолиб ибн Жобир ибн Навфал ибн Иёз ибн Яҳё ибн Қайс ибн Саъд ибн Убода ал-Ансорий.

А.Б.ал-И.нинг *«Ал-Масāил ал-ъашара»* («Ўнта масала») номли асари машҳур. А.Б.ал-И. ал-Мотуридийдан сўнг, Абу Салама ас-Самарқандийдан аввал вафот этган.

Ал-Мотуридийнинг замондоши ва Самарқанднинг машҳур олимларидан бўлган, маҳаллий аҳоли орасида катта ҳурмат қозонган. Ибн Закариёнинг «*Шарҳ жумал усўл ад-дўн*» асарида келтирилишича, *фақиҳ* Абдуссамад ибн Аҳмад ал-Арбинжоний Абу Мансур ал-Мотуридий вафот этганда А.Б.ал-И.нинг қуйидаги сўзларини айтган: «Диний илм ва ҳукмларни ўргатишда бу умматнинг олимлари ўтган пайғамбарлар кабидир. Ўтмишда бир пайғамбарнинг даври тугаб, ечилиши керак бўлган масалалар пайдо бўлса ва у масалаларни очиб берувчи бирон олим қолмаса, янги бир пайғамбар юборилганидек, бу умматнинг ичида ҳам ҳар асрда вафот этган фақиҳларнинг ўрнига ё янги олимлар келади, ёки *қиёмат* бошланади. Чунки, Аллоҳ ўз бандаларини йўл кўрсатувчилардан маҳрум қилмайди».

Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳасирийнинг *«Ал-Ҳāвӣ фи-л-фатāвā»* асарида келтирилган ривоятга кўра, А.Б.ал-И.дан бир киши ўзининг *аҳли сунна вал-жамоа* эътиқодида эканини қандай англаши мумкинлиги ҳақида сўраганда, у шундай жавоб берган: «Кимнинг илми *аҳли сунна вал-жамоа*нинг илми, Аллоҳнинг китоби, Расулининг суннати ва салаф фақиҳларнинг айтган сўзларига мувофиқ келса, у киши *аҳли сунна вал-жамоа* мазҳабида бўлади».

Бу ривоятлар А.Б.ал-И.нинг Самарқанд *ҳанафий*лари орасида яхши обрўга эга бўлганидан дарак беради. Шунинг учун ҳам Ибн Закариё А.Б.ал-И.ни «*аҳли сунна вал-жамоа*нинг байроқдори» деб эътироф этган. Шунингдек, унинг ал-Мотуридийнинг таъзиясида айтган сўзлари Самарқанд мактаби ичида А.Б.ал-И. ва Абу Мансур ал-Мотуридийнинг алоҳида мавқелари бўлганидан далолат беради.

А.Б.ал-И. айрим *ақида*вий қарашларини ўз ичига олган *«Ал-Масāил ал-ъашара ал-ъийāзиййа»* асарини вафотига яқин ёзиб тугатган ва маҳаллий аҳоли *муътазилий*лар *ақида*ларидан узоқ бўлишлари учун уни халқ орасида эълон қилдирган.

А.Б.ал-И. ушбу китобида қуйидаги ўнта *ақида*вий масалани ёритиб берган:

Шубҳасиз, бандалар феълини яратувчи, Аллоҳдир. Уларнинг феъллари ал-

лоҳнинг қазоси ва машиати (хоҳиши) орқали пайдо бўлади.

Аллоҳ азалий Холиқдир (яратувчи). Унинг илми ва сифатлари азалийдир. Бу сифатлар на Аллоҳнинг ўзи ва на бошқасидир.

Идрок ва иҳота қилмасдан Аллоҳни охиратда кўриб бўлмайди. Аммо Аллоҳ (руият) уни кўришни истаганга истаган шаклда ўз жамолини лутф қилади.

Қуръон Аллоҳнинг *каломи* бўлиб, у махлуқ (яратилган) ҳам эмас ва *муҳдас* (кейин пайдо бўлган) ҳам эмас.

Катта гуноҳ содир этган мўъминлар ҳолати Аллоҳнинг машиатидир (хоҳишидадир). Аллоҳ истаса, ўз лутфи б-н уларни кечиради, хоҳласа, адолати б-н уларни гуноҳларига яраша жазога тортади. Ўз жазосини олган ҳар қандай мўъмин охир-оқибат жаннатга киради.

Бандалар учун фойдали (аслаҳ) ёки фойдасиз бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ истаган ишни истаган шаклда қилишга қодирдир. Аллоҳ ўз ишига жавобгар эмас, бандалар эса жавобгардир.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг катта гуноҳ қилган мўъминларни ўз шафоатларига олишлари ҳақдир.

Қабр азоби ҳақдир.

Аллоҳ, албатта, ўз бандаларининг дуоларини қабул қилади ва бандaнинг дуосида ҳикмат ва фойда бордир.

Ҳар қандай қадар (тақдир), хоҳ у хайрли бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, Аллоҳдандир (яъни, инсонларнинг яхши ёки ёмон бўлган барча феълларини тақдир қилган Аллоҳдир. *Мотуридийя ақидаси*га кўра, банда феълининг холиқи (яратувчи) Аллоҳдир, фоили (бажарувчиси) эса бандадир.

Ал-Ҳасирийнинг таъкидлашича, ушбу ўнта масала ўша даврда Самарқанд *ҳанафий*ларининг асосий эътиқодий қоидалари сифатида эътироф этилган ва уларга ишонмаганларни «соҳиб аш-шарр вал-бидъа» (бидъат ва гуноҳ эгалари) деб ҳисоблаганлар. Лекин А.Б.ал-И. даврида унинг ушбу асари *аҳли сунна вал-жамоа* уламолари орасида асосий манба сифатида аҳамиятини сақлаб қола олмаган. Чунки унинг замондоши Абу Мансур ал-Мотуридий юқоридаги ўнта масалани кенгроқ тарзда ва б. эътиқодий масалаларни *«Китāб ат-тавҳид»* асарида ёритган.

Ад.: С. Оқилов. *Абу-л-Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти.* – Т.: «Муҳаррир», 2009; С. Оқилов. *Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017; Ибн Закариё Яҳё ибн Исҳоқ. *Шарҳ жумал усўл ад-дин ли-Абӣ Салама ас-Самарқандӣ.* – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Раис ал-куттоб. Инв. рақам 690; Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий. *Табсира ал-адилла фӣ усўл ад-дин.* – Дамашқ: 1990–1993; Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳасирий. *Ал-Ҳавӣ фи-л-фатавӣ.* – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Ҳаким ўғли Али Пошо. Инв. рақам 402.

Саидмухтор Оқилов

АБУ БАКР АЛ-ИШТИХОНИЙ

أبو بكر الإشتخاني

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матто ал-Иштихоний (293/906 – Иштихон – 381/991)

Ровий

Абу Бакр ал-Иштихоний ниҳоятда кучли билим, юксак маънавият, *фиқҳ* илми борасида кенг тафаккурга ва ўз замонасининг таниқли ҳадис *ровий*ларидан бўлган.

А.Б.ал-И. Имом ал-Бухорийнинг *«Ал-Жāмиъ ас-саҳӣҳ»* ҳадислар тўпламини мукаммал ўрганиб, ундан ривоят қилиш ва дарс беришга ижозат олган.

Алломадан Абу Комил ал-Басрий, Абу Саъд ал-Идрисий, Али ибн Сухтам ас-Самарқандий ва *фақиҳ* Абу Наср ад-Довудий каби бир қанча олимлар ҳадис ўрганганлар.

Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Жазарийнинг *«Лубāб фӣ таҳзӣб ал-ансāб»* китобида келтирилишича, аллома Абу Бакр ал-Иштихоний 381/991 й. ражаб ойида 87 ёшида Иштихонда вафот этган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* XVI, 521; Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад аш-Шайбоний ал-Жазарий. *Лубāб фй таҳзйб ал-ансāб.* 63; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* I, 163; Ёқут. *Муъжам.* I, 370; Й. Исаев, А. Аббосов. *Иштихоний алломалар.* – Самарқанд: «Munis design group», 2016. 20; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 159.

Йўлдошхон Исаев

АБУ БАКР АЛ-КАЛОБОДИЙ

أبو بكر الكلاباذي

Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Яъқуб ал-Калободий (?, Калобод – 380/990, ?)

Фақиҳ, мутакаллим ва сўфий

Абу Бакр ал-Калободий Бухоро яқинидаги Калобод маҳалласида таваллуд топган. Гарчанд ёшлик йиллари, умуман, ҳаёти ҳақида жуда кам ёзилган бўлса-да, устозлари ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, А.Б.ал-К. *фиқҳ* бўйича таълимни шайх Муҳаммад ибн Фазлдан, *калом* илмида эса Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорийдан сабоқ олган. Шунингдек, А.Б.ал-К.нинг бир муддат Мовароуннаҳрда қозилик мансабида фаолият кўрсатгани, *тариқат* ва *сўфийлик* илмларини таниқли шайх Қосим Форисдан олгани ҳақида ҳам манбаларда зикр қилинади. А.Б.ал-К. вафот этган санани эътиборга олсак, олимнинг ҳаёти ва фаолияти, асосан, 10-а.га, яъни юртимизда илм-фан ва маданият юксак поғонага кўтарилган даврга тўғри келади. А.Б.ал-К. кўп ҳадисларни ёд билган *муҳаддис* сифатида шуҳрат қозонган. Баъзи олимларнинг ёзишича, А.Б.ал-К. юз мингдан кўпроқ ҳадисни ёд билган. Шу боисдан бўлса керак, таниқли араб олими аз-Зириклийнинг *«Ал-Аълāм»* асарида А.Б.ал-К.га «мин ҳуффози-л-ҳадис» (ҳадис ҳофизларидан), деб таъриф берилган. А.Б.ал-К. шунингдек, ўзига хос усулий олим, *тасаввуф* тарихининг беназир тадқиқотчиси сифатида машҳур бўлган.

Ас.: *«Баҳр ал-фавāид»* («Фойдали илмлар денгизи»), бу асар *«Маъāнй ал-ахбāр»* («Хабар (ҳадис)ларнинг маънолари») номи б-н машҳур. Мазкур асарда пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг одоб-ахлоқ ва тарбиявий масалаларга оид 592 ҳадиси мухтасар шарҳлари б-н бирга келтирилади. Чунончи, баъзи муаллифларнинг қайд этишича, А.Б.ал-К. Имом ал-Бухорийнинг *«Ал-Жāмиъ ас-саҳйҳ»* асарига ҳам шарҳ ёзган.

«Ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли мазҳабининг таърифи») асари *тасаввуф*га бағишланган ва араб тилида ёзилган дастлабки манбалардан бири ҳисобланиб, илмий адабиётларда *«Ат-Таъарруф»* («Танишиш») номи б-н машҳур. Асарнинг мазмун-моҳиятига кўра, уни шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин. Улар: 1. *Тасаввуф*нинг пайдо бўлиш тарихи, унинг таърифи, *тасаввуф* илмига оид атамалар шарҳи, унинг йирик намояндалари ҳақидаги маълумотлар. 2. *Тариқат* ва *шариат* аҳкомларининг ўзаро уйғунлиги, *тасаввуф*нинг исломий негизлари баёни. 3. *Сўфийлик* ҳолатлари, *тариқат* талаблари, мақомотлар ҳақидаги тушунчалар шарҳи. Асарнинг қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида 3154/V рақами остида сақланади. Қўлёзма колофонида битилган маълумотга кўра, ушбу асар 415/1025 й.да кўчирилган бўлиб, хаттот исми-шарифи кўрсатилмаган.

А.Б.ал-К. асарига бағишлаб бир қанча шарҳлар ҳам битилган. Шайхул-ислом Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий ал-Ҳиравий, Қози Алоуддин Али ибн Исмоил ат-Табризий, Мулло Муҳаммад Олим аш-Шоший каби олимлар ушбу асарга бағишлаб шарҳ битганлар. Таниқли олим Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлийнинг (ваф. 1042 й.) форсча *«Нур ул-муридийн»* номли шарҳи *«Ат-Таъарруф»*га ёзилган кўплаб шарҳлар ичида энг қимматлиси ҳисобланади.

Ад.: Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 2005. I, 419; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Байрут: «Дор ал-ъилм», 2002. V, 295; У. Уватов.

Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. – Т.: «Маънавият», 2010. 146; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: 2016. 165–166.

Комилжон Раҳимов

АБУ БАКР МАВОЗИНИЙ
أبو بكر موازيني
Сўфий шайх

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Шайх Абу-л-Ҳусайн Сирвонийнинг устози. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳақидаги алоҳида боб киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Х/Х; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ БАКР АЛ-МИСРИЙ
أبو بكر المصري
Абу Бакр Муҳаммад
ибн Иброҳим ал-Мисрий
(? – 956)
Сўфий шайх

*«Насойим ул-муҳаббат»*да тилга олинган *тасаввуф* шайхи. Жунайд ал-Бағдодий, Абу-л-Ҳусайн Нурий, Абу Али Котиб ал-Мисрий, Абу-л-Ҳусайн ас-Сирвоний Сағир, Али ибн Бундор Сўфий ас-Сайрафийларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абу Бакр ад-Дуққий ва ал-Қарофийнинг устози. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Х/Х; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ БАКР МУҲАММАД АЛ-МАДАНИЙ
أبو بكر محمد المدني
(қ. ИБН ШИҲОБ аз-ЗУҲРИЙ)

АБУ БАКР МУҲАММАД АЛ-ХАРҚОНИЙ
أبو بكر محمد الخرقاني
(қ. ал-ХАРҚОНИЙ, Абу Бакр Муҳаммад)

АБУ БАКР МУҲАММАД АШ-ШОШИЙ
أبو بكر محمد الشاشي
(қ. аш-ШОШИЙ, Абу Бакр)

АБУ БАКР АН-НАРШАХИЙ
أبو بكر النرشخي
(қ. ан-НАРШАХИЙ, Абу Бакр)

АБУ БАКР АР-РАЗМОЗИЙ
أبو بكر الرزمازي
Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Жобир ибн Қарқон ар-Размозий ас-Суғдий
(? – 377/987 ёки 379/989, ?)
Муҳаддис ва ровий

Ар-Размозий нисбаси Иштихонга қарашли қишлоқлардан бири бўлган «Размоз»дан ясалган. Қишлоқ Иштихон ва Кушония оралиғида жойлашган. Самарқанд б-н оралиғи етти фарсах масофани ташкил этган.

Абу Бакр ар-Размозий асосан, ҳадисларни Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шоший, Абу Наъим Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Адий Астарабозий ва Зоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Ҳусайб ас-Суғдий каби бир қанча *муҳаддис*лардан ривоят қилган. Ўз навбатида, А.Б.ар-Р.дан ўз даврининг етук алломалари – ҳофиз Абу Саъд ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ва Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шоҳинийлар ҳам ҳадис тинглаганлар ва ривоят қилганлар.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансоб.* – Байрут. «Дор ал-фикр», 1998. VI, 122; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор ихё ат-турос», 1979. V, 454; Й. Исаев, А. Аббосов. *Иштихоний алломалар.* – Самарқанд: «Munis design group», 2016. 67; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 292.

АБУ БАКР АР-РОЗИЙ
أبو بكر الرازي
(қ. ал-ЖАССОС, Абу Бакр Аҳмад ибн Али)

АБУ БАКР АР-РОЗИЙ
أبو بكر الرازي

(қ. ар-РОЗИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё)

АБУ БАКР АС-САЙДАЛОНИЙ
أبو بكر الصيدلاني
Сўфий шайх

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Форс ўлкасида туғилиб, Нишопурда вафот этган. Шиблий ал-Бағдодийнинг яқин суҳбатдоши. Хилват ва узлатга кўп эътибор қаратган, машҳурликни офат, деб билган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1342; Абдурраҳмон Жомий. *Нафаҳот ул-унс.* – Теҳрон: 1337; Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X/X; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ БАКР АС-САМАРҚАНДИЙ
أبو بكر السمرقندي
Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямон ас-Самарқандий
(? – 881, ?)
Фақиҳ, мутакаллим, муҳаддис ва файласуф

Абу Бакр ас-Самарқандийнинг таваллуд санаси ҳақида маълумот мавжуд эмас. К. Броккельман *«Араб адабиёти тарихи»* китобида А.Б.ас-С.ни файласуф ва илоҳиётчи олим, деб таъриф берган. Аллома томонидан қуйидаги асарлар тасниф этилган: *«Ар-Радд ъала-л-каррāмиййа»* («Карромийларга раддия»), *«Китāб ал-анвāр»* («Нурлар китоби»), *«Маъāлим ад-дīн»* («Диннинг белгилари»), *«Ат-Тибб ар-рӯҳāнӣ»* («Руҳ табобати»).

Ад.: Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунӯн.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 2005. II, 172; Исмоил Пошо ал-Бағдодий. *Ҳадиййа ал-ъāрифӣн.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 1951. I, 452; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 2009. XII, 120; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 313.

АБУ БАКР АС-САРАХСИЙ
أبو بكر السرخسي
Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий
(1009, Сарахс – ?)
Мутакаллим, фақиҳ ва қози

Абу Бакр ас-Сарахсий Мовароуннаҳр ҳудудидаги Сарахс ш.часида таваллуд топган. «Шамсул-аимма» – «имомлар қуёши», деб аталган А.Б.ас-С. *мутакаллим*, *фақиҳ*, баъзи манбаларга кўра, қозилик фаолияти б-н ҳам шуғулланган ва халқ ичида одиллиги, ўткир зеҳни, парҳезкорлиги, матонати б-н ҳурмат қозонган.

Аввал ўз ўлкасидаги кўзга кўринган олимлардан таҳсил олган А.Б.ас-С. вояга етгач, Бухорога таълим олиш у-н боради. У ерда Абдулазиз ал-Ҳалвоний, Абу-л-Ҳусайн ас-Суғдий, Абу Бакр ал-Воситий каби алломалардан илм ўрганади. Ўзининг эсдаликларида ёзишича, машҳур *мужтаҳид*лардан ҳисобланган устози Абдулазиз ал-Ҳалвоний унинг ҳаётида катта из қолдирган. Бухородаги таълимини якунлагач, у мамлакатнинг шарқий қисми – Фарғонага келиб, шу ерда илм тарқатиш б-н шуғулланади.

А.Б.ас-С. Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг *«Мухтасар»* ва Муҳаммад ибн Ҳасаннинг *«Касб»* асарига битган шарҳи бор. Шунингдек, унинг кўзга кўринган ҳамда муаллифнинг бутун мусулмон оламида шуҳрат топишига сабаб бўлган *«Усӯл»*, *«Ал-Мабсӯт»* ва *«Шарҳ ас-сийар ал-кабӣр»* асарлари мавжуд. *«Шарҳ алжāмиъ ал-кабӣр»*, *«Ашрāт ас-саъа»*, *«Ал-Фавāид ал-фиққиййа»* номли асарлар ҳам А.Б.ас-С.га нисбат берилган.

Тарихда Мовароуннаҳр ҳудудида *усул* – мусулмон қонуншунослигига оид кўплаб манбалар яратилган. А.Б.ас-С.нинг *«Усӯл»*и ҳам шулар жумласидандир. Асар муқаддимасида берилган маълумотга

кўра, у 1086 й.нинг шаввол ойида ёзила бошланган. А.Б.ас-С. мазкур асарида Муҳаммад ибн Ҳасаннинг *усул*га оид қоидаларини ўрганган, тадқиқ қилган ҳамда баъзи ҳолларда маҳаллий урф-одат нормаларини ҳам уларнинг таркибига киритган. Ушбу китоб мусулмон оламида мовароуннаҳрлик яна бир олим Али ибн Муҳаммад ал-Паздавийнинг *«Усўл»*и б-н бир қаторда жуда катта аҳамият касб этган. *Усўл*га оид бирор масалада «икки шайх иттифоқ қилганлар» – дейилганда, А.Б.ас-С. ҳамда ал-Паздавийлар назарда тутилган.

А.Б.ас-С.нинг *фиқҳ*га оид *«Ал-Мабсўт»* асарини унинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан энг салмоқли китоби, дейиш мумкин. Аслини олганда, Ислом тарихида ушбу ном б-н бир нечта асарлар битилган. Жумладан, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий, Абдулазиз ал-Ҳалвоний, Алоуддин ал-Исфижобий, Абу Жаъфар ат-Тусий каби олимларнинг *фиқҳ*га тегишли *«Мабсўт»* номли асар ёзганлари маълум. Шундай бўлса-да, *фиқҳ* тарихида *«Ал-Мабсўт»* дейилганда, аввало А.Б.ас-С.нинг асари назарда тутилган. Шу сабабли бўлса керак, аллома *«Соҳиб ал-Мабсўт»* номи б-н ҳам машҳур бўлган. Ушбу китоб ҳақида Иброҳим ибн Али ат-Тарсусий (ваф. 1357 й.) «Ас-Сарахсийнинг «*Мабсўт*»и шундай бир китобки, унга зид бўлган бошқа *фиқҳий* қоидага амал қилинмайди, унгагина ишонилади, унинг асосидагина *фатво* чиқарилиб, унга асосан таъвил қилинади», деб ёзган. Ушбу асар то 19-а. гача *ҳанафий*лик *фуруъ*нинг асосий манбаи бўлиб келган.

Шу сабабли ҳам унинг қўлёзмалари кенг тарқалган. Жумладан, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тининг нодир манбалар фондида *«Ал-Мабсўт»* асарининг турли асрларда кўчирилган саккизта қўлёзма нусхаси сақланмоқда.

Маълумотларга кўра, А.Б.ас-С. *«Шарҳ ас-сийар ал-кабўр»* асарининг «Боб аш-шурут»гача бўлган қисмини тутқунликда – ўта оғир шароитларда таълиф этган.

Ушбу асар *ҳанафий фиқҳ* илми асосчиларидан бири, Ислом халқаро ҳуқуқининг шаклланишида катта роль ўйнаган олим Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг *«Ас-Сийар ал-кабўр»* асари шарҳидан иборат. Ушбу асар 1825 й. Европада нашр қилингач, Ғарб олимлари ҳам Ислом халқаро ҳуқуқи масалаларига қизиқа бошлаган ва А.Б.ас-С.нинг илмий мақомини эътироф этганлар. Ушбу асар 1917 й. тўрт жилдда Ҳиндистоннинг Ҳайдоробод ш.да ҳам нашр этилган.

А.Б.ас-С.нинг Абу Умар ал-Пойкандий, Абу Ҳафс аз-Зандаромаший ал-Марғиноний, Абдулазиз ал-Ўзгандий, Бурҳонул-аимма Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳасирий, Рукнуддин Масъуд каби кўплаб шогирдлари устозининг ишини давом эттирганлар.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансоб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. II, 248; Муҳаммад Сиддиқхон ал-Қаннужий. *Абжад ал-ъулўм.* – Дамашқ: 1978. III, 117; *Юртимиз алломалари.* – Т.: «NIHOL», 2014. 29–34; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 350–351.

Абдумалик Тўйчибоев

АБУ БАКР АС-СИДДИҚ
أبو بكر الصديق

Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Куҳофа Усмон ибн Омир ал-Қураший ат-Таймий (?, Макка – 13/634, Мадина)

Саҳоба, хулафои рошидийннинг биринчиси (632–634)

Бани Тайм қабиласидан. Туғилган санаси ихтилофли бўлиб, *Фил воқеаси*дан икки, икки ярим, икки йилу тўрт ой, уч йил ўтгандан сўнг туғилган, деган қавллар бор. Онаси – куняси «Уммул-Хайр» бўлган Салма бинт Сахр ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Таймдир. У Макка даврида, Пайғамбар (с.а.в.) Арқам ибн

Абу-л-Арқамнинг уйида бўлган вақт Исломни қабул қилган. Отаси – куняси «Абу Куҳофа» бўлган Усмон ибн Омир ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Таймдир. *Макка фатҳи*дан (8/630 й.) сўнг, ўғли Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) сабаб мусулмон бўлган. Ота-онаси мансуб бўлган *Тайм қабиласи*нинг насли Мурра ибн Каъбда Пайғамбар (с.а.в.) насаби б-н бирлашади. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан икки ёки уч ёш кичик бўлган А.Б.ас-С. манбаларда исмидан кўра кўпроқ «Атийқ» лақаби б-н зикр қилинган. Бир ривоятда гўзал, насл-насабли, эски, озод каби маъноларни ифодаловчи бу лақаб унга онаси томонидан берилгани айтилса, бошқасида яхшилик қилгани, юзи ва хулқи гўзал бўлгани учун ушбу лақаб б-н аталгани зикр қилинади. Яна унга бу лақабни Пайғамбар (с.а.в.) берганлари ҳам айтилган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг «Сен Аллоҳнинг жаҳаннамдан озод қилинган бандасисан», деган илтифотлари сабаб мазкур лақаб б-н атала бошлагани ҳам келтирилган.

А.Б.ас-С. «Аввоҳ» лақаби б-н ҳам чақирилган. «Кўп оҳ тортувчи» деган маънони англатувчи мазкур лақаб унга ўта тақводор бўлгани учун берилган.

Жоҳилият даврида Абдулкаъба бўлган исми мусулмон бўлганидан кейин Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан Абдуллоҳ деб ўзгартирилгани зикр қилинган. Бойлигини Аллоҳ йўлида сарфлаб, ўзи эски кийимларда юргани боис «Зул-ҳилол» лақаби б-н ҳам аталган. Бироқ унинг лақаблари ичида энг машҳури бу – «ас-Сиддиқ»дир. Баъзи манбаларда *жоҳилият* даврида «ас-Сиддиқ» лақабини олган дейилса, бошқаларида Исломга кирганидан сўнг берилган «ростгўй, тасдиқловчи» маъноларини ифодаловчи бу лақаб А.Б.ас-С.га *меърож воқеаси* сабаб, *ғайб* б-н боғлиқ хабарларни ҳеч иккиланмай қабул қилгани учун шахсан Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан берилгани ва Ислом манбаларида у ушбу ном б-н машҳур бўлгани айтилган. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан сўнг, давлат бошқарувини қўлга олгани учун «Халифату Расулиллаҳ» («Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг халифаси») унвони б-н атала бошлаган.

А.Б.ас-С.нинг болалиги, ёшлиги ва мусулмон бўлишидан аввалги ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар йўқ. Фақатгина либос, матолар тижорати б-н шуғулланган, Исломни қабул қилганида 40000 дирҳам сармояси бўлгани, уни дин йўлида сарф қилгани, тижорат карвонларида Шом ва Яман мамлакатларига сафарга чиққани маълум. Пайғамбар (с.а.в.) йигирма беш ёшларида тижорат б-н Шомга борган вақтларида ушбу сафарда А.Б.ас-С. ҳам иштирок этгани ривоят қилинади.

Унинг қандай Исломни қабул қилгани ҳақида манбаларда маълумотлар жуда оз. У ҳали мусулмон бўлмай туриб ўзига маст қилувчи ичимликларни ҳаром қилгани, ҳеч қачон бутларга сажда қилмагани ҳақидаги ривоятлар, Имом Бухорий ва Муслим тўпламларида келтирилган.

У Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбар бўлганларидан хабар топиши б-н Ул Зотнинг ҳузурларига боргани ва илк чақириқдаёқ ҳеч иккиланмай Исломни қабул қилгани айтилади. Шунингдек, А.Б.ас-С.нинг Исломни илк қабул қилган шахс бўлган ёки бўлмагани ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Пайғамбар (с.а.в.) унинг устунлиги ҳақида сўзлар эканлар, Ул Зотни барча ёлғончига чиқарган вақтда фақатгина А.Б.ас-С. ишонгани ва Ислом учун барча нарсасини фидо этганини айтганлари унинг илк мусулмонлардан эканини кўрсатади. Манбаларда яна А.Б.ас-С. Шомга қилинган сафар чоғида роҳиб Буҳайро, роҳиб Настуро ва Яндаги олим б-н учрашгани ҳамда унинг Шомда кўрган туши Пайғамбар (с.а.в.) рисолатларига *иймон* келтиришга ҳозирлик бўлгани ҳақида ривоятлар мавжуд.

А.Б.ас-С. *Қурайш қабиласи*нинг пешқадам ва нуфузли шахсларидан бири бўлгани, Макка даврида Ислом динининг ёйилишида катта таъсир қилган. Пай-

ғамбар (с.а.в.) маккаликларни Исломга яширин даъват этган чоғларида *Қурайш*нинг обрўли шахсларидан бир нечтаси А.Б.ас-С. воситасида мусулмон бўлганлар. Улар орасида *ашараи мубашшара*дан Усмон ибн Аффон, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф, Абу Убайда ибн Жарроҳ (р.а.)лардан ташқари, Усмон ибн Мазъун, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Салама ал-Махзумий, Холид ибн Саъид ибн Ос, Убайда ибн Ҳорис, Хаббоб ибн Арат, Арқам ибн Абу-л-Арқам, Билол Ҳабаший, Суҳайб Румий (р.а.) каби обрўли кишилар бўлган. А.Б.ас-С. Макка даврида *қурайш*лик *мушрик*ларнинг қамаллари остида азобланган мусулмон қулларни эгаларидан катта маблағ эвазига сотиб олиб, озод қилган. Қутқарилган бу *саҳоба*лар орасида Билол Ҳабаший, онаси Ҳамома, Омир ибн Фуҳайра, Убайс, Умму Убайс, Абу Фукайҳа, Зиннира, Наҳдия ва Лубайна (р.а.) ларни кўрсатиш мумкин. Сармоясини бу йўл б-н сарфлаётганини кўрган отаси кучсиз ва заиф қуллар ўрнига куч-қувватга тўла кишиларни сотиб олишни тавсия этганида, А.Б.ас-С. улардан фойдаланишни эмас, балки озод этиб, Аллоҳ розилигига эришишни хоҳлаётганини айтган (*«Лайл» сураси*, 5–6; 19–21-оятлар). Пайғамбар (с.а.в.) Арқам ибн Абу-л-Арқам уйида бўлган вақтларида А.Б.ас-С. нинг қистови б-н *Масжид ал-Ҳарам*га чиқадилар. Йўлда улар Утба ибн Рабиъа томонидан тазйиққа учраб А.Б.ас-С. ўлар даражада калтакланади. Ҳушига келгач онасидан Пайғамбар (с.а.в.) яширинган Арқамнинг уйига олиб боришини сўрайди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг соғ-саломат эканларини кўрганидан сўнг хавотирлари тарқаб, йиғлаган ҳолда Ул Зотни ўпади. Сўнг Расули акрам (с.а.в.)дан унга ёрдам берган онаси ҳаққига ҳидоятга келишини тилаб дуо қилишларини сўрайди. Пайғамбар (с.а.в.) унинг бу самимий орзуси рўёбга чиқиши учун дуо қиладилар ва онаси мусулмон бўлади.

Пайғамбар (с.а.в.) рисолатининг бешинчи йилида (615–616 й.) *қурайш*ликларнинг мусулмонларга нисбатан зулми ортиши оқибатида А.Б.ас-С. тоғасининг ўғли Ҳорис ибн Холид б-н Ҳабашистонга *ҳижрат* қилишга мажбур бўлади. Йўлда Абду Манот ибн Кинона уруғидан бўлган дўсти Ибн ад-Дуғунна б-н учрашиб қолади. У *қурайш*ликлар б-н келишиб, А.Б.ас-С.нинг динини ҳеч кимга ошкор қилмаслик шарти б-н Маккада қолишини таъминлайди. Бироқ А.Б.ас-С. узоқ вақт яширин ибодат қилиш ва Қуръонни овозсиз ўқишга чидай олмайди. Маккаликлар Ибн ад-Дуғуннага шикоят қиладилар. Ибн ад-Дуғунна А.Б.ас-С.га уни ҳимоя қила олмаслигини билдирганида, у: «Мен сенинг кафиллигингни ўзингга қайтариб бераман ва Аллоҳнинг кафиллигига рози бўламан» деб, Маккада қолади.

Мусулмонлар Мадинага *ҳижрат* қилишни бошлагач, А.Б.ас-С. ҳам Пайғамбар (с.а.в.)дан *ҳижрат* учун рухсат сўрайди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга шошилмасликни, Аллоҳ унга *ҳижрат* учун бир ҳамроҳ беришини айтадилар. А.Б.ас-С. бу ҳамроҳдан мурод Пайғамбар (с.а.в.) эканларини англаб сафарга тараддуд кўра бошлайди. Бу суҳбатдан тўрт ой ўтгач, *қурайш*ликлар Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ўлдиришга қарор қиладилар. Бундан хабар топган Пайғамбар (с.а.в.) А.Б.ас-С.нинг уйига келиб, Мадинага *ҳижрат* қилиш вақти келганини айтадилар. Ўша кеча *мушрик*лар томонидан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг уйлари қуршаб олинади. Ул Зот ётоқларида Али (р.а.)ни қолдириб, ўзлари йўлга чиқадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) А.Б.ас-С. б-н бирга *Савр ғори*га яширинадилар. *Мушрик*лар уларни ғорнинг оғзигача таъқиб қилишларини билган Расулуллоҳ (с.а.в.) бу ҳолдан ташвишга тушган А.Б.ас-С.га улар зарар етказа олмасликларини айтиб, тасалли берадилар (қ. *«Тавба» сураси*, 40-оят). Бу воқеа А.Б.ас-С.нинг мумтоз адабиётда «Ёри ғор» дея васф қилинишига сабаб бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) Макка

даврида А.Б.ас-С. б-н Умар (р.а.)лар орасида қардошлик боғини боғлаган бўлсалар, Мадина даврида у б-н Хорижа ибн Зайд орасида қардошлик ипини боғлайдилар. А.Б.ас-С. Хорижа ибн Зайднинг ўзаро маблағларини қўшиш таклифини рад қилиб, *ҳижрат* вақтида ўзи б-н олган маблағдан қолган 5000 дирҳам б-н Мадинада тижорат ишини йўлга қўяди. Бироқ шаҳар ҳавоси унинг соғлиғига таъсир қилиб, иситма касалига дучор бўлади. А.Б.ас-С. Маккада қолган ўғли Абдуллоҳга мактуб юборади. Унда Маккада қолган оиласини Мадинага олиб келиши айтилган бўлиб, Абдуллоҳ сингиллари Асмо ва Ойша, онаси Умму Румон ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)нинг завжалари Савдо б-н қизлари Фотима ва Умму Кулсумларни олиб, Мадинага *ҳижрат* қиладилар.

*Ҳижрат*дан сўнг А.Б.ас-С. масжид қурилиши учун Расулуллоҳ (с.а.в.)га маъқул бўлган ерни сотиб олиб, Мадинадаги фаолиятларини бошлайди. Макка даврида бўлгани каби, Мадина даврида ҳам барча юришларда ва 9/631 й.да *ҳаж* амири этиб тайинланган кунларидан ташқари ҳамма вақт Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларидан айрилмаган. Барча жангларда, *Ҳудайбия сулҳи*, *Умрат ал-қазо* (Қазо қилинган умра), *Вадо ҳажи* пайтлари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларида бўлган. Расулуллоҳ (с.а.в.) *Бадр ғазоти*га қарор қилмасларидан аввал А.Б.ас-С. б-н маслаҳат қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)га қурилган қўмондонлик қароргоҳида ёнларидан ўрин олади. Бу *ғазот*да *мушрик*ларнинг сафида бўлган ўғли Абдурраҳмон б-н жанг қилишига Пайғамбар (с.а.в.) изн бермайдилар. *Бадр*да асирга олинганларга қандай муомала қилиш кераклиги хусусида Пайғамбар (с.а.в.) А.Б.ас-С.нинг фикрини маъқуллайдилар. *Уҳуд*даги жангда мусулмонлар мағлубиятга учраган вақтда А.Б.ас-С. вужудини Расулуллоҳ (с.а.в.)га қалқон қилган ва ёнларидан айрилмаган бир неча *саҳоба*лардан бири бўлган.



Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) оиласининг шажараси

*Ҳижрат*нинг олтинчи йили (627 й.)да мусулмонлар *Ҳудайбия*да *қурайш*лик суворийлар б-н тўқнашадилар. Пайғамбар (с.а.в.) яна А.Б.ас-С. б-н маслаҳат қиладилар. Келишув вақтида *Қурайш* элчиси Урва ибн Масъуд мусулмонларни камситиб, таҳқирлаганида, А.Б.ас-С. унга қатъий жавоб қилган. *Ҳудайбия сулҳи* ҳақида нозил бўлган *«Фатҳ» сурас*ини энг теран англаганлардан бири сифатида А.Б.ас-С. *умра* қилмасдан Мадинага қайтиш қарорини қабул қила олмаган Умар (р.а.)га таъсир кўрсатган. Пайғамбар (с.а.в.) *ҳижрат*нинг еттинчи йили шаъбон ойида (628 й., дек.) Нажд ҳудудига юборилган қўшинга А.Б.ас-С.ни қўмондон қилиб тайинлайдилар. У *Бани Килоб* ва *Бани Фазора* қабилаларини тинчитиб, Мадинага қайтади. *Макка фатҳи*да Ислом қўшини шаҳарга кириши б-н А.Б.ас-С. тўғри отасининг олдига бориб, уни Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳузурларига олиб келади ва мусулмон бўлишини таъминлайди. А.Б.ас-С. тириклигида ота-онаси ва барча фарзандлари ҳамда набираси ҳам Исломни қабул қилган ягона *саҳоба* бўлган.

А.Б.ас-С. *Ҳунайн ғазоти* ва *Тоиф қамали*да ҳам қатнашган. *Табук ғазоти*да Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан берилган энг катта туғни кўтарган. Қўшиннинг бу *ғазот*га тайёргарлик кўриши учун бутун сармоясини Расулуллоҳ (с.а.в.) та-



сарруфларига топширади. *Ҳижрат*нинг 9/631 й.да *ҳаж*га бора олмаган Расулуллоҳ (с.а.в.) А.Б.ас-С.ни 300 *саҳоба*га *ҳаж* амири этиб тайинлайдилар. Бир йилдан сўнг эса, у Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Вадо ҳажи*га боради.

*Ҳижрат*нинг 11 й. сафар ойининг охирги ҳафтасида (632 й., май) Расулуллоҳ (с.а.в.) *саҳоба*ларига айтган нутқларида, Аллоҳ бандасига дунё б-н охират орасидан бирини танлашини айтгани ва у қул Аллоҳнинг ҳузурини танлаганини айтганлар. А.Б.ас-С. мазкур нутқда ишора қилинаётган шахс Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари эканини англаб кўз ёш тўккан. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг тинчланишини сўраб, А.Б.ас-С.нинг эшигидан ташқари ҳовлиларига очилган барча эшикларни ёпишни буюрадилар. Буни изоҳлаб, Ислом динига ундан кўра кўпроқ фойда келтирган кимса бўлмаганини, инсонлар ичидан биттагина дўст танлаш керак бўлса, А.Б.ас-С.ни танлашларини айтганлар. *Намоз*га чиқа олмайдиган ҳолда касалланганларида, *намоз*ни А.Б.ас-С. имомлигида адо қилинишига изн берганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) душанба куни ўзларини яхши ҳис қилиб бомдод *намоз*ига масжидга чиқадилар ҳамда *намоз*ни А.Б.ас-С.га иқтидо қилиб адо қилганлар. А.Б.ас-С. *намоз*дан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларида бўлиб, уйига бориб келиш учун изн сўрайди ва бир муддатдан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг вафот этганларини эшитади. Ул Зотнинг ҳужрайи саодатларига кириб, юзларини очиб, пешоналаридан ўпиб, сўнг масжидга чиқади. Пайғамбар (с.а.в.) нинг вафотларига ишонмаётган Умар (р.а.)дан тортиб, шошиб қолган барча *саҳоба*ларга ўзининг машҳур нутқини сўзлайди.

А.Б.ас-С. *ансор*ларнинг Сақифату Бани Саъидада тўпланиб, халифа тайинлаш ҳақида йиғилиш ўтказаётганларидан хабар топиб, Умар (р.а.) б-н бирга ўша ерга борган. У *ансор* ва *муҳожир*лардан биттадан амир тайинлашни истаган *саҳоба*ларга бу ишнинг тўғри эмаслиги, Ислом бирлигини сақлаш учун ягона раҳбар атрофида тўпланиш кераклигини айтади. Номзод сифатида Умар (р.а.) ва Абу Убайда ибн Жарроҳ (р.а.)ларни кўрсатади. Бироқ *саҳоба*лар унинг ўзи халифа бўлишини маъқул кўриб, *Масжид ан-Набавий*да А.Б.ас-С.га *байъат* қиладилар. А.Б.ас-С. сиёсатнинг умумий тамойилларини баён этган машҳур ваъзида мусулмонларнинг ичида ўзи энг яхшиси эмаслигини айтиб, шундай бўлса-да, уларга раҳбар этиб сайланганини, олиб борадиган ишида унга ёрдам беришларини, янглиш иш қилса уни тўғрилашларини, Аллоҳ истаган муддат ичида унга итоатда бўлишларини сўрайди.

А.Б.ас-С. халифа бўлганидан сўнг илк иши Усома ибн Зайд қўмондонлиги остида тайёрланган қўшинни сафарга юбориш бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан олдин *Муъта жанги*да шаҳид бўлганларнинг интиқомини олиш учун ҳозирланган ва Шомга юборилиши кўзланган қўшин Пайғамбар (с.а.в.) вафотлари сабабли қолдирилган эди. Диндан қайтиш воқеалари бошланганидан ташвишга тушган баъзи *саҳоба*лар А.Б.ас-С.га муртадлар Мадинага юриш қилишлари мумкинлигини маълум қилиб, Усома қў-

шинини сафарга жўнатмасликни сўрайдилар. Бошқа *саҳоба*лар эса Усоманинг ёш ва тажрибасиз, шунингдек, озод қилинган қулнинг ўғли эканини айтиб, уни алмаштириш лозимлигини таклиф қиладилар. А.Б.ас-С. бу таклиф ва эътирозларни рад қилиб *ҳижрат*нинг 11 й. рабиъул-охир ойининг биринчи куни (632 й., 26 июнь) Усома қўшинига буйруқ беради. Усома отлиқ, А.Б.ас-С. эса пиёда бир муддат юрганларидан сўнг аскарларга қарата ваъз қилади. Уларга Аллоҳ йўлида кофирлар б-н жанг қилиш, хоинлик қилмасликни, сўзида туришни, ўлжа молларга зарар етказмасликни, қўрқиб ортга чекинмасликни, фисқ-фасод чиқармасликни, буйруқларга итоат этишни, болалар, аёллар ва қарияларни ўлдирмасликни, мевали дарахтларни кесмасликни, ейиш эҳтиёжидан ташқари қўй, қора мол ва туяларни бўғизламасликни, ибодатхона ёки черковларга чекинган шахсларга тегинмасликни, уларга икром қилинган егуликларни Аллоҳ номини айтиб ейишликни таъкидлайди. Душман б-н муросага келган қўшин баъзи исёнкор қабилаларни тартибга чақириб, Мадинага қайтади.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хасталанишлари пайғамбарлик даъвосини чиқарган ёлғончиларга қўл кела бошлаган эди. Ул Зотнинг вафотлари бу ҳаракатларнинг исён даражасига етишига олиб кела бошлайди. Баъзи қабилалар *закот* беришдан воз кечганини эълон қиладилар. Арабистон яриморолининг турли ерларидаги Исломга янги кирган қабилалар Мадина б-н алоқаларини узадилар. Улар ичидан каззоб пайғамбарлар чиқа бошлайди. Пайғамбарликни даъво қилувчи ва *закот* беришни истамаганлар б-н кураш масаласида мусулмонлар орасида турли фикрлар ўртага чиқади. Умар (р.а.) «Ла илаҳа иллаллоҳ» деганлар б-н курашиш тўғри эмаслигини айтса, баъзилар шу йил *закот* тўплашдан воз кечишни таклиф қиладилар. Қандай қилиб бўлса-да, улар б-н курашиш қарорида бўлган А.Б.ас-С., аввал Мадинадаги *саҳоба*ларнинг иккиланишларига чек қўяди. У *намоз* б-н *закот*ни бир-биридан айри тушуниш тўғри эмаслиги, уларни айри ибодат сифатида кўришни истаганлар б-н курашиш шарт эканини маълум қилади. У дин мукаммал қилиб берилгани, унинг баъзи асослари тарк этилишига изн бермаслигини айтиб, Умар (р.а.)дан ёрдам сўрайди. Бу қатъият б-н барча иккиланишларни кетказган А.Б.ас-С. *ҳижрат*нинг 11 й. жумодул-аввал (ёки жумодул-охир) ойида (632 й., авг.-сент.) *Фазора қабиласи*дан *закот* йиғиш ва Мадинага ҳужум қилишни режалаштираётган Хорижа ибн Ҳисн ал-Фазорийнинг устига юриш учун 100 кишилик суворийлардан иборат қўшин б-н сафарга чиқади. Узоқ давом этмаган курашда исён бостирилади. Бир неча кун кутилганидан сўнг, Мадина ва унинг атрофидаги қабилалардан келган ёрдамчи кучлар б-н бирлашиб пайғамбарлик даъвосида бўлган Тулайҳа ибн Хувайлидга қарши юриш бошлайди. Бироқ Умар (р.а.) ва Али (р.а.)нинг қатъий талаблари б-н А.Б.ас-С. қўшин бошига Холид ибн Валидни қўмондон этиб тайинлайди ва Мадинага қайтади. Холид ибн Валид муртадлик ҳаракатларининг бостирилиши ҳамда Тулайҳа, Сажоҳ ва Мусайлама ал-каззобларнинг ўртадан олиб ташланишида катта хизмат кўрсатади. Натижада Араб яриморолиди катта бир фитнадан омон қолади.

А.Б.ас-С. Исломни ёйишда Пайғамбар (с.а.в.) бошлаган йўлни давом эттириб, *сосонийлар* тасарруфида бўлган Фурот дарёсининг қуйи томонидаги ҳудудларга қўшин юборишга қарор қилади. *Бакр ибн Воил қабиласи*нинг нуфузли тармоғи бўлган *шайбонийлар*нинг раиси Мусанно ибн Ҳориса Мадинага келиб, А.Б.ас-С.дан эронликлар б-н жанг қилишда қабиласига қўмондон тайинланишини сўрайди. А.Б.ас-С. Холид ибн Валидни *сосонийлар* б-н бўладиган жангга бош қўмондон

қилиб тайинлайди ва Мусаннога ёрдам беришини буюради. Холид Басра кўрфазидаги муҳим марказларни *фатҳ* қилиб, кейинчалик Шомга ўтади.

Мусулмонларнинг Византия империяси б-н ҳарбий кураши Пайғамбар (с.а.в.) даврларида *Муъта жанги*да бошланган бўлиб, *Табук ғазоти*да давом этган. Мазкур жанглардан мақсад минтақада тинчликни таъминлаш, у ерда яшаётганларга нисбатан зулм ва ҳақсизликларга барҳам бериш эди. А.Б.ас-С. ҳам ушбу мақсадда 633 й.нинг кузида ҳар бири уч минг кишидан иборат учта қўшинни Шомнинг жан. ва жануби-шарқий чегараларига жўнатишни режалаштиради. Язид ибн Абу Суфён, Шураҳбил ибн Ҳасана, Амр ибн Ос, Абу Убайда ибн Жарроҳ (р.а.)лар қўмондонлиги остида кўплаб ерлар *фатҳ* қилинади. Шунингдек, халифадан буйруқ олган Холид ибн Валид Дамашқ ш. яқинига келиб, Маржироҳит қароргоҳидаги Византия аскарларини мағлуб қилади (13 й., 18 сафар/634 й., 23 апр.). Кейинчалик Дамашқнинг жанубига юзланиб, бошқа қўмондонлар б-н бирлашади ва Бусро ш.ни *фатҳ* қилади. Византияликларга қарши Шомда бўлган *Ажнадайн жанги* (13 й., 28 жумодул-аввал/634 й., 30 июль)дан сўнг, Фаластин мусулмонлар тасарруфига ўтади. А.Б.ас-С. Холид ибн Валид бош қўмондонлиги остида бўлиб ўтган *Ажнадайн жанги* натижаларидан хабардор бўлганидан сўнг, *ҳижрат*нинг 13 й. 22 жумодул-охир ойи, сешанба (баъзи манбаларда душанба) куни 63 ёшида иситма касалидан вафот этади. Унинг халифалиги 2 йил, 3 ой, 10 кун давом этган.

А.Б.ас-С. вафотидан олдин жумодул-охир ойининг саккизинчи куни хасталанади. Абдурраҳмон ибн Абу Бакр (р.а.) ривоятида хабар берилишича, салқин кунда ҳаммом қилган, ўн беш кун иситмалаб ётган, жамоат *намоз*ига чиқа олмаган. Имомликни Умар (р.а.)га буюрган. Шунингдек, у хаста ҳолида Абдурраҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон, Саъид ибн Зайд, Усайд ибн Ҳузайр ва б. *саҳоба*ларни якка-якка чақириб, улар б-н халифалик масаласини маслаҳат қилган. Ҳамманинг фикри Умар (р.а.) номзодида тўхтаган. А.Б.ас-С. Умар (р.а.)ни тавсия қилиб, Усмон (р.а.)га қуйидаги «Аҳднома»ни ёздирган:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм»

Ушбу – Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг халифаси Абу Бакрнинг бу дунёдаги охирги ва охиратдаги аввалги пайти, кофир мўъмин бўладиган, фожир таслим бўладиган пайтда берган аҳдномасидир. Мен сизларга Умар ибн ал-Хаттобни халифа қилдим. Сизлардан яхшиликни аямадим. Агар у сабр ва адолат қилса, унинг ҳақида менинг билганим шу. Агар у зулм қилса, бу улуғ ишни ўзгартириб юборса, ҳар ким қилмишига яраша жазосини тортади. Мен фақат яхшиликни ирода қилдим. Мен ғайбни билмайман. «Зулм қилганлар эса тезда қайси қайтиш жойига қайтишларини билурлар» (*«Шуъаро» сураси*, 227-оят).

Сўнгра хаста ҳолдаги А.Б.ас-С.ни кўтариб, одамларнинг олдига олиб чиқадилар. У киши уларга аҳдномани ўқиб беради ва: «Сизларга ўзимдан кейин қолдирган кишимдан розимисиз? Мен сизларга қариндошимни эмас, Умарни қолдирдим. Унга қулоқ осинглар ва итоат қилинглар. Аллоҳга қасамки, мен чуқур ўйлаб, мулоҳаза қилиб, шу қарорга келдим», дейди. Одамлар: «Эшитдик, итоат қиламиз!» – дейдилар. Сўнг у, Умар (р.а.)ни олдига чорлаб, қуйидагиларни айтди:

«Мен сени ўзимдан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг *саҳоба*ларига қолдирдим.

Эй Умар! Аллоҳнинг кечки ҳаққи бор, уни кундузи қабул қилмас. Кундузги ҳаққи бор, уни кечаси қабул қилмас. Ул Зот фарз адо қилинмагунча, нафлни қабул қилмас.

Эй Умар! Билгинки, *қиёмат* куни тарозиси оғир келадиганларнинг тарозиси оғир бўлиши уларнинг ҳаққа эргашгани

учундир. Зотан, ҳақдан бошқа нарса қўйилмаган тарози оғир бўлади.

Эй Умар! Билгинки, *қиёмат* куни тарозиси енгил келганларнинг тарозиси енгил бўлиши уларнинг ботилга эргашганидандир. Зотан, ботилдан бошқа нарса қўйилмаган тарози енгил бўлади.

Эй Умар! Билгинки, енгиллик ояти шиддат ояти ила бирга, шиддат ояти енгиллик ояти ила бирга нозил бўлган. Мўъмин ҳам рағбат қилиб, ҳам қўрқиб туриши учун шундай бўлган. У Аллоҳдан ўзига номуносиб нарсани сўрайдиган даражада рағбат қилмайди. Шунингдек, икки қўли бўшашиб қоладиган даражада қўрқмайди ҳам.

Эй Умар! Билгинки, Аллоҳ дўзах аҳлини уларнинг энг ёмон амаллари ила зикр қилган. Қачон уларни эсласам, асло улардан бўлмасликни орзу қиламан. Аллоҳ жаннат аҳлини уларнинг энг яхши амаллари ила зикр қилган, чунки Аллоҳ уларнинг ёмонликларини кечиб юборган. Қачон уларни эсласам: «Уларнинг амаллари олдида менинг амалим нима бўлибди», дейман. Агар менинг васиятимни ёдлаб олган бўлсанг, ўлим туфайли ғойиб сен учун ҳозирдан маҳбуброқ бўлмасин. Сен ундан қочиб қутула олмассан».

Аммо бу Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) халифа этиб тайин қилинди, деган гап эмасди. Бу халифаликка номзод кўрсатиш эди. Кейин А.Б.ас-С.ни яна ётган жойларига олиб кирадилар.

А.Б.ас-С. қизи Ойша (р.а.)га вафот этганидан кейин маошининг қолган қисмини *байтулмол*га қайтаришини, жасадини эса, Пайғамбар (с.а.в.) қабрларининг ёнига дафн қилишларини васият қилади. Жасади хотини Асмо бинт Умайс томонидан ювилиши, ўғли Абдурраҳмон унга ёрдам қилиши ва эски кийимлари б-н кафанлашларини айтади. Вафот этгач жаноза *намоз*ини Умар (р.а.) ўқиган, жасади Умар, Усмон, Талҳа ибн Убайдуллоҳ (р.а.) ва ўғли Абдурраҳмонлар томонидан қабрга қўйилган. А.Б.ас-С. кечаси Ойша (р.а.)нинг ҳужраларига, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларига дафн қилинади. У кишининг бошлари Пайғамбар (с.а.в.) нинг елкаларига тўғрилаб қўйилган.

Манбаларда А.Б.ас-С. ўрта бўйли, қотма, сийрак соқолли, қалин сочли, оқ танли ва чўзиқ юзли тарзда тасвирланган.

А.Б.ас-С. аввал Қутайла бинт Абдулуззо исмли аёлга уйланган. Бу никоҳдан ўғли Абдуллоҳ ва қизи Асмо туғилган. Қутайла Исломни қабул қилмагани сабабли, у б-н ажрашиб, Умму Румон б-н оила қуради. Умму Румондан Абдурраҳмон исмли ўғли ва Ойша исмли қизи дунёга келган. Умму Румон вафот этганидан сўнг, Асмо бинт Умайсга уйланади ва ундан Муҳаммад исмли ўғил кўради. Вафотидан бир неча ой ўтгач, бошқа хотини Ҳабиба бинт Хорижадан Умму Кулсум исмли қизи дунёга келади.

А.Б.ас-С. Расулуллоҳ (с.а.в.)га энг яқин *саҳоба* бўлган. Қизи Ойша (р.а.)ни Расулуллоҳ (с.а.в.)га никоҳлашга доир *ҳижрат*дан аввал берилган қарори уларнинг дўстлигини янада мустаҳкамлайди. Макка даврида содир бўлган икки воқеа, унинг Қуръони карим ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг пайғамбарлигига бўлган кучли иймонини ўртага чиқарди. Булардан биринчиси *«Рум» сураси* б-н боғлиқ. Сурада румликлар мағлубиятдан сўнг уч ёки тўққиз йил ичида қайта ғолиб келишлари ҳақида хабар берилади. Қуръони каримнинг келажак ҳақидаги хабарига *иймон* келтирган А.Б.ас-С. Византиянинг *сосонийлар* давлати устидан ўн йилга қолмай ғолиб келишига Убай ибн Халаф б-н 100 та туя эвазига гаров ўйнайди. Бу воқеа 627 й.нинг дек. ойида содир бўлади. А.Б.ас-С. бу вақтда вафот этган Убай ибн Халаф авлодларидан олган 100 туяни Пайғамбар (с.а.в.) амри б-н фақирларга тарқатган.

Унинг кучли *иймон*ини кўрсатувчи иккинчи воқеа эса, *Исро мўъжизаси*дир. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан энг кўп кимни яхши кўришлари сўралганда, аввал

Ойша (р.а.), сўнгра отаси А.Б.ас-С. исмини айтар эдилар. Инсонларнинг хоссатан ўзларига қилган яхшиликларига яхшилик б-н жавоб қилганларини, А.Б.ас-С.нинг яхшиликларини эса *қиёмат* куни Аллоҳнинг ўзи беришини айтганлар. А.Б.ас-С. *жоҳилият* даврида *бут*ларга сиғинмаган, у даврнинг ҳар қандай ёмонликларидан узоқда ҳаёт кечирган. У маст қилувчи ичимлик ичмас ҳамда ичган кимса номуси ва ҳурматини йўқотишини айтар эди. *Қурайш қабиласи*дан тортиб бошқа барча араб қабилаларининг тарихини жуда яхши билар ва *ансоб*лар илмида энг яхши олим ҳисобланарди. Пайғамбар (с.а.в.) каби ахлоққа эга бўлиб, Ул Зот б-н аввалдан яқин дўстлик ришталарини боғлаган эди. Исломдан аввалги даврларда ҳам А.Б.ас-С. Муҳаммад (с.а.в.) б-н бирга бўлган вақтда ҳузур қилар, Маккадан кетганида Ул Зотни соғинар, қайтиб келганида зиёрат қилар эди.

А.Б.ас-С. Қуръони каримни, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўз ва ҳаракатларини энг яхши тушуна оладиган қобилият эгаси бўлган. Қуръони каримни ёддан билар ва жуда таъсирли тиловат қилар эди. Зеро, имомлик қилувчи шахс Қуръонни энг яхши билган ва энг гўзал ўқийдиганлар орасидан танлаб олинишини тавсия қилган Пайғамбар (с.а.в.), ўз ўринларига имомликка фақатгина А.Б.ас-С.ни лойиқ кўрганлар. А.Б.ас-С. халифалиги даврида Қуръони каримни *мусҳаф* ҳолига келтириб, Ислом динига жуда катта хизмат қилган.

Тавозеъли, мулойим, ҳассос ва хушсуҳбат шахс бўлган А.Б.ас-С. халифалиги даврида янада камтар бўлишга интилган. У ўзини мақтаганларни ёқтирмас эди. Қийин аҳволда қолганларга ёрдам берар, мусофирларга икром кўрсатар эди. Ғазаби, жасорати ва қатъиятлигининг фарқи йўқ эди. *Байъат* маросимидан кейинги ваъзларининг бирида ғазабланган вақти ўзидан узоқда бўлишни тавсия қилган эди. Ҳар доим ўзини виқорли ва оғир-вазмин тутар эди. Оз гапирар, қўмондон ва волийлардан ҳам кам гапиришни талаб қиларди. Ҳалоллиги ва тақвоси б-н машҳур бўлган. Бошқаларнинг ҳаққига изчил риоя қилар эди. Имом Аҳмад Муҳаммад ибн Сирийндан ривоят қилинган хабарда А.Б.ас-С. шубҳали таомни билмай еб, сўнг уни қусиб юборгани айтилган. Шунингдек, у халифа бўлганидан кейин зиёда бўлган молларини меҳнат туфайли эмас, мансаб туфайли кўпайган, – деб, уларни *байтулмол*га қайтарган.

А.Б.ас-С. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан 142 та ҳадис ривоят қилган. Бу ҳадисларнинг олтитаси Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимларнинг «*Саҳиҳ*»ларида, шунингдек, ўн биттаси фақат Имом ал-Бухорийда ҳамда биттаси Имом Муслимда келтирилган. Бу 142 та ҳадис Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Марвазий томонидан «*Муснад Абӣ Бакр ас-Сиддӣқ*» номи остида тўпланган. А.Б.ас-С.дан ҳадис ривоят қилган *саҳоба*лар орасида ўғиллари Абдурраҳмон ва Муҳаммад, қизлари Ойша ва Асмо ҳамда Умар, Усмон, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Зайд ибн Собит, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) ларни кўрсатиш мумкин.

А.Б.ас-С.дан кам ҳадис ривоят қилинишининг сабабини унинг ҳадис нақл қилишга эҳтиёж сезмагани, барча *саҳоба*лар Пайғамбар (с.а.в.) б-н бир даврда яшаб, Ул Зотни ўз кўзлари б-н кўрганлари ва А.Б.ас-С. халифалик даври жуда қисқа вақт давом этгани б-н изоҳлаш мумкин.

А.Б.ас-С. ва Умар (р.а.)ларга «*шайхайн*», Қуръон ва *суннат*ни жуда яхши билгани учун А.Б.ас-С.га *«шайхул-ислом»* унвони берилганини айтганлар ҳам бор. Баъзи *фақиҳ саҳоба*лар А.Б.ас-С. ва Умар (р.а.) лар иттифоқ қилган ҳукмларни бошқа *саҳоба*ларнинг фикрларидан устун қўйганлар. Агар иккилалари орасида ихтилоф бўлса, унда А.Б.ас-С.нинг фикрларини устун кўрганларини зикр қилган



Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.)нинг Масжид ан-Набавийдаги қабри



Масжид ан-Набавий. Қуббат ал-Хазро

Ибн Қаййим ал-Жавзийя, А.Б.ас-С.нинг нассга хилоф, асоси заиф ҳеч қандай *фатво* бермагани, аксинча, унинг халифалиги Пайғамбар (с.а.в.) бошқаруви б-н тамоман уйғун бўлганини айтган.

А.Б.ас-С.нинг қўмондон ва волийларга буйруқлари Ислом ва Қуръоннинг умумий асосларига суянган ҳолда берилган. Бу амрларниң уруш қонуни ва ғайри мусулмонларнинг мақомига боғлиқ бўлганлари диққатга сазовор. Шу аснода, муртадлар устига юборилган қўмондон Холид ибн Валидга душман б-н улар қўллаган қуроллар муқобилидаги яроқлар ёрдамида курашишни амр қилиши, ўзгарувчи уруш технологиясига қарамай, Ислом инсон ҳаётини ҳамма нарсадан устун қўйишини кўрсатиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ислом тарихида «халифа» таъбири илк маротаба А.Б.ас-С.га қўлланилган. *Саҳоба*лар томонидан берилган Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўринбосари маъносини англатувчи ушбу унвонга А.Б.ас-С. эътироз қилмаган. *Аҳли сунна вал-жамоа* олимлари у мусулмонларнинг энг афзали ва халифалик мақомига энг муносиб *саҳоба* бўлганига иттифоқ қилганлар.

А.Б.ас-С. ўртага келган масалаларда ўз билими ва фаросати б-н ёки йирик *саҳоба*лар маслаҳатига биноан ечим топар эди. Ўз ўрнига Умар (р.а.)ни тайинлаши ҳам ушбу маслаҳатлашувнинг натижасидир.

А.Б.ас-С. *саҳоба*лар орасида энг гўзал ваъз қилувчи хатиб ҳам бўлган. А.Б.ас-С.нинг баъзи ҳикматли сўзлари қуйидагилардир: «Сенга йўл кўрсатишни истаган кишидан аҳволингни яширма, акс ҳолда ўзингни алдаб қўясан», «Бир хайрни қочирсанг уни кетидан қолма, етишганингда ундан кеч», «Сабр – иймоннинг ярмидир, яқийн эса – тамомидир», «Ўлимга қарши ҳарис бўл, сенга ҳаёт ато қилинади».

А.Б.ас-С.нинг таниқли адиб ва хатибларнинг сўзларини ёшлигидан диққат б-н тинглагани, ўқигани, кўпини ёд олгани, уларни тез-тез такрор қилгани ва хотирасидаги шеърлари жуда гўзал бўлгани зикр қилинади. Пайғамбар (с.а.в.) шоир Ҳассон ибн Собитга *қурайш* насаби ҳақида маълумот учун эҳтиёж туғилганида унга А.Б.ас-С.ни тавсия қилганлар.

А.Б.ас-С.нинг наслидан келган авлодлар ал-Бакрий ва ас-Сиддиқий нисбалари б-н зикр қилинади. Муҳаммад Тавфиқ ибн Али ал-Бакрий мазкур оилага мансуб шахсларнинг шажара ва таржимаи ҳоллари ҳақида *«Китоб байт ас-Сиддиқ»* номли асар ёзган.

*Тасаввуф*да *«сиддиқийёт»* мақоми А.Б. ас-С.га нисбат берилади. *Сулук* усули сифатида *зикр*и хафийни маъқул кўрган *нақшбандийя тариқати*га мансуб шахслар Пайғамбар (с.а.в.) *ҳижрат* асносида *Савр ғори*да бўлган вақтларида А.Б.ас-С.га бу зикрни ўргатганларига

ишонадилар. А.Б.ас-С.га нисбат берилган ва *бакрийя* ёки *сиддиқийя* номи б-н тилга олинадиган *тариқат* бугунги кунда тушуниладиган *тариқат* бўлмай, *зикр*и ҳафий тарзини танлаганлар. Бу *зикр* тарзи Боязид Бистомийдан кейин *хожагон-нақшбандийя* силсиласида давом этган. *Нақшбандийя*нинг А.Б.ас-С.га уланган ушбу силсиласига Бакрий ёки Сиддиқий силсила номи берилган. Бу *тариқат*нинг Али (р.а.)га уланган иккита *алавий* силсиласи ҳам бор.

А.Б.ас-С. ҳаёти ва фаолияти баъзи табақот китоблари, *хулафои рошидийн* ва *ашараи мубашшара* ҳақида ёзилган асарларнинг бош мавзуси сифатида тилга олинган бўлса, у ҳақда яна кўплаб мустақил асарлар ҳам қаламга олинган. Уларнинг баъзилари қуйидагилардир: Хайсама ибн Сулаймоннинг *«Фазāил ас-Сиддīқ Абū Бакр»*, Аҳмад ибн Исмоил ал-Қазвинийнинг *«Бурҳāн ал-анвāр фū манāқиб ас-сиддīқ ал-акбар»*, ас-Суютийнинг *«Равз ал-анūқ фū фазл ас-Сиддīқ»*, Умар Абу Насрнинг *«Абū Бакр ас-Сиддīқ»*, Юнус Иброҳим ас-Сомарроийнинг *«Абū Бакр ас-Сиддīқ бикалāми Алū ибн Абū Тāлиб»*, Али Тантовийнинг *«Абу Бакр ас-Сиддīқ»*, ал-Воқидийнинг *«Сӯра Абū Бакр ва вафāтуҳ»*, Ибн Жарир ат-Табарий ва Абу-л-Қосим ибн Асокирнинг *«Фазāил Абū Бакр»*, Шамсуддин аз-Заҳабийнинг *«Тавқūф аҳл ат-тавфūқ ъалā манāқиб ас-Сиддīқ»* ва ҳ.к.лар.

Манбаларда А.Б.ас-С.нинг сўнгги сўзлари «Мени мусулмон ҳолимда вафот эттиргин ва солиҳларга қўшгин» (*«Юсуф» сураси, 101-оят*) маъносидаги ояти карима бўлгани айтилади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра.* I, 249–253, 259, 317–319; II, 373–374, 398–399, 480–493, 505–506, 558–559, 613–616; III, 95, 190, 299–319; Аҳмад ибн Али ал-Марвазий. *Муснад Абū Бакр ас-Сиддīқ.* – Дамашқ: 1970. 546–557; Ибн Ҳиббон ал-Бустий. *Ас-Сӣра ан-набавийя ва ахбāр ал-хулафā.* – Байрут: 1407/1987. 419–452; Муҳиббуддин ат-Табарий. *Ар-Рийāз ан-надира фū манāқиб ал-ъашара.* – Байрут: 1405/1984. I, 17–268; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* III, 205–224; V, 150–151; Ибн Қаййим ал-Жавзийя. *Иълāм ал-муваққиъūн.* IV, 119–120; Ас-Суютий. *Ҳз. Абу Бакр* (Hz. Ebû Bekir). – Анқара: 1957. 12–179; Mahmûd Hakkı. *Ebû Bekri's-Sıddîk.* – İstanbul: 1337. 13–37; Аббос Маҳмуд ал-Аққод. *Ҳз. Абу Бакр: шахсияти ва даҳоси* (Hz. Ebû Bekir: Şahsiyeti ve Dehası). – Истанбул: 1968; Али Тантовий. *Абу Бакр ас-Сиддиқ.* – Жидда: 1406/1986; Mustafa Fayda. *Ebû Bekir. TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 101–108; Е.А. Беляев. *Арабы, ислам и арабский халифат.* – М.: 1965. 132–141; Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. *Ас-Сийра ан-набавиййа.* – Т.: «Шарқ», 2011. I (1), 186–187, 233–235; I (2), 280; II (4), 373, 376-377, 463, 466, 472; *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 20–21; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий.* – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. I, 378–413; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ҳадис ва ҳаёт.* – Т.: «Шарқ», 2011. XXI, 43–180; А. Обидов, Ж. Бобохонов. *Тариқат силсиласининг олтин занжири.* – Т.: «Наврўз», 2018. 7, 46–47; *101 улуғ саҳобий* (муаллифлар гуруҳи). – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 40–49; *«Силсилаи олия». Абу Бакр Сиддиқ ҳазратлари.* – Алматы: «Түркістан мәдениет қоры» қоғамдық қоры, 2014. 15–22; http://siyrat.uz/maqola/1954.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ БАКР АЛ-КЕШИЙ

أبو بكر الكشى

Абу Бакр Содиқ ибн Абу Бакр ибн Ҳусайн ал-Ғазнаёний ал-Кеший (в. 1173 й.)

Фақиҳ

Абу Бакр ал-Кеший Ғазнаён қишлоғидан етишиб чиққан. Аллома, имом ва *фақиҳ* каби улуғ рутбалар соҳиби бўлган. А.Б.ал-К. Самарқандда яшаган ва шу шаҳарда шаъбон ойида вафот этган. Ғонфар деб аталган жойдаги мақбарага дафн қилинган.

А.Б.ал-К.нинг устози Абу-л-Фатҳ Муборак ибн Исмоил ибн Муҳаммад ал-Боҳилий ҳисобланади. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий А.Б.ал-К.нинг шогирдларидан бўлган.

Ад.: Ш. Умаров. *Ўрта асрларда яшаган кешлик алломалар.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2014. 75; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 176.

Шукурилло Умаров

АБУ БАКР АС-СУРХАКАТИЙ
أبو بكر السرخكتي

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Фоил ас-Сурхакатий (? – 518/1125, Бухоро)

Ҳанафий фақиҳи, ҳадисшунос

Ҳанафий мазҳаби фақиҳи, ҳадисшунос олимлардан саналган Абу Бакр ас-Сурхакатийнинг таваллуд санаси номаълум бўлиб, 518 й. зул-ҳижжа ойида (1125 й. янв.) вафот этган. Олимнинг жанозаси ҳайит *намоз*ида ўқилган ва Бухорога олиб келиниб, ўша ерга дафн қилинган.

Абу Бакр ас-Сурхакатий аввал Самарқандда *фиқҳ*дан таълим олади, сўнг илмини Бухорода давом эттириб, ўша ерда яшаб қолади. Манбаларда А.Б.ас-С.нинг устози сифатида Абу-л-Маъолий Муҳаммад ибн Зайд ал-Ҳусайний номи зикр қилинган. Ўз навбатида, *фақиҳ*дан кўп жамоа олимлари ҳадис ривоят қилганлар.

А.Б.ас-С. ҳар бир саволга ҳужжат-далил б-н жавоб берувчи фозил йўлбошчи-имомлардан ҳам бўлган. Олим Мовароуннаҳрнинг ўрта асрлар тарихида чуқур из қолдирган Оли Бурҳон ёхуд *Бани Моза* оиласининг асосчиси Бурҳонуддин Абдулазиз ибн Моза ал-Марвий ал-Бухорийнинг рақибларидан бўлиб, у б-н Бухорода мунозаралар олиб борган.

Ас.: *«Амалӣ ас-Сурхакӣ»*.

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: «Ас-Саъода», 1906. V, 66; Ас-Самъоний. *Ал-Ансаб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. III, 245; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун.* – Миср: «Дор ас-Саъода», 1893–94. I, 148; А. Бабаджанов. *«Муъжаму-л-булдон»даги самарқандлик фақиҳлар* // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2010. № 2. 106.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ БАКР АЛ-ХАЙДАШТАРИЙ
أبو بكر الخيدشتري

Абу Бакр Билол ибн Ризор ибн Рабона ал-Иштихоний ал-Хайдаштарий

Муҳаддис, ровий

Олимнинг ал-Хайдаштарий нисбаси «Хайдаштар»дан ясалган бўлиб, у Самарқанд Суғдидаги қадимий Иштихон ш.га қарашли қишлоқлардан бири бўлган.

Абу Бакр ал-Хайдаштарий асосан ҳадисларни Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Барсахийдан тинглаган ва ривоят қилган. Нажмуддин Умар ан-Насафий *«Ал-Қанд фӣ зикр ъуламӑ Самарқанд»* китобида А.Б.ал-Х.нинг Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Барсахийдан ривоят қилган ҳадиси келтирилган. Ўз ўрнида ундан Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Фазл ас-Сарахсий ҳадис ривоят қилган.

Ад.: Нажмиддин Умар ан-Насафий. *Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2001. 107; Ёқут. *Муъжам.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос», 1979. II, 411; Й. Исаев, А. Аббосов. *Иштихоний алломалар.* – Самарқанд: «Munis design group», 2016. 80; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 430.

АБУ БАКР АЛ-ХАЛЛОЛ
أبو بكر الخلال

(қ. ал-ХАЛЛОЛ, Абу Бакр)

АБУ БАКР АЛ-ХОРАЗМИЙ
أبو بكر الخوارزمي

(қ. ал-ХОРАЗМИЙ, Абу Бакр)

АБУ БАКР АШ-ШИБЛИЙ
أبو بكر الشبلي

Абу Бакр Дулаф ибн Жаъфар ибн Юнус аш-Шиблий (247/861, Сомарро – 334/945, Бағдод)

Тасаввуф шайхи

Шарқнинг буюк авлиёларидан бўлган. Абу Бакр аш-Шиблийнинг боболари ўратепалик бўлиб, кейинчалик Бағдодга кўчиб борган. Отаси Халифа Ҳайдарнинг лашкарбошиси бўлган. А.Б.аш-Ш. ёшлигидан илм-маърифатга меҳр қўйган. Ўша давр алломаси Хайр ан-Нассождан таълим олиб, унинг қўлидан хирқа кийган. Жунайд ал-Бағдодий б-н яқин дўст бўлган. А.Б.аш-Ш. йигирма йил умрини *ровий*лардан ҳадис ёзиб олишга, йигирма йилини *фиқҳ* асосларини ўрганиш-

га сарфлаган. А.Б.аш-Ш.га ҳадисларни Муҳаммад ибн Бассор, Абу Бакр ал-Абҳарий, Абу Бакр ар-Розий, Абу Саҳл ас-Салуний, Ҳусайн ибн Аббос сингари *ровий*лар нақл қилганлар. А.Б.аш-Ш. *фиқҳ* ва *тасаввуф* илмининг беназир донишманди бўлган. Аҳли ҳақлардан бири А.Б.аш-Ш. доим *жазба*да – илоҳий ишқ шавқи б-н юргани учун уни бир неча бор жиннихонага ташлашган. Шунга қарамай замондошлари уни «Буюкларнинг буюги», деб аташган. Абдурраҳмон ас-Суламий, Абу-л-Қосим ал-Қушайрийлар А.Б.аш-Ш. ҳақида кўплаб ҳикоят ва ривоятлар ёзиб қолдирганлар. Шайхдан ҳикматлар мажмуаси, *фиқҳ* ҳамда *тасаввуф* назариясига доир рисолалар мерос қолган. А.Б.аш-Ш.нинг қабри Бағдод яқинидаги Ҳизрон қабристонидадир. Тошкент вилояти, Хўжанд атрофи ҳамда Ўратепада А.Б.аш-Ш. номидаги мавзеларнинг учраши унинг асли мовароуннаҳрлик эканини тасдиқлайди.

Ад.: Н. Комилов. *Тасаввуф.* 1-китоб. – Т.: 1992.

Ҳомиджон Ҳомидий

АБУ БАКР АШ-ШОФЕЪИЙ
أبو بكر الشافعي

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим ал-Баззоз аш-Шофеъий ал-Бағдодий
(260/873-74, Жаббул – 354/965, Бағдод)
Муҳаддис ва фақиҳ

Дажла яқинидаги Жаббул ш.часида туғилган. «Ал-Баззоз» лақабини кийим тижорати б-н шуғулланган учун олган. Абу Бакр аш-Шофеъий ҳадис ўрганишни ўн олти ёшида бошлаган. Миср, Дамашқ, ал-Жазира каби илм марказларига сафар қилиб, Абу Қилоба ар-Рақоший, Муҳаммад ибн Маслама, Ҳорис ибн Абу Усома, Ибн Абу-д-Дунё, Абу Муслим ал-Кажжий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал ва б. машҳур устозлардан таълим олган. Кейинчалик Бағдодда қолиб ҳадис ривояти б-н машғул бўлган. *Бувайҳий*лар бу ерда *саҳоба*ларнинг фазилати ҳақида сўз юритишни таъқиқлаб, масжид эшикларига улар ҳақида ҳақоратомуз ёзувларни остирганида А.Б.аш-Ш. бу таъқиқловга эътибор бермай, шаҳар масжидида *саҳоба*ларнинг фазилатига доир суҳбатлар ўтказган ва ҳадислар ёздирган. Бу суҳбатларни ундан ад-Дорақутний, Ибн Шоҳийн, Абу Абдуллоҳ ибн Манда, Ибн Шозон ал-Бағдодий ва Абу Исҳоқ ал-Исфаройиний каби олимлар тинглаганлар. А.Б.аш-Ш. ўтказган имло мажлисларида шогирдларига ҳадис ривоят қилган. Ад-Дорақутний давр *муҳаддис*лари орасида ундан кўра ишончли кимса бўлмаганини зикр қилган. Шамсуддин аз-Заҳабий эса, унинг ҳадисда ҳужжат бўлганини маълум қилган. Илмий фаолият баробарида тижорат б-н ҳам шуғулланган учун турли шаҳарларга сафар қилган. А.Б.аш-Ш. Бағдодда вафот этган ва Аҳмад ибн Ҳанбал қабри ёнига дафн қилинган.

Ас.: *«Ал-Фавāид»*. Устозларидан *олий иснод* б-н ривоят қилинган ҳадисларни ўз ичига олган асар.

«Муснад Мӯсā ал-Кāзим бин Жаъфар бин Муҳаммад». Асарнинг қўлёзма нусхаси Суриядаги «Дор ал-кутуб аз-зоҳирийя» кутубхонасида сақланмоқда.

Ад.: Ал-Хатиб. *Тарӣх Бағдāд.* – Қоҳира: 1349/1931. V, 456–458; Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Байрут: 1401–1405/1981–1985. XVI, 39–44; ўша муал. *Дувал ал-ислām.* – Байрут: 1405/1985. 196–197; Ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз.* – Байрут: 1403/1983. 361; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* X, 194; Selman Başaran. «*Ebû Bekir eş-Şâfiî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 112–113; Brockelmann. *GAL. Suppl.,* – Leiden: 1937–42. I, 274; Sezgin. *GAS.* – Leiden: 1967–84. I, 191.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБУ БАКР АШ-ШОШИЙ
أبو بكر الشاشي

Абу Бакр Умар ибн Абдурраҳим аш-Шоший
(тахм. 450/1058, ? – 518/1124, Марв)
Сўфий ва муҳаддис

Шошлик *муҳаддис*лар орасида ҳам, *тасаввуф*да ҳам шуҳрат қозониб, «шайх»,

«солиҳ *сўфий*» каби даражаларга эришган А.Б.аш-Ш. Марвда Розиқ дарёси бўйида истиқомат қилган. А.Б.аш-Ш. Имом Абу-л-Музаффар ас-Самъоний, Абу-л-Қосим Ҳибатуллоҳ ибн Абдулворис аш-Шерозий ал-Ҳофиз, Абу Саъд Муҳаммад ибн ал-Ҳорисий ва б.лардан ҳадис илмини ўрганган. Тарихчи ас-Самъоний А.Б.аш-Ш. дан Марвда ҳадислар ёзиб олган. Унинг хабар беришича, «мен ундан фотиҳа олганман ва уни тез-тез зиёрат қилардим. Ундан эшитган ҳадислар ривоятлари сирасида Ҳибатуллоҳ аш-Шерозий тўплаб, ёзиб олган *«Арбаъйн»* ҳам бор эди».

А.Б.аш-Ш. Марвда вафот этган ва Розиқ дарёси қирғоғи бўйига дафн қилинган.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ат-Тажбйр фи-л-муъжам ал-кабйр.* I, 581; Н. Муҳамедов. *Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси.* – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. 74; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 479.

Неъматулло Муҳамедов

АБУ БАКР АЛ-ҚАФФОЛ АЛ-МАРВАЗИЙ
أبو بكر القفال المروزي

(қ. ал-ҚАФФОЛ, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад)

АБУ БАКР АЛ-ҲАДДОД
أبو بكر الحداد

(қ. ал-ҲАДДОД, Абу Бакр)

АБУ БАКР ҲОМИД АШ-ШОШИЙ
أبو بكر حامد الشاشي

(қ. аш-ШОШИЙ, Абу Бакр Ҳомид)

АБУ БАКРА
أبو بكرة

Абу Бакра Нуфайъ
ибн Масруҳ ас-Сақафий
(? – 51/671, ?)
Саҳоба

Онаси Сумайя – Восит яқинидаги Зандаварда ш.идан бўлиб, Эрон кисроси томонидан Яман подшоҳи Абу-л-Хайрга ҳадя қилинган. Подшоҳ Абу-л-Хайр ҳам ватанига қайтаётганда Тоифда хасталаниб, уни даволаган машҳур араб табиби Ҳорис ибн Каладага ҳадя этган. Сумайя Ҳорис ибн Каладанинг қули Масруҳ б-н никоҳланган ва бу никоҳдан Нуфайъ дунёга келган. Аксар манбаларда Ҳорис ибн Каладага нисбат берилиши унинг қули бўлгани сабаблидир. Абу Бакра (р.а.) мусулмон бўлганидан сўнг Ҳорис ибн Каладага нисбат этилишини рад қилгани ҳам унинг ўғли бўлмаганини кўрсатади.

*Тоиф қамали*да (8/630 й.) мусулмонларга қўшилган кишилар эркин бўлиши, қуллар эса қулликдан озод этилиши эълон қилинганида Тоиф қалъасидан қочиб келган йигирма уч қулдан бири ҳам А.Б. бўлган. Қалъадан пастга Бакра (ёки Бакара) деган қудуқ орқали тушгани учун Пайғамбар (с.а.в.) унга «Абу Бакра», деб ном берганлар ва ўша кундан шу лақаб б-н атала бошланган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг буйруқлари б-н Ислом динини Амр ибн Осдан ўрганади. Синглиси Азданинг турмуш ўртоғи Утба ибн Ғазвон Умар (р.а.) даврида Басрага волий қилиб тайинланганидан сўнг, Баҳрайнда бўлган А.Б.ни ёнига чақиради. А.Б. бу ерда узоқ вақт қолгани учун ал-Басрий нисбасини ҳам олган.

А.Б. ва укаси Зиёд икки киши б-н бирга Муғийра ибн Шуъбанинг зино қилганини айтадилар. Бироқ, Зиёд воқеага шоҳид бўлган шахсни аниқ кўрсата олмагани учун Муғийра ибн Шуъба *ражм* жазосидан қутулиб қолади. А.Б. б-н бошқа икки киши эса даъволарини исботлаш учун етарли гувоҳга (энг камида тўрт киши) эга бўлмаганларидан ҳад жазосига тортиладилар. Гувоҳликлари қабул қилинмаганидан Муғийра ҳақидаги бу даъволари учун тавба қилишлари таклиф қилинганда, икки киши бу таклифни қабул қилади, аммо А.Б. тавба қилмайди. Укаси Зиёднинг бу воқеадаги ўзини тутиши сабабли у б-н бошқа гаплашмайди. Ўғиллари укаси томони-



Тоиф ш.нинг ҳоз. кўриниши

дан ҳимоя қилиниб нуфузли мавқеларга эришишларини ҳам қабул қилмайди. *Жамал воқеаси*да Ойша (р.а.) тарафдори бўлиб турганида Пайғамбар (с.а.в.)дан эшитган бир ҳадисни эслаб орқага қайтади ва бетараф бўлишни маъқул кўради. Шу сабаб, *Сиффийн жанги*да (657 й.) ҳам қатнашмайди.

А.Б.нинг кўп фарзанди бўлгани нақл қилинган. Пайғамбар (с.а.в.)дан 132 та ҳадис ривоят қилган. Улардан саккизтаси *«Саҳиҳайн»*дан, яъни бештаси Имом ал-Бухорийдан, қолгани Муслимдан ўрин олган. Ривоятларининг қолгани «*Кутуби ситта*» ва б. ҳадис китобларидан жой олган. А.Б.дан ўғиллари Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, Абдурраҳмон, Абдулазиз, Муслим, Маррорлар, набираси Баҳр ибн Маррор, шунингдек, Абу Усмон ан-Наҳдий, Ҳасан ал-Басрий, Ибн Сирийн ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

А.Б. укаси Зиёд Басрада волий эканида вафот этган. Жаноза *намози*ни *саҳоба* Абу Барза ал-Асламий ўқиган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. VIII, 112–113; Ибн Ҳишом. *Ас-Сйра*. – Қоҳира: 1375/1955. IV, 485; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл*. – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. VIII, 489; Ибн ал-Жавзий. *Талқйҳ фуҳўм аҳл ал-асар*. – Қоҳира: 1975. 401; Ёқут. *Муъжам*. – Байрут: 1957. III, 154; Аз-Заҳабий. *Сийар*. – Байрут: 1401–1405/1981–1985. III, 5–10; Asri Çubukcu. «*Ebü Bekre*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 114.

Тузувчи Абдуллатиф Аллоқулов

АБУ-Л-БАРАКОТ АЛ-АНБОРИЙ

أبو البركات الأنباري

Камолуддин Абу-л-Баракот Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Саъид ал-Ансорий ал-Анборий (513/1119 – Бағдод – 577/1181)

Тилшунос, наҳв олими

Ҳиж. рабиъус-соний (мил. июль) ойида Бағдодда туғилган. Абу Мансур Мавҳуб ал-Жаволиқий (1073–1144) ва Ибн аш-Шажарийлардан таълим олган.

Унинг энг қимматли асари тил тарихига оид бўлиб, унинг вужудга келишидан бошлаб то муаллифнинг ўзигача бўлган даврни қамраб олган бир қатор маълумотлар ўрин олган. Ушбу китоб маълумотларининг қиймати б-н бир қаторда, ўша даврдаги араб муаллифлари асарларидаги ўзига хос хусусиятлари б-н ҳам ажралиб туради.

Бундан ташқари, А.Б.ал-А.нинг эътиборга молик асарларидан яна бири Куфа ва Басра наҳв мактаблари ўртасидаги фарқлар ҳақидаги «*Ал-Инсāф фй масāил*

ал-хилāф байна-н-наҳвиййūн ал-басрийййūн ва-л-куфиййūн» асари ҳисобланади.

А.Б.ал-А. умри давомида бирор маротаба Бағдодни тарк этмаган. Шаъбон ойининг тўққизинчи кунида (19 дек.) Бағдодда вафот этган. Қуйидаги асарлар ҳам А.Б.ал-А.га нисбат берилган: «*Ал-Иғрāб фū жадал ал-аърāб*»; «*Нузҳа ал-алиббā фū табақāт ал-удабā*»; «*Ал-Балāға фи-л-фарқ байна ал-музаккар ва-л-муаннас*»; «*Асрāр ал-ъарабиййа*»; «*Ал-Байāн фū ғарūб иърāб ал-Қуръāн*»; «*Умда ал-удабā фū маърифа мā йуктаб фūҳи би-л-алиф ва-л-йā*».

Ад.: В.А. Звегинцев. *История арабского языкознания.* Краткий очерк. – Москва: «КомКнига», 2007. 63–64; https://ru.wikipedia.org/wiki; http://www.encquran.brill.nl/entries/encyclopaedia-of-islam.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ-Л-БАРАКОТ АН-НАСАФИЙ

أبو البركات النسفي

Ҳофизуддин Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (629/1232, Насаф – 710/1310, Исфаҳон)

Фақиҳ, муфассир ва муҳаддис

Насафдан етишиб чиққан улуғ олимлардан бири Абу-л-Баракот ан-Насафий ўзининг *тафсир*, *ақида*, *фиқҳ* соҳаларига оид асарлари б-н машҳур бўлган. У туғилиб яшаган пайт мўғуллар ҳукмронлиги даври бўлгани учун Мовароуннаҳрда илмий, маданий ва иқтисодий ҳолат таназзулга келиб қолган эди. Шундай бўлишига қарамасдан А.Б.ан-Н. каби фидойи олимлар илмни жонлантириш ва қайта тиклашга ҳаракат қилганлар.

Аллома Насафда туғилган бўлса-да, Бухорода таълим олган, ёшлик даври диний-илмий муҳитда ўтган, илм талабида кўплаб мамлакатларга сафар қилиб, сиёсий жараёнлардан узоқ бўлган ва илмий доираларда катта шуҳрат қозонган. Тахминан 1280 й.ларда Кирмон ш.даги «Ал-Қутбий ас-султоний» мадрасасида мударрислик қилган. Сўнг, Бағдодга келиб, у ерда талабаларга таълим берган. Араб ва форс тилларини мукаммал билган.

Олимлар уни: «Шайх, улуғ имом, пешқадам аллома, ер аҳлининг устози, суннат ва фарзнинг жонлантирувчиси, Қуръон маъноларининг таржимони, *фиқҳ* илмининг билимдони, дин ва миллат ҳимоячиси, мусулмонлар етакчиси, пайғамбарлар меросхўри, етук мужтаҳид олим», – дея тавсифлайдилар. Жумладан, Абдулҳай ал-Лакҳнавий А.Б.ан-Н.ни «замонасида тенги йўқ комил имом, *фиқҳ* ва *усул ал-фиқҳ* олимларининг етакчиси, ҳадис ва унинг маъноларида ўткир олим бўлган», Ибн Ҳажар ал-Асқалоний эса, «алломаи дунё», – деб таърифлаганлар.

Манбаларда А.Б.ан-Н.нинг устозларидан Шамсул-аимма Абу-л-Важд Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий, Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний, Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Ўзгандий, Абу Бакр Муҳаммад шамсул-аимма ас-Сарахсий, Шамсул-аимма ал-Ҳалвоний, Абу Али ан-Насафий, Абу Бакр Фазл, Абдуллоҳ ас-Субазмуний, Абу Ҳафс ас-Сағир, унинг отаси Абу Ҳафс ал-Кабир, Имом Муҳаммад аш-Шайбоний, Имом Абу Ҳанифа ва б.лар санаб ўтилган.

Бундан ташқари А.Б.ан-Н. Бадруддин Хоҳарзода Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим ва Ҳамидуддин Дарир Али ибн Муҳаммад ибн Али ар-Ромиший ал-Бухорийдан ҳам сабоқ олган.

Унинг шогирдларидан *«Мажмаъ ал-баҳрайн»* («Икки денгизнинг бирлашиш жойи») асарининг муаллифи Музаффаруддин ибн ас-Соъатий, *«Ал-Ҳидāйа»* шарҳловчиларидан бири Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож ал-Сиғнақий ва Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жилийларни кўрсатиш мумкин.

А.Б.ан-Н.нинг умумий ҳисобда 13 та асари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси бизгача етиб келган. Бу асарларнинг 5 таси *фиқҳ* (улардан 1 таси қиёсий ҳуқуқшунослик)га, 4 таси *калом* илми,

3 таси *усул ал-фиқҳ* ва 1 таси *тафсир*га оид бўлиб, уларнинг 6 таси чоп этилган. Лекин булар ичида *усул ал-фиққ*га оид янги *«Дāира ал-вусўл илā ъилм ал-усўл»* («Усул илмига етиш йўли») асари Покистоннинг Баҳавалпур ш.да борлиги аниқланган.

Ас.: – *тафсир: «Мадāрик ат-танзўл ва ҳақāиқ ат-таъвўл»* («Қуръон моҳияти ва таъвил ҳақиқатлари»);

– *ақида: «Умда ал-ақāид»* («Ақидалар асоси»), *«Баҳр ал-калāм»* («Калом илми денгизи»), *«Умда ақўда аҳл ас-сунна вал-жамāъа»* («Аҳли сунна вал-жамоа ақидаси асоси»), *«Ал-Иътимāд фи-л-иътиқāд»* («Эътиқоддаги таянч»);

– *фиқҳ: «Канз ад-дақāиқ»* («Нозик масалалар хазинаси»), *«Ал-Вāфў»* («Мукаммал»), *«Ал-Кāфў»* («Кифоя қилувчи»), *«Ал-Мусаффā фў шарҳ ан-Нāфиъ фи-л-фурўъ»* («Фиққа оид ан-Нофеънинг мукаммал номли шарҳи»), *«Ал-Мусаффā фў шарҳ ал-манзўма ан-Насафиййа фи-л-хилāф»* («Аниқланган – қиёсий ҳуқуқшуносликка оид Насафий назмининг шарҳи»);

– *усул ал-фиққ: «Ал-Манāр»* («Маёқ»), *«Кашф ал-асрāр»* («Сирларни очиш»), *«Дāира ал-вусўл илā ъилм ал-усўл»* («Усул илмига етишиш йўли»).

Эҳтимол, олимнинг ўз асарларида диннинг турли масалаларига оид бу илмларни қамраб олишига асосий сабаб, мўғуллар даврида ушбу илмларни қайта жонлантиришга эҳтиёжнинг пайдо бўлганидадир.

Мана шундай мўътабар китобларидан бири *«Тафсўр ан-Насафў»*дир. Мазкур *тафсир*да аллома Ислом дунёсида энг эътиборли бўлган манбалар ва олимлар сўзларидан кенг фойдаланган. Жумладан, унда *саҳиҳ* ҳадислар, *саҳоба* ва *тобеъин*лар ривоятлари, *ақида*, *фиқҳ*, *усул ал-фиққ*, мерос, турли *қироат*лар, *носих ва мансух*, *тасаввуф*, араб тили ва адабиётига оид илмлар, шеърият, мақоллар, форс ва иброний тиллари, тарих, география, ҳисоб-китоб ва шу каби бошқа илмлардан истифода этилган.

Мана қарийб саккиз асрдирки, *«Тафсўр ан-Насафў»* илм аҳли томонидан юксак қадрланиб келмоқда, юртимиздаги ва хориждаги диний таълим муассасалари, хусусан, минг йиллик тарихга эга машҳур ал-Азҳар ун-ти, Покистон ва б. мамлакатлар таълим масканларида дарслик сифатида ўқитилмоқда. Унинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Лондон, Қоҳира, Исломобод, Истанбул ва б. кўплаб ш.ларнинг қўлёзма фондларида сақланмоқда. Байрутда 1982, 1988, 1995, 1999 й.ларда, Бомбейда 1863 й.да, Қоҳирада 1889, 1908 й.ларда, Истанбулда 1984 й.да қайта-қайта чоп этилгани ҳам унга бўлган улкан қизиқишдан далолатдир.


تفسير النسفي
مدارك التنزيل وحقائق التأويل
تأليف
أبي البركات عبد الله بن أحمد بن محمود النسفي
(ت ٧١٠ هـ)
حققه وخرج أحاديثه
يوسف علي بديوي
راجعه وقدم له
محيي الدين ديب مستو
الجزء الأول
دار الكلم الطيب

Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг *«Мадāрик ат-танзўл ва ҳақāиқ ат-таъвўл»* асари. Байрут

Энг асосий жиҳатларидан бири *тафсир*нинг *ҳанафийя мазҳаби* ва *мотури-*

дийя таълимоти асосида ёзилганидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олим *ҳанафий*ликни қўллаб-қувватлар экан, бунда илмийликни устун қўяди. Шунингдек, асарда турли оқимларнинг ботил иддаоларига оятлар, ақлий ва нақлий далиллар асосида раддиялар берилган. Табиийки, Ислом дини кенг ёйилган ўлкаларда илоҳий *калом*нинг асл маъносини талқин этувчи мукаммал *тафсир*ларга эҳтиёж сезилади. Ушбу мулоҳазаларни муаллифнинг ўзи айтган қуйидаги сўзлари ҳам исботлайди:

«Мендан яқинларим Қуръонни *тафсир* қилувчи, *қироат* турлари кўрсатилган, *аҳли сунна вал-жамоа ақида*сига мувофиқ келадиган, адашганлар ва бидъат аҳли сўзларидан холи бўлган, малоллик туғдирмайдиган ҳамда тушунарсиз даражада қисқа бўлмаган *тафсир* ёзишимни сўрар эдилар. Мен дастлаб иккиландим. Ниҳоят, Аллоҳнинг тавфиқ ва иноятн ила *тафсир* ёзишга киришдим ҳамда уни оз муддат ичида ёзиб тамомладим».

Мас., гуноҳ ишни қилиш б-н инсон *иймон*дан чиқиш ёки чиқмаслик масаласи *ақида*да асосий мунозарали ўринлардан бирини эгаллайди. *Хорижийлар* катта гуноҳ қилувчини *иймон*дан чиққан, деб ҳисоблайдилар ҳамда бунга «*Бақара*» *сурас*ининг 34-оятини далил қиладилар. Оят мазмуни қуйидагича: «Эсланг (эй, Муҳаммад), Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!», – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, кибр қилди ва кофирлардан бўлди». *Хорижийлар* оятни шарҳлашда ўз *ақида*ларига таяниб, шайтоннинг куфрга кетишига сабаб, унинг кибрланиб, илоҳий буйруқни қилмаганидадир. Демак, Аллоҳнинг буйруғини қилмасликнинг ўзи кишини *иймон*дан чиқишига олиб келади, дейдилар. А.Б.ан-Н. эса, *ҳанафий*ликни ҳимоя қилиб, гуноҳ иш қилиш б-н инсон *иймон*дан чиқмаслигини, балки ўша гуноҳни менсимай, уни жоиз санасагина *иймон*дан чиқишини таъкидлайди. Оятда шайтоннинг куфрга кетишига сабаб, *сажда*дан кибрланиб, уни рад этгани ва ундан юз ўгирганидир, деб айтади.

Машҳур *муфассир*лардан Ибн Аббос, Убай ибн Каъблар оятдаги «*сажда* қилиш»ни «энгашишлик», А.Б.ан-Н. «таъзим қилиш ва Одамнинг фазлини эътироф этиш», деб *тафсир* қиладилар. Жумҳур уламолар *сажда*ни «юзни ерга қўйиш б-н Одамни табрик ва муборакбод этиш», деб шарҳлайдилар. Ўша пайтда Одамга нисбатан бу каби *сажда* қилиш мумкин бўлган. Лекин Сулаймон пайғамбар (а.с.) даврига келиб яралмишга нисбатан ҳар қандай *сажда* қилиш бекор қилинган ва фақат Аллоҳга *сажда* қилишгагина буюрилган.

Демак, *иймон* тўғрисидаги оятларни А.Б.ан-Н. сингари шарҳлаш катта аҳамият касб этади. Чунки бундай шарҳлаш натижасида қанчадан-қанча «гуноҳкор» ёки «*иймон*сиз» деб даъво қилинаётганлар аслида мўъмин эканликлари тўғрисидаги хулоса келиб чиқади. Аксинча шарҳлаш эса, одамларни динсизликда айблаш ва бунинг оқибатида уларнинг мол ҳамда жонларига таҳдидларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу мавзунинг давоми сифатида «*Нисо*» *сурас*ининг 31-ояти – «Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз»ни айтиш мумкин. *Муътазилий*лар бу оятга таяниб, катта гуноҳлардан сақланганларнинг кичик гуноҳлари зарурий равишда ўчирилади, катта гуноҳлар эса кечирилмайди, дейдилар. Ўз навбатида, А.Б.ан-Н. бундай қарашни ботил деб, катта ва кичик гуноҳлар Аллоҳ учун бирдир, хоҳласа у иккиси учун жазо беради, хоҳласа кечиради. Чунки «*Нисо*» *сураси* 48-оятида: «Албатта Аллоҳ ўзига ширк келтиришни кечирмайди. Ундан бошқасини хоҳлаган кишиси учун кечириб юборади», дейилади. *Тафсир*нинг давомида

А.Б.ан-Н. «Ҳасанотлар (яхши амаллар) саййиотлар (ёмон амаллар)ни кетказади» оятига асосланиб, катта ва кичик гуноҳлар яхши амаллар сабабли кечирилиши мумкинлигини айтади. Чунки саййиот деганда, бу икки турдаги гуноҳлар назарда тутилади.

Олимлардан Муҳаммад аз-Заҳабий, Қосим ал-Қайсий, Субҳий Солиҳлар уни қуйидагича таърифлайдилар: «Насафийнинг ўзи юқори даражали олимдир. *Тафсир*да *аҳли сунна вал-жамоа*ни ҳимоя қилиб, бидъат ва ҳаво аҳлига раддиялар беради, унда грамматика ва *қироат*нинг турли кўринишлари жамланган ҳамда ихчам жумлаларда Қуръоннинг *балоғат*и очиб берилган». Қуръон маънолари таржимонларидан Шайх Абдулазиз Мансур ҳам ўзининг таржимасида асосий манба сифатида мазкур *тафсир*дан фойдаланган.

Ўша пайтда омма ва илм аҳли орасида *фиқҳ*, *ақида*, *тафсир* соҳаларига нисбатан ҳаётий эҳтиёж ошганки, шу боисдан А.Б.ан-Н. уларга алоҳида аҳамият берган. У замон талабидан келиб чиқиб, *ақида* илми б-н одамлар эътиқодини тўғрилаш, *фиқҳ* илми б-н инсонларнинг бурч, мажбурият ва ҳуқуқларини янада яққолроқ кўрсатиш, *тафсир* илми б-н эса, Қуръонни нотўғри ва хато тушунишдан холи қилишни кўзда тутган.

Мовароуннаҳр ҳудудида А.Б.ан-Н. асарлари каби эътиборли асарлар жуда кам ёзилган. Олимларнинг эътирофича, унинг вафоти б-н *мазҳаб* доирасида ижтиҳод қилувчи олимлар табақаси ҳам ниҳояланган.

У Исфаҳон яқинидаги Изаж ш.ида дафн қилинган.

Ад.: Зайнуддин Қосим ибн Қутлубғо. *Тāж ат-тарāжим фӣ табақāт ал-ҳанафиййа.* – Nendeln, Liechtenstein: 1996. 22; Абу-л-Баракот ан-Насафий. *Мадāрик ат-танзӣл ва ҳақāиқ ат-таъвӣл.* ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақам 2583/I; Абдулҳай ал-Лакҳнавий. *Ал-Фавāид ал-баҳиййа.* 291; У. Уватов. *Қашқар воҳасининг алломалари* // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: 2005. – № 3. 12–13. А. Саидов, С. Исҳоқов. *Ҳофиз ад-дин Насафий* // Қонун ҳимоясида. – Т.: 2001. – № 2. 23–25; Р. Обидов. *Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти.* – Т.: «Тошкент ислом университети», 2006; А. Абдуллаев. *Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни*: Тар. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: «ТИУ», 2007; *Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири* / Таржима ва тафсир муаллифи А. Мансур. – Т: «Тошкент ислом университети», 2006. 2, 4, 6, 9, 12, 13; Н. Муҳаммад. *Насаф ва Кеш алломалари.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2006. 51–54.

Давронбек Мақсудов

АБУ БАРЗА АЛ-АСЛАМИЙ

أبو برزة الأسلمي

Абу Барза Назла ибн Убайд ибн ал-Ҳорис ал-Асламий (? – 65/685, ?)

Саҳоба

Куняси б-н машҳур бўлгани учун ўзининг ҳамда отасининг исми ҳақида ихтилофлар мавжуд. Назла исми Пайғамбар (с.а.в.) томонидан Абдуллоҳ деб ўзгартирилгани, шунингдек, исми Холид, Молик, Саъид бўлгани, отасининг исми эса Амр, Оиз, Назла, Убайд ёки Абдуллоҳ бўлгани зикр қилинган маълумотлар ҳам бор. Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъйин ва яна бир қанча олимларга кўра эса, исми ва шажараси юқорида кўрсатилгандек шаклда. У манбаларда ўрта бўйли, соч-соқоли оппоқ шахс сифатида таърифланган.

А.Б.ал-А. (р.а.) илк мусулмонлардан ҳисобланади. *Хайбар*, *Макка фатҳи* ва *Ҳунайн* каби бир нечта *ғазот*ларда қатнашган. Расулуллоҳ (с.а.в.) у б-н Абу Бакра ўртасида қардошлик боғини боғлаганлар. Макка *фатҳ* қилинганида ўлим жазосидан қутулиш учун *каъбапўш*нинг остига яшириниб олган Абдулуззо ибн Хатални ўлдиргани зикр қилинади. Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан сўнг Басрага сафар қилган. *Хуросон фатҳи*да иштирок этган. *Сиффийн жанги*да Али (р.а.) томонида

бўлган, унинг *хорижийлар* б-н қилган *Наҳравон жанги*да ҳамда Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг Азориқа б-н бўлган жангида иштирок этган.

Марвон I ва Абдуллоҳ ибн Зубайр даврларида мусулмонлар орасида чиққан ихтилофлардан ва бу ихтилофлар натижасида содир бўлган аянчли воқеалардан қаттиқ таъсирланади. Бу тортишувларнинг ташқарисида бўлгани каби атрофидагиларнинг ҳам ундан узоқда бўлишларига ҳаракат қилади. Ҳусайн (р.а.) шаҳид қилиниб, боши Язид ибн Муовияга келтирилганда А.Б.ал-А. ўша ерда бўлган эди. А.Б.ал-А. қаерда вафот этгани аниқ эмас. Язид ибн Муовия даврида (680–683 й.) Басрада ёки 60/680 й.дан аввал ёхуд 64/684 й.да вафот этганини айтганлар бўлгани каби, қатнашган жангларининг бирида шаҳид бўлиб Хуросонда, Марвда, Ҳиротда, Нишопурда, Сижистон б-н Ҳирот орасидаги Мафозада вафот этганини зикр қилувчилар ҳам бор.

Фақат Имом ал-Бухорий уни Абдулмалик ибн Марвон халифалигига қадар (65/685 й.) яшаганини айтиб ўтган. Пайғамбар (с.а.в.) ва Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.)дан ҳам ривоятлари бўлган А.Б.ал-А. қирқ олтита ҳадис ривоят қилган. Улардан ўн еттитаси *«Кутуби ситта»*да, иккитаси *«Саҳиҳайн»*да, яна иккитаси Имом ал-Бухорийда ва иккитаси Имом Муслимнинг *«Саҳиҳ»*ларида келтирилган. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*идан такрорлари б-н бирга қирқ етти ҳадиси ўрин олган. Ундан ҳадис ривоят қилган ўғли Муғийра ва набираси Муня бинт Убайддан ташқари Абу Усмон ан-Наҳдий, Абдуллоҳ ибн Бурайда, Ҳасан ал-Басрий, Абдуллоҳ ибн Мутарриф каби *тобеъин*лар унга шогирд бўлганлар.

Динни енгил қилиб кўрсатиш асосий омил эканини айтган А.Б.ал-А., фақирлар, етимлар ва беваларга ўта марҳаматли муомалада бўлиб, эртаю кеч уларга



Имом Муслимнинг
«Саҳиҳ Муслим» ҳадислар тўплами

эҳсон қилишга ҳаракат қилар эди. Жуда кўп ибодат қилар, кечалари оила аъзоларини ҳам *намоз* ўқишга уйғотар эди.

Ад.: Имом ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. VIII, 118; Халифа ибн Хайёт. *Ат-Табақат.* I, 241, 441; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқат.* – Ҳайдаробод: 1393–99/1973–79. III, 419–420; Абу Нуайм ал-Исфаҳоний. *Ҳилйа ал-авлийа.* – Қоҳира: 1394–99/1974–79. II, 32–33; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* – Қоҳира: 1285–87. V, 321–322; Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Байрут: 1401–1405/1981–1985. III, 40–43; Selman Başaran. *«Ebû Berze». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 114–115; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба.* – Қоҳира: 1328. III, 556–557; IV, 19; ўша муал. *Таҳзйб ат-таҳзйб.* – Ҳайдаробод: 1325–27/1907–09. X, 446–447.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБУ БАСИЙР

أبو بصير

Абу Басийр Утба ибн Асийд ибн Жория ас-Сақафий (? – 6/628, ?)

Саҳоба

Куняси б-н машҳур бўлган. *Қурайш қабиласи*га мансуб бўлиб, *Бани Зуҳра қабиласи* иттифоқчиларидан бўлган. Исломни қабул қилгани учун *қурайшлик*лар томонидан Маккада ҳибсга олинган. *Ҳудайбия* сулҳидан сўнг, Маккадан қочиб Мадинага, Пайғамбар (с.а.в.) ёнларига сафар қилган. *Мушрик*лар А.Б.ни *Ҳудайбия* шартномасига мувофиқ ўзларига қайтариб берили-

шини талаб қилиб, Пайғамбар (с.а.в.) олдиларига икки кишини юборадилар. Пайғамбар (с.а.в.) А.Б.га: «Биз Қурайш раислари б-н қочиб келувчиларни қайтариб бериш ҳақида шартнома тузганмиз. Динимизда аҳднома шартларини бузиш йўқ. Ваъдасини бузувчи ва ёлғон сўзловчилар, ишда хиёнат қилувчилар биздан эмас. Бор энди, ўз қавмингга қўшил. Ўз юртингга қайт», – деб, Аллоҳ у ва унинг ҳолатидаги мусулмонларга яқин фурсатда нажот йўлини кўрсатишини айтадилар. А.Б. душманга таслим бўлишни истамаса-да, Пайғамбар (с.а.в.) ва сулҳ шартларига бўйсунишга мажбур бўлади.

А.Б. б-н Маккага кетаётган икки қўриқчи Зул-Ҳулайфада таомланиш учун тўхтайдилар. А.Б. қўриқчилардан бирига «Аллоҳга қасамки, қиличинг ажойиб экан», дейди. Қўриқчи: «Қасамки, у ҳақиқатдан гўзал ва ажойиб. Мен уни кўп маротаба ишда синаганман». А.Б. «Уни менга кўрсат», дейди. У ҳам қилични А.Б.нинг қўлига беради. А.Б. қилич эгасини ўз қиличи б-н ўлдиради, иккинчи қўриқчи эса, Мадинага қочиб кетади. У Пайғамбар (с.а.в.) олдиларига келиб: «Қасамки, менинг шеригим ўлдирилди, мен ҳам ўлдириламан», – дейди. Унинг ортидан Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларига етиб келган А.Б. ҳолатни тушунтириб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзларига кириб душманга таслим бўлгани, аммо кейин, ҳам жони, ҳам динини душман қўлидан қутқарганини айтади.

Пайғамбар (с.а.в.) атрофдагиларга: «Қандай ҳам ёмон одам! Агар унинг олдида яна бири бўлганида, бизга уруш эълон қилинарди», дейдилар. Бундан Расулуллоҳ (с.а.в.) уни яна маккаликларга қайтаришлари мумкинлигини тушунган А.Б. Қизил денгиз соҳилидаги «Сийф ал-баҳр»га қочади. *«Саҳӣҳ ал-Бухӑрӣ»*да келган ушбу ривоятдан фарқли ўлароқ, ал-Воқидий А.Б. ўлдирган кишисидан олган ўлжанинг бешдан бирини Пайғамбар (с.а.в.)га таклиф қилгани, бироқ Ул Зот (с.а.в.) бу таклифни рад қилганлари ҳамда унга истаган жойига кетиши мумкинлигини айтганлари, А.Б. Макка-Шом йўлида жойлашган Ийсга бориб жойлашганини нақл қилган.

Ҳудайбия сулҳи шартларига мувофиқ *қурайш*ликларга қайтарилган Абу Жандал ва б. мусулмонлар А.Б.нинг бошидан кечирган воқеалардан хабар топгач, *мушрик*ларнинг қўлидан қочиб, А.Б. ёнига кетадилар. Етмишта, баъзи ривоятларга кўра, юзта ёки уч юзтани ташкил этган мазкур қочоқлар *қурайш*нинг тижорат карвонларини тунаб, карвонбошиларни ўлдиришни бошлайдилар. Натижада, маккаликлар тижорат карвонларига тегмасликлари шарти эвазига ўзларидан Исломни қабул қилганларни *Ҳудайдия* сулҳига мувофиқ Маккага қайтариш шартидан воз кечганлари, А.Б. ва сафдошларини Мадинага кетишлари мумкинлигини айтадилар.

Пайғамбар (с.а.в.) «Сийф ал-баҳр»да қўним топган А.Б. ва унинг сафдошларига Мадинага қайтишларини амр қилувчи мактуб юборадилар. Бироқ мактуб у ерга етиб борганида А.Б. ўлим тўшагида эди. У хатни қўлида тутган ҳолда вафот этади. Абу Жандал ва сафдошлари Мадинага қайтишдан олдин А.Б.ни ўша ерга дафн қилиб, қабри ёнига масжид қурадилар.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағӑзӣ*. II, 626–630; Ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра*. III, 323–324; Ат-Табарий. *Тарйх*. II, 638– 639; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъӑб*. IV, 20–22; Суҳайлий. *Ар-Равз ал-унуф*. VI, 492–495; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғӑба*. VI, 35–36; Ибн Касир. *Ал-Бидӑйа*. IV, 176; Ибн Ҳажар. *Фатҳ ал-Бӑрӣ*. V, 411–414; ўша муал. *Ал-Исӑба*. IV, 433; Köksal. *İslâm Tarihi – Medine*: VI, 248–256. M. Yaşar Kandemir. *«Ebâ Basîr»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 101; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий*. – Т.: «Мовароуннҳаҳр», 2017. 340–343; www.posledniyprorok.info/29-peremirie-khudaibia; www.bibliotekaislama.wordpress.com; https://www.islamstory.com/ar/artical/28375.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ-Л-БАХТАРИЙ, ВАҲБ ИБН ВАҲБ

أبو البختري وهب بن وهب

Абу-л-Бахтарий Ваҳб ибн Ваҳб ибн Касир ал-Қозий ал-Қураший (?, Мадина – 200/815–16, Бағдод)

Тўқима ҳадислари билан танилган шахс

Унинг Абу-л-Бахтарий куняси «Мағрурланиб юрувчи кимса» маъносини ифодалайди. Ота томонидан насаби Пайғамбар (с.а.в.) б-н Қусайда туташади. Уқайл ибн Абу Толибнинг набираси бўлган онаси Абда бинт Али, кейинчалик Жаъфар ас-Содиқ б-н оила қурган. Бошланғич таҳсили борасида ўгай отасидан фойдаланганигина зикр қилинган. У, шунингдек, Мадинада Ҳишом ибн Урва, Убайдуллоҳ Умар ибн Ҳафс ва Ибн Журайж каби олимлардан ҳадис ва *фиқҳ*ни ўрганади. Ҳорун ар-Рашид даврида Бағдодга келади. Халифа уни Бағдоднинг шарқидаги Аскарул-Маҳдийга қози этиб тайинлайди. Хатиб ал-Бағдодийнинг айтишича, Абу Юсуфнинг вафотидан сўнг бир муддат қози ал-қузотлик қилган. Мадина қозиси Баккор ибн Абдуллоҳ ибн Мусъабнинг ўлимидан сўнг эса Мадина қозилигига тайинланади. Шаҳар хавфсизлигини сақлаш ва имомлик вазифалари ҳам унга топширилади. Бу вазифадан озод қилинганидан сўнг, яна Бағдодга қайтади ва вафот этгунига қадар у ерда қолади. А.Б.В.и.В. Абдуллоҳ ибн Умар, Ҳишом ибн Урва, Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ва Ибн Журайждан ҳадис ривоят қилган. Ундан Ироқ ва Шом аҳли, хусусан, Рабиъ ибн Саълаб, Мусайяб ибн Возиҳ, Ражо ибн Саҳл ва б. ҳадис ривоят қилганлар.

А.Б.В.и.В. тарих ва *ансоб* илмларида ҳам танилган олим бўлган. Эътиборли қози, насаби ота ва она томонидан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг насабларига бориб тақалган шахс бўлганига қарамай, ҳадис тўқишлик б-н шуғулланган. Муҳаммад ал-Маҳдий ва Ҳорун ар-Рашид даврларида халифаларга хуш келган мавзуларда ҳадислар айтиб, уларни тўқима санадлар б-н Пайғамбар (с.а.в.)га боғлашга ҳаракат қилгани ривоят қилинган. Мас., қозилик вақтида Ҳорун ар-Рашиднинг кабутар учириш б-н машғул эканини кўриб, Ойша (р.а.)га боғланган санад б-н Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳам кабутар учирганларини ривоят қилган. А.Б.В.и.В.ни қариган вақтида кўрганини айтган Яҳё ибн Маъийн у ҳақда «У уйига беркиниб олиб, тонггача ҳадис тўқиган «ёлғончи», деб зикр қилган. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам уни ишончсиз, каззоб ва «инсонларнинг энг ёлғончиси» эканини айтган. Усмон ибн Абу Шайба уни *қиёмат* куни қабридан *дажжол* сифатида тирилишини таъкидлаган. Имом ал-Бухорий ҳадис истилоҳида бир шахснинг ривояти мутлақо олинмайдиган *ровий*лигини ифодаловчи «сукита анҳу» (у ҳақда сукут қилинди, у ҳақда гапириладиган сўз топилмади) иборасини унга ҳам қўллаган. Имом Абу Довуд у ёлғон ривоят қилганини, Имом ан-Насоий эса, ёмон ҳолдаги ёлғончи ва матрук *ровий* бўлганини маълум қилганлар. Ибн Адий «Абу-л-Бахтарийнинг ривоятлари асоссиз, у ҳадис тўқувчи ёлғончилардан биридир», деган. *Шиа* олимлари ҳам уни ёлғончи, деб қабул қилганлар.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60. VIII, 170. Ибн Саъд. *Ат-Табақат.* – Байрут: 1388/1968. VII, 332; Ёқут. *Муъжам ал-удаба.* – Қоҳира: 1355–57/1936–38. XIX, 260; Яҳё ибн Маъийн. *Ат-Тарйх.* – Макка: 1399/1979. II, 637; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. IX, 25–26; Уқайлий. *Аз-Зуъафа.* IV, 324–325; Ибн Адий. *Ал-Камил.* – Байрут: 1404–1405/1984. VII, 2526–2529; M. Yaşar Kandemir. «*Ebü'l-Bahterî, Vehb b. Vehb*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 297; Ибн ал-Жавзий. *Аз-Зуъафа.* – Байрут: 1406/1986. III, 189; Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Байрут: 1401–1405/1981–1985. IX, 374–375.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБУ-Л-БАХТАРИЙ, АЛ-ОС ИБН ҲИШОМ

أبو البختري العاص بن هشام

Абу-л-Бахтарий ал-Ос
ибн Ҳишом ибн ал-Ҳорис
(? – 2/624, Бадр)

Маккаликларнинг мусулмонлар зарарига бўлган бойкотини бузган қурайшлик мушрик

Баъзи манбаларда исми Ҳошим сифатида зикр қилинган Абу-л-Бахтарийнинг отаси ҳамда онаси Арво бинти Ҳориснинг насли Қусайда Пайғамбар (с.а.в.) насллари б-н бирлашади. А.Б.ал-О.и.Ҳ. жоҳилият даврида *Қурайш қабиласи*нинг пешқадамларидан бири бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) Исломга очиқ даъват этишга киришганларида Ул Зотнинг бу даъводан воз кечишини талаб қилиб, Абу Толибга арз қилган *қурайшлик*лар орасида А.Б.ал-О.и.Ҳ. ҳам бўлган. Бироқ уни машҳур қилган воқеа, *қурайш қабиласи* мусулмонларга қарши эълон қилган бойкот чоғида қариндошлик алоқалари сабабли мусулмонлар томонида бўлганидир. А.Б.ал-О.и.Ҳ. ва баъзи *қурайшлик*лар таом бериш ман қилинган мусулмонларга аввал емак келтирадилар, кейин эса, мусулмонлар б-н кўришиш ҳамда уларга ёрдам беришни ман қилган бойкот матнини *Каъба*нинг деворларидан олиб ташлайдилар.

А.Б.ал-О.и.Ҳ. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳижрат қилишларига қаршилик қилиш маслаҳати мақсадида Дор ан-Надвада ўтказилган мажлисда қатнашган, *Бадр жанги*да *мушрик*лар қўшинининг озиқ-овқат жамғармасига масъул бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) бойкот ҳодисасидаги яхшилигини эътиборга олиб, мусулмонлар зарарига бўлган фаолиятини билсалар-да, уни ўлдирмасликни амр этганлар. Жанг асносида А.Б.ал-О.и.Ҳ. б-н қарама-қарши келган Мужаззар ибн Зиёд ал-Балавий (р.а.) номли *саҳоба* Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу амрларини унга эслатиб, таслим бўлишини айтади. А.Б.ал-О.и.Ҳ. дўсти Жунода ибн Мулайҳага ҳам омонлик берилсагина таслим бўлишга рози бўлади. Бироқ, Мужаззар унинг бу истагини қабул қилмайди. Натижада, А.Б.ал-О.и.Ҳ. тирик қолиш мақсадида дўстини ўлим хатарида қолдириб кетгани учун *қурайш*лик аёлларнинг айбловига қолишдан андиша қилиб, жанг қилишда давом этади. Оқибатда у ўлдирилади.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сийра*. I, 264, 295, 354; Ибн Саъд. *Ат-Табақат*. II, 18, 23; Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш*. 213–214; Ибн Ҳабиб. *Ал-Мухаббар*. 162; Ибн Қутайба. *Ал-Маъариф*. 154; Ат-Табарий. *Тарих*. – Байрут: 1960. II, 323, 336, 342, 370, 437, 450–451; Ибн Ҳазм. *Жамҳара*. 117; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил*. II, 42, 6061, 71, 83, 89; Ибн Касир. *Ал-Бидая*. III, 85, 88, 96, 165, 175, 176; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам*. III, 247; İrfan Aycan. «*Ebü'l-Bahterî, Âs b. Hişâm*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 296.

Ирфан Айжан

АБУ-Л-БАХТАРИЙ, САЪИД ИБН ФЕРУЗ

أبو البختري سعيد بن فيروز

Абу-л-Бахтарий Саъид
ибн Феруз ат-Тоий ал-Куфий
(? – 82/701, ?)

Куфалик фақиҳ ва муҳаддис, тобеъин

Абу-л-Бахтарий, Саъид ибн Феруз асли араб миллатидан бўлмаган *Той қабиласи*нинг асосчиларидан. Куфада яшагани учун ал-Куфий нисбаси ва Ибн Абу Имрон исми б-н ҳам зикр қилинади. Абу Барза ал-Асламий, Ибн Аббос, Ибн Умар, Абу Саъид ал-Худрий (р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Амр ибн Мурра, Ато ибн Соиб, Ҳабиб ибн Абу Собит, Язид ибн Абу Зиёд каби *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар.

Куфалик *фақиҳ* ва ҳофиз Ҳабиб ибн Абу Собит А.Б.С.и.Ф. ва таниқли ҳадис ҳофизи, қори ва *муфассир* Саъид ибн Жубайрлар ўзаро суҳбат қурганларини зикр қила туриб, улар ичида олимроғи ва *фақиҳ*и А.Б.С.и.Ф. эканини

нақл қилган. А.Б.С.и.Ф. халифа Абдулмалик ибн Марвон даврида Куфа волийси бўлган Ҳажжожга қарши исён қилган Ибн ал-Ашъасни қўллаб-қувватлаган олимлардан. Ибн Сирийннинг маълум қилишича, яқин дўстлари уни ўзларига раҳбар билиб, ҳурмат қилишар эди. А.Б.С.и.Ф. Ҳажжожга қарши бўлиб ўтган *Дайр ал-жаможим жанги*да ўлдирилган. У Бағдод яқинидаги Дужайл деган жойда ўлдирилгани ҳақида ҳам маълумот мавжуд.

Манбаларда А.Б.С.и.Ф. қайғули хабар эшитганда дарров йиғлайдиган даражада таъсирчан ва ўта камтар шахс бўлгани ҳам маълум қилинган.

Ад.: Имом ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* III, 506. Ибн Саъд. *Ат-Табақат.* VI, 292–293; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* IV, 54; Аз-Заҳабий. *Сийар.* IV, 279; Аз-Зириклий. *Ал-Аълам.* III, 99; Osman Eskicioğlu. «*Ebû'l-Bahterî, Saîd b. Fîrûz*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 296–297.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБУ-Л-БАШАР
أبو البشر

(қ. ОДАМ а.с.)

АБУ-Л-БАҚО ИБН БАҲОУДДИН
أبو البقا بن بهاء الدين

(789/1387, ? – 854/1450, ?)

Тарихчи

Хожа Аҳмад ибн Жалолуддин Косоний (Махдуми аъзам)нинг набираси бўлиб, Абдулазизхон (1540–49 й.) саройида кичик давлат лавозими (ҳукмгир)да бўлган. У бобосига атаб «*Жомеъ ул-мақомот дар аҳволи ҳазрат Махдуми Аъзам*» китобини ёзган (1617 й.). Бу асарда Махдуми аъзамнинг ҳаётига оид маълумотлардан ташқари, Мовароуннаҳрнинг 16-а. биринчи ярмидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳамда *шайбонийлар* б-н Эрон ўртасидаги муносабатларга оид қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ад.: *Ислом. Энциклопедия.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 33.

АБУ-Л-БАҚО АЛ-УКБАРИЙ
أبو البقاء العكبري

(қ. ал-УКБАРИЙ, Абу-л-Бақо Муҳиббуддин)

АБУ БУРДА, БУРАЙД ИБН АБДУЛЛОҲ
أبو بردة بريد بن عبد الله

Абу Бурда Бурайд ибн Абдуллоҳ ибн Абу Бурда ибн Абу Мусо ал-Ашъарий ал-Куфий

(? – 140/757, ?)

Муҳаддис

Бобоси Абу Бурда ал-Ашъарий Куфа қозиси бўлган. Катта бобоси эса машҳур *саҳоба* Абу Мусо ал-Ашъарийдир. Отаси Абдуллоҳ ибн Абу Бурда ва бобоси Абу Бурда Омир ибн Абу Мусо ал-Ашъарийлардан ҳадис ривоят қилган. А.Б.Б.и.А. Куфада олим бўлиб етишди. Бобосидан ташқари Ҳасан ал-Басрий ва Ато ибн Абу Рабоҳ каби *тобеъин*лардан ҳадис ўрганган. Ундан Суфён ас-Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Суфён ибн Уяйна, Абу Усома, Абу Нуайм ал-Фазл ибн Дукайн ва б. *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Абу Усома ундан энг кўп ҳадис ривоят қилган. Ҳадис мунаққидларидан Яҳё ибн Маъйин, Абу-л-Ҳасан ал-Ижлий ва Ибн Адий каби олимлар уни ишончли *муҳаддис* бўлганини айтганлар. Бироқ Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Ҳотим ар-Розий ва Имом ан-Насоийлар унинг ривоятларига аҳамият бермаганлар, хоссатан ёлғиз ривоят қилган ҳадисларини қабул қилмаганлар. «*Кутуби ситта*» муаллифлари эса уни *садуқ* (тўғри сўз) *ровий* сифатида қабул қилиб, ривоятларини ўз асарларига киритганлар.

А.Б.Б.и.А. бобосидан, у эса отаси Абу Мусо ал-Ашъарийдан ривоят қилган «*Муснад Бурайд*» номли ад-Дорақутний томонидан тартиб берилган қирқ ҳадисдан иборат китоб Сулаймония кутубхонасида «*Китаб ал-арбаъйн ва ғайруҳ*» номли мажмуа ичида сақланмоқда. Барчаси *саҳиҳ* ривоятлардан ташкил топган «*Муснад Бурайд*»даги ўттиз еттита ҳадис «*Саҳйҳ ал-Бухарй*» ҳамда «*Саҳйҳ Муслим*»

асарларига ҳам киритилгани унинг мўътабар манба эканини кўрсатади.

Ад.: Имом ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* – Қоҳира: 1396–97/1976–77. II, 140; Яҳё ибн Маъйин. *Ат-Тарйх.* – Макка: 1399/1979. II, 56; Ал-Ижлий. *Ас-Сиқат.* 78; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдйл.* – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53. II, 426; Аз-Заҳабий. *Сийар.* – Байрут: 1401–1405/1981–1985. VI, 251–252; M. Yaşar Kandemir. *«Ebû Bürde, Büreyd b. Abdullah». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 115.

Тузувчи Азиз Тожиев

АБУ БУРДА, ОМИР ИБН АБУ МУСО

أبو بردة، عامر بن أبي موسى

(қ. ал-АШЪАРИЙ, Абу Бурда)

АБУ-Л-ВАЛИД АҲМАД ИБН АБУ РАЖО

أبو الوليد أحمد بن أبي رجا

(?, Ҳирот – 846, ?)

Тасаввуф шайхи

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Ҳирот яқинидаги Озодон қишлоғида туғилган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг шогирди. Имом ал-Бухорий ундан ҳадис ривоят қилган. Исфаҳон ва Бағдод ш.ларида яшаган. Ҳадис ва *тасаввуф* илмида замонасининг пешволаридан бўлган. *«Мужмал Фасиҳий»*да 15–16-а.да Ҳирот аҳолиси ҳар чоршанба куни унинг қабрини зиёрат қилишга борганлари ҳақида маълумот берилган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 402.

Олимжон Давлатов

АБУ-Л-ВАЛИД АТ-ТАЁЛИСИЙ

أبو الوليد الطيالسي

Абу-л-Валид Ҳишом ибн Абдулмалик ат-Таёлисий ал-Басрий

(133/750, ? – 227/842, Басра)

Ҳадис ҳофизи

*Бани Боҳила қабиласи*нинг нуфузли шахсларидан бўлгани учун ал-Боҳилий нисбаси б-н ҳам зикр қилинади. Икрима ибн Аммор, Абу Авона, Шуъба ибн Ҳажжож, Зоида ибн Қудома, Абдурраҳмон ибн Абу-з-Зинод, Молик ибн Анас, Ҳаммод ибн Салама кабилардан ҳадис ўрганган. Устозлари орасида етмиштача аёл *муҳаддис*лар бўлгани айтилади. Ундан ал-Бухорий, Абу Довуд, Исҳоқ ибн Роҳуя, Абд ибн Ҳумайд, Абу Зуръа ар-Розий, Абу Ҳотим ар-Розий, Ибн Вора каби машҳур *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар. Имом ал-Бухорий ундан 107 ҳадис олган. Ривоятлари *«Кутуби ситта»* б-н бир қаторда бошқа ҳадис китобларидан ҳам ўрин олган.

Манбаларда Абу-л-Валид ат-Таёлисийнинг ўлим саналари турлича нақл қилинган, яъни 227 й. сафар (841 й. дек.), рабиъул-аввал (842 й. янв.), рабиъул-охир (842 й. фев.), 226/840 й.да вафот этгани ҳам айтилади.

Ўз даврининг имоми, шайхул-ислом каби унвонлар б-н тилга олинган А.В.ат-Т.ни барча ҳадис танқидчилари *сиқа ровий* сифатида қабул қилганлар. «Амир ал-муъминийн фил-ҳадис» унвонига лойиқ кўрилиши ҳофизасининг ўта даражада қувватли ҳамда ишончли *ровий* бўлганига далолатдир. Аҳмад ибн Ҳанбал А.В.ат-Т.га баҳо бериб, ўз даврида ундан кўра устун *муҳаддис* топилмаганини айтади.

Машҳур *муҳаддис* Ибн Вора устозлари ичида А.В.ат-Т.га ўхшаш кучли ҳофизага эга шахсни кўрмаганини қуйидаги воқеани эслаш б-н изоҳлайди: «Абу-л-Валид ат-Таёлисий Шуъбадан ҳадис бўйича таълим олар экан, аввалари унинг ривоятларини ёзиб борарди. Шуъба ундан «Бирма-бир ёзиб боряпсанми?» деб сўраганидан сўнг, ёзишдан воз кечади ва эшитганларини ҳифзида сақлашни бошлайди».

Уни ўз илмига амал қилувчи ва *фақиҳ* сифатида зикр қилган Абу Ҳотим ар-Розий, унинг ривоятларини ўз ичига олган китобдан кўра саҳиҳ китобни кўрмага-

ни, ҳадис ривоят этаётганида олдида бирорта ёзилган матн бўлмаганини, умрининг охирларида ҳофизаси заифлашган Ҳаммод ибн Саламадан нақл қилган ривоятларига унча ишониб бўлмаслигини ифода қилган.

Ад.: Ибн Саъд. *At-Табақāт.* VII, 300; Яҳё ибн Маъйин. *At-Тарūх.* II, 618; Аҳмад ибн Ҳанбал. *Ал-Илал.* I, 524; II, 315; III, 460; Ал-Бухорий. *At-Тарūх ал-кабūр.* III, 195; ўша муал. *At-Тарūх ас-сағūр.* II, 355; Ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф* (Уккоша), 521; Ибн Абу Хотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдūл.* IV, 65–66; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* I, 382–383; ўша муал. *Сийар.* X, 341–347; ўша муал. *Ал-Ибар.* I, 314; Ибн Касир. *Ал-Бидāйа.* X, 299; Ибн Ҳажар. *Таҳзūб ат-таҳзūб.* III, 14; XI, 45–47; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* II, 62–63; M. Fuad Sezgin. *Buhârî'nin Kaynakları Hakkında Araştırmalar.* –İstanbul: 1956. 199; Mücteba Uğur. *Ansiklopedik Hadis Terimleri Sözlüğü.* – Ankara: 1992, 27; Abdülkadir Şenel. «*Ebü'l-Velîd et-Tayâlisî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 349–350.

Абдулқодир Шенел

АБУ-Л-ВАФО АЛ-АХСИКАТИЙ
أبو الوفاء الأخسيكتي

Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Ахсикатий
(? – 520/1126, ?)
Тилшунос ва тарихчи

Марвда яшаган. Ибн Абу-л-Маноқиб номи б-н танилган бўлиб, ўз даврида тилшунослик ва тарих илми соҳаларида пешволардан бўлган. Манбаларда Абу-л-Вафо ал-Ахсикатий атоқли шоир ва араб тилини мукаммал билган олим сифатида ҳам таърифланади.

А.В.ал-А. Ахсикатда Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Сўфийдан дарс олган. Ас-Самъоний олим б-н бир неча маротаба учрашган, лекин унинг маърузаларидан баҳраманд бўла олмаган.

Тарихчилардан Ҳожи Халифа олим қаламига «*Китāб ат-тарūх*» номли асар мансублигини зикр қилган.

Ад.: О.А. Қориев. *X-XII асрларда Моваройннаҳрда фиқҳ илми // Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний.* – Т.: «Фан», 2009. 52; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 29.

Ҳамиджон Ҳомидий

АБУ-Л-ВАФО АЛ-БАҒДОДИЙ
أبو الوفاء البغدادي

(қ. ИБН АҚИЙЛ, Абу-л-Вафо ал-Бағдодий)

АБУ-Л-ВАФО АЛ-ХОРАЗМИЙ
أبو الوفاء الخوارزمي

(? – 835/1432, Хоразм)
Тасаввуф олими, мутасаввиф шоир

Манбаларда унинг «*Лавойиҳи асрор*» («Равшанлик сирлари») ва «*Наср ул-жавоҳир*» («Наср дурдоналари») номли илмий-*тасаввуф*ий руҳда рисолалар ёзгани тўғрисида маълумот берилган. Лекин у асосан рубоийлари б-н машҳур бўлган. Таниқли афғон адабиётшунос олими Нажиб Мойил ал-Ҳиравий Теҳронда нашр этилган «*Дар шабистони ирфон*» («Ирфон хилватхонасида») асарида Абу-л-Вафо ал-Хоразмий ҳақида ҳам мухтасар гапириб, унинг 146 та рубоийсини илова тариқасида келтиради. Бу рубоийлар Теҳрон Миллий кутубхонасида 306-рақам остида сақланаётган «*Жунги асрори ирфон*» («Ирфон сирлари дафтари») тўпламидан олинган. Теҳронда 1993 й. чоп этилган «*Рубоийнома*» тўпламига эса шайх-шоирнинг 98 та рубоийси киритилган.

А.В.ал-Х. рубоийлари *ваҳдат ал-вужуд* таълимотининг шеърий ифодаси ҳисобланади. У *тасаввуф* назарияси талаб-қоидаларини шеърий усулда баён қилиб берган. Бу дунёнинг ўткинчилиги, нафс ва жисмнинг Ҳақ йўлида тўсиқлиги, ҳақиқий ҳаёт Аллоҳ ҳузурида эканлиги, бунинг учун камолот касб этиб, хулқни поклаш, комиллик мартабасига эришиш зарурлиги, Аллоҳ ҳақиқатлар ҳақиқати экани, уни ақл б-н англаб бўлмаслик, фақат юксак мақомга кўтарилган кўнгил ҳоли б-н уни таниш мумкинлиги, Аллоҳ эҳтиёжсиз Зот экани, бу дунёни ошкор қилиб, ўзини пинҳон тутгани, банда кўнглига илоҳий ишқ Аллоҳнинг ўзи томонидан солиниши, ўзини билган ҳою ҳавасга қул бўлмаслиги, дарвешлик,

завқу талаб, дардмандлик, фақру фано, Ҳақ йўлида ўзни унутиш, ному нишонсизлик ва б.лар А.В.ал-Х. рубоийларининг асосий мавзуси ҳисобланади.

А.В.ал-Х.нинг номи *«Мажолис ун-нафоис»*нинг биринчи мажлиси ва *«Насойим ул-муҳаббат»*да тилга олинади. Навоий унинг авлиё зот эканини, Хоразм халқи орасида «ер фариштаси» номи б-н шуҳрат қозонганини, зоҳирий ва ботиний илмларни яхши ўзлаштирганини айтиб, *тасаввуф* ва мусиқа илмига доир рисола битгани ҳақида маълумот беради ва қуйидаги рубоийсини келтиради:

Бад кардаму эътизор бадтар зи гуноҳ,
Зеро, ки дар ин ҳаст се даъвийи табоҳ:
Даъвийи вужуду даъвийи қуввату феъл,
Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ.

Мазмуни: Уч ноҳақ даъво сабаб ёмон иш қилдимки, узри гуноҳдан баттар: улар вужуд, қувват ва феъл даъвоси бўлиб, барча куч ва қудрат соҳиби Аллоҳдир.

Ад.: https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/abulvafo-xorazmiy.

Олимжон Давлатов

АБУ ВОҚИД АЛ-ЛАЙСИЙ
أبو واقد الليثي

Абу Воқид ал-Ҳорис ибн Авф ал-Лайсий (? – 68/687-88, Макка)

Саҳоба

Манбаларда Абу Воқид ал-Лайсий (р.а.)нинг исми Авф ибн Молик, Ҳорис ибн Молик ёки Авф ибн Ҳорис шаклларида ҳам зикр қилинади. Мадиналик *саҳоба*лардан ҳисобланади. Исломнинг илк йилларида ёки Макка *фатҳ* қилинган йили (8/629-30 й.) мусулмон бўлганига доир фарқли икки ривоят мавжуд. *Ҳунайн ғазоти* (8/630 й.) ҳақида сўз кетганда, А.В.ал-Л. у вақтда ҳидоятга янги келганининг маълум қилиниши иккинчи қарашни қувватлайди. Бунга кўра, *Бадр жанги*да иштирок этганига доир ривоятнинг заиф экани тушунилади. А.В.ал-Л. *Ҳунайн*да бўлгани каби Маккани нинг *фатҳ*ида ҳам *Кинона қабиласи*нинг байроқдори бўлган. Умар (р.а.) даврида Шом *фатҳ*ларида иштирок этган. *Ярмук жанги*да (15/636 й.) бўлган. Умрининг охирги йилини Маккада кечирган А.В.ал-Л. ўша ерда вафот этган ва «Муҳожирун қабристони»га дафн қилинган. 65/684-85 й.да вафот этгани ва ўша вақтда олтмиш беш, етмиш, етмиш беш ёки саксон беш ёшда бўлгани ҳақида ҳам ривоятлар бор.

Пайғамбар (с.а.в.)дан бошқа Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар ва Асмо бинт Абу Бакр (р.а.)лардан ҳадис ривоят қилган. Ундан ўғиллари Абдулмалик ва Воқид, шунингдек, Ато ибн Ясор, Саъид ибн Мусайяб, Урва ибн Зубайр, Сулаймон ибн Ясор, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба каби *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар. Йигирма тўртта ҳадисни ташкил этган ривоятлари *«Кутуби ситта»*дан ўрин олган. Улардан ўн еттитаси Аҳмад ибн Ҳанбалнинг *«Муснад»*ида зикр қилинган.

Ад.: Wensinck. *Ал-Муъжам.* VIII, 289; Ал-Воқидий. *Ал-Мағазӣ.* III, 820, 890–891, 896, 990; *Муснад.* V, 217–219; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* III, 82–83; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъаб.* IV, 215–216; Ибн ал-Жавзий. *Талқиҳ фуҳум аҳл ал-асар.* – Қоҳира: 1975. 367; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба.* I, 409; VI, 325–26; Аз-Заҳабий. *Сийар.* II, 574–576; Ибн Ҳажар. *Таҳзиб ат-таҳзиб.* XII, 270–271; ўша муал. *Ал-Исаба.* IV, 216; Ал-Хазражий. *Хуласа тазҳиб.* 462; Asri Çubukcu. «*Ebû Vâkid el-Leysî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 251–252.

Асри Чубукжу

АБУ ДАБИ
أبو ظبي

Абу Даби (араб. – *жайрон отаси*) – БАА ва Абу Даби амирлигининг пойтахти. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий маркази. Майдони – 972 км^2, аҳолиси 1 145 000 ни ташкил қилади (2017 й.). Расмий тили – араб тили. Расмий дин – *Ислом*. Кўп мусулмон

мамлакатларида бўлгани каби, БААда ҳам қонунчилик Қуръони каримда белгиланган ахлоқий тамойилларга асосланган. БААда *шариат*га асосланган суд тизими жорий қилинган. У ҳатто сайёҳлар ва б. дин вакилларига нисбатан ҳам қўлланилади.

А.Д.га 1760 й.да асос солинган. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда бу ерда аҳоли яшаганлигини тасдиқловчи археологик маълумотлар мавжуд. А.Д. ш.га асос солиниши ҳақида халқ орасидаги афсона тилдан-тилга ўтиб келган. Бадавий араблар бир жайронни овламоқчи бўлиб таъқиб қиладилар. Жайрон узоқ вақт саҳрода қочиб, орқасидан қуваётган овчиларни Форс кўрфазига олиб келади. Жайрон ўзини сувга отади ва нариги қирғоқдан чиқади. Буни кўрган овчилар ҳам ўзларини сувга отиб қирғоқдан чиқадилар. Жайрон уларни тоза сув манбаига олиб боради. Миннатдор бўлган овчилар жайрон ҳаётига раҳна солмайдилар ва манбанинг ёнида жойлашган ерга А.Д. (Жайроннинг отаси) дея ном берадилар.

18-а.да А.Д. қирғоқлари форт ва балиқчилик кулбаларидан ташкил топган. 20-а. гача маҳаллий аҳолининг асосий фаолияти балиқчилик ва марварид излаш бўлган. 1793 й.дан бу жойлар А.Д. шайх ва ҳокимларининг қароргоҳи бўлган.

Шаҳар тарихидаги муҳим воқеа 1958 й. б-н боғлиқ бўлиб, А.Д. яқинида биринчи йирик нефть конлари топилган. Шаҳар нефтни қазиб олишни ташкил этиш маркази бўлиб қолади. Агар 1960 й.ларнинг бошларида А.Д. кичик балиқ овлаш қишлоғи бўлган бўлса, 30 й. ўтгач у кенг кўламли ва осмонўпар бинолар мажмуаси бўлган мегаполисга айланди. Шаҳарнинг жадал ривожланиши 1968 й.да, беш йиллик ривожланиш режаси қабул қилингандан сўнг бошланди. 1971 й.да А.Д. БААнинг вақтинчалик пойтахти бўлди. 1996 й.да шаҳар БААнинг доимий пойтахти мақомини олди. Шаҳар Форс кўрфази Жан.-шарқий қисмидаги оролда жойлашган.

А.Д. тропик чўл иқлимли, дунёнинг энг иссиқ шаҳарларидан бири ҳисобланади. Ёғингарчилик жуда оз кузатила-

Абу Дабининг ҳоз. кўриниши



ди (тахминан й.га 50 мм). Ёзда ҳарорат 50 °С гача етади. Қишда ҳаво ҳарорати бир мунча салқинлашади. Ҳарорат баланд бўлган ой – авг. Дубай иқлими б-н таққослаганда, ёмғир камроқ ёғади, ёзги ҳарорат анча юқори ва қишқи ҳарорат бир оз пастроқ.

А.Д. ривожланган хизмат кўрсатиш б-н бир қаторда, мамлакат иқтисодиётининг муҳим сектори бўлган нефть ва газ қазиб олувчи ҳудуднинг маъмурий, молиявий ва транспорт маркази ҳисобланади. Шунингдек, шаҳарда қатор молиявий ташкилотлар: Халқаро фонд биржаси, товар хомашё биржаси, молиявий фьючерс биржаси, йирик банклар (улар ичида Абу Даби Миллий банки) фаолият олиб борадилар.

Асосий диққатга сазовор жойларидан бири – Шайх Зойид масжиди, дунёдаги энг йирик масжидлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, 2017 й.да Лувр Абу Даби санъат музейи, қадимий А.Д.нинг бизгача етиб келган архитектура ёдгорлиги ҳисобланган Ал-Ҳусн форти шулар жумласидандир. Ҳозирда бу ерда Амирлик ҳужжатлари сақланадиган архив ва тадқиқотлар маркази фаолият олиб бормоқда.

Бошқа диққатга сазовор масканлар: Ferrari World – Феррарининг биринчи тематик парки. Дунёдаги усти ёпиқ энг катта ўйин парки ҳисобланади. Al Bahar – ноёб «ҳаракатланувчи» фасадга эга бўлган икки осмонўпар бино. Aldar HQ – айлана осмонўпар бино. Шунингдек, шаҳар марказида кишиларни ўзига жалб қилувчи қатор замонавий масжидлар, фонтанлар барпо қилинган.



Абу Даби. Al Bahar биноси

Бундан ташқари шаҳарда давлат идоралари, йирик компанияларнинг офислари, дунёнинг энг муҳташам меҳмонхоналари, ресторанлар, 20 дан ортиқ йирик кўнгилочар дам олиш масканлари жойлашган. Шаҳар замонавий баланд осмонўпар бинолар б-н «Яқин Шарқ Манхеттони» номига сазовор бўлган. Шаҳар 20-а.нинг 80-й.ларида, Дубайдан анча олдин замонавий кўринишга эга бўлди.

А.Д.да бир қатор йирик таълим масканлари фаолият олиб боради. Улар қаторида Олий технология коллежи, Шайх Зойид номидаги ун-т алоҳида аҳамиятга эга.

Туристлар учун барпо қилинган нефть кўргазмасида зиёратчилар шаҳар тарихига оид видео ва аудиоматериаллар б-н яқиндан танишиш имкониятига эгадирлар. Шаҳар яқинида мамлакатнинг анъанавий турмуш тарзини тақдим этадиган ал-Муссафах маданий-этнографик шаҳарчада дам олиш ва байрам кунлари туристлар араб миллий қўшиқлари ва рақсларини томоша қилишлари мумкин бўлади. Шунингдек, шаҳарга келган меҳмонларини анъанавий ҳунармандчилик буюмлари – тўқимачилик, ип-газлама ва каштадўзлик маҳсулотлари ҳам жалб қилади.

Ад.: www.tripadvisor.ru; https://ru.wikipedia.org; www.votpusk.ru.

Озодбек Алимов

АБУ ДАБИ ИСЛОМ БАНКИ
مصرف أبو ظبى الإسلامى

Абу Даби Ислом банки (Abu Dhabi Islamic Bank/ADIB) 1997 й. 20 майда Амирнинг фармони б-н очиқ акциядор-

лик жамият шаклида тузилган. Банк тижорат фаолиятини 1998 й. 11 нояб. да бошлаган ва 1999 й. 18 апр.да расман очилган. Банкнинг барча фаолияти *шариат* тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

ADIBнинг тўланган устав капитали 100 млн. дона акциялардан иборат 1 млрд. дирҳамни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири 10 дирҳам. Банк акциялари Абу Даби фонд биржасида рўйхатга олинган. Жаҳон банкидаги исломий банк тизимининг тобора кенгайиб бораётгани туфайли, ADIB ўзининг географиясини мунтазам равишда кенгайтириш орқали ўз моделини тарқатишга кўпроқ эътибор қаратмоқда. ADIBнинг халқаро миқёсга чиқиши Мисрда қўшма тузилманинг пайдо бўлиши б-н бошланди, кейинчалик Ироқ, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Қатар ва Судандаги қўшма лойиҳалар орқали такомиллашди. Шунингдек, айрим мамлакатларда ADIB банк фаолиятини амалга оширишга лицензия олишни кутмоқда.

ADIBнинг таъсисчилари 29 фоиз акцияга эгалик қилади, қолган 71 фоизни 100 мингга яқин акциядорлар эгаллайди. ADIB таъсисчилари:

– Қирол оиласи аъзолари;

– ADIA (Abu Dhabi Investment Authority) жамғармаси (Абу Даби инвестиция жамғармаси);

– БААнинг таниқли вакиллари;

– Доктор Восим Аҳмад Хон.

Мижозлар б-н ишлашнинг асосий шакллари йирик мижозлар, чакана сегмент (жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш), индивидуал хизмат кўрсатиш тизимидан иборат. Банк ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширади: банк карталари б-н ишлаш, транзакцион банк хизматлари, ғазна, коорпоратив молия ва инвестициялар, хусусий капитални бошқариш.

Банк автомобиллар, кўчмас мулк ва асбоб-ускуналар сотиб олиш, аккредитивлар таклиф қилиш, ҳомийлик инвестиция фондларини молиялаштириш ҳамда мулкни бошқариш ва баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатади. ADIB Ислом дини қонунларига мувофиқ кредитлар беради. Банк алкоголь маҳсулотларини, шунингдек, транспорт компанияларини, товарларни сақлаш ва тарқатишни таклиф қилувчи компаниялар фаолиятини молиялаштирмайди.



Абу Даби Ислом банки

Шариат тамойилларига асосланган ноёб банк ечимлари б-н ADIB инновациялар ва янги техник воситалардан фойдаланиш бўйича етакчига айланди. Тез ривожланиб бораётган тармоқ ва таклифлар ҳамда банк ечимларининг кенгайиши туфайли ADIB бир неча мукофотларга сазовор бўлган. Айни пайтда «Dana Women's Banking» суғурта лойиҳаси ҳамда БААда биринчи мобил банк хизматига айланган *161# хизмати сингари кўплаб ноёб хизматлар ва маҳсулотлар б-н мижозларга деярли барча онлайн операцияларни юклаб олишсиз амалга ошириш имконини беради.

Ад.: https://en.wikipedia.org/wiki/Abu_Dhabi_Islamic_Bank; www.adib.ae; http://www.uae-consulting.com/banki-v-oae/abu-dhabi-islamic-bank

Нурислом Тўхлиев

АБУ ДАБИ МАСЖИДИ
مسجد أبو ظبى

Дунёдаги олтита энг йирик масжидлардан бири. Масжид 1996–2007 й.лар мобайнида қурилган. БААнинг пойтах-



Шайх Зойид масжиди. Абу Даби


ти Абу Даби ш.да жойлашган. БААнинг асосчиси ва биринчи президенти Зойид ибн Султон Оли Наҳаённинг шарафига номланган.

«Оқ масжид» номи б-н ҳам аталади. Бу ҳақиқий мўъжиза ва БААнинг энг ажойиб иншоотларидан биридир. Бутун дунёдаги сайёҳлар бу ажойиб ноёб иншоотни бутун маҳобати ва ҳашамати б-н кўриш учун Абу Дабига оқиб келадилар. Бу масжид БАА ва Абу Дабининг барча йўлкўрсаткичлари, барча саёҳат брошюраларида акс этган ва гидларнинг хизмат вазифаларига киритилган. Масжиднинг ўзига хослиги нафақат ёрқин архитектурасида, балки ҳайратга солувчи қиймати ва таъсирчан ўлчамларидадир. Шунингдек, у дунёдаги иккита ўхшаш иншоотлардан бири бўлиб (Дубайдаги «Жумайра масжиди»), у ерга киришга миллати ва динидан қатъи назар ҳаммага рухсат берилади. Бошқа масжидларда эса, фақат мусулмонларга рухсат берилган. Масжид Муссафаҳ ва Мақта кўприклари ўртасида жойлашган.

Масжиднинг улуғвор қурилиши «дунё бирлашуви»нинг рамзига айланган. Қурилишда Италия, Германия, Марокаш, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Хитой ва Греция каби мамкалатларнинг энг моҳир усталари ишлаган ва мазкур мамлакатларнинг қурилиш ашёларидан фойдаланилган. Қурилишда 3000 дан ортиқ ишчи ва 38 та ташкилот иштирок этган. Майдони 22.412 м^2 ни ташкил этувчи ушбу комплекс, бешта футбол майдонига тенг. Қурилишнинг умумий қиймати 2 млрд дирҳам (545 млн АҚШ доллари) ни ташкил этган. Аввалда Марокашга хос меъморий услубда бошланган лойиҳанинг ташқи деворларига кейинчалик анъанавий услуб жорий қилинган.

Қибла деворида Аллоҳнинг 99 та исми куфий хатида ёзилган бўлиб, улар умумий дизайнга мос бўлган ингичка толали оптик ёруғлик б-н ёритилган. Масжид умумий майдони 7874 м^2 бўлган сунъий кўл ва каналлар б-н ўралган. Тунги вақтдаги ёритиш воситалари ёрдамида қорамтир рангли кафеллар б-н сайқалланган мазкур сув ҳавзаларида «Оқ масжид» ўзгача жилоланади. 17400 м^2 дан иборат масжид ҳовлиси рангли мармар б-н безатилган.

Аксарият одамларнинг фаразича, масжид гўё сайёҳларни жалб қилиш ва маҳаллий тўкинликни намойиш қилиш учун барпо қилинган иншоот ҳисобланади. Бироқ «Минг бир кеча» асарига иллюстрация сифатида қурилган бу иншоот аслида кўпроқ нарсани англатади. Оқ масжид ўзида Шайх Зойид ибн Сул-



Шайх Зойид масжиди ички кўриниши

тон Оли Наҳаёнга бўлган чуқур ҳурмат ва миннатдорчиликни намоён қилади. Бу камбағал бадавий халқлардан ажойиб мамлакат барпо қилган БААнинг буюк ҳукмдорини улуғлаб қурилган асосий ёдгорликдир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2004 й. 2 нояб.да вафот этган Шайх Зойид ибн Султон Оли Наҳаён ушбу масжидга дафн қилинган.

Ўзига оҳанрабодек тортувчи бу жозибали масжид диққатга сазовор бошқа ашёларга ҳам эга. У нафақат маҳобатли кўриниши, балки унга солинган гилам ўлчамининг катталиги б-н ҳам ҳайратомуз аҳамиятга эга. Ўлчами 5627 м^2 бўлган гилам дунёдаги энг катта гилам ҳисобланади. Ундаги нақшларнинг муаллифи – эронлик Али Холиқий ҳисобланса, гиламнинг ўзи «Эрон гиламлари» компаниясида тўқилган. Бундай катта ўлчамдаги санъат асарининг тўқилишида 1200 га яқин киши, 20 та техник ва 30 та ишчи гуруҳ меҳнат қилган. Оғирлиги 47 т дан ортиқ бўлган мазкур гилам жун ва пахтадан тўқилган (35 т жун, 12 т пахта). Қиймати – 8,2 млн доллар.

Масжиднинг яна бир диққатни тортувчи жиҳози бу қандиллар мажмуасидир. Улар еттитани ташкил қилади. Олтин ва сваровски тошлари б-н безатилган қандиллар Германияда ишланган. Бу қандилларнинг асосийси 2010 й.нинг 26 июнига қадар дунёдаги энг катта қандил дея эътироф қилинган. Унинг оғирлиги тахминан 20 т, баландлиги 15 м, диаметри эса 10 м ни ташкил қилади.

2008 й. март ойидан эътиборан мамлакат туризм вазирлиги томонидан масжидга барча сайёҳлар учун экскурсиялар ўтказиш мумкинлиги эълон қилинди. Бироқ бу ажойиб масжиднинг ичида эркин юриш учун бир нечта қоидаларни билиш ва уларга риоя қилиш кераклиги белгилаб қўйилган. Биринчидан, бино ичида қатъий дресс-код тизими жорий қилинган: унда эркаклар қўл ва оёқларини тўсувчи кўйлак ва шимда бўлишлари белгилаб қўйилган. Калта енгли устки кийим ва шортларда масжид бўйлаб экскурсия қилиш таъқиқланган. Аёллар сочларини ўз ичига олувчи рўмол ўраган ҳолда бўлишлари лозим. Уларнинг очиқ ҳамда тор кийимларда киришлари ман қилинган. Масжид ҳудудига киришдан олдин оёқ кийимлар ечилади ва зиёратчилар учун тақдим этиладиган махсус оёқ кийимлар б-н ичкарига кирилади. Шунингдек, масжид ҳудудида ейиш, ичиш ҳамда чекиш қатъиян ман қилинган. Масжид ҳудудига кириш ва экскурсия қилиш бепулдир.

Масжид бир вақтнинг ўзида 40000 *намоз*хонни ўз ичига олади. Асосий хонақоҳ 7000 *намоз*хонга мўлжалланган. Асосий хонақоҳнинг ёнидаги иккита кичик хонақоҳнинг ҳар бири 1500 *намоз*хонни сиғдира олади. Бу икки хонақоҳ фақатгина аёлларга мўлжалланган. Масжид биносининг тўртта бурчагида баландлиги 115 м лик тўртта минора қад ростлаган. Шим. минорада жойлашган кутубхонада илм-фан, маданият, хаттотлик ва санъатга бағишланган турли тиллардаги замонавий ва қадимий китоблар тўплами мавжуд.

Масжид биносининг ташқи кўринишида 82 та гумбаз бўлиб, улар оқ мармар б-н қопланган. Марказий гумбазнинг диаметри 32,8 м ҳажмда бўлиб, баландлиги 85 м ни ташкил қилувчи ушбу гумбаз дунёдаги энг катта гумбаздир.

Масжид расмий равишда фаолиятини 2007 й. рамазон ойида бошлаган. Шайх Зойид масжиди жума кунидан ташқари ҳар куни соат 09.00 дан 12.00 гача бепул ташриф учун очиқ. Зиёратчилардан масжидга бориш учун рухсат берилган жойларда бўлишлари, *намоз*гоҳ ичидаги Қуръон ва б. меъморий буюмларга тегинмаслик талаб қилинади.

Ад.: https://ru.wikipedia.org; https://planetofhotels.com; www.travel.ru; https://travel.rambler.ru.

Озодбек Алимов

АБУ-Д-ДАРДО
أبو الدرداء

Уваймир ибн Омир ибн Молик ибн Зайд ибн Қайс ибн Умайя ал-Хазражий ал-Ансорий (?, Мадина – 32/652, Дамашқ)

Саҳоба

*Хазраж қабиласи*дан. Абу-д-Дардо (р.а.) куняси б-н танилган. Отаси – Омир ибн Молик Зайд ибн Қайс ибн Умайя. Онаси – Бинт Воқид ибн Амр ибн Итноба.

А.Д. ансорийлардан охирги бўлиб мусулмон бўлган. А.Д. Ислом динини қабул қилишидан олдин сиғинадиган бут-санамларини эҳтиёт қилар эди. Мусулмон бўлишига сабабчи бўлган дўсти Абдуллоҳ ибн Равоҳа (р.а.) бир куни ўша бутларини синдириб кетади. Бунга гувоҳ бўлган А.Д. дўстидан жаҳли чиқади. Бироқ бир оздан сўнг тафаккур қилиб ўзига: «Агар бутнинг бирор каромати бўлса эди, ўзини ҳимоя қиларди» дейди ва Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб, Исломни қабул қилади. Бу воқеа *ҳижрат*нинг иккинчи йили содир бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) у б-н Салмон Форсий, бошқа ривоятга кўра, Авф ибн Молик орасида қардошлик боғини боғлаганлар (қ. *МУОҲОД*).

А.Д. Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Уҳуд* ва б. *ғазот*ларда иштирок этган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида Қуръони каримни ёд олиб, Ул Зотга ўқиб берган. Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) халифалигининг охирги вақтларида бошланган *Ярмук жанги*да қатнашган. Бу жангда у қўшин қозиси бўлган ва бу вазифа Ислом тарихида илк маротаба А.Д. б-н бошланган. Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.)дан кейинги икки халифа даврларида ҳам бу вазифа унга юклатилган. Умар (р.а.)нинг халифалик даврида Мадинада бошқа баъзи *саҳоба*лар б-н бирга қозилик қилган. А.Д. Умар (р.а.)дан Қуръон ва суннатни ўргатиш мақсадида Шомга кетиш учун изн сўраганида, у Шомда амирлик вазифасини адо қилишини таклиф этади, бироқ А.Д. бу вазифани қабул қилмагани манбаларда зикр қилинган. Бошқа бир ривоятда, Шом волийси Язид ибн Абу Суфён халифадан Қуръон ва *фиқҳ*дан муаллим сўраганида, Умар (р.а.) А.Д. ни икки киши б-н бирга Шомга юборгани келтирилган. Аввал Ҳимсга, сўнг Дамашққа келган А.Д., Муовия Шом волийси бўлиб турганида Умар (р.а.)нинг буйруғи б-н Дамашққа илк қози сифатида тайинланади. Халифа Умар (р.а.) Дамашқдаги ҳолатни ўрганиш учун келганида, уни уйига бориб зоҳидона ҳаёт кечираётганига гувоҳ бўлган.

А.Д. ҳам Умар (р.а.), ҳам Усмон (р.а.) даврларида Қуръон таълими б-н машғул бўлган. Кўплаб шахслар ундан *қироат* илмини ўрганганлар. Муовиянинг Шом волийлиги асносида бошқа баъзи *саҳобалар* б-н бирга *Қибрис фатҳи*да қатнашгани ҳам маълум.

А.Д. баъзи ривоятларда кўра, 31/651 й.да Дамашқда вафот этган ва «Боб ас-сағир» қабристонига дафн қилинган. Туркия Диёнат вақфининг «*Ислом энциклопедияси*»даги маълумотга кўра, 1938 й.да Муовия ибн Абу Суфён қабридан 20 м жан.-ғарбда А.Д.га, яна бири Уммуд-Дардога оид икки қабр тоши топилган. Куфий хати б-н ёзилган ва ҳозирда ал-Матҳаф ал-Ватаний (Дамашқ Миллий музейи)да сақланаётган ушбу тошларнинг 10-11-а.га мансублиги айтилмоқда.

А.Д.нинг Уммуд-Дардо куняли *саҳоба* ва *тобеъин* икки хотини бўлган. *Тобеъин* Уммуд-Дардо Қуръон тиловатида катта маҳорат эгаси бўлган. А.Д.нинг Билол ва Язид исмли икки ўғли ва Дардо ва Насиба исмли икки қизи бўлган. Булардан Билол *умавийлар* даврида Дамашқ қозиси вазифасида фаолият олиб борган.

Исломдан аввал тижорат б-н машғул бўлган А.Д. доимо охират ҳисоби ва Аллоҳ ризосини ўйлаган. Исломни қабул қилган вақтлари аёлига парво қилмаслик даражасида ибодатга берилган. Бир куни Салмон Форсий (р.а.) А.Д.ни зиёрат қилиш учун уйига борганида А.Д.нинг хотини унга дўстидан шикоят қилиб: «Биродарингиз Абу-д-Дардонинг дунё ишларига эътибори йўқ», дейди. Салмон Форсий (р.а.) А.Д.га Ислом дини бу ҳолатга изн бермаслигини айтиб, уни бу борада ҳаддан ошишдан қайтаради. А.Д.нинг ибодати кўпроқ тафаккур ва ибрат олиш тарзида бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) уни «умматимнинг энг обиди ва энг муттақийси», «бу умматнинг ҳокими» каби иборалар б-н тилга олганлари ривоят қилинган.

Дунёнинг ўткинчи матоҳларига берилмаган А.Д. қизи Дардога уйланиш истагида бўлган Язид ибн Муовияга розилик бермай, уни фақир мусулмон йигитга никоҳлаган. Билганларини сўзлашдан қайтмаган, халқни яхшилик қилишга, охират ҳақида фикрлашга, етимларни бошини силашга, қулларни озод қилишга, Аллоҳни зикр қилишга, тавозеъли бўлишга, назарни тўқ қилишга, зулм қилишдан қочишга чақирар эди. Кишиларни билганларига амал қилиш, динни маҳкам ушлашга тарғиб қилган.

А.Д. Қуръон илмида моҳир бўлиб, «Дамашқ қориси», деб тилга олинади. Қуръони кўп тиловат қилар ва ўқитар эди. Илм талабидагиларни гуруҳларга бўлиб, уларга бир раҳбар тайинларди. Гуруҳ раҳбари талабалар б-н шуғулланар, ўзи эса дарсни кузатар эди. Маълум бир даражага етган талабалар *қироат*ларини унга ўқиб берардилар. А.Д.нинг *қироат* ҳалқалари баъзан 1500 дан ортиқ кишигача етган. Ундан *арз йўли*



Абу-д-Дардонинг «Боб ас-сағир» қабристонидан топилган қабр тоши. Дамашқ

б-н Қуръон ўрганганлар орасида кичик хотини Уммуд-Дардо, Атийя ибн Қайс ал-Килобий, Холид ибн Маъдон ва қози Сувайд ибн Абдулазизлар бўлган. Шунингдек, машҳур етти *қироат* имомларидан Ибн Омир ҳам ундан дарс олган.

Шунингдек, у *тафсир*, *фиқҳ*, ва ҳадис илмларида ҳам *саҳоба*ларнинг пешволаридан бўлган. Кўп йиллар давомида фаолият олиб борган қозилик вазифасида даъво б-н келганларга талабчанлик қилар, уларни диққат б-н тинглар эди. Унинг бу талабчанлик сифати ҳадис ривоятида ҳам кўринади. А.Д.дан ҳадис ўрганиш мақсадида турли ўлкалардан келганларга ҳадисни бошқа лафз б-н айтиб қўйган бўлиши мумкинлигини айтиб «ҳадис шу маънода», ёки «шунга ўхшаш шаклда», деб айтар эди.

А.Д. ривоят қилган ҳадисларнинг сони 179 та бўлиб, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос, Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) каби *саҳоба*лар б-н бирга хотини Уммуд-Дардо, ўғли Билол, Жубайр ибн Нуфайр, Абу Идрис ал-Хавлоний, Саъид ибн Мусайяб каби *тобеъин*лар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

А.Д.нинг гўзал сўзларидан баъзилари қуйидагилар: «Банда Аллоҳга ибодат б-н машғул бўлса, Аллоҳ у бандани севади ҳамда яратганларига ҳам севдиради». «Иймоннинг чўққиси бошга тушган ишларга сабр, тақдирга розилик, самимий бир таваккул ва Аллоҳга бўйин эгишдир». «Бир соат тафаккур, бутун бир кеча нафл ибодат қилишдан афзалдир». «Билмаганга бир, билиб амал қилмаганга етти кара афсус-надомат бўлсин».

А.Д. то вафот этгунига қадар Дамашқ аҳлига Қуръон каримни ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларини ўргатиб, уларга зарур ҳаётий эслатмалар ва насиҳатлар қилиб яшайди. Ўлим тўшагида ётганида у кишининг сафдошлари ундан: «Нимадан шикоятингиз бор?», деб сўрайдилар. А.Д.: «Гуноҳлардан» – дейди. «Нимани хоҳлайсиз» деганларида, «Аллоҳ таолонинг кечиришини хоҳлайман» деб жавоб қилади. Сўнгра ёнларидаги кишиларга: «Менга *Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ*ни талқин қилиб туринглар» дейди. Жон таслим қилгунча *калимаи шаҳодат*ни айтиб вафот этади.

А.Д. Усмон (р.а.) халифалик даврида вафот этган. Искандарияда вафот этгани ҳақида ҳам манбаларда маълумот берилган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат*. II, 336; Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир*. VII, 76–77; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил*. VII, 26–28; Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъаб*. III, 15–18; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. IV, 318–320; Ибн Манзур. *Мухтасар тарих Димашқ*. XX, 10–43; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффаз*. I, 24–25; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба*. III, 45–46; Abdullah Aydinli. «*Ebü'd-Derdâ*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 310-311; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 21; С. Примов. «*Абу Дардо*». *Исломшунослик қомусий луғат*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. 32; *101 улуғ саҳобий*. (муаллифлар гуруҳи). – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 158–161; https://azon.uz/content/views/sahobalar-hayotidan-abu-dardo; https://islom.uz/qomus/523; http://www.sahaba.rasoolona.com/Sahaby/24548; https://ar.wikipedia.org/wiki; https://islamweb.net/ar/library; http://islam.ru/content/person/42022.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ-Д-ДАҲДОҲ
أبو الدحداح

Абу-д-Даҳдоҳ ал-Ансорий

Саҳоба

Манбаларда исми Абу-д-Даҳдоҳа ибн Даҳдоҳа бўлгани ҳам айтилади. Ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг маълум қилишича, «Аллоҳга яхши қарз берадиган ким бор?! Бас, токи унга берганини кўп марта кўпайтириб берса» (*«Бақара» сураси*, 245-оят) ояти нозил бўлганида Абу-д-Даҳдоҳ (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)нинг олдиларига келиб: «Эй Расулуллоҳ (с.а.в.)! Аллоҳ биздан қарз сўрайдими?», деб сўрайди. «Ҳа», деган жавобни олганида Пайғамбар (с.а.в.)нинг қўлларини тутиб, савобини фақатгина Аллоҳдан кутган ҳолда, 600 туп хурмо дарахти бўлган боғини Аллоҳга қарз сифатида берга-

нини айтади. Сўнг боғига бориб, у ерда бўлган оиласига боғни Аллоҳга қарз сифатида берганини айтиб, боғдан чиқиш кераклигини сўрайди. Ушбу воқеадан сўнг Пайғамбар (с.а.в.): «Абу-д-Даҳдоҳ учун жаннатда кўплаб хурмо дарахтлари ўсмоқда», – дейдилар.

А.Д.нинг мазкур хурмо боғини Пайғамбар (с.а.в.) ундан қарз сифатида сўраганлари ёки бошқа сабаблар б-н Аллоҳ йўлига атагани ҳам ривоят қилинади.

А.Д.нинг қачон вафот этгани маълум эмас. Ўлими вақтида Пайғамбар (с.а.в.) унинг насли ва ворислари ҳақида билишга *ансор*лардан Осим ибн Адийни тайинлайдилар. А.Д.нинг насли ҳақида маълумот топилмаганидан сўнг, мерос синглисининг ўғли Абу Лубоба ал-Ансорийга берилган. *Уҳуд ғазоти*да Пайғамбар (с.а.в.)нинг шаҳид этилганлари ҳақидаги хабар тарқаганида А.Д.нинг: «Муҳаммад (с.а.в.) вафот этган бўлсалар, Аллоҳ тирикдир, у ҳаргиз ўлмас», дея мусулмонларга далда бергани, ўзи жангда Холид ибн Валид томонидан шаҳид этилгани ҳам нақл қилинади.

*Қузоа қабиласи*нинг Балий уруғидан бўлган А.Д. ёки Абу-д-Даҳдоҳа Собит ибн Даҳдоҳ ва Абу-д-Даҳдоҳ ал-Ансорий орасида хурмо боғларини Аллоҳ йўлида ҳиба қилиб Пайғамбар (с.а.в.) дуосини олганлари, *ансор*ларнинг ҳимоясида бўлганлари, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаёт бўлганларида вафот этганлари ва меросхўрлари топилмагани каби хусусларда ўхшашлик бўлгани кузатилади. Ҳадисларда А.Д., Абу-д-Даҳдоҳа ёки Ибн ад-Даҳдоҳ кунялари б-н зикр қилинган бу икки *саҳоба*, табақот китобларида икки бошқа-бошқа шахс сифатида кўрсатилса-да, битта шахс бўлганлари ёки куняларининг ўхшашлиги сабабли бир-бирлари б-н адаштирилганлари эҳтимолга яқин.

Ад.: *Муснад*. III, 146; V, 90, 95, 99; Ад-Доримий. «*Фарâиз*». 27, 38; Муслим. «*Жанâиз*». 89; Абу Довуд. «*Жанâиз*». 44; Ан-Насоий. «*Жанâиз*». 95; Ал-Воқидий. *Ал-Мағâзӣ*. II, 281; III, 505; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъâб*. IV, 61; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғâба*. I, 267; VI, 96–97; Ал-Қуртубий. *Ал-Жâмиъ*. – Байрут: 1408/1988. III, 155–156; Ибн Ҳажар. *Ал-Исâба*. I, 191; IV, 59; Аш-Шавконий. *Дарр ас-саҳâба*. 422–423; Köksal. *İslâm Tarihi (Medine)*. III, 173–174; Raşit Küçük. «*Ebû'd-Dahdâh*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 309–310.

Рашид Кучук

АБУ ДОВУД АС-СИЖИСТОНИЙ

أبو داود السجستاني

Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр Абу Довуд ал-Аздий ас-Сижистоний (202/818, Сижистон – 275/888, Басра)

Муҳаддис

Олим номини Имом аз-Заҳабий «*Тазкира ал-ҳуффâз*» асарида ҳофизларнинг тўққизинчи табақасида келтирган.

Таҳсил олиш ёшига етганда ўзи яшаган даврдаги илм марказларида таълим олган. Хуросон, Ироқ, Миср, Шероз, Жазира ва Ҳижозга бориб ҳадис ўрганган.

Абу Довуд ас-Сижистоний ҳадис ўрганиш учун борган илм марказларида бир қанча олимлар б-н учрашган, улардан машҳурлари қуйидагилардир: Имом, *фаҳиқ*, *ҳофиз*, ҳужжа(т) Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал аш-Шайбоний ал-Марвазий ал-Бағдодий, Абу Закариё Яҳё ибн Маъийн, Исҳоқ ибн Роҳувайҳ ал-Ҳанзалий, Абу Ражо Қутайба ибн Саъид, Абу-л-Ҳасан Усмон ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба, Иброҳим ибн Усмон ал-Куфий, Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Маслама ибн Қаънаб ал-Ҳорисий, Ҳофиз Абу-л-Ҳасан Мусаддад ибн Мусарҳад ал-Асадий ал-Басрий, Абу Салама Мусо ибн Исмоил ат-Тамимий, ҳофиз Муҳаммад ибн Мусанно ал-Басрий, Абу Усмон Амр ибн Марзуқ ал-Боҳилий ал-Басрий ва б.лар.

А.Д.ас-С.нинг жуда кўп шогирдлари бўлган. Дарс ҳалқаларида кўплаб талабалар б-н бирга имом даражасидаги Имом ат-Термизий ва Имом ан-Насоий каби олимларни учратиш мумкин бўлган. Булардан ташқари ундан устози Аҳмад ибн



Ҳанбал ҳам бир ҳадис ривоят қилган. Шунингдек, ўғли Абдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ашъас, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Халлол, Али ибн ал-Ҳусайн ибн Абд, Муҳаммад ибн Мухаллад ад-Дурий, Исмоил ибн Муҳаммад Саққор, Аҳмад ибн Салмон Нажод ва б.лар.

А.Д.ас-С. олдин Бағдодда яшаган, кейин Басрага кетиб, у ерда ҳам илм тарқатган. Бағдоддан Басрага кетиши сабабини, хизматчи Абу Бакр ибн Жобир шундай баён қилади: «Мен Абу Довуд б-н Бағдодда эдим. Бир куни шом *намози*ни ўқишим б-н эшик тақиллади. Эшикни очдим. Эшикни тақиллатган киши амир ал-муъминийн Абу Аҳмад Муваффақ эди. Киришга рухсат сўраб, ичкарига кирди. Абу Довуднинг олдига ўтириши б-н ораларида шундай бир суҳбат бўлди. Абу Довуд: «Амир ал-муъминийн бу соатда нега келганингизни билсам бўладими?» Амир ал-муъминийн: «Учта нарсани сўрашга келдим». Абу Довуд: «Марҳамат». Амир ал-муъминийн: «Истагимни биласизку, бўлиб ўтган исён туфайли Басра халқи атрофга тарқалиб шаҳар харобага айланди. Агар сиз Басрага борсангиз, у ерда жойлашиб, илмингизни тарқатишда давом этсангиз, четдан илм олишга келадиганлар ҳисобига Басра қайта жонланади, кейингиси болаларимга *«Сунан»* китобингизни ривоят қилишингизни хоҳлайман. Сўнгги истагим, болаларимга ўзингизнинг бир соатингизни ажратишингизни сўрайман. Чунки халифа болалари бошқалар билан бирга дарс қилолмайдилар», деди. Имом Абу Довуд: «Учинчи истагингиз бўлолмайди, чунки илм олишда инсонларнинг ҳаммаси тенгдир», деди. Ибн Жобир шундай дейди: «Халифанинг болалари ҳам ҳадис ўрганишга бошқа одамлар билан бирга ўтиришарди. Фақат бошқа насл билан ораларида парда турарди». Халифанинг таклифига биноан А.Д.ас-С. Басрага кетади.

Ўткир ақл, юксак қобилият, ва тинимсиз меҳнат натижасида 500000 та ҳадисни ёзган ва ҳаммасини ёд олган.

Олим Абу Бакр ал-Халлол айтади: «Абу Довуд ўз замонасининг пешқадам имомларидан. Илмда ҳеч бир киши у билан тенглаша олмас эди. Замонасининг ўткир олимларидан эди».

Ҳофиз Мусо ибн Ҳорун: «Абу Довуд бу дунёда ҳадис учун яратилган, охиратда эса жаннат учун», деган.

Амр ибн Али: «Имом Абу Довуд дуоси ижобат бўлувчи кишилардан эди», деб айтади.

Муҳаммад ибн Саъд аз-Зуҳрий: «Бу зот обид, тақволи, фозил, солиҳ, пок кишилардан эди», деб айтган.

Имом Абу Ҳотим ар-Розий: «Бу зотдек тазарруъли ва ҳужжати ишончли кишини кўрмаганман», деган.

Имом аз-Заҳабий шундай дейди: «Абу Довуд ҳуффозларнинг каттасидир. Ўзи беш юз минг ҳадисни олдин ёзиб, кейин уларни ёд олиб зеҳнини ҳадислар б-н тўлдирди».

Ҳоким Абу Абдуллоҳ: «Абу Довуд шубҳасиз ўз даври муҳаддисларининг каттаси эди», деган.

Олимнинг энг асосий ва унга катта шуҳрат келтирган асари *«Сунан»* ҳисобланади. Унда 4800 та ҳадис жамланган, олти ишончли тўпламнинг бири. Бун-



Абу Довуднинг «*Сунан*» тўплами

дан ташқари *«Ал-Марāсил»*, *«Ар-Радд ъала-л-қадарийя»*, *«Ан-Нāсих ва-л-мансўх»*, *«Масāил ал-имāм Аҳмад»*, *«Китāб аз-зуҳд»*, *«Далāил ан-нубувва»*, *«Ат-Тафарруд фи-с-сунан»*, *«Фазāил ал-ансāр»*, *«Ад-дуъā»* ва б. асарларни таълиф этган.

А.Д.ас-С. умр бўйи Басрада илмини тарқатиш б-н машғул бўлди. Қабри Суфён ас-Саврий қабри ёнида жойлашган.

Ад: Тақиййуддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. *Абў Дāвуд – ал-имāм ал-ҳāфиз ал-фақйҳ.* – Дамашқ: «Дор ал-қалам», 1994. 176; Абу Довуд. *Сунан Абй Дāвуд.* – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1996.

Дониёр Муродов

АБУ ДОВУД СУЛАЙМОН ИБН НАЖОҲ

أبو داود سليمان بن نجاح

Абу Довуд Сулаймон ибн Нажоҳ ал-Қуртубий ал-Умавий (413/1022, Кардова – 496/1103, Валенсия)

Қироат олими

Умар Ризо Каҳҳола ва Аҳмад Атийятуллоҳлар Абу Довуд Сулаймон ибн Нажоҳнинг отаси Андалус амири Ҳишом ибн Ҳакам ал-Муайяд-биллаҳнинг озод қилган қули бўлган, деб айтган бўлсалар-да, қадимий манбаларга кўра, мазкур амир томонидан озод қилинган қул унинг отаси эмас, балки ўзидир. Дания ва Валенсияда яшагани зикр қилинган А.Д.С.и.Н.нинг ҳаёти ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар йўқ.

Қироат илмини Абу Амр ад-Донийдан ўрганган. Унинг энг пешқадам шогирдларидан бўлган. Шунингдек, Ибн Абдулбар ан-Намарий, Абу Абдуллоҳ ибн Саъдун, Абу-л-Валид ал-Божий ва Абу Шокир ал-Хатиб каби устозлардан *тафсир*, ҳадис ва *фиқҳ* илмларини таълим олган.

Ундан *қироат* илмини ўрганган кўплаб шогирдлари орасида Абу Абдуллоҳ ибн Саъид ад-Доний, Абу Али ас-Садафий, Аҳмад ибн Саҳнун ал-Мурсий, Абу Довуд Сулаймон ибн Яҳё ал-Қуртубий ва б.ларни кўрсатиш мумкин.

Хаттотликда ҳам моҳир бўлган А.Д.С.и.Н. *«Саҳйҳ ал-Бухāрй»*ни ўн, *«Саҳйҳ Муслим»*ни эса, олти жилд ҳолида кўчиргани зикр қилинади.

А.Д.С.и.Н. йигирма олтита асар ёзган бўлиб, уларнинг баъзилари қуйидагилар: *«Ат-Танзйл фй ҳижā ал-масāҳиф»*, *«Таълйф фй усўл аз-забт ва кайфиййатиҳ ъалā жиҳати-л-ихтисāр»*, *«Байāн ал-жāмиъ ли-ъулўм ал-Қуръāн»* (300 жилддан иборат), *«Ал-Иътимāд фй усўл ал-қирāа ва-д-дийāна»*, *«Ас-Салāт ал-вустā»* ва б.лар.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Сийар.* XIX, 168–170; ўша муал. *Маърифа ал-қуррā.* I, 450–451; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифйн.* IV, 278; Brockelmann. *GAL. Suppl.*, II, 349; *Ал-Қāмўс ал-ислāм.* II, 340; Abdurrahman Çetin. *«Ebû Dâvûd, Süleyman b. Necâh». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 119.

Тузувчи Улуғбек Сулаймонов

АБУ ДОВУД АТ-ТАЁЛИСИЙ

أبو داود الطيالسي

(қ. ат-ТАЁЛИСИЙ, Абу Довуд)

АБУ ДУЖОНА

أبو دجانة

Абу Дужона Симок ибн Хараша ибн Лавзон ал-Ансорий (?, Мадина – 12/633, Ямома)

Саҳоба

Насаби Симок ибн Авс ибн Хараша экани ривоят қилинган. Абу Дужона (р.а.) куняси б-н машҳур бўлган. *Хазраж қаби-*

*ласи*дан. *Ҳижрат*дан олдин исломни қабул қилган. Пайғамбар (с.а.в.) у б-н Утба ибн Ғазвонни тутинган биродар сифатида ораларини боғлаганлар. *Бадр*, *Уҳуд* ва б. *ғазот*ларда иштирок этган. *Уҳуд ғазоти*нинг энг қийин пайтида Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларида бўлган. Мусулмонлар катта қийинчиликка учраган бу урушда ваҳимага тушмай Пайғамбар (с.а.в.)нинг атрофида тўпланган ўттиз *саҳоба*дан ва ўлим *байъат*ини қилган саккиз *саҳоба*дан бири ҳам Абу Дужона (р.а.) бўлган. Жангдан аввал Пайғамбар (с.а.в.) қўлларидаги қилични кўрсатиб, «Буни ким мендан олади?», деб сўрайдилар. Барча *саҳоба*лар қўлларини узатиб, «мен, мен» дейдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ким унинг ҳаққини бериб олади?» – деганларида, ҳамма қўлини қайтаради. А.Д. унинг ҳаққи нима эканини сўрайди. Пайғамбар (с.а.в.): «Сингунига қадар душман б-н жанг қилиш», дейдилар. Шунда А.Д.: «Унинг ҳаққини мен адо қиламан, ё Расулаллоҳ», деб қилични олади ва душман устига ташланади. Ушбу воқеадан сўнг унга «Зус-сайфайн» («Икки қилич эгаси») лақаби берилган. Бу *ғазот*да Пайғамбар (с.а.в.)нинг тишлари синган, атрофларида содир бўлган хавф пайтида А.Д. вужуди б-н қалқон бўлиб Ул Зотни ҳимоя қилган. Урушда А.Д.ни ўлдиришга қасам ичган Абдуллоҳ ибн Ҳумайдга дуч келиб, уни ўлдиради. Пайғамбар (с.а.в.) уни «Аллоҳим! Харашанинг ўғлидан мен қандай рози бўлган бўлсам, Сен ҳам рози бўл» деб, дуо қилганлар. *Ҳунайн ғазоти*да Пайғамбар (с.а.в.)га ҳавозинлик *мушрик*лар хавф солганида у кишини ҳимоя қилиб, ёнларида жанг қилганлардан бири бўлган. А.Д. Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) халифалик даврида муртадларга қарши *Ямома жанги*да қатнашиб, Мусайлама ал-каззобга қарши жангда жонбозлик кўрсатган ва шу жангда шаҳид бўлган. Али (р.а.)нинг халифалик давригача яшагани ва *Сиффийн*да унинг ёнида бўлгани ҳам ривоят қилинади. Ибн Саъд ўзи яшаган даврда Мадина ва Бағдодда А.Д.нинг авлодлари ҳам яшаганини айтган.

А.Д. жанглардаги жасорати б-н машҳур бўлган. Жанг шиддатли тус олганда юзига қизил рўмолчасини тутиб олгани учун, *ансорий*лар буни «ўлим рўмолчаси» деб ҳам атардилар.

А.Д. ўзининг икки амалига жуда кўп ишонишини айтар эди. Зайд ибн Аслам А.Д. касал бўлиб ётганида уни кўришга келади. Унинг юзи хурсандлигидан балқиб турар эди. Ундан: «Юзингдаги хурсандчилик аломати нимадан?» деб сўралганда, «Амалларимда икки нарсага қаттиқ турдим: бири ўзимга тааллуқли бўлмаган гапларга аралашмадим, иккинчиси эса, қалбимда мусулмонларга нисбатан фақат яхшилик бўлгани» деб жавоб беради.

А.Д. ҳадис ривоят қилмаган.

Ад.: Ибн Абдулбар. *Ал-Истиъоб.* II, 83–84; Ал-Воқидий. *Ал-Мағози.* I, 9, 76, 83, 86, 148, 150, 152, 168; Ибн Ҳишом. *Сийра.* II, 6–69, 82, 192; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғоба.* II, 451–452; Аз-Заҳабий. *Сийар.* I, 243–245; Ибн Ҳажар. *Ал-Исоба.* IV, 58; Asri Çubukçu. *«Ebû Dücâne». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 122.

Тузувчи Жамолиддин Каримов

АБУ ЖАНДАЛ

أبو جندل

Ал-Ос ибн Суҳайл ибн Амр ал-Омирий ал-Қураший (? – 18/639, Шом)

Саҳоба

Исломни қабул қилганидан кейин Абу Жандал (р.а.) куняси б-н машҳур бўлган. Баъзи манбаларда укаси Абдуллоҳ ибн Суҳайл б-н чалкаштирилиб, у б-н боғлиқ баъзи воқеалар А.Ж.га нисбат берилган. А.Ж. *Бадр ғазоти*дан аввал Маккада мусулмон бўлган. Шу боис отаси уни қамаб занжирбанд қилади ва *ҳижрат* қилишига изн бермайди. *Ҳудайбия сулҳи*да (6/628) маккаликлар вакили бўлган отаси Суҳайл ибн Амр б-н Пайғамбар

(с.а.в.) келишувнинг ёзма матнини имзолаш тараддудида турганларида А.Ж. оёқлари занжирбанд қилинган ҳолда Маккадан қочиб келади. Буни кўрган Суҳайл Пайғамбар (с.а.в.)дан келишувга мувофиқ ўғли ортга қайтишини талаб қилади. Расулуллоҳ (с.а.в.) келишув ҳали имзоланмаганини айтсалар-да, Суҳайл буни қабул қилмайди ва ўғли қайтарилмагунича келишув қоғозига имзо чекмаслигини таъкидлайди. У ўғлига зарар бермасликка ваъда бериб, уни олиб кетишга киришади. Мусулмонларни таассуфга солган ва «Явму Аби Жандал» деб тилга олинадиган бу воқеадан қаттиқ хафа бўлган Пайғамбар (с.а.в.) А.Ж.га таскин беришга ҳаракат қиладилар ва келишувга содиқ қолишга Аллоҳ номи б-н сўз берганларини айтиб, унга сабр тилайдилар.

*Ҳудайбия сулҳи*дан кейин мусулмон бўлиб Мадинага келган, аммо *қурайш*ликларнинг хоҳишига кўра, ортга қайтарилган ва муҳофизлардан бирини ўлдириб, Қизил денгиз соҳилидаги «Сийф ал-баҳр»га қочган Абу Басийр ҳақида эшитгач, А.Ж. ҳам ўзи каби ҳибс қилинган 70 та мусулмон б-н ўша ерга қочади. «Сийф ал-баҳр»да йиғилган мусулмонларнинг тижорат карвонлари учун хавфли бир кучга айланганини эшитган *қурайш*ликлар шартномада Мадинага кетганларни ортга қайтариш ҳақидаги қайд қилинган шартдан воз кечганлари, хоссатан Абу Басийр, А.Ж. ва уларнинг сафдошларини Мадинага киритилишига рози эканларини маълум қиладилар. Бунинг эвазига тижорат карвонларининг хавфсизлиги таъминланишини сўрайдилар. Пайғамбар (с.а.в.) Абу Басийр ва б.ларга мактуб юбориб, Мадинага келишларини буюрадилар. Мактуб «Сийф ал-баҳр»га етиб борганидан бир оз кейин Абу Басийр вафот этади. Унинг вафотидан сўнг, у ердаги мусулмонларга бош бўлган А.Ж., сафдошлари б-н бирга Мадинага қайтади.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларига қадар Мадинада қолган А.Ж. барча *ғазот*ларда иштирок этган. Макка *фатҳ* этилган кун мусулмон бўлган отаси б-н бирга *Дамашқ фатҳи*да қатнашадилар.

Баъзи манбаларга кўра, А.Ж. (р.а.) *Ямома жанги*да (12/633) иштирок этиб, ўттиз саккиз ёшида вафот этган. Бошқа ривоятга кўра эса, 18 (639) й.да Урдунда тарқалган вабо сабабли отаси б-н бир вақтда вафот этган.

Ад.: Ал-Воқидий. *Ал-Мағазӣ*. II, 607–609, 630; Ибн Абдулбар. *Ал-Истӣъаб*. IV, 33–35; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғаба*. IV, 54–56; Аз-Заҳабий. *Сийар*. I, 192–193; Ибн Ҳажар. *Ал-Исаба*. IV, 34; Asri Çubukçu. *«Ebu Cendel». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 118–119.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ЖАЪФАР

أبو جعفر

Аҳмад ибн Ҳамдон ибн Али ибн Синон (?, Нишопур – 924)

Мутасаввиф

*Тасаввуф тариқат*ининг йирик намояндаси. *Хавф*, *тақво* ва *зуҳд*га алоҳида аҳамият қаратган. Абу Ҳафс ал-Ҳаддод б-н учрашган. Кишининг чиройи сўзининг гўзаллигида, камоли амалининг тўғрилигида, деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, Ҳаққа етишишнинг аломати Аллоҳни ёдидан чалғитадиган нарсаларга машғул бўлмасликдир. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. X, 187; *Алишер Навоий. Қомусий луғат.* – Т.: 2016. I.

Олимжон Давлатов

АБУ ЖАЪФАР АД-ДОМҒОНИЙ

أبو جعفر الدامغاني

Сўфий

*Тасаввуф тариқат*ининг йирик намояндаси. Ҳоз. Афғонистондаги Домғон ш.да туғилган. Мадинада яшаган.

Шайх Абу Бакр ал-Каттоний б-н учрашган. Ас-Суламий, Абдуллоҳ ал-Ансорий, Абдурраҳмон Жомий каби мутасаввиф олимларнинг *тасаввуф* тарихига оид асарларида А.Ж.ад-Д. ҳақида маълумот берилган. Алишер Навоийнинг *«Насойим ул-муҳаббат»* асарида ҳам А.Ж.ад-Д. ва ундан зоҳир бўлган *карома*тлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 213.

Олимжон Давлатов

АБУ ЖАЪФАР АЛ-КОТИБ
أبو جعفر الكاتب

(қ. ИБН ад-ДОЯ)

АБУ ЖАЪФАР АЛ-МАНСУР
أبو جعفر المنصور

(қ. ал-МАНСУР, Абу Жаъфар)

АБУ ЖАЪФАР МУОЗ
أبو جعفر معاذ

Сўфий

*Тасаввуф тариқат*ининг йирик намояндаси. Мисрда яшаган. *Тасаввуф* шайхлари Абу Жаъфар Ҳаддод ва Абу Абдуллоҳ Барқийдан суҳбат тариқасида *тасаввуф* одобидан сабоқ олган. Абу-л-Ҳусайн Сирвоний Сағирнинг устози. Унинг талқинига кўра, *тасаввуф* – Ҳақ таолонинг қудратини яралмиш нарсаларда мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўлиш ва басират кўзини очиш демакдир. Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий А.Ж.М.нинг *тасаввуф* ва ахлоқ ҳақидаги ҳикматларига юқори баҳо берган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*-дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ансорий. *Табақот ус-сўфийя.* – Теҳрон: 1384. 183; Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 209–210.

Олимжон Давлатов

АБУ ЖАЪФАР МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ
أبو جعفر محمد الترمذي

(қ. ат-ТЕРМИЗИЙ, Абу Жаъфар)

АБУ ЖАЪФАР АН-НАҲҲОС
أبو جعفر النحاس

(қ. ан-НАҲҲОС, Абу Жаъфар)

АБУ ЖАЪФАР АН-НУФАЙЛИЙ
أبو جعفر النفيلي

Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ан-Нуфайлий
(? – 234/848, ?)

Ҳадис ҳофизи

Ал-Қузоий ва ал-Ҳарроний нисбалари б-н ҳам аталади. Манбаларда ҳаёти ҳақида маълумот кам учрайди. Зуҳайр ибн Муовия, Молик ибн Анас, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ҳусайн ибн Башир ва Суфён ибн Уяйна каби олимлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Яҳё ибн Маъийн, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Довуд ас-Сижистоний, Абу Зуръа ар-Розий, Абу Ҳотим ар-Розий, аз-Зуҳлий ва б. *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Жаъфар ан-Нуфайлий ривоятлари «*Кутуби ситта*»нинг барча тўпламларидан ўрин олган. Аҳмад ибн Ҳанбал унинг ҳофизасини баён қилар экан, уни қўлида китоб б-н ҳадис ривоят қилганини кўрмаганини айтади. А.Ж.ан-Н. дан жуда кўп ҳадис ривоят қилгани б-н машҳур бўлган Абу Довуд эса, ундан кўра ҳофизаси кучли бўлган шахсни кўрмаганини маълум қилган. Абу Ҳотим ар-Розий ва ад-Дорақутнийлар уни *сиқа* ва ривоятлари далил сифатида қўлланилган шахс бўлганини нақл қилганлар.

А.Ж.ан-Н. рабиъул-охир ойида, тахм. тўқсон ёшида вафот этган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* V, 189; Ибн ал-Асир. *Ал-Лубаб.* III, 320; Аз-Заҳабий. *Сийар.* X, 634–637; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб.* VI, 16–18; Ali Osman Koçkuzu. «*Ebû Ca'fer en-Nüfeylî*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 117.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ЖАЪФАР АЛ-УСТРУШАНИЙ
أبو جعفر الأستروشني

Абу Жаъфар Муҳаммад
ибн Амр аш-Шаъбий ал-Уструшаний
(?, Уструшана – 404/1013, ?)
Фақиҳ

Абу Жаъфар ал-Уструшаний Уструшанада таваллуд топиб, Самарқандда яшаган. У Бухоро *ҳанафий фақиҳ*ларининг устози Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Каморий ал-Бухорий (ваф. 991 й.)дан *фиқҳ* илмини ўрганган. Ал-Каморий бухоролик илоҳиётчиларга қарши чиқиб, Самарқанд илоҳиёт олимларининг «иймон яратилган», деган фикри тарафдори бўлган.

А.Ж.ал-У. Самарқандда қозилик қилган. У шунингдек, ироқлик машҳур олим Абу Бакр Жассос ар-Розий (ваф. 980 й.) дан ҳам *фиқҳ* илмидан таҳсил олгани манбаларда қайд этилган.

Ас.: *«Ал-Жāмиъ ал-кабīр»*, *«Аз-Зийāдāт»*, *«Кифāйа аш-Шаъбī»*. Мазкур асарнинг учта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

А.Ж.ал-У. Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшган. Шогирдларидан Абу Зайд ад-Дабусий (978-1039) *«Ал-Асрāр»* асарида тўртта ҳадисни Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий (902-988) дан А.Ж.ал-У. воситасида ривоят қилган.

Ад.: *Самарқанд алломалари.* – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2017. 88 – 89.


Шовосил Зиёдов,
Қодирхон Маҳмудов

АБУ ЖАЪФАР АЛ-ҚОРИЙ
أبو جعفر القارى

Абу Жаъфар Язид
ибн ал-Қаъқоъ ал-Маданий
(36/657 – 130/747-48, Мадина)
Ўн қироат имоми, тобеъин

Баъзи манбаларда Язид исми Жундаб деб ҳам зикр қилинган. Абдуллоҳ ибн Айёшнинг озод қилган қули бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг *завжаи мутаҳҳара*ларидан Умму Салама (р.а.)нинг озод қилган қули сифатида ҳам зикр қилинган. Ўзининг нақл қилишича, ёш болалигида Умму Саламанинг ҳузурига олиб келинган, у ҳам боланинг бошини силаб, ҳаққига дуо қилган.

Абу Жаъфар ал-Қорий *қироат* таҳсилини Абдуллоҳ ибн Айёш, Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ва Абу Ҳурайралардан ўрганган. Ҳадис соҳасида Абдуллоҳ ибн алАббос, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттоб, Марвон ибн Ҳакамдан устоз сифатида фойдаланган ҳамда



Абу Жаъфар ал-Қорий қироатининг Пайғамбар (с.а.в.) га боғланган санади занжири

улардан ҳадис ривоят қилган. А.Ж.ал-Қ. нинг *қироат* соҳасидаги устозлари орасида Зайд ибн Собит номи ҳам зикр қилинган бўлса-да, Шамсуддин аз-Заҳабий бунинг тўғри эмаслигини айтган. Ундан *қироат*нинг машҳур икки ровийси Ибн Жаммоз ва Ибн Вардон, *етти қироат* имомларидан Нофеъ ибн Абдурраҳмон, Абу Амр ибн Ало ва Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Аслам кабилар *қироат* илмини ўрганганлар. «*Ал-Муватто*» номли асарида А.Ж.ал-Қ. ҳадисларига ўрин бермаган Молик ибн Анас, шунингдек, Абдулазиз ад-Даровардий ва Абдулазиз ибн Абу Ҳозимлар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Довуд «*Сунан*»ида унинг ривоятларини келтиради.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан эллик уч йил ўтгач, А.Ж.ал-Қ. Мадинада *Масжид ан-Набавий*да Қуръон дарсларини беришни бошлаган ва вафотига қадар бу вазифани бажаргани учун «Мадина қироат имоми» номи б-н аталган. А.Ж.ал-Қ. рамазон ойларида *намоз*ларини *қироат* мутахассиси сифатида имомлар орқасида ўқиб, жаҳрий ўқиганларида содир бўлиши мумкин бўлган хатоларни тузатиш вазифасига тайинланган. *Каъба*да имомлик қилганида орқасида Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттобнинг *намоз* ўқигани ривоят қилинган.

А.Ж.ал-Қ. *қироат*ини баҳолаш бўйича турли қарашлар мавжуд. Баъзи олимлар бу *қироат*ни *шоз* сифатида қайд қилсалар, баъзилари *мутавотир* эканини айтадилар. Шамсуддин аз-Заҳабий бу икки қарашни зикр қилиб, иккиласининг ҳам тўғри эмаслигини айтган. У А.Ж.ал-Қ. *қироат*и *одил* ва *сиқа* кимсалар томонидан нақл қилингани ва араб тили қоидаларига уйғунлиги сабабли қабул қилинганини зикр қилган. Шунингдек, аз-Заҳабий *саҳоба* ва *тобеъин*ларнинг пешқадамлари тириклик вақтларида Пайғамбар (с.а.в.)нинг масжидида Қуръондан дарс берган, *қироат*ига ҳеч кимса қаршилик қилмаган олим *қироат*и учун *шоз* атамасини қўллаш тўғри эмаслигини таъкидлаган.

А.Ж.ал-Қ.нинг *қироат*даги йўналишидан намуна:

1. *«Тавба» сурас*идан бошқа барча суралар бошида «басмала» айтилади. *«Анфол» сурас*инг охирги оятидан *«Тавба» сурас*ига ўтишда учта важҳ жоиз: «вақф», «сакта», «васл»;

2. Муттасил мад тавассут – 4 ҳаракат, мунфасил мад қаср – 2 ҳаракат;

3. Бир калимада кетма-кет келган ҳамзанинг орасига алиф киришига қарамасдан иккинчиси хоҳ заммали, хоҳ фатҳали, хоҳ касрали бўлсин, тасҳил қилинади.

4. Ҳаракати бир хил кетма-кет ҳамзанинг иккинчисини тасҳил қилинади. Аммо ҳаракати бошқа-бошқа бўлганини Нофеъ, Ибн Касир ва Абу Амр *қироат*идаги каби ўқилади.

5. Ҳамза калиманинг «фе»си, «айн»и ёки «лом»и бўлишидан қатъи назар ибдол қилинади.

6. فَأَلْقَىٰ , نُوَلِّهِۦ , وَنُصْلِهِۦ , يُؤَدِّهِۦ каби калималардаги «ҳои ҳавваз» сукун б-н ўқилади.

7. «Жам мими»ни ўзидан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса заммали қилиб, унга «вов» қўшилади.

8. لَبِثْتَ , وَأَخَذْتُمْ каби калималарда «зол» ва «се» ҳарфлари «те»га идғом қилинади: لَبِثْتَ , وَأَخَذْتُمْ

9. Сукунли «нун» ва танвин «хе» ва «ғайн» ҳарфларига йўлиққанда ғунна б-н ихфо қилинади: مَّنْ خَوْفٍ , عَفَوْا غَّفُورًا .

10. أَنِّت калимасида, қаерда келса ҳам, «ҳе» б-н вақф қилинади.

11. «Изофа ё»сини Қолун фатҳали қилган жойда фатҳали, сукунли қилган жойда сукунли қилинади, баъзи ўринлар мустасно.

12. «Зоида ё» васлда талаффуз қилинишида Қолунга ва айримларида Варшга мувофиқ. Айримлари ўзига хос.

13. لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا даги «тои марбута»ни барча ўринларда замма б-н ўқилади.

14. الٓمٓ , كٓهيعٰصٓ каби сураларнинг бошида келадиган ҳижоийя ҳарфларининг ҳар бирида нафас олмасдан енгил сакта қилинади.

15. *«Исро» сурасид*а وَنُخْرِجُ لَهُ يَوْمَ الْقِيٰمَةِ оятидаги «нун» ўрнига «ё» ўқилади.

16. *«Муъминун»* ва *«Наҳл» сурасид*аги نُسْقِيكُم مِّمَّا жумласи نَسْقِيكُم مِّمَّا ўқилади.

17. وَلِتُصْنَعَ عَلَىٰ عَيْنِي оятидаги «лом» ва «айн» сокин қилинади: وَلْتُصْنَعْ عَلَىٰ عَيْنِي .

18. *«Юсуф» сурасид*аги لَا تَأْمَنَّا ни соф идғом б-н ўқилади.

19. مُسْتَهْزِءُونَ , وَالصَّٰبِـُٔونَ , شَـٰنِئَكَ каби калималаридаги ҳаракатли ҳамзаларни ё ибдол қилинади, ё тушириб қолдирилади.

20. *«Нур» сурасид*аги وَلَا يَأْتَلِ أُولُوا الْفَضْلِ ва منكُمْ оятида وَلَا يَتَأَلَّ ўқилади.

21. *«Соффат» сурасид*а اَصْطَفَى الْبَنَاتِ ояти васлийя ҳамза б-н бошланади.

22. *«Сод» сурасид*аги بِنُصْبٍ калимаси بِنُصْبٍ ўқилади.

23. إِسْرٰءِيلَ калимасидаги ҳамза тасҳил қилинади.

А.Ж.ал-Қ. кўп ҳадис ривоят қилмаган. Ибн Саъд, Яҳё ибн Маъйин ва Имом ан-Насоийлар уни *сиқа* (ишончли) *муҳаддис* деб билганлар. Молик ибн Анас уни «солиҳ кимса», деб таърифлаган. Абу Ҳотим ар-Розий эса, ундан ривоят қилинган ҳадисларни далил сифатида қўллаш мумкинлигини нақл қилган.

Ибодатга ҳарислиги ва гўзал *қироат*и б-н машҳур бўлган А.Ж.ал-Қ. тўқсон ёшида вафот этган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. VIII, 353–354; Ибн Саъд. *Ат-Табақат*. 151–152; Ибн Мужоҳид. *Китаб ас-сабъа*. – Қоҳира: 1972. 56–58; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқат*. V, 543–544; Аз-Заҳабий. *Маърифа ал-қуррā*. I, 72–76; Tayyar Altıkulaç. *«Ebû Cafer el-Kārī»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 116.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ЖАЪФАР ҲАДДОД
أبو جعفر حداد
Сўфий

Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий берган маълумотга кўра, иккита шайх Абу Жаъфар Ҳаддод номи б-н аталган. Биринчиси – Абу Жаъфар Ҳаддод Кабир бағдодлик ва Жунайднинг яқин сафдошларидан бўлган. У Бундор ибн ал-Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаллаб Шерозий, Рувайм б-н учрашган. Золим ибн Муҳаммаднинг устози.

Иккинчиси – Абу Жаъфар ибн Букайр Ҳаддод Миср аҳлидан бўлиб, Абу Жаъфар Ҳаддод Кабирнинг шогирди. Абу Жаъфар Муоз ал-Мисрий ва Ибн Ато б-н учрашган. Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

Ад.: Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорий. *Табақот ус-сўфийя*. – Теҳрон: 1384. 183; Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат*. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 209–210.

Олимжон Давлатов

АБУ ЖАҲЛ
أبو جهل

Абу-л-Ҳакам (Абу Жаҳл) Амр ибн Ҳишом ибн ал-Муғийра ал-Қураший ал-Махзумий (тахм. 570, Макка – 2/624, Бадр)

Муҳаммад (с.а.в.) ва Ислом динининг ашаддий душманларидан

Асл исми Амр бўлиб, *Қурайш қабиласи*нинг Махзум уруғига мансуб. Ислом динига ашаддий душман бўлгани боис, Пайғамбар (с.а.в.) Абу-л-Ҳакам деган кунясини Абу Жаҳл деб ўзгартирганлар. Дор ан-Надва аъзоси бўлган А.Ж. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг даъватларига аввалдан қарши чиққан ва мусулмонлар зарарига уюштирилган барча фитналарда иштирок этган. А.Ж. ўз қабиласига мансуб бўлмаган кишининг пайғамбарлигини қабул қила олмагани учун Муҳаммад (с.а.в.)га ишонмаслигини очиқ эътироф қилган. Қабиладаги обрўси ва бойлигидан куч олган А.Ж. бутун умр Исломга қарши ҳаракат қилган, халқни Исломни қабул қилишига тўсқинлик қилиб, мусулмон бўлганларни *иймон*ларидан воз

кечишида қўлидан келган ишини қилган. Мусулмонликни қабул қилган шахс жамиятда нуфузли киши бўлса унга ўз ҳурматини тўхтатишини айтиш б-н, тижоратчи бўлса, уни банкрот қилиш б-н таҳдид қилар, кучсиз ва кимсасиз киши бўлса, уни калтаклаб жароҳат етказиш б-н қайтаришга уринар эди. *Саҳоба* Аммор ибн Ёсир б-н унинг ота-онаси ва яна бир қанча мусулмонларни Ислом динини қабул қилганлари учун ўта оғир қийноқлар б-н қийнаган. Амморнинг онаси Сумайяни шаҳид қилади. А.Ж. илк мусулмонлардан бўлган ўгай укаси Айёш ибн Абу Рабиъани алдаб, Мадина ш.дан Маккага қайтариб, уни Мадинага қайтишига йиллар мобайнида тўсқинлик қилади.

А.Ж. Маккага келган хорижликларга нисбатан ўта эҳтиромсиз муомалада бўларди. Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий Ибн Исҳоқдан қуйидаги маълумотларни келтиради: «Аллоҳнинг душмани Абу Жаҳл ибн Ҳишомнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га нисбатан адовати ва кучли нафратига қарамасдан Муҳаммад (с.а.в.)ни ҳар кўрганида Аллоҳ уни у Зот олдиларида хор қиларди». Бир куни А.Ж. ал-Ирошийнинг туяларини сотиб олиб пулини бермай юради. Ал-Ироший бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.)га шикоят қилиб, ҳаққини ундириб беришда ёрдам қилишларини сўрайди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) у б-н бирга А.Ж.нинг уйига борадилар. Эшикни тақиллатганларида, эшикни очган А.Ж.нинг ранги ўчиб кетади ва ал-Ирошийнинг ҳаққини тезлик б-н олиб чиқиб беради. А.Ж.дан унинг қилган ҳаракатининг изоҳи сўралганида, у: «Муҳаммад (с.а.в.) эшигимни қоққанида овозини эшитар-эшитмас қалбим қўрқувга тўлди. Олдига чиқдим. Унинг боши узра бир эркак туя турарди. Ҳеч қачон ундай важоҳатли эркак туяни кўрмаганман. Қасамки, агар талабини рад қилганимда, туя мени ўша ернинг ўзида еб қўярди», дейди. Бу ҳолат у б-н Расулуллоҳ (с.а.в.) намоз ўқиётганларида устиларига катта тошни ташламоқчи бўлганида ҳам содир бўлган.

Қуръон оятларини ёлғонга чиқарган, Расулуллоҳ (с.а.в.)ни қавми ўртасида камситишга ҳаракат қилган А.Ж., бир куни Ул Зот *Каъба*да *намоз* ўқиётганларида устиларига туя ичак-чавоқларини ташлайди. Шунингдек, Сафо тепалигида Пайғамбар (с.а.в.) ҳақларида ёмон сўзлар айтади. Буни эшитган Ҳамза (р.а.) *Каъба* атрофида ўтирган А.Ж.ни олдига бориб, уни бошига камон ўқи б-н уриб жароҳат етказади.

*Ҳижрат*дан бир неча йил аввал *Бани Махзум* раислигига тайинланган А.Ж. Пайғамбар (с.а.в.) ва мусулмонларга ҳар доим ҳам қавлий, ҳам амалий қаршилик қилган. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Мадинага *ҳижрат* қилишларига тўсқинлик қилиш мақсадида Дор ан-Надвада ўтказилган мажлисда Ул Зотни ҳар бир қабиладан танланган ёшлар томонидан ўлдириш таклифи б-н чиққан ва *ҳижрат* кечаси уйларини ўраб олиб ўлдиришни режалаштирган ҳам А.Ж. бўлган.

Пайғамбар (с.а.в.) *ҳижрат*нинг биринчи йили рабиъул-аввал ойида (622 й., сент.) Ҳамза (р.а.)ни А.Ж.нинг раҳбарлигидаги катта бир тижорат карвонига қарши сафарга масъул қиладилар. «Сийф ал-баҳр сафари» номи б-н танилган бу сафардан жангсиз қайтилган. А.Ж. *Бадр*да *ансорийлар* томонидан ўлдирилади. А.Ж. қатл қилинган бошқа *мушрик*лар б-н бирга қуриган қудуқлардан бирига ташланган. Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан «уммат фиръавни», деб сифатланган А.Ж.нинг Ислом дини зарарига олиб борган фаолияти, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва *саҳоба*ларга қилган зулм ва ноҳақликлари сабабли кўплаб оятлар нозил бўлган (*«Анъом» сураси*, 108-оят; *«Духон» сураси*, 43–46-оятлар; *«Алақ» сураси*, 9–18-оятлар). Исломни қабул қилган онаси Асмо бинт Муҳарриба тахм. *ҳижрат*нинг ўн учинчи йили (634 й.) вафот этган. *Макка фатҳи*дан кейин мусулмон бўлган ўғли

Икрима эса машҳур волий ва қўмондон бўлиб, Исломга хизмат қилган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Мағазӣ*. 2, 7, 8, 10, 12; Ибн Ҳишом. *Сӣра*. – Қоҳира: 1936, I, 273, 283, 315, 319, 320, 337, 342, 370, 379, 383; II, 6, 16, 28, 29, 32, 118, 125, 126, 131, 132, 269, 270, 274, 275, 287, 288, 292, 321, 368; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт*. I, 202, 203, 209, 227; Ал-Балозурий. *Ансāб ал-ашрāф*. I, 124–130,133, 142, 158, 160, 208; Ибн ал-Асир. *Ал-Кāмил*. II, 56–63, 67, 69, 71–73, 83, 101, 102, 105, 106, 120, 129; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм*. V, 87.; Mehmet Ali Kapar. *«Ebû Cehil»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 117–118; А.А. Али-заде. *«Абу Джахль»*. *Исламский энциклопедический словарь*. – М.: «Ансар», 2007. 26; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 22; Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. *Ас-Сийра ан-набавиййа*. – Т.: «Шарқ», 2011. I (1), 210-211, 216-217, 228; I (2), 264, 267, 273, 294, 379; Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2017; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ислом тарихи*. – Т.: «Hilol-nashr», 2017.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ ЖАҲМ

أبو جهم

Абу Жаҳм Омир ибн Ҳузайфа ибн Ғанм ал-Қураший ал-Адавий (? – 70/690, ?)

Саҳоба

Абу Жаҳм (р.а.) *Қурайш қабиласи*нинг пешқадам йигитларидан бири бўлиб, исми Убайд бўлгани ҳам ривоят қилинади. Насаб илми, арабларнинг машҳур жанглари ва шеъриятни яхши билган. Манбаларда Абу Жаҳм (р.а.)нинг Пайғамбар (с.а.в.) ҳакамлик қилган *Каъба* таъмири воқеасида (605 й.) кучли ва серғайрат йигит сифатида қатнашгани зикр қилинади.

А.Ж. Макка *фатҳ* қилинган куни мусулмон бўлган. Ўша кунда Сафо тепалигида Пайғамбар (с.а.в.)га *байъат* қилган ва Мадинага кўчиб ўтган. *Ҳунайн ғазоти*да қўлга киритилган ўлжаларни Жиърона да қўриқлашга масъул қилинган.

А.Ж. Пайғамбар (с.а.в.)га қимматбаҳо матодан тикилган либос ҳадя қилгани нақл қилинган. Расулуллоҳ (с.а.в.) *намоз* ўқиганларида бу либос фикрларини машғул қилаётганини айтиб, уни А.Ж.га қайтариб берадилар. Ҳадясининг қайтарилганидан хафа бўлмаслиги учун эса, ундан ўрнига зеб берилмаган либос беришини сўрайдилар.

Ичкиликни *жоҳилият* давриданоқ зарарли эканини билиб тарк қилган.

А.Ж.нинг 120 йилдан зиёд яшагани ва Абдуллоҳ ибн Зубайр даврида *Каъба*нинг янгидан тикланганини кўргани (64/683 й.) зикр қилинган.

А.Ж. Исломни қабул қилганидан сўнг *саҳобия*лардан Фотима бинт Қайс у б-н никоҳ қуриш истаги борлигини Пайғамбар (с.а.в.)га билдирган. Лекин, Расулуллоҳ (с.а.в.) улар бир-бирларига мос эмасликларини айтганлар.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Сӣра*. III, 341; IV, 138; Аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш*. 369–372; Ат-Табарий. *Тарйх*. II, 640; IV, 198, 359, 413; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. III, 536; VI, 57–58; Аз-Заҳабий. *Сийар*. II, 556–557; Sezgin. *GAS*. I, 263; Âkif Köten. *«Ebû Cehm»*. *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 118.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ЖУҲАЙФА

أبو جحيفة

(қ. ВАҲБ ал-ХАЙР)

АБУ ЗАЙД АД-ДАБУСИЙ

أبو زيد الدبوسي

(қ. ад-ДАБУСИЙ, Абу Зайд)

АБУ ЗАЙД АЛ-МАРВАЗИЙ

أبو زيد المروزي

(қ. ал-МАРВАЗИЙ, Абу Зайд)

АБУ ЗАЙД АН-НАСАФИЙ

أبو زيد النسفي

Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ан-Насафий (? – 279/892, ?)

Ҳадисшунос олим

Насафда ҳадис илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган олим. Унинг оиласи Мовароуннаҳрдаги уламолар сулоласининг ёрқин намунаси бўлган. Абу Зайд ан-Насафийнинг икки ўғли – Абу Солиҳ Халаф ибн Туфайл ан-Насафий (ваф. 908

й.) ва Абу Ҳомид Зайд ибн Туфайл ан-Насафий (ваф. 957 й.) ўз оталаридан сабоқ олганлар. Абу Солиҳнинг фарзанди Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ўз ота-боболарининг анъанасини давом эттириб, Насафда ҳадис илми ривожига катта ҳисса қўшган.

Ад.: Д. Раҳимжонов. «*Абу Зайд Насафий*». *Ислом-шунослик қомусий луғати.* – Т.: «Моваройннаҳр», 2013. I, 33.

Дурбек Раҳимжонов

АБУ ЗАЙД АС-САЪОЛИБИЙ
أبو زيد الثعالبي

(қ. ас-САЪОЛИБИЙ, Абу Зайд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад)

АБУ ЗАРР АТ-ТЕРМИЗИЙ
أبو ذر الترمزي
Мутасаввиф

*Тасаввуф тариқат*нинг йирик намояндаси. Хуросоннинг улуғ шайхларидан. Хожа Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг «*Табақот ус-сўфийя*» асарида у ҳақда маълумотлар келтирилган.

Алишер Навоий *«Насойим ул-муҳаббат»*га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни киритган.

Ад.: Алишер Навоий. *ТАТ. Насойим ул-муҳаббат.* – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011. X, 140; С. Турсунов, Б. Муртазоев. *Термизийларнинг илмий тафаккури.* – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 200.

Олимжон Давлатов

АБУ ЗАРР АЛ-ҒИФОРИЙ
أبو ذر الغفاري

Абу Зарр Жундаб ибн Жунода ибн Суфён ал-Ғифорий (тахм. 591 – 32/653, Рабаза)
Саҳоба

Машҳур куняси б-н танилган. Абу Зарр ал-Ғифорий (р.а.) қорамағиз, йирик жуссали, узун бўйли ва қалин соч-ли шахс бўлган. Манбаларда «Фақирлар ҳимоячиси» деган лақаби ҳам учрайди. У ҳаром ҳисобланган ойларда ҳам йўлтўсарликдан тийилмаган Макка ва Мадина орасида яшайдиган *Ғифор қабиласи*га мансуб бўлган. Исломни қабул қилишидан аввал А.З.ал-Ғ. ҳам мазкур ишлар б-н шуғулланган. Отаси – Жунода ибн Суфён ибн Убайд ибн Ҳаром ибн Ғифор ал-Киноний. Онаси – Рамла бинт Вақиъа ибн Ҳаром ибн Ғифор ал-Кинонийдир. А.З.ал-Ғ. қавмидагилар каби *бут*ларга сиғинмас, улардан нафратланар эди. Унинг ўзи зикр қилишича, Ислом динини қабул қилганида Пайғамбар (с.а.в.) *Ғифор қабиласи*дан келган кишининг мусулмон бўлганидан ҳайратланиб, Аллоҳ таоло хоҳлаган кишисини ҳидоятга бошлашини айтганлар. Илк бадавий мусулмон саналган А.З.ал-Ғ.нинг тўртинчи ёки бешинчи бўлиб Ислом динини қабул қилгани ҳақидаги ривоятга кўра, унинг Исломга келиши пайғамбарликнинг илк йилларида содир бўлганини кўрсатади. *Каъба*нинг ёнига келиб мусулмонлигини эълон қилган А.З.ал-Ғ. *мушрик*лар томонидан аёвсиз калтакланган. Бироқ, Аббос ибн Абдулмутталиб аралашуви б-н ўлимдан қутулиб қолган. Эртаси куни яна ўша жойда мусулмон бўлганини айтган ва яна калтакланган. Пайғамбар (с.а.в.) уни ўз қабиласини Ислом динига даъват қилиши учун ортига қайтарганлар ва вақтинча Маккага келмаслигини сўраганлар. А.З.ал-Ғ. ушбу буйруқни амалга оширган, унинг ғайрати сабаб қабила халқининг ярми Ислом динини қабул қилган.

А.З.ал-Ғ. ҳам Мадинага мусулмонлар б-н бирга *ҳижрат* қилиб, Ислом тарихида муҳим ўрин эгаллайди. *Бадр, Уҳуд, Хандақ, Табук* ва б. *ғазот*ларда иштирок қилади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) А.З.ал-Ғ.нинг раҳбар бўлишини маъқул кўрмаганлари ва унинг раҳбарликка етарли малакаси йўқлигини айтганлари боис, А.З.ал-Ғ. вафотигача давлат вазифаларига қизиқиш билдирмаган, берилган вазифаларни

ҳам қабул қилмаган. Исломга аввалгилардан бўлиб киргани ҳамда ёнларида кўпроқ бўлгани боис унга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг таъсирлари катта бўлган. А.З.ал-Ғ. бу ҳақда: «Расулуллоҳ (с.а.в.) менга Жаброил ва Микоил Ул Зотнинг қалбларига жо қилган нарсани қалбимга солганларидан бошқа ҳеч нарса қолдирмадилар», деган.

А.З.ал-Ғ. *Макка фатҳи* ва *Ҳунайн ғазоти*да ўз қабиласининг туғини кўтарган. Пайғамбар (с.а.в.) уни доим ёнларида бўлишини истар ва айрим мавзуларда фикрини сўрар эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) хасталаниб ётиб қолганларида ҳам А.З.ал-Ғ.ни ёнларига чақирганлари манбаларда зикр қилинган.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан сўнг А.З.ал-Ғ. халифаликка Али (р.а.) ни лойиқ кўришини айтган бўлса-да, Абу Бакр (р.а.)га *байъат* қилишда у ҳам иштирок этган..Умар (р.а.)нинг халифалиги борасида ҳам юқоридаги фикрини ўзгартирмаган ҳолда унга *байъат* қилган. Ҳиж. 18 й.да Умар (р.а.) б-н бирга Қуддус, кейинчалик, яъни ҳиж. 20 й.да Амр ибн Ос б-н *Миср фатҳи*да қатнашган. Миср *фатҳ* этилганидан сўнг, у ерда бир муддат қолган. Умар (р.а.) халифалигининг охирги йиллари Мадинада яшагани нақл қилинган.

Усмон (р.а.)га илк *байъат* қилганлардан бўлган А.З.ал-Ғ. унинг давридаги *фатҳ*ларда ҳам иштирок этади. Онадўли *фатҳ*ларида (643-44 й.), шунингдек, *Қибрис фатҳи*да иштирок этган. Баъзи келишмовчиликлар сабаб Шом волийси Муовия (р.а.) Усмон (р.а.)га уни Мадинага чақиртиришини сўрайди. Усмон (р.а.) унга «Эй Абу Зарр! Менинг вазифам ўз бурчимни адо қилиш. Уни зоҳидликка чақириш менинг бурчим эмас» деб, уни Мадинадан шарқда жойлашган Рабазага кўчиб, бир оз ўша ерда яшашини сўрайди. Рабазада *Ғифор қабиласи*га мансуб кишилар бор эди. Усмон (р.а.) уни ёлғизлиги, у ерда эса ўзи таниган кишилари



борлиги учун Рабазага юборган эди. Рабазада икки йил яшаган А.З.ал-Ғ. гоҳида Усмон (р.а.)нинг истаги б-н Мадинага келиб туради. Халифага қарши исён қилишларини айтиб, унга раҳбарликни таклиф қилганларга, халифага содиқ бўлишлари ва уни камситиб, обрўсини туширувчи ишлардан узоқ бўлишларини тавсия қилади.

А.З.ал-Ғ. зул-ҳижжа ойида вафот этган. Жаноза *намози*ни карвон б-н у ердан ўтаётган Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ўқигани ҳақида маълумотлар мавжуд. Уйида жанозага етарли кафан топилмагани, карвондаги бир болага тегишли мато б-н кафанлангани ҳақида ҳам хабарлар бор.

*Жоҳилият*да оғир табиатли бўлган А.З.ал-Ғ. Ислом динини қабул қилгач, батамом ўзгариб, фақир ва бечоралар ҳомийсига айланган. Қилган айби туфайли кечирим сўраб ҳабаш кимсанинг оёғи остига яноғини қўйгани, хизматчиси б-н битта кийимни алмашиб кийгани ва бир идишдан таомлангани зикр қилинган. Шу б-н бирга, у жасур, тўғри сўз, очиқ қалбли шахс бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) у ҳақда, «Ер юзида Абу Заррдан кўра тўғри сўз киши йўқдир», деганлар. Аллоҳнинг амрларига бош тортмай амал қилар, дунёвий завқларга берилмас эди. Манбалардаги маълумотларга кўра, А.З.ал-Ғ.

дунё матоҳларига мутлақо қизиқмас эди. Ўзига етарли бўлган нарсалар б-н кифояланар эди. Пайғамбар (с.а.в.) у ҳақда, «Абу Зарр ер юзида Исо ибн Марямнинг зуҳди б-н яшайди», деганлари ҳам нақл қилинган. У инсон ҳалол ризқ б-н ризқланиши ва Аллоҳ розилигини қозониш учун яшаши лозимлигига *иймон* келтирган, учинчи йўлни зарарли деб билган. Шу б-н бирга, маблағ ҳам оила аъзолари учун ҳалол йўл б-н топилиши ва у охират йўлига сарф қилиниши кераклигини айтган.

А.З.ал-Ғ. илмда Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) б-н тенг бўлгани, *саҳоба*лар томонидан «Баҳр ал-илм» («Илм денгизи») дея аталгани ривоят қилинган. Пайғамбар (с.а.в.) б-н доим бирга бўлгани ва ақлига келган ҳар нарсани Ул Зотдан сўрагани сабабли, илмда устун мавқега эга бўлган.

Манбаларда А.З.ал-Ғ. томонидан 281 та ҳадис ривоят этилгани қайд қилинган. Ундан Анас ибн Молик, Ибн ал-Аббос, Ибн Умар, Муовия ибн Худайж, Саъид ибн Мусайяб, Ато ибн Ясор, Абу Идрис ал-Хавлоний, Абу Сулаймон Зайд ибн Ваҳб ал-Жуҳаний, Аҳнаф ибн Қайс, Абу Асвад ад-Дуалий (р.а.)лар каби кўплаб *саҳоба* ва *тобеъин*лар ҳадис ривоят қилганлар.

А.З.ал-Ғ.дан ривоят қилинган ҳадислардан Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим «*Саҳиҳ*»ларида 12 та, шунингдек, яна Имом ал-Бухорийнинг ўзида 2 та, Имом Муслимда 19 таси зикр қилинган.

Ад.: Ал-Бухорий. *Илм*. 10; ўша муал. *Ат-Тарйх ал-кабйр*. II, 221; Ат-Термизий. *Манақиб*. 35; Ибн Саъд. *Табақат*. II, 80, 336, 346, 354; III, 555; Ал-Яъқубий. *Тарйх*. II, 124, 163, 171–174; Ибн ал-Асир. *Ал-Камил*. III, 113–116; Аз-Заҳабий. *Сийар*. II, 46–78; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб*. XII, 90–91; Abdullah Aydınlı. *«Ebû Zer el-Gifârî». TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 266–269; *А.А. Али-заде. Абу Зарр аль-Гифари. Исламский энциклопедический словарь*. – М.: «Ансар», 2007. 27; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 22; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Ҳадис ва ҳаёт. Ахёрлар ва диёрлар фазли*. – Т.: «Шарқ», 2009. XXVII, 7–46; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 22; Ж. Каримов. *«Абу Зарр Ғифорий». Ислом қомусий луғати*. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. 33–35; *101 улуғ саҳобий* (муаллифлар гуруҳи). – Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 122–128; https://masjid.uz/imomlar-ijodidan/2428; https://islom.uz/maqola/3579.

Тузувчи Озодбек Алимов

АБУ-З-ЗИНОД
أبو الزناد

Абу Абдурраҳмон Абу-з-Зинод Абдуллоҳ ибн Заквон ал-Қураший (тахм. 65/684-85 – 130/748, Мадина)

Ҳадис ҳофизи ва фақиҳ, тобеъин

Абу-з-Зинод унинг ёқтирмаган лақабидир. Отаси Заквон Усмон (р.а.)нинг хотини Рамла ёки қизи Ойшанинг ёхуд Усмон (р.а.) оиласидан бирининг озод қилган қули бўлган. Умар (р.а.)нинг қотили Абу Луълуъанинг иниси бўлгани ҳам зикр қилинади. *Саҳоба*лардан Анас ибн Молик б-н Пайғамбар (с.а.в.)ни кўргани айтилган Абу Умома ибн Саҳлдан, *тобеъин*лардан эса Шаъбий, Усмон (р.а.) нинг ўғли Абон, Саъид ибн Мусайяб, Хорижа ибн Зайд ва Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ал-Аъраж каби олимлардан ривоятда бўлган. Ундан эса, ўғиллари Абдурраҳмон б-н Абу-л-Қосим, ёши улуғ бўлган Ибн Абу Мулайка б-н Солиҳ ибн Кайсон, шунингдек, Мусо ибн Уқба, Ҳишом ибн Урва, Суфён ас-Саврий, Молик ибн Анас ва Суфён ибн Уяйна каби *муҳаддис*лар ҳадис ривоят қилганлар.

Али ибн Мадиний уни буюк *тобеъин*лардан кейинроқ келган Мадинанинг тўрт буюк олимларидан бири, деб ҳисоблаган. Суфён ас-Саврий уни «Амир ал-муъминийн фил-ҳадис» деган. Аҳмад ибн Ҳанбал б-н Яҳё ибн Маъийн А.З.ни ишончли шахс бўлганини маълум қиладилар. Аҳмад ибн Ҳанбал яна бошқа бир қавлида «*ровий*лари *сиқа* бўлса, ривоятларини олиш мумкин», деган. Имом ал-Бухорийнинг изоҳига кўра, Абу Ҳурайранинг энг ишончли санади А.З. – Аъраж – Абу Ҳурайра занжиридир.

Ривоятлари *«Кутуби ситта»*дан ўрин олган А.З., ҳадис ва *фиқҳ* илмида бўлгани каби ҳисоб ва шеър мавзуларида ҳам билими юқори олим бўлган. Атрофидаги юзлаб шогирдлар б-н *Масжид ан-Набавий*га кираётганини кўрган *муҳаддис* Абдураббиҳ ибн Саъид уни султонга ўхшатгани, шогирдлари ундан *фиқҳ*, ҳадис, ҳисоб ва ечимини топа олмаган масалаларни сўраётганларини гувоҳи бўлганини айтади. Лайс ибн Саъднинг маълум қилишича, барчаси *тобеъин* бўлган 300 кишига *Масжид ан-Набавий*да *фиқҳ*, шеър каби илмлардан таълим берган, бироқ кейинчалик шогирдлари Рабиъа ибн Абу Абдурраҳмоннинг дарс ҳалқасига қўшилганидан сўнг, ёлғиз қолган. Балки шу боис Рабиъа б-н ораси бузилган. Мадинага келганида ҳар икки олим б-н ҳам кўришган Абу Ҳанифа (р.а.), *фиқҳ* илмида А.З. Рабиъадан кўра юқорироқ савияда бўлганини маълум қилган. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам уни Рабиъадан кўра билимлироқ бўлганини айтган. Ҳишом ибн Абдулмалик замонида Мадинанинг молиявий ишлари девонида фаолият олиб борган А.З.ни Умар ибн Абдулазиз Куфанинг *байтулмол*ини бошқаришга тайинлаган. *Умавийлар*нинг хизматида бўлгани боис Молик ибн Анас унга «шу одамларнинг котиби эди», деган ифодани қўллаган бўлса-да, *«Ал-Муватто»*да эллик тўрт ривоятига ўрин ажратгани бу даъвонинг тўғри бўлмаганини ифодалайди.

А.З. рамазон ойининг 17-кунида (мил. 748 й., 20 май) вафот этган. 131 й.да (мил. 749 й.) вафот этгани ҳам нақл қилинган.

А.З. *фиқҳ*га доир китоб ёзгани зикр қилинади. Бироқ асарнинг моҳияти маълум эмас. Ўғли Абдурраҳмон ҳам Ҳишом ибн Урванинг энг ишончли шогирди бўлиб, *фиқҳ* ва ҳадис соҳаларида танилган олим бўлган.

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақат: ал-мутаммим*. 318–320; Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир*. V, 83; ўша муал. *Ат-Тарих ас-сағир*. II, 27; Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил*. V, 49–50; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффаз*. I, 134–135; ўша муал. *Сийар*. V, 445–451; VIII, 168–170; ўша муал. *Тарих ал-Ислам: сана 121-140*. 461–462; ўша муал. *Мизан ал-иътидал*. II, 418–420; Ибн Ҳажар. *Таҳзиб ат-таҳзиб*. V, 203–205; Ибн ал-Имод. *Шазарат аз-заҳаб*. I, 182; Бадрон. *Таҳзиб тарих Димашқ*. VII, 385–386; Sezgin. *GAS*. I, 405; Ali Osman Koçkuzu. «*Ebü'z-Zinâd*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 354.

Али Усмон Кўчкузу

АБУ ЗУАЙБ АЛ-ҲУЗАЛИЙ
أبو ذؤيب الهذلي

Абу Зуайб Хувайлид ибн Холид ибн Муҳаррис ал-Ҳузалий (? – 28/648-49, Миср)

Шоир саҳоба

Абу Зуайб ал-Ҳузалий (р.а.) *ҳижрат*нинг 9 й.ида (мил. 630 й.) бутун қабиласи б-н бирга Исломни қабул қилган. Чўлда истиқомат қилаётганида Пайғамбар (с.а.в.)нинг касал бўлганлари ҳақида эшитади. Мадинага келганида Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафот этганлари хабарини топади. Ўша вақтда мусулмонлар Сақифату Бани Саъидада тўпланган эдилар. А.З.ал-Ҳ. ҳам ўша ерга боради. Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.)ларнинг нутқларини тинглайди. Абу Бакр (р.а.) га *байъат* этиш воқеасига гувоҳ бўлади. Пайғамбар (с.а.в.)нинг жанозалари ва дафн қилиш маросимида иштирок этганидан сўнг, чўлга қайтади. Умар (р.а.) замонида Миср ва Шимолий Африканинг *фатҳ*ида иштирок этади. Усмон (р.а.) даврида 26/646-47 й.да Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарҳ қўмондонлиги остида Африка сафарида иштирок этади. Усмон (р.а.)га *фатҳ* хабарини билдириш учун Абдуллоҳ ибн Зубайр б-н бирга орқага қайтаётганида Мисрда вафот этади. Жанозасини Абдуллоҳ ибн Зубайр ўқийди. Манбаларда ўғли ва жияни б-н бирга Византияга қарши қилинган сафарлардан бирида вафот этгани ҳақида ҳам ривоят бор.

Соъида ибн Жуайя ал-Ҳузалийнинг *ровий*си бўлган А.З.ал-Ҳ., *Ҳузайл қабила-*



Абу Зуайб ал-Ҳузалий «*Девон*»и. Байрут нашри

*си*нинг энг яхши шоири бўлган. Қасидада ўз йўналишига эга бўлган. Шуҳратини янада зиёда бўлишида *марсия*лари сабаб бўлган А.З.ал-Ҳ., ўлимидан бир йил аввал Мисрда чиққан вабо таъсирида беш ўғлини бирдан йўқотгани сабаб *«Ал-Айнийя»* асарини ёзган. Бу асар араб адабиёти тарихида энг гўзал *марсия* намуналаридан бири сифатида қабул қилинади. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафоти ҳақидаги *марсия*си ҳам диққатга сазовор. А.З.ал-Ҳ.нинг *«Девон»*и Жозеф Хелл (Josef Hell) томонидан немис тилига қилинган таржимаси б-н бирга *«Dıvan Ebı Zū'eyb - Der Dıwan des Abu Du'ayb»* номи остида чоп этилган (Ганновер, 1926).

Ад.: Абу Зайд ал-Қураший. *Жамҳара* (Ҳошимий). II, 683–697; Ал-Жумаҳий. *Фуҳўл аш-шуъарā*. I, 123, 130; Ибн Қутайба. *Аш-Шиър ва-ш-шуъарā*. II, 653–658; Абу-л-Фараж. *Ал-Ағāнӣ*. VI, 264–279; Ёқут. *Муъжам ал-удабā*. XI, 83–89; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба*. II, 151; VI, 102–105; Ибн Ҳажар. *Ал-Исāба*. VII, 131–133; Абдулқодир ал-Бағдодий. *Хизāна ал-адаб*. I, 422–423; V, 83–86; Brockelmann. *GAL*. I, 36–37; *Suppl.*, I, 71; Ronart. *CEAC*. 142; Sezgin. *GAS*. II, 255–256; Абдулваҳҳоб ас-Собуний. *Шуъарā ва давāвин*. – Байрут: 1978. 57–58; Rahmi Er. «*Ebû Züeyb el-Hüzelî*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 272.

Раҳми Эр

АБУ ЗУРЪА АД-ДИМАШҚИЙ
أبو زرعة الدمشقي

Абдурраҳмон ибн Амр
ибн Абдуллоҳ ибн Сафвон ибн Амр
ан-Насрий ад-Димашқий
(? – 281/894, ?)
Ҳадис ҳофизи

9-а.да Шомнинг буюк шайхларидан бўлган. Кўп шаҳарларга сафар қилиб, ҳадисларни ўрганган. Ибн Абу Ҳотим олим ҳақида: «Абу Зуръа отамнинг дўсти эди. У отамдан, отам эса ундан ҳадис ёзарди. Жуда ростгўй ва ишончли *ровий* бўлган. Отамдан у ҳақида сўраганимда яхши фикрларни билдирган эди», дейди. Бундан ташқари, яна кўплаб *муҳаддис*лар А.З.ад-Д. ҳақида ижобий фикрда бўлганлар.

А.З.ад-Д. ўз навбатида Муҳаммад ибн ал-Муборак ас-Саврий, Сулаймон ибн Абдурраҳмон, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ар-Раққий, Абу Мусаҳҳир, Али ибн Иёш, Абу Наъим, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Ғассон Молик ибн Исмоил, Абу Ибн Солиҳ ал-Мисрий, Аҳмад ибн Холид ал-Ваҳбий ва б.лардан ҳадислар ривоят қилган.

Ад.: Ибн Ҳажар. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб*. – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1994. VI, 214–215.

Маҳфуза Алимова

АБУ ЗУРЪА АЛ-ИРОҚИЙ
أبو زرعة العراقي

(қ. ИБН ал-ИРОҚИЙ)

АБУ ИДРИС АЛ-ХАВЛОНИЙ
أبو إدريس الخولاني

Абу Идрис Оизуллоҳ
ибн Абдуллоҳ ибн Амр ал-Хавлоний
(8/630, Дамашқ, Хавлон қишлоғи –
80/699, Дамашқ)
Муҳаддис, тобеъин

*Дамашқ фатҳи*дан сўнг у ерда қўним топган кўплаб *саҳоба*ларнинг аксарияти б-н кўришиб, улардан таълим олган. Умар, Абу-д-Дардо, Абу Зарр ал-Ғифорий, Абу Мусо ал-Ашъарий, Билол Ҳабаший, Абу Ҳурайра, Авф ибн Молик, Убода ибн Сомит

(р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳадис ўрганган. Абу Идрис ал-Хавлонийдан Ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий, Макҳул, Ато ал-Хуросоний, Салама ибн Динор, Юнус ибн Майсара каби олимлар ҳадис илмидан таълим олганлар.

А.И.ал-Х. Муовия (р.а.)нинг Шомдаги қозиси, *саҳоба* Фазола ибн Убайд (р.а.) вафот этганидан сўнг (53/673 й.), унинг ўрнига тайинланган ва бу вазифани Язид I (680–683) ва Абдулмалик ибн Марвон (685–705) даврларида ҳам давом эттирган. Абдулмалик ибн Марвон даврида воизлик вазифасини ҳам адо қилган, фақат бир муддатдан сўнг воизликдан озод қилиниб, қозилик вазифасида қолган. Воизликни жуда яхши кўрганини эътироф қилиб, «Мени завқ билан қилган ишимдан озод қилиб, ўзим истамаган вазифада қолдирдилар», деб айтган.

Дамашқ масжидида Қуръон таълимини олиш б-н машғул бўлган турли гуруҳлар *сажда* оятига дуч келганларида А.И.ал-Х.ни чақирар эдилар ва *сажда* оятини унга ўқитиб, орқасида туриб сажда қилардилар.

А.И.ал-Х. ишончли *муҳаддис*, илмига амал қилувчи, Ислом ҳуқуқини нозик англаган *фақиҳ* ва *қироат* олими бўлган. Унинг гўзал сўзлари бор эди: «Иффатли бўлинг! Эркаклари иффатли бўлмаган миллатнинг аёллари иффатли бўлмас». «Кўриб тушунган, кўриб ҳайратланган кишидан кўра қийматлидир».

Ад.: Ибн Саъд. *Ат-Табақāт.* VIII, 448; Ал-Бухорий. *Ат-Тарйх ал-кабйр.* VII, 83; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* – Қоҳира: 1282. III, 99; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* I, 56–57; ўша муал. *Сийар.* IV, 272–277; Ибн ал-Имод. *Шазарāт аз-заҳаб.* I, 88.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ИМРОН АЛ-ФОСИЙ

أبو عمران الفاسي

Абу Имрон Мусо ибн Исо
ибн Абу Ҳож ал-Ғафожумий ал-Фосий
(365/976, Фос – 430/1039, ?)

Фиқҳ, ҳадис, калом ва қироат олими

Барбарий қабилаларидан Ғафожумга мансуб, *Бани Абу Ҳож* номи б-н танилган оиладан. Таҳсилини кейинчалик кўчган Қайравон ш.да (ҳоз. Тунисдаги шаҳар) олган. Бу ерда ал-Қабисий номли олимдан *фиқҳ*, Абу Бакр аз-Завилий ва Али ибн Аҳмад ал-Лавотий ас-Сусийлардан ҳадис илмини ўрганади. Кейинчалик, дўсти Ибн Абдулбар ан-Намарий б-н бирга Қуртубага сафар қилиб, ал-Асилий, Абу Усмон Саъид ибн Наср, Аҳмад ибн Қосим ал-Абзорий, Абдулворис ибн Суфёнлардан дарс олган.

Кейинчалик Шарққа саёҳат қилиб, Мисрда Абу-л-Ҳасан Абдулкарим ибн Аҳмад, Маккада Абу Исҳоқ Убайдуллоҳ ибн Муҳаммадлардан *қироат*дан, Абу Зарр ал-Ҳаравийдан эса, ҳадисдан таълим олади. Сўнг, Бағдодга сафар қилиб (399/1008 й.), Ибн Абу-л-Фаворис, Абу-л-Ҳасан Али ибн Иброҳим ал-Мустамлий, Абу-л-Фазл Убайдуллоҳ ибн Абдурраҳмон аз-Зуҳрий каби устозлардан дарс олади. Бу ердаги устозлари орасида энг машҳури ал-Боқиллоний бўлган.

А.И.ал-Ф. ал-Боқиллонийдан *фиқҳ*, *усул ал-фиқҳ* ва *калом* илмларидан дарс олади. Ал-Боқиллоний унга «Менинг мадрасамда сен ва Қози Абдулваҳҳоб жам бўлсаларингиз, Имом Молик (р.а.) нинг илми бу ерда жам бўлган бўлар эди. Сен уни ёдлар эдинг, у эса назариясини ишлаб чиқар эди. Имом Молик (р.а.) сизларни кўрса мамнун бўларди», дея илтифот кўрсатган.

402 (1011) й.да ўз юртига қайтиб келади. Кейинчалик Қайравонда яшаган А.И.а.Ф. бу ерда *қироат*, *фиқҳ*, ҳадис ва *калом*дан дарс бера бошлаган. Қисқа вақт ичида шуҳрати бутун Мағрибга ёйилиб, уйида берган дарсларига нафақат Қайравондан, балки Андалус ва Мағрибнинг турли ҳудудларидан кўплаб талабалар кела бошлайди. Мағриб илмий муҳитида ёйилган шуҳрати сабабли, замондоши машҳур ҳуқуқшунос Абу Бакр ибн Абдурраҳмон б-н орасига совуқчилик тушгани нақл қилинган. Шогирдлари орасида Абу Бакр Атийқ ас-Сусий, Абу-л-Қосим



Қайравондаги Уқба жоме масжиди. Тунис. 7-а.

ас-Суюрий, Ибн Шараф ал-Қайравоний, Абдуллоҳ ибн Рашийқ, Абу-т-Таййиб Абдулмунъим ал-Киндий, Абу Ҳафс Умар ибн Солиҳ, Абу Ҳорун Мусо ибн Халаф ва Важжож ибн Заллу ал-Ламтийлар бўлган.

Ўлимидан бир неча йил олдин Маккага сафар қилган А.И.а.Ф. бу ерда Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Ҳаравий б-н кўришади ва ўзаро илм ўрганадилар. Қайравонга қайтганидан сўнг, рамазон ойининг 13-кунида (8 июнь) вафот этади. Уйида дафн қилинган А.И.а.Ф.нинг қабри қисқа вақт ичида зиёратгоҳга айлантирилган.

*Моликий мазҳаби фиққ*ини Мағрибда ёйилишида муҳим роль ўйнаган А.И.а.Ф. ҳадис илмида ҳам нуфузли мавқега эга бўлган. *Муҳаддис*лар уни ҳофиз сифатида қабул қилар ва *муксирун* деб ҳисоблар эди. Ривоят қилган олий санад ҳадисларининг тўплами 100 варақлик асарни тўлдира оладиган ҳажмни ташкил қилади. Шунингдек, у Қуръони каримни *қироати сабъа*га кўра тиловат қила оладиган *қироат* устози сифатида ҳам машҳур бўлган.

Қуйида номлари зикр қилинган асарлар А.И.а.Ф.га нисбат берилган: *«Китāб ад-далāил ва-л-аздāд»*, *«Ал-Иҳкāм лимасāил ал-аҳкāм ал-мустахража мин китāб ад-далāил ва-л-аздāд»*, *«Китāб ат-таъāлиқ ъала-л-мудаввана»* ва б.

Ад.: Ибн ал-Асир. *Ал-Кāмил*. IX, 618–619; Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ад-Даббоғ. *Маъāлим ал-ймāн*. – Тунис: 1978. III, 159–164; Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз*. III, 284–286; Ибн Халдун. *Мафāхир ал-Барбар*. – Работ: 1352/1934. 69–70; Абдулваҳҳоб ибн Мансур. *Аълāм ал-мағрūб ал-ъарабū*. – Работ: 1979. II, 96–97; Muhammed Suveysi. *«Ebû İmrân el-Fâsî». TDV İA*. – İstanbul: 1994. X, 168–169.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ИСМОИЛ МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

ابو إسماعيل محمد الترمذي

Абу Исмоил Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юсуф ас-Суламий ат-Термизий ал-Бағдодий

(? – 280/893-894)

Муҳаддис, ҳадис ҳофизи

Сўз ва ривоятлари ишончли ҳадис ҳофизларидан саналган Абу Исмоил Муҳаммад ат-Термизий асли термизлик бўлиб, Бағдод ш.да яшаган. Олимнинг таваллуд санаси номаълум, узоқ умр кўрган ва ҳиж. 280 й.нинг рамазон ойида вафот этган.

А.И.М.ат-Т. *қироат* илмида ҳам ўз замонасининг билимдонларидан бўлган. Ибн Заквондан *қироат* илмига оид ҳадисларни ривоят қилган. Ҳадис талабида дунёнинг Ҳижоз, Шом, Миср ва Ироқ юртларига сафар қилиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий, Абу Нуайм, Қосиба

ибн Уқба, Муслим ибн Иброҳим, ал-Ҳумайдий, Саъид ибн Абу Марям, Ҳаммод ибн Молик ал-Ҳарастоний, Исҳоқ ибн Аркун, Нуайм ибн Ҳаммод ва уларнинг сафдошларидан ҳадис тинглаган. Ўз навбатида, А.И.М.ат-Т.дан Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоий, Ибн Абу Дарё, Мусо ибн Ҳорун, Ибн Соъид, Ибн Махлад, ал-Маҳомилий, Исмоил Саффоф, Аҳмад ибн Комил, Хайсама ибн Сулаймон, Абу Саҳл ибн Зиёд, Абу Бакр аш-Шофеъий, Абу Бакр Нажжод, Абу Абдуллоҳ ибн Муҳрим ва б.лар ҳадис ривоят қилганлар.

Манбаларда А.И.М.ат-Т. кўпроқ имом Муҳаммад аш-Шофеъий фикр-қарашларини баён қилувчи *ровий* сифатида зикр қилинади. Абу Исо ат-Термизий *«Сунан ат-Термизӣ»*да айтишича, унга аш-Шофеъийдан таҳорат ва *намоз* б-н боғлиқ мавзуларни Абу-л-Валид ал-Маккий баён қилган, А.И.М.ат-Т. ва Юсуф ибн Яҳё ал-Қураший ал-Бувайтийлар ҳам аш-Шофеъийдан нақл қилганлар. Имом ат-Термизий ўзининг *«Китāб ал-ъилал»* асарида ҳам А.И.М.ат-Т. номини эслаб ўтган.

Ад-Доний айтади: «Абу Исмоил ҳадис *ровий*лари ва олимларнинг буюкларидандир».

Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг зикр қилишича, ҳофиз А.И.М.ат-Т. ҳадис ривоятида *сиқа ровий* бўлган.

Хатиб ал-Бағдодий у ҳақда: «Фаҳми ўткир, ривоятлари аниқ, *аҳли сунна вал-жамоа*нинг машҳур пешволаридан эди», – деб айтган.

Манбаларда ҳофизнинг ҳадис илмига оид қатор асарлар муаллифи экани зикр қилинса-да, улар номи келтирилмаган.

Ад.: Аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* – Байрут-Лубнан: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1998. II, 135; Ибн ал-Асир. *Ал-Кāмил.* – Байрут-Лубнан: «Дор ал-кутуб ал-ъарабий», 1998. VI, 479; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн.* – Байрут: «Дор иҳё ат-турос». IX, 62; Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. *Сунани ат-Термизий.* – Т.: «Адолат», 1999; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017; Мирзо Кенжабек. *«Сунани ат-Термизий» китобида номлари зикр қилинган Термизийлар // Буюк Термизийлар.* – Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2017. 313.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

أبو عيسى محمد الترمذي

Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-Суламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий (209/824 – Буғ қишлоғи – 279/892)

Муҳаддис

Ўртаҳол оилада таваллуд топган. Олим умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганидан «аз-Зарийр» (кўзи ожиз) тахаллуси б-н ҳам аталган. Халқ орасида ат-Термизий номи б-н машҳур бўлишига сабаб, унинг бутун ҳаёти ва фаолияти (ёшлигидан бошлаб) Термиз ш. б-н чамбарчас боғлиқ бўлганидан, шунингдек, олим туғилган Буғ қишлоғи Термизга яқин бўлиб, маъмурий-идоравий жиҳатдан унга мансуб қишлоқ бўлганидан, деб изоҳлаш мумкин.

А.И.М.ат-Т.нинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг «бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келган», деган фикрини келтириш б-н чегараланадилар. Шунингдек, ат-Термизийнинг кўзи ожизлиги хусусида ҳам ёзма манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи муаллифлар уни туғма кўзи ожиз бўлган деса, кўпчилик муаллифлар олимнинг кейинчалик, умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганини таъкидлайдилар. Шунингдек, баъзи арабий манбаларда устози Имом ал-Бухорий вафотидан кейин қаттиқ қайғуга ботиб, кўп йиғлагани оқибатида кўзи ожиз бўлиб қолган, деган маълумотлар ҳам бор.

А.И.М.ат-Т. ёшлигидан ғоятда тиришқоқ, идрокли ва закий бўлиб, бу фазилатлари б-н ўз тенгдошларидан ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга



ўта қизиқиши ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашида алоҳида намоён бўлди. У ёшлик пайтларидан бошлаб Термиз, Самарқанд, Марв ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламолар ва *муҳаддис*лар асарларини қунт б-н ўргана бошлаган, кейинчалик қўшни Балх ва Ҳайратон ш.ларидаги илм аҳллари б-н илмий алоқалар ўрнатилишига ҳисса қўшган олимлардан биридир. Илм-фанга ташна А.И.М.ат-Т. 850 й.дан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакат ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан у, Ҳижозда – Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросон ва б. қатор юртларда кўплаб *муҳаддис*лар, олимлар б-н мулоқотда бўлиб таълим олади, қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок қилади. Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида А.И.М.ат-Т. нафақат ҳадис илмидан, балки *қироат*, *баён*, *фиқҳ*, тарих ва фаннинг бошқа соҳаларида ҳам кўплаб устозлардан сабоқ олган. Шу б-н бир қаторда А.И.М.ат-Т. ҳадисларни тўплашга алоҳида эътибор бериб, бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирорта *ровий*дан эшитган ҳадисни алоҳида қоғозларга қайд қилиб, уларнинг асли ва *санад*ини изчиллик б-н аниқлаб, қайта-қайта текшириб тўғрилигига тўлиқ қаноат ҳосил қилгач, уларни алоҳида қайд қилиб борган. Эшитган ҳадисларининг тўғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганларини ҳам ажратиб батартиб ёзиб борган. Шу тариқа ҳадисларнинг тўғрилиги *исноди* тадқиқ қилинганлари ёки шубҳалилари турли табақаларга бўлиниб, улар *саҳиҳ*, *ҳасан*, *заиф*, *ғариб* каби турларга ажратилган. А.И.М.ат-Т. ўз асарларида келтирилган ҳадисларни ушбу табақалар асосида кўрсатиб ўтган. Ҳадис илмини ўрганишда ва такомиллаштиришда А.И.М.ат-Т. ўз даврининг кўпгина машҳур *муҳаддис*ларидан таҳсил олади. Унинг устозларидан Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саъид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар, Аҳмад ибн Мунийъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вакийъ ва қатор таниқли *муҳаддис*ларни кўрсатиш мумкин.

А.И.М.ат-Т. ўз даврининг етук *муҳаддиси* сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан Макҳул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳаммод ибн Шокир, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий, Абу-л-Аббос Муҳуммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

А.И.М.ат-Т. зеҳнининг ўткирлиги, хотираси ҳамда ёдлаш қобилиятининг ғоятда кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилган. Жумладан Шамсуддин аз-Заҳабийнинг *«Тазкира ал-ҳуффоз»* асарида қуйидаги ҳикоя келтирилади: «Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага *ҳаж*га бораётганида йўлда кўп машҳур *муҳаддис*лар б-н учрашиб, мулоқотда бўлиб, ўша олимлардан бирига ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилган. У олим: «Бўлмаса қоғоз-қалам

ол», – деган. Аксига олиб шу пайт ат-Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасига ўтириб, эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қоғоз устида қўлини ҳаракат қилдирган. Олим эса турли мавзудаги ҳадисларни олтмишга яқинини ҳикоя қилган. Шу орада олим қоғозга қараб уни ҳеч қандай ёзувсиз тоза ҳолда кўрган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиқиб: «Нима, сен менинг вақтимни бекорга йўқотмоқчимисан?» дейди. Ат-Термизий бўлса бамайлихотир: «Сиз айтган ҳадисларингизни ёддан айтиб берайми?» – деган ва у олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирин-кетин, айнан айтиб берган. Ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан бу олим ҳайратга тушиб, қойил қолганлигини билдирган».

Бу хусусда яна бир ҳикоя А.И.М.ат-Т. нинг сўзига асосланиб келтирилади: «Маккага кетаётганимда – у пайтда бир шайх тўплаган ҳадислардан икки қисмини ёзиб олган эдим – тасодифан ўша шайх билан яна шахсан учрашишга тўғри келиб қолди. У ҳақда сўраб-суриштирганимда, уни фалончи жойда деб тушунтирдилар. Кейин мен қидириб унинг ҳузурига йўл олдим. Турли *ровий*лар воситасида унинг ҳадисларидан ўзим аввал ёзиб олган икки қисми ёнимда деб ўйлаган эдим – аслида менинг ёнимдаги ҳадислар уларга ўхшаш, лекин бошқа ҳадислар экан. Мен унинг ёнига бориб салом-аликдан кейин ҳадисларни айнан унинг оғзидан эшитишни илтимос қилдим. У бунга рози бўлиб, ёддан ҳадисларни ҳикоя қила бошлади. Кейин менга қараб қўлимдаги оқ қоғозни тоза, яъни ҳеч нарса ёзилмаган ҳолда кўргач: «Бу қилиғинг учун мендан уялмайсанми?» – деди. Мен маъзурона ҳолда бор ҳақиқатни айтиб: «Сиз ҳикоят қилган ҳадисларингизнинг ҳаммасини ёддан биламан», дедим ва уларни бирин-кетин сўзма-сўз айтиб бердим. Шайх эса сўзларимга ишонмасдан: «Нима, менинг ҳузуримга келишдан олдин уларни махсус ёдлаган эдингми?», – деди. «Йўқ», деб жавоб қилиб: «Агар сўзларимга ишонмасангиз, бошқа ҳадислардан айтинг», дедим. Шунда шайх ҳадислардан қирқтасини ҳикоя қилди. Мен унга уларни ҳам бошдан охир бирма-бир айтиб бердим. Шунда у: «Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим», – деди».

А.И.М.ат-Т.нинг хорижий мамлакатларга қилган сафари узоқ йилларга чўзилиб, ўз юртига 853 й.дан олдин қайтади ва ўз юртидан чиққан олимлар б-н илмий мунозараларда қатнашади, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Айниқса, машҳур *муҳаддис* олим Имом ал-Бухорий б-н кўплаб илмий баҳслар қиладики, бу ҳақда у ўзининг *«Ал-Илал»* китобида ҳам ёзади. А.И.М.ат-Т.нинг аксарият асарлари, жумладан, унинг машҳур *«Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ»* асари ҳам ўз ватанига қайтганидан кейин ёзилган.

Ўз ижодий фаолияти даврида А.И.М.ат-Т. ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий-маънавий меросида, шубҳасиз, *«Ал-Жāмиъ»* асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар *«Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ»*, *«Ал-Жāмиъ ал-кабīр»*, *«Саҳīҳ ат-Термизī»*, *«Сунан ат-Термизī»* номлари б-н ҳам юритилади.

Тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг ёзишича, А.И.М.ат-Т. ушбу асарини 270 ҳиж. (884) й.да, яъни қарийб олтмиш ёшларда, илму ирфонда катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган. Ушбу асарнинг қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида мавжуд бўлиб, жумладан Тошкентда, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида ҳам сақланмоқда. *«Ал-Жāмиъ ас-саҳīҳ»* муҳим манба сифатида бир қанча марта нашр қилинган.

Имом ал-Бухорий, Имом Муслим асос солган бу хайрли ишни Имом А.И.М.ат-Т чуқур масъулият ва катта идрок б-н давом эттириб, ҳадисшуносликнинг илмий



«*Сунан ат-Термизӣ*» асари. Қўлёзма. Туркия, Сулаймония кутубхонаси

асосда ривожланишига улкан ҳисса қўшди ва мусулмон дунёсидаги энг нуфузли *муҳаддис*лардан бири даражасига кўтарилди.

А.И.М.ат-Т. «*Ал-Жāмиъ ас-саҳӣҳ*» асарини алоҳида-алоҳида бобларга бўлиб, имкони борича ҳар бир ҳадис *ровий*ларини келтириб, ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини аниқлаган ҳолда алоҳида кўрсатган. Асар «*Ас-Сунан*» номи б-н аталишининг асосий сабаблардан бири – унда *фиқҳ* масаласига доир *аҳком* ҳадислар жуда кўп келтирилган. Шулар б-н бир қаторда асарда панд-насиҳат, ахлоқ-одоб, *тафсир*, гўзал хулқ, фазилатлар хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилганки, бу даражадаги ҳадислар ҳеч бир муаллиф асарида учрамайди.

Таркибий жиҳатдан асар қуйидаги бобларга бўлинади. Унда *таҳорат*, *намоз*, *закот*, *рўза*, *ҳаж*, *жаноза*, *никоҳ*, эмизиш, *талоқ*, савдо-сотиқ, қозилик *аҳком*лари, товон тўлаш, меъёр, сайд, қурбонлик, *назр*, *иймон*, сийратлар, жиҳод, кийим-кечак (либос), таомлар, ичимликлар (ал-ашриба), хайр-эҳсон ва саховат, табобат, фарзлар, васиятномалар, хайрихоҳлик ва тақдир, хуружу фитналар, башоратлар, шаҳодат, зоҳидлик, *жаннат – жаҳаннам* сифатлари, илм, изн сўраш ва одоб масалалари, Қуръон фазилатлари, *қироат*, *тафсир*, дуолар, маноқиблар (фазилатлар), иллатлар ҳақидаги боблар келтирилган.

Боблар асарда сарлавҳа тарзида бўлимларга бўлинган ҳолда тузилган бўлиб, бобга доир келтирилган ҳадислар ушбу бўлим мазмунини тўла-тўкис ифодалайди. Бобга доир масала бўйича муаллиф бир, кўпинча эса бир қанча ҳадисларни келтиради, сўнг бу масала юзасидан бошқа уламою *фақиҳ*ларнинг фикрларини ҳам баён қилади. Ундан кейин ривоят қилинган ҳадиснинг *саҳиҳ*, *ҳасан*, *заиф* ёки *ғариб*лиги даражасига ўз фикрини билдиради. Сўнг ушбу ҳадиснинг *ровий*лари, *санад*лари ва *санад* ўз ичига олган иллатлари хусусида ҳам илмий тарзда ўз хулосаларини зикр қилади. Шунингдек, мазкур ҳадисни бошқа йўллар б-н қилинган ривоятлари, ушбу масала хусусида бошқа ҳадис бўлса, улар ҳақида ҳам алоҳида зикр этиб ўтади.

Муаллиф бир ҳадиснинг даражасини аниқлаш учун *ровий*ларни, ушбу ҳадис ҳақида Пайғамбар (с.а.в.)га яқин бўлган *саҳоба*лар ва б. олимлар фикрини эътиборга олган ҳолда ўз фикрини баён қилган. Ўз асарига киритилган бир неча минг ҳадисни бундай тадқиқ қилиш муаллифдан қанчалик машаққатли меҳнат, кучли сабр-тоқат талаб қилган. Чунончи, А.И.М.ат-Т.нинг китобида бу хилдаги ҳадисларнинг ғоят даражада кўплиги бу беназир асар катта меҳнат ва машаққатли изланишлар эвазига вужудга келганига яна бир бор ёрқин далилдир. Ушбу қимматли асар ҳақида муаллифнинг ўзи ҳам: *«Ал-Жāмиъ»*ни ёзиб тугатиб Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон олимларига кўрсатганимда, улар уни мамнунлик б-н бир овоздан маъқул топдилар. Ростдан ҳам кимнинг хонадонида бу китоб бўлса, гўёки бу уйда мисоли Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари сўзлаётгандек», – деб ёзади. Машҳур олим Тошкўпризода, Имом А.И.М.ат-Т.нинг ижодий фаолиятига юқори баҳо бериб шундай деб ёзади: «Имом ат-Термизийнинг ҳадис илми соҳасида кўплаб таснифотлари бор. Унинг «*Ас-Саҳīҳ*» асари ушбу китобларининг энг яхшиси ва ғоятда фойдалисидир. Ушбу китоб энг тартибли ва такрорланадиган ҳадислар оз китобдир. Бу китобда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган *мазҳаб*лар зикри, далилу исботлар, уларнинг сабаблари, *«саҳиҳ»*, *«ҳасан»*, *«ғариб»* каби турли ҳадислар баёни бўлиб, шунингдек китоб сўнггида иллатли ҳадисларга бағишланган «*Китāб ал-ъилал*» қисми ҳам мавжуд. Унда жуда кўп, ғоятда фойдали мулоҳазаларни имом ат-Термизий жам қилган. Бу асарни мутолаа қилган ҳар бир кишига унинг қадр-қиммати махфий қолмайди». Бундан ташқари жуда кўп замондош олимлар, шунингдек, ундан кейин яшаб ўтган таниқли *муҳаддис*лар А.И.М.ат-Т.нинг ҳадис илми ривожидаги жуда катта хизматлари, унинг ҳар томонлама такомиллаштиришдаги ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги буюк хизматларини юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий «Ат-Термизий ҳадис илмида барча иқтидо қиладиган буюк имомлардан биридир», деб ёзса, Тақийуддин Ибн Таймия «Абу Исо ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир», деб гувоҳлик беради. Ҳофиз Ибн Ражаб ўзининг *«Шарҳ ила ал-Жāмиъ»* китобида «Билгилки, имом ат-Термизий ўз китобларида ҳадисни *саҳиҳ*, *ҳасан* ва *ғариб*га бўлганлар» деб алломанинг ҳадис илмидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. А.И.М.ат-Т. асарининг барчага фойдаси ҳақида ал-Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Муқаддасий «Мен учун ат-Термизийнинг «*Ал-Жāмиъ*» таснифи Имом ал-Бухорий ва имом Муслим асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунки ал-Бухорий ва Муслимнинг китобидан фақат ўқимишли олимларгина фойдаланади. Абу Исо ат-Термизийнинг асаридан эса,



«*Сунан ат-Термизй*» асари нашри. Байрут



Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ёдгорлик мажмуасидаги жоме масжид

ҳар бир кимса бемалол фойдаланади», – деб ёзган.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири *«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»*-дир. Бу асар *«Аш-Шамāил Муҳаммадиййа»*, *«Аш-Шамāил фӣ шамāил ан-Набӣ саллаллāҳу алайҳи васаллам»* номлари б-н ҳам аталади.



«Шамоили Муҳаммадийя» асари нашри. Тошкент

Асар Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсий ҳаётлари, Ул Зотнинг сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид 408 та ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Пайғамбар (с.а.в.)нинг юксак фазилатлари, мукаммал ахлоқлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш б-н жуда кўп олимлар, *муҳаддис*лар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин А.И.М.ат-Т. асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, у имкон қадар Пайғамбар (с.а.в.) фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит алоҳида китоб шаклида тасниф қилган. *«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»* аввал бошдан исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдуррауф ал-Муновий ал-Мисрийнинг *«Шарҳ аш-шамāил»*, Али ибн Султон ал-Ҳаравий ал-Қорийнинг *«Жамъ ал-васāил фӣ шарҳ аш-шамāил»*, Сулаймон иби Умар ибн Мансур ал-Жумалнинг *«Ал-Мавāҳиб*



Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ёдгорлик мажмуасидаги жоме масжид ички кўриниши (меҳроб)


ал-Муҳаммадиййа би-шарҳ аш-шамāил ат-Термизиййа», Муҳаммад ибн Қосим ибн Жасус ал-Моликийнинг *«Ал-Фавāид ал-жалīла ал-баҳиййа ъалā аш-шамāил ал-Муҳаммадиййа»* ва ниҳоят ал-Азҳарнинг собиқ шайхи Иброҳим ал-Божурийнинг *«Ал-Мавāҳиб ал-ладуниййа ъалā аш-шамāил ат-Термизиййа»* каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Асар тилининг равонлиги, услуби ғоятда соддалиги б-н ҳам кўпчилик асарлардан ажралиб туради. Муҳим тарихий манба сифатида *«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»* форс ва туркий тилларга ҳам таржима қилинган. 1248 ҳиж. йил Ҳисомуддин ан-Нақшбандий томонидан туркий тилга қилинган таржимаси араб тилини билмайдиган туркий халқлар учун ғоятда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади. А.И.М.ат-Т.нинг ушбу асарига шарҳ ёзган шайх Иброҳим ал-Божурий: «Имом ат-Термизийнинг *«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»* китоби ўз бобида яккаю ягона асардир. Тартиби ва ўз ичига олган мавзулари жиҳатидан ягона бўлиб, нодир китоблар жумласидан ҳисобланади. Унинг овозаси Мағрибу Машриққа бориб етди», – деб таъкидлайди. Машҳур олим Али ибн Султон ал-Ҳаравий ал-Қорий ўзининг *«Жамъ ал-васāил фī шарҳ аш-шамāил»* номли шарҳида А.И.М.ат-Т.нинг ушбу асари хусусида шундай деб ёзади: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг фазилатлари, юксак ахлоқлари ҳақида тасниф этилган мусаннафотларининг энг чиройли ва яхшиси бу – Имом ат-Термизийнинг Пайғамбар (с.а.в.) сийратлари ҳақидаги мукаммал ва мухтасар китобидир. Бу китобни мутолаа қилувчи, жаноби Пайғамбар (с.а.в.)ни кўргандек ва Ул Зотнинг ҳар бобидаги маҳосини шарифлардан баҳраманд бўлгандек бўлади». Мазмунига кўра мазкур асарни икки асосий қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмга мансуб ҳадислар – Пайғамбар (с.а.в.) нинг суратлари, яъни ташқи қиёфаларига бағишланган. Асарнинг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён қилади.

*«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»*нинг 16-а. га оид бир ажойиб қўлёзмаси Тошкентда, *Ўзбекистон мусулмонлари идораси* кутубхонасида сақланмоқда. 1980 й.да Тошкентда мазкур диний идора буюртмаси б-н *«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»*нинг ушбу қўлёзмаси офсет тариқасида нашр этилган бўлиб, ундаги қисқача сўзбоши *Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси* ҳайъатининг собиқ раиси, марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон томонидан ёзил-

ган. Бундан ташқари *«Аш-Шамāил ан-Набавиййа»*нинг талай қўлёзмалари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик ин-тида ҳам сақланмоқда.

Ушбу асарнинг узоқ йиллар Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тарозий томонидан бажарилган ўзбекча таржимаси Тошкентда ҳам нашр қилинган.



«*Шамоили Муҳаммадийя*» асари.
Саййид Маҳмуд Тарозий таржимаси.
Тошкент, 1990

«Китāб ал-ъилал», «Китāб ат-тарйх», «Китāб аз-зуҳд», «Китāб ал-асмā ва-л-кунā», «Ал-Илал фй-л-ҳадйс», «Рисāла ал-хилāф ва-л-жадал», «Асмā ас-саҳāба» кабилар ҳам А.И.М.ат-Т. асарлари сирасидандир.

Ад.: Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Лондон: 1912; Иёз Холид ат-Таббаъ. *Ал-Имāм ат-Термизй.* – Дамашқ: «Дор ал-қалам», 2001; Нуруддин Итр. *Ал-Имāм ат-Термизй ва-л-мувāзана байна жāмиъиҳ ва байна ас-саҳйҳайн.* – Байрут: «Муассаса ар-рисола», 1988; Комил Авайда. *Абу Йсā ат-Термизй.* – Дамашқ: 1998; Ибн ал-Асир. *Жāмиъ ал-усўл мин аҳадйс ар-расўл.* – Дамашқ: «Мактаба дор ал-баён»; Ибн Халликон. *Вафайāт.* – Қоҳира: 1367; Тақийуддин ал-Исъардий. *Фазāил ал-китāб ал-Жāмиъ ли-Абй Йсā ат-Термизй.* – Байрут: «Олам ал-кутуб», 1409; Аз-Зириклий. *Ал-Аълāм.* – Байрут: «Дор ал-ъилм ли-л-малойин», 1979; Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурий. *Сйра ал-Имāм ал-Бухāрй.* – Ҳиндистон: «Ал-*жомеъа* ас-салафийя», 1407; Аз-Заҳабий. *Мйзāн ал-иътидāл фй нақд ар-ржāл.* – Байрут: «Дор ал-маърифат», 1965; ўша муал. *Сийар.* – Байрут: «Муассаса ар-рисола»; Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунўн.* – Истанбул: 1941; Абу Исо ат-Термизий. *Аш-Шамоил ан-набавийя.* – Т.: «Чўлпон», 1993; Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. *Шамоили Муҳаммадийя.* – Т.: «Шарқ», 2015; Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. *Сунани Термизий* (1-жилд). – Т.: 1997; *Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги.* – Т.: 2015.

Убайдулла Уватов

АБУ ИСҲОҚ АЛ-АНСОРИЙ
أبو إسحاق الأنصاري
(қ. ас-САФФОР, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ АЗ-ЗАЖЖОЖ
أبو إسحاق الزجاج
(қ. аз-ЗАЖЖОЖ, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ ИБН ЗАРИФ
أبو إسحاق بن ظريف
Сўфий

*Тасаввуф тариқати*нинг йирик намояндаси. Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг устозларидан. Алишер Навоий «*Насойим ул-муҳаббат*»га *«Нафаҳот ул-унс»*дан ушбу шайх ҳақидаги бобни киритган.

АБУ ИСҲОҚ ИБРОҲИМ АЛ-БУХОРИЙ
أبو إسحاق إبراهيم البخاري
Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳишом ал-Бухорий
(? – 346/957,?)
Ҳанафий фақиҳи

«Ал-Амийн» номи б-н танилган аллома Абу Исҳоқ Иброҳим ал-Бухорий ўз

даврининг кўзга кўринган пешқадам *фақиҳ*ларидан бўлган. Олим *ҳанафий мазҳаб*ида фаолият олиб борган.

А.И.И.ал-Б. Абу-л-Муважжаҳ Муҳаммад ибн Амр, Саҳл ибн Шозавайҳ, Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад Жазараларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб, улардан ҳадис эшитган. Бағдодга бориб, у ерда ҳадис айтган, шаҳар аҳллари ундан ҳадис ривоят қилганлар. Олимдан шунингдек, Абу Умар ибн Ҳайювайҳ, Абдуллоҳ ибн Усмон ад-Даққоқлар ривоят қилганлар. А.И.И.ал-Б. 337/950 й.да *ҳаж* сафарига чиққан. Йўлда турли ерларда ҳадис ривоят қилиб борган.

Ал-Ҳофиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Найсобурий айтади: «...*ҳаж* сафаридан қайтаётиб бир муддат бизнинг ҳузуримизда бўлди. Биз ундан Абу Али ал-Ҳофизнинг *«Сайланма»*сини ёзиб олдик».

Ад.: Ал-Қураший. *Ал-Жавоҳир ал-музийя.* – Кароташ: «Мактаба Мир Муҳаммад». I, 45; Аз-Заҳабий. *Сийар.* 1985. XV, 517; Имом Шамсиддин Заҳабий. *Машҳур даҳолар сийрати.* – Т.: «Hilol-nashr», 2017. 136.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ ИСҲОҚ АЛ-ИСФАРОЙИНИЙ
أبو إسحاق الإسفراييني

(қ. ал-ИСФАРОЙИНИЙ, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ АЛ-МАРВАЗИЙ
أبو إسحاق المروزي

(қ. ал-МАРВАЗИЙ, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ АС-САБИЪИЙ
أبو إسحاق السبيعي

Абу Исҳоқ Амр ибн Абдуллоҳ ибн Зийуҳмид ас-Сабиъий (34/654, ? – 127/745, ?)

Ҳадис ва қироат олими, тобеъин

Туғилган йили хусусида турли қарашлар мавжуд. Яманнинг *Ҳамдон қабиласи*га мансуб Сабиъ ибн Саъб наслидан бўлгани боис ас-Сабиъий ва ал-Ҳамдоний, Куфада яшагани учун эса, ал-Куфий нисбалари б-н аталади. Бобосининг исми – Али ёки Убайд деб нақл қилинган.

Ибн Аббос, Барро ибн Озиб, Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос, Муовия ибн Абу Суфён каби *саҳоба*лардан, Масруқ ибн Аждаъ, Заҳҳок ибн Қайс, Амр ибн Шураҳбил каби *тобеъин*лардан ҳадис ривоят қилган. Асвад ибн Язид ан-Нахаийдан Қуръон ўрганган. Али ибн ал-Мадинийнинг хабар қилишича, А.И.ас-С. уч юздан ортиқ устоздан таълим олган. Уларнинг етмишдан ортиғидан ривоят қилган бўлса-да, бу шахслар учраган *санад*ларга эҳтиёткорлик б-н мурожаат қилинган. Кўп шахслардан ривоят қилгани сабабли Абу Ҳотим ар-Розий уни аз-Зуҳрийга ўхшатган. Ундан устозлари Ибн Сирийн, тенгдошлари аз-Зуҳрий ва Қатода ибн Диъома, ўғли Юнус ва набиралари Исроил ибн Юнус ҳамда Юсуф ибн Исҳоқ, шунингдек, Мансур ибн Муътамир, Аъмаш, Ибн Абу Зоида, Шуъба ибн Ҳажжож, Суфён ас-Саврий каби *муҳаддис*лар фойдаланганлар. У *қироат* олими Ҳамза ибн Ҳабибнинг энг ёши улуғ устози ҳисобланади. Яҳё ибн Маъийнга кўра, унинг энг ишончли *ровий*лари Шуъба ибн ал-Ҳажжож ва Суфён ас-Саврийлардир.

Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъийн, Имом ан-Насоий ва Абу Ҳотим ар-Розийлар ривоятлари «*Кутуби ситта*»дан ўрин олган А.И.ас-С.ни ишончли *ровий* эканини зикр қилганлар. Ибн Ҳиббон ва ат-Таҳовий эса, уни *мудаллис* бўлганини айтган. Али ибн ал-Мадиний ўша даврдаги ҳофизаси энг кучли олти *муҳаддис* орасида унинг номини ҳам зикр этган. А.И.ас-С. Муовия даврида бўлиб ўтган Византия сафарида иштирок этган. Ўзининг эътироф қилишича, Зиёд ибн Абийҳнинг волийлиги даврида олти-етти *ғазот*да қатнашган. Умрининг охирги

йилларида ҳофизаси заифлашиб, кўзлари кўр бўлиб қолган.

А.И.ас-С. Қуръони каримни уч кунда хатм қилгани нақл қилинган. Бир ривоятга кўра, ёшларга ёшликни ғанимат билиш кераклиги, ўзи бир кечада минг оят ўқиши, ҳаром ойларнинг барчаси, ҳар ойнинг уч куни, шунингдек, душанба ва пайшанба кунлари рўзадор бўлишини айтган.

А.И.ас-С. наслидан улуғ *муҳаддис*лар етишиб чиққан. Ўғли Юнус ибн Абу Исҳоқ кичик ёшдаги *тобеъин*лардан бўлиб, Анас ибн Моликдан ҳадис ўрганган. Абдуллоҳ ибн Муборак, Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон, Абдурраҳмон ибн Маҳдий каби олимларга ҳадис ривоят қилган. Юнуснинг икки ўғли Исроил ва Исо оталаридан ҳам кучли ҳадис ҳофизи бўлганлар. Шунингдек, А.И.ас-С.нинг бошқа ўғли Исҳоқдан бўлган набираси Юсуф, ривоятлари «*Кутуби ситта*»дан ўрин олган *муҳаддис* бўлган. Ҳадис ҳофизи бўлган Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Солиҳ ас-Сабиъий ҳам унинг наслидан экани айтилган.

А.И.ас-С. ражаб ойида (апр.) вафот этган.

Ад.: Ибн Абу Ҳотим. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдил*. VI, 242–243; Ибн Саъд. *Ат-Табақат*. VI 313–315; Ал-Бухорий. *Ат-Тарих ал-кабир*. VI, 347; Аз-Заҳабий. *Сийар*. V, 392–401; ўша муал. *Тазкира ал-ҳуффаз*. I, 114–116; Ибн Ҳажар. *Табсир ал-мунтабиҳ*. IV, 1487; Ali Osman Koçkuzu. *«Ebû İshak es-Sebîî». TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 170–171.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ ИСҲОҚ АС-САФФОР
أبو إسحاق الصفّار

(қ. ас-САФФОР, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ АС-САЪЛАБИЙ
أبو إسحاق الثعلبي

(қ. ас-САЪЛАБИЙ, Абу Исҳоқ ан-Найсобурий)

АБУ ИСҲОҚ АЛ-ФАЗОРИЙ
أبو إسحاق الفزاري

(қ. ал-ФАЗОРИЙ, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ АШ-ШЕРОЗИЙ
أبو إسحاق الشيرازي

(қ. аш-ШЕРОЗИЙ, Абу Исҳоқ)

АБУ ИСҲОҚ АЛ-ҲАРБИЙ
أبو إسحاق الحربي

(қ. ал-ҲАРБИЙ, Абу Исҳоқ)

АБУ-Л-ЙУСР АЛ-ПАЗДАВИЙ
أبو اليسر البزدوي

Садрул-ислом Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ал-Паздавий
(421/1030, Пазда – 493/1099, Бухоро)

Садрул-ислом Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ал-Паздавий ҳоз. Қашқадарё вилоятидаги Пазда номли қишлоқда туғилган. Дастлабки сабоқни отаси Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ал-Паздавийдан олган. Ал-Мотуридийнинг шогирдларидан бўлган бобоси Абдулкарим ибн Мусо орқали Самарқанд *калом* мактаби б-н танишиш имконидан ҳам фойдаланган.

А.Й.ал-П. ўз даврида бир қанча *ҳанафий* олимлардан таҳсил олган. Устозлари орасида Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад ан-Нишопурий ва Абу-л-Хаттоб каби олимларнинг ўрни катта бўлган. *«Ақоид ан-Насафи»* асарининг муаллифи Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ан-Насафий ва Абу-л-Муъин ан-Насафийлар унинг энг машҳур шогирдлари ҳисобланган. Шогирдлари орасида Рукнул-аимма Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Саноий (ёки ас-Сабоий) ал-Маданий, Муҳаммад ибн Тоҳир ас-Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳуламий каби олимлар бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Асарларидан *«Усўл ад-дин»* муҳим аҳамиятга эга. А.Й.ал-П.нинг ушбу асари Ханс Петер Линсс томонидан Анқарада (Хўжа Исмоил Соиб кутубхонаси. Инв. рақами 2/1261) топилган. Орадан кўп ўтмай, Х.Питер бу асар бўйича док-

торлик диссертациясини ҳимоя килган (Бонн ун-ти. 1952 й.) ва асарни 1963 й. нашр эттирган. Кейинчалик ушбу асар Шарафиддин Гўлжук томонидан турк тилига таржима қилиниб, 1980 й. Истанбулда *«Аҳли сунна ақоиди»* номи б-н нашр эттирилган.

Тўқсон олти масаладан ташкил топган мазкур асар мазмун жиҳатидан *аҳли сунна вал-жамоа* йўналиши ва *мотуридийя* мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш мақсадида ёзилган.

А.Й.ал-П. *«Усўл ад-дйн»* асарининг аввалида таъкидлашича, самарқандлик бир қанча олимлар ҳам шу мақсадда асарлар ёзишган. Лекин улардан унчалик кўнгли тўлмагани сабабли ўзи мазкур асарни ёзишга қарор қилган.

Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг ҳам кўплаб асарларини мутолаа қилган А.Й.ал-П. унинг *«Китāб ал-муъжаз»* ва *«Мақāлат ал-ислāмийййн»* асарларига алоҳида урғу берган. Шунингдек, кўп маротаба ал-Мотуридий фикрларини иловалар қилган. Мас., ўз асарининг бошида у *«Китāб ат-тавҳйд»* асарига урғу бериб, унинг услуби ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар келтиради. Шунингдек, унинг Имом Муҳаммаднинг *«Ал-Жāмиъ ас-сағйр»* асарига шарҳ сифатида *«Таълйқāт»* ҳамда *фиққа* оид *«Ал-Вāқиъāт»* ва *«Ал-Мабсўт»* асарлари мавжуд бўлган. А.Й.ал-П. Мовароуннаҳрда, айниқса, Бухорода *ҳанафий мазҳаби* ҳамда *мотуридийя калом* мактаби ривожига улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланади.

Ад.: Ибн Қутлубғо. *Тāж ат-тарāжим фй табақāт ал-ҳанафиййа.* – Leipzig: Flugel, 1862; Лакҳнавий. *Ал-Фавāид ал-баҳиййа фй тарāжим ал-ҳанафиййа.* – Қоҳира: 1324/1906; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-фикр», 1998. Ал-Паздавий. *Китāб усўл ад-дйн.* – Қоҳира: «Дор иҳё ал-кутуб ал-ъарабийя», 1383/1963; С. Оқилов. *Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти.* – Т.: «Муҳаррир», 2009.

Саидмухтор Оқилов

АБУ КАБША

أبو كبشة

Абу Кабша Сулайм

(? – 13/634, ?)

Пайғамбар (с.а.в.) озод қилган қул

Асли форс бўлиб, Макка ёки *Давс қабиласи*нинг араблашган уруғидан. Исмининг Авс ёки Салама бўлгани ҳам ривоят қилинган. Пайғамбар (с.а.в.) сотиб олиб озод қилган ўттизга яқин қуллардан бири бўлган Абу Кабша (р.а.)нинг нима сабабдан қул бўлгани номаълум.

А.К. Мадинага *ҳижрат* қилганида, аввал Қубодаги уйида Расулуллоҳ (с.а.в.) ни бир неча кун меҳмон қилган Мадина ашрофларидан Кулсум ибн Ҳидмнинг уйида қолади. Пайғамбар (с.а.в.) б-н бирга *Бадр*, *Уҳуд* ва б. *ғазот*ларда қатнашган. Ибн Ҳишомнинг берган маълумотига кўра, *Бадр ғазоти*да мусулмонларнинг фақатгина етмишта туяси бўлгани сабабли Ҳамза (р.а.) б-н Зайд ибн Ҳориса ва А.К. б-н Пайғамбар (с.а.в.) озод этган асли ҳабаш қул Анаса (Унайса) битта туяга навбат б-н минганлар.

А.К.нинг ҳадис ривоят этгани манбаларда зикр қилинмаган. У Умар (р.а.) халифа этиб сайланган кун (13 ҳиж. й., 22 жумодул-охир/634 й., 23 авг.) вафот этган.

*Саҳоба*лар орасида Абу Кабша ал-Анморий ал-Мазҳижий исмли шахс бўлиб, унинг Расулуллоҳ (с.а.в.) б-н Абу Бакр (р.а.)дан ривоятда бўлгани зикр қилинган. Ибн Абдулбар бу икки шахсни бир-бири б-н адаштириб юборгани сабабли Абу Кабша ал-Анморийнинг *ровий*ларини А.К.нинг *ровий*лари сифатида кўрсатган. *Тобеъин муҳаддис*лар орасида ҳам А.К. куняси б-н танилган икки киши бор. Улардан бири Абу-д-Дардо, Савбон ва Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) каби *саҳоба*лардан ҳадис ривоят қилган Абу Кабша ас-Салулий, иккинчиси эса, Абу Мусо ал-Ашъарийдан ривоятда бўлган Абу Кабша ас-Садусий ал-Басрийлардир. Буларнинг А.К. б-н боғлиқлиги йўқ.

Пайғамбар (с.а.в.)ни эмизган оналари Ҳалиманинг эри ва она томонидан бобосининг кунялари ҳам Абу Кабша бўлган. *Қурайшлик мушрик*лар Расулуллоҳ (с.а.в.)ни бутпараст араблардан фарқли эътиқодга эга бўлган ҳамда юлдузга ибодат қилган Абу Кабша ал-Хузоийга ўхшатганлари боис, Ибн Абу Кабша дер эдилар.

Ад.: Ибн Ҳишом. *Ас-Сйра.* II, 122, 264, 334; Ибн Саъд. *Ат-Табақāт.* III, 49; Ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба.* II, 448; VI, 261–262; Ибн Ҳиббон. *Ас-Сиқāт.* II, 159–160; Ибн Ҳажар. *Таҳзйб ат-таҳзйб.* XII, 209; Ал-Омирий. *Баҳжа ал-махāфил ва буғйа ал-амāсил.* – Қоҳира: 1330–31. II, 150; Ali Yardım. «*Ebû Kebşe*». *TDV İA.* – İstanbul: 1994. X, 176.

Тузувчи Даврон Нурмуҳаммедов

АБУ КОМИЛ АЛ-АНБАРДУВОНИЙ

أبو كامل الأنبردواني

Абу Комил Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Басир ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Басирий ал-Анбардувоний ал-Бухорий (? – 449/1057-1058, ?)

Ҳанафий фақиҳи

Абу Комил ал-Анбардувоний «ал-Басирий» номи б-н танилган бўлиб, тарихчилардан Абдулқодир ал-Қураший ва Умар Ризо Каҳҳола унинг аждодлари қаторида зикр қилинган Басирни Насир, мазкур нисбасини эса, ал-Насирий тарзида ўқиганлар.

Абу Муҳаммад Абдулазиз ан-Нахшабий ал-Ҳофизнинг айтишича, олим вабо касаллигидан вафот этган.

А.К.ал-А. Абу-л-Ҳасан ал-Бузжонийнинг набираси бўлган. Ас-Самъонийнинг зикр қилишича, *шофеъий мазҳаб*да фаолият олиб борган.

Ёқут ал-Ҳамавийга кўра, *фақиҳ* «[ҳадисларни] жамлаган ва асарлар [ҳам] ёзган, [унда] гумон ва хатолар кўп бўлган».

А.К.ал-А. илм талабида Самарқандга сафар қилиб, Абу-л-Фазл ал-Коғозийдан ҳадис тинглаган. Шунингдек, Абу Бакр Муҳаммад ибн Идрис ибн ал-Ҳасан ал-Жаржароий ал-Ҳофиз, Абу Масъуд ал-Бажлий, Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим ал-Форисий, Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб ад-Даймасийлардан таълим олган. Ўз асарида Абу-л-Ҳасан Али ад-Дорақутний ва Абдулғаний ибн Саъидлардан нақл қилган.

Ас.: *«Ал-Музāҳāт ва-л-музāфāт».*

Ад.: Ёқут. *Муъжам.* – Миср: «Ас-Саъода», 1906. I, 342; Ас-Самъоний. *Ал-Ансāб.* – Байрут: «Дор ал-жинон», 1988. I, 213–214, 364–365; Ал-Қураший. *Ал-Жавāҳир ал-музийя.* – Кароташ: «Мактаба Мир Муҳаммад», I, 112–113; Ҳожи Халифа. *Кашф аззунўн.* – Миср: «Дор ас-Саъода», 1893–1894. II, 451; Ибн ал-Асир. *Ал-Лубāб.* – Байрут: «Дор Содир», I, 68; Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифйн.* – Дамашқ: 1957. II, 631; А. Бабаджанов. «*Анбардувоний*». *Ислом-шунослик қомусий луғати.* – Т.: «Моваройннаҳр», 2013. 89.

Аҳмаджон Бобожонов

АБУ КОМИЛ АЛ-МИСРИЙ

أبو كامل المصرى

Абу Комил Шужоъ ибн Аслам ибн Муҳаммад ибн Шужоъ ал-Ҳосиб ал-Мисрий (тахм. 850–930)

Математик олим

Манбаларда ҳаёти ҳақида маълумотлар кам учрайди. Уларда Аҳмад ибн Тулун замонида яшагани, кемасозлик иншоотининг муҳандиси бўлгани, баъзиларида эса муҳосиб (ҳисобчи) сифатида фаолият олиб боргани ҳақида маълумотлар келтирилган. «Ал-Ҳосиб» нисбаси ҳам шунга далолат қилади.

Абу Комил ал-Мисрий математика тарихида Шарқ ва Ғарбга ўзининг катта таъсирини ўтказган мисрлик олим дея эътироф этилади. Мазкур фанга оид бир нечта асарлар муаллифи. Алгебра фанига оид «*Ал-Муқāбала*» асари бу соҳада Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг асаридан кейинги ўринда туради. Ибн Халдун бу асарни ал-Хоразмийнинг китобидан кейин алгебра соҳасида энг мукаммал тадқиқот сифатида баҳолаган.

А.К.ал-М.нинг таъсири Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Каражининг асарига, сўнг Леонардо Пизанский (Фибоначчи)нинг «Liber abaci» асарига туртки бўлган. Ўрта асрларда Европада ушбу рисола испан, иброний ва лотин тилларига таржима қилинган. Асарда қоидалар ал-Хоразмийдан олинган мисоллар ёрдамида тушунтирилади, аммо геометрик исботларда А.К.ал-М. бошқа йўлдан боради, яъни Эвклид принципларига асосланади.

«*Рисāла фи-л-мухаммас ва-л-муъашшар*» асари арабча асл нусхада сақланмаган ва у фақат иброний ва лотин таржималаридан маълум. Леонардо Пизанский А.К.ал-М.нинг бу рисоласини билган ва уни «Геометрия амалиёти» асарида қўллаган.

Ас.: «*Китāб ал-жабр ва-л-муқāбала*». А.К.ал-М.нинг энг муҳим ва энг катта асари. Бу китоб «*Китāб аш-шāмил*» номи билан ҳам аталади. Асар Али ибн Аҳмад ал-Имроний, Абу-л-Қосим ал-Қураший, Иброҳим ибн Умар ас-Субунийлар томонидан шарҳланган бўлиб, уларнинг ҳеч бири бизгача етиб келмаган. «*Китāб ат-тарāиф фи-л-ҳисāб*», «*Рисāла фи-л-мухаммас ва-л-муъашшар*».

Шунингдек, қуйидаги асарлар ҳам унга нисбат берилган: «*Китāб ал-жамъ ва-т-тафрīқ*», «*Китāб камāл ал-жабр ва тамāмиҳ ва-з-зийāда фī усўлиҳ*». Бу асар «*Китāб ал-Кāмил*» номи билан ҳам машҳур. «*Китāб ал-васāйā би-л-жабр ва-л-муқāбала*», «*Китāб ал-васāйā би-л-жузўр*», «*Китāб ал-мисāҳа ва-л-ҳандаса*» ва б.

Ад.: Г.О. Байгожина. *О принципе классификации задач у Абу Камила в его «Книге об неопределённых задачах». Историко-математические исследования*, 1 (36), 1995. с. 61–66; Г.П. Матвиевская. *Учение о числе на средневековом Ближнем и Среднем Востоке*. – Ташкент: «Фан», 1967; R. Lorch. *Abu Kamil on the pentagon and decagon*. Vestigia mathematica, 1993. 215–252; Cengiz Aydin. «*Ebū Kāmil*». *TDV İA*. – İstanbul: 1994, X. 172–174; https://ar.wikipedia.org/wiki; https://ru.wikipedia.org/wiki.

Озодбек Алимов

БИБЛИОГРАФИЯ ҚИСҚАРТМАЛАРИ

Абдулқодир ал-Бағдодий.
Хизāна ал-адаб.
Абдулқодир ибн Умар ал-Бағдодий. *Хизāна ал-адаб ва лубб лубāб лисāн ал-ъараб.* (Абдуссалом Муҳаммад Ҳорун нашри). I–XII. – Қоҳира: 1967–86.

Абдулҳай ал-Каттоний.
Фиҳрис ал-фаҳāрис.
Муҳаммад Абдулҳай ибн Абдулқодир ал-Каттоний. *Фиҳрис ал-фаҳāрис ва-л-асбāт ва-л-муъжам ал-маъāжим ва-л-машйхāт ва-л-мусалсалāт.* (Эҳсон Аббос нашри). I-III. – Байрут: 1402/1982; – Фос: 1347 ҳ.й.

Абдулҳай ал-Ҳасаний.
Нузҳа ал-хавāтир.
Абдулҳай ибн Фахруддин ибн Абдулалий ал-Ҳасаний. *Нузҳа ал-хавāтир ва баҳжа ал-масāмиъ ва-н-навāзир.* (Абу-л-Ҳасан Али ан-Надвий нашри). I-VIII. – Ҳайдаробод: 1350–90/1931–70.

Абдуннабий ал-Козимий.
Такмила ар-ижāл.
Шайх Абдуннабий ал-Козимий. *Такмила ар-ижāл.* (М. Содиқ нашри). – Нажаф: тарихсиз.

Абу Зайд ал-Қураший.
Жамҳара.
Муҳаммад ибн Абу-л-Хаттоб ал-Қураший. *Жамҳара ашъāр ал-ъараб фи-л-жāҳилиййа ва-л-ислāм.* (Али Фоур нашри). I-II. – Байрут: 1406/1986.

Абу Нуайм.
Ҳилйа ал-авлийā.
Абу Нуайм ал-Исфаҳоний. *Ҳилйа ал-авлийā ва табақāт ал-асфийā.* I-X. – Қоҳира: 1394–99/1974–79.

Абу-л-Фараж.
Ал-Ағāнӣ.
Абу-л-Фараж Али ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний. *Китāб ал-ағāнӣ.* I-XIV, XVI. – Қоҳира: 1927; XV, XVII-XXIV (Абдуссалом Муҳаммад Ҳорун – Абдулкарим ал-Азбовий ва б. нашри). – Қоҳира: «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя». 1070–74 ҳ.й.

Абу-л-Ҳусайн ал-Басрий.
Ал-Муътамад.
Абу-л-Ҳусайн Муҳаммад ибн Али ал-Басрий. *Китāб ал-муътамад фӣ усӯл ал-фиққ.* (Муҳаммад Ҳамидуллоҳ нашри). I-II. – Дамашқ: 1383–85/1964–65.

Ал-Ажлуний.
Кашф ал-хафā.
Исмоил ибн Муҳаммад ал-Ажлуний. *Кашф ал-хафā ва музīл ал-илбāс ъаммā иштаҳара мин ал-аҳāдӣс ъалā алсина ан-нāс.* (Аҳмад ал-Калош нашри). I-II. – Ҳалаб: тарихсиз; – Байрут: 1351–52 ҳ.й.

Ал-Азрақий.
Ахбāр Макка.
Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Азрақий. *Ахбāр Макка ва мā жāа фӣҳā мин ал-āсāр.* (Рушдий Солиҳ Малҳас нашри). I-II. – Байрут: 1399/1979.

Алишер Навоий.
ТАТ.
Алишер Навоий. *Тӯла асарлар тӯплами.* I-X. – Тошкент: «Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2011.

АНАТИЛ.
Алишер Навоий асарлари тилининг

изоҳли луғати. (Э.И.Фозилов ва б. нашри). I-IV. – Тошкент: «Фан», 1983–85.

Аттор.
Тазкират ул-авлиё.
Фаридуддин Аттор. *Тазкират ул-авлиё.* – Лейден: 1905–1907.
Фаридуддин Аттор. *Тазкират ул-авлиё.* – Теҳрон: 1346 ҳ.й.

Ал-Ашъарий.
Мақалат.
Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий. *Мақалат ал-ислāмиййин ва ихтилāф ал-мусаллин.* (H. Ritter нашри). – Wiesbaden: 1382/1963.

Бадрон.
Таҳзиб тарих Димашқ.
Абдулқодир ибн Аҳмад ад-Димашқий (Абдулқодир Бадрон).
Таҳзиб тарих Димашқ ал-кабир ли Ибн Асакир. I-VII. – Байрут: тарихсиз.

Ал-Байҳақий.
Татимма сивāн ал-ҳикма.
Ибн Фундуқ Али ибн Зайд ал-Байҳақий.
Татимма сивāн ал-ҳикма.
(Муҳаммад Шафиъ нашри). – Лоҳур: 1351 ҳ.й.

Ал-Байҳақий.
Ас-Сунан ал-кубрā.
Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Байҳақий.
Ас-Сунан ал-кубрā. I-X. – Ҳайдаробод: 1360 ҳ.й.

Ал-Балозурий.
Ансāб ал-ашрāф.
Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий.
Ансāб ал-ашрāф.
I (Муҳаммад Ҳамидуллоҳ нашри). – Қоҳира: 1959;
II (Муҳаммад Бокир ал-Маҳмудий нашри). – Байрут: 1974;
III (Абдулазиз ад-Дурий нашри). – Байрут: 1398/1974-78;
IV/I (Эҳсон Аббос нашри). – Байрут: 1400/1979;
IV/A (1971) – IV/B (M. Schloessinger нашри). – Қуддус 1938;
V (S.D.F. Goitein нашри). – Қуддус 1936.

Ал-Балозурий.
Футӯҳ ал-булдāн.
Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий.
Футӯҳ ал-булдāн. (Салоҳуддин ал-Мунажжид нашри). I-III. – Қоҳира: 1956–60.
Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий.
Футӯҳ ал-булдāн. (Ризвон Муҳаммад Ризвон нашри). – Қоҳира: 1932.
Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий.
Футӯҳ ал-булдāн. (Мустафа Файда нашри). – Анқара: 1987.

Ал-Бағдодий.
Ал-Фарқ.
Абдулқоҳир ал-Бағдодий.
Ал-Фарқ байна-л-фирāқ. (Муҳаммад Муҳйиддин Абдулҳамид нашри).
– Қоҳира: тарихсиз.
Абдулқоҳир ал-Бағдодий.
Ал-Фарқ байна-л-фирāқ. (Зоҳид Кавсарий нашри). – Қоҳира: 1367/1948.

Ал-Бухорий.
Ат-Тарӣх ал-кабӣр.
Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.
Китāб ат-тарӣх ал-кабӣр.
(Абдурраҳмон ибн Яҳё ал-Яманий ва б. нашри). I-IX. – Ҳайдаробод: 1360–80/1941–60.

Ал-Бухорий.
Ат-Тарӣх ас-сағӣр.
Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.
Китāб ат-тарӣх ас-сағӣр.
(Маҳмуд Иброҳим Зояд нашри). I-II.
– Қоҳира: 1396–97/1976–77.

Вакийъ.
Ахбāр ал-қузāт.
Муҳаммад ибн Халаф ал-Вакийъ.
Ахбāр ал-қузāт. I-III. – Байрут: тарихсиз.

Ал-Воқидий.
Ал-Мағāзӣ.
Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидий.
Китāб ал-мағāзӣ. (M. Jones нашри). I-III.
– Лондон: 1965–66; – Байрут: 1404/1984.

Диёрбакрий.
Тарӣх ал-хамӣс.
Ҳусайн ибн Муҳаммад ад-Диёрбакрий.
Тарӣх ал-хамӣс фӣ аҳвāл анфас ан-нафӣс.
I-II. – Қоҳира: 1283 ҳ.й.; – Байрут: тарихсиз.

Ад-Динаварий.
Ал-Ахбāр ат-тивāл.
Аҳмад ибн Довуд ад-Динаварий.
Ал-Ахбāр ат-тивāл. (Абдулмунъим Омир нашри), – Қоҳира: 1960; – Бағдод: тарихсиз.

Ад-Довудий.
Табақāт ал-муфассирӣн.
Муҳаммад ибн Али ад-Довудий.
Табақāт ал-муфассирӣн.
(Али Муҳаммад Умар нашри). I-II.
– Қоҳира: 1392/1972.

Ёфиъий.
Миръāт ал-жинāн.
Абдуллоҳ ибн Асъад ал-Ёфиъий.
Миръāт ал-жинāн ва ъибра ал-йақзāн фӣ маърифа мā йуътабар мин ҳавāдис аз-замāн. I-IV. – Ҳайдаробод: 1334–39;
– Байрут: 1390/1970.
Абдуллоҳ ибн Асъад ал-Ёфиъий.
Миръāт ал-жинāн ва ъибра ал-йақзāн фӣ маърифа мā йуътабар мин ҳавāдис аз-замāн. (Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Жубурий нашри). – Байрут: 1405/1984.

Ёқут.
Муъжам.
Ёқут ал-Ҳамавий. *Муъжам ал-булдāн.*
I-VIII, – Миср: 1906.
Ёқут ал-Ҳамавий. *Муъжам ал-булдāн.*
I-V, – Байрут: 1957.
Ёқут ал-Ҳамавий. *Муъжам ал-булдāн.*
– Байрут: 1995.
Ёқут ал-Ҳамавий. *Муъжам ал-булдāн.*
– Байрут: тарихсиз.

Ал-Жумаҳий.
Фуҳӯл аш-шуъарāъ.
Муҳаммад ибн Саллом Ал-Жумаҳий.
Табақāт фуҳӯл аш-шуъарāъ. (Маҳмуд Муҳаммад Шокир нашри). I-II. – Қоҳира: 1394/1974.

Аз-Заҳабий.
Мӣзāн ал-иътидāл.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Мӣзāн ал-иътидāл фӣ нақд ар-ижāл.* (Али Муҳаммад ал-Бижавий нашри). I-IV. – Қоҳира: 1382/1963.

Аз-Заҳабий.
Муъжам аш-шуйӯх.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Муъжам аш-шуйӯх.* (Мактаба ас-Сиддиқ). I-II. – Тоиф: 1408/1988.

Аз-Заҳабий.
Сийар.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Сийар аълāм ан-нубалāъ.*
(Шуайб ал-Арнаут ва б. нашри).
I-XXIII. – Байрут: 1401–1405/1981–85.

Аз-Заҳабий.
Тарӣх ал-ислāм.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Тарӣх ал-ислāм ва вафайāт ал-машāҳӣр ал-аълāм.*
(Умар Абдуссалом Тадмурий – Башшор Аввод Маъруф ва б. нашри). – Байрут: 1407/1987.

Аз-Заҳабий.
Тазкира ал-ҳуффāз.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.* I-IV.
– Ҳайдаробод: 1375–77/1955–58.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Тазкира ал-ҳуффāз.*
– Байрут: 1419/1998.

Аз-Заҳабий.
Ал-Ибар.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Ал-Ибар фӣ хабар ман ғабар.* (Абу Ҳажар Муҳаммад Саъид нашри), I-V. – Байрут: 1405/1985; – Қувайт: 1960.

Аз-Заҳабий.
Маърифа ал-қуррā.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Маърифа ал-қуррā ал-кибāр ъала-т-табақāт ва-л-āсāр.* (Башшор Аввод Маъруф ва б. нашри). I-II. – Байрут: 1404/1984.
Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. *Маърифа ал-қуррā ал-кибāр ъала-т-табақāт ва-л-āсāр.* – Қоҳира: 1969.

Аз-Зириклий.
Ал-Аълāм.
Хайруддин аз-Зириклий. *Ал-Аълāм: Қāмӯс тарāжим.* I-X. – Қоҳира: 1373–78/1954–59.
Хайруддин аз-Зириклий. *Ал-Аълāм: Қāмӯс тарāжим.* (Зуҳайр Фатҳуллоҳ нашри). I-VIII. – Байрут: 1984.

Аз-Зубайрий.
Насаб Қурайш.
Мусъаб ибн Абдуллоҳ аз-Зубайрий. *Насаб Қурайш.* (E. Lēvi Provençal нашри). – Қоҳира: 1953, 1961, 1982.

Аз-Зуҳайлий.
Ал-Фиқҳ ал-ислāмӣ.
Ваҳба аз-Зуҳайлий. *Ал-Фиқҳ ал-ислāмӣ ва адиллатуҳ.* I-VIII. – Дамашқ: 1404/1984, 1405/1985.

Ибн Абдулбар.
Ал-Истӣъāб.
Ибн Абдулбар ан-Намарий ал-Қуртубий. *Ал-Истӣъāб фӣ маърифа ал-асҳāб.* (Ибн Ҳажар, *Ал-Исāба* ичида). I-IV. – Қоҳира: 1328 ҳ.й.
Ибн Абдулбар ан-Намарий ал-Қуртубий. *Ал-Истӣъāб фӣ маърифа ал-асҳāб.* (Али Муҳаммад ал-Бижовий нашри). I-IV, – Қоҳира: 1969.

Ибн Абу Яъло.
Табақāт ал-ҳанāбила.
Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Яъло. *Табақāт ал-ҳанāбила.* (Муҳаммад Ҳамид ал-Фикий нашри). I-II. – Қоҳира: 1371/1952.

Ибн Абу Ҳотим.
Ал-Жарҳ ва-т-таъдӣл.
Абдурраҳмон ибн Абу Ҳотим ар-Розий. *Ал-Жарҳ ва-т-таъдӣл.* I-IX. – Ҳайдаробод: 1371–73/1952–53.

Ибн Адий.
Ал-Кāмил.
Абдуллоҳ ибн Адий ал-Журжоний. *Ал-Кāмил фӣ зуъафā ар-ржāл.* I-VIII. – Байрут: 1404–1405/1984.

Ибн ал-Арабий.
Аҳкāм ал-Қуръāн.
Муҳйиддин Муҳаммад ибн Али ал-Арабий. *Аҳкāм ал-Қуръāн.* – Қоҳира: 1974.

Ибн ал-Арабий.
Ал-Авāсим мин ал-қавāсим.
Муҳйиддин Муҳаммад ибн Али ал-Арабий. *Ал-Авāсим мин ал-қавāсим.* – Қоҳира: 1375 ҳ.й.

Ибн ал-Асир.
Усд ал-ғāба.
Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба фӣ маърифа ас-саҳāба.* I-V. – Қоҳира: 1285–87 ҳ.й.
Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба фӣ маърифа ас-саҳāба.* (Муҳаммад Иброҳим ал-Банно ва б. нашри). I-VII. – Қоҳира: 1390–93/1970–73.
Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир. *Усд ал-ғāба фӣ маърифа ас-саҳāба.* – Байрут: 1418/1998.

Ибн ал-Асир.
Ал-Камил.
Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир.
Ал-Камил фи-т-тарих. (C. J. Torenberg нашри). I-XIII. – Лейден: 1851–76;
– Байрут: 1399/1979.

Ибн ал-Асир.
Ал-Лубаб.
Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир.
Ал-Лубаб фи таҳзиб ал-ансаб.
I-III. – Қоҳира: 1357–69 ҳ.й.

Ибн Асокир.
Тарих Димашқ.
Али ибн ал-Ҳасан ибн Асокир.
Тарих мадина Димашқ. I-XIX.
– Ўмон: тарихсиз.
Али ибн ал-Ҳасан ибн Асокир.
Тарих мадина Димашқ. (Салоҳуддин ал-Мунажжид нашри). I.
– Дамашқ: 1371/1951.
Али ибн ал-Ҳасан ибн Асокир.
Тарих мадина Димашқ. (Нашот Ғаззовий – Сакина аш-Шиҳобий ва б. нашри).
I-VI. – Дамашқ: 1402–04/1981–84.

Ибн Асокир.
Табйин казиб ал-муфтарий.
Али ибн ал-Ҳасан ибн Асокир.
Табйин казиб ал-муфтарий фи ма нусиб ила-л-имам Аби-л-Ҳасан ал-Ашъарий.
(Муҳаммад Зоҳид Кавсарий нашри).
– Дамашқ: 1347 ҳ.й.; – Байрут: 1399/1979, 1404/1984.

Ибн Баттута.
Туҳфа.
Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Баттута.
Туҳфа ан-нуззар фи ғараиб ал-амсар ва ъажаиб ал-асфар: Риҳла Ибн Баттута.
I-II. – Байрут: 1395/1975, 1401–1405/1981–85.

Ибн ал-Жавзий.
Зад ал-масир.
Абдурраҳмон ибн Али ибн ал-Бағдодий.
Зад ал-масир фи ъилм ат-тафсир.
(Муҳаммад Зубайр аш-Шовиш – Абдулқодир ал-Арнаут нашри).
I-IX. – Дамашқ: 1384–88/1964–68.

Ибн ал-Жавзий.
Ал-Мунтазам.
Абдурраҳмон ибн Али ибн ал-Бағдодий.
Ал-Мунтазам фи тарих ал-мулук ва-л-умам. I-X. – Ҳайдаробод: 1357–59/1938–40.

Ибн ал-Жавзий.
Сифа ас-сафва.
Абдурраҳмон ибн Али ибн ал-Бағдодий.
Сифа ас-сафва. (Маҳмуд Фоҳурий – Муҳаммад Қалъажи нашри).
– Ҳалаб: 1969–73; – Байрут: 1399/1979.

Ибн ал-Жавзий.
Аз-Зуъафа.
Абдурраҳмон ибн Али ибн ал-Бағдодий.
Китаб аз-зуъафа ва-л-матрукин.
(Абу-л-Физо Абдуллоҳ ал-Қозий нашри),
I-III, – Байрут: 1406/1986.

Ибн ал-Жазарий.
Ғайа ан-ниҳайа.
Абу-л-Хайр Муҳаммад ал-Жазарий.
Ғайа ан-ниҳайа фи табақат ал-қурра.
I-II. – Қоҳира: 1351–53/1932–35.

Ибн ал-Имод.
Шазарат аз-заҳаб.
Абдулҳай ибн Аҳмад ибн ал-Имод.
Шазарат аз-заҳаб фи ахбар ман заҳаб.
I-XI. – Дамашқ-Байрут: 1986–91.
Абдулҳай ибн Аҳмад ибн ал-Имод.
Шазарат аз-заҳаб фи ахбар ман заҳаб.
I-VIII. – Қоҳира: 1350–51/1934–35.

Ал-Иснавий.
Табақат аш-шафиъийя.
Жамолуддин ал-Иснавий.
Табақат аш-шафиъийя. I-II.
– Бағдод: «Ал-Иршод», 1970.

Ибн Исҳоқ.
Ас-Сӣра.
Муҳаммад ибн Исҳоқ. *Ас-Сӣра ли-Ибн Исҳāқ.* (Муҳаммад Ҳамидуллоҳ нашри). – Работ: 1967.

Ибн Касир.
Ал-Бидāйа.
Исмоил ибн Умар ибн Касир. *Ал-Бидāйа ва-н-ниҳāйа.* I-XIV. – Қоҳира: 1351–58/1932–39; – Байрут: 1981.

Ибн Касир.
Ас-Сӣра.
Исмоил ибн Умар ибн Касир. *Ас-Сӣра ан-набавиййа.* (Мустафо Абдулвоҳид нашри). I-IV. – Қоҳира: 1964–66; – Байрут: 1396/1976.

Ибн ал-Муртазо.
Табақāт ал-муътазила.
Аҳмад ибн Яҳё ибн ал-Муртазо. *Китāб табақāт ал-муътазила.* (Susanna D. Wilzer нашри). – Wiesbaden: 1961. – Байрут: 1380/1961.

Ибн ан-Надим.
Ал-Фиҳрист.
Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист фӣ ахбāр ал-ъуламā ал-мусаннифӣн мин ал-қудамā ва-л-муҳдасӣн ва асмāи кутубиҳим. (Ризо-Тажаддуд нашри), – Теҳрон: тарихсиз.*
Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист фӣ ахбāр ал-ъуламā ал-мусаннифӣн мин ал-қудамā ва-л-муҳдасӣн ва асмāи кутубиҳим.* – Теҳрон: 1391/1971.
Ибн ан-Надим. *Ал-Фиҳрист фӣ ахбāр ал-ъуламā ал-мусаннифӣн мин ал-қудамā ва-л-муҳдасӣн ва асмāи кутубиҳим.* – Қоҳира: 1348 ҳ.й.

Ибн Саъд.
Ат-Табақāт.
Муҳаммад ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* (Эҳсон Аббос нашри). I-IX. – Байрут: 1388/1968.
Муҳаммад Ибн Саъд. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* (Зиёд Муҳаммад Мансур нашри). – Мадина: 1403/1983.

Ибн Фазлуллоҳ ал-Умарий.
Масāлик.
Ибн Фазлуллоҳ ал-Умарий. *Масāлик ал-абсāр фӣ мамāлик ал-амсāр.* (Fuat Sezgin нашри). I-XXVII. – Франкфурт: 1408/1988.

Ибн Халликон.
Вафайāт.
Ибн Халликон Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад. *Вафайāт ал-аъйāн ва анбāу абнā аз-замāн.* I-II. – Миср: 1892.
Ибн Халликон Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад. *Вафайāт ал-аъйāн ва анбāу абнā аз-замāн.* – Байрут: 1978.
Ибн Халликон Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад. *Вафайāт ал-аъйāн ва анбāу абнā аз-замāн.* I-VIII.– Байрут: 1968-1972.
Ибн Халликон Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад. *Вафайāт ал-аъйāн ва анбāу абнā аз-замāн.* I-IV. – Қоҳира: 1367-69/1948-50.

Ибн Халдун.
Ал-Ибар.
Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. *Китāб ал-ъибар ва дӣвāн ал-мубтадā ва-л-хабар.* I-VII, – Булоқ: 1284 ҳ.й.; – Байрут: 1971, 1399/1979.

Ибн Халдун.
Муқаддима.
Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. *Муқаддима Ибн Халдун.* (Али Абдулвоҳид Вофий нашри). I-III. – Қоҳира: 1401 ҳ.й.

Ибн Қаййим ал-Жавзийя.
Иълāм ал-муваққиъӣн.
Ибн Қаййим ал-Жавзийя. *Иълāм ал-муваққиъӣн ъан Рабб ал-ъāламӣн.* (М. Муҳйиддин Абдулҳамид нашри), I-IV. – Қоҳира: 1374/1955.

Ибн ал-Қифтий.
Инбāҳ ар-рувāт.
Али ибн Юсуф ал-Қифтий. *Инбāҳ ар-рувāт ъалā анбāҳ ан-нуҳāт.* (Муҳаммад Абу-л-Фазл нашри). I-IV. – Қоҳира: 1369–93/1950–73.

Ибн Қози Шуҳба.
Табақāт аш-шāфиъийя.
Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қози Шуҳба. *Табақāт аш-шāфиъийя.* I-IV. – Байрут: 1407/1987.

Ибн Қудома.
Ал-Муғнӣ.
Муваффақуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Қудома. *Ал-Муғнӣ.* I-XIV. – Байрут: 1972–73; – Риёз: 1981.

Ибн Қутайба.
Ал-Маъāриф.
Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф.* (Муҳаммад Исмоил ас-Совий нашри), – Қоҳира: 1353/1935.
Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба. *Ал-Маъāриф.* (Сарват Уккоша нашри), – Қоҳира: 1960, 1969, 1981.

Ибн Қутайба.
Аш-Шиър ва-ш-шуъарā.
Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба. *Аш-Шиър ва-ш-шуъарā.* (Аҳмад Муҳаммад Шокир нашри). I-II. – Қоҳира: тарихсиз.

Ибн Ҳабиб.
Ал-Мухаббар.
Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Ҳошимий. *Ал-Мухаббар.* (Ilse Lichtenstadter нашри). – Ҳайдаробод: 1361/1942; – Байрут: тарихсиз.

Ибн Ҳажар.
Ад-Дурар ал-кāмина.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Ад-Дурар ал-кāмина фӣ аъйāн ал-миа ас-сāмина.* I-IV. – Ҳайдаробод: 1348–50/1929–31.

Ибн Ҳажар.
Ал-Исāба.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Ал-Исāба фӣ тамйӣз ас-саҳāба.* I-IV. – Қоҳира: 1328/1912.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Ал-Исāба фӣ тамйӣз ас-саҳāба.* (Али Муҳаммад ал-Бижовий нашри). I-IV. – Қоҳира: 1390–92/1970–72.

Ибн Ҳажар.
Лисāн ал-мӣзāн.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Лисāн ал-мӣзāн.* I-VII. – Ҳайдаробод: 1329–31; – Байрут: 1390/1971.

Ибн Ҳажар.
Тақрӣб ат-таҳзӣб.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Тақрӣб ат-таҳзӣб.* (Абдулваҳҳоб Абдуллатиф нашри). – Қоҳира: 1380 ҳ.й. – Байрут: 1399/1979.

Ибн Ҳажар.
Таҳзӣб ат-таҳзӣб.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Таҳзӣб ат-таҳзӣб.* I-XII. – Ҳайдаробод: 1325–27/1907–10.

Ибн Ҳажар.
Табсӣр ал-мунтабиҳ би-таҳрӣр ал-муштабиҳ.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Табсӣр ал-мунтабиҳ би-таҳрӣр ал-муштабиҳ.* (Али Муҳаммад ал-Бижовий – Муҳаммад Али ан-Нажжор нашри). I-IV. – Қоҳира–Байрут: 1386/1967.

Ибн Ҳажар.
Фатҳ ал-Бāрӣ.
Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. *Фатҳ ал-Бāрӣ би-шарҳ Саҳӣҳ ал-Бухāрӣ.* (Муҳиббуддин ал-Хатиб – М. Фуад Абдулбоқий – Қусай Муҳиббуддин ал-Хатиб нашри). I-XIII. – Қоҳира: 1404/1986–87.

Ибн Ҳазм.
Ал-Фасл.
Ибн Ҳазм Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад.

Ал-Фасл фи-л-милал ва-л-аҳвā ва-н-ниҳал. (Муҳаммад Иброҳим Наср – Абдурраҳмон Умайра нашри). I-V. – Риёз: 1402/1982.

Ибн Ҳазм.
Жамҳара.
Ибн Ҳазм Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад. *Жамҳара ал-ансāб ал-ъараб.* (Абдуссалом Муҳаммад Ҳорун нашри), – Қоҳира: 1382/1962; – Байрут: 1403/1983.

Ибн Ҳазм.
Жавāмиъ ас-сӣра.
Ибн Ҳазм Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад. *Жавāмиъ ас-сӣра ва хамсу расāил ухрā.* (Эҳсон Аббос – Носируддин ал-Асад нашри). – Қоҳира: 1956.

Ибн Ҳиббон.
Ас-Сиқāт.
Муҳаммад ибн Ҳиббон. *Китāб ас-сиқāт.* I-IX. – Ҳайдаробод: 1393–99/1973–79.

Ибн Ҳиббон.
Китāб ал-мажрӯҳӣн.
Муҳаммад ибн Ҳиббон. *Китāб ал-мажрӯҳӣн мин ал-муҳаддисӣн ва-з-зуъафā ва-л-матрӯкӣн.* (Маҳмуд Иброҳим Зояд нашри). I-III. – Ҳалаб: 1395–96/1975–76.

Ибн Ҳиббон.
Машāҳӣр ъуламā ал-амсāр.
Муҳаммад ибн Ҳиббон. *Китāб машāҳӣр ъуламā ал-амсāр.* (M. Fleischhammer нашри). – Қоҳира: 1379/1959.

Ибн Ҳишом.
Ас-Сӣра.
Абдулмалик ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра ан-набавиййа.* (Мустафо ас-Сакко ва б. нашри). I-IV. – Қоҳира: 1355/1936.
Абдулмалик ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра ан-набавиййа.* (Мустафо ас-Сакко ва б. нашри). I-IV. – Қоҳира: 1375/1955.
Абдулмалик ибн Ҳишом. *Ас-Сӣра ан-набавиййа.* (Суҳайл Заккор нашри). I-II. – Байрут: 1412/1992.

Ал-Ижлий.
Ас-Сиқāт.
Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Ижлий. *Тарӣх ас-сиқāт.* (Абдулмуътий Амин Қалъажи нашри). – Байрут: 1405/1984.

Йзāҳ ал-макнӯн.
Исмаил Пошо.
Изāҳ ал-макнӯн фи-з-зайл ъалā Кашф аз-зунӯн ъан асāм ал-кутуб ва-л-фунӯн. (Рифат Билги – Шарафиддин Ялткайа нашри). I-II. – Истанбул: 1945–47; – Теҳрон: 1387/1967.

ИТБРИ.
Ислам на территории бывшей Российской империи.
– М.: «Восточная литература». I–V. 1998–2012.

Ал-Каттоний.
Ар-Рисāла ал-мустатрафа.
Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Каттоний. *Ар-Рисāла ал-мустатрафа.* (Муҳаммад ал-Мунтасир нашри). – Дамашқ: 1383/1964.

Каҳҳола.
Муъжам ал-муаллифӣн.
Умар Ризо Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифӣн: тарāжим мусанниф ал-кутуб ал-ъарабиййа.* I-XV. – Дамашқ: 1376–81/1957–61; – Байрут: тарихсиз.

Каҳҳола.
Муъжам қабāил ал-ъараб.
Умар Ризо Каҳҳола. *Муъжам қабāил ал-ъараб.* – Байрут: 1982.

Каҳҳола.
Ал-Мустадрак.
Умар Ризо Каҳҳола. *Ал-Мустадрак ъалā муъжам ал-муаллифӣн.*
– Байрут: 1406/1985.

Ал-Косоний.
Бадāиъ ас-санāиъ.
Абу Бакр ибн Масъуд ал-Косоний.
Бадāиъ ас-санāиъ фӣ тартӣб аш-шарāиъ. I-VII. – Қоҳира: 1327–28/1909; – Байрут: 1982.

МАТ.
Алишер Навоий. *Мукаммал асарлар тўплами.* – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1991.

ММİАD.
Мажалла мажмаъ ал-ъилмиййа ал-ъарабӣ би-Дамашқ. – Дамашқ: 1921–68.

Ал-Масъудий.
Мурӯж аз-заҳаб.
Али ибн ал-Ҳусайн ал-Масъудий.
Мурӯж аз-заҳаб ва маъāдин ал-жавҳар. (М. Муҳйиддин Абдулҳамид нашри). I-IV. – Қоҳира: 1367/1948; – Байрут: 1384–85/1964–65.
Али ибн Ҳусайн ал-Масъудий.
Мурӯж аз-заҳаб ва маъāдин ал-жавҳар. (Barbier de Meynard нашри). I-IX. – Париж: 1861–77.

Ал-Миззий.
Таҳзӣб ал-камāл.
Юсуф ибн Абдурраҳмон ал-Миззий.
Таҳзӣб ал-камāл фӣ асмā ар-ижāл. (Башшор Аввод Маъруф нашри). I-XV. – Байрут: 1402/1982

МММА.
Мажалла маъҳад ал-махтӯтāт ал-ъарабиййа. – Қувайт: 1376/1956.

ММLАD.
Мажалла мажмаъ ал-луға ал-ъарабиййа би-Димашқ. – Дамашқ: 1969.

Ал-Муновий.
Ал-Кавāкиб ад-дуррийа.
Муҳаммад Абдуррауф ал-Муновий.
Ал-Кавāкиб ад-дуррийа фӣ тарāжим ас-сāдати-с-сӯфиййа. (Маҳмуд Ҳасан Рабиъ нашри). I-II. – Қоҳира: 1357/1938.

Муснад.
Аҳмад ибн Ҳанбал.
Муснад. I-VI. – Қоҳира: 1313 ҳ.й.

Ал-Муҳиббий.
Ҳулāса ал-асар.
Муҳаммад Амин ал-Муҳиббий.
Хулāса ал-асар фӣ (тарāжим) аъйāн ал-қарн ал-ҳāдӣ ъашар.
(Мустафо Ваҳбий нашри). I-IV. – Қоҳира: 1284 ҳ.й.; – Байрут: тарихсиз.

Муҳсин ал-Амин.
Аъйāн аш-шӣъа.
Муҳсин ал-Амин. *Аъйāн аш-шӣъа.* (Ҳасан ал-Амин нашри). – Байрут: 1403/1983.

М. Фуод Абдулбоқий.
Ал-Муъжам.
Муҳаммад Фуод Абдулбоқий.
Ал-Муъжам ал-муфаҳрас ли-алфāз ал-Қуръāн ал-карӣм. – Қоҳира: 1950.

Ан-Нававий.
Таҳзӣб ал-асмā.
Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. *Таҳзӣб ал-асмā ва-л-луғāт.* (F. Wüstenfeld нашри). I-II. – Gottingen: 1242 ҳ.й.; – Байрут: тарихсиз.

Нувайҳиз.
Муъжам ал-муфассирӣн.
Одил Нувайҳиз. *Муъжам ал-муфассирӣн мин садр ал-ислāм ҳаттā ал-ъаср ал-ҳāзир.* I-II. – Байрут: 1403/1983.

Ал-Олусий.
Рӯҳ ал-маъāнӣ.
Шаҳобуддин Маҳмуд ал-Олусий.
Рӯҳ ал-маъāнӣ фӣ тафсӣр ал-Қуръāн ал-ъазӣм ва-с-сабъ ал-масāнӣ. I-XXX. – Булоқ: 1301 ҳ.й.; – Байрут: тарихсиз.

Ас-Самъоний.
Ал-Ансāб.
Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. *Китāб ал-ансāб.* I-VI. (Абдурраҳмон ибн Яҳё ал-Яманий нашри). – Ҳайдаробод: 1961–66; VII-VIII. (Муҳаммад Аввома нашри). – Дамашқ: 1976; IX. (Муҳаммад Аввома – Риёзий Мурод нашри). – Дамашқ: 1979; X. (Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳулв нашри). – Дамашқ: 1979.
Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. *Китāб ал-ансāб.* (Абдуллоҳ Умар ал-Борудий нашри). I-V. – Байрут:1408/1988.

Саркис (Serkis).
Муъжам.
Юсуф Илян Саркис. *Муъжам ал-матбӯъāт ал-ъарабиййа ва-л-муъарраба.* I-II. – Қоҳира: 1346/1928–30.

Ас-Саҳмий.
Тарӣх Журжāн.
Ҳамза ибн Юсуф ибн Иброҳим ас-Саҳмий. *Тарӣх Журжāн ав Китāб маърифа ъуламā аҳли Журжāн.* – Байрут: 1407/1987.

Ас-Саховий.
Ал-Иълāн би-т-тавбӣх.
Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ас-Саховий. *Ал-Иълāн би-т-тавбӣх ли-ман замма ат-тарӣх.* (Fr. Rosenthal нашри). – Байрут: тарихсиз.

Ас-Соъотий.
Ал-Фатҳ ар-раббāнӣ.
Аҳмад ибн Абдурраҳмон ас-Соъотий. *Ал-Фатҳ ар-раббāнӣ ли-тартӣб Муснад ал-Имāм Аҳмад ибн Ҳанбал аш-Шайбāнӣ ва маъаҳ Китāб булӯғ ал-амāнӣ.* I-XXIV. – Байрут: тарихсиз.

Ас-Субкий.
Табақāт.
Тожуддин Абдулваҳҳоб ибн Али ас-Субкий. *Табақāт аш-шāфиъиййа ал-кубрā.* I-VI. – Қоҳира: 1323–24 ҳ.й.; – Байрут: тарихсиз.
Тожуддин Абдулваҳҳоб ибн Али ас-Субкий. *Табақāт аш-шāфиъиййа ал-кубрā.* (Маҳмуд Муҳаммад ат-Таноҳий – Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳулв нашри). I-X. – Қоҳира: 1383–96/1964–76; 1413/1993.

Ас-Суламий.
Табақāт ас-сӯфиййа.
Муҳаммад ибн Ҳусайн ас-Суламий. *Табақāт ас-сӯфиййа.* (Нуруддин Шариба нашри). – Қоҳира: 1372/1953; 1389/1969.

Ас-Суютий.
Табақāт ал-ҳуффāз.
Жалолуддин ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз.* (Али Муҳаммад Умар нашри). – Қоҳира: 1393/1973.
Жалолуддин ас-Суютий. *Табақāт ал-ҳуффāз.* – Байрут: 1403/1983.

Ас-Суютий.
Ал-Итқāн.
Жалолуддин ас-Суютий. *Ал-Итқāн фӣ ъулӯм ал-Қуръāн.* (Муҳаммад Абу-л-Фазл нашри). I-IV. – Қоҳира: 1387/1967; 1405/1985.

Ас-Суютий.
Ҳусн ал-муҳāзара.
Жалолуддин ас-Суютий. *Ҳусн ал-муҳāзара фӣ (ахбāр) Миср ва-л-Қāҳира.* (Муҳаммад Абу-л-Фазл нашри). I-II. – Қоҳира: 1387/1967.

Ас-Суҳайлий.
Ар-Равз ал-унуф.
Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ас-Суҳайлий. *Ар-Равз ал-унуф фӣ шарҳ ас-сӣра ан-набавиййа ли Ибн Ҳишāм.* (Абдурраҳмон ал-Вакил нашри). I-VII. – Қоҳира: 1387–90/1967–70.

Ат-Табарий.
Жāмиъ ал-байāн.
Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. *Жāмиъ ал-байāн ъан таъвīл āйи-л-Қуръāн.* (Маҳмуд Муҳаммад Шокир – Аҳмад Муҳаммад Шокир нашри). I-XVI. – Қоҳира: 1955–60.
Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. *Жāмиъ ал-байāн ъан таъвīл āйи-л-Қуръāн.* I-XXX. – Булоқ: 1323–29 ҳ.й.; – Байрут: 1406–07/1986–87.

Ат-Табарий.
Тарīх.
Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. *Тарīх ар-русул ва-л-мулӯк.* (Муҳаммад Абу-л-Фазл нашри). I-XI. – Қоҳира: 1960–70.
Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. *Тарīх ар-русул ва-л-мулӯк.* (M.J.de Goeje нашри). I-III. – Лейден: 1879–1901.

Ат-Тамимий.
Ат-Табақāт ас-санийя.
Тақиййуддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий. *Ат-Табақāт ас-санийя фī тарāжим ал-ҳанафийя.* (Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳулв). I-IV. – Риёз: 1403-1410/1983-1989.

Ат-Таҳонавий.
Кашшāф.
Муҳаммад Али ибн Али ат-Таҳонавий. *Кашшāф истилāҳāт ал-фунӯн.* I-II. – Калкута: 1862; – İstanbul: 1404/1984.

Тошкӯпризода.
Мифтаҳ ас-саъāда.
Тошкӯпризода Исомуддин Аҳмад Афанди. *Мифтаҳ ас-саъāда ва мисбāҳ ас-сийāда.* (Абдулваҳҳоб Абу-н-Нур-Комил Бакрий нашри). I-III. – Қоҳира: 1968.

Умар Фаррух.
Тарīх ал-адаб ал-ъарабī.
Умар Фаррух. *Тарīх ал-адаб ал-ъарабī.* I-VI. – Байрут: 1981–84.

Уқайлий.
Аз-Зуъафā.
Муҳаммад ибн Амр ибн Мусо Уқайлий. *Китāб аз-зуъафā ал-кабīр.* (Абдулмуътий Амин Қалъажи нашри). I-IV. – Байрут: 1404/1984.

Фотима Маҳжуб.
Ал-Мавсӯъа аз-заҳабийя.
Фотима Маҳжуб. *Ал-Мавсӯъа аз-заҳабийя ли-л-ъулӯм ал-ислāмийя.* I-XXI. – Қоҳира: тарихсиз.

Ал-Хазражий.
Хулāса тазҳīб.
Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Хазражий. *Хулāса тазҳīб Таҳзīб ал-камāл фī асмā ар-ижāл. (Абдулфаттоҳ Абу Жудда).* – Булоқ: 1301 ҳ.й.; – Байрут: 1399/1979.

Халифа ибн Хайёт.
Ат-Табақāт.
Халифа ибн Хайёт. *Китāб ат-табақāт.* (Суҳайл Заккор нашри). I-II. – Дамашқ: 1966–67. Халифа ибн Хайёт. *Китāб ат-табақāт.* (Акрам Зиё ал-Умарий нашри). I-II. – Риёз: 1402/1982.

Халифа ибн Хайёт.
Ат-Тарīх.
Халифа ибн Хайёт. *Ат-Тарīх.* (Акрам Зиё ал-Умарий нашри). – Нажаф: 1386/1967.
Халифа ибн Хайёт. *Ат-Тарīх.* (Суҳайл Заккор нашри). – Дамашқ: 1967–68.

Ал-Хатиб.
Тарīх Бағдāд.
Ал-Хатиб ал-Бағдодий. *Тарīх Бағдāд.* I-XIV. – Қоҳира: 1349/1931.

Хайёт.
Ал-Интисāр.
Абдурраҳим ибн Муҳаммад ал-Хайёт. *Кītаб ал-интисāр ва-р-рад ъалā Ибн ар-Рāвандī ал-мулҳид* (H.S. Nyberg нашри). – Байрут: 1957.

Аш-Шавконий.
Дарр ас-саҳāба.
Муҳаммад ибн Али аш-Шавконий. *Дарр ас-саҳāба фӣ манāқиб ал-қарāба ва-с-саҳāба.* (Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Амрий нашри). – Дамашқ: 1404/1984.

Аш-Шаъроний.
Ат-Табақāт ал-кубрā.
Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад аш-Шаъроний. *Ат-Табақāт ал-кубрā.* I-II. – Қоҳира: 1373/1954.

Аш-Шерозий.
Табақāт ал-фуқаҳā.
Абу Исҳоқ Иброҳим аш-Шерозий. *Табақāт ал-фуқаҳā.* (Эҳсон Аббос нашри). – Байрут: 1401/1981.

Юсуф ан-Набҳоний.
Жāмиъ карāмāт ал-авлийā.
Юсуф ибн Исмоил ан-Набҳоний. *Жāмиъ карāмāт ал-авлийā.* (Иброҳим Атва Иваз нашри). I-II. – Қоҳира: 1381/1962.

Ал-Яъқубий.
Тарӣх.
Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ал-Яъқубий. *Тарӣх ал-Йаъқубӣ.* (M. Th. Houtsma нашри). I-II. – Лейден: 1883; – Байрут: тарихсиз.

Яҳё ибн Маъийн.
Ат-Тарӣх.
Яҳё ибн Маъийн. *Ат-Тарӣх.* (Аҳмад Муҳаммад Нур Сайф нашри). I-IV. – Макка: 1399/1979.

ЎзМЭ
Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. I-XII. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2000–2006.

ЎзР МДА.
Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви.

Ал-Қāмӯс ал-ислāмӣ.
Аҳмад Атийятуллоҳ. Ал-Қāмӯс ал-ислāмӣ. – Қоҳира: 1383/1963.

Қози Абдулжаббор.
Ал-Муғнӣ.
Қози Абдулжаббор ибн Аҳмад. *Ал-Муғнӣ фӣ абвāб ат-тавҳӣд ва-л-ъадл.* (Тоҳа Ҳусайн – Иброҳим Мадкур ва б. нашри). I-XX. – Қоҳира: 1380–85/1960–65.

Қози Абдулжаббор.
Шарҳ ал-усӯл ал-хамса.
Қози Абдулжаббор ибн Аҳмад. *Шарҳ ал-усӯл ал-хамса.* (Абдулкарим Усмон нашри). – Қоҳира: 1384/1965.

Қози Иёз.
Тартӣб ал-мадāрик.
Иёз ибн Мусо ибн Иёз. *Тартӣб ал-мадāрик ва тақрӣб ал-масāлик ли-маърифа аълāм мазҳаб Имāм Мāлик.* (Аҳмад Бакр Маҳмуд нашри). I-III. – Байрут: 1387–88/1967–68.
Иёз ибн Мусо ибн Иёз. *Тартӣб ал-мадāрик ва тақрӣб ал-масāлик ли-маърифа аълāм мазҳаб Имāм Мāлик.* – Работ: 1982.

Ал-Қураший.
Ал-Жавāҳир ал-музийя.
Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қураший. *Ал-Жавāҳир ал-музийя фӣ табақāт ал-ҳанафийя.* (Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳулв нашри). I-III. – Қоҳира: 1393–99/1973–79.
Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қураший. *Ал-Жавāҳир ал-музийя фӣ табақāт ал-ҳанафийя.* – Қоҳира: 1993.
Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қураший. *Ал-Жавāҳир ал-музийя фӣ табақāт ал-ҳанафийя.* – Кароташ: тарихсиз

Ал-Қушайрий.
Ар-Рисāла.
Абдулкарим ибн Ҳавозин ал-Қушайрий.

Ар-Рисāла ал-Қушайриййа. (Абдулҳамид Маҳмуд – Маҳмуд ибн Шариф нашри). I-II. – Қоҳира: 1972–74.

Ал-Ғаззолий.
Иҳйā.
Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. *Иҳйā ъулӯм ад-дӣн*. I-IV. – Қоҳира: 1332/1939.
Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. *Иҳйā ъулӯм ад-дӣн*. I-IV. – Байрут: 1402–03/1982–83.

Ҳадиййа ал-ъāрифӣн.
Исмоил Пошо ал-Бағдодий. *Ҳадиййа ал-ъāрифӣн асмā ал-муаллифӣн ва āсāр ал-мусаннифӣн*. – Байрут: 1951.
Исмоил Пошо ал-Бағдодий. *Ҳадӣйат ал-ъāрифӣн асмā ал-муаллифӣн ва āсāр ал-мусаннифӣн*. I (Муаллим Рифат – Ибн ал-Амин Маҳмуд Камол нашри); II (Ибн ал-Амин Маҳмуд Камол нашри). – Истанбул: 1951–55; – Теҳрон: 1387/1967.

Ҳамидуллоҳ.
Ислом пайғамбари (Islâm Peygamberi).
Муҳаммад Ҳамидуллоҳ. *Ислом пайғамбари (Islâm Peygamberi)*. (Salih Tuğ – Said Mutlu таржимаси). I-II. – Истанбул: 1969.

Ҳаририйзода.
Тибйāн.
Ҳаририйзода Камолуддин. *Тибйāн васāил ал-ҳақāиқ фӣ байāн салāсил ат-тарāиқ*. I-III. Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ, инв. рақам 430–432.

Ҳожи Халифа.
Кашф аз-зунӯн.
Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунӯн ъан асāмӣ ал-кутуб ва-л-фунӯн*. (Муаллим Рифат - Шарафиддин Ялткайа нашри). I-II. – Истанбул: 1360–62/1941–43.

Ал-Ҳоким.
Ал-Мустадрак.
Ал-Ҳоким ан-Найсобурий. *Ал-Мустадрак ъала-с-саҳӣҳайн*. I-IV. – Ҳайдаробод: 1334–42.
Ал-Ҳоким ан-Найсобурий. *Ал-Мустадрак ъала-с-саҳӣҳайн*. (Мустафо Абдулқодир Ато нашри). I-IV. – Байрут: 1411/1990.

Ҳусайн Вассоф.
Сафина.
Ҳусайн Вассоф. *Сафинаи авлиёйи аброр*. I-V. (Сулаймония кутубхонаси. Инв. рақам. 2305–2309).

Ahlwardt. *VAH.*
Wilhelm Ahlwardt. *Verzeichniz der Arabischen Handschriften der Königlichen Bibliothek zu Berlin*. I-X, – Berlin: 1887–99.

AÜİFD.
Ankara Üniversitesi İlâhiyat Fakültesi Dergisi. – Ankara: 1952.

Ar.O.
Archiv Orientalni. – Prague.

BEO.
Bulletin d'Etudes Orientales Institut Français de Damas. – Damas – Beyrouth: 1931.

Brockelmann.
GAL.
C. Brockelmann. *Geschichte der Arabischen Litteratur*. I-II. – Leiden: 1943–49.

Brockelmann.
GAL. Suppl.
C. Brockelmann. *Geschichte der Arabischen Litteratur Supplementband*. I-III. – Leiden: 1937–42.

DMBİ.
Dâ'iretü'l-ma'ârif-i Buzurg-i İslâmî. – Tahran: 1367 ҳ.й.

DİA.
Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. – İstanbul: 1988.
EI² (İng.)
The Encyclopaedia of Islam (new edition). I-XI. – Leiden: 1954–2002.

EI² Suppl. (İng.)
The Encyclopaedia of Islam Supplement. – Leiden: 1980 .

EI (Fr.)
Encyclopédie de l'Islam. I-V. – Leyde: 1913–38.

EI² (Fr.)
Encyclopédie de l'Islam (nouvelle édition). I-XI. – Leiden: 1954–2005.

EI² Suppl. (Fr.)
Encyclopédie de l'Islam Supplement. – Leiden: 1980.

EIr.
Encyclopaedia Iranica. – London: 1985.

HI.
Hamdard Islamicus. – Karachi: 1979.

İA.
İslam Ansiklopedisi. I-XIII, – İstanbul: 1940–88.

Ist.A
İstanbul Ansiklopedisi. I-XI. – İstanbul: 1958–71.

İTA
İslâm-Türk Ansiklopedisi. I-II. – İstanbul: 1941–48.

JSS.
Journal of Semitic Studies. – Manchester: 1956.

JRAS
Journal of the Royal Asiatic Society.

Köksal.
İslâm Tarihi – Mekke:
M. Âsım Köksal. *İslâm Tarihi: Hz. Muhammed (a.s.) ve İslâmiyet, Mekke Devri.* I-VII. – İstanbul: 1987.

Köksal.
İslâm Tarihi – Medine:
M. Âsım Köksal. *İslâm Tarihi: Hz. Muhammed (a.s.) ve İslâmiyet, Medine Devri.* I-XI. – İstanbul: 1987.

MÜİFD.
Marmara Üniversitesy İlâhiyat Fakültesi Dergisi. – İstanbul: 1985.

Oriens.
Oriens. Milletlerarası Şark Tetkikleri Cemiyeti Mecmuası. – Leiden: 1948.

RMM.
Revue du Monde Musulman. – Paris:

Sezgin. ***GAS.***
Fuat Sezgin. *Geschichte des Arabischen Schrifttums.* I-IX. – Leiden: 1967–84.

TDED.
İstanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Türk Dili ve Edebiyati Dergesi. – İstanbul: 1946.

TDV İA.
Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. I-XLIV. – İstanbul: 1988–2013; EK–1, – İstanbul: 2016.

Tecrid Tercemesi.
Ahmed ez-Zebîdî. *Sahîh-l Buhârî Muhtasarı Tecrid-I Sarîh Tercemesi ve Şerhi.* I-III. (trc. Ahmed Naim); IV-XII. (trc. Kâmil Miras), – Ankara: 1970.

UDMİ.
Urdu Daira-i Maorif-i İslamiyye. – I-XXIII. – Lahor: 1964–89.

Pakalın.
Mehmet Zeki Pakalın. *Osmanlı Tarih Deymleri ve Terimleri Sözlüğü.* I-III. – İstanbul: 1946.

WI.
Die Welt des Islams. I-XXII, – Leiden:

Wensinck.
Ал-Муъжам.
A.J. Wensinck. *Ал-Муъжам ал-муфаҳрас ли-алфāз ал-ҳадūс ан-набавū.* I-VII. – Лейден: 1936–69; VIII: *Фаҳāрис.* (тайёр. W. Raven – J.J. Witkam). – Лейден: 1988.

ИСЛОМ
энциклопедияси

«ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»
БЎЛИМИ

Нурислом Тўхлиев
Озодбек Алимов
Аҳмаджон Бобожонов
Маъмуржон Абидов
Аъзамхон Абдураҳмонов
Асқар Яқубжонов

И 98 **Ислом энциклопедияси** [Матн] / – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2020. – 496 б.

Муҳаррирлар Озодбек Алимов,
Аъзамхон Абдураҳмонов
Дизайнер-рассом Асқар Яқубжонов
Техник муҳаррир Умиджон Сапаев

Нашриёт лицензияси АА № 0011. 06.05.2019 й.

10.12.2020 й.да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100$_1$/$_{16}$.
Офсет қоғозига офсет усулида чоп этилди. «Cambria» гарнитураси, кегли 10.
39,99 шартли босма табоқ. 37,7 нашриёт-ҳисоб табоғи.
Адади 25000 нусха. 3467-сонли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти,
111302, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тум., А. Қодирий кўч., 11.

«Kolorpak» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Янгишахар кўчаси, 1А-уй.

ISBN 978-9943-59-267-4